



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**“ФИЛОЛОГИЯНИНГ
УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ –
АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

ISBN 978-9943-4889-2-2



9 789943 488922

Тошкент
“VNESHINVESTROM”
2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**“ФИЛОЛОГИЯНИНГ
УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ**

*ИЛМ-ФАН ФИДОЙИСИ – ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ
ҲАСАНОВ САИДБЕК РУСТАМОВИЧ ТАВАЛЛУДИНИНГ
75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИГА
БАҒИШЛАНГАН*

**РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
(2-китоб, 2-5 шуббалар)**

Тошкент-2020

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

*Мазкур тўплам Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида 2020 йил 28 сентябрь кунини Жиззах давлат педагогика институти жамоаси, ўзбек тили ва адабиёти факультети мумтоз адабиётимизнинг жонкуяр-фидойиси, Республика маънавият марказининг тарғиботчиси, Халқаро Музейлар ташкилоти “ИКОМ” аъзоси, ЎзРФА музейларини мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси, “Адабиёт кўзгуси” илмий тўпламнинг бош муҳаррири, “Мозийдан садо”, “Сино” журналлари таҳрир хайъати Шарқшунослик университетининг “Шарқшунослик”, ЎзРФА Шарқшунослик институтининг “Мерос”, Канада давлатининг International journal “Euro American Scientific Cooperation” журналлари таҳририяти аъзоси ва бир неча илмий кенгашлар аъзоси бўлган, Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени соҳиби, Халқаро Бабтин мукофоти (Қувайт Давлати) ва Бобур номидаги Халқаро мукофот лауреати, филология фанлари доктори, профессор **Ҳасанов Саидбек Рустамович** таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан хотирлаш мақсадида “**Филологиянинг умумназарий масалалари**” мавзусидаги Республика илмий–амалий анжуман материаллари асосида тайёрланди.*

Тўплам адабиётшунос олимлар, изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар ва ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда магистрлар учун мўлжалланган.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти етакчи
илмий ходими, ф.ф.д.
Жиззах ДПИ доценти, ф.ф.н.
Жиззах ДПИ доценти, ф.ф.н.

Жалолиддин Жўраев
Нодира Соатова
Сурайё Эшонқулова

Бош муҳаррир:

Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, ф.ф.н. **Сунатулла Соипов**

Масъул муҳаррир:

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф.д., проф. **Шоира Дониярова**

Тақризчилар:

Жиззах ДПИ доценти, ф.ф.н. **Жамоллиддин Жўраев**
Олий тоифали ўқитувчи, ф.ф.н. **Мадина Матякубова**
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси **Сурайё Дўстова**

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг Илмий-техник кенгаши (5–сонли баённомаси, 23 сентябрь 2020 йил) қарори асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-4235-3-8

©“VNESHINVESTPROM” 2020

*Устоз – отангдан улуг, устоз қадами қутлуг,
Устознинг ҳар каломи илму ҳикматга тўлуг,
Устознинг дили равшан, устоз макони ёруғ,
Униб чиқар, албатта, устоз ташилаган уруғ,
Устоз қадами қутлуг, устоз – отангдан улуг!*



Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени соҳиби, Халқаро Бабтин мукофоти (Кувайт Давлати) ва Бобур номидаги Халқаро мукофот лауреати, филология фанлари доктори, профессор Ҳасанов Саидбек Рустамович

2-шуба

МАТНШУНОСЛИКДА ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН
МУАММОСИНИНГ ЎРНИ

Нурбой Абдулҳакимович Жабборов,
ТДЎТАУ Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор
кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбек матншунослигида шу пайтгача эришилган ютуқлар, шубҳасиз, салмоқли “Хазойин ул-маоний”нинг Ҳамид Сулаймон, “Хамса”нинг Порсо Шамсиев амалга оширган нашрлари, “Чор девон” ва беш буюк дoston илмий-танқидий матнининг яратилиши бунинг далилидир. “Хамса”нинг ҳар бир дostonи юзасидан академик Азиз Қаюмов, улуғ Навоий ижодий методи тўғрисида профессор Абдуқодир Ҳайитметов, ижодкор асарлари қўлғамалари ва шоир асарларини кўчирган хаттотлар ҳақида Муҳаммаджон Ҳакимов ва Қавомиддин Муниров, шоирнинг поэтик маҳорати хусусида Алибек Рустамов ва Ёқубжон Исҳоқов, “Сабаи сайёр” дostonи генезиси, қиёсий типологияси бўйича Саидбек Ҳасанов, буюк адиб меросининг шарқ адабиётида тутган ўрнига оид Суйима Ғаниева, мутафаккир ҳаётига оид манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқига доир Шухрат Сирожиддинов илмий ишлари эришилган ютуқлар кўлами катта эканини кўрсатади. Навоийшунос Ш.Сирожиддинов улуғ шоир асарлари қўлғамалари Э.Блоше, М.Буват, Э.Браун сингари Европа шарқшунослари томонидан ҳам ўрганилгани ҳақида ёзади [5;11].

Ўзбек матншунослиги асосан Алишер Навоий асарлари илмий-танқидий матнларини яратиш негизида ривожланиб келмоқда. Илмий-танқидий матн – матншуносликнинг назарий муаммоларидан энг муҳими, дейиш мумкин. Бу ўринда масаланинг муҳим бир жиҳатига алоҳида диққат қаратиш эҳтиёжи сезилади. Муайян адабий асар таҳлилини амалга оширишда бирламчи манбаларни чуқур ўрганмасдан, асар илмий-танқидий матнини яратмай туриб, ишонарли илмий хулосага келиш имконсиздир. Буни рус матншуноси Д.С.Лихачев ҳам алоҳида таъкидлайди: *“Шу нарса аниқки, матншунослик эришган натижалар аксар ҳолларда адабиётшуносларнинг қўлғамаларни ўрганмасдан айтган энг тўқис хулосаларини ҳам инкор этади ҳамда ўз навбатида янги, қизиқарли ва муфассал асосланган тарихий-адабий умумлашмаларга олиб келади”* [3;34-35]. Илмий-танқидий матн муаммоси, шунга кўра, матншуносликнинг ўзак масаласидир. Айни илмий муаммо билан боғлиқ бўлган *матн танқиди, илмий-танқидий матн* сингари матншуносликнинг таянч истилоҳлари саналади. *Матн танқиди* атамаси рус матншунослигида, айниқса, фаол қўлланган. Б.В.Томашевский фикрича: *“Ҳужжатнинг (адабиётда бадиий матннинг – Н.Ж..) аслиги ва барча қисмларининг унга мувофиқлиги масаласининг ҳал этилиши **матн танқиди** деб аталади. Матн танқидининг аниқ натижалари – ҳужжатдаги (матндаги – Н.Ж.) нуқсонларнинг бартараф этилиши, шунга кўра тор маънода матн*

2-шуба

танқиди деб мавжуд хатоликларни излаш ва аниқлаш ҳамда ундаги камчиликларни аслиятга мувофиқ тузатишига айтилади” [6;148]. Аслиятга мос матнни тиклаш ва нашрга тайёрлаш матн тадқиқининг муҳим хусусиятидир. Матншуноснинг асосий вазифасини Г.Пос мана бундай ифодалайди: “Матн танқиди – асликка даъво қилувчи матндан ҳаққоний, асосли, асл матнни тиклашдир” [4;13].

Мазкур назарий қарашлар таҳлили матн танқиди атамасига аниқ таъриф бериш имконини беради. Демак, муайян адабий асар матнига доир қўлёзмалар генеалогиясини ўрганиш, манбаларни қиёсий таҳлил этиш, матндаги турли сабаблар (котиб, ношир хатоси ёки цензура талаби) боис юзага келган хатоликларни бартараф этиш асосида нуқсонлардан холи, ишончли матнни тиклаш матн танқиди деб аталади.

Илмий-танқидий матн адабиёт тарихини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, мумтоз асарлар қўлёзмаларини ўзаро қиёсий таҳлил этиш негизида аслиятга мувофиқ, ишончли матнларини тикламай туриб, муаллифнинг ижод лабораторияси, асар бадиияти, тасвир методлари каби алоҳида аҳамиятга молик мавзу йўналишларининг бирортаси устида ҳам асосли тадқиқот ишларини олиб бориб бўлмайди. Матншуносликнинг ривожини учун имконият ҳар қачонгидан ҳам кенгайган бугунги кунда буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари илмий-танқидий матнларининг яратилиш тарихини, бу ҳақдаги мавжуд тадқиқотларни, илмий мунозараларни ўрганиш соҳа тараққиёти учун, айниқса, зарур. Улуғ шоир “Хамса”сининг ҳар бир достони илмий-танқидий матни юзасидан амалга оширилган ишларни ўрганиш орқали бу муаммога янада ойдинлик киритиш мумкин. “Лайли ва Мажнун” достони илмий-танқидий матнини яратиш тадрижи бунинг ёрқин мисолидир.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони илмий-танқидий матни биринчи бўлиб 1944 йили профессор Ғуллом Каримов томонидан амалга оширилган. Олим, дастлаб илмий-танқидий матн тайёрлаш принципларини ишлаб чиқади. Иш қуйидаги босқичларда амалга оширилган:

1) “Лайли ва Мажнун”нинг нашр (тошбосма ва босма) нусхалари қиёсий ўрганилиб, замон талаблари нуқтаи назаридан баҳоланган; 2) достоннинг қўлёзма манбалари ўзаро муқояса этилиб, таянч манбалар аниқланган; 3) асарнинг илмий-танқидий матни ҳозирланган.

Достоннинг нашр нусхаларини ўрганган олим мана бундай хулосага келади: ““Хамса”нинг тўлиқ бир неча нашрлари бўлганидек, “Лайли ва Мажнун” достонининг литография ва типография йўли билан босилган бир нечта алоҳида нусхалари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ҳам характер эътибори билан оммавий нашр бўлиб, ҳеч бирида асл Навоий текстларини тиклаш, бугунги маънодаги илмий-танқидий текст ҳозирлаш масаласи вазифа қилиб қўйилмаган. Шундай бўлишига қарамай, уларнинг тажрибаси билан танишиш, Навоий текстларини қандай нашр қилиб келганликларини кўздан кечириб чиқиш “Лайли ва Мажнун” достонини академик нашрга ҳозирлашда фойдадан холи бўлмаса керак” [2;7].

2-шуба

Кўришиб турибдики, олим асарнинг академик нашрини амалга ошириш заруратини таъкидлаган. Бунинг учун эса, аввало, илмий-танқидий матн тайёрланиши керак эди. Акс ҳолда мазкур мақсадга эришиб бўлмаслиги маълум. Сабаби, турли даврларда турлича мақсадлар билан амалга оширилган нашр нусхалар талаб даражасида эмас.

Олим асарнинг қуйидаги нашрларини ўрганган: 1) 1879 йилги Хива литографияси; 2) 1904 йилги Тошкент литографиясида босилган Шомурод котиб кўчирган тошбосма; 3) Амин Умарий ва Хусайнзода тайёрлаган 1941 йилги алоҳида нашр; 4) Садриддин Айний тайёрлаган 1940 йилги “Хамса” таркибидаги ва 5) Умар Боқий амалга оширган 1910 йилги; 6) Хуршид тайёрлаган 1925 йилги; 7) “Хамсаи беназм бонаср” номи билан 1908 йили чоп этилган нашрлар.

Мазкур нашр нусхалар муқоясаси натижасида уларда мавжуд камчиликлар чуқур илмий таҳлил этилган, зарур хулосалар чиқарилган. Олим кўрсатган камчиликларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Котиблар асос қилиб олган нусхалар нуқсонли ва улар матн устида жиддий ишламаган. Тузатиш мумкин бўлган хатоларнинг ўтиб кетгани ва ўнлаб мисраларнинг тушириб қолдирилгани шундан далолат беради.

2. Улардан айримларида “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Хамса”нинг бошқа дostonлари XX аср ўқувчилари савиясига мувофиқлаштирилиб “таҳрир” қилинган. Натижада матн аслиятдан узоқлашган.

Олимнинг бу фикрлари нафақат “Лайли ва Мажнун”, балки “Хамса”нинг бошқа дostonлари илмий-танқидий матнини яратишда ҳам фойдали бўлганини таъкидлаш керак.

Тўғри, Порсо Шамсиев “Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари” деб номланган номзодлик диссертациясида профессор Ғулом Каримов билан айрим масалаларда мунозарага ҳам киришган. Жумладан, у илмий-танқидий матн учун Абдулжамил котиб томонидан китобат қилинган қўлёзманинг олиниши мақсадга мувофиқ эканини эътироф этиш баробарида, 1904 йилги Тошкент литографиясида босилган Шомурод котиб кўчирган тошбосманинг олиниши тўғри бўлмаганини айтади [8;57-63].

Шомурод котиб кўчирган тошбосмани таҳлил этар экан, Порсо Шамсиев бу манбанинг икки камчилигини таъкидлаб кўрсатади: 1) “Хамса”нинг биргина “Сабъаи сайёр” дostonи матнининг 30 еридан 50 байти тушириб қолдирилган; 2) баъзан била туриб, баъзан билмасдан юзага келтирилган фарқлар сони жуда кўп. П.Шамсиев бу фарқлардан энг асосийларини мисол қилиб келтиради. Шунга кўра, олим бу манбани илмий-танқидий матн учун нафақат таянч, қўшимча манба сифатида ҳам олмайди.

Порсо Шамсиев буюк мутафаккирнинг “Хамса”си илмий-танқидий матни устида заҳматли иш олиб борган. Шу жараёнда Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” (Олим Усмон томонидан тайёрланган), “Маҳбуб ул-қулуб” (А.Н.Кононов тузган), “Мезон ул-авзон” (Иззат Султон тайёрлаган), “Ҳайрат ул-аброр” (Тузувчи: Солих Муталлибов), “Лайли ва Мажнун” (Ғулом

2-шуба

Каримов тайёрлаган) сингари асарлари бўйича амалга оширилган илмий-танқидий матнларни таҳлил қилиб, ютуқларини холис эътироф этган, камчиликларини очиқ кўрсатган. “Хамса” дostonлари, жумладан мақоламиз объекти бўлган “Лайли ва Мажнун”нинг Порсо Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матни нисбатан мукамал экани билан алоҳида ажралиб туради.

Порсо Шамсиев навоийшуносликда биринчи бўлиб, Алишер Навоий асарларининг энг ишончли, таянч манба бўла оладиган қўлёмалари буюк шоирнинг ҳаёт чоғида Ҳиротнинг машҳур хаттотлари Абдулжамил ва Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган нусхалари эканини ишончли илмий далиллар асосида аниқлади. Олим фикрича: *“Абдулжамил нусхаси Алишер Навоий “Хамса”сининг таърих эътибори билан, дунё миқёсида ҳозирги кунимизга қадар маълум бўлган энг қадимий қўлёмасидир. Ҳатто қатъий айтиш мумкинки, шоирнинг бевосита назорати остида биринчи оригиналдан кўчирилган дастлабки нусха ёки энг биринчи нусхаларнинг биридир.*

Демак, Абдулжамил котибнинг нусхаси тарихий жиҳатдан шоирнинг асосий оригиналига энг яқин биринчи мўтабар қўлёмасидир” [9;75].

“Сабаи сайёр”даги:

Варақу сатрин айлабон таъйин

Байтини беш минг айладим тахмин, -

байтини келтирган олим мазкур “беш минг байт (10 000 мисра)нинг ҳаммаси бу нусхада мавжудлиги ҳамда шундай катта бир асарда котибнинг механик ва техник хатоси арзимаган миқдорда экани”ни [7.8] ушбу фикрига далил сифатида келтиради.

Олимнинг таъкидлашича, “Хамса”нинг таянч манба вазифасини ўташи мумкин бўлган иккинчи қўлёмаси “Қиблат ул-кутуб” унвони соҳиби Султонали Машҳадий кўчирган нусхадир. Бу машҳур хаттотнинг юксак салоҳиятини ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи ҳам қуйидагича эътироф этган: *“Мавлоно Султонали машҳадликдур. Бугун Хуросонда ва оламнинг аксар билодидида настаълиқ хатида “қиблат ул-кутуб”дир ва китобат мулкининг қаламрави яққалами анга мусалламдур” [9;387].*

Султонали Машҳадий кўчирган нусхани синчиклаб ўрганган Порсо Шамсиев унда биргина “Сабаи сайёр” матнида Абдулжамил нусхасига нисбатан тўрт мисра етишмаслигини ва баъзи бир механик хатолар борлигини аниқлайди. Шунга қарамай, уни таянч манба сифатида олиш мумкинлигини таъкидлайди.

Устоз матншуосларнинг илмий изланишларини, бир-бирлари билан олиб борган мунозараларини ўрганиш натижасида нафақат “Лайли ва Мажнун” ёки “Хамса”нинг тўлиқ матни, балки Алишер Навоийнинг барча асарлари ва умуман, мумтоз адабиётимиз намуналарининг илмий-танқидий матнини яратиш тамойиллари юзасидан қуйидаги илмий-назарий **хулосаларга** келиш мумкин:

1. Илмий-танқидий матн учун кўп нусхани асос қилиб олиш ишни мураккаблаштириб юборади. Бунинг натижасида нусхалараро фарқлар кўрсаткичи ниҳоятда кўпайиб кетиб, фойдаланишни анча қийинлаштиради.

2-шуба

Ишончли илмий-танқидий матни тайёрлаш учун асосан икки-уч таянч қўлёмани танлаш ва улар билан иш кўриш кифоя қилади.

2. Матншунос кўп нусхаларни кўриб, текшириб чиқиши ва улардан энг ишончлиларини таянч манба қилиб олиши зарур. Чаласавод котиблар нусхаларини ҳам олиб, уларнинг барча фарқларини, хатоларини илмий аппаратга киритавериш талаб қилинган илмий-танқидий матни таъмин қилмайди. Матншунос ҳар қандай котиб қўлёмасига танқидий ёндашмоғи керак. Қўлёмалардаги ҳар бир жузъий фарқни илмий аппаратга олавериш ишнинг қимматини оширишга эмас, бунинг зиддига хизмат қилади. Зеро, тузиладиган илмий-танқидий матн барча қўлёмалардаги афзалликларни (майда-чуйда камчиликларни эмас) ўзида мужассам этиши керак.

3. Муайян асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда таяниладиган манбалар қуйидаги тартибда танланиши мақсадга мувофиқ: 1) муаллифнинг дастхат нусхаси; 2) дастхат нусха мавжуд бўлмаса, муаллиф даврида кўчирилган қўлёмаси; 3) муаллиф даврига яқин китобат қилинган манба.

4. Илмий-танқидий матн тузишдан асосий мақсад муайян асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мустаҳкам ва ишончли матнига эга бўлишдир. Бусиз мақсадга эришиш маҳол. Негаки, нуқсонли матн устида нуқсонсиз тадқиқот яратиш бўлмайди. Чала матн устида олиб борилган тадқиқот, қайси йўналишда бўлмасин, ҳеч қачон мукамал бўла олмайди.

Бугун ўзбек матншунослиги соҳаси ривожланиш босқичига кирмоқда. Нафас Шодмоновнинг “Шоҳид ул-иқбол” матнига оид докторлик диссертацияси, Исмоил Бекжоннинг Мутрибий қаламига мансуб “Тазкират уш-шуаро” ҳамда “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” асарлари тадқиқи асосидаги монографияси, Нурғоди Тошевнинг “Жомиъ ул-воқеоти султоний” илмий-танқидий матнига оид тадқиқоти, Қўлдош Пардаевнинг “Ал-Ислоҳ” журнали ва Муқимий асарларига доир илмий изланишлари, Шермуҳаммад Омоновнинг Ҳамза шеърлари қўлёмалари, Отабек Жўрабоевнинг Абдулла Қаҳҳор асарлари илмий-танқидий матни юзасидан амалга оширган ишлари бунинг исботидир. Ғулом Каримов ва Порсо Шамсиев сингари устоз олимларнинг илмий лабораториясига кириш, уларнинг мумтоз бадий матнга ёндашув мезонларини, тадқиқот олиб боришдаги ўзига хос усулларини ўрганиш, шубҳасиз, бу борадаги илмий-назарий тадқиқотлар савияси янада юксалишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиш эҳтиёжи сезилади. Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”сининг аввалги нашрларида, хусусан, йигирма жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”да нашрга тайёрловчилар номи келтирилишидан олдин “Порсо Шамсиев илмий-танқидий матни асосида” деган изоҳ берилгани маълум. Бироқ буюк мутафаккирнинг ўн жилдлик “Тўла асарлар тўплами”да “Хамса”нинг ҳар бир достонига тегишли ўнлаб қўлёмаларни ўзаро қиёслаб, синчиклаб ўрганган, сўзма сўз, керак бўлса, ҳарфма-ҳарф таққослаб чиққан, ишончли ва мустаҳкам матнини тиклаган бу мухтарам олимнинг номи мутлақо зикр этилмаган. Ҳолбуки, илмий этика, илмий маданият энг заҳматли, энг мураккаб ишни бажарган бу мўътабар

2-шуба

олимнинг ҳурмати жойига қўйишни тақозо этади. Ҳазрат Навоий асарларининг кейинги нашрларида буни албатта эътиборга олиш зарур, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, илмнинг муайян йўналиши тарихини ўрганмасдан туриб, уни тараққий эттириш, бу соҳанинг бугуни ва истиқболи ҳақида гапириш маҳол. Шу маънода, устоз олимлар тадқиқотларини чуқур ўрганиш, уларнинг илмий лабораториясига теранроқ кириш, улар илмхонасидан зарур сабоқларни олиш бошқа барча соҳалар сингари матншунослик ва адабий манбашунослик ривожини учун ҳам катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. –Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
2. Каримов Г. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асари критик тексти: Филология фанлари номзоди... дис. –Т.: 1944.
3. Лихачев Д.С. При участие А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург: Изд-во “Алетейя”, 2001.
4. Pos.H.J. Kritische Studien über philologische Methode. Heidelberg, 1923.
5. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. –Т.: Академнашр, 2011.
6. Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959
7. Хамса. Сабаи сайёр. Илмий-критик текст (Тайёрловчи: Порсо Шамсиев). –Т.: ЎзФА, 1956.
8. Шамсиев П. Алишер Навоий “Сабаи сайёр” достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Филология фанлари номзоди... дис. –Т.: 1952.
9. Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Филология фанлари доктори... дис. –Т.: 1970.
10. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. –Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.

2-шуба

**ФАХРИДДИН АЛИЙ САФИЙ КОШИФИЙ АСАРЛАРИНИНГ
ТОШКЕНТ ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИДАГИ НОДИР НУСХАЛАРИ**

**Бахриддин Сафарович Умурзоқов,
ТДШУ Мумтоз филология кафедраси ўқитувчиси,
ЎЗР ФА ШИ катта илмий ходими,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

XV–XVI аср мобайнида Ҳиротда яшаб, ижод этган шоир, етук манокибнавис, Мавлоно Фахруддин Алий Сафий Кошифий, ҳақиқатан, ўз даврида Ҳирот илмий-адабий муҳитининг етук алломаларидан, мумтоз адабиёт вакиллари билан бир ҳисобланади. У ўзига хос ижодий фаолияти ва илмий-адабий мероси билан ўз даври тасаввуф адабиётига муносиб ҳисса қўшган буюк ижодкордир.

Фахруддин Алий Сафий “Сафий” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг манзума қасидалари, шеърий дostonлари, шунингдек, “Рашаҳот айну-л-ҳаёт” асарида юзга яқин рубоий, маснавийлари мавжуд.

Куйидаги асарлар Алий Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: “Рашаҳот айну-л-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғи томчилари”), “Лато-йифу-т-тавойиф” (“Ажойиб лутф сўзлар”), “Анису-л-орифин” (“Ориф зотларнинг ҳамроҳи”), “Ҳирз ул-амон мин фитан ил-замон” (“Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари”), “Фарасномаи Сафий” (“Сафийнинг от ҳақидаги дostonи”), “Одоб ул-асҳоб” (“Биродарлик одоби ёки Биродарлар учун одобнома китоби”), “Лавоих ул-қамар” (“Ойнинг кўринишлари”), “Манзумаи Маҳмуд ва Айоз” (“Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърий дoston”), “Асрори Қосимий”.

Тожикистонлик олим М. Неъматов ўз тадқиқотида Алий Сафийнинг яна бир асари, яъни “Луғати Алий Сафий” (“Алий Сафийнинг сўзлиги”) ҳақида ахборот берган [2;12]. Тожикистон ФА Шарқ кўлёмалари каталогига ёзилишича, мазкур “Луғати Алий Сафий” кўлёмаси муаллифнинг дастхат нусхаси бўлиши мумкин.

Яқинда биз Алий Сафийнинг шу кунга қадар номаълум бўлиб келган яна иккита янги асари кўлёмасини аниқлашга муваффақ бўлдик. Булардан бири ижодкорнинг “Шарҳи Маснавий” асаридир. Мазкур асарнинг ягона кўлёмаси ЎЗР ФА ШИ фондида сақланиб келинмоқда. Иккинчи асар эса “Тухфаи мулук” номли асар бўлиб, бу асарнинг ҳам ягона кўлёмма нусхаси ШИ асосий фондида сақланмоқда. Бу икки асар форс тилида ёзилган. Ҳозирда биз ушбу кўлёмаларни алоҳида, тафсилотли тавсиф ва тадқиқ этишга киришганмиз.

Тошкент кўлёмма фондлари – ЎЗР ФА ШИ асосий фонди, Ҳ.Сулаймонов номидаги кўлёммалар фонди, ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи фонди, Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси кутубхонасида Алий Сафийнинг юқорида номлари келтирилган барча асарларининг ўнлаб кўлёмма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланиб келинмоқда. Биз куйида Фахруддин Алий Сафийнинг Тошкент кўлёмма хазиналаридан ЎЗР ФА ШИ асосий фондида

2-шуба

мавжуд асарлари нодир қўлёмалари тавсифи ва тадқиқи ҳақида қисқача сўз юритамиз. Шунини афсус билан айтиш ўринлики, ижодкор қаламига мансуб мазкур асарларнинг илмий-изоҳли замонавий нашрлари Ўзбекистонда ҳали-ҳамон амалга оширилмасдан келинмоқда.

Алий Сафийнинг шоҳ асари “Рашаҳот”дан кейин иккинчи йирик, муҳим асари, шубҳасиз, “Латойиф ат-тавойиф” асари ҳисобланади.

СВРда бу асар номи لطايف الطوايف «Тонкие слова людей разных категорий», яъни “Турли табақа вакилларининг нозик гўфту гўйлари” шаклида берилган [19;144]. Бу асар ҳам форс тилида ёзилган.

Бу асарнинг ШИда ўн тўққизта нусхаси мавжуд ва улардан баъзиси, масалан, №9333 инв. рақам остида сақланаётган нусхаси сукутлик (аввали йўқ) нусхадир. Асарнинг нусхаларидан бири “Интиҳоб аз Латойиф ит-тавойиф” деб номланган бўлиб, у атиги 13 варақ (26 саҳифа)дан иборат. “Латойиф ат-тавойиф”нинг бу мухтасар нусхаси №4645 инв. рақам остида сақланаётган китобдаги иккинчи асар ҳисобланади.

Тадқиқотимизда асарнинг ШИ қўлёмалар хазинасида №3636/1 рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаланилмоқда. Мазкур қўлёмма 21,5x26,6 см ҳажмда бўлиб, 119 варақ (238 саҳифа)дан иборат. Настаълиқ хатида, ҳар саҳифасида ўн уч сатрдан қилиб матн жойлаштирилган. Котиби Абдуллоҳ Хўқандий. Қўлёмма ҳижр. 1253 сана (мил. 1837 й.)да китобат қилинган.

Асар қуйидагича бошланган (басмала, ҳамд ва салавотдан кейин):

و این رساله یست مسمی بلطایف الطوايف و لطایف بجهار ده باب است و الله ولی الرشاد و منه المبدء و معاد

Шундан сўнг муаллиф асар бобларининг номланишини бирма-бир баён қилган [15,1б-2а]:

و فهرس الابواب باب اول این کتاب در بیان استحباب مزاح و در ذکر بعضی از مطایبهای --- حضرت رسول عالم صلی الله علیه و سلم

Биринчи боб Ҳазрат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаи киромларга, ўз хонадони аҳлларига муборак ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Иккинчи боб* маъсум имомлар – Чаҳорёри киромлардан эшитилган нозик иборалар, уларнинг ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Учинчи боб* подшоҳларнинг ҳикоялари ва ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Тўртинчи боб* амирлар, бекзодаларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Бешинчи боб* сипоҳийлар (ҳарбий одамлар, яъни лашкарбошилар ва аскарлар)нинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Олтинчи боб* фасих ва балиғ, яъни сўзга чечан, гапни топиб гапирадиган инсонларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Еттинчи боб* машойих, уламо, қозилар, фақиҳлар ва воъиз инсон-ларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Саккизинчи боб* олдин яшаб ўтган ҳаким (донишманд) зотлар ва охирги давр ҳакимларининг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан иборат. Мазкур саккизинчи бобда Алий Сафий таъбирчилар ва мунажжимларнинг ўзаро ҳазил-мутойибаларини ҳам нақл қилган.

*Тўққизинчи боб*да шоирларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари; *Ўнинчи боб*да шеър аҳли, яъни шоирларнинг ашъорида ўз аксини топган ажиб ва

2-шуба

ғаройиб бадий лутфлар; Ўн биринчи бобда рижол (яъни, эр кишилар) ва аёлларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари; Ўн иккинчи боб бахил кимсалар, очофат одамлар ва ёш болаларнинг лутф сўзлари ҳақидадир.

Асар қуйидаги жумлалар билан тамомланган [15,119a]:

وصال نشیته ام و انتظاری آن میبرم که کجا باشد که این بار شود منتظر-باش و چشم در بر در دار
و کر نظر را در قنطار نهاد

Асар колофонидаги ёзув [15,119a]:

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب تمام شد این نسخهء شریفه متبرکه ميمون المبارک مسمی بطایف
الظرایف حضرت مولانای جام نوره الله مرقدہ در يد ضعيف نخيف حقير و غريب و شکستهء ناتوان بر تقصير
عبد الله خوقندی جواهری بامر امارت حکومت دستگاہ در روز چهار شنبه در نهم ماه ربیع الثانی سنه 1253
اختتام بزیرفت

هیچ خطی نیست خالی از غلط خط تقدیست خالی از غلط

اللهم اغفر لی و لوالدیه و الاستاذیه و لجميع المؤمنین و المؤمنات و المسلمین و المسلمات امین و رب

العالمین

روزیکه مرگ دامن عمرم رها کنند این خاک تیره بند ز بندم جدا کنند

یارب نگاه دار تو ایمان آن کسی

کین خط من بوسند من را دعا کنند

“Латойиф ат-тавойиф”нинг яна бир нодир қўлёзма нусхаси №3655 инв. рақам билан сақланади. Бу нодир нусха 1278/1863 йилда китобат қилинган, настаълиқ хатида, жами 119 варақ (238 саҳифа)дан иборат. Кўчирувчиси – Мулло Исмоил ибн Мулло Азимбой.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан сўнг) [18,16]:

--- بعد از ادای لطایف تحمیداد الهی و وظایف صلوات حضرت رسالت بناهی علیه و آله صلوة

جنین کوید فقیر بفقیر نسبتی مبادی علی بن الحسین الواعظ الکاشفی المشتہر- با الصفی ایّده الله با لطف
الخفی کہ جون در شہور- سنهء تسع و تسعمائہ بواسطہ تحول روزکار- و تقلب لیل و نہار بعد خلاص و نجات
- از حبس یک سالہ شہر ہرات و یحمل انواع ریاضات و اصناف بلیات بدود ہرات رود بارکہ از جبال

Мазкур нусханинг бошланиши юқоридаги нусха бошланишидан фаркли экани яққол кўриниб турибди. “Асар бошланиши аслиятда қандай ўзи?” деган саволга жавоб топишимиз учун ушбу асарнинг ё дастхат нусхаси лозим ва ё ишончли нусхасидан китобат қилинган қўлёмаси керак бўлади.

Асар қуйидагича тамомланган [18,119б]:

وصال نشیته ام و انتظاری آن میبرم که کجا باشد که این بار شود منتظر-باش و چشم در بر در دار
و کر نظر را در قنطار نهاد

تمت الكتاب بعز الملك الوهاب نسخهء لطایف الظرایف سنه 1278 شد بتوفیق خدای لا ینام این کتابت
روز- جمعه شد تمام علی يد الضعیف یخیف ملا اسماعیل ابن ملا عظیم بای غفر الله تعالی ذنوبهما و ستر
عیوبهما و الله اعلم بالصواب

Қуйидагилар китобнинг ўнг тарафи хошиясида қиялатиб ёзилган [18,220б]:

زانکه من بنده کنه کارم

هر که خواند دعا طمع دارم

بیشتتر- از مرگ میا یان رسید

شکر که این نسخهء بعنوان رسید

Шундан сўнг кейинги, яъни 221a саҳифада басмала ва унинг қуйисида жами олти мисра форсий шеър ёзилган.

2-шуба

Мир Алишер Навоий одамлар таълим-тарбияси, қизиқишлари ва эътиқодига кўра уларни бир неча табақаларга бўлган. Алишер Навоийнинг фикрича, ўттиздан ортиқроқ табақалар бор [6,12].

Алий Сафий “Латойиф ат-тавойиф”да мазкур табақалардан баъзиларининг ўзаро суҳбат, гурунг, мулоқот асносидаги “бадийҳатан” (ҳозиржавоблик билан) айтган гап-сўзларини келтириш билан бирга ўша шахслардан ҳар бирининг маънавий даражаси борлигига ҳам ишора қилган.

“Латойиф ат-тавойиф” Эронлик олим Аҳмад Гулчин Маъоний томонидан муқаддима, илмий-изоҳлар ва кўрсаткичлар иловаси билан нашр этилган [3]. Китоб “Иқбол” нашриёти муҳри билан ЎзР ФА ШИга ҳадя қилинган ва у институт қўлёмалар асосий фондида №22624 рақами билан сақланади. “Латойиф ат-тавойиф”нинг мазкур Эрон нашри билан асарнинг Тошкент қўлёмалар нусхалари матншунослик ва манбашунослигимиз нуқтаи назаридан келгусида, албатта, қиёслаб тадқиқ этилиши лозим.

Умуман олганда, “Латойиф ат-тавойиф” мумтоз адабиётимизда анъана бўлган бадий-тарихий насрнинг йирик намунаси бўлиб, Алий Сафий ижодида ўзига хос ўрин тутди.

2. “Анис ул-орифин” (“Ориф зотларнинг ҳамроҳи”). Бу асарнинг нафақат ШИ қўлёмалар хазинасида ва умуман, Тошкент фондларида қўлёмалар, тошбосма ва ё литографик нашри нусхаси мавжуд эмас.

3. “Ҳирз ул-амон мин фитан ил-замон” (“Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари”). Бу асарнинг ШИ қўлёмалар асосий фондида жами 14 та қўлёмалар нусхаси мавжуд бўлиб, бу асар ҳам форс тилида ёзилган.

Биз тадқиқотимизда асарнинг ШИ қўлёмалар хазинасида №9423 рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаланмоқдамиз. Қўлёмалар хижрий 1098 сана / милодий 1686 йилда кўчирилган. Котиб – Абу Толиб Абдулмалик. Мазкур қўлёмалар нусха 15x24,5 см ҳажмда, 108 варақ (216 саҳифа)дан иборат. Настаълиқ хатида. Ҳар саҳифасида 21 сатрдан қилиб матн кўчирилган.

Асар куйидагича бошланган (басмаладан кейин) [9,16]:

الحمد لله محب الدعوات و رافع الدرجات و الصلوة و السلام على سيدنا محمد و له مظهر الخيرات و مطهر البركات أما بعد جنين كويد فقير بي بضاعت و حقير خالي از استطاعت على بن الحسين الواعظ الكاشفي ابداه الله بالطف الخفي كه اين مجموعه است بر خواص حروف مقطعه قرآني و اسماء حسنى ربانى و سوار و آيات فرقانى كه از نفايس علوم خفيه است و مخصوص است بحضرت كرام اهل نبوت عليهم الصلوة و السلام

4. “Фарасномаи Сафий” (“Сафийнинг от ҳақидаги достони”).

Бу асарнинг нафақат ЎзР ФА ШИда бир дона литографик нашри мустасно, биронта қўлёмалар нусхаси, шунингдек, тошбосма нусхаси ҳам топилмади. Аммо эронлик тадқиқотчи А.Г.Маъоний бу асар қўлёмалар хазинасида ҳақида маълумот берган ва литографик нашри мавжудлигини ҳам айтиб ўтган. “Фарасномаи Сафий” асари форс тилида ёзилган бўлиб, мазкур асар от ҳақида ва айниқса, отлар парвариши билан боғлиқ бўлган бир катор жиҳатларни ўрганишда қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

5. “Одоб ул-асҳоб” (“Биродарлик одоби” ёки “Биродарлар учун одобнома” китоби).

2-шуба

ШИ қўлёзмалар асосий фондида мазкур асарнинг жами саккизта қўлёзма нусхаси мавжуд.

Биз асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №11726 инв. рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаландик. Қўлёзма ҳижр. 1284 сана / мил. 1867–1768 йилда кўчирилган бўлиб, 12,5x20,5 см ҳажмда ва жами 175 варақ (350 саҳифа)дан иборат. Котиб – Мир Файзуллоҳ Тошкандий.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан сўнг) [10,16]:

الحمد لله الذي زين من جزيل عطائه قلوب اوليائه بمحاسن الاوصاف و الأداب و الصلوة على سيدنا الذي بعثه الله ليتم مكارم الاخلاق و ادابه باحسان التأديب في كل باب و السلام على آله و اصحابه المتأدبين --- بأدابه بلا از تياب اما بعد

Қўлёзма колофонидаги ёзув [10,79a]:

تمام يافت اين نسخهء شريف اين غريق بحر عصيان محتاج برحمة ملك منان مير فيض الله تاشكندى روز-يكشنبه از هجرت هزار و دو صد و هفتاد چهار بود اتمام يافت يا ارحم الراحمين يا هادي المضلين فرياد رس زانكه من بنده كنه كارم هر كه خواند دعا طمع دارم

Ушбу варақ тепасида котиб қалами билан 175 ورق, яъни “175-варақ” деган ёзув мавжуд. Аммо қаламда ёзиб қўйилган варақнинг рақами эса 179 кўрсатилган. Бунга китоб аввалида ёзилмасдан бўш қолдириб кетилган тўрт варақ сабаб бўлган. Котиб уларни ҳисобга олмаган.

Асар одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган. У ҳар бири тўрт фаслни ўз ичига олган саккиз бобдан иборат. Асарда инсон одоби мавзуларга ажратилган ҳолда панд-насихат тарзида тушунтириб берилган: *Биринчи фасл – истеъзон* (бировнинг олдига кириш учун изн сўрамоқ), *салом, мусофаҳа* (қўл бериб кўришмоқ), *муъонақа* (сафардан қайтганлар билан кучоқлашиб кўришмоқ) ва *тақбил* (саломга жавоб қайтармоқ) одобидан; *Иккинчи фасл салом бермоқ* одоблари баёнидан; *Учинчи фасл мулоқот одоблари баёнидан; Тўртинчи фасл суҳбат аҳлининг баъзи атвор ва аҳволи зикридан иборат бўлиб*, унда ўн тўрт одоб бор, яъни ухламоқ, либос киймоқ, йўл юрмоқ, отга минмоқ, масжидда ўзини бошқалардан устун қўймаслик ва бошқа кўплаб одоблар баён қилинган.

“Одоб ул-асҳоб” асари XIX асрда Муҳаммад Содиқ Кошғарий томонидан туркий тилга таржима қилинган. Мазкур таржима Тошкентда “Одоб ул-солиҳин” (Солиҳ зотлар одоби) номи билан литографик усулда нашр бўлган. 1895 йилда эса Н.С.Ликошин тарафидан “Одоб ус-солиҳин”нинг рус тилидаги қисқартирилган мазмуни эълон қилинган. 1889 йилда “Лахтин” босмаҳонасида чоп этилган. 1900 йилда мазкур таржима Тошкентдаги “Порцев” матбаасида “Мусулмонликка оид материаллар тўплами” (Сборник материалов по мусулманству)нинг иккинчи жилдида қайта нашр этилган. Мазкур нашрга асосланган рус тилидаги асар матни 1992 йили “Камалак” нашриётида чоп қилинган [5;100].

Мазкур асарнинг бир қисми “Одоб ул-асҳоб”дан деган ном билан замонавий ўзбек тилига таржима қилиниб, тўпламда берилган [1;160б]. Умуман олганда, мазкур асар ҳам бадиий-тарихий насрнинг йирик намунаси бўлиб, Алий Сафий ижодида ўзига хос ўрин тутди.

2-шуба

6. “Лавоих ул-қамар” (“Ойнинг кўринишлари ҳақида”). Асар форс тилида ёзилган.

Бу асар Алий Сафийга тегишлими ёки унинг отаси Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийгами? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асар қўлёзмаларини яхшилаб тадқиқ этиш зарур.

“Лавоих ул-қамар” асарининг ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида учта нусхаси мавжуд бўлиб, аммо картотекада №8312/IV рақам билан сақланаётган нусхасигина қайд этилган, холос.

Асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, у №8312/4 рақами остида сақланади. Биз асарнинг ана шу нусхасидан фойдаландик. Мазкур қўлёзма ҳижр. 1234 сана / мил. 1819 йилда кўчирилган бўлиб, 15x20 см ҳажмда. Хати настаълиқ, ҳар варақда 19 сатрдан қилиб кўчирилган. Асар жами 60 варақ (120 саҳифа)дан иборат. Котиби – Муҳаммад ибн Алий Асғар.

Асар қуйидагича бошланган (китоб номи ва басмаладан кейин) [11,60б]:

---من تصنیفات ملا علی

الحمد لله الذى بيده حكمة ازمنا الاختيار و بفيضه قدرة القدر و الصلوة على رسوله و حبيبه محمد

--- الامين المختار المبعوث بإشارة و

اما بعد از اداء ثناء قادر مختار جلسة العطبة و علمت كلمة كه دست اختيار از تقلد اعمال كارخانه ابداع و مشيت و تقريب در خزانه اسرار قدرت و ارادت او كوتاه است يفعل الله ما يشاء و يحكم ما يريد و ---ىثار انوار ثوابت و سبارات لمن كان له قلب و القى السمع و هو شهيد

جنين كويد حقير فقير حسين على الصفى المشتهر بالكاشفى ايدالله باللطف الخفى كه جون بمدد و ---دسبارى رفیق توفیق---تحقيق رساله كه

Асар матнида ёзилган, аммо кейин *على البيهقى المشتهر بالكاشفى* Асар матнида *ابن* “ас-Сафий” ёзиб қўйилган. Демак, котиб янглишиб, Алий Сафийга унинг отаси Мавлоно Кошифийнинг “Байҳақий” нисбасини берган, аммо кейинчалик бу хатони тузатган кўринади.

Муқаддима аввалидаги “*Чунин гўйад ҳақийр фақийр Ибн Ҳусайн Алий ас-Сафий ал-муштаҳар би-л-Кошифий*” жумласи Алий Сафийнинг услубини эслатади. Чунки унинг барча асарлари мана шундай бир хил услубда, яъни “*Чунин мегўйад...*” деб бошлангани билан диққатимизни тортади.

Асар ушбу жумлалар билан тамомланган [11,119б]:

والله جامع الشمل و يتم النور و اليه تصير الامور وقع الفراغ من تسويده فى تاريخ شهر محرّم --- الحرام سنة 1234 من الهجرة النبوية

Кейин қуйидагилар чап тарафда сурх рангда қиялатиб ёзилган [11,119б]:

حرره العبد الذليل الحقير المحتاج لرب الرحمان محمد بن علي عسكرى الكازرونى سنة الف مائتين ثلثون اربع

Асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №460 инв. рақамда яна бир нусхаси мавжуд бўлиб, мазкур қўлёзма ҳижрий 1305 йилда кўчирилган, 21,5x26,6 см ҳажмда. Жами 127 варақ (254 саҳифа). Котиби номаълум. Қўлёзма ўтган аср бошларида юртимизда “ўрис қоғози” номи билан танилган замонавий қоғозга чиройли настаълиқда битилган.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан кейин) [13,1б-2а]:

2-шуба

الحمد لله الذى بيد حكمته الاختيار- و بفيضه قدرته اغته الاقتدار- و الصلوة و السلام على رسوله و حبيبه محمد الامين المختار المبعوث باشارات دربك يخلق ما يشاء و يختار و السلام على آله الامجاد الاطهار- و صحبه الاخيار ---اصحابى كالنجوم جنين كويد فقير فقير حسين بن على البيهقى المشتهر بالكاشفى ايدده الله با – للطف الخفى كه جون بمدد دوستيارى رفيق توفيق

ШИ қўлёзмалар хазинаси картотекасида ҳам асар муаллифи “Мавлоно Хусайн ал-Воъиз ибн Алий ал-Байҳақий ал-муштаҳар би-л-Кошифий” дир. Қўлёзмада асарнинг Мавлоно Хусайн Кошифийга нисбат берилиши хато бўлган. Чунки Мавлоно Хусайн Воиз Кошифийнинг асарлари рўйхатида бу асар йўқ.

Демак, мазкур нусха кўчирилаётган вақтда котиб томонидан асар муаллифи номи хато ёзилган ёки шундай хатолик мавжуд бир қўлёзмадан китобат қилинган. Зеро, Алий Сафийга “Байҳақий”, “ал-Байҳақий” нисбаларининг берилишига ҳам мана шу хатолик сабаб бўлгани аниқ бўлмоқда. Умуман олганда, мазкур асар ҳақиқатда кимга тегишли экани борасида қатъий ҳулосага келинмагани учун ҳам юқоридаги чалкашлик юзаган келган. Бизнинг фикримизча, мазкур асар шу ҳолатида Алий Сафийга тегишли. Аммо асарнинг қадимий қўлёзмаси – муаллиф даврида китобат қилинган нусхаси топилсагина, асар Кошифийлардан қайси бирининг қаламига мансуб экани аниқ бўлади.

Мазкур нусха ушбу жумлалар билан тамомланган [13,126б]:

بعد از ایشان مراتب هر یکی را بحسب مرتبه ایشان اثری بود هر چند مرتبه اعلی و اکمل باشد --- اختیار در حق وی اتم و اشمل بود والله جامع الشمس و منهم النور و الیه تصیر الامور-

قد وقع الفراغ من تسويد النسخة الشريفة يوم

السبت 3 ذی الحجة الحرام سنة 1305 هجرى الف الف صلوة

Асарда, асосан, инсон, унинг қадр-қиймати, қобилиятлари, феъл-атворлари хусусида батафсил сўз юритилган бўлиб, муаллиф унда инсоннинг илму ирфон, касб-ҳунар, чиройли ахлоқ билан юксак даражалар топиши, аксинча бўлса, қадрсиз бир жонзот ҳолига тушиши мумкинлиги, охир-оқибат аянчли оқибатларга гирифтор бўлиши каби масалаларга кенг тўхталган.

Мазкур асар таълим-тарбия йўналишида бир қатор жиҳатларни ўрганишда қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

7. “Манзумаи Маҳмуд ва Айоз” (“Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърӣ дoston”) ва 8. “Асрор-и Қосимий”. Бу икки асарнинг наинки ШИда ва умуман, Тошкент қўлёзма фондларида ҳозирча қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма ва литографик нашрлари ҳам топилмади. Эронлик тадқиқотчи А.Г.Маъоний “Манзумаи Маҳмуд ва Айоз” ҳамда “Асрор-и Қосимий” ҳақида маълумот берар экан, бу икки асар форс тилида ёзилганлиги, ҳатто “Манзумаи Маҳмуд ва Айоз” асарнинг литографик нашри мавжуд эканини ёзган [4;8].

Баъзи нашрларда Фаҳруддин Алий Сафий Имом Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий (ваф. 1234 й.)нинг “عيون الحقايق و ايضاح الطرائق” “Уйун ул-ҳақойиқ ва изоҳ ут-таройиқ” (Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар изоҳи) асарини арабчадан форс тилига таржима қилгани айtilган [20; 353-354]. Афсуски бу асарнинг ҳам ЎЗР ФА ШИ фондида ва умуман, Тошкент қўлёзма фондларида биронта ҳам қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма ва литографик нашри ҳам топилмади.

2-шуба

Алий Сафий асарларининг Эрон нашрларини ўша асарлар кўлёмалари билан ўзаро қиёслаганимизда, шу нарсага қатъий амин бўлдики, ижодкор асарлари Тошкент кўлёмма нусхалари қадимийлиги, матнларининг тўлиқ экани билан замонавий илмий нашрлардан фарқ қилади. Литографик ва тошбосма нашрларнинг ҳам кўп жойларида чалкашликлар учрайди. Алий Сафий асарлари Тошкент кўлёмма нусхалари мана шу жиҳатдан ғоят катта илмий аҳамиятга эгадир.

Фахруддин Алий Сафий ўзидан бой илмий-адабий мерос қолдирган. Унинг асарлари ўзига хос услубда, маҳорат билан ёзилгани учун ҳам асарларининг юзлаб кўлёмма ҳолида китобат қилиниб, бизгача етиб келгани сўзимизнинг яққол далилидир. Ижодкорнинг эътиқодий, ахлоқий, тасаввуфий-ирфоний қарашлари чуқур акс этган меросини чуқур тадқиқ этган ҳолда илм-у маърифатга чанқоқ халқимизга етказиш галдаги муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Алий Сафий. “Одоб ул-асҳоб”дан. –Б. 89–103 // Аждодларимиз маънавий меросидан. Масъул муҳаррир О.Бўриев. –Т.: Фан, 2014. 160-б.
2. <http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet>.
3. لطائف الطوائف تأليف: مولانا فخر الدين على صفى (متوفى بسال 939)
4. با مقدمه و تصحيح و تحشيه و تراجم اعلام بسعى و إهتمام احمد كلجين معانى از انتشارات اقبال تهران، آذرماه 1336، 424 ص، فهرست لطائف الطوائف: صص-462 – 325
5. Мавлоно Фахруддин Алий Сафий. Латоийф ат-тавоийф. –Техрон, 1373/1953. – Б.8.
6. Мухаммед Садыки Кашгари. Кодекс приличий на Востоке (Адаб ул-салихын). –Т.: Камалак, 1992. 100 с.
7. Навоий Алишер. Ўн беш томлик асарлар. Ҳазоин ул-маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. 1-том. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. –Т., 1963. – Б.12.
8. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фонди №3636/1. – Б. 1^б. (Бундан кейин: ЎЗР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б.1^б. шаклида.)
9. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №11726. – Б.79^а.
10. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №9423. – Б.1^б.
11. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №.11726. – Б.1^б.
12. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №8312. – Б.60^б.
13. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №8312. – Б. 119^б.
14. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №460. – Б. 1^б-2^а.
15. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №460. – Б.126^б.
16. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б. 1^б-2^а.
17. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б.118^б-119^а.

2-шуба

18. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б. 1^б.
19. ЎЗР ФА ШИ. Қ. №3655. – Б. 220^б.
20. СВР АН УзССР, Т.5. – Т.: изд. ФАН, 1960. – С.144.
21. Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. – Самарқанд, 2016. – Б. 353–354.

МУҚИМИЙ ДАСТХАТЛАРИ

Қўлдош Узоқович Пардаев,
ТДЎТАУ Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор
кафедраси доценти,
филология фанлари доктори

Миллий адабиётимиз намояндалари ижодини чуқурроқ тадқиқ қилиш учун, аввало, улар қолдирган адабий меросни тўлиқ тўплаш, шунингдек, дастхатлар ва унга яқин вариантларни аниқлаш зарур. Ўтмишда айрим ижодкорлар асарлари тақдири тўғрисида ўзлари қайғурган, уларни тўплаган, девон тартиб берган. Таассуфки, мумтоз адабиётимиз тараққиёти ривожига катта ҳисса қўшган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари девон тартибида тузилган эмас. Шундай бўлса-да, ХХ аср бошларида тошбосма усулида (1907, 1910, 1912, 1913 йилларда) “Девон” деб аталган шеърлар мажмуаси нашр қилинган [1]. Аммо бу тўртала тўплам ҳам девон тузиш талабларига риоя этилмаган ҳолда тартибланган. Шунинг учун ҳам мазкур тўпламларни “Девон” деб эмас, балки шеърлар мажмуаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Муқимий асарлари турли қўлёзма ва тошбосма баёзларда, санъаткорларнинг ён дафтарларида, адабиёт ҳаваскорлари коллекцияларида, айрим парча қоғозларда турли кишилар қўлида сақланиб келинди. Таъкидлаш жоизки, шоир асарларини йиғиш ва нашр этишда профессор Ғулом Каримовнинг хизматлари катта бўлди. У Муқимий “Асарлар тўплами”ни жами тўрт марта (1958, 1960, 1973, 1974 йилларда) чоп эттирди. Гарчи ўша даврда Муқимий асарларини тўлиқ ва мукамал ҳолда нашр этиш имкони бўлмаса-да, олим шоир адабий меросини биринчилардан бўлиб ўрганди, ўрта ва олий таълим дастурларига, дарсликларига олиб кирди.

Муқимий ҳаёти ва ижоди манбалари юзасидан олиб борилган тадқиқотларда муайян илмий натижалар қўлга киритилган [2;159]. Бироқ шоир адабий меросининг қўлёзма манбалари билан боғлиқ қуйидаги масалалар етарлича ўрганилган эмас: 1) шоир дастхат баёзлари тўлиқ тадқиқ этилмаган; 2) ижодкор адабий мероси манбаларини тўлиқ ўрганиш асосида шоир шеърлари ҳажми ва жанр кўлами аниқланган эмас; 3) шоир асарларининг илм аҳлига маълум бўлмай келган қўлёзма ва тошбосма манбалари таснифи ва таҳлили амалга оширилмаган.

Бизнингча, Муқимий ижодий мероси учрайдиган манбаларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: а) Муқимий дастхат баёзлари, мажмуалар ва

2-шуба

алоҳида варақлардаги шоир дастхатлари; б) шоир замондошлари томонидан тузилган қўлёзма баёзлар ва мажмуалар; в) тошбосма баёзлар; г) архив материаллари; д) вақтли матбуот материаллари ва тўпламлар; е) Пўлатжон Қаюмов асарлари (“Тазкираи Қайюмий”, “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти”).

Мазкур мақолада Муқимий дастхатлари учрайдиган манбалар хусусида фикр юритилади.

Муқимий дастхат баёзлари, мажмуалар ва алоҳида варақлардаги шоир дастхатлари. **7521 рақамли қўлёзма баёз** Муқимий дастхат баёзидир. Бу хусусда профессор Ғулом Каримов сўз юритиб, тўпламда 212 та шеърӣ асар бўлиб, шундан 199 таси Муқимийники эканини таъкидлайди. Лекин олим бу тўпламни шоирнинг дастхат баёзлари сирасига қўшмаган [2; 160]. Абдувоҳид Шокиров эса тўпламдаги шеърлар ҳажмини 212 та деб ҳисоблайди ва улардан 192 таси Муқимийга тегишли эканини қайд этади [3; 167].

Кейинги изланишлар натижасида баёзда 212 та эмас, 228 та шеърӣ асар бўлиб, шундан, 208 таси Муқимий қаламига мансублиги аниқланди.

Мазкур баёз XIX аср охирларида кўчирила бошлаган. Шоир ўзининг турли қўлёзмаларда тарқоқ ҳолда бўлган асарларини жамлаб, яхлит бир мажмуа ҳолига келтиришни мақсад қилган бўлса-да, бироқ бу иш тугалланмай қолган. Ижодкорнинг яна кўплаб шеърлари унга кирмай қолиши, қолаверса, баёзнинг охирида анчагини бўш варақлар қолиб кетгани бу фикрни тасдиқлайди.

Баёздаги баъзи шеърлар муаллиф томонидан қайта-қайта таҳрир қилинган. Шунингдек, бир шеърнинг икки уч хил вариантлари ҳам учрайди. Бундай таҳририй ўзгаришлар қўлёзма баёз саҳифасидаги матнда ҳам, унинг ҳошияларидаги матнда ҳам учраб туради. Мазкур баёзда шоир бирор шеърнинг янги вариантыни, баъзи ғазалларнинг қайта ишланган мисраларини, муҳим бир воқеа ҳақидаги таърихларни ҳошияларга ёзган. Худди шундай ҳолни баёзнинг 4^а, 12^а, 11^а, 13^а, 20^а, 44^а, 45^а, 50^б, 52^б, 56^а, 57^а, 58^а, 62^а, 64^а, 76^б-саҳифаларида учратиш мумкин.

Мазкур баёз хусусида Абдувоҳид Шокиров ҳам фикр билдириб: “Баёзнинг биринчи саҳифасидан 85^а-саҳифасига қадар текстлар бир қўл билан ёзилгани назарга олинганда бу ўзгаришлар бошқа шахс томонидан эмас, шахсан Муқимий томонидан киритилганига шубҳа қолмайди”, [3; 223].

– деб ёзади. Олим баёзнинг фақатгина 85^а-саҳифасидаги матнни Муқимийнинг замондошларидан бири қўқонлик шоир Муҳсиний кўчириб ёзганини бир қанча манбалар таҳлили асосида исботлайди.

Баёзнинг характерли жиҳати шундаки, ушбу манбага таяниб, Муқимий асарлар тўплами нашридаги айрим шеърларнинг аслиятга мувофиқ матнларини тиклаш мумкин. Бундан ташқари, баёзда шоирнинг шу пайтгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган турли жанрларга оид шеърлари учрайди.

Мазкур баёздаги 228 та шеърӣ асардан 208 таси Муқимий қаламига мансуб бўлиб, шундан, 154 та ғазал (9 таси янги), 36 мухаммас (1 таси янги, 4 та ҳажвий), 8 мураббаъ, 4 таърих, 1 та маснаввий, 4 шеърӣ мактуб ва “Саёҳатнома” асарининг “Қўқондан Исфарага” қисми.

2-шуба

1325 рақамли қўлёзма баёз XIX аср охирларида Қўқонда тузилган. Унда XV – XIX асрда ижод қилган шоирлардан Навоий, Амирий, Мухйи, Мухаййир, Фурқат, Завқий асарларидан намуналар берилган. Профессор Ғулом Каримов мазкур баёздаги Муқимий шеърлари ҳажмини 120 та деб кўрсатади. Шунингдек, бу тўпламни ҳам шоирнинг дастхат баёзлари қаторига қўшмайди. Мазкур баёз хусусида олим қуйидаги мулоҳазаларни билдирган эди: “Ҳозирги қўлёзмамизнинг (1325) 264-бетидан 358-бетигача жойлашган бир юз битта шеър “Девон”да (7521 рақамли қўлёзма баёз) қандай тартибда бўлса, худди шундай тартибда, ўзгаришсиз кўчирилган. Бунинг устига у шеърларнинг тексти ҳам бир турли келади, фарқ қилмайди”. [2; 164].

Баёз Муқимийнинг ўз асарлари устида олиб борган таҳрири борасида ҳам қимматли маълумотларни берадики, шу пайтгача мутахассислар бу масалага эътибор қаратган эмас.

Кейинги илмий изланишлар натижасида мазкур баёздан шоирнинг Ғ.Каримов таъкидлаганидек, 120 та эмас, 127 та шеър асари ўрин олгани аниқланди. Уларнинг жанр таркиби қуйидагича: 101 та ғазал (3 таси янги, 4 таси такрорий), 17 мухаммас (8 таси ҳажвий), 3 мураббаъ, 4 та маснавий, 1 шеър мактуб ва “Саёхатнома” (Қўқондан Исфарага қисми). 7521 рақамли дастхат баёздаги 110 та шеър бу тўпламда шоир таҳриридан сўнг қайта кўчирилган.

Мазкур баёзда “Чойфуруш”, “Московчи бой таърифида”, “Воқеаи Бектур”, “Дар мазаммати замона” каби шеърлар матни аслиятга мувофиқ берилган. “Дар мазаммати замона” сарлавҳали шеър Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 10 байт. Баёзнинг 120^{а-б} - саҳифасида эса 17 байт ҳолда келади. Тушириб қолдирилган 7 байт кучли танқидий руҳдалиги сабабли нашрга киритилмаган.

Адабиётшунос Отабек Жўрабоев Муқимий асарлар тўпламида учрамайдиган бир ғазал матни ҳақида: “Чўнтак баёзнинг 33^{а-б}, 34^а-варақларида яна бир нотўлиқ ғазал бўлиб, Муқимий асарлари нашрларида учратмадик. Ғазалнинг кейинги 5 байти сақланган бўлиб, бош қисми кўчирилган варақлар йўқолган,” [4; 59]. -дея фикр билдириб, ғазал матнини келтиради. Ушбу ғазалнинг тўлиқ вариантыни 1325 рақамли баёзнинг 73^б-саҳифасида ўқиймиз. Ғазал 6 байт бўлиб, матлаъси қуйидагича:

Бу муборак сайрдин, эй шўх, рухсоринг керак,

Халқ мақсуди тамошо, менга дийдоринг керак.

9309 рақамли қўлёзма баёз ҳам Муқимий дастхатида кўчирилган. Баёзнинг биринчи саҳифасидаги маълумотга кўра, 1893 йил Қўқонда кўчирилган. Адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов баёз ҳақида мана бундай ёзади: “Муқимий томонидан тузилган баёзни (9309) Қўқон баёзчилигининг гўзал намунаси сифатида келтириш мумкин. Муқимий бу баёзни XIX асрнинг охирларида дўсти Обиджон Аълам учун тузган” [5; 96]. Тўпламда Жомий, Навоий, Бедил, Гулханий, Фазлий, Амирий, Машраб, Хижлат, Муқимий, Қорий, Фурқат, Завқий, Мухаййир сингари кўплаб шоирлар шеърларидан намуналар берилган. Унда Муқимийнинг 10 та (9 ғазал, 1 мухаммас) лирик

2-шуба

шеъри ҳамда 1 та сатирик характердаги асари мавжуд. Тўплам охирида бир ҳужжат илова қилинган бўлиб, унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов, шоир Асқарали Ҳамроалиев – Чархий, Муқимийнинг жияни Рўзимухаммад Дўстматовлар Обиджон Аълам илтимосига кўра Муқимий томонидан тузилганини тасдиқловчи имзо қўйганлар [2; 62]. Бу факт мазкур баёзнинг котиби Муқимий эканини кўрсатади.

Ғ.Каримов 9309-рақамли қўлёзма баёз хусусида бундай ёзади: “Китобда учрайдиган Муқимийнинг 10 та асари шоирнинг ўз қўли билан ёзилган автографдирлар, бинобарин улар энг ишончли ва мўътабар ҳужжат сифатида қабул қилиниши керак” [2; 63].

7688 рақамли қўлёзма баёзда Муқимий шеърлари ўз дастхатида кўчирилган. Унда Жомий, Навоий, Амирий, Мухйи, Муқимий шеърларидан намуналар учрайди. Баёз қаттиқ, қизил нақшли муқовага олинган. Матнлар Кўқоннинг шалдироқ қоғозида жадвал ичида қизил, қора, кўк сиёҳларда кўчирилган. Шеър текстлари майда настаълиқ хатида битилган. Сақланиши яхши эмас, баъзи варақлари йиртилган. Баёз XIX аср охирида Кўқонда тузилган бўлиб, тугалланмай қолган. Унинг бир неча варақлари бўш ҳолда учрайди (127-128-129, 130-131-132-133-бетлар). Тадқиқотчини чалғитадиган томони шундаки, баёз охирида ҳижрий 1327 йил (милодий 1909 йил) санаси билан Соҳиб мулла Обидхон деб имзо қўйилган. Бундан маълум бўладики, кейинчалик Соҳиб мулла Обидхон баёзни турли жанрдаги шеърлар билан тўлдиришни мақсад қилган.

Муқимийнинг фанга маълум дастхатларини мазкур баёздаги шеърлар билан қиёслаш натижасида шеърларнинг аксарияти шоир дастхатида ёзилгани маълум бўлди. Баёзда шоирнинг 39 та шеърий асари бўлиб, шундан: 32 таси ғазал (1 таси янги), 3 таси мухаммас (1 таси янги), 3 таси маснавий ва 1 таси мураббаъдир (ҳажвий мазмундаги: “Хон акам”, “Баччағар” радифли, “Уруғ”, “Танобчилар”, “Тўй”, “Шикояти безгак”, “Шамол”). Жумладан, “Танобчилар” сатираси матни 7688 рақамли баёзда тўлиқ ҳолда 37 байт бўлиб келади. 5736 рақамли қўлёзма ва 309, 317 рақамли тошбосма баёзларда эса 33 байт шаклида учрайди.

Бундан ташқари, баёзда Муқимийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган шеърлари ҳам мавжуд. “Девонамен” (9 байт) радифли ғазали ва Амирий ғазалига тахмис қилинган “*Ногаҳ, эй масту тагофил нетар аз руйи карам*” - мисраси билан бошланувчи 7 бандли мухаммаси шулар жумласидандир.

49.4100 рақамли қўлёзма баёз. Муқимий “Чўнтак баёз”и бўлиб, унда шоирнинг ўз шеърларидан ташқари, Машраб, Амирий, Муқимий сингари салафлари ва замондошларининг ғазал, мураббаъ, мухаммас жанрларига мансуб шеърлари мавжуд. Манбада жами 20 та шеърий асар мавжуд бўлиб, улардан 19 таси Муқимий дастхатида кўчирилган. Булардан 16 шеър шоирнинг ўзиники бўлиб, 3 таси ғазал, 4 таси мураббаъ ва 9 таси мухаммас жанрида. Мухаммаслардан 5 таси Муқимийнинг Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Саққойи Бухорий, Амирий, Фурқат ғазалларига тахмисларидир. Шеърлар

2-шуба

кўкиш, кизғиш фабрика қоғозига қора сиёҳ билан чиройли ва ўртача настаълиқ хатида кўчирилган. [6; 11,59]. Баёз 39 варақ (79 бет). Баёздаги 10 та Муқимий дастхатида кўчирилган шеър ҳақида илк бор адабиётшунос А.Шокиров маълумот берган эди [7; 267].

230.4046 рақамли “Манзумоти форсий” сарлавҳали кўлёзма мажмуа бўлиб, унда форсий ва туркий адабиёт намояндаларининг ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий, муаммо, фард жанрларидаги шеърий асарлари мавжуд. Матн Кўқон қоғозига чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Кўлёманинг 73-, 74-, 76-, 77-, 128-, 185-, 189-саҳифаларида Муқимий дастхатлари учрайди.

14.4078 рақамли кўлёзма Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг” кўлёзма китоби бўлиб, 1074 йилда ибн Муҳаммадмуқим Асрорий томонидан қора сиёҳ билан таълиқ хатида кўчирилган. Кўлёманинг 1-, 88-, 90-, 91-, 92-, 93-, 94-, 95-, 101-, 219-, 220- варақларида Муқимий дастхатлари аниқланди. Улар китоб ҳошияларида бўлиб, Амирий, Мажруҳ ва Муқимийнинг ўз шеърларидир. Мазкур кўлёмандаги Муқимий дастхатидаги 2 та шеър ҳақида адабиётшунослар Ҳ.Зарифов О.Жўрабоевлар ҳам маълумот берган[8; 267].

7050 рақамли кўлёзма Юсуф Байзовий қаламига мансуб “Рисолату-ш-шамсия фи-л-қавоиди-л-мантиқия” асари нусхаларидан бири. Унинг 244^а-варағида Муқимий дастхатида Турсунхўжа эшон вафотига бағишланган таърих жанрида ёзилган бир шеър учрайди. Кўлёманинг 243^б-варағида қора сиёҳ билан настаълиқ хатида куйидагича маълумот берилган: “Мантиқ илмига оид кўлёзма китобдаги “Дар таърихи вафоти Турсунхўжа эшон” сарлавҳали шеър шоир Муқимийнинг ўз дастхати эканини тасдиқлайман. Ўзбекистон халқ шоири Асқарали Ҳамроали ўғли Чархий. Хўқанд. 14.02.1978”.

Алоҳида варақларда Муқимий дастхати билан ёзилган шеърлар Кўқон Адабиёт музейи жамғармасида 10 дона бўлиб, улар турли воқеа-ҳодисалар муносабати билан ёзилган таърихлар ва шоирнинг бошқа шеърий асарларидан иборат.

Бу ҳақда адабиётшунос Отабек Жўрабоев ҳам куйидагича мулоҳаза билдирган эди: “Алоҳида варақларда Муқимийнинг 1902 йил декабрда юз берган Андижон зилзиласига таърихи (сақланиш рақами 87/1, нотўлиқ), бир масжид қурилишига таърих (сақланиш рақами 95, хуснихат), жияни Рўзимухаммад Дўстматовга аталган “Бор эди” радибли мухаммас (тўлиқ), “Учради ногоҳ” радибли (сақланиш рақами 96/2, 4062, нотўлиқ), “Соғиндим” радибли (сақланиш рақами 1139, нотўлиқ, “Қани” радибли (сақланиш рақами 203.4981, тўлиқ), “Айладинг” радибли (сақланиш рақами 109.4136, тўлиқ), “Ҳикоят” сарлавҳали (сақланиш рақами 203.5881, тўлиқ) ғазаллари шоирнинг дастнавислари сифатида сақланмоқда” [9; 13].

Умуман олганда, Республикамиз кўлёзма фондларида сақланаётган Муқимий дастхат баёзлари қиёсий таҳлили натижасида шоирнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган асарлари аниқланди. Мазкур дастхат

2-шуба

баёзлардаги шоир асарлари Муқимий асарлари илмий-танқидий матнини тайёрлашда муҳим илмий қимматга моликдир.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. ЎзР ФА ШИ, №10119; №309; №318; №236.
2. Каримов Ғ. Муқимий ижодий меросининг манбалари. Муқимий. (Асарлар тўплами). – Т.: Бадиий адабиёт, 1960, II том.
3. Шокиров А. Муқимий дастхат баёзида Фурқат ғазаллари // Адабий мерос. –Т., 1988, 4-сон .
4. Жўрабоев О. Муқимийнинг “Чўнтак баёзи” // Гулистон. 1999.№2.
5. Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи (Нашрга тайёрловчи О.Қосимхўжаев) Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т.: Фан, 1976.
6. Жўрабоев О. Муқимий дастнавислари ҳақида // Адабиёт кўзгуси, 2000.№5; Муқимийнинг “Чўнтак баёзи” // Гулистон. 1999.№2
7. Шокиров А. Муқимийнинг янги топилган автографлари // Адабий мерос, 1971. №2 .
8. Зарифов Ҳ. Муқимий. Ҳаёти ва ижоди ҳақида материаллар. –Т.: Фан, 1955. -Б.44.
9. Жўрабоев О. Муқимий дастнавислари ҳақида // Адабиёт кўзгуси, 2000. №5.

“ҚИССАИ САЙҚАЛИЙ” ДОСТОНИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА

Сунатулла Норматович Сойилов,

*Жиззах ДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультети декани,
филология фанлари номзоди*

Манбалардаги маълумотларга қараганда, Собир Сайқалий 1730 йили Ҳисорда туғилиб, 1798 йили вафот этган. У ўз даврининг фозил кишиларидан бўлган. Собир Сайқалийнинг, айниқса, диний илмларни пухта эгаллаганлиги асарлари моҳиятидан ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Бой шеърый мероси Собир Сайқалийнинг тараққийпарвар ва илғор ғояларни куйлаган ижодкор эканлигини кўрсатади. У яшаган даврда Ўрта Осиё хонлиқларининг ўзаро курашлари натижасида халқ қашшоқлашган, жаҳолат кучайган, таассуб оқибатида тараққиёт ўз ўрнини таназзулга бўшатиб берган эди. Сайқалийнинг ижодида маърифат ғояларининг етакчи ўрин тутиши сабаби ҳам шунда эди. Бинобарин, давр ижодкор зиммасига улкан вазифаларни юклаган, бу вазифани бажариш эҳтиёж даражасига кўтарилган эди. “Қуруқ зоҳид каби бекор ўткарма, ки ишқ ўтига куйгандан дам урма” сингари мисралари Сайқалийнинг ижодкор сифатидаги тутумини акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бизгача Собир Сайқалийдан бой адабий мерос етиб келган. Шоир асарлари унинг ҳаётлик давридаёқ шуҳрат топиб, котиблар томонидан кўплаб

2-шуба

нусхада кўчирилган. Кейинчалик бу мерос бир неча бор нашр этилган. Сайқалий асарлари нафақат республикамиз қўлёзма фондлари (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Кўкон адабиёт музейи, Самарқанд Давлат университети хазинаси), балки хорижда ҳам сақланаётганлиги (Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург бўлими) ҳақида маълумотларга эгамиз [1;57].

Собир Сайқалий асарлари орасида энг кўп тарқалгани унинг «Қиссаи Сайқалий» асаридир. Асар қўлёзмаларидан бири Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида № 77 рақами билан сақланади. Бу қўлёзманинг китобат санаси 1274 хижрий (1858 милодий) йил бўлиб, уни Мулло Абдулкарим валади мулла Муҳаммад Ҳиротий “Эшони калон” девонхонасида таҳрир қилган. Демак, бу қўлёзма Собир Сайқалий вафотидан 60 йил ўтгач кўчирилган. “Қиссаи Сайқалий” достонининг кейинги нусхалари шу қўлёзма асосида кўчирилган бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Қўлёзма 17X27 см. ҳажмга эга бўлиб, муқоваси замонавий. Китоб таъмирланган. Қўлёзма дастлаб Алишер Навоий юбилейи кўмитаси мулки бўлиб келган (254 инв. рақам). Кейинчалик Қўлёзмалар институти, ҳозир эса Адабиёт музейи фондига ўтказилган. Асар 604 саҳифани ташкил этган. Матн 9X18 см. ҳажмда икки устун қилиб, қора сиёҳда настаълиқ хатида йирик ҳарфлар билан кўчирилган. Сарлавҳалар сурҳда. Қўлёзма бут, сақланиши яхши. Қўлёзманинг бошланиши:

صفاتی ظاهر و ذاتی نهانه

جهات سیز دور آئین جمله جهانہ

ثنا اول پادشاه لا مکانہ

مکان سیز دور آئین کون مکانی

Қўлёзманинг охири:

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب فى شهر رمضان المبارك 1274 سنة بود كه تحریر- یافت فقیر الحقیر ملا عبدالکریم ولد ملا محمد هراتی بديوانخانه ایشان کلان تحریر- یافت

“Қиссаи Сайқалий”нинг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги яна бир қўлёзма нусхаси 53 инвентар рақами остида сақланиб келмоқда. Бу нусха 510 саҳифадан иборат бўлиб, 1357 хижрий йили номаълум котиб томонидан йирик настаълиқ хатида қора сиёҳ билан кўчирилган. Сарлавҳалар кизилда. Баъзи ўринларда сарлавҳалар учун ўрин қолдирилган. Бу қўлёзма мулла Шоҳяъқуб домла мулки бўлганлиги ҳақида муқовада қайд бор.

Қўлёзмага Алишер Навоий номидаги музей мулки эканлигини тасдиқловчи муҳр ҳам босилган.

Қўлёзманинг бошланиши:

صفاتی ظاهر و ذاتی نهانه

جهات سیز دور آئین جمله جهانہ

ثنا اول پادشاه لا مکانہ

مکان سیز دور تن کون مکانہ

Қўлёзманинг охири:

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب اللهم افتح لنا بالخير و اجعل عواقبته كلها الى الخير و توفنا مسلمين و الخقنا بالعالمين. راقمه على يد الحقیر احقر المخلوقات و ضعيف العباد. تمت سنة ۱۳۷۸

2-шуъба

Мазкур икки қўлёзманинг бошланиш матнини қиёсий ўрганишнинг ўзиёқ ҳар бир қўлёзмада не чоғлик ўзгаришлар ва уларда анчагина матний тафовутлар борлигини кўрсатади.

Жумладан, мазкур 77 рақамли ҳамда 53 рақамли қўлёзмалар ўртасида қуйидаги фарқлар мавжуд:

| | |
|--------|---------|
| 77 да | 53 да |
| پادشاه | پادشاهی |
| أئین | تن |
| مکانی | مکانه |
| جهانه | جهانی |

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай фарқлар асарнинг бошқа қўлёзма ва тошбосма нусхаларида ҳам учрайди. Уларда сўзларнинг ўзгариб кетиши билан бирга муаллиф матнига сезиларли қўшимчалар киритилган. Котиблар, ноширлар томонидан асосий матнга бундай таҳрирлар киритилиши Собир Сайқалий достонининг аслиятига яқин матнини тиклаш заруратини кун тартибига қўяди.

Асар дастлаб 1905 йили Қозонда Исмоил Шамсиддинов томонидан “Девони Сайқалий” номи билан нашр қилинган [3]. Китоб 296 саҳифадан иборат. Матнлар икки устун қилиб жойлаштирилган.

Бошланиши:

| | |
|--------------------------------------|------------------------------|
| صفاتى ظاهر و ذاتى نهانه | ثنا اول بار شاه لا مكانه |
| جهات سيز دور ز ايتان در جمله ء جهانى | مکان سيز دور ايتان کون مکانى |

Охири:

| | |
|----------------------------------|--------------------------------|
| محرم ز آيغه قيلديم انتھاسين | رجب دين ز ايلاب ايردم ابتداسين |
| ز خيال برله زارادين اوتى اوج ييل | ديمه حل بولدى يتى آيغه مشكل |
| كى آدينه كونيكه بولدى تمت | خداوندى جهان ايلاب عنایت |

Бу нашрни Адабиёт музейидаги 77 рақамли қўлёзма билан солиштириш натижалари матнни нашр қилишда унга анча ўзгартиришлар киритилганини кўрсатади [4]. Бу тафовутларларнинг айримлари қуйидагилардир:

| | |
|--------------|--------------|
| 77 да | нашрда |
| ظاهر | ظاهره |
| جمله ء جهانى | جمله ء جهانى |
| أئین | ز ايتان |

Китобнинг охиридаги матн ҳам қўлёзмадан жиддий фарқ қилади ва муаллиф матнидан четлашишга, ҳатто мазмун ўзгаришигача бўлган хатоларга йўл қўйилган. Эътибор беринг:

| | |
|---------|----------|
| 77 да | нашрда |
| باشلاب | ز ايلاب |
| آيده | ز آيغه |
| خيالى | ز خيال |
| آراده | ز آرادين |
| سه شنبه | آدينه |

2-шуба

Сайқалийнинг бу асари Ҳувайдонинг “Роҳати дил” асари билан бирга Қозонда 1906 йили Шамсуддин Ҳусайн томонидан иккинчи бор нашр этилган. Бу нашр 429 саҳифани ташкил этган.

Собир Сайқалийнинг «Қиссаи Сайқалий» асари 1907 йили Тошкентдаги В.М.Илин матбаасида Мулла Акмалхон Исломбой ўғли томонидан ҳам чоп этирилган [5]. Бу нашр 408 саҳифадан иборат. Айни шу асар Ғ.Ҳ.Орифжонов литографиясида Мулла Акмалхон Исломбой ўғли томонидан ҳам нашр қилинган [6].

Шундай қилиб, Собир Сайқалийнинг “Қиссаи Сайқалий” асари 1904-1907 йиллар мобайнида Қозон ва Тошкент матбааларида беш бор чоп этилган.

Мазкур нашрлар Мулла Муҳаммад Зуфар, Мулла Абдулмажид Абдулвосеъ ўғли, Мулла Абдурауфхожи саъй-эҳтимоми, харажатлари билан чоп этилган бўлиб, қўлёзмаларни Абдулхамидқори Алибой сингари хушнавис котиблар кўчирган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Собир Сайқалийнинг мазкур чоп этилган асари турли ҳажмда, турли нусхаларда, баъзан асар мукамал ҳолда, айрим ҳолларда эса қисқартириб чоп этилган. Муҳими, Собир Сайқалий асарининг мазкур нашрлари халқ орасида оммалашиб, кенг тарқалган, ўқувчилар томонидан севиб ўқилган.

Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари устида олиб борилган илмий тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

“Қиссаи Сайқалий” достони Собир Сайқалий асарлари орасида энг кўп тарқалганидир. Асарнинг Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида 77 ва 53 инв. рақамлари остида сақланаётган икки қўлёзма нусхаси, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИДа сақланаётган 50 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма вариантлари, В.М.Илин ҳамда Ғулом Ҳасан Орифжонов литографияларида қайта-қайта чоп этилган тошбосма нусхалари кенг тарқалгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Қўлёзмаларни ўзаро муқояса этиш уларда кўплаб матний тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. Бизнингча, 77 рақамли қўлёзмани таянч нусха сифатида белгилаш мумкин. Чунки, биринчидан, қўлёзманинг мукамаллиги, қадимийлиги ва тўлиқлиги жиҳатидан у муаллиф матнига яқин нусхадан кўчирилган бўлиши ҳақиқатга яқин. Иккинчидан, дostonнинг баён тартиби ва услуби, қўлёзма матнининг бошқа кейин кўчирилган нусхалар билан аксарият ҳолларда монандлиги, китобат даражасининг афзаллиги ҳамда қўлёзма матнида қусурларнинг нисбатан камлиги бунга асос бўлади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Сайқалий Собир. Баҳром ва Гуландом. –Т.: 1960.
2. Расулов Х. Ўзбек эпик шеърлятида халқчиллик. –Т.: Фан, 1972.
3. Адабиёт музейи. 522 инв. рақами.
4. Адабиёт музейи. 77 инв. рақами.
5. Шарқшунослик институти фонди. 173 инв. рақами.

2-шуба

6. Шарқшунослик институти фонди. 172 инв. рақами.

АСЛИЯТ БАДИИЯТИНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

**Тўлқин Хайриддинович Сайдалиев,
ЎзР Миллий гвардия ҳарбий-техник институти
Ҳорижий тиллар кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Ўзбек мумтоз адабиёти радиф, қофия, ҳожиб, зулқофиятайн, такрор, ташбех, ўхшатиш, тазод, тажнис, ийҳом, мувозана, тарсеъ, ружу, талмеҳ каби қатор шеърий санъатларга бойдир. Хусусан, шеърий намуналарнинг бир байтида ўнга яқин шеърий санъат қўлланилган ғазаллар бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги матлаъ билан бошланган ғазали адабиёт ихлосмандларига яхши таниш:

*Сендек манга бир ёри жафакор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас [1;116].*

Шоир мазкур байтда радиф, қофия, ҳожиб, тарсеъ, мураббаъ қофия, мураддаф, мувозана, ташбих, тазод, сифатлаш каби шеърий санъатларни қўллаган.

Остки-устки мисралардаги сўзларнинг бари оҳангдошдир. Нафсиламбирини айтганда, бундай оҳангдошлик сўзларнинг радифдошлиги, қофиядошлиги ҳамда ҳожибдошлиги натижасида ҳосил бўлган. Байтнинг бу хусусияти унда тарсеъ санъати қўлланилганлигини кўрсатади: *сендек – мендек, манга – санга, ёри – зори, жафакор – вафодор, топилмас – топилмас.*

Эътибор берсангиз, байтда бир эмас, икки эмас, балки тўрттадан сўз қофиядош. Бу ҳолат ўз навбатида шоир мураббаъ қофия санъатини қўллаганлигини кўрсатади. Мисраларда “бир–бир” сўзларининг остинма-устун қофиялар орасидаги такрори шоирнинг ҳожиб санъатини ишлатганидан далолат беради.

“Топилмас” сўзининг ҳар бир мисра охирида такрор қўлланилиши мураддаф шеърий санъатидан далолатдир.

Байтда остинма-устин турган сўзларнинг вазндошлиги мувозанатини таъминлайдиган санъат – мувозанадир. Буни “мендек-сендек” сўзларини жуфтлаштириб ўқиганда кўринади.

Бундан ташқари, байтда ташбех, тазод ва сифатлаш каби шеърий санъатлар ҳам қўлланилган. Жами саккизта шеърий санъат қўлланган бу байтни бемалол Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳбайти деб эътироф этиш мумкин. Зеро, ундаги шеърий санъатлар лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, изтиробларини ўқувчига етказишда ўзига хос назокатни таъминлаган.

2-шуба

Аслиятда шоир кўллаган шеърий санъатларни таржимонлар ўз она тилларига ўгираётганда қандай йўл тутганлар? Юқорида келтирилган байтни рус тилига ўгиришда мутаржим қандай муаммоларга дуч келган? Шеърий санъатларнинг ҳаммасини ҳам аслиятдагидек ўгиришга муваффақ бўлганми?

Бобурнинг мазкур матлаъ билан бошланадиган ғазалини атоқли рус таржимони Р. Д. Моран рус тилига ўгирган. Биз бу ерда фақатгина таржима қилинган ғазалнинг матлаъси билан чекланамиз:

*Возлюбленной вздорней, капризней чем-ты, - не найти,
Тебе же – покорней раба красоты не найти* [2;113].

Таржимон шоир аслиятда кўллаган шеърий санъатларнинг ҳаммасини ҳам таржимон рус тилида қайта ярата олмаган. Хусусан, тарсеъ, ҳожиб, мураббаъ қофия, мувозана санъатларини рус тилида бера олмаган. Лекин мутаржим бор маҳоратини ишга солиб радиф (*не найти*), қофия (*чем ты–красоты*), тазод (*возлюбленной вздорней, капризней – покорней раба*), зулқофиятайн (*вздорней, капризней – чем-ты–не найти– покорней раба красоты– не найти*) каби шеърий санъатларни ўз она тили имкониятларидан келиб чиқиб ярата олган.

Бу ҳолни ўзбек ва рус тилларининг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин. Чунки ўзбек тили ва рус тилининг имкониятлари ҳар хилдир. Бу эса, шеърий асарларни, айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини Европа тилларига, хусусан, рус тилига таржима қилишда муайян муаммоларни келтириб чиқаради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини чет тилларга таржима қилаётган мутаржим қатор муаммоларга учраши табиий, чунки шоир ижодий мероси унинг ҳаётидаги реал воқеа-ҳодисалар, шахслар, шаҳарлар, жой номлари билан боғлиқдир. Ғазал ва рубоийларидаги воқелик ва реал шахсларнинг номлари аниқ воқеа-ҳодисалар натижасида инъикос этгани шубҳасиздир. Бироқ мутаржимлар ҳамма вақт ҳам бу ҳодисаларни англай олмай, ўз она тилларида аслият воқелигидан мутлақо мавҳум воқеликни кўрсатишади. Бундай ҳолатни, айниқса, талмеҳ санъати кўлланилган асарларда кўпроқ учратиш мумкин.

Солиштиринг:

Аслият: *Беқайдмену хароби сим эрмасмен,
Ҳам мол йигиштирур лаим эрмасмен.
Қобилда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен* [3;131].

Таржима:

*Бродягой стань но не рабом домашнего хламья,
Отдам и этот мир и тот за нищий угол я.
Бродяжничество – не позор, и нищенство-не срам.
Уйти куда глаза глядят – давно мечта моя!* [4;125].

Мазкур таржимани рус шоири Л. М. Пеньковский амалга оширган. Рубоийнинг биринчи ва иккинчи мисраси аслиятдаги мазмун ва руҳи сақланган ҳолда ўгирилган. Лекин учинчи ва тўртинчи мисралардаги мазмун ва ғоя

2-шуба

мавҳум бўлиб қолган. Чунки шоир талмеҳ ва ийҳом санъатидан моҳирона фойдаланиб, нозик сўз ўйинини юзага келтирган. Рубоийдаги “муқим” сўзи Бобурнинг рақиби бўлган Қобул шаҳрининг олдинги ҳокими Муқимни англатса, иккинчи маъноси бир жойда тўхтаб қолмасликни ва бу дунёда унинг орзу-умидлари катта ва буюк эканлигини англатади. Бироқ таржимада “Қобул” ва “муқим” сўзлари тушиб қолган, натижада лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари рус ўқувчисига мавҳум бўлиб қолган.

Маълум муддат ўтгач, ўз таржимасидан қониқиш ҳосил қилмаган Л. М. Пеньковский мазкур рубоийни қайта таржима қилишга уринади, бироқ барибир асар ғоясини рус ўқувчисига тўлалигича етказа бера олмайди.

Не жертва скопидомства я, не пленник серебра,

В добре домашнем для себя не вижу я добра.

Не говорите, что Бабур не завершил пути, -

На месте долго не стою. Мне снова в путь пора [4;125].

Таржимоннинг талмеҳ ва ийҳом санъатларини яхши англамаганлиги рубоий таржимасига салбий таъсир ўтказган. Маълумки, бу рубоийни Бобур Қобулни қўлга киритгач ёзган. Аниқ тарихий воқелик акс этган асар таржимада умуман бошқа маъно-мазмун касб этмоқда. Бундай ҳолатни “Бобурнома”да реал воқеа билан боғлиқ ҳолда ёзилган рубоий таржимасида ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг яқин кишиларидан бўлган Хожа Калон Ҳиндистон забт этилгандан сўнг, бу ернинг ноқулай об-ҳавосига чидай олмай, Афғонистонга қайтиб кетиш учун изн сўрайди. Бобур бу эътиборли зотга жавоб беради. Хожа Калон кетар чоғида уйининг пештоқиға қуйидаги мисраларни ёздириб қўяди:

Агар бахайру саломат гузар зи Синд кунам,

Сиёҳ рўйшавам, гар ҳавойи Ҳинд кунам.

Маъноси шуки: “Агар соғ-саломат Синддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қора бўлсин” [5;365]. Бу сатрларни Бобурга етказишганда дўстидан қаттиқ ранжиган шоир унга қуйидаги рубоийни ёзиб юборади:

Юз шукур де, Бобурки, кариму гаффор,

Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.

Иссиқлигига гар санга йўқтур тоқат,

Совуқ юзини кўрай десанг Ғазний бор [5;365].

Бу мисраларда шоир Хожа Калондан хафа бўлганлигини, унинг Ҳинд юртида беҳисоб бойлик ва молу давлат топганини таъкидлаб, сўнгра нозик сўз ўйинини қўллаган. Яъни, “Совуқ юзини кўрай десанг Ғазний бор” мисрасидаги “совуқ юзи” сўзининг биринчи маъноси Хожа Калонга ишора бўлса, иккинчи маънода қаҳратон қишлари билан машҳур Ғазни вилоятига ишора қилади.

Шоир мазкур рубоийсида талмеҳ санъатидан ташқари ийҳом санъатини ҳам моҳирона қўллаган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Хожа Калон жуда келишган, хушбичим ва хушфеъл одам бўлган. Бобурнинг юқоридаги муболағаси дўстидан ранжиган пайтида ёзилганликнинг натижасидир.

2-шуба

Реал воқеалар асосида ёзилган рубоий русча таржимада мавҳумроқ даражада ўтирилган ва асар мазмуни, ғояси умуман рус ўқувчисига етказиб берилмаган.

Таржима:

*Сто раз будь благодарен, Бабур, ибо господь всепрощающий
Дал тебе Синд, Хинд и большое царство.*

Если нет у тебя сил выносит жару

И если захочешь увидеть лицо холода, то отправляйся в Газни [6;293].

Таржима Михаил Салье томонидан амалга оширилган. Албатта, М. Салье рубоийни назмийдан кўра кўпроқ насрий тарзда таржима қилган бўлса ҳам, шоирнинг нозик қочиримларини илғай олмаган.

Лекин мумтоз адабиётимиз билимдони атоқли рус шоири Наум Гребнев Бобур тўртликларини таржима қилишда анча муваффақият қозонган. Масалан, шоирнинг муножот руҳида ёзилган рубоийсини ҳам мазмунан, ҳам шаклан тўғри таржима қила олган.

Солиштиринг:**Аслият:**

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,

Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен,

Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азиз(и),

Алқиссаки, умри жовидоним сенсен [1;129].

Бобур бу рубоийда радиф, қофия, мувозана, зулқофиятайн шеърий санъатларини қўллаган. Таржимон ўзига хос йўлдан бориб, мазкур рубоийни гўзал бир шаклда таржима қилган.

Таржима:

Всё, что ни есть вокруг, - всё ты, всё ты и ты!

Дыханье, сердца стук – всё ты, всё ты и ты!

Любовь и жизнь моя и в том и в этом мире,

Мой самый лучший друг- всё ты, всё ты и ты! [4;130].

Н. Гребнев таржимада радиф (*всё ты и ты!*), қофия (*всё ты*) шеърий санъатларини қайта ярата олган. Шунингдек, “всё ты” бирикмасининг остки ва устки мисраларда такрорланиши ҳожиб, “вокруг-стук” сўзларининг оҳангдошлиги билан мураббаъ қофияни вужудга келтирган, ҳар икки мисрада ҳам “всё ты, всё ты и ты” сўзларини қайтариб, такрор санъатини ҳосил қилган. Остки-устки мисраларда вазндошликни яратиб, мувозана санъатини қайта ярата олган, учинчи ва тўртинчи мисралардаги – и, в, т, м, о, ё, у, с, р, г, ы ундош ва унли товушлари рубоийнинг ўзига хос ритми ва мусиқийлигини таъминлаб берган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шеърий таржимада йўқотишлар ва ўзгартиришлар бўлиши муқаррардир. Бироқ таржимон изланувчан ва истеъдодли ижодкор бўлса, мумтоз адабиётимиз намуналарини таржима қилишда муваффақиятга эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

2-шуба

1. Бобур. Танланган асарлар. –Т.: ФАН, 1958.
2. Бабур. – Т.: ФАН, 1959.
3. Бобур. – Т.: ФАН, 1958.
4. Бабур. Избранные сочинения. – Т.: ФАН, 1959.
5. Бобурнома. – Т.: ФАН, 1960.
6. Бабурнаме. – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1993.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВНИНГ ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ

**Барчиной Баргиевна Яркинова,
Андижон вилояти ХТХҚТМОҲМ
Тилларни ўқитиш методикаси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Ўтган асрнинг 80-йилларида шоир, маҳоратли таржимон Турсунбой Адашбоев ўзбек китобхонларига таржима қилиб тақдим қилган “Синган қилич” қирғиз тарихий романи теран миллий колорит билан суғорилган. Образлар характерида ҳам, асардаги пейзаж тасвирида ва асар тилида ҳам миллий колорит барқ уриб туради. Айни жиҳатдан, у В.Белинский таъбири билан айтганда, “*тасвирлар билан эмас*”, балки картиналар ва образлар билан сўзлайдиган тарихий ромanning ёрқин намунасидир.

Миллийлик, миллий тушунчаларни акс эттирадиган сўзларнинг баъзилари аслият мансуб бўлган тилдан ташқари, яна қатор халқлар тилларида, жумладан, таржима тилида ҳам учраши, аниқроғи, таржима тили луғат бойлигининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар, тил, ҳудуд ёки турмуш, шароит жиҳатларидан бир-бирига яқин, доимий ёки тез-тез муносабат-мулоқотда бўлиб турадиган, диний эътиқодлари бир хил халқлар тилларида кўпроқ учрайди. “Синган қилич” романидаги ўзбек ва қирғизлар учун умумий бўлган жуда кўп миллий бўёқли сўзлар фикримизнинг далилидир. Масалан, ўзбек ва қирғиз халқлари “тақсир” сўзини бир хилда қўллайдилар. Бирорта мартабали зотга нисбатан ҳурмат ёки кесатик маъносига ишлатиладиган бу сўзга қуйидаги мисолларни келтириш ўринлидир.

- *Ошондой го, тақсыр, бу капырдын ою! - деди акырын* [2;179].

Таржимада:

- *Бу копирнинг фикру ўйи шундай шекилли, тақсир! – деди* [3;10].

Романда қаландарлар образи жуда кўп жойда учрайди. Биз уларни ҳар хил вазиятда кўрамыз. Улар гоҳ махсус айғоқчи, гоҳ оддийгина қаландар, гоҳ зукко инсон сифатида гавдаланадилар. Ўзбеклар орасида ҳам, қирғизлар орасида ҳам қаландарлар кўп бўлган. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, шаҳар ва қишлоқларни кезиб, тирикчилик қилишган. Қуйидаги парчани кўрайлик:

Бир каландер нарыбери басып, элдин дуу-дуу толкуганын карап башын калтылдатып чайкап, элди аралап, кимдир бироону издегендей ар кимдин алдына барып, корккондой элтейген тур менен жузун тиктеп, киши тиктеп калса селт этип жузун уйруп нары басып кетип, озунчо сандалып журду:

2-шуба

О, кор пенде, кор пенде,
 Качан кулак тургойсун?!
 Алки кетти атанын,
 Абийри кетти баланын...
 Кетирбеске не чара,
 Жакынбы акыр замана?!

Кишилер буга такыр конуп калышкандай. Анын элиргендей элтейип тиктегенине да, кунгуронгон унуно да, оозунан чыккан коркунучтуу созуно да конул бурган жан болбоду. А каландер коркунучтуу ырын кункулдоп, басып журду.

О, кор пенде, кор пенде,
 Качан ахлак жургойсун?!
 Тынч тириглик кылбастан
 Тозуп кетти мусулман...
 Тозбостука не чара,
 Жакынбы акыр замана?! [2;301-302].

Таржимаси:

Бир қаландар кимнидир излагандай бошини чайқаб, одамларни оралаб юрарди. Бировдан ҳадиксирагандай тез-тез орқасига қараб, хониш қиларди:

О, хор банда, хор банда,
 Қачон уқиб тургайсан?!
 Фарқи кетди отанинг,
 Обрўси кетди боланинг.
 Кетмасликка не чора,
 Яқинми охир замона?!

Одамлар кўникиб қолганлиги учунми, қаландарнинг мунгли овозига, қўрқинчли сўзларига сира эътибор беришмасди. Қаландар ҳамон ўз шеърини ўзича куйга солиб, нари-бери юриб айтарди:

О, хор банда, хор банда,
 Қачон беғам юргансан?!
 Тинч тирикчилик қилмасдан,
 Тўзиб кетди мусулмон...
 Тўзмасликка не чора,
 Яқинми охир замона?! [3;110-111].

Романда халқ ҳаёти мавзуси ўзининг ёрқин ифодасини топган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Маълумки, малакали таржимон аксарият ҳолларда маиший тушунчаларни англатадиган сўзларнинг вазифаларини қайта тиклашга алоҳида эътибор беради. Бу эса санъаткорни аслиятдаги бирликларни асосиз равишда таржима матнига ўзича кўчириш ёки мумкин бўлмаган тақдирда ҳам уларни таржима тили мансуб бўлган халқ турмушига оид тушунчаларни акс эттирадиган сўзлар билан алмаштириш воситасида аслиятни ўта

2-шуба

миллийлаштириб кўйиш хавфидан сақлаб қолади. Амалий-маиший тушунчаларни англатадиган сўзларни бошқа тилда талқин этиш жараёнида уларнинг муайян контекстда ўтаб келаётган услубий вазифаларини аниқлаган ҳолда, таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айти пайтда шу тил меъёр ва маданияти ҳазм қиладиган даражадаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади.

Шуларни ҳисобга олган таржимон муаллиф тасвирламоқчи бўлган фикрни, муҳим аҳамиятга эга бўлган сўзларни, паузаларнинг ритм ҳосил қилувчилик ролини сақлаб қолган, уларни лирик қаҳрамон кечинмаларига мувофиқ ҳолда уйғунлаштирган:

*Сен, сен дуйно, сен дуйно,
Кимге бапа қилгансын?!
Пайгамбарды алгансын,
Падышаны алгансын,
Кызыл ондон аздырган,
Бутунундон тоздурган
Каран кун озун балбансын...
Кылайган шоола боз салкын,
Жарыктык озун бир тартым,
Капилет туштоу жалгансын?! [2;493].*

Таржимаси:

*Сен, сен дунё, сен дунё,
Кимга вафо қилгансан?
Шоҳ, гадони бир қилиб,
Найзанг билан илгансан,
Рангу рўйдан олдирган,
Бор бисотни тўздирган,
Ёлғиз ўзинг полвонсан...
Гўзал ҳаёт - нур, ёлқин,
Ўта қисқа, эт талқин,
Худди тушдай ёлгонсан... [3;257].*

Инсон умрининг ниҳоятда қисқалиги, дунёнинг бебақо ва бевафолиги ҳақидаги ушбу “Сен дунё” деб номланган кўшиқ овчи Сарибойнинг ички дунёсини очишга йўналтирилган. Таржимоннинг маҳорати шундаки, у ‘Пайғамбарды алгансын, падышаны алгансын’ сатрларини “*Шоҳ, гадони бир қилиб, Найзанг билан илгансан*”, деб жуда чиройли ташбеҳ яратган. Агарда у “Пайғамбарни олдинг сен, подшоҳни олдинг сен” қабилида таржима қилганида эди, таржима бунчалар муваффақиятли чиқмаган бўлар эди. Қолаверса, эркин шеърда кўп учрайдиган тавтологик такрор ўзбек шеърлятига унча хос эмас. У худди Т.Адашбоев таржима қилган мисолдаги каби бармоқ вази **абвб** ёки **абаб** шаклидаги қофия тузилишига асосланган.

“Синган қилич”даги кучли услубий бўёққа эга бўлган, лирик кайфият ҳукмронлик қилган тасвирларни қайта яратишда Т.Адашбоевнинг шоирлик иқтидори яна бир бор намоён бўлган. Таржимоннинг бу маҳорати аслиятдаги

2-шуба

лирик пейзажларнинг таъсир кучини ўзбекчада янада кучайтириб, баъзида муаллифнинг ҳис-туйғуларини ҳатто аслиятдан ҳам теранроқ акс эттиришга ҳаракат қилган.

Забардаст мутаржим Миртемирнинг М.Ю.Лермонтов шеърлари таржимасидаги муваффақияти сирларини тадқиқ қилар экан, С.Олимов ва А.Матёқубовлар: *“Миртемир мазмунни М.Ю.Лермонтовдан, ифодани эса ўзбек шеърятидан - ўзбек тилидан излаган. Таржимада табиийликка эришишининг сири ҳам ана шунда”* (1;42) - деб ёзган эдилар. Бу фикрни бемалол Т.Адашбоевга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Олимов С., Матёқубов А. Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари. -Т., 1989. –Б. 42.
2. Касымбеков Т. Эки томдук тандалган чыгармалар. Т. 1. -Фрунзе: Мектеп, 1990.
3. Қосимбеков Т. Синган қилич. Тарихий роман / Т.Адашбоев таржимаси. – Т.: 1980.

АХМАД ТАБИБИЙ РУБОИЙЛАРИ ҲАҚИДА

**Шермуҳаммад Нормуротович Амонов,
ТДУТАУ Ўзбек адабиёти тарихи ва
фольклор кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Аҳмад Табибий ижодида рубоий алоҳида ўринга эга. Чунки шоир девонларида рубоий жанрига мансуб лирик шеърлар салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, Табибий рубоийлари шоир адабий-эстетик қарашларининг энг мукамал шаклларида ҳисобланади. Зеро, шоир лирик меросининг салмоқли қисми рубоийлар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳмад Табибий лирик асарлари жамланган шоирнинг туркий девонларидан бири – “Мунис ул-ушшоқ”дир. Ушбу манбанинг мукамал қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 3461, 6226 инвентар рақамлари билан сақланади. Бундан ташқари, фондда шоирнинг туркий тилдаги лирик асарлари мавжуд яна бир девони бўлиб, бу 3460 инвентар рақамли қўлёзма манбадир. Бу манба Табибийнинг “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонидир. Бундан ташқари, Аҳмад Табибий асарларидан таркиб топган кўплаб манбаларни фондда учратиш мумкин. Улар шоирнинг айрим асарлари жамлангани билан ёки Табибий қаламига мансуб бир неча жанрли лирик асарлардан намуна характеридаги манбалардир. Бироқ, юқорида номлари қайд этилган манбалар (3461, 6226, 3460) шоир девонларининг тўлиқ, мукамал нусхалари ҳисобланади. Шунингдек, фондда “Мунис ул-ушшоқ” ва “Ҳайрат ул-ушшоқ”

2-шуба

девони жамланган яна бир манба бўлиб, у 8989 инвентар рақами остида сақланади.

Таъкидланганидек, шоир “Мунис ул-ушшоқ” девонининг икки қўлёзма нусхаси мавжуд. Унинг бири 3461 инвентар, иккинчиси эса 6226 ашё рақами остида сақланади. Таъкидлаш лозимки, бу икки манба орасидан 6226 рақамлиси ўта тартибли, муқовалар унвонланган ҳолда, алоҳида жадваллар асосида, лирик асарлар қизил сиёҳда сарлавҳаланиб, чиройли ҳуснихат билан кўчирилганидан, уни мукамал нусха сифатида кўрсатиш мумкин. Бироқ бу икки манба ўзаро қиёсий таҳлил этилганда, улар орасида ҳар жихатдан фарқли хусусиятлар мавжудлиги аён бўлади.

6226 ашё рақамли манбанинг 233^а - саҳифасидан “рубоиёти Табибий” (Табибий рубоийлари) бошланади. Бу манбадаги рубоийларнинг сони 143 тани ташкил этади. Ушбу манбадаги рубоийлар қизил сиёҳда рақамланган бўлиб, улар қўлёзманинг 245^а -саҳифасида тугайди.

“Мунис ул-ушшоқ” девонининг 3461 инвентар рақамли нусхасида эса рубоийлар сони 202 тани ташкил этади. Қўлёзмада 201 та рубоий рақамланган ҳолда кетма-кет келтирилади. Битта рубоий ҳошияда кўчирилгани боис рақамланмай кетилган.

Табибийнинг 3460 инвентар рақамли “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонида эса рубоийлар сони 202 та бўлиб, уларнинг биттаси ҳошияда кўчирилган. Бу манбадаги рубоийлар сони 8989 ашё рақамли тошбосма варианты билан бир хил, яъни “Ҳайрат ул-ушшоқ”нинг тошбосма вариантыда ҳам 202 та рубоий рақамланган ҳолда босилган.

“Мунис ул-ушшоқ” девонининг 8989 инвентар рақамли тошбосма вариантыни кузатсак, унда рубоийлар сони 142 тани ташкил этади. Аён бўладиги, ушбу тошбосма “Мунис ул-ушшоқ” девонининг 6226 рақамли нусхаси асосида босилган. Бу эса 6226 рақамли манба девоннинг мукамал нусхаси деган юқоридаги тахминимизни асослайди.

Аҳмад Табибий асарларидан айрим намуналар ўтган асрда чоп этирилган. Бироқ шоир лирик асарлари нашрларининг адади бармоқ билан санарли даражада оз. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, Табибийнинг ҳозирча бизга маълум бўлган, 350 га яқин туркий тилдаги рубоийларидан 20 га яқини нашр этилган [8; 58]. Зеро, шоир ижодининг салмоқли қисми унинг рубоий жанридаги шеърларига тўғри келади. Шу ўринда, Табибий “Мунис ул-ушшоқ” девонидаги рубоийлардан айримларининг табдилини келтирсак:

*Ҳамд ўлсун онгаки бор қодир якто,
Қилди ики ҳарфдин жаҳонни пайдо,
Не ушбу жаҳонки ўн сакиз минг олам,
Бил дўзахи жаннат, инсу жин, арзи само.*

*Ҳамд ўлсун онгаки лойиқ арзи само,
Ўлгай не мамнуни эрур шоҳи гадо,
Бир кимсага даҳр ичра қилиб ҳусн ато,
Бир кимсани қилди анга зори шайдо.*

2-шуба

*Ҳамдингга тилимни доим этгил гўё,
Шукрингга дилимни мойил эт субҳи масо,
Сабримни фузун айла берур чоги бало,
Тақдиринга ҳосил эт, замиримда ризо.*

*Тун-кун қилибон йўриқ тафаккур, ё Раб,
Ботил сори айлагум тасаввур, ё Раб,
Бу ҳолима бер эмди тагайюр, ё Раб,
То ҳосил этай ажзу такассур, ё Раб.*

*Лутфингни манга айла фаровон, ё Раб,
Ким ишим эрур мудом исён, ё Раб,
Гарчи манга журмдин қутулмоқ мушкул,
Лекин Санга бордур асру осон, ё Раб.*

*Шавқ ўтига кўнглум айла сўзон, ё Раб,
Доим кўзум эт ишқ аро гирён, ё Раб,
Борурда адам сориға лутфинг била қил
Ҳамроҳ манга гавҳари иймон, ё Раб.*

*Токим манга иш журмародур, ё Раб,
Кўнглумга фужур муддаодур, ё Раб,
Қил эмди Табибийга карам жоми фано,
Ким мақсад онга жоми фанодур, ё Раб.*

*То арз қарор чарх сойир, ё Раб,
То олами чарх онда зоҳир, ё Раб,
Шоҳимни қилиб давлати умрини фузун,
Хушнуд анга қил ҳамиша хотир, ё Раб.*

*Бўлмиш манга иш рўзи шаб исён, ё Раб,
Этмай даме тоат сори жавлон, ё Раб,
Эмди чу бўлур Ҳаширда ҳолим мушкул,
Бу мушқулим эт лутф ила осон, ё Раб.*

Шоир девонида ҳар бир жанрга оид лирик асарлар берилишида, албатта, девон тартиб бериш қоидаларига мувофиқ ҳарфлар кетма-кетлигига амал қилинган. Шунингдек, шеърлар мазмуни ҳам шу тартибда келади. Яъни, юқоридаги рубоийлар девондаги илк намуналар бўлгани учун улар ҳамд ва наът мазмунидадир. Тўғри, Табибий ижодида ҳам ишқ-муҳаббат мавзуи етакчилик қилади. Бироқ шоир лирик асарларининг аксарияти инсон камолоти, жамият равнақи учун хизмат қилувчи кучли ижтимоий-фалсафий мазмундаги шеърлардир.

2-шуба

Хулоса қилиб айтганда, шоир лирик асарлари, умуман, унинг бутун бошли адабий мероси деярли тўлиқ табдил этилгани йўқ. Иккинчидан, Аҳмад Табибий ижодий меросини матншунослик ва адабий манбашунослик эришган сўнгги илмий ютуқлар асосида тадқиқ этиш ҳамда шоир ижодини адабиётшунослик мезонлари асосида баҳолаш ечимини кутаётган илмий муаммодир.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Табибий Аҳмад. *Девон*. Тошбосма. №8949.
2. Табибий Аҳмад. *Мунис ул-ушишоқ*. №3460.
3. Табибий Аҳмад. *Ҳайрат ул-ошиқин*. №3460.
4. Табибий Аҳмад. *Тазкира*. №1152, 5018.
5. Табибий Аҳмад. *Баёз. Ҳазалиётини Табибий*. №243.
6. Табибий Аҳмад. *Миръот ул-шиқ*. №928.
7. Табибий Аҳмад. *Мазҳар ул-иштиёқ*. №7083.
8. Табибий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Ф.Ғанихўжаев). – Т.: Бадий адабиёт, 1968.
9. Ғанихўжаев Фатхулла. *Аҳмад Табибий*. – Т.: Фан. 1978.

“ТАЗКИРАИ ШУАРО”НИНГ ЯНА БИР ҚЎЛЁЗМАСИ

Сурайё Савроновна Дўстова,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хива адабий муҳитида ўсиб камол топган Ҳасанмурод Лаффасий ўзининг “Тазкираи шуаро” асарини ёзиб тазкиранависликка муносиб ҳисса қўшган. Асарнинг қўлёзма нусхаларини Ватанимизнинг бир неча кутубхона фондларида учратиш мумкин. Улардан бири Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида №9494 инвентар рақами остида сақланади.

Қўлёзма *خيوه شاعر و ادبياتچيلارينينگ ترجمهء حال لارى* (“*Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари*”) [5] деб номланган, настаълиқ хатида, 67 бетдан, яъни 34 варақдан иборат, 12-варағигача катакли дафтарга, 13 варақдан 34 варақгача йўл-йўл дафтарга сафсар сиёҳ билан кўчирилган. Муқоваси тўқ зангор рангли картон билан қопланган, мукова ўлчами 17x23. 1951 йил 16 августда машхур хаттот Абдуқодир Муродов томонидан кўчирилган. Қўлёзмада тартиб рақамлар билан шоирлар ҳақида маълумот ва ижодидан намуналар берилган Қўлёзманинг 1а варағида муҳр мавжуд, унинг остида араб ёзувида “*Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари*” деб ёзилиб, тўпловчи Ҳасанмуродқори Муҳаммад Амин ўгли Лаффасий, дейилган. 1б варағидан бошлаб Лаффасийнинг асарни ёзиш сабаби битилган сўз бошиси берилган. Сунгра шу давр йирик тарихнавис олими ва шоири

2-шуба

Шермуҳаммад Мунидан бошлаб 1. (бир) тартиб рақами қўйилган ва шоир ҳақида бирмунча муфассал маълумот берилган. Унинг ижодидан намуналар келтирилган. Қўлёзмада Мунис ҳақидаги фикра (бўлимча)дан сўнг 53 та тартиб рақами билан шоиру адиблар номи келтирилган.

Асар Шермуҳаммад Мунис ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлардан ва намуна шеърларидан берилиши билан бошланиб, кейинги шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам шу тариқа давом этган. Қўлёзмада ёзилиб, устидан ўчирилган жойлар жуда кўп кўзга ташланади. Бу эса асарнинг нусха эканлигини исботлайди. Масалан, 9а варақда ўша давр энг машхур шоирларидан бири Комил Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотда “жуда ҳам” сўзлари, “Муҳаммад Раҳимхон” сўзлари ёзилиб, сўнг ўчирилган. Бундай ҳолатларни Пир Комил, Девоний, Ходимий, Фақирий ҳақидаги маълумотларда ҳам учратамиз. Ушбу сўзларнинг аксарияти икки марта ёзилиб, биттаси ўчирилган ҳолатлар мавжуд.

Тартиб рақамлар ва варақ рақамларининг барчаси ҳозирги араб рақамларида қўйилган. 1- 13- 34-варақларга № 9494 инвентар рақамли муҳр босилган.

Қўлёзманинг 33б варағида асар охирига араб ёзувида, “Асл нусха 2август 1944 йил чаҳоршанба кунда 14-шаъбон 1364-ҳижрий йилда ёзилди, Тамом, деган сўзлар ёзилган, сўнгра “Асл нусхадан кўчирувчи Муродов. Хива шаҳри. 16/VIII.51”, дейилган.

34а варақда эса А. Муродовнинг 1951 йил 1-сентябрда араб ёзувида, “*Шарқишунослик институти томонидан Хива шаҳридаги давлат музейида сақланмоқда бўлган қўлёзма китоб ва ҳужжатларни мазкур институтга олиб келиш учун 1951 йил август ойида камандировка билан борганимда шу китобни музей илмий ходими Болтаев Абдулла қўлида кўриб, илтимос баробарида шу нусхани айнан кўчириб олиб келиб, институтга топширган эдим. Бинобарин, бу асарни кўчирилиши, институтга келишини сабаби аниқ бўлсин учун шу изоҳни ёзиб қўйдим. А.Муродов. I/IX.51й. Тошканд*”, деб ёзилган изоҳи ўрин олган.

Бу қўлёзма нусха ҳақида Эрон адиби Иброҳим Худоёр ўзининг “Ғарибаҳои ошно” асарида, “*№9494 рақамли нусха 1951 йилда Муродов томонидан асл нусхадан кўчириб, китобат қилинган, 66 варақдан иборат. Унда Хоразмнинг 51та шоири ва олими ҳақида шарҳлар берилиб, ёзувлар қайд этилган. Мазкур нусха 1992 йилда Паҳлавон Назар П.Бобожонов томонидан бирорта нусха ҳақида айтилмасдан ёки бирон нусхадан фойдаланмасдан, илмий тузатишларсиз, асл китобдан изоҳлар ва тушунтиришларсиз Хоразмда “Сарийлик хати” билан, “Лаффасий шоирлари тазкираси” номи остида чоп этилди. Чоп этилган тазкирадаги мавжуд шоирлар рўйхати ва учта қўлёзма нусхалар ўртасида тафовут бор ва шу нарса аниқландики, №9494 рақамли нусха кўп жузъий ўзгаришлар билан ёзилган*” [1;136-137], деган фикрларни ёзиб қолдирган.

Олима Э. Иброҳимова мазкур нусхада 53 шоирнинг таржимаи ҳоли хронологик тарзда берилган ва китоб муқовасининг ички томонида мундарижа

2-шуба

бор [2;62], деб ёзган, Ф. Ғанихўжаев, Муҳаммадамин ўғли Ҳасанмуродқори Лаффасий ёзиб қолдирган “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” номли тўплами диққатга сазовордир (ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, кўлёзма, инв.№9494). Бу асар 1944 йилда хоразмлик халқ наққоши А.Болтаев томонидан кўчирилган. Лаффасий тазкирасида Мунис Хоразмийдан бошлаб 65 шоир ва адибнинг таржимаи ҳоли хронологик тарзда берилган, дейди. У. Хамроев ва У.Каримов эса, мазкур нусхада хивалик 51 шоирнинг таржимаи ҳоли ва уларнинг асарларидан намуналар берилган, деб ёзади. Бироқ, баъзи шоирларнинг номи икки мартадан такрорланганлиги туфайли шоирлар сони 51 ўрнига 53 деб ҳисобланган [4;77], дея, изоҳ беришган. Г. Исмоилова, Ҳасанмуродқори Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”и тазкирасида Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлигида яшаб ижод қилган шоирлардан 54 нафарининг номи келтирилади [3;6], деб ёзган.

Биз кўлёмани ўқиб ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, унда 51та шоир ҳақида маълумот ва 31та шоирнинг намуна шеърлари мавжуд, мундарижа эса умуман берилмаган, шоирларнинг номлари тартиб рақамлар билан ёзиб қўйилган. Равнақийдан бошқа бирор бир шоир номи икки марта такрор ёзилмаган. Асарда 53та тартиб рақам мавжуд, бироқ 4-рақамда Равнақий деб ёзилган ва “*Равнақий ҳам Хива шоирларидан бири эрди. Анинг адабиётларидин намуна топилмади*” [5;5], деб ёзилган, 14-рақамда эса Равнақий ижодидан намуна берилган. 9-рақам умуман ёзилмасдан 10-рақамга ўтиб кетилган. Бу ҳолат, назаримизда, юқоридаги каби чалкашликларга сабаб бўлган.

№9494 инвентар рақамли нусхада берилган асарнинг ёзилиш сабаби, асарни ёзишга ким ундаганлиги ҳақидаги фикрлари бошқа кўлёмма нусхаларда йўқлиги билан, бундан ташқари Сўфи ҳақидаги маълумотлар ҳам асарнинг бошқа нусхаларида берилмаганлиги билан аҳамиятлидир.

Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари адабиётимизда номаълум бўлган, бироқ назмда баракали ижод қилган ижодкорлар билан таништиришда, XIX аср ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитини ўрганишда муҳим манба сифатида адабиётшунослик, матншунослик ва адабий манбашуносликда илмий тадқиқ этилиши лозим бўлган асарлардан бири эканлиги билан аҳамиятлидир.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. ابراهيم خدايار- غريبهای آشنا. ايران ى. موسسه مطالعات مليص
2. Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларинг таржимаи ҳоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, –Т.: 1963.
3. Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари. –Т.: Истиқлол нури, 2014.
4. Хамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. № 4. –Т.: 1981.
5. ЎЗР ФА ШИ. № 9494.

2-шуба

“ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР”НИНГ ТУРКМАН ТИЛИГА ТАРЖИМАСИДА
ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАР ЎГИРМАСИ ҲАҚИДА

Барно Менглибаевна Бўронова,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлими
мустақил тадқиқотчиси

Адабиётшуносликда адабий алоқалар ва бадиий таржима муаммоларини ўрганиш ва кузатиш ишлари энг қизиқарли соҳалардан биридир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таржима иши ҳам муаллиф меҳнатидан асло кам кўрилмайди. Чунки муаллиф изидан юриб, ўзга миллат ижодкори яратган асарни таржимон юракдан ўтказиб, қайтадан ўз тилида яратади. Шунинг учун бўлса керак, муаллиф билан таржимон меҳнати тенг баҳоланади. Таржимон меҳнатига ҳар хил таърифлар берилади: “Таржима – бу санъат” – дейишади. Яна кимдир: “Аслият услубини қайта яратиши муаллиф меҳнатидан асло кам эмас, тенг меҳнат” – дейишади.

Ўзбек адабиётининг атоқли ёзувчиларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи кўплаб қардош халқлар тилларига, жумладан, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, турк тилларига таржима этилган. “Юлдузли тунлар” романи туркман тилига таржимон Шодурди Чориев томонидан ниҳоятда маҳорат билан ўгирилган. Айни маънода, биз тадқиқ қилмоқчи бўлаётган шеърий мисраларнинг таржимадаги намунаси орқали фикримизни янада аниқроқ исботлашга ҳаракат қиламиз. Қиёсланг:

Аслиятда: “... Биноий ўн олти ёшли Бобур мирзонинг бунчалик ҳалоллигидан қаттиқ таъсирланди-ю, унга атаб бир шеър ёзди.... Бобур жўнаётганда унга эсдалик қилиб бериб юборди. Қирқ тўрт йўллик бу шеърда у Бобурни кўп мақтаган:

“Шоҳ султони Заҳририддин Бобур

Ки жаҳон шуд зи сути адлаш нур” деб гўё жаҳон Бобурнинг адолат бобидаги шўхратидан нурга тўлганини айтган эди” [2;241].

Энди эса айнан шу парчанинг туркманча таржимасига эътибор қаратамиз.

Туркманчада: “Он алты яшлы Бабур Мўрзаның халаллыги оны хайрана гойды, учурсыз толгундырды, ол бир демде Бабыра багшилап тарыпнама язды. Ол бу шыгриң бир нусгасыны өкде хатдада гөчүрдип, Бабыр Самаркандтан гитменке, оңа ядигерлик бермеке етишди. Бынайының шыгри қырқ дөрт етирден ибаратды. Ол шыгир сунгатына махсус улы мухаббат билән башланарды:

Дунйәң шаны шохраты болдүң сен бейик Бабыр,

Адалаты йөрәлгең кылдың сен, бейик Бабыр.

Шейле диймек билен Бинайы Бабырдың адалат бабатындыкы шөхратындан бүтин дүнийемиз канагат тапды дийжсек болярды” [3;220].

2-шуба

Қиёслардан шу нарса равшанки, нафақат шеърий мисраларда ҳатто насрий баёнда ҳам таржимада аслиятга нисбатан анчагина ўзгаришни кузатишимиз мумкин. Шу боис биз буларни мисолларда махсус ажратиб кўрсатишни, ўринли деб билдик. Шеърий мисраларга келсак, таржимада вазн ва қофия аслиятга нисбатан ўзгарган бўлса-да, мазмун мутаносиблиги, матндаги асосий моҳият ва мазмун деярли сақланган.

Бизнингча, романнинг мазкур ўрнида келган шеърий парчани аслиятдаги форсча байт қандай бўлса туркманчада ҳам шундай берилиши керак эди. Матн остида эса унинг мазмуни таржимон томонидан изоҳланса бу тўғри иш бўлар эди. Аммо кузатиб турибмизки, таржимон Ш.Чориев форсча байтни ҳам туркманчалаштирган. Чунки, таржимон тарихий давр ва адабий муҳитни ҳисобга олиши керак эди. Ваҳоланки, XIV-XV асрда форс тили асосий тил бўлган. Аслиятда муаллиф П.Қодиров бежизга Биноий шеърини форс тилида бермаяпти. Муаллиф бу орқали тарихий давр колоритини сақлаб қолган. Афсуски, таржимон Ш.Чориев бу нозик нуқтани илғамасдан, форсча шеърий парчани ҳам туркманча изоҳини берган. Бу эса аслият матнига бироз хилоф иш бўлган. Шеърий мисраларнинг таржимада берилишини қардош тиллар ва рус тилидаги намунаси билан қиёслаган ҳолда тадқиқ қилар эканмиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига мансуб мисраларнинг аксарият ҳолларда туркман тилига муваффақият билан ўгирилганини, вазн ва бадиийлик тамойилига имкон қадар қатъий амал қилинганини, ҳатто баъзи ҳолларда қофиядош сўзларни имкон қадар аслиятга мос тарзда берилишига ҳаракат қилинганини кузатдик.

Масалан, аслиятда: *“Кўксаройда ёза бошлаган газалининг “Не кун бўлғай висолинга мени дил хаста етгаймен” деган сатри эсига тушиди. Сўнг от устида кун бўйи йўл юриб бораётиб, хаёлан ўша газалини давом эттирди:*

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига

Бошимни олиб эй Бобур , оёқ етгунча кетгаймен” [2;160].

– Туркманчада: “Гөксарайда язып башлан газалының “Высалыңы мен дилхаста хачан гөргей я етгеймен”дийен сетри аңында оянды. Соң ол узынлы гүн ат устинде йөрәп хиялында шол газалың ызына етирди:

Башым гоймак аягыңа гер миессер болмаса

Башың алып, эй, Бабыр илден-иле гитгей сен” [3;165].

Худди шу парчанинг русча таржимасига эътибор қилсак, унда тамомила ўзгача шакл ва мазмунни кузатиш мумкин, яъни ғазал ҳажми, ундаги вазн тамомила бошқача тус олган бўлсада, (албатта, қардош бўлмаган тилларда бу табиий ҳолат, ваҳоланки, рус адабиётида бу жанр мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак) таржимон Мирзо Бобур айтмоқчи бўлган фикрни насрий қисмдаги тафсилот билан бирга тўла сақлаган ҳолда китобхонга етказиб бера олган.

Русча таржимада: *“Бабур прожил в Самарканде сто дней, но ни разу не встретился с Айшой-бегим лицом к лицу. Этому препятствовал обычай, этому мешала и застенчивость молодости. Стоя на холме, он вспомнил газель, которую начал сочинять во дворце Бустан-сарая:*

Похвалы красоте твоей слышал не раз, лунолика, там и сям.

2-шуба

О, когда же наступит тот радостный час, чтобы в ней убедился сам.

Потом на коне целый день он пытался продолжить эту газель:

О неземной твоей красе твердили мне всегда. Чтоб убедиться в ней, я сам сейчас пришел сюда...Коль головы не положить мне на твои колени,

Прочь, голову сломя, уйду неведимо куда” [1;136].

Албатта, шакл ва мазмунни, бадийликни сақлаган ҳолда мумтоз адабиётимизга хос мисраларнинг ўзгача кўринишда русийзабон оҳангларда янграётгани қувонарли ҳолат. Бу ерда таржимон маҳорати таҳсинга лойиқ. Нафақат ғазал мисралари, қиёсланаётган таржима вариантларида Бобур рубоийлари, қитъаларининг ҳам ана шундай шакл ва мазмунни сақлаб қолган ҳолда, ҳаттоки янгича истилоҳлар билан худди таржимон қайтадан ўзи ёзганидек таржима қилганини кўриш мумкин. Қиёслаймиз, ўзбек тилида:

Бу қозғозда унинг шу бугун ёзган бир қитъаси бор эди. Ойша бегим қозғозни очиб сатрларга кўз югуртирди:

Қолмади ҳурмат аҳли оламда, Оламу олам аҳлидин юв илик

Бобур, икки подшоҳлиқдин Яхшироқ бу замонда бир беклик [2;165].

Энди шу матн туркман ва қорақалпоқ тилларида қандай ўгирилганини кузатайлик.

Туркман тилида: “Яңқы шығры-да ол шу гун язынди. Эше бегим кагызы ачып, шығры хавесли окады:

Шалар бир-бириге қылмаз хорматы, Бир ша бейлекиге ягыдыр ягы.

Бабыр,илде ики шалық боландан Бир беркарар беклик говудыр говы” [3;174].

Кўриниб турибдики, туркман мутаржими ҳам шеърӣ таржимада вазн ва қофия (яғы- говы) тизимини сақлаган ҳолда миллий колоритни намоён қила билган. Аслиятдаги “Оламу олам аҳлидин юв илик” яъни дунё аҳлидан умид узиш, қўлни ювиб қўлтиққа уриш мазмунидаги ирсоли масал (мақол ва ибора қўллаш) санъати билан берилган мисра мазмуни тамомила ўзгартирилиб, таржимада гўё янгитдан кашф қилинган: Бир ша бейлекиге ягыдыр ягы-Подшоҳликда доимо бир томон иккинчи тарафга душманлик қилади мазмунида берилиб китобхон Бобур Мирзонинг тожу тахт туфайли ёшлигидан бошига тушган мусибатларидан руҳан азобга тушишига гувоҳ бўлади, унинг қалб баҳси билан яқиндан танишади. Хўш, қорақалпоқ тилидаги таржимада таҳлилимиздаги матн қандай ютуқ ёки камчиликларга эга. Қиёслаймиз: *Сол қагазда Бабур бугун жазган төртлик бар еди. Айша бегим қагазды ашып қатарларга көз жуўырты:*

Қалмады бул дуняда хеш сыйласық!

Сондаяқ бир-биреўге исенимде...

Қуўыршақ патша болып жасағаннан Ыразы болар едим бекликке [3;169].

Таъкидлаш жоизки, ушбу қитъанинг ёзилиши Бобурнинг ўргимчак тўридек кундан кунга чирмашиб Андижондаги ҳокимиятига кўз тиккан Аҳмад Танбал ва Али Дўстбекларнинг кучайиб бораётган фитналарига барҳам бериш учун, бу борада укаси Жаҳонгир Мирзо билан муроса қилиб, Шайбонийхондан

2-шуба

олдин Султон Али Мирзога қарши Самарқандни эгаллаш учун курашга тайёргарлик кўраётган тожу тахт учун зиддиятли курашларининг энди бошланган даврига тўғри келади. Демак, Бобур ўзини бу вақтда умуман кўғирчоқ подшоҳ деб ҳисобламаган, аксинча, аслиятда айтилмоқчи бўлган фикр лирик қаҳрамоннинг тожу тахт учун курашлардан безигани, кенг жаҳон, ҳатто иккита подшоҳга ҳам торлик қилиши (укаси Жаҳонгир мирзонинг хиёнати), салтанат, тожу тахт учун беомон курашлардан кўра тинч ва осуда ҳаётни қўмсаб ёзгани ҳақида эканлигига эътибор қилсак, қорақалпоқ мутаржимлари бу борада бироз хатога йўл қўйишган. Негаки, кўғирчоқ подшоҳ бирикмаси Жавоҳирлаъл Неру таъбири билан айтганда “*Уйғонши даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган*” Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлат бошқаруви, ҳоқимият учун кураш фаолияти ва шахсиятига умуман мос эмас, бизнингча. Шу боисдан мазкур мисрани қорақалпоқ тилида китобхон қуйидаги мазмунда ўқиса, балки, Бобур мирзо айтмоқчи бўлган мазмунига мос тушар эди.

Қалмады бул дуняда хеш сыйласық! Сондаяқ бир-биреўге исенимде...

Сыймас екен дуньяга еки патшалық Соннан ыразы болар едим бекликке.

Хулоса шуки, “Юлдузли тунлар” романидаги шеърий таржималарнинг туркман, қорақалпоқ каби қардош тиллар ва баъзи ўринларда рус тилига таржима вариантларни солиштириш асносида, мутаржимлар аксарият ҳолларда шеърий мисраларни ўзига хос масъулият ва маҳорат билан ўз она тилларига ўгирганига гувоҳ бўлдик. Баъзи ҳолларда эса, аслиятдаги байтларнинг таржимада берилмагани, роман матнини тушириб қолдирилиши ёки уларнинг мазмуни ўзгартирилгани роман таржимасидаги камчиликларни кўрсатади. Бу эса XX аср ўзбек тарихий романчилигининг дурдона асарларидан бўлган “Юлдузли тунлар” романининг бошқа тилларга таржима вариантларини янада мукаммалаштириш талабини қўяди. Бадиий таржима назарияси билан шуғулланувчилар учун эса таржима, бадиий таржима машаққати ҳақида илмий-назарий хулосалар чиқаришга туртки беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кадыров П. Звездные ночи. Перевод с узбекского Ю. Суровцева. – Москва. Советский писатель, 1983.
2. Қодиров П. Юлдузли тунлар. –Т.: Ўқитувчи, 2018.
3. Кадыров П. Йылдызлы гижелер. – Ашгабат: Түркменистан неширятьы, 1988.

2-шуба

БАЛОҒАТ ИЛМИДА ГАП ФАСОҲАТИГА ОИД ҚОИДАЛАР

Ғулом Озодович Бобожонов,
ТДЎТАУ Адабиёт назарияси ва замонавий
адабий жараён кафедраси таянч докторанти

Гапнинг фасихлиги маънони тўлиқ ифода этиши, таркибидаги сўзларнинг осонлиги ҳамда сўз қолипнинг тўғрилиги билан белгиланади. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган сўзга оид нуқсонлардан холи бўлишига ҳам эътибор қаратилади. Гапнинг қурилиши, ундаги сўзларнинг ўзаро бирикиб келиши, структур ва семантик боғланишлар, гапнинг тузилишида тилшунослик қоидаларига амал қилиниши ҳамда *мутакаллим* назарда тутган маънонинг гапда тўла акс этиши масаласи тадқиқ этилади.

1. “Танофурул калимот”.

У гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро уйғунликда ишлатилганда талаффузга қийин ҳамда тил учун оғир бўлишидир. Бунда ҳам худди “танофурул ҳуруф” да бўлганидек, нутқ товушларининг махражлари бир-бирига яқин бўлгани сабабли нутқ аъзоларининг бундай сўзларни биргаликда талаффуз қилишида мураккаблик юзага келади. Гап таркибида мураккабликка боис бўлаётган сўзлар алоҳида олганда тўлиғича фасих саналиши мумкин. Улардаги нуқсон асосан кетма-кет келган сўзларда ўзаро яқин махражларга оид ҳарфларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир.

Гапда “танофурул калимот”га йўл қўйилиши баъзан уни талаффуз қилувчигагина эмас, тингловчига ҳам қийин бўлиши мумкин. Гапдаги ёнма-ён сўзларнинг талаффузда бир-бирига қоришиб-қўшилиб кетиши гапдан ирода қилинган мақсадни англашда муаммога сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Шунингдек, талаффузнинг ғализлиги баъзи ҳолларда сўз компонентлари орасида яхлидликни аниқлашда ҳам семантик ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Гапда кузатиладиган бундай иллатга балоғат олимлари Жоҳиздан нақл қилинган қуйидаги байтни мисол қилиб келтиришган:

وَقَبْرُ حَرْبٍ بِمَكَانٍ وَقَبْرٍ
وَلَيْسَ قَرِيبَ قَبْرِ حَرْبٍ قَبْرٌ

Маъноси:

*Овоқ бир жойдадир Ҳарбнинг қабри,
Қубурнинг йўқ эрур Ҳарбга қариби.*

Асл матнда “бирон қабр Ҳарбнинг қабрига яқин эмас”, дейиларкан, мисрада қурба, қабри, Ҳарбин, қабру сўзлари кетма-кет келгани боис талаффузда қийинликка сабаб бўлган.

Шунингдек, шоир Сурурийнинг қуйидаги мисраси ҳам “танофурул калимот”га мисол сифатида келтирилган:

Kara kırı karı aldı Nu ‘mân... [4; 26]

Баъзан насрий ва шеърий асарларда муайян уйғунлик ҳосил қилиш учун келтирилган бир хил ёки бир-бирига яқин махражга оид ҳарфли сўзлар – агар

2-шуба

талаффузда қийинлик ва тилга оғирлик ҳосил қилмаса, “танофур” сифатида қаралмайди.

2. “Заъфут таълиф”.

У тилшуносликдаги мавжуд қоидаларга риоя қилинмаслиги оқибатида гапнинг тузилишида хатога йўл қўйилишидир. Баъзи олимлар нуқтаи назарига кўра, мазкур хатолар, асосан, гапда учрайдиган наҳвий (синтактик) хатолар ҳисобланади.

Аҳмад Жавдат Пошо (Ahmed Cevdat Paşa) тил қоидаларига хилофлик билан бирга “адиблар орасида жорий бўлган (эътироф этилган) усуллар”га зидликни ҳам “заъфут таълиф” сифатида санаб ўтган [4; 26].

Гапда олмошнинг ўзи ифодалаётган от(сифат, сон)дан олдин келиши [1; 40], инкорни ифодалаш учун феълнинг бўлишсиз шаклидан олдин инкор юкламасининг ишлатилиши [6;30], гап таркибидаги феълларнинг замон жиҳатдан уйғун эмаслиги [5;35] кабилар ушбу ҳолатга мисол сифатида келтирилган.

Гарчи тилшуносликнинг муайян қоидаларига мувофиқ келмаса-да, адиблар ижод намуналарида мавжуд бўлган ва эътироф этилган айрим ҳолатлар гапдаги иллатлар сирасига киритилмаслиги ҳақидаги қараш асоссиз эмас. Машҳур адибларнинг эътиборли асарларида учрайдиган гаплардаги тилшунослик қоидаларига асосланмаган бўлса-да, *мутакаллим*нинг ижодий услуби истеъмолдаги жонли нутққа айна мувофиқлик, тил табиати ёки тарихий такомилида учрайдиган шакллардан ижобий истеъфода этиш гап ва матн таъсирини янада оширишга хизмат қилиши мумкин.

Гапда тилшунослик қоидаларига хилофликни аниқлашда нутқнинг матн яратилган давр учун жорий қоидаларига риоя қилиниши етакчилик қилади. *Мутакаллим*нинг мақсади ва услуби, нутқ тури (оғзаки, ёзма), нутқ эгаси (*мутакаллим* ёки бошқалар) кабилар ҳам инобатга олишини зарурати бор. Акс ҳолда аслида фасиҳ гапни ғайрифасиҳ тарзда қабул қилиш сингари субъектив қараш юзага келиши мумкин.

3. “Таъқид”.

Бу сўзнинг луғавий маъноси “чигаллик, мураккаблик; ноаниқлик”дир [3; 552]. Истилоҳда гапнинг бирор иллат туфайли *мутакаллим* мақсадини аниқ ифода эта олмаслик ҳолатини билдиради. “Таъқид” гап бўлақларининг нотўғри жойлаштирилиши натижасида юзага келиши мумкин. Бунда гапдан муайян маъно англашилса-да, у *мутакаллим* назарда тутган мақсадни тўла ифода эта олмайди. Бу ўринда аҳамиятли жиҳат шундаки, гап бўлақларининг ўрни алмашиши натижасида маънога халал етади ва бузилади. Шу тарзда гап ғайрифасиҳ ҳолатга тушиб қолади.

Гап бўлақларининг ўрни алмашиши масаласи ҳар доим ғайрифасиҳликни юзага келтирмаслиги мумкин. Маоний илмида гап бўлақларининг турли шаклда ўрин алмашиши (тақдим, таъхир) маъно фарқланиши воситасида *мутакаллим*нинг нуқтаи назарини ифодалаш учун хизмат қилади. Гап фасоҳатига нуқсон етказувчи ўзгаришда эса, *мутакаллим* нуқтаи назарини тўғри ифода эта олмайдиган, мақсадни “мухотоб”га етказиб

2-шуба

беролмайдиган ёки контекстга зид маъно юзага келиши мумкин. Айни шу эътиборга кўра, мазкур ҳолатга гап фасоҳатини кетгазувчи иллат сифатида қаралади. Баъзан гапда кетма-кет жойлашадиган бўлақлар орасига бошқа сўзнинг кириши маънони англашда чигалликка сабаб бўлиб қолиши мумкин. Гапда бир-бирига боғланиб келадиган сўзлар орасида узилиш пайдо бўлади ва бу маънога салбий таъсир кўрсатади. Худди шу ҳолатнинг акси – гапда бирон бўлақнинг тушириб қолдирилиши ёки ўз ўрнидан бошқа жойда келтирилиши ҳам гап бўлақларининг муайян кетма-кетликдаги узвий маъно ифодасига халал етказди. Бу каби ҳолатлар сўзларнинг гап таркибида жойлашувига оид ғализликни юзага келтиради.

Шоирнинг қуйидаги байти юқорида сўз юритилган лафзий таъқидга мисолдир:

*Талх этар албатта одамнинг тотли айшин
Бода нўш айла бугун, айлама фикри фардо.*

Байтда сўзларнинг ўрни алмашиши натижасида мутакаллимнинг мақсади аён бўлмай қолган. Одамнинг тотли айшини нима талх этишини илғаш мушкул бўлиб қолган. Аслида мутакаллимнинг мақсади: “Бугун бода нўш қил, ёлғизлик (фикри)дан йироқ бўл, ёлғизлик одамнинг тотли маишатини албатта талх этади”, дейишдир [4; 28].

Баъзан гапдаги сўзлар ўз ўрнида ишлатилган бўлса-да, чигалликка йўл қўйилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бунда гапда мутакаллим танлаган сўзлар маънони етарли даражада ифодалаб бера олмайди. Баъзан эса, маънода хато, янглиш, мантиқий номувофиқлик, ғализлик кабиларга йўл қўйилган бўлади.

Гапдаги бу иллат шаклий-зоҳирий бўлмасдан маънога тааллуқли бўлгани сабабли у бир қарашда билинмаслиги мумкин. “Таъқид”нинг ушбу турига мисол сифатида шоир Аббос ибн Аҳнафнинг қуйидаги шеъри мисол қилинади (таржимаси): Гапдаги бу иллат шаклий-зоҳирий бўлмасдан маънога тааллуқли бўлгани сабабли у бир қарашда билинмаслиги мумкин. “Таъқид”нинг ушбу турига мисол сифатида шоир Аббос ибн Аҳнафнинг қуйидаги шеъри мисол қилинади:

سأطلب بعد الدار عنكم لتقربوا
و تسكب عيناى الدموع لتجمدا

Маъноси:

*Уйим сиздан узоқ қилдим, яқин бўлай деб,
Қуриб битсин бу кўзлар ҳам соғинч гамин еб.*

Байтдаги маънавий таъқид шундан иборатки, мутакаллим ёру дўстга яқин бўлиш – уларни соғиниб яшаш мақсадида уйини улардан узоқ қилганини чиройли ифодалаган. Лекин уларни соғиниб, хурсандчиликда тўкилган ёшлар кўзни қуритиши (кўр қилиши) шодлик эмас, ғам-қайғу ва маҳзунлик оқибатидир. Шу сабабга кўра балоғат олимлари ушбу байтни “маънавий таъқид” сирасига киритишган.

2-шуба

Шунингдек, ўринсиз такрорнинг кўплиги ҳамда уюшган бирикмалар кетма-кетлигининг ортиқча узун бўлишини ҳам гап фасоҳатига нуқсон етказувчи омил сифатида санаб ўтишган.

Ортиқча такрор *мутакаллим* сўз жамғармасининг камлиги, турли ўринларда маънодош сўзлардан унумли фойдаланилмагани оқибатида юзага келади. Шу билан бирга, ўринсиз такрор ифодаланаётган маънонинг турли тафовутларга эга нозик жиҳатларини ажратишни қийинлаштиради. “Муткаллим”нинг мақсад ифодасида ғализликка сабаб бўлади. Ўринсиз такрорга йўл қўймаслик матнда поэтик жозиба, ранг-баранглик ҳамда эстетик эмоционалликни янада оширади.

Бизнингча, матнда ортиқча ва ўринсиз такрорга икки сабабга кўра йўл қўйилади:

1. *Мутакаллим* фикрни ифодалашда барча ўринларда бир сўзни айнан келтиради. Агар у илмий истилоҳ ёки атоқли от бўлса, *мутакаллим*да шу маънони билдирадиган бошқа сўзларга мурожаат қилиш имкони чекланади. Ундай бўлмаса, бундай салбий ҳолатни синонимлардан унумли фойдаланиш билан баргараф этиш мумкин.

Туркий тил маънодош сўзларга бойлиги жиҳатидан бошқа тиллардан ажралиб туради. Бу ҳақда Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида тўхталиб ўтганлар. Хусусан, бошқа тилларда унча эътибор қилинмайдиган, бир-бирдан кичик фарқ қилувчи маънолар тилимизда алоҳида сўзлар билан ишлатилиши асослаб кўрсатилган. Ҳайвонларнинг эркаги ва урғочисини алоҳида номланиши ёки аслида зид маъноларни билдиришига қарамай, битта сўз билан аталувчи лексемаларнинг тилимизда мустақил ифода йўсинига эгаллиги *мутакаллим*нинг гап фасоҳатига путур етказмаслик учун етарли манба бўлиб хизмат қилади. Бу каби нодир сўзлар нафақат “хусни ғароба” сифатида, балки гап фасоҳатини таъминловчи ортиқча такрорга йўл қўймаслик масаласида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “ўчор”, “қопу”, “инак”, “тонук” кабилардан фойдаланиш тилимизга хос соф туркий сўзларни “мухотоб”га ҳавола этиш билан бирга, матн жозибасининг янада ошишини таъминлайди.

2. Айнан бир гап таркибида эмас, кетма-кет келган гапларда бир хил сўз, ибора, бирикма каби лексик бирликларнинг қайта-қайта келиши ҳам ортиқча такрорга сабаб бўлади. Бизнингча, бу ҳодиса бир гап таркибида учрамагани учун уни балоғат олимлари гап фасоҳатига зарар келтирувчи алоҳида мустақил омил сифатида санамаган бўлиши мумкин. Бундай такрор матн жозибасини йўқотиши, ғайритабиийлик ҳосил қилиши важдан “мухотоб”га қабул қилишда ноқулайлик тўғдириши, малол келиши эҳтимоли бор. Агар шундай бўлса, бундай матн ўз-ўзидан фасоҳатини йўқотади.

Аммо таъкид, кучайтириш, омонимлик ҳодисаси, радиф, тақрир каби *мутакаллим*нинг муайян мақсадни алоҳида кўрсатиш учун ишлатилган такрорлар иллат ҳисобланмайди [2; 128].

Гап фасоҳатига путур етказувчи яна бир омил – изофа занжирининг узунлиги тилимизда нисбатан кам учрайди. У гапнинг ортиқча чўзилиб

2-шуба

кетишига сабаб бўлади. Бу эса *мутакаллим* мақсадини илғашда “мухотоб”га қийинлик келтиради. Балоғат олимлари фикрича, фасих гап мақсадни мухотобга аниқ-равшан, қисқа, лўнда, ортиқча саволларларга ўрин қолдирмасдан тўлақонли етказиб бера олувчи гапдир. Шу нуқтаи назардан мазкур мақсад ифодасига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ҳолат ғайрифасих сифатида қаралади.

Фасих гап матннинг фасоҳат ва балоғати учун муҳим омилдир. Гапнинг фасих ёки ғайрифасих экани аксар ҳолларда контекстда маълум бўлади. Алоҳида олганда ғайрифасих деб қаралган гап матнда (хусусан, бадий матнда) тўлиғича фасих саналиши мумкин.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

- ٢٠١٤م..المكتبة العصرية . بيروت .تلخيص المفتاح .محمد بن عبد الرحمن جلال الدين الخطيب القزويني 1
- الشيخ محمدي الباميانى. دروس في البلاغة (شرح مختصر المعاني للتفتازانى). الجزء الاول. بيروت. مؤسسة البلاغ. ٢٠٠٨م. 2
1. Ан-наъийм. Арабча-ўзбекча луғат. –Т.: Халқ мероси, 2003.
 2. Ahmed Cevdat Paşa. Belâgatı Osmâniye. – Ankara: Akçag, 2017.
 3. Menemenlizâde Mehmet Tâhir. Osmanlı edebiyatı. Belâgat. –Ankara: Kurgan edebiyat, 2013.
 4. Шарифов З. Балоғат фани. Баён ва бадеъ илмлари. –Т.: Мовароуннаҳр, 2014.

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ВЕБ-МАНБАЛАР

Шоҳсанам Ўткировна Ниязова,
“Сўздиёна” газетаси бош муҳаррир ўринбосари

Мутахассислар орасида интернет манбаларига турлича қарашлар мавжуд. Уларнинг бу борадаги қарашларини куйидагича гуруҳлаш мумкин [1]:

1) Интернетни ОАВ учун қўшимча ахборот-алоқа канали сифатида қўллаш;

2) Интернетни алоҳида ОАВ сифатида, интернет журналистикани эса журналистлик фаолиятнинг мустақил йўналиши сифатида тан олиш.

Хатто айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, “информация етказишнинг янги воситаси аънавий ОАВга янгидан туғилиш имконини беради”[2]. Бу воситани, яъни электрон нашрларни таҳлилчилар ўз ўрнида **икки турга** бўлади[3]:

1. Босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг версиялари (www.hidoyat.uz/, <https://azon.uz/radio>, www.azon.tv);

2-шуба

2. Соф интернет нашрлар: анъанавий ОАВда ўз оригиналига эга бўлмаган ахборот хизматлари ва порталлар. Масалан, www.kun.uz, www.UzDaily.uz, www.gazeta.uz ва бошқ.

Баъзи манбаларда учинчи тур сифатида тармоқдаги электрон ваколатхоналар – қонун чиқарувчи органлар, давлат тизимлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳаракатлар, партиялар ва бошқаларнинг веб-сайтлари ва порталлари (масалан, www.muslim.uz) киритилади.

Ўзбекистондаги ОАВнинг интернетдаги ривожини хронологиясига эътибор қаратсак, улар босқичма-босқич глобал тармоққа чиққанлигига гувоҳ бўламиз. Маҳаллий тадқиқотчиларимиздан бири Н. Муратова бу даврни 4 босқичга бўлади[4].

1-босқич (1996-1999 йй.) – интернетга анъанавий нашрларни маълумотлар билан бойитишга қаратилган информацион манба сифатида қаралган бўлса, 2-босқич (2002 йилдан бошланган) нашрлар хусусида маълумот берадиган интернет саҳифачалар яратилиши билан ёдда қолди. Айтиш жоизки, веб маконга чиққан дастлабки нашрлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” дир.

3-босқич (2007 йилдан бошланган)да таҳририятларда on-line нашр мақомида веб-сайтларни ҳосил этиш ёки қайта ташкил қилиш, уларни босма нашр чоп этилиши билан баробар янгилаб бориш каби ўзгаришлар рўй берди.

Ниҳоят 4-босқич (2011 йилдан ҳозиргача) интернет тақдим этувчи барча имкониятларни тўла ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш, тезкорлик ва ҳозиржавобликнинг ортиши билан кечмоқда. Қолаверса, замирида диний ғоя ва мақсадлар мужассам бўлган телеканаллар, радиотўлқинлар, интернет сайтлари, ахборот агентликлари, босма нашрларнинг “маҳсулотлари” ҳам салмоқли ўрин эгаллай бошлади.

Мисол тариқасида, 2003 йил соф Ислом дини таълимотларини тарғиб қилувчи islom.uz сайтига асос солинди [5] (Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор UZINFOCOM’нинг Миллий қидирув тизими www.uz рейтингига кўра, 10.09.2020 йил ҳолатида энг кўп кўрилаётган диний-маърифий интернет манбалари рўйхатида 1-ўринни эгаллаб турибди).

Сўнгра Ўзбекистон мусулмонлар идораси расмий веб портали (muslim.uz) ишга тушди. Ва ниҳоят 2017 йилда azon.uz ахборот-таҳлилий портали, шу йилдаёқ расман биринчи исломий онлайн-радио “[Azon FM](http://Azon_FM)” иш бошлади. Ўшанда Azon.uz сайти асосчиси Мубашшир Аҳмад келажакда диний-маърифий телеканал очиш мақсад қилинганини маълум қилган эди [6]. Дарҳақиқат, 2019 йилда “ Ўзбекистонда онлайн режимда фаолият юритувчи биринчи илмий-маърифий канал” [7], дея таъриф берилган [Azon TV](http://Azon_TV) онлайн телеканали ўз фаолиятини бошлади. Телеканал дастурларини Azon.uz сайти, фејсбук ижтимоий тармоғи ва YouTube орқали кўриш имконият яратилди. Сўнгра ушбу телеканал ўз веб-сайти (azon.tv)ни ҳам очди. Бугун телеканалнинг 20 га яқин диний-маърифий ва айни дамда оммабоп-интерактив дастурларини томоша қилиш мумкин. Хусусан, “Йўловчи”, “Имтиҳон”, “Саидалар саодати”, “Қуръонни биламизми?” ва бошқалар. [Azon TV](http://Azon_TV) кўрсатувлари онлайн, яъни

2-шуба

фақат интернет тармоғи орқали намоёиш этилса-да, қисқа муддат ичида ўз мухлисларини топди. “Йўловчи” кўрсатувининг “Олтин кабутар” танловида “Энг яхши кўрсатув” номинациясида 3-ўринга сазовор бўлгани фикримизни далиллайди [8]. Azon TV илмий-маърифий онлайн телеканалининг YouTube канали обуначилари сони 100 мингдан ошди.

Ҳозирга қадар интернет журналистикаси бўйича Ватанимиз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилди. Жумладан, ўзбек олимлари ва тадқиқотчилари Ф.Мўминов, Н.Қосимова, Д.Рашидова, Ш.Қудратхўжаев, Н.Муратовалар [9] Ўзбекистонда интернет журналистикаси юзага келишининг ҳуқуқий, тарихий, тузилмавий, технологик ва ижодий жиҳатларини ўрганган. Бироқ бу изланишларда интернет журналистикаси, умуман, интернет оламида диний мавзуларнинг ўрни, зарурати, тамойиллари ва камчиликлари тадқиқ этилмаган. Интернет журналистика соҳасидаги тенгсиз илмий қўлланмалар саналувчи рус ва хориж олимлари тадқиқотлари тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шунга қарамай, охириги пайтларда кибермаконда муқаддас Ислом дини, дунё саҳнида рўй бераётган ва диний қарашлар билан бевосита боғлиқ бўлган воқеликларнинг ёритилиши ва талқинининг таҳлиliga доир кузатувлар, илмий ишлар тобора кўпайиб бормокда. Ушбу мақола ҳам шундай уринишларнинг бири ўларок Узнет сигментидаги веб-сайтларнинг таснифи ҳамда айрим диний онлайн порталларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги мухтасар маълумот ва кузатувларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муратова Н. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка// Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Т.: НУУз, 2011. – 4-б.
2. Мухаммаджонова Ф. Интернет: хабарлар рақобатининг кизгин нуктаси. // Интернет журналистика. Сб. научных статей. –Т.: MRC Тошкент, 2005. – 52-б.
3. Рашидова Д. Интернет журналистика. –Т.: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, 2007. – 42-б.
4. Муратова Н. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка// Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Т.: НУУз, 2011. – 8-б.
5. <https://islom.uz/hazrat#block7>
6. azon.uz/content/views/onlayn-mubashshir-ahmad-domla-bilan-suhb - 30.09.2017
7. uzdaily.uz/uz/post/4800 - 10.02.2019
8. uza.uz/oz/society/oltin-kabutar-tanlovi-sovrindorlari-r-ykhati-05-12-2019

2-шуба

9. Рашидова Д. Информационные технологии и интерактивная Интернет журналистика - Т.: 2003.
10. Рашидова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. –Т.: Zaq-Qalam. 2003.
11. Рашидова Д., Азимов Ж. СМИ в Интернет и освещение законодательной деятельности Интернет журналистикой. Метод. пособие. - Т.: 2006.
12. Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т.: Международный Центр переподготовки журналистов, 2007.
13. Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. – Т.: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, 2012.
14. Кудратходжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: Узбекистан, 2011.
15. Кудратходжаев Ш. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. –Т.: Узбекистан, 2010.
16. Кудратходжаев Ш. Интернет: благо или зло. Предпосылки создания, история и тенденции развития, схожесть оценок, инструмент в чьих руках...// Вестник НУУ. –Т.: Университет. 2010. - №1.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА НОСИРХОЖА ВАЛАДИ МАНСУРХОЖА ДОСТОНЛАРИ

**Камолиддин Аминжонович Жўраев,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси
кафедраси мустақил тадқиқотчиси**

Алишер Навоий яратган мангуликка даҳлдор асарлари асрлар давомида “Уласға марғуб”, “Кўнгулга маҳбуб”, “Халққа зебо торок”, яъни унинг асарлари халқ маънавиятининг кўрки бўлиб, инсоният оламини яхшиликка ундаб келмоқдаки, натижада унинг асарлари ҳар қанча тазийқларга қарамасдан халқ орасида оммалашиб кетди. Халқ унинг асарларини кўз қорачиғидек асраб маънавий – бадиий озик олди.

Кенг халқ оммаси Навоий асарларини бевосита ва билвосита мотивлари асосида вужудга келган ривоят, эртақ ва халқ достонлари орқали танишиб борди.

Ўзбек халқининг бир қатор ўзига хос адабий анъаналари борки, шулардан бири, халқ орасида кенг ёйилган Навоийхонлик анъанасидир. Тарихдан маълумки, Навоий асарлари Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари орасида турли котиблар томонидан кўчирилган, қайта – қайта нашр қилинган намуналари орқали омма орасига етиб борган. Унинг кишилар қалбини забт этувчи “Хазойин ул-маоний”га кирган оташ олул ғазаллари Навоийхонлик кечаларида ўқилган ва турли

2-шуба

кишилар томонидан шарҳланган. Бу давраларда қатнашган кишилар Навоий асарларини тарғиботчиси сифатида ҳаракат қилганлар. Унинг асарларини ўқиган, эшитган кишилар, мазмунини бошқаларга сўзлаб берганлар. Айниқса, унинг асарлари куйга солиниб, ижро этилиши натижасида омма орасида ёд бўлиб кетади. Булар Навоий асарларининг халқ орасида кенг ёйилишига, оммалашувига имкон беради.

Навоий асарларини кенгроқ оммалашувида халқ китобларининг ҳам ўз ўрни бор. Зеро, Навоий асарларини мутоалаа қилиш фақат саводли кишилар бўлибгина қолмасдан, балки, адабиёт бўйича билимга эга бўлган, араб, форс тилларини билган, шунингдек, бошқа билимлардан хабардор бўлган кишилар орқали ҳам омма орасига кириб борган. Иккинчидан, Навоий асарларининг тили кейинги давр кишилари учун фарқланиб боргани учун Навоий асарларини қайта баён этиш китобхонлар эҳтиёжини қондириш учун халқ бахшилари, халқ шоирлари томонидан Навоий асарларининг халқ китоби вариантларини вужудга келтиради.

Алишер Навоий ўз ижодида халқ оғзаки ижодидан бахраманд бўлганидек, унинг асарларидан илҳомланган халқ шу дostonлар мазмуни асосида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” нинг эртақ, афсона ва халқ дostonлари вариантларини яратадилар. Бундай ҳолат Навоий асарларини янада халқ орасига кириб боришида бир восита бўлади.

Туркий халқлар, жумаладан, ўзбек халқи асарлар мобайнида турли халқлар билан маданий алоқа қилиши натижасида “Халқ китоблари” туркумида ҳам ўз изини қолдирган. Ўзбек тилидаги халқ китоблари орасида бевосита маҳаллий – миллий адабиёт намуналари асосида, шунингдек, араб, ҳинд, форс ва бошқа халқлар адабиёти материаллари асосида бир неча асарлар яратганлар. “Калила ва Димна”, “Тўтинома”, “Китоби Жамшид”, “Рустами дoston” шулар жумласидандир.

Ўзбек халқи китоблари жавонида Алишер Навоий дostonлари асосида яратилган асарлар анчагина. Жумладан, Мир Маҳдум томонидан китобат қилиниб нашрга тайёрланган “Насри хамсаи беназр”, Маҳзун яратган “Қиссаи шаҳзода Фарҳод ва Ширин”, Умар Боқий томонидан насрий баён қилинган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” Фозил Йўлдош ўғлининг “Лайли ва Мажнун” дostonи шундай асарлардандир.

Носирхожа валади Мансурхожанинг “Лайли ва Мажнун” дostonи ҳам ана шундай асарлардан биридир. Дostonинг қисқача мазмуни куйдагича:

Носирхожа валади Мансурхожанинг “Лайли ва Мажнун” дostonи Аллоҳга ҳамд, Муҳаммад Расулulloҳга насрий наътдан кейин, у Аллоҳнинг фармонича белига ҳизмат камарини боғлаб *“тарқи ишқ бирла оташи муҳаббатда ўртаниб, кўнглун ҳолис қилмоқ, ҳаммадин беҳроқ”* савоб иш қилиш мақсадида мазкур дostonни насру назм билан тартибга беришга киришади.

Бошқа шу типдаги дostonлар каби Носирхожанинг дostonида ҳам арабларнинг Араб қабиласидан Саййид Бани Омир деган қабила бошлиғининг фарзанди йўқлиги сабабли авлиё ва анбиёларга садақалар улашиб, Аллоҳдан бир ўғил фарзанд беришини тилайди. Унинг муножоти Аллоҳ томонидан қабул

2-шуба

қилиниб, бир ўғул фарзанд ато қилади. Саййид Бани Омир бошини саждага қўйиб, Ҳаққа шукру санони бисёр қилиб, хеш таборни йиғиб, ўғлини отини Қайс қўяди. Хурсандчиликдан бева – бечораларга хайр эҳсон қилади. Кунларнинг бирида Бани Омир ўғлини кўлига олиб қараса, унинг юзи жамоли гўё офтобдек оламни мунаввар қилиб, лабларидин ширин-шакарлар томар экан. Уни бир кўрган одам иккинчи марта кўришни орзу қилар экан. Тақдир бу гўдакни вужудини муҳаббат билан яратганлиги сабабли кеча – кундуз тинмасдан йиғлар экан. Зеро, ошиқларнинг иши доимо йиғламоқдур. Қайс ўзига ўхшаган ҳусни жамоли тоза кишининг кўлида бўлса, ором олар, ахлоқсиз кишининг кўлида бўлса, янгидан йиғи бошлар эди. Маълум бўладики, Бани Омирнинг ўғлининг қалбига ёшилигидан Аллоҳга бўлган муҳаббат билан йўғрилган экан. Бани Омир ўғлидаги бу ҳислатни кўриб, унга тўғри тарбия беришга ҳаракат қилади. Кунларнинг бирида, сайргоҳга чиққан Қайснинг онаси ўғлини ҳам боққа олиб боради. У боғда бир қизни кўриб, ўзини шамга урган парвонадек унинг атрофида айланиб юради. Онаси у қиздан Қайсни узоклаштира, зор – зор қақшаб йиғлар эди. Қизга яқин олиб борса, унинг йиғиси тўхтади. Маълум бўладики, руҳи покларни оналарининг қорнида, бир – бирига ошиқи пок қилиб яратган экан. Бани Омир Қайснинг бу қилиғига тушунолмасдан, у бир дардга чалинган деб ўйлайди. Қайс шу ҳолатда уч ёшга киради. У ўз тенгқурлари билан дилнавозлик қилиб, ишқи ҳақиқий жўш қилиб, дўстларига ширин такаллумлар қилади. Қайснинг бу қилиқларига тушунолмаган ота – она уни мактабга ўқишга берсак яхши бўлиб кетар деб ўйлашади. Аммо мактабда қизлар орасида бир қизни кўриб, унга ошиқу шайдо бўлиб қолади. Қайс мактабда қизлар орасида боғда кўрган Лайлини таниб қолади. Лайлининг тири ишқи Қайснинг қалбидан жой олади. Улар бир-бирига тикилиб имо ишоралар орқали дардлашадилар. Қайс мактабдан келгач онаси ундан нималарни ўрганганлигини сўраганда у Лайлини кўриб ошиқ бўлганлиги ҳақида онасига хабар беради. Онаси бу сўзни эшитиб *“Болам бу не сўздур сан айтурсан. Мактабга бориб илм ўқигил. Бу гапларни айтма. Кишининг қизини маломат қилма. Холо ёшсан адабхонага бориб илм қил”* деб насиҳат қилади.

Эртаси Қайс мактабга борганда Лайлига бўлган ишқи янада жўш уруб бир-бирига табассум қилиб, ишоратлар орқали дилларни изҳор қилади. Булар орасидаги ишқий саргузашт араб қабилаларида турли миш-мишларга сабаб бўлади. Қайс онасининг эътирозига, насиҳатларига қулоқ солмай, ҳар куни Лайли ҳақида ишқий ғазаллар ўқийди. Одамлар орасидаги миш-мишлар Лайлининг отаси қулоғига бориб етади. Лайлининг отаси Бани Ҳай қабиласидан бўлиб тунд мижоз киши эди. Унинг қабиласидаги одамлар Яман билан Шом ўртасида Бухад деган тоғнинг домонида яшар эдилар. Халқ орасида Лайли ва Қайс ҳақидаги гаплар кўпайиб кетганидан, Лайлининг отаси хотинига *“Қизингни мактабга юбормагин ва ташқарига чиқармагин”* деб буйруқ беради. Лайлининг эрталаб мактабга бораётганини кўрган онаси унга отасининг буйруғини эслатади ва шундай: *“Энди кўзга кўринибсан, қиз ўғлон катта бўлгондин сўнг ташқари чиқмаслар. Агар чиқса, бир маломатга чирмашур”* дейди. Лайлининг чандон зорланиб илтимос қилишига қарамай онаси уни

2-шуба

мактабдан олиб қолади. Мажнун мактабга бориб Лайлини тополмагач бир неча тенгдошлари билан Нажд тоғига бориб Лайлининг хаймасига йироқдан боқиб: “Вой Лайли” деб фарёди фиғон қилади. Жўралари унга “*Эй Мажнун, Лайлини андоғ кўрклуку йўқ. Ани учун мундоғ куймагин*” дер эдилар. Мажнун уларга: “*Сизлар мени кўзим бирла кўрсангизлар хўблигини билар эдингизлар*” деб йиғлайди. Ва шамол орқали ўз дардини Лайлига изҳор қилади. Худди шу пайтда Лайли ҳам юз қайғу минг хасрат билан Мажнунни фироқида куюб, ёниб ўлтирур эди. У Мажнунни кўриб, қаддини рост тутиб хаймадан чиқади. Улар бир-бирига сўзсиз тикилиб қоладилар. Мажнун гўё ўзини шамга урган парвонадек, ишқ дардида куяр эди. Лайли отаси ва атрофдагиларнинг гап сўзидан кўрқиб хаймасига киради. Мажнун зор – зор чун абру навбаҳор йиғлаб фарёд қилиб, Нажд тоғига чиқиб “Вой Лайли, вой Лайли” деб нола қилади. Бу ҳолни кўрган унинг жўралари Мажнунни ташлаб уйларига кетадилар. Мажнун эса Лайлининг хиргоҳини айланиб, у юрган ерларни тавоб қилиб бўса олади, унинг босган излари тупроқини кўзига суртади. Мажнуннинг бу ҳолидан унинг ота ва қариндошлари беҳабар эди. Мажнундаги бу ҳолатни Саййид бани Омирга хотини қуйидагича баён қилади:

*Арзим эшит, айтай тамом, эй Саййид ибн Омирий,
Бермиш Бани Ҳайдин равон, бир моҳнайкар дилбари.
Лайли турур оти чунон, навраста бир хўб дилбари,
Тўғмас анодин бегумон, сўнгра яна Жаннат ҳури,
Они учундур ҳар замон ортар ўғлунг дарди сари [3,11].*

Хотинидан бу сўзни эшитган Саййид бани Омир ўз қариндошларини йиғиб, унинг чорасини топиш учун маслаҳат қиладилар. Алғараз, Бани Омирнинг қариндошларининг уруғлари йиғилиб Лайлининг онасига бориб совчиликка келганликларини баён қилади. Лайлининг онаси бу таклифни эшитиб: “*Эй Саййид, бори сўзунгузни жон дил бирлан қабул қилур эрдик, ва аммо ўғлунгуз девона миждоз ва хотири паришонликдин сиҳат бўлмаса, бу сўзни қабул қилмасмиз. Ўзимизни кўра била ёнар ўтга урмасмиз*” дедилар. Улар уйга келиб Мажнунга бу сўзларни айтганда Мажнун уларни фикрига кўшилмайди. Мажнуннинг бу сўзларини эшитган қабиладошлари улардан юз ўгириб кетади. Отасининг нисихатларига кулоқ солмаган Мажнуннинг қалбида ишқ ўти янада кучлироқ алангаланиб, либосларини пора – пора қилиб, кўлларини бошига уриб “Вой Лайли, вой Лайли” деб қарсак уруб ҳар тарафга югурур эди. Бани Омир ўғлининг бу ҳаракатларини кўриб ҳар тарафга чиқиб кетмасин деб аёғига занжир боғлаб қўяди. Мажнуннинг ота- онаси хеш ақраболари даволатиш учун ҳар ердаги бузургворларга қўй – кўзилар элтиб шифо тилайдилар. Улар ўғлингизни Маккаи муаззамага олиб борсангиз балки шифо топар деган маслаҳатини берадилар. Бани Омир ўғлини Каъбага киргизиб “*Эй кўзимнинг равшани ва эй юрагимни қуввати болам, бу жойидурки, банда тилак талаб мақсуд қилур, бу дардинг мубталолизи учун бу паришонликдин ҳалос қилгил, деб йиғлагин*” деса Мажнун ишқ йўлида бу сўзларни айтади:

*Меҳнат чекиб келдик бизлар бу жою,
Ошиқларни меҳмон бўлон жойидур.*

2-шуба

*Сабр айларам ҳар на бўлган жафоя,
Мушукул дарда дармон бўлон жойидур [3,12б]*

–деб ўзининг ишқ дардини янада кучлироқ бўлишини Аллоҳдан тилайди. Мажнуннинг бу сўзларини эшитган ота ўғлининг соғайишидан умид узади. Мажнун ишқ жомига гирифторм бўлиб, масту беихтиёр ҳолатда Маккадан чиқиб дашту биёбонга йўл олади. Саййид бани Омир ўғлини тополмай уйга хомуш ҳолда қайтади.

Мажнун Лайли куйида Нажд тоғи этаклариди дарбадар юрган кезларида Навфал исмли подшоҳ шикор пайтида Мажнунни бу аҳволда кўриб унга раҳми келади, хизматкорларга буюриб, уни олдириб келади. Навфал шоҳ Зайд исмли ходимидан Мажнун ҳақидаги турли хил саргузаштларни эшитиб кўнгли эриб, унинг олдиға бориб: *“Эй Мажнун, Лайли учун ҳеч гам емагин, агар Лайли ҳаводаги қуш бўлса ҳам санга муяссар қилмасам, қўлимни андин кўтоҳ қилмасман”* деб Мажнуннинг кўнглини кўтаради. Навфал Мажнун билан сўзлашган пайтида, у айтган ишқий ғазалларни эшитиб завқ олади. Мажнун эса унинг вадасига ишониб жунунлиги яна ҳам ошади. Охири Мажнун қистайбергандан кейин Навфал шоҳ Лайлининг отасига элчи юбориб *“Қизини Мажнунга берсун. Агар Мажнунга бермаса устага қўшин тортиб, Бани Ҳай жамоасини зарби шамиш бирла сазосини берурман”*, деб жўнатади. Бу хатни олган Бани Ҳай қабиласи бошлиқлари йиғилишиб Навфал шоҳ билан жанг қилишга тайёр эканликларини билдиради. Ҳар икки қабила одамлари жанг қилаётган пайтида Мажнун Бани Ҳай қабиласига омад тиласа, Лайли Навфал шоҳга омад тилайди. Уруш Навфалшоҳнинг ғалабаси билан тугаб Бани Ҳай қабиласи бошлиқлари қиличларини гарданига осиб Навфалдан кечирим сўраб келадилар. Бани Ҳай қабиласининг одамлари мақсадинг Лайлини зўрлаб телба Мажнунга олиб берадиган бўлсанг, биз сандан рози бўлмаймиз. Чунки, у девонасифат, хотири паришон, ақли ўзида эмас, Лайлини ўлдириб қўйиши мумкин дейдилар. Бу сўзни эшитган Навфал қизларингни кимга берсаларинг бераверинглар деб рухсат беради. Буни эшитган Мажнун Навфалдан ваъдасида турмагани учун ҳафа бўлади. Мажнун яна саҳрога бош олиб чиқиб кетади. У саҳрода *“Вой Лайли, Вой Лайли”* деб нола қилиб турган пайтида бир сайёднинг бир кийикни ушлаб уни бўғизлаётган ҳолда кўриб:

“Эй сайёд, бу жониворни ўлдирма озод қил”:
Сайдинг қўябер сайёд, дил пора экан мендек,
Ҳавлларни кезиб юрган сайёра экан мендек,
Сарто сари ҳижрондин ҳам ёра экан мендек,
Саргашта гариб бўлгон оввора экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек?! [3,13 б]

–деб илтижо қилади. Сайёд бу оҳуни уйда оч турган болалари учун емиш қилиши лозимлигини айтганда, Мажнун Навфал берган салоҳларини сайёдга бериб бир неча бор ҳайвонларни ўлимдан сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам даштда юрган ёввойи ҳайвонлар Мажнуннинг орқасидан эргашиб юрадилар. Кунларнинг бирида бир кампир болалари учун садақа сўраганда мани бўйнимга ип солиб, овуллардан садақа сўрагин деб Мажнун ўзини

2-шуъба

бўйнига ип боғлатади. Кампир уни етаклаб овулма овул юриб Лайлининг овлига ҳам бориб қолади. Шунда Мажнунни овулнинг болалари тош, кесак отиб баданларидан қон чиқаради. Мажнун буларга парво қилмасдан Лайлининг муаттар ҳиди келаяпти деб хурсанд бўлади. Мажнунни бу маҳаллага келгани эшитган Лайли хаймадан чиқиб, Мажнуннинг бундай ғариб аҳволини кўриб “Вой Мажнун, вой Мажнун” мани учун ўзинини жонингга мунча жабр қилурсан деб кўз ёши қилади. Мажнун эса уни кўрганига хурсанд бўлиб Лайлининг атрофида парвонадек айланади. Отаси ва одамларнинг гапидан кўрқиб яна хаймага кириб кетади.

“Лайли ва Мажнун”нинг тадрижий такомилида Алишер Навоий достони янги бир воқеа бўлди. Навоий араб манбалари, ривоятлари, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Ашраф ва бошқаларнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари билан яқиндан таниш бўлганлиги сабабли, ўз достони яратишга киришар экан, адабий анъаналар ва устозлар ижодидан илҳом олиб, янги давр талаблари асосида асар ёзишга киришар экан, бу ҳақда дostonнинг якуний қисмида:

*Мен хастаки бу рақамни чектим,
Таҳрири учун қаламни чектим.
Ёзмоқда бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди афсона.
Мазмунга бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.
Лекин чу рақамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун...
Гар нукталари жаҳонни тутти,
Ғавзолари инсу жонни тутти.
Чун форсий эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи ...
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай ... [1, 34]*

Шоир бу парчада ўзи ёзмоқчи бўлган дoston ҳақида қуйидаги масалаларга эътибор беради: “афсона ва мазмун”га яъни асарнинг ўзгаришларига, унга қўйилган масалаларга, иккинчидан, дostonнинг тилига, учинчидан, дostonга ўзи киритмоқчи бўлган янгиликлар ҳақида ҳам эътибор берганлигини эслатмоқда.

Навоий “Лайли ва Мажнун” достони устида ишлар экан юқорида эслатганидек, дostonдаги воқеалар тасвирига, ҳаётини далиллар киритади ва уни янги босқичга кўтаради. Шунингдек, Лайли ва Мажнун фожиасини чуқурроқ кўрсатиш мақсадида, асарнинг тузилишига, образлар талқинига қатор ўзгаришлар ва янгиликлар киритади. Чунончи, Навоий Лайли билан Мажнунни танишиш ҳолатини устозларидан фарқли ўлароқ, уларни мактабда ўқиб юрган пайтида таништиради. Бу тасвир Лайли ва Мажнун ўртасида севги ва

2-шуъба

муҳаббатнинг бошланишига имкон туғдиради. Шу билан бирга улардаги руҳий кечинмаларни аниқ кўрсатиш имконини беради.

Носирхожа валади Мансурхожа “Лайли ва Мажнун” достонини ёзишга киришар экан, биз унинг ўзидан олдинги яратилган шу мавзудаги достонлар билан таниш эканлигига, айрим ўринларда Навоий достони воқеалари билан ўхшаш ҳолатларга дуч келамиз. Носирхожа валади Мансурхожа “Лайли ва Мажнун” достонини воқеаларини араб қабилаларининг ривояти билан бошлар экан. Саййид Бани Омир ўғил фарзанд кўриб, унинг тарбияси билан шуғулланар экан, Қайснинг пешонасидаги ёрқин нурни кўриб ҳайрон қолади. Уни бир ёшга кирган пайтда кўп йиғлайверганлиги учун бокқа сайрга олиб чиқади. Боғда у ўзига тенгқур бир қизни кўриб унга қараб талпинади. Улар бирга бўлган пайтда Қайс йиғламайди, бир – биридан узоқлашганда йиғлайди. Уч ёшга кирган пайтда Қайсни илм олиш учун мактабга берадилар. У мактабда илм олса, ундаги йиғлаш ҳолатлари йўқолади деб ўйлайди. Қайс мактабга борганда турли араб қабилаларидан келган ўғил – қизларини кўриб, улар орасида боғда учратган қиз - Лайлига кўзи тушади. Қайснинг Лайлига кўзи тушганда унинг қалбида муҳаббат ўти алангаланиб, у қизга томон интилади. Лайли ҳам Қайсни кўриб бир – бирига кўзлари орқали имо – ишоралар билан мулоқот қиладилар. Улар бахтиёр ҳолатда уй уйларига қайтади. Қайс уйга келиб онасига кўргон билгонларини:

*Бордим адаб саройига, шанба кун сабо билан,
Тушди кўзум бир ойига, бир неча дилрабо билан.
Лучак очиб ўқир сабақ, ҳар сабақидур уч варақ,
Нур тўкулур табақ – табақ, оззи тўла сано билан.
Ҳар сори ноз айлабон боқар, боқшии жонни ёқар,
Сўзласа шаққари оқар, лабларидин вафо билан.
Бир пари тоза ҳушҳиром, нав гулу боғу лолафом,
Кокили мушк, Лайли ном, юз ёнадур ҳаё билан.
Сўзлашадур билак-билак, лаззати жондин ширин,
Юзида зулфи анбарин, оқ қўшулуб қаро билан.
Қоши кўзи қарошадур, қўл солишиб талошадур,
Ўйнаса хўб ярашадур, бир-бирига имо билан.
Ўтлара Қайсни солдилар, кўнгулди мандин олдилар,
Таъзим этиб эгилдилар, хуш дедилар ризо билан, [3, 23]*

-деб баён қилади.

Шу ўринда Алишер Навоий достонидаги икки ёшнинг танишуви билан боғлиқ бўлган воқеалар тасвири Носирхожа валади Мансурхожа достонидаги икки ёшнинг танишуви бир – бирига яқин турса-да, Носирхожа валади Мансурхожа достонида Қайс Лайли билан ҳали улар мактабга келмасдан ташишадилар. Мактабдаги танишув эса улар ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлайди.

2-шуба

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Хамса. –Т.: 1960.
2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, –Т.: 1964 .
3. Носирхожа валади Масурхожа. Лайли ва Мажнун достони. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи кўлёзмалар фондида № 159, № 211 рақамлари билан сақланади.
4. Фозил Йўлдош. Лайли ва Мажнун. –Т.: 1968.
5. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. –Т.: 1979.

SHOIR SODIQIY G‘AZALLARI MANBALARI HAQIDA

Shahnoza Yorqin qizi Isroilova,
TDO‘TAU O‘zbek filologiyasi fakulteti 4-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Shermuhammad Normurotovich Amonov,
TDO‘TAU universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

XX asr boshlari Feruz adabiy muhiti haqida ma’lumot beruvchi ayrim manbalarda iste’dodli ijodkor, sohibi devon shoir, tarjimon, xattot Rahmonquli — Sodiqiy (Sodiqiy, Sodiq) haqida ma’lumotlar uchraydi. Jumladan, Laffasiy “Tazkirayi shuaro”sida shoirni quyidagicha tanishtiradi:

“Sodiqiykim Rahmonquli to‘raki, mashhuri omu xos bo‘lganidek, ul To‘ramurod to‘raning og‘li Said Muhammad xonning axtigi bolib, Rahimquli yoshlig‘ zamonasida ilm tahsilin Xiva ulamo mudarrislaridin o‘qib, bir xili ma’lumotli bo‘ladur” [2;34]. Shuningdek, ushbu tazkirada shoir haqida *“Rahmonquli forsiy va ham arabiy, hind lugatlig‘ asarlarini go‘yoki o‘z ona tili kabi o‘qib, fasohatlisonlig‘ bila tarjima qiladur erdi...”*[1;46] - degan ta’riflarga ham duch kelamiz. Laffasiyning ma’lumot berishicha, Sodiq tarixni juda yaxshi bilgan, har xil gazeta va jurnallarni muntazam mutolaa qilib turgan. Feruz ko‘rsatmasi bilan “Sodiq” taxallusini olgan va she’rlar yoza boshlagan. E’tiborimizni tortgan holat, Laffasiyning Sodiq nazmiga bergan bahosidir: *“... Sodiqning har bir she’rlari nuqtayiy nazzoraga bir doxili ishq majoziy bo‘lsa-da, asli ma’niy jihatdan oning har bir nuqtasidin ilm g‘avoslari minglarcha ma’niy mafhum hosil qilib, daryoyi ummondin durri javohirlar-lali durri noyob mavjud qilur erdilar”* [1;47]. Ko‘rinadiki, Feruzning e’tiboriga tushgani, Laffasiyning shoir ijodi haqidagi yuksak bahosi Sodiqning iste’dodli ijodkorlardan bo‘lgani va uning hurmati baland bo‘lganini ko‘rsatadi.

Ma’lumotlardan ayon bolishicha, Sodiq *“xushxatu xushxon”*, *ya’ni xat turlari “xatti suls, xatti kofiy, xatti rayhoniy, xatti shikasta”*larni ona tilidek oqib, ham yoza olgan.

Xodimning *“Xorazm navozandalari”* asarida esa shoir Sodiq ijodi haqida: *“... Rahmonquli to‘ra eski maktabni bitkarib, madrasa ta’limotini to‘liq bitkargan.*

2-шуба

Forsiy, arabiy ilmlariga yaxshi olim edi. O‘zi shunday ilmlarga ega bo‘lsa ham xalq bila aloqasi juda ham yaxshi edi. Men shunday ilmlarga olimman degan da’vosi yoq edi. Ikkinchi bir odam bila so‘zlashmoqchi bo‘lsa, o‘zini kamtar tutar edi. Shoirliqi ham birinji o‘rinni olg‘on desa mumkin” [1;46-49]- tarzidagi ma’lumotlarni uchratamiz.

Tadqiqotlardan, Feruz adabiy davrasi ijodkorlari asarlaridan namunalari ko‘chirilgan ayrim to‘plamlarda ham Sodiq she‘rlari ko‘chirilgani ayon bo‘lmoqda.

Ayniqsa, O‘zFA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondida №909 - raqamli manbada “Devoni Sodiq” nomli bir bo‘lim bo‘lib, unda shoir she‘rlari jamlangan.

Sodiq ijodi janriga ko‘ra hozircha, g‘azal, muxammas, musaddas, qasida kabilardir. Afsuski, Sodiq ijodiga mansub lirik asarlar haqida ilmiy jamoatchilik deyarli tasavvurga ega emas. Zero, shoir she‘riyati tadqiqi, ularning go‘zal badiiyat namunalari ekanini ko‘rsatadi.

Tadqiqotlarimizshuni ko‘rsatadiki, O‘zR FA ShI qo‘lyozmalar fondidagi yana bir manbada Sodiq she‘rlaridan birmunchasi ko‘chirilgan. Ushbu toshbosma manba №8725-raqami bilan saqlanib, manbada g‘azal, muxammas kabi janrlardagi she‘rlari aks ettirilgan.

Sodiq g‘azallarining anchaginasini jamlangan yana bir manba Ahmad Tabibiyning “Majmuayi si shuaroysi payravi Feruzshohiy” tazkirasidir. Ushbu to‘plamda shoirning yuzdan ortiq g‘azali ko‘chirilgan. Tazkiradagi she‘rlar shaklan va mazmunan yuksak darajadagi lirik asarlar ekanligiga guvoh bo‘lamiz.

Tazkirasidagi Feruzning “*Topar kavnayn ichra maqsad ila komini Feruz, Inoyating bila bo‘lsa onga gar masnad paydo*” maqtasi bilan yakunlanuvchi ilk g‘azalga yozilgan ikkinchi payrav g‘azal (tazkiradagi uchinchi g‘azal) esa Sodiq qalamiga mansub [3;6^b]. Shoir Sodiqning payrav g‘azallariga tazkirada dastlabki o‘rinlarda e‘tibor berilgani ham shoirning hurmati nechog‘li baland bo‘lganini ko‘rsatadi.

Tabibiy tazkirasida shoirlarning payrav g‘azallari oldidan ular haqida masnaviy ko‘rinishidagi ma’lumotlar berib boriladi. Tazkiradagi Sodiq haqidagi ilk masnaviy-ma’lumot:

*Yetushganda Sodiqga ushbu g‘azal,
Oqub komin etgach chuchuk chun asal,
Bu abyotni dedi ul nekinom,
Bo‘lub berdi shohi oliymaqom,*

- tarzida keltirilgan.

Tazkiradagi ilk g‘azal Feruzning:

*Zihi bordur zuhuringga azal birla abad paydo,
Tafakkur aylabon zoting qila olmas xirad paydo,*

- matlali yetti baytli g‘azali bilan boshlangan. Shoir Sodiqning ushbu she‘rga yozilgan payrav g‘azali quyidagichadir:

*Zihi Xoliqqa bo‘lmish san‘ati birla jahon paydo,
Jahon ichra va xushu tayr birla insu jon paydo.*

2-шуба

*Ajab qudrat erurkim, xalq aylab ushbu olamni,
Hamul mehmon saroda qildi necha mehmon paydo.*

*Mutabbaq aylabon yer sathini ul Xoliqi olam,
Ham etdi qudrati birla muallaq osmon paydo.*

*Karam aylab birovga sarv guldek qomatu ruxsor,
Birovda ayladi qumri bulbuldek figon paydo.*

*Agarchi har zamonu har makonda Ul erur hozir,
Vale ermasdur Oning zoti pokiga makon paydo.*

*Inod ahli uchun zohir qilib qahrni, etti do 'zax,
Itoat qilgon elga ayladi sakiz jinon paydo.*

*Iloho, ayla Sodiq ko 'nglini ishqingga band andoq,
Kim onda bo 'lmasun g 'ayring xayolidin nishon paydo.*

Sodiqning tazkiradagi ikkinchi g'azali Feruzning "manga" radifli g'azaliga payrav tarzida yozilgan bo'lib, ushbu g'azal:

*Kecha-kunduz garchi ish jurm ila isyondur manga,
Rahmatingdin lekin ummid farovondur manga,*

- matlasi bilan boshlanadi.

Tazkirada Sodiqning so'nggi payrav g'azali esa:

*Nechakim parvonavash ishqing otiga yoqilay,
Kulbam ichra bir kecha kelkim, boshingdin o 'rgulay,*

- matlali besh baytli g'azal bilan yakunlanadi.

Xulosa shuki, Sodiq ijodiga mansub lirik asarlar haqida ilmiy jamoatchilik deyarli tasavvurga ega emas. Shoir hayoti va ijodiga doir manbalarni qiyosiy o'rganish, uning ijod namunalari joriy alifboda tabdil qilish va ularni she'riyat me'zonlari asosida tahlil etish manbashunoslik va adabiyotshunoslik sohasining dolzarb masalalaridandir.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Xodim. Xorazm navozandalari. –Т.: Adabiyot va san'at, 1994.
2. Laffasiy. Tazkirayi shuaro. Xorazm-Urganch: 1992.
3. Tabibiy. Tazkira. №1152.

2-шуба

**“MAJMUAYI SI SHUAROI PAYRAVI FERUZSHOHIIY”
TAZKIRASIDAGI SULTONIY G‘AZALLARI HAQIDA**

**Quvonchoy Nurmat qizi Nurmetova,
TDO‘TAU O‘zbek filologiyasi fakulteti 4-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Shermuhammad Normurotovich Amonov,
TDO‘TAU universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi**

Adabiyotshunosligimiz tarixida Feruz boshchiligida Xiva adabiy muhiti vakillari ijodi atroflicha tadqiq etilgan. Biroq bu davrga oid turli tazkiralar, bayozlar, she’riy to‘plamlarning tadqiqi bu boradagi ilmiy izlanishlarni davom ettirishini ko‘rsatmoqda. Negaki, bu davrga oid ayrim manbalarda hali ijodi tadqiq etilmagan, she’rlari joriy alifboda tabdil qilinmagan, hattoki ular faoliyatiga doir ma’lumotlar darslik yoki ilmiy adabiyotlarda ham uchramaydigan ijodlar anchagina. Hayoti va ijodi to‘lig‘icha o‘rganilmagan ana shunday ijodkorlardan biri Said Nosir to‘ra Sultoniydir.

XX asr boshlari Feruz adabiy muhiti haqida ma’lumot beruvchi ayrim manbalarda iste’dodli ijodkor, sohibi devon shoir Sultoniy haqida ma’lumotlar uchraydi. Jumladan, Laffasiy “Tazkirayi shuaro”sida shoirni quyidagicha tanishtiradi:

“Shoirning ismi Sultoniy Said Nosir to‘ra bo‘lib, Said Abdullaxon Muhammad Rahimxon Feruzning nabirasi bo‘lib u Muhammadyor to‘raning birinchi o‘g‘lidir. Sultoniy tarixi bir ming uch yuzdagi beshlanji yili onadan tavallud topib, ancha tarbiyali bo‘lgan holda tez kamolga yetishib ilm tahsilini Xiva mudarrislaridin o‘qib bir xili ma’lumotli bo‘lib, she‘r mashqiga havaskor bo‘lib bobosi Feruzning ruxsati bilan o‘ziga Sultoniy taxallus qilib ancha she‘rlar yozdi. Feruzdagi ul asarlarni tamomiy Bayoniy Muhammad Yusufbekka farmon qilib “Haft shuaro” isminda bir necha devonlarni toshmatbaasida chop qildiradur. Shoir bundan tashqari Feruzga yana ancha g‘azallar yozib turgan, shuningdek, Sultoniy ismida bir devon ham yozgan...” [2;34].

Xodimning “Xorazm navozandalari” asarida esa shoir Sultoniy haqida: *“Sultoniy Said Nosir to‘ra Xivaning tashqari qal’asida, Nurillabek hovlisida tug‘ilgan. Demak, Sultoniy to‘ra podshozoda oilasidan chiqqan. Sulton Muhammad Rahim ikkinchining buyrug‘i orqali Yusuf Hoji Oxun, Siddiq Oxun, Bayoniy Yusufbeklar har hafta ikki marta ziyofat qilindi va shu asnoda, kitob o‘qish, she‘r tartiblash nevarasi, ya’ni bo‘lajak shoirga shu uch kishining yordami orqali o‘rgatildi, qolaversa, Nosir to‘ra forsiyda ham yaxshi bo‘ldi va shu muhit tufayli shoirlikka qadam qo‘ydi...” [1;46-49]* - tarzidagi ma’lumotlarni uchratamiz.

Kuzatuvlarimiz natijasida, O‘zR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondidagi yana bir manbada Sultoniy she‘rlaridan anchaginasini ko‘chirilgani aniqlandi. Ushbu toshbosma manba №8725-raqami bilan saqlanadi. Ushbu manbada g‘azal, muxammas kabi janrlardagi she‘rlari ko‘chirilgan.

2-шуба

Sultoniy gʻazallarining anchaginasi jamlangan yana bir manba Ahmad Tabibiyning “Majmuayi si shuaroysi payravi Feruzshohiy” tazkirasidir. Ushbu toʻplamda shoirning taxminan yuzta gʻazali koʻchirilgan. Tazkiradagi sheʼrlar shaklan va mazmunan yuksak darajadagi lirik asarlardir. Tazkiradagi sheʼrlarning badiiyat jihatidan yuksak darajadagi lirik asarlar ekanini taʼkidlash zarur.

Tabibiy tazkirasidagi ilk gʻazal Feruzning “*Zihi bordur zuhuringga azal birla abad paydo, Tafakkur aylabon zoting, qila olmas xirad paydo*” matlasi bilan boshlanadi. Ushbu sheʼrga yozilgan ilk payrav gʻazal esa Sultoniy qalamiga mansub [3;6^a].

Malumki, Tabibiy tazkirasida shoirlarning payrav gʻazallari oldidan ular haqida masnaviy korinishidagi maʼlumotlar berib boriladi. Tazkiradagi Sultoniy haqidagi ilk masnaviy-maʼlumot:

*Yetushgach bu ashʼor Sultoniyga,
Ziyoligʻ yetib fikri ayvoniga,*

- matlasi bilan boshlanuvchi uch baytli masnaviydir. Ilk payrav gʻazal esa:

*Boʻlub sunʼing nasimidin azal birla abad paydo,
Xiradga gunah zoting bilgali yo Rab, ne had paydo*

- matlasi bilan boshlanadi. Eʼtiborlisi, Laffasiy tazkirasida ham Sultoniy haqida maʼlumot berilgandan soʻng, xuddu shu uch baytli masnaviy va shu payrav gʻazal keltirilgan. Demak, Ahmad Tabibiy tazkirani tuzishda Laffasiy tazkirasidan unumli foydalangan va Laffasiyning Sultoniy haqidagi ilk masnaviy-maʼlumot va gʻazalni keltirishni joiz topgan.

Tazkiradagi Sultoniyning ilk payrav gʻazali quyidagichadir:

*Boʻlub suning nasimidin azal birla abad paydo,
Xiradga gunah zoting bilgali yo Rab, ne had paydo.*

*Munojot ahlining koʻnglida hamding behisob asru,
Xarobot ahli koʻnglida umiding beadam paydo.*

*Nechuk hamding gulistonini tarifiga til ochgum,
Oʻzindin bolmasa, yo Rab, manga har dam madad paydo.*

*Saning Qodirliging tasdiqiga barhon erur sabo,
Dalil uldurki, boʻlmamish osmonlar beumid paydo.*

*Irodangsiz emasdur, kirdikori dahri dun ichra,
Bani odamdin olsa har nechakim, neku bad paydo.*

*Qabuli lutfing olgonga ne gʻam dahr ahli royidin,
Ne sud elning qabulidin ki qahring qilsa rad paydo.*

*Sabri ojiz erur Sultoniyni oning vasfi fikrida,
Zihi ermas zuhuringga azal birla abad paydo.*

2-шуба

Sultoniyning so‘nggi payrav g‘azali tazkirada 3067-raqamli besh baytli she‘r bolib, ushbu g‘azal:

*Rahm etib man zorning bazmiga kelgil, ey sanam,
Toki Sultoniydek mehringda ko‘z yoshim shaylay,*

- maqtasi bilan yakunlanadi.

Xulosa qilib aytganda, Sultoniy ijodi ham shu paytga qadar o‘rganilmagan. Shoir ijodiga mansub lirik asarlar haqida ilmiy jamoatchilik deyarli tasavvurga ega emas. Shoir hayoti va ijodiga doir manbalarni qiyosiy o‘rganish, uning ijod namunalarini joriy alifboda tabdil qilish yechimini kutayotgan ilmiy muammolardandir.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Xodim. Xorazm navozandalari. – T.: Adabiyot va san‘at, 1994.
2. Laffasiy. Tazkirayi shuaro. Xorazm-Urganch: 1992.
3. Tabibiy. Tazkira. №1152.

3-шубҳа

ЎЗБЕК ТИЛИДА НОМ ЯРАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Дурдона Эсоновна Лутфуллаева,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси профессори,
филология фанлари доктори

Ҳар бир тилда ном яратишнинг шу тилга хос лингвистик қонуниятлари мавжуд. Айниқса, ишлаб чиқариш ва савдо-сотик объектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (бренди) номлари, аввало, ўзи номлаётган объект ёки маҳсулот ҳақида бирламчи маълумотни бера олиши билан бирга, у ҳақидаги тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари, тасаввурларига мос келиши лозим. Ном орқали инсон тафаккурида ишлаб чиқариш ва савдо-сотик объектлари, маҳсулотлар, уларнинг маркаси (бренди)га хос энг муҳим жиҳатлар тасаввури шаклланади. Бундай тасаввурлар йиғиндиси инсон онгида маҳсулот, унинг бренди ёки ишлаб чиқариш объекти образининг юзага келишига олиб келади. Албатта, муайян маҳсулот ёки ишлаб чиқариш объекти, савдо маркаларининг бу тарздаги образи миллий-маданий қарашлар, дунёқараш, тасаввурлар, субъектив муносабат билан бойитилган мазмуний образ ҳисобланади.

Номларда тил эгаларининг объект ҳақидаги тасаввурлари, миллий-маданий қарашлари акс этар экан, уларни уни идрок этувчи инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳар бир тилда номлаш механизмининг ўзига хос миллий жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради. Турли ишлаб чиқариш ва савдо-сотик объектлари, маҳсулотлар, уларнинг савдо маркаси (бренди) номларида ўз ифодасини топган муайян халққа хос миллий-маданий жиҳатларни текшириш лингвокультурологиянинг тадқиқ объекти саналади.

Нейминг технологияси фаолият тури сифатида қайси соҳалар ҳамкорлигида иш олиб бормасин, тилшуносликда унинг бош мақсади муайян тилга хос ном яратишнинг лингвистик меъёрларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Лингвистик меъёрларга мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган ҳар бир ном савдо, ишлаб чиқариш объектлари, маҳсулотларнинг бозорда рақобатбардош бўлиши, ривожланиши, шуҳрат қозониши ва кенг ёйилишига ёрдам бериши лозим.

Муваффақиятли яратилган ном, аввало, ўз-ўзини баҳоловчи акт сифатида юзага чиқади. Ном ишлаб чиқариш объекти ёки маҳсулот, унинг брендининг номи сифатида ўзига ўзи баҳо бериш вазифасини бажаради. Демак, ҳар қандай номда объектга берилган субъектив баҳо ўз ифодасини топади. Бундай вазиятда ном орқали ишлаб чиқариш объекти ёки савдо маҳсулоти ҳақида муайян маълумот олиш имконияти туғилади. Аслида ҳам ҳар бир ном маҳсулот ҳақидаги энг умумий маълумотларга ишора қилувчи, унга урғу берувчи моҳиятга эга бўлиши лозим.

3-шубба

Дунё бозорида ишлаб чиқариш, савдо объектлари ёки маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, муваффақияти муайян даражада тўғри танланган номга ҳам боғлиқлиги сир эмас. Кишилар қадим замонлардан бери ном яратишда турли усуллардан фойдаланиб келишган: ишлаб чиқариш, савдо объекти ёки маҳсулотга асосий ҳолларда унинг хусусиятидан келиб чиқиб ном беришган, уларга бевосита ишлаб чиқариш, савдо объекти жойлашган шаҳар, қишлоқ, кўча номларини кўйишган ёки корхонани унинг таъсисчиси, маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг номи билан аташган.

Номлаш технологиясида ишлаб чиқариш, савдо объекти ёки маҳсулотга кишиларнинг номларини кўйиш ҳоллари кўп кузатилади. Назаримизда, бу каби вазиятларда маҳсулотнинг дунё бренди даражасига кўтарилишида номнинг ўзи етарли бўлмайди. Ном маҳсулотга тавсиф бериши, уни намоёни қилиши, маҳсулот ва истеъмолчи ўртасида алоқа воситаси ролини бажариши мақсадга мувофиқ. Муваффақиятли танланган ҳар қандай ном истеъмолчининг диққатини маҳсулотга жалб эта олади.

Маълумки, ҳар бир тилда ном яратишнинг муайян мезонлари мавжуд. Ном яратишга кўйилган мезонлардан бири, номнинг белгиланган лингвистик меъёрлар - фонетик, лексик, сўз ясаши, орфографик, морфологик, синтактик, пунктуацион, услубий меъёрларига мувофиқ бўлиши талабидир. Қуйида уларнинг айримларига изоҳ бериб ўтаемиз.

Ном яратишда, айниқса, тилнинг лексик меъёрларига риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида республикамизда ишлаб чиқариш, савдо объектлари, корхона, фирма ва маҳсулотлар учун яратилган ўзбекча номлар лексик жиҳатдан хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Амалиётда кўлланиб келинаётган номларнинг лексик таркибини кўздан кечирар эканмиз, ном яратишда ўзбекча сўзлар билан бирга, хориж сўзларидан аралаш фойдаланилганлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбекча ном яратиш тизимида ўз қатлам бирликлари қаторида ўзлашма қатлам бирликларини ҳам қўллаш ҳоллари кўп кузатилмоқда. Масалан, “7 НЕБО” (ресторан номи), “CAFFEE ISSIMO”, “ТАКА YUMMY” (кафе номлари), “DABANA”, “PROTEIN”, “TEXNO-SOFT”, “EXCELLENT EAST”, “GRAND-DUET”, “AVA REK” (масъулияти чекланган жамият номлари); “6 FLOOR GRILL&BAR” ресторан-бари, “ADEL” ресторани, “RUXSALIS”, “DAYEL WORLD” (хусусий корхоналари) шулар жумласидандир.

Бундай номлар инглиз, рус тилларида ёки бу тиллар бирликлари иштирокида яратилиб, тадбиркорлик фаолиятида кенг қўлланмоқда. Ушбу номларни яратишда ўзбек тилининг лексик меъёрига риоя қилинмаган, яъни ном яратишда лексик бирликдан ўринли фойдаланилмаган.

Ўзбек тилининг лексик меъёри ном яратувчидан лексик бирликлардан ўринли ва мақсадли фойдаланишни талаб этади. Ном таркибида тил эгалари учун нотаниш бўлган хориж сўзларининг қўлланилиши ёки сўзнинг объект, корхона, фирма фаолияти ёки мақсади ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилмаслиги унинг тўғри танланмаганидан далолат беради. Ном яратишда тилнинг лексик меъёрига риоя қилиш номнинг муваффақиятини таъминлайди.

3-шубҳа

Ном яратишда синтактик меъёрнинг бузилиши номнинг қисқа, содда, тушунарли ҳамда жарангдор бўлишига тўсқинлик қилади. Ном истеъмолчини ўзига жалб этиши учун содда шаклда тузилиши лозим. Узун номлар истеъмолчининг ёдида сақланмайди, уни ўзига жалб эта олмайди. Бундай номларни ҳатто қисқартма шакл (аббревиатура)да бериб бўлмайди.

Ном яратишга қуйиладиган талаблардан яна бири номнинг жамият аъзоларининг миллий-маданий қарашлари, менталитети, воқеликка баҳо муносабати кабиларга мос келиши шартидир. Жамият аъзолари учун ёт бўлган ёки улар тафаккурида салбий ассоциацияларни ҳосил қилувчи номлар самарали коммуникатив мулоқотини шакллантира олмайди. Демак, ном лингвистик жиҳатдан мукамал бўлиши билан бирга, ҳатто инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги, тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари, миллий одоб-ахлоқ меъёрларига мос бўлиши лозим.

Кейинги йилларда тилшуносликда неймер-амалиётчилар томонидан ном яратишнинг бир қатор талаб ва мезонлари ишлаб чиқилди. Хусусан, Л.П.Казанская ном яратишнинг қуйидаги мезонларини кўрсатди:

- 1) сўз мелодик ва чиройли жаранглаши, ўқишга ва талаффуз қилишга қулай бўлиши лозим;
- 2) икки хил маъноли фонетик ассоциацияларни ҳосил қилмаслиги лозим;
- 3) сўз муайян ва аниқ урғуга эга бўлиши керак;
- 4) танланган ном икки хил талқин қилинишга олиб келмаслиги лозим;
- 5) нейм аниқ семантикага эга бўлиши ва осон эсда қолиши шарт;
- 6) нейм фақат ижобий семантикага эга бўлиши лозим [1; 94].

Олиманинг фикрича, санаб кўрсатилган ушбу мезонлар қатори грамматик, сўз ясалиши ва услубий мезонлар ҳисобига янада кенгайтирилиши зарур. У охириги 5 йилда Тольятти шаҳрида яратилган эргонимларни ўрганиш асосида ном яратиш мезонларини қуйидаги лингвистик талаблар билан кенгайтиради:

1) фонологик аспектда: ном бир ёки бир неча тилларда осон талаффуз қилиниши лозим...;

2) онимнинг график тасвири товуш образини алифбо белгилари ёрдамида бир хил ифода этишга имконият яратади ва номни визуал идрок этишда барқарорликни таъминлайдики, бу, айниқса, номнинг халқаро даражаси учун муҳимдир...;

3) онимларнинг лексик аспектда таҳлил қилиниши орқали янада қизиқроқ хулосаларга эга бўлинади. Талабга кўра, неймлар маркетинг мақсадларини мустаҳкамлаши керак. Сўзнинг кўчма маънолари билан боғлиқ кўпмаънолилиги унинг асосий маъноси орқали етказилувчи ғояга путур етказмаслиги лозим: ном номланувчи билан алоқани таъминлаши ва етарли даражада гипо-гиперонимик муносабатни акс эттириши лозим...;

4) грамматик жиҳатдан онимларнинг шаклланишида, албатта, аниқ номлар устунлик қилади: “Лента”, “Пирамида”, “Бегемот”, “Апельсин”, “Арбуз” каби. “Триумф”, “Пристиж” кабилар одатий мавҳум отлар бўлиб, кам қўлланилади...;

3-шубҳа

5) неймларнинг стилистик таҳлили номларда нейтрал лексик бирликларнинг устунлик қилишини кўрсатади, айрим ҳолларда “Халява” каби дўкон номларига қўйилган қуйи стиль лексикаси ҳам учрайди, аммо кўтаринки услубий номлар кузатилмайди...;

6) эскирган лексика унинг ўрнини босувчи бирликларга эга бўлиб, деярли кирилл ёзувида ифода этилади...;

7) неймерлик фаолиятида стилистик аспектни асосий аспект ҳисоблаш мумкин: ном фирма стилига мувофиқ бўлиши лозим...;

8) ассоциатив аспектда ном асосида юзага келган мазуний ассоциациялар муҳим ўрин тутаяди, икки хил маъноли семантик ассоциацияларга йўл қўйилмагани маъқул...;

9) адабий тил меъёрларига мувофиқ келишлик жиҳатидан неймерлик фаолиятида хатолар учраб туради: “Рыбачек”, “Русичь” дўконлари... [2; 94-95].

В.Ю.Кожанова бренд номини яратишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозимлигини қайд этади:

1. Бренд номи осон талаффуз қилиниши лозим.

2. Бренд номи имкон борича осон эса қолиши учун фонетик жиҳатдан саводли тузилган бўлиши лозим.

3. Бренд номи бошқа тилларда кўнгилсиз ассоциацияларни ҳосил қилмаслиги учун уни турли тилларни ўрганган ҳолда яратиш лозим.

4. Бренд номи субъектив маънода ижобий қабул қилиниши лозим [3; 13].

Бизнингча, бу қоидалар қаторига қуйидагиларни ҳам киритиш лозим:

1. Бренд номи миллий тил сўзликларидан иборат бўлиши лозим. Номнинг хориж сўзлари ёки хориж ва миллий тил бирликлари бирикувидан иборат бирикма тарзида ҳосил қилиниши унинг тил эгалари томонидан идрок этилишида қийинчилик туғдириши мумкин.

2. Бренд номи тил эгаларининг миллий-маданий қарашларига мувофиқ келиши лозим. Халқ миллий қадриятларига мос бўлмаган ҳолатларни акс эттирувчи номлар истеъмолчилар томонидан ижобий қабул қилинмайди.

3. Бренд номи истеъмолчиларни ўзига жалб эта олиши лозим.

Ўзбек тилида ном яратиш тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш, савдо объекти, корхона, фирма ёки маҳсулот, унинг маркаси (бренди)га ном беришда қуйидаги қатъий мезонларга амал қилиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Номнинг ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ объекти, маҳсулот, унинг маркаси (бренди) ҳақидаги энг муҳим маълумотларни акс эттириши.

2. Номни яратишда тилнинг адабий меъёрлари (фонетик, лексик, орфоэпик, грамматик, услубий меъёрлар)га риоя этилиши.

3. Номнинг тил эгаларининг умуммиллий маданий қарашлари, анъаналари, менталитети, дунёқараши, психологиясига зид келмаслиги.

4. Номнинг ижтимоий-сиёсий тизим тамойилларига зид келмаслиги.

5. Номнинг инсонда ёлғон тасаввур уйғотмаслиги, аксинча, уни ўзига жалб этиши, тасаввурида ижобий муносабат ҳосил қилиши ҳамда хотирасида тез ва осон сақланиб қолиши.

3-шуба

6. Номнинг тил эгалари учун тушунарли, аниқ ҳамда талаффузга осон бўлиши.
7. Номнинг самарали коммуникатив мулоқот учун хизмат қилиши.
8. Номнинг маҳсулот ва истеъмолчи ўртасида алоқа кўприги вазифасини бажариши.
9. Номнинг бошқа номлар билан ўхшаш бўлиб қолмаслиги, улар англатган маҳсулотларни ёдга солмаслиги кабилар.

Англашиладики, номлар атов бирликлари ҳисобланса-да, фонетик, орфоэпик, грамматик жиҳатдан ҳам муайян мезонларга бўйсунди. Номларнинг талаффузда осон бўлиши уларнинг қатъий тарзда фонетик-орфоэпик меъёрларга мос бўлишини кўрсатади. Талаффузи қийин бўлган номлар истеъмолчини чалғитади, унинг хотирасидан тез чиқиб кетади. Номлар ҳаддан ташқари узун бўлган ҳолатларда ҳам тил эгаси учун қийинчилик туғдиради, у узун жумлалардан иборат номларни тез ёдидан чиқариб юборади. Номларнинг қисқа, тушунарли, кишилар ёдида тез сақланиб қолиши унинг муваффақиятли танланганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Казанская Л.П. Лингвистические проблемы нейминга // *Linguistica Bidgostiana*. - Bydgoszcz. 2012.
2. Кожанова В.Ю. Лингвистические основы наименований брендов (на примере английского и русского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Краснодар. 2007.

**“ИҚБОЛ МИРЗОНИНГ “БОНУ” РОМАНИДА ЭТНОГРАФИК
ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР**

**Дармон Саидахмедовна Ўраева,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори,
филология фанлари доктори
Раъно Ибодуллоевна Зарипова,
Бухоро ДУ Гуманитар йўналишларда чет тили
кафедраси ўқитувчиси**

Ёш авлоднинг миллий анъаналаримизга садоқат, халқимиз орасида қадимдан ҳозиргача сақланиб келинаётган эътиқодий тушунча ва қарашларга ҳурмат туйғусини қарор топтиришда этнографик фольклоризмлар, шунингдек, халқ тилига алоқадор фразеологизмлар муҳим восита вазифасини ўтай олади. Мана шуни инобатга олиб, замонавий шоир ва ёзувчилар бадиий ижодда кўпинча этнографик фольклоризмлар тасвирига, персонажлар нутқида фразеологизмлар ифодасига алоҳида, кенг ўрин ажратишади. Жумладан, уларнинг асарлари мазмунига у ёки бу миллий урф-одат, эътиқодий қараш,

3-шубба

анъанавий маросимлар тасвири, турғун иборалар сингдириб юборилгани кузатилади. Бундай ўзига хос бадий маҳорат намунаси аслида шоир, аммо “Бону” романини яратиш орқали насрда-да иқтидори заррача кам эмаслигини кўрсата олган Иқбол Мирзо ижодида ҳам ўз аксини топган. Асарда миллий турмуш тарзимизга хос бир қатор анъанавий маросимлар тасвири, удумлар, эътиқодий тушунчалар талқини, фольклорга хос мақол, қарғиш, олқиш намуналари, халқимиз жонли тилига алоқадор фразеологизмлар учрайдики, уларни келтириш орқали романнинг миллий руҳи, реаллиги кучайтирилган.

Айтайлик, роман сюжетида бош қаҳрамон Бонунинг отаси ўлими юз берган воқеалар талқини келтирилган экан, ёзувчи реалликни таъминлаш учун ўзбек дафн маросимлари тасвирига, унга алоқадор удумлар номига алоҳида ўрин ажратган. Унда шундай битикларни ўқиймиз: *“Ҳамма дафн маросимига тайёргарликка тушиб кетди... ким гассолга чопган, ким гўрковга югурган... Амаким онамга: “Янга, акамни оҳорлироқ кийимларини тахлаб қўйинг, гўрковга берилади” деди. ... Дадам охирги кун меҳмоним”. ...Эрталаб таомилга кўра эркаклар овоз солишди. “Овоз олиб йиғланг, одамлар айб қилади” дейишди. ...Деразадан тобутни олиб чиқишди. ...*

Учлик маърака берилди. Ундан кейин еттилик... Ўлдинг – ўчдинг экан... Дадамнинг йигирмасини ўтказиб, ўқишга қайтдим. Эшитган, бошимдаги оқ рўмолимни кўрган таниш-билишлар кўнгил сўраб баттар кўнглимни эзишди” [3; 69-74].

Асардан олинган бу парчалар ўзида ўзбек мотам маросими тузилиши ва мазмунига хос “дафн маросими”, “гассол”, “гўрков” каби сўз ва бирикмаларни, гўрковга майитнинг оҳорлироқ кийимларидан бериш, марҳумни охирги кун меҳмон қилиш, ўлим юз берган кун эрталабида эркаклар овоз солиши билан уни маълум қилиш, марҳумга овоз олиб йиғлаш, тобутни эшикдан эмас, деразадан олиб чиқиш, марҳум хотираси учун уч, етти, йигирма сингари маросимлар ўтказиш, аёлларнинг бошига оқ рўмол ўраб юриш орқали аздорликдан белги бериши, шунга қараб бошқаларнинг улардан кўнгил сўраши сингари урф-одатларни қамраб олганлиги жиҳатидан эътиборни тортади.

Романда яна Наврўзга хос муҳим одатлардан бири – ҳалим (ҳалиса) пишириш ва ундан аввал байрамга келолмайдиган қарияларга, дардмандларга, етим ва қаровчисини йўқотганларга тарқаттириб чиқишдек инсонпарварликка асосланган удумга эътибор қаратилган: *“Ҳар Наврўзда чоллар билан вақтли бориб исми-расмини қилиб, ҳалим қозонини очдирар, аввал байрамга келолмайдиган қарияларга, дардмандларга, етим ва қаровчисини йўқотганларга бир коса-бир коса тарқаттириб, кейин тадбирни бошлашга фотиҳа бериб келарди. Йигирма биринчи март кун эрталаб бир челақ ҳалим келтириб ташлаб кетишди”* [3; 74].

Романдаги “Онам кўз тегмасин деб, етти пирни айлантриб дам солдирар, туморлар тақиб, кўзмунчоқлар боғларди” [3;14] ёки халқнинг зиёратгоҳлардаги қудуқларга ихлосини акс эттирувчи: *“Қудуқни хосиятли*

3-шуба

дейишар, унинг ёнига савобталаблар ун, гуруч, мой, туз каби заруратларни ташлаб кетишар, биров у инсонларни кўрса ҳам кўрмаганга олиши урф экан.

Жума кунлари қудуқ тубида ой ва юлдуз ёрқин кўринар, ким бунга гувоҳ бўлиб ниятини айтса, орзуси ушалади деган гапни ҳам эшитгандим. Шундан бери қудуққа ихлосим уйғониб, бор илинжим шунга боғланган, жума бўлмасаям, қудуққа бош суқиб тилак айтардим” [3;91] яна бош ва сочни муқаддаслаштириш билан боғлиқ тушунчалар асосида келиб чиққан сочни дарахт тагига кўмиш одатига ишора қилувчи “Бошимни қирттишлаб, бир этак сочимни бирор дарахт тагига кўмиб келишни буюришиди” парчалари [3; 99] этнографик фольклоризмлар сифатида эътиборни тортади.

Шунингдек, романда яна халқимизнинг “қум муолажаси”га ишончи акс этган “Дадам тизза оғригидан бобомга шикоят қилганди, у киши: “Олдинда оққан сувнинг қадри йўқ” дўхтирни дориси бир нави. Лекин ота-боболар топган эм яхши. Ана қумга чиқ, ҳамма дардингни сўриб олади...”, – деб туркана муолажа маслаҳатини берди” [3;101], қизларни эрга беришдан олдин уларни синаш учун амалга оширилган “Қиз болани каллапўши билан ур, йиқилмаса эрга бер” [3; 219] деган ақида ёки Бухорога хос халқ ҳашарларидан бири – ўрикларни териш, данагини ажратиб, шўрданак қилиш жараёни изоҳи учун келтирилган “Бу ҳашарнинг гапти шундаки, аёллар ўтган-кетгандан ривоятлар айтар, оқшомда ваҳимали ҳикоялар авж олар, эркалар қозон-товоққа баковул бўлиб, дошқозонда ўрикқийём, ўртамиёнасида ош тиширишарди. ... Бу ўйинларда тоғам Ботир шалайим даврамизга қўшилиб олар, оналаримизга шикоят қилиб, “Самовару самовар, самоварда ҳамма бор, шунча қизнинг ичида Ботиржонга нима бор?” деб уни кулгига олсак-да, қийшанглаб тураверар, анча бетаъсир бола эди” [3; 157] парчалари айрича эътиборга лойиқ.

Роман сюжетига сир сақлашни удалайдиган дўстидан айрилиб қолган подшо [3; 128] ҳамда бировга ножўя зарар етказган кишининг Аллоҳ ғазабига учраши ва жазоланиши [3; 272-273] ҳақидаги ривоятлар синтезлаштириб юборилган. Шунингдек, романда яна “Шу ўлиб кетгур дард” дея касалликка қаратилган, “Ўл! Бу кунингдан баттар бўл!” деб қахрамоннинг ўзига йўналтирилган қарғишлар учрайди [3; 129].

Адиб асар тилини безаш, жозибадорлигини ва бадий таъсирчанлигини ошириш мақсадида “Минг қўйлининг иши бир қўйлига тушади”, “Кўза кундамас, кунда синади”, “Беҳуда кучаниши белни чиқаради”, “Бекордан худо безор”, “Ҳар ким ўз кўмочига қўр тортади”, “Роҳатига яйраган азобига ҳам чидаш керак”, “Чоғинг келган ишга бел боғла”, “От тепкисини от кўтаради”, “Синалмаган отнинг сиртидан ўтма”, “Тенг тенги билан”, “Отасизнинг оти оқсар”, “Сукут – аломати ризо” халқ мақолларидан, “бировнинг хасми”, “бош қотмоқ”, “огиз кўпиртириб айтиб бермоқ”, “қўл чўзмоқ”, “тўшакка михланиб қолмоқ”, “ит эгасини, пишак поччасини танимаслик”, “ҳалво” деган билан огиз чучимаслик”, “бадга урмоқ”, “ковушини тўғрилаб қўймоқ”, “мадраса тупроғини яламоқ”, “пешонадан кўрмоқ”, “сафари қаримоқ”, “насибасини қиймоқ” ва бошқа қатор фразеологизмлардан фойдаланилган. Ҳатто улардан

3-шубба

айримлари ижодкорнинг услубий мақсади билан боғлиқ ҳолатда ўз шакли ва маъносидан биров фарқли қўллангани, натижада структурасида бузилишлар юз бергани кузатилади. Буни асардан олинган мисоллар далиллай олади. Масалан, аслида “*ҳалво*” деган билан *огиз чучимас*” ибораси романда “ҳалво” деган билан *оғзинг ширин бўлиб қолмайди*” [3; 198], “*билганини қилмоқ*” ибораси “*бундан кейин акангни ишларига аралашма, билган бўтқасини есин*”, “*ит итлигини қилади*” ибораси “*ит итлигини қилишини билмасмидинг?!*”, “*қозонга яқин юрсанг қораси юқар*” ибораси “*қозонга яқин юрсанг қораси юқишини-чи?*”, “*сафари қаримоқ*” ибораси “*Сафаримни ўзим тез қаритдим*”, “*насибасини қирқмоқ*” ибораси “*насибасини қийиб*”, “*танаси бошқа дард билмас*” ибораси “*танаси бошқа дардингни билмаганидек, андуҳларимни тушунмасдан зада бўлиб, мени “қора рўйхат”га қўшиб қўймасмикансиз?*” [3; 89], “*Сурбетда субут бўлмас*” мақоли “*Сурбетда субут борми?*” тарзида ё таркибидаги бирор сўзни, ё ифода шаклини, ё ифода мақсадини ва оҳангини ўзгартириб берилган.

Шуни айтиш керакки, баъзан бундай ўзгартиришлар асар матнида фразеологизмнинг маъно (семантик), услубий (стилистик) жиҳатдан тегишли хос нормаси бузилишига олиб келганлиги ҳам кузатилади [1; 2, 4]. Масалан, романда Бону тилидан келтирилган қуйидаги парчада бу ҳолат кўзга ташланади: “*Бошим қотиб ўтирсам, Алишер йўқлаб қолди. Девонанинг ишини парвона ўнглабди*” [3; 335]. Келтирилган ибора халқ орасида кўпроқ “*Девонанинг ишини худонинг ўзи ўнглабди*” шаклида қўлланиши кузатилади. Демак, ёзувчи бу ўринда “*парвона*” сўзини ноўрин қўллаган. Парвона ўзини ёруғликка урувчи кичкина ҳашаротдир. Адабиётда у кўпинча “ошиқ” тимсолида қўлланади. “Бону” романидаги Алишер эса оилали, батартиб, мард, танти, ҳалол, жўмард, исми жисмига мос олижаноб инсон бўлиб, у Бонуга энг қийин вазиятида катта ёрдам кўрсатади. Асарда у кизга ошиқ сифатида гавдалантирилмаган.

Қаҳрамони бухоролик қиз сифатида танланган “Бону” романи тилида Қашқадарё, Сурхондарё шевасида холавачча ҳамда аммаваччаларга нисбатан ишлатиладиган “бўла” сўзининг, Хоразм шевасида ўлимни ифодалашга хизмат қиладиган “қайтиш қилмоқ” ифодасининг қўллангани ҳам у қадар мос тушмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Иқбол Мирзо “Бону” романида халқ тили имкониятларидан самарали фойдаланган. Миллий турмуш тарзимиз тасвирини жонли тилда, миллий руҳда реал акс эттира олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номзоди дисс. – Самарқанд, 2001. –Б. 144.
2. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фанлари док-ри.... дисс. –Т., 1991. –Б. 282.
3. Мирзо Иқбол. Бону. Роман. –Т.: Шарқ, 2018. –Б. 360.

3-шуъба

4. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –Б. 407.

O‘ZBEK TILINI O‘QITISHDA DIALEKTAL SO‘ZLARGA E‘TIBOR
(Hazorasp shevasidagi ba’zi bir dialektal so‘zlar misolida)

Tolib Djumanazarovich Enazarov,
TDO‘TAU O‘zbek tilshunoslik kafedrası professorı,
filologiya fanlari doktori

San‘atbek Marks o‘g‘li Xajiyev,
TDO‘TAU O‘zbek tili va adabiyoti fakulteti sirtqi bo‘lim 2-kurs talabasi

Biz yoshlikdan yashaydigan joyimiz shevasi materiallarini yaxshi o‘zlashtirganmiz. Imtixonlardan o‘tib, talaba bo‘lib, Toshkent shahriga kelganimda sheva materiallari adabiy tilda va so‘zlashuv nutqida kam ishlatilishining guvohi bo‘ldim. Va shevamga oid lug‘aviy birliklarni yig‘ib, ustozim rahbarligida izohlab, ilmiy tahlilga kirishsam, shevamga oid materiallar bir tomondan saqlanib qoladi, ikkinchi tomondan amalda ma‘lum qismi bo‘lsa hamki, qo‘llana boshlaydi, deb bilaman. Shundagina bundan ming yil oldin turkiy tillarning shevalarini o‘rganib, “Devonu lug‘atit turk” asarini yozgan mashhur dialektolog olim Mahmud Koshg‘ariyning faoliyatini tushunganday bo‘ldim. Zero, shevalarimiz boyligini faqat o‘zimiz saqlay olamiz, boshqalar bunday ishni qilisha olmaydi ham.

Bilamizki, shevalar xalq madaniyati, ma‘naviyati va ma‘rifatining boshlang‘ich ko‘rinishi hisoblanadi. Ular dialektal leksik birliklarning mazmun mohiyatida saqlanadi. Shuning uchun ularni har tomonlama o‘rganish va “O‘zbek dialektologiyasi” sohasining mohiyatini o‘zida ifodalaydigan ma‘lum bir ilmiy me‘yor va ilmiy nazariy konsepsiyalar asosida talqin, tavsif va tahlil etish lozim. Men bir talaba sifatida o‘qib, o‘rganganimda O‘zbek tilining Xorazm shevalari professor F.Abdullaev va uning izdoshlari tomonidan yaxshi o‘rganilgan [1;39] bo‘lsa-da, kuzatishlarimcha, Hazorasp shevasi materiallari har tomonlama jiddiy o‘rganilmagan. To‘g‘ri, shevamiz fonetikasi F.Abdullaev ta‘kidlaganidek, o‘g‘uz lahjasi fonetikasiga mos bo‘lishi tabiiy. Ammo u(sheva)ning leksikasi (leksik birliklari: dialektizmlari, ya‘ni so‘z holatidagi dialektizmlari, maqol hamda frazeologizm shaklidagi dialektizmlari haligacha o‘rganilmagan [5;13-47]. Shularni hisobga olgan holda ushbu maqolada Hazorasp shevasining so‘z holatidagi dialektal leksik birliklariga e‘tibor berib, bir qancha misollar keltirmoqchiman. Zero, kelajakda Hazorasp shevasi leksikasi materiallari asosida dialektal lug‘atning bir necha turini [3;37-42] yaratishimiz mumkin bo‘ladi.

Albatta, shevani alohida ajratib, areal hudud sifatida tadqiq etish birdaniga amalga oshmaydi, balki yillar davomida materiallar to‘plab, amalga oshirish mumkin. Sheva so‘zlari ham bu davrda boshqa shevalarga aralashib, qo‘shilib ketishi mumkin [6;39-45]. Shuning uchun ushbu maqolamizning hajmi kichik bo‘lsa ham, maqsadimiz uchun ilk qadam hisoblanadi.

3-шубҳа

Ma'lumki, o'zbek tili ichki va tashqi manba asosida boyib boradi. Ichki manba shevalardan so'z olish va yasovchi qo'shimchalar orqali so'z yasash bilan amalga oshadi. Tashqi manba esa boshqa tillardan so'z olish orqali o'zbek tili leksikasining boyib borishidir.

O'zbek tili leksikasining boyib borishida shevalarning ham o'ziga xos o'rni mavjud.

Sheva esa ma'lum bir hududning aholisi uchungina tushunarli bo'lgan tilning bir ko'rinishidir.

O'zbek dialektlari o'ziga xos xususiyat va ma'no tovlanishlarga ega shu asnoda biz Xorazm dialektlarining bir bo'laki bo'lgan Hazorasp shevasi haqida ba'zi mulohazalarimizni bayon qilishga jazm etdik.

Hazorasp shevasi o'zbek shevashunosligida o'ziga xos o'ringa ega. Garchi mazkur sheva boshqa hududlar aholisi uchun tushunish biroz qiyin bo'lsa-da turli xil ma'no tovlanishlarga ega.

Har bir xalqning shuningdek hududlar aholisining yashash tarzi, urf-odatlar, dunyoqarashi, tafakkuri, hayotiy tajribalari uning tilida aks etadi.

So'z inson faoliyatining mahsuli sifatida voqelikka aylanadi, shuning uchun sheva so'zi deb ularni ajratib qo'yish yoki e'tiborga olmaslik noto'g'ri ish.

Quyidagi sheva so'zlariga e'tibor beraylik:

Qo'qiris – makkajuxorining shevadagi nomi.

Doyi - karindoshlikni ifodalovchi "doyi" (adabiy tilda tog'a) so'zi faqat onangning akasi yoki ukasiga emas, balki boshqa insonlarga ham hurmat ma'nosida doyi so'zi qo'llanadi.

Doyi - kelinlar qadimda qaynotasiga **doyi** deb murojat qilishgan.

Chunki doyi (tog'a) aziz bo'lganligi uchun qaynotasiga shunday ulug'lik ma'nosida qo'llangan.

Calapcha – qo'l yuvishda ishlatiladigan suvni jamlovchi vosita

Tuncha // tanka // qumon - qumg'on.

Qupa – qamishning gala // jam bo'lib o'sadigan tanasi.

Iyda – jiyda.

Annapida – jiydaning yirikroq va yumshoq turi.

Sazak – saksovul daraxti.

Layan – xamir qoradigan tog'a.

No'qan – ipak qurti.

Taranggi – yaprog'i nisbatan dumaloq shaklda bo'ladigan daraxt.

Diblomka – qalin palto, kuritka.

Garang – kar odam.

Kurra – eshakning bolasi.

Kek-safo – gina qilmoq.

Dib – tana, daraxtning tanasi (dibini quritdi).

Yilg'in // yo'lg'un – daryo bo'yida o'sadigan past bo'yli daraxt.

Qang'oq – yovvoyi o't, ko'pincha qabristonlarda uchraydi.

Suli – yovvoyi o'tlardan birining nomi (bo'g'doyga suli toshib, hosilni vayron qilyapti).

3-шубҳа

Yalaza – shamolli joy (Yalazada o‘tirma –shomolli joyda o‘tirma)

Baxtar – quyosh tik tushib turadigan joy (Baxtarda o‘tirma).

Dapa – tepa.

Gurung // gurunglashdi – gap, gaplashdi.

Kip – somonning to‘rt burchak shaklida mashinadan chiqqan shakli, u somonning o‘rnida ham qo‘llanadi (bozordan to‘rtta kip opgaldim).

Duz – tuz.

Chix – shudring.

Im‘r – tuman (im‘r tushdi).

Cho‘lpak – sho‘rvani suzadigan cho‘mich.

Zatirka – andavanning alohida turi, u qum shuvoq qilinadi.

Tikach – xamirga gul, belgi bosadigan narsa nomi.

Rapida – non yopishda qo‘llanadigan, ichi somondan bo‘ladigan narsa nomi.

Qo‘llic – qo‘lqop.

Adichi – hunarmand – kosib.

Qarindoshlikni ifodalovchi sheva so‘zlari:

Mama—buvi (Məməmi sochi oqarib, keksayib qaldi);

Buva - bobo, (Buvamni nasiyati pəyda baradi.)

Xala - xola, (Xalam galib getdilar)

Baldiz- qayin singil (Opamni baldizi dim sho‘x qiz akan.)

yenga- kelinoyi (Yengam hamma yeri siyrib qo‘ydi.)(supirib qo‘ydi)

buvak-chaqaloq (Buvak indi ikki oylik bo‘ldi)

Narsa –predmetni bildiruvchi dialektlar:

Girmola - (andava adabiy tilda) girmola so‘zidagi gir-tekis harakat, mola – tekis ma’nosini ifodalaydi.

Quyida Hazorasp shevasida nomlangan predmetni bildiruvchi so‘zlarni keltiramiz.

Shevada Adabiy til

O‘ymoq (adabiy tilda –angishvona) - o‘ymoq narsaning shakliga qarab nomlangan .

Sanjob – odam kam qoldi ma’nosidagi so‘z (Shah.sh.).

Sanjoq – arg‘imchoqqa nisbatan aytiladigan so‘z.

Dim – juda ma’nosida qo‘llanadi.

Zangi – narvonning shevadagi nomi.

Paxsa – devor va uning qismining shevadagi nomi.

Bo‘yon – shirin miya (Bo‘yonlari terib yo‘l chetina bosib qo‘ydik)

Rujja – ko‘ksulton (Bahor galsa, rujja terib yer adik)

Gujum - qayrag‘och, chinor (Yozni issig‘ida gujum soyasinda jon saqlimiz.)

Olmarut – olmaning nokka o‘xshash turi (Olmarutni shirasi og‘zimda qoldi)

G‘o‘z – yong‘oq (Hazorasp bozorida go‘zni savdosi chaqqon.)

Sho‘rmejak – o‘rikning tuz qo‘shib qanatilgan donasi (Sho‘rmejakni kilosi qimmat duradi)

Kishmish – qoramayiz (Kishmish qo‘shib bol baraman yesangiz)

Tona – sigirning bolasi (Tonani bog‘lab gal bolam)

3-шубҳа

Sipsa ----- supurgi (Singlim sipsa bilan ko‘chani siyrib qo‘ydi)

Tanqa ----- obdasta (Buvamni qo‘lina tanqada suv quydin.)

Zangi ----- narvon (Zangi bilan uchaka chiqdim)

Taka -----bolish,yostiq (Otamni orqasiga suyanishi uchun taka qo‘ydim)

Papaq-----qishki do‘ppi (erkak) (Otamni tug‘ilgan guniga papaq sovg‘a qildim)

Jo‘rrop-----paypoq (Jo‘rropni oyoqiga kiyib getdi)

Batarak-----varrak (Bahor galsa bolalar batarak uchiradilar)

Atiz -----tamorqa yer (Atizda pamidorlar g‘irq bo‘lib pishdi)

Salma -----ariqcha (Salmada suv do‘lib oqadi)

Gashir -----sabzi (Gashirsiz palov bo‘ladimi?)

Rujja-----ko‘ksulton ((Bahor galsa,rujja terib yer adik))

Kisa ----- cho‘ntak (Kisangda puling ko‘pmi deyman)

Ashak // eshak – suvoqchilar foydalanadigan stol simon narsa nomi. Suvoqchi eshakni ustiga chiqib, devorni suvab boshladi.

I.G‘arg‘arak – pastdagi chelakka solingan loyni tomga chiqarib beradigan g‘ildirok nomi.

II.G‘arg‘arak – suvni og‘izga solib, og‘izni chayish jarayoni nomi.

Dasta-----sop (Katmanni dastasi ajiz akan sinib getdi)

Gujum -----chinor (Yozni issisida gujum soyasinda jon saqlimiz)

Uchak -----tom (Uchakni ustiga chiqib antennani tuzatdim)

Yop // Hassa – suv keladigan suniy aniq nomi.

Salma – suv oqadigan ariqchaga to‘g‘ri keladi.

Savit -----tol (Ariq bo‘yida savitlar o‘zgacha chiroy ochib turibdi)

Kosa-----piyola (Yengam kasaga choy quyib onamga uzatdi)

Ulyobuva – qabristonning shevadagi nomi.

Ulyolik – avliyolik degani.

Cho‘rak -----non (Onam tandirdan qizargan cho‘raklarni uza boshladi.)

Qarinja -----chumoli (Qarinjani bosma gunoh bo‘ladi.)

Geja ----- tun (Gejasi bilan uxlay olmay chiqdim)

Do‘n – chopon, to‘n (*Do‘nini tars giyib oldi*).

Dang -----tong (*в(у) данг отмасдан келди*)

Azon-----ertalab (Azonda ishga ketdim)

Gech----- kechqurun (Sen bilan gechda gaplashamiz)

Geja, dang, azon,gech kabi so‘zlar vaqtni angatuvchi dialektlar hisoblanadi.

Yuqorida keltirilgan ba’zi dialektlarga to‘xtalib o‘tish joizdir.

Chugirma – erkaklar kiyadigan bosh kiyim, u qo‘y terisi va jo‘nidan tayyorlangan (Chugirma kiygan otaxon biroz nasihat qildi).

Papaq dialektal so‘zi, taxminimizcha, rus tilidagi papa-ota so‘zidan yasalgan. Ota boshqaruvchi, ya’ni oila boshi papa-asos,-q so‘z yasovchi qo‘shimcha . Papaq so‘zi erkaklarning qishki do‘ppisi bo‘lib boshga kiyiladi.

(Hazorasp bozorida turli xil papaqlar sotiladi)

3-шуъба

Kisa-(cho‘ntak), dasta (sop) so‘zlari fors-tojik tilidan o‘zlashib sheva so‘zi bo‘lib qolgan.

Bu so‘zlar ham hudud tarixi bilan bog‘liq

Uchak so‘zi uch-yani uyning uch qismi ma’nosini ifoda etib, -ak so‘z yasovchi qo‘shimchadir (Otang pastda tursa, uchaka chiqma).

Lachak dialektal so‘zi kekxa buvilarning matodan aylanma shaklida yaratilgan o‘rama sallaci (Uzoqdan lachak o‘ragan onaxon ko‘rindi).

Karvuch -----(g‘ishtning ikki turini ham karvuch deyiladi, Olim aka imoratini karvuchdan qurdi. Odatda Xorazmda uylar loydan qurladi)

Ag‘darmoq (yerni yumshatmoq, haydamoq fe‘li, Azamat ketmon bilan yerni ag‘darib chiqdi)

Dandona - g‘ozani egatlarini yumshatadigan narsa (Ishchi dandjnani traktorga taqib egatlarni yumshatishga tushti, Paxtani dandona bilan yumshatish kerak).

So‘qi----- (Bug‘doy boshloqlarini bo‘g‘doy donasidan ajratadigan narsa. U tut va gujum daraxtidan qilinadi. Akam bug‘doy boshloqlarini so‘qida yanchdi).

Kupi // Gupi ---- qatiqni aylantirib (chayadigan) ayron qiladigan moslama. Onam kupini chayib ayron qilib berdi // Kupi chaydingizmi...

O‘ksirik // Yutkirik ----- Yo‘tal yoki yo‘tarmoq

U shamollagani bois o‘ksirib yuribdi.

Qorma (Shovot, Yangibozor sh.) // Sho‘la (Hazorasp shevasida) ----- Shavla degan ovqat nomi. Salima aya shirin qilib sho‘la pishirib berdi.

G‘avush ----- (Jo‘xori o‘simligi nomi. Sanjar g‘avushni o‘rib mollarga tashladi).

Induq ----- Kurka parandasining nomi. Sobir otanining inqularining ovozi olamni tutadi (ovozi kuchli bo‘ladi).

Kapcha ----loyni kesib otadigan narsa, buyum nomi. Salim ota imorat boshlabdi borib, ikki kapcha loy otib yordam beraylik!

Ikki kapcha loy otaylik - bu frazeologizm uy quruvchilarga loyli ishda yordam beraylik, degan ma’noni anglatadi.

Arik // ərik – o‘rik.

Qaloli // qaroli – olxo‘ri.

Tanasgul – olxo‘ridan kattasi.

Chizil // jizil – traktorga taqab shudgor qilishda qo‘llanadigan asbob.

K‘pin – traktorga taqab dala tekislash uchun ishlatiladigan moslama.

Yava – somon va o‘tlarni tepaga insonning qo‘li bilan ko‘taradigan narsa. U shevalardagi shoxaga to‘g‘ri keladi.

Qatqaloq – grabilning xazorasp shevasidagi nomi. Uning ikkinchi nomi Tarsyova deyishadi.

Xoda – tol daraxtining kesilgan shohi // shoxasi.

Tukich // Chukich – bolg‘aning Xazorasp shevasidagi nomi.

Yarg‘i – ikki ojdama tortib, ishlatadigan katta arra.

Bichqi – bitta odam ishlatadigan arra.

3-шубҳа

Ma'lumki, yozuvchilarning asarlarida sheva so'zlari muallifning badiiy maqsadini amalga oshirish, ya'ni qahramonning yashash joyi xarakter-xususiyatlarini ko'rsatish maqsadida qo'llanadi.

Masalan, Rabg'uziyning asarida qarichqa (chumoli) dialekti qo'llangan.

Bundan Rabg'uziyning Xorazmda yashab ijod etganini bilish qiyin emas.

Axborotchilar ro'yxati

Hazorasp hududida yashovchi Umarjon Abdirimov, 1964 yilda Muxamon qishlog'ida tug'ilgan, o'qituvchi.

Azamat Mahmudov – 1968 yilda Muxamon qishlog'ida tug'ilgan, o'qituvchi.

Marks Davlatov – 1969 yilda Muxamon qishlog'ida tug'ilgan, o'qituvchi.

Davlatov Umid – 1963 yilda Muxamon qishlog'ida tug'ilgan, duradgor.

Saparboy Avezov – 1942 yilda Ovshar qishlog'ida tug'ilgan, quruvchi va hunarmand.

Aniyazova Zamira – 1970 yilda Muxamon qishlog'ida tug'ilgan, o'qituvchi.

Hozirgi zamon o'zbek tilida bunday holatlarni kuzatish mumkin. Shuning uchun ham Hazorasp shevasi ham til boyligi sifatida o'ziga xos ahamiyatga ega.

Mazkur sheva o'zbek shevalari ummonidagi misoli bir dengizki, yuqoridagi fikrlar ana shu dengizdan bir tomchi, xolos. Ya'ni boshqa shevalarda bo'lmagan dialektizmlar unda borligi tabiiydir. Zero, "O'zbek dialektologiyasi" sohasi oldadi bir qancha bajarilishi lozim bo'lgan dolzarb masalalar [4;3-27] turibdi. Ularni amalga oshirish uchun esa har bir shevaning materiallarini yig'ish, yig'ilgan materiallarni esa tizimga solib, ilmiy tahlilga tortish uchun, so'zsiz, ilmiy bahsga ham kirishish lozim bo'ladi.

Bu sheva materiallari Xorazmning bir chekka hududi aholisining til xazinasini sifatida e'tiborga loyiq etnolingvistik hodisadir. Aholi vakillari bilan tanishib, suhbatlashib, sheva materiallarini yiqqanimda Hazorasp shevasi bo'yicha kelajakda bir qancha dialektal lug'atlar yaratish mumkinligiga ishonib boryapman, dialektolog olim A.Ishaevning "O'zbek dialektal leksikografiyasi" nomli kitobida ancha ma'lumotlar bor ekan, tanishdim [2;3-125]. Albatta, biz yoshlar ustozlar aytgan ishlarni amalga oshirsak, ular tuzgan rejalarni sheva materiallari misolida yuza chiqarsak, shevalarimizning dialektal matnlaridan va ular orqali bir qancha dialektal so'zlarning ma'lum qismini saqlab qolgan bo'lamiz va o'zbek tilini o'qitish jarayonida e'tiborga olish foydadan xoli ish emasligi tabiiydir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdullayev F.A. Dialektal lug'at tuzish prinsiplari haqida // O'TA.T., 1966. 2-son.
2. Ishayev A. O'zbek dialektal leksikografiyasi. –T.: Fan, 1990.
3. Ishayev A. Shevalar lug'atiga kiritiladigan so'zlar // O'zbek tili va adabiyoti. 1988 yil. 2-soni.
4. O'zbek dialektologiyasining dolzarb muammolari. –T.: 2018.
5. O'zbek shevalari leksikasi. –T.: Fan.1991.
6. Qudratov T. Shevalar qanday aralashadilar? // O'zbek tilshunosligi masalalari. –T.: Qarshi, 1976.

3-шубҳа

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ШЕЪРИЯТ
ТАФСИЛОТЛАРИ

Жамолиддин Аминжонович Жўраев,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса, [1,23] - дея таъкидлаган эди, Республикаимизнинг биринчи Президенти Ислон Каримов “Юксак маънавият –енгилмас куч” асарида.

Сўнгги йилларда Алишер Навоий асарларини матний, фалсафий, лисоний ва бадиий жиҳатдан ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилинган бўлса-да, шоир ижодининг услубий ўзига хослигини кўрсатувчи лингвистик омилларни тадқиқ этиш эндигина бошланди. Чунончи, шоир асарларидаги иш қурол номлари бевосита бадиий услуб билан боғлиқ ҳолда ўрганиш навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг сўз қўллаш санъатини теран тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очади.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадиий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларида иш қуроллари ва асбобларига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Маълумки, иш қуроллари ва асбоб номлари араб тили грамматикаси қоидасида *مفعّل* “мифъал”, *مفعلة* “мифъалат”, *مفعّال* “мифъол” қолипидан ҳосил қилинади. Масалан, аслида “барода”-эговламоқ феълини “мифъал қолипида айтилса “мибрад”-эгов сўзи ясалади ёки “тароқа”-тақиллатмоқ феълини “мифъалат” вазнида айтилса “митрақат” - болға сўзи ясалади. Алишер Навоий ғазалларида ҳам ана шундай қолипда ясалган иш қуроллари номлари ишлатилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,

Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул [6:63].

Байтидаги *مصباح* “мисбоҳ” аслида “сабаҳа”- тонгда келмоқ, эрталаб турмоқ феълидан олинган бўлиб, бу ерда чироқ маъносини билдиради.

Лаълинг ул ўтки, кўнгул мижмар анга,

Ё кўнгул дуржу лабинг гавҳар анга [5:11].

Байтдаги *مجر* “мижмар” – “жаммара” феълидан олинган бўлиб, ёниб турган кўмир чўғида қовуриш маъносини билдиради. “Мижмар”– манқал, манқалдон, кабоб кўра, тутатқи солинадиган идиш, исирикдон каби маъноларини билдиради.

Оразинг ҳуснин фузун қилган ҳилолий қош эрур,

Ёхуд ул ой шамъини ёрутқали минқош эрур. [4:120]

3-шуба

Бу байтдаги **منقاش** “минқош”- “нақаша” ўймакорлик усули билан нақш солмоқ феълидан олинган бўлиб, “минқош” эса наққошнинг кескичи, кесиш (йўниш) асбоби; ҳайкалтарош қалами; тош болта, тош пичоқ каби иш қуроли маъноларни билдиради.

*Бўлди чу мистар хатиға туз рақам,
Бошини олмас рақамдин қалам [6: 180].*

Ушбу байтдаги **مسطر** “мистар”- “сатара” феълидан олиниб, сатр, чизик чизмоқ феълидан олиниб, байтдаги “мистар” – чизғич маъносида.

*Жилваи хусн ўлғали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазохир анга [6:15].*

Байтдаги **مرات** “миръот”- “роъа” кўрмоқ, сезмоқ, пайқамоқ, феълидан олиниб, “миръот”- ойна, кўзгу; софлик, тозалик, кўнгил каби мажозий маъноларни ҳам ифодалайди.

*Камоли қудратингдин хирад ул навъ бўлуб лол,
Ки ҳайратдин ҳамиша қилиб исбаъни мисвок [2: 278].*

مسواك “Мисвок” - “сака” (савк) тозалаш, артиш феълидан олинган. Байтдаги мисвок тиш тозалайдиган (бўйи бир қарич, йўғонлиги бармоқча, пўстлоқли ёғоч) асбоб маъносида.

*Икки бармоқки тутар сийми микроз киби,
Фақр торин доғи қатъ этгучидур ул микроз [2: 237].*

Байтдаги **مقراض** “миқроз”- “қороза” кесмоқ, ўткирламоқ, чархламоқ маъноларини англатувчи феълдан олиниб, микроз бу ерда қайчи маъносида келган.

*Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,
“Хамса” дема, балки дегил панж ганж. [6:41]*

Бу байтдаги **ميزان** “мизон”- “вазана” тарозида ўлчамоқ, таққосламоқ феълидан олиниб, мизон эса тарози маъносини ифодайди.

*Хазина калидин бу бир келтуруб,
Яна қалъа мифтоҳин ул топшуруб. [8:177]*

Байтдаги **مفتاح** “мифтоҳ” – “фатаҳа” очмоқ феълидан олинган, “мифтоҳ” эса калит маъносини билдиради.

*Мунингдек тийр ила ҳар бодбони,
Сирехри атласу миҳвар нишони [7:169].*

Байтдаги **محوار** “миҳвар” - айланадиган нарсаларнинг ўқи, ер ўқи, ғилдирак ўқи, ўзак, мағиз каби маъноларни билдиради.

*Кет фараҳким, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума
Юз туман мисмор бирла устувор этти фироқ [3:209].*

Байтдаги **مسمار** “мисмор”- “самора” миҳламоқ, қоқмоқ феълидан олиниб, миҳ, қоziк, пона каби иш қуроллари маъносини ифодалайди.

*Инжуни олсалар муфарриҳ учун,
Минг бўлур бир дирамга бир мисқол [9: 6].*

Байтдаги **مئقال** “мисқол”- “сақала” оғир бўлмоқ, юк бўлиб тушмоқ феълидан олинган, оғирлик ўлчови (тахминан 4, 68 гр) тарози тоши маъносини билдиради.

3-шуъба

Бир кун қаламни михбарадин чиқардим. [10: 121]

Жумладаги **مخبره** “михбара” - хибрун сиёҳ сўздан олиниб бу ерда сиёҳдон маъносини ифодалайди.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кўнглум наво,

Гўйиё жон риштасига тегди мизроби анинг [4:211].

Байтдаги **مضراب** “мизроб”- “зараба” урмоқ феълидан олинган бўлиб, камонча, камон; муסיқа чолғуси камончаси; чалғи (юнг титадиган камалаксимон асбоб) маъносини билдиради.

Юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумкинки, Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номларига оид сўзлар кўп қўлланган бўлиб, улар шоирнинг бадиий нияти билан боғлиқ ҳолда турли хил луғавий-маъновий ва услубий-семантик функцияларни бажарган. Бадиий контекст доирасида қўлланган ҳар бир иш қуроли номлари муайян семантик функцияни адо этувчи поэтик деталь ҳисобланади.

Хулоса шуки, буюк аллома, шоир Ҳазрат Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номлари туркий, форсий тиллар билан бирга арабча мифъал қолипида ҳам ҳосил қилинган. Бундай сўзларнинг қўлланиши шоир асарлари бадиияти, бўёқдорлигини янада оширган ва ўқувчи учун қизиқарли бўлишини мукамал таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: 2008.
2. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Иккинчи-жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: Фан, 1987.
3. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Учинчи-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. –Т.: Фан, 1988
4. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Тўртинчи-том. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. –Т.: Фан, 1989.
5. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. –Т.: Фан, 1990.
6. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Еттинчи том. Ҳайратул-аброр. –Т.: Фан, 1991.
7. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Фарход ва Ширин. –Т.: Фан, 1992.
8. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Ўн биринчи том. Садди Искандарий. –Т.: Фан, 1993.
9. Навоий Алишер. Йигирма томлик. Ўн олтинчи жилд. Муҳокамат ул-луғатайн. –Т.: Фан, 2000.
10. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. –Т.: Фан, 1992.
11. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997.

3-шубба

ШАХС НУТҚИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТИПОЛОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Дилором Аҳматхановна Бабаханова,
Наманган ДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Шахс нутқи ҳақида фикр юритишдан олдин унинг қандай жараён эканлигини аниқлаб олишимиз зарур. Шахс нутқининг тил тизимидаги ўрни ҳақида тилшуносликда турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, шахс нутқини нутқий бирлик сифатида талқин қилувчи олимлар унинг белгилар табиати нималардан иборат, шахс нутқини нутқий жараён деб аташ лозимми ёки шахс нутқини нутқий жараённинг натижаси сифатида талқин этиш керакми, шахс нутқини оғзаки нутқ билан ёки ёзма нутқ билан боғлаб ўрганиш тўғри бўладими, деган саволларни кун тартибига қўймоқдалар. Шахс нутқининг нутқ категорияси эканлиги масаласи психолингвистикада “нутқий жараён” ёки “нутқий фаолият натижаси” сифатида изоҳланади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек олимлари шахс нутқи муаммосини бадий матн таҳлили таркибида ўрганишга кўпроқ эътибор қаратдилар. Бу жиҳатдан Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовларнинг “Бадий текстнинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмасини алоҳида қайд этишимиз зарур. Бу асарнинг кириш қисми “Текст - лингвистик таҳлил объекти” деб номланади. Бунда шахс нутқи типлари, уларнинг умумий ва ўзига хос белгилари, шахс нутқининг лисоний таҳлили, методологик тамойиллари, шахс нутқи яратиш муаммолари билан боғлиқ ҳолда ифода воситаларининг танланиши ва уларнинг шахс нутқи тузилишидаги роли сингари долзарб масалалар ўзбек тилида берилган мисоллар орқали ёритилган.

А.Мамажоновнинг 1989 йилда нашр қилинган “Текст лингвистикаси” номли қўлланмасида шахс нутқи назарияси ва шахс нутқи таҳлили билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталган. Шахс нутқини бадий асарда қандай ўрганиш кераклиги тамойилларини беришга ҳаракат қилган:

1. Шахс нутқини шакл ва мазмун бирлиги нуқтаи назаридан текшириш.
2. Шахс нутқини макон ва замон бирлиги нуқтаи назаридан текшириш.
3. Шахс нутқининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабати нуқтаи назаридан текшириш.
4. Шахс нутқидаги актуаллашган тил воситаларини аниқлашга эришиш.

Тилшунос олимлар бизнинг давримизда индивидуал шахс нутқини турли ижтимоий омиллар билан боғлиқлигини эътироф этадилар ва унинг таснифига ҳам турли томондан ёндашишга ҳаракат қиладилар. Жумладан,

а) нутқ шакллари: оғзаки, ёзма, шеърӣ, насрий, монологик, диологик ва бошқалар;

б) ҳолатига кўра: расмий ва норасмий;

3-шубба

в) нутқий шароитига кўра: қаерда, ким билан, нима ҳақида...

Шунингдек, мазкур рўйхатни сўзловчи ва тингловчининг жисмоний, руҳий аҳволи, ижтимоий ҳолати кабилар билан ҳам давом эттириш мумкин.

Биз юқорида индивидуал шахс нутқига унинг ёши (бола, ўсмир, ўспирин, ёш, ўрта яшар, қари, кекса, мункиллаган...), жинси (аёл, эркак), жисмоний ҳолати (соғлом, касал, хаста, кўр, кар, чўлоқ, ғилай, найнов, рамақижон...), руҳий ҳолати (хаёли паришон, жинни, девона...), интеллектуал салоҳияти (дунёқараши кенг, дунёқараши тор, ижодкор...), туғилган ёки узоқ яшаган жойи, ота-онасининг касб-кори (хизматчи, ўқитувчи, этикдўз, қассоб...), уни ўраб турган қатлам одамлари (зиёлилар, арокхўрлар, ғийбатчилар...), яқин кишиси (сирдоши, маслакдоши...), оиласи (тушунган, уришқоқ, ...) кабилар таъсир кўрсатишини айтиб ўтган эдик. Шу ўринда таъкидлашимиз зарурки, индивидуал шахс нутқига санаб ўтганларимиздан ташқари таълим-тарбия, у ўрганган ёки ўрганаётган чет тили (баъзан тиллари), ўзининг ва у яшаб турган жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний аҳволи, миллий ҳамда умуммиллий маданий мерос, қадрият, анъана кабиларга, кишиларнинг ёки ўзининг этник жиҳатларига, тўғрироғи, инсон зоти билан боғлиқ бўлган жамики омилларга ҳам боғлиқдир.

Индивидуал шахс нутқига таъсир этувчи турли характер ва кўринишдаги омиллар индивидуал шахс нутқини хилма-хил таснифлашга имкон беради. Чунончи, баъзи лингвоперсоналоглар индивидуал шахс нутқига таъсир кўрсатувчи омилларни биологик, психологик ва социал [1;32] турларга бўлсалар, бошқаларида мазкур таснифнинг бошқа–психологик, миллий-маданий, социал кўринишига дуч келамиз [2;20]. Индивидуал шахс нутқига таъсир кўрсатувчи омилларнинг фанда яна қуйидагича таснифланишлари ҳам мавжуд:

- объектив ва субъектив (сўзловчи шахснинг ўзига боғлиқ бўлган (объектив) ва сўзловчи шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган (субъектив) омиллар;
- шева билан боғлиқ ижобий/салбий ҳолатларни юзага келтирувчи факторлар;
- антропоцентрик ва *социоцентрик омиллар*;
- *экстралингвистик ва рефлектолингвистик омиллар*;
- *субстанциал, услубий ва хусусий лингвистик омиллар ва ҳ.*

3-шубба

Олимларнинг фикрича, мазкур омиллар ичида эстралингвистик (зудлик билан, тифиз вақт шароитида) юзага келган нутқ борасида илмий баҳслар мавжуд.

Инсоннинг маънавий камолотга эришувида, жамиятнинг маданий-маърифий ривожидида она тилининг ўрни фавқуллодда муҳимдир. Тил миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг энг холис ва хира тортмас кўзгусидир. Ҳадиси шарифларда *“Кишининг зебу зийнати, гўзаллиги унинг тилидадир”* дейилади. Қадим-қадим замонлардан бери ҳар бир миллат, ҳар бир қавм ўз тилига буюк ҳурмат билан қарайди. Бу тилнинг сўзлар оҳанглари оғушида эримокдан адоқсиз ҳузур туяди. Бу тилга тимсол топмасликдан таскин топади. Бу нодир бойликни дунёларга бермасликка ҳозир туради. Чунки тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. Миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тилдир. Маълумки, тилнинг юзага чиқиши нутқдир. Таъкидлаб ўтганимиздек, лингвоперсонология шахс нутқи орқали тил ва унинг воқеланиши бўлган нутқни ўрганади.

Инсон нутқи ҳамиша унинг бош мияси психофизиологияси билан тизимий асимметрик ҳолатда боғланади. Инсон туғилгандаёқ унинг чап ёки ўнг мия ярим шарининг фаолияти фаоллиги унинг гендер хусусиятини, ақлий қобилиятини, меҳнат уқувини белгилаб берувчи омил эканлигини биламиз. Инсоннинг нутқий қобилияти унинг мия ўнг ярим шари фаолияти билан боғлиқ экан [3;435].

Шахс нутқига таъсир этувчи психологик омиллар сифатида унинг ҳистуйғулари, таъсирчанлиги, эмоционаллиги, теварак-атрофидаги воқе-ҳодисаларга муносабат билдиришдаги ҳолати ва бошқа жиҳатларни санаш мумкин. Булардан ташқари шахс нутқига таъсир этувчи психологик омиллар сўзловчи шахснинг темпераментига, дунёқарашига, мия тўқималарининг тузилишига, умуман, инсоннинг характер-хусусиятига боғлиқдир.

Инсон руҳиятига ташқи оламнинг таъсири, энг аввало, унинг нутқида намоён бўлади. Инсоннинг ички нутқида ўз-ўзи билан диолог қилиши ҳам шу жараён билан алоқадордир.

Шахс нутқидаги менинча, менимча, фикримча, ўйлашимча, чамамда, билишимча, сезишимча, англашимча, тушунишимча каби ёки билмадим, балки, шунақами, наҳотки каби лексик бирликларнинг юзага чиқиши ҳам психологик факторлар таъсири натижаси ҳисобланади.

Лингвоперсонолог олимларнинг фикрича, психологик омилларнинг таъсири, энг аввало, инсоннинг темпераментига боғлиқ бўлиб, улар қуйидаги ҳолатларни юзага келтиради:

**сангвиниклар—яхши нотиқлар, сўзлаганда тетиклик, жўшқинлик сезилиб туради;*

**флегматиклар—камгап, узоқ жим турадиган шахслар, уларнинг нутқида сустлик сезилади;*

**меланхоликлар—нутқларида, одатда, сокинлик, ишончсиз сезилиб туради; уларда тушуниш, ҳис эта олиш кучли бўлади;*

**холериклар—уларга тез гапириш, ўзларининг гапларини ўтказишга,*

3-шубҳа

маъқуллатишига ҳаракат қилувчилар тоифасига кирадилар [4;256].

Шахс нутқига таъсир этувчи психологик омилларни умумий характериға қараб икки турға бўлиш мумкин: а) ички омиллар ва б) ташқи омиллар. Ички омиллар кўпроқ шахсинг ўз руҳияти билан боғланади.

Шахс нутқига таъсир этувчи омиллар типологик ва психологик омиллар инсоннинг маънавий камолотида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ерофеева Т.И. Социолект: стратификационное исследование: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. СПб., 1995.
2. Канчер М.А. Языковая личность гелеведущего в рамках русского риторического этоса (на материале игровых программ): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург: Екатеринбург, 2002.
3. Лингвоперсонология: типы языковых личностей и личностно-ориентированное обучение / Под ред. Н.Д. Голева, Н.В. Сайковой, Э.П. Хомич. –Барнаул: Кемерово, 2006.
4. Морозова О.Е. Мир человека и его речь. –Архангельск: Поморский уи-т, 2005.

XALQ DOSTONLARI TILINING DIALEKTAL ASOSLARI (Alpomish dostoni misolida)

Bahodir Fayzullayev,
Jizzax DPI O‘zbek tili o‘qitish metodikasi kafedrasi dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi
Dilnoza Narimonovna Fayzullayeva,
Jizzax DPI O‘zbek tili o‘qitish metodikasi kafedrasi katta o‘qituvchi

Xalq ijodini o‘rganish bu xalqning turmush tarzi, urf-odati, an‘analari, tili va tarixi, buguni va kelajagi, tafakkur tarzi hamda ruhiyatini o‘rganish demakdir. Unda millatning o‘zini bilish, anglash, namoyon etish xislatlari, urinishlari, xalqning ming yillik hayot tarzi, dunyoqarashi aks etgan bo‘lib, oddiyroq tilda aytadigan bo‘lsak, xalq ijodini o‘rganish bu bevosita xalqning o‘zini o‘rganish demakdir.

Bugungi ma‘naviyatimizdagi yangilanish jarayoni, shubhasiz, adabiy merosimizni, shu jumladan xalq og‘zaki ijodini, uning badiiyati, tili, dialektal qatlamini qay darajada o‘zlashtirishimiz bilan belgilanadi. Buning uchun esa, eng avvalo, tilshunoslikga, adabiyotga zamin bo‘lgan xalqimizning qadimgi tasavvurlarini, yaxshi o‘rganishimiz, tahlil va tadqiq etishimiz lozim bo‘ladi. Zero, epik ijod har bir xalqning badiiy tarixidir.

“Alpomish” dostoni ham xalqimizning qadimgi tasavvurlarini o‘zida namoyon etgan, epik san‘atkorlar tomonidan asrlar davomida kuylanib kelingan eng bebaho durdonadir. Bu doston ko‘p va xo‘p o‘rganildi. Biroq, hali bu dostonning jahon tilshunosligidagi o‘rni, dialektal asoslari, leksik qatlamlari bilan bog‘liq

3-шубҳа

jihatlari takror va takror o'rganilishni talab etadi. Shu sababli, biz, maqolamizda dostonning tilshunoslik nuqtayi nazaridan, ya'ni undagi dialektal hodisalar, leksik dialektizmlarni o'rganishni maqsad qildik.

Quyidagi misollarga e'tibor qaratsak:

Andi - bo'sh, ish bilmas, landovur.

Checha-yanga, kennoyi.

Tengsalmoq-tentiramoq, garangsimoq.

O'tirik-yolg'on.

Ko'kan-mollarni bog'lashda (maxsus) ishlatiladigan arqon va boshqalar.

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, doston tilida dialektal hodisalar anchagina uchrar ekan. Biz ishning xarakteri va hajmini hisobga olgan holda faqat "Alpomish" dostoni tilida uchraydigan leksik dialektizmlar ustida ba'zi bir mulahazalarimizni aytib o'tmoqchimiz.

Dostonda uchraydigan leksik dialektizmlar o'ziga xos xususiyatlari va rang-barangligi bilan ajralib turadi. Doston tilidagi lug'aviy birliklarning asosini adabiy tildagi so'zlar tashkil qilsa-da, lekin unda qipchoq dialektining o'ziga xos so'zlari va shuningdek, adabiy tildagi variantidan ma'lum fonetik va morfologik o'zgarishlarga uchragan so'zlar ham anchaginadir. Doston tilida uchraydigan leksik dialektizmlar leksik-semantik va etimologik jihatdan turli-tumandir. O'rganishlar shuni korsatadiki, doston tilinig asosiy leksik qatlamini qinchoq lahjasi so'zlari tashkil etadi.

Qipchoq dialektining o'zigagina xos bo'lib, adabiy tilida uchramaydigan so'zlar doston tilida faol ishlatilgan. Bunday so'zlar turli tarmoq leksikasiga xos bo'lib, ularni toplash, o'rganish, til tarixi, dialektologiya, etnografiya va xalqimiz ma'naviy boyligini o'rganish jihatidan ham muhim ahamiyatga egadir.

Bunday so'zlarga quyidagilarni misol qilib ko'rsatishimiz mumkin: *Sova-ko'nak*-mesh (qimiz solinadigan).

Qiyoslang:

O'zbekcha-ruscha lug'atda: sova-obl.mesh; ko'nak-obl. "БОЛЬШОЙ КОЖАННЫЙ БУРДЮК ДЛЯ ХРАНЕНИЯ КУМЫСА": "O'zbek xalq shevalari lug'ati" da saba (qarnoq). Ot terisidan qilinadigan katta mesh deb ta'riflanadi. Bu so'zlar dostonda ham xuddi shu ma'noda ishlatilganligini ko'ramiz:

Chodirga kirdida shunqay qaradi,

Sava - ko'nak bari bunday to'ladi.

Barini bir boshdan ichib bo'ladi,

O'zlariga qimiz kerak bo'ladi,

Qimiz turgan ul chodirga kiradi,

Sava-ko'nak bari bo'shab qoladi [1;319].

O'tirik - "yolg'on" mano 'sida (o'tirikchi-yolg'onchi):

Yolg'on aytma, rostin aytgin ko'kaman.

O'tirik so'z so'zlamagin bu zamon.

Qipchoq lahjasida bu so'z hozir ham mavjud (Qirq, qipchoq, qo'ng'iroq shevalarida) bo'lib, "yolg'on" ma'nosida ishlatiladi va *o'turuk*, *o'trik*, *o'truk*,

3-шубҳа

tarzida talaffuz qilinadi [2;205].

Chiyir- “iz” ma’nosida lug’atlarda bu so‘zga ikki xil ma’no berilganini ko‘ramiz. Masalan: O‘zbek tilining lug‘atida **chiyir** – folk. След deb izoh berilsa, o‘zbek xalq shevashunoslik lug‘atida - **chebir iz**, **qo‘ylarning izi** deb izoh beriladi. Dostonda esa yuqoridagi ma’noda, ya’ni **iz** ma’nosida ishlatiladi. Demak, ular o‘rtasida semantik bog‘liqlik mavjud.

*Otga soldi arpa bilan iyirni ,
Qor yoqqanda karvon solar chiyirni .
Gunohkorga solmoq darkor zulmi* [1;26].

Hozirgi kunda esa bu so‘z shevalarida, asosan, chorvador yerlarda **qo‘yning izi** ma’nosida ishlatiladi.

Tabar- “bolta” ma’nosida.
*Mullalar o‘qiydi zeru zabarni,
Ustozlar chopadi tesha-tabarni* [1;78].

Tabar so‘zi qadimgi turkiy so‘zlaridan biri bo‘lib, Buxoro, Qashqadaryo viloyatlaridagi ba’zi shevalarda va qirq shevasida hamon bolta ma’nosida faol ishlatiladi. Rus tilidagi “**manop**” so‘zining etimologiyasi ham qadimgi turk tiliga borib taqaladi.

Arna so‘zining etimologiyasi ham uzoq tarixga ega ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Masalan: O‘zbek tilining lug‘atida “**o‘r**” so‘zini ikki xil izohlagan, ya’ni 1) **balandlik**, 2) **chuqurlik**. Shevalarimizda ham shu ikkisi ham ishlatilishini ko‘ramiz. Masalan: Qarnab shevasida “**yerto‘la**” ma’nosida ishlatilsa, ko‘pchilik qipchoq shevalarida “**balandlik**” ma’nosida ishlatiladi. Adabiy tildagi “**o‘ra**” so‘zining o‘zagi ham “**o‘r**” so‘zidan olingan bo‘lishi mumkin. Arna so‘zi “Devonu lug‘otit turk” asarida “**ariq**” ma’nosida berilgan bo‘lsa, Xorazm shevalarida “**katta ariq**”, “**anhor**”, “**kanal**” ma’nolarida faol qo‘llanadi.

Dostonda esa bu so‘zlar “**ariq**” va “**balandlik**” ma’nosida qo‘llanilgan. Bu tomondan ham doston tilidagi so‘zlar qipchoq lahjasiga to‘g‘ri keladi.

*Qir kelsa qilpillatdi,
Arna kelsa irg‘itdi.
O‘r kelsa o‘mganlatdi,
Shuytib Hakim yo‘l tortdi* [1;119].

Guppi-Loppi so‘zlari “**maqtanchoq**” “hovliqma” ma’nolarida ishlatilgan.

*Qaysardayin bordir aning savasni,
Shunday kunda o‘lmoq guppining isni.
Ahmoq bo‘lib senday qalmoq o‘ladi,
Loppining jazosin shunday beradi* [1;119].

Bu so‘zlarni ham shevalarda turlicha talaffuz qilinishi va turli ma’nolarda qo‘llanishini ko‘rishimiz mumkin. Qiyoslang: **guppu** qirq shevasida “**hovliqma**”. Qurlan, mang‘it va boshqa bir necha shevalarda esa “**qisqa paxtalik chopon yoki umuman paxtalik chopon**” ma’nosida [2] ishlatiladi. Demak, bu o‘rinda tasodifiy tovush o‘xshashligi hosil bo‘lgan bo‘lib, ularning ma’nolari o‘rtasida hech qanday yaqinlik yo‘qdir. Qirq shevasi bilan doston tilida aynan bir xil ma’noda ishlatiladi.

3-шубҳа

O‘zbek tilining lug‘atida *lopchi* folklorga oid deyilsa, loppi qirq shevasida “*hovliqma*”, Sayramda “*maqtanchoq*” va Samarqandda “*yolg‘onchi*” ma’nolarida ishlatiladi deyigan [2;169].

Adabiy tilde, shuningdek, “Mushtum”da esa bu so‘zning “*lofchi*” ma’nosida qo‘llanishi hammaga ma’lum.

Shulla - shavla so‘zlari ham turli shevalarda turli ma’nolarda ishlatiladi. Masalan: Qashqadaryoda “*xo‘rda*”, ya’ni *gurunchli sho‘rva* ma’nosida; Qo‘qonda “*yovg‘on xo‘rda*”, ya’ni *yog‘siz gurunchli sho‘rva* ma’nosida; Jizzax, Buxoro shevalarida “*sho: le*” formasida talaffuz etilib, adabiy orfografik “*shavla*” ma’nosida talaffuz etilib, Qipchoq shevasida “*shulla*” tarzida talaffuz etilib, adabiy orfografik *shavla* (рисовая каша) ma’nosida ishlatiladi. Dostonda ham aynan shu ma’noda ishlatilganligini ko‘rishimiz mumkin.

“*Bu bo‘lmay, o‘zimiz qidirib kelsak ham osh bo‘lmasada, shulla qilib siylar ekan...*” [1;41].

Xulosa qilib aytganda, dostonda bu tipdagi so‘zlarni ko‘plab uchratishimiz mumkin. Ular turli sohalarga ya’ni chorvachilik, kasb-hunar, tabiat hodisalari yer relyefti, oziq-ovqat nomlari va boshqalarga taalluqlidir. Ularning ko‘pchiligining asosida qipchoq lahjasi shevalari turganligini ko‘ramiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Alpomish. Doston. Aytuvchi Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li. Nashrga tayyorlovchilar: Hodi Zarifov va To‘ra Mirzayev. –T.: Fan, 1999.
2. Doniyorov X. Qipchoq shevalarini o‘rganishda xalq dostonlarining o‘rni. – T.: Uzbek xalq ijodi, 1971.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИДА ЎХШАТИШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Шаҳноза Турсунқуловна Алмаматова,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш методикаси катта ўқитувчи,
филология фанлари номзоди

Абдулла Қаҳҳор асарлари тили устида жуда кўп меҳнат қилган. Адибнинг қайси асарини олманг унинг тилида табиийлик уфуриб туради. Ёзувчининг асарларини ўқиганингизда китоб ўқиётганингиз эсингиздан чиқиб кетади, сиз гўё асар қаҳрамонлари билан бирга юргандек, гаплашиб ўтиргандек ҳис қиласиз. “*Абдулла Қаҳҳорнинг тили ўзи бир катта олам. Бир марта бу оламга кирган одам ундаги мислсиз гўзалликнинг асири бўлиб қолади, у олам туфайли ўзбек тили деб аталмиш она тилимизнинг нафислигига, аниқлигига, рангдорлигига, маънодорлигига, ҳар қандай чуқур фикрни, ҳар қандай нозик туйғуни, ҳар қандай мураккаб кечинмани ифодадай оладиган қудратиغا қойил бўлади. Абдулла Қаҳҳор ишлатган сўзлар, яратган жумлалар тилимизнинг бойлигини ўзида акс эттириб, камалакдай товланади...*” [4].

3-шубҳа

Абдулла Қаҳҳор тилида кишини мафтун қиладиган биринчи хислат–табиийликдир. Бунинг ёрқин тимсолини биз ҳикояларда қўлланган ўхшатишлар мисолида яққол кўрамиз.

Абдулла Қаҳҳор асарлари (ҳикоялари) тили том маънодаги урф – одатлар, руҳий-маънавий кечинмалар, миллий қадриятлар тарихидир. “*Тарих – фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантириши*” (Сервантес) бўлар экан ёзувчи ҳикоялари қаҳрамонлари воситасида миллийликни, миллий тилимизни намойиш қилди.

Абдулла Қаҳҳор яратган бу жавоҳирлар тилини ўрганиш, тадқиқ, таҳлил қилиш мутахассислар олдида турган қарздорлик бурчидир. Ёзувчи асарларининг тил хусусиятларига бағишланган саноклигина тадқиқот ишлари яратилган. Ёзувчи ҳикояларининг луғавий қатламларини адабий тил меъёрларига қиёсан ўрганиш, уларда муаллиф позициясининг юзага чиқишида сўзлашув тилига, халқ шеваларига доир конструкцияларнинг ролини аниқлаш; халқимизнинг ўзига хослигини, тафаккур тарзини англашда бадиий ўхшатишлар, метафорик, метонимик, эвфемистик кўчимларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, шунингдек, синонимлар (семантик синонимлар ва функционал синонимлар) воситасида тилимизнинг жилоланишини, луғавий маъно кирраларини тадқиқ қилиш ҳозирги долзарб масалалардандир.

Абдулла Қаҳҳор асарлари, хусусан, ҳикояларининг тил хусусиятлари, яъни тил унсурларининг бадиий стилистик мазмунни ифодалашдаги иштироки муаммолари алоҳида объект сифатида монографик тадқиқ қилинган эмас. Бу улкан санъаткорнинг асарлари тилини бадиий-стилистик, лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш бадиий тил тараққиётида катта аҳамият касб этади. Бу йўналишда, тадқиқот ишлари қилинган, диссертациялар ёқланган, илмий мақолалар чоп этилган. Бу борада И.Қўчқортоев, Р.Қўчқортоева, Н.Маҳмудов, А.Ҳасанов ва бошқаларнинг олиб борган тадқиқотлари характерлидир. Лекин булар ёзувчи асарлари тилини мукамал қамраб олган эмас.

Ўхшатишлар поэтик табиатида кўра, қўлланишига кўра, тузилишига кўра, сезги ва тасаввурлар орқали юзага келишига яна бирқанча турда таснифланади. М.Ёқуббекова ўхшатишларни қиёслаш усулига кўра аналогик ва ассоциатив ўхшатишларга ажратади. Шунингдек, олима ўзбек халқ кўшиқларидаги ўхшатишларни генезис жиҳатдан анъанавий ва фавқулодда ўхшатишларга, тузилишига кўра эса содда, мураккаблашган ва мураккаб ўхшатишларга ажратади [1;13].

Филология фанлари доктори М.Йўлдошев ўхшатишларнинг таркибидаги ўхшатиш эталонининг оригинал ёки оригинал эмаслигига кўра, анъанавий ва хусусий–муаллиф ўхшатишлари [2;58]га ажратади. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги ўхшатишларга назар ташласак, улардаги ўхшатишлар ана шу таснифга мос келади. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги ўхшатишларни келиб чиқиши жиҳатдан:

1) анъанавий ўхшатишлар;

2) хусусий-муаллиф (фавқулодда) ўхшатишларга ажратиб тадқиқ қилдик.

3-шубҳа

Нутқимизда анъанавий ўхшатишларнинг кўплаб намуналари учрайди. Аммо, шунга диққатни қаратиш керакки, анъанавий ўхшатиш эталони ўхшатиш асосини ифодалашда бадиий рамз даражасига кўтарилган бўлади. Биз тадқиқ қилган Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилидаги ўхшатишларга эътиборни қаратсак уларнинг анчагина қисмини анъанавий ўхшатишлар ташкил қилади. Асар қаҳрамонлари нутқида воқеалар юз бераётган жой, қаҳрамонлар кайфияти, билим ва маънавий даражаси ҳамда бошқа хусусиятларига қараб: хўрозқанд, кетмон нусха шляпа, лапанглаб кетаётган (тобут), бир ховуч суяк, сархона (чилим), чўлтоқ супурги, тошни тешадиган (ғазаб ўти) кабилар биз тадқиқ қилаётган анъанавий ўхшатишнинг энг фаоли саналади.

Анъанавий ўхшатишлар кўп ишлатилавериб, ўз оҳорини йўқотган, ўхшатиш эталонлари тегишли тушунчаларнинг доимий ифодачиларига айланиб қолганлиги туфайли аввалдан билинган, кутилган тасвирий восита сифатида ўз образлиги, эмоционал-экспрессивлигини камайтирган бўлиши табиий”, деб таъкидлайди М.Йўлдошев [2;58].

Тилимизда учрайдиган, юқорида келтирилган ўхшатишлар Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида қаҳрамонлар характери, дунёқарashi, мавжуд воқеа-ҳодисаларни ифодалашда ўзига хос оригиналликни таъминлайди. Бу ўхшатишларда давр руҳи, қаҳрамонлар руҳияти сезилиб туради: Йўл бўйидаги ариқлар *афти буришиганича* музлаб қолган, дарахтлар *чўлтоқ супургига* ўхшайди (“Каравот”, 280-бет). Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли *яйдоқ дарахтлар* шохида чийиллайди, ғувиллайди (“Даҳшат”, 41-бет). Бўйра одатда тобутга солинадиган бўлганидан, додхоннинг кўз олдида одамларнинг *елкасида лапанглаб кетаётган* тобутни келтирди (“Даҳшат”, 42-бет). Гапни айтган Унсину, бошқалар ўтирган жойида *ерга қапишиб кетди* (“Даҳшат”, 44-бет). У каттакон *кетмон нусха* шляпасини стулга қўйиб, бир кучоқ материал билан минбарга чикди (“Мунофиқ”, 144-бет). –*Хўрозқандга* ўхшамай ўл! – деди. – Қариган чоғида *хўрозқанд* яламай домла ҳам ўлсин! - деди яна бири (“Тўйда аза”, 177-бет). Меҳмон... илжайиб туриб-туриб, тўсатдан: – Думли одамларни кўрганмисиз? – деди. Меҳмон гапнинг *сархонасини* янгиламоқчи деган ўйда кулиб кўя қолдим (“Думли одамлар”, 321-бет). Бу матнларда Абдулла Қаҳҳорнинг анъанавий ўхшатишларни қўлланиш мазмун-моҳиятига қараб мутлақо бошқа “янги” эмоционал-экспрессив бўёк берганининг гувоҳи бўламиз. Эътибор беринг, афти буришиш фолклорда салбий қаҳрамон (кўпинча, кампирлар)га нисбатан ишлатилса, уни Абдулла Қаҳҳорнинг ариқдаги музга нисбат бериши, фақат, унгагина хосдир. Демак, бундай ўхшатишлар халқ тилида (оғзида) йиллар давомида турли ҳолатларда ишлатилиб келинмоқда. Бадиий адабиётда эса ўзига хос услубий гўзаллик, нозиклик билан қўлланишга хизмат қилади ва хизмат қилмоқда.

Фавқулодда (хусусий-муаллиф) ўхшатишлар ижодкорнинг бадиий қаҳрамонлар ҳаракатига муносабати, кузатувчанлиги, нигоҳи, талаблари, маҳорати асосида халқ тилидан юксак даражада фойдалана олган, теран бадиий диднинг маҳсули сифатида юзага келган ўхшатишлардир. Хусусий-муаллиф (фавқулодда) ўхшатишлар деб аташ, анъанавий ўхшатишларга зид қўйилган

3-шубҳа

ҳолда “шахсий, айрим бир шахсга қарашли бўлган (жамоа эмас), алоҳида бир шахсники” [3;270], яъни халқ ёзувчисиники, ижодкорники, деган маънони англатади. Бу ўхшатишларни ёзма адабиётнинг ҳамма жанрларига тааллуқли дейиш мумкин. Бунинг сабаби: “хусусий муаллиф ўхшатишларини бадиий матнни шунчаки, безовчи, гўзаллаштирувчи восита сифатидагина қараш тўғри бўлмайди. Маҳоратли ижодкор бундай ўхшатишларга бадиий-эстетик зарурияти билан мурожат қилади. Тасаввур қилиш қийин бўлган тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўз ўнгидан гавдалантириш, тасвирни қуруқ эмас, балки қуюқ бўёқлар билан амалга оширишда ана шундай ўхшатишлар фавқулодда муҳим ҳодисадир” [2;60].

Агарда Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг матнига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, фавқулодда ўхшатишлар жуда кўплаб топилади. Ўхшатишларнинг бу тури ўзининг таъсирчанлиги ва ёрқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларда оригиналлик, образлилик, экспрессивлик ҳамisha ёрқин ифодаланган бўлади. Бундай ўхшатишлар ўзларининг жозибадорлиги, ёрқинлиги, таъсирчанлиги, эмоционаллиги, фавқулодда фактлари билан ҳар қандай ўқувчини ҳайратлантиради, ўйлантиради. Чунончи, “Кўр кўзнинг очилиши” ҳикоясидан парча: “Икки оғиз ҳақиқатни сизларга етказиш учун гўштимини танимдан **ранда билан шилиб ташланса, суюқларимни минг бир чигириқдан ўтказса ҳам менинг орқамда қолганлар севинади**” (1-том, 76-бет). Ҳақиқатнинг қиммати қай даражада эканлигини асослаш (кўрсатиш) учун гўштни танасидан рандалаб шилиб олишга тайёр. Бу ўринда ранда билан гўштни шилиш мантиққа тўғри келмайди (фавқулодда ўхшатиш). Ранда қандай жойда ишлатилади-ю, гўшт нима билан шилинади. Оддийгина қилиб, гўштимини шилиб олса ҳам дейиш керак эди. Лекин муаллиф бунга рози эмас. Албатта, ранда билан шилиши керак. Ранда нафақат шилади, у тўғрилайди ҳам. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб, фақат азоб бериш эмас, у азобнинг “орқасида” тўғрилиққа ишора ҳам жуда чиройли айтилмоқда.

Ҳаёт деб аталмиш бу хилқат кимларгадир моддий неъматларни аямайди, кимларгадир зоҳирий қийинчиликларни тўкиб солади ва ўз изини қолдиради. Бу кўргуликлар чолнинг юзини “ғижимлаб ташлаган”. Тасаввур қилинг бир варақ қоғоз ёки юпка мато (материал) ғижимланса, нимага ўхшайди. Бу “чиройли” кўринишга чолнинг юзи ўхшатишмоқда. Ниҳоятда қисқа ва таъсирли ифода – ўхшатиш.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида тасвирланган нарса-предметларга ўхшатишларга назар ташласак, воқеликнинг оригинал ифодаси, давр ҳолатининг ўта синчковлик билан кузатилганлигини, табиийлигини, уларнинг қаҳҳорона тасвирининг гувоҳи бўламиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ўхшатишларни тавсифлаш (ифодалаш, баён қилиш)да адабий нормадан чиқиш ҳолатлари учрайди. Лекин бундай ҳолатлар кўзланган мақсадни юзага чиқариш учун хизмат қилган.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ўхшатишнинг бутун бадиий-лисоний имкониятлари тўлиқ ишга солинган. Тилимизнинг заргари, улкан сўз

3-шубба

санъаткори сифатида яратган ўхшатишлари кучли образлилиги, сўз санъатидан фойдаланиш маҳорати ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Абдулла Қаҳҳор ўхшатишлар воситасида сўзларнинг янги қирраларини очади, унга(сўзга) кўшимча маънолар юклайди. Бу, албатта, ёзувчи ижодий маҳоратининг маҳсули саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жуманазарова Г. Халқ достонларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. –Т.: Тафаккур, 2011.
2. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сеҳри. –Т.: Маънавият, 2002.
3. Словарь иностранных слов. Москва:ГИИНС, 1955.
4. Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari / [www/ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ЖОЙ НОМЛАРИ ХУСУСИДА

**Дилноза Акрамовна Абдувалиева,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Алишер Навоий қаламига мансуб “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва Тарихи мулуки Ажам” каби тарихий асарлар сўз бойлиги бир қанча тарихий жой номларини ўз ичига олган [6;705-743].

Географик объектлар ва уларнинг номлари ҳисобланмиш топонимларни ўрганиш, таҳлил этиш, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш топонимиканинг асосий вазифасидир. Ўзбек топонимикаси кейинги йилларда бир қатор ютуқларни қўлга киритди.

Географик жой номлари ҳар бир халқ тилида маълум қатламни ташкил қилади. Топонимлар бевосита халқ тарихи билан боғлиқ. Кўпчилик ҳолларда микро ва макропонимларда узоқ ўтмишнинг «белгилари» сақланиб қолади. Мана шу белгилар воситасида мазкур жой ёки миллат тарихи яна кўшимча фактлар билан бойийди, халқ тасаввуридаги айрим нотўғри хулоса, қарашлар фактлар асосида ойдинлаштирилади [1;41]. Шунинг учун ҳам тилшуносликда топонимик тадқиқотларга эҳтиёж мавжуд.

Кейинги йилларда номшунослик, хусусан, топонимларни этимологик тадқиқ қилиш уларнинг апеллятивларини аниқлаш ва шу асосда таснифлашга доир ишлар олиб борилди [5;37]. Б.Бафоевнинг маълумотиغا кўра, Навоий асарларида ишлатилган топонимик номлар 300 дан ошиб кетади [1;28]. Ш.Ёқубов кузатишларида Навоий асарларида қўлланган топонимлар миқдорининг 359 та эканлиги аниқланган [4;10]. Биз ўрганиш объекти сифатида тадқиқ этаётган ТАҲ лексикасида жами 34 та, ТМАда эса жами 99та топоним

3-шубба

ишлатилган бўлиб, уларни тилшуносликнинг турли аспектларида таҳлил этамиз.

Турли мавжуд тадқиқотларда топонимлар 1) ифодаланган объектнинг хажмий хусусиятига кўра: макропотоним ёки микропотонимга [3;28]; 2) объектнинг характериغا кўра: ойконим, ороним, агроним, дромонимларга; 3) сўзнинг маъно ва мазмунига кўра: этнотопоним, антротопоним, фитотопоним, зоотопоним, касб-хунар асосидаги топонимларга ажратилган [9;5]. Асарлар лексикасидаги топонимлар шу нуқтаи назардан таснифланди.

Топонимларнинг хажмий хусусиятига кўра таснифи:

Макропотонимлар. Асарлар тилида хажман катта ҳудудни ифодаловчи куйидаги топонимлар қўлланган: 1. *Мамлакат номлари:* *Xurāsān* (ТМА 738a18), *Yaman* (ТМА 739b1), *Maʼrib* (ТМА 730a11), *al-Maʼrib* (Ўрта асрларда Ўрта денгиз ва Африка *ал-Мағриб* дейилган, бунда *Жазоур*, *Тунис*, *Марокаш* ерлари тушуниланган) (АНАТИЛ, IV, 319), *Türkistān* (ТМА 730a11), *Čin* (ТМА 730a12), *Fārs* (ТМА 730a12), *Irāq* (ТМА 730a20), *Misr* (ТМА 730a24), *Tūrān* (ТМА 730b27) *Āzarbayjān* (ТМА 731b4), *Gurjistān* (ТМА 738a14), *Isrāil* (ТМА 732a22), *Rumiya* (ТМА 740a21), *Misr* (ТАҲ 709a8), *Falastin* (ТАҲ 709a11) ва ҳ.к; 2. *Вилоят номлари:* *Tus* (ТМА 731a26), *Zābilistān* (ТМА 732a5), *Xuzistān* (ТМА 735b16), *Kirmān* (ТМА 737b10), *Nimruz* (ТМА 738b19), *Qustantaniya* (ТМА 735b20) ва ҳ.к; 3. *Шаҳар номлари:* *Istaxr* (ТМА 742a29), *Diyār-i Bakr* (ТМА 730b13), *Balx* (ТМА 731b10), *Sus* (ТМА 729a23), *Bābil* (ТМА 729a23), *Kufa* (ТМА 729a24), *Marv* (ТМА 729a28), *Nišāpur* (ТМА 735b22), *Isfahān* (ТМА 739a4), *Mahriz* (ТМА 729a28), *Āmil* (ТМА 729b1), *Isfarāyīn* (ТМА 739a10), *Faryāna* (ТМА 739b27) ва ҳ.к.

Микропотонимлар табиий ва сунъий юзага келган кичик майда объект номларидир. Микропотоним ўз табиати жиҳатидан турдош отларга яқин туради [7.26]. Асарлар лексикасидаги микропотонимлар иккига ажратилди: 1) Географик ҳудуд, ўрин-жой тушунчасини билдирувчи микропотонимлар ифодаланган объекти характериغا кўра (қандай ва қайси тилдаги объектнинг номини англатишига кўра) куйидагича гуруҳланди: 1.1. Оронимлар: *Alburzkoh* (ТМА 730b28), *Qāf* (ТМА 737a23), *Abul Qays* (ТАҲ 705b13), *Judi* (ТАҲ 706b8), *Tur-i Sinā* (ТАҲ 714b12), *Quddus* (ТАҲ 719b13), *Minā* (ТАҲ 710a6); 1.2. Гидронимлар: *Firāt* (ТМА 740b24), *Jayhun* (ТМА 730b26), *Dajla* (ТМА 734a12), *Sind* (ТМА 738b8), *Sāva* (ТМА 740a8), *Čašma-i Sabz* (ТМА 737b20), *Nil* (ТАҲ 725a2), *Zamzam* (ТАҲ 709b1); 1.3. Дашт номи: *Dašt-i Qipčāq* (ТМА 738a14) (Умумий ном билан «қипчоқлар» деб аталиб, кўчманчи туркий тилли қабилаларнинг юрти бўлган ушбу топоним XI асрдан бошлаб тилга олинади. *Дашти Қипчоқ* – бу Сирдарёнинг куйи оқими, Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг куйи оқимигача бўлган географик ҳудуддир. Айни пайтда Дашти Қипчоқ чегаралари тарихий воқеалар жараёнида ўзгариб турган. Бу чегаралар Кавказ тоғлари Қора ва Каспий денгизларигача етиб борган); [8;9]

2) *Шахс томонидан бунёд этилган объект номларини ифодаловчи микропотонимлар* куйидагилар: 2.1. Минора номи: *Čihil minār* (ТМА 729b10), *Iskandariya* (ТАҲ 714a2); 2.2. Кўрғон номи: *Durr-i safid* (ТМА 732a5); 2.3. Қаср

3-шубба

номи: *Xavarnaq* (ТМА 738b11); 2.4. Мақбара номи: *Hazārsutun* (ТМА 732b19); 2.5. Зиёратгоҳ номи: *Baytul-muqaddas* (ТМА 731b20), *Ka'ba* (ТАҲ 705a20); 2.6. Дромоним (йўл номи): *Haftxān* (ТМА 731a6).

Асарлар лексикасидаги топонимларнинг тарихий-этимологик таснифи:

а) туркийча топонимлар: *Türkistān* (ТМА 730a11), *Amu* (ТМА 730a22), *Āzarbayjon* (ТАҲ 707a4), *Qifčāq* (ТМА 740a1); **б)** форсча-тожикча топонимлар: *Kirmān* (ТМА 742b5), *Nišopur* (ТМА 729a28), *Xuzistān* (ТМА 731b22), *Kohandiz* (ТМА 729a28), *Nahravān* (ТМА 740b13) ва ҳ.к.; **в)** араб тили воситасида ўзлашган топонимлар: *Ajam* (ТМА 729a1), *Arab* (ТМА 740a28), *Bahrayn* (ТМА 729b19), *Ummon* (ТМА 729b19), *Mayrib* (ТМА 730a11), *Misr* (ТАҲ 709a8), *Makka* (ТМА 740a6), *Madāyin* (ТАҲ 714a2), *Halab* (ТМА 731b26), *Šām* (ТАҲ 726b8), *Qazvin* (ТМА 735b26), *Irāq* (ТАҲ 707a2) ва ҳ.к; **з)** грузинча: *Gurjistān* (ТМА 738a14); хитойча (1та): *Čin* (ТМА 730a12); қадимги яхудийча: *Isrāil* (ТМА 732a22) ва ҳ.к.

Асар тилидаги топонимларнинг ясашиш типлари: 1) *Om* + сўз ясовчи: *Zābilistān* (ТМА 741b5), *Tabaristān* (ТМА 729b1), *Hindustān* (ТМА 737a22), *Türkistān* (ТМА 739a1) ва ҳ.к.; 2) *ot* + *ot*: *Kohandiz* (ТМА 729a28), *Alburzkoh* (ТМА 730b28); 3) *om* + *суфат* ёки *суфат* + *om*: *Durr-i Safid* (ТМА 732a5), *Čašma-i Sabz* (ТМА 737b20), *Samarqand* (семиз + кент – «катта шаҳар») (ТМА 732a16), *Baytul-Muqaddas* (ТАҲ 705b13), *Šādšāpur* (ТМА 735b26); 4) *сон* + *om*: *Hazārsutun* (ТМА 732b19), *Čihilminār* (ТМА 732b20) ва ҳ.к.

Кузатишлар “Тарихи анбиё ва ҳукамо” матнида мавжуд топонимларнинг асосий қисми арабча, “Тарихи мулуки Ажам” матнидаги топонимларнинг асосий қисми эса форсча-тожикча сўзлардан иборатлигини кўрсатди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983.
2. Бафоев Б. Топонимы в произведениях Алишера Навои // Ўзбекистон ономастикаси. –Т.: 1985. – Б. 27–28.
3. Бегматов Э., Орипов У. Микротопоним тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2000. –№ 3. – Б.25–28.
4. Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 1994.
5. Караев С. Опыт изучения топонимии Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т.: 1969.
6. Навоий куллиёти, Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ фонди, Истанбул, № 4056 инвентарь рақамли қўлёзманинг электрон микрофильми, Китоби таворихи анбиё (ТАҲ). – Б. 705a-728b.; Китоби таворихи мулук (ТМА). – Б. 729a-743b. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).
7. Никонов В.А. Введение в топонимику. – М., 1965. – С 47. Норқулов Н., Жўраев У. Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2001.
8. Охунов Н. Антропонимика нима? –Т.: 1984.

3-шуба

ИНТЕГРАЛ СЕМАНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОН СТРУКТУРАСИДАГИ
ЎРНИ

**Феруза Ураловна Жумаева,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Моносемем лексема бир семемали, полисемем лексема эса кўп семемали бўлади. Семемалар тил ва нутқ бирлиги сифатида парадигматик муносабатни ҳосил қилади. М.Миртожиев сўзнинг лексик маъноларидаги парадигматик муносабат синонимия, антонимия, корреляция остида ўрганилишини айтади [1;188]. Семемаларнинг интеграл семалари синонимияни, дифференциал семалари эса антонимия, корреляцияни ўрганишга асос бўлади. М., *тоға, хола* лексемалари “қариндош” семасига эга бўлгани учун синоним семали лексемалардир. Шунингдек, “эркак”, “аёл” семалари асосида антоним семали лексемалар бўлади. Аммо бу семалар лексеманинг денотатив семалари эмас, потенциал семалари ҳисобланади ва муайян нутқий вазиятда юзага чиқади. Потенциал сема – “*лексема семемасида ҳамма вақт факультатив, яширин ҳолда бўлиб, маълум нутқ шароитидагина намоён бўлади, акс ҳолда эътиборга олинмайди*” [1;58]. Шу сабабдан *тоға, хола* лексемалари синоним ёки антоним лексемалар сифатида таҳлил этилмайди. *Тоға* сўзи “онанинг акаси ёки укаси”, *хола* сўзи “онанинг синглиси ёки опаси” семемасига эга. Ушбу семемалар денотатив семалардан таркиб топган. *Тоға, хола* лексемалари “онанинг” интеграл (синоним) семасига кўра маънодош бўлади, аммо “ака ёки укалари”, “синглиси ёки опаси” каби дифференциал семаларига кўра фарқланади. Ушбу семалар антоним эмас, чунки бу семаларнинг денотатив эмас, потенциал эмаси (“аёл”, “эркак”) антоним бўлади. Шу жиҳатдан *тоға, хола* лексемаларини синоним ёки антоним лексемалар сифатида таҳлил этиб бўлмайди. Демак, муайян сема ёки эмаларнинг эмас, семемаларнинг бир хиллиги ёки қарама-қарши маъно ифодалаш асосида синоним ва антоним лексемалар ҳосил бўлади. Синоним денотатив семемаларга эга бўлган лексемалар синоним лексемалар, антоним денотатив семемаларга эга бўлган лексемалар эса антоним лексемалар ҳисобланади. Шу жиҳатдан, *тоға, хола* лексемалари синоним семали лексемалардир. Интеграл (синоним) семага эга бўлган бундай лексемаларнинг айрими бир семантик майдонга бирикади, айрими эса бирикмайди. М., *тоға, хола* лексемалари “она” семаси асосида ҳосил бўлган семантик майдонга мансуб. *Темирга бой руда, узоқ суҳбатлашмоқ* бирикмаларидаги *бой* ва *узоқ* лексемалари “кўп” семасига эга, аммо бу лексемалар бир семантик майдонга мансуб эмас, чунки ушбу интеграл сема лексемаларнинг потенциал семалари ҳисобланади. Интеграл денотатив семага эга бўлган лексемалар бир семантик майдонга бирикади ва гипонимлар ҳосил бўлади. Интеграл потенциал семага эга бўлган лексемалар кўпинча ассоциатив майдонни ҳосил қилади. М., *бой* ва *узоқ* лексемаларини ассоциатив таҳлилларга

3-шубба

таяниб бир майдонга бириктириш мумкин бўлади. Семантик майдон интеграл сема асосида ҳосил бўлади.

Интеграл сема – семема таркибида келиб лексемаларни бир семантик майдонга (бир турга, бир гуруҳга, бир синфга) мансублигини кўрсатувчи семадир. Интеграл сема икки типга бўлинади: гиперсема (архисема) ва гипосема. Гиперсема лексемаларни бир турга бирлаштирувчи умумий сема, гипосема шу тур таркибини ташкил этувчи гуруҳлар учун умумий бўлган семадир [2;21]. *Тоға, хола* лексемалари “онанинг” гипосемасига кўра, *амаки, амма* лексемалари “отанинг” гипосемасига кўра семантик микромайдонларни ҳосил қилади. Ушбу микромайдондаги лексемаларнинг гиперсема (архисема)си асосида макромайдон шаклланади. М., *тоға, хола, амаки, амма* лексемалари “қариндош” потенциал семасига эга ва шу сема асосида семантик макромайдон ҳосил бўлади. Демак, *тоға, хола, амаки, амма* лексемалари денотатив гипосемалар асосида иккита семантик микромайдонга ажралади, потенциал гиперсема (архисема) асосида битта семантик макромайдонга бирлашади.

Семантик макромайдон (“қариндош” потенциал гиперсемасига эга)

тоға, хола, амаки, амма

Семантик микромайдон (“она” денотатив гипосемасига эга)

тоға, хола

Семантик микромайдон (“ота” денотатив гипосемасига эга)

амаки, амма

Демак, *тоға, хола, амаки, амма* лексемалари “қариндош” потенциал семасига эга ва бу интеграл сема семантик майдон структурасида гиперсема (архисема) деб таҳлил этилади. Гиперсема (архисема) тилда гипероним сифатида мавжуд бўлса, гипероним ва гипонимлар уяси пайдо бўлади. Гипероним гипонимларнинг семантик структурасида потенциал сема сифатида мавжуд бўлади, шу боис гиперонимни гипоним ўрнида (нутқ вазиятига кўра) қўллаш мумкин. М., *У менинг тоғам. У менинг қариндошим. Тоға, хола, амаки, аммаларимникига бордим. Қариндошларимникига бордим.*

Хуллас, семантик майдоннинг ҳосил бўлишида денотатив ва потенциал семалар аҳамиятлидир. Семантик микромайдон денотатив семаларнинг бир хиллиги, семантик макромайдон эса потенциал семаларнинг муштараклиги асосида ҳосил бўлади. Лексемаларни семантик микромайдонга бирлаштирувчи интеграл сема гипосема, семантик макромайдонга бирлаштирувчи интеграл сема гиперсема (архисема) деб юритилади. Гипосемалар семантик макромайдон таркибидаги микромайдонларни фарқловчи дифференциал сема сифатида ҳам таҳлил этилади. Гиперсема (архисема) гипероним ва гипонимлардан иборат бўлган семантик макромайдонни ҳосил қилувчи ва унинг чегарасини белгилаб берувчи семадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.

3-шубба

2. Жумаева Ф. Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи. –Т.: Qaqnus Media, 2019.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). 5 жилдди. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006; 2-жилд, 2006; 3-жилд, 2007; 4-жилд, 2008; 5-жилд, 2008.

МОРФЕМ ТАРКИБИ СОДДАЛАШГАН БИРЛИКЛАР

Моҳира Кенжаевна Усманова,
Қарши давлат университети Ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида у унлиси билан бошланган сўзлар миқдори 600 атрофида бўлиб, улардан 100 та атрофдагиси ҳозирги кун нуқтаи назаридан туб сўз сифатида баҳоланади, яъни уларни морфемаларга ажратиш мумкин эмас. ЎТЭЛда 100 тага яқин сўз таҳлилга тортилган. Булар ичида, айниқса, икки бўғинли ва уч бўғинли сўзларда соддалашиш ҳодисаси содир бўлганлиги аниқ кузатилади: *ува, увада, увал, увала, ували, уват (ушат), увоқ, увуш, угра, узай, узат, узанги, узун, уйдирма, уят, уял, уйқу, уйур, уйғоқ, улғай, уйғун, улағ, улкан, ушла, устун, улоқ, улуш, уқала* кабилар. Улардан айримлари таркибини кузатадиган бўлсак, масалан, *ува, увада, увал, увала, уват, уват-II, ушал, ушат, ушоқ* сўзларининг ҳаммаси қадимги туркий тилдаги “парчала”, “майдала” маъносини англатувчи *ув* феълига [1,619] айрим қўшимчаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлганлиги аниқ кўрсатилган: *ув+а=ува; ув+а+л=увал; ув+а+ла=увала; уват (ер, марза) ув+а+т→уват; ушоқ; ув+ша+қ=ушоқ>ушоқ, ушал (ув+ша+л); ушат (ув+ша+т)* каби. Бизнинг назаримизда *урвоқ, уна, урноқ* сўзларининг таркибий қисмлари ҳам ана шу сўзлардаги каби *ув* феъли билан боғланиши керак. Бу ўринда шуни айтиш керакки, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да ўзбек тилига оид ҳамма, истемолда бўлган сўзларнинг келиб чиқиши тўла таҳлилга олинмаган. Келтирилган *уна, урвоқ, урноқ* сўзлари каторида *узум, узук, узук* каби сўзлар этимологияси ҳам берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу сўзларнинг ўзак қисмида ҳам аслида “майдалик”ни ифодаловчи *ув* феълига бориб тақалиш мумкин: *уна*- майдаланган; *урвоқ* – ўзгарган шакли *урноқ* – майда нарсалардир.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *уза, узай, узан, узанги, узат, узил, узлуксиз, узоқ* каби туб сўзлар ҳам аслида ясама сўзлар бўлиб, улар таркибида *уз* феъли ёки *уз* оти ўзак сифатида мавжуд бўлганлиги луғатларда қайд этилган [2, 380-382; 106, 620; 108, I, 630]. Албатта, бу луғатларда ҳамма сўзларнинг ҳам таркибий қисмлари охиригача аниқ белгилаб берилган, дейиш қийин.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *уннамоқ* феъли, ҳақиқатан, соддалашишга учраб бўлган: *ур+ин+а>урна>унна* тарзида ўзгаришлар асосида шу ҳолга келган [3, 10-45]. Бунда қўшимчалар қўшилиши натижасида товуш тушиши (*и* унлиси

3-шубба

тушган) ҳамда регрессив ассимиляция (товуш мослашуви – *n* ундоши *p* ундошини ўзига мослаштириб олган) ҳодисаси содир бўлган.

Ана шу ўзгаришлар сабаб *уннамоқ* сўзи содда туб сўзга айланган. Бундай таҳлиллар каторига тадқиқотчи А.Маматов томонидан айтилган *уйқу* ва *ухла* сўзлари тарихи ҳақидаги мулоҳазаларни ҳам қўшиш мумкин [4,90-96]. А.Маматов *уйғот*, *уйгон* сўзларининг келиб чиқишини ҳам таҳлилга тортар экан, шундай хулоса билдиради: *Уйгон*, *уйғот*, *уйғоқ* сўзларининг шаклланиш жараёнини қуйидагича кўрсатамиз:

а) *ōзи +а > ōзига > ōзга+қ > ōзгақ > уйғоқ*

б) *озиг+а > ōзига > ōзга+н > озган > ōйган > уйгон*

в) *ōзиг+а > ōзига > ōзга+т > ōзгат > ойгат- уйғот* [4,96]

Шунингдек, бу тадқиқотчи *ки-*, *ке-*, *бу-бў-*, *дў-*, *йа-*, *йў-*, *қу-*, *қў-*, *си-*, *са-*, *су-*, *ти-* ўзакли сўзлар этимологияси бўйича кузатишлар олиб бориб, бу сўзлар таркибида соддалашиш содир бўлганлигини тасдиқлайди: *тиди*, *тинч*, *тий*, *тик*, *тиқ*, *тин*, *тиз*, *тирна*, *тимдала*, *тирна*, *тирноқ*, *тирик*, *тирил*, *тиқин*, *тиркиш*, *тизим*, *тизгин* каби кўпгина сўзлар таркибида ҳам соддалашиш ҳодисаси содир бўлганлиги кузатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида *x* ундоши билан бошланган ўз қатлам сўзлар миқдори йўқ ҳисобда. Айрим берилган сўзлар жиддий этимологик таҳлилдан ўтказилса, улар бошидаги *x* ундоши аслида бошқа товуш бўлиб чиқади, масалан, *қ* ундоши бўлиши мумкин: *хачир* (қатир), *хивич* (қивич), *хипча* (қипча), *хотин* (қатин), *хоқон* (қаан) каби. ЎТЭЛда берилган *хачир*, *хивич*, *хипча*, *хирилдоқ*, *хон*, *хотин*, *хоқон*, *хуррак*, *хўтик* сўзлари ҳозирги кунда туб сўз сифатида қаралади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *ч* ундоши билан бошланувчи сўзларнинг умумий миқдори 900 та атрофида бўлиб, улардан 200 га яқинида соддалашиш ҳодисаси юз берган, яъни шу сўзларда ўзак морфеманинг алоҳида уқилмай қолиши, истеъмолдан чиқиши натижасида улар туб сўзларга айланиб қолган: *чайир*, *чайқов*, *чакак*, *чакана*, *чалкаш*, *чандиқ*, *чиганоқ*, *чақир*, *чучук*, *чўлоқ*, *чувак*, *чўлиқ*, *чўққи*, *чўқмор*, *чуқур*, *чуррак*, *човгун*, *чулга*, *чапати*, *чагир*, *чатоқ*, *чиноқ*, *чилтимоқ*, *чегирмоқ*, *чарогон* кабилар. ЎТЭЛда ана шундай туб сўзга айланиб қолган, соддалашишга учраган сўзлардан 150 таси қайд этилади ва уларнинг аслида, икки ёки уч морфемалардан иборат бўлганлиги асослаб берилади. Жумладан, *чавоқла-* сўзи изоҳидан маълум бўладигани, ҳақиқатан ҳам, унинг таркибида феъл ясовчи *-ла* аффикси мавжуд ҳамда шунинг ўзиёқ бу сўзнинг тарихан ясамалигини кўрсатади. Сўзнинг *чавақ* қисми эса ҳозирги кунда уқилмайдиган ҳолга келиб қолган, истеъмолдан чиққан. У аслида *ичак-чавақ* жуфт сўзи таркибида қатнашиб, “қорин” – “қориндаги аъзолар” маъносини билдиради [5,405]. Демак, бу сўз ясама ҳисобланади. Худди шу каби *чайнамоқ* феъли ҳам аслида *чай* феълнинг “ўзлик”ни ифодаловчи *-ин* кўшимчасини олган шаклига *-а* аффиксини кўшишдан ҳосил қилинган *чай+ин+а > чайна* каби. *Чакич*, *чакка I*, *чакка II* сўзларига эътибор берсак, сўзнинг сўз *чак-чак* таклидий сўздан ясалган, биринчи *чакка* сўзи эса чек-чегара маъносини билдирган сўздан *-а* кўшимчаси кўшилиши орқали ясалган ва

3-шуба

битта *к* ундоши орттирилган. *Чекич* сўзи “уриб тешикчалар ҳосил қил” маъносидаги *чек* ўзагига *-ич* кўшимчасини кўшиш билан ҳосил қилинган. Ўзбек тилидаги *чала, чалкаш, чалма, чалпак, чалчик, чалқанча, чалги* каби ҳозирги туб сўзларнинг аслида қадимги туркий тилдаги *чал* феълнинг турли хил маъноларидан ясалганлиги қайд этиладики, булар ҳам соддалашишга учраган.

Ўзбек тилидаги туб сўз ҳолига келиб қолган *чўмич, чўқмор, чўмил* сўзлари *чўм+ул* таркибига эга бўлса (*чўм-ўзак, феъл, -ул кўшимча*), *чўмич* (*чўм-феъл+ич-кўшимча*) сўзи *чўм+ич*; *чўқмор* сўзи эса (*чўм+-ма+-р*) уч морфемадан иборат бўлган. Ана шу сўзлар каби *чувалчанг, чумоли, чувринди, чурвақа, чумчук, чучук, чуқула, чучмал, чуқур, чуғурчук, чўкка, чўкич, чўлоқ, чўлтоқ, чигирик, чинқир, чирмовиқ, чиниқ, чимилдиқ, чимчи (чимчила), чимдим* каби бошқа сўзлар ҳам аслида ясама сўзлар бўлиб, ҳозирги кунда ўзак морфема истемолдан чиқиб, ўз моҳиятини йўқотганлиги сабабли, уларда соддалашиш юз берган ва энди туб сўзлар сифатида қаралади.

Ҳозирги ўзбек тилида *ш* ундоши билан бошланувчи 800 дан ортиқ сўз мавжуд бўлиб, улардан 400 тадан ортиқроғи ўзлашган сўзлардир. Қайд этилган сўзлар ичида ўзбек тили нуқтаи назаридан содда сўз (туб сўз) сифатида баҳоланадиганлари тахминан 50 та атрофидадир. ЎТЭЛда ана шу сўзлардан 28 таси таҳлил қилиниб, уларнинг аслида ясама сўз бўлганлиги, кейинчалик ўзак морфема истемолдан чиқиши натижасида, уқилмай қолиб ўша сўзлар таркибида соддалашиш юз берганлиги қайд этилади: *шалайим, шалвай, шалвира* сўзлари *шал+ай+им* кўринишида (*шал*-“бўшашган” маъносини билдирган қадимги сўз); *шал+ба+й* кўринишида; *шал+бы-ра* кўринишида таркибий қисмлардан иборатдир. *Шалтай–шалоқ, шалпанг, шалтоқ* сўзларининг таркибида ҳам ўша *шал* ўзаги қатнашган. Тилимиздаги *шаррос, шаршара, шарқира-* сўзлари эса тақлидни билдирувчи *шар* сўзидан ясалган. Тилимиздаги *шилвира, шиллиқ, шилимиш, шилтиқ, шилта, шилқим* сўзларининг ҳаммасида аслида *шил* ўзак морфемаси мавжуд бўлган. Бу сўзларнинг ясалиши учун ана шу қисм асос вазифасини бажарган.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, (“Ўзбек тилининг морфем луғати”даги э унлиси билан бошланувчи барча сўзлар қараб чиқилганда), 50 тага яқин сўзда соддалашиш ҳодисаси кузатилди: *эга, эгалла, эгар, эгачи, эгиз, эгин, эгов, эгри, эзгу, эзма, эла, элик, эллик, элт, эмакдош, эмакла, эмла, энага, энгай, энтикмоқ, энчи, энгак, энгаш, энгил, эпчил, эрин, эриш, эрмак, эрта, эсна, этак, этик, эшик, эшит, эшкак* кабилар. Бу сўзларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ўзбек тилида туб сўз сифатида баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969.
2. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. –М.: Наука, 1980.
3. Тожиев Ё. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Т. 1. – Т., 1998.

3-шубба

4. Маматов А. Этимологик кузатишлар. –Т., 2010.
5. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. –Т.: Университет, 2000.

ИЛҲОМБАХШ ПОЭЗИЯНИНГ НАФОСАТЛИ ТАРОВАТИ

Салима Чуяновна Жумаева,
Қарши ДУ Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

Тил ва унинг қонуниятлари адабиётнинг туғилиши ва ривож учун қанчалик хизмат қилса, адабиётнинг поэтик тили ҳам она тилининг ривож ва қонуниятлари моҳиятини очиш учун шунчалик асос беради. Шу маънода, Гафур Гуломнинг илҳомбахш поэзияси кишиларимизни нафосат оламига олиб киради, ўзининг чуқур мазмуни ва латофати билан китобхонга эстетик завқ улашади. Шу боисдан ҳам аллома шоир ўзининг янги оҳанги, жўшқин пафоси ва услубда ихтирочилиги, ўз она тилида кишиларнинг мушоҳада доирасини кенгайтирувчи янги воситалар яратиши билан устоз даражасига кўтарилган адиблар сирасига киради. Гафур Гулом ўз ижоди давомида, айниқса, антоним сўзларни самарали қўллаган. Бинобарин, шоир предмет ва ҳодисаларни ифодали, образли тасвирлаш мақсадида антоним сўзлардан услубий восита сифатида унумли ва ўринли фойдаланган. Шоир шеърдаги антонимлар мазмунига кўра турли хил маънони англайди.

1. *Катта-кичик, ёш-қари* каби ёш жиҳатдан катта-кичикликка мансубликни билдиради. Масалан:

*Ҳар халқнинг ўз тўққан она-Ватани,
Ҳар халқнинг ўз муҳри, Республикаси,
Бу халқ оралиқ сену мен ҳам йўқ,
Каттаси оғаси, кичик укаси [1;13].*

Бадий асар “қадди”ни ростлашда ҳар бир сўз тенг ҳуқуққа эга, бироқ тасвирланаётган воқеани атрофлича баён этиш, мақсадни аниқ ифодалаш, тўлароқ очиш учун баъзи сўз фаол қўлланади, “*масъулиятни кўпроқ ўз зиммасига*” олади [2;91]. Юқоридаги парчада “каттаси оғаси, кичик укаси” сўзини шоир худди шундай мақсадда ишлатган. Катта-кичик, оға (ака)-ука сўзи бир-бири билан антонимик муносабатдадир.

2. Ранг билдирувчи оқ-қора сўзи. Адиб шеърда бу сўз ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланган.

Масалан:

*Қора, қизил, сариқ, оқ,
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ [1;14].
Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор,
Усти қара, бағри оппоқ қор [1;15].*

Бу мисолда қўлланган “қора”, “оқ” сўзи ўз маъносида қўлланган. Ауні о‘ғинда предметнинг рангини билдириб келган.

3-шубба

*Мен ҳам сенинг жигаргўшанг-болангман,
Кўзингдаги сўнмас оқу қорангман [1;96].*

Бу парчада келтирилган оқ, қора сўзи ранг маъносида эмас, балки фарзанд маъносида қўлланган кўчма сўздир. Биринчи парчада сўзни тўғри маънода қўллаш билан шоир бадий ҳақиқатга эришган, иккинчи парчада кўчма маънода ишлатиш билан таъсирчанликни, эмоционалликни оширган. Ҳар икки ҳолда ҳам куруқ баёнчилик, сунъийликнинг содир бўлишига қўймаган. Шоир бу билан катта муваффақиятга эришган.

3. *Паст-баланд, тикка-ётиқ, юқори-қуйи* антоними шоир шеърда ҳолатни, вазиятни билдиради:

*Ҳавасим қанотланиб кўкка учади,
Баъзан ётиқ, баъзан текис тикка учади [1;37].*

Мисолда қўлланган “ётиқ”, “тикка” антоними жумлага мазмун, тасвирга ихчамлик бахш этган.

4. *Эрта-кеч, кун-тун, кеча-кундуз, ёзу-қиш* антоними пайт, вақт ва мавсумни англатади:

*Шу яқинда бир анҳорча, қиргоғи кўркам,
Ўрдак шунда чўмилган, кечаю кундуз [1;38].
Мангулик ҳукмида музнинг оқиши,
Нотинчдир қутбнинг ёзи ва қиши [1;36].*

5. “Иссиқ-совуқ” сўзи эса ҳароратни билдирган.

*Касал унча кўрқинчли ҳам эмас,
Бузуқ меъда, иссиқ-совуқ, кирлик бас.*

Шунингдек, адиб асарларида ҳаракат (кетмоқ-келмоқ, олмоқ-бермоқ), ҳолат-хусусият (яхши-ёмон, рост-ёлғон), маза-таъм (аччиқ-чучук), ҳис-туйғу (вафо-жафо, шодлик ва қайғу) маъносини англатувчи антоним ҳам кўплаб учрайди. Юқорида кўриб ўтганимиз турли ўзакдан (яхши-ёмон, катта-кичик) ҳосил қилинган антонимдир.

Ғафур Ғулумнинг “Икки восиқа” поэмасида давр воқеалари бир-бири билан қарама-қарши қўйиб тасвирланади:

*Узун, оппоқ соқолини тутамлаб,
Бир чамбарга йиғар онги-эсини,
Қўбиз каби юракни тимдалаб,
Бошқа мунгли, оғир ҳикоясини
Узун, оппоқ соқолини ел тараб,
Юксакликдан нишон берар кўргонин,
Создай текис оҳанг билан эркалаб,
Бошлар севинч тўла янги достонин [3;102].*

Бунда, биринчидан ҳар иккала парчада қўлланган “узун”, “оппоқ” сўзини эшашнинг ўзи у инкор қиладиган “қисқа”, “қара” сўзини (узун-қисқа, оқ-қора) эса туширса, иккинчидан, ҳар иккала парчанинг мазмуни бир-бирига қарама-қаршидир [4;67]. Биринчисида Ҳайдар чўққининг аввалги “Оҳи тутундай кўкка устун” бўлган “оғир” ва “мунгли” ҳаёти тасвирланса, иккинчи парчада “қомати йигитдай кўкка стун” бўлган

3-шубҳа

“эркин” ҳаёти ифода этилади. Бу ерда муаллиф ажойиб контраст яратади ва шу асосда воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, мазмунини чуқур ҳис қилишга муваффақ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ғафур Ғулومнинг илҳомбахш поэзияси ўрганилиши зарур бўлган ҳислат ва фазилатларга мўл, асарлари тилининг нафосати ва латофати завқли. Улуғ шоир ўзбек тилини, унинг кўп қиррали қатламини, луғат хазинасини, табиатини, гўзаллигини, нафислиги, соддалиги, сермазмунлигини чуқур билган, тушунган, юракдан ҳис этган ва бу имкониятдан муваффақиятли фойдаланган сўз заргаридир. Унинг теран мушоҳадалар асосида яратилган илҳомбахш поэзияси ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги илмининг ривожини ҳамда камолотига муайян даражада таъсир кўрсатганлиги билан ғоят аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғулум Ғафур. Ўйлашни ўрганамиз. –Т.: Ўқитувчи, 1970.
2. Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш. Тўплам. –Т.: Фан. 1999.
3. Ғулум Ғафур. Мукамал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. –Т.: Фан, 1989.
4. Ғуломов А. Ижодий матн устида ишлаш. –Т.: Фан, 1997.

ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР МАТБУОТИ САРЛАВҲАСИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ ВА РОЛИ

Наргиза Абдукахаровна Мирзаева,

*Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчи*

Газета сарлавҳаси фотосуратлар ва дизайн билан бир қаторда босма нашрнинг асосий элементи. Ҳеч қайси матбуот нашрлари, хоҳ газета, хоҳ журнал бўлсин, сарлавҳасиз иш кўролмайди. Ушбу элемент ўқувчининг онгига бирламчи таъсир қилади. Шунинг учун сарлавҳа аудиторияни рағбатлантириш (мотивация қилиш) учун асос ҳисобланади.

Мотивация - бу инсоннинг онгига психологик таъсир кўрсатиш механизми бўлиб, уни у ёки бошқа ҳаракатлар қилишга ундайди. Оммавий мулоқот соҳасида мотивация мазмунга қизиқишни оширишга қаратилган: ўқувчи уни кўпроқ қизиқтирадиган матнни танлайди. Ҳар қандай матн тилшуносликнинг элементи. Ўқишга бўлган қизиқишнинг ортиши матнга психоллингвистик жиҳатни киритиш орқали рўй беради. Сарлавҳа ҳар қандай матннинг бошидир.

Бугунги кунда кўп нашрларда шаблон турдаги ёки психоллингвистик таъсир қилувчи бошқа усуллар орқали сарлавҳалардан фойдаланишади. Болалар нашрлари ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун бундай

3-шубҳа

сарлавҳалар аудиторияга етарлича таъсир қилиб, мотивация қилолмайди. Газета сарлавҳасини тадқиқ қилган Ю.М. Лотман, Э. А. Земской, А. А. Зализняк, В. П. Белянин, С. М. Гуревич, Э. А. Лазарева, Г.С. Мельник, А.Н. Тепляшина, Н.Тошпўлатова, Н.Қосимова ва бошқа муаллифлар уларни турли томонларини кўриб чиқишган. Аммо сарлавҳаларнинг психоллингвистик жиҳати ва унинг роли нуқтаи назаридан амалий қўлланилиши кўриб чиқилмаган.

Сарлавҳалар ўқувчига хабар беришса ёки қизиқтирса, шундагина газета ёки журнал қўлга олиб, сотиб олинади, ўқилади. Шундай қилиб, *“сарлавҳа субъект (медиа) ва объект (аудитория) ўртасидаги бўгин вазифасини бажаради”* [6;118]. У ўқувчи (сухбатдош) эътиборини ўзига қанчалик жалб этиши ахборотнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги муаммосига шунчалик дахлдордир. *“Сарлавҳа – ўқувчи - газетхон билан нутқий алоқа боғлаш (контакт яратиш)нинг ниҳоятда муҳим ва бирламчи воситасидир. У қанчалик жозибали бўлса, алоқа боғлаш ҳам шунчалик тез ва самарали бўлади”* [8; 23]. Шундай қилиб, газета мақоласининг сарлавҳаси, унинг иккита асосий функциясини бажарадиган, яъни реклама ва маълумот берувчи, турли хил муносабатлардаги мақоланинг асосий матни билан бўлиши мумкин, улар кейинчалик сарлавҳанинг тузилишини ва умуман нашр сарлавҳасининг хусусиятини белгилайди. Шунини таъкидлаш керакки, сарлавҳа ёритиш учун график воситалардан (шрифт, ранг) фойдаланиш, газета саҳифасида жойлашган ўрни сабабли ўзига хос бўлган яна иккита функцияни бажаради. Тўғри тузилган сарлавҳалар баъзи ҳолларда газета мақолаларини бир-биридан ажратиб туради, бу маълумотлар блокининг суперматн элементи бўлиб, баъзи ҳолларда улар нашрларни битта сарлавҳа ичида боғлайди.

Ҳар бир нашр ёки материалга ном берар эканмиз, албатта, унинг аудиторияси, ёшини инобатга олган ҳолда, сарлавҳа қўямиз. Айнан, болалар нашрларидаги материалларга қўйилган сарлавҳалар, одатдаги, ОАВда бериладиган сарлавҳалардан соддалиги, қисқалиги, аниқлиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради.

“Билимдон”, “Dono word”, “Жажжи академик”, “Ғунча” журналлари ва “Тонг юлдузи” газеталари саҳифаларида ана шундай болажонларимиз учун қизиқарли, тушунарли сарлавҳаларни кўришингиз мумкин. Болалар ва ўсмирлар газетаси бўлган “Тонг юлдузи” газетасидаги материалларга қўйилган сарлавҳалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу газетада кўпроқ сўз бирикмали ва гап шаклидаги сарлавҳалар ўрин олган: “Топшириқларим жавобсиз қолмади”, “Дарсингизни макташди” [7;17], “«Stand up» кироличаси”, “Шарафли касб эгалари” [7;21,22]. *“Сарлавҳа қисқа, кўпинча атиги бир неча сўздан иборат бўлиб, матннинг номини акс эттиради. Мана шу матн номи акс этган сўз ёки ифодадан биз матн моҳиятини ҳам англаб оламиз. Чунки, сарлавҳа - ярим мақола”* [9;4].

“Dono word” илмий-услубий, маънавий-маърифий, адабий-бадий журнали саҳифаларидаги аксарият сарлавҳалар савол тарзидаги сарлавҳаларни ташкил этади. “Нега ёлғон гапирамиз?” [3;14], “Ютукли ўйинларда нималарни ютқазяпмиз?”, “Болангиз фикрлашда мустақилми?”, “Бизга қандай

3-шубба

мураббийлар керак?” [3;16], “Қайси логотипга “мухлис”сиз?” [4;18] каби сарлавҳалар бунга мисол бўла олади. Сарлавҳадаги савол инсонни унга жавоб беришига ундайди (онгсиз равишда). Бунинг қизиқарли жиҳати шундаки, саволга жавоб топиш учун уни яшилаб англаш, ўзидан ўтказиш шарт. Бу реципиент хоҳлайдими ёки йўқми, барибир эътиборни қаратишга мажбур қилади.

Саволлар риторик, муайян (конкрет) ёки мавҳум (абстракт) бўлиши мумкин. Бироқ, уларни бир нарса бирлаштиради: улар бевосита ёки билвосита матнда яширинган жавобга ишора қилади. Бу мақсадга эришиш учун матнни изчил ўрганиш зарур [9;37].

Сарлавҳа танлашда меъёрни топа олиш керак: ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик керак. Ҳаддан ташқари ўзига хосликка ёки ҳаддан ташқари такрорланганликка йўл қўйиш керак эмас. Мақола сарлавҳаси ўқувчини қизиқтира олиши, кейин нима бўлишини ўрганишга чорлай олиши лозим. Самарали сарлавҳа танлашнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Агар материал сарлавҳасида рақамлар келтирилган бўлса, мақола тез муваффақиятга учрайди. “Сарлавҳаларга – 3, 5, 7, 15, 100, 101 ва бошқа рақамлар мос келади. Кўпинча рақамлар бошқа шаблонлар билан мос келади, биргаликда ишлатилади” [9;36]. Ана шундай сарлавҳаларни “Ёш куч” журнали саҳифаларида кўришимиз мумкин. Масалан: “Шодиёра Омонова: “Тановар”ни 10 йил кутдим” [4;3], “Директордан 5 та like”, “Шукр учун 18 сабаб” [4;1], “Ўн марталаб ўқиладиган 10 китоб” [5;10]. Журналнинг деярли ҳар бир сонида рақамлар билан берилган сарлавҳаларни учратишимиз мумкин. Чунки, сарлавҳадаги рақамлар материални ўзлаштириш ҳажмдорлиги ёки оддийлигини шартли миқдорий кўрсаткичи вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, рақамлар бу газетхоннинг у ёки бу матн ўқишидан оладиган фойда ўлчовидир. Рақам қанчалик катта бўлса, материал шунчалик фойдали туюлади. Бу маънода ҳажм газетхонни ўзига кучли жалб қилади. Рақам қанчалик кичик бўлса, шунчалик осон ва амалда қўллашга қулай туюлади. Бундай рақамли сарлавҳалар ўзининг энгиллиги ва тиниқлиги (реаллиги) билан жалб қилади. Муаллиф аудиторияни манипуляция (инсонни бошқариш) фойдали ахборотни тижорий мақсад билан аралаштириши лозим.

Кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган “Билимдон” журнали саҳифаларида кўпроқ гап сарлавҳалар ўрин олган. Болажонлар тилидаги содда, жўн сўзлар иштирокидаги гаплар сарлавҳа сифатида берилган. “Бобом билан фахрланаман”, “Ёз – энг зўр фасл!” [2;11], “Мана мактаб бошланди” [2; 13] каби сарлавҳалар шулар жумласидандир. Зеро, журналнинг асосий мақсади – болажонларнинг топқирлиги, зийраклиги, ижодкорлиги ва билимдонлигини оширишдир. Шунинг учун бу журнал саҳифаларидан уларга кўпроқ тил ўрганиш, қизиқарли кроссвордларни ечиш, турли соҳаларга оид тестларга тўғри жавоб топиш, расм ва шаклларни бўяш, уларни фарқлаш каби ранг-баранг топшириқлар жой олган.

Болалар учун ёзилган матн ёки сарлавҳа уларнинг сўзлашув тилига мос бўлиши даркор. Адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда, матнларни

3-шубҳа

мураккаблаштирмаган маъқул. Масалан, бола учун "ташриф буюрди" деган иборанинг ўрнига "келди" ёки "даркор" сўзининг ўрнига "керак" деган сўз ишлатилса, болалар осон тушунади ва тез фаҳмлайди.

Кичик ёшдаги болаларнинг адабий-бадий безакли республика журнали бўлмиш "Ғунча"даги материалларга қўйилган ўзига хос сарлавҳаларни кўришимиз мумкин. "Буюк аждодларимиз", "Қувончларим улғаяди", "Қулоғи бор болалар", "Умиджоннинг хархашаси" [11;2], "Янги йил эскирмайди", "Дастёр қиз" [10;12] каби сарлавҳалар болажонларимизга берилган материалларга қизиқишни уйғотади ва ўқишга "мажбур" қилади. Айнан "Ғунча" журналида бериладиган материаллар ҳажми қисқалиги билан ажралиб туради. Чунки бу ёшдаги болалар психологик жиҳатдан жуда сабрсиз бўлади, уларни кўпроқ воқеа-ҳодисанинг натижасини билиш қизиқтиради. Шунга кўра, журналист материаллар матнини ёзишда, таҳрир қилишда мана шу омилларни ҳисобга олиши зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, *"сарлавҳа - бу ўзига хос тахтадир ва у қанчалик ранг-баранг бўлса, материалнинг ўқилиши шунчалик кафолатланади"* [1;3]. Аммо сарлавҳа нафақат ёрқин бўлиши, балки материалнинг мазмунини ифода этиши ҳам керак. Э.А.Лазареванинг фикрича, сарлавҳа матнни идрок этиши учун уч босқичда ўз мақсадига хизмат қилади. Биринчи, яъни "матндан олдинги" босқичда сарлавҳа вазифаси - ўқувчи эътиборини жалб қилиш, қизиқиш уйғотишдир [6;118].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бессонов А.С. Газетный заголовок. - Л., 1958.
2. Билимдон журналининг 2019 йилги сонлари.
3. Dono word журналининг 2019 йилги сонлари.
4. Ёш куч журналининг 2016 йилги сонлари.
5. Ёш куч журналининг 2017 йилги сонлари.
6. Корнилова К.Е. Функции заголовков современных журналистских текстов. Известия ВУЗов. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. Спецвыпуск, 2007.
7. Тонг юлдузи газетасининг 2020 йилги сонлари.
8. Тошмухамедова Л., Холиқова М. Газета сарлавҳалари услубияти. – Т.: Истеъдод, 2008.
9. Шамакудова С.Х. Медиа тили ва услуби. Ўқув қўлланма. – Т.: 2020.
10. Ғунча журналининг 2019 йилги сонлари.
11. Ғунча журналининг 2020 йилги сонлари.

3-шубба

**“НОН” - РАМЗИЙ КОМПОНЕНТИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ТАДҚИҚИ**

**Зубайда Шавкатовна Жумаева,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчи**

Миллий – маданий хусусиятли ибораларни шакллантиришда, айниқса, озиқ-овқат ва таом номлари ўзига хос аҳамият касб этади. Аксарият халқларнинг маданиятида яшаш воситаси бўлган озиқ-овқатга ҳар доим буюк неъмат, ризқ-рўз сифатида муносабатда бўлинган. Ўзбек кундалик турмушида **нон** муҳим озуқа ҳисобланади. Нонга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш болаларга ёшлиқдан ўргатилади, уларга ноннинг ушоғини ердан йиғиб олиш, уни эъзозлаш ва оёқ ости қилмаслик зарурлиги уқдирилади. Бирон ўзбек йўлга чиқса, албатта, ўзи билан бирга нон олади. Шунга кўра, таркибида **нон** компоненти иштирок этган **“нон емоқ”, “нони бутун”, “нони яримта бўлди”, “нон урсин”** сингари фразеологизмларнинг **нон** компоненти ҳаёт, тирикчилик, ризқ-рўз, тўкин-сочинлик рамзи сифатида келади. Бинобарин, нонни пешана тери билан топилиши, уни ҳалоллаб ейилиши Муқаддас китоблардан бошлаб, ўзбек халқ достонларида, ривоятларида уқтирилган [1;94].

Ф.Бларини рамзий мазмунини таҳлил этар эканмиз, биринчи навбатта **“нон”** лексемаси компонент сифатида қатнашган Ф.Бларни қиёслаб кўраммиз. **“Нон”** – **“хлеб”** компоненти рус фразеологизмларида жуда кўпчиликни ташкил этади. Улар қуйидаги рамзий мазмунларни ифодалаши мумкин:

Меҳмондўстлик рамзини: “подносить хлеб-соль”(встречать хлеб-солью) – нон туз кўтариб, меҳмоннинг олдида пешвоз чиқиш, **“забывать (забыть) хлеб – соль”** – яхшилигини унутмоқ маъносида, ўзбек сўзлашув нутқида **“тузлигига тупурмоқ”** иборасига тенгдир. **“Хлеб-соль”** фразеологизми – меҳмон ҳақида қайғуриб, таом билан сийлаш, **“хлеб да соль вам”**-ёқимли иштаҳа маъноларида келади. Бу мазмундаги фразеологизмлар қадимий маъросим тафсилотида, яъни меҳмоннинг олдида ҳурмат маъносида нон ва туз олиб чиқиш одатига метонимик кўчиш орқали пайдо бўлган. *Гости остались в столовой, шепотом толкуя об этом неожиданном посещении, и, опасаясь быть нескромными, вскоре разъехались один за другим, не поблагодарив хозяина за его хлеб – соль.* Пушкин. Арап Петра Великого [2;406]. *Меҳмонлар беадаблик бўлмасин учун бу таширфнинг муҳокамаси деб ошхонада қолишди, бироздан сўнг меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирмасдан ҳам бирин-кетин тарқалишди.* Нон – мурувват, туз эса – меҳр – муҳаббат рамзи ҳисобланган. Бу одат ўзбек минталитетига ҳам хосдир.

Дўстлик рамзи. “Водить хлеб – соль” – дўст бўлмоқ, **“ делить хлеб – соль”** – насибаси билан бўлишмоқ маъноларида келиб, метонимик маъно кўчиши юзага келган. **“Хлеб наш насущный”** - ҳаёт учун энг зарурий мазмунидаги фразеологизм (Инжилнинг ибодатларидан бири шундай бошланади) ҳам нарса – буюмга, ҳам фаолият, ҳам кимсага нисбатан

3-шубба

ишлатилади [2;407]. *Для нас, молодых, ваш опыт – хлеб насущный.* Я.Ильичев. *Добрые глаза века. Биз, ёшлар учун сизнинг тажрибангиз жуда қимматли.*

Барака (модият) рамзи. Ўзбек тилида “**нон**” лексемаси асосан, шу маънода фразеологизмларда ишлатилади. “**Нони бутун**” фразеологизми тирикчилик, яшаш учун зарур нарсалари бут, муҳайё, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бекам – кўст, тўқис. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳамма вақт нони бутун [деди кампир Шодига].* Э.Раимов. Ажаб қишлоқ. “**Нони яримта**” фразеологизми бирор шерик ёки рақобатчи туфайли топиш – тутиши камайган, етишмай қолган. *Нима, Қобилов келиб, нонимиз яримта бўлиб қолдими, аксинча, қўлни – қўлга бериб ишласангиз, битта нонингиз иккита бўлади.* С.Маҳкамов, Шогирд. “**Нонини туя қилмоқ**” фразеологизми ҳам фаол ишлатилиб, бировга тегишли ҳақнинг маълум қисмини олмоқ, ўзлаштирмақ мазмунида қўлланилади. “*Бўшанглик қилсам, нонимни туя қилиб беришлари аниқ*”, - *ўйлади Йўлчи.* Ойбек. Танланган асарлар [3;57]. Худди шу маъно рус тилидаги “*отбивать хлеб*” фразеологизмида учрайди.

Рус тилида “**Не хлебом единым жив человек**” фразеологизми инсонга фақат овқат эмас, балки маънавий озуқа ҳам шарт мазмунида келади. “**Хлебом не корми**” (нон билан тўйғазма) фразеологизми гапирилаётган фикрдан бошқа ҳеч нарса керак эмас тушунчасини беради. *Эх, Мишуха, до чего по душе мне такая работа. Хлебом не корми, только дай что-нибудь выдумать да изобретать.* Г.Нагаев. Дегтярев [2;407]. *Эх, Мишуха, қанчалик бу иш ҳузурли. Оч қолсам ҳам майли, лекин ихтиро қилсам бас.* “Нон”нинг рамзий сифати маънавий қадриятлар асосида турли тилларда ҳар хил, лекин тил механизми ва дунёқарашнинг ўхшашлик томонларини ҳисобга олиб, уни **тирикчилик, ҳаёт рамзи** деб, айтишимиз мумкин. “**Нон емоқ**“ ўзбек фразеологизми бирон нарсадан фойдаланиб, тирикчилик ўтказмоқ, кун кечирмоқ маъносида, “**Нон гадоий**” фразеологизми эса нонга зор, камбағал – қашшоқ маъносида ишлатилади.

“**Нон асли дон**” фразеологизми элимизнинг азалий қадриятларига боғлиқ. Халқимиз нонни азалдан ҳурмат қилади, ҳамма нарсадан афзал азиз ва муқаддас деб билади. Ота – боболардан қолиб келаётган удум, анъанага биноан, ҳатто нонни тескари тишламайдилар, ноннинг устига бошқа нарса қўймайдилар, нонни устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешоналарига сурадилар, Нон ушоқни дастурхон устида кўрсалар, бармоқни хўллаб, ушоқ устига босиб олиб, еб қўядилар [4;234]. Юқоридаги ибора нонни эъзозлаш мақсадида айтилади.

“**Чужой хлеб горек**” (ўзганинг нони тахир) рус фразеологизми инсон яшаши учун ўзи пул топиши зарур, бировники таътимайди маъносида келади, бу ерда “нон” лексемаси пул тушунчасини бераяпти. “**Хлеб и то хлеб**” фразеологизми ҳарна қўлга киргани, ҳарна фойда мазмунида ишлатилиб, ўзбек тилидаги “*жугутдан жизза*”, “*тўнғиздан бир тук*” [5;183] фразеологизмларининг аналогиси ҳисобланади.

Ҳаёт учун зарурият рамзи маъносида. “**Посадить на хлеб и воду**” фразеологизми овқат бермай жазоламоқ, бирор ножўя иши учун овқатдан

3-шубба

маҳрум қилмоқ мазмунида қўлланилади. **“Перебиваться с хлеба на квас (на воду)”** фразеологизми – (куни фақат квас (сув) ва нонга қолган) ночорликда яшамоқ маъносида ишлатилади. Бу фразеологизмдаги **“квас”** лексемаси культерема ҳисобланиб, фақат рус менталитетига ҳосдир: “квас”- нон ва солод (солод-ундириб янчилган буғдой, арпа)дан ёки мевалардан ачитиб тайёрланадиган нордон ичимлик [6;266].

“Хлеб за брюхом не ходит” (нон қориннинг кетидан юрмайди) фразеологизми **“туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзар”** фразеологизмига аналог ҳисобланади [5;183] ва худди шу мазмунни ифодалайди.

Ўзбек урф – одати билан боғлиқ **“нон синдирмоқ”** фразеологизми никоҳ тўйи маросимларининг бир қисми: қиз томон, яъни унинг ота-оналари совчи юборган томонга ўз розилигини бергач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон синдирилиши ва тўй билан боғлиқ масалаларнинг белгиланиши, ҳал қилиниши [3;57] маъносида қўлланилиб, бу маросим айнан ўзбек миллий лингвокультурологиясининг ифодаси ҳисобланади.

Озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликлар бошқаларига қараганда фаол ҳисобланиб, миллатнинг энг асосий таомларини ўзида қамраб олган ва шу миллат дидини белгилаб, миллий эҳтиёжини кўрсата олишга хизмат қилувчи бебаҳо омиллардан биридир. Шундай фразеологик бирликларни татқиқ этиш бизга ўрганилаётган миллатнинг лисоний манзарасини очиб беришга хизмат қилади, шу билан бирга миллий кадриятларимизни ўзида қамраб олган фразеологик бирликларни яна бир бор ёдга олишимизга туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Усмонова Ш. Лингвокультурология. Дарслик. –Т.: ТошДУ, 2019.
2. Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь языка. –М.: Просвещение, 1980.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
4. Шомақсудов.Ш., Шораҳмедов.Ш. Маънолар маҳзани. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
5. Содиқова.М. Русча – ўзбекча фразеологик луғат. –Т.: Фан, 1972.
6. Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М.: Гос. из-во иностранных и национальных словарей, 1960.

3-шубба

ХИТОЙ ТИЛИДА СОН ВА РАҚАМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Умида Ходжакбаровна Мавлянова,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Хитой филологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Маълумки, сон фалсафий ва математик нуқтаи назаридан анчагина кенг абстракцияни намоён қилади, чунки унда “сифатловчи белгиларидан четлашган ҳолда предметлар кўплигининг миқдорини акс эттиради: “беш” сони турли предметларнинг мажмуасини ифодаланиши мумкин: олмалар, гуллар, шаҳарлар, ҳис-туйғулар, давлатлар ва ҳ.к.”. Ва “бир-бирига тенг барча кўplikларда битта умумийлик, эҳтимол, сон бўлади” [1;234]. Шу билан бирга сон тушунчасининг мураккаблиги ва қарама-қаршилигини таъкидлаган ҳолда, Бодуэн де Куртенэ “ҳар қандай сифат миқдорга таянади, чунки предметларнинг бир-биридан сифат жиҳатидан фарқланишлар, бир томондан, муайян бир таркибий унсурларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан эса бошқа унсурларнинг йўқлигига асосланади” [2;236].

Миқдор ва сифат семантикаси ўзаро боғлиқлигини нафақат файласуфлар, балки тилшунослар томонидан ҳам қайд қилинган. Гегелнинг миқдор категорияси сифат ғоясидан холи эмаслиги тўғрисидаги фикрини шарҳлаб, Л.Д.Чеснокова шундай ёзади: “Масалан, 4 ва 5 сонлари ўртасидаги фарқлар уларнинг миқдоридаги сифатловчи фарқидан иборат: “тўрт” – тўртта бирликни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган бу муайян миқдорнинг номи бўлиб, бешта бирликни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган “беш” сонидан фарқ қилади; 4 ва 5 ўртасидаги миқдор-сифат фарқи битта бирликка тенг. Миқдорий ва сифат тавсифларнинг умумийлиги (бирлиги) айнан шундан ташкил топади”. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотчи миқдорни ифодалашда сифатлашнинг куйидаги иккита турини ажратади – ички ва ташқи: муайян миқдорнинг сифати ички маъноси – бу айнан миқдорнинг хусусияти (айнан беш, уч ёки тўрт эмас); ташқи сифат тавсифи – бу ҳисобнинг объектларига ишорадир (“бешта китоб”, икки маротаба кирди” каби бирикмаларда олмалар эмас, айнан китоблар саналади; турли иш-ҳаракатлар эмас, балки “кирмоқ” ҳаракати) [3;126].

Хитой тилида предметларнинг бирлик-кўплигига ишора қилиш ифоданинг зарурий семантик элементи ҳисобланмайди. Яъни хитой тилида бирлик/кўпликнинг маъновий категорияси грамматик категория эмас. Предметларнинг сонини аниқлаш зарурати бўлганда, бу лексик ва синтактик воситалар ёрдамида ифодаланади: сонлар номлари ва отлар билан махсус санок сўзлар ишлатилади.

Содда санок сонларнинг таркиби чекланган, шу билан бирга уларнинг турли бирикмалари бутун сонларнинг чексиз қаторини бера олади. Бошланғич (дастлабки) элементларнинг унча кўп бўлмаган сони орқали номларнинг чекланмаган кўплигини ифодалашдан иборат бўлган бу хусусият сонларнинг энг муҳим сўз ясовчи хусусияти ҳисобланади [4;543].

3-шубҳа

Хитой тилида содда (бир морфемали) сонлар бирдан ўнгача бўлган сонларни ифодалайди. Ўн бирдан то ўн тўққизгача бўлган сонлар эса, содда сонларнинг қўшилиши орқали ясалади. Бундай сонлар – таркибидаги морфемаларнинг сон маънолари йиғиндиси бўлиб, аддитив сонлар деб номланади. 20 дан 99 гача бўлган сонлар ҳам содда сонларнинг қўшилиши орқали ҳосил бўлади, лекин уларнинг маъноси қўшиш асосида эмас, таркибидаги морфемаларнинг кўпайтирилишига асосланади. Бундай сонлар мультипликатив деб аталади [5;45]. Масалан: 五 wǔ – беш, 十五 shíwǔ – ўн+беш= ўн беш, 五+ wǔshí – беш+ўн=эллик.

Юқорида катта разрядли сонлар номларида фарқлар ҳақида баён қилинганидек, ўн миллион сони хитой тилида *мингларнинг минг ўнликлари* каби кўринишга эга. Бу ердаги асосий фарқ қўшилаётган содда сонларнинг йиғиндиси ва уларнинг ўзаро боғланишидан иборат, чунки хитой тилида сонлар турланмайдиган отлар қаторига киради.

Қаср сонлар хитой тилида уч элементдан иборат: бутун сон бўлинадиган қисмларнинг сонлари, *бўлмоқ, бўлинмоқ* сўзлари ва бўлинган бутундан олинган қисмлар сонлари. Масалан: 2/10 十分之二 shífēnzhīèr. Хитой тилида бу сон сўзма-сўз қуйидагича – *ўндан икки ажратилди/ажратишди*. Демак, хитой тилида биринчи ўринда бутун сон, ундан кейин бутундан олинган қисмлар келади, яъни аввал махраж, сўнг сурат қўйилади. Хулоса қилиб айтганда, хитой тилида биринчи ўринга кўплик чиқади, кейин эса ундан олинган қисм (бирлик) келади.

Хитой тилшунослигида тартиб сонларнинг грамматик мавқеи (жойи) масаласи илмий баҳс-мунозалар предмети бўлиб келмоқда. Хитой тилида тартиб сонларнинг формал кўрсаткичи сифатида 第 dì махсус префикси хизмат қилади: 第二 dìèr иккинчи, 第五 dìwǔ бешинчи, 第十 dìshí ўнинчи. Бу префикс сўз ясовчи форманталарига тегишли, лекин тартиб сонлар билан ифодаланган бир нечта аниқловчиларига оид бўлиш қобилияти туфайли бу префиксни шакл ясовчи форманталарига яқинлашади. Бундан ташқари, замонавий хитой тилида айрим ҳолатларда тартиб сонлар махсус “第 dì” префиксини ўзига олмаслиги ҳам мумкин, натижада, санок сонлардан ҳеч қандай фарқ қилмайди, масалан: 一九八三年 yījiǔbā sānnián – 1983 йил, 三年級 sānniánjí – учинчи курс. Айтиш мумкинки, тартиб сонлар санок сонларга нисбатан семантик жиҳатдан ажратилган ва формал белгиланган, уларнинг фарқланиш шакллари турлича (хитой тилида – префикс), аммо хитой тилида санок ва тартиб сонлар ўртасидаги семантик ва формал қарама-қаршилик камроқ намоён бўлади.

Сонлар сўзларнинг лексик-грамматик синфи сифатида ҳисоб тизимини тил орқали ифодалаш воситаси ҳисобланади. Ушбу тизимнинг бошқа ифодалаш воситаси бу ўзига хос идиографик белгилар – рақамлардир. Рақамлар бу – сонларнинг махсус математик ифодаси.

Сонларни ёзувда қисқа (лўнда, мўъжаз) ифодалаш мақсадида рақамлардан фойдаланилади. Ҳар бир тил учун ўзига хос бўлган сонларнинг номлари ёзувда иккита услуб орқали берилади – миллий сўзлар ва интернационал (халқаро) рақамлар билан. Рақамлар “турли тилларда бир хил

3-шуба

ёзилади, лекин ҳар бир тилда ушбу тилнинг сўзлари орқали ифодаланади” .Бир сўз билан айтганда, рақамлар сонга оид тушунчаларни ифодалаш учун ўзига хос миллатлараро код вазифасини бажаради. Жаҳон тилларидаги биронта ҳам сўзларнинг гуруҳи шу каби универсал ёзув кодига эга эмас, бу эса турли тиллардаги номланишларнинг мутлақ (абсолют) маъновий тенглигидан далолат беради.

Хитой тили ёзувида сонларни ифодалашда учта тур мавжуд:

1) соф сонлар, оддий сонлар: 一 yī бир, 二 èr – икки, 三 sān – уч, 四 sì – тўрт, 五 wǔ – беш, 六 liù – олти, 七 qī – етти, 八 bā – саккиз, 九 jiǔ – тўққиз, 十 shí – ўн;

2) ёзма (катта ҳарфлар билан) сон; 壹 yī – бир, 貳 èr – икки, 叁 sān – уч, 肆 sì – тўрт, 伍 wǔ – беш, 陆 liù – олти, 柒 qī – етти, 捌 bā – саккиз, 玖 jiǔ – тўққиз, 拾 shí – ўн;

3) сонларни арабча рақамлар билан ифодалаш: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

Кўриниб турибдики, биринчи ва иккинчи усуллардаги элементар (сода) сонлар бир хил талаффузга эга, фақатгина ёзув – иероглифик ифодаланишда фарқ қилади.

Ёзма (катта ҳарфли) сон хитой ёзувида анча кейин – фукарлар ўртасидаги пуллик ҳисоб-китоблар ёзма тарзда расмийлаштирила бошлаганда пайдо бўлган. Ушбу сонлар Тан сулоласи (эрамизнинг 618–907 йй.) даврида устувор бўла бошлади ва шу вақтдан кенг тарқалиб, оммавий қабул қилинди. Бундай ҳолат VIII асрда савдо-тижоратнинг ривожланиши натижасида товар-пул муносабатларининг жадал ўсиши билан изоҳланади. Пулларга бўлган талаб кескин ошди, қоғоз ва “учувчи пуллар” (ўтказма чеклар) номини олган пуллар пайдо бўлди.

Ёзма (катта ҳарфли) сонларни пайдо бўлиш усули ва вақти бўйича учта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга бир, икки, уч, беш сонларни ифодалаш учун мураккаблаштирилган иероглифлар киради. Бу сонларнинг оддий ва ёзма ифодаланишини қиёслаш мумкин: 一 yī – бир/ 壹 yī – бир; 二 èr – икки/ 貳 èr – икки; 三 sān – уч / 叁 sān – уч; 五 wǔ – беш / 伍 wǔ – беш. Кўриб турганимиздек, маъно ва талаффуз бўйича бир-бирига ўхшаш оддий ва ёзма сонлар ёзилиш (ёзув) бўйича фарқ қилади. Ёзма (катта ҳарфли) сонлар оддий сонлардан мураккаброқ ёзувга эга. Шулар орасида “беш” сони камроқ мураккабликка учраган: оддий “беш” сони олдида “одам” иероглифи қўйилади.

Ёзма сонларнинг иккинчи гуруҳи – оддий сонларга сўзлар – омофонлар. Ушбу гуруҳга олти иероглиф киритилган: 肆 sì – тўрт, 陆 liù – олти, 柒 qī – етти, 捌 bā – саккиз, 玖 jiǔ – тўққиз, 拾 shí – ўн. Булар ўзаро мос келадиган оддий – 四 sì – тўрт, 六 liù – олти, 七 qī – етти, 八 bā – саккиз, 九 jiǔ – тўққиз, 十 shí – ўн сонлар билан бир хил талаффуз қилинар эди ва дастлабки босқичда маъносига кўра оддий сонларга алоқаси бўлмаган. Сўнг эса, бир хиллик сонларни ифодалаш учун талаффуз туфайли махсус қўлланила бошлаган.

3-шубба

Учинчи гуруҳни бошқалардан анча кейин пайдо бўлган иккита ёзма сонларнинг ифодаси ташкил қилади. Улар ёзма “беш” сонининг модели (қолипи) бўйича ясалган: 百 bǎi – *бир юз* ва 千 qiān минг оддий сонлар олдига “одам” иероглифини қўшиш орқали ёзма 佰 bǎi – *бир юз* ва 仟 qiān – минг сонлари ҳосил қилинди.

Шундай бўлиб чиқадики, 壹 yī – *бир*, 貳 èr – *икки*, 叁 sān – *уч*, 肆 sì – *тўрт*, 伍 wǔ – *беш*, 陆 lìu – *олти*, 柒 qī – *етти*, 捌 bā – *саккиз*, 玖 jiǔ – *тўққиз*, 拾 shí – *ўн* иероглифлари сонлар қаторининг иккиламчи (ҳосила) ифодасидир. Бу мақсад учун улар ёки махсус ўйлаб топилган, ёки оҳангдош (талаффузи бир хил) бўлгани учун жалб қилинган. Ифодаланишнинг ушбу қатори ёзма (катта ҳарфли) сонлар номини олиб, оддий сонлар қаторига (一 yī – *бир*, 二 èr – *икки*, 三 sān – *уч*, 四 sì – *тўрт*, 五 wǔ – *беш*, 六 liù – *олти*, 七 qī – *етти*, 八 bā – *саккиз*, 九 jiǔ – *тўққиз*, 十 shí – *ўн*) параллел тарзда ишлатилади. Бундай бўлишнинг асосий сабаби, ёзма сонларнинг мураккаб ёзилишида: бу иероглифларда чизикларнинг кўплиги, чизикларнинг ёзилиш тартибини ўзгартириш, тўғрилаш ёки сохталаштиришнинг қийинлиги билан изоҳланади. Хулоса қилиб айтиш мукинки, илгари ҳам, ҳозирги кунда ҳам ёзма сонлар молиявий ҳужжатларда, пул ўтказмалари, банкка пул қўйиш, ҳисоб-фактурани ёзиш каби пул операцияларида ишлатилади. Мазкур операцияларда нақд пул миқдорлари ёзма сонлар билан берилиши талаб қилинади. Ўхшаш ҳолат бошқа тилларда ҳам кузатилади: сумма рақамлар орқали ёзилгандан кейин унинг сўзлар билан ёзма вариантда берилиши сўралади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Горский. Д.П. Вопросы абстракции и образование понятий. – М., 1961.
2. Бодуэн де Куртене И.А. Количественность в языковом мышлении // Избранные труды по общему языкознанию. Т. 2. – М., 1963.
3. Чеснокова Л.Д. Категория количества и способы ее выражения в современном русском языке. – Таганрог, 1992.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. под редакцией В.Н.Ярцевой. – М.: “Советская энциклопедия”, 1990.
5. Горелов В.И. Теоретическая грамматика китайского языка. – М.: Просвещение, 1989.
6. Современный русский язык: Теория. Анализ языковых единиц: Учеб. для студ. высш. учеб. заведен.: В 2 ч. - Ч. 2: Морфология. Синтаксис / Под ред. Е.И.Дибровой. – М., 2001.

3-шубба

XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАР АЁЛЛАР АДАБИЁТИДА УСЛУБИЙ
ИЗЛАНИШЛАР ВА ТЕМАТИК РАНГ-БАРАНГЛИК

Шукрия Миадовна Назирова,
Тошкент давлат Шарқшунослик университети
Хитой филологияси кафедраси катта ўқитувчиси

XX асрнинг 90-йилларига келиб ғарб адабиётининг таъсири сезиларли бўлишига қарамасдан кўнгилочар адабиётлар нашри тобора ортиб борди. Аммо адабий анъаналарга содиқ ёзувчиларнинг ижоди ҳам ўз таъсир кучини йўқотмади. Адабиётчилар 90-йилни алоҳида бир босқич сифатида ўрганиш керакми йўқми, 90 йиллар 80 йиллардан нимаси билан фарқ қилади, деган саволлар устида кўплаб баҳс мунозаралар олиб бордилар.

Агар Хитой тарихига назар ташласак. 90-йиллар бошида мамлакатдаги энг муҳим ҳодиса бу унинг бозор иқтисодиётига ўтиши бўлди. Бозор иқтисодига ўтиш асослари ва тажрибалари 80 йилларда бошланган бўлсада, 90 йилга келиб бу тажриба амалиётга кенг тадбиқ этила бошланди. Бу ҳодиса адабиётга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Маданиятни, шу жумаладан, адабиётни ислоҳ қилиш масаласи давлат даражасидаги масалага айланди. Ёзувчилар уюшмасидаги давлат томонидан таъминланадиган профессионал ёзувчилар сони қискартирилди. Кўпгина адабий нашрлар, босмохона ва нашриётлар давлат тасарруфидан чиқарилди. Ёзувчилар ўз асарларини нашр қилишлари учун ўз маблағлари ҳисобидан нашриётларга тўлов қилиши лозим эди. Лекин адабиёт устидан “назорат” йўқолмади, балки бошқача кўриниш олди. Мамлакат олиб бораётган “сиёсий курсга ҳамоҳанг бўлиш” стратегияси илгари сурилди. Натижада сиёсий вазият ниҳоятда жиддийлашди. Адабий гуруҳлар ўртасида бўлиниш пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситалари томонидан кенг тарғиб этилган “оммавий маданият” тушунчаси пайдо бўлди ва жадал суратда тараққий этди. Бу, энг аввало, телевидениеда турли кўнгилочар дасутрлар ва телесериалларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши, турли мода ва кўнгилочар журанллар оқимининг кириб келишида намоён бўлди. Оммавий маданият кўплаб классик асарларнинг ҳам пайдо бўлишига туртки бериши билан бирга, турли маданий ва маънавий маҳсулотларга хос улкан таъсир кучини ўзига сингдирди, ўзлаштирди, жалб қилди ва сайқал берди. “Мао Цзэдунда маданий мода”, Гу Чэннинг “шоирнинг ўлими”, “Нобоп пойтахт”, “Байлу текслиги”, “Чжан Айлинда мода” асарларини чоп қилиш, замонавий тарихни танқид қилувчи китоблар нашри, устоз ёзувчилар ҳаётини “маданий қаҳрамонлар”га айлантириш, “аёллар адабиёти”нинг бозор шароитидаги эффекти...буларнинг барчаси адабиётда кечаётган жараёнлар эди. Натижада зиёлилар ўзларининг мавқеи ва қадрига шубҳа билан қарай бошладилар. Оммавий маданиятга қарашлар ҳам фарқ қила бошлади. Натижада зиёлилар орасида ҳам бўлиниш содир бўлди. “Янги сўл фракция” ва “янги либерализм” тарафдорлари ўртасида “гуманизм руҳи” борасидаги дисскуссиялар кучайди. “Маънавий инқироз” ҳақидаги баҳслар кучайди.

3-шуба

Адабиёт тараққиётига келсак, бу даврга хос бўлган энг муҳим жиҳат бу – адабий оқимларнинг кучсизланиши эди. 90-йиллар адабиётининг 80-йиллардан фарқли муҳим жиҳати ҳам шунда намоён бўлади. Бозор танлови ва бозор талаби, эҳтиёжи адабиётнинг изчил тараққиётига путур етказди. Адабий жанрлар масаласида ҳам шундай ҳолат рўй берди. Шеърый жанрлар ривожини анча қийин кечди. Чунки шеърый асарларга бўлган талаб тушиб кетди. Ваҳоланки, 80-йилларда шоирлар “маданий қахрамон” даражасидаги мавқега эга бўлган эдилар. 80-йилларда қиссачилик кенг раванқ топган бўлса, 90-йиллар роман ва эссе жанрлари жадал тараққий этди. Роман жанрининг тараққий этиши бу адабиётнинг ва ёзувчиларнинг етуклик палласига чиққанидан далолат берарди. Айнан роман жанри воқеликни ҳар томонлама ва кенг қамроқли тасвирлаш, ижтимоий муаммоларни чуқур мулоҳаза қилиш имкониятига эга бўлган жанр сифатида ўзини намоён қилди. Шу сабабли, унга талаб жуда катта бўлди. Қизиқарли сюжет, бой тарихий воқеалар ҳикоя қилинган романлар ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинар эди. Тарихий мавзу энг кенг тарқалган мавзулардан бири бўлиб, Эр Юэхэ нинг “Императорлар”, Тан Хаоминнинг “Цзэн Гофань”, Лин Лининг “Ёш император”, Лю Сыфэннинг “Оқ дарвозалар олдидаги мажнунтол” каби тарихий романлари бестеллер даражасидаги асарлар ҳисобланган. Шунингдек, турли жамоалар ҳақидаги романлар ҳам пайдо бўлди. Тарихий мавзудан ташқари 90-йиллар ёзувчилари ижодида: инсон ва табиат уйғунлиги (А Чэн, Чи Цзыцзянь), ахлоқ ва ижтимоий бурч, қишлоқ мавзуси (Сунь Чунпин), тарихий мавзу (Чи Цзыцзянь, Сюй Гуанжун) етакчилик қилди. Инсоннинг она заминга бўлган муҳаббати, оддий инсонлар ҳаётининг тасвири кўплаб ёзувчиларнинг асосий мақсадига айланди. Бир сўз билан ифодаланганда ВАТАН мавзуси ҳам бу давр адабиётининг асосий мавзуси эди. Кўриниб турибдики, 80-йилларга нисбатан, 90 йилларда насрда сюжет ранг баранглиги анча кенг.

Бу давр аёллар адабиёти ҳақида сўз борганда 90-йилларда ижод қилган энг машҳур адибалари сирасига 林白 Лин Бай, 陈染 Чэн Жан, 徐坤 Сюй Кун, 徐小斌 Сюй Сяобин, 海男 Хай Нан, 须兰 Сюй Лан ларнинг номлари зикр этилади.

Жуда қисқа умр кўрган 萧红 Сяо Хун (1911-1942) ижоди аёллар адабиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Сяо Хуннинг энг машҳур издошларидан бири адиба Чжун Ян (重阳) дир. 1994 йилда Чжун Яннинг насрий асарлари “Дин қайнонасининг тарихи” номи билан тўплам ҳолида нашр этилади. Кўп ўтмай адибанинг “Интилувчи оқим” (1998) тўплами чоп этилди. Иккала тўпламга киритилган асарларда адибанинг ўзи туғилиб ўсган Цицикар шаҳрига бўлган чексиз меҳри ўз ифодасини топади. Айнан она юртида инсон табиат ва ўзи билан уйғунликка эришади. Бу мавзу “маданий инқилоб”дан кейинги ўн йиллик хаосда ўта долзарб аҳамият касб этган эди. Чи Цзыцзяннинг услубида ҳам Сяо Хуннинг болалик ҳақидаги хотиралар баёни услуби сезилади. Шу услубда у Ватанни соғинч, болаликни кўмсаш, собиқ дўстларни хотирлаш, тақдир ўйинлари ва турмуш қийинчиликларининг поэтик тасвирида ҳам Сяо Хун услуби сезилади. Жумладан, Чи Цзыцзяннинг “Мотам гўзаллиги” (1995)

3-шубба

тўпламига киритилган асарларида ёлғизлик, инсон тақдиридаги йўқотишлар ҳақида ҳикоя қилади.

Даврнинг етук адибаларидан яна бири 林白 Лин Бай (1923-2014) ҳисобланади. Адибанинг ижоди ўзбек хитойшунослигида деярли ўрганилмаган. Лин Бай асарларида аёл ёлғизлиги мавзуси етакчилик қилади. Ёлғизлик бу нафақат аёлнинг ички ҳолати ва тушкунлиги ифодаси балки бу унинг ҳаётга муносабати ифодаси ҳамдир.

“Бир одамнинг уруши”“ 一个人的战争” романидаги воқеалар қоронуғу хонада содир бўлади. Уйнинг томида турли инсон аъзолари реклама қилиб қўйилган зимзиётиббий хона жойлашган.. Дуоми 多米 қоронғуликдан кўрқади. Хонанинг тасвири худди қаҳрамоннинг ичи каби қоронғу. Ҳамма деталлар тушкунлик, кўрқувни эслатади. Дуоми бу хонага ҳар куни 17.30 да келади ва кун ботмасдан ухлашга ётади. Ёзувчи хонадаги ҳар бир деталнинг тасвирига ўзгача бир маъно юклайди. Масалан, майда чивинга қарши тўр - пашшахона тасвирини олсак. Пашшахона қаҳрамонни ташқи дунёдан ажратиб турадиган кичик, сиқик ва хавфсиз олам. «Узоқ йиллар давомида чивинларга қарши тўрлар – энг зўр ёрдамчидир. Фақатгина чиқинларга қарши тўрлар инсонларни тўлалигача ажратиб олади ва хавсиздирлар. Пашшахоналар худди аёл юрагига ўхшайди. Улар қоронғуликда ҳам ҳамма нарсани кўришлари мумкин, аммо аниқ-тиниқ кўринмайди.”

Асарда айнан жой тасвирига урғу берилади. Дуомининг фикрича, уй қанча кичкина блса кўрқув ҳам шунча кам бўлади. Унга болаликдан отасизлик ва онасизлик қисмат шерик. Ва у ўзини ҳар доим бегона хис қилади. Хоҳ у хона бўлсин, хоҳ у пашшахона аёлнинг мушоҳада қилиши учун энг яхши жой. Бу аёлнинг ёлғиз қалби озод бўладиган маънавий макон. Шунингдек у аёл ёлғизлигининг ташқи кўриниши.

Ёлғиз аёллар учун уй қимматбаҳо маънавий қаср. Аёл эркаклар таъқиқ қўйган ташқи оламдан кўрқадилар, шунинг учун улар хонага бекиниб оладилар ва жон жаҳди билан ўзларининг хонадаги қоронғулик чулғаган маконини яратишга ҳаракат қиладилар. Бу аёлнинг мустақил танлови.

Дуоми ҳамма нарсани рад қилиб бутун оламдан қочиб хонага қамалиб олади. Ўз ўзини ҳимоя қилиш, ўз-ўзини англаш ва ўз ўзини анализ қилиш жараёнида ёлғизлик ҳисси тобора чуқурлаша боради. Дуоми кўп йиллар мобайнида битта тушни кўради. Тушида оила аъзолари бирма бир ўлади. Дуоми ўлим ва тўй саҳналарини орзу қилади. Домининг ички олами ўлим олдидаги кўрқув билан тўла. Ўлим доим инсонларни бир-биридан ажратади. Дуомининг бувиси, онаси ва бошқа яқинлари бир-бир бу оламини тарк этадилар, ёнидаги инсони эса шаҳардаги энг хунук йигит эди. Дуоми ички бахти билан бўлиша олмайди, у ёлғиз сафарга отланади. Унинг ташқи олам билан бутунлай алоқаси узалади. Дуомининг бошига тушган фожеа (бегона эркак томонидан ўғирланиб зўрланиши, севгидаги омадсизлик) ҳам унинг эркаклардан нафратланишига, ёруғликдан кўрқишига олиб келади. Зулмат – бу Дуоми ёлғизлигининг ҳаётий тажрибаси, бефарқлик, аутизм ва умидсизлиги.

3-шуба

Романни ўқиш асносида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: Аёллар ёлғизлиги – бу ўзига хос қисмат. Аёл хилқатига бу тарзда ноодатий ёндашувида, ёлғиз аёлнинг ички рухий оламини бу тарзда чуқур таҳлилида, “бир кишининг урушида” Лин Байнинг ўз ҳаётий тажрибаси қўл келди.

Айнан Лин Байнинг ижоди мисолида биз аёл ва эркак ижодкорнинг аниқ тиниқ фарқини кўраемиз. Лин Бай фақат аёлларгина тушиниши мумкин бўлган аёл ҳолатининг нозик қирраларини тасвирлайдики, бу фикримизнинг яна бир бор исботидир.

Лин Бай ижоди 90 йиллар аёллар адабиётининг яна бир жиҳатини, яъни автобиографик адабиётга хос унсурлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

XX аср Хитой адабиётида инсон табиати ва инсонпарварлик мавзуи етакчи мавзулардан бирига айланди. “Инсоннинг уйғониши” нафақат гуманизми балки янги адабиётнинг шаклланишида етакчи ўқтомир бўлди. Асарларда инсоннинг индивидуал жиҳатларини аниқ тасвирлаш тамойили кузатилади. Гарча янги адабиёт ўз тараққиётида кўп бурилишларни бошидан ўтказди, аммо гуманизм ҳар доим асосий ғоявий ўқтомири бўлиб қолди.

Хитойда ислохотларнинг бошланиши билан адабиётнинг қайта туғилиши содир бўлди. Секин асталик билан адабиёт сиёсатдан ажралиб чиқа бошлади. Бадиий асарнинг бош мақсади сиёсий масалалар эмас, балки инсон ва унинг ўй-ҳаёл ва кечинмаларини тасвирлашга эришилди. Адибалар у ёки бу масалада ўзларининг нуқтаи назарларини, ижодий позицияларини намоён қила бошладилар.

1990-йил Хитойга ғарб маданияти, кадриятлари ва адабий усулларнинг фаол кириб келган бир давр бўлди. Хитой олиб борган очиқлик сиёсати ижобий таъсир билан бирга сезиларли равишда чиқим қилинишига олиб келди. Маданият ва адабиётни тижоратлашуви ҳолати кузатилади. Баъзи ёзувчилар моддий манфаат туфайли истеъмолчилар талабига мослаша бошладилар. Бу эса ўз навбатида бадиий асарларнинг сифатига таъсир ўтказмасдан қолмади, албатта.

Бадиий қимматга эга бўлмаган кўплаб ишқий романлар, шахвоний сахналарга бой ҳикоялар дунёга келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Китайская проза XXI века. Перевод с китайского языка. Составители А.А. Родионов, Н.А.Спешнев. – СПб.:КАРО, 2011. – С.108
2. Виноградов В.В. О теории художественной речи. –М.: Высшая школа, 1971. –С.118.
3. Чернец Л.В. Введение в литературоведение. М.: Высшая школа, 1976. С.386
4. Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари. –Т.: 2013// <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-222136-1.html?page=2>. Мурожаат этилган сана: 18.03.2020
5. Қодирий А. Кичик асарлар. –Т.: 1969. – Б.201

3-шуба

6. Чжэн Юнфу, Лу Мэйи. Чжунго фунюй тунши, миньго цзюань (Республика даврида Хитой аёли тарихи). Ханчжоу, 2010.
7. 黄英: “女作家现代中国”2003 年美国哥伦比亚大学出版社

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ

**Анора Жавлиевна Жабборова,
Жиззах ДПИ Инглиз тили амалий курси
кафедраси катта ўқитувчиси**

Ўтган асрнинг 90 йилларида ўз ривожланиш йўлига кирган лингвокультурология бугунга келиб замонавий тилшуносликнинг энг долзарб йўналишларидан бирига айланди. Лингвокультурология тил ва маданият ҳамда тил ва халқ менталитети, миллий ўзига хослигининг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсирини тадқиқ этади, илмий асослайди. Бу жиҳатдан у маданият ҳамда тил ҳақидаги фан билан ўзаро боғланади.

Лингвокультурология тил бирликларининг миллий-маданий маъноси (семантика)ни, маъно мазмуни ва оттенкаларини, тил ва маданият муносабатларини, миллий маданиятнинг тилда ифода этилиши муаммоларини илмий ва амалий ўрганади. Ҳар қандай воқеликни қиёслаш қиёсланаётган воқийлик ёки нарса ҳодисанинг интеграл ёки дифференциал белгиларни аниқлаштириш имконини яратади.

Тилшуносликда Ф.де Соссюр томонидан тилнинг интеграл ва дифференциал белгилари фарқланди. Бу илмий йўналиш оппозиция, трансформация, компонент таҳлил каби қатор тилни илмий ва амалий ўрганиш методларининг асосини ташкил этади. Халқлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданиятлараро муносабатларни шакллантириш асносида бошқа тилларга мурожаат этиш ва ўрганиш кучаймоқда. Бошқа тилларни ўрганиш эса ўша халқнинг маданиятини ўрганиш, таъбир жоиз бўлса, ҳис қилиш имконини беради. Шу маънода, охириги пайтларда тилнинг маданият билан ўзаро муносабатини ўрганиш фавқулодда долзарб масалага айланди. Шу аснода тилшуносликда лингвокультурология деб аталувчи махсус йўналиш, тадқиқ объекти пайдо бўлди.

Немис тилшуноси В.фон Гумбольд тил ва маданият муносабатларини илк бор ўз асарларида ифода этди: *“Инсон тили унга предмет ҳақидаги маълумотни қай тарзда етказса, шу билан яшайди. Ҳар қандай тил шахс мансуб бўлган халқни, унинг тарзини ифода этади”* [1].

Илмий тадқиқотларида лингвокультурема термини қўлланила бошланди. Лингвокультуремалар (языковое значение-номинатив маъно, предметлик маъноси)дан ташқари, миллий-маданий (тилдан ташқаридаги маданий маъно) каби сегментларни ўз ичига олади. Сўз (белги-маъно) тил бирлиги сифатида лингвокультуреманинг таркибий қисми ҳисобланади.

3-шуба

Сўз тилдаги нарса-ходисаларни ифодаласа, лингвокультурема предмет мазмунини ифодалайди. Лингвокультурема тилдаги ифодасига кўра *сўз, гап, атама, сўз бирикмаси* билан ифодаланиши мумкин. Лингвокультурема тил бирлигига нисбатан мураккаб ходисадир. У ўзида тилнинг ифодасини, тасавури билан бирга тилдан ташқаридаги муҳитни (вазият, реаллик), мавжудликни ифода этади.

Она тили ёки бошқа чет тилини яхши биладиган ҳар қандай шахснинг нутқида маданий (культурный ареал) маъно иштирок этади. Маданий маъносиз у ёки бу матннинг моҳиятига кира олмаймиз, у ҳақидаги мазмунни идрок эта олмаймиз. Текст мазмунидаги маданий феноменни тушуниб ета олмаймиз. У ёки бу миллатга хос бўлган ўзига хосликни тасаввур этиш учун миллий менталликни англаш билими зарур. Лингвокультурема ўзига хосланган номинатив маънони ифода этиши билан бирга маданий-маърифий, миллий менталлик ассоциатив тасаввурларни англаб этиш имкониятини яратади.

Кейинги йилларда тилнинг фразеологик тизимини семантик-прагматик, лингвокультурологик, когнитив илмий нуқтаи назардан ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Фразеологик бирликлар айнан маданият ҳақидаги ахборотни, миллий менталликни ифодалайдиган тил бирлигидир. Фразеологик маънонинг маданий маъно компоненти баҳо муносабатни англатиш у ёки бу миллатнинг миллий менталитети, этнокультураси тўғрисида маълумот беради. Умуман фразеологизмлар у ёки бу халқнинг ҳаёт тарзи, маданияти, маърифати, миллий менталитетининг ёрқин ифодасидир. Фразеологик бирликлар халқларнинг маданияти ҳақида маълумот берувчи манба ҳамда миллий-маданий ўзига хос лингвокультуремани ифода этувчи ёрқин тил бирлигидир.

Фразеологик бирликларнинг бирламчи маънолари деярли йўқолади ёки интерпретация, яъни талқин қилинади. Шу маънода, фразеологизмлар иккиламчи тил ходисаси деб қаралади. Айрим олимлар фразеологизмларни семантик ходиса деб қарайди. Шунга қарамасдан фразеологизмларнинг сўз-компонентлари ўз маъноларини сақлаши ва лингвомаданий маъно фони сақланган ҳолда англашилади.

Албатта, фразеологизмларнинг шаклланиши ва маъно касб этишида экстралингвистик омиллар, жумладан, тарихи, миллий қадриятлар, миллий-маънавий мерослар, урф-одатлар, ҳудуднинг ўзига хослиги, воқеликлар, тарихий жараёнлар ва ҳоказо омиллар бўлиб хизмат қилади. Масалан, *дўпписини осмонга отмоқ, туянинг думи ерга текканда, ошиги олчи бўлди* каби фразеологизмлар маъно структурасида сигнификатив маънодан кўра денотатив маъно юқори бўлади. Уларнинг мазмун-моҳияти тил вакиллари томонидан миллий-маданий қадриятларидан келиб чиқиб, уларга хос бўлган миллий қадриятлар тизими асосида шакллантирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилшуносликнинг замонавий ривожланиш босқичида фразеологизмларнинг миллий-маданий ўзига хослиги, халқнинг маданиятини ва қадриятларини ифода этиш жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Кўплаб тилшунослар томонидан тан олинганидек, тилнинг фразеологик бойлиги ҳар қандай халқнинг миллий-маданий ўзлигини намоён

3-шуба

этувчи восита бўлиб хизмат қилади, чунки унинг мазмун-моҳиятида, унинг таркибидаги бирликларда миллий маданият акс этиб туради. Айни хусусиятлари билан фразеологик тизимнинг миллий-маданий ўзига хослиги масалалари ҳозирги даврда кўплаб тилшуносларнинг тадқиқ мавзусига айланди.

Фразеолог тилшунос Л.И.Ройзензон “*фразеология инсоннинг тил фаолиятидаги ўзлигини ифодаловчи, мураккаб ва компликатив воқеликдир*” [3;122] деб таъриф беради. В.Н.Телия эса тилнинг фразеологик таркиби – ойнадир. Унда миллий-маданий умумийлик ўз аксини топади миллий ўзликни англаш намоён бўлади. Айнан фразеологизмлар тил вакиллари оламни идрок қилишга ва англашга ундайди [4;143].

Шунингдек, тилшунос В.А.Маслова “фразеологик бирликлар ўз маъно структурасида халқ маданияти ривожланишининг узок йиллик жараёнини ифода этади, маданий стереотиплар, эталонлар, архетипларни авлоддан авлодга етказди, муҳрлайди, ёзиб қолдиради [2;208].

Шу маънода, фразеологизмларни тадқиқ этиш ҳамда ўқувга татбиқ этиш жараёнида: 1) аксар фразеологизмларнинг умумий маънолари ёки уларнинг компонентлари маънолари таркибидан миллий маданият номи унинг руҳияти излари мавжуд ва улар аниқланиши ҳамда тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ; 2) миллий-маданий ахборот фразеологик бирликларнинг маъно таркибида сақланади, мавжуд бўлади, уларнинг олам ҳақидаги образларини ифода этади ҳамда фразеологик бирликларга миллий-маданий колорит бағишлайди; 3) фразеологизмларнинг миллий-маданий жараёнини ўрганиш асносида маданий-миллий коннотатив хусусиятларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Тилшуносликда муқобилсиз (безэквивалент) лексика термини ва унинг моҳияти лингвокультурологияда кенг қўлланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фразеологизмларни тадқиқ этиш ҳамда ўқувга татбиқ этиш жараёнида: 1) аксар фразеологизмларнинг умумий маънолари ёки уларнинг компонентлари маънолари таркибидан миллий маданият номи унинг руҳияти излари мавжуд ва улар аниқланиши ҳамда тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ; 2) миллий-маданий ахборот фразеологик бирликларнинг маъно таркибида сақланади, мавжуд бўлади, уларнинг олам ҳақидаги образларини ифода этади ҳамда фразеологик бирликларга миллий-маданий колорит бағишлайди; 3) фразеологизмларнинг миллий-маданий жараёнини ўрганиш асносида маданий-миллий коннотатив хусусиятларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Тилшуносликда муқобилсиз (безэквивалент) лексика термини ва унинг моҳияти лингвокультурологияда кенг қўлланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1992. 3-4-сонлар.
2. Маслова, В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Изд. центр «Академия», 2001.

3-шубба

3. Ройзензон, Л.И. Русская фразеология: Учебное пособие. –Самарканд: Изд-во Самарк. гос. ун-та, 1977.
4. Телия, В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1992.

ГРАММАТИК ҚОИДАЛАР - ТИЛШУНОСЛИКНИНГ АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШИНИ КУЧАЙТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Гулсара Шамсиевна Зиёдуллаева,
ТДЎТАУ Ўзбек филологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Давр тилдан амалий фойдаланиш самарадорлигини фаннинг ҳам, таълимнинг ҳам асосий муаммосига айлантириб қўйди. Натижада тилшунослик тил ва шахс муштараклиги муаммоси билан шуғулланадиган антропотцентрик моҳият касб эта бошлади, она тили таълимида эса ўқувчиларнинг муайян нутқий вазият, шароит ва маданий муҳитда тилдан оқилона, самарали фойдаланиш компетенциясини ривожлантириш масаласи билан шуғулланиши зарурлиги белгилаб берилди [3;46].

Маълумки, тилшунослик асосларини ўқитишни компетенциявий жиҳатдан қайта қуриш, аввало, таълим мазмунини такомиллаштириш, уни давр талаблари даражасига кўтаришдан бошланади. Тилшунослик асосларининг мазмуни гарчанд дастур ва дарслик, қўлланмаларда ўз аксини топган бўлсада, аммо уни танлаш ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Биз бу борада тилшунослик асослари фани мазмунини такомиллаштириш ва уни ўқув-билув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий далилга айлантиришнинг айрим зарур чоралари ҳақида фикр юритамиз.

Тил материалларини такомиллаштириш орқали ўқув-билув фаолиятни фаоллаштириш зарур. Тил материали ўқув материали тушунчасининг маънодоши. Бу икки тушунча педагогик, психологик ва методик адабиётларда турли хил талқин этилади. Тилшунос олимлар И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин, Л. Н. Тарановлар ўқув материалига “*Ўқув материали бу ўрганиш учун танланган ва уни ўзлаштириш учун методик жиҳатдан ишланган бой социал тажрибанинг бош қисмидир*” деб таъриф берган бўлса, Л. Б. Занков эса ўқув материали тушунчасига уни ўрганиш методикасини ҳам киритади. Ўқув материали дарслик материалига нисбатан кенг тушунча [5;32].

Ўқув материали бу дарсда ўрганилиши кўзда тутилган ўзлаштирилишга мувофиқлаштирилган билим, кўникма ва малакалар системаси бўлиб саналади. Дарсларда фаолиятни фаоллаштириш кўп жиҳатдан тил материалини танлаш ва ундан фойдаланишга боғлиқ. Ҳозирги даврда таълимнинг мазмуни олдига қўйилган талаблар тобора ошиб бораётган бир шароитда тил материалларини такомиллаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш фақат дарслик материали билан чекланиб қолмай, балки барча имкониятларни тўла ишга солиш, уни талабанинг фаоллигини кўзғатувчи муҳим факторга айлантириш энг асосий вазифа бўлиб саналади.

3-шубҳа

Ўқув материалларини ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини фаоллаштирувчи муҳим воситага айлантириш учун бир қатор объектив ва субъектив факторларга амал қилишга тўғри келади. Объектив факторлар жумласига тил материалларининг характери, унинг ҳажми ва мураккаблик даражаси кирса, субъектив факторларга эса ўқувчиларнинг реал ўқув имконияти, уларнинг тил материалларига қизиқиш даражаси, мустақил ишлаш имкониятлари кабиларни киритиш мумкин. Тил материалларини такомиллаштиришда унинг амалий йўналишини кучайтириш лозим.

Тил материалларининг амалий йўналишини кучайтириш, аввало, уларни академизм ва ортиқча грамматизмдан ҳоли қилишни тақозо қилади.

Маълумки, бугунги кунда ўрта ва олий мактаб грамматикалари ўртасида кескин фарқни учратмаймиз. Академик грамматика билан мактаб грамматикасининг бир-бирига тўла мувофиқ келиши академизмни юзага келтириб, тил материалларининг ортиқча грамматикалаштирилишига сабаб бўлмоқда. Талабалар асосан грамматик тушунчалар ўзбек тилининг қонун қоидаларини ўрганиш, филологик характердаги топшириқларни бажариш билан банд бўлиб қолиб, ўзбек тили ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири – мақсадга мувофиқ нутқ танлаш ва нутқ ўстириш масалалари диққат эътибордан четда қолмоқда. Тил ўқитишнинг амалий йўналишини ошириш ҳар бир машғулотнинг ўқувчиларда орфоэпик, орфографик, пунктуацион, стилистик малакаларни шакллантириш, уларда юксак нутқ маданиятини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Чунки унинг ижтимоий ҳаётдан мустаҳкам ўрин олишида грамматик қоидаларни ёддан айтиб бериш эмас, балки тўғри ёзиш ва тўғри ўқиш малакалари, мазмунли ва чиройли сўзлаш санъати, иш қоғозлари билан муомала қила олиш уқуви, мақсадга мувофиқ нутқ танлаш маҳорати кўл келади.

Тил материалларининг амалий йўналишини кучайтириш, учун куйидагиларни тавсия қиламиз:

Тил материалларини компетенцияларни шакллантириш мақсад ва вазифаларига мувофиқлаштириш. Бунда асосий мақсад тилнинг қонун қоидалари билан қуроллантиришми ёки ўзбек адабий тилини мукамал ўргатишми?

Жумладан, талаба орфографик қоидаларни билгани ҳолда кўпгина сўзларнинг имлосида хато қиладилар, тилнинг қонун қоидаларини билсаларда, аммо оғзаки ва ёзма нутқда ундан бемалол фойдалана олмайдилар. Ўзбек адабий тилининг қонун-қоидаларини билиш билан ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда бемалол фойдаланиш бир нарса эмас. Модомоки шундай экан, тил машғулотларининг асосий мақсади талабага ўзбек адабий тилининг ўзини ўргатишдир. Аммо тилнинг ўзини унинг грамматик қонун қоидаларисиз ўргатиб бўлмайди. Қонун-қоидалар оғзаки ва ёзма нутқни тартибга солади, тил ҳодисаларини умумлаштириш, уларни таққослаш ва хулоса чиқаришга ёрдам беради. Тилни ўргатиш жараёни тил ҳақида маълумот бериш билан чамбарчас боғлиқликда амалга оширилади. Шунинг учун амалий от тилнинг назарий маълумотлари соясида қолиб кетмасдан, балки у етакчи

3-шубҳа

ўринни эгалламоғи лозим. Жумладан, орфографик қоидаларни нутқий лаёқатни шакллантиришга яъни жумладан, сўзларнинг имлоси ва ундан бемалол фойдалана олишга йўналтириш лозим.

Тилшунослик материалларини йириклаштириш. Яъни амалдаги ўқув дастурининг талабига кўра ўқувчилар қарийб, ҳар бир соатлик дарс машғулотида янги бир мавзунинг ўрганишларига тўғри келади. Бу ҳолнинг асосий сабаби тил материалларининг ҳаддан ташқари майдалаштирилганлигидир. Тил материалларини йириклаштириш уни такомиллаштиришнинг асосий чораларидан бири саналади. Ўқув материалларини йириклаштиришни украин тили ўқитиш методикасининг вакиллари билан бири А. М. Беляев яхши натижага олиб келади деган фикрни илгари сурган. Дидактик адабиётларда бу масалада айрим қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Т.И. Шамова ўқув материалларини шундай структура асосида куришни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди. Айни вақтда бу ғоядан тамомила воз кечиш ҳам мумкин эмас. Тилдан шундай материаллар борки, уларни йириклаштиришнинг реал имкониятлари мавжуд. Жумладан, бир парадигматик ҳодисани ташкил қилган тил ҳодисаларини йириклаштириш [6;56].

Маълумки, тил ҳодисаларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғланган бўлиб, ягона бир системани ташкил қилади. Аммо шундай тил ҳодисалари борки, уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш яхши натижа бермайди. Бир парадигмани ташкил қилган бу тил ҳодисаларини фақат бирга олиб қарагандагина уларни тушуниш осонлашади. Масалан, эгалик ва келишик қўшимчаларининг ҳаммаси бир парадигмани ташкил қилади.

Бир парадигмани ташкил қилган тил материалларини йириклаштириш уларни таққослаш орқали ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш имкониятини беради. Бу эса ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш учун ниҳоятда муҳимдир.

Бир-биридан кескин фарқ қиладиган контрастли мавзулар ҳисобидан йириклаштириш. Жумладан, тилшуносликнинг синтаксис бўлимида “Сифатловчи аниқловчи ва қаратқич аниқловчи”, “Уюшган ва уюлмаган аниқловчилар”, Шахси маълум ва шахси топилмас гап” (умумтаълим мактабининг 8-синф ўқув дастуридан). Бу мавзуларни йириклаштирилган блокларда ўрганиш, биринчидан ўқув материалларини ҳаддан ташқари майдалаштириш ва уни ўрганишга узоқ вақт сарфлашдан сақласа, иккинчидан, она тили ўқитишнинг амалий йўналишини кучайтириш, нутқ ўстириш имкониятларини тўлароқ ишга солишга ёрдам беради [7:379]. Демак тил материалларини йириклаштириш уни такомиллаштиришнинг муҳим бир воситаси бўлиб, у ўқувчиларнинг назарий қоидалар билан ортиқча банд бўлишларига барҳам беради. Кузатиш, таққослаш, қарама-қарши кўйиш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш каби ақлий фаолият усулларини тўла ишга солиш имконини беради. Бу ҳам талаба фаолиятини фаоллаштиришга самарали таъсир кўрсатади. Амалий тилшунослик курсидан ортиқча такрорланишларга барҳам бериш бошланғич босқичда ўрганилган материалларни систематик курсдан такрор ўрганмай, балки уларни хотирада

3-шубба

фаоллаштириш ва иқтисод қилинган вақтни амалий кўникмалар ҳосил қилиш, нутқий лаёқатни ўстиришга қаратиш фойдалидир. Мустақил фикрлаш ва ижодийликни талаб қиладиган ўқув-топшириқлардан унумли фойдаланиш. Тил материаллари ўқувчини мустақил фикрлаш ва ижодий фаолият кўрсатишга ундасагина, у фаолликни кўзгатувчи муҳим факторга айланади. Бунинг учун машғулотларда ностандарт типдаги топшириқлардан унумли фойдаланишга тўғри келади.

Тил билимларининг амалий йўналишини кучайтириш учун фанлараро интеграция, ўқув қўлланма ва луғатлардан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Тил материалларини такомиллаштиришнинг бир муҳим имконияти шуки, унинг тарбиявий йўналишини кучайтириш. Назарий материалларнинг тарбиявий йўналишини кучайтириш ҳалигача қийинчилик туғдиради. Кўп ҳолларда тил материалининг асосан грамматик томонларига эътибор кучайтирилиб, унинг тарбиявий томонлари эътибордан четда қолмоқда. Бу ҳол шубҳасиз материалнинг анча зерикарли бўлишига, уни ўрганиш жараёнида ўқувчининг пассив ҳолатда бўлишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай ҳолнинг олдини олиш чораларидан бири тил материалининг тарбиявий йўналишини кучайтиришдир. Тарбиявий материал назарий материални тўлдиради. Уни тушуниш ва ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Масалан, “Отларда кўплик қўшимчаси” мавзусига оид материални – лар қўшимчасининг ҳурмат маносида қўлланиши, нутқнинг қайси ҳолатида кўпроқ бу қўшимчага мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисидаги малумотлар билан тулдириш бу материалнинг қизиқарлилигини оширади. “Олмош сўз туркуми” мавзусига оид материаллар ушбу сўз туркумининг маъно турларини, балки уларнинг нутқдаги рўли ва маъно нозиклигини ҳам қамраб олиши мақсадга мувофиқдир. “Уюшиқ бўлакли гаплар” мавзуси билан боғлиқ ҳолда бу бўлақларнинг фикрни ифодалашдаги рўли, сўзловчи нутқининг тасирчанлигини оширишдаги аҳамиятини ҳам кўрсатиш, шубҳасиз, ўқувчининг ўқув – билув фаолиятини фаоллаштиришга самарали таъсир кўрсатади.

Тил материалининг фақат мазмунини такомиллаштириш билан кўзланган мақсадга тўла эришиб бўлмайди. Мазмун билан бирга унинг шаклини ҳам такомиллаштиришга тўғри келади. Чунки мазмунга мувофиқ келадиган шакл ўқувчи фаоллигини оширади. Малумки, ҳозирги кунда таълим жараёнида ўқув материални баён қилишнинг кенг тарқалган шакли индуктив ва дедуктив усулдир. Биз ўрганаётган муаммо нуқтаи назари билан ёндашадиган бўлсак бу усулнинг биринчидан, тил ҳодисаларини кузатиш, таққослаш, умумий қоида ва таърифларга келиш жараёни ўқувчини фаолиятга ундовчи жараён. Иккинчидан, индуктив усулда, тузилган тил материалларини ўқувчи мустақил равишда ўз ақлий фаолиятдан ўтказишга тўғри келади. Дедуктив усул тил материални ниҳоятда ихчам шаклда баён қилиш имкониятини яратсада, аммо ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришни анча қийинлаштиради. Чунки умумий қоида, ҳулоса ва таърифлардан амалий ишга ўтиш жараёнида ўқувчини фикрлаш фаолияти чегараланади.

3-шубба

Тил материални баён қилишнинг энг оптимал усули кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, умумлаштириш, системага солиш каби ақлий фаолият усуллари талаб қиладиган топшириқлардан умумий хулоса ва таърифларга келишдир. Бу усул тил материални муаммоли йўл билан баён қилиш усули бўлиб, унинг турли кўринишлари мавжуд:

а) кузатиш, таққослаш, умумлаштириш, системага солишдан назарий хулосага келиш;

б) назарияга оид маълумот амалий характердаги ўқув муаммоси таркибида ҳам берилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. –Т.: 2010.
2. Асадов Ю., Турдиев Н., Акбарова С., Темиров Д., Бабаджанов С. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тили назарий грамматикаси. –Т.: 1995.
3. Турдиев Н., Асадов Ю., Акбарова С., Темиров Д. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари (1-қисм) . –Т.: Ўқитувчи, 2015.
4. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари. –Т.: Ўқитувчи, 2016.
5. Ғуломов А. Она тили ўқитиш жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. –Т.: Фан, 1989.
6. Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълимининг мазмуни. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
7. Ғуломов А., Қодиров. М. Она тили ўқитиш методикаси. –Т.: Фан ва технология, 2012.

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ЎРГАТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ - ЗАМОН
ТАЛАБИ**

Анвар Арслонович Аҳмедов,
майор,

*ЎзР ички ишлар Вазирлиги Академияси
Тилларни ўрганиш кафедраси ўқитувчиси*

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техника ва технологиянинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча хорижий тилларни мукамал эгаллашни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига хорижий тилларни ўргатиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

3-шубҳа

Маълумки, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган фаолиятга давлат сиёсати даражасида қаралиб кенг қамровли ишлар ва ислоҳотлар юритиб келинмоқда.

Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек: *“Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорлик ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишининг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”* [1; 8].

Таълим тизимининг барча босқичларида хорижий тилларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги услубиятини яратиш давр талабидир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, турли соҳаларда халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг барча жабҳаларида янгиликка интилиш, инновацион техноологиялар ва усуллардан фойдаланиш замон талабига айланди. Бу албатта ўз навбатида иш унумдорлигининг ошиши ва ижобий натижаларга эришишни таъминламоқда. Бугунги кунга келиб, хорижий тилларни ўқитишда янги инновацион педтехнологиялардан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида жаҳондаги мамлакатлар билан бўладиган сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун мамлакатимизда юксак салоҳиятга эга бўлган билимли, ишбилармон ёшларга талаб орта бошляпти.

Бундай ёшларимиз давр талабига биноан хорижий тилларни, айниқса инглиз тилини билишлари жуда муҳимдир [1; 42].

Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, академик лицей, янги ташкил этилаётган техникум, кечки мактаб, сиртқи таълим ва олий таълим муассасаларида хорижий тилларни касбга йўналтирилган ҳолда ўргатиш масаласи илгари сурилмоқда. Умумтаълим мактабларида хорижий тиллар умумий тарзда ўргатилса, юриспруденция, қишлоқ хўжалиги каби ихтисослашган коллеж ва бошқа олий таълим муассасаларида ушбу фан йўналишга доир мавзулар асосида ўргатилади. Мақсад эса ҳар бир талаба ўз касбига тегишли хорижий тиллардаги адабиётларни, интернет маълумотларни ўқиб тушуниши, мулоқот қила олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, хорижлик мутахассислар билан музокаралар юрита олишга қаратилган.

Таълимнинг барча соҳаларида хорижий тилларни ўқитишда янги педагогик технологияларни кенг қўллаган ҳолда машғулотларни ташкил этиш энг долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди. Чунки ниҳоятда кенг ахборотлар, инновацион жараёнлар даврининг авлоди бўлмиш бугунги кун

3-шубҳа

ёшларига таълим-тарбия бериш, анаънавий ёндашувни ўзгартириш масаласи кун тартибидан ўрин олганлиги барчамизга аёнлиги яққол кўриниб турибди.

Тилларни даражаларга бўлиб ўрганиш анча даврдан буён мавжуд. Биринчи “Хорижий тилларни билишнинг умумевропа компетенциясининг ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш (CEFR) тизими”га асосланиб ўқувчи ва талабаларнинг билимини баҳолашда миллий хусусиятлардан келиб чиқиб белгилаш кўзда тутилган. Ушбу тизим ўқувчининг хорижий тилни қай даражада эгаллаганлигини аниқлаб беради [2; 18]. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда хорижий тилни билиш компетенцияси уч даражали классик тизимга асосланган. Бу тизим Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг барчасида жорий этилган. Мазкур тизим уч даражали классик тизимга А, В, С (таянч, ўрта ва юқори даража) асосланган бўлиб, ўз навбатида ҳар бир даража икки поғонадан иборатдир.

- **A** – Элементар тил билиш, оддий сўзлашиш.
- **A1** – Бошланғич даража.
- **A2** – Бошланғич сўзлашув олди даражаси.
- **B** – Мустақил сўзлаша билиш даражаси.
- **B1** – Мустақил сўзлашиш даражаси.
- **B2** – Ривожланган сўзлашиш даражаси.
- **C** – Профессional билиш даражаси.
- **C1** – Профессional сўзлашиш даражаси.
- **C2** – Юқори сўзлашув даражаси.

A1 – Ўзим ва дўстларим ҳақида таниш бўлган сўз ва иборалардан фойдаланиб гапира оламан, савол бера оламан, туғилган жойим ҳақида маълумот бера оламан. Оддий суҳбатларда қатнаша оламан, агарда суҳбатдошим секин-аста гапирса ва менга бунда ёрдам бера олса.

• **A2** – Тез-тез учрайдиган ҳаётий гапларни тушунаман, ўзим ва оила аъзоларим ҳақидаги асосий маълумотларни, харид ёки ишга жойлашиш ҳақидаги маълумотлар тўғрисида гапира оламан.

• **B1** – Бадиий адабиётда ҳар-хил мавзуларга оид аниқ фикрларни тушинаман (ишда ёки ўқиш жараёнида), хорижий давлатларда юзага келган ҳар-хил ҳолатлар бўйича гаплаша оламан. Ўзимни қизиқтирган мавзуларда ҳикоялар, маълумотлар ёзишим мумкин. Ўзимнинг таассуротларимни, умидларимни, интилишларимни ифодалай оламан.

• **B2** – Қийин тузилган мавҳум ва аниқ мавзуларга оид матнларни тушуна оламан. Тез ва равон гаплаша оламан. Ҳар-хил соҳаларга оид ўз қарашларимни баён эта оламан.

• **C1** – Ҳар-хил соҳага оид бўлган катта матнларни тушуна оламан, яширинган ғояларни илғай оламан. Тез ва жуда равон гаплаша оламан, фикрларимни ифодалашда ҳеч қандай қийинчиликларга учрамайман. Илмий профессионал соҳада ўз фикрларимни баён эта оламан. Қийин мавзуларга оид аниқ маълумотларни туза оламан. Матнларни ҳар-хил боғловчи воситалар билан туза оламан.

3-шуба

• **C2** – Ҳамма турдаги оғзаки ва ёзма маълумотларни тушунаман ва шуларга оид матнлар туза оламан. Тез ва юқори темп ва юқори аниқлик даражада ҳар-хил қийин ҳолатларда ҳам ўз фикримни ифодалаб бера оламан.

Ушбу тизимга кўра, Халқ таълими тизимида 1-5 синфлар A1, яъни хорижий тилни ўзлаштириш бўйича тил ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг илк шаклланиш даражасини, 6-9 синфлар эса A2, яъни хорижий тилни ўзлаштириш бўйича тил ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакалар шаклланишининг бошланғич даражасини эгаллашлари лозим. Ўрта махсус таълим тизимида бу даража B1, яъни тилни ўзлаштиришнинг қўйи-ўрта даражаси, бакалавр йўналишида эса B2, яъни тилни ўзлаштиришнинг ўрта босқич даражасини эгаллашлари лозим. Хорижий тилларни билишнинг кейинги даражаси C1, яъни тилни касбий эгаллаш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич олий таълим тизимининг магистратура йўналиши талаблари ва катта илмий ходимлар-изланувчилар учун жорий этилади. C2 эса, тилни мукамал эгаллаш даражасидир. Ушбу меъзон тил ўрганувчиларнинг (инглизча *competence forms*), яъни ўзини ўзи баҳолай олиш шакллари тасдиқ этиши билан ҳам афзалдир [2; 86]. Масалан, муайян бир хорижий тилни ўрганаётганлар ҳар бир дарсликда бир хил тарзда мавжуд бўлган боб ёки қисмни ўрганиб бўлгач, боб якунидаги ўз-ўзини баҳолаш қисмида, шу бобни қанчалик яхши ўрганганлигини текшириб олиши мумкин. Хорижий тил ўқитувчилари ҳам шу шакл орқали ўрганувчиларни назорат қилиш ва баҳолай олиш имкониятига осон эга бўлади.

Хорижий тиллар хоналари замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш изчиллик билан давом этмоқда.

Ўқитувчи ва талабалардан эмас, балки фақат тенг кадр-қимматга эга бўлган суҳбатдошлардан иборат услубнинг фойдаси нимада?

Биринчидан, у жуда ҳам қисқа вақт ичида ақлий ҳужум услубидан ёки илмоқли саволлардан фойдаланиб муҳокама қилинаётган масалага нисбатан аудиториянинг (*талаба, тингловчи ва курсантларнинг*) тажрибасини аниқлайди. Бошқача сўз билан айтганда, муҳокамани бошлашдан олдин аудитория муҳокама қилинаётган масала тўғрисида аллақачон нимани билишини аниқлашдир. Кўп ҳолларда ақлий ҳужум услуби билдирилган бир неча фикрлар юзасидан мунозара қилиш учун сабаб-баҳонани келтириб чиқаради.

Иккинчидан, у талаба, тингловчи ва курсантларга пайдо бўлган муаммоларнинг сабабларини излаш, муҳокама ва мунозаралар орқали уни оқилона ечиш йўллари аниқлаш учун имконият яратади.

Ўқув услублар анаънавий ва фаол услубларга бўлинади. Анаънавий услубларга маъруза, машғулотлар ва ўқув видеофильмлар қиради. Билим бериш ва уни мустаҳкамлашда мазкур услублар устунликка эга. Бугунги кунда ҳам анаънавий услубларнинг устунликка эга бўлишига қарамасдан, улар бир қатор камчилликларга эга: билимнинг турли даражадалиги ҳисобга олинмайди, унда

3-шубҳа

материални ўзлаштирилганлик даражасини намойиш қиладиган акс-садо боғланиш мавжуд эмас.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, хорижий тилларни билиш, у инглиз тили бўладими, немис, француз, испан тилими, аввало, шуниси билан муҳимки, ўқувчи ўша мамлакат ўтмиши ва бугуни, маданияти ҳамда адабий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Демак, ўсиб келаётган ёш авлод тафаккурида улкан ўзгаришлар юзага келади ва илму маърифатни идрок эта бошлайди. Ўз Ватанининг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг, таълим-тарбияга қаратилаётгани юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2012 йилдаги қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори
2. Тил воситалари ёрдамида касбий маҳоратни шакллантириш – комплекс сифатларини ривожлантирувчи омил. (Республика семинар кенгаш материаллари), –Т.: 2018

ЮРИДИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ И ИХ ОТРАЖЕНИЕ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Фарход Давлатбекович Мирзаев,
преподаватель кафедры изучения языков Академии МВД РУз

В современных энциклопедических источниках термины (от лат. *Terminus* – граница, предел, конец) трактуются как *«слова или словосочетания (сложные, или дескриптивные), значения которых определяются в контексте соответствующей научной теории (дисциплины) или вообще в какой-либо отрасли знания. В этом отношении часто возникающая проблема уточнения термина предполагает их определение, устранение омонимов и обязательное фиксирование универсума рассуждения»* [1; 44]. Дисциплина, которая изучает термины, называется терминологией. В лингвистической литературе справедливо отмечается, что *«термины обладают консервативностью парадигматических отношений, т. е. занимают в семантической парадигме строго определенное место, будучи при этом не ограниченными в своих синтагматических связях»* [2; 26].

В данной статье на материале сегодняшнего немецкого языка рассматривается аппарат юриспруденции и анализируется система юридических терминов в плане их использования в юридических текстах. Юридические тексты (законы, постановления, указы) реализуют частные или общие интересы

3-шубҳа

с помощью языка права, являющегося главной составляющей юридического дискурса.

Можно отметить, что *«чем богаче терминологический фонд, подробнее обработана и шире используется специальная законодательная терминология, тем в большей мере достигаются устойчивость, определенность и лаконичность закона»* [2; 62–63]. Юридическая терминология является средством выражения нормативного содержания права. В качестве иллюстрации можно привести следующие термины: *das Zivilrecht* (гражданское право); *das Strafrecht* (уголовное право); *das Strafgeltendesrecht* (действующее уголовное право); *das Strafmaterialesrecht* (материальное уголовное право); *Verfassungsrecht* (конституционное право); *das Strafformallesrecht* (формальное уголовное право); *das Straferterlokalesrecht* (уголовно-правовые нормы); *das Straflebendigesrecht* (современное уголовное право); (наднациональное уголовное право); *das Strafprozeßrecht* (уголовно-процессуальное право); *das Wirtschaftsrecht* (хозяйственное право); *das Mietrecht* (жилищное право); *das Steuerrecht* (налоговое право) [3; 51].

Термины относятся к числу категорий лингвистики, но они дают наименование соответствующим понятиям, являющимся категорией логики. Между понятием и термином, как правило, возможно наличие промежуточное звено, а именно: определения (дефиниции) понятия. Таким образом, термины не определяются, они разъясняются, а определяются понятия. Безусловно, проблема правовых дефиниций является довольно сложной. И. Б. Голуб отмечает, что *«термины представляют собой емкую и в то же время сжатую характеристику предмета или явления»* [5; 63]. Поэтому нужно всегда стремиться к тому, чтобы текст нормативного правового акта был кратким, но в разумных пределах. *«Оптимальная форма правового акта, – пишет по этому поводу В. С. Нерсисянц, – это возможный минимум его текста при возможном максимуме его нормативного содержания»* [6; 427].

В идеале юридические тексты должны находиться в строгом соответствии с современными общеязыковыми правилами, при этом вопросами языка и права занимается раздел науки, называемый в немецкой научной литературе «*Rechtlinguistik*» («правовая лингвистика»). Впервые этот термин употребил Адальберт Подлех в 1976 году. *«Правовой лингвистикой»* он называл *«совокупность всех методов и результатов исследований, которые касаются вопросов связи языка и правовых норм, и отвечают требованиям современной лингвистики»*.

Следует заметить, что используемая в настоящее время юридическая терминология вырабатывалась юридической наукой и практикой на протяжении всей истории юриспруденции. Многие современные юридические термины являются словами интернациональной лексики преимущественно с латинскими корнями, что обусловлено влиянием на мировую юриспруденцию римского права и трудов римских юристов. Требование адекватности отражения понятий заключается в точности их

3-шубҳа

обозначения. У интерпретатора недолжно быть никаких сомнений по поводу того, какое понятие имел в виду автор юридического текста, используя тот или иной термин. Если один и тот же термин используется в качестве названия разных понятий (что, безусловно, не очень желательно), то необходимо разъяснить, какое понятие он обозначает в том или ином случае, поскольку термины являются словами со строго определенным значением. В исследованиях, проводимых в спозиции лингвистики типологии текста, обращается внимание на роль терминов в процессе организации целого текста. В связи с этим, подчеркивается, что «использование терминов позволяет применить при организации социально-регулирующих деловых писем, законодательных положений и объявлений, а также инструкций и реклам тематическую прогрессию сквозной темой, которая позволяет детально охарактеризовать тот или иной объект [6; 12].

Поэтому существует множество точек зрения и критериев рассмотрения вопроса внутренней структуры языка права. Среди особенностей юридического языка, наиболее часто подвергающихся критике со стороны лингвистов, многие исследователи приводят следующие: употребление юридических терминов, совпадающих со словами естественного языка, например, терминологизированных слов *Besitz* (владение, обладание), *Mensch* (человек), *Sache* (вещь), *Dunkelheit* (темнота); употребление неопределённых выражений (*Interesse des öffentlichen Verkehrs* (интересы общества), *die guten Sitten* (моральные нормы), *niedrige Beweggründe* (низменные мотивы). Таким образом, система понятий каждой науки находит свое языковое выражение в терминах. Терминология (как совокупность терминов) составляет автономный сектор любого национального языка, тесно связанный с профессиональной деятельностью. Термины каждой отрасли науки, техники, производства формируют свои системы, определяемые, в первую очередь, понятийными связями профессионального знания при выразить эти связи языковыми средствами. Задача терминов состоит в том, чтобы точно именовать понятия, в том числе и юридические.

Список использованной литературы:

1. Философский словарь / сост. С. Я. Подопригора, А. С. Подопригора. 2-изд. Ростов н/Д, 2013.
2. Алефиренко Н. Ф. Теория языка. Вводный курс. М.: ИЦ Академия, 2010.
3. Мухаев Р. Т. Юридические термины в праве // Адвокатский кабинет. 2001. №4 (6).
4. Немецко-русский юридический словарь / под ред. П. И. Гришаева и М. Беньямина. –М.: РУССО, 2007.
5. Голуб И. Б. Стилистика русского языка. –М.: Айрис-пресс, 2010.
6. Нерсисянц В. С. Общая теория права и государства. –М.: Издательская группа Норма-ИНФРА, 1999.

3-шубба

KETMA-KET TARJIMA JARAYONIDA SEMANTOGRAFIYANING O‘RNI

Hafiza Shukrullayevna Radjabova,
O‘zR ichki ishlar Vazirligi Akademiyasi
Tillarni o‘rgatish kafedrasini o‘qituvchisi

Tarjima yozuvi bilan bog‘liq, dastlabki, nazariy qoidalarini Jenevadagi mashhur tarjimonlar maktabi vakili J.Erberning asarlarida topish mumkin. U ketma-ket tarjima texnikasidagi asosiy omilni qayd qilib borishga chaqiradi, bu esa o‘z-o‘zidan tarjimonning unutishga qarshi kafolati hisoblanadi. Bundan tashqari, J.Eerber ta’kidlaganidek, eslatmalar, qayd qilishlar, ya’ni yozuvlar nuqtasi tarjimonlarning xotirasini hali hanuz rivojlantirishga xizmat qiladi [3; 44].

Sorbonna professori D.Seleskovich tarjima notasini (ya’ni yozuvini) majoziy ma’noda “xotira tugunlari” deb ataydi [5; 16-18]. Boshqa tadqiqotchilar ham mnemonik funksiyasi haqida gapirishadi. Shunday qilib, S. A. Burlyayning fikricha, yozuv “*nafaqat jumlar bilan, balki jumlar guruhlari bilan ham ishlaydi, ko‘pincha nutq segmentlari bir necha daqiqaga cho‘zilgan ketma-ket tarjimonning tezkor xotirasiga tushadigan ortiqcha yukni olib tashlashga yordam beradi*”.

Bizga E. N. Sladkovskaya tomonidan taklif qilingan izchil tarjimaning ta’rifi qiziq tuyuladi. Sladkovskaya, bu yerda tarjima yozuvi tarjima faoliyatining ushbu turini amalga oshirishning sharti sifatida qaraydi: “*Izchil tarjima - bu og‘zaki tarjima faoliyatining bir turi bo‘lib, unda tarjimon maxsus yozuvdan foydalanib idrok etadi va o‘rganadi*” [5; 67-76].

Shunday qilib, turli tadqiqotchilar ta’kidlashlaricha, semantografik (tezkor) yozuvidan foydalanish matndagi ma’lumotlarning miqdori bilan belgilanadi va uning asosiy maqsadi xotiradagi yukni yengillashtirishdir.

Yozuvning birinchi batafsil ta’rifi R.K.Minayar-Beloruheva tomonidan aytilib, unga ko‘ra qog‘ozdagi maxsus belgilar semantik qo‘llab-quvvatlanadigan fikrlar majmuidir [4; 27].

Ushbu ta’rif yozuv mavzusini qat’iy cheklaydi: asl xabarning semantik qo‘llab-quvvatlash nuqtalari; qayd etish maqsadi: bayonnomani takrorlash; ijro etish usuli: qog‘ozga mustahkamlash; shuningdek, yozuv bilan birga keladigan ikkita jarayonni, ya’ni avvalgisi - tanlov, keyingisi – ijro muammosini aniqlashga yordam beradi. Keyinchalik muallif ta’riflash, ajratish va tuzatish jarayonlarini, yozuv tizimini yordamchi xotira vositasi sifatida taqdim etishni, shu qatorda tarjimon tomonidan ketma-ket tarjimada olingan ma’lumotlarni tanlash va qayd etish qoidalarini birlashtiradi.

Yozuv funksiyalarining ta’rifiga D.Seleskovich kengroq kiradi. Uning ta’kidlashicha, “*eslatmalar ikki tomonlama maqsadga ega: ular tahlil paytida bayonotning barcha tafsilotlarini jamlashga yordam beradi va ifoda paytida xotirani qayta faollashtiradi*”. Faraz qilaylik, D.Seleskovich tarjimon yozuvlari haqida nafaqat xotiraning yordamchi vositasi sifatida qaraydi, balki, ehtimol “konsentratsiya” orqali u diqqatni jamlash, idrokni ham tushunadi, bu yozishni yanada murakkab psixologik rang berish jarayoni sifatida ifodalaydi. Buni E. N.

3-шубҳа

Sladkovskayaga nazar tashlagan holda tasdiqlaymiz. Sladkovskaya qayd etganidek, yozuv *“har bir tarjimonga xos bo‘lgan fiksatsiyaning individual usullari bilan bir qatorda, insonni idrok etish va nutqni tahlil qilishning umumiy naqshlarini aks ettiruvchi tizimdir”*.

Shuni ta’kidlash kerakki, tarjima notasi tushunchasida turli mualliflar tomonidan berilgan izohlar bir-biriga juda yaqin. Ularning barchasi tezkor xotirani yuklab olish va u bilan bog‘liq psixologik mexanizmlarni bir joyga jamlash uchun tarjimon tomonidan uzoq vaqt davomida so‘zlash holatida maxsus tashkil etilgan ma’lumotni qayd etishni anglatadi. Shu bilan birga, bir xil hodisani bildiradigan atamalarning aniq xilma-xilligi, bizning fikrimizcha, tushuntirishni talab qiladi, chunki ular har doim ham bir xil tartibdagi toifalarga tegishli emas. Shunday qilib, bizning fikrimizcha, ro‘yxatga olish tizimi yozuvning o‘zi emas, balki *“kursiv”* atamasi ushbu hodisaning texnik tomonini ochib beradi.

Yuqorida aytilganlar bilan bog‘liq holda, biz yangi atamani - tarjima semantografiyasini, uning fikriga ko‘ra, yozib olishning barcha ko‘rib chiqilgan funksiyalari va jihatlarini o‘z ichiga olgan holda joriy etish mumkin deb hisobladik. Ta’kidlash kerakki, u mualliflik huquqi bilan himoyalangan va tarjima faoliyati uchun ilgari ishlatilmagan.

Ilk bor *“semantografiya”* atamasini (yunoncha semanto *“belgi”* va grafo – *“xat”* dan) Charlz Bliss u ixtiro qilgan universal ramzlar tizimiga murojaat qilgan.

Ch.Bliss 1897 yilda Avstriyada 20 tilda so‘zlashiladigan mamlakatda tug‘ilgan. Keyinchalik Shanxayda yashaydi va u yerda xitoy qahramonlari bilan qiziqadi. U turli xil lahjalarda gapiradigan xitoylar bir-birini oson tushunishlaridan hayron bo‘ladi.

Ikkinchi jahon urushidan keyin Ch.Bliss Avstraliyaga ko‘chib o‘tdi va avtomobil zavodida ishladi. Bo‘sh vaqtida u alifbo tartibida bo‘lmagan yangi yozuvlar tizimini ishlab chiqdi, keyinchalik u semantografiya deb nomlandi. Ch.Bliss tizimiga aloqador, ya’ni savdo, sanoat va fan sohalariga oid turli xil tushunchalarni olishga imkon beradigan 100 ta asosiy belgilar kiritgan.

1949-yilda Ch.Bliss ushbu tizim haqida hikoya qiluvchi kitob yozdi, ammo u faqat 1965-yilda nashr etishga muvaffaq bo‘ldi. Unda aytilishicha, *“300 yil oldin buyuk Leybnits bir kuni kimdir universal simvolizmni - barcha tillarda o‘qilishi mumkin bo‘lgan ($1 + 2 = 3$ kabi) oddiy simvollar tizimini ixtiro qilishni orzu qilgan. Ushbu tizim oddiy mantiq va semantikani ham o‘z ichiga oladi ($1 + 2 = 4$ ni hech kim tan ololmasligi singari)”*. Ko‘plab olimlarning e’tirofiga ko‘ra, bu Ch.Blissning qo‘lidan kelgan narsa edi.

Ch.Bliss tomonidan tarjima qilinadigan *«semantografiya»* atamasidan tarjima faoliyatiga nisbatan foydalangan holda, birinchi navbatda, uning ma’nosini aniqlashga jiddiy e’tibor qaratmoqchimiz. Shunday qilib, tarjima semantografiyasi deganda biz ketma-ket tarjima jarayonidagi ma’lumotlarni to‘liq va batafsil tahlil qilishga qo‘l keluvchi yozuv jarayonini tushunamiz.

Bundan tashqari, biz ushbu kontseptsiyani eng muhim zamonaviy tarjima jarayoni deb hisoblaymiz, shuningdek, fiksaj (mahkamlash) usullarini ketma-ket tarjima jarayonida tarjimon tomonidan qo‘llaniladigan umumiy va individual usullar

3-шубба

sifatida belgilaymiz [1; 35]. Ushbu usullar va kirish ma'lumotlarini tez va aniq yozma ravishda yozib olishga yo'naltirilganligi sababli, tezkor yozish va qisqa yozish tushunchalari bilan bog'laymiz. Demak, semantografik yozuv jarayoni tarjimonning kognitiv va individ faoliyati bilan bog'liq [2; 12].

Xullas, ushbu faoliyatning bilvosita mahsuloti matn (yozuv) ko'rinishidagi yozuv bo'lib, jarayon qabul qilinayotgan ma'lumotning batafsil ifodalanishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Bliss C.K. Semantography. – Sydney, 2006.
2. Бурляй С.А. Переводческая запись: Учебное пособие (для студентов IV курса переводческого факультета). – М., 2001.
3. Миньяр-Белоручев Р.К. Пособие по устному переводу (записи в последовательном переводе) для институтов и факультетов иностранных языков. – М., 2009.
4. Сладковская Е.Н. Основные смысловые компоненты высказывания, переводческая трансформация и запись при последовательном переводе // Смысл текста как объект перевода: Сб. науч. тр. МГПИИЯ им М. Горького. – Вып. 278. – М., 2006.
5. Seleskovitch D. Langage, langue et memoire. Etude de la prise de notes en interpretation consecutive. – P.: Minard, 2015.

**“O‘TKAN KUNLAR” VA “KECHA VA KUNDUZ” ROMANLARIDA
BUYRUQ GAPLAR QIYOSIY TAHLILI**

**Firuz Abduxoliqovich Abdusalomov,
O‘zR ichki ishlar Vazirligi Akademiyasi
Tillarni o‘rgatish kafedrasi o‘qituvchisi**

Gaplarning ifoda maqsadiga ko'ra ma'no turlari ifodalanayotgan axborot, so'roq, buyruq kabi umumiy grammatik ma'nolar asosida ajratiladi. Gaplarning bunday ma'no turlarini xitob bilan talaffuz qilish yordamida yana bir ma'no turi – xitob jumla yuzaga keladi. Kishi yoki narsa, ularning turli belgi–xususiyatlari haqida ma'lumot (axborot) beriladigan jumlagi *bayon jumla* deyiladi. Shu o'rinda, tilshunos Sh. Rahmatullayev “*darak gap*” o'rnida “*bayon jumla*” atamasini qo'llaydi, chunki olimning fikricha, *darak* – leksemasi mavhumdir, ya'ni noaniq va noto'liq, uzuq-yuluq xabar ma'nosini anglatadi [3; 387], shuning uchun, fikrning ifoda maqsadi va mohiyatiga ko'ra, uni *bayon jumla* deb nomlashni taklif etgan.

Har qanday nutq yoki matn ham asosan jumlalardan tarkib topadi. Gaplar ifoda maqsadiga ko'ra turlicha bayon etilishini yuqorida aytib o'tdik. Masalan, bayon maqsadi aks etgan quyidagi gapni olaylik: *Qutidor to'sindan muddaoning kim va nima to'g'risida bo'lg'anlig'ini payqab qoldi va o'zida bir turlik o'ngg'aysizlik*

3-шуйба

sezdi. Ziyο aka To‘ybekaning yozgan dasturxonini tuzatib, kulchalarni sindirdi [1; 22].

Tinglovchini biror harakat-holatda bo‘lishga da‘vat qiladigan jumlagā buyruq jumla deyiladi. Buyruq jumlaning kesimi odatda buyruq-istak mayli paradigmasi shaklida bo‘ladi, oddiy da‘vatdan to qat‘iy buyruqqacha darajalanib boradigan ma‘no ifodalanadi. Oddiy **da‘vat** ifodalansa, undov belgisi qo‘yilmaydi; **qat‘iy talab** ifodalansa, undov belgisi qo‘yiladi. *Darvoqi’, qo‘rboshi o‘zining ikki yigiti bilan yetib keldi va otidan qo‘nib jilovini yigitining qo‘lig‘a berar ekan, qorovullarg‘a buyurdi: — Darbozani ochsinlar!* [1; 38].

Buyruq jumla ko‘tariluvchi ohang – buyruq ohangi bilan talaffuz qilinadi, qanday ma‘no ifodalanishiga bog‘liq buyruq ohangi kuchayib boradi.

Buyruq gaplarning kesimi asosan II shaxs shaklida beriladi, ikkinchi shaxs shakli ham o‘z navbatida 2 turda bo‘ladi. Bunday turga bo‘lishdan maqsad esa, nutq jarayonida so‘zlovchining tinglovchiga nisbatan *sensirash (senlash)* va *sizlash* holatiga bog‘liq bo‘ladi. Masalan:

1. Sensirash ma‘nosida kesimi II shaxs shaklida berilgan buyruq gap:

a) *Shu yerga kelganda, ona bechora bir narsa demoqchi bo‘lib edi, Razzoq so‘fi baqirib berdi: – Gapni eshit!* [2; 70].

b) *Darrov haligi osilish uchun yuborilg‘an gunohkorlarning orqasidan ot bilan yugir! Dor ostidan bo‘lsa ham qaytarib kel! Buyrug‘imni qo‘rboshig‘a aytsang unar!.* [1; 55].

2. Sizlash ma‘nosida kesimi II shaxs shaklida berilgan buyruq gap:

a) *Ana, mistovoqda non, likopchada mayiz bor, nondan, mayizdan olib, yo‘lga tushing! Tez bo‘ling, jon xola!* [2; 40].

b) *Shuning uchun darrov so‘zni boshqa tomonga burdi: – Yuring, bo‘lmasa! O‘lmasjonning oyisini yupatib chiqaylik...* [2; 76].

Shuningdek, ta‘kid ma‘nosini ifodalovchi ba‘zi yuklamalar ham buyruq gaplarda qo‘llaniladi. Bunga **“qani”** va **“-da”** ta‘kid yuklamalarini misol keltirishimiz mumkin.

a)–**Qani** ayvong‘a, - deb yo‘l boshladi. Kishi Otabekni o‘tquzg‘ach, tokchadan sopol lagan bilan qovuqni olib chaqmoq surtdi [1; 106].

b) *So‘fi indamasdi; oq do‘ppisini boshidan olib, buklab o‘ynardi... - Qani, bir narsa deng!* [2; 13].

c)–*Ey... singlim, hali sen bilmaysan, - dedi, - u yigitni bir ko‘rgin-da, hu, deb ketabergin... sen tugil, shu yoshim bilan menim ham unga tekkim keldi, - dedi va xaholab yubordi* [1; 16].

d)–*Qon bo‘lgan yuraklarni bir nafasda yozish sizlarning qo‘lingizda, opalar! Biz ham dunyoga kelib bir yayraylik-da!* [2; 21].

Bundan tashqari, ba‘zan buyruq gaplarning kesimi III shaxs shaklida ham ifodalanishi mumkin. Agar kesim III shaxs shaklida qo‘llanilganda, unga **“-sinlar”** affiksini sizlash ma‘nosida ifodalashimiz mumkin. Masalan: – *Turing o‘rningizdan, Miryoqub aka! - dedi u. – Xonimning yonlariga o‘ting. Zerikmasinlar...* [2; 150].

Shuni alohida qayd etish lozimki, buyruq gapning kesimi ba‘zan aniq yaqin o‘tgan zamon shakliga I shaxs ko‘plik tuslovchisi qo‘shilgan fe‘l leksema shakli bilan

3-шубба

ham ifodalanadi: – “*Umidsiz shayton*”, *dedim-ku, uka... Mana, biz ketdik... - dedi va quyuq qorong‘ilikka kirib, yo‘q bo‘ldi* [2; 34].

Sh. Rahmatullayevning ta’kidlashicha, xitob jumla (darak gap), jumlarning boshqa ma’no turlari asosida yuzaga keladi. Asli xitob jumlag aylanishi jihatidan buyruq jumla bayon jumladan va so‘roq jumladan farqlanib turadi. Buyruq jumlan

kuchli ohang bilan talaffuz qilish odatda buyruqni kuchaytiradi, bunda buyruq jumla o‘z mohiyatini saqlaydi, xitob jumlag aylanmaydi [3; 390]. Masalan, “O‘tkan kunlar” romanidan olingan quyidagi gap tilshunos Sh.Rahmatullayevning fikrini tasdiqlaydi: – *Tinch uxlay bering, men ketaman* [1; 198].

Agarda, buyruq gap ko‘chirma gap tarzida qaytarilib, kuchli ohang bilan talaffuz qilinsa, shunda undov gap yuzaga keladi: *Go‘yo buning ila nomuslik bo‘lib ko‘rinmakchisiz shekillik?!* [1; 94].

Ba’zan bosh gapning kesimi buyruq maylining I shaxs affiksi bilan, ergash qismning kesimi esa buyruq maylining III shaxs affiksi bilan shakllanadi: *Yigitlarni ola beraylik, bilmaganiga shahardan odam chaqirib, o‘rgatdirarmiz* [2; 202] kabi.

Ergash qism kesimi kesimlik leksema shakli bilan ifodalanadi, bunda bosh gap kesimi buyruq maylining III shaxs affiksi bilan shakllanadi: *Ilgari milliy hissini o‘stirib, o‘z millatini tanigandan keyin rus maktabiga berish kerakki, hunarga, ixtisosga tegishli ilmlarni o‘qisin* [2; 176], kabi. Ega har ikki qismda ifodalanmaydi; har ikki kesim yoki biri odatda buyruq maylidagi fe’l leksema shakl bilan ifodalanadi: *Qani, Moskvaga boraylik-chi. “Ertaning g‘amini eshak yeydi”. “Ana, Moskva atrofidagi yozloqlar ham bir-bir ketin o‘ta boshladilar”* [2; 180].

Buyruq-istak mayli tuslovchilari paradigmasing III shaxs affiksi bilan shakllangan, ega a’zo tarkibida II shaxs birlik nisbatlovchisi qatnashgan: *quling o‘rgilsin* kabilar misol bo‘la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abdulla Qodiriy. O‘tkan kunlar (roman). –T.: 2007.
2. Abdulhamid Cho‘lpon. Kecha va kunduz (roman). 1-kitob. –T.: Sharq NMKT, 2000.
3. Rahmatullayev Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili (darslik). –T.: Universitet, 2006.

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Фарход Хабибуллаевич Абдуллаев,
ЎЗР ички ишлар Вазирлиги Академияси
Тилларни ўрганиш кафедраси ўқитувчиси

Ўзбек ва инглиз тилидаги юридик термин ва тушунчалар тизимини тадқиқ қилиш анча мураккаб бўлиб, тадқиқотда турли ҳуқуқий тизимлар, ўз навбатида реалаялар билан иш олиб боришни тақозо этади. Маълумки,

3-шуба

Ўзбекистонда кодекслаштирилган ва англо-америка прецедент ҳуқуқи ўртасидаги тафовутлар терминология даражасида ҳам намоён бўлади. Баъзан луғавий мувофиқлик лексик бирлик ҳақида тўлиқ тушунча бермайди. Бунинг сабаби икки тилдаги ўхшаш терминлар ортида турли тушунча ёки тушунча мазмунига яқин турли ҳажмдаги маъно борлиги билан тушунилади.

Термин сўзига келтирилган таърифларнинг аксариятида унинг махсус мутахассисликка оид тушунчани ифода қилувчи лексик бирлик эканлиги таъкидланади. Термин доим тушунча билан боғлиқ бўлади, бироқ тушунча умумий қўлланувчи сўзлар билан ифодаланишини тақозо қилади. Шундай экан, умумий қўлланувчи сўзлар мазмунига кўра маиший тушунча ёки тасаввурларни ифода қилса, терминлар махсус, касбий, илмий ёки техник тушунчаларни ифодалайди.

Термин тушунчаси борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда қуйидаги таърифлар берилган:

- a) термин – дефинитив вазифага эга бўлган, яъни тушунчани ифода қилувчи сўз (С.А. Аскольдов, В.В. Виноградов);
- b) термин – тушунчани номлаш вазифасидаги сўз (Г.О. Винокур, Е.М. Галкина-Федорчук);
- c) термин – махсус тушунчани ифодаловчи сўз (А.А. Санкин, С.М. Бурдин, С.М. Барак, А.А. Реформатский);
- d) термин – махсус тушунчани бегилловчи сўз (Е.И. Амосенкова, Р.Н. Инфантьева, Н.Н. Левинский).

Терминлар жамиятда юзага келадиган муносабатлар, хоҳиш-истак, конституция, амалдаги қонун, ҳуқумат қарори, вазирлик йўриқномаси кабиларда юзага чиқади [1; 162]. О.Г. Румянцев ва В.Н. Додоновлар таъбирига кўра юридик термин давлат-ҳуқуқ тушунчаларининг сўздаги ифодаси бўлиб, унинг ёрдамида давлатнинг меъёрий-ҳуқуқий кўрсатмалари мазмуни ифодаланади ва мустаҳкамланади.

Олимлар тадқиқотларида терминга қатор талаблар қўйилиши таъкидлаганлар. Улар: 1) синонимдан ҳолилик; 2) аниқлик; 3) тизимлилик; 4) тизимда объектга тўғри йўналтирилганлик; 5) янги терминларни ҳосил қилишга қулайлик; 6) тилнинг сўз ҳосил қилиш қонуниятларига мувофиқлик; 7) қисқа бўлишлик; 8) ҳиссий ва экспрессив бўлишдан ҳолилик [2; 141].

Инглиз тилида *жиноят* тушунчасини ифодаловчи *crime* термини мавжуд. Оксфорд луғатида унга қуйидаги таъриф берилган: “an offence for which one may be punished by law”, яъни қонун билан жазоланадиган қилмиш [5; 76] (таржима муаллиф томонидан амалга оширилган). Ҳар икки тилдаги терминлар маъносининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, иккала тилда ҳам *жиноят* тушунчасини ифодаловчи *crime* термини *ноқонуний ижтимоий хавфли қилмиш* ва *жазодан иборат эканлиги* уларнинг семантик жиҳатдан бир хиллигини кўрсатади.

Offence. Ушбу термин *crime* термининг синоними сифатида қўлланилади, аммо унинг тушунчаси анча кенг. *Offence* терминига қуйидаги таъриф келтирилади: “an instance of breaking a rule or law; an illegal act; a crime”

3-шуба

(қоида ёки қонун бузилиш ҳолати; ноқонуний ҳаракат; жиноят) [5; 80]. Яна бир изоҳда “A crime. The modern tendency is to refer to crimes as offences. Offences may be classified as indictable or summary and as arrestable or nonarrestable” [1; 168]. (Ҳозирда *offence* сўзи жиноят маъносини англатади. Жиноят (*offence*) жиноий таъқибга сабаб бўладиган ёки суд қилиш ва ҳибсга олиш ёки олинмаслик сифатида таснифлаш мумкин).

Шундай қилиб *offence* терминини *огир бўлмаган жиноят* ҳамда “*фуқаролик ҳуқуқбузарлиги*” сифатида таърифлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига кўра ҳуқуқбузарлик - шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, *жазо* терминининг семантик компоненти ўзбек ва инглиз тили вариантларида эксплицит тарзда изоҳланмаган.

Misdemeanor – “a minor wrong doing” яъни кам аҳамиятга молик ҳуқуқбузарлик амали [3; 44]. Бирлишган Қиролликда 1967 йил “Жиноят Ҳуқуқи Қонуни (Criminal Law Act) қабул қилингунга қадар инглиз ҳуқуқшунослари ушбу терминни ҳар қандай жиноят учун қўллаганлар. Мазкур қонун фелония ва мисдиминор ўртасидаги фарқловга чек қўйган. Ҳозирги пайтда *misdemeanor* фақат америка ҳуқуқида қўлланилиб, *felony* терминига карама-қарши қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жиноятлар таснифига кўра *misdemeanor* терминига *ижтимоий хавфи катта бўлмаган* ва *унча огир бўлмаган* тушунчалар мувофиқ келади.

Felony - “a serious crime, eg. murder” (одам ўлдириш каби жиддий жиноят тури) [5; 28]. Ушбу *felony* термини семантикасида *жиддий жиноят* семасининг бўлиши жазонинг аниқ турини имплицит тарзда ифодалайди. Шунинг учун инглизча *felony* ҳуқуқий тушунчаси ўзбек ҳуқуқий тушунчасидаги *огир* ва *ўта огир* жиноят тури сифатида ҳисоблаш тўғри бўлади.

Қуйида **қотиллик** лексик-семантик гуруҳи терминларини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси қасдан одам ўлдириш деб номланган [ЎРЖК; 2015, 61]. Ушбу моддада *қасд* сўзининг қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Инглиз юридик терминологиясида *murder* терминига – “an act of killing someone illegally and intentionally” изоҳи берилган [2; 197]. Демак, инглиз термини изоҳида *ноқонуний ўлдириш* тушунчаси мавжуд. Шундай экан, ушбу қилмиш қандайдир ҳолатларда қонуний ҳам бўлиши мумкинми деган, саволни юзага чиқариши табиий. Албатта йўқ. Жавоб англо-саксон ҳуқуқ тизимида асрлар давомида шаклланган тушунчаларнинг жиноят изоҳларига ўтказган таъсири билан асосланади.

Умумий ҳуқуқда *murder* термини билан қиёсланувчи қилмиш дифференциалланмаган. АҚШда одам ўлдириш ҳолати қандай бўлганлигига қараб (*first degree, second degree, third degree*) даражаларга бўлинган [2; 197].

3-шубба

АҚШ қонунчилигида кўрсатилган даражалар Ўзбекистон Республикаси ЖКдагидек батафсил ёритилмаган.

Агар одам ўлдириш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса бу инглизча *manslaughter* – “the crime of killing a person illegally but not intentionally” термини билан ифодаланади (қасд қилмаган ҳолда одам ўлдириш жинояти) [5; 714]. Демак *manslaughter* тушунчасига ўзбек тилида тўғридан-тўғри *эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириши* тушунчаси мувофиқ келади (ЎЗР ЖК 102-м.).

Homicide термин-гипероними ўзининг семантикасида *murder* ва *manslaughter* тушунчаларини қамраб олади. Унинг таркибига *assassination* – “the murder of a well-known person” (машҳур шахсни ўлдириш) термини билан ифодаланувчи тушунча ҳам киради. Қурбон бўлган шахснинг машҳурлиги инобатга олинандиган инглизча *assassination* терминига ўзбек тилида тўлиқ муқобил мавжуд эмас.

Жиноят ҳуқуқида қўлланадиган навбатдаги терминлар гуруҳидан бири *ўзганинг мулкини қўлга киритиши* деб номланади.

Ўғирлик ўзганинг мулкини қўлга киритишда энг кенг тарқалган жиноят тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси ўғирликка ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш таърифи берилган. Ушбу модда матнидаги *талон-тарож қилиши* “ўзлаштириш” маъносини ифодалайди. Ўзбек тилидаги *ўғирлик* терминига инглизча *theft* ёки *larceny* терминлари мувофиқ келади.

Theft – “an act or the crime of stealing” (ўғирлик ҳаракати ёки жинояти) [1; 76].

Larceny – “the crime of stealing something” (бирор нарсани ўғирлаш жинояти).

Умуман олганда *theft* ва *larceny* синонимлар бўлиб, *theft* – англицизм, *larceny* американизмдир. Эътиборли томони шундаки, луғатларда берилган изоҳлар ушбу икки термин ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглиз тилининг англо-америка вариантыда терминлар кўпинча бир-бирига мувофиқ келмайди. Аҳамиятлиси шундаки, инглизча юридик терминлар тушунчасида ўғирлик яширин равишда содир этилиши кўрсатилмаган.

Талон-тарож қилишнинг бошқа усуллари эса *талончилик* ва *ўзлаштириши* ёки *распата* қилишдир. Таърифдан кўринадики, талон-тарож қилинган мулк ўзгага тегишли, аммо у жиноятчи тасарруфида. Инглиз тилида *ўзлаштириши* ёки *распата* қилиш терминларига *embezzlement* – “embezzle v. – to use money placed in one’s care wrongly, esp so as to benefit oneself” термини мувофиқ келади (кимдир ишониб топширган пулини фойда кўриш мақсадида нотўғри ишлатиш). *Misappropriation* термини семантик жиҳатдан *embezzlement* терминига ўхшаш. Аммо *misappropriation* терминидан қилмиш ноқонуний эмас, балки янглиш ҳолда амалга оширилгани тушунилади.

Ўзганинг мулкини қўлга киритишнинг яна бир усули – *фирибгарлик*. Унинг инглизча муқобили *fraud* қуйидагича таърифланади: “the action or an

3-шубба

instance of deceiving smb. in order to make money or obtain goods illegally” яъни алдов йўли билан ўзганинг мол-мулки ёки маблағига ноқонуний эғалик қилиш ҳаракати [5; 469]. *Fraud* термини изоҳидан тушуниладики, фақат пул ишлаб топиш мақсади кўзлангани назарда тутилади.

Энди *талончилик* термини ва унинг инглизча муқобили *robbery* терминини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддасида *талончилик* ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-тарож қилиш, деб таърифланган.

Robbery – “the action or an instance of stealing” яъни, ўғирлик қилиш ҳаракати ёки ҳолати [5; 17].

Босқинчилик элементларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддасига кўра “уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда” каби тегишли қилмишларни ташкил қилади. *Босқинчилик* тушунчаси *burglary* тушунча элементлар қисмини қамраб олади – “the crime of entering a building in order to steal”, яъни ўғирлик қилиш мақсадида бинога кириш жинояти [5; 149]. *Burglary* терминини аниқроқ қилиб *қулфбузарлик ўғирлиги* сифатида таржима қилиш мумкин, бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖКда бундай сўз бирикма ишлатилмаган. Бу ўз навбатида уни термин сифатида эмас, балки профессионализм сифатида ҳисоблаш мумкинлигига асос бўлади.

Юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўзбек ва инглиз тиллари жиноят ҳуқуқи терминлари ҳар иккала давлатда ҳуқуқий тизим ва маданият турлича бўлганлиги сабаб улар айрим ҳолатларда бир-бирига мос келмайди. Ҳатто айрим терминлар луғатларда муқобил сифатида келса ҳам, улар турли тушунчаларни ифодалайди. Терминлар ифодалаётган тушунча анча кенг, ўзида бошқасини қамраб олиши ёки айрим қисмлари кесишиши мумкин. Ушбу омиллар ҳуқуқий таржималарни аниқлик билан амалга оширишда инобатга олиниши зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мартинова Н.А. Выбор способов номинации при именивании реальный правового дискурса. Учение записки Орловского государственного университета. №6 (69), 2015.
2. Пиголкин А.С. Язык закона. – М.: Юридическая литературе, 1990.
3. Кузкин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ. Серия истории, языка И литературы. – 1962. -№ 20. – Выпуск 4.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
5. Daniel Oran. *Oran's Dictionary of the Law*. J.D. West Legal Studies Thomson Learning. 2000. P. 580.

3-шубҳа

**ОБУЧЕНИЕ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ - СОТРУДНИКОВ
ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ДЕЛОВОМУ ПИСЬМУ**

**Дилдора Сабитовна Закирова,
преподаватель кафедры изучения языков Академии МВД РУз**

Узбекистан в настоящее время занимает достойное место в мировом сообществе. В нашу страну каждый день прибывают и отбывают сотни тысяч иностранных граждан и граждане нашей республики. В связи с этим знание иностранных языков, в особенности русского, имеет огромное значение в служебной деятельности сотрудника органов внутренних дел.

Язык и речь занимают особое место в профессиональной деятельности сотрудника органов внутренних дел. Нынешние курсанты – это будущие сотрудники органов внутренних дел. Первоначальные представления о нашей стране, о её жителях складываются именно после общения с сотрудниками органов внутренних дел. От деловых и нравственных качеств, уровня знания языка сотрудника зависит многое. При недостаточном владении русским языком могут возникнуть проблемные ситуации. Сотрудники органов внутренних дел должны уметь чётко формулировать вопросы, конкретно излагать свои замечания. Кроме того, они выступают в различных коммуникативных ролях: составляют законопроекты, рапорты, отчёты, договоры, изучают нормативную документацию, ведут служебную переписку. При нарушении законодательства составляют соответствующие процессуальные документы. По роду своей деятельности сотрудникам органов внутренних приходится работать со служебной документацией. Исходя из этого, при обучении курсантов русскому языку важно формирование у них навыков составления служебных документов, в частности, докладной записки, протоколов, актов, характеристики, рапортов, служебных писем и письменных отчетов. Поэтому подготовка курсантов к будущей служебной деятельности должна быть направлена на овладение деловой речью. И вопрос обучения деловому письму является на сегодняшний день одним из актуальных.

При обучении деловому письму целесообразно использовать ряд упражнений, направленных на развитие деловой речи. Их можно классифицировать следующим образом:

- 1) сопоставительный анализ текстов, составленных на русском, узбекском (или английском) языках;
- 2) стилистико-грамматический анализ готовых образцов;
- 3) упражнения по образцам (составление документов по данному образцу);
- 4) сопоставление текстов делового стиля с текстами других стилей;
- 5) редактирование текстов деловых бумаг.

Цель этих упражнений – развитие у курсантов языкового чутья, навыка употребления служебной лексики, характерной для служебной речи. Служебные документы составляются по общепринятым стандартным формам. Деловой стиль исключает сложные конструкции. Для этого стиля характерны

3-шубҳа

специфические слова, устойчивые словосочетания и обороты. Форма многих документов – общепринятая, стандартная, постоянная. Имеются модели и их речевые варианты, которые значительно облегчают составление деловых бумаг. Стандартность помогает точному изложению деловой информации, облегчает ведение деловой переписки [1; 86]. К тому же речевые модели и устойчивые словосочетания запоминаются быстрее, и задача пишущего заключается лишь в том, чтобы он умело смог выбрать синтаксическую модель делового письма и подходящие для этого речевые варианты. Необходимо отметить, что на практике встречаются тексты, имеющие жесткую формальную регламентацию (справка, акт, протоколы и др.), но есть и такие, которые отличаются более свободной формой (рапорты, объяснительные записки и др.).

Использование письменной формы позволяет дольше обдумывать свою речь, строить её постепенно, исправляя и дополняя, что способствует в конечном итоге выработке и применению более сложных синтаксических конструкций. Такие черты устной речи, как повторы, незаконченные конструкции приводят к стилистическим ошибкам [2; 40].

Использование сотрудниками органов внутренних дел в процессуальных актах языковых средств официально-делового стиля, должны соответствовать требованиям законодательства Республики Узбекистан. Соблюдение общих языковых требований, высокий уровень логической культуры придают письменной речи специалиста органов внутренних дел должный профессионализм [2; 64]. Функции юридических текстов требуют предельной точности, которые достигаются, прежде всего, использованием терминов как широко распространённых, так и узкоспециализированных. Термины чаще всего означают:

а) наименование документов: постановление, приказ, указание;
б) наименование лиц по профессии, состоянию, выполняемой функции: дознаватель, правонарушитель, свидетель;

в) процессуальные действия: личный досмотр, экспертиза, опрос. Тексты служебных документов характеризуются объективностью. Здесь недопустима малейшая возможность выражения субъективного мнения лица, составляющего документ. Объективность проявляется в полном отсутствии эмоционально окрашенной лексики.

Письменная речь должна быть предельно точной. В связи с этим к официально-деловой, процессуальной речи, реализующейся преимущественно в письменной форме, предъявляются повышенные требования: точность изложения, не допускающую возможности различий в толковании и понимании, детальность изложения, строгость выражения мысли, объективность, логичность [3; 49]. Составителю делового письма и служебного документа следует всегда помнить, что понятность и максимальная точность – это основное требование к их оформлению и содержанию. В целом, правильное составление и ведение деловой документации на русском языке является одной из главных задач обучения языку и поэтому важно уделять внимание обучению деловому письму.

3-шубба

Список использованной литературы:

1. Валгина Н.С., Розенталь Д.Э., Фомина М.И. Современный русский язык. – М.: Логос, 2002. .
2. Крючкова Л.С. «Интенсивный курс по развитию навыков устной речи. Русский язык как иностранный». - 3-е изд. – М.: Флинта: Наука, 2005. .
3. Педагогический энциклопедический словарь / гл. ред. Б.М. Бим-Бад. – М.: Большая рос. энцикл., 2012. .
4. Современные образовательные технологии в учебном процессе вуза: методическое пособие / отв. ред. Н.Э. Касаткина. – Кемерово: ГОУ КРИПО, 2008.

**ИДИОМАТИК БИРЛИКЛАРНИ МИЛЛИЙ КОРПУСДА АКС
ЭТТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ**

Гулчехра Холмуродовна Бегматова,
Термиз давлат университети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда тил тадқиқига муносабат коммуникация ва информацион воситалар ҳисобига янада такомиллашиб бормоқда. Бу муносабат айниқса, тилшуносликнинг компьютерлашиши билан боғлиқ соҳаларида яққол кўзга ташланмоқда. Турли давлатлар тилшунослари томонидан тилларнинг таълимий, илмий ва миллий корпуслари тузилди ва тузилмоқда. Айниқса ҳозирги глобаллашув даврида тиллараро интеграциялар, билингвизм, интерференция каби таъсирлар натижасида тилнинг миллий ўзига хослигига путур етиши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу эса ўз навбатида турли тил вакиллари томонидан хосланган идиоматик бирликларнинг йўқолиб кетиши, аралаш ҳолатга ўтишига олиб келади. Тўғри, тиллараро интеграциянинг ижобий хусусиятлари бўлиши мумкин. Аммо бу орқали тилларнинг софлигига, миллий ўзига хослигига путур етказиши ҳам кўриниб турган ҳолатдир. Хусусан, интерференция икки тилни биладиган шахс (билингв)лар нутқида у қўллайдиган тилларнинг ўзаро таъсири кузатилади. Бу ўзаро таъсир нутқда, тилда, шунингдек, ҳар қандай тил ости тизимларида: фонетика, грамматика ва лексикада намоён бўлади.

Тилнинг миллий ўзига хослигини намоён этувчи идиомалар ва идиоматик бирликларнинг тил корпусларида акс эттириш тилшуносликнинг янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Ҳозирги техника ва технология янгиликлари барча соҳалар каби тилшуносликни ҳам ўз таъсирига тортмай иложи йўқ. Бунинг натижасида тезкорлик ва аниқликка асосланган электрон луғатлар, таълим платформалари, тил маълумотларини жамлаган корпуслар юзага келди. Бу жамланмаларнинг ишлаши миллий ўзига хосланган

3-шуба

фразеологизмлар – идиомалардаги миллий ўзига хосликни авлоддан-авлодга бус-бутун етиб боришини ишончли кафолатидир. Изланишларимиз натижасида дунёнинг деярли барча тилларида идиомалар ва идиоматик бирликлари мазкур тиллар изоҳли луғатларида берилганлигини ва уларнинг махсус номланишларини аниқладик. Аммо бу бирликларнинг тил корпусларида берилишида эса бу юқоридаги ҳолатда эмаслиги аниқланди. Бунинг сабаблари эса турлича. Баъзи ҳолатда тиллардаги идиомалар фразеология таркибидан саралаб олинмаганлиги бўлса, бошқасида бу бирликларнинг ўрганилишидаги фразеологиянинг кенг ва тор мазмунда ўрганган тадқиқотчиларнинг турлича қарашларини сабаб сифатида кўрсатишимиз мумкин. Бунинг натижасида луғатлар ва тил корпусларида ҳам шу муносабат сақланиб қолган.

Турли тилларнинг ички хусусиятларига кўра идиомаларнинг таснифи ҳам турлича. Бу уларнинг корпусда акс этишига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, Ф. П. Кауи ва Р. Маккина идиомалар таснифида идиомаларнинг семантик ва синтактик хусусиятларига кўра: 4 гуруҳга бўлган .

- 1) Хусусий идиомалар (to blow the guff);
- 2) Метафорик идиома (to beat one's breast);
- 3) Ярим идиомалар(a blind alley);
- 4) Очик коллокациялар (heavy rain) [1; 5].

Таниқли инглиз лексикологи ва лексикографи Майк МакКарти идиомаларни категориялаштиришда ва тасниф этишда бир қанча терминларни қўллайди. Улар қуйидагилар:

1) *Opaque idioms*-(тушунарсиз, ноаниқ идиома), яъни умумий мазмун компонентлар мазмунидан келиб чиқмайдиган идиомалар (to kick the bucket);

2) *Semi-opaque idioms*-(ярим тушунарсиз, ярим ноаниқ), (to pass the buck и to pass the responsibility);

3) *Transparent idioms*-(шаффоф идиома) тушунишда қийинчилик уйғотмайдиган идиомалар (to see the light) [2; 5] каби.

Н.В.Шенникованинг фикрича, метафорик ва метанимик ўзгарган, маъноси кўчган фразеологизмларда идиомаларнинг категориал белгилари, яъни семантик яхлитлик ва барқарорлик учрайди. Шу ўринда тадқиқотчи метафорик фразеологизмларда идиомаларнинг тўлиқ ва тўлиқсиз, метанимик фразеологизмларда эса тўлиқ идиомалар бўлишини билдирган [3;100]. Ҳар хил турдаги идиомалар нафақат турли семантик бутунликка, балки турли синтактик компонентларга эга бўлиб, турли даражадаги мустақил белги хусусиятига эгаллиги билан ҳам характерлидир. Идиома таркибидаги компонентлар турли лингвистик мавқега(статус) эга [3;120].

Хулоса шуки, тилнинг миллий ўзига хослигини намоён этувчи идиомалар ва идиоматик бирликларнинг тил корпусларида акс этириш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Тил корпуслари миллий ўзига хосланган фразеологизмлар – идиомалардаги миллий ўзига хосликни авлоддан-авлодга бус-бутун етиб боришининг ишончли кафолатидир. Зеро миллий тил- халқ руҳи, унинг мавжудлигининг зарурий шартидир.

3-шубба

Идиома ва идиоматик бирликлар эса ҳар бир тилнинг такрорланмас, миллий хосланган, ўрганилиши ва авлодларга етказилиши керак бўлган бирликларидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Cowie A.P., Mackin R . Oxford Dictionary of Current Idiomatic English. - Vol.2 Phrase, Clause and Sentence Idioms. - Oxford University Press, 1983.
2. McCarthy M. Vocabulary. - Oxford University Press, 1990.
3. Щенникова Н.В. Структура и функции идиом: (На материале субстантивных устойчивых словосочетаний и сложных существительных английского языка). – Пенза: ПГПУ им. В.Г. Белинского, 2011.

**“МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БИРЛИКЛАР” ТИЛШУНОСЛИКНИНГ
ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

Ботир Рахимжонович Тожибоев,
ТДЎТАУ Ўзбек тилишунослиги кафедраси ўқитувчиси

Миллатга хос муҳим белгилардан бири ўз маданияти, уни авлодларга етказувчи тили ва ёзувининг мавжудлигидир. Тил миллат маданиятини акс эттирувчи муҳим воситалардан бири эканлиги маълум. Аммо аслида айнан шу тилнинг ўзи халқ маданиятининг бир кўриниши ҳисобланади. В.А.Маслова қайд этганидек, 1) тил авлодлардан қолган мерос сифатида маданиятнинг таркибий бир қисмидир; 2) тил маданиятни ўзлаштиришда асосий қуролдир; 3) тил барча маданий ҳодисалар ичида энг муҳими, агар биз маданият – фан, дин, адабиёт моҳиятини тушунишни истасак, бу ҳодисаларга тил каби шаклланувчи код сифатида қарашимиз керак, зеро, табиий тил ҳаммасидан яхши ишлаб чиқилган моделига эга [1;131].

Бу ўринда эътироф этиш лозимки, тил нафақат маданиятнинг таркибий қисми, маданият мавжудлигининг шартларидан бири ҳам ҳисобланади. Шу билан бирга, тил ўзи мансуб бўлган мана шу маданиятни акс эттирувчи муҳим воситадир. Тилда миллий маданият тўғридан тўғри акс этмайди, балки унга инсоннинг халқ маданияти ҳақидаги тасаввур ва қарашлари, ҳиссий кечинмалари, билимлари ҳам қўшилади. Бу жиҳатдан, тил бирликлари орқали воқеланган нафақат маданият, балки ташқи олам ҳам ҳеч қачон аниқ нусха бўла олмаслигини эътироф этиш мумкин. Ҳатто рассом ҳам ташқи оламни ўз тасавури ва миллий онги орқали нусхалайди. Расмда, ҳеч бўлмаганда, рассомга хос рангларни идрок этиш усули, даражаси фарқланади. Шу маънода тил нафақат маданиятнинг бир қисми ёки маданият билан алоқадор тузилма сифатида, балки маданиятни инсон тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда акс эттирувчи ҳодиса сифатида ҳам ўрганилиши лозим.

3-шуба

Тилшунослик учун маданиятнинг тилда акс этиши ва бунда инсон омилининг ўрни масаласи муҳимдир.

Тил маданий ҳодиса сифатида эътироф этилса-да, унинг тизимида миллатнинг маданий қадриятларини акс эттирувчи махсус бирликлари алоҳида гуруҳланади. Бундай бирликлар муайян халққа хос этник, ижтимоий-маданий қарашлар, миллий анъаналар, удумлар, одоб-ахлоқ, мулоқот меъёрлари кабиларни англатади. Бу каби экстралингвистик маълумотларни ўзида жамлаган тил бирликлари *миллий-маданий бирликлар* деб аталади. В.В. Воробьев бундай бирликларни *лингвокультурема* термини билан ифода этишни таклиф қилган эди. Унинг фикрича, бу термин тил бирлигининг нафақат лисоний маъносини, балки маданият сегментини ҳам қамраб олади [2;44].

Тилшуносликда миллий-маданий бирликларнинг *лингвоспецифик сўзлар, маданий-специфик сўзлар, маданий-специфик лексика, маданий концепт, маданий скрипт, эквивалентсиз лексика, лакуна, реалия, миллий сўзлар образи, экзотик лексика, миллий маркирланган номинация* ва ҳоказо тарзида номланиши ҳам кузатилади. Ушбу тадқиқотда ўзбек тилшунослигида кенг қўлланиб келинаётган *миллий-маданий бирликлар* терминидан фойдаланишни лозим топдик.

Маълумки, турли миллатларнинг маданияти ҳеч қачон бир-бирига мос келмайди, Шу боис маданий ҳодисаларни ифода этувчи, уни акс эттирувчи тил бирликлари ҳам бир-бирига мувофиқ келмаслиги табиий. Ҳар бир миллатнинг фақат унинг ўзига тегишли бўлган миллий қадриятлари: урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқ меъёрлари, ижод намуналари: кўшиқ-куй, адабий асарлари ва бошқалар мавжуд экан, уларни акс эттирувчи бирликлар ҳам миллийлик белгиси билан ажралиб туради. Миллатга хос маданий қадриятлар тил бирлигида “миллий сўз тасвиридаги маданий из” сифатида намоён бўлади [3;267].

Англашиладики, миллий-маданий бирликлар тилнинг миллий ўзига хослигини намоён қилувчи бирликлардир. В.Н.Телия қайд этганидек, тил ўз маъно ва ассоциациялари билан оламнинг концептуал моделини миллий-маданий ранглар билан безайди, тилдаги миллий-маданий бирликлар эса бу рангни янада тиниқлаштириб, турли тиллар ўртасидаги миллий тафовутларни фарқлашга ёрдам беради.

А. Вежбицкаянинг фикрича, *маданий-специфик сўзлар (культурно-специфичные слова)* миллатнинг ҳаракатлар ва турли нарсалар ҳақидаги муайян усулларга асосланган қарашларига оид ўтмиш тажрибаларини акс эттирадиган тушунчавий қурол ҳисобланади, улар бу усулларни абадийлаштиришга ҳисса қўшади [4.269].

Тилшуносликда миллий-маданий бирликларни ажратишда турли ёндашувлар кўзга ташланади. Рус олими В.Н.Телия тилда маданийлик белгисига эга бирликларнинг 2 типини ажратган: биринчи типдаги бирликларда маданий қимматга эга ахборот маънонинг денотатив аспектини қамраб олади (моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятга оид реалиялар); иккинчи типдаги

3-шуба

бирликлар коннотатив маъносида маданий қимматга эга ахборотни ташувчи бирликлардир [5;235].

Бу ҳақда фикр юритар экан, Д.Рустамов ҳам “сўзнинг маданий хусусиятлари унинг семантик структурасини тўлиғича қамраб олиши ёки унинг бирорта семемасида, ёхуд семеманинг бирор тур, яъни денотатив, коннотатив ёки вазифа семаларидан бирида намоён бўлиши мумкин”лигини баён қилади [6;15].

Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаровлар этномаданий ва миллий-лисоний умумийлик чегарасида шаклланган семантик белгини *миллий-маданий сема* сифатида талқин этишади [7;67].

И.А.Стернин сўзнинг лингвомаданий хусусиятларини унинг фақат семантикаси билан боғлаш, қиёсий ва чоғиштирма аспектдаги тадқиқотларда маънонинг миллийлигидан келтириб чиқариш нотўғри эканини, сўз семантикасида миллийлик ҳар доим ҳам тўлиқ намоён бўлавермаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тил бирликларидаги стилистик ва функционал-структур фарқлар маданият омиллари билан шартли боғланмайди, сўзнинг кўпгина семантик компонентлари ҳар бир халққа хос маданият ҳодисаларини эмас, балки умуминсониятга, моддий ва маънавий маданиятга алоқадор универсал ҳодисаларни акс эттиради [8.9]. Бу ўринда олим ҳақдек кўринади. Дарҳақиқат, у айтганидек, бир маданий қадриятга нисбатан турли тилларда қўлланувчи икки фразеологизм таркиби, танланган сўзлари асосида миллийлик белгисига эга бўлади. Аммо ибораларда умумий маънонинг ҳар бир тилда ўзига хос тарзда кўчма маъно орқали ифодаланишининг ўзиёқ бу типдаги бирликларда ҳам миллий-маданий белгининг семантик ёндашув орқали белгилаш мумкинлигини кўрсатади.

Сўзнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганган олима Е.Н.Маклакова эса тил бирликларида лингвомаданий белгининг қуйидаги ҳолатларда намоён бўлишини аниқлаган:

– халқ тарихий хотирасида сақланиб қолган тарихий ҳодисаларнинг номлари (*мамаево нашествие, мамаево побоище, тяжела ты, шапка Мономаха*);

– маданий реалиялар номлари (*бесструнная балалайка, вольный казак, сибирский валенок*);

– ономастик реалиялар номлари (*не помнящий родства Иван, коломенская верста; Иванов, Петров, Сидоров*);

– миллий прецедент матнлар билан боғлиқ номлар (*человек в футляре, лебедь, рак да щука, Маша-растеряша, кисейная барышня, лишний человек*);

– эквивалентсиз миллий-тарихий реалиялар номлари (*большевик, барин, боярин, интеллигенция, казак, кулак, мужик, меньшевик, стрелец, троцкист, цесаревич, номенклатура, власти, вождь, беспартийный*);

– миллий-материал (маиший) реалиялар номлари (*тугая / толстая мошна, аршин с шапкой, кладезь премудрости*);

3-шубба

– миллий-маданий рамзларни ифодаловчи номлар (*голубой* (гомосексуалисты), *черный цвет* (безобразие, ненависть, печаль, смерть), *черная сотня*, *черная ду-ша*, *чернь*).

Олиманинг фикрича, муайян халқнинг дунёқараши ақс эттирувчи этник, ижтимоий, тарихий ва ҳ.к.ларни ақс эттирувчи санаб ўтилган тил бирликлари муайян тил семантикасининг миллий ўзига хослигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган лингвомаданий парадигмани ташкил этади [11;3-9].

Айрим манбаларда миллий-маданий компонентли бирликларга миллий удум, анъана ва маросим номлари, паремиялар, турғун ўхшатишлар, метафорик бирликлар, рамзлар, фольклор намуналари, прецедент номлар, ижтимоий аҳамиятли айрим бирликлар, диний маданиятга оид бирликлар, машхур номлар, фразеологизмлар киритилади. Хусусан, Д.Худойберганова машхур бадиий асарлар, кинофильмлар, халқ оғзаки ижоди материалларига оид прецедент матнларни маданий белгиларни авлоддан авлодга олиб ўтувчи восита сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, таркибида ўхшатишлар, метафоралар, мақол ва фразеологик бирликлар, нутқий этикет, дуолар бўлган матнлар ўзида миллий-маданий қадриятларни тажассум этган лисоний-маданий ҳодиса ҳисобланади [12;9-10].

Англашиладики, миллий-маданий бирликлар, асосан, муайян халққа хос этник жиҳатлар, унинг миллий-маданий дунёқараши, анъана ва удумлари, тарихий анъаналари билан боғлиқ одоб-ахлоқ, мулоқот меъёрлари, ўзига хос миллий руҳдаги ижод намуналари кабиларни ақс эттирувчи бирликлардир.

Тил бирликларида миллий-маданий белги турлича ақс этади. Айрим бирликлар бевосита миллий хосланганлик белгисини намоён қилса, баъзи бирликларда бу белги билвосита юзага чиқади. Айрим сўзларда маданий сема луғавий маъно билан ёнма-ён яшаса, баъзиларида уларнинг кўчма маъноси орқали юзага чиқади.

Масалан, иборалар воқеликни кўчма маъно орқали ақс эттиргани боис уларда бевосита миллий-маданий белги ақс этади. Ўзбек тилидаги *бешик* лексемаси ўз маъносида ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бирига айланган предметни бевосита ақс эттирганлиги боис миллий-маданий бирлик ҳисобланади. Бундай вазиятда тил бирлигига хос маданийлик белгиси унинг луғавий маъноси орқали англашилади. Бундай бирликлар тарихан шаклланган бўлиб, миллат маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва бошқа тилларда кузатилмайди.

Тилшуносликда бу типдаги бирликлар *эквивалентсиз лексика* ёки *реалиялар* деб юритилади. Ўзбек тилидаги *дўппи*, *атлас (мато)*, *яктак*, *белбоғ*, *карнай-сурнай*, *ноғора* лексемаларида маданий сема уларнинг луғавий маъноси билан бирга гавдаланади. Бундай лексемалар орқали бевосита ўзбек халқи, унинг миллий урф-одатларига ишора қилинади. Маълум халқ ёки миллатнинг улар ўзлари амал қиладиган турли урф-одатларида ўша миллатнинг орзу-умидлари ақс этиши ҳақида Д.Лутфуллаева ва Б.Тажибоевлар ҳам ўз ғояларини илгари суришган.[13.49-59] Худди шундай,

3-шубба

рус тилидаги *самовар*, қозоқ тилидаги *бешбармоқ* лексемаларида ҳам маданий сема бевосита англашилиб туради.

Умуман олганда, юқоридаги фикрлардан қуйидагича ҳуқум чиқариш мумкин: тилда миллий-маданий лексемалар сифатида ажратилувчи бирликларнинг 2 турини фарқлаш мақсадга мувофиқ:

1. Миллий-маданий семага эга бўлган бирликлар.

2. Муайян нутқий қўлланишда миллий-маданий белгига эга бўлувчи бирликлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маслова В.А. Современные направления в лингвистике. –М.: Издательский центр «Академия», 2008.
2. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). –М.: РУДН, 1997..
3. Ощепкова В.В. Учебное пособие по страноведению. –М.: Новая школа, 1995.
4. Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков. –М.: Языки русской культуры, 1999.
5. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. –М.: Языки русской культуры, 1996.
6. Рустамов Д. Лексемалар миллий-маданий хосланган семемасининг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. фан. докт. дисс. автореф. –Фарғона, 2018.
7. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980.
8. Стернин И.А. О понятии лингвокультурной специфики языковых явлений // Язык. Словесность. Культура. – М., – №1. 2011.
9. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. –Т.: Meriyus, 2017.
10. Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Т.: Navoiy universiteti, 2019.
11. Маклакова Е. А. О понятии лингвокультурологической специфики значения слова // Текст. Дискурс. Картина мира. – Воронеж: 2011. Вып. 7.
12. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. –Т.: 2014.
13. Лутфуллаева Д., Тажибаев Б. Association of National and Cultural Units in Uzbek Language. Anglisticum (International journal. Macedonia) Volume 7 Number 6 June 2018.

3-шубҳа

ТАНҚИД ВА БАҲО МОДУС МАНБААСИ СИФАТИДА

Зилола Муратовна Йигиталиева,
Фаргона ДУ Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчи

Нутқий фаолият ҳақида гап борганида икки ва ундан ортиқ инсонлар ўртасида кечадиган алоқа-аралашув жараёни билан боғлиқ ассоциация пайдо бўлади. Нутқий фаолиятнинг муваффақиятли кечишида унда қатнашувчиларнинг ўзининг шахсий фикри ва мулоҳазаларига эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Тилшунос олимлар мулоқот қатнашувчиларини *актантлар* дея номлаб, улар томонидан билдирилган фикр ва қарашларнинг *танқид* ва *баҳо* тушунчалари ёрдамида белгилайдилар.

Танқид ва баҳо бир-бири билан боғлиқ тушунчалар бўлиб, улардан бирининг шаклланиши иккинчисини тақазо этади. Кишиларнинг “бирон ҳодиса ёки воқеага баҳо бериш мақсадида таҳлилий ёндашиши, уни муҳокама қилиши” [2] танқид деб номланади. Танқид сўзи билан бирга фанда ушбу тушунча критика сўзи билан ҳам юритилади. Критика юнон тилидан *kritike* – *парчалаш санъати* [3] деган маънони англатади. Демак, бирон ҳодиса ёки воқеани жамият ва фан томонидан мақулланган нормаларга асосланган ҳолда бафуржа “*парчалаб*” таҳлил қилиш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини белгилаш танқиднинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу танқид қилинаётган соҳанинг камчиликларини юзага чиқаришда ёрдам бериб, унинг тараққий этишига хизмат қилади. Шу билан бирга мавжуд ҳолатга умумий баҳо бериш имкониятини беради.

Баҳо тушунчаси мантиқий-фалсафий атама бўлиб, унга фанда “*ижтимоий ҳодисаларга, инсон фаолиятига, унинг хулқида нисбатан муносабат, уларнинг аҳамияти, муайян қоида ва нормаларга мос келиши ёки келмасилигини аниқлаш, жумладан, маъқуллаш ва муҳокама қилиш, тасдиқлаш ёки танқид қилиш ва ҳ.к*” [3] деб таъриф берилади. Баҳо юзага келиши учун нутқ субъекти ва объектнинг ўзаро муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Нутқ субъектининг объект ҳақидаги фикри ва объектнинг субъектга кўрсатган таъсири остида, субъект ўз фикрини баён қилади. Бунда нутқдаги ижобийлик, бетарафлик ва салбийлик оттенкалари, яъни субъектнинг объектга берган баҳоси ўз ифодасини топади.

Бундан келиб чиқадики, танқид ҳам, баҳо ҳам, нутқ объектига қаратилган бўлиб, танқид масалани таҳлил қилиш ва ўз фикрини асослаш билан характерланса, баҳо гапнинг семантик структурасида шаклланиб, сўзловчининг объектга нисбатан ифодалаган умумий муносабатидир. Шунингдек, баҳо ва танқидда сўзловчининг дунё қараши, билим ва таффақури, унинг интеллектуал ва маънавий етуклик даражаси ўз аксини топади.

Бугунги кунда танқидий ва баҳоловчи қарашлар фаннинг барча соҳаларида қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоий нафақат ўзбек бадиий адабиётида, балки тилшуносликда ҳам илмий ва ижтимоий масалаларга танқидий ёндашишни бошлаб берди. Ўз даврининг етук

3-шубҳа

мутахассиси бўлган А.Навоий илк бор “тафаккур соҳасидаги қотиб қолганликка, догматизмга, “улуғ”ларнинг гапларига шак келтирмаслик каби қарашларга қарама-қарши ўлароқ эркин фикр йўлидан, ҳақиқий ижодкорлик йўлидан борди” [1; 44]. Шоирнинг “Хамса” каби бадиий асарларида ҳамда “Мажолис”, “Муҳокаматул-луғатайин”, “Хазойинул” каби мажлисларида илгари сурган ғояларининг асосини бадиий адабиётнинг “жамиятдаги актив ижтимоий роли масаласи” [1; 78] эгаллаган бўлиб, у бадиий адабиётнинг ёш авлодда халқпарварлик, инсонпарварлик ва адолат каби ҳислатларни тарбиялаш, шунингдек, “санъатда мазмунсизликни эмас, санъатда мазмундорлик” ҳукм суриши зарур эканлигига алоҳида эътибор қаратади. Шоирнинг бундай танқидий қарашлари илм-фанни, ижтимоий ва сиёсий соҳаларни ривож топишига туртки бўлди.

Шундай қилиб, XV асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётшунослиги заминидида шаклланган танқидий ва баҳоловчи ёндашув VI аср мобайнида фан соҳаларининг тараққий этишида муҳим омил саналмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий танқидий қарашлари. –Т.: Фанлар академияси, 1959. – 197 б.
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tanqid-uz/> Комус электрон энциклопедияси.
3. http://endic.ru/enc_big/Ocenka-43431.html Современный толковый словарь.

ТЎРА СУЛАЙМОННИНГ АНТОНИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Хайрулла Ҳамдамович Ибрагимов,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси

Маълумки, биз ўзимизни қуршаб турган оламни сезги аъзоларимизнинг бош миямизга берган ахбороти ёрдамида билиб борамиз. Билиш жараёнида нарса ва ҳодисаларни, ҳаракат-ҳолатларни, белги ва хусусиятларини бири-бирига зидлаш, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Бизнинг бутун билиш фаолиятимиз зидлашларга асосланади. Шунинг учун зидланишларга аждодларимиз Абу Наср Фаробий, Жалолиддин Румий ва бошқа олимлар катта аҳамият берганлар. Хусусан, Румий таъкидлашича, ҳар қандай ашёнинг қиммати зидди билан аён бўлади, зидди бўлмаган нарсани таъриф этиш имкониятдан ташқаридадир. Тангри нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғу этиб яратилган мазкур оламни мавжуд айлади. Одам рўпарасида Иблиснинг, Мусо қаршисида Фиръавннинг, Иброҳим олдида Намруднинг ва

3-шубҳа

Мустафо қаршисида Абу Жаҳлнинг пайдо бўлишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ана шу зидланишлар тилимизда ҳам ўз ифодасини топган. Зид маъноли сўзлар доимо икки қарама-қарши аъзодан иборат бўлади. Бирини айтсак, иккинчиси хаёлимизга келади.

Шоир шеърда айтмоқчи бўлган фикрини уқтириш, таъсирчанликни кучайтириш мақсадида антонимлардан ҳам унумли фойдаланади. Тилимизда деярли барча мустақил сўз туркумларида антонимия ҳодисаси кузатилади.

Р.Шукуровнинг таъкидлашича, сўзларнинг антонимлигини кўрсатувчи белгилардан бири антонимик жуфтлик ҳосил қилувчи компонентлар орасида оралик тушунчаларнинг мавжуд бўлишидир.

Профессор С.Усмонов бундай оралик тушунчаларни фақат тўла антонимларга хос деб атайди. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида бир қатор муаллифлар томонидан антоним сўзлар борасидаги бу фикрлар анча ривожлантирилган. Антонимларнинг мантикий асосини икки тур қарама-қаршилик ташкил этиши кўрсатилган:

а) контрар қарама-қаршилик;

б) комплементар қарама-қаршилик [1.153 б.].

Тўра Сулаймон шеърларида бу икки тур қарама-қаршилик мавжуд бўлиб, улардан мақсадли фойдаланган.

Шоир шеърларида *эрта-кеч*, *кун-тун*, *тун-тонг*, *кеча-кундуз*, *ёз-қиш* антонимлари пайт, вақт ва мавсумни англатади:

Ёруғ кун кўрмадим, дея ўкинма,

Тун кечиб, оппоқ тонг отар аслида (“Тўртликлар”).

Тўй-у базми бизсиз ўтмас, ҳойнаҳой, деб шошиб келдик,

Тунни тонгга улаймиз деб неча қирлар ошиб келдик (“Ҳиммат сиздан, қўшиқ биздан”)

Онаси кеча-кундуз

Оқ ювиб, оқ тарайди.

Боланинг камолини

Бир Оллодан сўрайди (“Харсанг”).

Кимларга кўклам – қиш, кимга қиш-ёздир,

Кимга кўлмак – теран, уммон саёздир...

Дардсиз яшамоқлик – дардманлик асли,

Баҳордай безубор – болалик фасли (“Табиат”).

Булардан *эрта-кеч*, *кун-тун*, *тун-тонг*, *кеча-кундуз* комплементар, *ёз-қиш* контрар қарама-қаршиликка киради.

Контрар қарама-қаршилик – даражаланувчи лексема каторидаги тафовутнинг фарқларга, фарқнинг зиддият, яъни қарама-қаршиликка ўсиб бориши натижасида биринчи аъзо билан охирги аъзонинг антонимлашуви.

[1.153 б.] Масалан, *ёз-қиш*да *қиш* – «йилнинг энг совуқ фасли», *ёз* – «йилнинг

3-шубба

энг иссиқ фасли». Булар орасида баҳор ва куз фасллари борки, совуқ ва иссиқликда нейтраллик касб этади. Баҳор ё куз лексемасида ёз-қиш антонимлиги сўнади.

Комплементар антонимияда қарама-қаршилик учинчи, оралик бўғинсиз бўлади. Юқорида айтган мисолларимиз орасида оралик учинчи лексема йўқ.

Катта-кичик, тўнғич-кенжа, оға-ини, оға-сингил, кекса-ёш, ёш-қари (кексалик-болалик) каби ёш жиҳатдан катта-кичикликка мансубликни билдиради. Масалан:

*Чўпон бўлар навбати билан
Сен кичик, мен катта, демасдан (“Ўйин”).*

*“Устун-устун” ўйини қизиқ,
Шавқат қилмас оғага ини (“Ўйин”).*

Оға-сингил ўрталарида

Ғавго чиқди мерос бўлишида (“Болиш”).

Ёш жиҳатдан катта-кичикликни ифодаловчи антонимлар орасида контрар қарама-қаршилик мавжуд.

Чол-кампир, ота-она, ўғил-қиз қариндошлик белгисининг жинс жиҳатдан зидлигини ифодалайди:

*Қайта-қайта бош эгиб, таъзим қилиб ўтингиз,
Отам ётибди бунда,
Онам ётибди бунда (“Йўқлов”).*

Қиз ўстирди, ўғил ўстирди,

Кўнгиллари ўсмади бироқ...

Ўғил қўлдан олмади шшин,

Қизи кирди “Катта ўқишига” (“Болиш”).

Чол-кампирнинг арзи-ҳолига

Вақти бўлмас қулоқ солишига... (“Болиш”).

Кўнгли ҳали чолининг

Ёшга ўхшар, ёр-ёр, ёшга ўхшар.

Кампири ҳам эгма бир

Қошга ўхшар, қошга ўхшар, ёр-ёр, қошга (“Ёр-ёр”).

Ер-кўк, ер-осмон, наст-баланд томон зидлигини ифода этган.

*Излай-излай ҳориб бўлдим, сенсиз ёлғиз, гариб бўлдим,
Энди босган изларингни тўрт томондин тополмасмен.
Толиқиб ҳам толиб бўлдим, қирққа кирмай қариб бўлдим,
Лайлу наҳор сени излаб ер-осмондин тополмасмен (“Тополмасмен”).*

Насиба-ризқимиз кўкдамас ерда,

Беминнат тўкилган пешона терда... (“Ортиқ”).

3-шубба

*Еру кўкка сизмас бир
Қалъам ётибди бунда (“Йўқлов”).*

*Бири юксак, бири паст,
Бири кўнгилга пайваст (“Қоя”).*

*Бу маскан қопқасиздир, бу кўргон ҳоқонсиздир,
Бориш бору келиш йўқ, бу гўша омонсиздир (“Йўқлов”).*

*Ош кетидан қовурдоқ давом этар тонггача,
Алҳазар, тўй тартиби на эски, на янгича (“Сен сўрама, мен айтмай”).*

*Нодон эр оилада бош эмас, оёқ экан,
Эл-юрт ҳавас қилгулик яшайдан йироқ экан (“Сен сўрама, мен айтмай”).*

Бу ўринда бош-оёқ ўз, яъни тана аъзоси маъносида эмас, кўчма маъно касб этиб келяпти. Маълумки, бош инсоннинг кўп фаолиятини бошқарадиган, мия, онг жойлашган қисми. Унинг ана шу функцияси оиладаги отага нисбат берилади. Ота – оила боши. Шоир шунга ишора қилиб, эр нодон бўлса, у хонадон бебош бўлишини, оёққа, яъни онгсиз қаерга боришни, нима қилишни англолмаган кишига айланишини таъкидлаган.

Шоир оқ-қора сифатини кўчма маънода қўллаб, ёруғ-қора антоними орқали бадийлик яратади.

*– Нечун бешим ёруғ, бешим қора деб,
Бирлар тўкин, бирлар жигарпора деб,
Етолмасдин Ҳаққа ҳақ оввора деб,
Осмон ўртасида тўхтаб қолар Ой (“Осмон ўртасида ўртанадир ой”).*

Ижодкор бу орқали инсон ҳаётида қийинчилик, азоб-машаққатлар билан бирга яхши кунлар ҳам борлигига, “Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу” ҳикматига ишора қилади.

*Тўп ўртада, ўртада шулон,
Сен отда, мен яёв демасдан (“Ўйин”).*

Юқоридаги мисолда қўлланган от ва яёв сўзлари нутқдан ташқарида антонимлик муносабатига кириша олмайди. Чунки зид маъноли сўзларнинг бири эсланганда иккинчиси хаёлга келади. Аммо бу лексемаларда бунақа хусусият мавжуд эмас. От деганда ҳеч қачон яёв тушунчаси қарама-қарши сўз сифатида воқеланмайди. Аммо шеъринг парчада бу сўзлар поэтик мақсад талаби билан антонимлик муносабатига киришган.

*Кўп қоядан бир қоя,
Борлиққа ташлаб соя... (“Қоя”)*

3-шуба

Маълумки, сон сўз туркуми орасида антонимлик муносабати мавжуд эмас. Аммо ушбу мисрада бир сони кўп равиши билан контекстуал антонимлик ҳосил қилган. Бу зидлик “кам-кўп” муносабати асосида ҳосил бўлган.

Фикр ифодалаш жараёнида қўлланиладиган лексик воситалар поэтик идрок этилган фикрнинг реаллашишини таъминлайди. Шу мақсадда ижодкор фикрнинг бутун маъно нозикликлари билан ифодалайдиган сўзни, сўз бирикмаларини танлайди. Сўз нутқда фикрни ифодаловчи материал. Шунинг учун антонимларнинг матнда лексик, стилистик ва грамматик маъно ифодалаш даражаси унинг нутқда қай даражада аҳамиятли эканлигини белгилайди. У эмоцияналликни, образлилик оширилади. Бунинг ёрқин намунасини юқорида келтирилган мисоллар ҳам исботлаб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –Т.: 2010.
2. Сулаймон Т. Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим. –Т.: 2013.
3. Сулаймон Т. Сайхон. –Т.: 2003.

“ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ” АСАРИДАГИ СИНОНИМИЯ ҲОДИСАСИ

**Лутфулла Куролович Синдоров,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ўқитиш методикаси
кафедраси таянч докторанти**

Синонимлар талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланилиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир. Ана шундай умумий маъно билан ўзаро боғланувчи сўзлар гуруҳи синонимик қаторларни ташкил этади. Синонимик қаторлар икки ёки ундан ортиқ лексемалардан иборат бўлиши мумкин [4;3]. Бир сўз билан айтганда, синоним сўзлар аниқ семантик алоқа асосида боғланган луғавий бирликларнинг аниқ тизимидир [2;3].

Тил бирликларининг, жумладан, лексемаларнинг синонимлиги деганда, одатда, уларнинг бир хил ёки бир-бирига яқин маъноли бўлиши назарда тутилади. Лекин бир хил маънога эгалик билан маънога кўра бир-бирига яқинлик ўзаро фарқли ҳодисалардир. Шу боис, айтиб бериш ҳодисага, хусусан, синонимияга нисбатан “бир хил маъноли”, “бир-бирига яқин маъноли” бирикмасини бефарқ қўллаб бўлмайди. Чунки бу ҳодисанинг моҳиятини аниқ белгилаш, тасаввур қилишга халақит беради. Бинобарин, улардан бирини танлаш, ҳодисанинг моҳиятини тўғри ифодалайдиганини белгилаш ва шунисини қўллаш керак бўлади [3;124]. Синонимлар айтиб бериш вақтида айтиб бериш даврида қўлланиладиган бир туркум доирасидаги сўзлардан ташкил

3-шубба

топади. Улар чет тилидан, шевалардан адабий тилга сўз ўзлаштириш ҳисобига бойийди [1;214].

Туркология ва бошқа тилларда синонимларни тадқиқ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, улар “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари сўз бойлигидаги маънодош лексемаларни ўрганишда алоҳида диққатга сазовордир. Ёдномада қайд этилган синонимларнинг аксарияти туркий сўзлар воситасида ҳосил қилинган бўлиб, улар қўлланиш давомида синонимик қаторларни вужудга келтирган. Турли йўллар билан туркий тиллар луғат таркибига кириб келган ўзлашмалар сўзлар эса мазкур синонимик қаторларнинг кенгайишини таъминлаган. Бинобарин, маънодош сўзлар ҳамда икки ва ундан ортиқ лексик бирликларни ташкил этувчи синонимик қаторларни тилнинг бойиш манбалари сифатида эътироф этиш мумкин. Ўрганилаётган манбада қўлланишда бўлган маънодош лексемалар генетик жиҳатдан туркий ва ўзлашма: арабча ва форсий қатламларга бўлинади.

1. **Туркий сўзлар синонимияси.** Эътиборга лойиқ хусусияти шундаки, қиссада истифода этилган лексемалар таркибида битта тушунча икки ва ундан ортиқ туркий сўз ёрдамида ифодаланган. Тадқиқот объекти қилиб олинган асарда синонимия ходисаси қуйидаги сўз туркумлари доирасида кечган:

а) **от:** el – bozun “халқ”; ilig – qol “қўл”; emgāk – qīn “қийинчилик”; köñül – köküz “кўкрак”; ezgūlūk – yiglik “яхшилик”; čīğayliq – yoqluğ “камбағаллик”; izi – uğan “тангри”; izi – bayat “тангри”; qaravaš – qul “қул”; azuq – aš – yegū “овқат”; er – kiši “инсон”; ešlik – dostluq “дўстлик”; artut – bōlāk “совға”; biš – yemiš “мева”; kezim – ton “кийим”; bayliq – māllīq “бойлик”; yoqluğ – čīğayliq “камбағаллик”; saqīnč – qazğū “қайғу”; sağ – oñ “ўнг”; tamağ – aš “овқат”;

б) **сифат:** ezgū – yig “яхши”; esiz – yavuz “ёмон”; kičik – ušaq “кичик, майда”; yīraq – uzaq “узок”; asīğ – ötrü(v) “фойда”; yīraq – uzaq “узок”; qarī – qoča “кекса”; kir – asīğsīz “кир, ифлос”; köni – kertüv “тўғри”; bütün – tügāl “бутун, тугал”; yaliñ – ofrağ “яланғоч”;

в) **фeyл:** ay- – sözlä- “гапирмоқ”; berkit- – yap- “яширмоқ”; arqa- – izlā- irtä- “изламоқ”; qat- – sal “солмоқ”; az- – eksil- “камаймоқ”; qop- – tur- “турмоқ”; baq- – kör- “кўрмоқ”; čal- – čökär- “ағдармоқ”; yaz- – bitī- “ёзмоқ”; ker- – yaz- “кермоқ, ёзмоқ”; az- – mun- “янглишмоқ”; čal- – sal- “ташламоқ”; sa- – saqīn- “ўйланмоқ”; te- – ayt- “сўзламоқ”; tilä- – sor- “сўрамоқ”; bič- – kes- “кесмоқ”;

г) **равиш:** ötrü – soñra “кейин”; kör – üküš – telim “кўп”; tüş – teñ “тенг”; üküš – qač “кўп”; artuq – kör “кўп”; evä – tärk “тез”; uzala – taba “томон”.

2. **Туркий ва ўзлашма сўзлар синонимияси.** Тадқиқ этилаётган манбада лексик бирликларнинг туркий ва бошқа тилга оид маънодошлари биргаликда қўлланилган. Арабий ҳамда форсий тилдан ўзлашган сўзлар маълум даражада маънодош лексемалар гуруҳини тўлдиришга хизмат қилган:

а) **туркий ва арабий сўзлар синонимияси:** tañ – ajab “хайрон қолиш”; kiši – ādam “инсон”; keyin – āxir “тамом”; iš – amal “иш”; yazuq – ayb “гуноҳ”; emgāk – azāb “қийинчилик”; emgāk – zahmat “қийинчилик”; emgāk – vabāl “қийинчилик”; bozun – xalq “халқ”; el – xalq “халқ”; bōlāk – hadiyya “совға”; artut – hadiyya “совға”; bōlāk – ehsān “совға”; artut – ehsān “совға”; bor – šarāb

3-шубба

“май”; eš – habib “дўст”; qazğu – ğam “қайғу”; qazğu – aza “қайғу”; kezim – libas “кийим”; İzi – Haq “Худо”; İzi – Malik “Худо”; İzi – Xāliq “Худо”; Uğan – Malik “Худо”; Uğan – Xāliq “Худо”; ĩnanç – e’tiqād “ишонч”; kōni – haqiqat “тўғри”; kōrk – jamāl “чирой”; ölüm – ajal “ўлим”; tawar – māl “мол, товар”; qiliq – fe’l “характер”; uluğ – majd “катта”; ög – madh “мақтов”; yavuz – šarri “ёмон”; ög – hamd “мақтов”; tat – maza “таъм”; sanağ – hisāb “ҳисоб”; küç – quvvat “куч”; indinlik – tavāzi “камтарлик”; barliğ – dunyā “олам”; süçük – šakar “ширин”; bayliq – davlat “бойлик”; esān – salām “салом”; yanut – juvab “жавоб”; yağī – aduv “душман”; sevinç – farrah “севинч”; suq – xasis “очкўз”; qazğu – hasrat “қайғу”;

б) **туркий ва форсий сўзлар синонимияси:** eš – yār “дўст”; eš – dost “дўст”; yağī – dušman “душман”; miñ – hazār “минг”; tatīğ – maza “тот”; kün – roz “кун”; sir – rāz “сир”; ağu – zahar “заҳар”; ertām – ādāb “одоб”; esiz – bad “ёмон”; bayliğ – ganj “бойлик”; em – darmān “даво”; suq – nākas “очкўз”; qiliq – хуу “қилиқ”; yig – huš “яхши”; yigit – juvān “ёш”; qalī – agar “агар”; em – šifā “даво”;

в) **арабча сўзлар синонимияси:** ajab – badī’ “хайрон қолиш”; raiyat – xalq “халқ”; jabr – jafā “азият”; davlat – māl “бойлик”; hukm – amr “буйруқ”; malik – xāliq “тангри”; mu’min – musulmān “исломдаги киши”; ayb – vabāl “гуноҳ”; zāhid – zuhd “ибодат қилувчи”; zāhid – ābid “ибодат қилувчи”; adāvat – advan “душманлик”; jād – axiy “сахий”; saxāvat – karam “саховат”; ganj – zahmat “қийинчилик”; azāb – zahmat “қийинчилик”; madh – sanā “мақтов”; tamām – āxir “охир”; asal – šahd “ширин”; madh – hamd “мақтов”; ehsān – hadiya “совға”; qudrat – quvvat “куч”;

г) **арабча ва форсий лексемалар синонимияси:** habib – dost “ўртоқ”; aduv – dušman “душман”; malik – šāh “подшоҳ”; sir – rāz “сир”; adl – dād “адолат”; ālim – dānā “оқил”; lazzat – maza “адолат”; nasihat – pand “ўғит”; sa’dat – baht “бахт”; fāriğ – āzād “озод”; fe’l – хуу “характер”; xirad – huš “ақ”;

д) **форсий сўзлар синонимияси:** dost – yār “ўртоқ”;

е) **туркий, арабча ва форсий сўзлар синонимияси:** eš – habib – dost “дўст”; yağī – aduv – dušman “душман”.

“Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида асосан икки ва уч сўздан иборат синонимик қаторлар қўлланилган. Ундаги туркий ва ўзлашма лексемаларни синонимик муносабат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жараёнида келиб чиқишига кўра, бошқа тилга оид, яъни арабча ва форсий сўзларнинг обида тилида ўзига хос мавқега эга эканлигига, шунингдек, синонимик қаторлардан унумли фойдаланилганлигига амин бўлдик. Умуман олганда, синонимия ходисаси такрорларга йўл қўймайди, фикрни аниқ, образли ва ранг-баранг баён этиш имконини беради. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” достони тил хусусиятларини атрофлича ўрганиш кўп асрли тарихга эга бўлган қардош туркий тиллар лексикаси, айниқса, ўзбек адабий тилининг ривожланиши борасидаги назарий қарашларга ойдинлик киритади, ўзбек тили тарихий лексикологияси учун бой материал беради.

3-шубба

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. –Т.: Фан, 1972.
2. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010.
3. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Т.: Фан, 2010.
5. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1974.

ЛЕКСИК СИНОНИМЛАР СИНОНИМИК ПАРАДИГМА СИФАТИДА

Қахрамон Қурбоналиевич Райимов,
Андижон ДУ Ўзбек тилшунослиги
кафедраси таянч докторанти

Дунё тилшунослигида азалдан синонимия ҳодисасига қизиқиш жуда катта баҳс-мунозараларга бой бўлиб келган. Синонимик муносабат хусусида жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар бажарилган ва олиб борилаётган бўлса-да, ушбу ҳодисанинг моҳиятини аниқ ва тўлиқ акс эттирадиган, ҳамма эътироф этган таъриф мавжуд эмас. Кўпинча, синонимияни изоҳлашда маънодаги тўлиқ ёки қисман айнанлик, бири ўрнида иккинчисини қўллана олиш имкониятининг мавжудлиги кабилар ҳисобга олинади. Синонимик муносабат маънодошлик муносабати деб ҳам юритилади. Синонимия муносабати тилда кўп учрайдиган, универсал ҳодиса бўлиши билан бирга, у бутун луғат таркибини қоплайдиган категория эмас. Яъни, луғат таркибидаги барча лексемалар ўз синонимларига эга бўлмайди. Синоним лексемаларда маъно айнанлиги, умумийлиги бўлиши билан бирга, семантик фарқлилик ҳам мавжуд бўлади. Албатта, синонимларда семантик умумийлик семантик фарқлиликлар устун бўлади ва синонимия маъно умумийлиги асосида воқе бўлади [6;67].

Сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бари ўз аксини синонимияда топади ва албатта шу термин остида тадқиқ этилади. Синонимия бирдан ортиқ сўзнинг лексик маънолари ўртасидаги муносабатда юзага чиқади. Шу муносабатга кўра фалон сўз иккинчи бир сўзга нисбатан олиб қараб, унинг синоними деб юритилади. Ҳеч маҳал фалон гап таркибидаги фалон сўз синоним деб аталмайди. У иккинчи бир гапдаги бирор сўзга нисбатан синоним бўлади [4;125].

3-шубҳа

XX аср ўзбек тилшунослиги синонимиянинг олтин даври бўлди десак муболаға қилмаган бўламиз. Ҳолбуки, ўзбек тилшунослигида синонимларни ўрганиш ўз тарихий тадрижга эга, уни шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- 1 босқич: XX асргача бўлган давр;
- 2 босқич: 1920-1930 йиллар;
- 3 босқич 1950-1960 йиллар;
- 4 босқич: 1960-1980 йиллар;
- 5 босқич: 1980-2000 йиллар;

VI босқич: 2000-ва ундан кейинги йиллар [1;11].

Кўриниб турибдики, синонимларни ўрганиш ўзбек тилшунослигида формал-функционал тилшунослик давридан систем-структур давригача бўлган вақтда ўзининг илмий қийматини топганлигини кўриш мумкин. Ўзбек тилшунослигига систем-структур тилшунослик кириб келиши билан тилшунослигимизга парадигма тушунчаси илмий термин сифатида кириб келди. Умумий белгиси асосида бирлашган ва бир-бирини тақозо этадиган, аммо ҳар бири ўзига хос белгиси билан бошқасига қарама-қарши турувчи лисоний бирликлар системаси *парадигма* дейилади [2;49]. Ўхшаш белгилар асосида ўзаро бирикиш ҳам дейиш мумкин. Семантик-грамматик умумийликка эга бўлган лексик бирликлар луғавий парадигмани ташкил этади. Синонимик, антонимик, градуонимик қаторга бирлашган лексемалар системаси, алоҳида луғавий гуруҳлар лексик парадигмалардир. Улар юқорида парадигмага қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Луғавий-мавзуий тўда, луғавий-мазмуний майдон, сўз туркумлари ҳам йирик (макро) парадигмани ташкил этади [2;51].

Хуллас, парадигма тушунчаси тилшуносликда кенг қамровли тушунча ва илмий термин сифатида тилшунослигимизга кириб келди. Синонимияни белгилашда юқоридаги ёндошишлар тил ва нутқ оппозициясидан келиб чиқиб, талқин қилина бошлади. Бундай ҳолатда тил ва нутқ дихотомиясининг “синоним” тушунчаси эволюциясига нисбатан таъсирини кузатиш мумкин. Ўз-ўзидан тушуниладиги, лексик синонимияни таърифлаш дастлабки қарашларда нутқ бирлигини ташкил этувчи сўз га таянилган бўлса, кейинги қарашларда тил бирлиги бўлган *лексема* ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўла бошлади. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олиб, синонимлар тил ва нутқ синонимларига ажратила бошланди. Ҳозирда синонимия семемалар муносабатига асосланган семантик ҳодиса эканлиги, шубҳасиз. Семасилогик асосда белгиланувчи бу ҳодиса, кўпинча, стилистик – нутқий мақсадларга, қисман семантик – идеографик мақсадга хизмат қилади. Зеро, синонимлар орасидаги фарқлар услубий, шунингдек, маъно қиррасида, хусусан, маънони гавдалантирадиган образларда мавжуд бўлади” [3;37,4].

3-шубба

Синонимларнинг парадигма сифатида намоён бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида турли фикрлар бор. Масалан, тилшунос олим профессор Б.Менглиев “*синонимик қатор лексик парадигма ҳисобланмайди*” деган хулосага келган фикрининг исботи ўлароқ, синонимларнинг аниқ миқдорини ҳеч ким айта олмаслигини қайд қилган [2;52] фикримизча синонимлар ҳам парадигма бўла олади масалан: [юз] лексемаси, бир томондан [бет], [чехра], [жамол], [ораз] каби бирликларни эслатади ва бунда у бир системанинг аъзоси эканлигини намоён қилади. Сўз лексик маъноларидаги парадигматик муносабатга маълум мавзу жиҳатдан қаралганда, лексик маъноси бўйича сўзлар маълум мавзу доирасида гуруҳларга ажратилади. У яна кичик мавзулир бўйича кичик гуруҳчаларга бўлиниб кетади [5;11].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эшмўминов А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. Фан бўйича фалсафа доктори (PhD) ..дисс. автореф. – Қарши, 2019.
2. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили дарслик. –Т.: Тафаккур бўстони, 2018.
3. Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1979. №5.
4. Раҳмонов Ғ.Р. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Фарғона, 2018.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.
6. Ҳақимова М. Семасиология ўқув қўлланма. –Т., 2008.

SIVILIZATSIYA VA UNING DUNYO LISONIY QIYOFASIGA TA’SIRI

Rafiqjon Ergashboy o‘g‘li Zaripov,
TDO‘TAU O‘zbek tilshunosligi
kafedrasi tayanch doktoranti

Yer sharida hayot paydo bo‘lib, unda insoniyat istiqomat qilib kelar ekan u hamisha taraqqiyotda va o‘zgarishda bo‘lgan. Jamiyatda inson omili va shaxsning ta’siri masalasi har bir davrda dolzarblik kasb etib kelgan. Eramizdan avvalgi davrlardan boshlab, hozirgi kunga qadar bo‘lgan vaqtlar oralig‘ida dunyoning qiyofasi butkul o‘zgargan. Bu jarayonlar esa tizimli ravishda sodir bo‘lib, hayotning har bir jabhasi bir-biriga bog‘liq ravishda o‘zgarishda bo‘lib kelgan. E’tibor beradigan bo‘lsak, barcha taraqqiyot jarayonlari markazida inson omili yotadi. Ehtiyojlarning ortib borishi taraqqiyotga olib kela boshladi. Turli davrlardagi insoniyat va hayot sivilizatsiyasi yuzasidan tarixiy asarlarda ko‘plab ma’lumotlar borligi, dunyoning bugungi qiyofasi birdaniga vujudga kelmaganligi va tadrijiy

3-шубҳа

taraqqiyot natijasida shakllanganligini namoyon qiladi. Ammo ta'kidlash lozimki, insoniyat XIX-XXI asrlar davomida o'z hayoti va unga bog'liq ravishda barcha tarmoqlarni keskin o'zgarishga yuz tutishiga sabab bo'ldi. XIX asrga qadar insoniyat o'z turmush-tarzini o'zgartirish, yaxshilashga va ehtiyojlarini qondirishga harakat qilib kelgan bo'lsa, bu davrdan boshlab, ko'plab ilmiy kishilar butun jamiyat hayotini o'zgartirish yo'lida harakatlarni amalga oshira boshladilar. Qayd etish joizki, oldingi davrlarda ham bu kabi harakatlar bo'lib, ma'lum darajada natijaga ham erishganlar, ammo ushbu davrga kelib bu g'oya tarafdorlari salmoqli darajada dunyoning ko'plab nuqtalarida amaliy harakatlarni boshlagan edilar. Buning natijasida dunyoda ko'plab o'zgarishlar sodir bo'ldi. Ilm-fan taraqqiyoti yuksalib bordi. XIX asrga qadar ko'proq ilmda nazariy masalalar tadqiq etilgan bo'lsa, ushbu davrdan boshlab yangi gipoteziyalar ilgari surilib, amaliy izlanishlar ortib bordi. Natijada ko'plab sohalarda yangiliklar, kashfiyotlar, ixtirolar amalga oshirildi.

Aytish lozimki, insoniyat taraqqiy etib borgan sari turli muammolar ham ko'payib, ularni bartaraf etish qiyinlashib boradi. Muammolarning qamroviga ko'ra ularning hal bo'lish darajasi belgilanadi. Hozirda lokal, global masalalarda turli jamiyatlarda bahslar mavjud. Bular esa o'z navbatida ko'plab kommunikatsiyalarni yo'lga qo'yish, turli munosabatlarga kirishish orqali bartaraf etilishi yoki bir to'xtamga kelinishi mumkin. Umuman, bir insonning ikkinchi kishi bilan muloqot qilishi, munosabatlar o'rnatishdan tortib, mamlakatlarning o'zaro aloqaga kirishuvda xalqaro tan olingan tillar muhim ahamiyatga ega. O'z-o'zidan savollar tug'iladi: dunyoda millatlar, xalqlar, jamoalar ko'p. Bularning muloqoti qay yo'sinda kechadi? Globalizatsiya jarayonida tillarning taraqqiyoti qay holda? Taraqqiyotning tilga ta'siri, tilning rivojlanishiga ta'siri masalalari qanday? Svilizatsiya jarayonida olamning lisoniy manzarasi qanday ko'rinish olmoqda? Xo'sh yer yuzida nechta til mavjud va ularning qanchasida insonlar muloqot qiladi? Qaysi tillar yer shari aholisi o'rtasida ko'p qo'llanilmoqda? Bu tillarning keng qo'llanilishiga qanday omillar ta'sir etmoqda? Tadqiqotimizda ushbu savollarga oydinlik kiritish va tillarning globalizatsiya jarayonidagi holatlarini yoritishga harakat qilamiz.

Yuqoridagi savollarga munosabat bildirish bilan fikrlarimizni davom ettirsak. Hozirgi kunda yer sharida 7.5 milliard kishi yashaydi. Bular turli hududlarda istiqomat qilib, har xil tillarda muloqot qiladilar. Ayni vaqtda dunyoda yetti mingga yaqin tillar borligi tadqiqotlarda keltirilgan. Insoniyat ushbu tillardan faqatgina 50 dan ziyodrog'ida so'zlashadi. Qolganlarida esa, ma'lum hududdagi kichik etnik guruhlar, jamoalar foydalanadilar. Jahonda 200 dan ziyod mamlakatlar bo'lsa, ularning ko'pchiligida bir necha tildan foydalanuvchi kishilar istiqomat qiladi. Olamda mavjud aholi tillari turlicha bo'lgani tufayli bir-birlarini tushunishda muammolarga duch kelib kelishgan. Bu esa xalqaro tillarning vujudga kelishiga sabab bo'ldi. Hozirgi kunda jahonning xalqaro tillari sifatida quyidagilar tan olingan: Ingliz, Ispan, Fransuz, Italyan, Xitoy, Rus, Arab.

Tillarning maqomi asosan uch mezon bilan belgilanadi:

- So'zlashuvchilar sonining miqdori;
- Tilning imkoniyati va funksianalliligi;
- Moslashuvchanliligi hamda lug'at boyligi.

3-шубҳа

Globalizatsiya jarayonida ularga qo‘shimcha ravishda yana uchta mezon shakllanayotganligini qayd etishimiz mumkin.

- Tilning internet tarmog‘i hamda elektron platformalardagi o‘rni (tilning elektronlashtirilganlik darajasi va undan foydalanish imkoniyatlarining qamrovi);
- Tillarning imtiyozlilik darajasi;
- Hukumatlar tomonidan tilga bo‘lgan iqtisodiy-siyosiy, madaniy-ma‘rifiy e‘tibor.

XXI asrda dunyoning ijtimoiy-kommunikativ voqeligida tillarning mavqeini o‘rganish, zamonaviy sivilizatsiya tendensiyalari tarkibini hisobga olgan holda diskursiv amaliyotlar va lingvistik hodisalarning ijtimoiy-gumanitar tomonini tahlil qilish dolzarb masalalar sirasida e‘tirof etila boshlandi. Zamonaviy globallashtirilgan dunyoda til hodisalarini ijtimoiy-siyosiy o‘zgarishlar va ular bilan hamohang ravishda yuzaga keladigan muammolar bilan birga o‘rganish ko‘p jihatdan turli munosabatlarni o‘rnatish, til va kommunikatsion xususiyatlarni belgilashga yordam beradi.

Hozirda insoniyat har jabhada taraqqiyotga yuz tutayotgani hech birimizga sir emas. Jahonning qaysi nuqtasida biror-bir kashfiyot, ixtiro yoki yangilik amalga oshirilsa, bu bir zumda dunyoning boshqa bir joyida istiqomat qiluvchi o‘zga millat vakiliga tezkorlik bilan yetib bormoqda. Ma‘lumotlar bir zumda tarqalishi va ko‘p sonli odamlarga yetib borishi mumkin bo‘lgan zamonaviy globallashtirish davrini tasvirlab, Yevropaning taniqli olimi Van Deyk shunday fikr bildiradi: kuchning asosiy vositasi - bu subyektlarni, ijtimoiy guruhlarini va institutlarni diskursiv amaliyotga jalb qilish orqali hosil qilingan bilimlardir. Aynan shu muhitda bugungi kunda inson ongi uchun kurash avj olmoqda. Boshqacha qilib aytganda: “Jamoatchilik muhokamasi va aloqa vositalariga maxsus kirish va nazorat qilish orqali dominant guruhlar yoki institutlar nutqning tarkibiga ta‘sir ko‘rsatishi mumkin, natijada qabul qiluvchilarning bilimlari, e‘tiqodlari, me‘yorlari, qadriyatlari va mafkuralari - bevosita yoki bilvosita - dominant guruhning manfaatlariga ko‘ra shakllanadi” [1;89]. Bu yerda tilning xabarlarini yetkazishdagi rolini ta‘kidlash bilan birga, til orqali turli jamoalar globalizatsiya jarayonida sayyoramizning har qaysi hududidagi biror etnik guruhga o‘z mafkuralarini yetkazish masalasi ham nazarda tutilmoqda.

Shu o‘rinda ta‘kidlash lozimki, dunyoda taraqqiy etgan davlatlarning tillari asosan texnologiyalar orqali yanada rivojlanishga yuz tutib, qamrov doirasini kengaytirish bilan birga, ma‘lum guruhlar tomonidan turli xil maqsadlarda o‘z mafkuralarini singdirish hamda boshqa millat vakillarini ham shu tilni ixtiyoriy majburiy ravishda o‘rganib, turli jamoalarning gegemon tillarda berilgan g‘oyalarga ergashishlariga asosiy vosita bo‘lib xizmat qilmoqda. Bu o‘rinda ayrim tillarning funksiyalari kengaysa, ayrimlari ushbu raqobatga dosh berolmay vazifalari qisqarmoqda. Bunday bo‘lishiga sabab, asosan, nufuzi oshayotgan yoki tushayotgan tillar vakillarining o‘z tiliga bo‘lgan e‘tibori va yuksaltirishga bo‘lgan harakatidir.

Svilizatsiya jarayonida tilga yangicha yondashuvlar shakllandi. Jumladan A. D. Shvaytser til masalalarida fikrlarini bayon etar ekan: Til - ba‘zi hollarda ijtimoiy hayotning muayyan jarayonlari va hodisalariga ta‘sir etuvchi ijtimoiy omillardan biri

3-шуъба

sifatida ishlaydi [3;61]. Bu oʻrinda til ijtimoiy omil sifatida talqin etilmoqda. Yaʼni til jamiyatda sodir boʻlayotgan voqea-hodisalarga, turli xil jarayonlarning qay yoʻsinda borishiga taʼsir koʻrsatuvchi omillardan biri boʻlib yuzaga chiqishi mumkin ekanligiga urgʻu berilmoqda. Haqiqatdan ham bugungi globallashuv davrida tilning roli ortayotganligi har jabhada namoyon boʻlmoqda. Hayotimizda odatiy tushuncha va hodisaga aylanib ulgurgan holat izohi bilan fikrlarimizni davom ettirsak. Ijtimoiy tarmoq shakllanib, shu tushuncha kishilar ongida oʻrnashgach, oʻz munosabatlarini mana shu vosita orqali bildirish odatiy holga aylandi. Bu oʻrinda til “ijtimoiy tarmoq tili” sifatida namoyon boʻladi. Hozirda koʻrishimiz mumkinki, insonlar jamiyatdagi turli masalalar yuzasidan ijtimoiy tarmoqlar orqali munosabatlar bildirmoqdalar. Bu oʻrinda tadqiqotchining fikrlari maʼlum darajada tasdiqlanmoqda. Yuqoridagi oʻzgarishlarga hukumatlar tomonidan ham alohida eʼtibor bilan qaralayotganligi bu jabhada butun aholi yangicha fikrlash tizimiga, aniqrogʻi, oʻz fikrlarini bildirish, ularni qabul qilish va munosabat bildirishning yangi bosqichga oʻtayotganligini namoyon qiladi. Bu esa tillarning funksiyasi oʻzgarayotganligi hamda ortayotganligidan dalolat beradi.

Dunyoda tillarning roli ortib borayotganligi, funksiyalarining oshayotganligi tillarga boʻlgan eʼtiborning yuksalishiga olib keldi. Soʻnggi vaqtlarda hukumatlar tomonidan til masalalariga boʻlgan eʼtibor va qoʻllab-quvvatlashga qaratilgan amaliy ishlar salmoqli darajada kuchayganligini koʻrishimiz mumkin. Bu tabiiy holat boʻlib, bugungi globallashuv davrida qaysidir millat oʻz tilining taraqqiyotini taʼminlamoqchi boʻlsa, uni rivojlantirishga boʻlgan amaliy harakatlarni oshirmogʻi darkor.

Bugungi kunda til sotsiologiyasini oʻrganish ikkita asosiy masalani: tilni boshqarish va til siyosatini qamrab olishi tadqiqotlarda qayd etilgan.

Til boshqaruvi - hukumatning umumiy siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy-madaniy jihatlardan yuritiladigan siyosiy imkoniyatlarini tahlil qilishga qaratilgan.

Til siyosati - bu tilning mavjud funksional taqsimoti va til quyi tizimlarini saqlab qolish yoki oʻzgartirish maqsadida umumiy, yangi til normalarini shakllantirish uchun davlat, partiya, sinf va jamoat guruhi tomonidan ishlab chiqilgan va qabul qilingan chora-tadbirlar majmui, siyosatlari va ularning maqsadlari [2;312].

Koʻplab zamonaviy tadqiqotchilar til siyosati muammolarini hukumatning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy-madaniy harakatlari bilan uzviy bogʻliq holda koʻrib chiqmoqdalar. Bu bir qarashda ajablanarli holat emas. Haqiqatdan ham til siyosati shu omillar bilan hamohang tarzda olib borilishi samaradorlik kasb etadi.

Maʼlumki, koʻp millatli mamlakatlarda "til siyosati har doim u yoki bu siyosiy yoʻnalishning tarkibiy qismi boʻlib yuzaga chiqadi. Bu bir xil davlatdagi muayyan sinflarga yoki ijtimoiy guruhlariga nisbatan ichki siyosat boʻladimi yoki muayyan davlatlar, guruhlariga nisbatan tashqi siyosat boʻladimi koʻpincha shu holatda namoyon boʻladi [3;148]. Shuning uchun ham tadqiq jarayonida zamonaviy koʻp millatli davlatlarning oʻquv amaliyotida qayd etilgan til siyosatining amaliy jihatlariga eʼtibor qaratish lozim.

Demak, yer sharida bir nechta tillar jahon tillari sifatida qaralib, asosiy xalqaro munosabatlar ana shu tillar orqali yoʻlga qoʻyilmoqda va bu tillar yuqori

3-шубба

suratda taraqqiy etayotgan dunyoni nutqda hamda yozuvda keng yoritish uchun yetarlicha imkoniyatga ega. Shuningdek, bu tillar dunyoning lisoniy manzarasida alohida ahamiyat kasb etish bilan birga, til vaziyatlarini baholashda, yangi davr sivilizatsiyasi, globallashuv jarayonlarida dunyodagi tillarning holatini yoritish va insoniyatga ma'lum qilinishida muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Ван Дейк Т.А. Дискурс и власть: Репрезентация доминирования в языке и коммуникации / Пер. с англ. Кожемякина Е.А., Переверзева Е.В., Аmatoва А.М. – Изд. 2-е. – М., 2015.
2. Словарь социолингвистических терминов / Отв. ред. Михальченко В. Ю. – М., 2006.
3. Швейцер А.Д. Современная социолингвистика: Теория, проблемы, методы. – Изд. 4-е. – М., 2012.

**МУМТОЗ АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИДА
АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Мадина Абдужалиловна Жўраева,
ТДШУ Мумтоз филология кафедраси
мустақил тадқиқотчиси**

Марказий Осиё азалдан илм-фан, маданият ва маънавиятнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка дунёга маънавият ва маърифатнинг барча соҳаларида юзлаб жаҳоншумул улуғ зотлар, давлат арбобларини тарбиялаб берган. Умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда буюк аждодларимиз бевосита иштирок этганлар, унинг тараққиёти ва бойишига улкан ҳисса қўшганлар.

Мовароуннаҳр IX-XII асрлар давомида бутун мусулмон оламида илмий-маданий жихатдан энг ривожланган ўлка сифатида машҳур бўлди. Бу ерда қадимий анъаналар билан араб, ҳамда қадимги юнон илмий-маданий анъаналари бирикуви асосида исломий, фалсафий, гуманитар ва табиий илмлар-астрономия, математика, тиббиёт, кимё, доришunosлик, география, тилшunosлик каби илмлар ривож топди. Бу ерда машҳур ҳадисшunosлик ва ислом фикшunosлик мактаблари шаклланди. Шунингдек, араб тилшunosлигида ҳам муҳим асарлар вужудга келди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда араб тили ва ёзуви VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида кенг тарқала бошлади. Бу борада ушбу ўлкаларда араб тили ва ёзувини ўргатиш учун махсус мактаблар очилган. Академик И.Ю.Крачковский фикрича: “VIII асрнинг биринчи ярмида араб тили бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда давлат бошқарув тили сифатида ишлатилди ва

3-шубба

ундан, хаттоки, ерлик аҳоли ҳам фойдаланди” [1;16] деб ёзади. Ўрта Осиё худудида араб тили VIII асрнинг иккинчи ярмидан илм-фан ва халқаро тил сифатида чуқур ўрганила бошлади. Бу борада улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Беруний қуйидагича фикрларни келтиради: “Араб тили бутун дунёдаги илмий асарларнинг ёзилишига асос бўлди. Бу тил ҳар бир тилга ёқимли ҳис-туйғу бахш этиб уни беади. Ҳар бир халқ ўз она тилини гўзал ҳисобласа-да, араб тилининг гўзаллиги инсоннинг қон томирларида оқа бошлади” [2;21]. VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларидан Ўрта Осиёлик олимлар араб тилини кенг миқёсда тадқиқот манбаи сифатида тадқиқ этишга киришиб кетдилар ва айримлари араб тили грамматикаси устозлари сифатида ҳам ном қолдирдилар. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Замахшарий, Абдурахмон Жомий каби бир қанча улуғ ватандошларимиз ўзларининг араб тилшунослигига оид асарлари билан араб наҳвшунослиги соҳаси раванқига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Абдурахмон Жомий адабиётнинг кўзга кўринган вакили бўлиши билан бир қаторда, ўз даврининг улуғ тилшуноси ҳам эди. У форс тили грамматикаси бўйича махсус шеърӣ ва насрий қўлланма ёзган. Араб тилини эса мукамал билган.

Араб тили грамматикасига оид бўлган асарларнинг энг машҳурларидан бири, Ўрта Осиё мадрасаларида кўп асрлар давомида наҳв илмига оид асосий қўлланмалардан бири бўлиб келган асар, шубҳасиз, Ибн Ҳожибнинг “*ал-Кофия фи ин-наҳв*” деб аталадиган асаридир. Ибн Ҳожибнинг тўлиқ исми Абу Амр Усмон ибн Умар ибн Абу Бакр ал-Моликий бўлиб, Ибн Ҳожиб номи билан танилган, таҳаллуси Жамолиддин. Оталари подшоҳ саройида эшик оғаси бўлган. Бундай унвонни араб тилида “Ҳожиб” дейилади. Шунинг учун олим ўз таҳаллусини “Ибн Ҳожиб”, яъни эшик оғасининг ўғли”, деб номлаганлар. Ибн Ҳожиб Қоҳира яқинидаги Асно шаҳарчасида 570/1174 йилнинг охирида таваллуд топган. Асно Юқори Мисрдаги кичкина шаҳарча бўлган. Қоҳирада ёшлигиданок Қуръон ўқиш, диний илмлар билан машғул бўлди. Араб тилини, кироат илмини ўрганди ва бу илмларда юқори мартабаларга кўтарилди. Сўнг Дамашққа кўчиб бориб, у ернинг моликийлар зовиясидаги жомеъ масжидида дарс беради. Шундай қилиб, у ҳатто фатво бериш даражасига етади. У кўпроқ арабий илмларга қизиқади. У фикҳ усулига оид “Мухтасар” номли асар ёзган. Наҳв бўйича муқаддима, кейинроқ сарфга оид китоб ёзиб, ҳар иккала китобни шарҳлади. Шунингдек, фикҳ борасида таснифот ёзган. Наҳв олимларининг ихтилофли масалаларини келтириб, уларга жавоблар берган. Зеҳни жудаям ўткир шахс бўлган. Қоҳирага келиб, одамларга дарс беради. Кейинроқ, Искандарияда бир оз муддат яшаб, шу ерда оламдан ўтади.

Шавволнинг йигирма олтисида пайшанба куни саҳарда 646 - санада вафот этганлиги ва Боб ул-Баҳрнинг ташқарисига дафн этилгани ҳақида маълумотлар бор.

Унинг қаламига мансуб “Кофия” асари Шарқда жуда машҳур бўлиб кетди. Мактаб ва мадрасаларда наҳв бўйича асосий қўлланмалардан бирига айланди. Хусусан, XV-XIX асрларда бу асар ниҳоятда кўп кўчирилди, кўплаб

3-шуба

шарҳлар ёзилди, таржималар қилинди. Абдурахмон Жомийнинг фарзанди Зиёвуддин Юсуф араб тилини шу дарслик бўйича ўқир экан, дарсни ўзлаштиришда катта қийинчилик сезади. Шунда Жомий унинг аҳволини тушуниб, “Ал-Кофия”га махсус шарҳ ёзган. Жомий ушбу шарҳни ўғлига атаб ёзганлиги учун уни “Ал-Фавоид уз-Зиёийа” – “Зиёвуддинга маслаҳатлар” деб атаган. Ушбу асар кейинчалик “Шарҳ Мулло” номи билан халқ орасида танилган [3;164]. Жомийнинг ўзи бу китобнинг охирида: “897 йил 11 рамазон шанба куни эрталаб тугатдим”,- дейди. Бу 7 июль 1492 йилга тўғри келади. Демак, Жомий бу китобни умрининг охириги кунларида ёзган. Бу китоб бутун Ўрта Осиё ва ҳатто Идил бўйи татарлари мадрасаларида ҳам дарслик бўлиб хизмат қилган [4;83]. Шундан сўнг Ибн Ҳожибнинг асари мактаб ва мадрасаларда шу шарҳ ёрдамида ўқитиладиган бўлади. Жомийнинг шарҳи эса “Шарҳ Мулло”, “Ал- Фавоид фи шарҳ “ал-Кофия”, “Шарҳ-и Кофия”, “Шарҳи “Кофияи Ибн Ҳожиб”, “Шарҳи Жомий”, “Ал-Фавоид аз-Зиёийа фи илм ал-Кофия” каби номлар билан шуҳрат қозонади [5;3].

Жомий Темурийлар даври илм-фани ва адабиётининг фаҳри, шарқ шеърятини янги юксакликка кўтарган сўз санъаткори ҳисобланади. Шу билан бирга, унинг араб тили грамматикасини ўрганиш ва ўргатиш борасида қилган ишлари асрлар давомида ўзининг муносиб баҳосини олиб келяпти. Ҳатто халқ орасида Абдурахмон Жомийнинг ушбу асари “Шарҳ Мулло”нинг қирқ варағини ёдлаган ва тўла тушунган одам олим ҳисобланади” деган гаплар тарқалган эди. “Шарҳ Мулло Жомий” асари “Кофия” шарҳлари орасида фойдали экани, тушунарли тилда ва чиройли ёзилганлиги, мукамаллиги жиҳатдан ажралиб туради. Ушбу асар, бугунги кунгача илми толиблар орасида доврўғ қозонган. Китоб ҳақида яхши гаплар, мақтовлар айтилган. Бу асар асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилиб келинган. Илми толибларнинг наҳв бўйича асосий қўлланмаларидан бири бўлган.

Мисрлик машҳур олим Муҳаммад ат-Тантовий “Нашъат ун-наҳви ва таъриху ашҳур ун-нуҳхати” (“Наҳвнинг пайдо бўлиши ва машҳур наҳвшунослар тарихи”) номли асарида Усмонли турк империяси даврида Абдурахмон Жомийнинг “Ал-Фавоид уз-Зиёийа” асари араб тили бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлгани ва ушбу асарга ҳошиялар ёзилгани, ҳошия устига ҳошиялар битилгани ҳақида маълумотлар келтиради [6;325].

“Шарҳ Мулло” ёзилган йилдан бошлаб то XX аср бошларига қадар Ўрта Осиёда мактаб ва мадрасаларнинг араб тилидан асосий ўқув қўлланмаси бўлиб келди. Ҳозир ҳам баъзи шарқ мамлакатларида дарслик сифатида ўқитилади.

Хулоса шуки, IX-XI ва XII-XV асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юқори даражада ривожланган. Уларнинг заминиде аждодларимизнинг юксак даражадаги салоҳиятга, маънавиятга эга эканлиги туради. Улуғ ватандошларимиз томонидан амалга оширилган улкан ишлар дунё цивилизациясининг ютуғи сифатида барча халқларга хизмат қилиб келмоқда.

3-шубҳа

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Афсаҳзод А. Лирика Абд ар- Раҳмана Джами (Проблемы текста и поэтики.) –М.: 1988.
2. Зиёев Т. Рукописи “Ал-Фавоид ад-Дийайя” Абд ар-Раҳмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ // Сборник. Абд ар-Раҳман Джами. –Т.:1989.
3. Маматохунова Д.К. Мирзиётов Ш.М. Араб филологиясига кириш. – Т.:2010.
4. Муҳаммад ат-Тантовий. Нашъат ун-наҳви ва таъриху ашхур ин-нуҳхати. –Миср.: Дар ул-маориф, 2005.
5. Современная лингвистика. Теория, проблемы и методы. –М.,1976.
6. Шомухаммедов Ш. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижоди. –Т.:1963.

ШОИР ЭРКИН САМАНДАР ШЕЪРЛАРИДА ФОНОПОЭТИК ВА ФОНОГРАФИК ВОСИТАЛАР

Матлуба Тажибаевна Яқубова,
Урганч ДУ Факультетлараро чет тиллар кафедраси
мустақил тадқиқотчиси

Инсоният ҳаётини товушларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ибтидоий ҳаёт давридаёқ тил ва тафаккур биргаликда таракқий қилиб келган. Бадиий ижоднинг ибтидоси ҳам сўз-товуш билан узвий алоқадордир. “Ҳақиқатан ҳам, ибтидоий кўшиқдаги асосий нарса ритмдир, шунинг учун ҳам жуда содда кўшиқларнинг сўзлари кўпинча ўша товуш ёки сўзни қайта-қайта такрорлашдан иборатдир”[1:180].

Товушнинг қайта-қайта такрорланиши ўз-ўзидан фонопоэтикани-аллитерацияни рўёбга чиқаради.

В.М.Жирмунскийнинг кўрсатишича, туркий халқлар шеъриятидаги аллитерациялар такрорларга асосланган бўлиб, уларнинг дастлабки кўринишлари Ўрхон ёдгорликларида, сўнгра Махмуд Қошғарийнинг девонида, Аҳмад Югнакийнинг “Қутадғу билиг” асарида кўзга ташланади [2;663].

Товушлар такрори бадиий матнда мусиқийлик, жарангдорликни, ифодавийликни юзага чиқаради.

“Адабиётшуносликда аллитерация, ассонанс деб юритиладиган унли ва ундошлар такрори натижасида нутқда юзага келадиган ифодалилиқ” [3;165] бўлиб, Эркин Самандар лирикасида ҳам фаол ишлатилади.

Шоир шеър мисраларида товуш уйғунлигини юзага келтиришнинг консанант (ундошлар такрори), вокал (унлилар такрори) турларидан фойдаланади. Ижодкор шеърларида ундошлар такрори икки кўринишда намоён бўлади. Баъзан аллитерация мисралардаги сўзлар орқали шаклланади:

Хизматингга жонни садқа айлайин,

3-шуба

Сийловингни созга солиб сўйлайин (Назм нафаси, 9-бет).

Жаллод: Жонин жаҳаннамга жўнат (Назм нафаси, 286-бет).

Аллитерацияларнинг мисралардаги сўзлар бошида келиши ўйноқилик, силлиқлик ва оҳангдорликни юксалтиради. Бироқ бу усул анча кам кўзга ташланади.

Товуш уйғунлигининг юзага келиши “*Параллелизмлар ва қайтариқлар билан алоқадор бўлиб, ушбу эвфоник фигураларнинг асар эстетик таъсирчанлигини оширишда роли жуда каттадир*” [4;127].

Биз таҳлил қилаётган шеърый асарларда қайтариқ асосида намоён бўладиган аллитерацияларнинг салмоғи анча кенгдир.

Шердир отим, шер менинг отим,

Шерларга хос яшашим керак (Юракка йўл, 125-бет).

Мисралардаги такрорлаш иккита бадий вазифани бажаради. Аввало, шеърдаги оҳангдорликни юзага келтиради, қолаверса, сўз такрори лирик қаҳрамоннинг жангавор руҳий ҳолатини намоён этади. Қуйидаги намунада ҳам ўша икки ҳолат кузатилади:

Эл кишанда, ер кишанда,

Мен тақайин бер кишанни (Юракка йўл, 112-бет).

Бўғишиб ётади, ҳў ит ит билан

Бурга бурга билан ва бит бит билан (Назм нафаси, 122-бет).

Ушбу келтирилган мисолларда консонант аллитерациянинг кўринишлари кўзга ташланади. Сўз такрори воситасида тузилган товуш уйғунлиги ўз салмоқдорлиги ва бирор ишорага эгаллиги билан ажралиб туради.

Вокал аллитерацияга алоқадор товуш уйғунлиги ҳам кўплаб учрайди.

Оқ қайинга ошиқ бўлиб оппоқ хаёлим... (Назм нафаси, 83-бет).

Овчи олим бўлса, фаразга мойил,

Овчи шоир бўлса. оғизда овлар (Баҳор оқшомлари, 19-бет).

Мисраларда “О” унлисининг қайталаниши вокал аллитерациянинг юзага келишини таъминлаб, муайян оҳангдорлик, эвфонияни ҳосил қилган. Натижада шеърда мусиқийликка мойил равонлик ўзини намоён қилади.

Вокал аллитерациянинг сўзлар такроридан шаклланган хиллари янада кўп учрайди:

Амрим етти буржга, етти иқлимга

Етти минг оламга этулсун овоз (Назм нафаси, 263-бет).

Шоир ушбу мисраларда товуш уйғунлиги асосида оҳангдорлик ва равонликни таъминлаш билан бирга шоҳ томонидан айтилган фармоннинг тантанаворлигини ҳам ифодалашга эриша олган.

Шоир лирикасидаги фонопоэтик ифодалар орасида унли ва ундошларнинг аралаш такрорланиш орқали юзага келган намуналар ҳам кўп учрайди:

Дала узра бир қўшиқ янграр,

Дилнавозу дилбар дилрабо (Юракка йўл, 42-бет).

Ҳам мени хон айлади,

Ҳам мени қон айлади (Баҳор оқшомлари, 30-бет).

3-шуба

Биринчи намунада “д”, “а”, иккинчисида “а” билан “м”, “н” товушлари уйқаш келтирилиб ўзига хос эвфоник жараён юзага келтирилган.

Бадиий матннинг эстетик кучини таъминлаш мақсадида ишлатиладиган ушбу усулнинг тарихи жуда узоқ бўлиб, мумтоз адабиётда мазкур ифода тавзеъ санъати деб юритилган [5;57].

Бадиий адабиётда қўлланиладиган санъатларнинг турли-туман кўринишлари мавжуд бўлиб, улардан ўринли фойдаланиш ижодкор маҳоратига боғлиқдир.

Эркин Самандар ижодида товуш уйғунлигига асосланган тавзеъ санъати кўпчиликни ташкил этмаса-да, унинг ижодкор лирикасидаги кўринишлари мукамал ва пухта ишланган.

Тилнинг фонопоэтик усуллари доираси анча кенг бўлиб, унинг яна бир кўриниши бадиий матндаги фонографик воситалардир. Ушбу воситалар “...ўқувчи диққатини ўзига қаратиши, ушлаб туриши, тегишли бадиий маънолар билан тўйиниб лингвопоэтик қиммат касб этиши баробарида бадиий матннинг эстетик идрок этилишини янада қулайлаштиради. Фонографик воситалар бадиий матнда иштирок этар экан, матнга тегишли компонентлар ҳам аудиал, ҳам визуал жиҳатдан идрок этилади” [6.180].

Эркин Самандар лирикасида фонографик воситалардан самарали фойдаланилган. Унинг шеърларида воқеликни реал картинасини гавдалантириш мақсадида тақлидий сўзларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган:

Бугун жума. Миноралар шод,

Ороланмиш гумбазлар гўзал.

Жоми мачит булбуллари ёд,

Чугур-чугур ўқишар газал (Юракка йўл, 8-бет).

Шоир жума кунининг муқаддаслиги ҳақида шеър битар экан, ушбу кун мачит атрофидаги дарахтларга қўнган булбулларнинг ҳам шод эканини тасвирлар экан, тақлидий сўздан иқтибос келтириб, ўқувчи эътиборини реал воқеликка жалб қилади. Китобхон худди тирик булбул овозини эшитгандай сезади ўзини.

Булбул илҳом манбаи. Шу сабабли шоир ушбу сайроқи қушни кўп бора тилга олади:

Бу чаманнинг номи эрур

Боғи шуаро.

Унда сайраб турар доим

Чаҳ-чаҳ булбуллар (Юракка йўл, 77-бет).

“Чаҳ-чаҳ” сайрамоқ тушунчасида жўшқинлик, мастоналик маънолари мавжуд. Шеърийят ҳам жўшқинликни, илҳом бахшликни тақозо қилади. Шу сабабли боғи шуаро ҳақида сўз юритилиши булбуллар навоси билан узвий боғланиб кетади.

Шоир табиат манзараларини гавдалантириш асносида ҳам тақлидий сўзлардан ўринли фойдаланади:

Эзгуликнинг айтиб мадҳини,

Шилдир-шилдир оқади булоқ

3-шуъба

*Сўқмоқлардан қувлай деб тунни,
Осмон ўзи ёқади чироқ* (Назм нафаси, 10-бет).

Шеърни ўқиш жараёнида тақлидий сўзлар воситасида ўқувчи кўз олдида табиат манзараси жилоланиб реал тасаввур ҳосил бўлади.

Булоқнинг шилдираб оқиши, осмоннинг чироқ ёқиши киши қалбида завқ-шавқ уйғотади.

Шоир тақлидий ифодалардан турли вазиятларда самарали фойдаланади. Унинг афсонавий Широқ ҳақида шундай мисралари мавжуд:

Аждардай қутуриб аламидан ёв,

Кесди унинг бурни-қулоқларини.

Қони оқар экан тупроққа чак-чак

Қаҳқаҳа урди ул жон сарак одам (Назм нафаси, 187-бет).

Тўртликдаги **чак-чак** қон томиши ва **қаҳ-қаҳа** ўзаро зид семантик маънога эга. Бироқ Широқ мақсадига етиб, ғанимларни доғда қолдиргани учун қаҳқаҳа уради. Бу ҳолат голиблик қаҳқасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Т.: Фан, 1960.
2. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. –Л.: Наука, 1974.
3. Махмудов Н.М. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.: Миллий кутубхона, 2007.
4. Степанова А.С. Аллитерация в карельских плачах. // Фольклор образ и поэтическое слово в контексте. –М.: Наука, 1984.
5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Zarqalam, 2006.
6. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Т.: O‘zbekiston, 2019.

“ТЕОРЕМА” РОМАНИДА АНТРОПОНИМИК МЕТАФОРАЛАР

Бобур Нодир ўғли Сулаймонов,
Самарқанд ДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси
мустақил тадқиқотчиси

“Теорема” романида метафорик маъно ҳосил қилиш учун антропонимлардан ҳам унумли фойдаланилган. Антропонимга А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати”да шундай таъриф берилган: “Антропоним (юн. antropos – одам; опума – ном). кишининг атоқли оти, исм. Антропонимика. лексикологиянинг (ономастиканинг) киши номларини ўрганувчи бўлими” [10]. Ўзбек тилшунослигида антропоним термини сирасига қаралувчи исм ва фамилиялар, лақаб ва тахаллусларни ифодаловчи лисоний бирликлар бўйича Э.Бегматов, Ғ.Сатторов, Э.Қиличев, Н.Ҳусанов, С.Раҳимов, И.Худойназаров, С.Кенжаевлар томонидан махсус тадқиқотлар амалга оширилган.

3-шубба

Бадий асар яратиш жараёнида ижодкор персонажларга тасодифан исм ёки лақаб танламайди. Танланган антропонимлар бадий матнда поэтик жиҳатдан кучли актуаллашиб, ёзувчининг муайян мақсадини рўёбга чиқаради. Бу эса унинг тилимиз дурдоналаридан, ҳадсиз имкониятларидан қай даражада фойдалана олиш маҳоратини белгилайди. Дарҳақиқат, исм ёки лақабларнинг бадий асарда қўлланиши фақатгина персонажларни номлаш эмас, балки ёзувчининг бадий ғоясини ифодалашга хизмат қилади. Бу ҳақида Э.Қиличев: “Ёзувчи баъзи персонажларга уларнинг характеридан келиб чиқиб ном берган. Яъни исм персонаж характерини изоҳлаб туради” [9;22] деса, А.Нурмонов: “Бадий адабиётда қаҳрамонларнинг характерига мос исм танлашга ҳаракат қилинади... Исмнинг тилсимини очиш, маъноларини белгилаб бериш катта амалий аҳамиятга эга” [6. 286] деб баҳолаган эди.

Бадий асар тилининг йирик олими В.В.Виноградов ҳам бадий адабиётда исмлар, фамилиялар, лақаб ва тахаллуслар танлаш, уларнинг турли жанр ва услубларда структурал ўзига хослиги, образ ҳамда характер яратишдаги вазифаси бадий адабиёт услубиятининг жуда катта ва мураккаб мавзуси эканлигини таъкидлаган эди. [3;38] Ёки М.Йўлдошев таъкидлаганидек, “маҳоратли ёзувчилар қаҳрамоннинг ҳаёти, тақдири ва руҳияти билан унинг исми ўртасида муштараклик ўрнатиш орқали бетакрор образлар яратишга ҳаракат қиладилар. Бу, албатта, ёзувчининг лингвопоэтик маҳорати ҳисобланади ва бундай ҳолатларни тадқиқ этиш орқали ёзувчининг поэтик оламига кириб бориш мумкин” [8;255]. Дарҳақиқат, асарда “танланган исм ва фамилиялар персонажларни баҳолайди, характерлайди, машғул бўлган касбига, ёшига, қаерлик эканига ишора қилади. Бошқача айтганда, улар персонажларнинг ижтимоий мавқеига, физиономиясига ёки характерига мослаб танланади. Шунинг учун ҳам бундай антропонимлар тилда образли тарзда “гапирувчи номлар” деб ҳам юритилади”. [4;124] Ёзувчи томонидан романда танланган исм ва лақабларнинг ўзига хос бадий-услубий вазифа бажартириш мақсадида “гапирувчи номлар”га айлантирилишида яққол англашилиб турмайдиган метафоризация ҳодисаси юз бериши Л.Абдуллаева [1;12-15] томонидан ҳам эътироф этилган. “Гапирувчи номлар”нинг ёзувчи бадий ниятини ёритишга хизмат қилиши Э.Магазаник томонидан ҳам тадқиқ этилган [5;33].

Романда асосан исмлар ва лақаблар ёзувчининг прагматик мақсадини юзага чиқариш учун стилистик жиҳатдан қўлланилиб, метафорик кўчимлар ҳосил қилган. Ёзувчи ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда фақат “т” ҳарфи билан бошланувчи исм ва лақаблар танланган. Масалан: *Тошбулоқликларнинг топқирлиги туфайли Тоживойга талайгина тамгалар тақилганди...Тақилган тамгаларнинг тўнгичи – Тоштепар. Тоштепар?! Тош – Тангри таолонинг тирикларга тухфа-ю тортиги.* Ушбу матнда роман қаҳрамонларидан бирининг исми (*Тоживой*) ва унга қўйилган лақаб (*Тоштепар*) келтирилмоқда. Роман сюжетида Тоживой ота-онасидан тониб, қиморбозларга қўшилиб кетади ва охирида ўғрига айланади. Унга Тангри таолонинг туфҳаси бўлган тошни тепганлиги учун “Тоштепар” деб лақаб қўйиш орқали “нонқўр”лигига

3-шуба

метафорик ишора қилинмоқда. Мана бу мисол орқали Тоживойнинг тарбиясизлиги янада равшанлашади: *Тиловатни тинглашни тесатмаётганлар – тайинсиз такасалтанг тўпорилардир. Тўпориларниям тўпориси Тоживой, Тоживой – тоштепар.* Отаси томонидан ҳам исмига “тахар” (эшак) лақабини тақаб айтилиши бежизмас: ...**Тожи таҳар** “тарсаким”ни тушунармикин??? *Тушунмайди, тушунганда томорқани тўнтарарди.* Кўрмоқдамизки, романда ёзувчи тилимиздаги айрим белги-хусусият билдирувчи сўзлардан инсонларнинг хатти-ҳаракати, характериға нисбатан лақаб маъносида ишлатган. Романдаги яна бир салбий персонажға қўйилган лақабға эътибор қаратамиз: **Тошали тавкарбозға тақилган тақма Тўймас.** *Тошали тўймас – тамоқхўр. Тамоқхўр тамоқ танламайди. Тўймасни тамоқ танламаслиги таҳсину таърифли-ю тўймаслиги ташвишли. Тўймасни тамоқхўрлигидан ташқари тайтувлигиям талайгина.* Ушбу матндан *Тошали* исмли қиморбознинг лақаби “Тўймас”. Бу лақаб унинг очофатлигига ишора қилмоқда. У очкўзлигидан, текинтомоқлигидан ташқари, ахлоқ, танбал одам. Ёзувчи жамиятдаги фақат қорин ғамида яшаётган инсонларға киноя қилиш учун ушбу номдан метафорик мақсадда фойдаланган.

Асарда лақаблар персонажларнинг у ёки бу белги-хусусиятларни тавсифлаш, уларға хос баъзи хислатларини ифодалаш, ўқувчига эмоционал таъсир кўрсатиш мақсадида танланган. Масалан, романдаги персонажлардан бириға “Тасқара” лақаби қўйилган. Э.Бегматовнинг “лақаб ўз эгасининг бирор жисмоний фазилати ёки нуқси, ақлий истеъдоди ва касби, одамлар орасида ўзини тутиши, бирор ижобий ёки ғайритабиий ҳаракатиға ишора қилади” деган фикри ўринли тушади [2;55-56]. Ёзувчи ушбу лақаб орқали перонажнинг хунуклигига ва қилаётган иши – қиморбозлигига ишора қилмоқда. Яъни қилаётган иши хунук бўлган одамнинг ташқи кўриниши ижобий бўлиши мумкинмаслигига ёзувчи ишора қилмоқда: *Матндаги Ташналик Тасқара тавкарбозни тургазди. Тасқара тавкарбоз тимирскиланди.* Асарда яна бир қиморбозға “Туршак” лақаби қўйилганиға гувоҳ бўламиз: *Тавкархонадан Туршак тахалусли тавкарбоз ташқарилаб Тавкарбошиға тиржайди.* Бу қиморбознинг ориқлигига ишора қилиши билан бирға, ўзида ёзувчининг салбий прагматик мақсадини мужассамлаштирган. Лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари М.Рашидова томонидан махсус тадқиқ қилинган [7]. Ёзувчи жамиятимиздаги чиркин иллатлардан бири бўлган қиморбозликни, қиморбозларни кирдикорларни аёвсиз фош этиш билан бирға, уларнинг орасида ҳам айрим адашган кишилар борлигига ишора қилади: **Тошхўжаға тақилган тақма – Топқиртой.** *Тошхўжаға тақилган тақмани Тавкарбоши таққан. Тавкарбоши Тошхўжаға тўла таянади.* Тошхўжа исмидаги “хўжа” компоненти орқали ёзувчи насл-насабига ишора қилади ва шунга асосан “Топқиртой” лақаби қўйилади. Топқиртой “Тавкарбоши”, яъни қиморбозлар сардорининг маслаҳатчиси, чунки у Топқиртойнинг маслаҳатларига таянади. Лекин минг ақлли бўлса ҳам қилаётган иши – қиморбозлиги учун ёзувчининг салбий муносабати сезилади. Яна бир қиморбозға “Тайтув” лақаби қўйилган. Ёзувчи бу лақаб орқали қиморбозликни танлаган шахсларнинг довдирлигига,

3-шубҳа

аҳмоқлигига метафорик ишора қилади: *Топқиртой тиниқ тушунтиради-ю тез тушунтиролмайдди. То Топқиртой таклифини таҳлиллагунча, Тайтув тавкарбоз тайтувланди.*

Айтиш мумкинки, ижодкорнинг индивидуал маҳоратини белгиловчи ушбу тўқилган “гапирувчи” номлар ва лақаблар ёзувчининг субъектив муносабатини ифодалаш билан бирга, бадий матндан кўзланган метафорик юкини ўз зиммасига олган. Умуман, романда ёзувчи томонидан мослаб танланган исм ва лақаблар персонажларни баҳолашда, характер-хусусиятларини англашда, шуғулланаётган машғулотларини билишда, ижтимоий мавқеини, физиономиясини билишда китобхонга очқич вазифасини ўтаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы. –Т.: Фан, 1963.
2. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. –Т.: Фан, 2013.
3. Виноградов В. В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. –М.: академия наук, 1963.
4. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. Монография. –Самарқанд: Зарафшон, 1992.
5. Магазаник Э.Б. Ономапоэтика или “говорящие имена” в русской литературе. –Т.: Фан, 1978.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. –Т.: Академнашр, 2012.
7. Рашидова М. Ўзбек тилидаги лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. –Т.: 2008.
8. Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. –Т.: 2009.
9. Қиличев Э. Айний асарларидаги антропонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1978. –№4. –Б.21-24;
10. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: ЎЗМЭ, 2002.

**SHE’RIYATDA LAKONIZMNING VOQELANISHIDA METONIMIK
IFODALARNING LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI
(Jamol Kamol she’riyati misolida)**

**Komil Abdikarimovich Qarshiyev,
Samarqand davlat universiteti
qoshidagi akademik litsey
ona tili va adabiyoti o‘qituvchisi**

Virtual olamning inson ongiga ta’sir-natijasi o‘laroq badiiy jimjimadorlikdan xoli, shaklan ixcham, mantiqan tugal, mazmunan ko‘lamdor, g‘oyaviy pishiq, ramziy

3-шубҳа

umumlashmalarga ega asarlar so‘nggi yillarda o‘z ishtiyoqmandlariga ko‘proq ega bo‘lmoqda. Bunda badiiy asarning lakonizm qonuniyatlari asosida yaratilishi davr taqazosidir. “Lakonizm (yun. lakonismas – laonikacha) – fikrni ixcham shaklda lo‘nda va aniq ifodalash [4;150]. Shaklan siqiq, mazmunan va mantiqan tugal, g‘oyaviy tiniq asarlar adabiyot tarixida qadimdan mavjud bo‘lib, bugungi kunda ham ulardan g‘oyaviy-badiiy ilhomlanish mavjud. Qolaversa, maqol, matal va aforizmlar lakonizmning yorqin namunasidir.

Nasrda lakonizm, asosan, A. Qahhor ijodida va istiqloq davrida yaratilgan mini roman (U. Hamdam, “Na‘matak”)larda, nazmda esa mumtoz siymolar: U.Hayyom, P.Mahmud, A.Navoiy, Z.M.Bobur kabilarning falsafiy ruboiylarida, zamonaviy o‘zbek she‘riyatida E.Vohidov, J. Kamol, A.Oripov, R.Parfi, Sh. Rahmon, M.Yusuf kabi shoirlarning kichik lirik janrdagi asarlarida to‘rtlik va sakkizliklarida bo‘y ko‘rsatadi. Lingvopoetik jihatdan she‘riyatda lakonizmning voqelanishini, asosan, metonimik ifodalar, turli ellipsisli qurilmalar va substantivatsiya (otlashish) kabi hodisalar bajaradi. Bunda metonimik ifodalarning o‘rni salmoqli. Poetik sintaksisda vazn, qofiya va logik urg‘u talabi bilan gap bo‘laklari o‘zgargan tartibda joylashadi. Bu inversion misralar o‘zida bir qancha lingvopoetik xususiyatlarni mujassamlashtiradi:

Nurga peshvoz chiqib boradi borliq,

Tunga vafo aylar go‘zal subhidam.

Men ham shivirlayman, hislarim yoniq:

– *Baxtim, sen siylasang,, siylayman men ham...*[1;249].

Ko‘rinadiki, ushbu misralar *a,b,a,b* tarzida qofiyalangan, ya‘ni birinchi misradagi ega (borliq) uchinchi misradagi ot kesim (yoniq) bilan, ikkinchi misradagi ega (subhidam) to‘rtinchi misradagi yuklamali ega (men ham) bilan o‘zaro qofiyalangan. Qofiya o‘rnidagi so‘zlarda q va m tovushlarining raviy vazifasida kelishi musiqiylikni ta‘minlab, she‘rga ko‘tarinki ruh bag‘ishlaydi. Qofiya va poetik urg‘u talabi bilan so‘z tartibi inversiyaga uchragan. Shu bilan birga, “*nur*”, “*borliq*” va “*subhidam*” so‘zlari metonimiya hodisasi asosida lakonizmni vujudga keltirgan. Chunki metonimiyaga uchragan gapning struktural modellashishida substantivatsiya hodisasidagi kabi ortiqcha so‘z va birikmalar tushirib qoldiriladi. Bu esa satrning shaklan siqiq, grammatik pishiq, falsafiy-badiiy teran quyma qoliplarda bo‘lishini ta‘minlaydi. Yuqoridagi misralarda iste‘dodli shoir Jamol Kamol “*nurga*” deganda “*tongdagi tiriklikni qarshi olgan quyosh nuriga*”, “*borliq*” deganda “*borliqdagi barcha mavjudotlarni*” “*subhidam*” deganda “*tongdagi hayotni qarshhi olgan shaxs va narsa-hodisalar*”ni nazarda tutgan. Anglashiladiki, metonimik ifodalar misralarning poetik sintaksis mezonlariga eskizlash bilan birga shaklan siqiq, mazmunan barqarorligini ta‘minlaydi, lingvopoetik sayqallashtiradi. Sintaktik parallelizm vositasida birinchi va ikkinchi misradagi tun va tongning kontrast tasvirini uchinchi va to‘rtinchi misralardagi oshiq va ma‘shuqning hijronli holatiga tashbeh qilgan. Bunda tun – oshiq yoki lirik qahramon, subhidam (tong) – ma‘shuqa. Shoir misralarini poetik sintaksis me‘zonlariga moslashtirishda, shakl va mazmun jihatdan sayqallanishida, fikr va tuyg‘u olamini mavjlantiruvchi quyma satrlarga jo qilishda lakonizm qonuniyatlaridan unumli foydalangan. Yuqoridagi misralarda jonlantirish (borliqning

3-шубҳа

nurga peshvoz chiqishi), tazod (tun va subhidam), metafora (hislarim yoniq), nido (“baxtim” undalmali murojaati) kabi badiiy tasvir vositalari bor. Ular asarda muhim poetik yukni tashigan. Ammo satrlarning muxtasar modellashuvida metonimik ifodalar struktural vazifa bajargan. Metonimiya shaklan substantivatsiya hodisasiga o‘xshasa-da, ular bir-biridan farqlanadi. Substantivatsiya – lisoniy hodisa, ammo “metonimik hosila ma’noning vujudga kelishi, asosan, lisoniy bog‘lanish emas, balki obyektiv borliq hodisalari orasidagi nolisoniy aloqadorlik bilan bog‘langan” [3;111]. Ayrim hollarda, masalan, *Birni kessang o‘nni ek* kabi maqollarda metonimiya va substantivatsiya bitta gapda bir xil sintaktik qurilishda namoyon bo‘ladi.

Jamol Kamol she‘riyatidagi metonimik ifodalarni mazmunan ikki guruhga bo‘lish mumkin: a) ijtimoiy metonimik ifodalar;

b) intim metonimik ifodalar.

Ma’lumki, asil she‘riyat xalq og‘zaki ijodi, mumtoz adabiyot, jahon adabiyoti va davrdan oziqlangan bo‘ladi. Bunda shoir yashagan davrdagi ijtimoiy-siyosiy muhit asil ijokor qalbida tuyg‘ularni jumbushga keltiradi, uni muvozanatdan chiqaradi. Shu asnoda shoir xalq dardini kuylaydi. Ijodkor xalqning bir bo‘lagi bo‘lgani uchun ijtimoiy lirikada obyekt ham, subyekt ham lirik qahramonda mujassamlashadi. Bu esa ijtimoiy lirikada lakonizm talablaridan kelib chiqib metonimik ifodalarni vujudga keltiradi. Jamol Kamolning “Asr bilan vidolashuv”, “Yonayotgan dala”, “Paxtakor qo‘shig‘i”, “Lumimba qo‘shig‘i”, “Suvaydo”, “Adabiy tanqid”, “Orzu” kabi she‘rlari ijtimoiy lirikaga mansub bo‘lib, bularda ijtimoiy metonimik ifodalarni ko‘rish mumkin.

“Asr bilan vidolashuv” she‘rida lingvopoetik birliklar orqali lakonizmning voqelanishida shoir jumla va iboralarni quyidagicha qisqa strukturada modellashtiradi: “Asr bilan vidolashuv” jumlasini “XX asrdagi zulm, qabohat, urush, ekologik muommolar, olamshumul kashfiyotlar davri bilan vidolashuv” degan keng jumlaning metonimiyaga uchrab, qisqargan shaklidir. Jamol Kamolning ushbu she‘ri har biri sakkiz misradan iborat, jami o‘n ikki banddan tashkil topgan bo‘lib, to‘qson olti misrani o‘z ichiga oladi. Bir qarashda she‘rda lakonizm yo‘qdek, ammo bundagi bir asrlik voqelik ulkan epopeyadan ham ortib qolishi mumkin. Shoir XX asrda yuz bergan jahon urushlarini “*Daryo-daryo qonlar oqdi ayqirib*”, xalqning yetmish besh yillik qaramligini “*Mustabidlar o‘tdi davronlar surib*”, qurollanish poygasi – sovuq urushni “*Jahannam elchisi – atomni ko‘rdik*”, koinotga insoniyatning tashrifini “*Inson ilmi olis yulduzga yetdi*”, “*Inson qadam qo‘ydi to‘lin oy uza*”, kommunizmning puch g‘oyalarini “*Dohiyalar o‘tdilar, g‘oyalar qoldi*”, Orol fojiasini “*Orol qulligimiz qurboni bo‘ldi*” va eng asosiysi, mustaqillikka erishishni “*Istiqloq, ey mening asriy murodim, Ko‘zlarim ustiga qo‘yaver qadam*” misralarida ijtimoiy dard, qayg‘u va quvonch ila intim tuyg‘ularga vobastalikda tasvirlagan. Bir asrda ro‘y bergan voqeliklarning eng asosiylari qisqa va quyma satrlarda birgina she‘rda bayon qilish ijodkordan ulkan ijodiy tajriba va o‘ziga xos uslubni talab qiladi. Jamol Kamolning lirik qahramon tomonidan XX asr sarhisob qilingan, dinga, tarixga, ilm-fanga, tabiatga, insoniyatga oid voqeliklar ixcham bayon qilingan “Asr bilan vidolashuv” she‘ri olti jildlik saylanmasining birinchi jildi nomlanishiga asos bo‘lgan.

3-шубҳа

Shoirning “Yonayotgan dala” she’ri 80-yillar oxirlarida yaratilgan bo‘lib, unda qullikka uchragan paxta plantasiyasidagi xalq kuylanadi. Bu davr jihatdan ulkan jasoratni talab qilgan. She’rning “*Zal chapak chaladi... gurullaydi zal*” misrasi bilan boshlanishidayoq “zal”dagi laganbardor shaxslar qiyofasini metonimiya orqali tasavvur qilish mumkin. She’rning ikkinchi bandida lirik qahramon xalqni qul qilib ishlatish evaziga ko‘tarilgan ulkan xirmon “ega”larini olqishlayotgan zaldagi qarsakbozlarga qarshi chiqadi.

*Lol bo‘lib atrofga qarayman sekin,
Ular kulishadi, demak, ular haq.
Mening tasavvurim ufqida lekin
Yonayotgan dala – yonayotgan xalq [2;8].*

Anglashiladiki, ilm-hunar o‘rganolmayotgan, dunyodan xabarsiz, azamat umri dalada mehnat ilinjida yonayotgan farzand va ota-onalar timsoli rangin bo‘yoqlarda tasvirlangan va “Yonayotgan dala” birikmasida metonimiya orqali mujassamlashtirilgan. She’r davomida lirik qahramon jamiyatga, dunyoga quyidagicha achchiq haqiqatni metonimik ifoda orqali bayon qiladi:

*Paxta dalasida bugun, alqissa,
Gulxanlar yonadi taratib ziyo.
Qizlar, juvonlaring o‘zini yoqsa,
Uyal, ey jamiyat, uyal, ey dunyo! [2;8].*

Ko‘rinadiki, paxta dalasida ziyo taratib yonayotgan gulxanlar oddiy gulxan emas, ularda xalqning iste’dodlari, ilmi, ma’rifati, qolaversa, erki yonmoqda. “Qizlar, juvonlaring o‘zini yoqsa” misrasini o‘z joniga qasd qilish deb tushunmaslik kerak. Unda o‘z qadri va erkini paxta egatlarida yondirayotgan millat vakillarining umumlashma obrazi tasvirlangan. “Uyal”, - deya jamiyat va dunyoga murojaat zamirida jamiyat va dunyodagi yurt rahnamolari, millat vakillari ko‘zda tutilgan. She’rning lirik xotimasida sobiq ittifoqning xalq boshiga solgan qora kunlari “Xirosima” va “Chernobil” fojialaridan kam emasligi “g‘ubor”, “zarra”, “kul” obrazlari misolida tasvirlangan.

“Kechinmaga asoslangan she’rlar ixchamlikni, lakonizmni talab etadi, histuyg‘u tasvirining cho‘ziqligi she’rning ichki dinamizmini susaytiradi. Biroq shoir she’rlarining o‘zagida lirik kechinma tursa-da, ularning aksariyati hajman katta she’rlar”[5,109]. Jamol Kamol she’rlarining hajm jihatidan kattaligi ularda lakonizm yo‘q degan xulosani bermaydi. Aksincha, ularda shoir o‘z uslubidan kelib chiqib obyekt sifatida katta ijtimoiy davrning, voqelikning dramtik avj nuqtalarini tanlangan. Shoirning “Olam kirar yuragimga”, “Tun chorlaydi”, “Tabiat bazmi” va bir qancha sakkizliklarida lakonizmni ijtimoiy metonimik ifodalar yuzaga chiqaradi. “Olam kirar yuragimga” she’ri Jamol Kamolning she’riyat olamiga datlabki qadami bo‘lsa-da, “o‘tli dil”ning ajib navosi sifatida yangragan

*Suqlanaman tunlarimga yog‘dular toshqin,
Entikaman, o‘tli dilda orzular toshqin.
Quyosh sevib, bahor o‘pib, kechar kunlarim,
Yo‘llarimda kuylar toshqin, kulgular toshqin.
Olam kirar yuragimga ming jilva bilan,*

3-шубба

*Daryo – qo‘shiq,
Oqshom – shafaq,
Oy shu‘la bilan...[1;24].*

Tuyg‘ulariga suqlangan lirik qahramonning orzulari tasvirlangan ushbu misralar o‘zbek adabiyotiga voqeband kechinmalarning lirik musavviri bo‘lgan buyuk qalb egasi kirib kelishidan dalolat edi. “Olam kirar yuragimga jumlasida intim metonimik ifoda mavjud bo‘lib, u olamdagi hodisalar: tun, kun; narsalar: daryo, oy va quyosh kabilar yuragimga toshqin orzu va kulgu (hissiyot)larni ming jilva bilan olib kiradi, degan keng badiiy-falsafiy hukmni qisqa satrda mujassamlashtirgan.

Lakonizm asosida yaratilgan she‘riyatda badiiy jimjimadorlikka o‘rin yo‘qligini, lirika ruh va qalb tarjimasini ekanligini iste‘dodli shoir Jamol Kamol original satrlarda quyidagicha tasvirlaydi:

*Shoiro, sindir qalamni, qo‘y kerakmas jimjima,
Sen mening ruhimga kir, qalbmni etgil tarjima... [2;139]*

Xullas, lakonizm metonimiya, ellipsis, substantivatsiya kabi hodisalar orqali misralarda voqelanadi va asarning shakl va mazmun jihatidan mutanosibligini, g‘oyaviy yorqinligini, badiiy bo‘yoqdor va lingvopoetik jihatdan sayqallangan tilga egaligini ta‘minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Камол Ж. Аср билан видолашув. I жилд. –Т.: Янги аср авлоди, 2018.
2. Камол Ж. Ёнаётган дала. II жилд. –Т.: Янги аср авлоди, 2018.
3. Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –Т.: Fan va texnologiyalar, 2009.
4. Куронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2013
5. Хасанов Ш. Истедоднинг рангин жилolari // Шарқ юлдузи. 2019. 1-сон.

**O‘TKIR HOSHIMOVNING “IKKI ESHIK ORASI “ ASARIDA
UCHRAYDIGAN MAQOLLAR, HIKMATLI SO‘ZLAR TARJIMASI VA
TAHLILI**

**Malika Jamoldin qizi Bekiyeva,
Andijon davlat tibbiyot instituti
O‘zbek tili va adabiyot kafedrasi o‘qituvchisi**

Minglab kitobxonlarning sevimli adibi O‘.Hoshimovning ijodiy yo‘lining yetuklik bosqichi “Ikki eshik orasi” asari bo‘ldi. Roman kitobxonlar orasida iliq kutib olindi. Asar 1982-1985-yillarda yozilgan. 1986-yilda bosilib chiqdi va o‘sha yili roman yilning eng yaxshi asarlaridan deb topilib, Hamza nomidagi respublika Davlat mukofotiga sazovor bo‘lgandi. Asar – Muqaddima, yetti qism, qirq yetti bob va xotimadan iborat, yirik ijtimoiy, maishiy-axloqiy roman. Roman qariyb qirq yillik davrni qamrab oladi. Asar uzoq davrlik voqealarni, ko‘plab kishilar taqdiri, hayot yo‘lini, xilma-xil ijtimoiy, ma‘naviy- axloqiy muammolarni

3-шубҳа

o‘z ichiga oladi. Roman voqealarining bir uchi 30-yillarning boshlariga, ikkinchi uchi 70-yillarning oxiriga borib taqaladi. Markazida Ikkinchi jahon urushi turadi. Eng mushkul sinovlardan yorug‘ yuz bilan o‘tgan insonlar qismati yorqin bo‘yoqlarda tasvirlangan. Qahramonlar qismati vositasida yozuvchi yashashning ma‘nosi, insonning insoniylik sha‘ni, burchi, ma‘suliyati, e‘tiqodi, maqsadlarini ko‘taradi, kitobxonni ular haqida o‘ylashga, bahsga chorlaydi. Qanday yashash va qanday yashamaslik kerak, degan savol asarning yetakchi falsafasi darajasiga ko‘tariladi. Bu falsafa qahramonlardan biri – ko‘pni ko‘rgan Orif oqsoqol tilidan berilgan “Ikki eshik orasi” to‘g‘risidagi xalqona hikmatda o‘z yakunini topadi [2;45].

“*Rost bilan yolg‘onning o‘rtasi – to‘rt enlik*” degan gap bor. Qiziq nega endi oz emas ko‘p emas to‘rt enlik? Gap shundaki, ko‘z bilan quloqning orasi - to‘rt enlik ekan. Eshitganiga emas, ko‘rganiga ishon...

Odamzodning umri u eshikdan kirib bu eshikdan chiqib ketishdek gap. Ana o‘sha ikki eshik orasidagi masofa hayot deb ataladi [1;23].

Asarda o‘nlab katta kichik obrazlar mavjud. Qimirlagan jon borki, deyarli hammasi davr dard-tashvishi bilan nafas oladi. Raykom sekretari Abdurahmonov, muallim Samadov, Rashid abzi, dyadya Vasya, Parcha opa, Ochil, Zuhra kelin kabi qahramonlardan tortib asarning markaziy qahramoni Muzaffarga qadar- barchasi murakkab, chigal mushkul taqdir egalari. Yozuvchi yetakchi qahramonlar xususan Muzaffar, uning tuqqan onasi Robiya, otasi Shomurod, o‘gay ota Umar zakunchi, sevgilisi Munavvar, “Qora amma”, Husan duma, Orif oqsoqol, Bashorarxon, Komil tabib obrazlarini, ularning qalb dunyosini dramasini keng va har taraflama ochadi.

Har bir milliy tilning boyishi, sayqallanishi asosan o‘sha tilini tashkil etuvchi ichki resurslar hisobiga sodir bo‘ladi. Har bir milliy til o‘zining lug‘at tarkibi va grammatik qurilishiga ega bo‘lib, asosan o‘zining ichki taraqqiyot qonun qoidalari asosida rivojlanadi, boyiydi, to‘xtovsiz ravishda kamolotga intiladi. Tilning lug‘at tarkibi uning asosiy qurilish materiali hisoblanib, tilning rivojlanishi, boyishi shu lug‘at tarkibining rivojlanishiga, boyishi va kengayishiga bog‘liqdir. Lug‘at tarkibining kengayishi va rivojlanishida esa frazeologik birliklar (maqollar, hikmatli so‘zlar, iboralar, matallar)ning o‘rni beqiyosdir. Bizning asosiy tahlil obyekti bo‘lgan O‘tkir Hoshimovning “Ikki eshik orasi” asarida uchraydigan maqollar, hikmatli so‘zlar, iboralarning tarjimai va tahlilini o‘zbek va ingliz tillarida ko‘rib chiqamiz.

Frazeologiya – Grek tilidan olingan bo‘lib, ikki so‘zdan ya‘ni –“ifoda”, “so‘z”lardan tashkil topgan. Frazeologiya tilshunoslikning ajralmas bir qismi bo‘lib, u tilning frazeologik birliklarini ham tarixiy, ham zamoniyl nuqtayi nazardan o‘rganadi [6;67]. Frazeologiya tilshunoslikning yetarli darajada rivojlanmagan yosh sohalardan biri bo‘lib unga oid ko‘pchilik masalalar hozirgacha talay munozaralarga sabab bo‘lmoqda. Bu tortishuv va munozaralar frazeologiyaniing hajm vo obyekti masalasiga ham aloqador bo‘lib, olimlar hanuzgacha bu masala bo‘yicha yagona bir fikrga kela olganlari yo‘q. Aytaylik, frazeologiyaniing hajmi to‘g‘risidagi masalada xilma – xil fikrlarni

3-шубҳа

uchratish mumkinki, bularning biri ikkinchisini inkor etadi. Masalan, maqollarni, ba'zan esa matallarni ham frazeologizmlar tarkibiga kiritish yoki kiritmaslik to'g'risida olimlar bayon qilgan fikrlarda hanuzgacha bir xillik yo'q. Frazeologizmlar ikki va undan ortiq so'zlardan tashkil topgan bo'lib, ularning ayrimlari gapda ayrim so'z sifatida ma'lum bir sintaktik vazifada keladi. Oddiy, erkin so'z birikmasida tuzilishi so'zlovchining tashabbusi hamda nutq mavzusiga asoslangan bo'ladi. Frazeologik birliklar esa tilda uning lug'at tarkibida tayyor holda mavjud bo'ladi, gapiruvchi bu yerda tashabbus ko'rsatishga o'ziga; masalan "xamir uchidan patir", "toqati toq bo'lmoq". Bularni "Frazeologik qotishmalar" deb atash maqsadga muvofiq chunki, ularning leksik tarkibini umuman o'zgartirib bo'lmaydi. Erkin so'z birikmasida so'lovchi o'zining bilim darajasiga qarab ularni o'rnini almashtirish omonim, sinonim va antonimlardan foydalanishi mumkin. Frazeologik birliklarda, agar uning biror komponentini almashtirish mumkin bo'lgan so'zlar miqdori o'lgangan bo'ladi. Ular frazeologik qotishmalardan farqi shundagi ularning bir komponentini o'zgartirish mumkin. Frazeologik birliklarni o'rinli ishlatish so'zlovchi va tinglovchi kuchi va vaqtini tejashga ham xizmat qiladi [8;67].

Akademik V.Vinogradov frazeologizmlarni uch turga - 1.Frazeologik qo'shilmalar, 2.Frazeologik butunliklar va 3.Frazeologik chatishmalarga bo'lgan bo'lsa, N. M. Shansky frazeologizmlarni to'rt turga - 1. Frazeologik chatishmalar, 2.Frazeologik butunliklar, 3.Frazeologik qo'shilmalar va 4.Frazeologik iboralarga bo'lib tekshiradi, N. M. Shansky klassifikatsiyasi V.V.Vinogradov klassifikatsiyasidan, so'zsiz, mukammalroq bo'lib, bu klassifikatsiyaga binoan maqollar to'rtinchi tur - frazeologik iboralar tarkibiga kiritiladi [7;98]

Ko'pincha ikki tilli, jumladan, "Fransuzcha - ruscha", "Nemischa - ruscha", yuqorida aytib o'tganimiz - "Inglizcha - o'zbekcha" frazeologik lug'atlarni tuzgan leksikograf olimlar ham maqol va matallarni frazeologizmlar tarkibiga kiritish haqidagi fikrlarni yoqlaydilar va ularni o'zlarining frazeologik lug'atlariga kiritadilar.

Biz ham yuqorida nomlari keltirilgan olimlardan ko'pchiligining fikrlariga qo'shilgan holda maqollarni frazeologizmlar tarkibiga kiritish tarafdorimiz

Ilmiy adabiyotda frazeologik birliklarning turg'un so'z birikmalar ekanligi, ularning nutq jarayonida yangidan yaratilmasdan, balki doimo tayyor holda bir xil tarkibda qo'llanilishi olimlar tomonidan bir emas, bir necha martalab ta'kidlangan.

Masalan : *Mashaqqatsiz rohat yo'q - A cat in gloves catches no mice* [6;43].

Maqol - Xalq og'zaki janri bo'lib, qisqa va lo'nda, obrazli, grammatik va mantiqiy tugal ma'noli hikmatli ibora chuqur mazmunli gap. Muayyan ritmik shaklga ega. Maqol - xalqning pand - nasihati, ma'naviy - axloqiy xulosasi, xalq milliy aks - sadosi, til tabiatining hikmatli mezonidir. Maqollarda avlod-ajdodlarning hayotiy tajribalari, jamiyatga munosabati, tarixiy, ruhiy holati, etik

3-шубҳа

va estetik tuygʻulari, ijobiy fazilatlarini mujassamlashgan. Asrlar mobaynida xalq orasida shakllanib, ixcham va sodda poetik shaklga kelgan. Qisqasi – turmushda sinalgan, tugal umumiy maʼno anglatuvchi ixcham jarongdor shaklga kirib qolgan xalq hikmatiga maqol deyiladi.

Maqollar mavzu jihatdan nihoyatda boy va xilma-xil, Vatan, mehnat ilmu-hunar, doʻstlik, ahillik, donolik, hushyorik, til va nutq madaniyati, sevgi va muhabbat kabi mavzularda shuningdek, salbiy xislatlar xususida rang – barang maqollar yaratilgan. Maqol uchun mazmun va shaklning dialektik birligi, koʻp hollarda qofiyadoshlik, baʼzan koʻpmaʼnolilik, majoziy maʼnolarga boylik kabi xususiyatlar xarakterlangan. Maqolda antiteza hodisasi koʻp uchraydi. (*“Kattaga hurmatda boʻl, kichikka izzatda boʻl”* kabi) [5;87].

Turkiy xalqlarning maqollaridan namunalar dastlab Mahmud Qoshgʻariyning *“Devoni lugʻatit turk”* asarida keltirilgan. Bu maqollarning bir qanchasi hozir ham oʻzbek xalqi orasida turli variantlarda ishlatiladi. Masalan M.Qoshgʻariy asarida *“Kishi olasi ishtin, yilqi olasi tashtin”*; *“Odam olasi ichida, mol olasi tashida”* kabi.

Maqol baʼzan masal, zarbulmasal, naql, hikmat, hikmatli soʻz, tanbeh, mashoyixlar soʻzi, hikmatli maqol, donishmandlar soʻzi, otalar soʻzi, kabi nomlar bilan ham yuritiladi. Masalan, Navoiy hazratlarining asarlaridagi koʻplab iboralar (*“Tilga eʼtiborsiz, elga eʼtiborsiz kaboilar*) ham maqol darajasida keng tarqalib ketgan. Maqollarning ijtimoiy-siyosiy va tarbiyaviy ahamiyati gʻoyat katta. Ularda asosan toʻla tugallangan fikr-xulosa ifodalanadi. Oʻzbek xalq maqollarini ilmiy oʻrganish va ulardan namunalar keltirish ishiga vengeryalik Herman Vamberi, rossiyalik A.Samoylovich kabi olimlar XIX asr oxiri va XX asr boshlarida katta hissa qoʻshdilar. 1867-yilda Germaniyaning Leyptsig shahrida nashr etilgan *“Chigʻatoy tili darsligi”* asariga asosan Xorazmda ommalashgan bir qancha maqollarni kiritgan. Bundan tashqari folklorshunoslikning rivojlanishi va Mansur Afzalov, R.Isʼhoqov, Z.Husainova, A.Musoqulov kabi olimlarning izlanishlari natijasida *“Dengizdan qatralar”*, *“Qanotli soʻzlar”*, nomli toʻplamlar, ikki jildlik *“Oʻzbek xalq maqollari”* kitoblari chop etildi [3;143].

Maqollarning ijtimoiy-siyosiy va tarbiyaviy ahamiyati gʻoyat katta. Matal – narsa va hodisalarni obrazli ifodalovchi, tilda keng istufoda etiladigan nutqiy tarkib. Matalda narsa tasviri, uning xarakteristikasi beriladi, aytilmoqchi boʻlgan fikr muddaoni boshqa vositalarni goʻya mutasaddi qilgan holda ifodalaydigan koʻchma maʼnoli nutqiy tarkib boʻlib, unda xulosa boʻlmaydi, unga ishora qiladi. Maqolda esa toʻla tugallangan fikr-xulosa ifodalanadi.

Maqollarnig koʻpchiligi qadim zamonlardan paydo boʻlib, oʻzlarning eski, ibtidoiy holatini tilda asosan saqlab kelganlar. Ular tilning nutqdan – nutqqa, avloddan – avlodga koʻchib yuradigan bilinmas, yaxlit formalariga aylanib ketgan turgʻun iboralardir [4;89].

Shunday qilib, matallar qatorida maqollarga tilning freazeologik materiali sifatida yondoshamiz.

Quyidagi misollarda ularning farqini koʻrishimiz mumkin.

3-шубба

Maqol

Soʻzlovchi nodon boʻlsa,
Tinglovchi dono boʻlishi kerak.

Matal

Oʻzini aka, echkisini taka demoq.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati

1. Hoshimov Oʻtkir. Ikki eshik orasi. –T.: Oʻqituvchi, 1986.
2. Oʻzbekiston Milliy ensiklopediyasi. Davlat milliy nashriyoti, –T.: 2003.
3. Shomaqsudov Sh. Maʼnolar maxzani. –T.: Oʻzbekiston milliy Davlat nashriyoti, 2001.
4. Azamatov M. Hikmatlar xazinasasi. –T.: 1982.
5. Mirvaliyev S. Oʻzbek Adiblari. –T.: Fan, 1993.
6. Irisqulov M. Tilshunoslikka kirish. –T.: 2008.
7. Musayev Q. English stylistics. –T.: 2003.
8. Aznaurova Z. Translation theory and practice. –M.: 1989.

ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИК ШАКЛЛАР СТИЛИСТИКАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Азамат Бахриддинович Холиқов,
Қарши ДУ Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчиси**

Маълумки, грамматиканинг морфология ва синтаксис номлари остида икки қисмга ажратилиш ҳолати грамматик стилистикада ҳам сақланади ва у морфологик стилистика ҳамда синтактик стилистика каби икки кўринишда намоён бўлади. Грамматика сўзнинг шакл ёки синтактик қурилманинг луғавий ва грамматик маъноларини ўрганса, грамматик, стилистика уларнинг қўшимча - экспрессив маъноларини, вазифавий хусусиятларини ўрганади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида грамматика билан стилистика биргаликда фақат грамматик шаклларнинг нимани ифодаланишинигина эмас, балки қандай ифодаланишини ҳам ўрганади. Грамматик стилистиканинг бир қисми бўлган морфологик стилистика ҳар бир грамматик шаклнинг, сўз ясовчи воситаларва ҳар хил бошқа шаклларнинг стилистик хусусиятларини ўрганади.

Маълумки, ўзбек тилида аффикслар доирасидаги маънодошлик (синонимия) ҳодисаси ҳам кенг тарқалган: шу сабабли // шу сабабдан; талабалардан бири // талабаларнинг бири; отга минди // отни минди; савлатли // савлатдор // басавлат... каби. Шунингдек, ўзбек тилида сўз ясовчи ва грамматик маъно ифодаловчи жуда кўп аффикслар ўз вариантларига эга ва улар бир-бири билан ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Масалан, жўналиш келишиги кўрсаткичи -га ҳозирги тилимизда -ка, -қа вариантларида учраса, эски ўзбек тилида -ға (борарға - қилурға, сўрарға) кўринишда учрайди. Феъллардаги –гиз

3-шубҳа

кўрсаткичи –киз, -ғиз, -қиз; -каз; -газ ва ҳатто, баъзан –кар (ўткар, еткар) вариантларида учрайди [1;90].

Бундан ташқари, бир келишиқ кўшимчаси ўрнида иккинчи келишиқ кўшимчаси қўлланади ва икки хил синтактик қурилма ҳосил қилади. Бу ҳодиса ҳозирда морфологик стилистиканинг текшириш объекти сифатида қаралмоқда. Қуйидаги ҳолатда айни шу ҳодисани кузатиш мумкин: Пул бериб дафттар, қалам олиб келишга буюрди (келишни буюрди); Барча керакли адабиётларни кўриб чиқишга // чиқишни тавсия қиламан; Баъзан бундай қурилмаларда синтактик шакл ўрнида аналитик шаклни қўллаш ҳоллари ҳам учрайди: Ўз қарашларини гапирди // ўз қарашлари ҳақида гапирди; Ҳар ким ўз дардини гапирди // ҳар ким ўз дарди тўғрисида гапирди каби [1;97].

Бундай қурилмаларнинг ҳар бири стилистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бирининг қайси нутқ услубига хосланганлигини аниқлаш синтактик стилистиканинг вазифаси саналади. Масалан, синтактик шакл иштирок этган ҳолатлар жонли сўзлашув нутқи учун хосланган бўлиб, аналитик шакл эса публицистик, расмий нутқ услубларига хослангандир.

Тилимизда баъзан айрим грамматик шакл плеонастик (қўш) қўлланади. Бундай қўллаш нутқда ортиқчаликни вужудга келтириши, нутқ равшанлигига путур етказиши, фикрни хиралаштириши, бачканалаштириши мумкин: тойчоқчагинам, кичкинагина, ичилиб қўйилди, то мактабгача, Янгиқишлоқ қишлоғи, бир калима сўз, ўн йиллар ўтди. 6 та ўғил - қизларим бор, ҳар бир далилларни каби қўлланишларда грамматик шакллар ёки сўзларнинг ўринсиз, мақсадсиз қўлланиши натижасида ана шундай ҳол юз берганини кузатамиз: кичкинагина типидagi қўллашларида –гина, олиниб бўлинди қўлланишидаги –ин, ичилиб қўйилди типидagi қўлланишларда олдинги сўздаги –ил, то мактабгача қўлланишида –то воситаси, кейинги бирикмаларда қишлоғи, калима сўзлари, ўн йиллар ўтди, олтига ўғил - қизларим бор, ҳар бир далилларни бирикмаларида –лар аффикси ортиқча ишлатилган ва нутқда ғализлик туғдирган.

Ҳар бир далиллар бирикмасида ҳар бир белгилаш олмошининг ишлатилиши –лар қўшимчасининг қўлланишига йўл қўймайди ва аксинча. Чунки ҳар бир олмоши миқдорни чегаралаб, умумдан ажратишни, яққаликни билдиради, яъни кўпдан бирни ажратади, -лар аффикси эса, кўплик кўрсаткичи. Шунинг учун ҳар бир олмоши ишлатилган ўринда –лар аффикси ва –лар ишлатилган ўринда ҳар бир олмошини қўллаш ўзини оқламайди [1;91]. Бироқ грамматик шакл ёки бошқа воситаларни плеонастик қўллаш ҳамма вақт ҳам нутқда ортиқчалик туғдиравермайди. Баъзан жуда ўринли, тушунган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзда тутиб, шундай қилинса, нутқни равон қилади, фикрни аниқ, лўнда, бор нозикликлари билан ифодалашга ёрдам беради, нутқ таъсирчанлигини оширади, маънони кучайтиради, бўрттиради: Улуғ айём кунлари; шунча йил туз - намак бўлдик; беш панжасини оғзига тикади; айтганини қилмай қўймайди; биз ўзимиз айтиб кўямиз типидagi қўлланишларда ана шу ҳолни кузатамиз. Тўғри, намак, калима, айём, панж сўзлари форс-тожик тилларида туз, сўз, кун, беш сўзларига тўғри келади. Бироқ

3-шуба

ўзбек тилида улар, биринчидан, бошқа маънода қўлланилиши мумкин бўлса, иккинчидан, кучайтирувчи восита вазифасини бажарувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Жумладан, улуғ айём кунлари бирикмасида айём сўзи кун маъносида қўлланган эмас, у маълум бир санани ифодалаган, беш панжасини бирикмасида панжа сўзи бармоқ маъносида, бир калима сўз бирикмасида калима сўзи сўз лексемасининг аниқловчиси бўлиб келган ва ақлли, фикрли, лўнда сўзлари маъносида қўлланган; туз-намак қўлланишида эса ўзбек тилида, оғзаки нутқда кўп учрайдиган нон - пон, чой - пой типидаги ҳолатни кузатамиз. Бундан ташқари, бу қўлланишда туз - намакнинг ибора ҳолига келиб қолгани кўзга ташланади ва у бирга турдик, бирга бўлдик бирикмалари ифодалаган маънони англатади. Худди шу бирикмада улардан биттасини қўллаш мумкин эмас.

Кейинги мисолда инкор формасининг (-ма) иккала сўзда ҳам иштирок этиши тасдиқ маъносини анча кучайтириб, бўрттириб баён қилишни таъминлаган [1;93]. Масалан: *“Бирлари мўлтонинамо хийлагар, бирларидир гавсифату гавда ҳар”* [2;121]. Бу мисолдаги бирлари сўзи таркибидаги –лар аффикси гўё ортиқчадек. Чунки бир сонидан кейин кўпликни билдирувчи –лар кўрсаткичи, одатда, ишлатилмайди. Бироқ шоир бу ўринда стилистик мақсадда жуда ўринли фойдаланган.

Адабий меъёрда ҳар бир кўрсаткичнинг ўзак-негизга қўшилишдаги ўрни қатъий белгиланган. Аммо маълум бир стилистик мақсадни кўзда тутган ҳолда уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин: *“Қалбимни сен кўзимданми англадинг”* [3;76]; *“Осмондаги булутларнинг хўмрайишиданми, қўрқдингиз”* [3;83]; боринглар – борларинг, кетинглар//кетларинг; борганми эди - борган эдими, айтиб эдимми – айтибми эдим; даданг уйдаларми – даданг уйдадилар; айтмабмидим – айтмаб эдимми [1;93] (оғзаки нутқда қўлланилиши).

Мисоллардаги биринчи икки гапда –ми юкламаси аслида, адабий меъёрга кўра, англадинг ва қўрқдингиз сўзларига қўшилиб келиши керак эди: англадингми, қўрқдингизми типиди. Аммо ёзувчи бу шаклни олдинги сўзга қўшади ва бу билан ўзига хос экспрессивлик ҳосил қилади, таъсирчанликни оширади, нутққа бадиийлик бахш этади. Кейинги мисолларда –инг ва –лар аффиксларининг ўрнини алмаштириш ҳурмат ёки ҳурматсизлик маънолари- ни ифодаласа, борганми эди – борган эдими тарзидаги шакли маънони кучайтириш ва таъкидлашга хизмат қилади.

Айрим грамматик шаклларни адабий меъёрда белгиланганидан (одатдагидан) бошқачароқ қўллаш, маълум бир нутқ стилининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб қўллаш нутқнинг бузилишига олиб келмай, балки нутқнинг ранг-баранглигини таъминлайди, экспрессивлигини оширади, ҳатто характер яратиш учун ҳам хизмат қилади [1;90]. Аммо бундан бошқачароқ қўллаш у ёки бу услубнинг ўзига хос стилистик меъёрлари тақозо этган даражада бўлсагина ўзини оқлайди. Масалан, қора, ора, менга сўзларини фақат шеърийтадагина қаро, аро, манго типидида қўллаш, -ур, -мак каби шаклларни ҳам фақат шеърийтадагина, поэтик стилдагина ишлатиш ана шундай натижа бериши мумкин.

3-шубба

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги ўзбек тилшунослигида грамматик шакллар стилистикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга касб этади. Нутқда бир хилликдан қочиш, унга экспрессив услубий бўёқ бериш, ҳар бир услубнинг ўзига хослигига эътибор қаратиш, грамматик синонимлардан тўғри фойдаланиш жуда муҳим. Зеро, грамматик шаклларни ўз ўрнида тўғри ва мақсадга мувофиқ қўллаш нутқимизнинг таъсирчанлигини оширади, уни ҳар хил ғализликлардан халос этади. Шунингдек, нутқ таъсирчанлигини оширади, нутқ аниқлиги, ифодалилигини таъминлайди, у тасвирий восита вазифасини ҳам бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тожиев Ё., Ҳасанова Н. ва б. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
2. Муқимий. Асарлар, –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
3. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. 3-том. –Т.: Фан, 1975.

ТИЛ КОРПУСИДА СИНТАКТИК АННОТАЦИЯ (РАЗМЕТКА) ТУРЛАРИ

**Отабек Хидиров Жўрабоевич,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчи**

Тил корпусида синтактик разметка масалалари жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида атрофлича тадқиқ этилган. Хусусан, М.В.Копотев, Г.Б.Гурин [1;280-284], Ж.Лич [2;275] асарларидаги назарий маълумотлар ўзбек тили корпусида синтактик таҳлил дастурини ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлиши билан аҳамиятли. Ж.Лич томонидан яратилган синтактик аннотациялаш принципини кузатиш шуни кўрсатдики, синтактик аннотацияси мавжуд корпуснинг фойдаланувчилар аудиторияси кенг бўлади; бундай корпуснинг ахборот тизимлари билан алоқа ўрнатиш имконияти кенгроқ бўлади. Шу билан бирга, муаллифларни маркировканинг изчиллиги учун барча жавобгарликни зиммасига юкламайдиган, лекин мавжуд таснифларга асосланиб, корпусни яратишга ёндашув тилнинг тавсифларидаги бўшлиқларни аниқлашга, тилга бўлган ҳар хил ёндошувдаги нуқсон ва қарама-қаршилиқларни аниқлашга имкон беради. Ж.Личнинг сўнгги постулатида айнан шу масалага эътибор қаратилади: “There can be no claim that the annotation scheme represents ‘God’s truth’. Rather, the annotated corpus is made available to a research community on a caveat emptor principle. It is offered as a matter of convenience only, on the assumption that many users will find it useful to use a corpus with annotations already built in, rather than to devise and apply their own annotation schemes from scratch (a task which could take them years to accomplish)”[3;275].

3-шубҳа

М.В.Копотев, Г.Б.Гуриннинг фикрига кўра, синтактик разметкалалаш ҳақида гап кетганда, бугунги кунда рус тили корпусини тўлиқ разметкалалашда синтактик таҳлил дастури учун ишлатилиши мумкин бўлган учта назария мавжуд:

1. Тобе-ҳокимлик муносабати грамматикаси (И.А.Мелчук, И.М.Богуславский, Л.Л.Иомдин ва б.).
2. Тизимли схема грамматикаси (Н.Ю.Шведова, В.А.Белошапкина ва б.);
3. Анъанавий синтактик таълимотлар (А.А.Шахматов, В.В.Виноградов, Н.С.Валгина ва б.).

Кўриняптики, синтактик таҳлил дастури тузиш принципларини ишлаб чиқиш дастур учун назарий асос вазифасини ўтайдиган назариялар фарқланади; асосланиши кутилаётган назария танлаб олинади. Демак, ўзбек тили корпуси учун синтактик разметка яратишда ҳам ўзбек тили синтаксисига бўлган ёндашувларни фарқлаш талаб этилади.

Бундан ташқари, турли хил назариялар доирасида тавсиф даражаси ҳар хил бўлади. Тобе-ҳокимлик грамматикаси синтактик муносабат турларига кўпроқ эътибор қаратади (масалан, ЭТАП-3 тизимида, у асосида яратилган корпусда номланган муносабатлар сони 80 га яқин), бошқа томондан, гап бўлаклари ҳақидаги анъанавий таълимот тадқиқотчига синтактик алоқаларни батафсил таснифлашни таклиф қилади. Шу маънода, 1980 йилги рус грамматикасининг синтаксиси энг ноаниқ бўлиб туюлади [4; 280].

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ноаниқ синтактик назария билан муваффақиятли синтактик таҳлил дастури ҳамда разметка тизимини яратиш бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, рус олимлари барча ёндашувларни бир хил даражада қабул қилишмайди. “Назарий жиҳатдан энг нейтрал” синтаксис сифатида, шубҳасиз, гап бўлаклари таснифига асосланган анъанавий грамматика тан олиниши керак. Рус тили тиниш белгилари қоидалари мактаб ўқитувчиси учун ҳам, профессионал тилшунос ҳам бир хил терминологик тизимга эга. Бошқа томондан, узок вақт давомида Россиянинг кўплаб университетида асосий ҳисобланиб келган В.А.Белошапкина таҳриридаги дарсликнинг тарқалиши кўп ўқитувчиларни, асосан, таркибий схемалар синтаксисига таянишига олиб келди. Шу билан бирга, тобе-ҳокимлик грамматикаси тилшуносларга нисбатан кам маълум, чунки ундан, одатда, амалий муаммоларни ҳал қилишда фаол ишлатилади. Шундай қилиб, “назарий нейтраллик постулати”ни қондирадиган, етарлича мукамал синтактик назарияни танлаш энг масъулиятли вазифа саналади.

Барча оммалашган ёндашувларни муҳокама қилгандан сўнг, **ХАНКО** яратувчилари синтактик аннотациялаш учун иккита алтернатив синтактик белгилаш схемадан фойдаланишга қарор қилишган: тобе-ҳокимлик муносабати ҳамда гап бўлаклари анъанавий синтаксиси. Ушбу ёндашувнинг аниқ эклектикаси билан, иккита схемани бирлаштириш куйидаги муаммоларни ҳал қилади:

3-шуба

1) синтактик тузилишнинг икки томони, боғланишни батафсил тавсифлаш;

2) рус тили ўқитувчиси ҳамда профессионал тилшунос эҳтиёжларини қондириш;

3) фойдаланувчининг муқобил тартиб натижаларини мустақил равишда ёки биргаликда тақдим этиш талабини бажариш.

Ушбу турдаги изоҳни яратиш бўйича ишлар мантиқан икки қисмга бўлинади.

Маълумки, анъанавий ёндошув асослари XIX асрда рус тилшунослари тадқиқотларида мукамал ишланган. Рус тили синтаксисининг энг тўлиқ тавсифини 1960 йилларнинг академик грамматикаси деб ҳисоблаш мумкин. Замонавий таснифлар ҳозирги рус тили университет дарсликларида бироз ўзгариш, фарқ билан акс этирилган [5;170]. Ушбу ёндашувнинг афзалликлари қуйидагилар:

1) умумийлик ва соддалик;

2) бошқа синтактик ёндашувлар асосида (биринчи навбатда, структур синтаксис), тадқиқот учун материални билвосита излаш имкониятининг мавжудлиги; Анъанавий синтаксиснинг камчиликлари қуйидагиларда кўринади:

1) синтактик тузилмалар табиати тўғрисидаги замонавий ғоялар билан номувофиқлик;

2) синтактик бирликлар тавсифи ҳамда синтактик алоқани эътиборсиз қолдириш;

3) тавсифдаги номувофиқлик, муқаррар қарама-қаршиликлар (предпозицион гуруҳнинг йўқлиги, турли бўлак ичидаги бўлакни аниқ ажратиб олмаслик);

4) автоматик ишлов беришнинг мураккаблиги.

Бироқ ёндашувнинг кўрсатилган афзаллик ва камчиликлари иш натижасини оқламайди; аксинча, улар потенциал фойдаланувчининг тахминларини янада чигаллаштиради.

ХАНКО (Хельсинский аннотированный корпус қисқартмаси) яратувчилари оддий фойдаланувчига тушунарли бўлган разметка даражасини сақлаб қолиш учун умумқабул қилинган назариялардан фойдаланишни маъқул кўришган. Қуйида ХАНКОни ишлаб чиқилган тамойилларни келтиришни маъқул кўрдик, зеро, ўзбек тили корпуси синтактик теглар тизимини ишлаб чиқишда шу ва шунга ўхшаш ҳолатларда ушбу тамойилларга таяниш мумкин.

1. Муайян муаммони ҳал қилишда ХАНКО яратувчилари доим бу ёки бошқа синтактик маълумот қанчалик муҳимлиги, маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштиришда қанчалик муҳимлигига эътибор беришган. Қўлда бажариладиган ишларнинг қутулган ҳажми ва натижа қиймати кўпинча бир-бирига зид келади: масалан, детерминантни бирлик сифатида ажратиб кўрсатиш қўлда қилинадиган ишларнинг сезиларли даражада кўпайишига олиб келади (детерминантни қидиришни автоматлаштириш мумкин эмас), аммо бу ишни кетма-кет бажариш қийин бўлади, чунки концепциянинг кўлами “детерминант”ни турли матнда турлича аниқлайди.

3-шуба

2. Интерфейсинг қулайлигини ҳисобга олиш ҳам диққат-эътибордаги масала саналади. Синтактик маълумотлар турли хил бирликка, жумладан морфологик маълумотни ўз ичига олган матн шаклига, икки марта белги қўйилган ҳолларда киритилади.

Рус тили миллий корпуси морфосинтактик разметка билан таъминланган матнлар тўпламидан иборат. Демак, ҳар бир сўз шаклга морфологик изоҳ бириктирилиши билан бирга сўз (гап бўлаклари)га унинг қайси гап бўлаклиги эканлигини билдирувчи изоҳ (тег) ҳам ёзилган; ҳам бир гап учун унинг синтактик структураси кўрсатиб берилган. Ушбу корпуснинг разметкаси ярим автомат режимда ишлайди. Дастлаб, ҳар бир матн ЭТАП-3 дастури асосида морфологик ва синтактик таҳлилдан ўтади, олинган натижа мутахассис томонидан тахрирланади. Ушбу корпус разметкаси шундай аниқ ишланганки, корпус материали морфологик, синтактик омонимиядан холи. Морфосинтактик разметка билан бирга, лексик тавсиф ҳам мавжуд бўлиб, ушбу функция идиоматик бирликларни изоҳлаш (теглаш)да қўл келади, чунки турғун бирикмалар ҳам семантик муносабатлар асосида таҳлилдан ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Копотев М.В., Гурин Г.Б. Принципы синтаксической разметки хельсинкского аннотированного корпуса русских текстов ХАНКО //Труды международной конференции «Диалог 2006» // Б.280-284
2. Leech G. Corpus annotation schemes // Literary and Linguistic Computing, 1993, № 8/4. Pp. 275.
3. Leech G. Corpus annotation schemes // Literary and Linguistic Computing, 1993, № 8/4. Pp. 275.
4. Копотев М.В., Гурин Г.Б. Принципы синтаксической разметки хельсинкского аннотированного корпуса русских текстов ХАНКО //Труды международной конференции «Диалог 2006» // Б. 280.
5. Валгина Н.С., Современный русский язык. Синтаксис. М.: Высшая школа, 2003.; Кустова Г.И., Мишина К.И., Федосеев В.А. Синтаксис современного русского языка. –М., 2005.

**ADABIY MUHIT TUSHUNCHASI REALLASHUVIDA MILLIYLIK,
ADABIY AN'ANA HAMDA VORISLIK**

*Shahnoza Dilshodbek qizi Azimjonova,
Andijon DU mustaqil tadqiqotchi*

Davriy va hududiy elementlarni o'zida shakllantirgan, mavjud shart-sharoitlar hozirlangan ijodkorlarning kamol topishiga xizmat qiluvchi adabiy muhit tushunchasini o'rganish, tahlil va talqin etishda milliylik, adabiy an'ana va vorislik tushunchalari adabiy atmosferaning reallashuvi jarayonlarida muhim ahimiyat kasb etadi. Milliylik bu, *“adabiyotning biror millatga mansubligi, muayyan milliy –*

3-шубҳа

adabiy turda yaratilib, o'sha xalqning o'ziga xos madanyati, urf-odatlar va ruhiy dunyosining ifoda etishi. Adabiyotning milliyliги faqat shaklda emas, balki mazmun-mohiyatda akslanadi" [4;376-377]. Shunday ekan, o'zbek adabiyotida milliylik tushunchasi qamrov jihatdan asl negizi qadimgi turkiy adabiyot bilan bog'lanadi. Mahmud Qoshg'ariyning "Devoni lug'atit-turk", Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig", Yassaviyning "Devoni hikmat" kabi asarlarda turkiy xalqlarga xos marosim va urf-odatlar, xalqimizning milliy udumlari aks etgan o'rinlar mavjud. Bu an'ana mumtoz adabiyotimiz namoyondalari asarlarida ham kuzatiladi. Yaqin vaqt oralig'idagi sharq adabiyoti: turk, ozarbayjon, arab, fors-tojik dunyosi adabiy muhitiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, turkiy xalqlarga oid milliy udum va urf-odatlar, marosim-tadbirlari adiblar tomonidan yaratilgan asarlarda o'z aksini topadi. Ayni tarixiy davrda yaratilgan badiiy asarlar o'sha davr xalq hayoti va madaniyati, adabiyoti va tarixidan hikoya qiladi. Turk adabiyotida Nozim Hikmat, Aziz Nesin, Rishod Nuri Gultegin, ozarbayjon realistik adabiyotining asoschisi Mirzo Fatali Oxundov kabi ko'plab adiblarning badiiy asarlarida milliylik, millatiga xos g'urur, tili va madaniyatiga hurmat unsurlarini ko'rishimiz mumkin. Chunonchi, o'zbek adabiyotida ham milliylik tushunchasi keng tushuncha hisoblanib, ko'plab badiiy asarlarda o'z aksini topgan. Xususan, XIX asr oxiri XX asr boshlarida Toshkent adabiy muhitida yashab ijod etgan adiblarimiz Behbudiy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Abdulla Qodiriy, Abdulla Avloniy, Karimbek Kamiy asarlarida ham kuzatiladi. Xususan, Abdulla Qodiriyning "Uloqda" hikoyasida xalqimizning qadimiy udumlaridan bo'lgan – uloq voqeasi tasvirlanadi. "O'tkan kunlar" romanida esa to'y marosimlari g'ozal ifoda kasb etadi,"Mehrobdan chayon "romanida Anvarning do'sti Nasim vafotidan so'ng kuylagan marsiyalari timsolida badiiy asarda milliy ruh ifodasini ko'rishimiz mumkin. M.Toshqinning "Turmush urinishlari" asarida esa marosim va qadimiy urf-odatlar keltirib o'tiladi.

Adabiyotimizning ko'plab namoyondalari o'z asarlari orqali ona tilimizga bo'lgan muhabbatni, milliyligimizni aks ettiruvchi an'ana va udumlarimizni, to'y marosimlarini, milliy liboslarimizni go'zalligini ayrim o'rinlarda keltirib o'tgan. Bundan anglashiladiki, ijodkorlar tomonidan yaratilgan adabiy muhitda ma'lum bir me'yorlar mavjud bo'ladi. Badiiy asarlardagi milliy ruh ifodasi ham me'yor hisoblanib, ma'lum bir tarixiy taraqqiyotga va hududga mansub xalqning milliy mentalitetidan kelib chiqqan holda voqealanadi.

Adabiy muhit tushunchasining reallashuvida adabiy aloqalar va adabiy an'analarning ham o'rni beqiyos. Adabiy aloqalar adabiy muhit atmosferasining taraqqiyotida mavjud qonuniyatlardan biri bo'lib, milliy adabiyotlarning doimiy suratdagi o'zaro hamkorligi, ta'siri va aks ta'sirini ifodalaydi. O'zbek milliy adabiyotiga jahon, sharq xalqlari adabiyotining o'zaro ta'siri xususida yuqorida ta'kidlagan edik.

Adabiy an'anaviylik unsuri esa *"dunyoni ijodiy o'zlashtirish davomida adabiy tajribada sinalgan estetik qarashlar, motiv, sujet, janr, uslub kabilar yangi davr ijodkorlari tomonidan qabul etib joriylanishidir"* [6; 217-224]. *"Darhaqiqat, muayyan davrda ijodkorlar tomonidan erishilgan yutuqlar, to'plangan tajribalar fondi kelasi avlod vakillari tomonidan o'rganilmasa, yangicha ruh berib*

3-шубҳа

rivojlantirilmasa, u adabiyotga aylanmaydi va o'sha davrga tegishlilik kasb etadi xolos. Adabiy an'analar bir til, millat yoki adabiy muhit doirasida emas, balki jahon adabiyoti namunalariga nisbatan ham qo'llaniladi" [2; 219]. Adabiy an'analarni davom ettirib, ijodiy asarlarida tarix va zamoni uyg'unlashtirish natijasida adabiy muhitda, adabiyotimizda vorislik yuzaga keladi. Misol tariqasida, aruz vaznida ijod qilish an'anasi mumtoz adabiyot namoyondalari paytida eng cho'qqiga chiqqan bo'lsa, bu an'ana hali-hamon davom etib kelmoqda. Lutfiy, Alisher Navoiy, Bobur, Atoiy, Ogohiy, Amiriy, Sakkokiy kabi ko'plab ijodkorlar aruz vaznining go'zal namunalarini yaratgan bo'lsalar, XIX asr oxiri XX asr boshlarida A.Avloniy, S.Xondayliqiy, Kamiy, Hamza kabi ijodkorlar, yangi o'zbek adabiyotida esa Erkin Vohidov, Hamid Olimjon, Halima Xudayberdiyeva, Abdulla Oripov kabi bir qancha shoirlar adabiy an'analarni davom ettirib vorislik qildi. Shu o'rinda, bizningcha, adabiy vorislik tushunchasining ilmiy izohini keltirsak, maqsadga muvofiq bo'ladi. Professor H.Boltaboyev adabiy vorislik tushunchasini shunday izohlaydi. *"Adabiy an'analarni biror adib yoki milliy adabiyot tomonidan davom ettirishlik. Adabiy vorislik o'z istilohiy qamrov doirasiga adabiy ta'sir va izdoshlik tushunchalarini olishi mumkin. Biroq adabiy vorislik ta'sirlanish natijasida vujudga kelgan motiv, sujet, timsol va qahramonlarni emas, biror adabiy hodisaga tayanib, unga izdoshlik pozitsiyasida turib qabul qilishlikni emas, balki adabiy tajribadagi mavjud samarali jihatlarni qabul qilish, ularga egalik qilish orqali vorislik tuyg'usini shakllantirishni nazarda tutadi"*. Darhaqiqat, bizningcha, ham vorislik tushunchasini ba'zi o'rinlarda adabiy izdoshlik yoki adabiy ta'sir deb tushunilishi ham mumkin. Ammo adabiy muhitda, adabiy jarayonlardan ta'sirlanish natijasida vujudga kelgan adabiy yutuqlarning, boy tajribalarning samaralilarini o'zlashtirish va rivojlantirish orqali o'zlikni namoyon qilish va ergashish vorislik tushunchasini shakllantiradi. Xususan, mushoiranavislik, tazkirachilik, hikmatnavislik, devon tartib qilish an'analari o'zbek adabiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Adabiy muhit vakillarining bir adabiy davrada she'rlarning turli navlari xususida qilgan mushoira kechalari adabiy an'ana sifatida yillar davomida saqlanib qolgan. Adabiy mushoiralar o'zbek adabiyotida yangi iqtidor egalarini kashf etgan.

Tazkiranavislik sharq adabiyotida qadimiy an'anaga ega." "Lubobul-albob" (XIII asr, Avfiy Buxoriy), "Taskiratush-shuaro" (XV asr, Davlatshoh ibn Baxtshohiy Samarqandiy), "Majolis un-nafoyis" (XV asr, Alisher Navoiy), "Muzakkirul-ahbob" (XVI asr, Hasan Xoja Nisoriy) kabi tazkiralarni, endilikda yaxshi bilamiz" [5; 16]. Tazkiranavislik an'anasi, tabiiyki, muayyan davrdagi adabiy atmosferadan xabardor qiluvchi unsur desak, ham mubolag'a bo'lmaydi. Boisi, tazkira Sharq mumtoz adabiyotida keng tarqalgan adabiy-tanqidiy janr hisoblanadi. Bunda tazkira tartib qilgan ijodkor o'sha davrdagi adabiy hayotda faol bo'lgan shoir yoki adibning hayoti yoki ijodi bilan bog'liq voqea-hodisalarni ijod namunalarini yoritadi. "Tazkiralarda ijodkorlar haqida ma'lumotlar berish bilangina cheklanib qolmasdan, she'riyat va uning nazariy masalalari bilan bog'liq e'tiborga loyiq fikr-mulohazalar, ma'lum bir davr adabiy hayoti haqida muhim ma'lumotlar ham o'rin oladi. Tazkira yozish an'anasi dastlab arab va fors adabiyotida shakllangan bo'lib, keyinroq turkiy adabiyotda ham keng ommalashgan. Tazkiraning eng qadimgi namunasi sifatida Abu

3-шубҳа

Mansur as-Saolibiyning *“Yatimat at-dahr fi mahosili ahli asr” (XI asr) asari e’tirof etilgan. Turkiy tildagi ilk tazkira esa Navoiyning “Majolis un-nafoyis” asari ko’rsatilgan*” [1; 305]. Navoiy davridan keyin ham bu adabiy an’ana munosib davom ettirildi va o‘zbek adabiyotida o‘nlab tazkiralalar maydonga keldi. *“XVII-XVIII asrlar madaniy va adabiy hayotida, mazkur an’analardan o‘rgangan holda asosan to‘rt tazkira bunyodga keldi. Bularan uchtasi: “Tazkiratush-shuaro” (1604-1605 yillar, muallifi Mutribiy), “Muzakkirul-ashob” (1692 yil, muallifi Maleho Samarqandiy), “Riyozush-shuaro” (XVII asrning 40-yillari, muallifi Mullo Sodiq Samarqandiy), yana biri, to‘rtinchisi “Mazharul-musannifin” (1758-1759 yillar, muallifi Muhammad Amin bin Nurmuhammad Nasafiy) tazkirasi*” [7; 143]. Tazkiranavislik an’anasidagi samarali jihatlarni o‘zlashtirgan holda XIX asr oxiri XX asr boshlarida ham bu an’anaga ko‘plab tazkirachilar vorislik qildi. Xususan, *“Maleho Samarqandiyning “Muzakkir ul-ashob” (XIX asr), Rahmatulla Vozehning “Tuhfat ul-ahbob” (XIX asr), Fazliyning “Majmuai shoiron” (XIX asr), Ahmad Tabibiyning “Majmuai shoiron” (XIX asr); XX asr boshlari adabiyoti haqida ma’lumot beruvchi Ne’matulla Muhtaram, Mirsiddiq Hashmat va Abdilarning bir xil – “Tazkirat ush-shuaro” nomli, shuningdek, P.Qayumovning “Tazkirayi Qayyumiy” asarlari shunday tazkiralalar sirasidandir*” [1;305].

Tazkiranavislik bilan bir qatorda hikmatnavislik an’anasi ham o‘zbek adabiyotida yetakchilik qiladi. Hikmat deb atalgan tushunchaning paydo bo‘lishi esa Ahmad Yassaviy bilan uzviy aloqadorlik kasb qiladi. Tadqiqotchi I.Mannopov hikmat tushunchasini tadqiqi chog‘ida, hikmatlar barcha chiroyli ilm va foydali ishning nomini ifodalashini aytib o‘tadi va hikmatnavis shoirlar yassaviyona uslub va ruhda yozilgan she’rlarni an’anaga muvofiq tarzda hikmat deb nomlaganliklarini ta’kidlaydi. Hikmatnavislik an’anasi muayyan davrda doimiy taraqqiyot bosqichida bo‘lganligi haqida yozadi. Darhaqiqat, *“Hikmatnavislik an’anasi XII asrda adabiy muhitida vujudga kedi va shakllandi, XII–XIV asrlar hikmatnavislik an’anasining ilk davri bo‘lib, Sulaymon Boqirg‘oniy, Hubbi Xoji, Toj Xoji, Zangi ota, Said ota singari yassaviya mashoyixlarining namunalari bizgacha yetib kelgan. XV asrning ikkinchi yarmidan-XVII asr boshlarigacha bo‘lgan davrda Kamol shayx Ikoni, Shams O‘zgandiy, Qul Ubaydiy, Xudoydot, Qosim shayx Azizon, Muhammad olim Azizon singari hikmatnavis shoirlar ijodi ravnaq topdi. XVIII asrning ikkinchi yarmida-XIX asr birinchi yarmigacha bo‘lgan davrda Nizomiy Huqandiy, Gulshaniy, Jaloliy, Azim Xoji singari ijodkorlar hikmatnavislik an’anasining so‘ngi vakillari edi*” [3;24].

Hikmatnavislik an’anasi bilan yondosh ravishda devon tartib qilish ham katta bir adabiy an’ana hisoblangan. *“Devon sharq mumtoz adabiyotidagi she’riy to‘plamlarning asosiy turi. Sharq adabiyotida devon tartib berish an’anasi shakllangan bo‘lib, bu an’anaga qat’iy amal qilingan. She’riy majmuaning devon sanalishi uchun devonga kiritilgan she’rlar, bir tomondan janriga ko‘ra, ikkinchi tomondan alifbo tartibiga ko‘ra joylashtiriladi*” [1;86-87]. O‘zbek mumtoz adabiyotida Lutfiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Nodirabegim kabi ijodkorlar devon tuzish an’anasini boshlab bergan bo‘lsa, bugunga qadar ham bu an’ana davom etib kelmoqda. Xususan, Erkin Vohidovning *“Yoshlik”* devoni buning yaqqol isbotidir.

3-шубҳа

Davriylik va hududiylik unsurlariga bogʻliq tarzda yuzaga kelgan adabiy muhitda ham, albatta, ijodkorlar orasida ergashishlik, izdoshlik qilish anʼanalari davom etadi, boisi fikrdan fikr quvvat olib, jamiyatdagi va adabiy olamdagi tub evrilishlarning, gʻoyalarning, oʻy-mulohazalarning paydo boʻlishiga zamin yaratadi.

Xulosa oʻrnida aytish mumkinki, adabiy muhit tushunchasi oʻz-oʻzidan paydo boʻlmaydi va ilmiyat bilan shunchaki bogʻlanmaydi. Uning jamiyatda reallashuvi va adabiy hayotni aks ettirishida, adabiy muhitni shakllantirgan ijodkorlar boshqa adabiyot naʼmunalari bilan tanishadi, yangiliklar oladi, adabiy olamni qiyosiy – tipologik tahlil qiladi. Tanishish jarayonida taʼsirlanadi boshqa bir adabiyot bilan ijodiy aloqada boʻladi, taʼsirlanishlar va yutuqlarni oʻzlashtirib, adabiy anʼanalarni davom ettirib oʻtgan adabiyot namoyondalariga, adabiy voqea-hodisalarga vorislik qiladi. Shu tarzda muayyan davrda mavjud va ijodkorlar tomonidan yaratilgan adabiy muhit doimiy adabiy jarayonda, tinimsiz ravishda taraqqiyot kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lugʻati. –T.: Akademnashr, 2013.
2. Boltaboyev H. Adabiyot ensiklopediyasi. –T.: 2015.
3. Mannopov I.S. Oʻzbek mumtoz adabiyotida hikmatnavislik anʼanasi va tadriji. f.f. b.f. dok. dissertatsiyasi avtoreferati. –Fargʻona.: 2009.
4. Хализев В.Е. Региональная и национальная специфика лит-ры. теория лит-ры. –М.: Высшая школа, 2005.
5. Abdullayev V.A., Valixoʻjayev B.N. “Majolis un-nafoyis” tipidagi bir tazkira haqida // Oʻzbek tili va adabiyoti. 1965. 5-son;
6. Valixoʻjayev B. Oʻzbek adabiy-tanqidiy qarashlari tarixidan, –Samarqand: SamDu asarlari, 138-seriya, 1964.
7. Верли. Единство литераурной традиции.Общее лит-видене. –М: Иностран.лит-ра.1957.
8. Oʻzbek adabiyoti tarixi, III tom. XVI asrdan XVIII asrning 70-yillarigacha. – T.: 1978.

3-шуъба

USMON AZIM SHE'RLARI MATNINING LEKSIK-SINTAKTIK
XUSUSIYATLARI

Zarina G'aniyeva,

Jizzax DPI O'zbek tili va adabiyoti fakulteti II-bosqich magistranti

Ilmiy rahbar: Dilnavoz Akmalovna Salimova,

*Jizzax DPI O'zbek adabiyoti o'qitish**metodikasi kafedrası dotsenti**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

Badiiy matn adabiy til tarixi, grammatika, leksikologiya uchun tahlil obyektı sifatida qaralishi bilan birga poetik nuqtayi nazaridan ham tahlilga tortilishi matnning lingvopoetik tahlilini taqozo etadi. "Poetik va nasriy matnlarni sharhlab o'qish hamda tahlil qilish, matnni "lingvistik mikroskop ostida" o'rganish (fonetika, leksik, morfemik, morfologik, sintaktik tahlil usullari)ga [4;23] qaratilsa, badiiy ifoda vositalari ham har qanday badiiy matnning asosiy parametrlaridan biri sanaladi va matnga san'at asari degan bahoni beruvchi muhim ashyolaridan biri hisoblanadi. Matnning "san'at" darajadagi bahosi matn tilining qanchalik to'g'riligi bilan o'lchanadi. Zero, "to'g'ri bo'lmagan nutqdan badiiylik izlash mantiqqa ziddir, chunki noto'g'ri nutq badiiyatni yelkasiga ololmaydi" [2;16]. Aynan nutqning to'g'riligi mohiyatida matnning til va badiiylik xususiyatlari birdek ishtirok etadi. Badiiylikning til vositalari asosida yuzaga kelishida tilshunoslikning leksikologiya hamda stilistika sohalari mezonlari muhim o'rin tutadi. Lingvopoetik tahlil masalalari bo'yicha salmoqli tadqiqot va izlanishlar ishlangan bo'lsa-da, bizning nazarimizda lingvopoetik tahlilning yechilmagan dolzarb masalalari hanuz uchraydi. Chunki lingvopoetik tahlilning umumiy tamoyillari har qanday matnga xos umumiy xususiyatlarni – grammatika, leksikologiya, uslubshunoslik hamda matn g'oyaviy-badiiy qimmatini belgilovchi unsurlar kabi masalalari doirasida o'rgansa, lingvopoetikaning xususiy tamoyillari orqali matn muallifining individual o'ziga xos - so'z qo'llash mahorati, aql-idrok, reallikni voqea-hodisalar va mazmun-mohiyatni ochib berganlik jihatlari o'rganiladi. Matnni yuzaga chiqaruvchi san'at bisoti so'z vositasida amalga oshiriladi. Fikrimizdan ravshan bo'ladiki, so'z matnda alohida ahamiyat kasb etadi. So'z esa o'z navbatida badiiy nutqni shakllantiradi. Lingvopoetik tahlil har bir matn uchun alohida hodisa sifatida qaraladi, ya'ni har bir badiiy matn lingvopoetik tahlil etilganida matnning boshqa matnlardan farq qiluvchi bir qancha xususiyatlari ko'zga tashlanganligi bois har bir matnning boshqalaridan ajratib turadigan farqlarini namoyon qiladi. Masalan, bir yozuvchining boshqa yozuvchidan matn sintaktik qurilishining farq qilishi nuqtayi nazaridan olinganida ikki adabiy darg'a - Oybek va Abdulla Qahhor uslubining mutlaqo bir-biriga o'xshamaydigan uslubi ma'lum bo'lishi ko'p bor tadqiqotchi va olimlarimiz tomonidan tilga olingan, yozuvchi Oybekning murakkab qo'shma va ergash qo'shma gaplardan foydalanishdagi samarali yondashuvi, Abdulla Qahhorning sodda gaplardan maqsadini ochib bera olish mahorati lingvostilistik mezonlar jihatidan ham tadqiq etilgan. Biz Mirzakalon Ismoilii bilan, ijodiga xos til uslubini qiyoslaganimizda ham betakrorlik kasb etadi. Betakrorlik ham lingvopoetik tahlil

3-шубҳа

tamoyillarida muayyan stilistik vazifani o‘tashini nazarda tuib betakrorlik she’riy asar matnlariga juda xos hodisa ekanligini ta’kidlamoqchimiz. O‘zbek she’riyatining yorqin vakili Usmon Azim she’riyati tilidagi betakrorlik she’riy dastlab ikki lingvistik xususiyatni kuzatish imkonini beradi:

1. Matnning sintaktik xususiyatlarida:

-sintaktik qurilishi oddiy, murakkablashtirilgan qo‘shma gaplardan xoli tarzda uchraydi:

Siz yoqqansiz menga hamisha,

Faqat buni etmovdim oshkor.

O‘ylovdimki yurak topishar

Bizdan ketgach sabru ixtiyor.

-uyushigan bo‘laklar barmoq she’r vazniga she’riy ohang berish uchun xizmat qiladi:

Yolg‘izgina jahonim,

Osmondagi tobonim,

Mening ko‘nglim to‘lmadi –

Ko‘nglimni to‘ldir jonim.

Ko‘nglim bulutday cho‘kdi.

Ko‘nglim qabrday cho‘kdi.

Noumidlik ichra g‘arib

Bejon sabrday cho‘kdi [3;62].

-atov gap she’r vazni uchun muayyan stilistik vazifa o‘taydi:

Kechirgin... Tun qoramas – men qoraman,

Yulduzlardan toki ko‘ngling aroman.

Yoz! Ijzat so‘ra tangridan,

Bir kechaga qolayin butun...

Poetik fikrni berish uslubida teran falsafiy fikr-mulohaza, voqea-hodisaga munosabat matn mazmun-mohiyatini aks ettiradi. She’r matnlari sodda sintaktik qurilishining aksariyat murakkablashgan sodda gaplar tizimidan tashkil etib boradi. Bir ipga tortilgandek murakkab sodda hamda vositasiz qo‘shma gaplarning ketma-ketligi she’r ohangdorligini ta’minlashga xizmat qiladi.

Matnning leksik xususiyatlarida:

-hayotga, jamiyatga munosabati vatanni sevishi, davr oldida o‘zini mas’ul deb bilishdan iborat shoirlik pozitsiyasi turli tashbeh, metafora, o‘xshatish kabi tasvir vositalarining badiiylikni ta’minlashga xizmat qiladi:

Qizg‘aldoqlar gulxaniga

Isingani ketdim men...

Ariq bo‘ldim yoz bog‘larida,

Tanda yuvdim qiyoqlarini,

Yoz o‘ltirdi qirg‘oqlarimga –

Osiltirib oyoqlarini [1;18].

-alvon, mavj, dil, bog‘ kabi poetemalarning turli fe’l turkumiga oid tashbeh, jonlantirish vositlari bilan birga faol qo‘llanishi she’riy matn poetik obrazini yaratish asnosida turli-tuman bo‘yoqlarni kashf etishga undaydi:

3-шубба

*Alvon dashtda mavjli-mavjli
Shamol kabi yugurdim.*

*Bir mevangda qizardim alvon,
Bir bargingda ko'kdan ko'k bo'ldim.*

*Ariq bo'ldim yoz bog'larida –
Yo'ng'ichqalar aro taraldim,
Daraxtlarning yaproqlarida,
Mevasida qayta yaraldim [1;43].*

Usmon Azim she'riy matnlari lingvopoetik tahlili shundan dalolat beradiki, matn leksik-grammatik tabiatiga xos hodisalar shoirning she'riy matnlarida nafaqat badiiy tasvir vositalaridan qay darajada foydalanganligi bilan o'lchanadi, shuningdek, o'zbek tilining boy sintaktik resurslarini barmoq vazniga o'rinli sola bilganligi bilan ham ahamiyat kasb etadi. Akademik Naim Karimov ta'kidlaganidek, “*Lirik qahramonning yoniq ruhiy holatini bir-ikki chizma bilan yaqqol gavdalantirib beradi*” [3].

Fikrlarimizga xulosa sifatida aytmoqchimizki, badiiylik maqomini olgan har bir asar badiiylikni va tili (nutqi)ning boyligi, to'g'riligi kabi kategoriyalari mezonlariga amal qilganlik darajasi lingvopoetik tahlil asnosida aniqlanadi. Shu tariqa matn muallifining badiiy mahorati, tasvirlashdagi bilim saviyasi, voqelikni kuzatishdagi sinchkov nigohi hamda idrok etish tafakkuri uning tilida namoyon etarkan, lisoniy va badiiy (lingvistik va poetik) tahlil qilishga ehtiyoj sezadi, ayni paytda tahlil har bir matn muallifining o'ziga xos ijod betakrorligiga ega ekanini ma'lum qiladi. Qolaversa, lingvopoetik tahlil tilimizning boy resurslaridan biri badiiy matnlar ekanini asoslab beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Azim Usmon. G'ussa. She'rlar va doston. –T.: Kamalak, 1994.
2. Yo'ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. –T.: Fan, 2008.
3. Karimov N. Usmon Azim tavalludining 30 yilligi munosabati bilan o'tkazilgan adabiyot forumida so'zlagan ma'ruzasi. 2011. 23.05. – Elektron resurs. WWW. Htpi Usmonazim.
4. Qilichev E. Matn lingvistik tahlili. – Buxoro: BuxDU, 2000.

3-шуба

ПЕДАГОГИК ТЕРМИНЛАРГА ДОИР ЛИНГВИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Зумрад Козимжонова Холматова,
Наманган ДУ Лингвистика: ўзбек тили
йўналиши магистранти**

Истиқлол йилларида таълим-тарбия масаласига жуда катта эътибор қаратила бошланди. Таълимнинг “ўзбек модели” яратилди ва бу модел жаҳон маърифатчиларининг эътирофига сазовор бўлди. Мустақиллик шарофати билан таълим тизимида бир қатор янги тушунчалар ва бу тушунчаларни ифодаловчи “балл”, “стандарт”, “педагогик технология”, “ноанъанавий дарс”, “ҳамкорликда ўқитиш”, “тил компетенцияси” каби янги атамалар Қ.Тўлабоев [1], Ш.Юсупова [2], Ф.Абдумажидов [3], М.Мирмахсудова [4], М.Собирова [5,7], А.Собиров [8]ларнинг тадқиқотларида ҳам изохланди. Бу ва шу каби педагогик терминларга оид атамалар таълим микромайдонини ташкил этган лексемалар системасида муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек тили лексик системасида таълим билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи қатор лингвистик бирликлар бўлиб, бу тушунчаларни англатувчи бирликларни семантик-структур таҳлил этиш ўзига хос самара беради. Хусусан, бундай гуруҳга мансуб сўзларни бир неча ички бўлинишлар орқали ажратиш мумкин:

- таълим билан боғлиқ умумий тушунчалар номлари;
- шахс номлари;
- жой номлари;
- нарса-предмет номлари;
- белги ифодаловчи номлар;
- ҳаракат ифодаловчи сўзлар ва бошқалар.

Педагогик терминлар билан бевосита боғлиқ бўлган “таълим”, тафаккур” семали лексемалар ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Одатда, илмий ва бадиий манбаларда таълим билан боғлиқ турли сўзлар, синтактик қурилмалар учрайди. Шунингдек, таълим билан алоқадор шахс номларидан *ўқитувчи, бола, домла, директор, мудир* сингари лексемалар ҳам кўп ишлатилади. “*Ҳамроев ҳеч қачон мажлисга борган эмас, аммо фурсати бўлганда бир тайёрланиб бормоқчи ва бола тарбиялашни билмаган ёки бу ишга совуққонлик билан қараган ўқитувчиларни уялтирмоқчи эди.*” (Ў.Х) деб келтирилган парчада *бола* лексемасининг “оила аъзоси”, “фарзанд”, “кичик” сингари семаларидан фақатгина “кичик” семаси сақланган, шунингдек, ушбу лексема ўқувчи, тарбияланувчи маънолари билан намоён бўлмоқда. *Директор, мудир, ўқитувчи* тарзидаги шахс номлари “шахс”, “таълим берувчи” семалари билан бирлашмоқда ва ўз навбатида, улар ўртасида маълум даражаланиш муносабати ҳам мавжуд.

3-шуба

Педагогик терминлардан таълим билан боғлиқ жой номлари таркибига кирувчи *мактаб* лексемаси ҳам энг кўп қўлланади. *Мактаб* лексемасига хос “жой”, “бино”, “хусусий”, “муассаса”, “таълим” семалари мавжуддир.

Таълим билан боғлиқ нарсa-предмет номларига мансуб *дафтар*, *газета*, *қозғоз*, *китоб* лексемалари маълум семаларини сақлаган ҳолда қўлланилади. *Қозғоз* лексемаси таркибида “нарсa”, “юпқа”, “ёзишга мўлжалланган”, шунингдек, “хужжат” семалари мавжуддир.

Қатор матнларда таълим билан боғлиқ бўлган белги ифодаловчи “*аъло*”, “*яхши*”, “*ўрта*”, “*ёмон*” сўзлари қўлланилиб, улар “таълим”, “баҳо”, “даража” семалари билан умумийлик ҳосил қилади ва даража кўрсаткичлари асосида ўзаро фарқланади.

Таълим тушунчаси билан боғлиқ *ўқимоқ*, *таълим бермоқ*, *қўймоқ* (*баҳо*), *билмоқ*, *ёзмоқ* ҳаракат англатувчи бирликлар ҳам тилимизда фаол ишлатилади. Бундай ҳолат таҳлил объекти сифатида олинаётган бирликларнинг синтагматик муносабати асосида ҳам ўрганишни талаб қилади.

Бу қаторга кирувчи *аъло*, *қониқарли*, *қониқарсиз* сўзлари асосан таълимда ўқувчининг меҳнатини баҳолаш учун қўлланилади. *Яхши*, *ўрта*, *ёмон* лексемаларида “белги” семаси архисема бўлиб, “таълим”, “даража” семалари фақат нутқда бошқа шу семага эга бўлган бирликлар билан қўлланилгандагина воқеланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ушбу парадигмага кирувчи лексемалар орасида градуал муносабат мавжуд бўлиб, қуйидагича даражаланади:

аъло – *яхши* – *ўрта/қониқарли* – *қониқарсиз*

Бунда “белги” семаси ижобийдан салбийга қараб даражаланади.

Таълим билан боғлиқ бўлган “белги” семали лексемалар орасида “шахс” семасига эга бўлган лексемалар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай бирликларга *аълочи*, *қолоқ* сингари лексемаларни киритиш мумкин.

Юқоридаги бирликлар билан бирга, ўзбек тилидаги айрим лексемаларнинг архисемаси “белги” семаси бўлмаса-да, улар “таълим” семали “шахс”, “предмет” семаси билан воқеланган бирликлар билан семантик асосда боғланади. Чунки “парадигма аъзолари нутқ жараёнида ҳар қайси тилнинг муайян қонун-қоидаси асосида ҳамда парадигма аъзосининг маъноси доирасида бошқа парадигма аъзосининг варианты билан синтагматик муносабатга киришади.

Проф. Ш.Искандарова ўзбек тилидаги шахс номларини мавзу гуруҳларига ажратар экан, инсоннинг билим, қобилият ва қизиқиши асосидаги шахс номларини қобилият, билим, тажриба ва маълумот асосида фарқланган ички гуруҳларга бўлади. Булар таркибига *қобилиятли*, *талантли*, *нўноқ*, *оми*, *авом*, *аҳмоқ*, *доҳий*, *даҳо*, *доншиман*, *мутафаккир*; *уста*, *моҳир*, *эписиз*, *маҳоратли*, *мутахассис*, *олим*; *полиглот*, *машойих*, *сиёсатдон*, *психолог*, *файласуф*, *қонунишунос* тарзидаги қатор бирликларни киритади [6.9].

Маълумки, тафаккур нутқда намоён бўлади. “Тафаккур” архисемали феъллар ичида “етиб бормоқ” ифодаси алоҳида ўрин эгаллайди. “Етиб бормоқ” феъли ўз доирасидаги бошқа бирликлар билан “тушунмоқ”, “фаҳхламоқ”

3-шуба

семалари воситасида умумий белги ифодалайди. “Тафаккур” архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи феъллар таркибидаги “англамоқ” феъли “онг”, “ақл”, “тушунмоқ” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма абзоларидан фарқ қилади. “Онг”, “ақл”, “тушунмоқ” белгилари “англамоқ” феълнинг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади. “Тафаккур” семаси асосида *тафаккур, ақл, билим, дид, заковат, зеҳн, идрок, илм, интеллект, мия, мулоҳаза, муҳокама, онг, тамиз, тушунча, тасаввур, уқув, фаросат, фаҳм, фикр, хотир, эс, ўй, истеъдод, иқтидор, қобилият, лаёқат, хаёл, талқин, мушоҳада* кабилар лексик сатҳ доирасида бир парадигматик системанинг элементларини ташкил этади. Тафаккур архисемали фраземалар “ўйламоқ”, “фаҳмламоқ” семалари асосида бирлашади. Булар сирасига *миясига келмоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ, хаёлидан ўтмоқ, кўнгилдан ўтмоқ, бошидан кечмоқ, хаёл сурмоқ, ўй сурмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўймоқ, ўйга ботмоқ* каби фраземалар мансуб бўлиб, улар ўзаро «тафаккур» семаси орқали бир парадигмани ташкил этади.

“Тафаккур” архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи фраземалар таркибидаги *миясига келмоқ* фраземаси “бирдан”, “тез фурсатда”, “қисқа муддат” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма абзоларидан фарқ қилади. “Бирдан”, “тез фурсатда”, “қисқа муддатда” белгилари *миясига келмоқ* фраземасининг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади. *Ўй сурмоқ* фраземаси “тафаккур” архисемали парадигма абзосини ташкил этади. “Берилмоқ”, “узоқ муддат”, “давомли”, “мулоҳаза юритмоқ”, “муҳокама қилмоқ” каби хусусий белгиларига эга. *Хаёлга ботмоқ, хаёлга чўймоқ* фраземалари ҳам айнан тафаккур жараёни “ўта берилмоқ”, “бутунлай киришмоқ”, “чексиз” белгилари билан намоён бўлишини ифодалайди.

Ўйга ботмоқ, ўйга чўймоқ фраземалари ҳам “ўйламоқ”, “фаҳмламоқ” умумий сема асосида “тафаккур” архисемали бирликлар каторидан жой олади. Фикрлаш жараёнининг “ўта берилмоқ”, “бутунлай киришмоқ”, “чуқур” белгиларига эга ва бу белгилар *ўйга ботмоқ, ўйга чўймоқ* фраземаларининг хусусий семаси ҳисобланади.

Тафаккур жараёнининг соддадан мураккабга томон бориши натижасида “ўйламоқ”, “фаҳмламоқ” семали парадигма абзосини ташкил қилувчи фраземалар орасида градуал муносабат ҳосил бўлади.

хаёлига келмоқ - хаёлидан ўтмоқ - хаёл сурмоқ - хаёлга чўймоқ

Бу фраземаларда тафаккур жараёнининг кечиши, муддати нуқтаи назаридан ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолат юзага чиқмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тилимиздаги таълим микромайдони бирликларини чуқур таҳлил этиш семантик макросистемани яхлит тадқиқ этишда катта аҳамиятга эга. Билим олиш шахсининг борлиқни идрок этиши, ўрганиши, машқ қилиши ва муайян тажриба асосида мавжуд билимларини такомиллаштириб, бойитиб боришини ифодаловчи жараён ҳисобланар экан, илмий билимларни тушунарлилик, илмийлик, мукамаллик тамойиллари асосида ўрганишда қўлланиладиган педагогик терминларнинг мазмун-моҳиятини кенг ўрганиш муҳим ўрин тутади.

3-шубҳа

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тўлабоев Қ. Ҳозирги замон дарсларига талаблар ва уларни балл асосида баҳолаш тажрибасидан. – Наманган, 1996.
2. Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усул ва компьютердан фойдаланиши) Пед.фан.ном.автореф. – Т., 1998.
3. Абдумажидов Ф. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонунига шарҳлар. – Т.: Адолат, 1999.
4. Собирова М. Тил таълимида ахборот технологияларини қўллаш. Мазлума Асқарова ва ўзбек тилшунослиги масалалари. Респ. илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: 2014.
5. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фанл. докт... дисс.автореф. –Т., 1999.
6. СобироваМ. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. VIII Международной научно-практической интернет-конференции «Проблемы и перспективы развития науки в начале третьего тысячелетия в странах Европы и Азии». Сборник научных работ. Переяслав-Хмельницкий. 2014 год.
7. Собиров А. Узлуксиз таълимда тил компетенцияси // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон. 2016. –Б. 8.

**BOLALAR FOLKLORIDA BADIY TAKRORLARNING O‘RNI VA
MOHIYATI
(“Alla” janri misolida)**

**Gulchehra Toyir qizi Qo‘shmonova,
Guliston DU Filologiya fakulteti 2-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Obida Xolbekovna Fayzullayeva,
Guliston DU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi**

Nafaqat o‘zbek xalq og‘zaki poetik ijodini, balki dunyo folklorshunosligini ham bolalar og‘zaki ijodisiz bir butun deb hisoblab bo‘lmaydi. Zero, qadim zamonlardanoq barcha millat vakillari o‘z xalqi farzandini ma‘nan va jismonan mustahkam qilib tarbiy alashga intiladi. Jumladan, o‘zbek xalqi ham yosh avlodni yetuk qilib tarbiyalashda bolalar folklorining turli janrlaridan, xususan, alladan unumli foydalanib kelgan.

Alla – har bir insoning go‘dakligidan ong-u shuuriga singib ketgan qo‘shiq hisoblanadi. Allada onaning armon-u hasratlari, orzu va umidlari o‘z aksini topadi. “Alla” so‘zining lug‘aviy ma‘nosiga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, olimlarning fikricha

3-шубҳа

bu soʻz “ovutib uxlatish” degan maʼnoni anglatadi. Ushbu janrning mavzu koʻlamdorligi ham keng boʻlib jumladan quyidagicha: “ ... 1) *onaning farzand koʻrganiga shukrona keltirishi*; 2) *onaning farzandiga baxt-saodat tilashi, uning kelajagi porloq boʻlishini Allohdan soʻrash*; 3) *oʻzining his-tuygʻulari, baʼzan turmushidan hasrat qilishlarini bayon qilishi*” [4. 142-b.].

Alla janri oʻzbek folklorshunosligida aksariyat hollarda toʻrt qatordan iborat band shaklida uchraydi. Ammo ijrochi xohishiga koʻra bu uchlikdan tortib sakkizlikka qadar boʻlishi mumkin. Boshqa ogʻzaki janrlarda uchragani singari alla matnida ham bir necha badiiy tasvir vositalarning qoʻllanishining guvohi boʻlishimiz mumkin. Jumladan, tashxis, takrir, tashbeh, istiora, sifatlash, alliteratsiya va shu kabilar. Ushbu maqolada alla janrida keng qoʻllaniladigan lafziy sanʼatlar tarkibiga kiruvchi takror vositalarning oʻrni va mohiyatini, shuningdek, mazmunini tilshunoslik jihatidan tahlilga tortmoqchimiz.

Badiiy takrorlar nafaqat yozma adabiyot durdonalarida balki xalq ogʻzaki poetik ijodida, xususan, allada ham keng koʻlamda qoʻllanilgan. Ushbu oʻrnda badiiy takror vositalarining bir necha koʻrinishlari mavjudligini aytib oʻtish joizdir. Mukarrar, anafora, epifora, inafora va takrirlar shular jumlasidandir. Yuqorida keltirilgan badiiy takror vositalarining deyarli barchasini bolalar xalq ogʻzaki poetik ijodining har bir janridagi misralarida uchratishimiz, shubhasizdir.

Mukarrar - soʻzlarning yondosh juft takroriga mukarrar deyiladi. Mukarrar soʻzlari orasida chiziqcha boʻladi [1, 17].

Erkin - erkin yurgin alla,

Davr- u davron surgin alla.

Uzoq yashab chirogʻim alla,

Koʻrmaganim koʻrgin alla [3,145].

Onaning jigargoʻshasi bilan his-tuygʻular orqali munosabatda boʻlish vositasi hisoblanmish allaga mansub ushbu misralarda aynan mukarrar sanʼati qoʻllanilgan. Yuqoridagi bandning birinchi satrida keltirilgan “erkin” leksemasini yondosh juft holatda takrorlash orqali yuzaga chiqqan. Ifodalangan parchada volida oʻz farzandiga orzu-umidlarini “davr-u davron surgin”, “uzoq yasha” kabi soʻzlarda bayon etsa, armon-u hasratlarini esa “koʻrmaganim koʻrgin” jumlasini orqali namoyon etadi.

Anafora - (yunoncha “anaphore” “yuqoriga chiqish”) qatʼiy tizimli takrorlarning biridir. Sheʼr yoki banddagi misra (gap)larning boshidagi soʻz yoki soʻz birikmasining boshqa misralarning boshida aynan takrorlanib kelishi anafora deb yuritiladi [2, 434].

Daryo suvga toʻlayotir, alla.

Oʻgʻlim menga kulayotir, alla.

Oʻgʻlim menga qarab kulsa, alla.

Koʻnglim nurga toʻlayotir, alla.

Banda “oʻgʻlim menga” leksemalarining ketma-ket misralarda takroran qaytarilishi anofora sanʼatini yuzaga chiqaradi. Ushbu toʻrtlikda voqealar bir-biri bilan uzviy aloqadorligi bilan ajralib turadi. Daryoning suvga toʻlishi oʻgʻilning yildan yilga oʻsib, unayotganidan darak bersa, uning kulib boqishi esa onasiga huzur-halovat bagʻishlab, “koʻnglim nurga toʻlayotir” deyishiga asos boʻlmoqda.

3-шубҳа

Erkalama xarakterdagi allalarda, asosan, chaqaloqni ma'lum bir predmetga yoki belgiga to'g'ridan-to'g'ri o'xshatish orqali ifodalanadi.

Alla-yo

alla.

Oppoq qizim, alla,

Qaymoq qizim, alla,

Go'zal qizim, alla,

Asal qizim, alla...

...

Alla-yo alla.

Ushbu bandda birinchi va oxirgi misralardagi “alla-yo alla” so‘zining takrorlanishi halqa deb ataluvchi badiiy takror ko‘rinishini bayon etgan. Halqa usulida badiiy parcha boshidagi ma'lum bir keltirilgan misra, bayt yoxud butun bir band namuna so‘ngida ham aynan takrororlanadi. Bundan tashqari, bolalar folklorining alla janriga mansub deyarli har bir band misralari oxirida aynan “alla” leksemasi qofiyadan so‘ng radif sifatida muntazam ravishda takrorlanadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, har bir millatning bolalar folklorshunosligida, jumladan, o‘zbek bolalar xalq og‘zaki ijodida ham xalqimizning madaniyatini, tarixini o‘rganishga asosiy manba bo‘lib xizmat qiluvchi allalarning o‘rni beqiyosdir. Zero alla tarbiyaviy estetik mohiyati va emotsional ta’sirchanligi bilan har bir insonni beixtiyor o‘ziga jalb eta oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Asallayev A., Rahmonov V., Musurmonqulov F. Badiiy san’atlar. – T.: Tafakkur, 2015.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Ўзбек халқ ижоди. Гулёр. – Т.: Бадий адабиёт, 1967.
4. Madayev O., Sobitova T. Xalq og‘zaki poetik ijodi. – T.: Sharq, 2010.

TO‘G‘RI TALAFFUZDAN NUTQ MADANIYATI SARI

E‘zoza Zafar qizi Alimova,
TDPU Tarix fakulteti o‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishi
3-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Surayyo Isomiddinovna Eshonqulova
Jizzax DPI dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Kishilar chiroyli, mazmundor nutq masalasi bilan juda qadimdan qiziqib keladilar. Alisher Navoiy “Mahbub ul-qulub” asarida tilning ahamiyati, undan foydalanish, nutq so‘zlovchi dilidagi fikrni to‘g‘ri aks ettirishi lozimligi haqida shunday deydi: “Saodatbaxsh ruh zuloliga matla’ ham til. Tilga iqtidorlig’ – haqimi

3-шубҳа

xiradmand, soʻzga ixtiyorsiz – layni najnad. Tilki fasih va dilnazir boʻlgay, xubroq boʻlgay agar koʻngil bila bir boʻlgay”. Mazmuni : “Saodatbaxsh ruhning tiniqligi manba ham til, baxtsizliklar yulduzining boshlanishiga sabab ham til. Tiliga kuchi yetadigan (kishi) aql podshosidir. Soʻzga ahamiyat bermaydigan (kishi) laʼnatlangan, past (kishi)dir. Til goʻzal va dillarni olovlantiruvchi boʻlishi bilan birga, (soʻzlovchining) dilidagini aks ettirsa, yanada yaxshiroq boʻladi” [5].

Inson nutq madaniyatini belgilovchi omillardan biri nutqning toʻgʻri talaffuz qilinishidir. Shuning uchun gʻarb mamlakatlarida ham unga alohida eʼtibor berib kelingan. Masalan, rimliklar namunaviy nutqning sifatlarini oʻzida aks ettiruvchi qoidalar ishlab chiqishgan. Mashhur notiq Siseron fikricha, aniqlik va tozalik nutq uchun shunchalik zarurki, ularni asoslab oʻtirishning ham hojati yoʻq. Ammo notiq tinglovchilarni oʻziga jalb qilishi uchun bu sifatlar hali yetarli emas. Buning uchun nutq jozibador boʻlishi ham kerak. Notiq Dionis Galikarnas esa nutqda maqsadga muvofiqlikni muhim deb hisoblagan.

Agar nutq maʼlum vaziyat va shart-sharoitlarda amalga oshirilishini nazarga olinsa, bunda joy, vaqt, mavzu va muloqot jarayonining maqsadi kabi omillar katta ahamiyatga ega boʻladi. Zero, nutqning asosiy xususiyatlari sifatida quyidagilarni belgilash lozim boʻladi: toʻgʻrilik, aniqlik, mantiqiylik, taʼsirchanlik, obrazlilik, tushunarlilik va maqsadga muvofiqlik. Maqolamizda quyidalarni tahlil ostiga olmoqchimiz.

Nutqning toʻgʻri boʻlishi uning bosh kommunikativ xususiyati hisoblanadi. Nutqning toʻgʻri tuzilgan boʻlishi tomonlarning – soʻzlovchi va tinglovchining, yozuvchi va oʻquvchining bir-birlarini tez va oson tushunishlarini taʼminlaydi. Agar nutq toʻgʻri boʻlmasa, u aniq ham, maqsadga muvofiq ham, mantiqiy ham boʻlmaydi. *“Toʻgʻrilik deganda nutq madaniyatining zarur va birinchi sharti sifatida adabiy tilning maʼlum paytda qabul qilingan meʼyorining qatʼiy va aniq muvofiq kelishini, uning talaffuz, orfografik, lugʻat va grammatik meʼyorlarini egallashni tushunish lozim boʻladi”* [1]. Demak nutqning toʻgʻri boʻlishi, dastlab, uning adabiy til meʼyorlariga muvofiq kelishi boʻlib hisoblanadi.

Nutqning toʻgʻri boʻlishi asosan ikki meʼyorga – urgʻu va grammatik meʼyorga amal qilishni taqozo qiladi. Soʻzlardagi ayrim boʻgʻinlarning zarb bilan talaffuz qilinishi, yaʼni ularga urgʻuning tushishi hamma tillarda ham bir xil xususiyatga ega emas. Masalan, rus tilida urgʻu soʻzlardagi har xil boʻgʻinlarga tushishi mumkin boʻlgani holda, oʻzbek tilida u, asosan, soʻzning oxirgi boʻgʻiniga tushadi. Soʻzga qoʻshimchalar qoʻshila borishi bilan urgʻuning oʻrni ham oʻzgarib boraveradi. Masalan: uy – uyi* – uyimi*z – uyimizda* – uyimizdagi* – uyimizdagila*r – uyimizdagilarda*n kabi. Talaffuzda ana shu meʼyorni saqlash maqsadga muvofiq boʻladi. Ammo baʼzi hollarda soʻzlardagi urgʻuning koʻchishi bilan maʼnoning ham oʻzgarib ketishi mumkinligini esdan chiqarmasligimiz kerak. Oʻzbek tilida shunday hodisa kuzatiladi. Masalan, olma soʻzini olaylik. Bu soʻzni alohida, urgʻusiz olib qaraganda uning qanday maʼno anglatayotganini bilish qiyin boʻladi. Urgʻu esa undagi maʼnoning reallashuviga koʻmaklashadi, yaʼni oʻlma tarzida urgʻu birinchi boʻgʻinga tushganda harakat, olma* tarzida oxirgi boʻgʻinga tushganda esa mevaning bir turi maʼnosi anglashiladi. Tilimizda bunday soʻzlar

3-шубҳа

anchagina: qa*tlama – qatlama*, ho*zir – hozi*r, yigitcha* – yigi*tcha, o‘quvchi*miz – o‘quvchimi*z, ya*ngi – yangi* kabi. So‘zlardagi bu xususiyatlarni farqlamasdan, urg‘uni noto‘g‘ri qo‘llash so‘zlardagi ma’noning buzilishiga olib keladi. So‘zlar talaffuzidagi bu kabi holatlarga, ayniqsa maorif va madaniyat xodimlari e’tibor berishlari va boshqalarga o‘rnak bo‘lishlari lozim.

Nutq qurilishining grammatik shakllarini farqlay olish, so‘zlarni mazmuniy bog‘lanishlariga qarab joylashtirish grammatik me’yorlarni belgilar ekan, nutqning to‘g‘ri ifodalanishi uchun gap tuzish qoidalarini o‘zlashtirish, o‘zak va qo‘shimchalar o‘rtasidagi munosabatlarni, ega-kesim mosligini, ikkinchi darajali bo‘laklarning ularga bog‘lanish yo‘llarini yaxshi anglash lozim bo‘ladi. Aks holda nutqda kamchilik ro‘y beradi. Misol: Alfavitimizga qo‘shimcha harflar kiritish yoki chiqarish bilan nutq madaniyatimizni oshirish uchun imkoniyat yaratilmay, balki nutq madaniyatimiz takomillashuvida chalkashlik sodir bo‘lishi mumkin emasmi? (Gazetadan) [3].

Nutq jarayonida morfologik va sintaktik chalkashliklar tez-tez uchrab turadi. Qaratqich va tushum kelishigi qo‘shimchalarining farqlanmasdan ishlatilish bunga misol bo‘la oladi. Abdulla Qahhor bu holatdan “San’atkor” hikoyasida asar qahramonining savodsizligini fosh etishda foydalangan: “Pojarni gurgutni yerga tashlamang dedi, rejessyorimiz esa gugurtning yerga tashamang dedi. Qanday chiroylik! Pojarnimi, Pojarningmi? Shoshma, nima uchun pojarni? Pojarni, albatta!” [2].

Nutqning ijro etilishida unga ma’lum bir voqea-hodisa haqida ma’lumot berishdan tashqari yana bir maqsad – tinglovchi ongiga va ruhiyatiga ta’sir etish vazifa qilib qo‘yiladi. Shuning uchun ham ta’sirchanlik nutqning asosiy sifatlaridan biri sanaladi hamda to‘g‘rilik va aniqlik ham, mantiqiylik va tozalik ham suhbatdoshga, tinglovchiga yoki o‘quvchiga ta’sir etishga qaratilgan bo‘ladi. Bu sanab o‘tilgan xususiyatlarda til omillari birinchi o‘rinda tursa, ularning barchasidan foydalangan holda ta’sirchanlik keng doirada tildan tashqaridagi omillarni ham qamrab oladi.

Bu tildan tashqaridagi omillar qaysilar? Eng avvalo, notiqning mavzu atrofida yetarli bilimga ega bo‘lishi. Mavzuni yaxshi bilmagan notiqning ta’sirli nutq ijro etishi haqida gap bo‘lishi ham mumkin emas. Shu bilan birga, nutq qaysi mavzuda bo‘lishidan qat’iy nazar u mustaqil respublikamizda bugun davlatimiz va Prezidentimiz olib borayotgan siyosatga mos kelishi, uni omma orasida targ‘ib qilishga, yoshlar tarbiyasiga qaratilgan bo‘lishi lozim.

Nutqning ta’sirchanligi deganda, asosan, og‘zaki nutq jarayoni nazarda tutiladi. Shuning uchun uning tinglovchi tomonidan qabul qilinishidagi ruhiy vaziyatni e’tiborga olish ham muhim sanaladi. Ya’ni, notiq auditoriyani hisobga olishi – ularning bilim darajasidan yoshigacha, hatto nutq ijro etilayotgan paytdagi kayfiyatigacha kuzatib turilishi, nutqning tinglovchilar tomonidan qabul qilinishi nazorat qilib borilishi lozim bo‘ladi. Malakali bilimga ega bo‘lgan kishilar oldida jo‘n, sodda tilda gapirish maqsadga muvofiq bo‘lmagani kabi, oddiy, yetarli darajada ma’lumotga ega bo‘lmagan auditoriya oldida ham ilmiy va rasmiy tilda gapirishga yo‘l qo‘yib bo‘lmaydi [4].

3-шубҳа

Xulosa qilib aytganda, notiqdan vaziyatga qarab ish tutish talab qilinadi. Va butun diqqat-e'tibor ifodalamoqchi bo'lgan fikrni to'raligicha tinglovchilarga yetkazish vazifa qilib qo'yiladi. Demak, nutq odobi, agar masalaga til nuqtayi nazardan qaraladigan bo'lsa, bu, eng avvalo, nutqning to'g'riligi demakdir. Ikkinchidan esa, u uslubiy jihatdan silliq bo'lishi kerak, ya'ni unda noaniqlikka, ikki ma'nolilikka, uzundan-uzoqlikka yo'l qo'yilmasligi, qisqalik, soddalik va aniqlik bu nutqning asosiy o'lchovi bo'lishi lozim. Keng ma'noda esa nutq odobi nutqiy ta'sirchanlikni, ijodiy yorqinlikni, o'tkirlilik va obrazlilikni ifoda etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. –T.: Fan, 2002.
2. Bafoyeva M. Badiiy nutqda frazeologik sinonimlardan foydalanish. –T.: 2013.
3. <http://ma'naviyat.uz/>
4. <http://hozir.org/>
5. WWW.nauka.shop.com.

“O‘ZBEK TILI MORFEM LUG‘ATI” DAGI YO‘L QO‘YILGAN AYRIM KAMCHILIKLAR

Zulayho Numonjon qizi Mahmudova,
Farg‘ona DU Filologiyasi fakulteti II-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Hikmatillo Xayitboyevich Do‘smatov
Farg‘ona DU katta o‘qituvchisi,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

So‘zni asos va qo‘shimchaga ajratish hozirgi kunga qadar tilshunoslikning dolzarb muammolaridan biri sanaladi. Jumladan, so‘zning tarixiy ko‘rinishi bilan hozirgi ko‘rinishi yoyinki asos-qo‘shimchaga ajratish holati to‘g‘ri kelmasligi ayon bo‘lsa-da, ba‘zi qarashlarda bu hodisalarning buzilish o‘rinlari kuzatiladi. Ya‘ni tarixan yasama, ammo bugungi kunda tub bo‘lgan so‘zlarning ham asos-qo‘shimchaga ajratish (qishlo/q tarzida) yoki shu kabi boshqa xatoliklar kuzatiladi. Quyida shunday xatoliklarning tahlilini “O‘zbek tili morfem lug‘ati” misolida ko‘rib chiqamiz.

Lug‘at tuzish uzoq o‘tmishga borib taqaladi. Lug‘atlarning eng mukammali, hamma uchun tan olingani bu Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘ati turk” asari sanaladi. Ammo kun kelib eng mukammal deb topilgan lug‘atlarda ham chalkashliklar, bugungi kun nuqtayi nazariga mos kelmaydigan qarashlar uchraydi. Bunday chalkashliklar “O‘zbek tili morfem lug‘at”i ham holi emas. Biz, bu kitobni tanqid qilishdan yiroqmiz. Zero, barcha sohalar kabi lug‘atshunoslik ham murakkab soha sanalib, ko‘p kuch va bilim talab etadi. Biz ushbu maqolada “O‘zbek tili morfem lug‘ati” dagi ayrim kamchiliklar (aynan bugungi kunga to‘g‘ri kelmaydigan qarashlar)ni ko‘rib o‘tamiz.

3-шубба

Avvalo, ushbu lugʻatning yutuq tomonlariga eʼtibor qaratsak, maqsadga muvofiq boʻlar edi. Lugʻatdagi leksemalar lugʻat yaratilgan davr leksemalarini derayli toʻliq qamrab olgan boʻlib, bu birliklar orqali jamiyatdagi ijtimoiy hayot haqida maʼlumotga ega boʻlish mumkin. Qolaversa, birliklar asos-qoʻshimchaga ajratilayotganda qoʻshimchalar murakkab tuzilishga ega boʻlsa, ularning murakkab ekanligi inobatga olinib, morfemalar ahohida shaklda ajratilgan: *lazzat/la/n/moq* tarzida.

Ayrim qarashlarga qaraganda, soʻzlardagi qoʻshimchalar murakkab tuzilishda boʻlsa, ularning murakkab tuzilishi holida turishi, ularni qismlarga ajratish (agar maʼno anglatmasa) shart emas. Ammo bizning nutqayi nazarimizga qaraganda, ushbu kitob mualliflari bizga qoʻshimchalarning tuzilishi emas, shaklini koʻrsatib berishni hisobga olganlar hamda bu kabi murakkab birliklarni ajratib qanday (qoʻshimchaning) tarkibdan tarkib topganligini koʻrsatmoqchi boʻlganlar. Bu esa murakkab qoʻshimchaning qanday tarkibli ekanligini belgilashda yordam vazifasini oʻtaydi: *xayr/la/sh/moq*

Biroq baʼzi birliklarda, xususan, feʼllarda asos-qoʻshimchaga ajratish holati buzilgan, bir soʻz asos-qoʻshimchaga ajratilgandagi qolip, xuddi shunday tarkibli birlikning morfemik tahlilida buzilgan.

Layayishmoq feʼli ajratilgandagi qolip, *layaymoq* soʻzida buzilgan:

lay/ay/ish/moq

lalay/moq tarzida.

Avvaliga *lalay* qismi boʻlingan holat xuddi shunday tarkibli keyingi birlikda ajratilmagan holda berilgan. Muallifning maqsadi soʻzni ajratish ekanligini inobatga olinsa, bir xil tarkibli birliklar oʻrni bilan ajratilishi maqsadga muvofiq edi. Chunonchi, bu kitob foydalanuvchisi har ikki birlikdan ham foydalanadi deb boʻlmaydi. Uning maqsadi *lalay/moq* soʻzining tarkibini koʻrish boʻlganda uning nazarida shu tarzda boʻlishi toʻgʻri boʻlib qoladi, u bu kabi tarkibga ega boʻlgan boshqa birlikni koʻrmaydi va turli xatoliklar yuzaga keladi.

Mazkur lugʻatda ijtimoiy hayotdagi birliklarning deyarli barchasi kiritilgani haqida gapirdik, ammo bu kabi birliklar orasida chet (baynalmilal)dan kirgan birliklarga koʻp urgʻu berilganligini koʻrish mumkin. Biroq zamon talabi bilan kiritilgan bu birliklarning oʻzbek tili birligi hisobga olinsa, bunday birliklarni asos-qoʻshimchaga ajratish shart emasdek tuyiladi. “Agar oʻzga tilga mansub soʻz yasovchi shu tildan oʻzlashgan soʻzlar tarkibidagina mavjud boʻlib, oʻzbek tilida yangi soʻz (soʻzlar) yasash uchun xizmat qilmasa, u oʻzbek tilining soʻz yasovchisi hisoblanmaydi. Masalan, kapitalist, kapitalizm soʻzlaridagi *-ist*, *-izm* shular jumlasidandir” [2, 25]. Oʻzbek tilida soʻz yasamagandan keyin (umumnan oʻringa ega boʻlmagandan keyin) ularni ajratishdan naf yoʻqday:

leybor/ist

kapital/izm

leybor/ist/ik

magnet/izm

Balki, bu kabi oʻzlashma soʻzlarni ajratish bu soʻzning oʻz tilida tub emasligini isbotlash, shu til qoʻshimchasini belgilash uchun qilingandir, lekin baʼzi

3-шубҳа

o‘rinlarda baynalmilal birliklarni ajratish ham to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilmagan. Bir birlikning tub holati berilib, unga qo‘shimcha qo‘shilgan holati berilganda qo‘shimcha ajratilmay qolgan:

manifest

manifestatsiya

Yuqorida ko‘rib o‘tilgan *-ist, -izm* singari *-atsiya* qo‘shimchasi ham ajratilishi lozim edi. Bir qolipda tushirilgan tizim ayni bu kabi birliklarda buzilgan.

Asos-qo‘shimchaga ajratishdan faqat chetdan kirgan birliklarda, balki o‘zbek tiliga oid birliklarda ham ba‘zi o‘rinlarda noto‘g‘ri ajratilgan:

lik/il/do/q

madan/iy-maish/iy

Ayrim o‘rinlarda esa tub so‘zlarning ham tarkibga ajratilganini ko‘rish mumkin:

ne/ga

pich/oq

nes-no/bud

nom/zod

nim/jon

no/shud

Bu singari birliklar tarkibga ajratilayotganda, balki, leksema etimologiyasiga qaralgan degan faraz paydo bo‘lishi mumkin. Ammo bu lug‘at etimologik emas, morfemik lug‘at hisoblanadi. Har birlik etimologiyasi hisobga olingan bo‘lsa, nega *nim/qorong‘i* birligi *nim/qoron/g‘i* yoki *nim/qoro/n/g‘i* shaklida bo‘linmagan, degan o‘rinli savol tug‘iladi.

Ushbu lug‘atda sodda tuzilishli so‘zlar qatorida juft, qo‘shma tuzilishga ega so‘zlar ham kiritilgan: *bosh/dan-oyoq; bosh/ma-bosh*

Juft so‘z bo‘lgandan keyin, ularning qismlari (ma‘no anglatganda) alohida tarzda kelishi ham mumkin. Ammo shunday holatlarda sodda va juft so‘zlar tarkibi ajratilayotganda ikki xil ko‘rinishda ajratilgan hollari mavjud:

lyumen-proletari/at

bezor/i

proletariat

ota-bezori

Bu kabi to‘g‘ri kelmaslik holatlari asosdosh birliklarda ham uchraydi: *leks/ema* birligi ajratilganda *leksika* va *leksik* birliklari ajratilmagan.

Aslida ikki komponentdan tashkil topgan birliklarda ham komponentlari alohida turganda ma‘no anglatganda ularning tuzilishida ham xatoliklar mavjud:

xo‘rak birligi ajratilgan holda keltirilgan: *xo‘r/ak*, ammo qo‘shma so‘z tarkibida kelganda ajratilmagan: *loy/xo‘rak; maza/xo‘rak; osh/xo‘rak; makka/sochiq*.

O‘z-o‘zidan savol tug‘iladi: bu kabi birlik qismlarga ajratilgan holda keltirilgan, ularni qo‘shimchaga ajratish joiz ko‘rilmagan bo‘lishi mumkin-ku?! Agar shunday deb qarajak, boshqa bir qo‘shma birliklarni ajratishda ular tarkibidagi yasovchilarning ajratilganligini ko‘rish mumkin: *mayda/gap/li*

Ayrim hollarda bunday qo‘shma so‘zlarning birinchi yoki ikkinchi qismlari bir xil bo‘lganda ularda ham tarkibga bo‘lish noto‘g‘ri amalga oshirilganini ko‘ramiz:

makka/supurgi

oyim/supur/gi

3-шубба

Lugʻatda fors-tojikcha elementlar bilan hosil qilingan yoki tayyor birlik sifatida qabul qilingan soʻzlar ham mavjud. Ammo bunday soʻzlarning tarkibi bir xil qoʻshimchadan tashkil topgan boʻlsa-da, ularda ham ajratish har xil boʻlib qolgan:

pazanda

navis/anda

namoy/anda

odam/shav/anda

Yuqoridagi birinchi birlik qolgan uch birlikka qarshi qoʻyilgan boʻlib ularning tarkibi bir xilligi hisobga olinmagan.

Bunday chalkashliklar lugʻatda koʻp uchrashini hisobga olinsa, bu lugʻat qayta koʻrib chiqishga muhtoj ekanligi, hozirgi kun nazariyasiga mos kelmaydigan oʻrinlari mavjudligi ayon boʻladi. Shularni hisobga olib, “Oʻzbek tili morfem lugʻati” tahlil talab degan xulosa paydo boʻladi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Gʻulomov A. va boshqalar. Oʻzbek tili morfem lugʻati. –T.: Oʻqituvchi, 1977.
2. Hojiyev A. Oʻzbek tili soʻz yasalishi tizimi. –T.: Oʻqituvchi, 2007.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Нурсултон Замон ўғли Шайхисламов,
Чирчиқ ДПИ Тарих ва тиллар факультети 3-босқич талабаси
 Илмий раҳбар: Барно Таджимовна Бадалова,
Чирчиқ ДПИ Рус тили кафедраси мудири

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларга инвестициялар жалб этилди, ҳамкорлик доиралари кенгайди. Бироқ ушбу соҳалар терминологияси қиёсий аспектда тадқиқ этилган эмас. Шу маънода, рус ва ўзбек тиллари инвестиция ва кредит терминларини қиёсий-чоғиштирма аспектда лексикографик нуқтаи назардан ёритиб бериш муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистонда инвестиция ва кредит терминологияси махсус тадқиқ қилинмагани боис инвестиция ва кредит терминлари таҳлили ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда “*энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдиэларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда*” [5;17]. Бунда Ўзбекистонда инвестиция ва кредит терминларининг чоғиштирма таҳлили асосида икки миллат дунёқараши, терминларнинг ўзига хослиги, кўплаб халқаро терминларни ўзбек тилида бериш имкониятларини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

3-шубба

Хорижий тиллар ҳамда рус тилшунослигида умумий ва хусусий терминология бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Jamal Mohamed Giaber, M.T.Cabre, В.В.Антимирова, В.И.Гатаулина, Е.А.Колесникова, И.С.Кулакова, Д.С.Салмина, Н.Н.Лантюхова, О.В.Загоровская, Т.А. Литвинова, Л.Н.Уткина каби олимларнинг ишларида соҳанинг турли масалалари ўрганилган Ўзбек тилининг терминологик тизимлари М.Э.Умархўжаев, Ҳ.Дадабоев, Т.Урунов, А.Қосимов, К.Хуррамов, К.Сапаев, А.Мадвалиев, И.Юлдашев, Н.Усмонов, З.Мираҳмедова, Н.Маматов, М.Саидова, Г.Ғуломов, И.Х.Садиқова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова ва С.Т.Мустафаевалар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Шундай қилиб, тадқиқотимизда рус ва ўзбек тиллари инвестиция ва кредит терминлари илк бор қиёсий-чоғиштирма аспектда ўрганилиб, уларнинг тиллараро мазмуний мутаносиблик ва номутаносиблиги исботланади; таҳлилга тортилган терминлар терминография талаблари: аниқлик, мантиқан изчиллик, тизимлилик, адабий тил меъёрларига мослиги, оммабоплик нуқтаи назаридан тавсифланади; инвестиция-кредит терминларининг тиллараро лексик-семантик хусусиятлари, мазкур соҳа терминларини унификациялаш, уйғунлаштириш ва янги изоҳларини ишлаб чиқиш бўйича услубий ёндашувлар такомиллаштирилади.

Маълумки, *термин* лотинча “*terminus*” – *чегара, чегара белгиси, чек* маъноларини англатувчи сўздан олинган [2;503]. В.Н.Шевчук терминга қуйидагича таърифни беради: “*Термин – бу сўз бўлиб, ўрта асрларда “аниқлаш”, “ифодалаш” деган маъноларни билдирган, қадимий француз тилида мавжуд бўлган “terme” лексемаси “сўз” деган маънони ифодалаган*” [4;6]. А.А.Реформатский таърифича, термин сўз ҳисобланиб, улар ўзининг алоҳида ва махсус белгилари билан чегараланади, терминлар фан, техника, иқтисод, сиёсат ва дипломатия соҳаларидаги бир маъноли, аниқ сўзлардир [3;110]. В.П.Даниленконинг кузатишича, “*Терминлар - лугат таркибининг бир қисми ҳисобланиб, фан ва соҳалар предметининг аниқловчисидир*” [1;15]. Турли тиллар терминларининг ўзаро қиёсий таҳлили тил ўзига хосликлари, структураси, миллий менталитет ҳамда анъанавийликка асосланишини таъкидлаш жоиз. Рус ва ўзбек тиллари инвестиция ва кредит терминологиясини рус ва ўзбек тилларида қиёсий-чоғиштириб тадқиқ қилиш бугунги кунда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши билан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига муайян даражада енгиллик яратилишига олиб келиши билан алоҳида долзарблик касб этади. Терминологик бирликлар лингвистик хусусиятларига хос етакчи тамойилларни тилшунослик, таржимашунослик назарияси нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш, терминларининг лексик-семантик, функционал-структуравий, коннотатив ва денотатив хусусиятларини очиб бериш мазкур соҳага доир билимларнинг яна-да, чуқурлашуви, талабаларда ҳам

3-шубба

иктисодий, ҳам лингвистик билимларнинг кенг кўламда таркиб топишида алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. –М.: 1977.
2. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. –М.: 1998.
3. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. –М.: 1968.
4. Шевчук В.Н. Производные военные термины в английском языке. –М.: 1983.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил, 17 май.

ТОПИШМОҚЛАРНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРИ

Сабина Ражаб қизи Жумаева,
Қарши ДУ Санъатишунослик факультети 2-босқич талабаси
Илмий раҳбар: Салима Чуяновна Жумаева,
Қарши ДУ Ўзбек адабиётишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

Топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик жанрларидан бири ҳисобланади. Бу жанр асосан, ёш авлодни ҳаётга синчков нигоҳ билан назар ташлашга, борликдаги нарса-предметларнинг хусусиятларини ёдда сақлаб қолишга ўргатади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқ топишмоқлари лексикаси тилшунослик нуқтаи назаридан жуда кам ўрганилган. Ваҳоланки, ҳар бир жанрнинг тил хусусиятларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганмай туриб, халқ оғзаки ижодининг лисоний табиати тўғрисида етарли ва тўлақонли илмий умумлашмаларга эришиб бўлмайди. Ушбу мақоламизда ўзбек халқ топишмоқларининг тил хусусиятлари ва тасвирий воситалари масаласига тўхталамиз.

Маълумотларга кўра, қадимда туркман, қozoқ, қирғиз халқлари каби ўзбекларда ҳам топишмоқ айтиш анъаналари мавжуд бўлган. Фольклоршунос З.Хусаинованинг ёзишича, ўзбек халқи орасида ҳам қадимда бирор муайян вақтда, бирор маросимда топишмоқ айтиш расм бўлган. Аждодларимиз кундалик меҳнатдан бўшагандан кейин, кўпинча кечаси топишмоқ айтишар экан. Лекин ҳозирги кунда бундай айтишишларнинг излари сақланмаган [1;7].

Қадимги даврларда топишмоқлар ўзбекларда топмача, топишмоқ, топар, чўпчак, топ-топ, жумбоқ, жумоқ, матал, масала каби бир қанча атамалар билан юритилган. Текширишлар шуни кўрсатадики, жанрнинг кенгроқ тарқалган

3-шуба

атамаси кўпчилик туркий халқларда ё топмоқ сўзидан, ёки юммоқ сўзидан олинган [1;9]. Топишмоқ термини ҳатто шу жанрга мансуб асарларнинг матнида ҳам учрайди: “*Топмоқ топишмоқ, танга ёпишмоқ*” (кийим), “*топмачамнинг ўзи қора, топмаганнинг юзи қора*” (қозон) каби. Кейинчалик бу атама халқ оғзаки ижодида муайян бир мустақил жанрнинг номи сифатида қабул қилинган [2;12].

Ўзбек адабий тили луғат таркиби асосан беш луғавий қатламдан иборат: 1) умумтуркий (ёки туб туркий) сўзлар; 2) форс-тожикча ўзлашма сўзлар; 3) арабча ўзлашма сўзлар; 4) ўзбекча сўзлар; 5) русча-байналмилал сўзлар.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек халқ топишмоқларида қўлланган сўзлар асосан, дастлабки тўрт қатламга мансубдир. Бешинчи қатлам – русча ва европа сўзлар ўзбек халқ топишмоқларида деярли қўлланмайди. Уларнинг айримлари топишмоқларнинг жавоби сифатида мавжуддир, холос. Бизнингча, бу бир томондан, халқ топишмоқларининг қадимийлиги, иккинчи томондан, русча-байналмилал сўзларнинг ҳали жонли халқ тили руҳига сингиша олмаганидан дарак беради.

Туб туркий сўзлар. Ўзбек халқ топишмоқларида қўлланган сўзларнинг кўпчилиги ана шу луғавий қатламга мансублиги билан характерланади. Туб туркий сўзлар халқ топишмоқларида қўлланган барча сўз туркумлари доирасида асосий ўрин тутаяди ва фаол қўлланади. Масалан: от ва сифат доирасида; Букри Кўчкор отаси, жашил-жалпақ энаси, Ширин шакар боласи (Ток: занги, барги, узуми). Оғзи қора аломат, ичи қизил қиёмат (Тандир). Сон ва олмош доирасида. Масалан, “*Ўзи битта, кўзи мингта*” (Элак), “*Биз-биз эдик, биз эдик, ўттиз икки қиз эдик*” (Тиш). Равиш доирасида, “*Кундузи иззатда, кечаси хизматда*” (Кўрпа). Феъл доирасида, “*Келаверади-кетаверади, қуваверади-қочаверади*” (Сув ва балиқлар) ва ҳоказо.

Халқ топишмоқларида бор, йўқ сўзлари фаол қўлланади. Маълумки, бу сўзлар ҳам туб туркийдир. Масалан, “*Ўзи бор, сояси йўқ*” (Сув, кудук). “*Ўзимда бор, эсимда йўқ*” (Киндик) сингари.

Халқ топишмоқларида энг юқори истеъмол даражасига эга бўлган сўзларнинг деярли ҳаммасини умумтуркий сўзлар ташкил қилади. Хусусан, ой мучаллари ва қариндош-уруғчиликни билдирувчи умумтуркий сўзларнинг ниҳоятда фаол қўлланиши билан ажралиб туради. Масалан, “*Бир отаси, бир онаси, неча юз минг боласи*” (қуёш, ой, юлдузлар). “*Оёғи йўқ, қўли йўқ – эшик очар*” (Шамол) каби.

Форс-тожикча ўзлашма сўзлар. Ўзбек халқ топишмоқларида асли форс-тожикча бўлган, бироқ асрлар давомида қўлланавериб, ўзбек тилининг ўз сўзидек бўлиб кетган, бугунги кунда ўзлашмалик бўёғига бутунлай ёки деярли эга бўлмаган ўзлашмалар муҳим ўрин тутаяди. Сон ва феъл туркумини ҳисобга олмаганда, форс-тожикча ўзлашмалар халқ топишмоқларида қўлланган деярли барча сўз туркумлари доирасида кузатилади. Улар кўпроқ аниқ ва мавжуд нарса-ҳодисалар билан боғлиқ тушунча, белги-хусусиятларни билдирувчи энг зарурий ва кенг истеъмолдаги сўзлардир. Масалан: “*Лайлак уяда, қуйруғи зиёда*”, “*Отдан баланд, итдан паст*”, “*Ҳаммага тўн тикаман, ўзим яланғоч*”,

3-шубба

“У ёққа ўтади лик-лик, Бу ёққа ўтади – лик-лик, томоша лик-лик, ҳамиша – лик-лик” сингари.

Бироқ халқ оғзаки ижодида шундай топишмоқлар ҳам борки, уларда ўзбек тилига ўзлашиб кетмаган, форс-тожик тилига мансублик бўёғи аниқ кўриниб турган сўзлар ҳам қўлланган [4;91]. Бизнингча, бундай топишмоқлар ҳар иккала халқ учун муштарак топишмоқлардир. Масалан, “*Ховузи қул-қулум, поча дарозу калта дум*”, “*Чил ток, чилмон ток, чил ҳужра чил қазноқ*” сингари.

Арабча сўзлар. Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилидаги арабча ўзлашмаларнинг кўпчилиги мавҳум маъно ифодаловчи сўзлардир. Масалан, ҳаёт, адоват, муаммо, инсоф каби. Бироқ аниқ маъно англатувчи кенг истеъмол арабча ўзлашмалар ҳам бир талай, яъни, асал, қулф, қалам, одам каби. Ўзбек халқ топишмоқларида биринчи типдаги арабча ўзлашмалар деярли қўлланмайди. Халқ топишмоқлари тилидаги арабча ўзлашмаларнинг кўпчилиги аниқ бир маъно ифодаловчи сўзлардир. Масалан, “*Сандиқ тўла оқ садаф*”, “*Асалдан ширин, заҳардан аччиқ*”, “*Ўзи ҳаром, кучи ҳалол*” каби. Демак, умуман олганда ҳозирги ўзбек адабий тилида мавҳум маъноли арабча ўзлашмалар кўпроқ қўлланса, топишмоқ тилида, аксинча, аниқ маъноли арабча ўзлашмалар фаол қўлланади.

Ўзбекча сўзлар. Халқ топишмоқларида ўзбекча сўзлар ҳам ўзига хос ўрин тутди. Қузатишларимизга қараганда, улар икки хил: а) жонли халқ тилида истеъмолда бўлган ўзбекча сўзлар, б) топишмоқнинг ўз ичида ҳосил бўлган ўзбекча сўзлар.

Халқ топишмоқларидаги ўзбекча сўзларнинг кўпчилиги жонли халқ тилида кенг истеъмол қилиниши билан характерланади. Масалан, “*Отаси эгри-бугри, онаси силлиқ жувон*”, “*Ўғли қўшиқчи, қизи ўйинчи*” (Дарё ўзани, сув, бақа, балиқ). “*Топишмоғим топишмоқ, топишмоғим ёпишқоқ*” (Елим).

Халқ топишмоқларида топишмоқнинг ўз ичида яратилган, жонли халқ тилида ҳам, адабий тилда ҳам учрамайдиган, шу маънода янги ўзбекча сўз сифатида қаралиши мумкин бўлган ясама сўзлар ҳам кузатилади. Улар ўзбекча сўзлар олдида қўйиладиган талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган, ўзбек тилининг сўз яшаш қонунлари асосида яратилган луғавий бирликлардир. Чунончи, “*Бир қўлимда елдиргич, бир қўлимда кулдиргич*” (Қални, жуган).

Бу ердаги кулдиргич баъзи одамларда бўладиган ва улар кулганда юзларида ҳосил бўладиган митти чуқурча маъносидаги кулдиргич сўзининг янги маънода қўлланиши эмас, балки елдиргичга ўхшатиб топишмоқ тўқиш жараёнида ясалган сўздир. Унинг таъкидланган “кулдиргич”га келиб қолиши тасодифий ҳолдир. Бинобарин, уларнинг ҳар бири ўз ҳолича юзага келган шаклдош (омоним) сўзлардир. Топишмоқдаги кулдиргич жуган (от асбоби) нинг топишмоқ нуқтаи назаридан берилган ном-таърифи бўлиб, кулдирувчи, кулганга ўхшаш ҳолатга солувчи (нарса) маъно мундарижасига эга, “елдиргич” эса елдирувчи, тез ҳаракатлантирувчи (нарса) маъносидадир.

3-шубба

Топишмоқлар адабиёт ва санъат тараққиётига баракали таъсир этди. У адабиётимиз тарихида чистон, муаммо, мувашшах, таърих каби лирик жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожиди катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ топишмоқлари тилида умумтуркий сўзлар кўпчиликини ташкил қилади ва топишмоқлар лексикасида асосий ўрин тутди. Ўзлашма сўзлар аниқ маъно англатувчи сўзлар сирасига мансублиги билан характерланади.

Топишмоқлар жуда катта маърифий ва тарбиявий вазифани адо этади. Зеро, халқ топишмоқлари болалар ва ёшларимизнинг фикр доирасини кенгайтириш, зеҳнини чарҳлаш, топқирлигини ошириш ва муҳокама қобилиятини ўстиришнинг муҳим эстетик воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. –Т: Фан, 1966.
2. Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.
3. Ўзбек фольклори очерклари. Икки жилдлик. –Т: Фан, 1989.
4. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О., Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди. –Т.: Ўқитувчи, 1990.

4-шубба

АДАБИЙ ТАНҚИД ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Усмон Қосимов,
Жиззах ДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор

Мумтоз адабий меросимизни ўрганишда республикамиздаги етакчи илмий-тадқиқот марказларидан бири – Ўз ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг ҳам муносиб хизмати борлиги илм ва ижод аҳли томонидан ҳақли равишда эътироф этилади. Ушбу табаррук даргоҳда кўп йиллар фаолият кўрсатиб келган фидойи ва заҳматкаш тадқиқотчиларимиздан бири, шубҳасиз, таниқли адабиётшунос ва матншунос олим, профессор Саидбек Ҳасанов эди.

Олим нафақат Навоий ва Бобур каби буюк алломаларимизнинг бебаҳо мероси ва нодир асарлари қўлёмаларини чуқур ўрганиб, уларни нашр этиришда жонбозлик қилган, балки XX аср ўзбек адабиёти вакиллари ижодий мероси ва архивини сақлаш ва уларни ёритишда ҳам ибратли ишларни амалга оширган. Жумладан, бундан 35 йиллар муқаддам илк марта нашр этилган “Абдулла Қаҳҳор” номли каталог [2;54], яъни адиб асарлари, қўлёмалари ва бошқа муҳим архив ҳужжатларининг тўлиқ тавсифномалари-мажмуи ҳам профессор Саидбек Ҳасанов ва олимнинг тадқиқотчи шогирди, Жиззахлик адабиётшунос Алижон Окмуродовнинг саъй-ҳаракати билан тайёрланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Куйида Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг узвий қисми-адабий танқидий фаолияти хусусида фикр юритилади.

Барча асрларда бадиий-эстетик тафаккур ривожига адабий танқид-“илми нақд”нинг муҳим ўрни ва аҳамияти эътироф этилган. Навоий анъаналарини давом эттирган Қаҳҳорнинг адабий-танқидий фаолияти ҳам эзгу мақсадларга қаратилган.

Адибнинг адабий жараён ва танқиднинг долзарб муаммоларига бағишланган асарлари салмоқли таҳлил ва хулосалари билан ажралиб туради. Улар етук илмий-адабий савияси ва мунаққидлик истеъдоди, бадиий-эстетик тафаккури юксаклигини кўрсатиши билан бу адибларимизни ҳақли равишда танқид ва адабиётшунослигимизнинг ҳам асосчиларидан эди, деб аташга изн беради. Қаҳҳорнинг деярли барча адабий-танқидий мақола ва тақризлари ҳаққоний таҳлил ва талқинлари, умумлашма фикрларнинг муҳимлиги ва далилланганлиги билан адабий жараёнга катта таъсир ўтказгани ўз даврида ҳам, бугун ҳам тан олинади. Ибратли ҳолат: адибнинг адабиёт ва танқидчилик муаммоларига бағишланган биронта нутқ ё мақоласи йўқки, унда ўзбек тилимизнинг беқиёс бойлигидан фахрланмаган ва бу бебаҳо меросимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш хусусида жиддий фикрлар билдирмаган бўлсин. Қаҳҳорнинг танқидчилик фаолияти ўзининг мазмундор кўлами, ранг-баранг шакли билан ҳам ўзига хосдир. Адабиётимизнинг Қаҳҳор эътиборидан четда қолган бирор жиддий муаммо, воқеа-ҳодисаси йўқ десак,

4-шубба

муболаға бўлмайди. *“Ёзувчининг вазифаси – яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржимони бўлиш билан бирга адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам унинг вазифасига киради”*. Бу – мунаққид фаолиятининг муҳим асосидир.

Адабиётшунослигимизда Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган йирик тадқиқотлар ҳам оз эмас, уларда Қаҳҳорнинг ҳаёт йўли, ижодидаги тадрижий такомил, бадиий маҳорати каби жиҳатлар кенг ёритилган. Сўнгги йилларда Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 80 ва 100 йиллиги муносабати билан салмоқли асарлар юзага келди. Жумладан, академик Б.Назаровнинг *“Абдулла Қаҳҳор бадиий ҳақиқати”* мақоласидаги фикрлари эътиборга лойиқ: *“Қаҳҳор ижодини янада чуқурроқ, теран, айниқса, жаҳон адабиёти контекстида ва маҳорат сир-асрорлари негизда мустақиллик даврининг эркин холис мезонлари асосида ўрганиш ва тадқиқ этишининг янги иккинчи босқичи бошланмоқда. Қаҳҳор истеъдоди қудратининг ранг-баранг қирраларини унинг ўзига муносиб равишда кенг ва атрофлича очиб масаласида биз, танқидчилар адиб хотираси олдида доимо қарздормиз”*.

Адиб ижодига янгича ёндашув самарали бўлаётгани ва бир қатор асарлари бадиийликнинг юксак мезонлари асосида чуқур таҳлил этилаётганлигига биргина мисолда ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўтмиш ҳақидаги ҳикояларнинг гултожи, деб тан олинган *“Даҳшат”* (1960) *“ўтмиш ҳақидагина эмас, балки адиб ҳаётидаги бурилиш палласини, унинг шу даврдаги руҳиятини ҳам ўзида акс эттирган”* теран асар эканлиги адабиётшунос Д.Қуронов томонидан ўринли қайд этилган: *“Сўз XX аср ўзбек адабиёти ҳақида борадимиз, миллий насримиз тараққиёти ҳақида, ҳикоя жанри ё маҳорат масалалари ҳақида, қатъий назар, “Даҳшат”нинг албатта тилга олинishi, унинг турфа талқинларга дош ва имкон бериб келаётганлигининг сири ҳам илҳом билан ёзилганидир”*. Профессор Ҳ.Болтабоевнинг *“Анор”* ҳикояси таҳлиliga структурал ёндошуви ҳам эътиборга лойиқ. Адибнинг адабий-танқидий меросини ўрганиш-улкан ижодкор сиймоси ва унинг бадиий-эстетик оламини тўла тасаввур этишга ёрдам берибгина қолмай, XX аср ўзбек адабиёти, танқидчилик ва адабий-эстетик тафаккур тарихи, тадрижий тараққиёт йўли ва омилларини ҳам кенгроқ ёритишга имкон беради. Устознинг С.Аҳмад, М.Ҳаким, Чустийнинг илк асарлари ҳақидаги тақриз ва мақолалари адабиётшунослар таъкидлаганидек, адабий танқиднинг етук намуналари бўлиши билан ёш адибларга ижод сирларини англаиб, адабиётимиз равнақи йўлида таъсирчан омил бўлиб келмоқда. Улар *“ёзувчилик маҳоратининг энг муҳим жиҳати бўлган инсон руҳиятини чуқур ёритиш, бадиий тил ва тасвир, жанр хусусиятлари”* каби жаҳон адабиётшунослигининг асосий адабий-назарий муаммоларигача қамраб олгани билан ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмай келади.

Абдулла Қаҳҳор ҳамиша танқид адабиёт ривожини йўлида беғараз хизмат қилишига, айниқса, ёш шоир-ёзувчиларга ижоднинг катта йўлига тушиб олишида хайрихоҳлик билан ёрдам беришига катта умид билдирарди. Қаҳҳор истеъдодли мунаққидларни қувватлаб, уларни адабиётимиз ривожини йўлида

4-шуба

фаол, холис ва жонкуяр бўлишга рағбатлантиради. Адибнинг О.Шарафиддинов истеъдоди ҳақида 50 йиллар аввал айтган башоратомиз фикри танқиднинг юксак бир эътирофи ҳамдир: *“Озод Шарафиддинов адабий танқидчиликка ёниб кирди ва ҳозиргача у мана шу фазилатни сақлаб қолди. Унда ҳақиқат руҳи, демократик руҳ, эркинлик руҳи кучли”*. Танқидчиликда ўз сўзи ва услубига эга бўлиб, бадиий ижод ва ҳозирги адабий жараёндаги ютуқ-камчиликларни холис таҳлил қилишда фаоллик кўрсатган М.Кўшжонов, У.Норматов, И.Ғафуров, С.Мамажонов, Ш.Юсупов, С.Содиқов, Н.Худойбергенов ва П.Шермухамедов кабиларнинг чиқишларига нисбатан ҳам хайрихоҳлик ва талабчанлик билан муносабатда бўлар эди.

А.Қаҳҳор, энг аввало, талантли ижодкорлар, талабчан мунаққидлар билан бир сафда туриб, адабиёт ва танқидчилигимизни жаҳон бадиий-эстетик тафаккури мезонлари асосида ривожлантиришга бош қўшади. Айни вақтда, истеъдодли танқидчи ва адабиётшуносларимиз эътиборини ҳам адабий жараён ва сўз санъатининг долзарб муаммоларини ҳал этишга йўналтиришда мутасадди бўлди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор адабий-танқидий асарларида адабиётимиздаги ижобий тамойиллар билан бирга унинг ривожига тўсиқ бўлган жиддий муаммолар ҳам нозик таҳлиллар орқали кўрсатиб берилгани кўп жиҳатдан ибратли. Адабиёт ва танқидчилигимиз тарихининг айрим муҳим воқеа-ҳодисаларидан бугунги кун учун зарур сабоқлар чиқариш ҳам ўринли бўлади. Қаҳҳор адабий танқид соҳасида ҳам ҳамиша юксак маҳорат ва теран тафаккур учун курашганини алоҳида таъкидлаш лозим. 30-йиллар кўпгина шоир ва адибларнинг онг-дунёқараши ҳукмрон мафкураининг синфийлик ва партиявийлик қолипларига бўйсундирилгани сабабли бадиий-эстетик тафаккур даражаси ва танқидчилик савияси ҳам қанчалар паст бўлганини баъзи мисоллар орқали тасаввур қилиш мумкин. Ҳамид Олимжондек ҳассос шоиримиз ҳам ўша даврда шўро сиёсатига мос, аммо бадииятдан йироқ шиорбозликни “етук шеър намунаси” деб баҳолагани бугун оддий ўқувчини ҳам таажжублантиради:

*СССРнинг заводидан
Чиққан автобуз,
Бос илгари, яна тезроқ
Америкадан ўз.*

Таассуфки, декларатив-шиорбозлик ва сиёсий публицистик чақириқдан иборат шундай формалистик сатрлар *“энг муваффақиятли, чиройли ва социализм қурилишини куйлаши билан характерли бўлган шеър”* деб таърифланиб, ундан ибрат олишга ундалган. Бу даврдаги кўпгина шоир ва ёзувчилар умумий савияси примитив бўлгани ва адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, вазифасини ўта саёз тушунганини кўрсатиб берганлиги ҳам Қаҳҳор-мунаққиднинг таҳлил санъати ва мантиқий далиллаш иқтидоридан гувоҳлик беради.

“Ёшларимизнинг яна ҳам тезроқ ўсишига ҳалал бераётган жиддий камчилик–ёшларимиз асарлари босилаётганига хурсанд бўлиб, билимларини етарли даражада бойитишга жон куйдирмаётганликларидир. Сўз санъатининг сирини билишга, бадиий маҳоратларини оширишга қунт

4-шубба

қилмаётганликларидир”. Бугунги Истиклол даври адабий-танқидий тафаккури ва китобхонлар маънавиятини бойитиши мумкин бўлган бу ҳаётий фикрлар адиб вафотидан кейин нашр этилган, аммо ҳукмрон мафкуранинг манқуртларча тазйиқи билан тақиқланган “Ёшлар билан суҳбат” китобидан келтирилди. Зукко матншунос-таржимон Кибриё Қаҳҳорова ва О.Шарафиддинов, М.Қўшжоновлар саъй-ҳаракати билан 1968 йили чоп этилган бу китобнинг аянчли тақдиридан ёшлар беҳабар дейиш мумкин. 30 минг нусхада чоп этилган ва адабиёт моҳияти, бадиий ижод ва маҳорат сирларидан баҳс этувчи бу нодир асар қаҳҳорона кескин фикрлар сабабли савдо расталаридан йиғиштириб олинди, нашриёт майдонида ёқиб юборилган. 1968 йил тақиқланган бу асардаги “Ҳаёт кўшиғи” (1940), “Сохтагарчилик тўғрисида” (1940), “Поэзия юксак санъатдир” (1941), “Тортиқ” (1940), “Бадиий очерк тўғрисида” (1940), “Ёшлар семинаридаги нутқ” (1944), “Ёшлар билан суҳбат” (1955,1965) каби мақола ва тақризлар бадиий ижод ва унинг моҳияти ва сўз санъатининг юксак мезонлари асосида асар яратишнинг ўзига хос машаққат ва омиллари хусусида чуқур фикр юритилгани билан бугун ҳам ёш ижодкор ва танқидчиларга кўп жихатдан ибрат бўла олади. Бу мақола-тақризларда шоир-ёзувчиларнинг илк ижодий изланишлари ва жиддий хато-камчиликлари изчил таҳлил этилгани билан улар нафақат ёш муаллифларга, балки адабиёт ва танқидчилигимиз келажаги учун ҳам асқотади.

Бу жихатдан А.Қаҳҳор билан анча йиллар бирга ишлаган ва устозни яқиндан билган адабиётшунос Шариф Юсуповнинг хотиралари ҳам диққатга лойиқ. *“Абдулла Қаҳҳор ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан эди. Бирор асар ёздимми, бошқа бировнинг ишини таҳрир қилдимми, бир меҳнат ўрнига ўн меҳнат қиларди”*. Чунончи, йирик танқидчиларимиздан М.Қўшжонов ҳозирги ўзбек насри муаммолари ҳақида 16 саҳифалик катта бир мақоласини “Ўзбекистон маданияти” газетасига олиб келганда, таҳририят уни кўриб беришни Абдулла Қаҳҳордан илтимос қилишади. Бўлим бошлиғи Ш.Юсупов гувоҳлик беришича, А.Қаҳҳор ўртамиёна бу кўлёмани таҳрир қилиб, жиддий қайта ишлаб, 3,5 бетлик ихчам мақола ҳолига келтиради. Шу тариқа М.Қўшжоновнинг “Аттанг” номли бу мақоласи адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотиб, баҳсларга ҳам сабаб бўлгани адабий жараёндаги муҳим бир воқеа бўлган. Ёхуд танқидчиларимизнинг карвонбошиларидан яна бири Озод Шарафиддинов ҳам 1962 йили ёзилган “Ўзбек аёлининг тақдири” номли мақоласи, дастлаб, умумий тавсифу мақтовлар билан чўзилиб кетганлиги, таҳлил эса анча юзаки бўлганлигини хижолат бўлиб тан олади. Муҳими, ушбу саъз мақола ҳам Абдулла Қаҳҳор нигоҳидан сўнг ва устознинг бир-икки эътироз ва маслаҳати билан жиддий қайта ишланганини миннатдорлик билан хотирлайди.

Бошқа бир характерли мисол: 1966 йил, 6-февралда “Ўзбекистон маданияти”ида Ш.Юсуповнинг Шухратнинг “Олтин зангламас” романи ҳақида “Ўтда тобланганлар қиссаси” номли тақризи эълон қилинади. Ўша куни Ёзувчилар уюшма сида 1965 йил прозаси муҳокамаси режалаштирилган бўлади. Абдулла Қаҳҳор шу куни тонгдаёқ газетадаги тақризни ўқиб чиқиб,

4-шуба

шундай дейди: *“Мен танқидчи ёзувчининг дўсти” деган гапга жилла ҳам ишонмасдим. Лекин газетанинг бугунги сониди “Олтин зангламас” ҳақидаги тақризни ўқигач, аввалги фикримдан қайтдим. Негаки романнинг қўл ёзмасини ҳам ўқигандим. Лекин унда шунча гап борлигини тўла тасаввур қилмаган эканман. Тақризчи менинг ҳам, китобхонларнинг ҳам бу соҳадаги тасаввурларини бойитишига кўмаклашди”.*

Абдулла Қаҳҳорнинг бундай ибратомуз нутқлари, турли йиллари ёзилган тақриз ва мақолаларидан унинг адабий танқидчиликка қанчалик масъулият билан муносабатда бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Дарҳақиқат, Абдулла Қаҳҳор ижоди ва шахсини чуқур ўрганган ва уни зукко устоз деб билган О.Шарафиддинов ва И.Ғафуровлар таъкидлаганидек, адиб танқидчиликни адабиётга ва ёзувчиларга мадад берувчи қудратли куч деб билган. Айни вақтда, танқидчининг ёзувчига, унинг истеъдодига бўлган самимий муносабати Қаҳҳор учун жуда муҳим эди. Яъни танқидчи ёзувчига ва унинг ижодига гўё *“тажриба қилинаётган қуёндай қарамаслиги”* керак. Абдулла Қаҳҳорни ташвишлантирган яна бир муаммо – бу танқидчиларда таҳлил санъати, адабий асарнинг ўзидан келиб чиқиб фикр юритиш маҳорати етишмаслигидир. Афсуски, бизнинг давримизда ҳам бу каби нуқсонлар барҳам топгани йўқ. Адабий жараённи чуқур тушунолмаслик ва таҳлил этолмаслик оқибатида айрим танқидчилар асарга адиб ғоявий-бадиий нияти ва ижод қонуниятлари асосида эмас, схематизм талаблари билан ёндашади ва халқ севиб, ардоқлаб ўқийдиган асарлардан ҳам иллат излайди, “кашф этиш”ни бошқаларга юклаб, асосан, фош этиш йўлидан боради. Уларнинг ижодкор ҳақидаги таърифлари ҳам мантиқ ва нафосатдан йироқ: *“Истеъдод эгаси, у драматургми, прозаикми, боши берк кўчага кириб кетиб, ўзини йўқотиб қўяди. Танқидчилар эса уларнинг асарини, барча изланишларини ҳақиқат ва адолат руҳи билан сугорилган таҳлилдан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб турар”* эмиш. Қаҳҳоршуносликда ҳам баҳсли қарашлар кўп. Адибнинг халқ ҳаёти ва миллий руҳияти (ва болалик хотираларининг) ҳаққоний ифодаси бўлган “Бемор”, “Адабиёт муаллими”, “Миллатчилар”, “Ўтмишдан эртаклар” ҳикоялари “тақлидий асарлар” деб камситилгани ҳам танқидчилик савиясининг саёзлигидандир.

Абдулла Қаҳҳор ҳам бошқа адибларимиз каби давр фарзанди эди. У ҳам Октябрь инқилоби ва комфирқанинг “жозибатор” ваъдалари-ю шиорларига ишониб, қалам тебратган ва муайян даражада замон талабларига бўйсунтиришга мажбур бўлганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Масалан, адибнинг “Ҳамқишлоқлар” ҳикоясида реал ҳаёт воқелиги давр талаби билан бирмунча бўяб-бежаб тасвирланган. Бундан 60 йиллар илгари ёзилган, аммо адибнинг бирон тўпламига киритилмаган ва адабиётшуносликда ўрганилмаган “Ҳамқишлоқлар” ҳикоясида давр муҳри, нуқси аниқ сезилиб туради. Яъни урушдан кейинги даврда ҳукм сурган “конфликтсизлик назарияси” ва мадҳиябозлик каби иллатлар Қаҳҳор асарларига ҳам салбий таъсир ўтказганини шу ҳикоя мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳикояни ўқиган ўқувчи кўз олдида 50-йиллардаги оғир кишлоқ ҳаёти эмас, балки замонавий бир шаҳар манзаралари

4-шуба

гавдаланиши турган гап: “Биз боққа кирганда, хиёбонларда одамлар кезар, қизил чойхона ва қироатхона гавжум, гулзорда икки одам бўйи отилиб, ранг-баранг чироқлар ёздусида юз товланиб тушаётган фонтан атрофида болалар у ёқдан бу ёққа югуришар эди” [7;10]. Кўринадик, Абдулла Қаҳҳордек ҳақгўй ёзувчи ҳам баъзи асарларида реалистик санъат принципларидан чекинишга мажбур бўлган ва оқибатда реал ҳаёт тасвирида шундай бўяб-бежашлар ўрин олган. Бунга сабаб ҳам ҳукмрон мафкура ва догматик танқиднинг асосиз талаблари эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 1,6-тт. –Т.: 1967, 1971.
2. Абдулла Қаҳҳор. Ўз ФА Қўлэмалар институти. Ноширлар: Саидбек Ҳасанов, Алижон Оқмуротов. –Т.: 1986.
3. Адабиётимиз фаҳри. –Т.: 2007.
4. Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор. –Т.: 2013.
5. Ёшлар билан суҳбат. –Т.: 1968, 2017.
6. Назаров Б., Расулов А., Қахрамонов Қ., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқид тарихи. –Т.: 2012.
7. Ҳикоя ва очерклар. –Т.: Ўздавнашр, 1955.

“ОЗОД” РОМАНИДА ФАЛСАФИЙ-РАМЗИЙ ТАЛҚИНЛАР

**Шоира Хурсандовна Дониярова,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш
методикаси кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор**

Маълумки, истиқлолдан сўнг яратилган ўзбек романчилигида жаҳон романчилиги анъаналарини кузатиш мумкин. Шу боис бугунги кунда яратилган асарларни ўқишда китобхон анъанавий асар ўқигандек бўлмайди. Чунки, бу асарлардаги воқеалар йўналиши, қахрамонлар тақдири ва характери ўқувчини сеҳрлаб, ўзига эргаштириб бормайди. Бундай ноанъанавий услубда яратилган асарларни чуқур мушоҳада ва фалсафий тафаккур қилсангизгина англашингиз мумкин бўлади. Мана шундай асарлардан бири Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”идан сўнг яратилган “Озод” романидир. Омон Мухтор билан бўлган бир суҳбатда адиб “мени асарларимни тушиниш керак, тушунмаган киши ўқимасин” [2] –деганди. Чунки, ҳамма тушинадиган асарлардан фарқли бўлган адиб романлари туйғу, кечинма, хаёл, туш, орзу каби инсонга хос жиҳатларнинг бадиий талқинини рамзлар орқали, фалсафий ифодасини бериши билан ажралиб турарди.

Исажон Султон эса бир асарда ҳаёт фалсафасини, инсоннинг жумбоқларга тўла тақдири, кўнглидаги нозик туйғуларини тасвирлашга ҳаракат қилади. “Озод” романи ҳам соф фалсафий, рамзий тасвирлар орқали ҳаёт ва

4-шуба

инсон, эзгулик ва жаҳолат, нафрат ва муҳаббат, савоб ва гуноҳ каби абадий ҳилқатларнинг ўзаро ички курашини турли хил рангларда, оҳангларда, тасвирланганлиги билан ажралиб туради.

Асарда илгари сурилган муаммо ҳаётни ва инсонни фалсафий – психологик, рамзий – мажозий тушуниш ҳамда тушунтиришдан иборат. Шунингдек, адиб рамзий ишоралар, фалсафий умумлашмалар орқали илоҳий бир кучнинг мавжудлигига, яъни инсон қалбан покланиши учун унинг руҳиятида Аллоҳга итоат ва садоқат бўлишига ундайди. Ёзувчи Исажон Султон ушбу асарда учта аксни кўрсатишга ҳаракат қилади. Биринчи акс асар қаҳрамони Озоднинг бахтли келажаги ва севгилисига садоқати учун лола излаб сафарга чиқиши ва йўлда турли-туман тақдирларга эга бўлган инсонларни учратиши ҳақидадир. Иккинчи акс эса йўлда учраган барча нарса ва ҳодисотларга ўзига хос тарздаги маъноларнинг берилиши натижасида унинг тафаккуридаги ўзгаришлар хусусидадир. Учинчиси эса, машаққатларга қарамай, Лолага етишмоқ ва ўзлигини, эътиқодини англаб етмоқ каби рамзий акснинг ифодасидир.

“Озод” романидаги деярли барча образлар рамзий маънога эга. Маълумки, рамз адабиётнинг, айниқса, бугунги насрнинг етакчи ифода усули бўлиб келмоқда. Ушбу романда рамзий-мажозий образлар ва воқеа ҳодисалар талқини шамол нутқи орқали ифодаланган. Унинг ҳикояларидан чиқарилган хулосалар эса инсон қалбига, эътиқодига қилинган сафар дея талқин қилинади.

“Сўқмоқ ўйдим – чуқур, араванинг гилдираги ўт – ўланларни эзиб – янчиб ўтган, изига ёмғир суви тўпланиб, сарғиш – қизғимтир тус олган, шу сатҳ ойнасида ҳам осмоннинг ва кўлмак четидаги тупроқ уюмининг бир қисми акс этарди.

Йўл узундан – узоқ, арава гийқиллар, унга қўшилган қари бир от ҳорғин одимлаб борарди. Меҳнатдан боши чиқмагани шундоққина кўриниб турар, кўлмаклардан эҳтиётлик билан ўтар, биқинида қай бир суворийнинг поинасидан қолган чандиқлари ҳам бор, хуллас, кўпни кўрган от эди бу.

Арава эса жуда кўҳна, ёғочлари ёрилиб – ёрилиб кетган, хом теридан шиланган энли қайишлари вақт ўтиши билан қорайган, катта гилдираклари гижирлаб айланар, қолдирган изига лойқа ёмғир суви оқиб тушиб тўлдирар, уларнинг юзасида ҳам осмон хира аксларди” [4;26].

Юқоридаги тасвирларни ўқир эканмиз, кўз олдимизга катта гилдиракли арава, уни тортиб бораётган от жонланади. Буларнинг барчаси рамз. Бунда яхши-ёмон кунларни бошидан ўтказган миллатнинг ҳаёт йўли, миллат тақдиридаги оғир ва машаққатли дамлар акс этган. Қолаверса, инсоннинг ҳам ҳаёти бир текис бўлмаслиги, ундаги воқеалар қалбни қийнаган изтироблардан қолган чандиқлар аравадан қолган изга қиёсланади. Бу йўлда машаққатли меҳнат билан одимлаб бораётган от миллатнинг босиб ўтган йўли. Жуда кўҳна, қадимий анъаналари мавжуд халқнинг ҳаёт йўлидаги йўқотишлардан эзилган, топталган руҳи, ҳукмрон мафкуранинг ўйинларидан қолган чандиқлар рамзий ифодасини топган.

4-шубба

Шу сабаб ушбу тасвирлар орқали адиб рамзий маънода ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларини чизади, инсон баъзан англаб, баъзан англаб улгурмаган ҳақиқатларни тасвирлайди. Роман сюжетида бир қатор рамзий мажозий характердаги образлар тизими ўз аксини топган. Жумладан, қуйдаги образ ва тимсолларнинг ҳар бири ўзига ҳос маъноларга хизмат қилади. Озод, шамол, тошкесар, узумзорлар эгаси, ота, ўғил, хоин, ёв, маломатчилар, муртад, қарға, бўри, қуш, отлар образи, Хумо қуши ва бошқаларнинг ҳар бири турли рамзий ифодаларга қаратилган. Бу рамзий ифодалар эса ҳаёт жумбоқлари ва инсон тақдирининг рангин кўринишларига бағишланган. Албатта, буни англамоқ учун ижодкор бадиий тафаккурини таҳлил қилиш лозим. Шу сабаб ушбу мажозий образларнинг ҳар бирининг зиммасига қўйилган фалсафий маъно ва вазифа мавжуд.

Бизнингча, Лола – Аллоҳга етишиш рамзидир. Маълумки, лола гўзаллик ва нафислик рамзи. Уни инсон ўз севган кишига яхши ниятлар ила беради. Аллоҳнинг гўзал жамолига етишиш учун инсон ўз амаллари билан, гўзал эзгу тилаклари ва ишлари билан яқинлашади. Чунки, ҳар бир инсон бу дунёда ўзини англаши учун, аввало, Аллоҳни англаши, унга иймон келтириши, унга руҳан етишиши лозим. Лолага талпиниш унинг жамолига интилиш, унга эришиш йўлидаги машаққатлар чин инсонга ҳос ҳислатлардир. Демак, лола Аллоҳ жамоли, инсон иймон-эътиқоди, бахти, ёшларнинг муҳаббати, ўз муҳаббатига садоқати, Ватан, оила, ёр, фарзанд олдидаги бурчи, келажакнинг бардавомлиги ва баракаси каби жиҳатларнинг рамзидир. Худди шундай лолага эришиш йўлида машаққат чеккан қаҳрамон Улуғбек Ҳамдамнинг “Лола” [5;123] ҳикоясида ҳам келтирилган. Бу йўлдаги машаққатлар унда ҳам тақдир синовлари тарзида берилган. Унда ҳам инсон жуда кўп қийинчиликлар орқали лолага интилади. Қолаверса, бу машаққатли интилиш инсоннинг қалбан покланишига сабаб бўлади деб ўйлаш мумкин.

Исажон Султон асаридаги Озод ҳам ўз севгилисига инъом этиш учун бахт лоласини олиб келиш ниятида йўлга чиқади. У йўлда учраган Тошкесар ва узумзорлар эгасидан лолага элтувчи йўлни сўрайди. Улар эса Озодга бу йўлдаги турли машаққатлар, даҳшатли таассуротларни сўзлаб беради. Бироқ, уларнинг ҳар иккаласи ҳам қаҳрамон отланаётган йўлни ҳар хил таърифлайди.

Озоднинг йўлида учраган ҳар бир ҳодисани яъни кўр киши, дарахтзор, қон, икки қуш, йўл кўрсатуви, от, кучук, қушча ва учёнғоқ кабилар билан боғлиқ ҳикоятларнинг барчаси рамзга йўғрилган. Буни таниқли адабиётшунос Абдуғофур Расулов “Акслар фалсафаси” [3;29] дея баҳо беради ва ушбу асарни синчков таҳлил қилади. Натижада ҳар бир акс кўнгил акси деб тўғри талқин қилинади. Бироқ, бу акслар нафақат кўнгил акси, балки Аллоҳга итоат ва эътиқод акси ҳам дейиш мумкин. Шу ўринда китобхон турфа хил қарама-қарши таърифларни ўқиб ҳайратга тушади. Маълумки, Озод иштиёқ билан йўлга чиқар экан, аслида унинг мақсади лолани олиб келиш эмас. Балки, ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиш, бахт ва омад излаб чиқиш эканлигини тушунамиз. Шу сабаб бу йўл одатий йўл эмаслигини англаймиз. Йўлда илк бор учраган аёллар, Тошкесар ва узумзорлар эгаси таърифлаган йўл ҳақиқий йўл эмас, умр ва ҳаёт

4-шуба

йўлидир. Тошкесар оғир машаққатли иш билан банд. Бу унинг умри машаққат билан ўтганига ишора бўлса, узумзорлар эгасини эса фарзанди йўқ бўлиб, ҳаёти мазмунсиздек туюларди. Шунинг учун ҳам у умрини, яъни бахт лоласига элтувчи йўлни кимсасиз кенгликларга ўхшатади. Асардаги бу икки қаҳрамон кўриниб турибдики, бир шаклга икки хил маъно ва баҳо беришади. Асардаги ёв рамзий образи эса ёвузликнинг рамзий талқини, романда тасвирланишича *“Дала-ю қирларга ёйилиб яшаётган одам болалари бизларнинг душманимиздир! Улар роҳату фароғат ичида умр кечирдишади, еру мулкларни эгаллашади, қалдирғоч сингари лой-чўп ташиб уйлар қуришади, тўп-тўп бўлиб кезиб юришади, беҳисобу бесаноғу беҳуда сўзлар айтишади. Ана шу айтганлари ўзига кушанда бўлиб қайтиб келишининг тимсоли сифат турамыз тоғ ўнғирларида, тубсиз қоронғуликлар ичида... Бир куни бир одам боласи бир ножоиз сўз айтади, у гуноҳга айланади – шунда тоғ дарз кетади. Яна бир сўз айтади – дарз кенгаяди. Кейин эса дарз ёриққа айланади. Ана шу ёриқ очилса бас – орасидан шувиллаб ўтамыз биз. Ер юзига ёйилиб-ёйилиб кетамиз, булардан ўчимизни оламыз, бўйинларидан эгиб-эгиб, ўзимизга бош эгдирамыз”* [4;98]. Ушбу парчадан кўриниб турибдики, бу фикрлар инсоннинг азалий душмани бўлган шайтондир. Маълумки, шайтон жаннатдан қувилишини одамдан кўради. Шундан буён инсоннинг ягона душмани ҳам удир дейилади диний ривоятларда. Фақат у инсондан ўч олиш учун пайт пойлайди. Бу олинган ўчга эса инсоннинг ўзи сабабчи бўлиши ҳам диний ривоятларда келтирилган. Чунки, шайтон измидаги кишилар ёмонликлар қилишга, дунёни бузишга, инсонлар қалбига қўрқув солишга қодир. Бу эса, аввало, инсоннинг маънавий дунёсидаги иллатдир. Мана шу маънавий иллат эса шайтонни озодликка чиқариши, маънавий дунёни инкирозга учратиши мумкин.

Яна бир ўринда *“Мева пишса, уни чўқийдиган қуш аллақачон яралган. Бир тош бино бўлса, уни емирувчи сув албатта мавжуд. Биз эса одам боласини емирувчимиз”* [6;99]. Кўриниб турибдики, инсонни емирувчи ҳақида гап кетаяпти. Айни шундай фикр Хуршид Дўстмуҳаммаднинг *“Жажман”* [1;272] номли ҳикоясида ҳам келтирилган. Унда ҳам инсон ўз нафси туфайли шайтоний ҳислатларга ошно бўлади. Чунки, одамзод шайтоннинг измига кириб жаннатдан қувилгандан буён унинг бир душмани, ёви мавжуд. Бу унинг қалбига кирган Шайтондир. Асарда ана шу ёв назарда тугилади. Чунки ёв аслида инсоннинг ўз қалбида, ичида, яъни ботинидадир. Ёв инсоннинг ўз иллатлари, нафси, ёвузлиги, эътиқодсизлигидадир. Одамзотнинг гуноҳлари уни ҳор қилиши мумкин. Бу душман инсоннинг инсонийлигини ва энг яхши сифатларини емиради. Ёв назарда тутган ёриқ эса инсон маънавий дунёсининг дарз кетишидир. Чунки, инсон қабоҳатга, ёлғонга, хиёнатга, ёвузликка ошно бўлса Шайтонга бўйсинган бўлади. Мана шу инсон ва шайтон ўртасидаги азалий кураш асарда ёв образи орқали акс эттирилган. Асарда қилган гуноҳининг жазосини олаётган хоин образи эса ўз қавмдоши бўлган Эранни душманларга сотади ва умри мана шу гуноҳининг товонини тўлаш билан ўтади. *“Учёнгоқ тагида туйқусдан тўхтаб қолди. Учёнгоқ тагида жасадлар бор эди. Бири эллик ёшлардаги кучли ва бақувват кишининг, бошқалари бир неча*

4-шуба

ўстириннинг жасадлари бўлиб улар бетартиб ётишар, юраклари суғуриб олинган эди. Кучукни тўхтатган нарса жасадлар эмас, балки нотаниш кимсалар бўлди. Оппоқ бу кимсалар жасадлар устида муаллақ турар, оёқлари ерга тегмас эди. Кучук ўтиши мумкин бўлмаган галати чегарага келиб қолганини пайқади, гингиб – озорланиб ерга ётиб, мўлтираганча ортга тисарила бошлади, шу тариқа ўн-ўн беш қулоч тисарила борди... дарҳақиқат у қўрқиб кетган, эгаси томон боришга ботина олмай, шундай демоқда эди: *Эгамни ёв ўлдирди. Кўзимни очганимдан бери унга шоён садоқатда бўлдим*”. – *Энди эгам қолмади. Эгамнинг Эгасигина қолди [4;28]*”.

Ушбу парчани ўқир эканмиз, ортиқча изохга ҳожат йўқ. Итнинг эгаси инсон, инсоннинг эгаси эса Аллоҳдир. Жасадлар устидаги оппоқ кишилар эса инсон руҳидир. Асардаги ҳар бир детални, ҳар бир воқеани таҳлил қилар эканмиз, бир олам фалсафий маъно англаймиз. Худди шундай талқинларни Омон Мухторнинг “Тепаликдаги хароба” романида ҳам учратиш мумкин. Унда ҳам бир бирига бетартиб ётган мурдалар. Мурдаларнинг баъзан пайдо бўлиб, баъзан ғойиб бўлиши. Уларни эса бир ит кўриши тасвирланган. Шунингдек, диний-илоҳий ривоятларда ғор ичида ётган авлиёлар ҳақида ҳам шундай маълумотлар келтирилади.

Асардаги рамзлар китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Ёзувчи Исажон Султоннинг ушбу асарида Шамол бош қаҳрамон у Озодни йўлбошловчи сифатида турли воқеаларга ошно қилади. Йўлда учраган нарсаларнинг асл моҳияти билан таништириб боради. Озод лолага етиб боргунга қадар кўп нарсага гувоҳ бўлади. Натижада, ўз йўлини топади. Шу йўлда ишонч билан одимлайди. Бу унинг дунёқараши, ўзлигини англаши, Аллоҳни таниши учун бир восита, сабаб эди. Адиб инсон дунёни англаш учун ҳаётдаги барча икир-чикирларни моҳиятини англаши лозимлигига ишора қилади. Ва мана шу турли-туман, катта-кичик аксларнинг бадиий талқинини бир асар доирасида тасвирлаб беришга ҳаракат қилган. Маълум маънода ўз бадиий ниятига эриша олган. Ёзувчи тасвирлаган ҳар бир деталнинг асил моҳияти ҳақида сўз юритиш асардаги фалсафий маънони англаш, ҳаётни турли қирраларига турлича муносабатда бўлиш билан баробар. Қолаверса, шамол барча нарсанинг сирини билади, барча воқеаларга бевосита гувоҳ бўла олади. Бироқ, Аллоҳнинг даргоҳида у ҳам ожизлик қилади. Шу сабаб ушбу чегарадан ўта олмаслигини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, адиб ушбу асар орқали китобхонга инсоний, диний-илоҳий, дунёвий билимларни фалсафий моҳиятини кўрсатишга ҳаракат қилган. Шу сабаб биз ушбу асарни қанчалик чуқур таҳлил қилсак, шунчалик мураккаб қурилмали, фалсафий-рамзий мантиққа эга асарни англашга эришган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дўстмуҳаммад Ҳ. Жажман. – Т.: Шарқ, 1995.

4-шубба

2. Отабоев А., Мухтор О. Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998. 8 март.
3. Расулов А. Акслар фалсафаси. – Т.: Турон замин зиё, 2017.
4. Султон И. Озод. – Т.: Шарқ, 2012.
5. Ҳамдам У. Узоқдаги Дилнура. – Т.: Академнашр, 2010.

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА БУРГУТ ОБРАЗИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Дармон Саидахмедовна Ўраева
*Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори,
 филология фанлари доктори*
 Акмал Ахматович Жумаев,
*Бухоро ДУ Немис ва француз тиллари кафедраси
 мустақил тадқиқотчи*

Бургут культига ишонч қадимдан мавжуд бўлиб, маданияти ва эътиқоди бир-биридан фарқ қиладиган турли халқлар орасида универсал характерда куч-қудрат, ҳукмронлик, давлат, улуғворлик, ёруғлик, ҳосилдорлик, абадийлик тимсолида қаралади. Шулар асосида бургут кўпинча барча қушларнинг шоҳи сифатида талқин қилинади.

Қадимги юнон тилида *aetos*, латин тилида *aquila* деб юритилган бургут юнонлар мифологиясида Зевс томонидан уруш ва ғалаба тимсоли деб танлаган [1;308]. Ҳинд мифологиясида эса бургут Гаруба барча жинларни енгани деб айтилади. Бобилликлар гербида бургут давлат рамзи сифатида келтирилган. Форслар ҳам уни ҳарбий белгига ишора сифатида танлашган. Немис афсоналарида бургут абадийлик тимсоли сифатида қаралиб, ҳаёт дарахти тепасида ўтиргани тасвирланади.

Тилда ҳосил бўлган бургут қанотлари ёки бургут кўзлари билан боғлиқ тасвирий ифодаларда ҳам унинг бошқа қушлардан кучли ва устунлигига ишора қилинади. Одамлар бургутнинг осмону фалакда ҳамма қушлардан баланд уча олиш хусусиятини илоҳийлик билан боғлаб талқин этишган.

Юнон шоири Гомернинг фикрича, панжасида илон ушлаб турган бургут ғалаба рамзи ҳисобланган. У Олимп худоларининг ҳамроҳи ва хабарчиси сифатида ҳам гавдалантирган. Олимп худоларига соқий керак бўлганда, Зевс Ганимедни олиб келиш учун бургутни юборади ёки ўзи бургутга айланиб учиб боради. Бошқа бир афсонада ғабланган Зевс бургутга айланиб, инсонларга олов етказиб берган Прометейнинг жигарини тилка-пора қилади.

Бургут – йиртқич қуш. Уни лочин ҳам дейишади. У йиртқич қуш бўлсада, халқ эртак ва афсоналарида, дostonларда кўпроқ мардлик, жасурлик ва улуғворлик тимсолларида эпик қаҳрамонга ҳомий ҳамроҳ кўринишида гавдалантирилади. Лекин баъзида кўркувга солувчи мифологик йиртқич қуш Грифон қиёфасида ҳам талқин қилинади.

4-шуба

Бургутнинг сервиқор улкан кўриниши, баландпарвозлиги асосида Қакнус, Ҳумо, Семурғ каби мифологик кушларнинг образлари яратилган. Улар ҳам кўпинча эпик қахрамоннинг ҳамроҳи ва ҳомийси образларида қўлланилади.

Немис ёзувчиси, адабий танқидчи, филолог ва педагог Ёҳан Карл Аугуст Музеуснинг “Немис халқ эртаклари” номли тўпламидан ўрин олган “Die Bücher der Chronika der drei Schwestern” (“Уч опа-сингил кечинмалари”) номли эртакда сеҳрланиб бургутга айланиб қолган шаҳзода образи келтирилган. Бу эртак рус тилига “Рейнальд Вундеркинд” номи билан таржима қилинган. Унда князь Радборнинг уч ўғли синглиси Хильдегардни сеҳргар Цорнбок чангалидан кутқариш учун кўшин тортиб йўлга чиқишади. Аммо сеҳргар Цорнбок уларни сеҳрлаб ўрмон, осмон ва денгиздаги энг баҳайбат жониворларга, масалан, Албрехтни ўрмон айиғига, Эдгарни баҳайбат бургутга, Уфони эса йирик балиққа айлантириб қўяди. Хильдегард ва унинг сеҳрланган уч акасини эртак бош қахрамони Рейнальд Вундеркинд кутқаради. Шу тариқа эртак воқеалари бир-бирига уланиб, қахрамонларнинг бошидан ўтган саргузаштлари ҳисобига ўзаро боғланганча яхлит сюжетни ҳосил қилган. Жумладан, эртакда сеҳрланган уч ака саргузаштлари ҳам алоҳида эътиборни тортади. Бу воқеалар ривожига бир бой графнинг бор-будини ўйламай совуриб, кейин қашшоқлашиб қолгач, ўрмонга овга чиқиши тугун вазифасини ўтаган. Чунки бунинг натижасида граф сеҳрланган уч акага асир тушади ва уларга қизларини беришга мажбур бўлади.

Граф дастлаб ўрмонга овга чиқиб чарчаб, бир эман дарахти соясида дам олишга ўтирганида ўрмон айиғи Альбрехтга ўлжа тушади. Айиқ графни асал дарахтига тажовуз қилишда айблаб, бадалини ҳаёти билан тўлаши зарурлигини айтади. Айиқнинг инсонлардай гапира олишидан граф унинг сеҳрланганини пайқаб, айиқдан кечирим сўрайди ва уни тушликка таклиф қилади. Айиқ графга қилган ишининг бадалига катти қизи Вульффильдани ўзига хотинликка сўрайди ва сирли равишда ясатилган араваларда олиб кетади. Худбин, оқибатини ўйламай иш қиладиган Граф яна ўрмонга овга чиққанида, сеҳрланиб бургутга айланган шаҳзоданинг асирга айланади. Бу гал у ўртанча қизи Аделгейдани бургутга эрга беришга мажбур бўлади. Учинчи мартоба балиқ овлаётганда эса сеҳрланган баҳайбат балиқ шаҳзоданинг асирга айланиб, жони эвазига кенжа қизи Бертани каттагина қалин пули эвазига унга беради.

Немис халқ эртакларида воқеалар кўпинча ўрмонларда содир бўлади. Бу Германия табати билан боғлиқ, албатта. Ёҳан Карл Аугуст Музеуснинг “Die Bücher der Chronika der drei Schwestern” (“Уч опа-сингил кечинмалари”) эртагида ҳам воқеалар ўрмонда содир бўлади. Сеҳрланган шаҳзодалар ҳам ўрмондан макон топишади.

Эртакда бургут образида мағрурлик, салобат ва жасорат каби характерлар билан бирга инсонийлик, оқибатлилиқ ва оилапарварлик, биродарлик хислатлари ҳам гавдалантирилган. Бу хусусиятлар сеҳрлаб бургутга айлантирилган шаҳзода Эдгарда ҳам намоёндыр. Шаҳзода Эдгар бургут қиёфасида ҳам қаллиғи Аделгейдани чин дилдан севиб ардоқлайди. Эртакда бургутдан ташқари овчи куш Лочин образи ҳам бор. Лочин куши Рейналд Вундеркинднинг отасига ов қилишда ҳамроҳлик қилади ва у сабабли

4-шуба

бургут қиёфасидаги сеҳрланган шаҳзода Эдгар ва Аделгейданинг отаси тўқнашиб қолишади. Ов жараёнида Лочинлардан фойдаланиш ҳаётий асосларга эгадир.

Ака-ука Гриммлар эртақларида бургутлар билан бирга бошқа мифологик қушлар ҳам иштирок этади. Жумладан, “Der Vogel Greif” (“Гриффон қуш”) [8; 169-174] эртагининг туб моҳияти ростгўйлик, ишонч ва ёлғон кабиларнинг зидлигидан ташкил топган. Эртақдаги Гриффон қуши донишманд қуш қиёфасида гавдалантирилган. Гриффоннинг эртақ қаҳрамони Ҳанснинг сўрамоқчи бўлган жумбоқли саволларига аниқ жавоб бериши, инсонларданда ўткир қилиб тасвирланиши уни сеҳргар қуш деб қарашга асос яратган. Эртақ қаҳрамони Ҳанснинг ростгўйлиги, ҳалоллиги эртақ якунида унинг мурод-мақсадига етишига сабаб бўлади.

Ўзбек фольклорида Гриффон қанотли ит образида, яъни ит-қуш образида талқин этилади. Чунки туркий халқлар эътиқодига кўра, *“бургут қариганда иккита тухум қўяр эмиш. Тухумларнинг биридан ўша бароқ отли кучук пайдо бўлармиш. Итларнинг энг тез югурадигани ва овни қаттиқ сақлайдигани шу бароқ итдир. Иккинчи тухумдан жўжаси чиқар эмиш. Бу унинг жўжасаларининг охиргиси бўлар эмиш”* [4; 359]. Ўзбек фольклоршуноси М.Жўраев фикрича, қадимги туркийларнинг мифологик эътиқодларига кўра, *“бароқ”* сўзи ғайриоддий равишда пайдо бўладиган, яъни бургут тухумидан чиққан афсонавий ит номидир [5; 56-66].

“Zaunkönig” [7;71-74] эртаги “Жинқарча” [3;124-128] номи билан таржима қилинган. Эртақда қушларнинг ўзлари учун подшоҳ сайлашлари ва бу жараёнда бўлган воқеалар баён этилган. “Es ward aber beschlossen, daß der König sein sollte, der am höchsten fliegen könnte” [7; 71]. Қушлар, кимда-ким ҳаммадан баланд парвоз қила олса, ўша подшо бўлади, деб қарор қилишибди [3;124]. Бургутга хос баландпарвозлик, мағрурлик, улуғворлик, мерганлик каби қатор табиий жиҳатлар эртақда унинг қушлар шоҳи сифатидаги образига кўчирилган.

Умуман айтганда, жаҳон халқлари, шунингдек, немис ва ўзбек халқ эртақларида бургут образи унинг табиий белги-хусусиятлари асосида берилиши сабабли бир-бирига ўхшашлиги кузатилади.

“Schneeweißchen und Rosenrot” [8;102-109], яъни “Оппокой ва Гулойим” эртагида бургут ёруғлик тимсоли сифатида ёвузлик ва зулматга қарши курашувчи, осмон қироли кўринишида образлантирилган. Унинг пакана махлуқ гномни баландликдан кузатиб туриб, унга чангал солиши зулматга қарши курашувчи эканини ифодалайди. Аммо опа-сингиллар ўзлари билмаган ҳолда ер остидаги зулмат ҳукмронини бургут чангалидан қутқаришади. Негаки, опа-сингиллар пакана одам(гном)нинг аслида қандай эканлигини бургутчалик тез илғай олмайдилар ва унга билмасдан ёрдам беришади.

Ўзбек халқининг “Бургутлар” [1;129-132] номли эртагида бургутлар образига алоҳида эътибор қаратилган. Бу эртақда оддий бургут эмас, бургутлар подшоҳи ҳақида сўз юритилган. Унда айтилишича: *“Бир тоғ этагидаги горда бир шаҳзода, бир айиқ, бир тулки ва бир бургут яшар эканлар. Бургут бутун*

4-шубба

дунёдаги бургутларнинг подшоҳи экан. Айиқ ҳам бутун дунёдаги айиқларнинг подшоҳи экан. Тулки ҳам дунёдаги барча тулкиларнинг подшоҳи экан” [1;129].

Эртақда нега айиқ, тулки, бургут шахзода билан бирга яшаши қизиқдир. Албатта, бунда инсонларнинг қадимий тотемистик қарашларининг, культ-ҳомийлар ҳақидаги тасаввур-тушунчаларининг ўзига хос таъсири мавжуд.

Айиқ ҳайвонлар орасида бақувват гавдали бўлганлиги учун номи кўрсатилган эртақда паҳлавон кўриқчи вазифасида талқин этилган. Тулки эса кўпинча айёр, қув характерида тавсифлангани боис бу эртақда шахзоданинг айёр ва доно маслаҳатчиси қиёфасида гавдалантирилган. Осмон ҳокими ва қушлар подшоси деб таърифланадиган мағрур бургут қуши шахзодани ҳимоя қилувчи қўшин бошлиғи образида келтирилган. “*Шахзода бошини қуйи солиб тураркан, айиқ бир увиллабди, бутун дунёдаги айиқлар тўпланишиб, бир томонга саф тортиб турибдилар. Тулки ҳам бир увиллаган экан, ҳамма тулкилар келиб бир томонда турибдилар. Бургут эса бир қичқирган экан, бутун дунёдаги бургутлар тоғлардан тошларни кўтариб келиб, тепадан ҳужумга шай туришибди. Шу вақт шоҳ вазирига айиқ ва тулкиларни кўрсатиб: “Аскарни оз экан урушни бошлаймиз”, – дебди. Вазир доно экан, юқорига қараб, бургутларни кўриб, юраги ёрилгудай бўлибди. Вазир шоҳга қараб: “Шоҳим, тепангизга қаранг! Уни кўряпсизми? Уруш қилмаймиз, шахзода билан яраш қиламиз”, – дебди. Шоҳ бу ҳолни кўриб, дарров шахзода билан ярашибди ва у шахзодани ўз юртига куёв қилиб олиб кетибди*” [1;132].

Эртақда шахзода қўшинининг бошида бургутнинг борлиги унинг ғалабасига сабаб бўлгани тасвири асосида халқнинг бу қушни енгилмас, ҳамиша ғолиб, ғалаба ва давлат ҳомийси сифатида қараш билан боғлиқ эътиқодий тушунчалари ётиши шубҳасиз.

Маълумки, эртақларда кўпинча бош қаҳрамон хоҳ подшоҳ бўлсин, хоҳ оддий инсон овга чиққанида унга бирор овчи қуш ҳамроҳ бўлиши акс эттирилади. Буни ўзбек халқининг “Доно қуш” эртаги мисолида ҳам кузатиш мумкин. Унда подшоҳга доимо овда ҳамроҳ бўладиган қушининг вафодорлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Воқеалар чўлда бўлиб ўтади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқ жоизки, эртақларда воқеалар юз берадиган эпик макон танланишига ҳар бир халқнинг табиий жойлашув ҳудуди ҳам эътиборга олинади. Айтайлик, ўзбек халқ эртақларида учрайдиган чўл атамаси (жой, макон маъносида) немис эртақларида деярли учрамайди. Ваҳоланки, немис эртақларида воқеалар кўпинча ўрмонда содир бўлади. Ов мотиви эса ҳар икки халқ эртақларида ҳам учрайди. Фақат ўзбек халқ эртақларида ов кўпроқ чўл зонасида содир бўлса, немис эртақларида ўрмонда олиб борилади.

“Доно қуш” ўзбек халқ эртагида, чўлда ов қуши билан ов қилиб юрган подшо чарчоқ ва чанқоқлик билан бир қудуқ ёнида тўхтади. Қудуқнинг бир чеккасида чакиллаб турган сувга жом тўлгач, подшо ундаги сувни ичмоқчи бўлади. Аммо шу пайт қуш унинг қўлидаги сув тўла жомни ағдариб юборади. Подшо қаттиқ жаҳли чиққан бўлса-да, қўлидаги жомни яна сабр билан сувдан тўлдиради, бироқ жом энди тўлай-тўлай деганда, ҳалиги қуш бу гал ҳам жомни

4-шуба

ағдариб ташлайди. Дарғазаб бўлган подшо ўйлаб-нетмай кушнинг калласини қиличи билан узиб ташлайди. Лекин бирдан у тепадан чакиллаб турган сув кудуқ тепасидаги аждарнинг оғзидан томиб турган заҳар эканлигини кўриб қолади ва ўзини кадрдон куши ўлимдан сақлаб қолганлигини тушунади. Подшо қилган ёвузлигидан қаттиқ пушаймон бўлади.

Ҳар бир халқда “Кушлар – бизнинг дўстимиз” деган қараш бор. Юқоридаги эртақда шундай қарашнинг ўзига хос бадий талқини кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Botir echki. O‘zbek xalq ertaklari. – T.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2019.
2. Nemischa-o‘zbekcha lug‘at [Matn] / A.A. To‘laganov [va boshq.]. – Buxoro: “Sadridin Salim Buxoriy” nomli Durdona nashriyoti, 2008.
3. Ака-ука Гриммлар. Етти қарға. М. Содиқова таржимаси. – Т.: ЎзССР давлат нашриёти, 1954.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том. – Т.: Фан, 1960.
5. Жўраев М. “Грифон” ёки қанотли ит образининг тарихий асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2006. – 1-сон.
6. Словарь античности. Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1988.
7. Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm. Band I. – Berlin: Der Kinderbuchverlag, 1961.
8. Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm. Band II. – Berlin: Der Kinderbuchverlag, 1961.

“ҚУШ ТИЛИ”ДА ИЖОДКОР БАДИЙ МАҲОРАТИ МАСАЛАСИ

**Шафоат Саидбековна Ҳасанова,
ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими,
филология фанлари доктори**

Ҳар бир ижодкор ўз асарини яратишда мазмуннинг теранлиги ва шаклнинг гўзал бўлишига алоҳида аҳамият қаратади. Шу боис буюк ижодкорлар ҳамиша асар мазмуни билан шаклининг мутаносиб бўлишига бор маҳоратларини сарф қиладилар. Пайвандий Ризоий(ХVIII)нинг “Куш тили” достони ҳам ана шу эстетик талаблар асосида ёзилган бўлиб, унда ижодкор турли-туман шеърини санъатларни дoston мазмунини бойитиш ва ўқувчи диққат-эътиборини унга жалб қилиш мақсадида моҳирлик билан ишлатган[4;10].

Бадий санъатлар маънавий ва лафзий қисмларга бўлинади[3;12]. Ризоий “Куш тили” асарининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда мавжуд санъатларнинг деярли барчасидан унумли фойдаланилган. Ризоий қўллаган

4-шубба

санъатлар асарнинг бадиийлигини таъминлашда нечоғлик хизмат қилганлигини кўриб чиқайлик.

Пайвандий Ризоий асаридаги бадиий воситалар асар мазмунини янада чуқурроқ ифода этишга, ўқувчига эстетик завқ бағишлашга қаратилган бўлиб, уларни қўллашда санъаткорлар ўз маҳоратини ўзининг эстетик қарашларига монанд тарзда ифодалашга алоҳида аҳамият берган. У қўллаган турли-туман шеърӣ санъатлар нафақат дoston мазмуни, балки гўзал бадиий шакли билан ҳам ўқувчини чуқур ҳаяжонга солади. Масалан, Ризоий достонида қушлар ҳақиқат мулкининг Султони – Семурғ сари сафарлари асносида Худхуд уларга бу олий даргоҳ ва унинг яратувчиси тасвирини қилар экан, унинг моҳиятини ўқувчига етказиб беришда қатор санъатлардан истифода этиб, ўзига хос бадиий усулларни қўллайди. Қуйидаги байтда шоир “таҳдис”, яъни ҳадис келтириш санъати орқали охиратга шу фоний дунёдаёқ ҳозирлик кўрмоқ зарурлиги ҳақидаги фалсафӣ ғояни кўтариб чиққан бўлса:

موند ايككان تخم اندا بر بيرور-

قوله عليه السلام الدنيا مزرعة الآخرة [150;2]

Қуйидаги байтда музораа (ёки тазмини муздаваж), яъни байтда қофиясимон оҳангдош сўзлар иштирокида ҳақиқат мулкининг Султони васлига тариқат йўли билан эришиш мумкинлигини ўзига хос тарзда баён этади:

سالک راه طریقت اولدورور

مالک ملک حقیقت اولدورور [146;2]

Ёки Семурғ васлига эришиш ғоясини қушларга мустаҳкам сингдириш учун унинг илоҳӣ сифатларини бирма-бир баён этиб, бирида тазод, яъни маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни, иккинчисида тақрир, яъни сўзларни тақрор қўллаш, яна бирида тасбиъ, яъни биринчи мисрадаги охирги сўзни, иккинчиси бошида тақрорлаб байт мазмунини боғлайди ва фикрга яқун яшаш орқали мақсадга эришади:

ای باری یخشى یمان نی بیلکوچی

یخشیلار غه یخشیلیکلار قیلغوچی [318;2]

همت اولدور- همت اولدور- همت اول

کیم اوچوب توتسانک شهنشاهیینک یول [243;2]

بس انکا بیتماس جهاندین کیچماکان

یوق جهاندین بلکه جاندین کیچماکان

Ризоий достонида бир байтнинг ўзида қатор санъатлардан фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунга эришиш санъаткордан ўта катта маҳорат ва иқтидорни талаб этади. Масалан:

سایه سیدور سلطنت سرمایه سی

سلطنت سرمایه سیدور سایه سی

Бу байт мисраларидаги ҳамма сўзларда [с] товуши қатнашгани сабабли “тавзиъ” санъатини ҳосил қилган бўлса, биринчи мисрадаги “соясидур сармояси” сўзларининг, иккинчи мисрада тескари бўлиб тақрорланиши, яъни “сармоясидур сояси” шаклида келиши тарди акс санъатини ва ниҳоят “сояси”

4-шубба

сўзининг биринчи мисраининг биринчи рукнида (садрда) ва шу сўзнинг иккинчи мисра охириги рукнида (ажз) такрор келиши “тасдир”, яъни “радул ажз минас садр” санъатини пайдо қилган ва шу тариқа шоир изҳор қилмоқчи бўлган мазмун шаклан гўзал, жарангдор ва ўқувчига эстетик завқ берувчи шеър намунасига айланган.

Қуйидаги байтда ҳам тасдир билан бирга тасбиъ (“кушталар” сўзининг биринчи мисра охири ва иккинчи мисра бошида келиши) санъатлари қўлланилиб, “ҳар тарафда” сўзлари ҳожибни ташкил этган:

پشته پشته هر طرف دا كوشته لار
[46;2] كوشته لاردين هر طرف دا پوشته لار

Достонда ийҳом санъатидан ҳам ўта моҳирона ва ўз ўрнида истифода этилганига қатор мисоллар борки, санъаткор унда шеър мазмунининг ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий маъноларига ишора қилишга эришган. Масалан, қуйидаги байтда шоир бу санъатни талмеҳ, яъни афсона ва ривоятларга мурожаат этиш санъати билан бирга қўллаш орқали мазмунни ўзига хос гўзал шаклда ифодалашга муваффақ бўлган ва буни Ризоий бадиий маҳоратининг юксаклигини кўрсатадиган шеър намунаси қаторига киритса бўлади:

سيزدى شه بو سوزيدىن يعقوب تاك
[255;2] قورت بيريں يوسفنى ايوب تاك

Мазкур байтда пайғамбарлар тарихи ва уларнинг ҳаётидаги мудҳиш воқеаларга ишора қилиш орқали достонда келтириладиган Урва ҳақидаги ҳикоятнинг асосий мазмуни очиқ берилмоқда. Ривоятларга кўра Юсуф алайҳиссаломни оғалари ўзлари билан олиб кетишгач, уни чоҳга ташлашади ва кейинчалик сотиб юборишади, оталарига эса уни бўри еб кетди деб, хабар беришади. Маълумки, Айюб пайғамбар ҳам бошидан катта азобу уқубатларни кечирган. У баданини қурт ейишидан қаттиқ азоб чеккан. Достондаги Урва ҳақидаги ҳикоятда асар бош қаҳрамонининг мусибатларга сабр-бардош берганлигини ёритишга бағишланган мазкур байтдаги «қурт» сўзи икки хил маънода “қурт” ҳамда “бўри” маъноларида ишлатилганлиги туфайли ҳам шеърда ийҳом санъати қўлланилган. Бу сўз маъноларининг ишорасига кўра Айюб пайғамбарни қурт егани, Юсуф алайҳиссаломнинг изтироблари эса қурт, яъни бўри билан боғланганлиги ва ниҳоят Ризоий келтирадиган Урва ҳикояти бош қаҳрамони бошидан ҳам, Айюб пайғамбар ва Юсуф алайҳиссаломлар кўрган кўргуликларни кечирадиганлиги ва Аллоҳнинг синовидан сабру бардош билан ўтаётганлиги ана шу санъат орқали ифодаланмоқда. Шунингдек, Ризоий достон таркибидаги ҳикоят қаҳрамонларини эзгуликка чорлаганда қайтариқ санъатига алоҳида аҳамият беради ва бу санъат орқали ҳикматли сўз даражасидаги шеърларни яратади. Масалан, қуйидаги байтнинг иккинчи мисрасида қайтариқ санъати қўлланилиб, “яхшилиқ” сўзининг такрори натижасида ажойиб санъат асари намунасига айланган:

اول كه چيقغاي اتیغه یخشی قیلیق
یخشیلیق، نایقای چو قیلسه یخشیلیق

Ризоий достонидаги асосий ғоя солиқнинг Аллоҳ таоло висолига эришиши учун аллақандай мавҳум ва узок манзилларга сафар қилмоғи лозим

4-шуба

эмас. У бундай мақсадга кўнглини ва бутун вужудини поклаб ўзини эзгу ниятлар ва яхшиликка қаратиш орқалигина эришиши мумкин. Шундагина илоҳий қудрат ижобати туфайли ўз кўнглининг мусаффо ойнасида Яратувчи тимсолида ўзлигини тажассум топганлигини, унинг мусаффо ва порлаб турувчи кўнгил нури буюк Қудрат эгасининг ажралмас бир зарраси эканлиги билан бахтиёр бўлади. Ана шу ғоя Ризоийнинг қуйидаги байтида қайтариқ, илтизом, тасбиъ ва бошқа санъатлар орқали юксак маҳорат билан ўқувчига тақдим этилганининг шоҳиди бўламиз:

سورمه انينک بيرينى قاندا ايرور
اول كونكولدادور- كونكول سندا ايرور
سينداوقدور بلکه چون سين سين كونكول
کر بو تورلوک بيلماسانک اوزدين تونکول

Ризоий “Қуш тили” достонида яна турли-туман шеърий санъатлардан фойдаланганки, уларни тафсилоти билан ўрганиш алоҳида илмий тадқиқот доирасини ташкил қилади. Қисқаси, Ризоий шеърий санъатларни қўллаганда салафларнинг илғор тажрибаларига суянган, лекин масалага ижодийлик ва новаторлик нуқтаи назаридан ёндашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исҳоқов Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услуб. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1976 – № 4, .
2. Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий. Қуш тили. Факсимиле. – Т.: Ўзсаноатқурилишбанк, 2017.
3. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
4. Ҳасанова Ш. Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоийнинг “Қуш тили” достони ва унинг қиёсий-текстологик тадқиқи. – Т.: ЎзРФА давлат Адабиёт музейи, 2006.

МУАММОНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИГА ОИД ҚАРАШЛАР

Жалолиддин Олимжонович Жўраев,
ЎзРФА ШИ етакчи илмий ходими,
филология фанлари доктори

Муаммонинг мустақил жанр эканлиги, алоҳида жанр сифатида ажралиб чиқиш жараёни, шаклланишига омил бўлган воситалар, бошқа жанрлардан фарқ қилувчи хусусияти ва ифода имкониятлари кабилар юзасидан Шарқ халқлари адабиётшунослигига оид тадқиқотларда турли хил таъриф ва хулосалар берилган. Мазкур тадқиқотларнинг баъзисида муаммога шеърий санъат, баъзисида алоҳида жанр, айримларида қоришиқ санъат ёки жанр сифатида қарашлар мавжуд. Ўз навбатида, бу борада Шарқ ва Ғарб олимларининг хулосалари бир-биридан фарқланади. Жумладан, Т.Бобоев муаммони ҳам шеърий санъат, ҳам алоҳида жанр сифатида кўрсатиб қуйидагича таъриф

4-шуба

беради: “Муаммо (ар. *معما* – яширинган, беркитилган) – мумтоз шеърятимизда кенг қўлланилган шеърий санъат (айни чоқда, шеърий жанр)лардан бири.

Муаммо ҳажм жиҳатдан бир байтдан, баъзан икки байтдан тузилади. Қофияланиш тартиби: а-а ёхуд, а-а-б-а. Мазкур мисралар замирида кўпинча бир сўз яширинган бўлади. Шеърда шунга маълум ишоралар қилинади. Шеърдаги ишора ва муайян сўз (лар)нинг арабча ёхуд форсча таржималарини ишлатиш, сўздаги айрим ҳарфларни саралаб олиб сўз ясаш, абжад ҳисобида ҳосил қилиш) ёрдамида яширинган нарса топилади – муаммо ечилади. Албатта, бунинг учун араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви қоидаларини ва абжад ҳисобини билиш, араб-форс тилларидан хабардор бўлиш лозим” [6;255].

М.Ҳабибулла қизи ҳам муаммони бир ўринда санъат дейилса, бошқа ўринда жанр сифатида кўрсатилади [13;43].

Али Ниҳад Тарланнинг фикрича, муаммони Эрон адабиётидан кириб келган ҳамда иккинчи ва учинчи даражали шоирлар ижодида учраб турадиган санъатдир [2;3]. А.Асаллаев, В.Раҳмонов ва Ф.Мусулмонқуловлар муаммони ҳарфий санъат сирасига киритиб: “Муаммо истилоҳи “*аъмо–кўр, сўқир*” сўздан ясалган бўлиб, кўр қилинган, кўринмайдиган деган маъноларни ифодалайди. Муаммо асосан фардда, яъни бир байтда ёзилиб, унда бирор кишининг исми шарифи ёки жой номи яширинган бўлади”, – дейди [2;3].

“Адабий турлар ва жанрлар” китобидаги таърифга кўра: “Муаммо (*معما* – арабча, яширинган) араб алфавити ҳарфлари орқали бирон исмни яширишга суянган, 2 ё 3 байтли, таъкид ё ишора асосида ёзилган лирик жанр” [1;156].

Л.Зоҳидов [9;64], З.Маматхўжаева [15;18] ва Н.Шодмонов [22;43] ҳам муаммони алоҳида жанр сифатида тақдим қилганлар.

Р.Орзибековнинг хулосасига кўра, “Муаммо (арабча “*аъмо*” – кўр қилинган, беркитилган, яширилган) Шарқ адабиётида мураккаб шеърий шакллардан, поэтик санъатлардан” ҳисобланади [18;23]. Шунингдек, “Бу лирик жанр ва шаклларнинг “*сирли-синкретик шакллар*” дейилишининг сабабларидан бири шундаки, хусусан, чистон, таърих шеър ва мувашиахлар рубоий, туюқ, мустазод ёки газал каби ҳажм, қофия ва бошқа формал-поэтик жиҳатларда қатъий қонуниятга эга эмас. Вазн ва байтлар сони жиҳатидан ҳам уларда қатъий чегара йўқ. Классик поэзияда муаммо-қитъалар, муаммо-фардлар, муаммо-маснавийлар, чистон-қитъалар, чистон-газаллар, ҳатто рубоий, мусаммат-чистонлар, қитъа-таърихлар, марсия-таърихлар, таркиббанд-таърихлар, маснавий, ҳатто газал-таърихлар бор” [2;3].

А.Ҳожиаҳмедов: “Муаммо. “*Маъноси беркитилган сўз*” деган мазмунни ифодаловчи бу санъат бир байтда у ёки бу исмни яшириб, уни топиш учун турлича имо-ишораларни баён қилишни назарда тутди. Шундай байтдан ташиқил топган шеърий асар ҳам мазкур ном билан аталади.

Муаммоларда, кўпинча, яширилган исм кўрсатиб қўйилади. Ўқувчи байтдаги имо-ишораларга асосан турлича усуллар билан ўша исмни чиқариши керак бўлади.

Муаммоларда энг осон усул байтдаги бирон сўзнинг тартибини имо-ишораларга кўра ўзгартириб яширилган исмни топишдир” [21;63].

4-шуба

Абдурауф Фитрат “Адабиёт қоидалари” китобининг “Сўз ўйинлари” фаслида олдин “сўз ўйинлари” истилоҳига ойдинлик киритиб, “*Араб-эрон адабиётидан таъсирланиб майдонга чиққан бурунги адабиётимизнинг жуда аҳамият бергани бу сўз ўйинлари (лафзий санъатлар)дир. Буларга санъат демакдан ўйун демак тўғрироқдир*”, дейди ва муаммони ушбу фаслга киритади. Ўша ўринда муаммога мана бундай таъриф берилган: “*Бурунги шоирларимизни бўи бўшига машгул қилиб чарчаган ўйинларнинг биртаси муаммодир...*”

Шоирларнинг бири бир байт ёзадилар шул йўсиндаким, унда бир “исм” махсус қоидалар билан яширилган бўлсун. Сўнгра муаммо қоидаларини билганларга ҳалиги яшурун аслини билдирмай, шу байтни ўқийдир. Улар тиришиб, жон чекишиб билган қоидалари юзасидан ҳалиги исмни топиб айтадилар. Бу ўйуннинг шеър, адабиёт билан олиш-бериши бўлмагани маълум. Бироқ, бизнинг бурунги шоирларимиз шеърдан, адабиётдан санаганлар-да, унинг йўлида мияларини чурутганлар. Ҳатто буни ўз бошича бир “фан” (муаммо фани) атаганлар. Қоидаларини кўрсатиб, китоблар ёзганлар, мадрасада дарс этиб ўқушганлар...” [20;80]. Проф. Ҳ.Болтабоев “Адабиёт қоидалари”даги бу сингари жиҳатларни қайд қилиб ўтган. Шунингдек, нисбатан янги саналган Фитратникидан фарқли таснифларнинг ҳам юзага келганлигини баён қилиб, айти таснифнинг бу соҳада аниқлик киритишга ёрдам беради, деган умидни билдирган [7;18]. Албатта, Фитрат билдирган хулосалар ўзига хос ёндашув сифатида муҳимлигини эътироф этган ҳолда унга давр руҳи ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деб ўйлаймиз.

Д.Қуронов “...классик шеърятимизда фаол ишлатилган айрим турғун жанрлар (газал, рубоий, қасида ва б.), шунингдек, хорижий адабиётлардан ўзлашган турғун шеърый шакллар (сонет, рондо, танка, хокку ва б.) ҳозирги шеърятда, хусусан, ўзбек шеърятда ҳам оз бўлса-да қўлланилади... Шунга кўра, ўзбек шеърятда қўлланилган шеърый жанрларни, бизнингча, тубандагича жанр турларига ажратилиш мумкин”, деб муаммони “*анжуманга мўлжалланган жанрлар*” каторига киритган [11;186]. Назаримизда, ушбу ўринда, Д.Қуронов ўтмишда муаммо жанридаги шеърларнинг ечимига бағишланган кечаларнинг уюштирилиб турилганини назарда тутган ва унинг қўлланиш доирасини чегаралаб қўйган. Аслида муаммо жанридаги шеърлар кенгроқ доирада қўлланилган. Бу борадаги қарашларимиз кейинги мақолаларимизда баён қилимиз. Шу сабабли ушбу ўринда масалага тўхталиб ўтирмаймиз.

С.Айнийнинг муаммо жанри моҳияти, асосий хусусияти ва шеърый жанр сифатидаги ўрни борасидаги қарашлари диққатга молик. С.Айний олдин бу жанрнинг ўзи яшаб турган замонда аҳамияти қолмаганлиги айтади. Бу билан бирга муаммо жанрининг мумтоз адабиётдаги ўрнини ҳам маълум даражада инкор қилади. Айти чоғда олим муаммода шоирлар ўз фикрни яширин тарзда ифодалаш имконияти борлигига оид эътиборга лойиқ таърифни келтирган: “*Адабиётда муаммо жанри авж олган пайтларда муайян бир ном чиқадиган бир байт ёки гандан иборат бўлган жанр ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга*”

4-шуба

эмас эди. Ҳатто, бу ишдан уни тўқувчига ҳам, топувчига ҳам ҳеч фойда йўқ эди. Бу фақат шоир билан топувчининг фикрини сўз бойликда машқ қилдириб, уларнинг миясини шу ишда пухталаштирар эди. Лекин мақсадни адабиётда муаммо йўсини ва усули билан ифода қилиши ўз вақтида катта аҳамиятга эга эди. Феодаallar ҳокими мутлақ бўлиб, ҳеч қандай қонунни тан олмаган вақтларда нозик фикр эгаси бўлган шоирлар уларга қарши муаммодаги ифода воситаси билан хуруж қилар эди” [8;336].

Эронлик олима Ҳамида Султоний Муқаддам муаммонинг адабий жараёнда кенг қўлланиб келинганлигига қарамай, уни жанр сифатида эътироф этилиши юзасидан эскича қарашларнинг сақланиб келаётганлигини айтиб:

“با آنکه بسیاری از شاعران قرن نهم و دهم در این فن بسیار مهارت به خرج داده‌اند و این صنعت در کتب سنتی جزء صنایع بدیعی معنوی آورده شده است، اما اکثر محققان برای آن به‌عنوان یک صنعت، ارزشی قابل نیستند”

Мазмуни: “Тўққизинчи-ўнинчи асрларда кўплаб шоирлар бу фанга ўз маҳоратларини сарф қилганларига қарамай, бу санъат анъанавий китобларда бадиий-маънавий санъатларнинг бўлаги сифатида келтирилган. Аммо тадиқотчиларнинг катта қисми уни алоҳида санъат сифатида қаралишини қабул қилмайдилар”, – дейди ва муаммонинг ифода имониятлари юзасидан ҳам нотўғри хулосалар берилаётганлигини билдиради. Бу каби қарашлардан бири сифатида “Фунун ул-балоғат” асарининг муаллифи Жалолиддин Ҳумоийнинг ушбу фикрларини келтирган:

“استاد همایی میگوید ساختن معما و حل کردن آن جز تلف کردن وقت و بیهودهکاری نتیجهای ندارد و تنها به درد کسی میخورد که بیکار در گوشه‌های مثل زندان افتاده باشد”

Мазмуни: “Устод Ҳумоий дейдилар: “Муаммо тузиши ва уни ҳал қилиши вақтни йўқотиши ва бекорчиликдан бошқа нарса эмас. Ҳеч қандай аҳамияти йўқ ва зиндон бурчагига тушиб қолган кишининг дардига ўхшайди” [24].

Келтирилганлардан ташқари, муаммога Европа ва рус шарқшуносларининг берган баҳолари ҳам эътиборли. Хусусан, Реми Дор Алишер Навоий муаммоларининг француз тилига таржимаси ва ечимидан иборат “L’énigme du pot porge” (“Исmlар топишмоқлари”) номи китоб нашр қилдирган [14;76]. Мазкур китобда муаммо санъати дастлаб римликларда, кейинчалик эса дунё адабиётида турли ном ва турли шаклларда тараққий этганлигини билдирган. Шунингдек, у Францияда ушбу ҳарфий ўйинлар XV асргача қўлланилиб, шоир ва ёзувчи исми ҳарфлари шеър мисраларига яширилган ва “яширинган имзо” деб номланган. Шу даврда яшаган Француа Вийоннинг деярли барча асарлари анаграмма номи билан юқоридаги жанрда ёзилган. XVII-XVIII асрга келиб мазкур санъат тури Францияда биров эскирган ва унутилган бўлса-да, Россия, Италияда эса анаграмма, акростих ва бошқа ҳарфий ўйинлар шаклида ривожланди. Ҳозирда ҳам бу мамлакатларда ушбу илмни ўрганувчи кўплаб уюшма ва жамиятларни топиш мумкин [14;76].

А.Мамадалиев ва Ё.Насирдиноваларнинг яна ёзишларича: “Таржимон муаммо илмининг дунё адабиётида икки тоифага бўлиниши ва уларнинг алоҳида ўрганилишини таъкидлайди. Биринчи тоифага топишмоқлар мансуб бўлиб, уларда маълум бир сўз яширинган бўлса, иккинчи тоифадаги

4-шуба

муаммоларда ҳарфлар яширинган ва улар ўзбек адабиётидаги муаммо санъатига мос келади. Француз олими М.Бернасони яширинган сўзни топишга қаратилган етти жанр борлигини билдиради. Улар маълум бир сўзнинг бошқа сўз билан алоқаси, оҳангдошлиги, келиб чиқиши, ҳарфлар ва товушлар сони билан боғлиқ. Бу сўз ўйини француз тилида “*griphos*” - ҳарф сўзидан олинган логогриф (*le logogriphe*) деб номланади. Логогриф қадимдан маълум бўлган адабий ўйин бўлиб, бир сўзга ҳарфлар қўйиши ёки айириши орқали янги сўз ясалади. Таржимон бир лотин кишининг дўстига ёзган хатидаги логогрифни келтиради: “*mitto tibi navem progra purprique carentem*”, “мен сенга тумшуқсиз ва қўйруқсиз кема юборяпман”. Лотин тилида кема сўзи “*navem*” деб аталади. Унинг тумшуғи “*n*” ҳарфини ва қўйруғи *m* ҳарфини олиб ташласак, *ave* - салом сўзи хосил бўлади. Бу адабий санъат тури ўзбек тилидаги муаммоларда ҳам кенг ифодасини топган” [14;77].

Реми Дор таржимага киришишдан олдин муаммо ҳақида маълумот тўплаган. Жумладан, француз олими Гарсин де Тассининг “*Rhetorique et prosodie des langues de l’Orient musulman*” (Paris, 1873) асари билан танишган. Асарнинг 3-боби логогриф ва унинг бошқа турларига бағишланган [14;77]. Яна “*Реми Дор муаммо жанрини мураккаб, қоронғу, ноаниқ бир оламга ўхшатади. Унинг сўқмоқлари кўп бўлиб, жуда кам ёритилган. Бу жанрда шоир ўзини эркин ҳис этади. У ўз гояларини шунчалар қисқа, лўнда ифодалайдики, бир қарашда ҳеч нарса ни англаб бўлмайди. Муаммо муаллифи кўпроқ жавоб, муаммонинг ечимини кўрсатади-ю, ечиши усуллари сир тутилади. Бунда муаммо ўқувчисига ҳам, таржимонга ҳам пухта билим ва кенг дунёқарашгина қўл келади ва ақлга мурожаат манзилга элтади. Шунинг учун Навоий даврида муаммо шоирлар бадиий маҳоратини баҳолаш мезони вазифасини ўтаган. Жамият аъзолари учун эса ақлни чархлаш, фикрни такомиллаштириши воситаси бўлган. Ўзбек муаммоларининг ўзига хос таровати билан француз китобхонларини таништириши учун муаллиф қуйидаги таржима ишларини олиб борди*”, дейиш орқали маълум даражада Шарқ халқларига хос муаммо жанрининг моҳиятига кириб бора олган [14;77].

Кўриб ўтганимиздек, Реми Дор муаммони Европа халқлари адабиётида мавжуд турли хил шеърий санъатларга ўхшаш томонларини қайд қилиб ўтган. Гарчи у эътироф этганидек, ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлса-да, муаммо жанри айнан ўзи эмас. Умуман, жаҳон халқлари адабиётида бундай ўхшашликлар кўп учрайди.

Рус адабиётшуносларининг ҳам муаммога нисбатан турли хил қарашлари мавжуд. Уларда ҳам муаммо жанрининг моҳиятини очиб бериш учун турли хил шеърий жанрларга қиёсан таърифлашга ҳаракат қилинган. Шу боис уларда ҳам муаммонинг жанр хусусияти етарли даражада ўз аксини топмаган. Жумладан, www.simurg.ru сайтида “*Муамма – сложная стихотворная шарада, загадка, состоящая из 1-2 бейтов. В муамма в иносказательной форме даны указания на действия, которые нужно совершить в отношении определенных букв (арабского алфавита), содержа-*

4-шубба

щихся в стихотворении, например, перенести точку, стоящую над буквой, под букву (в итоге получается другая буква) или перенести букву из одного слова в другое и т.д.

Из преобразованных букв или слогов составляется слов – разгадка – какое-либо имя собственное” [26].

Таржимаси: “Муаммо 1-2 байтдан ташкил топадиган шеърӣй шарада, топишмоқдир. Муаммода шеърда иштирок этадиган маълум (араб алифбосидаги) ҳарфларга нисбатан амалга оширилиши амаллар ишора орқали берилади. Масалан, ҳарф устидаги нуқтани тагига тушириши (натижада бошқа ҳарф ҳосил бўлади) ёки бир ҳарфни бир сўздан бошқа сўзга олиб ўтиши ва ҳоказо.

Ҳосил қилинган ҳарф ва бўгинлардан сўз ҳосил қилинади–бирор бир шахс исми топилади”, – дейилиб, муаммо рус адабиётидаги шарадага ўхшатирилган.

Интернетда www.naisongroup.ru сайтида “Муаммо – стихотворная загадка” (“Муаммо – шеърӣй топишмоқ”) дейилади. www.rifma.com.ru да “Муаммо – в таджикской литературе загадки, шарады” (“Муаммо – тожик адабиётида топишмоқ, шарада”) тарзида таърифланса, www.litdic.ru сайтида эса, қуйидагича таъриф берилган: “Муамма – загадка, содержит намеки не на признаки загаданного персонажа, а на буквы в его имени. Этой формой увлекались многие поэты-классики: Джамии, Физули, Навои” (Таржимаси: “Муаммо-яширилган персонажнинг хусусиятига эмас, балки исмининг ҳарфларига ишорага эга топишмоқ. Бу шаклда кўплаб мумтоз шоирлар ижод қилганлар: Жомий, Фузулий, Навоий”) [23].

Худди шу сайтдаги ўша мақоланинг бошқа ўринда: “Существовали и пользовались большой популярностью так называемые прикладные формы. Например, лугз – тип шарады, в которой содержалось описание признаков какого-либо предмета, но сам он не назывался. Мувашишах – вид акростиха, где некоторые отмеченные буквы образуют или отдельные слова или целые строки - как поэтические, так и прозаические”

Таржимаси: “Амалий деб аталадиган шундай шакллар бўлган ва катта қизиқишга сабаб бўлган. Жумладан, лугаз – шараданинг бир тури бўлиб, унда бирор бир нарсанинг хусусияти таърифланиб, ўзи айтилмаган. Мувашишах ҳам назмда ҳам насрда акростихнинг тури бўлиб, унда баъзи белгиланган ҳарфлар бирор бир сўзни ёки яхлит бир мисрани ҳосил қилади, дейилади ва аввал билдирилган хулосалар маълум маънода инкор қилинган” [23].

Муҳаммад Ризо Барнободий “Тазкира” асарида муаммо жанрига оид маълумотлар берилган. Асарнинг рус тилига таржимаси қуйидагича: “Хвала Господу – творец, который в созданном сборнике – от самого первого бейта до концовки происходящие явления добра и зла распределил по такой рифме и привел в порядок соответственно с predetermined мере и соразмерно установленному обычаю. Тщательно выполненные им шарады и муаммо в появившихся (при нем) и древнем рисале на удивлении мыслителям и в назидание знатокам он облачил в одежды слов и выражений на арабском и персидском языках” [16;47].

4-шубба

Таржимаси: “*Яратган Тангрига мақтовлар бўлсинки, тузилган тўпلامда бўлаётган яхшилик ва ёмонликни биринчи байтидан охиригача шундай оҳангда тақсимлаган ва тартибга солганки, олдиндан белгланган қоида ва мутаносибликка асосланган. У томонидан синчковлик билан битилган лугаз (шарада) ва муаммо пайдо бўлган ҳамда қадимий рисолада оқилларнинг ҳайрати ва билимдонларнинг тафаккури учун сўз ва иборалар либосида араб ва форс тилида тақдим қилди*” [16;206].

Шундан кейин таржимон томонидан Европа китобхонларига тушунарли бўлиши учун унга мана бундай изоҳ берилаган: “*Муаммо – стихотворение загадка; словом “шарады мы приводим слово лугаз, о котором в трактатах по стихосложению говорится: это фигура-то же самое, что муаммо, кроме того, что в ней говорят путем вопросов и персы эту (фигуру) называют чистон*” (Вахид Табрихи. Джам‘и- мухтасар. –С. 128, примечание 187.) [16;206].

Таржимаси: “*Муаммо – шеърий топшимоқ; бир сўз билан айтганда, шарада деганда лугазни тушунамиз, у ҳақида шеър тузишга бағшилланган рисодаларда айтилган: бу шакл муаммонинг худди ўзи, шу билан бирга унда савол йўсини билан айтилади ва бу (шакл)ни форслар чистон дейдилар*”.

Матн таржимасида шарада ва муаммо алоҳида ажратилган. Изоҳда эса муаммо “шеърий топшимоқ” деб шарҳланиб, ўқувчида нотўғри тасаввур ҳосил қилган.

Аслида муаммо ва шараданинг бир-бирига яқинлик жиҳатлари борми? Бўлса, қанчалик ўхшашликка эга? Шараданинг жанр хусусияти “Литературная энциклопедия”да мана бундай келтирилган: “*Шарада-загадка требующая определения какого-либо слова, на основании двойного описания: звукового и смыслового. Звуковое описание достигается косвенным образом: слово разделяется на части так, чтобы каждая часть могла служить самостоятельным словом (ворона, вор-она) затем дается смысл каждой из этих частей (в нашем примере первое-преступник, второе-местоимение).*

Когда дано смысловое описание частей и, тем, самым, звуковое описание всего слова, – дается смысловое описание последнего.

Шарада основана, таким образом, на игры словами. Когда слова связаны не только в звуке своим, но и в смысле, она приобретает особую выразительность и предоставляет собою под каламбура” [12;109].

Таржимаси: “*Шарада – бирор сўзни икки хил мазмунга эга тавсифга биноан топшишга асосланган топшимоқдир: товуш ва мазмун. Товуш тавсифи билвосита амалга оширилади: бирор сўз ҳар бир бўлаги алоҳида мазмун берадиган бўлакка ажратилиб (ворона, вор-она), ҳар бир бўлакнинг мазмуни ҳосил қилинади (мисолда биринчиси – ўғри, иккинчиси – олмош). Бўлакларнинг мазмуни тавсифи берилганда, бутун сўзнинг товуш тавсифи ҳамда охирги бўлакнинг мазмун тавсифи берилган.*

Шундай қилиб, шарада сўз ўйинларига асосланган. Сўзлар ўзаро нафақат товуш, балки мазмун жиҳатидан ҳам бир-бирига боғлиқ бўлганда,

4-шуба

ўзига хос ифодавийлик ва каламбурни ҳосил қилади”. www.rifma.com.ru сайтида ҳам шарадага топишмоқ сифатида қаралади [25].

Таърифлардан маълум бўлганидек, муаммонинг жанр хусусияти шарадага қиёсланган ҳолда нотўғри талқин қилинган. Бу қиёс ва таърифларда муаммога хос жиҳатлар тўлиқ ифода этилмаган. Келтирилган таърифларда шарада ва муаммодаги бир сўзнинг бўлакка бўлиниши, сўзнинг икки хил мазмунда бўлиши каби ўхшашликларгина эътиборга олиниб, уларни бир хил деган хулосага келинган. Аслида икки жанр ўртасидаги ўхшашликлар санаб ўтилганлардан кўп эмас.

Е.Бертельс томонидан муаммога бирмунча тўғри таъриф берилган. Шундай бўлса-да, берилган таърифдан олим ушбу жанрнинг мазмун-моҳиятини тўла намоён қила олмаган. Жумладан, у қуйидагича ёзади: “О му‘амма в востоковедной литературе пока материалов мало. Задание этой стихотворной “загадки” таково: пишутся один-два бейта стихов самого шаблонного содержания, но, пользуясь двойным значением слов, поэт включает туда намеки на различные буквы арабского алфавита, которые, будучи сложны вместе, дают какое-нибудь имя собственное. Разгадывание этих загадок настолько трудно, что разгадка обычно сообщается заранее и нужно только догадываться, каким путем это имя из стихов можно извлечь, что тоже далеко не всегда легко сделать” [5;294].

Таржимаси: “Ҳозирча шарқишунослик адабиётида муаммо жанри ҳақида маълумотлар оз. Бу шеърини “топишмоқ”нинг моҳияти қуйидагича: анъанавий шаклда бир-икки байт шеър ёзилади. Шоир сўзнинг икки хил мазмунидан фойдаланиб, бир ерга йиғилганда бирор бир исми билдирадиган араб алифбоси ҳарфларига ишораларни киритади. Бу топишмоқларни топиш шунчалар қийин бўлиб, топилиши керак бўлган нарса олдиндан маълум қилиниб, фақат бу исми қай йўл билан шеърдан чиқарилиши тасаввур қилиши мумкин бўлса-да, бу иш ҳар доим ҳам осон кечмаган”.

Муаммо жанрини тадқиқ қилган рус олими А.Б.Куделин Е.Э.Бертельс бошқа бир ўринда муаммога берган қуйидаги таърифни келтиради: “Му‘амма – стихотворение из одного-двух бейтов, в котором, помимо его внешнего смысла, зашифрованного еще какое-то слово, обычно имя собственное. Это не загадка, так как загадка называет какие-то признаки предмета и предлагает догадаться, что это за предмет. Здесь же стихи содержат намеками на буквы арабского алфавита, из которых данное имя сложится. Поэтому му‘амма вне арабского шрифта уже теряет смысл и не может быть понятно” [10;18-19].

Таржимаси: “Муаммо – бу бир-икки байт шеър бўлиб, унда очиқ мазмундан ташқари, бирор бир сўз, одатда исм яширилган бўлади. Бу топишмоқ эмас. Чунки топишмоқда предметнинг бирор бир хусусияти билдирилиб ва ўша предмет нима эканлигини топиш тақлиф қилинади. Бу ўринда эса, шеърда тўпламидан исм ҳосил бўладиган араб алифбосидаги ҳарфларига ишора берилади. Шу сабабли муаммо араб алифбосидан айри ҳолда ўз моҳиятини йўқотади ва тушунарли бўлмайди”.

4-шубба

Шундан кейин А.Б.Куделин муаммо жанри Е.Э.Бертельс айтганидек “санъат эмас, балки эрмак сифатида” бўлмаганлигини Жомий ва Навоийнинг бу жанрга муносабати мисолида далиллайди. Шунингдек, бундай қарашлар И.Ю.Крачковскийнинг тадқиқотларида ҳам акс этганлигини айтиб, “Проблема интерпретации му‘амма и иных произведений, основанных на “головоломной технике”, сложна и, на наш взгляд, не могла быть удовлетворительно поставлена в свете прежних подходов. Приходится признать, что старые критерии оценки поэтики и эстетики средневековой литературы не обладают достаточной разрешающей силой для объяснения значительной по объему части классического наследия и что современное литературоведение нуждается в разработке новых подходов, новой исследовательской парадигмы” [10;19].

Таржимаси: “Бошқотирмали техника”га асосланган муаммо ва бошқа асарларнинг талқини муаммолари бизнинг назаримизда ҳам мураккаб ва олдинги талқинларда қониқарли даражада ёритилмаган. Мумтоз адабиётнинг ҳажми бўйича салмоқли қисми оладиган ўрта асрлар поэтикаси ва этикасини баҳолашнинг олдинги мезонлари етарли даражада ҳал қилувчи кучга эга эмаслигини тан олишимизга тўғри келади ва замонавий адабиётшунослик янгича ёндашувлар ва янгича тадқиқот парадигмаларини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезмоқда”, – дейди.

Албатта, юқоридаги сингари тасниф ва хулосалар Шарқ шеърини жанрлари, уларнинг ифода усулларининг ўзига хос томонларини кўрсатиб берувчи манбаларга асосланмаганлиги, қолаверса, ҳозирги замон адабиётшунослигида уларга оид манбаларнинг етарли даражада тадқиқ қилинмаётганлиги оқибатида юзага келган. А.Б.Куделин эътироф этганидек, муаммо ва шу турдаги жанр ҳамда санъатларга янгича мезонлар асосида баҳо бериш, уларга оид бирламчи манбалар тадқиқига эътибор қаратиш керак бўлади.

Шарқ ҳақлари адабиётидаги бадиий санъатларнинг моҳияти ва вазифасини тўғри тушунмаслик натижасида Ғарб олимлари томонидан берилаётган баҳоларга Д.Салоҳий ҳам ўз муносабатини билдирган. Жумладан, Д.Салоҳий “Поэтик матнда шакл ва мазмун масаласига доир мулоҳазалар” номли мақоласида П.Зюмер ҳамда Х.Р.Гибб каби бир қатор Ғарб олимларнинг Шарқ адабиётидаги бадиият унсурлари юзасидан билдирган бирёклама қарашларини нотўғри, дейди. Уларнинг фикрича, ўрта аср ўқувчиси бадиий асардан бадиий шаклдан ўзга ҳеч нарса кутмайди. Бу билан улар шакл ва мазмун уйғунлиги масаласига эътибор бермайдилар. Шунингдек, айрим ижодкор ёки доираларга хос бўлган жиҳатларга барча даврларга хослик сифатида қарайдилар. Ўз ўрнида мақолада бу сингари фикрларга қарши Д.С.Лихачев, И.Ю.Крачковский, М.В.Жирмунский ва А.Б.Куделиннинг хулосаларини эътироф этиб, М.В.Жирмунскийнинг хулосаларидан иқтибос келтирилган. Шарқ халқлари адабиётида поэтик санъатлар ижодкорнинг эзгу мақсадлари, эстетик идеалини бадиий ифода этиш учун восита бўлиб хизмат қилганлигини Навоий шеърини мисолида кўрсатилган [19;32].

4-шуба

Маълумки, айрим жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш бўлган баъзи шеърӣ санъат ва жанрларнинг бирини иккинчиси билан адаштириб юбориш ҳоллари ҳам учрайди. Худди шундай ҳолатларни муаммо жанрига оид тадқиқотларда ҳам кузатиш мумкин. Шу боис муаммо ва муаммога яқин шеърӣ санъатлар ўртасидаги фарқни аниқлаш масаласи ҳам муҳим. Хусусан, Р.Орзибеков “Бобур ва лириканинг кичик жанрлари” номли мақоласида Бобур фардларидаги сўзларнинг муаммо жанрининг имо-ишораларига ўхшабини назарда тутиб, уларни муаммо деб ҳисоблаган [17;56-57]. Шу каби қарашлар бошқа тадқиқотларда ҳам учрайди. Бу сингари хулосаларга нисбатан С.Жўраева ўзининг “Муаммо ва у билан боғлиқ санъатларда чалкашлик” номли мақоласида ўз муносабатини билдирган [8;77-87].

Умуман олганда, муаммо жанри ижодкорларнинг орзу-истаклари, адабий-эстетик идеалини яширин ва ўзига хос тарзда бадиий ифода этишга бўлган интилишларнинг натижасида шакллана борган ва жанр сифатида намоён бўлган дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. –Т.: Фан, 1992. –Б. 156.
2. Ali Nihad Tarlan. Divan edebiyatinda muamma. –Istanbul: Burhaniddin matbaasi, 1936. –S. 3.
3. Айний Садриддин. Асарлар. 8-том. –Т.: Бадиий адабиёт, 1967. –Б. 336.
4. Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусулмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. –Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. –Б. 21.
5. Бертельс Е. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. –С. 294.
6. Бобоев Т. Шеър илми таълими. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 255.
7. Болтабоев Ҳ. Сўзбоши/Фитрат А. Адабиёт қоидалари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 18.
8. Джураева С. Муаммо ва у билан боғлиқ санъатларда чалкашлик // Тил ва адабиёт таълими. –2010, –№ 8, –Б. 77-87.
9. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. –Т.: Фан, 1986. –64 б.
10. Куделин А.Б. К 575-летию со дня рождения Алишера Навои (итоги и перспективы изучения жизни и творчества / Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в Московских собраниях. –М.: Центр книги Рудомино, 2016. –С. 18-19.
11. Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. –Б. 186.
12. Литературная энциклопедия. В двух томах. Второй том. –М.: Издательство Л. Д. Френкель, 1925. –С. 1099.
13. М.Ҳабибулла қизи. Зеҳн зийнати. –Урганч: Хоразм, 1998. –43 б.

4-шуба

14. Мамадалиев А., Насирдинова Ё. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг француз тилига қилинган айрим намуналари ҳақида // Илмий хабарнома. АнДУ. – № 1. – 2015. – Б. 76.
15. Маматхўжаева З. Ўқувчиларга муаммо жанрини ўргатиш. – Т.: 1992. – 18 б.
16. Мухаммад Риза Барнабади. Тазкире. – Москва: Наука, 1984. – С. 47.
17. Орзибеков Р. Бобур ва лириканинг кичик жанрлари / Бобур ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: Университет, 1983. – Б. 56-57.
18. Орзибеков Р. Ўзбек шеърлятида сирли-синкретик жанр ва шакллар. – Самарқанд: Самарқанд Давлат университети, 1990. – Б. 23.
19. Салоҳий Д. Поэтик матнда шакл ва мазмун масаласига доир мулоҳазалар / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2016. – Б. 31-32.
20. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 80.
21. Ҳожиаҳмедов А. Шеърлий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998. – Б. 63.
22. Шодмонов Н. Муаммо жанри ва унинг ечимлари. – Қарши: Насаф, 2012. – 43 б.
23. <http://www.litdic.ru/tyurkskaya-poetika>
24. <http://www.pajooh.com/fa/index>.
25. www.rifma.com.ru
26. www.simurg.ru

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ РОМАНЧИЛИГИДА АДАБИЙ АНЪАНАЛАР

**Шоҳсанам Ғайбуллоевна Давронова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари доктори**

Истиқлол даври ўзбекроманчилиги такомилда аънаналарнинг ўрни беқиёс. Адабий аънаналарнинг ҳаётбахш таъсирида миллий адабиётимиз шу жумладан, романчиликда ҳам сезиларли янгиликлар кузатилди.

Ушбу янгиланишларни, маълум маънода, давр романчилигида миллий адабиётимиз тарихида кўзга ташланган ва асрлар оша яшаб келаётган адабий аънаналарга издошлик, шунингдек, турли халқлар ва мамлакатлар адабиётида намоён бўлиб, жаҳон адабиёти доирасида кенг тарқалиб бораётган ижодий янгиликларни ўзлаштиришга ҳаракатларнинг сезилиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

“Адабиётшунос А.Расулов янги давр адабиётида асрий аънаналар таъсири ҳақида қуйидаги фикрни айтиб ўтади: “Адабиётимизнинг катта авлоди – Қодирийлар ва Чўлпонлар авлоди руҳиятини кейинги авлод – Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов,

4-шуба

Рауф Парфи авлоди сақлаб-авайлаб ва бойитиб етказиб берди, Мурод Муҳаммад Дўст, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, Хайриддин Султон, Эркин Аъзам, Хурийд Даврон, Муҳаммад Юсуф, Усмон Азим, Шароф Бошбеков, Тоғай Мурод, Хурийд Дўстмуҳаммад каби ўрта авлод истеъдодлари у анъаналарни ўзларидан кейин етишиб келаётган ижодкорларга янада ранг-баранглаштириб тақдим этдилар. Бугуннинг шаклланиб улгурган авлоди мана шу ёмбини ҳурмат ва эҳтиром ила қабул қилиб олмоқда ҳамда мумтоз шарқ, илгор зарб адабиёти янгиликлари, мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётидан пайдо бўлган маънавий заҳира аро ўзлари бунёд этган олтин банд ўтказиб, турли давр ва миллат адабиётлари синкретизмидан баҳра олган озод ва миллий адабиётни яратмоқдалар” [2;53].

Мустақиллик даври романчилиги доирасида қўлланилувчи анъаналарни куйидаги кўринишларда изоҳлаш мумкин:

а) халқ оғзаки ижоди анъаналари. Улар маданиятнинг шакллана бошлаши билан юзага келган ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлишида асос бўлган ва то ҳозирга қадар ҳам қимматини йўқотмай келаётган, мустаҳкам асосларга эга бўлган анъаналардир. Чунки бундай адабий анъаналарда миллатларнинг қизиқишлари, орзу-интилиш ва маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган хулосалари мужассамлашган. Бугунги ўзбек романчилигида ҳам халқ оғзаки ижодининг бой ва ўлмас анъаналаридан маҳорат билан фойдаланилмоқда. О.Ёқубовнинг “Адолат манзили”, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, О.Мухторнинг “Ффу”, “Афлотун”, М.Алининг “Улуғ салтанат”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод”, У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, “Наъмат”, “Йўл” каби романларида халқ оғзаки ижоди намуналари таъсири сезилади.

б) ёзма адабиёт анъаналари. Ҳар бир адабий жараён ижтимоий, сиёсий, маданий, мафкуравий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўз миллий адабиёти тарихи анъаналаридан озиқланиши, ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда ривожланиш омилларини танлаши мумкин. Иккинчидан, эса ўзга мамлакатлар ва халқлар адабиётида синалган тажрибалар, янгиликларни ўз миллий адабиёти хазинасига олиб кириши мумкин. Бунда турли адабиётларнинг ўзаро алоқа ва таъсир доирасида бўлиши назарда тутилади.

Истиклол даври ўзбек романчилигида миллий ва жаҳон адабиётига хос бўлган тажрибаларнинг ижодий ўзлаштирилганлиги яққол кузатиладиган ҳодисадир.

Ёзма адабиётга хос адабий анъаналарни даврига кўра ҳам ажратиш мумкин:

- *адабий-тарихий анъаналар*. Адабиётнинг мазмуни, ижодкорларнинг тасвир объекти, эстетик идеали, ғоявий нуқтаи назарига кўра адабий жараёндаги анъаналар узоқ ёки яқин ўтмишда мавжуд адабий-бадиий тажрибаларни ўзлаштириш характерида ҳам бўлиши мумкин. Чиндан, “*Агар биз мумтоз туркий адабиётнинг тамал тоши масаласини Навоидан изласак, Ҳазратнинг ўзи бизга Насимий ва Лутфийга ишора қилади, миллий ёзма адабиёт ибтидосини (нима сабабдандир) Навоийнинг нигоҳига тушмаган Юсуф Боласоғунийдан изласак, унинг замондоши улуғ Маҳмуд Қошғарий*

4-шубба

муаллифини кўрсатмаса ҳам, юзлаб назм ва наср дурдоналарини берадики, уларни маънан ўзлаштирмаган ижодкорлар ўзини миллий деб аташи гумон, деб ўйлайман. Ундан-да нарироқда муҳташам Ўрхун-Энасой обидалари бор. Дунё олимлари бирлашиб, мушаккал илк адабий манба сифатида ҳам, илк адабий қаҳрамон сифатида ҳам “Билгамииш”ни тан олаётганлари миллий адабиётимиз илдизлари нақадар чуқур ва бақувват эканини исботлайди” [1;122]. Жумладан, бугунги ўзбек романчилигида У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар”, И.Султоннинг “Озод”, Э.Аъзамнинг “Шовқин” каби романларида миллий тафаккурнинг ўтмиш даврларида амалда бўлган анъаналарга эргашиш руҳи сезилади.

б) *замонавий адабиёт анъаналари*. Адабий жараёнда яқин давр ичида амалда бўлган ёки замондош ижодкорлар томонидан олиб кирилган адабий янгиликларни ўзлаштириш ҳаракатлари кузатилади. Масалан, ўзбек романчилиги мактабининг шаклланиши ва ривожидида миллий адабиётимиз дарғалари – Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков каби улкан сўз усталарининг маҳорати, қолдирган маънавий мероси ва ўзига хос анъаналарининг ролини инкор этиб бўлмайди.

Хуллас, анъана адабий-тарихий жараёнда ҳамиша ҳаракатда бўлиб турувчи, ўтмиш адабиётнинг моҳиятини кейинги адабиётга етказувчи “занжир”дир. Истиқлол даври ўзбек романчилигида намоён бўлган Шарқ ва Ғарб анъаналари ана шу “занжир”нинг узилмас бир ҳалқасини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болтабоев Ҳ. Янги авлод овози. Суҳбат // Шарқ юлдузи. – Т.: 2013. – № 1.
2. Расулов А. Акслар фалсафаси / Исажон Султон насри бадиияти. – Т.: Турон замин зиё, 2017.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ

Лайло Фрунзеевна Шарипова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари доктори

Ўзбек шеърияти образларга бой. У нафақат инсонлар, балки ҳар бир нарса кўмагида башарият ҳаётини акс эттиради ҳамда одам наслига ўғит беради. Ўсимликлар рамзий маъноларни ташир экан, дастлаб, халқ оғзаки ижодида, сўнг мумтоз ва замонавий адабиётда қўлланган, қўлланиб келинмоқда. Биргина дарахт образи ўнлаб маъноларда қўлланади. Бу образ фаслларга боғлиқ тарзда рангин кўринишларга эга бўлади.

Халқ оғзаки ижодида олма дарахти қайта-қайта тилга олинади. Фольклоршунос Б.Саримсоқов “*Олма лирик қўшиқларда севги, ёр танлаш*

4-шубба

рамзи саналади. “Олма гули” образи эса ёлгон, ўткинчи севгининг рамзи бўлиб келади. Рамзнинг бундай маъно англатиши олма гулининг тез тўкилиб кетиши ва мустаҳкам эмаслигига асосланган” [1;165], – деб ҳисоблайди.

*Эшигингда тош олма,
Тош олмага тош отма.
Уйингда ёринг туриб,
Бегонага гап қотма* [3;137].

Олма бу ўринда муҳаббат, қизга паралеллик маъносиде келади. Тош олма эшик ёнида, ичкарида эмас. Демак дарахт бошқа бировга қарашли. Шу сабаб у тош олма, унга тош отиб, яъни гап қотиб бўлмайди. Боз устига уйнинг ўзида олма бор, яъни лирик қахрамоннинг ёри бор. Шеърхон халқ айтмоқчи бўлган фикрни шу тахлит англаб, сабоқ олади.

Садриддин Салим Бухорий кузда барглари сарғайган олма дарахтига “сингилгинам” дея мурожаат қилади. Шоир наздида олма дарахтининг қиш сабаб “*титрагайдир қалблари*”, у “*йиғламаслиги, бардош қилиши лозим*”:

*Дунё ўзи қизиқ, сингилжон,
Кимки қишга чидаса агар,
Баҳор гулга буркар бегумон
Ва бахт яна ташлайди назар* [4;18].

Шоир “*Томирларда кезаркан кураш, Яна гулга тўлғай қучоқлар*” дея кўтаринки руҳда шеърни якунлайди. Садриддин Салим Бухорий ҳаётда ҳам, ижодида ҳам инсонларга далда бўлгувчи, табиатнинг ҳар бир заррасини, ҳар бир неъматини эъзозловчи, дилбардор ижодкор эди. Фольклордагидан фарқли ўлароқ шоир олма дарахти орқали ёр эмас, сингил образини яратди. Аниқроғи, дарахт инсонга қондош деган халқона қарашни шеъри орқали ўқувчисига таъкидлади. Шоир “*гулларнинг шеърлари ҳидида*”, “*Дарахтнинг гуллаган қўли – унинг шеъри*” эканини кўргач “*шеър ёзмай қўйганини*” айтади ва “*қалами гулламаса, шеърият йўли ўзи учун берк*” лигини англайди. Садриддин Салим Бухорий шеърият баҳорида “*Ёғоч тугул нафас гуллайди*”, “*Юрак гулга айланиб*”, “*Ҳатто кўкрак қафас гуллайди*”, – деб ҳисоблайди. Бу сатрлар “*кўкракқафас*” сўзини ўйлашга мажбур қилади. Қушдек потирлаб турган, мудом озодлик истайдиган юракни – қудратли инсоннинг улуғ аъзосини сақлаб тургани учун, унга Яратган қобирғаларни панжара қилиб қўйгани туфайли кўкрак қафаси дейилса, ажаб эмас. Шоирнинг маҳоратини кўрингки, шеърият баҳори кўкрак қафасини ҳам гуллатишига ишонади ва бунга шеърхонни ҳам ишонтиради.

*Вақт – инсондир, ҳар иккиси тенг,
Ўтар, аммо келмагай қайтиб.
Мен ҳам бир Вақт – пок туйғуларнинг
Олча каби гулламоқ пайти* [5;3].

Шоир Саъдулла Ҳаким “Вақт” шеърида вақтни инсонга, пок туйғуни олча дарахтига тенглаштиради. Бу қиёсни ташбеҳ орқали амалга оширади. Шоир инсон вақтга тенг бўлса, бу вақт пок туйғуларнинг гуллашига сарф бўлсин, дея истак қилади. Вақтнинг инсонга тенглигини, инсон ҳам, вақт ҳам

4-шубба

ўткинчилигини ифодалаш ўзига хослик касб этгани билан аҳамиятлидир. Шоир ижодида олча дарахти орқали фикрларини ифодалаш ҳолати кўп учрайди. Олча дарахти билан инсонни тенглаштирар экан, олча ҳам, лирик қаҳрамон ҳам “яхшилиқни байроқ қилиб”, “бой заминни байроқ қилиб яшашини” айтади:

*Иккимизнинг дардимиз бир, олчажон,
Бағрингни бер, бағримга кир, олчажон.
Қалб юртида бармоқларим мисли нарт,
Мен ҳам сендек гулламоғим асли шарт* [5;12].

Шоир “Бахт” шеърисида бағирни ўхшатиш, олчани ўхшатишмиш, гуллашни ўхшатиш асоси сифатида қўллади ва ҳали шўро ҳукми ўтиб турган паллада шундай ёзади:

*Бир кун олча каби гуллади бағир,
Бир кун у ҳам уста деҳқондир:
Бахтнинг эни – Мовароуннаҳр,
Бахтнинг бўйи – Ўзбекистондир!* [5;13].

Дарахт образи япон шеърисида ҳам алоҳида ўрин тутади. Олча, олхўри, нок, беҳи образлари мавжуд хоккулар инсоннинг туйғусига таъсир қилади, тафаккур қилишга ундайди. Хоккуларда олча дарахти, олча гули образи тез-тез кўзга ташланади. Басё, Мукай Кёрай, Такараи Кикаку, Бусон, Кобаяси Исса каби шоирлар ижоди асосида фикримизни далиллаш мумкин:

*Баҳор ўтиб боради,
Бироқ ҳамон тўкилмас
Кечиккан олча гули* [6;101].

Уч сатрда туйғу ва фикр уйғотувчи куч кечиккан олча гули образидир.

Бундай образ ўзбек шоири томонидан қуйидагича тавсиф этилган:

*Парвардигор, гуноҳим нима?!
Таъқиб этар ақл миршаби.
Борми экан бундан маҳзунроқ
Кеч гуллаган олуца каби* [2;17].

Шоир Исроил Субҳон “Кеч гуллаган олуца” шеърисида лирик қаҳрамонни – кеч гуллаган олчани “Сен баҳорга ўхшайсан, гулим” деб ардоқлайди ва сўзни тўғри қўллади. Аслида олулар талайгина, уларнинг айримлари синонимига эга, айримлари қисқарган ёки олудаги “у” унлиси “и” шаклида айтилади ва ҳатто ёзилади. Зардоли (сарик олу) – ўрик, шафтоли, қароли (қора олу), гирдоли, олхўри, олмаоли, олуца, ғайноли каби мевали дарахтлардан шафтоли, олча, ўрик ХХ асрнинг иккинчи ярми шеърисида образ даражасига кўтарилди.

Шавкат Раҳмон ҳам дарахт образи кўмагида дардларини ошкор қилган шоир. Унинг ижтимоий руҳ устувор шеърларида асл лирика яширин, асл лирикаси ортида жамият дарди бекинган эди. Айтайлик, “Қасида” шеърисида анорни таърифлар экан, гўзал ўхшатишлар қилади. Анорни “қадимги фанор”га, “ёқут тўла қип-қизил қанор” га ўхшатиб туриб, шеър сўнггида “ернинг қонга бўялган муштига” қиёс қилади. Ўткир шеърхон ўйлаб қолади: ернинг муштидаги қон кимники?! Ер мушти билан инсонни органи сабаб

4-шуба

мушти инсон қонига бўялдимми? Инсон ерни яралагани сабабми ёки инсон инсонни қонга бўягани сабаб ернинг мушти қонми? Анорга таъриф билан бошланган саккиз қаторли шеър жуда катта дард – умуминсоний дардни ифодалаш билан хулосаланган. Сатр кўп маъноли, ҳар бир шеърхон ўз имкони доирасида талқин қилади, англайди:

Тугилган ой, қадимги

фанорсан, анор.

Ёқут тўла қип-қизил

Қанорсан, анор.

Гоҳо қорол, гоҳида

пуштисан, анор.

Ернинг қонга бўялган

Муштисан, анор [7;152].

Хулоса шуки, ҳар бир халқ учун кадрли дарахтлар бор. Бу дарахтларнинг оғзаки ҳамда ёзма адабиётдаги образлари халқнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалашда хизмат қилади. Ўзбек замонавий шеъриятида олма, олча, анор, ўрик, тут каби дарахтлар образи ўзига хос поэтик вазифа бажаради ҳамда образлар оламида алоҳида ўрин тутаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Т.: Ўқитувчи, 1990 .
2. Исроил Субҳон. Бухоронинг етти юлдузи. –Самарқанд: Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд филиали, 1991.
3. Мирзаев Т., Сафаров О., Ўраева Д. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. –Т.: Алоқачи, 2008.
4. Садриддин Салим Бухорий. Ҳикматдир дунё. Сайланма. –Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
5. Саъдулла Ҳаким. Сен кутган баҳор. Шеърлар. –Т.: Ёш гвардия, 1986.
6. Шабнамдаги ой акси. Япон классик шеърляти. Хоккулар. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Жаббор Эшонкул. –Т.: Зарқалам, 2006.
7. Шавкат Раҳмон. Сайланма. –Т.: Шарқ НМК, 1997.

УВАЙСИЙ ШЕЪРИЯТИДА ДАЛИЛЛАШ САНЪАТИ

**Иқболой Истамовна Адизова,
ТДЎТАУ Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор
кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Увайсий шеърлятида ҳусни таълил етакчи санъатлардан. Унинг энг сара ғазаллари мазкур санъат билан зийнатланган. Шоира ижодида мазкур санъат

4-шуба

бир ёки бир неча байтда, ҳатто, баъзан ғазал тўлиқлигича шу санъат асосида яратилган намуналари учрайди. Жумладан, унинг “*Айламакни мендин ўрганди*” радифли ғазали бошдан охир шу санъат билан музайян битилган. Ғазал ошиқона йўналишда, унда ишқ пўртаналарида ошиқ чекаётган изтироблар ифодаланади. Аммо шунга қарамай, биргина ўринда “ёр” сўзи тилга олинади. Ошиқ, ишқ сўзлари эса, умуман тилга олинмайди. Унда ошиқнинг ҳам, ишқнинг ҳам қилмишларию кечинмалари сифатий шарҳлар орқали изоҳланади. Руҳий ҳолатлар талқинининг аниқ ва таъсирли чиқишини ҳусни таълил санъати таъминлайди. У 2 хил шаклда қўлланилган. Биринчиси, айрим байтларда асосланувчи фикр келтирилмасдан, тўғридан – тўғри ижодкор фикрини асословчи далилнинг ўзигина келтирилади, холос:

Ки булбул нола афгон айламакни мендин ўрганди,

Вужудин шамъ сўзон айламакни мендин ўрганди.

Мазкур байтда руҳий ҳолат вазиятидаги сабаб кўрсатилмайди. Тўғридан-тўғри натижа баён этилади. Ана шу натижанинг ўзи ўқувчи тасавурида ошиқнинг кенг қамровли руҳий ҳолат вазияти, қисмат тадрижи борасида тасаввур уйғотади. Шоира “*булбул нола-афгон чекишни, шамъ вужудини ёқишни мендан ўрганди*”, - деган фикрни баён этиши билан бу ишқнинг қилмиши эканлиги англаб етилади. Мумтоз адабиётда булбул ишқ туфайли фиғон чекиши, шамъ вужудини ёқиши анъанавий тасвир. Аммо Увайсий ҳусни таълил санъатини қўллаб, кичкинагина шаклий ўзгартириш киритади. Аммо, бу байт ва образ моҳиятида катта ўзгариш ва туғённи вужудга келтиради. Бу тасвирнинг ўзида руҳий ҳолат таранглиги етарли намоён бўлади. Аммо шоира “шамъ ёнишни, булбул нола чекиш”ни мендан ўрганган, дейиши билан ошиқ руҳияти манзараси тасвири янада теранлашганлигини ҳис этамиз.

Иккинчи турида байтнинг биринчи мисрасида шоир айтмоқчи бўлган асосий, асосланувчи фикр, 2-мисрасида эса уни асословчи далил келтирилади:

Бориб сахрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,

Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

Ҳусни таълил санъатида туйғулар тасвирини ошиқ ва табиат параллелизмида ифодалаш имкони бор. Шу сабабли, Увайсий ўзининг ҳақиқий ишқ билан боғлиқ ирфоний хулосаларини тасвирлашда шу санъатдан фойдаланишни маъқул кўради. “Бориб сахрога қон бағримдин изҳор айладим бир кун”. Бу ўринда шоира нега, айнан сахро ҳақида сўзляпти, деган савол пайдо бўлади. Ирфоний луғатларни кузатсак, сахро – руҳоний олам чексизлигини ўзида мужассамлаштирганига амин бўламиз. Шу ўринда шоиранинг барча фикрлари коинот жисмлари билан алоқадорликда тасвирланади. Жумладан, куёш – рамзий тимсол. У кун бўйи Ҳақ жамолини излаб, васлга етолмай шомда ўз қони билан уфқни бўяйди. Сахро эса руҳоний олам, тариқат рамзи. Кўринадики, мазкур байтда шоира табиатнинг оддий ҳодисалари воситасида ўзининг мураккаб ирфоний нуқтаи назарларини баён этади. Бунда унга ҳусни таълил санъати қўл келади. Мазкур 7 байтли ғазалнинг 6-байтида шоира юқоридаги фикр-қарашларини янада ойдинроқ баён этишга ҳаракат қилади:

4-шуба

*Сени изларман андоқким, қуёш дийдорин изларда,
Кезиб тун-кун шитобон айламакни мендин ўрганди [1;166].*

Хусусан, ғазалнинг сўнги мақтаё байтида шоиранинг кенг қамровли услуб хусусиятлари ўз ифодасини топган:

*Қаноат қилди Вайсий, топти дилдин гавҳари назмин,
Садаф ҳам дурри ғалтон айламакни мендин ўрганди [1;16].*

Байтнинг 1-мисрасида дил ва назм гавҳари, 2-мисрасида садаф ва дурри ғалтон (юмалоқ дур) иборалари мутаносиб қўлланилган. Бу мутаносибликнинг боиси қаноат. Иккала ҳолатнинг вужудга келишида ҳам қаноат ва сабрнинг ўрни бекиёс. Садафнинг бағрида узоқ тўлқинлар риёзатидан ўтиб дур ҳосил бўлади. Садафнинг мавжудлиги, қиммати дур билан. Унинг мақсади бағрида дурни улғайтириш. Кўринадики, мазкур ўринда садаф тариқат солики рамзи сифатида қўлланилмоқда. Дур, гавҳар эса қимматбаҳо бойлик. Инсонни ўзига жалб этиб, жилोलаниб турувчи манба. Бунда биз Илоҳий жамол рамзи ифодаланганини кузатамиз. Демак, шоира садаф, гавҳар ҳақида сўзлар экан, солиқнинг асл мақсадга етиб бориш жараёнига ишора қилади. Бу йўлнинг асосий риёзатларидан бири қаноат эканлигини эътироф этади. Ижодкор ана шу табиат ҳодисасидан инсон оламининг моҳияти, яшашдан мақсадини ифодалашда фойдаланади. Шоира дил ва назм гавҳари иборасида ҳам теран маъно ифодалайди. “Навоий асарлари луғати”ни кузатсак, унда гавҳар сўзининг 5 маъноси изоҳланади. Шулардан келиб чиқиб, садаф ва дурнинг қиёсланишини ҳисобга олиб, қаноат билан дилдаги назми моҳиятини, асосини топганлигини англаймиз. Увайсий шеърининг меросининг табиатидан келиб чиқиб, шоира шеърининг асосини ҳақиқий ишқ, илоҳий файз, Ҳақ васли ташкил этиши борасидаги хулосага келамиз. Ва мазкур ғазал мақтаёсида узоқ риёзатли йўл сўнгида васлга эришганлик ҳақида сўз бораётганлигини тушунамиз. Кўринадики, Увайсий “муболағали ташбех” (Ё.Исҳоқов ҳусни таълилни шундай изоҳлайди) ёрдамида ўзининг ирфоний мулоҳазаларини ошкор этганлигини англаймиз.

Шоиранинг яна бир ғазали байтида ҳам худди шундай тасвир ва маънога дуч келамиз:

*Таваккул шишасин кийсамки, урсам гўта баҳри ишқ,
Садаф батнида гўё гавҳари шаҳвор уйғонди [1;168].*

Шоира ғазаллари орасида бу каби тўлиқлигича ҳусни таълил санъати билан зийнатланган асарлар кўп учрайди.

Увайсий индивидуал услубининг намоён бўлишида тамсил санъати муҳим аҳамият касб этади. Тамсил шоира шеърининг мазмун ҳудудини чироғдек нурлантириб туради. Тамсил ҳам ҳусни таълил, ирсоли масал каби далиллаш санъатидир. Ҳусни таълил ҳақида юқорида тўхталдик. Тамсил билан ирсоли масал бир-бирига яқин санъатлар. Ҳатто, “Фунун ул-балоға”да тамсилни ирсоли масалнинг бир тури сифатида кўрсатилади. У алоҳида санъат сифатида ажратилмайди. Иккаласи ҳам фикрни далиллайди. Бири мақол, матал, ҳикмат келтириш йўли билан, иккинчиси, реал воқеликдан мисол келтириш йўли билан. Тамсилда ижодкор фикрини реал, ҳаётининг мисол келтириш орқали

4-шубба

асослайди. Увайсий ижодида мазкур усулдан унумли фойдаланади. Бир ғазалнинг ўзида шоира бадиий ниятини амалга ошириш учун ҳам табиат ҳодисаларидан, ҳам халқ мақол ва ҳикматларидан фойдаланган ўринлар ҳам бор. Жумладан,

*“Бўлдум дучор кўнгли қатиг, бағри тошқа,
Эй дил эли, кўнгулни берингким синошқа”* [1;158]

- байти билан бошланувчи ғазалнинг деярли барча байтларида шу санъатни қўллаганини кузатамиз:

*Васлингда мен ўзумни йўқотсам, ажаб эрмас,
Моҳ ёндашарда йўқ асари ҳеч қуёшқа* [1;158].

Байтнинг биринчи мисрасида васл ва беҳудлик орасида сўз бормоқда. Солик ўзини енгиб, вужудий қафаслардан озод бўлгандагина Ҳақ файзидан баҳрамандликка эришади. Шоира мазкур ирфоний маънони ҳаётининг деталь билан асослайди. Яъни 2-мисрада “Ой чиққанда, қуёшдан асар қолмаслигини, улар бир-бири билан учрашолмаслигини” таъкидлайди.

Кўринадики, шоира мураккаб ва тасаввуфий қарашларини ўқувчига аниқ ва тушунарли етказишда мазкур санъат қўл келади.

У шоира шеърлятида турли вазифаларни бажаради. Баъзан, мутасаввуф шоира сифатида, ирфоний маъно ва тушунчаларни содалаштириб, мавҳумликни моддийлаштириб, асар мазмунидаги англамни осонлаштиришга хизмат қилади.

Баъзан эса бу оддий, ҳаётининг тажрибалар билан боғлиқ ҳукмларига қатъийлик бағишлаш вазифасини бажаради:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. Т.: Академнашр, 2010.

ХАЛҚОНА ИБОРАЛАРНИНГ НАВОИЁНА ТАЛҚИНЛАРИ

**Маърифат Бақоевна Ражабова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Ўзбек адабий тили ва адабиётининг етакчи анъаналарини мукамал билганлигидан уни юксак тараққиётга эриштирган Алишер Навоийдек мутафаккир шоир халқнинг ўткир диди ва юксак нафосатини кўрсатувчи иборалардан ўз асарларида, хусусан, лирик меросида унумли фойдаланган.

Навоий шеърлятидаги бой поэтик образлар ва образли ибораларни қиёсий ўрганиш шоир поэтик услубининг шаклланишига таъсир кўрсатган адабий анъаналарнинг ролини объектив баҳолашга имкон яратади [1; 119].

Алишер Навоий асарларининг тили бирмунча мураккаб. Боиси шоир асарларида арабий, форсий тил қатламига мансуб тил материаллари, тасаввуф

4-шуба

шеърятти ғояларини тарғиб қилувчи мажозий-рамзий образлар, истилоҳлар анчагина. Шундай бўлса-да, улуғ шоир кўпроқ туркий сўз ва ибораларидан унумли фойдаланди. А. Навоий лирик меросида қўлланувчи жуда кўп иборалар борки, улар бугунги кунда ҳам истеъмолда.

Навоийшунослигимизда шоир асарларида қўлланилган ибораларини ўрганиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган [2,3,9,10]. Бироқ бу соҳадаги ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунки улуғ шоир асарларидаги ҳар бир сўз ва ибора бадиийликнинг юксак намунаси сифатида талқин ва тадқиқ қилишга эҳтиёж сезади.

Кулини кўкка совурмоқ, боши кўкка етмоқ, кўксини чоқ қилмоқ, ерга урмоқ, кўзи учмоқ, кўзига тўтиё қилмоқ, оғзини очмоқ, кўзидан уйку қочмоқ, қўлдан бермоқ, кўз юмиб-очмоқ, кўздан учар (ўтар), тегирмон тошини айлантирмоқ, кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин каби қатор халқ иборалари шоир шеърятти бадиийлигини таъминлаган омиллардан биридир.

“Кулини кўкка совурмоқ” ибораси “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да “Бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ” маъносида қўлланиши таъкидланган [6;129]. Ушбу ибора А. Навоий лирикасида ҳам худди шу маънода қўлланган. Шоир лирик қаҳрамон – ошиқ рухий ҳолатининг муболағавий тасвирида мазкур иборага мурожаат қилади:

Эй ишқ, яна фурқат ўтин жонима урдунг,

Жисмимни кул айлаб, кулини кўкка совурдунг [2; 296].

Мазмуни: Эй ишқ, айрилиқ ўтини жонимга урдинг. Айрилиқ ўтидан жисмимни кул, кулини эса кўкка совурдинг.

Байтга диққат қилинса, унда бир иборанинг икки шаклда – **кул қилдинг, кулини кўкка совурдинг** тарзида берилганини кўриш мумкин. Бундан кўзланган мақсад ошиқ вужудининг ишқда нафақат кул бўлгани, балки унинг кулидан ҳам асар қолмаганлигини тасвирлашдир. Мумтоз адабиётда ҳақиқий ошиқнинг ишқда “йўқ” бўлиши унинг комиллик сифатларидан бири тариқасида баҳоланади. А. Навоий ошиқнинг ана шу сифатини беришда халқона иборадан маҳорат билан фойдаланган. Қуйидаги байтда ҳам ибора худди шу мақсаднинг рўёби учун хизмат қилган:

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,

Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди [2; 554].

Биринчи байтда ишқнинг ошиқ “кулини кўк совурган”и айтилаётган бўлса, иккинчи байтда фано қуюни бу вазифани бажаргани таъкидланади. Чунки фано сўзининг луғавий маъноси ҳам “йўқ бўлиш, ўлиш”. Инсон табиатига хос бўлган фанолик қуюндек келди-ю, “кулумни кўкка совурди”, дейди шоир.

Кўксума урмоққа олган тошқа ўқи тегди, лек

Қилди кул жисмимни ўтким, секриди пайконидин [2; 435].

Мазкур байтда “кўксига урмоқ” ва “жисмини кул қилмоқ” иборалари қўлланган. Ошиқнинг жисми нимадан кул бўлди, деган савол туғилиши табиий.

4-шубба

Байтдаги ўқ маъшуқа киприги маъносида англашилса, унинг тошга тегишидан чиққан ўт эса ўқувчини шубҳага солади.

Маълумки, қадимда камон ўқининг учи ўткир учли металдан қилинган ва “башоқ” деб аталган. У эса узоқ масофага оловни отиш ёки олов олдириш учун қулай бўлган. Худди шундай ҳолат маъшуқа киприги билан боғлаб ифодаланган. Ошиқ вужудига текан ўқ (яъни киприк) унинг вужудини оловлантирган, жисмини кул қилган.

Шоир ғазалларида “**кўзи учмоқ**” ибораси ҳам қўлланган. Бу иборадан оғзаки нутқда кўпинча киноя маъносини ифодалаш учун фойдаланилади. Навоий лирикасида эса маъшукани кўриш иштиёқидаги ошиқнинг қалб талпинишларини бериш учун қўллангани кузатилади.

*Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Бийниҳ анга кирпиклар ўлмиш икки қанот [2; 95].*

Демокчики, кўзим учмоқдаки, сенинг қутлуғ юзингни яна кўрсам керак. Учаётган кўзимга киприкларим худди икки қанот бўлгандай.

*Эй Навоий, кўргали они учар ҳар дам кўзум,
Лек не суд учмоқ ул қушки манга йўқтур қанот [3; 56].*

Ёки:

*Ул парий кўздин учар, кўз дағи шавқидин учар,
Ваҳки, мен учқали ҳам йўқтурур эғнимда қанот [3; 55].*

Ҳар учала байтда ҳам “кўз учмоқ” ибораси орқали маъшуқа висолига интизор, уни кўриш иштиёқида ўртанаётган ошиқ ҳолати тасвирланган. Учинчи байтда “кўздан парининг учиши” ҳамда “кўзнинг шавқдан учиши” омоним иборалар бўлиб келган.

Шунингдек, келтирилган байтларнинг барчасида “кўз учмоқ” иборасидаги “учмоқ” ҳаракати фақатгина қанотли мавжудотларга тегишли эканлиги ҳам инобатга олинган. Биринчи байтда учаётган кўзга киприклар қанот бўлган бўлса, иккинчи байтда учаётган қуш қанотсиз, учинчи мисолда эса ошиқнинг учишга қаноти йўқлиги тасвирланган. Байтлардаги қанот детали ибора мазмунини чиройли далиллаш учун хизмат қилган.

Улуғ шоир ғазалларида қўлланган халқона иборалардан яна бири “**кўз юмуб-очгунча**” бирикмасидир. Мазкур ибора “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғатида” “**кўз очиб-юмгунча**” тарзида келтирилади ва “жуда қисқа муддатда, тезда” деган маънони англатиши таъкидланади [6; 147]. Эътибор берсак, мазкур иборани оғзаки нутқда ҳам кўпинча луғатдагидек ишлатамиз. Ҳолбуки, ҳазрат Навоий биргина ибора таркибидаги сўзнинг ўрни ўзгариши натижасида ҳаётини мантиқ бузилишини жуда яхши билган. Шу боис, ўз ғазалларида мазкур иборани “**кўз юмуб-очгунча**” тарзида қўллаган.

*Умр гафлат уйқуси бирла тиларсен, кеча, оҳ,
Кўз юмуб-очгунча кимнинг иътимоди бор анга? [2; 47].*

Ёки

Тушдек эрур даҳрда нокому ком,

4-шубба

Кўз юмуб-очқунча ўтубдур тамом [5; 344].

Хар иккала байтда панд-насихат руҳи устувор. Бу даҳр (дунё)да истагига етган ҳам, етмаган ҳам “кўз юмиб-очқунча” ўтиб кетиши эслатилган.

А. Навоий назмиётида қўлланган туркона фразеологизмлардан яна бири **“қўлдан ихтиёрини бермоқ”** иборасидир. Бу турғун бирикма бугунги кунда фаол истеъмолда. Қуйидаги учта байтда мазкур ибора қўлланган:

Биравни, эйки, севмак орзу қилдинг, ҳавосинда

Илигтин ихтиёринг бермагил зинҳор мен янглиг [4; 211].

Бировни севмоқни орзу қилсанг, мен каби кўйида ихтиёрингни зинҳор қўлдан бермагин. Ошиқ – ишқда банди бўлган шахс. Банди бўлган кишининг қўлида эса эрки бўлмайди. Қуйидаги байтда эса элнинг инон-ихтиёри бутунлай (яксар) қўлдан чиқиши мазкур ибора орқали берилган.

Эл инони ихтиёри чиқти яксар илгидин,

Пўяда ҳар сари ул чобукки қайтарди жилав [4; 356].

А. Навоий ҳамд ғазаларида ҳам мазкур иборанинг қўллангалигини кўриш мумкин. Шоир мазкур ибора орқали инсоннинг бу дунёга келиб-кетиши унинг ихтиёрида эмаслиги туфайли уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслигини Яратгандан сўраб, муножот қилади. Бунинг учун Қуръони каримнинг “Анбиё” сурасидаги **“Эй Роббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Сен Ўзинг ворисларнинг энг яхшисисан”** деган муборак оятига мурожаат қилади.

Ўз илгида чун ҳеч йўқ ихтиёри,

Ўзига ани қўймагайсен, худоё [4; 5].

Хар учала мисолда “қўл” сўзининг қадимий шакли “илиг” қўлланган. Бу билан, бир томондан, давр руҳини бериш назарда тутилган бўлса, иккинчи томондан, шеърий вазн “илиг” сўзининг қўлланишини талаб қилади.

Шоир **“қўлдан ихтиёрини бермоқ”** иборасининг **“қўли ихтиёри бор”** шаклидаги антонимидан ҳам ўз мақсад-муддаосини ифодалаш учун фойдаланган.

Фигонни забт қилурмен, валеқ ул қотил

Чу жилва айлади, илгимдин ихтиёр борур [4; 110].

Хулоса қилиб айтганда, А. Навоий туркий адабиётни юксак чўққига кўтариши билан бирга, туркий тилнинг бой хазинасига мурожаат қилиш орқали умумхалқ тилининг такрорланмас жилосини кейинги авлодларга кўрсатиб берди. Мутафаккир шоир асарларида халқона ифода йўсинида тарғиб қилинган инсоний ғоялар унинг халқ тили ва бадиий тафаккуридан усталик билан фойдаланганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исҳоқов Ё. Новой поэтикаси. –Т.: Фан. 1983.
2. Йўлдошев Б. Алишер Навоий асарларида ибораларнинг қўлланиш усуллари ва ҳозирги давр билан муносабати ҳақида // Филологик тадқиқотлар (илмий мақолалар тўплами), 1-китоб. – Самарқанд: СамДУ, 1995. – Б. 62-70.

4-шуба

3. Йўлдошев Б. Алишер Навоий асарларида фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятларига доир // Ўзбек журналистикаси ва филологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд: Суғдиёна, 1998. – Б. 45-51.
4. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-васат. –Т.: Фан, 1990.
5. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989.
6. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. VI жилд. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990.
7. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. VII жилд. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Фан, 1991.
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи. 1976.
9. Умаров Э. Ўзбек тили фразеологиясининг тараққиётида Алишер Навоийнинг роли // Адабий мерос, мақолалар тўплами, 1-китоб. – Т.: Фан, 1968. – Б. 188-191.
10. Умаров Э. Фразеологический словарь “Хазойинул-маоний” Алишера Навои. – Т.: Фан, 1971. –С.140.

БИР РОМАН ХУСУСИДА

Нодира Исомиддиновна Соатова,
ЖДПИ Ўзбек адабиёти қитиш методикаси доценти,
филология фанлари номзоди

Шухратнинг “Шинелли йиллар” романинг ўзига хос томонларидан бири шуки, у уруш картинасини унинг, дастлабки этапларидан бошлаб, то охиргача бадиий тасвирлашга уринганлиги билан характерлидир. Шунингдек, ўзбек ҳарбий прозасининг илк намуналаридан бири сифатида ўзбек адабиётида алоҳида аҳамият касб этади. Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, асарнинг биографик материал асосига қурилгани, муаллифнинг ўзи шоҳид бўлган воқеа ва ҳолатлар, ўзи кўрган ва таниган, елкама елка туриб жанг қилган кишиларни қаламга олиши образларнинг жонлилигини таъмин этган. Буни адибнинг ўзи қуйидагича эътироф қилган: “...ўзбек солдат-офицерларининг Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жонбозлигини кўрсатиш ниятида воқеани уруш арафасидан бошладим. Асосий материал бўлиб ўз биографиям хизмат қилди. Тўғриси, кўрган-билганларим далда бўлди. Бунга дўстларим ҳаёти, ижодий тўқималарим қўшилиб кетди” [1;8-9.]. Шу боис бўлса керак, асардаги оддий солдатдан генералгача бўлган образлар ҳаққоний ва ҳаётийлиги ниҳоятда қимматли.

4-шуба

Асарни ўқиш мобайнида, урушнинг бевосита қатнашчиси бўлган Элмуроднинг биографияси талқини жараёнида шафқатсиз, бераҳм, лаънати урушнинг оқибатларини бирма-бир шоҳиди бўлиб борамиз. Мазкур роман фақатгина бош қаҳрамон Элмурод ҳақида бўлмай, катта бир тарихий даврни, авлодлар бир умр унутмайдиган - Улуғ Ватан уруши манзараларини реал чизишга қаратилган. Кўриниб турибдики, “Шинелли йиллар”га туртки бўлган, роман асосида ётган ҳодиса - реал факт, аммо асардаги характерларнинг психик ҳолатлари ёзувчи фантазиясининг самараси.

Элмурод олий маълумотли, Ватанини севувчи, шунинг учун курашган, ғалабага ўзини ҳиссасини юрак амри билан кўшган образ сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Элмурод – мард, жасур, ҳақиқий эр йигит. Ёзувчи бу қаҳрамоннинг характерини тасвирлашда унинг ўй-кечинмаларига алоҳида эътибор беради. Походларда қанчалик оғир бўлмасин, фақат олға юриш кераклиги, *“Етолмай, йиқилиб қолсам-а? Номус! Номус эр кишини ўлдиради-я!.. Ҳар бурчакдан пичир-пичир гап бўлади: “У походда орқада қолибди!” Унда нима бўлади? Сўз суякдан, таёқ этдан ўтади. Йўқ бундай бўлиши мумкин эмас. Ёнимдаги кичкина жангчи ҳам йўқманми?!”* [2;11-12] сингари фикрларнинг ўзи сўзимизнинг нечоғли ҳақиқат эканлигидан далолат беради.

Келтирилган парча таҳлилидан кўриниб турибдики, адиб психик анализ вақтида инсон қалбининг чуқур жойларига кириб бора билади, инсон қалбининг қаъридаги ҳар кимга ҳам кўриш муяссар бўлавермайдиган пинҳоний жараёнларни аниқ кўра олади. Унинг асарлари бамисоли инсон руҳий оламига “очилган дарча”, бу дарчадан инсон қалбининг жилолари бутун нозик қирралари билан баралла кўриниб туради.

Романда Мамажон Турдиев, Рашид, Мухаррам, Йўлдош Отаев, Содиков каби ватандошларимизни образлари ҳам романда ёрқин буёқларда чизилган. Ёзувчи Элмуроддаги мавжуд инсоний фазилатларни турли муносабатларда оча бориб, ўқувчига маънавий таъсир этиш усулини қўллайди. Элмурод характерининг тарбиявий моҳиятини унинг атрофидаги кишиларга кучли таъсир кўрсатишда, ўз ўртоқларига бўлган самимий муносабатларида, оғир вазиятлар юз берганда сезилади. Масалан, у ўз батальони билан фашист газандалари қуршовида қолади. Озиқ-овқат, қурол-аслаҳа саноклиқ. Бунинг устига, командир Данильченко оғир ярадор. Душман борган сари хужумни кучайтирар, ҳар бир кўринган нарсани нишонга олар эди. Ёзувчи ана шундай қалтис ва мураккаб ситуацияда ўз қаҳрамонини тасвирлар экан, Элмуродда содир бўлаётган ҳар бир ўзгаришни, психологик ҳолатни кўз ўнгидан қочирмайди. Унинг онгида содир бўлаётган душманларга нисбатан ғазаб ва нафрат (ғазабидан титраб, оқариб кетиши) ўқувчи кўз ўнгидан намоён бўла боради. У жангчилар ва қолган қурол-аслаҳаларни бирма-бир санаб чиқади, озиқ-овқатларни каттиқ кузатув остига олади. Энг муҳими, солдатларнинг руҳини чўктирмаслик эканлигини жуда яхши англайди.. Элмуроддаги ана шундай жонбозлик ва ҳаракатчанлик бўлмаганда эди, кўп кунлик қуршовдан

4-шуба

ёриб ўтиш мумкин эмас эканлигини, ўқувчи, роман ўқиш жараёнида яхши англайди.

Маълумки, Элмурод бир пайтлар яъни қишлоқдалиқ даврида Муҳаррам исмли қизни севган эди. Афсуски, уруш туфайли бу севги барбод бўлади. Элмурод армия сафида хизматга боради. Характерлар ривожидан давомида шу нарса аниқ бўла борадики, шу Муҳаррамнинг турмуш ўртоғи Рашид Элмуроднинг бўлинма солдатлари қаторида хизмат қила бошлайди. Ҳаётда учраши мумкин бўлган тасодиф. Ёзувчи бу икки образни атайлаб бир-бирига тўқнаш келтиради. Шу орқали Элмуроднинг характерини очиб беради. Элмурод ҳамма воқеадан воқиф, лекин Рашид хабарсиз. У ротада яхши жангчи. Умуман ёзувчи бу икки образни ўч олиш мумкин бўлган қулай пайтларда бир-бирига рўпарў қилади. Романи ўқиётган китобхон бирор воқеа содир бўлишини кутади. Воқеалар иши таранг тортилади, конфликт жуда кескинлашади. Ўқувчи кўнгилсиз воқеа юз беришига амин бўлиб турган бир пайтда Элмуроддаги одамийлик, инсонпарварлик устун келади. Элмуроднинг олийжаноблиги. Ўз солдатларига нисбатан меҳрибонлигини ифодалар экан, ёзувчи психологик ҳолатлар тасвиридан унумли фойдаланади.

Элмурод образи роман сюжетининг асосий йўналишини бошқаради. Романда берилган ёрдамчи характерлар, персонажлар, эпизодларнинг деярли ҳаммаси - Элмурод образининг турли томонларини очишга, бу образ динамикасини таъминлашга қаратилган. Воқеалар давомида Элмуроднинг етук командир бўлиб етишгани кўрсатилади. Романда ҳар бир воқеа-ҳодисалар бири иккинчиси билан боғланган ҳолда кўрсатилади, асарнинг бош сюжет линиясини тўлдириб боради.

Асарнинг композицион марказ ролини ўтовчи Элмуроднинг ҳаёт йўли, ахлоқий қиёфаси, маънавий дунёси, ички кечинмалари, ундаги типик хусусиятлар-душманга қарши курашда, дўстларига бўлган муносабатларида, оғир дамларда, даҳшатли дақиқаларда, ўзини тутиб идора қилишларида бирма-бир очилиб боради. У қизгин жанг пайтларида ҳам ўзини йўқотмайди. Ҳар бир вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишга мантиқан ишонамиз. Аслида ҳам, адабиёт ва ёзувчининг муқаддас ва олий бурчи ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга китобхонни ишонтира олиш, қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатининг ҳақлигини исботлай олишдир. Шунинг учун ҳам Элмурод Улуғ Ватан урушида матонат ва қаҳрамонлик кўрсатган жангчининг типик вакили сифатида китобхон кўз ўнгидан гавдаланади. Урушнинг шафқатсиз қонунияти унинг бошига ҳам анча кулфатларни солган. Жанг пайтида унинг иши нуқул ўнгидан келавермайди, курашдан зиён-заҳматсиз чиқмайди. У ҳам бошқалар сингари жанг майдонида баъзан адашади, хатога йўл қўяди, жангга қизиқиб кетиб, майдонда жанг қилаётганда оғир ярадор бўлади, оёғи синади, қорнидан қаттиқ жароҳатланади, ўлим билан юзма-юз келади, севган қизи Зебодан ажралади, хуллас, кўпгина кўргилик ва кулфатларга дучор бўлади. Бу, албатта, ёзувчининг жанг жараёнини яхши билганлиги, ўз кўзи билан кўрганлиги, чуқур ўрганганлиги, тасаввур ва идрок қилганлигидан далолатдир. Ёзувчи воқеликни бўямайди, у қандай бўлса шундайлигича реал акс эттиради. Буни биз бевосита

4-шубба

Мамажон Турдиев образида кўрамиз. Ёзувчи Турдиев характери яратар экан, унинг онгининг шаклланишини сунъий ва ҳиссиз куруқ баён этиш йўлидан бормайди. Реал, ёрқин, ҳаққоний ва ишонарли тарзда кўрсатишга ҳаракат қилади. Жанг дамлари Турдиевга катта ҳаёт мактаби бўлади. Асардаги Мамажон Турдиев характерларининг ривожини кузатсак, бу образларнинг маънавий ахлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим хусусият-она Ватани, қаҳрамон халқига бўлган меҳр-муҳаббатда эканини англаймиз. Ёзувчи Элмурод, Турдиев образларининг характери очиб бериш учун жанг картиналарини реал чизишга ҳаракат қилади.

Хуллас, Шухрат кўп қиррали истеъдод соҳиби, ўз халқи, Ватанига содик ижодкор. Унинг асарларини тили содда, равон, халқ тилига яқин, аниқроқ айтганда, халқнинг орзу-умид, ўй-кечинмаларини бадиий тасвиридир. Шу сабабдан, Шухратнинг адабий мероси XX аср ўзбек адабиётининг сара намуналари қаторида туради ва ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялашга бевосита хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шухрат. “Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз”. Танланган асарлар. Уч томлик, Биринчи том. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт. 1969.
2. Шухрат. Шинелли йиллар. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт. 1968.

“ГҶРҶҒЛИ ЁХУД ҲАЁТ СУВИ” РОМАНИДА АБСУРД АДАБИЁТГА ХОС БАДИЙ УНСУРЛАР

Марҳабо Худойбергандовна Қўчқорова,
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими,
филология фанлари номзоди, доцент

“Гўрўғли ёхуд ҳаёт сув” романи сюжети ҳам аслида, жаҳон ва ўзбек адабиётида синовдан ўтган “сайёр сюжет” ҳисобланади. Яъни қаҳрамоннинг тирик бўла туриб, ўликлар сафига кириб қолиши, ўзининг тириклигини исботлашга уриниш мотивидир. Жаҳон адабиётининг буюк ёзувчилари Р.Тагор ва Д.Буцатти ёки Саид Аҳмад ижодида ҳам айнан шу мотив асосида яратилган ҳикоялар бор. Назар Эшонқул айнан шу мотивни янгилаган ҳолда катта йирик полотнодаги “Гўрўғли ёхуд ҳаёт суви” романини яратди. Романга “Гўрўғлининг туғилиши” дostonидан олинган кўйидаги парча “*Айтсам етгаймим, энажон зорим, Юракда гамим кўп, ичда занларим!..*” мисраси ҳамда “Гилгамиш” дostonидан “*...ҳаёт сувин излаб ўтди Гилгамиш*” мисралари эпиграф сифатида танланган. Шу ўринда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonи ҳаёлимизга келмоқда. Чунки, шоир бу дoston ҳамда асар бош қаҳрамони Искандар тимсоли орқали адолатли шоҳ образини яратишни

4-шуба

мақсад қилади. Назар Эшонкулнинг мазкур романида адолат истаб йўлга чиққан, аммо ҳеч қаердан ва ҳеч кимдан адолат топа олмай, ўттиз ёшида ҳалок бўлган Н.нинг саргузаштлари ва фожиаси теран очиб берилган.

Роман бадиий композициясини кузатадиган бўлсак, у қуйидаги фасллардан ташкил топган. 1. Хабар. 2. Дафн. 3. Эртаси. 4. Назоратчи. Митти одамлар. 5. Қ. Биноси. 6. Шоир. 7. Муҳаррирнинг жияни. Тиббий кўрик. 8. Натюрморт. Н.нинг тушлари. Туш-1. Туш – 2. Туш-3. Туш-4. Туш – 5. 9. Биринчи сўроқ. Адиб. 10. Суд. 11. Бурундук, соқчи ва олим. 12. Гўрков. Кузатиб турганимиздек, “Гўрўғли ёхуд ҳаёт суви” романи жуда пишиқ бадиий композиция асосига қурилган, жами 12 та фаслдан ташкил топган. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Назар Эшонкул романда Қизил империянинг ичидан емирилиб, адо бўлаётганини Н.нинг фожиавий саргузаштлари, метафорик рамзий тасвирлар орқали ҳикоя қилади. Воқеалар ўтган асрнинг 90-йилларида содир бўлган. Романда қаҳрамоннинг абсурд вазиятга тушиб қолиши ва оғир ҳолатдан чиқа олмай фожиали тарзда ҳалок бўлиши киноявий танқидий модусда туриб баҳоланади. Асар “Хабар” номли илк фасл билан бошланади. Катта бир ташкилотнинг мутахассиси ҳисобланган Н. ўзи ҳеч қачон кўрмаган, фақат эшитган Раҳбар қабулига бориши керак бўлиб қолади. Бу бахтли хабар баъзи бир касбдошларининг ҳасадини келтирса, баъзи бировларнинг ҳавасини келтиради. Асардаги воқеа киноявий танқидий модус асосига қурилган. Асарда мақсадли қўлланилган метафоралар, рамзлар, муболағали киноявий тасвирлар – мавжуд давр ва тузум воқеаларига рамзий ишоралар беради.

Ёзувчининг жамиятга, тузумга нисбатан кинояси, танқидий-таҳлилий қарашлари кучайиб кетиб, Сарказм даражасига чиқади. Муаллиф асарда тасвирланаётган воқеалар ва одамлар, раҳбарлар ва ходимлар орқали яқин ўтмишимизга кўзгу тутлади. Романга “Муолажа”, “Хароба шаҳар сурати”, “Тобут”, “Баҳоуддиннинг ити”, “Оғриқ лаззати”, “Шарпа” каби ҳикоялар сингдириб юборилган қисмларида ҳам кўпгина рамз ва метафора, мажозларни топиш мумкин. Бу ҳикоялар матни романнинг “7. Муҳаррирнинг жияни. Тиббий кўрик” фаслида “Муожала”, “8. Натюрморт. Н.нинг тушлари” фаслида “Эволюция”, “Хароба шаҳар сурати”, “9. Биринчи сўроқ. Адиб” фаслида “Оғриқ лаззати”, “11. Бурундук, соқчи ва олим” фаслида “Шарпа” ҳикояларининг бадиий ғояси излари қисман ёки тўлиғича акс этган.

Назар Эшонкул “Гўрўғли ёхуд ҳаёт суви” романида Ж.Жойснинг “Улисс”, Ф.Кафканинг “Жараён” романидаги модерн бадиий услуби, ноанъанавий ижодий тажрибаларини синаб кўради. Вақт келиб, Назар Эшонкулнинг “Гўр ўғли...” романи билан Ф.Кафканинг “Жараён” романи ўртасидаги муштарак ва индивидуал типологик тадқиқотлар ҳам яратилиши мумкин. Аммо икки адиб романларига хос муштаракликларга адабиётшунос Й.Солижонов салбий баҳо беради: *“Роман том маънода абсурд ғоясига – яшашда маъни йўқ деган фикр асосига қурилган. Худди Сизиф юмалоқ тошни тепаликка олиб чиқиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилаётгани сингари Н. ҳам маҳкамаларга қатнаб тириклигини исботламоқчи бўлади. Бундан умидвор, бироқ у мансуб бўлган жамият одамнинг ҳақлигини тан*

4-шуба

олгиси келмайди. Асарни ўқир эканмиз, хаёлимизга беихтиёр Ф.Кафканинг “Жараён” романи келади. Қаҳрамонлар исмининг бош ҳарф билан белгиланишидан тортиб, уларнинг ёшигача, ўз гуноҳсизлигини исботлаш учун югуриб-елишларигача, аммо ҳақ эканлигини исботлай олмай, руҳан азобланиб, ўлиб кетишларигача бир-бирига ўхшайди. Хуллас, иккала романни ёнма-ён қўйиб ўқисангиз, бир хил тақдирга эга бўлган эгизакларни дуч келгандек бўласиз...” [1;42].

Бундай қарашлар доимо бўлиб келган. Масалан, баъзи олимлар Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романини Жек Лондонга тақлидий йўсинда яратилганликда айблашади. Бизнингча, Й.Солижоновнинг Н.Эшонқулнинг “Тўрўғли ёхуд ҳаёт суви” романига берган баҳосида ҳам бирёклама танқидий қараш кузатилади. Ижодкор борки, ўзи яшаган давр ва кўрган-кузатган-ўрганган инсон образини яратишда турли адабий-бадиий манбалардан, ҳаётдан ўрганиб, таъсирланиб яратади. Биз Назар Эшонқулнинг Кафка ижодидан таъсирини ижобий ҳол сифатида баҳолаймиз. “Тўрўғли...” билан “Жараён” романлари алоҳида адабий ҳодисалар бўлиб, ҳар бири ўз миллий адабиётининг оригинал асарларидир. Уларни “эгизак асарлар” сифатида қараш ва таҳлил этиш нотўғри хулосаларга олиб келади.

Умуман олганда, Назар Эшонқул “Тўрўғли...” романида шарқ адабиёти билан ғарб адабиётининг илғор адабий насрий ижодий анъаналарини уйғунлаштира олди. Бизнингча, “Тўр ўғли...”да ёзувчи Ф.Кафка билан Ж.Жойснинг модерн насрдаги янги ижодий тажрибаларини қориштириб беради. Рамзий маънода, романда Ўзбекистон тупроғида ўсувчи бир гулнинг эмас, минг бир гулнинг ҳидлари аралаштирилган. Н. нинг суди бемаъни тарзда ўтади. Табиийки, бемаъни тасвирлар (яъни Инсонга қўйилаётган айблар ва жазо мутлақо ўринсиз) воситасида ёзувчи жамиятдаги ана шундай бемаъни, абсурд ижтимоий тузумга, бошқарувга рамзий ишора қилади. Н. нинг устидан тўпланган ҳужжатлар мактаб ўқувчиларининг иншо дафтарларию газетадан қирқиб олинган қирқимлар бўлиб чиқади. Муаллиф асарда жамиятдаги бошқарув маъмурияти феъли-табиатига сингиб кетган мана шундай майнавозчилик, инсон тақдирини бир хасчалик кўрмайдиган миясизларни киноявий ракурсада туриб таҳлил этади.

Н. романнинг бошидан охиригача “айбдор”, “жиноятчи” сифатида қаралади. У қаерга эшик қоқиб бормасин, унга “гуноҳкор” сифатида муомала қилишади. Н.ни келажакда жазо, абсурд жараён, сўроқ, ҳукм кутади. Аммо у ўзининг айби нимада эканлигини ҳеч англаб етмайди. Бутун бошли роман саҳифаларида қонунни сув қилиб ичаётган “қонуншунослар”, янги-янги қонунлар ўйлаб чиқараётган “етук мутахассислар” ҳатто ҳаммомда ўтириб ҳам “қонун” ёдлашади. Аммо бу ўз соҳаларининг “билимдонлари” Н. нинг ҳаётида кичкина бир англашмовчилик туфайли юз берган хатоликни тўғрилашга ақли ҳам, қурби ҳам етмайди. Н. ни тирик одам сифатида ҳаётга қайтариш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Терговчи “ўлган” деган хулоса берганми, тамом. Агар энди Н. тирик бўлса, уни ҳақиқатан ҳам ўлдириш керак. Судья ва судья ижрочилари Н. устидан ана шундай ғайриинсоний ҳукм чиқаришади. Ҳатто

4-шуба

Гўрков қиёфасидаги судья ижрочиси Н. га ўз гўрини ўзига қаздиради. Н. адолат истаб, унинг кийимини кийиб олган бошқа бир шахс ўлганини исботлаш учун 29-қабрни жон-жаҳди билан қазийди. Гўрков-судья ижрочисининг хаёли эса қазилган гўр Н. нинг жасадига мос қабр қазилганганлиги ҳақидаги бадбин ўйлар, унинг бўй-бастига қараб, чамалаш билан банд бўлади. Гўрков-судья ижрочиси назорати остида Н. ўзини поезд тагига ташлайди. Адолат истаб йўлга чиққан, ҳеч кимдан ва ҳеч қаердан адолат топа олмаган эндигина ўттиздан ошган Н. фожиали тарзда ҳалок бўлади. Романда бадиий вақт нуқтаи назаридан қаралганда, бир йиллик сарсон-саргардонлик ҳикоя қилинади. Аммо жамиятдаги ижтимоий, маънавий, сиёсий иллатларнинг салкам юз йиллик тарихи, фожиаси Н. тақдири ва унинг бошига тушган чалқаш, абсурд вазият мисолида ниҳоятда теран бадиий таҳлил этилади. Романда муаллиф худди Ф.Кафка сингари миллат руҳиятига сингиб кетган “қўрқув” ва “хавотир”, “мутеъ” ва “маҳкум одам”, “абсурд вазиятдан норози одам” психологиясини ниҳоятда теран ва чуқур очиб беради. Айтиш мумкин, ёзувчи романда “қўрқув” ва “хавотир”, “маҳкум шахс” образларини типиклаштириб беради. Роман саҳифаларидан ўрин олган инсонни таҳқирлаш, жазолашнинг минг бир хил кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари (масалан, одамнинг қўл-оёқларини синдириш, хивчин билан орқасига хивчинлаш, йиринглаган танага туз сепиш, орқалари йиринглаган маҳкумни зах хоналарга қамаб қўйиш, юрагини суғуриб олиш, бошини ёриб, миясига илонни жойлаштириш, миянинг ёғларини илон тўйиб еб, ялтираб туриши) Шўро даври тузумидаги Шахсга нисбатан қилинган даҳшатли зуғумлар, зулмларнинг рамзий ифодасидир. Бир ўқишда, романдаги мана бундай кўрқинчли жазо манзаралари тасвирланган лавҳалар “садизм”, “садистлик” назарияси деган фикрни хаёлга келтиради. Аммо бу тасвирлар ҳақиқатан ҳам садизм ғояларини илгари сураяптими? Йўқ, албатта. Ёзувчини тўғри англаб, таҳлил қилаётган бўлсак, Назар Эшонқул бундай жазо турларини роман саҳифаларида тасвирлаш орқали 1937 йил, 1957 йил, 1980 йиллардаги пахта иши каби қирғин қатағон йилларининг даҳшатли манзараларини чизади. Агар халқаро глобал аренага чиқиб фикрлайдиган бўлсак, романдаги бу жазо турлари XX аср башарият тарихидаги Жаҳон урушлари пайтида концлагерларда ўтказилган жазо, зулм, таъқиб, хўрлаш каби антигуманистик манзараларнинг метафорик, мажозий талқинларидир, деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Н. ўзининг ўлими билан мавжуд жамиятдаги абсурд вазиятга (майнавозчилик, сохтагарчилик, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши, таъқибкорлик, зулмкорлик) исён қилади. Бу эса Абсурд адабиётга хос бўлган бош бадиий хусусиятдир. Яъни маънисизлик ичида фикрлай олиш абсурд адабиёт қаҳрамонига хос белгидир. Масалан, “Гўрўғли...” романининг қаҳрамони ҳам фикрлайди, асарда ундан бошқа ҳеч бир қаҳрамон атрофдаги воқеликка, муносабатларга танқидий қарай олмайди. Н. гина жамиятдаги абсурд ҳолатга онгли равишда ёндошиб, таҳлил қилади. Н. шахс сифатида тасдиқланишни истаydi. Аммо жамият уни Шахс сифатида тан олмайди. Аксинча, уни ўлим сари етаклайди. Ёзувчи Н. тимсолли образи ва унинг

4-шуба

бошига тушган даҳшатли воқеалар орқали Шахслари синдирилган Социалистик (аслида, ҳар қандай тузум бўлиши мумкин. – *Изоҳ бизники.* – М.Қ.) жамиятга рамзий ишора беради. Адабиётшунос Н.Владимирова Назар Эшонкулнинг ўзбек насрида қилган тажрибалари ҳатто ёмон натижа берса ҳам, у ҳам бир натижа сифатида қаралишини ёзган эди. Турғун туриб тўхтаб қолишдан кўра, ҳаракат қилиш, изланиш, янгиликка интилишнинг нимаси ёмон. Шу маънода, бизнинг тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, Назар Эшонкулнинг қатор қисса, ҳикоялари, романида қўлланилган метафора, рамз ва мажоз, абсурд вазият, абсурд қаҳрамон, неомифологизм, интертекстуаллик унсурларини маҳорат билан қўллаганлиги боис истеъдодли ёзувчи Назар Эшонкул жаҳон адабиёти аренасига кўтарилди. натижаси тамомила ижобийдир. Назар Эшонкул насрида кўриниш берган Ёзувчининг ҳозирги ўзбек насрида олиб борган ижодий тажрибаларининг Абсурд қаҳрамонлар асло сунъий образлар эмас, балки ижтимоий-сиёсий муҳит табиий равишда етилтириб олиб келган адабий ҳодисадир. Ёзувчи “Гўрўғли ёхуд ҳаёт суви” романида ҳам ўз шахсини тасдиқлай олмай шахси синдирилган, “мен”и йўқ қилинган “маҳкум” одам образини яратишда Ғарб адабиётининг йирик ёзувчилари Камю, Кафка, Жойсларнинг адабий тажрибаларидан унумли фойдаланади, романда метафораларга кенг йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Солижонов Й. Йил хирмони, ҳосил сифати (2012 йил романлари асосида) / Кўзгудаги ҳаёт. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013.

ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ – НАСИМИЙ ИЗДОШИ

Зилола Қодировна Амонова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Ўзбек мумтоз адабиётида XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида яшаб фаолият кўрсатган ва ўзидан салмоқли ижодий мерос қолдирган шоирлардан бири Ҳофиз Хоразмийдир. Отахон матншунос олим Ҳамид Сулаймон ҳаракатлари билан Ҳиндистоннинг Ҳайдарободидан шоирнинг йирик ҳажмли девони топилди ва нашр этилди. Мазкур девондаги ғазаллар мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Уларда оламнинг яратилиши, инсоннинг муқаррамлиги-ю, ишқнинг илоҳийлиги васф қилинса, нафсоний иллатлар, инсоний қусурлар танқид қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, Насимий ҳуруфийлик маслағига эътиқод қўйган ва ўз руҳий камолотини шу тариқатда тарбиялаган ижодкордир. Шу боис, шоирнинг лирик мероси мазкур тариқат ғоялари тарғибига хизмат қилган. Насимийнинг рагон

4-шубба

ва сержило услуби, мардона шижоати жуда кўп шоирларни илҳомлантирган. Шарқ мумтоз адабиётида унинг ижодидан таъсирланмаган ижодкор бўлмаса керак. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг бир қатор вакилларида Насимий билан ижодий яқинликларни кўриш мумкин. Айниқса, Ҳофиз Хоразмий ижодида бу таъсир яққол кўзга ташланади. Унинг асарларида Мансур Ҳалложнинг “Анал ҳақ” ғояси талқини билан боғлиқ талайгина шеърлар ҳам мавжуд. Бу борада матншунос олим Ҳамид Сулаймон шундай ёзади: “*Катта замондоши Имодин Насимий каби феодал зулмга қарши ўта исёнкор бўлмаса ҳам, расмий исломнинг разил вакиллари томонидан ваҳшийларча ҳалок этилган суфизм идеологларидан бўлган Мансур Ҳалложни газалларида ҳурмат билан эслайди*” [3, 15].

Насимий ижодида араб ҳарфларининг ботиний маънолари зикр этилган шеърлар ҳажм жиҳатдан анчагина кўп. Улар орасида “Алиф” ҳарфи талқини алоҳида ажралиб туради. Чунки “Алиф” ҳуруфийларда Аллоҳнинг ягоналиги, яккалиги, яъни тавҳид тимсолидир. Қолаверса, алифнинг абжаддаги қиймати ҳам бир:

*Чаһан ичиндә Нәсими алиф тәк олдуву фәрд,
Әкәр инанмаз исән үштә шәр’, үштә күваһ!* [1, 302]

Таржимаси:

*Жаҳон ичинда Насимий алифдек бўлди фард,
Агар ишонмас эсанг учта шаръ, учта гувоҳ!*

Маълумки, Насимий ишқ бобида Мансур Ҳаллож танлаган йўлига айрича эътиқод қилган. Тасаввуф оламида зикр этилган ишқ, жазба билан Аллоҳга етишишни кенг тарғиб қилганлар сирасига ҳам Ҳаллож, Насимий, Машраб каби улуғларни киритиш мумкин. Насимий юқоридаги мисрасида “Алиф”нинг ботиний маъносига эътибор қаратади. Аллоҳнинг яккалиги, воҳид Зот эканлигига ишора қилиш билан ўзининг ишқ йўлида жаҳон ичра алифдек фард (якка, ёлғиз) эканлигини ҳам қатъий таъкидлайди. Айни мулоҳазаларини далиллаш учун учта шаръий жиҳат ва гувоҳи борлиги билан фикрини асослайди. Булар, сўзсизки, Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, ҳуруфийлик тариқати шаръий жиҳатлар бўлса, шоирнинг ишқи, иймони ва эъқтиқоди – бу гувоҳларидир. Насимийга Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, ҳуруфийлик тариқати ишқни, иймонни ва эъқтиқодни берди. Буларнинг ҳосиласи аниқ ва битта: “*Жаҳон ичинда Насимий алифдек бўлди фард*”. Мана шундай ғоя ва тасвирдаги яқинликни Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўриш мумкин:

*Тилар бўлсанг ҳақиқат мулкида сардор бўлмақлик,
Алиф янглиғ бўла кўргил муҳаббат лавҳида якто* [3, 21].

Ҳофиз Хоразмий Насимий ғоясидан айнан илҳомланиб юқоридаги байтни битганлигини кўриш мумкин. Агар Насимий “Жаҳон ичра” ўзини “алиф” янглиғ фард бўлишини таъкидлаган бўлса, Ҳофиз Хоразмий “*ҳақиқат мулкида сардор*” бўлиши учун “*муҳаббат лавҳида алиф янглиғ якто (якка, тенгсиз) бўлиши*” кераклигини бадиий тасвирлайди. Бу тасвирлар орқали эса ижодкорлар ваҳдат ул-вужуд ғоясини тарғиб қилади.

4-шуба

Ҳар иккала шоир ижодида бир қанча араб ҳарфларининг ботиний маъноси зикр этилган яна кўплаб шеърларни учратиш мумкин. Бундан ташқари, Насимий ва Ҳофиз ижодида Мансур Ҳаллож номи ва эътиқоди қайд этилган ғазалларни ҳам кўриш мумкин:

*Бўлдим Исрофилу ҳам сур бўлдим-ей,
Боқ: “Аналҳақ” айта Мансур бўлдим-ей,
Салсабилу жаннату ҳур бўлдим-ей,
Ганжи йўғу ишқи маъмур бўлдим-ей [2,60].*

Насимий мазкур рубоийсида ишқ ва унинг моҳияти ва даражаси хусусида фикр юритган. Ишқ ҳадду аълосига етса, жисмни жондан, жонни жисмдан фарқлашга ҳожат қолмайди, улар бирлашади. Тасаввуфда мазкур ҳолат “вахдат ул-вужуд” деб юритилади. Насимий айни даражани талмеҳ воситасида баён этган. Диний манбаларда қайд этилишича, қиёмат бўлганда фаришта Исрофил сур чалар экан. Шоир шунга ишора қилиб, мен ҳам Исрофил, ҳам айни дамда унинг қўлидаги сурман, дейди. Насимий ишқининг ҳолати шу даражадаки, Исрофил ёки сурлигини фарқлашнинг имкони йўқ. Улар бирлашиб кетган. Шоир давом эттириб, ҳолимга боқ: “Аналҳақ”ни айтиб Мансур бўлдим, дейди. Насимий салсабил (жаннатдаги булоқ) ҳам, жаннат ҳам, ундаги ҳур ҳам бўлдим, дея таносиб санъати имкониятларидан келиб чиқиб фикр таъсирчанлигига эришган. Рубоий охирида шоир хулоса қилади: менда ганжи (бойлиги) йўқ, аммо ишқда маъмур (обод) бўлдим. Демак, ишқ инсонни маъмурликка етаклайди. Фақат унинг ҳолат ва даражалари ишқи мажозий ва ишқи илоҳийда фарқланиб туради.

Шоҳ Мансур ишқи ва мардонавор шиддати таърифи Ҳофиз Хоразмийни ҳам бефарқ қолдирмаган:

*Агар Мансур бўлмоқлик тилар бўлсанг муҳаббатда,
Ҳамеша Ҳофизини шабхез янглиг зинда дор изда [3, 38].*

Таъкидлаганимиздек, ишқ ва унинг юксак мақоми Мансур Ҳалложга насиб қилган. Шунинг учун уни тасаввуф оламида шоҳ Мансур деб ҳам тилга олишади. Шу боис Ҳофиз муҳаббатда Мансур мақомини тилар бўлсанг, доимо у каби шабхез (туни билан уйғоқ) бўлиб, зинда (тирик) дор иста, дейди. Чунки ишқи илоҳий эгалари, яъни ориф кишилар доимо туну кун Аллоҳ зикри билан машғул бўлганлар. Улар камдан кам ҳолатлардагина жуда кам миқдорда ухлаганлар, холос. Тасаввуфдаги риёзат босқичларидан бири “қилъати мақом”, яъни кам ухлашдир. Зинда дор иста, дейиш билан шоир Ҳалложнинг тақдирини талмеҳ воситасида эслатиб ўтади. Демак, Насимий ва Ҳофиз Хоразмий ўз шеърларида Мансур Ҳалложнинг ишқ бобида эришган даража ва унинг юксак қийматини тарғиб қилганлар.

Таҳлилга тортилган мисоллардан кўриш мумкинки, Ҳофиз Насимий каби араб ҳарфларининг ботиний маъноларини куйлаган, имконият даражасида Насимий ғояларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Насимий қўллаган образлардан Мансур Ҳалложнинг “Анал ҳақ” ғоясига кўплаб мурожаат қилиб, катта замондоши ҳисобланган Насимий ижоди таъсирини ўз лирикасида сақлаб қолган.

4-шуба

Хулоса қилиб айтганда, Ҳофиз Хоразмий ижодида Насимий куйлаган ғоялар ўзига хос шаклларда тараннум этилган. Бундан ташқари, образ ва тимсоллардаги яқинлик, бадиий тасвирлардаги ўхшаш жиҳатлар ҳар иккала ижодкор асарларининг илоҳий-ирфоний, адабий манбалари бирлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нәсими Имадэддин. Сечилмиш эсэрлэри. - Бакы, 1973. – 673 сән.
2. Насимий. Озарбайжончадан Э.Очилов таржимаси. –Т.: Мовароуннахр, 2018.
3. Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1 - китоб. –Т.: 1981.

ҲОЖИ МУИН ВА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

Абдусалом Самадов,
Самарқанд ДУ тожик тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Самарқанд қадимдан илм-маданият арбоблари, жамият ва давлатнинг таниқли намояндалари билан дунёга танилган маърифат бешигидир. Унинг ватанпарвар фарзандларининг Марказий Осиё халқлари, айниқса ўзбек ва тожик халқлари тарихида кўрсатган хизматлари алоҳида таҳсину эътиборга лойиқ. XIX аср охирлари XX аср бошларида кам бу қадимий илм-фан марказида эркин фикрли маданият дарғалари, маърифатпарварлик ҳаракатининг кўзга кўринган вакиллари фаолият кўрсатганлар. Улар ўз замонларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларини ислоҳ қилиш учун жонбозлик кўрсатганлар. Бу олийҳиммат зиёлилар фаолиятида мактабларда таълимнинг янги усулини тарғиб этиш, хурофот аҳли ва ўзлигини танимайдиган кимсаларни омонсиз танқид қилиш, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга ислоҳлар киритиб, давлат идора усулларининг янги йўллари жорий этиш салмоқли ўрин тутган эди. Ана шу илғор маърифатпарварлик ҳаракатининг Самарқанддаги йирик вакили шоир ва драматург Ҳожи Муин Шукруллозода эди.

Одатда Туркистон миллий уйғониш ҳаракатининг тимсоли сифатида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг номи тилга олинади. Ҳожи Муин нинг маърифатпарвар сифатида шаклланишида ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таъсири оз эмас. Аммо таҳлилий ақл-заковат соҳиби бўлган Ҳожи Муин нинг кўзини, даставвал, она юртидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муаммолар очган, десак, тўғрироқдир. Ҳожи Муин ўзининг “Ижодий таржимаи ҳол”ида шундай ёзади:

“... Русия давлати томонидан Ўрта Осиёнинг ишғол қилиниши билан бу ўлкада сиёсий, иқтисодий вазият ўзгаришга юз тутди. Авваллардан тўла

4-шуба

эркли, ўзи ҳоким бўлган маҳаллий халқ маҳкум бир миллат сифатида Русия давлатига тобеъ бўлди. Бошдан эзилиб келган камбағал деҳқонлар ва меҳнаткаш косиблар давлатнинг оғир солиқларини тўлаб боришига мажбур этилдилар. Улардан бошқа Русия буржуазияси томонидан ўлкамизга келтириляётган янги саноат моллари сифат ва нарх жиҳатидан бизнинг миллий саноат маҳсулотига нисбатан қулай бўлганидан омма орасида кўпроқ тарқалиб, у эса бозоримизга қаттиқ зарба бера бошлади. Натижада бизнинг косиб-хунармандларимиз ва майда савдогарларимиз зарарланиб, синиб, охири секин-секин ишдан чиқа бордилар. Шунинг билан баробар мамлакатимизда ишсизлик, қашшоқлик, хўрлик ва гадолик каби разилона ҳаёт ҳукмфармо бўлди” (3).

Чиндан ҳам она юртидаги мураккаб ҳаёт билан яқиндан танишиш Ҳожи Муиннинг маърифатпарварлик марраларига етиб келишига муҳим омиллардан бири бўлди. Замонанинг барча муаммоларини фақат халқни маърифатли қилиш орқалигина ҳал этиш мумкин, деган тўғри хулосага келди. Бу ҳақда у шундай ёзган эди:

“Эски мактаб ва мадрасаларимизда ўқилатурган илмларимиз эса қуруқ хат-савод ва бир қадар диний нарсаларни ўргатар ва схоластикадан иборат бўлиб, булар замоннинг талабига жавоб бера олмас эди. Ўлкада ҳар ерда давлат томонидан авруполи болалар учун катта ва кичик мактаблар солиниб тургани ҳолда ерли халқ болалари учун, ўз шароитларига мувофиқ биргина бўлсин, бошланғич мактаб очиб берилмас эди. Ҳар шаҳарда давлат ҳисобидан бир-икки рус-туземний мактаби очилган бўлса-да, булардан асли мақсад бошқа диндаги халқларни ўзларига оғдариш эди, шунинг учун Русия буржуазия синфи маориф ва маданият соҳаларида кундан-кун юксалиб бориляётгани ҳолда, маҳаллий халқ биланк жаҳолат ва сафолат чуқурига тушиб кета борарди. Эски мадраса ва мачитларнинг бир қанча вақфи ҳукумат томонидан забт этилган, қозихоналаримизнинг ишлари жуда харобланиши билан ҳуқуқи камайтирилиб, эътиборсиз ҳолда қолдирилган эди”.

Бундай нотўғри сиёсатни чуқур фош этган Ҳожи Муин ўзининг “Ижодий таржимаи ҳол”ида чор ҳукуматининг ғаддорона сиёсати натижасини ҳам олдиндан кўра билган эди. Шунинг учун у ўз фикрини давом эттирар экан, шундай ёзади: “Мустабид чор ҳукуматининг мана шунингдай гаддорона сиёсати оммага таъсирсиз қолмади, айниқса русча хат-саводга эга бўлган бир ҳовуч онгли табақамизнинг миллий ва диний ҳиссиётига тўқунди. Зиёлиларимиз интибоҳга келиб, аниқ билдиларки, ҳукуматнинг гарази маҳаллий халқнинг сиёсий ва иқтисодий майдонда асир қилишдек, маориф, маданият жиҳатидан ҳам орқада қолдирилиб, охири ўзларига қул қилдиришидир”.

Жамиятдаги носоғлом вазиятни ана шундай тўғри баҳолай олган, «менинг сиёсий интибоҳга келишим 1903-йилда бошланган бўлса ҳам, бироқ, ҳақиқий равишда уйғонишим 1905-йил инқилобидан кейин вақтли матбуотнинг, айниқса турк-тотор адабиётининг узлуксиз суратда ўқиб боришим туфайли ҳосил бўлди» деб ёзган Ҳожи Муин дастлаб ўзининг маърифий-маънавий дастурини ишлаб чиқди. Бу соҳадаги фаолиятида ўз устози

4-шуба

Маҳмудхўжа Бехбудийга эргашди, ундан маслаҳатлар олди. Агар Бехбудий 1903-йили Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи ва Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар очиб, бу мактаблар учун “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умумий”, “Рисолаи жуғрофияи русий”, “Китобат ул-атфол”, “Тарихи ислом” сингари ўқув қўлланмаларини яратган бўлса, қадимий усулдаги схоластик таълимнинг замон талабларига жавоб беролмаётганини пайкаган Ҳожи Муин ҳам 1903-йилнинг август ойида Самарқанднинг Хўжа Нисбатдор гузаридида усули жаҳид мактабини очиб, ўқитувчилик қила бошлади.

Ҳожи Муин устози Бехбудий билан биргаликда бошқа янги усулдаги мактабларни ташкил этишда ҳам жасорат кўрсатган биринчи зиёли маърифатпарварлардан эди. Самарқанд мактаблари учун ёзилган дарслик ва қўлланмаларнинг илк намуналарини яратиш ва нашр эттириш ҳам унинг маърифатпарварлик фаолиятидан муносиб ўрин эгаллайди. Унинг 1908-йилда босмадан чиққан “Раҳнамои савод” номли алифбеси бунинг ёрқин ифодасидир. Ушбу дарслик янги усулдаги тожик мактаблари учун яратилган дастлабки алифбе эди. Кейинги йилларда ҳам Ҳожи Муин ўз устози Бехбудий ўғитларига амал қилиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, бу соҳада ҳам ўз маърифатпарварлик фаолиятини изчил давом эттиради. У 1925-йилда таниқли маърифатпарвар Исмаилла Раҳматуллаев билан ҳамкорликда саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўзбек тилида “Ўқувчи” ва тожик тилида “Раҳбари бесаводон” номли китобларни нашр эттиради.

Бехбудий вафотидан сўнг шогирдлари, маслакдошлари унинг пок руҳини шод этиш мақсадида газета-журналларда хотиралар эълон қилишди. Ватан ободлиги ва озодлиги учун жон фидо этган буюк мутафаккирнинг номи юртдошлари томонидан абадийлаштирилди (2). Биринчилардан бўлиб, Бехбудийнинг содиқ шогирди Ҳожи Муин «Зарафшон» газетасининг 1923-йил 25-март сонидида “Маҳмудхўжа Бехбудий” мақоласини эълон қилди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди: *“Бу мақола меним томонимдан Бехбудий ҳақида ёзилмоқда бўлгон муфассал таржимаи ҳол рисоласининг бир неча фаслидан интихоб этилиб ёзилди. Ушбу сон газетада босилхон бошқа мақолалар ҳам мазкур таржимаи ҳол рисоласига илова қилинмоқ учун Бехбудий мухлисларидан сўралиб олингон хотиралардан олингон баъзиларидур”*.

Мазкур мақолада Ҳожи Муин Бехбудийнинг таржимаи ҳолини тўғри ифодалаш билан бирга, унинг Туркистон халқларининг донишманд раҳнамоси, миллий драматургиямизнинг асосчиси, халқимиз, умуман бутун Ўрта Осиё халқлари тарихининг энг ёрқин сиймоларидан эканлигини самимият билан эътироф этади. Мақоланинг ҳар сўзидан Ҳожи Муин нинг Бехбудий абадиятига, унинг маърифатпарварлик фаолиятига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатга тўла туйғулари уфуриб туради. Шунинг учун ҳам «Зарафшон» газетасининг Бехбудий хотирасига бағишланган бу махсус сонидида яна Абдулҳамид Азаматнинг «Бехбудий ҳақида хотираларим», Садриддин Айнийнинг “Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим”, Абдусалом Азимийнинг “Бехбудий ҳақида хотира ва таассуротим”, Исмоилзоданинг “Бир-икки сўз”, Ҳожи Муин нинг “Бехбудий мухлисларига муурожаат” каби

4-шубба

мақолалари, юқорида таъкидланганидек, биринчи мақоланинг бевосита давоми сифатида газетхонлар ҳукмига ҳавола этилган эди (1).

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1913-йилда Самарқандда “Ойна” журналини таъсис этишида Ҳожи Муин нинг ҳам роли катта эди. У кейичалик бу журнал саҳифаларида маънавий-маърифий мавзулардаги мақолаларини ўзбек ва тожик тилларида нашр эттиради. Бу журнал орқали янги мактаблар очиш, илғор дунё маданияти ғояларини тарғиб этиш, Европа ҳамда Шарқ мамлакатларида юз бераётган сиёсий-маданий воқеаларни ёритиб боришда фаол қатнашади. Маълумки, “Ойна” журналининг Марказий Осиё ташқарисидан ҳам кўп муштарийлари бор эди. Улар бу журнал орқали юртдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий вазиятдан хабардор бўлиб турардилар. Бундай кенг қамровли вазифани бажаришда Ҳожи Муин нинг ҳам муносиб хизматлари бор эди.

Хуллас, Ҳожи Муин нинг халқларимиз миллий уйғониш даври буюк маърифатпарвари Маҳмудхўжа Бехбудий шахсияти, ижодий фаолияти билан боғловчи ибратли жиҳатлар анчагина бўлиб, булар ҳар иккала буюк сиймонинг халқ хотирасидаги ёрқин сиймосини тиклашда катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Зарафшон” газетаси. 1922. 25-март.
2. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи – Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 1997, 34-б.
3. Ҳожи Муин. Ижодий таржимаи ҳол. - Қўлёзма. Ҳожи Муин шахсий архивидан (Кейинги иқтибослар ҳам шу қўлёмздан олинди).

НАВОИЙ-ФОНИЙНИНГ ФОРСИЙ РУБОИЙЛАРИ ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Назора Жўраевна Бекова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Навоий форсча рубоийлар ёзишда ҳам юксак бадиий маҳорат кўрсатган санъаткордир. Шоир форсий рубоийларда Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Жомийларнинг илғор анъаналарига таянди. Уларга пайравлик қилиб, форсий рубоийчиликда кўлга киритилган ютуқларни ўзига хос йўллар билан юксалтиришга интилди. Навоий, айниқса, Умар Хайём ғояларидан чуқур руҳланган.

Академик В.Зоҳидов таъкидлаганидек, айниқса, “*Хайёмнинг ислом у дунёсидаги, жаннатидagi насия ҳур-гилмонларидан, лаззатларидан, кавсар сувларидан бу ҳақиқий оламдаги, табиат - билиб май ичай, шодланай, деган фикрлари Алишер Навоийга маъқул бўлган эди*” [2;259]. Ҳақиқатан ҳам Хайём ва Навоий қарашларида муайян ҳамоҳанглик бўлган. Бу нарса Навоийнинг

4-шуба

форсий рубоийларида аниқ кўринади. Навоийнинг қуйидаги рубоийси ғоянинг талқини ва умумий руҳи жиҳатидан Хайём шеърларини эсга туширади:

*Соқий, ба мани гамзада пеш ор қадаҳ,
Ҳарчанд бувад бузург бардор қадаҳ.
Гар з-он ки бувад сипеҳри даввор қадаҳ,
Дар як-ду кашидаи кунам нигунсор қадаҳ.*

Таржимаси:

*Соқий, мен гамгинга қадаҳ келтир,
Қадаҳ ҳар қандай катта бўлса ҳам кўтар (келтир),
Гарчи у қадаҳ айланувчи осмондек бўлса ҳам
Бир-икки симиришда қадаҳни бўшатиб тўнкарама [1;417].*

Ёки бошқа бир тўртликни олайлик. Бунда ҳам Навоий майни юксак улуғлайди:

*Соқий, на зи оби талх, к-аз оташи тез,
Як ратли гарон сўи ман овар бархез,
Гар з-он, ки зи тавбаат шавам узрангез,
Андоз бар остину дар ҳалқам рез.*

Таржимаси:

*Соқий, оловдан аччиқ бўлган аччиқ сувдан қуй,
Ўрнингдан туриб, катта жомда сувдан менга келтир.
Қадаҳ кўтаришдан тавба қилганим узрини айтганимда,
Аввал енгингга қуйиб, ундан ҳалқумимга қуй [1;418].*

Ҳеч қандай қийинчиликсиз пайқаш мумкинки, “Қадаҳ кўтармасдан тавба қилганим узрини айтганда, аввал енгингга қуйиб, ундан ҳалқумимга қуй”, деган гап – бу Хайём услубига яқин гап. Бундан лофангез сўзлар Хайём рубоийларининг деярли ҳар бирида учрайди.

“Девони Фоний”даги рубоийларнинг мавзулар олами ва ғоявий мотивларида шоирнинг ўзбек тилидаги тўртликлари билан ҳам бирлик бор. Буларда ҳам шоир ишқий ҳис-туйғуларни мадҳ қилиб, ҳижрон азобларидан шикояи этади. Навоий ўзбек тилидаги рубоийларидан бирида:

*Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис,
Савдога ҳавойи жоми саҳбо боис,
Саҳбога доғи дайру чалипо боис,
Бу барчага ул дилбари тарсо боис,*

- деб ёзса, мазкур ғояни ривожлантириб, янгича деталлар билан бойитиб, форсчада бундай талқин этади:

*Заъфамро он миёни чун мў боис,
Қатламро он турраи ҳинду боис
Умрамро он қомати дилжў боис
Жонамро он лаъли суҳангў боис.*

Таржимаси:

*Заифлигимга қилдек (қилдек) бел боис,
Ўлимимга у қора гажак боис.
Умримга у мафтут этувчи қомат боис,*

4-шуба

Жонимга у сўзловчи лаб боис [1;416].

Бундай ўхшаш нуқталар май, ҳижрон мавзуидаги рубоийларда ҳам учрайди.

Ҳижрон мавзуси Навоий шеърлятида кенг тасвирланган. Бу орқали шоир “*ўз даврида миллион-миллион эзилган халқ оммасининг, деҳқонларнинг, айниқса, шаҳар косиблари ва ҳунармандларининг қоронғи феодал ҳаётдаги кайфиятини, руҳини умумий чизиқларда, романтик санъатга хос шартли, анъанавий рамкаларда ҳаққоний ифодаланган*” [4;70]. А.Ҳайитметовнинг бу фикрлари Навоийнинг ҳижрон мавзусидаги рубоийларига тўла тегишлидир. Лекин биз бу ерда масаланинг иккинчи бир томони ҳақида гапирмоқчимиз.

Навоий ёшлик йилларидан бошлаб ҳаётнинг анча қисмини Ҳиротдан йироқ ўлкаларда - айрилиқ, моддий ва маънавий қийинчиликда ўтказган. Шоир ўша фурсатлардаги ўй-фикрлари, ҳижрон дардлари, аламнок кечинмаларини аввало рубоийларида акс эттирганлигини олимларимиз ҳаққоний таъкидлашади [5;67]. Масалан, шоирнинг “*Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш*” сатри билан бошланадиган машҳур рубоийси Машҳадда ёзилганлиги айтилади. Ёки

*Ёнсам, яна гурбатни ҳавас қилмагамен,
Ҳижрон ўтига танимни хас қилмагамен.
Жуз жоми висол мултамас қилмагамен
Ҳақ ҳазратида шукрин бас қилмагамен .*

Бу рубоийни навоийшунос Ё.Исҳоқов Астрободда ёзилганлигини, унда “ёру дўстлари, она шаҳридан узоқда – гурбатда кун кечираётган шоирнинг кечинмалари, орзулари” [3;134-135] ўз ифодасини топганлигини баён қилади. Навоий Машҳад, Самарқанд ва Астробод шаҳарларида кечирган умрининг ҳижронли нафасини фақат ўзбек тилидаги рубоийларига эмас, балки кўплаб форсий рубоийларига ҳам олиб кирган. Бизнингча, мана бу рубоий ҳам Навоийнинг ўша: “*Султон Абу Саид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир букъада*” ётгандаги дард-алами ва бекаслик изтиробларини акс эттириб, у Машҳадда ёзилгандир:

*Дар гурбатам афтода зи ҳижрони ҳабиб,
Аз шиддати заъф гашта бо марг қарийб,
Ёре на, ки орад ба сари хаста табиб,
Зоре на, ки жўяд кафан аз баҳри ғариб.*

Таржимаси:

*Ҳабиб (дўстнинг) ҳажридан гурбатга тушдим,
Заифлик шиддатидан ўлимга яқинлашдим,
Бир ёр йўқки, касалнинг бошига табибни бошлаб келса,
Бир зор (эхтиёжманд) йўқки, ғариб учун кафан изласа* [1;414].

Айниқса, рубоийнинг учинчи сатрида айтилган “*Ёре на, ки орад ба сари хаста табиб*”, яъни касалнинг бошига табиб бошлаб келувчи бир дўстхам топилмайди, деган фикр юқоридаги даъвони билдиришга тўла асос бера олади. Бошқа бир рубоий эса шоирнинг Астрободда бошидан ўтказган ҳодисалар оқибатида туғилган фоже тасалло сўзларига ўхшаб туюлади:

Ҳар чиз расад за аҳли даврон маҳурўш,

4-шуба

*В-аз қисми азал зиёдро беш макъш,
Бар банд зи ношунидан рахнан гъш,
В-аз ҳарчи нагуфтани, забон дар хамуш.*

Таржимаси:

*Даврон аҳлидан бошингга ҳар қандай иш келса, исён қилма,
Тақдирнинг берганига кўнгину ундан ортигига уринма,
Эшитиши лозим бўлмаган гаплардан қулогингни бекит,
Айтилиши лозим бўлмаган ҳар қандай гапдан тилингни тий [1;422].*

Девондаги қатор рубоийлар инсон ҳаёти, унинг мураккаб ва зиддиятли қисмати ҳақидаги фалсафий ўйлардан таркиб топган.

*Дорам зи вужудии худ паришоню бас,
В-аз жумлаи кардаҳо пушаймоню бас,
Аз ақл насибам шуда нодоню бас,
Бар нодонии хеў ҳайроню бас.*

Таржимаси:

*Вужудимда фақат паришонлик бор,
Бутун қилмишларимдан фақат пушаймонлик бор,
Ақлдан насибам фақат нодонлигу
Ўз нодонлигимга фақат ҳайронлик бўлди [1;421].*

Хуллас, Навоий тафаккурининг жавҳари сингдирилган бундай дурдона тўртликлар девонда кўплаб учраб, уларда ўқувчи руҳини юксакликларга олиб чиқадиган зўр бадиий куч яширинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Асарлар.5-том. 2-китоб. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1965.
2. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Фан, 1970.
3. Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. –Т.: Фан, 1965.
4. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.: Фан,1963.
5. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан,1981.

МОДЕРНИСТИК ТАСВИР ВА МИЛЛИЙ РУҲИЯТ УЙҒУНЛИГИ
(“Мувозанат” романи мисолида)

Шахло Исомиддиновна Ботирова,
Чирчиқ ДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ёзувчи бадиий талқин воситасида макон ва замонда яшаётган инсон муаммолари хусусида фалсафий мушоҳада юритар экан, унинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, табиийки, сабаб ва оқибат, мақсад ва моҳиятга асосланган бўлади. Улуғбек Ҳамдамнинг ҳар бир асарида ёзувчининг ўзига хос услубини намоён этади. Роман моҳиятидан келиб чиқиб модернистик тасвир хусусида сўз

4-шуба

юритар эканмиз, талқин воситаларига ёзувчи воқеликни нечоғли бадиий камраб ололган деб эмас, тасвирланган роман хронотопи (М.Бахтин) нечоғли бадиий ишонарли деб қараймиз.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи ҳам реалистик асар сифатида юзага келганини, бадиий қаҳрамонларни эса реалистик қаҳрамон сифатида эътироф этишимиз айнан роман моҳиятидан келиб чиққандир. Романнинг эътиборга молик жихати шундаки, ёзувчи романчилик тарихида яратилган энг сара асарларга хос услубларни синтетик тарзда Муҳаммаджон ака, Юсуф, Амир, Содик каби қаҳрамонлар талқин этилган психологик жараёнларда қалб, рух, онг кечинмалари уйғунлашиб кетади: *“Юсуф ўшанинг (аламзадаликнинг – таъкид бизники. Ш.Б.) табиатига қулоқ тутди... Шунда ҳис қилдики, у ерда дунёга – ташқарига томон юриш ҳақида шивир-шивирлар авжи чиқаётганди. Яъни хаос – ташқарининг таъсирида ташқарига нисбатан ичкарида пайдо бўлган алғов-далғовлик энди худди ўз эгасини тишлаб олган бўри боласи каби ташқарини ҳам ўз келбатига ўхшатгиси келарди”* [2;155].

Романни ўқиш жараёнида, қаҳрамонлар мисолида инсон ўзини, яқинини, уни ўраб турган атроф-оламни кўргандек бўлади. Борган сари тасаввурлар тиниклашиб, ранглар ойдинлашиб теран маъно касб этади. Бадиий матн таҳлили орқали ёзувчи концепциясининг эстетик вазифаси юзага чиқади. Ёзувчининг эстетик идеали “Мувозанат” романида ижтимоий-ахлоқий ва маънавий-руҳий асосда шаклланади ва намоён бўлади.

Роман руҳига сингдирилган мантиқ – масъуллик мантиғи нафақат ҳар бир қаҳрамон ўзи учун, ҳеч бўлмаса яқинлари, туғишганлари учун масъул деган тушунча болам, қўшним, элим, улусим, юртим деган юксак ғоялар сари етаклаши ёинки Ватан - уйингнинг остонасидан бошланади деган пурвиқор фикр ҳам аслида ҳар бир қаҳрамонни алоҳида шахс сифатида, яқдилликда бир миллат сифатида юксалтирмайдими? Шундай экан, романга хос реалистик тасвир ҳаётнинг бадиий инъикоси сифатида талқин этилган ҳар бир қаҳрамон ҳаёти, орзу-интилишлари, ғам-ташвишлари, топганлари ва йўқотганлари турфа хил тақдирлар мисолида жонланар экан, макон ва замон бадиий инъикосида миллий руҳият акс этади. У.Ҳамдам яратган ҳар бир характер яралишидан ёзувчи бадиий тафаккурида қўйма шаклланган ва асар ғоясини очиб беришга хизмат қилувчи эстетик идеал сифатида намоён бўлади.

Эътиборимизни инсонга хос жихатларни юзага чиқарувчи омилларга қаратсак:

Роман мантиқи таҳлили жараёнида ёзувчи кўплаб рамзлар яратганини, бу рамзлар тагматн тарзида берилганига амин бўламиз: *“Муҳаммаджон ака дабдурустдан қўрқиб кетди, у қушча қулаб тушади, деб ўйлаб, қулочини очдики, тугиб қолай деб... Лекин йўқ! Қушнинг қанотлари эркин ҳаво таъмини ҳис қилгани ҳамон аввалига иштиёқсиз беш-олти “пир-пир” этиб, сўнг дадил қанот силкиб кўкка кўтарилди”* [2;24]. Ушбу лавҳада қафасга ўрганган қушнинг озодликни ҳис қилиш жараёни қанчалар ишонарли тасвирланган бўлса, тагматндаги ишора – қуллик исканжасидаги инсоннинг озодликка кўникиши ҳамда бу эрк улуғ ниятлар, улкан ишлар рамзида берилган бўлса,

4-шубба

“тобора кўтарилиб келаётган қуёш нурлари” ёруғлик, ниятга етказадиган нурафшон кунларнинг яқинлигини келтирувчи мужда сифатида қабул қилинади. Психологик мақсад ҳамда ижтимоий моҳият уйғунлиги асарда муҳим маънавий-ахлоқий маъно касб этади. Бу хусусият қаҳрамонлар руҳиятини давр кайфияти билан омухта тасвирлай олишида ажиб бир ўзанга туша бошлайди. Айни турфалик бадиий асарнинг жозибасини, тароватини, моҳиятини, фалсафасини илғашга, ундан етарли хулосалар чиқаришга замин ҳозирлайди. Сўнгги ўн йилликлар, умуман “ўтиш даври” қийинчиликларини моҳирона жонлантира олган адиб, инсон руҳиятини теран таҳлил этади. Шунингдек, олам ва одам хусусидаги мушоҳадакор фикрлар, ҳар бир зиёли тийнатидаги эврилишлар, жамият мақсадининг келажак сари талпинишигача зукколик билан бадиий қамраб олади. Баъзан румиёна фикрлари билан ислом дини фалсафасига хос шахс қалбида алоҳида меҳрни уйғотади. Бундай фазилатли жиҳатларни келтиришдан мақсад, мақоламиз ҳозирги ўзбек романида психологизм муаммоси борасидаги баҳс-мунозараларга ойдинлик киритиш учун муайян даражада калит вазифасини ўтайди, деб ўйлаймиз. Психологик таҳлил муаммосини ўзбек романлари мисолида таҳлил қилган мунаққид Ҳ.Умуров таърифлаганидек: *“инсон руҳиятининг таҳлили, уни чуқур тушуниш ва тасвирлаш маҳорати – адабиётнинг туб моҳиятини белгиловчи хусусиятларидан бири”* [1;12] экан, эътироф этиш керак, “Мувозанат” романида инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-атвори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадиий талқин этилган бўлиб, ҳар бир персонаж (Юсуф, Амир, чўпон, Содик, Эргаш, Захро, Ойгул) ўз зиддиятлари – ботинан ва зоҳиран курашлари орқали талқин этилганки, асар қаҳрамонларини ижтимоийлик маҳсули деб қарашдан кўра маънавий-ахлоқий мезонлардан келиб чиқиб баҳолаш романга хос хусусият – воқеа-ҳодисалар эпик тасвирига нисбатан инсон мукамалроқ бадиий инъикос қилинганини билдиради.

Ёзувчи маҳорати ҳаёт материални бадиий акс эттиришда ранг-баранг тасвир воситаларидан нечоғли унумли фойдалана олганлиги билан ўлчанар экан, роман жанри чексиз имкониятларга эгаллиги билан бошқа адабий жанрлардан жиддий тавофутланади. Адиб унда инсон ҳаётининг солномасини муфассал ифодалашга диққатини қаратади. Бошқача айтганда, одамзот такомилидаги муҳим эврилишлар бадиий шакл миқёсларини белгилаб беради. Эпик тасвир турфалиги сюжет қисмларини шартли ва теран моҳият сари йўналтиради. Натижада одамзот турмуш тарзи ҳаққонийлиги тасвирни яхлитлаштиради. Шу нуқтаи назардан, “Мувозанат” романида қаҳрамон шахсиятига катта фалсафий-ижтимоий умумлашма сингдирилганлигига амин бўламиз. Зеро, асарда тасвир ошкор қатламнинг мавжудлиги ижодий мустақиллик ва мантиқий тугалланганликни уйғунлаштирган ҳолда, яхлит поэтик тизимга жипслай боради. Ҳам мазмуний, ҳам шаклий, ҳам услубий бутунлик бадиийлик даражасини белгилайди. Асарда эстетик маърифат ва эстетик юк ўртасидаги кескинликни тафовутлаш жоиз. Ижодий индивидуалликдан бадиий умумлашмага ўтиш эса талқин ўзига хослигини ташкил этади. Адиб аксар ўринларда қаҳрамон характерини ҳам руҳий, ҳам

4-шуба

ижтимоий моҳиятини очиб беришга интилади. Юсуф курсдоши Захро билан бўлган ўзаро мунозарасида кўнгил маишати учун эмас, балки борлиқ хусусидаги мушоҳадаларига ҳам юзма-юз келамиз. Айнан, икки суҳбатдош жамиятдаги оғир кечмишларни “вақтинчалик” деб баҳолайди. Бу эса, романдаги мувозанат сари қадам ташлаётган қаҳрамонлар характерида маромига етади:

“...Кунни кеча мен поездда бир нечта ёшлар билан гаплашиб келдим. Ва иқрор бўлдимки, бутунлай янги авлод етишиб келяпти экан. Улар тарбиясида ўтмишига нисбатан керагидан ортиқ танқидий руҳ, бугунни эса беҳад идеаллаштиришига ўхшаган қусурларни пайқаган бўлишимга қарамай, мулоҳаза юрита-юрита охири севиниб кетдим. Сабабки, улар ўтмишни қўмсаб қийналмайди, бу ёқда дўппи тор келганда у ёққа талпиниб, ўзи шундоқ ҳам қийин аҳволни баттар мураккаблаштирамайди, катта авлодларга ўхшаб ҳар бир киши ўз ботинида иккига бўлиниб кетмайди, балки бири у соҳада, кими бунда ўзлигини янги келажакни бунёд этиши ишига бағишлайди. То улар бор экан, эртага – қуриляётган янги давлатда бугун оёқ ости бўлиб ётган қадриятларнинг, қонун-қоидалару тартиб-интизомнинг қайтадан қад ростлаши муқаррар” [2; 236].

Ёшлигидан ўз мувозанатини сақлаб қолишга интилган Юсуф ҳали руҳий сокинликка эришишга вақт борлигини ёзувчи сиртдан баҳолаб боради. Романнинг сюжети марказида реалистик тасвир принциpidан унумли фойдалана олганини кўришимиз мумкин. Юсуф ўз ёлғизлигидан сиқилган Захронинг ташвишлари билан андармон бўлиб, вақтинча ички изтиробларини унутади. У ботинидан тушкун кайфиятни қувиб солган ҳодисанинг мантиқини англашга уринар экан, бунга ҳеч бир исм топиб беролмайди. Бинобарин, Юсуф руҳий хотиржамлик бор жойда инсон мувозанати доимо сақланишини романнинг бир неча ўринларида атрофидагиларга таъкидлайди. Айни пайтда, унинг ўша мувозанат сари илдам юриши жамият ҳаётининг ҳам изига туша бораётганидан далолат беради. Демак, Юсуфга хос мувозанат жамият мувозанатини ҳам билдиради.

Ёзувчи романда улкан имкониятларнинг одам феълига таъсирини алоҳида шахснинг парвози ҳамда инқирози яъни кучли ва ожиз томонлари фонидида кўрсатишни мақсад қилади. Бу эса, шубҳасиз, табиий чиққан ва буни Миразим ва Саиднинг ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиб бораётган Саиднинг кутилмаганда “қулаб тушиши” бу ёруғ оламда ҳамма нарса омонат эканлигини англаб етишига замин ҳозирлайди.

Адибнинг “Мувозанат” романи ҳам хилма-хил измларнинг қоришувидан таркиб топган ва реал моҳиятга эга соф реалистик романдир. Унда модерна кайфият ҳам ўз аксини топган. Моҳият-эътибори билан ифода мустақиллиги, руҳият тасвири тақозосига кўра анъанавий қодирийона романий тафаккурнинг ҳисси, ойбекона мушоҳадаларнинг теранлиги, румиёна фикрлар мантиқийлиги кўзга ташланади. Аммо ёзувчининг индивидуал услуби барчасини ўзига симириб, ўзига хос усулларда ифода этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Негаки,

4-шуба

ҳар қандай бадиий талқин инсон руҳий борлиғини кашф этишга қаратилган бўлади. Жумладан, Юсуфнинг қайноқ ҳаёт ичкарасида чорасиз қолиши, кўнгил, оила халоватининг бузилиши, миллат руҳиятидаги муайян эврилишлар давомийлиги романда хилма-хил тақдирлар кесишувида реал моҳият касб этади. Ҳаммамиз ҳис қилган, кўниккан қадриятлар замонлар эврилишида бошқача моҳият касб этиши мумкин. Ораликда қолган инсон нафақат азоб чекади, балки ўз ҳаётини изидан чиқариши турган гап. Ана шундай инсон характери, унинг руҳий оламини англаш ва бадиий очиб бериш жуда мураккаб ва заҳматталаб жараёндр. Улуғбек Ҳамдам “Мувозанат” романида ўзбек халқи ҳаётининг сўнгги ўн йилликлар, яъни асосан истиклолга эришилган паллалардаги “ўтиш даври” қийинчиликларини моҳирона тасвирлайди: *“Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтиришганда дуо ўқилди. Сўнг Ҳалима ая туриб, нон-чой келтирди. Элбекка бир ҳовуч ёнғоқ бериб, ўғлим шуларни чақиб кел, дея ўзи чўкка тушиб нон ушата бошлади. Юсуф сумкасидан қанд ва пишлоқ олиб дастурхонга қўйди. Одил ака ҳар доимги жойида бўлса ҳам аввалгидек ёнбошлаб эмас, балки тиззаларини омонатгина букиб, оёқларини иложи борича ўзига яқин тортиб ўтирарди”* [2;39]. Ушбу лавҳадаги Одил аканинг психологик портрети моддий қийинчилик, йўқчиликдан руҳан эзилган отанинг хижолати мисолида гавдаланади.

Романда асосий эътиборни тортадиган жиҳатлар, хусусан, миллат бошига ёғдирилган кулфатлар орқасида ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етмаган, бунга имконият бермаган шароит ва халқ менталитети акс этганлигида кўринади. Бунга мисол тариқасида Муҳаммаджон ака ҳаётини тасвирлар экан, унинг ўтмиши ёлғонлар қуршовида ўтганлигини ўзига хос бўёқларда акс эттиради. Бу эса ўз навбатида колониал сиёсат манфаатларининг ифодаси бўлиб, ҳукмрон мафкура тарғиботи айнан шуни тақозо этишига диққатни қаратади. Бадиий асарда инсон руҳият оламини тасвирлашга ёзувчи уринар экан, унда ҳар бир жамият аъзоси кайфиятига ҳамоҳанг мантикий урғу беради. Шу боисдан ҳам, У.Ҳамдам асарларида даврнинг илғор маънавий-ахлоқий аъмоли етакчилик қилади. Ижодкор нуқтаи назарида жамиятнинг муҳим муаммолари муҳокамаси теран эстетик қиймат касб этади, шу билан бирга, инсон руҳий борлиғини ижтимоий-психологик такомилда тасвирлаш адиб изланишлари мағзини ташкил этади. Унда маъно-моҳият халқ манфаат ва интилишларини бирлаштиради. Яна бир муҳим қирралари бадиий ифода, маърифат ва маданиятни жипслаштиради. Туйғу-онг нисбати истак ва имкониятни яхлитлаштиради. Таҳлил-талқин ҳамда мушоҳада аниқлиги ва тафаккур тиниқлигини уйғунлаштиради. Қаҳрамон характери тўлақонлилигига эришиш ёзувчи адабий маҳорати кафолати эканлиги аёнлашади. Жумладан, Муҳаммаджон ака тийнатиға хос чизгилар Юсуфнинг кейинги ҳаёти аросатда ўтмаслигига ишора этади. Романдаги ҳар бир ижодий талқинда мужассамлашган муаллиф концепцияси қаҳрамон характерига ойдинлик киритади. Асосий образ тадрижи тасаввур чизикларини марказлаштиради, тасвир унсурлари эса эпик майдон фалсафий теранликларини бадиий умумлаштиришга хизмат қилади. Муҳаммаджон аканинг *“Менинг умрим ёлгон*

4-шубба

билан кечди. Ёлгонга бош эгиб, ёлгонни ёзганларнинг, шуни истаган кимсаларнинг хизматини қилиб кечди. Сеники шундай кечмасин” [2;26], дея куйинишлари Юсуф тафаккурида миллий ўзлигини англашга туртки бўлади.

Айниқса, адиб ижодида кузатиладиган бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз: баъзан ёзувчи талқинида руҳий таҳлил муайян изчиллик касб этмайди, балки тарқоқ қирраларга сингдирилади. Ушбу хусусият Саид ва Манзура, Маиразим ва Захро, Юсуф ва Ойгул, Амир ва Гулшода каби марказий персонажлар тимсолида реаллашади. Бу ҳолат замирида ҳаётий қонунларнинг мантиқий асосланганлиги ётади. Мантиқий асос муайян тафсилотлар, турли шарт-шароит, миллий қадриятлар таъсири ҳосиласидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Умуров Ҳ. Рисоллар. Сайланма. 1-жилд. –Т.: Фан, 2007.
2. Ҳамдам У. Мувозанат. –Т.: Янги авлод, 2003.

“ТҮРТ УЛУС ТАРИХИ” АСАРИДА ЛИРИК ЖАНРЛАР

Марғуба Дусмиратовна Абдуллаева,
ТДЎТАУ Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси доценти,
филология фанлари номзоди

Тарихий асарлар гарчи насрий услубда ёзилган бўлса-да, насрий баён ичида кичик шеърий парчалар, лирик жанрлардан унумли фойдаланилган. Наср ва назмнинг синкретик ҳолда келиши тарихий асарларда анъана тусини олган. Ҳар бир тарихий воқеанинг насрий ва назмий баёни муаллифдан ҳар икки турни ҳам мукамал ўзлаштиришни талаб қилади.

“Тўрт улус тарихи” ва “Шажараи турк” асарида бундай лирик жанрлар кўплаб учрайди. Бу эса асарларни қизиқиш билан ўқилишига олиб келган.

“Тўрт улус тарихи” асарида назмнинг берилиши тарихий воқеликни жонли, юксак бадиий тасвирлар билан таърифлаш ва ўқувчига таъсирчан руҳда етказиб беришга хизмат қилган. Асарнинг ҳар бир бобида наср ва назм аралаш ҳолда кетма-кетликда баён этилган. Жумладан, Аланқуванинг портрети тасвирланган шеър ўзининг бадиий такомилли билан киши диққатини тортади. Асар форс тилида ёзилганлиги ва биз фойдаланаётган нашр манбаси асарнинг ўзбек тилига таржима варианты бўлганлиги сабабли шеърнинг мазмуни ўзбек тилида насрий мазмун шарҳи билан бериб ўтилган. Мазкур шеърда Аланқуванинг хусини пари-ю ой кўрмаган. Гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишлаб қолиши айтилади. Хуллас, мумтоз анъанага кўра тасвирланган Аланқуванинг юзи, лаби, кўзу қошлари, чашми, сочлари ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўяди. Унинг қоматини сарвга қиёслаб, вужуди илоҳий эканини тасвирлайди. У исмат (покизаллик) ва бокираликда дунёда тенги йўқ. Бошлиқлар унинг оёқлари туфроғи, навосозлар ундан илҳом

4-шубба

олиб куйлайдилар. Тангри тақдири билан Дибун Баённи унинг жўфти ҳалоли этди [4;61-62]. Кайковус “Қобуснома” асарида наср ва назмнинг аҳамияти ҳақида гапириб, “...*Насрда ишлатилган сўзни назмда ишлатма, негаки, наср-раият, назм подшо мартабасидадур. Агар бир нарса раиятга лойиқ бўлмаса, подшога ҳам лойиқ эмас*” [2;30].

Дарҳақиқат, наср оддий омма учун ёзилган бўлса, назм эса юқори табақа вакиллари учун битилган асарлар ҳисобланади. Тарихий асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда наср ва назм аралаш келиб, ҳам оддий омма учун, ҳам подшолар учун битилган.

Тарихий асар ёзишга киришган ҳар бир муаллиф – ижодкор бўлиб, оддий омма тилини ҳам, юқори табақа вакиллари ҳаётини ҳам билиши талаб этилган.

“Тўрт улус тарихи” асаридаги лирик жанрларни қуйидаги тасниф орқали ўрганиш мумкин.

1. Наср ва назмнинг ўзаро ёнма-ён келиши.
2. Катта ва кичик ҳажмли шеърлар.
3. Байтлар ва маснавийларнинг келтирилиши.
4. Рубоий жанри.
5. Таърих жанрининг берилиши.
6. Ғазал жанрининг келтирилиши.
7. Қитъа жанри.
8. Туркийча “жир”нинг жанрий хусусиятлари.

Тарихий асарларда икки турнинг ёнма-ён келиши анъанавий аҳамиятга эга. Бу эпик анъана илк адабий ёдгорликлардан тортиб, халқ оғзаки дostonлари, илк насрий асарлар ҳамда бадиий асарларда учрайди. Адабий-тарихий асарларда турли лирик жанрларнинг аралаш ҳолда келиши синкретиклик ҳодисасини юзага келтирган.

Тарихий асар муаллифи баъзи ўринларда воқеа баёнидан сўнг, *кичик ҳажмли шеър* келтиради. Бу шеърнинг жанри ҳақида ҳеч нарса демайди. Қайси жанрга хослигини қайд этмайди. Шунчаки, воқеанинг таъсирчан кўтаринки руҳини бериш учун фойдаланади, холос.

Баъзи ўринларда эса *катта ҳажмли шеърлар* келтирилади. Буларнинг ҳам қайси жанрга хослиги тўғрисида қайд этмайди. Бундай ҳолатларда насрий баён қисқароқ, назмий тасвир эса батафсил берилади. Бу ҳам муаллифларнинг асар ёзишдаги ўзига хос услубини кўрсатади. Мирзо Улуғбек асаридаги шеърлар бадиий жиҳатдан ниҳоятда мукамал. Бадиий сўз ва тасвир воситаларининг қўлланилиши назмнинг юксак савияда ёзилганлигини кўрсатади. Масалан, асарда Чингизхоннинг Эронга юриши воқеалари тасвирланган қисмда муаллиф тўртта *назм* (шеър) келтириб ўтади. Насрий баён ниҳоятда қисқа. Демак, бундан кўриш мумкинки, муаллифлар тарихий воқеликни баён этишда турли ёндашувларни амалга оширган. Мартабаси улуғ подшоҳ тарихини назмда юқори пафосда тасвирлайди [4;125-127].

Асардаги энг *катта ҳажмли шеър* Бароқхоннинг подшоҳлиги зикрида келтирилади. Бу зикр таркибида тўртта *назм* (шеър) киритилган бўлиб,

4-шубба

тўртинчи шеърнинг ҳажми бошқаларига нисбатан каттадир. Шеърда Бароқхоннинг жанг майдонидаги ҳолатлари, кураши, тадбиркорлиги ва бошқа бир-неча воқеалар тасвири ўрин олган [4;309-312].

Асар муаллифи тарихий воқеаларни баён қилиб, сўнг байт келтирган ўринлар ҳам мавжуд. Жумладан, жанг бошланди, деб бир *байт* келтиради. Унинг мазмуни шундай:

*ногора хуруши ва най бонги кўтарилди,
замин осмондек жойидан қўзгалди* [4;118].

Тарихий асарларда шеърлар гоҳ номсиз, гоҳида жанри қайд этилган, баъзан муаллифлари кўрсатилган ҳолда баён қилинади. Шундай лирик жанрлардан бири *рубойидир*.

Найман подшоси Кушлук ибн Тойонгхоннинг жангда ғолиб бўлиб, тахтга ўтиргани тасвирларган воқеалар ўша давр шоирлари томонида қасидаларда мадҳ этилди. Жумладан, Рашидиддин Ватвот унинг хизматида бўлган ва қуйидаги *рубойи*ни ўқиган.

Мазмуни:

*Порсо бобонг қўлини зулмдан тортди.
Тўлин ойинг адли шакстларни тузатди.
Шоҳлик қабоси бўйинга ярашган эй шоҳ,
сенинг давлатинг навбати келди, нима қилсанг сенинг давринг* [4;116].

М.Улуғбек Умар Ҳайёмдан *рубойи* келтиради.

Мазмуни: пиёладаги нарса унинг ярашиғидир, уни синдирмоқлик мастга равоми? Қанчалар нозанинлар боши, қўлини – меҳр туфайли қўли билан яратган. Ғазабидан синдирган [4;168]. Мазкур ўринларда шеър муаллифи номининг келтирилиши, асарнинг адабий қимматини, тазкиравий хусусиятларини намоён қилган. Машҳур тарихий воқеаларни лирик планда беришга хизмат қилган.

Арғунхон подшолиги даврида соҳибдевон шоир Хожа Шамсуддин Муҳаммад амир лавозимида эди. Уни Абақохонга захар берганликда туҳмат қилдилар. Арғунхон бадгўйлар даъвосига кўра, уни ўлдиртирди. Ўша давр фозилларидан бири ул соҳибдевон мартабасига бу *рубойи*ни айтган эди.

Шамс йўк бўлишидан фалакда қон томчилади.

Ой юз юлди, Зухра сочини

Тун қора жома кийди бу мотамда

Субҳ совуқ нафас уфуриб, ёқасини йиртди [4;250].

Таърих – арабча сўз бўлиб, содир бўлган бирор воқеани англатади. Шарқ адабиётида ана шу воқеалар санасини шеърда ҳарфлар воситаси билан бериш усули таърих дейилади. Таърих махсус жанр сифатида мустақил асар ҳам бўлади, бошқа асар таркибига бир бўлак сифатида ҳам киритилади [3;178].

Мазкур жанр ўзида тарихий воқеанинг вақтини аниқ кўрсатиши билан тарихий асарларда кўп учрайди. Бунга сабаб тарихий шахслар – подшолар, шаҳзодалар, машҳур кишиларнинг туғилиш ва ўлим вақтлари мана шу жанр асосида тарихга муҳрланади. Машҳур кишиларнинг туғилиши шарифига ўз

4-шуба

даврининг таниқли шоирлари таърих битганлар. Шу жумладан, машҳур тарихий шахсларнинг ўлими ҳам таърихларда акс этган.

Демак, бу кичик лирик жанр ўзининг хусусиятлари билан бевосита адабий-тарихий асарларга дахлдор.

“Тўрт улус тарихи” асарида Абусаъидхоннинг девон соҳиблари ўртасида муҳолифат ва низо сабабидан Султоннинг хожа Рашидиддин табибга нисбатан кўнглини қолдиришга эришади. Ўша фозил ва некнафас вазирни шаҳодат даражасига етказадилар. Мавлоно Ишқий бу воқеа тарихи шундай ёзади.

*Рашиди миллату дин чун раҳил баст ба уқбо,
Навешт мунийий тарихи у ки, тоби сирот.*

Мазмуни:

Дину миллат Рашиди охиратга жўнаганда

Мунийий унинг тарихини “Сирот” тобидир, деб ёзди [4;268].

“Ғазал” арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси хотин кишига хушомад қилмоқ, ошиқона муносабатда бўлмоқдир [1;721]. Халқ орасида ғазал жанри шеър, қўшиқ маъносида тушунилади. Ғазал ғоявий-тематик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин. Тарихий асарда келтирилган ғазал намунасининг мавзуси ҳам ишқдир. Султон Абусаъид Баҳодирхоннинг Бағдод хотунга нисбатан меҳру муҳаббати билан йўғрилган ғазалдан намуна келтирилган.

Давойи ишқ сафардин чиқарди. Билкилки,

Ҳар манзил сари дилда меҳри орта боради [4;272-273].

Асардаги диққатга сазовор адабий жанрлардан бири –**туркийча жир**дир. Мазкур жанр бошқа тарихий асарларда учрамайди. Чингизхоннинг сеvimли ўғилларидан бири Жўчихоннинг ўлими воқеасига бағишланган. Ёмон воқеадан хабар берувчи жарчи ва Чингизхоннинг айтишуви, савол-жавоби асосига қурилган. Туркий жир моҳияти жиҳатидан марсия жанрига ўхшаб кетади.

Жарчи:

Тенгиз бошдан булғонди, ким тиндуруро, хоним?

Терак тубтун жигилди, ким турғузуро, хоним?

Чингизхоннинг жавоби:

Тенгиз бошдин булғонса тиндирур улум Жўчидур,

Терак тубтин жигилса турғузур улум Жўчидур.

Жарчи сўзларини қайта-қайта такрорлаб, кўзларидан ёшлари шашқатор оқар эди. Чингизхон деди:

Кўзунг ёшин чунгур турлу лиқ-лиқ тўлди бўлғайми?

Жиринг кўнгул ўркутур Жўчи ўлди бўлғайми?

Жарчи деди:

Сўйламакка эрким йўқ, сен сўйладинг, о хоним,

Ўз ярлиглиқ озарга жавобди ўйладинг, о хоним.

Чингизхон деди:

Қулон олган қувланди, қулунимдин айрилдим,

Айрилишқон анқуди эр улумдин айрилдим!

4-шуба

5 байт 10 мисрадан иборат бу айтишув, халқ оғзаки ижодида учрайдиган дафн (таъзия) маросимларидаги айтимларга ўхшаб кетади. Эътиборлиси шундаки, мазкур адабий жанр ҳам назмда, ҳам насрда юксак бадиий маҳорат билан ижро этилган. Таъзия маросимида барча амиру нуёнлар оёқда туриб, жир айтдилар [4;219-220].

Марсия арабча сўздан олинган бўлиб, йиғламоқ, аза тутмоқ, қайғурмоқ маъноларини билдиради. Шеърий терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мақтовчи, унга бўлган шоир муносабатини ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу-ҳасратларини тасвирловчи асардир [3;144]. Кўриниб турибдики, туркийча жир ва марсия жанри айнан бир-бирини такрорловчи жанрлардир. Демак, туркийча жир ўлим мотиви билан боғлиқ бўлиб, марсия жанри билан диффузион ҳолатни юзага келтирган.

“Қитъа” арабча сўз бўлиб, бўлак, қисм, парча маъноларини англатади. Х.К. Баранов қитъани: 1) парча (адабий асар); 2) кичик шеър; 3) музика асари деб изоҳлайди [1;831-832].

Қитъа жанри араб, форс ва туркий адабиётда кенг тарқалган жанрлардан биридир. Одатда икки ва ундан ортиқ байтдан иборат бўлади. Тарихий асарларда қитъа жанрини ҳам учратиш мумкин. Яъқуб шохнинг хотинлар билан тил бириктириб, Шайх Ҳасан Кучакни ўлдиради. Шу воқеага бағишлаб Хожа Сулаймон Соважий бу мавзуда қитъа ёзган [4;290].

Хулоса қилиб айтганда, “Тўрт улус тарихи” асарида 6 та лирик жанр - *газал, рубоий, қитъа, таърих, туркийча жир, байт яъни маснавийлардан* намуналарни ўқишимиз мумкин. Бундан ташқари асарда жанр номи қайд этилмаган назмий парчалар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Тарихий воқеанинг насрий баёнига зеб бериб турган назмий ифодалар, асарнинг адабий-эстетик қимматини белгилайди. Бадиий ижоднинг ўзига хос қонуниятлари тарихий наср намуналарини яратишда ўз таъсирини ўтказганлигини кўриш мумкин. Тарихий мавзудаги асарларда келтирилган лирик жанрлар ўша давр сарой муҳитида ижод қилган адиблар ва уларнинг ижодидан маълум намуналарни адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. –М.: Русский язык, 1989.
2. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.
3. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979.
4. Улуғбек М. Тўрт улус тарихи. –Т.: Чўлпон, 1994.

4-шубба

НАВОИЙ ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Дурдона Лутфуллаевна Зоҳидова,
*Қўқон ДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси кафедраси доценти,
 филология фанлари номзоди*

Алишер Навоий ижодида ватанни севиш ва қадрлашга комил инсон маънавий қиёфасига хос чизгилардан бири сифатида қаралади. Бежиз эмаски, Навоий ўзининг “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг Машрику Мағрибни, баҳру барни, яъни бутун ер юзини эгаллаганини баён этгандан сўнг айнан Ватан ҳақидаги лирик чекинишга ўрин бериб шундай дейди:

*Ватан таркини бир нафас истама,
 Яна ранжи зурбат ҳавас истама [1;468].*

Навоий фикрича, ҳеч бир зарурат, ҳавас, орзу, ҳаттоки у фотиҳлик ғалабаси бўлсин, ватанни тарк этишга арзимади. Навоий ватандан айрилиқда ранж ва аламни кўради. Шоир фикрини давом эттириб

*Сафар меҳнати жовидони дурур,
 Нединким сақардин нишони дурур...
 Сафар азми дўзахқа сонидурур,
 Ватан ҳубби имон нишонидурур [1;471].*

-дейди. Навоий Ватандан айирадиган сафар машаққатларида дўзах азобини кўради. Шоир бу ўринда “дўзах” маъносини билдирувчи “сақар” сўзининг “сафар” сўзи билан ёзилиш нуқтаи назаридан ҳам жуда яқинлигини назарда тутди. Шунингдек, у мазкур байтга машҳур “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳадиси шарифининг мазмунини сингдириб, ватанни севиш иймон нишони эканлигини эслатади.

Таъкидлаш керакки, айнан ватан тушунчаси Навоий ирфоний қарашларига хос муҳим фикрларнинг бадиий ифодаси учун восита бўлиб келган. Бу маънода ватан руҳнинг манзили, нафсоний ҳою ҳаваслардан покланган руҳ озодликка эришадиган, ўзлик англанадиган маскан сифатида талқин этилади. Навоий назаридаги энг муҳим ва буюк сафар ўзликни англаш йўлидаги сафар. Шу сабабли у “Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл ” деб айтади. Муҳими шундаки, Навоийда жуғрофий ва маънавий Ватан тушунчалари ўзаро зид қўйилмайди, аксинча, биринчисини севиш ва қадрлашга иккинчисига восил этадиган фазилат сифатида қаралади.

Навоий ижодиётининг ўзига хос бадиий дастури бўлган “Ҳайрат ул-аброр” достонининг асосини ташкил этувчи йигирма мақолат иймон, адл, адаб, қаноат, ростлик, илм каби шоир назаридаги энг муҳим қадриятларга бағишлангани ҳолда асардаги ўн тўққизинчи мақолат Ватаннинг, яъни Навоий туғилиб, камол топган Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротнинг бадиий тавсифига бағишланади. Навоий Хуросоннинг гўзал манзараларини ғоятда жўшқинлик ва ҳассослик билан бетакрор мисраларда тасвирлайди, уни жаннат боғига қиёслаб

*Зийнат аро равзаи ризвондур ул,
 Равза дема, мулки Хуросондур ул [2;306].*

4-шубба

-дейди. Ҳиротни эса “адимул-мисл”, яъни “ўхшаши йўқ” сифати билан тилга олади.

Навоийнинг таржимаи ҳоли билан яқиндан таниш ўқувчи унинг Ватан ҳақидаги қарашлари қанчалик самимий ва ҳаётий эканлигини яхши билади. Навоий Ватандан айрилиқни оғир қабул қилган ва изтироб билан кечирган. Унинг Ҳусайн Бойқаро йўлланмаси билан Астрободда ҳокимлик қилиб кечирган вақтлари бунга мисол бўла олади. Бу ҳол унинг мисраларига ҳам кўчиб ўтган:

*Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай [3;431].*

Шоир ёрга қарата, “Навоий яна Астрободга келишни ихтиёр этгунча беша – чангалзор ичидаги девлар қўлидан қатл топа қолсин” дейди.

Шоирнинг мана бу рубоийси ҳам Ватандан олисда яратилган бўлса ажаб эмас:

*Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юклар элитинг жисми фигуримни менинг.
Ўтру чиқариб аҳли диёримни менинг,
Кўйида қўюнг тани низоримни менинг [4;579].*

Навоий “вафот топсам, мени бегона юртда қолдирманг, жонсиз жисмимни юклар, диёримга элтинг ва ватандошларимни йиғиб, Ватан тупроғига қўйинг” дейди. Васиятномадай жаранглайдиган бу мисралар она заминга бўлган муҳаббатнинг бетакрор бадий ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий. –Т.: Фан, 1993.
2. Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 7-том. Ҳайратул-аброр. –Т.: Фан, 1991.
3. Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 5-том. Бадоеъул-васат. –Т.: Фан, 1990.
4. Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 3-том. Фаройибус-сиғар. –Т.: Фан, 1988.

САМАНДАР ВОҲИДОВНИНГ “ЮРАКНИНГ ҚАЙТИШИ”
ДОСТОНИ БАДИИЯТИ

**Ҳилола Охунжонова Сафарова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Бухоро адабий муҳитида XX асрнинг 70-йилларидан XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигидаги қирқ йилдан зиёдроқ даврда радио-журналистика тараққиётини, хусусан, тележурналистика ва телепублицистиканинг қарор

4-шубба

топиши ва ривожда фаолият олиб борган таниқли шоир ва мутаржим, ҳозиржавоб публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Самандар Воҳидов қатор дostonларнинг ҳам муаллифидир. Айниқса, унинг “Андух”, “Сунбула” ва “Юракнинг қайтиши” дostonлари китобхонлар қалбидан кенг ўрин олган

“Юракнинг қайтиши” дostonи билан танишар эканмиз, асар қаҳрамони шоирнинг ўзи. Юрак хасталигига учраб, хастахона ётган бемор шоир ўз ҳаёти ҳақида ўйга толаркан, кечган умри мазмунини Юрак ва Ақл тарозусига тортиб таҳлил қилишга киришади. Шу аснода юрак билан алоҳида, Ақл билан алоҳида суҳбат қуради. Шу тахлит юрак ва ақл шоир лирик ”Мен”ини ўз измига қолиш учун кураш майдонига тушган рамзий образлар даражасида ҳаракат қилади. Шоир эса лирик ”Мен” қиёфасида гоҳ Юракка, гоҳ Ақлга эргашиб, ҳаракат қиларкан, нималарни топиб, нималарни йўқотганини аниқлашга киришаркан, буни давр тизимидан ўтказган ҳолда руҳий таҳлил қилиб, муҳим хулосаларга келади. Бундай руҳий таҳлил–дostonнинг лирик-психологик табиатини белгилаган. Шу маънода уни лирик-психологик дoston намунаси сифатида шоир эпик поэзиясида айрича ўринда туришини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дoston композицион қурилиши ўзига хос: 13 фаслдан иборат бўлиб, 567 сатрдан ташкил топган. Фасллар ҳажми ҳар хил. Кўпчилиги, асосан, тўртлик бандлардан тузилган бўлса, 9-фасл саккизлик шаклидаги банд негизда қурилган. Зимдан диққат қилинса, аслида бу бандлар етти сатрли бўлиб, 6-сатр синдирилиб, икки бўлингани ҳисобидан миқдоран биттага ошиб, саккизтага етган.

Дostonнинг дастлабки фасли экспозиция вазифасини ўтаган. Унда юрак хасталиги билан шифохонада ётқизилган шоирни изтироблари оғушида ўйга толган қиёфада кўрамыз:

Ярим тун...

Уйқунинг уйи ҳам куйган,

Дарз кетар саҳарга интизор бардош.

Тун гўё кўзимга қўрғошин қўйган,

Ёстиққа пар эмас, жойлангандир тош.

Туни бунча узун беморхонанинг,

Дард билан олишган ҳар тунинг ялдо.

Умрдай чўзилган ҳар сониянинг

Мингдан бир бўлаги минг битта жафо.

Дард тун билан рангдош. Бинобарин, ишқнинг узун кечалари – ялдо изғиринлари захри – шоир чекаётган дард оғриқларини эслатиши табиий. Шу сабабли дард изтиробини бўрттириб ифодалаш мақсадида, дастлаб, ўша изтироб манзараларини ёрқин ифодаловчи бир-бирини тўлдирувчи вақт, макон ва руҳий ҳолатнинг бетакрор табиий манзараси чизилган. “Уйқунинг уйи ҳам куйган” кўчимли образли ифода, сифатлаш ва истиора билан зийнатланган “интизор бардош”нинг “саҳарга келиб дарз кетиши”, ўхшатиш негиздаги “кўзга қўрғошин қўйган тун” ва ниҳоят поэтик инкор асосида билган бемор

4-шуба

боши остидаги ёстикқа пар эмас, тош жойлангани” ана ўша ҳолатни бор рангубўйи билан акс эттирганини, буларнинг барчасида шоир санъаткорлиги даражасини кузатиш мумкин.

Лирик қаҳрамон шундай бир таҳликадаки, “фаришта қиёсли ҳамширалар”-у ҳақимлар унга ҳар қанча тасалли бермасинлар, унинг учун “Барибир мазмундан маҳрум бу кунлар”. Негаки, кўксидаги юрак йўқолган. Худди шу нуқтада Юрак рамзий образ тусини ола боради. Юрак хасталиги ваҳмидан Юрак йўқолиши воқеаси сизилиб чиқади. Натижада “ҳаёт кўприги кулашга маҳкумдай” туюлиб, у Юрагини излашга тушади. Шунда эшитган шарпасининг ниманики эканлигини билишга интилади. Шоир шу ҳолатга хос руҳий манзарани ғоят жозибали сатрларда чизади:

Шу пайт рўпарамда сездим бир шарпа.

“Кимсан?”

Ҳалқумимда ҳирқирар хитоб.

“Нима у?”

Танамга чўкар бедармон,

Қалтирар хонани тўлдириб титроқ.

Хўрсинар, “оҳ”ида бир дунё армон,

Ғалат нигоҳида минг йиллик фироқ.

Воҳ... уни танидим,

Бу... Ўша... Ўша...

Мендан кечиб кетган Юрак шарпаси.

Ўнгим тушига,

Тушим ўнгимга ўшар,

Юраксиз кўксимда қисар нафасим (1;52).

Бемор шоир ўша шарпага “Кетмагил,”–деб, ялиниб-ёлворишга тушади. Оғир-оғир хўрсинади. “Бўғзида портлайди қаламли нидо, Портлаши муқаррар кўҳна вулқондай”. Ниҳоят унинг муболағавий ҳолатидан “соқов some каби сукут”га тушган Юрак унга “маҳзун термулиб, ҳорғин нигоҳ” солиб, “Майли, дардларингни бўшатиб олгин” дея, бемор тўшагига омонатгина кўна қолади. Шунда бемор Юракка ўзининг арзи ҳолини баён этишга киришади:

Бирга тугилгандек,

Ёдингда борми?

Айбу иллатлардан эдик мусаффо.

Бизга раво кўрмай зарра зуборни,

Бу ёруғ оламга йўллади Худо.

Бодом гули каби эдик покиза,

Она сути–Кавсар сувидек жонбахш.

Бешик–олам аро сеҳридан алла–

Кўзга юлдузларни этар эди нақш.

Бирга дунё кўрдик,

Ёдингда борми?

Истак бир, орзу бир, хаёлимиз бир,

4-шуба

*Бирга завқдан тотиб,
Чекиб озорни,
Ўтдик гўдакликдан аъмолимиз бир.
Гулларда қуёшнинг нусхасин кўриб,
Шабнамни атардик–ойнинг ”кўз ёши.”
Капалак қувардик гулчангга ботиб,
Эртақлар элининг эдик элдоши (1;53).*

Бемор лирик қаҳрамон болалигида Юрак билан кечирган беармон кунларини шундай эсларкан, риторик мурожаатлар, “бодом гули каби покиза”, “Она сути–кавсар сувидек” шабнамни “ойнинг кўз ёши”га менгзовчи гўзал ўхшатишлардан, “Истак бир, орзу бир, хаёлимиз бир” каби поэтик фикрларни таъминлаган такрорлардан, ўрни келганда эса, ҳатто “эртақлар элининг эдик элдоши” сатридагидек “э” товуши аллитерациясига асосланган тавзеъ санъатидан назокат билан фойдаланиб, юксак маҳорат соҳиби эканлигини намоён этиб, поэтик фикр жозибасини таъминлай олган.

Хўш, Юракнинг бемордан юз ўгириши қачон бошланган ўзи? Бу ҳол ўз-ўзидан содир бўлганми ё бирор сабаб билан юз берганми? Ёҳуд кимдир ёки нимадир Юрак билан бемор ўртасида нифоқ солганидан шундай ҳолат юз берганми? Бемор шу саволларга жавоб ахтараркан, бунинг икки сабабини англаб етганини ачиниш билан тан олади.

Биринчи сабаби –”Ўсмирлик олами аччиқ дарвоза” сийрат сувратдан ажралиб, ҳаёт мўжизадай туюлмаётган қолганидан ҳайрат сўнди, эртақларнинг ёлғонлиги шоён бўлиб қолди. Шоир тазод ва ўхшатиш санъатлари орқали бу ҳолатнинг манзарасини чизади:

*Сен инграб ”оҳ” чекдинг,
Тошдай қотдим мен.
Сенку қон ютардинг, ботинда пинҳон,
Зоҳирда нафасни ичга ютдим мен.*

Иккинчи сабаби – ўсмирликка қадам қўйишдан иборат улғайиш асносида Ақл бўй кўрсатиб қолди. Ақл келди-ю юрак билан туғма иттифоқни бузишга киришди. У “бошга ўрнашиб олиб” ўзини Юракдан устунлигини кўрсата бошлади. “Ақл–вужуд шоҳи” дея ҳамма нарсани Ақл кўзи билан кўришга, ҳар бир нарсани ақл тарозусида ўлчаб иш тутишга шунчаки даъват қилиш билан чекланмади, балки ишни бажаришга сафар эта бошлади. ”Юракка алданмоқ овсарнинг иши”, аллақачон ақл тишинг чиққан, энди Юракка эргашиб, бўлмагин кулги” дея сабоқ бериш билан чекланмай, ҳатто у “гул” деганни – “бир ўт”, “капалак” деганни – “бир ҳашарот” эканини таъкидлаб, ҳайрат ва ҳиссиётни сўндиришга киришади-да:

*”Одам бўлай десанг, этагимдан тут”,–
Дея вазминликка этди ишорат.*

Шу зайлда у “Юрак – бир парча эт, Ақл – бу даҳо” дея лирик қаҳрамонни ўз изнига солиб олди. Ҳа, лирик қаҳрамон вужудини Юрак тарк этиб, Ақл эгаллаб олди.

4-шубба

*Шунча жудоликка айлагач бардош,
Бу Юрак—
Юз йиллар
Яшашига ҳақли.*

*Зотан,
Энди унга ҳақ йўлда йўлдош.
Ўз қадрини билган аждодлар Аҳли...*

Ҳа, энди Юрак айро, Ақл айро эмас, балки “ҳақ йўлида йўлдош” бўлиб, ҳамкорликда Инсон ва Давр хизматини қилади, истиқлол фарзандларини комилликка бошлайди. Достон ана шундай фараҳли умидбахш руҳ билан интиҳо топган. У – Самандар Воҳидов достонларининг энг мукаммали ва гултожидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хаёлинг мен билан (шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, достон). –Бухоро: Бухоро, 1997.

ТУРК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ЭРТАК ЖАНРИ

**Пошшажон Умидовна Кенжаева,
ТДШУ турк филологияси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Турк халқ эртаклари ҳам ўзининг қадимийлиги, анъанавийлиги, бадиийлиги ва образлар олами билан бошқа халқ эртакларидан ажралиб туради. Эртак сюжетида анъанавий қахрамонлар ва характерлар турли хил жанрлар орқали ёки уларда учрайдиган хусусиятлар воситасида акс эттирилади. Бунда миф, афсона, мақол, ибора, олқиш, қарғиш, мани, турку, топишмоқ, тез айтиш сингари жанрларни таъкидлаш жоиз. Бу эса тингловчиларнинг маълум бир тасаввурга эга бўлиши, болани мўъжизалар маконига етаклашида муҳим аҳамият касб этади.

Турк халқ эртаклари ҳақида дастлаб турколог олим Ф.В.Радловнинг тадқиқотида маълумот берилади. Илмий нуқтаи назардан жиддий фикр билдирган венгериялик олим И.Кунош бўлиб, у беш йил мобайнида бутун Онадўлини кезиб турли мавзудаги эртакларни халқ томонидан ёзиб олади ва 1887-1907 йилларда беш жилддан иборат китобини чоп эттиради. Турк халқ эртаклари бошқа тилларга таржима ҳам қилинади. 1923 йилда 14 та эртақдан иборат “Billur Köşk” эртақлар тўплами Т.Ҳерзел томонидан немис тилига таржима қилинади (Der Kristal Kiosk).

Турк фольклоршунослигида дастлаб К.Д. тахаллусли эртақшунос 1912 йилда 13та эртақ жамлаган ва “Türk Masalları” номли тўплами нашр эттирган.

4-шуба

Тўпламда тадқиқотчининг тўлиқ исм-шарифи ҳақида маълумотлар учрамайди. Эртақлар ва бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кейинчалик машҳур турк олими ва шоири Зиё Гўкалп тадқиқотларида муносабат билдирилган. “Küçük Mecmua” (1922) журналида унинг жанр ҳақида бир қатор мақолалари учрайди.

Туркияда 1930 йиллардан кейин эртақ жанри ҳақида талайгина изланишлар олиб борилди. Баҳтавер хонимнинг “Türk Masalları” (1930), Ю.З.Демиржи ўғлининг “Yörükler” ва “Köylülerde Hikayeler-Masallar” (1934) номли изланишлар шулар жумласидан. 1936 йилда Н.Тезел халқ орасидан тўплаган “Keloğlan Masalları” туркумидаги эртақларни, 1938 йилда эса “İstanbul Masalları” номи остида 72 та эртақ матнини нашр эттиради. 1961 йилда таниқли турк олими Т.Алангу “Billur Köşk”, 1967 йилда “Keloğlan Masalları” туркум эртақларини қайта тўлдирилган нашрини чоп этади. 1946 йилда М.Тургулнинг “Mahmutgazi Köyünde Halk Edebiyatı” номли докторлик диссертацияси ва шу йилда чоп этилган “Malatyadan Derlenmiş Masallar” тўплами ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Чунки диссертацияда жанрнинг таркиби, моҳияти, сюжети ва композицияси ҳақида назарий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Турк халқ эртақлари борасида энг кўп изланишлар олиб борган таниқли фольклоршунос олим П.Н.Боратов ҳисобланади. Олим 1953 йилда олмон тадқиқотчиси В.Эберхард билан ҳамкорликда “Typen Türkischer Volksmarchen” (“Türk Masal Tipleri Katalogu”) номли фольклор асарини яратади. Бундан ташқари П.Н.Боратов 1959 йилда “Zaman Zaman İçinde”, 1969 йилда “Az Gittik Uz Gittik” номли монографияларини чоп эттиради. Олим турк халқ эртақларининг француз ва немис тилидаги таржималарини хориж нашрларида эълон қилган. Шунингдек, П.Н.Боратов эртақ жанрининг назарий масалаларига бағишланган бир қатор номзодлик ва докторлик тадқиқотларининг юзага келишида илмий маслаҳатчи сифатида ҳам фаолият юритган.

1973 йилда С.Сака ўғлининг “Gümüşhane Masalları: Metin Toplama ve Tahlil”, 1975 йилда Б.Саид ўғлининг “Erzurum Halk Masalları Üzerine Araştırmalar”, 1975 йилда У.Гунойнинг “Elazığ Masalları (Metin-İnceleme)” номли тадқиқотлари нашр этилади. Бу тадқиқотлар турк халқ эртақларининг пайдо бўлиш омиллари, шаклланиш босқичлари, тадрижий тақомили, ҳудудий келиб чиқиш турлари ҳақида илмий маълумотлар бериш билан чегараланмай, эртақ матнлари ҳам тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қилинган.

Эртақ жанри мазмун-моҳиятига кўра турк фольклоршунослари томонидан қуйидагича таснифларга ажратилган:

1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар;
2. Фавкулудда яратилган эртақлар;
3. Кулгуга асосланган эртақлар;
4. Кўп сюжетли эртақлар.

Шунингдек, турк халқ эртақларининг ўзига хос шакли мавжуд. Эртақ муқаддимаси тез айтишга ўхшаб бошланади:

“Қадим-қадим замонда, қолиб кетган сомонда, жинлар човғон ўйнарган жуда эски ҳаммомда”, “Қадим-қадим замонда, бир юртнинг устида бир қуш

4-шубба

учди. Куш учмади, куён учди. Узоқ-узоқ учди. Лекин тинч кетмади. Осмон бағрининг тинчини бузди. Уни кўрган қушлар ақлдан озиб, дарахтларга кўнмай, уйларнинг мўрисиغا кўниб, қанотлари ёниб, ўзлари кул бўлди. Аммо бир қуш ёнмади”, “Қадим-қадим замонда, ғалвир сомон ичида товук кўмирчи экан, зағизгон сартарош экан. Учар гиламга миндим, тоғлар ошдим, денгизлар устидан ўтдим”, “Бир бор экан, бир йўқ экан, аввал замон ичида, ғалвир сомон ичида, жинлар ўйин ўйнар экан эски ҳаммом ичида. Вой нелар бор эмиш, нелар бор эмиш. Еллар эсиб, сувлар шовуллаб оқармиш. Нодонлар тўп ўйнар, донолар йиғлармиш. Аллоҳнинг қули ҳам кўп эмиш. Бири доно эмиш, бошида ел эсармиш, бириси нодон эмиш, қизларга турку айтармиш. Шундай замонларнинг бирида бир бор экан, бир йўқ экан”.

Турк халқ мақолларининг тугалланмаси, яъни хотимаси ҳам ўзига хос тарзда ифодаланади, яъни “Қирқ кеча-ю қирқ кундуз юртга тўй бериб мурод-мақсадига етибди”, “Осмондан учта олма тушибди. Бири Калўғлоннинг, бири Кўсаннинг, яна бири эса бу эртақни ўқиганнинг бошига” сингари иборалар билан яқунланади.

Ҳар бир халқ эртақларида халқ қаҳрамони турли мавзуларда иштирок этади. Турк халқ эртақларида кўпинча Калўғлон образига дуч келамиз. Калўғлон туркум эртақлари халқ орасида кенг тарқалган эртақлар ҳисобланади. Калўғлон эртақларда доно, ақлли, зийрак, сахий, тўғрисўз образ сифатида гавдаланади. Унга қарама-қарши образ эса Кўса тимсолидир. Кўса хасис, айёр, ҳийлагар, ёлғончи, нодон сифатлари билан халқ орасида машҳур.

Эртақ жанри бугунги кунда нафақат турк халқ адабиётида, балки бошқа халқлар адабиётида ҳам болаларнинг камол топишида ўзининг қимматини йўқотгани йўқ, аксинча жанрнинг кўплаб намуналари янада кенгайиб, бойиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Boratov P.N. Yüz Soruda Türk Halk Edebiyatı. Gerçek Yayınevi, İstanbul: 2000.
2. Güleç H. Halk Edebiyatı. Çizgi Kitabevi, Konya: 2002.
3. Doğan K. Ansiklopedik Türk Halk Edebiyatı Terimleri Sözlüğü. Akçağ Yayınları, Ankara: 2007.
4. Taner N. Masal Araştırmaları I. Art San Yayınları, İstanbul:1988.

4-шуба

**ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИ “ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АҲЛОҚ”
АСАРИНИНГ ЭПИК ОМИЛИ ЭКАНЛИГИ ХУСУСИДА**

**Муқаддас Абдурахмоновна Тожибоева,
Андижон ДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

Шарқ мумтоз адабиётида панд-насихат, ўғит, таълим-тарбия руҳида дидактик асарлар ёзиш анъанаси XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари билан бошланди. Кейинроқ Шарқда Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” (XII–XIII), Кайковуснинг “Қобуснома” (XII–XIV), Шайх Саъдийнинг “Гулистон” (XIII) асарлари ақл ва ҳикмат дарслигининг давоми сифатида пайдо бўлди. Мазкур асар муаллифлари ҳаётининг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг ахлоқий-тарбиявий қарашларини турли шакл ва йўналишларда баён этдилар. Яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик каби умумий ном билан аталган хислатларга ҳар бир муаллифнинг ўз қарашлари ранг-баранг ҳаётининг тажрибаларига таянган ҳолда талқин этилган. Бу борада Муслиҳиддин Саъдийнинг панд-насихат руҳидаги ҳикоялар ва шеърининг афоризмлар мажмуаси бўлган “Гулистон” асари асарлар мобайнида мумтоз насрнинг “баржастаси” сифатида юксак ахлоқий-таълимий сарчашма мақомида ўзбек китобхонлари қалбига ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, бундаги ибратли лавҳалар адаб оламининг кўркем намунаси сифатида бадиий адабиётга теран кириб борди ва янги бадиий асарларнинг яратилиши учун ғоявий-маънавий сарчашма бўлиб хизмат қилди. Шу ўринда проф. Н.Жабборов Саъдий анъаналарини Фурқат ижоди билан боғлаб: “Маълумки, муайян тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикр баёнидан сўнг унга мос ҳикоят келтириш услуги Шарқ адабиётининг хос хусусиятларидан. Саъдийнинг “Гулистон”, Жомийнинг “Баҳористон” асарлари худди шу услубда ёзилган”[2.179] деган хулосасига таянган ҳолда “Гулистон” ва “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари ўртасидаги яқинликни кузатиш мумкин. Дидактик ҳикоялар жамланмасидан тузилган бу асар китобхон учун таълим дарслиги сифатида кириб келган бўлса, ўзбек адабиётининг тараққиёти учун асосий бой манба, қолаверса, ижодкорлик мактаби бўлиб хизмат қилди. Бу эса XX аср адабиёти вакиллари, жумладан, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг майдонга келишида эпик омил ва таянч манба бўлди. Саъдий мазкур пандномада ҳаёт фаолиятида кузатган воқеа-ҳодисаларни баён этиб, улардан ахлоқий хулосалар чиқаради. Маълумки, “Гулистон” асари дебоча ва 8 бобга тақсим қилинган бўлиб, ҳар бир боб маълум мақсад билан жамланган кичик ибратли ҳикоятлардан ташкил топган. Бу ҳикоятлар асар умумий композициясини ташкил қилади ва ўзаро таълимий-маънавий жиҳатдан боғланиб туради. Дебочада китобнинг ёзилиш сабаблари баён этилган. Асарнинг асосий қисми ёзувчининг ўз даврида бўлиб ўтган энг муҳим сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий воқеаларни акс эттириш баробарида ахлоқий меъёр қоидаларни талқин этувчи сарлавҳалар остида кетма-кет берилади.

4-шубба

XX аср адабиёти тарихида наср, хусусан, ҳикоя жанрининг такомиллашувида Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари алоҳида ўрин тутди. Мазкур асар услуб, шакл ва мазмун жиҳатидан машҳур адиб Шайх Саъдий (1184–1292)нинг “Гулистон” асарини эслатса-да, унда Саъдий билан бир қаторда, Алишер Навоий, XVI асрнинг машҳур ҳикоянависи Хожа ҳикояларининг ҳам таъсири кўзга ташланади. Аввало, Авлоний асарини “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” деб номланишининг ўзиёқ зийрак китобхон уни Саъдийнинг “Гулистон” асари билан алоқаси борлигини ҳис қилади. “Туркий гулистон” Саъдийнинг “Гулистон”и каби бутун бир сюжетга эга эмас, яъни алоҳида-алоҳида кичик пандномалар жамланмасидан ташкил топган. Маълум бўлганидек, Саъдий мажмуасида шаклан кичик, аммо мазмунан даврнинг катта ва муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, таълимий-ахлоқий масалаларини дидактик характерда ёритиб берувчи ҳикоялар жамланган бўлиб, унда ифодаланган ғоя турли тимсоллар воситасида тез ва таъсирли етиб боради. Саъдий “Подшоҳлар одати баёни”, “Дарвешлар ахлоқи баёни” деб сарлавҳаланган дастлабки бобларда ахлоқ ва одобга оид таълимий қарашларини қуруқ панд-насихат орқали эмас, балки реал бадиий тимсоллар воситасида, ҳаётий ва фактик материаллар асосига қурилган ҳикоятлар тарзида тартиблаган. Асарнинг дастлабки икки бобида элликдан ортиқ адолатпарварлик, халқпарварлик ғояларини илгари сурувчи, ўз даврининг ахлоқини танқид қилиб, шоҳларнинг адл ва инсофли, раият ғамини чекувчилардан бўлишларини истаб, уларга диёнат билан юрт бош-қарган султон ва хоқонлар фаолиятини намуна қилиб кўрсатувчи дидактик ҳикоятлари ўрин олган. Ҳар бир ҳикоят материал нуқтаи назаридан чуқур дидактика билан суғорилган, шунинг учун ҳам ўқувчи онгига тез етади. Шарқ мумтоз адабиётида кенг ўрин берилган дидактик йўналишда Кайковуснинг “Қобуснома”, Жомийнинг “Баҳористон”, Навоийнинг Маҳбубу-л-қулуб, Хожанинг “Мифтоҳу-л-адл” асарлари яратилган. Саъдий асарининг подшоҳлар ва дарвешлар ҳақидаги бобида адолат ва зулм, тўғрилиқ ва ноҳақлик, ақл ва укувсизлик каби ахлоқий тушунчаларни султонлар, вазирлар, зоҳидлар тимсоли орқали очиб беради. Мана шу масалаларни ўзида сингдирган қуйидаги ҳикоятга эътибор қаратайлик: Бир подшоҳ асарини ўлдиришга фармон беради. Шўрлик асир ҳаётдан умидини узиб, подшоҳни бошлаб сўка бошлайди. Зероки: “Киши жондан умид узгани замон, кўнглида борини этади баён” деган халқ мақоли бор. Подшоҳ вазирларидан унинг нима деётганлигини сўрайди. Софдил вазирларидан бири: “Эй подшоҳи олам: “Ҳар кимки ғазабин ичига ютар, у гуноҳ қилганнинг гуноҳин ўтар” деяпти, деб жавоб берди. Шунда подшоҳнинг раҳми келиб, асирни афв этади. Софдил вазирнинг пойини қирқиб юрадиган иккинчи вазир гапга аралашиб: “бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшоҳ ҳузурида фақат рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшоҳни ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди”, дейди. Подшоҳ бу гапни эшитиб, қош-қовоғини уйиб: “сен айтган рост гапдан кўра, унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди, чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса, жиноятга

4-шуба

бошлаш учун айтилди, донишмандлар: “Фитна кўзгатувчи ростдан, маслаҳатли ёлғон яхши” деганлар”[3.21-22.] деб жавоб беради.

Саъдийнинг бу кичик ҳикояси яхшилик ва ёмонлик, одиллик ва золимлик, эзгулик ва тубанликни кўрсатувчи кўзгу хизматини бажаради. Навоий “Маҳбубу-л-қулуб” асарининг “Сариунноснинг афъол ва аҳволининг кайфияти” (“Турли тоифа кишиларининг феъллари ва аҳволларининг хусусиятлари”) деб аталган қисмида жамиятдаги турли табақадаги кишиларнинг ўз вазифаларига нисбатан ҳалол бўлиши, мансабини суистеъмол қилмасликлари ҳақида фикр юритар экан, адолатли ва золим подшоҳлар, раиятпарвар ва жоҳил вазиру амалдорларнинг “афъол”и ва “аҳвол”ини бадиий лавҳаларда рўйи рост очиб беради. Улуғ Навоий адолатли султонларни “одил шоҳ кўзгу ва бу анинг учасидир. У ёруғ субҳ, бу анинг қоронғу кечасидур” деб таърифласа, золим шоҳлар фаолиятини шундай тавсиф этади: “Ободлар анинг (золим подшоҳнинг – Т.М) зулмидин вайрона, кабутар тоқчаларни бойқушга ошиёна... Ноҳақ қон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша”[1.12]. Кўринганидек, Навоий қарашлари Саъдий қарашларига ҳамоҳанг. Ҳар икки асар қаршисида жамият ҳаёти учун катта аҳамиятга эга бўлган дидактик ва фалсафий масалалар туради ва шу жиҳатдан ҳам булар Шарқ мумтоз бадиий тафаккури тарихида алоҳида мавқега эга. Бу қисқа муқоясадан кўринадики, ахлоқий-таълимий масалалар даврдан-даврга ўтишда ўзига хос кўринишга эга, ҳамоҳангликни сақлаган, бир-бирини тўлдиради.

XX асрда жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар, аниқроғи, социал табақалашув – шоҳ, вазир ва бошқа сарой атрофидаги мансабдорлар деб юритилган ҳодисалар барҳам топганлиги боис дидактик масалалар шахс тимсоллари орқали эмас, жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда педагогик асар сифатида майдонга чиқди. Авлоний “Туркий гулистон...” асарида Саъдий ва Навоий тилга олган таълимий масалаларга мурожаат этган, ҳар икки асардаги ҳикояларнинг мазмуни ва ғоясини қабул қилган, ўз ғоявий мақсади йўлида манба сифатида фойдаланган. Авлоний ҳикматлар мажмуаси бўлган бу асарлардан сюжетнинг асосини олиб, жамиятнинг ижтимоий ҳаётдан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашиб, уларни ўз асарига киритди. Асар таълимий йўналишда бўлганлиги боис унда ахлоқий-таълимий масалалар назарий-дидактик қоидалар асосида ёритилди.

“Диёнат” деб сарлавҳаланган ҳикояда аввал диёнат тушунчасига таъриф берилиб, сўнгра диёнатли бўлиш ва унинг самараси ҳақида ҳикоя келтирилади. Шу тарзда асарда охирига қадар 65 та ҳикоялар берилган. Бу тартиб мумтоз ҳикоятлардан фарқли равишда ҳар бир мавҳум тушунча асос қилиб олинган ҳолда давом эттирилади. Маълум бўлишича, Авлоний қўллаган бу дидактик усул, умуман, ҳикмат айтиш ёки ахлоқий таълим бериш учунгина эмас, балки таърифи келтирилган тушунчани ҳаётий мисол орқали асослаш муҳим эканлигига эътибор қаратади. Авлоний келтирган ҳикоялар сарлавҳа, таъриф, мавзуга дахлдор ҳадислардан намуналар, айрим ўринларда ҳадислар ўрнида мақоллар, хулоса ёки қиссадан ҳисса тарзида шеър (қитъа, тўртлик) тартибида берилган. Бундан мақсад хулосаловчи фикрни шеърга кўчириш орқали

4-шуба

муаллиф китобхонни тайёр дидактик хулоса билан таъминлаш эмас, балки шеър завқини туюш, унинг ҳам санъат, ҳам ҳикмат эканлигига ўқувчи эътиборини қаратишдан иборат эди.

Жадид адиблари ижодига кириб келган янги реалистик наср шакллари ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Насрнинг бошқа жанрлари каби ҳикоялар ҳам узоқ асрлар мобайнида тўпланган адабий тажрибалар заминида вужудга келди, мумтоз “ҳикоят”нинг қонуний давоми сифатида яшай бошлади. XX аср насрида ҳикоячилик қадимий анъаналарга эга бўлса-да, у асосан, реалистик ўзанда шакллана бошлади, янгилик сари интилди ва бу янгиликка эришиш асносида мумтоз анъаналар бағрида иш кўрди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том: Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: Фан, 1998.
2. Жабборов Н. Фуркатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фанлари д-ри ... дисс. –Т.: 2004.
3. Саъдий. Гулистон. –Т.: Бадиий адабиёт, 1968.

“MURODXON” DOSTONINING JANR XUSUSIYATLARI

Abbos Tursunqulovich Tursunqulov,
Jizzax DPI o‘zbek adabiyoti o‘qitish
metodikasi kafedrasi dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

“Murodxon” dostoni atoqli xalq shoiri Fozil Yo‘ldosh o‘g‘lidan yozib olingan. Dostonning variantlari boshqa xalq shoirlari epik repertuarlarida uchramaydi. Ehtimol, uning variantlari boshqa o‘zbek xalq dostonchilik maktablarining repertuarlarida uchrashi mumkin, lekin ular ham yozib olinmagan. Shu sababli “Murodxon” dostonining janr xususiyatlarini tahlil qilishda Fozil shoirdan yozib olinib folklorshunos olimlar Xolid Rasul va Mansur Afzalovlar tomonidan nashr etilgan manbaga tayandik.

“Murodxon” dostoni o‘zbek xalq dostonlarining ishqiy-romanik turiga mansub.

Doston voqealarining boshlanishidan (zachin) tortib voqealar rivoji kuliminatsion nuqtasi, xotimasigacha go‘zal ishqiy kechinmalar, tiniq tuyg‘ular tavsifida serjilo romanik uslubda tasvirlanadi. Doston Oqtosh villoyati podshosining vafot etishi va xalqning yangi podsho saylashi bilan boshlanadi: “Bir nechalar aytdi: -- qadimgi zamondagi ishni qilaylik, qadim zamonda podsho o‘lsa, davlat qushini uchirar edi, qush kimning boshiga qo‘nsa shu odamni podsho qilar edi” [1]. Dostondagi shu lavhaning o‘ziyoq o‘quvchini xalqimizning uzoq tarixidagi ishonch etiqodlariga yetaklaydi. Qadimda xalqimiz davlat qushi haqidagi rivoyatlarga, qarashlarga chin manoda ham, ramziy manoda ham ishonishgan. Shu sababli deyarli

4-шуба

barcha ananaviy xalq dostonlarida quyidagi qoliplangan misralar u yoki bu variantlarda uchraydi:

*Davlat qushi qo'nsa chivin boshiga,
Semurg' qushlar salom berar qoshiga.*

Ikkinchidan semurg' qush, davlat qushi haqidagi qarashlar, rivoyatlar, miflar, sharq adabiyotida, ayniqsa, xalq og'zaki ijodining rivoyat, ertak, mif janrlarida keng tarqalgan. Haqiqatdan folklorshunos olimlar romanik dostonlarning genezisini ertak, mif bilan bog'laydi. Folklorshunos Bahodir Sarimsoqov "Alpomish eposi haqida uch etiyud" maqolasida "qahramonlik va tarixiy epos ibtidosida qo'shiq yozsa, romanik epos ibtidosida afsona, rivoyat va ertak kabi janrlar yotadi", - deydi [2]. Demak rivoyat va mifga xos bo'lgan motivlarning dostonidan o'rin olishi uning janr tabiati bilan bog'liq.

Dostonda mif, rivoyat, ertak motivlari tizimi uning syujet tizimiga singishib ketgan. Davlat qushi boshiga qo'ngan Murodxon oddiy o'tinchi bo'lgani uchun sipohlar uning aslzoda ekanligiga ishonmay qushni uch marta uchiradi. Uch marta ham davlat qushi Murodxonning boshiga qo'nadi. Shu o'rinda ertaklarda ko'p uchraydigan uch raqamiga etibor beraylik. Uch raqami qadimdan sharqiy xalqlar o'rtasida sehrlilik raqam hisoblangan va unga ishonishgan. Shu sababli uch raqami ajdodlarimizda doston voqealarining haqqoniylikiga ishonch uyg'otish uchun xizmat qilgan. Aslida davlat qushi ham, uch raqami ham ertak, rivoyat, doston janrlarining diffuziyasi bilan bo'g'liq. Turkiy xalqlarda og'zaki ijodga xos bo'lgan diffuziya hodisasi turli motivlarda uchraydi. Folklorshunoslikda diffuziya hodisasini keng o'rgangan B.Sarimsoqov bu atama haqida shunday yozadi: "Folkloristikada diffuziya termini biror janr motiv yoki obrazning ikkinchi bir janr, motiv yoki obrazga kirib borishi, singishi natijasida ularning tabiatida sodir bo'ladigan semantik hamda funksional o'zgarishlarga nisbatan qo'llaniladi" [3]. Haqiqatdan ham romantik dostonlar genezisi rivoyat, ertak, mif bilan bog'lanib undan ozuqa olar ekan, ulardagi unsurlarni ham hayotga yaqinlashtiradi. Bunday holni Orzigul parining Oqtoshga Murodxonni izlab kelishi, lekin Murodxondan tortgan izzalari uchun o'ch olish maqsadida uning kiyimlarini, jang anjomlarini, otini olib ketishi ertak motivlarining diffuziyalashgan ko'rinishi deyish mumkin. Xalq ertaklarida erkak kiyimlarini kiyib yigitlarga xos jasorat ko'rsatuvchi ayollar motivi keng tarqalgan. Bu motivning dostonga ko'chishi doston syujetining haqiqiy real hayotga yaqinlashishi bilan bog'liq.

Xalq qo'shiqlarida, ishonch - etiqodlarida, ertaklarda, yozma va og'zaki ijodda keng qo'llanilgan olma ramzi ushbu dostonda ham diffuziyalashgan holda ko'zga tashlanadi. Dostonda Murodxonni uylantirish uchun mamlakatning barcha bo'yi yetgan qizlarini saroyga chorlab: "Murodxon olma otadi. Shu olmani qaysi qiz ilib olsa Murodxon shuni oladi" deb jar soladi [1]. Albatta Murodxon ko'ngliga yaqin qizni mo'ljallab olma otganligi va uning oqibatlarini ancha batafsil yoritilgan.

Xullas, Fozil shoirning epik repertuaridan mustahkam o'rin olgan "Murodxon" dostoni Bulung'ur dostonchilik maktabida kuylanadigan ishqiy romantik dostonlarining go'zal gultoiji hisoblanadi. Doston genezisi va poetikasini

4-шубба

chuqurroq oʻrganish oʻzbek folklorshunosligining epik janrlariga xos qiziqarli va muhim xulosalar chiqarishga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Oʻzbek xalq dostonlari. 2 tomlik, 2- tom. –T.: 1957.
2. Sarimsoqov.B. “Alpomish”- oʻzbek xalq qahramonlik eposi. –T.: 1999.
3. Sarimsoqov. B., Oʻzbek folklorining epik janrlari –T.: 1981.

BOBURNING ADABIY-TANQIDIY QARASHLARIGA DOIR

Yulduz Akulovna Karimova,

*Jizzax DPI Oʻzbek adabiyoti oʻqitish metodikasi kafedrasida dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi*

Sohib Sobirovich Boysinov,

*Jizzax DPI Oʻzbek adabiyoti oʻqitish metodikasi
kafedrasida katta oʻqituvchi*

Z.M.Boburning qomusiy faoliyati, aqlu zakovati, teran tafakkuri dunyo ilm ahlining doimiy eʼtibori va eʼtirofiga sazovor boʻlib kelgan. Soha mutaxassislarining eʼtiroficha, XV – XVI asrlardagi Markaziy Osiyo tarixini Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma”si va Muhammad Haydar Mirzoning “Tarixi Rashidiy” asarlari tadqiqi asosida yaratish mumkin ekan.

Darhaqiqat, XV – XVI asrlardagi Movarounnahr, Xuroson va Hindiston hududida yuz bergan ijtimoiy, siyosiy, adabiy, madaniy voqealarni oʻrganishda “Boburnoma”ning oʻrni beqiyos ekanligini har bir maʼrifatli inson eʼtirof etadi.

XV asrning oxiri, XVI asrning boshlaridagi tarixiy voqelik, Mirzo Bobur chekiga tushgan masʼuliyat, mavqe, ijtimoiy, siyosiy faoliyat uning shoir, adabiyotshunos sifatidagi dunyoqarashi, nuqtayi nazarining shakllanishiga ham, albatta, katta taʼsir koʻrsatdi.

Temuriy shahzodalarning boshini bir yerga jam qilib, Shayboniyxon bosqiniga qarshi birlashmoq qasdida yonayotgan Mirzo Bobur 1506-yili Xuroson poytaxti Hirotga keladi.

Maishat va ichkilikka mukkasidan ketgan, Hirot taxtini bir-birlaridan qizgʻanib, yurtning kentlarini dushmanga oldirib qoʻyayotgan kaltabin, xudbin aka-ukalar Badiuzzamon va Muzaffar Mirzolarning tutimlarini koʻrgan Mirzo Bobur ularni oʻziga hech qachon hammaslak boʻlolmasliklarini anglab, oʻrtanadi.

Ana shunday paytda Mirzo Bobur taskinni vafot etganiga besh-olti yil boʻlib qolganiga qaramay hali ham muborak ruhi, nafasi sezilib turgan Alisher Navoiy yashagan xonadonida topadi. Bu haqda “Boburnoma”da shunday deyiladi: *“Tonglasi kelib Bogʻi Navda tushtum. Bogʻi Navda bir kecha boʻldum, ani munosib koʻrmay Alisherbekning uylarini tayin qildilar. Hiriyan chiqquncha Alisherbekning uylarida edim”* [1].

4-шубба

Hiriydan chiqquncha Alisherbekning uylarida kechgan Mirzo Bobur kunlari uning tahlikali, suronli hayotining eng sohir, huzurbaxsh, fayziyob damlari bo'lganligi shubhasiz. Mirzo Bobur bu lahzalar sururini keyinchalik o'zining ijodiy va ilhomiy holatlarida qayta va qayta his etgan bo'lsa, ajab emas.

“Boburnoma”ning to'qqiz yuz o'n birinchi (1505-1506) yil voqealari bayoni bobini mutolaa qilar ekanmiz, ko'z o'ngimizda XV asrning ikkinchi yarmidagi Xuroson, o'z bag'rida Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Kamoliddin Behzod, Kamoliddin Binoiy, Muhammad Solih kabi buyuk iste'dodlar ilhomiga qanot bag'ishlagan, talantlarini kamolotga yetkazgan jannatiy maskan, fayziyob Hirot qad rostlaydi.

Mirzo Bobur shunday yozadi: *“Sulton Husayn Mirzoning zamoni ajab zamon edi, ahli fazl va benazir eldin Xuroson, bataxis Hiriy shahri mamlu erdi. Har kishiningkim bir ishg'a mashg'ullug'i bor erdi, himmati va g'arazi ul erdikim, ul ishni kamolga teguray”* [1].

Mirzo Bobur bu bobda XV asr ikkinchi yarmi Hirot adabiy, ilmiy, madaniy muhitida o'z o'rnini va mavqeiga ega bo'lgan qirqqa yaqin fozil insonlar haqida ma'lumot beradi.

Shu o'rinda adabiyotshunos olim Vahob Rahmonning: *“Agar “Boburnoma” yozilmasa, bizning Husayn Boyqaro va Alisher Navoiy hayotlari, faoliyatlari va ijodlari, xususan, shaxslari haqida tasavvurimiz anchayin yuzaki bo'lib qolgan bo'lardi”*, [2] degan so'zlarini eslash o'rinli bo'lardi. Shu ma'noda “Boburnoma”da XV asr Hirot adabiy muhitining yana bir ulkan vakili Abdurahmon Jomiy bilan bog'liq o'rinlarga e'tiborimizni qaratsak: *“...Mavlono Abdurahmon Jomiy edikim, zohir va botin ulumida ul zamonda ul miqdor kishi yo'q edi. She'ri xud ma'lumdir. Mulloning janobi andin oliyroqdurkim, ta'rifqa ehtiyoj bo'lg'ay”* [1].

Bu e'tirofdan Mirzo Boburning Jomiy ijodiga va shaxsiga bo'lgan hurmati, e'tiqodi Navoiydan kam bo'lmaganligini ko'rishimiz mumkin. Mirzo Boburning o'zi ta'kidlaganidek Hirot adabiy muhitining “saromadi va sardaftari” Mavlono Abdurahmon Jomiyning ellikdan ortiq asarlari borligi ilmida qayd etilgan. Shoir, adib, olim, musiqashunos, adabiyotshunos, muarrix, faylasuf, mutasavvuf Jomiy ijodining serqirraligi, qamrovining kengligi ham Mirzo Boburni hayratlantirgan, havaslantirgan va o'ziga chorlagan. “Boburnoma”ning bir necha o'rinlarida Mirzo Boburning Jomiy ijodi bilan yaxshi tanish ekanligi, asarlarining mazmun mohiyatidan yaxshi xabardorligi ko'zga tashlanadi. Xususan, 1506-yilda Xurosonga kelgan Mirzo Bobur Abdurahmon Jomiy qabrini ziyorat qiladi va shu bilan buyuk mutafakkirning yaqin shogirdi, o'sha paytlari Abdurahmon Jomiy madrasasida yashayotgan, betob bo'lib qolgan Mullo Abdulg'afur Loriyni ham borib ko'radi. Shu o'rinda “Boburnoma”ga murojaat qilsak: *“Yana Mullo Abdulg'afur Loriy edi. Mavlono abdurahmon Jomiyning ham muridi, ham shogirdi edi. Mulloning aksar musannafatini mullo qoshida o'tkarib edi. “Nafahot”ka sharh yo'sunluk bir nima bitibtur”* [1].

Ko'rib turganimizdek, nasrga moyilligi kuchli bo'lgan Mirzo Bobur Jomiyning shu yo'lda yozilgan “Nafahot ul-uns”, shuningdek, “Bahoriston” asarlari bilan yaxshi tanish bo'lgani holda, shogirdi Abdulg'afur Loriyning o'z ustoziga asariga yozgan sharhi – “Takmila bar “Nafahot ul-uns” (“Nafahot ul-uns”ga qo'shimcha)

4-шуба

haqida ham ma'lumotga ega. Yana xuddi shunday bir misolni Alisher Navoiyga bag'ishlangan sahifalarda ham ko'rish mumkin. "Boburnoma"da Alisher Navoiy qalamiga mansub asarlarni birma-bir sanab turib: "*Ul jumladin, insholarini Mavlono Abdurahmon Jomiyga taqlid qilib jam qilibtur. Hosila kalom, har kimga har ish uchun har xatkim bitibtur, yig'ishtiribtur*", - deydi [1]. Bu ma'lumotdan ham ko'rinib turibdiki Mirzo Bobur Jomiyning forscha ruq'alaridan, ya'ni "Munshaot" asaridan ham yaxshi xabardor.

"Boburnoma"da Abdurahmon Jomiyning ijodkor sifatidagi estetik tamoyilini, adabiy qarashlarini yaqqol ko'rsatadigan bir ma'lumot bor. Aslida bu ma'lumot Hirot shoirlaridan biri Shayxim Suxayliyga bag'ishlangan o'rinda keltirilgan: "Suxayliy" taxallus qilur uchun Shayxim Suxayliy derlar edi. Bir tavr she'r aytur edi. Qo'rqkudik alfoz va maoniy darj qilur edi. Aning abyotidin bir budur:

Shabi g'am gird-bodi oham az jo burd gardunro.

Furo' burd ajdahoi sayli ashkam rub'i maskunro [1].

(Mazmuni: G'am kechasi ohimning quyuni osmonni o'rnidan qo'zg'atdi, Ko'z yoshim selining ajdahosi yer yuzini yutib yubordi).

Mashhurdirkim, bir qatla bu baytni Mavlono Abdurahmon Jomiy xizmatida o'qubtur. Mavlono aytibdurkim: "*Mirzo, she'r aytasiz yo odam qo'rqutasiz?*"

Biz ushbu parcha orqali Abdurahmon Jomiy shaxsidagi bag'rikenglik, ustozga xos ma'naviyat, madaniyatning yuksakligi, muomala etiketi, mutoyibaga moyillik xususiyatlarini ko'rishimiz mumkin. Yuqorida Abdurahmon Jomiy va Shayxim Suxayliy o'rtasidagi ijodiy suhbat Jomiyning estetik qarashlarini ko'rsatadi degan edik. Aslida Jomiyning Suxayliyga e'tirozi qaysidir ma'noda Mirzo Boburning ham adabiy-tanqidiy qarashlariga mos. Ilmi badiadan mubolag'a san'atining tabiatini barchamiz yaxshi bilsakda, Mirzo Bobur kabi "*bayoni voqeini...rost bitilgay*" tamoyiliga amal qiladigan realist ijodkorlar mubolag'ali tasvirni ham voqelikda mavjud bo'lish imkoni bor yo yo'qligiga e'tibor qaratadilar, me'yorni unutmaydilar.

Xulosa qilib aytganda, "Boburnoma"da Abdurahmon Jomiy ijodiga maxsus to'xtalinmagan bo'lsada, yuqorida keltirilgan muxtasar ma'lumotlarning o'zidayoq Mirzo Boburning Jomiy adabiy-ilmiiy merosiga, shaxsiyatiga bo'lgan cheksiz hurmati va bugungi kun kitobxonini Abdurahmon Jomiydek buyuk mutafakkirning insoniy va ijodiy dahosiga yaqinlashtiradi. Mumtoz adabiyotimizning har ikki cho'qqisi – Alisher Navoiy ham, Mirzo Bobur ham Abdurahmon Jomiyi fors-tojik adabiyotining peshqadam vakili, ayni paytda o'zbek adabiyotining buyuk do'sti, uning rivoji, parvarishi uchun jon chekkan ustoz ekanligini avlodlar qalbiga muhrlab qo'ydilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Bobur. Boburnoma. –T.: Yulduzcha, 1989.
2. Bobur Z.M. Boburnoma. V.Rahmon, K.Mullaxo'jayeva tabdili. –T.: O'qituvchi, 2008.

4-шубба

OYBEK LIRIKASIDA TABIAT TASVIRI

Dilnavoz Akmalovna Salimova,

Jizzax DPI O‘zbek adabiyoti o‘qitish

metodikasi kafedراسи dotsenti,

filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Poeziyada tabiat tasviri shoir dunyoqarashi va tafakkuri darajasi bilan chambarchas bog‘liq holda namoyon bo‘larkan, shu o‘rinda adabiyotshunos olim T. Boboyevning quyidagi ta‘rifi nazarimizdan o‘tadi: “Peyzaj asar kompozitsiyasida, albatta, aniq g‘oyaviy maqsadni ifodalaydi: **a)** qahramon harakat qiladigan tabiiy muhitni ko‘rsatadi; **b)** qahramon xarakterining u yoki bu qirralarini ochishga xizmat qiladi; **s)** asarda tasvirlanayotgan voqea-hodisaga tarixiy-konkret tabiiy tus beradi” [1;175]. Demak, badiiy asarda tabiat tasviriga berilgan bunday ta‘rif she‘riy asarga ham xos bo‘lib, yuqorida tilga olgan shoirlarimiz ijodida bu unsurlarni uchratishimiz tabiiy. Shoir Oybek ijodida peyzaj tasvirlari olim ta‘kidlagan omillarning qaysi biriga mansub bo‘la oladi, degan savolga nazarimizda quyidagicha javob berishimiz mumkin: **b) qahramon xarakterining u yoki bu qirralarini ochishga xizmat qiladi.** Ushbu fikrga qo‘shimcha qilishni istardikki, Oybek she‘riyatida tabiat tasviri lirik qahramon dunyoqarashining butun boricha gavdalantirish vazifasida turadi. Oybek lirikasi o‘zbek adabiyoti tarixida muhim hodisa sifatida baholanadi. Adabiyot olamiga tashlagan ilk qadamlaridanoq, Oybek Ona Vatan, uning boy zamini, fusunkor tabiati va mehnatkash odamlarining ma‘naviy olamini she‘riyat vositasida ifodalash o‘rtasida uyg‘unlik mavjud ekanligini his qilgan, ya‘ni yosh shoir she‘riyatni bir butun mavjud narsa sifatida tushunarkan, she‘riyatni tabiat va inson bilan ajratib bo‘lmaydi deb hisoblaydi. *“Tabiatga murojaat orqali shoir o‘zligiga, qalbiga nazar tashlaydi, o‘z mohiyatini tabiat unsurlari yordamida ham tushunishga urinadi. Samimiylik axtaradi, soxta munosabatlardan, turmushning ikir-chikirlari ostida yanchilib ketmagan o‘zligiga talpinadi, unga sayohat qiladi”* [3;19]. Shoir she‘riyatida ona tabiat bilan inson mavzusi har biri alohida-alohida olinmasdan, ikkisi doimiy ravishda yaxlit butunlik holatida namoyon bo‘ladi. Tabiatning inson hayotidagi beqiyos o‘rni, kishi ruhiyatiga doimiy ta‘siri faqat bir tomonlama sodir etilmaydi, aksincha, o‘z navbatida insonning tabiatga ham ta‘siri masalasi Oybek she‘riyatida o‘zining ijtimoiy vazifasini o‘taydi. Ya‘ni inson tabiatsiz biror mohiyat kasb etmaganidek, tabiat ham ushbu xilqatsiz hech qanday ma‘no anglatmaydi, degan falsafiy mushohadani she‘riy jumlarlar orqali ongimizga va shuurimizga yetkazadi. Tasavvur qiling, Oybekning istalgan she‘rini - undagi tabiatga daxldor so‘z yoki jummalarni olib tashlaylik. Bunda she‘r g‘oyasi va poetik jozibasi yo‘qoladi, bunday she‘rga “Oybek qalamiga mansub” degan bahoni berib bo‘lmaydi. Chunki, shoir she‘riyatida tabiat unsurlari shunchaki misralarga qofiya berish yoki misralarni vaznga moslab to‘ldirish yoki aksari shoirlar ijodiga xos ravishda lirik qahramonning ruhiy holatlariga vobasta bo‘luvchi detal vazifasidagina ishtirok etmaydi, balki tabiat o‘z mohiyati bilan timsol sifatida bo‘y ko‘rsatib turadiki, ushbu timsol zamirida tabiat insonga taqdim etilgan bebaho ehson va bu ehsonni mamnuniyat bilan qabul

4-шубба

qilgan shoir uni yaqin kishisini suygani kabi sevadi, uni doim ardoqlab tilga oladi, unga ozor berib qo'yishdan qo'rqadi. Quyida keltirilgan she'r misralarida fikrimiz ravshan bo'ladi:

*Yuramen, toshadi sevinchim,
Bu sevinch qayerdan – bilmayman.
Kechaning og'ushi latif, jim...
Yulduzlar chamani gullagan.
Koinot sevgisi gul kabi
Qalbimda ochilar xayol – hur.
To'ladir sevinchning qadahi,
Yulduzlar tomchilar oltin nur.*

“Nafis ipaklar bilan tikilgan bu ajib kashtada inson bilan tabiat o'rtasidagi uyg'unlik baxt va saodat atalmish buyuk tuyg'uning doyasi sifatida talqin etiladi. Yuzaki qaraganda, bu manzarada biror favqulodda holat yo'q, tinch va osuda kechalardan biri, yulduzlar chaqnab, qushlar uxlamogda... Lekin, shoir nazarida bu oddiy, tinch kechalardan emas, balki bag'ri latiflik bilan to'la, yulduzlari esa gullar kabi chaman bo'lib ochilgan kecha. Uning latif og'ushida nafaqat qushlar, toshlar ham farog'at olmogda, oy nurlarining mavjidan esa barglar ham chaqaloq yanglig' tilga kirmogdalar. Ana shu sehrli manzaradan lirik qahramon qalbida hayotga, tabiatga, koinotga bo'lgan muhabbat gullari barg yozmogda...” deya ta'rif beradi akademik N.Karimov Oybek haqida yozgan ocherk-monografiyasida [2;78].

Nima uchun tabiatga aynan muhabbat bilan oshno bo'lish motivlari Oybek she'riyatiga xos? Tabiat qudratli, u inson tafakkuridan ham yuksakroqdir, bundan tashqari ona tabiat g'amxo'r, qo'li ochiq va doim harakatda degan haqiqatni oshkor etadi. Oybek she'riyati asosiy detallaridan biri sifatida “mavj” poetemasi ko'p qo'lanishini eslatib o'tish joizki, “Mavj” – harakatni yuzaga keltiradigan kuch ma'nosida ishtirok etadi. Masalan, “Abadiyat va umr” she'rida suv va “uning mavjlari” tiriklikni harakatga keltiruvchi kuch timsolida tasvirlanadi:

*Abadiyat va umr
Singari oqadi suv.
Oq sochlarini uyqu
Silamas bunda bir qur.
Uning mavjlari ursa,
Gung toshlar tilga kirar.
O'zidan nayi dilbar
Erkalanib qutursa.*

Shoir suv obrazini markaziy o'ringa olib chiqarkan, e'tiborini aynan suvning mavjiga – harakatiga qaratadi, binobarin, suv harakatida “nayi dilbar” bo'lgan, “gung toshlarga til kirgazgan”, “sho'x-sha'nlik surgan” holatlari uning “sovg'asi” ekanligini bildiradi.

Ko'rinadiki, kishini haqiqatan mushohada etishga undaydigan bunday satrlar, birinchidan, falsafiy ma'no kasb etadi, boshqa tomondan, inson tushunchasini ona tabiatsiz tasavvur etib bo'lmasligini yana bir bor eslatadi. Shoir she'riyatida tabiat tilga olinganda, peyzajchi rassomning chizgan natura manzaralari ko'z oldimizda

4-шуба

namoyon bo‘ladi, albatta, bunday peyzaj tasvirlari barcha taniqli shoirlarning ijodida uchraydi. Aytish joizki, Oybek ijodida tabiat manzaralari, tasvirlari alohida-alohida badiiy detallar bilan chizilmaydi, balki quyosh, oy, yulduzlar, tog‘lar, daraxtlar, gullar, suv, soy, ariq, qor, yomg‘ir, shamol va boshqa unsurlarning barchasi bor tabiati bilan, tabiiylik xususiyatlari bilan she‘riy satrlarda shaklu shamoyilga ega bo‘lib turadi. Ushbu shaklu shamoyilda hech qanday xunuk, diqqatni torta olmaydigan chizgi uchramaydi. Biz she‘rlarni o‘qiganimizda, detal deb tilga olganimiz “oy, quyosh...”larni go‘zal ko‘rinishda Oybekning beg‘ubor nigohi ila ko‘ra olamiz. Oybek tabiatni sevishi haqida aniq bir fikr bildirib o‘tirmaydi, uning munosabati ortida bu sevgi oshkor tuyilib turadi, ya‘ni manzaralarni chizganida undagi ichki hayajon yurak pulsining gupillab urayotganidan dalolat beradi. Oybekdagi **tabiat** timsoli “do‘st” sifatida ko‘z oldimizga keladi. Demak, Oybekda tabiatga bo‘lgan muayyan bir munosabat mavjud ekanki, bu munosabatda tabiat Oybekning yaqin do‘stidir. Darhaqiqat, kishi do‘stidan ichidagilarini sir tutmaydi, quvonchini ham, tashvishini ham unga bildirsam, deydi. Shoirida atrof-borliqni tashkil etgan jami tabiat mavjudliklariga aytadigan gapi bor, tabiat doim uning yonginasida, unga esh. Ona-tabiatning shoir ijodida tutgan o‘rni yana shunisi bilan ahamiyatliki, *“oy, quyosh, yulduz va boshqalar” she‘riyatining ilhom parisi sanaladi ham. Chunonchi, ilhom tabiatning har yerida, har bir unsurida ekanligini “Axtarib topganimda O‘n ikki buloq, Qalbimda o‘n ikki she‘r birdan jo‘sh urdi”, deya tan oladi. Zamondoshlari xotiralarkanlar: “Axir tabiat onamizdir, ajoyib va mehribon onasiz, ona tarbiyasi va ta‘siriz farzand biror jiddiy ish qilish imkoniyatiga ega bo‘la oladimi, onadan uzoqlasha oladimi!? Axir, havo ham, ilhom ham ona tabiatda-ku!..” [3;132] degan Oybekning so‘zlarini keltiradilar.*

Oybek she‘rlarida hayotni sharaflovchi tuyg‘ular tabiat manzaralari fonida jonlanadi. Bu tuyg‘ular she‘rlarning nomlanishida ham his va ehtiroslar quyuc rangin va jo‘shqin tasvirlarda kuylanadi: “Bahorda”, “Na‘matak”, “Oqshom yulduzi”, “Shamol, bir ertak o‘qi!”, “Ko‘zlarimni bahorga...”, “Sen g‘urubning oltin qo‘llaridasen”, “Oltin sepkilli qop-qora kecha”, “Abadiyat va umr”, “Tepaga chiqamen, soyga tushamen...”, “Yulduzlar chaman-chaman”, “Tog‘sayri”, “Go‘zal Chimyon”, “Oqshom yulduzi”, “Chimyonda bir kecha” singari she‘rlai shular jumlasidandir. Albatta ushbu she‘rlar “Chimyon daftari” turkumini bezab turgan durdona namunalardir, bulardan nashqari keyingi yillarda yozgan she‘rlar nomlarini ham yodga olish kifoya, chunonchi, “Lolalar”, “Boychechak”, “Olmalar taram-taram”, “Salom, ey mungli oy”, “Kuz”, “Yulduzlar”, “Yomg‘ir”, “Bahor keldi – kumushrang kimxob”, “Tabiat to‘rtliklari”, “Shu‘lalar quyulur tog‘dan shalola”, “Quyosh qo‘shig‘i”, “Oqshom qorong‘usi – sirli manzara”, “Yo‘qmi bu falakning qirg‘og‘i, keti...”, “Yoz chog‘i... Issiqki, avjda saraton”, “Qaldiraq, yashin va jalalardan so‘ng”, “Gullar bargiga kirgan shu‘lalar”, “Go‘zalim yor, bulbul fig‘on”, “Samoda sirg‘alur oshnam – mungli oy...”, “Shu‘lalar quyular tog‘dan shalola”, “Qish kechasi guvullar shamol...”, “Ahmadjon bog‘bon”, “Og‘ir yer bag‘irlab suzgan bulutga...”, “Serbo‘yoq va serrang kuzni sevaman” kabi she‘rlarida shoir inson va tabiat munosabatining ayro bo‘la olmasligi o‘z isbotini topadi. Shu fikrlarni bayon qilganimizda shoirning mazkur she‘rlarida ona zaminda qaror topgan barcha

4-шуба

tabiiy go‘zalliklar uning nigohidan chetda qolmaydi. Shu jihatdan olib qaralganda, ushbu tafsilotlar she’rlariga maftunkorlik bag‘ishlaydi va lirik qahramonning tabiat bilan tanho qolish istagi bordek, ya’ni tabiatdan-da hamdamroq do‘st topilmasdek tuyiladi:

*Shamol, bir ertak o‘qi!
O‘zganda tog‘ustidan,
Ichib buloq boshidan,
Shamol, bir ertak o‘qi!
Archalar shoxidan tush!
Ko‘k ipakda qil jilva,
Sochlarimda givirla,
Kel, qalbimga shivirla!*

Fikrlarimizning xulosasi sifatida aytish joizki, Oybek she’riyatida tabiat tasviri bu – avvalo, Ona tabiatimizning rangin manzaralari, bebaho ne’matlari va shu tabiat qo‘ynidagi tiriklikning bardavom bo‘lishi tabiat bilan inson o‘rtasidagi uzviy rishtani tutib turadi. O‘zbek adabiyotida hali qanchadan-qancha ijod ahllari kashf etilsa-da, va bular she’riyatida peyzaj tasvirining yangi-yangi qirralari ochilsa-da, Oybek ijodiga xos peyzaj san‘ati o‘zining nafosati, badiiy go‘zalligi bilan betakrorligicha qolaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –T.: 2002.
2. Karimov N. Oybek. Mashhur o‘zbek adibining hayoti va ijodidan lavhalar. –T: Yosh gvardiya, 1985.
3. Ойбек замондошлари хотирасида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

4-шубба

ЧИН ГАПЛАР КЎНГИЛДА БЎЛАДИ
(Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси ҳақида)

Лола Иминовна Ахророва,
Жиззах ДПИ қошидаги академик лицейи
Маънавий-маърифий ишлар бўйича
директор ўринбосари,
филология фанлари номзоди

Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссасидаги қаҳрамонлар тўғрисида, андишали, оқкўнгил, оддий ва самимий, характер жиҳатидан бир-бирини такрорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган, марказдан олис қишлоқда пешона тери билан пиллакорлик, боғдорчилик орқасидан ризқ-рўз топадиган, тирикчилик ташвишида юришни ҳаёт мазмунига айлантирган ҳалол, бориға қаноат қилиб яшаётган меҳнаткаш замондош инсонлар. Асарнинг бош мавзуси фарзандсиз яшай олмайдиган ўзбек миллатининг тақдири.

Қисса VII бобдан иборат. Ҳар бир боб асар қаҳрамонининг Момо билан суҳбати билан бошланади ва бу суҳбат асар хотима қисмида якунига етказилган. Қисса *“Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол”*, – деб бошланган, бу гап моҳиятан кимга нисбатан айтилаётганини китобхон, дастлаб, тушунмаслиги мумкин. Чунки суҳбатга тортилаётган Момо вафот этганлигини асар якунидаги хотима қисмини ўқигачгина англаш мумкин. Сўнги, VII бобда Оймомо акасининг ўғли, *“ошиқ йигит”* тилидан айтилган гапга қараганда, Момонинг ҳали қирки чиқмаган [5;599]. Яқинини йўқотган инсон у билан дилдан гаплашишни исташи, хаёлан суҳбатлашиши, соғиниши, кўргиси келиши табиий ҳолат.

Асарда тасвирланган табиат манзаралари ва асар қаҳрамони тилидан баён этилган воқеа-ҳодисаларнинг деярли барчаси бири иккинчисини тўлдирди. Яъни, яқинидан ажраган инсон руҳиятидаги изтироб, армон, ўтмишни эслаш билан асар мантикий жиҳатдан VII бобда поёнига етган. Адабиётшунослар тили билан айтганда, асар сюжети ретроспекция усули, яъни, замонда ортга қайтиш усулида ёзилган.

Қиссанинги II боби *“Момомиз шундайгина бобомиз қабатларида ўтирибдилар”*, – деган жумла билан бошланган. Аслида, бу ерда тасвирга олинган ҳолатлар ҳам оқ доқа рўмолли фариштадек Момонинг бобо қабатида ўтириши ҳам асар қаҳрамони тасавуридаги сиймо сифатида қаламга олинган.

“Ёз елларида ер иси келди”, – гапи тасдиғи асар қаҳрамони – Қоплон тилидан берилган: *“Бу йил пишиқчилик яхши келди, момоси. Мевалар мўл...”*, жумласида ўз ифодасини топган. Уч нуқта қўйилиб, тугалланмаган бу матннинг давомини табиат тасвиридан сўнг: *“Момоси, ҳовлимиздаги зардолилар сувга чўлп-чўлп тушади. Зардолиларни кўчада болалар ушлаб ейди...”*, III бобда ўқишимиз мумкин.

IV боб бошида: *“...Зардолини оҳиста-оҳиста силкийман. Зардолилар дув-дув тўкилади...”*, сингари кетма-кетликда берилган ҳикоянинг давоми V

4-шуба

бобда “*Энди қайтиб бўлмас олис бир олам...*” ёдга олинаётганлигига ишора қилинади. Асар қаҳрамони тилидан айтилган: “*Шу, кўча юзларига-да мевали дарахтлар эксамми, деяпман момоси. Ўтган-кетганнинг оғзи тегади-да, болалар ейди-да...*”, – деган гапидан ниҳоятда болажон, атрофидагиларга фақат фойдаси тегадиган, иймонли, ёқимли фазилатлар соҳиби бўлмиш ҳамюртимиз Қоплон бобо сиймоси гавдаланади.

VI боб бошида берилган мант ичида: “*Эсингдами, момоси, – дедилар*” – гапидан баён этилаётган воқеалар Қоплон бобога алоқадор инсонлар асар яратилган даврда эмас, бундан бир неча ўн йиллар аввал содир бўлганини англаймиз.

Қисса жанри талабларига тўлиқ риоя қилинган бу асарни адиб қаҳрамон ҳаёти ва саргузашларини нозик рухият, юксак дид билан яратган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад “Ойдинда юрган одамлар” қиссасини “муҳаббат кўшиғи” деб атаганлиги ҳам бежиз эмас. Боиси, асар қаҳрамоннинг вафот этган турмуш ўртоғи билан боғлиқ ўй-хаёллари ва ўтмишга айланган салкам 30 йиллик турмуш хотиралари тарзида ёзилган. Чунки қиссанинг талаби шундай, унинг ҳажми ҳам катта эмас: бор-йўғи 102 бет бўлса-да, одатдаги қиссалардан асар тузилиши фарқланади. Асар жами VII боб, ихчам ҳажмдаги 164 қисмдан иборат. Масалан, I боб Қоплон ва Оймомонинг никоҳ тўйи билан боғлиқ 37 та қисмда баён қилинган. VII бобда эса воқелик бугунги кунга қайтади.

Қиссадан чиқариб ташласа бўладиган ўринсиз воқеа-ҳодисалар йўқ. Асар сюжетини ташкил этган воқеалар сабаб-оқибат муносабатларининг ўзаро мантқиқан боғланганлиги сабабли, ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Ҳамма нарса ўз ўрнида, образлар тақдири билан боғлиқ ҳолда, ягона бир мақсадда барча воқеалар бош қаҳрамон атрофида уюштирилиб қаламга олинган. Қиссада бир-бирига кўнгил кўйиб оила қурган икки инсоннинг тўлиқ бахтдан мосуво, пешонасига ёзилган фарзандсизликнинг аччиқ азобини тортган, армон билан ўтган оила қисмати тасвирланган. Умрининг охиригача бир илинж, бир умид билан ҳаёт кечирган Оймомо ва Қоплон эл-юрт олдида мунғайиб кун кечиришга мажбур: “бефарзанд” деган гап-сўзлар кишига ёмон таъсир қилади. Улар йўқ фарзандга исм кўйишади, бир-бирига “момоси”, “бобоси” деб муружаат қилишади.

Улар фарзанд кўриш илинжида умид билан бундай вазиятда тавсия қилинадиган барча амалларга кўл уришади. Қоплоннинг отаси ёлғиз ўғлини тирноққа зорлигидан, умрини беҳуда ўтказётганлигидан куйиниб “*Бир оғиз гапни айтиб, жавобини бериб юбориш шунча қийинми?*” – дея ўғлини қистовга олади, бироқ ўғил унинг бу талабига кўнмайди. Ота йўлига юрмаган ўғлидан юз ўгириб, унинг уйини тарк этади ва қайтиб бу хонодонга қадамини босмай, дунёдан ўтади. Ҳа, Қоплон учун Оймомодан кўнгил узиш, жавобини бериб юбориш қийин, чунки бу жуфтликнинг дарду ташвишини сўз билан тушунтириб, изоҳлаб бериб бўлмайди. Оймомо учун ҳам умрида кўз очиб кўрган “*суюқлидан-суюқли*” одамидан воз кечиш азоб. Уларни бир-бирига сирли-синоатли муҳаббат боғлаб туради. Инсон табиати шундай: ўзгалар

4-шуба

ташвишини осон ҳал қиламиз, муммо ечимини осон топамиз. Ўзимизга қолганда, масалага бошқача, гоҳида худбинларча ёндашамиз.

Адабиётнинг “сочини оқартирган”, “юзига ажинлар солган” ишқ–муҳаббат мавзусида сон-саноксиз асарлар яратилди. Узоқ вақт хотирамизда сақланиб қоладиган, адабиёт ихлосмандлари учун “севишганлар ҳақида гўзал кўшиқ” таърифини олган Тоғай Мурод асари қаҳрамонининг **“Чин гаплар кўнгилда бўлади. Тилга чиқса, ёлгон бўлади”**, –деб ардоқлаган муҳаббати ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган оғриқли бир армон билан тугайди.

Асар қаҳрамонларининг иккаласи ҳам тушларида фарзандлик бўлишганини кўришади, Қоплон афсонавий Хўжаи Хизрни кўради. Инсон қаттиқ ўйлаган ёки ҳавотирланган нарсасини тушида туриши табиий ҳолат, аммо иккаласининг ҳам туши ўнгидан келмайди.

Қисса романга нисбатан кичик ҳажмли эпик асар бўлганлиги сабабли битта қаҳрамон ҳаракатланади. Шу сабабли асарда иштирок этадиган персонажлар кўп эмас. Лекин нимагадир асар қаҳрамонларидан ташқари ўқувчи хотирасида ҳисобчи, шўро котиби билан Қиммат момо образи ҳам сақланиб қолади.

“Ойдинда юрган одамлар” хотимасида қадрдонидан ажрагач ҳам дардини ўзгаларга дoston қилмаган, ҳасрат-надоматларини ичига ютган, ўз ёғига ўзи қовурилиб юришга одатланган одамови бош қаҳрамон сиймосида улкан қалб соҳиби – Қоплон бобони яхши кўриб қоламиз ва у хотирамизда шундайлигича муҳрланиб қолади.

Қиссани мутоала қилар экансиз, ижодкор маҳоратидан, унинг матн устида, характерли образлар яратиш борасида катта меҳнат қилганлигига гувоҳ бўласиз. Тоғай Мурод ниҳоятда кенг ва чуқур билимларга, яхши хотирага, бой дунёқарашга эга синчиков истеъдод соҳиби экан, деган тўхтамга келасиз.

Афсуски, Тоғай Мурод асарлари ҳақида ўқувчиларга етарли маълумот бериш учун адабиётга оид манбаларнинг биронтасида, ҳатто 2010 йилда чоп этилган “Адабиётшунослик луғати”да ҳам, бошқа дарслик ва қўлланмаларда маълумот йўқ. Ҳолбуки, адибнинг охириги асари 1998 йилда ёзилган.

Ўз халқи маънавий меросига эътиборсиз бўлмаган инсон ва адабиёт ихлосмандларига, тилшуносларга, миллий урф-одатларимизнинг тарихий моҳиятига қизиққанларга ушбу китоб мутоаласини тавсия қилган бўлардим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қодирий Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2014.
2. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан, 1991.
3. Саид Аҳмад. Тоғай Муроднинг кўшиқлари. – Т.: 1994. togaymurod.uz
4. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1986.
5. Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2018.
6. Қурононов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akadernashr, 2010.

4-шубба

**OGAHIYNING KICHIK JANRLARDAGI SHE'RLARIDA FALSAFIY,
MA'NAVIY –AXLOQIY QARASHLAR IFODASI**

Madina Xabibullayevna Matyaqubova
Xorazm viloyati Xiva shahridagi
Ogahiy ijod maktabining Oliy toifali o'qituvchisi,
filologiya fanlari nomzodi

Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy she'rlarining kompozitsiyasi va g'oyaviy xususiyatlarini ko'rib chiqishdan avval shoirning adabiy-estetik tamoyillarini, undan ham avval esa Ogahiyning e'tiqodi, falsafiy-axloqiy qarashlari, ya'ni uning jamiyat va borliqqa bo'lgan munosabatini o'rganish kerak. Demak, shoirning badiiy mahorati, uning falsafiy qarashlari, so'ngra estetik tamoyillari bilan chambarchas bog'langan bo'lib, ijodiy salohiyatini belgilovchi asosiy omillardandir. Ogahiy she'riyatini tarixiy, falsafiy-estetik badiiy mahorat jihatdan o'rganishgina uning merosi mohiyatini tub ma'noda anglash, o'ziga xos poetikasini to'la ochib berish imkoniyatini yaratadi. Masalaga shu nuqtayi nazardan yondashish ijodkorning g'oyaviy-badiiy qarashlarini ochib berish bilan birga, uning tarixiy xizmati va badiiy-estetik tafakkur taraqqiyotiga nechog'lik hissa qo'shganligini aniqlash uchun ham muhimdir.

Ogahiyning ijtimoiy-falsafiy va estetik qarashlarida ijodkorga xos bo'lgan tarixiy doirada fikrlash, real voqealar dalilida hamma narsada hodisalarning umumiy bog'liqligi qonuniyatlarini mushohada qilish yotadi. Shuning uchun ham Ogahiy tarixiy shaxs qiyofasida ana shu o'zaro bog'liqlik qonuniyatlari timsolini ko'radi. Inson shaxsiyatini o'rganar ekan, uni insoniyat taqdiri, madaniyat, ma'rifat va fan tarixida chuqur iz qoldirgan tafakkur mahsuli bilan bog'laydi. Shu boisdan ham shoir tanlagan har bir shaxs Ogahiyning ijtimoiy-falsafiy qarashlarida alohida ahamiyat kasb etadi va o'sha shaxsning hayot yo'li va qarashlari insoniyat qarashlari majmuasining tarkibiy qismi sifatida tasvirlanadi. Ogahiy o'z salafllari orasida o'tmish va o'z davri tafakkurining ijtimoiy-falsafiy va estetik mazmunini yaxshi o'zlashtiribgina qolmay, balki yana bir pog'ona tadrijiy rivojlantira olgan shoir ham bo'lgan.

Ayniqsa, Ogahiy falsafiy-estetik qarashlarining qaror topishida va olam hodisalarining rang-barang shakldagi ko'rinishlarini o'rganishda o'z boshidan kechirgan voqe-kechinmalar muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ular mushohadasi orqali shoir ongida hayotda yuz bergan voqealarni idrok etish va voqelikning juda ko'p qirralarini, xususiyatlarini aniqlash imkoniyatiga ega bo'ladi. Natijada, o'tmish bilimlari bilan o'zining real hayotdan olgan falsafiy mushohadalarini qiyosiy o'rganish orqali, olamning murakkab va rang-barang doimiy harakatdagi ko'rinishlariga davr va tarix taraqqiyoti, qolaversa, tarixiy shaxslarning turli-tuman hayot yo'llari va taqdiriga haqqoniy baho berishga intiladi. Shuning uchun ham Ogahiy tomonidan real inson obrazini idrok etishga qilingan say harakati o'ziga xos estetik vazifa sifatida ko'riladi va tasvirini chizish esa ana shu insoniyatga xos

4-шуба

boʻlgan umumiylikning juzʻiy tarkibi sifatida asar toʻqimasiga singdiriladi. Shoir biror bir shaxs, voqea, holat va sharoitning murakkab mazmuni va mohiyatini oʻrganib, yakuniy xulosaga kelishidan oldin, maʼlum falsafiy mushohada va uzoq hayotiy kuzatishlar yoʻlini bosib oʻtadi. Bu yoʻl sanʼatkor maʼnaviy qiyofasining tadrijiy bosqichi va ijodiy oʻzligining qaror topish davrini tashkil etadi. Ogahiy falsafiy-estetik qarashlarining vujudga kelish kurtaklari ham ana shu bosqichlar davrida paydo boʻla borgan, desak yanglishmagan boʻlamiz. Shoirning falsafiy-estetik qarashlari negizida sharq mumtoz adabiyotining buyuk soʻz sanʼatkorlari Firdavsiy, Umar Hayyom, Pahlavon Mahmud, Saʼdiy Sheroziy, Hofiz Sheroziy, Jomiy, Navoiy, Fuzuliy va Bedillarning taʼsiri sezilib turadi.

Ogahiy oʻz salaflari singari oʻzi yashagan davrning, XIX asrning, eng muhim voqealarini ilgʻor gʻoyaviy-badiiy, maʼnaviy-axloqiy qarashlari asosida ifoda etdi.

Ogahiy sheʼriyati xalqchilik, halollik hayotga faol munosabatda boʻlish, hayotdan lazzatlanish, dunyoni bir butunlikda anglash, zulm va zoʻravonlikni qoralash kabi masalalarni kamrab olganligi bilan ham ahamiyatlidir. Shoir lirikasida olam va odam, shaxs va jamiyat, turli ijtimoiy tabaqa va guruhlarning munosabatlari, ular oʻrtasidagi ziddiyatlar goʻzal va taʼsirli holda talqin qilingan.

*To kajlik ila kirdi falak davronga,
Dono hama non gadosidur nodonga,
Tuzlik bila aylansa edi gar gardun,
Nodon yuzi tushmagay edi bir nonga*

misralari Ogahiy dunyoqarashi va estetikasining yorqin misoli oʻlaroq, teran fikr va falsafiy mushohadaga boyligi bilan xarakterlidir.

Ogahiy hayotga oʻz mezoni bilan qaraydi. Lirikasida real borliqni, unga oʻz munosabatini bildirar ekan, ilgʻor insonparvarlik gʻoyalarni ifoda etadi. “Hayot guli” (Navoiy) boʻlgan insonni ulugʻlaydi va uni hamma narsadan sarbaland deb biladi.

*Sarbaland oʻlsam ajab ermas bani odam aro,
Kim muayyan ul sarafroz nasli odamdir mango.*

Shoir oʻzining odam naslidan ekanligi bilan faxrlanadi. Lekin har qanday kishi ham inson, odam degan nomga loyiq boʻlavermaydi, degan asosli falsafiy fikrlarni ilgari suradi:

*Zarra uchubon nayyiri aʼzam boʻlmas,
Er bolish etib, avji falak ham boʻlmas.
Inson aro nodonni biling hayvondur,
Hayvon necha zoʻr aylasa, odam boʻlmas.
Yoki:*

*Qilmoq bila parvarish tikan gul boʻlmas,
Ham tarbiyat ila zogʻ bulbul boʻlmas.
Gar asli yomonga yaxshilik ming qilsang,
Yaxshilik oning niyati bilkul boʻlmas.*

Ogahiy insoniylik sharafiga dogʻ tushiradigan, maʼnaviy kamolotga xalal beradigan barcha yomon xususiyatlarni, illatlarni ayovsiz fosh qiladi. Xususan, u

4-шуба

quyidagi qit'ada inson kamolati yo'lidagi ba'zi axloqiy xislatlar haqida shunday mulohazalarni bayon etadi:

*Qanoat go'shasida xoksor ulmokdi odat qil,
Agar yetmak tilarsan mehr yanglig avji izzatga.
Tama tark aylabon eldin etak xurshiddek chekkil,
Ki, to o'ltirmagaysen soyadek mazallatga.
Qanoat davlati boqiydurur, qoni'gakim, xargiz
Muyassar bulmagay tomi'ga yetmak ushbu davlatga,
Tama idbori tomi'ga tunganmas mehnatidurkim,
Etushmak mumkin ermas o'lgucha bir lahza rohatga.*

Ushbu qit'a orqali shoir o'zining falsafiy-axloqiy qarashlarini ifoda qilar ekan, insonni qanoatli bo'lishga da'vat etadi.

Qanoatli inson ham shaklan, ham mazmunan xoksor bo'ladi, u tama' kabi g'ayri axloqiy xususiyatlardan holi. Shu bois, qanoatli inson "mehr yanglig'", ya'ni quyosh singari izzat-u ikromda, uning boyligi ham, davlati ham o'z nafsini idora qila olganligida. Qanoatli kishi moddiy mashaqqat-u qiyinchiliklarni yenga olganligidan ham ruhiy va ham ma'naviy rohatga erishadi. Qit'aning asosiy g'oyasi ham ana shu o'zligini o'zi idora qila olish kabi buyuk xislatdir.

Ogahiy kichik janrlardagi she'rlarining asosiy g'oyaviy yo'nalishini shoir yashab ijod etgan tarixiy davr jamiyat muammolari, insonning axloqiy tarbiyasi bilan bog'liq bo'lgan hayotiy masalalar tashkil etadi. Shoir she'rlarida halollik va vafo saxovat va muruvvat, muhtojlik va qanoat kabi yaxshi xulqlar madh qilinadi. Buxl va xislat, kibr-u hasad, shumlig-u badbaxtlik, johillig-u nodonlik kabi yomon xulqlar kishilarning tuban va jirkanch xususiyatlari sifatida qoralanadi.

Ogahiy kishilarni fe'l-atvoriga qarab, yaxshi-yomonga ajratar ekan, buning boisini axloqiy tarbiyada, deb biladi. Shunga ko'ra, shoirning katta asarlaridagi kabi, kichik janrda yozgan she'rlarida ham axloqiy qarashlar asosiy, markaziy o'rinni egallaydi. Uning fikricha, inson yaxshi-yomonni ajratishi uchun, avvalo, u o'zligini anglab olmog'i lozim. Ogahiyning bunday falsafiy-axloqiy qarashlari umumbashariy, umuminsoniy adamiyatga egadir. Shoir mol-mulkka hirs qo'yimasliq o'tkinchi dunyoning havaslariga aldanmaslik, halollik va poklik mehr-oqibatlilik, muruvvatlilikka da'vat qiladi. Bu esa barcha davrlar, xalqlar uchun birday muhim ahamiyat kasb etadi. Shoir ijodidagi umumbashariy ma'naviy qadriyatlardan yana biri, o'zgalarga nisbatan adolatli, insofli bo'lishga da'vat etishdir. Mavlono amaldorlarga qarata, mehnatkash xalqqa, beva bechoralarga rahm-shafqatli, mehribon bo'lishni nasihat qiluvchi misralar bitadi.

*Shah aqlidin, el g'amidin o'lub ozoda,
Asbobi tarabni qildilar omoda.
To hashr nishot kosasidin boda,
Ichsin shahi odilu boriy shahzoda.*

Ogahiyning falsafiy-ma'naviy-axloqiy qarashlarini belgilovchi asosiy omillari, ayniqsa uning muammo janrida yozilgan she'rlarida yaqqol ko'zga tashlanib turadi.

4-шуба

Ogahiy ijodida hali o'rganilmagan, keng jamoatchilikka noma'lum bo'lgan muammo janri ham katta o'rin tutadi. Shoir devonidagi muammolarning barchasi fardlardan iborat. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, Ogahiy muammo yaratishda Navoiy va Bobur an'alarini davom ettirish bilan birga, uni yanada rivojlantirishga katta ahamiyat bergan.

Ijodkorning muammolarini o'qigan kishi uning mazmunan boy va shaklan teran ekanligiga ishonch hosil qiladi. Fikrimizning dalili sifatida Ogahiyning qator muammolariga nazar tashlaymiz. "Ta'vizul – oshiqin" devonidan o'rin olgan 80 ta muammolarning birinchi 16 tasi diqqat bilan tadqiq qilinsa, ularning g'oyaviy tuzilishi va kompozitsiyasi ijodkorning ma'lum hayotiy voqealarga bo'lgan munosabatining ifodasidan, qolaversa, o'z davri ijtimoiy hayotiga bo'lgan falsafiy qarashlaridan iborat ekanligini ko'ramiz. Bu kompozitsiyaning boshlanishi olamu odam, butun mavjudotu mahluqotning ijodkori va bunyodkori – Alloh nomiga bo'lgan hamdu sanolar bilan boshlanadi:

Alloh nomiga muammo:

*Baski yor ikki yuzi shavqida nola ayladim,
Ohim ul ikki qamar davriga hola ayladim.*

Shoirning Alloh ishqida ohu nola chekayotganligi bejiz emas. Shoirlik – Alloh bergan buyuk ne'mat, goyibidan keladigan ulug' inoyat. Nazarimizda, ko'ngil ilohiy dard bilan yonmasa, haqiqiy she'r yaralmaydi. Zero, buyuk shoir Xo'ja Hofiz bir g'azalida: "*Men she'r to'qimayman, men Allohning tili bo'lib kuylayman*", – deya bejiz aytmagan bo'lsalar kerak. Shunday ekan, shoirning Alloh haqidagi she'rlarini e'tiborsiz qoldirish, undagi falsafiy-tasavvufiy fikrlarni to'g'ri anglamaslikning o'zi gumrohlikdir.

Ma'lumki, o'rta asrlarda musulmon sharqida islomiy qadriyatlar asosida komil insonni tarbiyalashga bo'lgan intilish, insonning ham zohiriy, ham botiniy mohiyatini ilohiy qudrat bilan bog'lash ehtiyoji tasavvuf falsafasini vujudga keltirdi. Ko'pgina shoirlar dunyoviylik bilan ilohiylikni birgalikda talqin qilib, asarlarida bu ikki sifatni bir-biri bilan uzviy bog'liqlikda ko'rsatadilar. Taassuflar bo'lsinki, kommunistik mafkura tufayli bu haqiqatni "payqamadik", to'g'rirog'i undan ko'z yumdik.

Mumtoz adabiyotimizning yirik siymolaridan bo'lmish Hofiz Sheroziy, Sa'diy Sheroziy, Abdurahmon Jomiy, Navoiy singari mutafakkirlarimizning asarlari noto'g'ri talqin qilindi. Hatto, Navoiy ateist darajasiga yetkazildi. Sharqunos olim N.Komilov shunday yozadi"...hozir ham ulug' shoir (Navoiy-M.M.) asarlarini "kerakli", "keraksiz" qismlarga ajtarish, orifona mazmundagi she'rlarini nashrlardan soqit qilib, el ko'zidan yashirin, "payqamasdan" tadqiqotlarga kiritmaslik kasalligi davom etmoqda...

Vaholanki, Navoiy merosi – yaxlit bir adabiy voqelik bebaho ma'naviy xazina. Va yana muhimi shundaki, shoirning o'lmas gumanizm bilan ko'kargan hayotbaxsh g'oyalari "dunyoviy" asarlarda qanday porlab tursa, biz chekkaga surib qo'yimoqchi bo'lgan "ilohiy" asarlarda ham shunday kuch bilan nur taratib turadi. Zotan, ular zohiriy jihatdan shunday, aslida esa, botiniy ma'nolari mohiyatiga ko'ra

4-шубба

bir xil falsafiy qarashlar silsilasiga borib taqaladigan o‘zaro uzviy aloqador asarlari bo‘lib, birini ikkinchisiz tushunish qiyin [1;165].

Bu fikrlar Ogahiy ijodiga ham bevosita taalluqlidir.

“Alloh”:

*Noz ila bugun ul sho‘x bog‘ sayriga yurdi,
Loladin olib birni, boshi uzra qistirdi.*

Baytning mazmuni bizningcha shunday: dunyodagi jamiki go‘zalliklarning manbayi Alloh. Muammoda keltirilgan sho‘x go‘zal ham, maftunkor bog‘ ham, lola ham Allohning qudrati. Yaratuvchi go‘zal bo‘lgach, moddiy dunyodagi barcha narsa go‘zal. “...go‘zallikdan maqsad tafakkur go‘zalligi, ma’naviy go‘zallikni anglamoq, oliy javhar-Ruhiy azaliga monand narsalarning go‘zalligini qabul qilmokdir” [1;155].

Bundan tashqari muammodagi “1” raqami va “alif” harfining boshida turishi ham ma’lum ma’noga ega. Bu Allohning birligiga, yagonaligiga, mavjudotu mahluqotning bunyodkori va boshi ekaniligiga ishora hamdir.

“Alloh”:

*Bazm ichra olsa ul lolarux piyola,
May ko‘zguna ko‘rgusi aksi lola.*

Bayt mazmuni nazdimizda shunday: Baytdagi bazm, piyola, may so‘zlariga Qaraganda, zohiran ishratparastlik mayparastlik ma’nolari kelib chiqadi. Lekin bu yerda shoir aytmoqchi bo‘lgan botiniy fikr tamoman boshqacha, ya’ni orif kishilar orasida “rind”lar bo‘lib, ular vaqti-vaqti bilan bazm qurishgan. Bu haqda olim N.Komilov shunday yozadi: “...so‘fiy jamoalari orasida “rind”lar o‘zlarini behud, beparvo qilib ko‘rsatuvchi, botinan esa mutafakkir va zakiy bo‘lgan, dunyoning nobarobarligidan, adolatsizliklaridan zada kishilar alohida ajralib turardi. Ular bir-birlariga rozi dil aytish, hasratlashish uchun yig‘inlar uyushtirardilar. Bunday yig‘inlarda ilmu adab ahli ham ishtirok etardi, rindlar odatiga muvofiq me’yorda sharob ichib, sarxushlik qilish, erkin-ozod holda tuyg‘ular tizginini qo‘yib yuborib, kuy-qo‘shiq, she‘rxonlik “bazmi jamshid”ini tuzish rasm bo‘lgan. Alisher Navoiy “Mahbub ul qulub” asarida “rind bodaparsat”larning ahloqini bayon qilib, ularni Xudoning oshiqdari, Haqning sevgan bandalari, deb ta’riflaydi” [1159].

May-istiora tarzida ilmu ma’rifat, ishq muhabbat ma’nolarini anglatadi.

Mumtoz adabiyotning peshqadam shoirlari may timsolida mutlaq haqiqat yo‘lini, ilohiy ishq, ma’rifatni, shuningdek, kamolat maqomlari va rindona hissiyotlarni ifodalaydi.

Ko‘zgu-istiora tarzida olam. Ahli irfon (ilohiyshunoslik bilan shug‘ullanuvchilar) tasavvuriga ko‘ra, olam-azaliy va abadiy ruhning o‘z husni jamoli, kuch-qudratiga mahliyo bo‘lib, o‘z-o‘zini sevib qolishi natijasida, o‘zining jamolini, go‘zalligini tamosha qilishi uchun paydo qilingan ko‘zgudir. Ogahiy bir g‘azalida buni quyidagicha tasvirlaydi:

*Chu mahzar aylading olamni husni bemisolingga,
Bu ko‘zgu ichra bo‘ldi necha naqshi bul ajab paydo [2;43].*

Jom, qadah, piyola va shunga o‘xshash so‘zlar ramziy ma’noda moddiy dunyo sifatida qabul qilingan.

4-шуба

Insonning qalbi – Allohning maskani. Dilda ul zoti muborakning nomini abadiy saqlash, qalbdagi ana shu buyuk nurdan huzurlanish orqali mutlaq ruhning jilvasidan ko'ngilda kuchli zavq-shavq paydo bo'ladi. Kishini ma'rifat nuriga oshno qilib, kamolat sari yetaklaydi. Kamolat esa, yuksak darajada poklanish evaziga hosil bo'ladi.

Mayda yor jamolini, ya'ni Allohni ko'rish kishidan yuksak ilmu ma'rifat, zakiylik, halollik, soflik ishq-muhabbat, poklik va faqirlikni talab qiladi.

Mutafakkir shoir bu muammo orqali odamlarni botiniy go'zallikka, komil insonlikka da'vat etayotganday tuyuladi. Mayda yor jamolini qurish va undan baxramand bo'lish istagi shoirning g'azallarida ham ko'p uchraydi. Jumladan, bir g'azalida soqiyga (pirga) murojaat etib:

Soqiyo, lutf etki, ul yuz hajri dardiga iloj,

Bodayi gulgun to'la jomi munaqqashdur manga,

-deydi. Shoirning soqiyga murojaat etishi bejiz emas, negaki, aql va tafakkur bilan yetib bo'lmaydigan mo'jizaga, ya'ni yor jamoliga, visoliga yetishish uchun may-ilohey ishq-muhabbat orqali ma'rifatga erishish, uning go'zalligidan sarxush bo'lib, ko'ngilda naqsh (munaqqash) paydo qilish istagini bayon qiladi. Zero, ko'ngilda Alloh bo'lgan odam, naqshli, ya'ni go'zal xulqqa ega bo'ladi va har bir ishda go'zallikka intiladi.

Shoir yana beshta muammoni ul zoti muborakning nomlari bilan bog'lab, ikkitasiga "Alloh", bittasiga "Rahmon", ikkitasiga "Rahim" ismlarini mavsum etgan.

Ogahiy Alloh ni bilmasdan, dunyoni bilish mumkin emas, degan falsafiy g'oyani ilgari surish uchun qayta-qayta ushbu muborak nomga bag'ishlab, muammolar bitishi bejiz emas.

Ogahiy mazkur muammo va g'azallar orqali, birinchidan, diniy- falsafiy mavzuni o'zining shoirlik his-tuyg'ulari orqali go'zal she'riy shaklda, so'fiylik ta'limotining dastlabki sharoitlarini bayon etish orqali ifoda etsa, ikkinchidan, o'quvchini ham bu muammolardagi ishoralarga ko'ra, o'zini ham shu sulukka (yo'lga) kirmoqqa da'vat etmoqda.

Ogahiy ijodida inson mavzusi alohida o'rin tutadi. Shuning uchun ham ijodkor asarlarida inson ta'rifi, uning o'ziga xos betakror ma'naviy qiyofasi xislatlarini o'rganish, shoir badiiy ijodining estetik asosini tashkil qilgan. Mana inson haqida Ogahiyning aytgan bir muammosi. Uning yechimidan Odam nomi chiqadi.

Kishi topgay murodini kelib har ishni qilsa o'ng,

Fanovu faqr yo'lida balovu dardu gamdan so'ng.

Ogahiyning mazkur falsafiy ohangdagi she'ri orqali o'quvchi shoirning dunyoqarashini bilib oladi. Shoir bu muammoda so'fiylik tariqati g'oyalaridan birini ifoda etib, ruhiy kamolatga erishishning asosiy yo'llaridan birini ko'rsatmoqda. Ma'lumki, so'fiylik ta'limotida va uning suluklarida pir va shogirdlik munosabatlari asosiy o'rinni egallaydi. Ruhiy kamolat to'rt bosqichdan iborat: shariat, tariqat, ma'rifat, haqiqat. So'fiylikning dastlabki talablari esa, moddiy boyliklardan voz kechib, haqiqiy boylik-ma'naviy, ruhiy boylikka erishishiga intilishdan boshlanadi. Shuning uchun ham mazkur muammadagi birinchi misra ana shu ruhiy boylikka,

4-шубба

ya'ni tariqi faqr yo'li- so'fiylik sulukiga (yo'liga) kirgan kishilar uchun dastlabki shartlardan biri ekanligi ta'kidlanmoqda.

Ogahiy zamonasining ma'naviy yetuk kishisi sifatida insonda asliy-ilohiy jihat borligi va u o'z haqiqatini bilib olishga qodir ekanligini ta'kidlaydi. Demak, inson murodiga, ya'ni asliga yetish uchun harakat qilmog'i, hayotini behuda o'tkazmasligi, nafsini jilovlashi, ilm olishi, abadiyatni anglab yetishi, axloqini sof tutishi, poklanishi zarur. Shoir ijodiyotida muallifning shaxsiy hayotiy tajribasi asarning mukammaligini ta'minlovchi davr va tarix voqealari bilan chambarchas bog'lovchi tizimning ildizidir. Shuning uchun ham u bir she'rning ijodiy qiyofalanish jarayonida muallif obrazidan o'z davri ijtimoiy va ma'naviy hayotidagi rang-baranglikning bir yorqin ko'rinishi sifatida foydalanadi.

Bu ijodiy o'ziga xoslik Ogahiy idrokidagi yorqin lavhalar va obrazlarni o'zining xususiy qonuniyatlari orqali yoritishga keng imkoniyatlar ochib berganligining guvohi bo'lamiz. Shuning uchun ham shoirning qaysi she'rini o'qimaylik ularning har birida muallifning dunyoqarashi, dadil fikrlari, o'z davri ijtimoiy- siyosiy va ma'naviy qonuniyatlarini atroflicha mushohada qiluvchi shaxs qo'yingki, har bir lavhada o'zining o'chmas izini qoldiruvchi muallifning bevosita ishtirokini ko'ramiz, Ogahiy she'rdagi o'zining ishtiroki orqali inson va davrning bir-biri bilan uzviy bog'liqligini alohida ta'kidlaydi. Masalani bunday o'zaro vobastalikda tasavvur qilish, Ogahiyning estetik tizimida asosiy qonuniyatni tashkil etadi.

Bu ijodiy o'ziga xoslik Ogahiy idrokidagi yorqin lavhalar va obrazlarni o'zining xususiy qonuniyatlari orqali yoritishga keng imkoniyatlar ochib berganligining guvohi bo'lamiz. Shuning uchun ham shoirning qaysi she'rini o'qimaylik ularning har birida muallifning dunyoqarashi, dadil fikrlari, o'z davri ijtimoiy- siyosiy va ma'naviy qonuniyatlarini atroflicha mushohada qiluvchi shaxs qo'yingki, har bir lavhada o'zining o'chmas izini qoldiruvchi muallifning bevosita ishtirokini ko'ramiz, Ogahiy she'rdagi o'zining ishtiroki orqali inson va davrning bir-biri bilan uzviy bog'liqligini alohida ta'kidlaydi. Masalani bunday o'zaro vobastalikda tasavvur qilish, Ogahiyning estetik tizimida asosiy qonuniyatni tashkil etadi.

Shoir badiiy ijodining muhim o'ziga xos jihatlaridan yana biri shuki, unda davr hayot gavdalanishi omillari orqali o'z shaxsning ma'naviy taraqqiyoti, tadrijiyoti, taqdirining rang-barangligi, murakkabliklari oqimida asosiy qahramonning tiynatini ochib beradi.

*Ey dargohingga jam'i odam muhtoj,
Odam demayin, jumlai olam muhtoj.
Muhtojing agarchi ko'bdur, asri ammo,
Mendek topilur, jahon aro kam muhtoj.*

Yoki:

*O'n aql to'qqiz spehr-u sekiz jannat,
Ham yetti munir axtaru ham olti jihat.
Ham besh hisu to'rt unsuru uch mavlid,
Ham ikki jahon bir sanga aylar xizmat.*

4-шубба

Bu ruboiylar Ogahiy e'tiqodining o'ziga xos yo'llarinigina emas, balki shoir ma'naviyatining va badiiyatining barkamolligini, qolaversa, davrning Ogahiy hayoti timsolidagi g'oyaviy mazmunini ham o'zida mujassamlashtirgan tarixiy hujjatdir.

Ogahiy keyingi ruboiysida turli raqamlardan estetik maqsadlarda oqilona foydalanadi. Jahon xalqlari badiiy adabiyotida keng tarqalgan raqamlardan ramziy foydalanish san'atkordan chuqur bilim, yetuk saviya, o'tkir zehn, yuksak tafakkur va katta mahorat talab qiladi. Ogahiy ana shunday talant sohibi sifatida raqamlardan foydalanar ekan, o'ziga xos yo'l tanlaydi. Katta sonlardan kichik sonlarga o'tib borar ekan, raqamlar zanjirini hosil qiladi. Ularni bir-biriga shunday mohirlik bilan bog'lab, shakl va mazmun birligiga alohida ahamiyat beradi. Biz ham she'rning tuzilishiga rioya qilib raqamlarda yashiringan mazmunni katta sonlardan boshlaymiz. "O'n aql". Hadisi sharifda: *"Avvalu ma xolaqallohu ta'la al-aqla"* (Alloh taoloning eng birinchi yaratgan narsasi aql edi) deyilgan. Bu bejiz bo'lmasa kerak Aql – insoniyatning tafakkur xazinasi. Aql insonlargagina xos bo'lgan sifat bo'lib, u shu aql-zakovati bilan dunyoni, o'zini, o'zligini anglaydi. O'zligini anglagan kishi ma'naviy barkamol bo'lib, ular o'tkir mulohazali, yetuk fazilatli, o'z vaqtini foydali ishlarga sarflaydi, bashariyat uchun naf keltiruvchi kashfiyotlar ixtiro qiladi va yomon ishlardan o'zini saqlaydi. Odatda, bunday kishilarni | odil kishilar deydilar. Aql sifatlarini quyidagacha o'nta qilib sanash mumkin: zehn, idrok, donolik, fahm-farosat, bilimdonlik, onglilik mulohazalilik hushyorlik, maftunlilik, tajribalilik. Ana shu sifatlarga ega kishini shubhasiz komil inson deya olish mumkin. Demak, Mavlono Ogahiy ruboiyda keltirgan ramziy o'n raqami, ya'ni "o'n Aql" – shoirning tasavvufiy mushohada olamini, dunyoqarashining ko'lamini, iymon-u e'tiqodini belgilovchi omil ekanligi shubhasizdir. "To'qqiz spehr" – to'qqiz qavat osmon. U dam Allohning qudratiga ishora bo'lsa kerak. «Sakkiz jannat»-badiiy adabiyotda sakkiz jannat haqida juda ko'p zikrlar mavjud. Xisrav Dehlaviyning "Xamsa"sidagi to'rtinchi doston "Hasht bihisht" (Sakkiz jannat) deb nomlanishining o'ziyoq fikrimizning dalilidir. Yetti raqami haqida fozil-u fuzalo, olim-u ulamolar, san'atkor-u ijodkorlar juda ko'p fikr-mulohazalar bildiradi. Ogahiy bu yerda «yetti munir axtar» deganda yetti sayyorani: Quyosh, Oy, Mars, Merkuriy, Yupiter (Mushtariy), Venera (Zuhra), Saturun (Zuhal)ni nazarda tutganligi shubhasiz. "Olti jihat". Odatda, olti tomon, olti taraf, deyilganda, shimol, janub, sharq, g'arb, yuqori va quyi (o'ng, so'l, old, orqa, ust, past) tushuniladi. Bu haqda *"Vatan tuyg'usi"* kitobida juda go'zal va mantiqli fikr bildiridgan. *"Ramziy ma'noda ust-osmon-ruhiyat, ost-yer-borliq orqa-ajdod, old-avlod, o'ng-tasavvur, so'l-tasavvurning ifodasi bo'lmish tasvir, aqliy va jismoniy mehnat; "Besh his" - ko'rish, eshitish, ta'm bilish, hid bilish, tana ordali sezish. "To'rt unsur"-er, suv, havo, olov. Uch mavlid"*-mavjudotning uch navi-jonsiz mavjudot, o'simliklar olami va hayvonot dunyosi. "Ikki jahon" -u dunyo va bu dunyo nazarda tutilgan bo'lsa kerak Negaki, ikki jahon ham Alloh ding qudrati. Ogahiy bu yerda insonning o'z Tangrisiga bo'lgan e'tiqodi va o'zini yaratganiga topshirishining isbotini beradi. Bir raqami-olaning turli-tuman zohiriy ko'rinishlaridan qat'i nazar, uning yagonaligini ifodalaydi. Mutlaq borliq ramzi sifatida ishlatiladi.

4-шуба

Ogahiy ushbu ruboiysida falsafiy mazmuni badiiy go'zal shaklda ifodalab, moddiy borliqning bir butunligi va u zohiran insonga, botinan yaratganga xizmat qilishini raqamlar silsilasida ifoda qiladi. Bizningcha, mana shu ruboiyning o'ziyoq Ogahiy dunyoqarashining naqadar kengligini isbotlovchi muhim dalildir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Komilov N. Tasavvuf. 1-kitob. –T.: Yozuvchi, 1996.
2. Ogahiy. Ta'viz ul oshiqin. –T.: 1960.

**АСАР КОМПОЗИЦИЯСИДА “УЧЛИК” ҚОНУНИЯТИНИНГ
ПОЭТИК ТАЛҚИНИ**

Комилжон Ўлмасович Ҳамраев,
ТДЎТАУ Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён
кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ижодий жараёнда муаллиф бадий асар композициясининг поэтик бутунлигини ташкил этишда “учлик” приципига таянади. Тўғрироғи, мазкур тизим поэтик ижоднинг қонунияти махсули ўлароқ бадий асар композициясида ниҳон бўлади. Яъни, ҳар бир бадий асарнинг семантик структурасида поэтик учлик тизими ишлайди.

Агар халқ оғзаки ижоди бадий адабиёт, адабиётшунослик соҳаларида ва мўътабар манбалардаги бадий учликнинг турфа хил поэтик талқинига назар ташланса мазкур поэтик схеманинг моҳияти янада ойдинлашади. Ушбу рақамнинг сир-синоати нафақат поэтик санъатда намоён бўлиши, балки ўзга соҳаларда ҳам муҳим роль ўйнаши ҳисобга олинса, ҳар бир ҳодисага хос бадий композициянинг поэтик қонунияти билан чамбарчас боғлиқлиги англашилади. Ҳар қандай тугал, бутун, мукамал ҳодисанинг композицияси учлик принципи асосига қурилади. Маълумки, триада Ҳегелнинг фалсафий системасида диалектик тараққиётини тавсифлаш учун қўлланган ривожланиш схемаси (тезис, антитезис, синтез)ни ифодалайди. Донишманд Пифагор фикрича, “*триада –ҳавоий, самовий аломат*” [3;214].

Умуман, олганда эса, триада бўлиб, бўлинмас уч қисмдан иборат бўлган бир бутун яхлит нарсани англатади.

Қизиғи шундаки, структура сўзининг ўзак асоси “тр” бўлиб, у қадимги ҳинд тилидаги три (уч) сўзига бориб туташади.

Бундан кўринадики, ҳар қандай ҳодиса бутунлик ҳосил қилиши учун, албатта, учликка эришмоғи зарур: бир (у бу ерда бутун бир эмас, балки учликнинг илк хади) пайдо бўлган ва бирикишга тутинган ҳодисанинг бир бўлаги, икки бирга қарши турган, у билан алоқага киришга чоғланган қисм, фақат уч вужудга келиб, бир ва икки муайян алоқага киришгандагина ҳодиса бутунлик, яъни структура касб этади. Бундай алоқадан муқаррар ўзаро таъсир

4-шуба

туғилади. Демак, структурага эга бўлиш ҳодиса бутунликка эришди, деганидир. Айни хусусиятларига кўра, учлик тузилмаси бадиий композиция сатҳида тезис, антитезис синтез бутунлик ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Ҳатто, *“адабиётшуносликда бадиий асар “шакл” ва “мазмун” тарзида икки асосга эмас, уч асосга қурилади деган қараши ҳам мавжуд. “Бундай қараши куртаклари ҳам антик даврларга бориб тақалса-да, уни илмий жиҳатдан асослаган ҳолда фанга А.А.Потебня олиб кирган, кейинчалик унинг шогирдлари, давомчилари томонидан ривожлантирилган. Унга кўра, санъат асарининг уч жиҳати бор: ташқи шакл, ички шакл ва мазмун. Адабиётга татбиқан олинганда бу мос равишда сўз, образ ва гоё демакдир”* [7;135].

Маълум бўладики, уч сони шунчаки кўпликни билдирмай бадиий ижод ва унинг поэтик қонунияти талаби ўлароқ, санъат асарининг композициясида, поэтик уйғунлик ҳосил қилишида муҳим саналади. Айниқса, халқ оғзаки ижодида бадиий учликнинг поэтик талқини ранг-барангдир. Уч олам соҳиби, уч кеча ва уч кундуз, уч йўл, уч образ, уч синов, уч жумбоқ, уч жанг кабилар фольклорга оид асарлар композициясида бадиий уйғунликни таъминлаш билан бирга поэтик форма функциясини бажаради. Ҳар қандай назарий муаммо ечимининг бир қирраси халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт поэтик хусусиятлари билан ойдинлашади. Яъни, тарихий поэтика ва назарий поэтика илмларнинг синтезлашув жараёнлари мазкур соҳаларнинг поэтик бутунлигида зоҳир бўлади. Шу маънода бадиий учлик принципнинг классик асарлар ва фольклор намуналаридаги поэтик талқинини ўрганиш долзарб саналади. Дейлик, халқ эртакларининг композицияси бадиий учлик принципи асосига қурилади. Хусусан, уч йўл ва уч образ хронотопига таяниб, воқеликни баён этиш аксарият эртакларда етакчилик қилади. Шу сабабли, фольклоршуносликка назар ташланса, ушбу бадиий учликнинг олимлар томонидан турфа хил талқин этилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, фольклоршунос Маматқул Жўраев рус, европа олимларининг илмий-назарий хулосаларига таяниб, шундай ёзади: *“Анъанавий уч йўл мотивининг таҳлили бир мифологик макон талқинида уч олам (Кўк, Замин, Ер ости) ҳеч қачон бир-бирига қиёсланмаслигини кўрсатади. Чунки эртакларда ҳамшиша икки йўл – икки олам қиёсланарди. “Булбулигўё” эртагида зумрад дарахт баргини ўғирлаб кетган қушни излаб сафарга отланган шахзодаларнинг олдидан уч йўл чиқади. Катта ака “борса келар”га, ўртанчаси “борса хатар”га, кенжа эса “борса келмас”га жўнайди. Шунда ўртанчаси: “Бу “борса хатар” чатоқ, акам билан биргалашиб, гаплашиб кетсам бўлмайдим”, - деб акасининг кетидан етиб олибди”* [6;44]. *Оламнинг дуал тузилиши акс этган бу мотивнинг характерли хусусияти – икки оламнинг ҳаёт, ўлим, омад-омадсизлик йўналишида қиёсланишидир* [2;60].

Кўринадики, олим дуалистик дунёқарашга асосланиб ўзининг прогматик фикр мулоҳазаларини илгари суради. Яъни, анъанавий учликдан муддао иккиликни ифодалаш, деган қараш устуворлик қилади. Бизнингча, бундай дунёқараш эртаклардаги анъанавий учлик қонуниятларини поэтик талқин этишга, унинг композицион хусусиятларини тушунтиришга ожизлик қилади. Чунки, бадиий учлик принципи моҳиятида контраст тушунчаларини

4-шуба

ифодалашдан кўра, композицион бутунликка хос жиҳатлар етакчидир. Яна бир фольклоршунос Шомирза Турдимовнинг бу борадаги илмий қарашлари кишига фикр уйғотиш билан бирга мулоҳаза қилишга чорлайди. Олим Шарқ мумтоз мутафаккирларининг назарий қарашларидан таъсирланиб “Чўлоқ бўри” эртагидаги уч образ хронотопи ҳақида шундай ёзади: *“Уч ака-ука инсоннинг руҳий олами, онгида кечувчи мураккаб камолот босқичларининг рамзий тимсолий ифодаси экан, бу ҳолатда “Подшо ким?” деб қўйилган саволга жавоб бериш имконига эгамиз.*

Подшо – ота: тан, жон, руҳ бирлигидан бино бўлган инсоннинг тимсолий образидир. Подшо – бу чинакам ШАХСга айланиш имконига эга индивиднинг рамзи” [4;27-28]. Ҳақиқатан ҳам фольклоршунос бадиий учлик принципининг поэтик сатҳида бутун ва қисм муносабати зоҳир бўлади, деган қарашни ўртага қўяди. Бундай хулоса янгилиги билан ўзига хос бўлсада, уч йўл ва уч образнинг ўзаро уйғунлигини кўрсатишда ожизлик қилади.

Умуман олганда, эртак энг қадимги халқ оғзаки жанрлардан бўлиб, унда уч йўл ва уч образ хронотопи ўзаро яхлитланиб, асар композициясининг бадиий ритмини ҳосил қилишда таянч форма саналади. Ушбу тизим шахмат ўйинини эсга солади. Шахмат тахтасида ҳам “уч дона уч йўл” комбинациясини белгилаб, қолган доналарни ўз ортидан эргаштиради. Яъни, фил, от, тўра доналари шахмат тахтасида уч йўл комбинациясини ташкил этади. Эртаклардаги “Борса келар” – фил, “Борса хатар” – от, “Борса келмас” – тўра йўллари қиёсий аспектда кузатилса муштарак жиҳатлари кўзга ташланади. Уларнинг ҳар бирини ўз йўналиши бўлсада, ягона мақсад сари интилиши муайян композицион бутунлик структурасига асос бўлади. Айни жиҳатлари билан ҳар қандай ҳодисанинг композицион бутунлик уч рақами типологик маъно касб этади. Бундан ташқари, учлик, кўплик, нотугаллик ва қадимда рақамларнинг интиҳоси каби тушунчаларни ҳам ифодалаган. *“Демак, аждодларимизнинг миқдор ҳақидаги қадимий тушунчаси “бир, икки, кўп”, “бир, икки, уч” тарзида намоён бўлган. Уч рақами саноқдаги охирги рақам бўлгани учун “кўп” тушунчасини ўзида мужассамлаштирган эди. Шу боис, қадимги Мисрликларнинг миҳхат усулида битилган ёдгорликларида “кўп” тушунчаси уч иероглиф, яъни “III” белгиси билан ифодаланган экан*” [1;26].

Айрим матн структурасидан гап ёки сўз тушуриб қолдирилса ва сўнги жумланинг давомийлигига ишора қилинса уч нукта белгисининг ишлатилиши, ушбу рақамнинг нотугаллик маъносини ифодалаш ҳам ойдинлашади. Аслида, уч сонининг бу каби маъно қирралари бутунликка дахлдор бўлиб, унинг моҳиятига дарс кетганлидан далолат беради. Ҳар қандай ҳодисадаги тартиб ва тартбсизлик ҳолати моҳиятида учлик принципи воқе бўлади. Халқимиз орасида *“Ер қондаси уч, учдан кейин пуч”* нақли ҳам юқоридаги қарашларга моҳиятан мос келади. *“Ҳар қандай даврийликнинг, дастлабки, кичик ҳалқаси учликда ёпилиб, ечилади. Учлик бир якуний бўгинни ташкил этади”* [4;62]. Бошқача айтганда, хаоснинг космосга космоснинг хаосга эврилиши ва бу жараённинг ялпи гармонияси моҳиятида учлик принципи воқе бўлади. Ўз навбатида санъаткор ижодий жараёнда ўзининг бадиий асарларини бунёд

4-шубба

этишда савқи табиийлик махсули ўлароқ учлик принцигига амал қилади. Агар жаҳон классиклари ижодига мурожаат қилинса, юқоридаги қарашлар янада ойдинлашади. Шарқ алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, ғарб мутафаккирлари Данте Алигъери, Уильям Шекспир асарларида айна қонуниятнинг принципи бўртиб кўринади. Дейлик, Юсуф Хос Ҳожиб асари композицияси Кунтуғди ва Ойтўлди образларининг асосига курилади. Бу икки образнинг бадиий портрети тасвирида учлик концепцияси асар қисмларини ягона фокусга жамлашга хизмат қилади. Ойтўлди уч нарсанинг тўхтаб турмаслиги ҳақида сўзлайди. Улар: оқар сув, юриқ тил, қут-давлат дея уқтиради. Кунтуғдиннинг портрети эса куйидагича чизилади: *“Элиг уч оёқли курсида ўтирар, унинг қўлида ўткир пичоқ, ўнг томонида шакар, сўл томонида захар турган эди”* [5;38-39]. Бундай учлик принципи “Қутадғу билиг” композициясида поэтик бутунлик ҳосил қилиш билан бирга асар қисмларини пайвандлаш функциясини бажаради.

Дантенинг “Илоҳий комидея”сида ҳам мисралар сонидан тортиб образлар тизими асар қисмларигача учлик қонуниятига амал қилинган. Ушбу учлик концепцияси асар композициясини ташкил этишда ёзувчининг етакчи принцигига айланган.

Демак, учлик қонуниятни халқ оғзаки ижоди намуналари композициясида поэтик қолип сифатида намоён бўлса, классик асарларда муаллифнинг бадиий махсули ўлароқ ниҳон бўлади. Табиийки, асл адабиётшуносликнинг илмий-назарий хулосалари бадиий асар матнига таянади. Яъни, адабиётшуносликнинг илмий-бадиий нуқтаи назаридан поэтик ижоднинг қонуниятларидан озиқланади. Шу маънода доно халқимизнинг “Сопини ўзидан чиқар” ибораси топиб айтилганлигига шаҳодат қиламиз. Зеро, бугунги ўзбек адабиётшунослигининг етакчи тенденцияларидан бири ҳам бадиий матнга таяниб илмий-назарий хулоса чиқаришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бородин А.И. Число и мистика (Мели С. “Ўткан кунлар” структурасида учлик принципи). –Донецк, 1975.
2. Жўраев М. Миф, маросим ва эртақ. –Т.: Мумтоз сўз, 2014.
3. Мели С. “Ўткан кунлар” структурасида учлик принципи. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
4. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
5. Тўхлиев Б. Қутадғу билиг. –Т.: Баёз, 2014.
6. Ўзбек халқ эртақлари. –Т.: 1981.
7. Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Академнашр, 2018.

4-шуба

ПОЭТИКА ИЛМИНИНГ МУҲИМ МАНБАСИ
(Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сехр” асари асосида)

Орзигул Жалоловна Ҳамроева,
ТДЎТАУ Ўзбек адабиёти тарихи ва
фольклор кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Балоғат фанлари мумтоз поэтиканинг асосини ташкил қилади. Бу фанлар таркибидаги илми баён, илми маоний ва илми бадеъ, дастлаб, Қуръони каримнинг муборак оятларини шарҳлаш, англаш воситаси сифатида юзага келган бўлса, кейинчалик бу илмлар мумтоз адабиётдаги ҳар қандай мумтоз асар таркибини англаш ва тушуниш учун муҳим илм сифатида аҳамият касб эта бошлади. Поэтика илмининг училиги – илми аруз, илми бадеъ ва илми қофия мумтоз матнни поэтик жиҳатдан тўғри таҳлил қилиш имкониятини тақдим этадиган назарий илмлар йиғиндиси. Илми бадеъ икки илмга (илми аруз, илми қофия) нисбатан қадимий тарихга эга. Бадиият илмига бағишланган бир қанча рисолалар мавжуд бўлиб, бу рисолаларда бадиият илми назарий ва амалий жиҳатдан асосланган. Дастлабки, рисолалар араб тилида яратилган бўлиб, кейинчалик улар таъсирида форс адабиётида, форсий адабиёт таъсирида туркий адабиётда бадиият илми тадқиқига бағишланган манбалар юзага кела бошлади. Араб мумтоз поэтикасида Абдуллоҳ ибн Муътазнинг “Китоб ул-бадий” [1], Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Қудамма ибн Жаъфарнинг “Нақд уш-шеър”, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотих ул-улум”, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Абдул Қаҳир Журжонийнинг “Китоби асрор ул-балоға”, форс тилида яратилган Умур Родийнинг “Таржимон ул-балоға” [5], Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сехр” [6], Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ” [2], туркий тилда яратилган Аҳмад Тарзийнинг “Фунун ул-балоға” [8] асарлари ана шундай рисолалар сирасига киради.

Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сехр фи дақойиқ аш-шеър” асари бадиият илмига бағишланган форс тилидаги муҳим манбалардан бири бўлиб, мумтоз поэтика илми тарихида муҳим аҳамиятга эга. Араб ва форс тилини мукаммал билган Рашидиддин Вотвот қалами ўткир шоир сифатида филологик илмларга қизиққан. Рисоланинг илмий-танқидий матнини илмга тақдим қилган (1929) Эрон олими Аббос Иқбол Аштиёний “Ҳадоийқ ус-сехр” асарига “форсий насрнинг дурдона асарларидан бири ва ҳозирги кунгача форсийда ёзилган шеърят назариясига оид энг муҳим асарлардан бири” сифатида юқори баҳо берган эди. “Ҳадоийқ ус-сехр” асарининг рус тилидаги нашрини амалга оширган Н.Ю.Чалисова ҳам нашр сўзбошисида Рашидиддин Вотвотнинг 21 асари ҳақида маълумот келтириб, уларнинг аксарияти маъно илми, баён илми ва бадиият илмига бағишланганини, “Ҳадоийқ ус-сехр” асарлари улар орасидаги муҳим асарлардан бири эканлигини эътироф этади. Йирик олим У.С.Нафисий Рашидиддин Вотвот асарлари орасида “Ҳадоийқ ус-сехр” асари

4-шубба

бошқа асарларига нисбатан ҳажман катта ва машҳур асар эканлигини алоҳида таъкидлайди. Чиндан, “Ҳадоийқ ус-сеҳр” рисоласи мумтоз поэтика илмига бағишланган машҳур асарларидан биридир, буни асардан келтирилган иқтибослар, рисола ҳақида ёзилган бир қанча шарҳлар орқали билиш қийин эмас. Хусусан, “Ҳадоийқ ус-сеҳр” таъсирида XIV асрда яшаган Муҳаммад Рамий Табрзий “Шарҳи Ҳадоийқ ус-сеҳр” асарини, айни даврда яшаб, ижод этган шоир Некий Ҳасан “Баҳр ус-санойи” номли шеърӣ рисолаи яратган. Мумтоз поэтика илмига бағишланган форс тилидаги ҳар қандай рисоланинг яратилишида Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр” асари таъсири яққол сезилиб туради. Гарчи турли даврлар назарийтчилари бу рисоладан тўғридан тўғри иқтибослар келтирмасалар-да, назарий маълумотлар ва байтлардан намуналар олганлар. Бу асар турли тилларда бир неча маротаба нашр қилинган. Хусусан, Эрон ва Ҳиндистонда 6 наشري мавжуд. “Ҳадоийқ ус-сеҳр” асарининг қачон ёзилгани борасидаги маълумотлар манбаларда қайд этилмаса-да, муаллиф яшаган давр асосида олимлар томонидан XII асар ўрталарида яратилган деган қараш тан олинган. Олимларнинг аксарияти асар кўлёма нусхаларининг муқаддима қисмидаги маълумотларга таянишган. Яқин даврларга қадар Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр” асари поэтика илмига бағишланган форс тилидаги илк асар сифатида қаралар эди. Бироқ турк олими Аҳмад Аташ 1948 йилда ўзининг мақоласида Муҳаммад Умар Родиёнийнинг “Таржимону балоға” асари “Ҳадоийқ ус-сеҳр” асаридан олдин ёзилганини маълум қилди. Рашидиддин Вотвот рисолаи ёзишда Наср ибн Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом” асаридан ижодий фойдаланган. Рисоладаги бадиий санъатлар таснифи ва намуналар бу таъсири яққол акс эттирган. Олим араб ва форс олимларининг мумтоз поэтика назариясига бағишланган асарлари билан таниш бўлган, уларни ўрганган. Шу асосда рисолада йирик араб назарийтчиларидан 6 тасини алоҳида эътироф этган. Хусусан, Халил ибн Аҳмад, Жоҳиз, Али Исо ар- Руммоний, Ибн Жинни, Жираб ад-Даула, Кади Қуда каби араб филологларнинг асарлари, уларнинг араб поэтикасига қўшган ҳиссалари борасида батафсил маълумот келтирилади.

Рашидиддин Вотвот “Ҳадоийқ ус-сеҳр” таркибидаги маълумотларни ўзига хос тизимда тартиблаган. Асарнинг асосий қисми 55 боб таркибига бирлаштирилган. Олим ҳар бир бобни алоҳида санъат тадқиқига бағишлаган. Рашиддин Вотвот асосий 55 санъатдан ташқари илова қисмида 8 бадиий санъат (*мусарраъ, хасий, таржиъ, акс, тадвир, мукаррар, мутанафир, муталайим*) изоҳини ҳам келтиради. Олим бадиий санъат табиатини ўрганар экан, уларни тақсимлашда ўзига хос усулдан фойдаланади: уларнинг табиати ва хусусиятидан келиб чиқиб икки турга ажратади. 1. Наср ва назмга боғлиқ бадиий санъатлар 2. Фақат назмга тегишли бадиий санъатлар. Табиийки, бу санъат турларининг сони бир хил эмас. Назмга тегишли санъат турлари наср ва назмга асосланадиган санъат турларига нисбатан кўп. Хусусан, рисоладаги 37 санъат тури назмга, 26 та санъат тури ҳар икки адабий турга асосланган. Олим *ташбеҳ, истиора, тарсиъ, тажнис, иштиқоқ, игроқ, мақлуб, мутаддад, радд ул-ажуз* ва бошқа санъат турларини наср ва назмда бирдек ишлатиладиган

4-шубба

санъат тури сифатида эътироф этади. Шу ўринда олим сажъ ҳақида тўхталиб, сажъ асосан насрга тегишли санъат тури эканлиги, унинг учинчи тури – *сажъи мутаваззингина* шеъриятга тегишли бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Олим бадиий санъатлар изоҳини қисқа шаклда келтириб, асосий эътиборни байтларга қаратади. Санъат моҳиятини англатиш мақсадида аввал Қуръони карим оятлари, Ҳадиси шариф, сўнгра араб, форс ижодкорлари байтларига мурожаат қилади.

“Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари таркибидаги бадиий санъатларни бир неча жиҳатига кўра тадқиқ этиш мумкин:

1. **3 илмнинг (илми аруз, илми қофия, илми бадеъ) ўзаро узвий боғлиги асосидаги бадиий санъатлар.** Бундай санъат турида аруз, қофия ва бадиий санъатлар ўзаро бир бутунликда шаклланади. Масалан, *тарсий, сажъ, муталаввин, иънот, зулқофиятайн, мусарраъ* каби бадиий санъатлар 3 илмнинг бутунлиги асосида юзага келган.

2. **Жанр ва бадиий санъатларнинг ўзаро узвийлиги асосида юзага келадиган бадиий санъатлар.** Бундай санъат турларига *мусаммат, таржий, хасий* каби санъат турларини намуна сифатида келтириш мумкин.

3. **Байт ёки мисра моҳиятига бадиийлик беришга асосланган бадиий санъатлар.** Бундай санъат турларидан мумтоз матнга бадиий гўзаллик, ҳусн бериш мақсади билан фойдаланилади. Бундай санъат турларига *ҳусни матлаъ, ҳусни мақта, ҳусни тахаллус* каби санъатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

4. **Ҳарф ва шакллар билан боғлиқ бадиий санъатлар.** *Тажнис, шитиқоқ, мақлуб* каби санъат турларининг асоси ҳарфлар, ҳарфлар асосида ташкил топган сўзлар моҳияти билан боғлиқ.

5. **Балогат илми билан боғлиқ санъатлар.** Бундай санъат турларида баён илми асосий ўринда туради. Бадиий санъат матн моҳиятини тўғри англаниши учун хизмат қилади. Масалан, *истиора, таибиҳ, изроқ ас-сифат, тажоҳул ул-ориф, жаъм ва-т тафриқ ва-т тақсим, ҳусни таълил.*

6. **Мумтоз матн, байт таркибига бошқа бир матннинг киритилишига асосланган бадиий санъатлар.** Бундай санъат турларига *ирсоли масал, ирсоли масалайн, тадмин* санъатларини намуна сифатида келтириш мумкин.

7. **Араб ҳарфлари, шакллари асосланган бадиий санъатлар.** *Муқаттаъ, мувассал, мутазалзал* каби санъат турлари араб ҳарфларининг кўшиб ва ажратиб ёзилишига асосланади.

8. **Топишмоқ ва жумбоқларга асосланган бадиий санъатлар.** Мумтоз матнларда жуда кўп қўлландиган *мувашиша, луғз, мураббаъ, тадвир, таърих, муаммо* каби санъат турлари маълум бир моҳият ва шаклни топишга асосланади.

Демак, мумтоз матнлар моҳиятини тўғри англашга, матн моҳиятига бадиият, ҳусн юклашга хизмат қилувчи бадиий санъатлар назарий жиҳатдан қадим тарихга эга. Уларнинг назарий асослари акс этган манбаларни ўрганиш

4-шуба

орқали уларнинг амалий жихатини чуқурроқ англаш, мумтоз матнларни тўғри таҳлил ва талқин қилиш мумкин. Шу маънода Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр” асари мумтоз поэтика илмини ўрганишда муҳим манбалардан бири сифатида катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Абдуллоҳ ибн Муътаз. Китоб ал-бадиъ / И.Ю.Крачковский. Избранные сочинения. Т. VI. – С. 179-257.
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси). –Т.: 1981.
3. Абдурахмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. Калькутта, 1867.
4. Вохид Табризи. Джем и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959.
5. Муҳаммад ибн Умур ар-Родиёний. Таржумон ул-балоға. Бо таснифи муқаддима ва зайли ҳавоши ва тарожими аълум ба хомаи қавим. –Техрон, 1339.
6. Рашид ад-дин Ватват. Хада’иқ ас-сеҳр фи дақа’иқ аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985.
7. Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. – Душанбе: Адиб, 1991.
8. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. –Т.: Хазиана, 1996.

**НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА
АҚЛ ТИМСОЛИНИНГ ТАСАВВУФИЙ МОҲИЯТИ**

**Алишер Абдузоҳидович Раззоқов,
Самарқанд ДУ Мумтоз адабиёт тарихи кафедраси ўқитувчиси,
фалсафа фанлари доктори (PhD)**

Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг энг муҳим методологик асослари шоир мансуб бўлган ислом дунёси илмлари, тасаввуф тарихи, таълимоти ва адабиётидир. Бу асосларсиз Алишер Навоийнинг нафақат диний-тасаввуфий мавзудаги асарлари, балки китобхонга оддий инсоний ҳис-туйғулар, кечинмалар тасвиридек кўринадиган лирик асарлари мавзу ва ғоясини ҳам тўлиқ идрок этишнинг имкони йўқдир.

Маълумки, исломий ва тасаввуфий нуқтаи назарга кўра, ақл Яратганни таниш – маърифат йўлида восита бўла олмайди. Машҳур мутасаввиф Айнулқуззот Ҳамадонийнинг фикрича, “...ақл фақат моддий дунёдаги воқеаларнигина тушуниб этиши мумкин, Ҳақнинг моҳиятини англашда эса ожиздир” [4; 42]. Тасаввуф ўзининг бундай қарашини исломий ақидадан олган, унга кўра “...ҳис қилиш аъзолари ҳам тўла илм олиш учун кифоя қилмайди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси маълум бир чегарагача илм олиш учун ярайди, холос” [7;

4-шуба

22]. Мазкур келтирилган ҳаволалар мумтоз шоиримизнинг “ақл” ҳақидаги ирфоний қарашларига озми-кўпми ойдинлик киритади, деб умид қиламиз.

Инсон том маънода ақл билангина бошқа мавжудотлардан афзал ҳисобланса-да, сўфийлар ақлга нисбатан тасаввуф нуқтаи назаридан ёндашганлар. Уларнинг фикрича, “...Ақл илоҳий бир нурдир. Улар (сўфийлар – А.Р.) икки турли ақл борлигини эътироф этганлар. 1. Ақли кулл – илоҳий, қудратли, мутлоқ ақл бўлиб, тангрининг фаол тажаллисидан иборат... 2. Ақли жузъ – инсон ҳаёти, яшаш одоби, фаолиятига тегишли ақлдир. Ақли жузъ иккига ажратилган. 1. Ақли маод – илҳом ва ирфон билан тарбияланган инсонни охиратдан огоҳ қиладиган ақл. 2. Ақли маош – мавжуд дунё ҳаётини тушунишига хизмат этадиган ақл. Ақли маод имон соҳибларига, “ақли маош” эса барча кишилар учун хос деб ҳисобланган” [8; 87].

Демак, Навоий ирфоний қарашларидаги Ҳақни танишдан ожиз ақл бу – юқорида сўфийлар таърифини келтирган ақли жузъ экан. Навоий шеъриятида, умуман, тасаввуфий адабиётда ақл ва ишқ бир-бирига қарама-қарши қўйилар экан, ақлнинг мана шундай хусусиятлари назарда тутилган. Ақлга зид равишда ишқ – маърифат, ирфон рамзи; ошиқлик эса – илоҳий маърифатга талабгорлик, ёки май – илоҳий маърифат; ринд, майпараст каби тимсоллар эса ирфон ва маърифат соҳиблари – орифлар ва авлиёлар рамзи; аҳли фалсафа – фақат зоҳирий илмлар билангина таллашиб-тортишиб, илоҳий сирлардан беҳабар қолганлар; телбалар, беҳушлар жамоаси эса қалби илоҳий сирлар ва ирфон махзани бўлган орифлар рамзи сифатида тасвирланган.

Навоий ҳамдларида ҳам тезис сифатида баён қилинган ушбу қарашлар девонлардаги махсус ғазалларда ёки айрим байтларда рамзийлик асосида бадиийлаштирилган. “Фавойид ул-кибар” девонидаги “хирад” радифли ғазални ҳам “ақл” ҳақидаги ирфоний қарашларнинг бадиий талқини десак бўлади. Ғазал яхлит бир мавзуга бағишланган бўлиб, унда ақл ва унинг ишқ йўлидаги ҳолатлари хусусида фикр юритилган. У қуйидаги мақтаъ билан бошланган:

Эй сочинг занжирда ошуфта-ю шайдо хирад,

Ул савод ичра топиб сармоёи савдо хирад [2; 130].

Ушбу байтда илоҳий ҳусн аёнлашган гўзал сочига ошуфта бўлган ва бу ошуфталикдан савдойиликка йўлиққан ақл тимсоли тасвирланган. Соч ва зулф шеърятда тасаввуфий истилоҳ сифатида моддий олам ёки асл моҳият – юзни яшириб турувчи ҳижоб маъноларини ҳам англатган. Байтда мазкур маъно назарда тутилган бўлса, асл моҳият қолиб ташқи белгилар билангина оввора бўлиб қолган киши тасвирланган. Соч моддий олам рамзи эканлиги назарда тутилган бўлса, Ҳақни танишга фақатгина моддий олам воситасидагина етиш мумкин, деган мазмун-моҳият яширинган. Кейинги байт мазмуни ҳам шу фикрларнинг давомидек таассурот қолдиради:

Гар жунун дафъигадур занжир, кўргил, ким қилур

Ул салосил қайдида девоналиғ пайдо хирад.

Бунда соч занжирга ўхшатилиб, қадимда ақлдан озган кишиларни занжирбанд қилиш орқали даволаш одатига ишора қилинган. Байтда эса,

4-шуба

бунинг акси ўлароқ, занжирбанд ақлда девоналик сифати пайдо бўлган. Чунки у зоҳирий аломатларга ўралашиб қолиб, йўлдан адашган.

“Аҳли жунун” - тасаввуфий маънодаги шеърларда Ҳақ маърифатига восил кишилар рамзи сифатида тасвирланган. Ғазалнинг қуйидаги байтида ҳам жунун аҳлининг ишқ қўлида ожизу нотавон бўлсалар ҳам ақлдан беҳожатликлари тасвирланган:

*Бўлди ишқ илгида андоқким, керак зору забун,
Айламак борди жунун аҳлига истиғно хирад.*

Хирад (ақл) ҳам охир-оқибат лирик қахрамондек ишққа мағлуб бўлади, лекин ҳеч бир шафқатли киши унга хираддек ғам емайди. Ишқ ичра жонидан тўйган ақл ҳам энди лирик қахрамонни майга рағбатлантира бошлайди:

*Ишқ аро жонига етгандин, даме истаб фароғ,
Бизга тарғиб айлар эмди соғари саҳбо хирад.*

Байтнинг ботиний маъноси бундай: Илоҳий маърифат ва сирларни ақл орқали тадқиқ этишдан ҳеч бир иш чиқара олмаган киши энди кўнгли маъно ва сирлар хазинаси бўлган пири комилдан нажот кутади ва бу йўл талабида бўлган кишини ҳам шунга тарғиб қилади.

Ишқ инсондан фаноликни – башарий сифатлардан, хусусан, нафс чиркинликларидан қутулиб, руҳоний сифатларга эга бўлишни талаб этади. Зеро, “Банданинг Ҳаққа фоний бўлиши банданинг башарий сифатларини Ҳақ рубубиятига маҳв бўлишидир” [6; 628]. Кейинги байтда ҳам ишқнинг мана шундай талаби билан фано водийсига кир, зеро, зийрак ва доно ақл унда масту ҳайронликда қолган, дея тарғиб қилинади:

*Кир фано водийси ичра ишқ райъи бирлаким,
Масту мабҳут ўлди анда зийраку доно хирад.*

Ғазал мақтаъси хулосавий мазмун касб этган. Модомики инсон ишқда мақсадга етмоқчи экан, у девоналик йўлини тутмоғи керак. Борди-ю ҳамроҳи ақл бўлса, мақсад йўли тўсилади:

*Эй Навоий, ишқ аро ком истасанг, девона бўл,
Бу шарафни топмоғунг, ҳамроҳинг ўлса то хирад.*

Ишқ йўлидаги ақлнинг ушбу ҳолатини тасаввуф илмининг билимдони Нажмиддин Комилов шундай тушунтирган: “Ақл инсонни улуглайди, аммо у дунёвий ўлчов ва мантиқ билан, далил-исботлар билан чегараланади. Шулардан ташқарига чиққанда ақл ночор бўлиб қолади” [5; 246]. Навоий ҳам ўзига ақлни куро қилган илм билан ишқ водийсини босиб ўтишни хатарли иш эканлигини таъкидлаб, солик, яъни тариқат йўлига кирган кишига ўзидан уни соқит қилишга маслаҳат беради:

*Ишқ водийсин хатардур илм ила қатъ айламак,
Солик эрсанг ташла маълумингни-ю осуда бор [1; 218].*

Ушбу байт мазмунига далолат сифатида Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги Айн уз-замон Жамолуддин Гилий номли шайх ҳақидаги ушбу воқеани келтириш мумкин: Унда айтилишича, Жамолуддин Гилий кутубхонадаги илмий асарлардан йиққан тўпламини ўзи билан бирга олиб шайх Нажмиддин Кубро суҳбатига етишиш ниятида Хоразм сафарига отланади.

4-шубба

Манзилга етай деганда туш кўради. Тушида Нажмиддин Кубро унга “Эй Гилий, юкингни ташлаб, кейин кел!” деб амр қилади. Гилий, аввалига, бу тушнинг маъносини англамайди. “Менинг юким дунё матоҳи бўлмаса, яна қандай юким бўлиши мумкин?” дея ажабланади. Учунчи кеча ҳам шу ҳол такрорланганда тушида Шайхдан сўради: “Ё Шайх, юк не нимадур? Ул Ҳазрат (Нажмиддин Кубро – А.Р.) дедиларки, ул мажмуаки (яъни китоблар назарда тугилмоқда – А.Р.) кўтарибсан”. Уйғонгач, ўзи билан олиб юрган китобларни Жайхунга ташлайди. Шундан сўнг, шайх Нажмиддин Кубро мулозаматига мушарраф бўлгач, шайх унга шундай дейди: “...агар ул юкни ташламасанг эрди, ҳеч фойда қилмас эрди” [3; 336]. Бу воқеа билан юқоридаги байт мазмунини ўзаро боғлаган фикр шуки, Аллоҳга етишишга жаҳд қилиб, тариқат йўлига қадам кўйган солиқ учун китобий-ақлий илмлар ортиқча юк, холос.

Ушбу мисоллар таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, ақл ўз даражасида Ҳақни билишда ожиз. Гарчи зоҳирий маънода ақл инсон камолотининг бир воситаси бўлса-да, ботиний, яъни ирфоний нуқтаи назарга кўра илоҳий муҳаббат камолоти йўлида бир тўсиқ. Навоий мазкур ғояни ҳамд ғазалларида бевосида баён қилсада, бошқа мавзудаги ғазалларда уни турли рамзлар пардасига ўраб ўқувчига тақдим этади. Бошқача қилиб айтганда, Навоий учун сўз санъати ўзининг фалсафий-ирфоний қарашлари тарғиби учун восита бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 1-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт манбаа ижодий уйи, 2011.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 4-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт манбаа ижодий уйи, 2011.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 10-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт манбаа ижодий уйи, 2011.
4. Ислон. Энциклопедия. –Т.: ЎзМЭ, 2017.
5. Комилов Н. Хизр чашмаси. –Т.: Маънавият, 2005.
6. Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1370 ҳиж. .
7. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. –Т.: Шарқ, 2011.
8. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

4-шуба

**ЎЗБЕК ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ПАРАЛЛЕЛ
ҚАҲРАМОНЛАР ҚИЁФАСИ**

**Бобур Ўткирович Элмуродов,
Тошкент ҳарбий округи Матбуот хизмати бошлиғи**

Яқинда машҳур америкалик ёзувчи Генри қаламига мансуб “Шафтоли” [2;33] номли ҳикояни рус тилидан қилинган таржима орқали ўқиб қолдим. Бежизга Генрини “қисқа ҳикоялар қироли” деб аташмас экан. Бошқа ҳикоялари қаторида унда ҳам кичик бир воқеа кутилмаган тарзда намоён бўлади. Бу ёзувчининг ўзига хослиги, албатта. Эътибор бериб кузатадиган бўлсак, америкалик ёзувчи катта ҳажмдаги, қаҳрамонлари кўп, мураккаб воқеликларни қаламга олмайди. Уларни ҳар бири билан ўқувчини таништириб, уни чалкаштириб юбормайди. Ёзувчи танлаган қаҳрамон битта ёки иккита, нари борса учинчи одам аралашади. Шунинг учун ҳам у ёзган ҳикоялари кўринишидан содда, тушунарли.

“Шафтоли” га қайтсак. Бу ҳикоя кичик детал асосида қурилган. Бош қаҳрамон боксёр Мак-Гарри. У яқиндагина уйланган. Ўзини еттинчи фалакда юргандай ҳис қилган бу йигит хотини учун ҳамма нарсага тайёр. Нима бўлди-ю, нозик хонимнинг кўнгиллари шафтоли тусаб қолди. Феврал ёзи ҳукмрон бу ерларда шафтоли топиш анқонинг уруғини ахтаришдай гап. Аммо на илож. Мак-Гарри донғи кетган боксчи. Хотинининг шу кичик илтимоси у эришган ютуқлар олдида нима бўлибди. Тун бўлишига қарамай боксчи шафтолининг изига тушади. Нью-Йоркни ағдар-тўнтар қилиб шафтоли қидиради. У кирмаган дўкон, кидирмаган ресторан қолмайди. Табиийки, ҳеч қаерда шафтоли йўқ. Ниҳоят, у бир ўртоғини полицияга тутиб бериб, унинг уйидан тасодифан меҳмонлардан ортиб қолган битта шафтоли топади ва чексиз ғурур билан уйига отланади. Эрини кутиб зерикиб кетган хоним эса ноз аралаш “шафтоли деганмидим, уни егим келмаяпти, апельсин келтир” дейди.

Айни шу ҳикояни ўқиб менда бир қадар мулоҳазалар уйғонди. Сизга ҳикоянинг мазмуни ҳеч нарсани эслатмаяптими? Ҳа, бу ўша, машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб “Анор” ҳикояси. Ундаги воқеалар ривожи ҳам шу зайилда кечади.

Туробжон хотинини яхши кўради. Фақат унинг севгиси эртақдагидай ошқора эмас. Уларнинг ҳам оила қурганларига унча кўп вақт бўлмади. Бирдан янги келиннинг анор егиси келиб қолади. Бу табиий эҳтиёж, албатта. Аммо шу кезде Туробжон анорни қаердан топсин. Бировлар тузга, тупроққа бошқоронғи бўлади. Унинг хотини эса анорга бошқоронғи бўлибди. Нима қилсин, ўзи шуни хоҳлаганмиди? Туробжоннинг эса фиғони фалак. Асал еса бўлмасмикин, алламаҳалда анорни қаердан топаман. Бозорда фалон пул турса. Туробжон хотинига “*бошқоронғи бўл, эвида бўл-да*” дейди. Шу алам туфайли хотини ҳали туғилмаган болани “*ер юткур*” деб қарғайди.

Шу тариқа ёзувчи бизни муаммонинг асл моҳиятига, камбағалликка олиб бориб тақайди. Туробжоннинг бировни боғига кириб анор ўғирлаб

4-шуба

келиши қанчалик мантиққа зид бўлмасин, китобхон уни қораламайди. Буни табиий эҳтиёж сифатида қабул қилади.

Энди икки ҳикояга жиддийроқ назар ташласак. Воқеалар қанчалик бирига ўхшамасин, кўтарилаётган мавзу ҳар хиллиги кўзга ташланади. Биз буни кўчирмачилик деб қабул қила олмаймиз. Агар шундай бўлганида эди, ҳикоядан чиқадиган хулоса ҳам икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш бўлиб қоларди. Генрининг ҳикояси қаҳрамони ўзига тўқ, моддий муҳтожликдан ҳоли шахс сифатида намоён бўлади. Унинг хотинига ҳам умумий тавсиф бериш мумкин. Танноз хонимнинг сўраган нарсасисини зарурат сифатида қабул қилиб бўлмайди. У қайсидир маънода китобхонда эрини синаб кўрмоқчи бўлган хотин тимсолида гавдаланади. Шафтолими, апельсинми унга аҳамияти йўқ. “Анор”да эса бунинг акси. Бошқоронғи хотиннинг анор тусаши – ўзи хоҳламаган зарурат. Қанийди унинг кўнгли шу нарсани тусамаса-ю, у эрининг халоватини бузмаса. Афсуски, ундай эмас. Бошқоронғи хотин битта анор учун борлигини беришга тайёр.

“Шафтоли” ҳикоясида муаммо моддий етишмовчиликдан келиб чиқмайди. Мак-Гаррининг пуллари кўп, аммо қанийди ўша пулларига шафтоли сотиб ололса. Бу мавсумда бундай меваларнинг етиштирилиши амри маҳол.

“Анор” да эса бунинг акси. Боғда, бозорларда анор сероб, аммо унинг нархи осмонда. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, анор ейишга ҳаммининг ҳам қурби етмайди. Бунинг устига Туробжон оми одам, умри бировларнинг эшигида ўтган. Ҳозир ҳам “сахармардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёқиб...” тирикчилигини ўтказди.

Шароит икки хил: бирининг мева олишга имкони бор-у, аммо мевадан дарак йўқ. Иккинчиси эса бунинг тескариси, бозорда мевалар бор-у, аммо уни сотиб олишга имкон йўқ.

Генри кўтармоқчи бўлган мавзу кишида енгил кулгу қўзғайди. Уни ўқиган одамнинг кайфияти тушқунликдан холи, руҳий изтиробларни ўзига яқин олмайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор”ида эса бунинг акси. Китобхон икки томонлама азоб чекади. Бир томондан Туробжоннинг қўли калталигига ачинса, иккинчи томондан бошқоронғи хотиннинг кўнгли тусаган нарсани тополмаганидан азият чекади. Генри ҳикояси ғоясиз, мақсадсиз ёзилган ҳикоя эмас, унда ҳам ёзувчи арзанда, инжиқ хотинининг таннозлигини, Мак-Гарридай йигитнинг қайнаб турган кучи арзимас, беҳуда нарсага сарф бўлаётганини, бундай ҳаётнинг бемаънилигини қоралайди.

Хуллас, икки ҳикоя ҳам ёзувчиларнинг ўз мақсадларини очиб беришларида муҳим ўрин эгаллаган. Биз ҳақли равишда бунга тўғри баҳо бера олишимиз лозим.

Бир мавзу ҳақида анчадан бери ўйлаб юраман. Адабиётда “бадиий асар қаҳрамони” деган тушунча бор. Бу қаҳрамон ҳаётдагисидан анча фарқ қилади. Турмушимизда катта ишларни амалга оширган, одамлар меҳрини қозонган кишиларни қаҳрамон деб атаймиз. Адабиётда эса бундай эмас. Асар қаҳрамони

4-шубба

жамиятга тарикча нафи тегмайдиган телба одам ҳам бўлиши мумкин. Аммо барибир унга нисбатан “қахрамон” сўзини ишлатаверамиз.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” [1;3] газетасининг 2009 йилдаги сонларидан бирида чиққан мақолани ҳар гал фахр билан тилга оламан. Таржимон Зухриддин Исомиддинов томонидан ёзилган ушбу мақола Ғарб адабиётининг энг нодир асарларидан бирини “фош қилиб” қўйди. Машҳур бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг “Алхимик” асари [4;125] кўпгина китобхонларга таниш. Асарнинг анчагина шуҳратга эришгани рост. Шарқона руҳ уфуриб турганлиги боис бўлса керак, китоб бизнинг тилимизга ҳам бир эмас уч маротаба таржима қилинди. Аммо бу машҳурликнинг остини сал қовлаб кўрсангиз, унинг томирлари қаерга бориб қадалганига кўзингиз тушади. Асар воқеалари сизга таниш. Мақола муаллифи эса воқеани шундай баён қилади:

“Ҳолбуки, “Алхимик” романининг сюжетиғина эмас, зоялари ҳам Румийнинг “Маснавийи Маънавий” сидан олинган, тамоман унинг таъсирида битилган экан. “Маснавий” Жамол Камол таржимасида чоп этилганидан сўнг бу нарса аён бўлди. Нажмиддин Комилов ҳақли равишда қайд қилганидек, “Фалсафани Ҳегел ва Марксдан, Шопенгауэр ва Кантдан, Нитше ва Фрейддан ўрганган кишилар Румий асарларини ўқиб, ҳаммаси ўзимизда аллақачон бор экану, ҳаммаси айтилган экану, дейишлари табиий. Ҳа, Румий ҳали кашф этилмаган тафаккур хазинаси, бизга етиб келмаган маънолар уммони эди...”

Қани энди ана шундай тийран, мумтоз адабиётнинг ҳақиқий билимдони бўлган кишилардан кўпроқ бўлса... Унда қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган Ғарб адабиёти дурдоналарининг аҳволи нима кечади...

Чиндан ҳам икки кутб бир-бирини инкор этмайдиган донишмандларни дунёга келтирди. Улар адабиётда ҳам, фанда ҳам чин маънодаги кашфиётларни ярата олдилар. Бу жиҳатларни инкор этмаган ҳолда айрим ечимини топмай келаётган мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Ўйлаб қаралса, қай бир соҳа йўқки, бизнинг боболаримиз унга ўз ҳиссаларини қўшмаган бўлса. Аниқ фанлар, табиий фанлар... Аммо негадир уларнинг номлари билан тарихда қолган бирор кашфиётнинг номини эслолмайман. Мактаб дарсликларидан ҳам, бошқа қўлланмаларда ҳам нуқул европа олимларининг номи билан аталадиган теоремалар, қоидалар...

Ёки Жек Лондоннинг қахрамони Мартин Иденни олайлик. У яшаш учун ҳеч вақоси қолмаган, умиди сўнгган вақтда эмас, балки беқиёс бир имкониятларга эришган бир вақтда ўзини сувга ташлайди. Бу асар муаллифининг тақдири ҳам деярли шундай бўлган. Демак, инсон ҳаётининг мазмуни мақсадга эришишда эмас, балки шу мақсад йўлидаги курашда намоён бўлади.

Алберт Камюни мудом бир масала қийнайди: ҳаёт ўзи яшашга арзийдими?

Бу саволга аниқ бир жавоб йўқлигини била туриб, уни ўртага ташлашдан мақсад нима? Бу ҳаёт яшашга арзийди десангиз ҳам инсоннинг қўлидан нима келади – у барибир яшашга мажбур. Чунки бу ҳаёт яшашга

4-шуба

арзиган тақдирда ҳам ўз жонига қасд қилганларни ўлимдан қайтариб бўлмайди. Ва аксинча, бу ҳаёт яшашга арзийди деб ҳаммани бир майдондан ўлимга маҳкум этиб бўлмайди.

Кўриниб турибдики, саволнинг ўзи ғайриинсоний моҳиятга эга. Аслида инсонни бундай савол устида ўйлашга мажбур қилмаслик, бунга асло йўл қўймаслик даркор. Бу борада Шарқ фалсафаси тўғри йўл тутди. Бу фалсафа ўлим ҳақидаги ҳар қандай гапни ўта совуқ сесканиш билан қабул қилади ва бу ҳақида эсламасликни тарғиб қилади. Шарқ фалсафаси ўлимни кўпроқ жисмоний ҳолат сифатида тан олади ва ҳаёт мазмунини тафтиш қилишга мойиллик билдирмайди.

Ғарбона эркинлик – сен ҳеч ким учун жавоб бермайсан, ҳеч ким сен учун жавобгар эмас, ўз ҳаётингга ўзинг хўжайинсан, деган қарашга асосланади. Демак, бу таълимот бўйича ҳаёт тарзини ахлоқий меъёр ва қоидалар билан чегаралаб ташлаш шарт эмас, қандай хоҳласанг, шундай яша.

Шарқда ҳеч қачон ўз-ўзини ўлдириш масаласи ҳаётий муаммоларнинг ечими сифатида қаралмаган. Тўғри, бизда бу муаммо йўқ деб бўлмайди. Бироқ у Шарқда Ғарбагидек асосий муаммо даражасига чиқмаган. Шахс бундай муҳитда бутун борлиқ унинг атрофида айланмаётганини, ундан ҳам зўрроқ инсонлар борлигини англайди. Шарқ кишиси олам ўзи учун эмас, балки унинг ўзи олам учун яралганини билади. Унинг ҳаёт тарзи шу ҳақиқатни англашга қаратилган.

Эътибор берадиган бўлсак, кейинги пайтларда жаҳон адабиётидан ўзбек тилига таржима қилинаётган асарларнинг аксариятида қаҳрамонлар асар сўнгида фожеали ўлим топишмоқда. Балки бу усул ҳам чин муҳаббатни очиб беришнинг ғарбона йўлидир. Шахсан мен ёзувчининг ўз қаҳрамонларига бефарқ қараб тура олишига ишонмайман. Ўлимни тасвир қилиш – бу ўзини ўлим ҳолатида кўриш деган сўз.

Бир куни Бальзакнинг олдида унинг дўсти келибди. У бирдан ёзувчининг креслодан сирғалиб тушаётганини, томир уриши суст эканини пайқабди. У ўзини йўқотганча *“Тез доктор чақиринг! Бальзак жаноблари ўлаяпти!”* деб бақирди. Бу қичқириқдан ўзига келган Бальзак: *“Сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Ҳозиргина Горио ота ўлди...”* деб жавоб берган экан [3].

Демак, муаллиф ва асар қаҳрамони характери бирлиги муайян сигналлар асосида бир-бири билан алоқада бўлиб қолаверади...

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исомиддинов З. Бир қатра фаввораси.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т.: 2009. – 9-сон.
2. Генри Ў. Шафтоли. Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов таржимаси //Жаҳон адабиёти. –Т.: 2011. – 10-сон.
3. Оноре де Бальзак //Жаҳон адабиёти. –Т.: 2003.
4. Шарафиддинов О. Жаҳон адабиёти. 2003 йил, 10-сон.

4-шубба

ШОЙИМ БЎТАЕВ - БАДИЙ ХАРАКТЕР УСТАСИ

Юлдуз Боймахматовна Эшматова,
ТДУТАУ Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳозирги ўзбек қиссачилигида ёши улуғ, катта ҳаётий тажрибага эга аёллар теран яратилаётган образлар сифатида талқин қилинаётир. Масалан, ўзбек қиссачилигида кампирлар образи Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари”, Шойим Бўтаевнинг “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл”, Собир Ўнарнинг “Чамбилбелнинг ойдаласи”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Чаёнгул ёхуд қуйиқишлоқча қотиллик” қиссаларида учрайди. Мақолада ўзбекнинг кайвони, ғамгин, мушфиқ, меҳрибон аёл – Кампирлар образи Ш.Бўтаев қиссалари таҳлили мисолида очиб беришни мақсад қилдик.

Шойим Бўтаевнинг Кампирлар образини яратишдаги тажрибалари “Шўродан қолган одамлар”, “Кунботардаги боғ”, “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл” қиссаларида кўриниш берган эди. Адибнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссаси ўтган аср охирида ёзилган. Қиссада қамоқхона назоратчиси, ўғирликда гумон қилинган унинг ўғли Тошмурод, назоратчининг кампири кабилар асосий қаҳрамон сифатида ҳаракатланади. Қиссада Шойим Бўтаев бадиий услубига хос киноявий нигоҳ, истехзо ва кесатиклар, сатирик тасвирлар ниҳоятда маҳорат билан тасвирланган. Асарда қамоқхона назоратчисининг бошига тушган кўрғилик орқали жамиятдаги ва оиладаги жаҳолат танқид остига олинади. Қиссада тасвирланган кампир ниҳоятда хокисор, мушфиқ, камсуқум, эрига итоаткор бир аёл. Қиссада қаламга олинган муаммо нафақат бир оила фожиаси сифатида, балки давр фожиаси сифатида шафқатсиз реалистик услубда очиб берилади.

Қамоқхона назоратчисининг кампири ўғлининг дарди билан хасталаниб, боласи қамоқда пайтида оламдан кўз юмади. Бутун умр олатаёғини кўтариб, полизнинг кўрикчисига ўхшаб яшаб ўтган қамоқхона назоратчиси ўғлини онасининг азасига қоровул бўлиб кузатиб келади. Қиссада ота-ўғил муносабати ва ота-ўғил фожиаси ниҳоятда кучли кескин драматик лавҳаларда тасвирланади. Ўғил қамалади, у номер тўқсон олтинчи маҳбус бўлади. Тўқсон олтинчи маҳбуснинг онаси ўлим тўшагида ётгани учун ўз отаси назоратчи сифатида тайинланади. Қуйида қамоқхона бошлиғи билан назоратчи ўртасидаги парчага эътибор қаратамиз: *“Назоратчи қўли билан камералар томонга ишора қилиб қўйди ва нима деярини билмаётгандек:*

- *Онаси, - деди зўрға сас чиқариб. – Ўляпти.*
- *Бошлиқ тушунмади.*
- *Кимнинг онаси ўляпти?*
- *Тўқсон олтинчининг.*
- *Аниқроқ айтинг.*
- *Нўмир тўқсон олтинчи маҳбуснинг онаси ўляпти.*
- *Бошлиқ калласини қотириб эслаб ўтиргиси келмади.*
- *Ким экан у,*

4-шубба

- Тўқсон олтинчи, - беихтиёр такрорлади назоратчи.

Бошлиқ нима гаплигини фаҳмлай олмаётгандек назоратчининг юзига бир зум тикилиб турди. Кейин нимадир эсига тушиди-ю:

-Ўғлингизми? – деб сўради.

Назоратчи тош қотди. Унинг қиёфасида, ўғлим деб атаб гуноҳини осонликча кечиб юбораманми, деган ифода бор эди. Лекин ҳозир бошлиқнинг изоҳталаб саволига жавоб бермай иложи йўқ, у ҳамон чақчайганча қараб турарди” [1;131].

Қиссада рухий драмалар ниҳоятда кучли ифодаланган. Хусусан, қамоқхона назоратчиси Мэлс, унинг ўғли Тошмурод, моли ўғирланган ука ва бошқаларнинг руҳиятида кечаётган ўй-хаёллар, ториқишу зориқишлар барча-барчаси теран акс эттирилади. Назоратчининг исми ҳам давр шамолини ўзида акс эттирган. Яъни пролетар дохийлари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин исмлари қисқартирилган шаклда Мэлс деб номланган. Шу биргина қаҳрамон исмида даврнинг чуқур фожиаси акс эттирилган. Асарда айниқса, кампир ва назоратчи (эр-хотин), Мелс ва Тошмурод (ота ва ўғил), ака-ука муносабатлари, улар ўртасидаги кескин драматизм маромига етказиб тасвирланади. Хусусан, кампирнинг эри томонидан тинимсиз калтакланиши, уйдаги охирги унни қориб чалпак қилиши, уни ўғлига атаб қамоқхона тарафга йўлга чиқиши, чалпакнинг кучукка ем бўлиши, фарзанд доғида куя-куя адо бўлиши юқори драматизмда куйланади. Кампир оилада на турмуш ўртоғи томонидан, на ўғли томонидан кадрланади. Кампир оғир аҳволда тўшакда ўтар экан, унга қарашгани чиққан қўшни кампир назоратчига қарата шундай дейди:

“Пешонанг шўр экан сани, пешонагинанг шўр экан! Ўғлингизни турмага қаматиб, хотинингни ўлдириб, би-ир ўзгинанг сўппайиб юрадиган бўлдинг-а! Ўл-а, бу кунингдан, ўл қўй! Икки жувонмаргни туғиб катта қилган онанг санлардан нима роҳат кўрдик, бошқалар кўрсин! Бировнинг париштадай қизини уриб-уриб сочини оқартирдинг, қаритдинг. Мана, энди қутиласан, мана энди дуруст хотин оласан, - кампир бирданига айтиб турган гапидан тонди. – Дуруст хотин оласан-а, дуруст хотин оласан! Сочгинасини тараб турган эканми? Сангинага қараб қолган эканми? Балони оласан! Санга моча эшак ҳам ҳайф, ҳайф! Эр бўлгунча қаро ер бўл, қаро ер бўл!- кампир эшик олдида турган қоққан қозикдек турган серрайиб турган назоратчига қарамай, икки мушти билан тиззаларини эза бошлади” [1;124].

Кузатиб турганимиздек, ёзувчи қўшни кампир тили орқали ўлим тўшагида ётган онанинг, аёлнинг бутун ҳаётига одилона чизги беради. Унинг қарғишларида, мимика ва жестларида (икки мушти билан тиззасини эзишида) ниҳоятда ҳаётийлик, халқоналик сақланган. Кампир олдида серрайиб турган Мэлс Мусаевни хуморидан чиққунича қарғаб, қора тошини чиқаради. Ўғли Тошмуродни қамоқхонадан она билан хайрлашиб қолиш учун олиб келишни буюради. Афсуски, Тошмурод отаси, яъни назоратчи етовида уйга кириб келганида, она ўғлининг йўлига қарай-қарай оламдан кўз юмади. Унинг охирги ўтинчини ҳам вожиб эта билмаган ношуд, калтабин, калтафаҳм эр, яъни назоратчи шунча фожиалардан сўнг, унинг онгида қандайдир ёришиш содир

4-шубба

бўлади. Яъни у ўзлигига, инсонийлигига қайтади. Лекин энди жуда кеч эди. Қисса шундай сатрлар билан якун топади: *“Ҳавони исиріқ иси тутиб бораётганини туйган онги ярқ этиб ёришиганини ҳис этди, ўрнидан туриб, ўглининг елкасидан ушлади, уни ўзига қаратиб бағрига босди, маҳкам қучди – кечи-ир, болам – эрта-кечи йўқ, у буни англади”* [1;164].

Шойим Бўтаевнинг кампир ёки она образини яртишдаги ижодий тажрибалари адибнинг сўнгги қиссаларидан бири “Юлдузларга элтар йўл”да ҳам акс этган. Китобга сўнгсўз ёзган М.Қўчқорова қисса ҳақида шундай ёзади: *“Юлдузларга элтар йўл” қиссаси марказида умрида рўшнолик кўрмай ўтган бир оила Ҳотам (ота), Бувиш (она), Турсунмурод (ўғил)нинг фожиавий қисмати туради. Турсунмурод ота-онасининг худодан тилаб олган еттинчи фарзанди. Эр-хотин фарзанд доғида куйиб-адо бўлган. Уларнинг олти боласи туғилиб, ўн кун яшаб-яшамай оламдан кўз юмган.*

...Ота-бола Ҳотам билан Турсунмурод бир-биридан яширин равишда кўнгилли бўлиб урушга кетишга ариза беришади. Қора қисмат бу оила ҳаётига машъум чизигини тортади. Қиссада Исмат почтачи, Шоҳид Қарға образлари ҳам бадиий-мантиқий давомийликка эга бўлиб, Ҳотам, Бувиш, Турсунмурод, Неъматилла бобо, бозор бобо, Қумри опа. Илёс Бўтакўз, Нуъмон қиртиш. Элёр, Хушҳол хола, Носир чўтир. Ҳайит, Илон, Қорахаёл каби ҳаётини ва мифологик-рамзий образлар бир-бири билан узвий алоқадорликда акс эттирилган. Улар бир-бирига боғланиб, мустаҳкам бадиий қўرғон барпо бўлган” [2;150].

Мазкур қиссада тасвирланган Бувиш кампирнинг руҳий драмаси, кўп жиҳатдан “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги она образи руҳияти билан бир-бирига яқинлашади. Ҳар икки она, ҳар икки муштипар кампир фарзанд доғида куйиб адо бўлишади. Биттаси қамоқхонадаги ўғлини кутиб, оламдан кўз юмган бўлса, иккинчиси, уруш тугаганига неча ўн йиллар ўтса ҳам, ўғли Турсунмуродни соғиниб, йўлга тикилиб, фарзандини кутади. Бу ҳақда олима шундай ёзади: *“Бувиш эна сочлари оқариб, мункиллаб қолса ҳам, урушдан йигирма йил ўтса ҳам, ўғли Турсунмуродни кутаверади. Чунки, она ўглининг ўлими ҳақида хат олмаган. Ёзувчи инсоният ҳаёти ва тарихида такрорланиб турувчи урушларнинг, бир-бирини ўлдиришининг Қобил ва Ҳобил ҳақидаги диний мифология билан нақадар уйғун эканлигини, гўёки, бу улардан мерос бўлиб келаётганлигига рамзий ишора беради.*

Қиссада икки бадиий фалсафа бўй кўрсатади, биринчиси урушлар инсоният тарихида бот-бот такрорланади, унга нуқта қўйиши мумкин. Аммо одамзоднинг руҳониятидаги Шайтон ва Раҳмон муҳорабаси асло тўхтамайди. Одамзод Аллоҳ томонидан мана шундай жазога мустаҳқиқ қилинган, деган кенг қамровли фалсафа бор. Аслида ҳар икки уруш ҳам даҳшатли. Дунни бўлиб олиши учун қилинган сиёсий урушлар инсон ва жамият ҳаётини издан чиқарса, руҳиятидаги Шайтон ва Раҳмон кураши ҳар бир бандани исталган сонияда жар ёқасига олиб келиши мумкин” [2;152].

Қиссада эртак ва дostonларга хос бўлган такрорий баён, зачин (бошланма) билан бошлаш унсурлари истифода этилган. Бу адабий усул эса

4-шуба

Шойим Бўтаевнинг мазкур қиссада фольклор стилизациясини маҳорат билан қўллаганини кўрсатади. Яъни қиссадаги воқеалар “*Шунақа экан. Шунақа бўлган экан. Шунақа қилиб...*” деган такрорий зачинлар билан бошланади. Бувиш онанинг, Бувиш кампирнинг фарзандига бўлган улкан меҳри-муҳаббати худди эртақларга хос баён услубида ифодаланди. Масалан, “*Бугдойзор тугаб, бедазор бошланитти.*”

Бувишнинг қувончи ичига сизмас экан. Турсунмуроднинг кўзларига термулар экан. Гўдагининг кўзлари осмондек безубор экан. Кўз очмаган олтовлоннинг кўзлари ҳам шунақа бўлганмикан, деб ўйлаган Бувишнинг юраги гумирар экан, тошиб кетар экан, мунис кўзларидан оқиб бораётган ёшларни ҳам ўзи пайқамас экан” [2;19]. Олинган парчада биринчидан, онанинг меҳрга тўлиқ қалби, болажонлиги, иккинчидан баёндаги халқона услуб ёрқин очилади.

Шойим Бўтаев ҳар бир қиссасида янгича услуб, янгича образлар, янги-янги ҳаётий воқеаларни очиб беришга интилувчи истеъдодли адиб. Қолаверса, ёзувчи атай воқеликни ўтган замон шаклида беради. Албатта, бундан ёзувчининг кўзлаган мақсади бўлган. Яъни уруш тугаганига анча йиллар бўлишига қарамасдан, Шойим Бўтаев уруш мавзусига яна қўл уради. Эҳтимол, айна сабаб ҳам ўтган асрда юз берган иккинчи жаҳон урушининг одамларга, оилаларга, жамиятга етказган зарари ҳақида ёзиш учун эртақка хос ўтган замон шаклини қўллаши бежиз эмасдир. Яъни ҳаётий воқеалар эртақдек ҳикоя қилинади. Қолаверса, ёзувчининг отаси уруш иштирокчиси бўлган. Шу ҳаётий асос ҳам қиссага туртки берган бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бўтаев Ш. Шўродан қолган одамлар. –Т.: Ижод-пресс, 2019.
2. Бўтаев Ш. Юлдузларга элтар йўл. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018.

КОМЕДИЯ ЖАНРИДА КОМИК ҲОЛАТ ВА КОНФЛИКТНИНГ ЎРНИ

Муродулла Алишбоевич Жўраев,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Бадиий адабиётда кулги ва унинг ижтимоий-психологик моҳиятига таянилувчи, уни асос қилиб олувчи жанрлар, турли кўринишлар ҳам борки, унинг ёрқин намунаси сифатида драматик турга мансуб комедияни кўрсатиш мумкин. Адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов таъкидлаганидек, “ўқувчи ва томошабинларга куладиган нарсаларни топиб бериш, айниқса, уларни кулдириш осон иш эмас. Уларни йиғлатишдан ҳам кўра, кулдириш, комедия ёзиш қийин” [1;179].

4-шуба

Комедия жанри ҳаёт тақозосига кўра, маданий ва ахлоқий анъаналарга, маълум ижтимоий табақа ёки гуруҳлар мафкураси ва эҳтиёжларига мувофиқ равишда ўзининг жанр сифатидаги етакчи хусусиятларини сақлаган ва ривожлантирган ҳолда муайян ҳаётӣ-тарихий мазмун билан бойиб боради.

Комедиянинг етакчи хусусияти воқеликни диалектик зиддиятга асосланган кулги ва кулгилилик орқали акс эттиришда намоён бўлади. Комедияда жанрнинг тур кўриниши ва муаллиф мақсадидан келиб чиқиб, ижтимоий танқидни ифодалаш шакли сифатидаги фош қилувчи пафос биринчи даражали аҳамиятга эга. У бу ўринда бадиий моҳиятга молик мазмун касб этади. Шу билан бирга комедия воқелик, инсон хатти-ҳаракатларининг шакли ва мазмуни ўртасидаги номутаносибликни фош этади ҳамда айни пайтда даврнинг ғоявий-эстетик масалаларига жавоб берувчи ижтимоий-ахлоқий тамойилларни ҳам ўзида истифода этади.

Қадимги адабий-назарий манбаларда дастлаб комедияга паст услуб намунаси сифатида қараш ҳукмронлик қилган. Бундай ҳолат Аристотельнинг “Поэтика” асарида ҳам ўз ифодасини топган [2;14-15].

Назарий жиҳатдан ёндошилса, комедияга бундай менсимай қараш ўша даврнинг ғоявий-эстетик мезонлари туфайли юзага келган. Чунки бу назарий тамойил ўша даврларда Юнон поэтикасида ҳукмрон мавқе эгаллаган трагедия жанрига бўлган юксак услуб ҳақидаги қарашларга асосланган. Холбуки, антик комедияларнинг ўзларидаёқ комедия жанри ўзининг танқидий йўналиши билан сиёсий курашнинг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатиб туради. Кўплаб антик кулги усталарининг эътироф этишларича, комик қобилият ҳаётга эстетик муносабат билдиришнинг барча шакл ҳамда усулларида оғирроқ ва мушкулроқдир. Бу хусусият, Аристофаннинг фикрича, комик шоирнинг ошқора тарафқашлиги ва дадаллигидадир.

Классик комедия Антик дунёда (Аристофан, Плавт), Уйғониш даври ғарбий европа адабиётларида (Шекспир, Лопе де Вега), халқларнинг абсолютизм ва буржуазия инқилобини тайёрлашга қарши кураши ўсиб борган даврларда (Мольер, Бомарше, Гольдони) руҳан ана шундай тарзда ўзини намоён қилди.

Комедиянинг юзага келиши, шубҳасиз, инсоният бадиий тафаккури ривожини, маданий тараққиётида театр санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан узвий боғланган. Шу жумладан, ўзбек комедиясининг пайдо бўлиши ҳам, миллий театримизнинг юзага келиши ва тараққиётига ўзига хос замин яратди, десак хато бўлмайди.

Комедиянинг жанр сифатида ўзбек адабиётида пайдо бўлиш сабаби ҳаёт талаби, ижтимоий-маданий, миллий анъаналаримиз, халқ руҳиятининг бадиий эҳтиёжлари билан белгиланади, албатта. Жанр қирралари аниқ ифодасини топа бошлаган дастлабки асарларнинг юзага келиши эса, биринчи навбатда, европа адабиёти билан боғланса, иккинчи томондан, унинг шаклланиб, такомиллашиб, ривож топишида ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз адабиётимиздаги ўлмас ва бебаҳо ҳажвий асарлар муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бир қаторда, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган юксак

4-шуба

савиядаги сатирик ҳамда юмористик руҳдаги асарлар комедиянависларимиз учун илҳом манбаи ва катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Масхарабозлик ҳамда қизиқчилик театри шаклига профессор М.Қодиров шундай таъриф беради: *“...бир замонлар бу тушунчалар “масхара”, “муқаллид” шаклида ифода қилинган. Уларда ўзига хос драматургия бор, қаҳрамонлар қиёфасини ўз қобилияти, ақли, миждози, ҳиссиёти, танаси, ҳаракатлари билан гавдалантирувчи актёрлар бор, уларнинг ўйинларидан завқлана оладиган томошабинлар бор – қўйинги, театр санъатининг барча аломатлари муҳайё. Бу театрнинг ҳозирги замон театридан айирмаси шундаки, унинг махсус биноси ва саҳнаси йўқ, турли шароитларда гир атрофи томошабинлар билан қуришган ўзига хос ҳалқа – “саҳна”да кўрсатиб кетаверганлар.... Аммо масхарабозлик ва қизиқчилик - бу халқнинг маросимлари, урф-одатлари билан туташиб кетган ибтидоий шаклдаги театр эмас, балки оғзаки анъанадаги профессионал театрdir” [3;36-37].*

Драматик жанрларда, шу жумладан комедияда ҳам воқелик батафсил кетма-кетлик билан эмас, аксинча қаҳрамонлар ҳаётининг энг авж нуқталари ўз аксини топади. Комедия худди шу қаҳрамон ҳаётининг кулгига асос берувчи муҳим лаҳзаларини ўзида акс эттириши билан бошқа драматик жанрлардан фарқланиб туради. Демак, инсон ҳаётининг драматик жиҳатдан нишаб нуқталарини акс эттириши билан комедия, умуман, драма турига мансуб бошқа жанрлар билан муштараклик касб этса, кулги туғдирувчи воқеаларни акс эттириши билан алоҳидалик касб этади. Комедиянинг умумий жанр хусусиятларини белгилаш учун, аввало, ундаги комизм, яъни комик ҳолатнинг юзага чиқиши ва унинг ўзига хос моҳиятини аниқлаш лозим бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай етук бадиий асар асосида ҳаётий конфликт ётгани сингари комедия асосини ҳам комик қарама-қаршилик ташкил қилади. Комедияга асос қилиб олинган комик тўқнашувлар, ҳолатлар қанчалик турмушга яқин ва алоқадор бўлса, у шунчалик муваффақият қозонади. Шу маънода конфликт танлаш ва уни асарда ривожлантириб кўрсатиш ижодкорнинг истеъдоди, маҳоратига боғлиқ масала ҳисобланади.

Комедиянинг жанр хусусиятларини белгилашда етакчи ўринни эгаллайдиган бадиий компонентлардан бири-бу конфликт ҳисобланади.

Конфликт муаммоси ҳаётнинг ўзидаги каби битмас-туганмасдир. Ижодкорнинг қисмати шундай; у инсоннинг парвозидан самимий қувонади ёки инсон йиқилганда қайғуради, азоб чекади. Лекин одамлар идеалга интилар экан, уларнинг парвозлари ва йиқилишлари муқаррардир. Жамият ўз идеалларини ёқлар экан, адабиёт ва санъат ҳаёт ҳамда турмушнинг зиддиятларини тасвирлашга интилишдан маҳрум бўла олмайди. *“Конфликт деганда бадиий асар персонажларининг ўзаро қарашлари, қаҳрамоннинг ўз муҳити билан зиддиятлари, шунингдек, унинг руҳиятида кечувчи қарама-қаршиликлар тушунилади. Бадиий асар воқеликни бадиий акс эттиргани ва унинг марказида инсон образи тургани учун ҳам инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликтларнинг бари унда бадиий аксини топади” [4;109].*

4-шуба

Ҳаётнинг мангу ҳаракати ва унинг изланишлари, инсоннинг дунёни бадиий англаши кучларнинг, қарама-қаршиликларнинг ва ҳодисаларнинг ўзича ҳаракатининг тўқнашувларида ўтиб боради. Инсоннинг бахтсизлиги, у баъзан ушалмас орзулардан телба бўлиб, ўзини изтиробга маҳкум қилишида эмас, бахтсизлик-бу орзунинг йўқлигида ва демак ҳаракатсизликдадир. Борлиқнинг мураккаб диалектикаси бадиий ижодиётда ўзига хос моҳият касб этади. Санъатда одамларнинг шароитларни билиб олишга интилиши ҳам, уларнинг ижтимоий тўқнашувлари ҳам, бир-бирига зид қарашлари ҳам, уларнинг табиатлари ҳам гўёки қўшилиб кетади ва буларнинг барчаси конфликтда ўзининг ифодасини топади.

Кейинги йилларда бизнинг адабиётшунослигимизда комедия конфликтини ва шу орқали комикликни ҳосил қилишнинг асосий тури-бу янгиликнинг эскилик билан курашини тасвирлашдир, деган даъво анча кенг тарқалди. Кўпгина адабиётшуносларимиз конфликтни, унинг кўринишларини тўлиғича тадқиқ этмасдан туриб, уни бирёқлама талқин қилишмоқда. Жумладан, адабиётшунос Ҳатиба Ҳакимова куйидаги фикрларни илгари суради: *“Бизнинг жамиятимизда конфликт асосан эскилик билан янгилик ўртасида бўлади. Ҳозирги замон конфликтни масаласини ҳал қилишида янгилик билан бирга эскиликнинг ҳам типиклигини тўғри тушуниш керак”* [5;48].

Абдумурот Номозовнинг ушбу мулоҳазалари ҳам юқоридаги фикрларни гўёки тасдиқлайди: *“Назаримизда, комедияда конфликт орқали комикликни ҳосил қилишнинг энг кўп тарқалган шакли-бу янгилик билан умри тугаган ҳодисалар, кўринишлар ўртасидаги тўқнашувлар, кескин муносабатларнинг ифодаланишидир. Бунда янгиликнинг вужудга келиши ва эскилик қолдиқларини сиқиб чиқариши, умри тугаган нарсаларнинг яшаб қолишига уриниши ва ички яроқсизлиги конфликт комиклигини ҳосил қилади”* [6;52].

Бизнингча, конфликтни бундайин бир қолипга солиб чегаралаб қўйиш комедия жанри хусусиятларига, умуман, бадиий асарларга ҳам схематик жиҳатдан ёндошувни юзага келтиради, ваҳоланки адабиёт ҳаётнинг инъикоси экан, ҳаётнинг ўзида ҳам эскилик билан янгиликдан ташқари яна қанчадан-қанча бир-бирига зид жиҳатлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Яна шуни айтиб ўтишимиз жоизки, конфликтнинг ҳодисалар ва тақдирларнинг ҳаракатлантирувчиси сифатидаги моҳияти тамомила қотиб қолган катталиқ ва ўзгармас, турғун бир нарса эмас. Конфликт ҳаётнинг кўпқиррали, кўчиб юрувчи жараёнининг инъикоси сифатида ҳам, ва бадиий тамойил сифатида ҳам тарихий-эстетик тушунчадир. Ҳар бир давр муаммога ўзининг тузатишларини ва ўз оханглари олиб киради, янги, илгари маълум бўлмаган жиҳатларни илгари суради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
2. Аристотель Поэтика. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
3. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. –Т.: Фан, 1981.

4-шубба

4. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Халқ мероси, 2004.
5. Ҳақимова Ҳ. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек комедияси (конфликт проблемасига доир). Филология фанлари номзодлиги учун диссертация. –Т.: Тил ва адабиёт институти, 1964.
6. Номозов А. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати (С.Аҳмад ва Ў.Умарбеков комедиялари асосида). Филология фанлари номзодлиги учун диссертация. –С.: Самарқанд ДУ, 1994.

**“ҚАЙТМАС ТЎЛҚИНЛАР” РОМАНИДА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАСВИРИ**

**Паризод Шавкат қизи Туропова,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш
методикаси кафедраси ўқитувчиси**

Туроб Мақсуднинг “Қайтмас тўлқинлар” романи табиатнинг гўзал инъоми бўлган хаёл, хотира маҳсули экан, шу ўринда И.Отамуроднинг “*Сен менинг бобомсан – Хотира–канглумнинг тоғлари... Хотира менда бир чулпангман. Бир узун йўллар–а, Хотира*” [2;58], –деган сатрлари беихтиёр ёдга тушади.

“Қайтмас тўлқинлар” романини ўзига хос жиҳати жаҳон адабиётида кечаётган ижодий жараён ва янгиланаётган миллий романларга ҳамоҳанглигида кўзга ташланади. Роман хусусида сўзлар эканмиз, адабиётшунос олим Умарали Норматовни “*адбнинг (изоҳ бизники) Жиззахни қадимий, айниқса, кейинги юз йиллик тарихини миридан–сиригача яхши билади;... Боз устига, унинг фақат миллий адабиётимиз эмас, жаҳон адабиёти, санъати, фалсафаси, руҳшунослигига доир нодир асарларидан хабардорлиги, “Қайтмас тўлқинлар” устида ишлаш чоғи кейинги икки аср давомида Фарбу Шарқда яратилган автобиографик-мемуар асарларнинг деярли барчаси билан танишганлиги, улар ҳақидаги ўз шахсий фикр- мулоҳазалари – булар мени лол қолдирди*” [1;4-5] сўзларини келтиришни жоиз билдик.

Асар бошиданоқ муаллифнинг Алишер Навоийнинг “*Каъбаки, оламнинг ўлиб қибласи, Қадри йўқ ондоқким, кўнгил каъбаси*” масраларини келтириши, шунингдек, романнинг ифода йўсинида эсдалик, хотира – мемуар, насрий баён ва драма усуллари қоришиқ ҳолда келиши, лирик-фалсафий чекинишлар, тарихий-афсонавий талқинлар, шеърий парчалар мунаққид эътироф этган фикрни тўлиқ исботлайди.

Ҳар бир миллатнинг ўзи қадрлайдиган анъаналари, урф–одатлари, маросимлари, маданий ва маънавий қадриятлари, миллий қахрамонлари бўлганидек, беш китобдан “Гўдаклик”, “Болалик”, “Ўсмирлик”, “Ўспиринлик”,

4-шуба

“Илк ёшлик”дан иборат “Қайтмас тўлқинлар”да қаҳрамони Қуддус ҳаётининг беш палласидаги воқеалар баёни юқоридаги ҳолатларни ўз акс эттиради. Асар Қуддуснинг тилидан ҳикоя қилинади. Юқорида айтганимиздек, асар автобиографик асарлар сирасига мансуб бўлиб, қайсидир маънода Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаровларнинг шу йўналишда ёзилган асарларига ҳамоҳангдир. Ушбу асарнинг “Тўдаклик” қисмида Қуддус ҳикояси орқали *“йўқолиб бораётган урф-одатлар”* маҳорат билан тасвирлаган. Буни биз биргина бош қаҳрамоннинг онасини чиллака токни кеч кузгача Абдурахмон тоғаси ёки Масковдан юрган ўғли учун асраб авайлаб сақлаши-ю, палов қиладими, суюқ оши қиладими қозонда озгина қисмини қолдириб *“зойибнинг ҳақи”* деб олиб қўйиш ҳолатларида ҳам кўришимиз мумкин. Бу фақатгина Қуддус онасигагина хос бўлмай, балки ҳар бир ўзбек оиласига хос бўлган фазилат эканлигини асар давомида кўришимиз мумкин. *“Худди шу пайтда Шириннинг Нозик опаси товоқ кўтариб чиқади. Дадам Нозик опани кўриши билан кулиб-кулиб қироат билан дейди:*

-Бор товоғим, кел товоғим,

Агар борсанг-да, келмасанг,

Ора йўлда син товоғим!...

Нозик опа қайтиши билан унинг орқасидан ё Зухра опам, ё Умри опам товоқда овқат кўтариб, уларникига югуради, дадам завқ билан:

-Борақол-ей, товоғим! –деб қолади” [3;23]. Бу соф ўзбекона миллийлик, умуминсоний қадриятлар ифодасидир. Асарда бу каби ҳолатлар бир неча ўринда, воқеалар баёнида, хусусан хашар, Сайид ака билан Тўти опани орасидаги муаммолар ҳал қилиниши жараёнида, яъниким, ҳалала (“талоқ” қўйиши шарт билан иккинчи эрга никоҳ қилиниш)да яққол намоён бўлган. Сайид ака ичкилик оқибатида аёли Тўти опани талоқ қилади. Бу Қуръонда ёмон бўлиб бундай ҳолатда сўнг турмушни давом эттириш мумкин бўлмай қолади, қачонки ҳалала қилсагина яна қайта турмуш қуриш мумкин бўлади. Адиб ушбу воқеаларни жуда таъсирчан, ишонарли қилиб тасвирлаб берилади. Сайид қилган аҳмоқгарчилик учун жуда катта тўлов қилишини билиб азобланади, ҳаттоки ўлимига ҳам рози бўладики, хасми ҳалоли аёлини ўзга билан никоҳланишига жимгина қараб тура олмайди, *“Сиз шарият пешвоси бўлиб шу йўлни ўглингизга ё қизингизга раво кўрармидингиз!... кўзини пахтаси чиққанча бўйинини гоздек чўзиб домлага ёмон боқди...*

–Сайид, ўтир жойингга! Оғзингдан чиқаётган сўзга эрк беришининг, ўз оғзига кучи етмасликнинг оқибати шул бўлади... Мусулмон одам бундай

4-шубба

бўлмайди. Қани ўтир!” [3;77]. Ёзувчи ўз ёғига қоврилаётган Сайид ва ичкари хонада тақдирини жон ҳовучиллаб кутаётган Тўти изтиробларини маҳорат билан тасвирлайди. Нафақат улар, балки бу вазиятни ечимини қандай яқунланишини кутаётган китобхон ҳам ички саросима, хаяжонга тушадики, бундай ечимни ҳаттоки дин пешвоси “домла” ҳам кутмаган эди. Бу адибни ўзига хос услуб эгаси эканидан далолат беради.

“–Мен сенинг мусулмонлигинга ҳам шубҳам бор. Қани калимаи шаҳодатни қайтар–чи?!”

Сайид ака дудуқланиб қолди:

–Ло илоҳи, ло илоҳи... Сайид ака шу икки сўздан бошқа ҳеч нарса айтолмади” [3;78]. Шундан сўнг мусулмончиликнинг беш шартини ҳам билмаган бажармаган инсонни мусулмон бўлмаслигини Қуддус дадаси тилидан мантиқли асослаб берилади.

“Ота–онаси мусулмон бўлгани билан боласига мусулмончилик мерос бўлиб ўтадимми? Агар беш фарзга амал қилмаса ҳам!”

Исажон домла(ўйланиб) Йўқ, мутлоқо мерос бўлмайди, полвон!

Дадам: Унда Сайид кофир экан–да!

Мусулмонқул ака: Ғирт кофир.

Рашид ака: Минг қайтгани!

Дадам: (домлага қараб) Унда Сайид айтган уч талоқ вожиб эмасдур.

–Тўғри мусоҳаба! –деб юборди Исажон домла ҳайрон қолиб.

–Ахир ўша шарият китобларида: “Кофир чоғида никоҳланган эр ва хотун исломга кирсалар, никоҳларини янгиламай шу никоҳда қолурлар”, деб ёзилмаганми, тақсир.

Домла шошибгина деди:

–Шундай полвон!

–Айнан шундай экан, унда бу Сайидвойга, аввал, мусулмончилик фарзларини ўргатсангиз, фатвоингизни билдириб, сўнг бир яхши фотиҳа берсангиз, маъқулми тақсир?

–Маъқул, –деди домла яна тезгина” [3;79].

Юқорида келтирилган диалогдан икки нарсани англаш мумкинки, бу ҳам ёзувчининг юксак маҳоратидан дарак беради. Биринчиси, Сайидвой тимсолида шўро даври таълим тизими натижасида, унга ва ўша даврда яшаган

4-шуба

барча мусулмонларга фақатгина дунёвий билим берилгани, диний билим чекловлари туфайли Сайидвой ва унинг қатори ўзбек халқини фарзандлари, ҳаттоки Исажон домла кабилар ҳам дин ва Қуръондан беҳабар, мосуво бўлганлиги.

Иккинчиси эса бунинг натижасида ночор аҳволга тушган Сайидвой кабиларга тўғри йўл кўрсатувчи, маърифатли, илмли ўзбек халқининг ҳақиқий полвон каби инсонлари бор экан, миллий қадриятлар ўлмаслиги ишонарли очиб берилади. Шу ўринда, *“Ижодкор яратган бадиий воқелик ҳаёт ҳақиқатига мос, лекин ўзига асос бўлган ана шу воқеликдан устун бўлмоғи лозим. Ҳаётга тақлид бадиий ижодда муайян истеъдод ҳис–туйғуси, таффақури, идеали таъсирида умуминсоний қадриятга эга бўлган янги бадиий ҳаёт яратиши”* [4;97] – эканлиги ўз исботини топган.

Асар ўқиш жараёнида бу қарашларнинг ёзувчи ўзига дастурамал қилиб олганини кўришимиз мумкин. Асарда Шўро даври таъсирида шаклланган емхўр раис образи бўй–басти билан намоён бўлади. Колхозчилар ҳисобига киссаси қапайган раис жононига шаҳардан уй олиб бериш учун элни пулидан, қолаверса Соли ферма билан тил бириктириб совлиқ, кўчқорларни пуллагани, қаҳрамон Қуддусвой ота-онаси диалогда очиб берилади.

“–Ахир Шарифбой минг қўйини шу умидда колхозга берганмиди?

–Бечора Шариф амаким! –деди аям хўрсиниб. –Минг қўйини бериб ҳам, Совет балосидан қутила олмади!... Дадам раҳматлининг боғларини ҳам хароб қилишяпти, бир куни тамом қўпориб ташламаса, деб қўрқаман. Тўрақул бобо бекорга:

Совет деган замон бўлди,

Кундан–кунга ёмон бўлди.

Совет, совет, совет, совет,

Ўғилни отадан совит,

Отани ўғилдан совит.

Бекорга ётмасин тобут,

Тирикни ўликдан совит!” – деб шеър ёзмаган-да! [3;96].

Асарни ўқир эканмиз, у ҳар бир қаҳрамоннинг ички дунёсини чуқур таҳлил этади. Муҳими, ёзувчи яратган образ характерлари бир-бирига ўхшамайди. Адиб адабиётимизга янги қаҳрамонларни олиб кирди. Унинг қаҳрамонлари миллий ўзлиқни англаган, янги тафаккур уфқларини ўзида акс

4-шубба

эттирган инсонлардир. Чунончи, адибни романда шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, туғма – табиий, сирли – сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий, тарихий шароит – тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсинмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини Қуддус ва бошқа қаҳрамонлар орқали ифодалашга интиланганини кўрамиз.

“Дадам даладан қайтиб ювиниб эндигина супага чиқиб ўтирган эди. Сайид ака билан кўришиб деди:

Ўрол суюнчи олиб чиқ, полвоннинг умри билан берган бўлсин!

Сайид акамнинг оғзи очилиб қолди:

–Ё тавба, ҳозиргина кўзи ёриди, тўғри бу ёққа келяпман, ҳали ҳеч кимга айтганим йўғ-у, сиз қаяқдан билдингиз?

–Ҳа, энди, Сайидвой Аллоҳимнинг ўзи хабар беради, –деди дадам...

–Раҳмат, яхши. Тога... шу... рози бўлсангиз отини Мусажон қўйсам!

Дадам бироз ўйланиб туриб аямга:

Анави кўк кўйлакни олиб чиқ, –деди...

Бу кўйлакни балогатга етганда кияди,–дели дадам” [3;112].

Парчадан кўриниб турибдики, кичкинагина парчада халқимизга хос бўлган кадриятлар намоён бўлиб турибди. Бу Мусажон полвонни аёлини исми билан эмас, катта фарзандини номи билан аташда, ёки янги туғилган чақолоққа яхши ният билан кўйлак беришида, Сайидвой акани Мусажон полвон томонидан, дин пешвоси ечолмаган, лекин Мусажон полвон сингари зукко, дину исломни яхши билганлиги сабабли мушқули осон бўлгани ва бунинг миннатдорчилик сифатида, қолаверса фарзандини келгусида шундай инсон бўлишини истагани учун уни номини қўйишида яққол кўринади. Минг афсуски, бундай кадриятлар тоталитар тузуми даврида бора-бора йўқолиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Асарда бу каби миллий кадриятлар бир неча жойларда ҳаётий, ишонарли, жонли тасвирлаб берилган. Хусусан, Мусажон полвонни қизи Соадатга келган совчиларни кутиш жараёнида ҳам бу ҳолат бўрттиб кўринади:

“–Йигит қаерда хизмат қилган?

–Ўтган йили куздан бери соллатликка оламан деб чақириб ётибди, ҳар сафар кудангиз бориб тинчитиб келади...

4-шубба

–Эйи, ҳали йигит армияга бормаганми?

–Бе, нима қилади у совуқ томонларда? Энди қудангиз тўйни тезлатсак, шу баҳона гаплашиб бутунлай қолдирмоқчи. “Уч–тўрт сўм берсам қизил билет ёзиб беради”, дейди”...

–Буни қаранг–а, нега илгари суриштирмабман?.. Гап бундай, Хайри опа! Йигит хизматга бориб келсин, тўй кейин бўлади. Ҳарбий хизматга бормаган йигит йигитми? Нима бало, ё бир иллоти борми?

–Вой, нега унақа дейсиз? Тўрт мучаси соғ, – деди хола ёқасини ушлаб.

–Унда хизматга борсин!

–Қизингиз икки йил кутиб ўтирадимми?

–Нима қилибди кутса? Ўзингиз беш йил кутмаганмидингиз?

–У вақтлар бир бошқа эди...

–Эссиз, бошида суриштирмабман, хизматга бормаганини билганимда нон синдиртирмасдим.

–Айтим-ку қудангиз гаплашиб қолдирган деб,–хола аямга қараб бурилди. Ялингансимон нигоҳ билан боқди. –Тўй қилаверайлик, кейин борса бораверар.

–Йўқ, –деди дадам кесиб. – Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас!
[3;124].

Назаримда, бу китобни бугунда кенг китобхонлар томонидан ўқилишини таъминлаш лозимки, ҳозирда қиз ўстириб, катта қилган ота–оналар йигит томонни, моддий томони: бойлиги-ю, яшаш тарзига қизиқтираётганлиги сабабли, оила, бир-бирини қадрига етиш, эр-хотинни бир-бирларини олдидаги мажбурият йўқолиб бормоқда, натижада ажримлар кўпаймоқда, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, адиб ўз асарларида болалиги кечган қишлоқ манзараларини маҳорат билан чизади. “Санъаткор бизга маълум ҳодисаларни ва воқеаларни ўз бадиий тафаккури орқали ёрқин бўёқларда тасвирлаб, шу ҳодисаларга ўзининг муносабатини ҳам билдириб ўтар” [5;58] – экан, асарда тоталитар тузум пайтида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларни ҳам пахтага чиқариш уларга ҳам норма белгилаш, айтиш ўқиш керак бўлган даврда дала ишларига жалб этилган ўқувчиларнинг ўй-кечинмалари Қуддус кечинмаларида таъсирчан ифодаланади.

“–Бошинингни қуйи солма,

Сўзимни оғир олма,

4-шубба

Пахтани териб бўлмасанг,

Жонингга ором қайда!...

Ҳа, пахта терими тугамай мактаб қайда, китоблар қайда! Эсиз, эндигина ўқишга қизиқиб кетаётган эдим-а! Бирдан зерикарли ҳаёт бошланди: тонг отмасдан тураман, подани қўшиб далага етиб бораман, нормани бажариш учун куйиб–пишаман, агар нормани бажармасам, кечқурун Нодир муаллимдан эшитадиганимни эшитаман; қуёш ботаётган пайтда опаларим ҳам ўт ўришимга қарашиб юборишади, ўтни эшакка ортиб уйга жўнайман; ювиниб, овқатланганимча ётиш вақти бўлади, жойига “шилқ” этиб тушаману қотиб ухлаб, қайси ёним билан ётган бўлсам, шу тушаману қотиб ухлаб, қайси ёним билан ётган бўлсам, шу ёним билан тураман; чамаси ўринда ағдарилишимга ҳам ҳолим етмайди. Ҳа, шунақа. Қачон мактаб очилишини билмайман. Хайр, дарсликларим, китобларим!” [3;235].

Бу каби тасвир бир томондан ёзувчининг маҳоратидан дарак берса, иккинчи томондан, ўша давр фожиаларини ҳис қилишга ёрдам беради. Ёзувчи ҳаётдан олган материални давр муаммоларини кўрсатиш ғоясини илгари сураётган экан, ҳаётни бутун даҳшати билан тасвирлайди.

Асарда баъзи ёшларимиз ҳозирда билмайдиган миллий кадриятлар ҳақида ҳам сўз боради, бу Қуддус тилидан шундай ҳикоя қилинади: *“Бешириқ ёқалаб кетган сўқмоқдан уйга қайтаётсам, шундай ариқ бўйида белбогини ерга тўшаб, намоз ўқиётган уста Файзи бобони кўриб қолдим... ариқ олдида ётган калтакни олдим-да, Уста бобонинг белбоғидан анча берига кўндаланг қўйиб, олдини кесиб ўтдим – намоз ўқиётган одам олдидан шундай қилиб ўтиши кераклигини дадам ўргатган”* [3;191].

Асарда яна бир ўринда, адиб раис ва Уста бобо ҳалоллик ҳақида бўлиб ўтган суҳбатини келтирилиши, унда Уста бобони *“Бир китобда ўқигандим!”*, – деганда Қуддус ҳайрон бўлади *“мактабда айтишардики, бунақа чолларнинг бари саводсиз”* [3;193] деб ўйлашдан кейин Уста бобо томонидан эшитган ривоят асар бадиий ғоясини ниҳоятда кўтарганлигини кўришимиз мумкин. Унда сой ёқалаб кетаётган ҳусну малоҳатда тенгсиз Юсуф зилол сув юзида оқиб келаётган бир дона олмани олиб, бехосдан бир-икки тишлаб ярмини еб қўяди, шунда ўйламасдан қилган иш хатолигини, сўрамасдан ейиш гуноҳ эканлиги ўйлаб олма эгасини излаб, уни ҳақини бергани келади:

“–Эй отахон! Мен хом сут эмган бандадан хатолик ўтди. Ана шу олмангиз сувда оқиб кетаётган экан, ушлаб, сўрамай-нетмай ярмини еб қўйибман. Энди мен сизнинг олдингизда ҳам гуноҳкор, ҳам қарздор бўлиб

4-шубба

қолдим... Айтинг-чи, отахон, мен қарзимни қандай узиб, гуноҳимни қандай ювай?”, – анча савол – жавоблардан сўнг чол олмани ҳақини тўлашга пули етмаслигини, уни тўлаш учун фақат шартини бажаришини айтади, “– Бўлмаса, менинг бир қизим бор, исми – Абкор. Унинг оёғи шол, кўзи кўр, қулоғи кар. Абкорга уйланасиз, шарт шу!. Юсуф шартга кўнди... Йигит гўшангага кирди-ю ҳайратдан қотиб қолди: чимилиқдиқда ой деса ойдан ойдин, кун деса кундан ёруғ бир соҳибжамол эгилиб салом бериб турганмиш. Юсуф қўли билан юзини тўсиб, гўшангадан чиқиб кетди.. Бу менга айтилган қиз эмас!.. –Ахир сиз, заифамнинг кўзи ожиз, оёғи шол, қулоғи кар деган эдингиз-ку!

–Тўғри, лекин кўзи ожиз деганим нопокларнинг юзига боқмаган деганим, оёғи шол деганим, остона ҳатлаб ташиқарига чиқмаган деганим, қулоғи кар деганим, ёмон сўз, нотўғри гап эшитмаган деганим эрди, ўғлим!.. Йиллар ўтиб Ақобирдан тугилган ўғил тўрт ёшида беқиёс истеъдод намоён этди. Шунда Ақобир: “Отаси агар олманинг ярмини еб қўймаганда эди, ўғлим ўз қобилият кучини уч ёшдаёқ зоҳир этган бўлар эди!” деган экан. Ана Орзиқул ука, энди бизнинг ҳалоллигимиз, қайга борарди?!” [3;195–196].

Ана энди юқорида келтирилган парчага эътибор қаратсак, “мактабда айтишардики, бунақа чолларнинг бари саводсиз” деган жумлага эътибор қаратсак, Шўро ҳукумати ёпиштирган бу тавқи лаънат қанчалик асоссиз эканлигини Уста бобони айтиб берган ривояти кўрсатиб турибди. Ривоятда жуда катта фалсафий маъно сингдирилган бўлиб, бировни ҳақини ейиш мусулмон фарзандини иши эмаслигини, унинг оқибати фақат ўзида эмас, келажак авлодга ҳам таъсир этиши очиб берилган. Шунингдек, ҳозирда бировни ҳақини ейишга кўрқмаганларга, куёв танлашда эса имон эътиқодлигига эмас, балки яшаш тарзига, пулига учайдиганларга, миллий кадриятларимизни ўзида ифода этган, бу ривоят қайсидир маънода ибрат, сабоқ эканлигини таъкидлаш жоиз.

Юқоридаги таҳлиллардан шу нарса аён бўлаяптики, Туроб Мақсуд миллий адабий анъаналарни ҳам, дунё адабиёти тажрибаларини ҳам пухта ўзлаштирган, доимий изланиш, сўз ва фикр қолипини янгилашга интилган ижодкор эканлиги, роман ғоя мазмунидан яққол намоён бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Норматов У. Роман ва унинг муаллифи ҳақида дил сўзлари // Туроб Мақсуд. Қайтмас тўлқинлар. –Т.: О‘zbekiston, 2014.
2. Отамурод И. Муқаддас. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги номидаи матбаа–ижодий уйи. 2005.
3. Туроб Мақсуд. Қайтмас тўлқинлар. –Т.: О‘zbekiston, 2014.

4-шубба

4. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т. : Фан, 2004.
5. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва.: Писатель, 1975.

BIR SHE’R XUSUSIDA

**Shohista Saydievna Ahmedova,
Jizzax DPI o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi**

Jamiyat madaniy-ma’naviy hayotida Boborahim Mashrabning ijtimoiy-falsafiy, diniy-tasavvufiy, axloqiy qarashlarining o‘rni juda katta. U o‘zini haqiqatga va o‘zi haqiqat bo‘lgan xalqqa bag‘ishladi. Ma’lumki, butun dunyoga mashhur bo‘lgan allomalarimizning ma’naviyati keng, lekin qismati og‘ir bo‘lgan. Zero, “Buyuk ajdodlarimizning ulug‘ nomlari, xalq xotirasi va uning taqdiri munosib davom etishga loyiqdir” [4;15].

Jumladan, Omon Matjon ham Boborahim Mashrabning salaflari izidan borib, ular olg‘a surgan g‘oyalardan izchil foydalangan holda “Bu-Mashrab, “Mashrab” she’rini yozdi. Shoir ushbu she’rida Mashrabning umuminsoniy xislatlarini o‘z dunyoqarashi bilan ajib ifoda etgan.

*Falak daraxtidan ayni tong chog‘i,
Oq-qora qushlarni hurkitgan kim u?!
Yoz bazmi oldidan o‘n sakkiz oqshom,
Bulbulga sho‘x kuylar o‘rgatgan kim u?!
Kim u, so‘zlariga sira yo‘q taraf,
Bu-Mashrab, Mashrab! [2;68].*

Misralardagi uchta-falak daraxti, oq-qora qushlar, sho‘x kuylar so‘z birikmalari shoir aytmoqchi bo‘lgan asosiy fikrni o‘zida umumlashtiradi. Falak daraxti – bu Mashrabning tug‘ilishi, ya’ni insoniyat davomchisining yorug‘ dunyoga kelishi daraxt shoxlariga o‘xshatilyapti. Oq-qora qushlar – o‘sha davrning zo‘ravon amaldorlarini anglatsa, sho‘x kuylar – esa shoir tomonidan yozilgan o‘tli she’rlar, kishilar qalbida uyg‘otgan quvonch, umid tuyg‘ularining ramzidir. Shunday qilib, shoirning tug‘ilishi quzg‘un qushlarni hurkitgan bo‘lsa, oddiy xalq qalbiga bulbul kuyidek kirib keldi. Mashrabshunos olim Mo‘min Hoshimxonovning: “Mashrab o‘tdek tutashib, yonib yashadi va olovqalb, olovso‘z bo‘lib ijod qildi. Xalq dardini kuylab, beqiyos iste’dodi tufayli el muhabbatini qozondi hamda xalq yuragidan chuqur joy oldi” (4;313), - deyilishi fikrimizning yaqqol dalilidir.

*O‘g‘ri-qaroqchini arzanda tutgan
Qo‘rqoq qozilardan hazar egan kim?!
Kunimiz shu-da, deb, har ko‘yda qolgan
Ko‘ngan, rozilardan hazar etgan kim?!
Kim u, haqsizlikka otilgan g‘azab,
Bu-Mashrab, Mashrab!*

Bunda shoir bugunni kechagi kun, o‘tmish bilan muqoyasa qiladi.

4-шубба

Shu o‘rinda adabiyotshunos olimi J.Jumaboyevaning quyidagi fikrlarini keltirish o‘rinlidir. “Omon Matjon o‘sha davrda har bir millatning o‘tmish adabiyoti, san’atiga bo‘lgan adolatsiz munosabat boshqa eng katta xatolarni keltirib chiqarganligini ko‘rsatishga harakat qiladi. Zero, kuyunchak shoirning afsus va nadomatli o‘ylarini she’r orqali aytib qolishi bejiz emas” [3;271].

Ma’lumki, Mashrab haq va haqiqatni umri davomida shior deb bilgan. She’rda ham lirik qahramon o‘g‘rilardan, qo‘rqoq qozilardan hazar qiluvchi kim? deb berilgan ritorik so‘roq gapining oxirida Mashrab ekanligi aytilyapti. U haqsizlikka chiday olmay, doim mazlumlarni himoya qilib keldi. Nafssiz kimsalarni tavba qilishga, Allohni sevishga chorladi. Qabrlarni ko‘rganda esa “Ey inson, keladigan joying shu ekan, shuncha mol-dunyo yig‘ishing nimaga, axir? - deb yig‘lab yurishi “Qissai Mashrab” asarida aytib o‘tiladi.

*Hali ko‘p uxlarisan, ogoh bo‘l, yurak
Axiran uyqudir olamning kori.
To ko‘mib ketmasin yana ming-ming yil
Maydalab yeguvchi g‘aflat g‘ubori.
Yur-yur shamolingdan tumanlar tarqab,
Ey Mashrab, Mashrab.*

Agar e’tibor bersak, shoir aytmoqchi bo‘lgan fikr ushbu satrlarda konkretlashdi. Chunki “ko‘p uxlash” o‘tgan asrda Chor hukumatining Markaziy Osiyoni mustamlaka qilib, xalqni ma’naviyatidan mahrum qilishga ishora. Yana xalq “uxlasa” ming yillab ozodlikka, istiqbolga erisholmay g‘aflat bosib yurishi mumkinligi e’tirof etilyapti. Bunda shoir o‘zini va xalqini Mashrab ruhi bilan qalban, ruhan birga his qilib hamda musaffo osmonda bulut, tumanlar tarqab yaxshi kunlar kelishiga ishonadi. Zero, tarixga suyanib, davr, zamon va kelajak haqida fikr yuritish, bugunning muammolari yechimini axtarish, eng muhimi insonni tushunish va uni himoya etish shoir Omon Matjon she’riyatining ham asl mohiyatini, lirik qahramonning bosh maqsadini belgilovchi hodisadir [1;178].

*Kel, bugun ey shoir, gumroh to‘palon,
Turli guruhlardan nifoqni ko‘tar!
O‘mgani ohista tiklanayotgan
Xalqing-la bu ozod bayroqni ko‘tar!
Suvrating bir sharaf, ruhing bir sharaf,
Ey Mashrab, Mashrab!*

Shoir yuqorida ta’kidlaganidek, ona xalq, yurtning buguni haqida o‘ylaganida, uning ruhiy dunyosini elning talon-taroj qilingan ma’naviy boyliklari, qadrlanmagan madaniyati, e’zozlanmagan insoniy huquqlari, tuyg‘ulari haqidagi qayg‘ular chulg‘aydi. Lirik qahramon o‘quvchisi qalbida xavfli vaziyatlarda omon qolib, bizgacha yetib kelgan fan, madaniyat, adabiyot namunalarini qadrlash, hozirgi kunimizning nursizlangan sahifalariga undan nur olish, hayotga fayz kiritish, mehsizlangan qalblarga mehr ulashish, kelajakka bugunning bag‘rida ko‘z ochgan toza ruh bilan intilish tuyg‘ularini uyg‘otishga intiladi.

4-шубба

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Tursunoy Sodiqova. Mehr qolur. –Т.: Adabiyot va san’at, 1998.
 2. Omon Matjon. Iymon yog‘dusi. –Т.: Toshkent, 1992.
 3. Jumaboeva J. XX asr o‘zbek she‘riyatida psixologik tasvir mahorati. –Т.: Xalq merosi, 2009.
 4. Xoshimxonov M. Mashrabi mo‘tabar o‘zim. –Т.: Toshkent, 2004.
27. www.ziyo.uz.

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА БЕХБУДИЙ ИЖОДИГА МУНОСАБАТ

Гулбахор Райимжоновна Бекташева,
Андижон ДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

XX асрнинг биринчи чораги ўзбек адабиётидаги ўзгаришлар жадидчилик деб номланган сиёсий ҳаракат вакиллариининг ҳаёти ва ижоди мисолида яққол кўзга ташланади. Маҳмудхўжа Бехбудий ўша ҳаракатнинг фаол аъзоларидан бири эди. Профессор Б.Қосимовнинг таъбири билан айтганда, *“Туркистон жадидчилик ҳаракатининг бонийсидир”* [6;251]. Дарҳақиқат, Бехбудийнинг бутун фаолияти, ҳаёти ва ижоди жадидчиликнинг таъсири остида бўлди. 1929 йилда Қозонда босилган *“Ўзбек адабиёти”* китобида *“Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Бехбудий билан Фитрат қўйиб берди”* [6;267] дейилади. Шу маънода Бехбудий ижодининг ўрганилиши ўз давриданок бошланди, замондошларининг юқори эътирофларига сазовор бўлди. Чунончи, Файзулла Хўжаев адиб ҳақида *“сиёсий-ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг келадигани йўқ деб ўйлайман”* деб баҳоласа, Ҳожи Муин эса *“уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўринни олурга лойиқ зотдир”* [9;126] деб ҳисоблайди. Исмоилбек Гаспиринский унга *“Дор ул-қазо муфтйларидан Абу Масъуд ал-ҳожжи Маҳмудхўжа жаноблари”* дея мурожаат қилади. Ҳамзамон ва макондошларининг Бехбудий ижодига муносабати ана шундай бўлди.

20-йиллардаёқ маҳаллий матбуотда Садриддин Айний, Ҳожи Муин, Лазиз Азиззода Бехбудий ҳақида хотира ва мақолаларида маълумотлар учрайди. 70-йиллардан бугунги кунгача Солиҳ Қосимов, Аҳмад Алиев, Наим Каримов, Сирожиддин Аҳмедов, Шерали Турдиев, Ҳалим Саййид, Нормурод Авазов, Зебо Аҳророва кабиларнинг илмий тадқиқотлари яратилди. Наим Каримовнинг *“Маҳмудхўжа Бехбудий”*, *“XX аср адабиёти манзаралари”*; А.Алиевнинг *“Маҳмудхўжа Бехбудий”*, Исмоил Тўлакнинг *“XX аср ўзбек адабиёти”*, қолаверса, Б.Дўстқораевнинг бир қанча тадқиқотларида ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига оид қимматли маълумотлар берилган. Бу борада Бегали Қосимовнинг Бехбудий ҳақидаги илмий тадқиқотлари билан бир

4-шуба

қаторда адиб асарларини кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этишдаги саъй ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Олим 2006 йилда Бехбудийнинг “Танланган асарлар” тўпламини нашр эттирди, сўзбоши ва изоҳлар ёзди, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслигида ҳам алоҳида фасл ажратди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Бехбудий ва жади́дчилик”, “Ёшлик” журна́лида “Карвонбоши” мақоласини чоп эттирди. 1994 йилда чоп этилган “Маслакдошлар” китобининг “Адиби аввал” деб номланган биринчи фаслини Бехбудийга бағишлади. Фаслда Бехбудийни *“Туркистоннинг энг машҳур кишиларидан эди. Унинг номи Туркистон генерал губернаторлиги у ёқда турсин, оқподшонинг ўзига ҳам аён бўлган. Бухоро амири Сайидолимхон уни ўзининг шахсий душмани деб ҳисобларди. 1919 йилнинг баҳорида айдоқчилар уни Шаҳрисабзда қўлга олдилар. Сўнг у яширинча Қаршига келтирилди. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл этилди”* [7;3] дея унинг “сирли ўлими” ҳақида маълумот беради. Туғилиш санаси ҳақида ҳам айрим тадқиқотларда 1874 йил март деб янглиш кўрсатилгани ҳақида профессор Б.Қосимов ўз тадқиқотларида аниқлик киритиб, 1875 йил 19 январь келиб чиқишини аниқ далиллар билан исбот этади. Б. Қосимов Бехбудий ижодини таҳлил этишда герменевтик (шарҳлаш, талқин этиш) методдан самарали фойдаланади. Яъни герменевтик метод *“ёзма манбаларни талқин қилиш, тушуниш санъати ҳақидаги таълимот”* [10;13] бўлиб, Бехбудий асарларини тадқиқида жаҳоннинг илғор услубларидан фойдаланади.

Олим Бехбудийнинг жади́дчилик фаолиятига юқори баҳо бериб, *“У ўлкадаги жади́д мактабининг энг биринчи назарийетчи ва амалиётчиларидан, жади́дчилик ҳаракатининг эса тан олинган карвонбошисидир”* [7;9] – дейди. Чиндан ҳам Бехбудий жади́д мактаблари учун махсус дарсликлар яратди. Жумладан, “Мунтахаби жуғрофияи умумий”, “Китобат ул- атфол”, “Мухтасари тарихи ислом”, “Мадхали жуғрофияи умруний”, “Мухтасар жуғрофияи Русий” каби. Бегали Қосимов ушбу дарсликларни кенг ва чуқур таҳлил қилди. Хусусан, “Мунтахаби жуғрофияи умумий”га тўхталар экан, унда жуғрофия сўзи “ер ва туфрокни баён қилатурғон илм”лигидан тортиб, жуғрофиянинг фан сифатида майдонга келиш тарихи, қадим Туркистон олимларининг бу соҳадаги хизматлари, Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълум” ва Исмоилбек Гаспиринскийнинг *“Туркистон уламози”* китобларидаги ҳужжат ва далилларга асосланиб, фикр юритганини айтиб ўтади. Бехбудий диний ва дунёвий фикрларни солиштириши натижасида *“ҳар бир инсонни жамияти инсониятга ва дини илоҳияга эҳтиёжи бор... Динсиз мутамаддун (маданиятли) бўлмоқ муҳол(қийин)дур. Бас, жамият илм, инсоф ва ҳунар сабаблари ила уч хил бўлинадурки, ваҳшоният, бадавият, маданият аталган”* [6;264] деган қатъий фикрга келган. Ушбу дарсликда география, сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ соҳасига оид маълумотлар ёритилган. Айниқса, “ернинг тузилиши, тоғлар, дарёлар, кўллар, қуруқлик, ой тутилиши, куйруқлик юлдузлар, ҳаво, атмосфера, кун-тун, ёз, қиш, тупроқ, сув ҳолатлари ҳақидаги фасллар ҳам анча мароқли ёзилган” [7;31]лигини таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари, Бехбудий замонасидаги мавжуд идора усулларини уч гуруҳга бўлиб, давлат бошқарув

4-шуба

тизими, ҳокимлик ва идора юритиш йўллари, раҳбар кадрларни етиштириш масалалари ҳақида ҳам маълум фикрлар баён қилганки, бу унинг бадиий ижоддагина эмас, сиёсат ва бошқарувни яхши билган етук нуқтадон эканини исбот этади. Бегали Қосимов Бехбудийнинг ушбу китобини таҳлил қилар экан, унинг тарихчи олим сифатидаги қирраларини ҳам ёритиб, “ҳижратдан 4500 йил олдинги Миср воқеаларидан 1324-1906 йилдаги Русия давлат думаси очилишигача бўлган жаҳон тарихидаги ҳодисалар санаси *“Аҳволи тарихиядан намуна” сарлавҳаси билан берилган*” [7;38] лигини эътироф этади.

Бехбудий ўзбек адабиётида яна бир соҳа драматик тур ва театр санъатининг юзага келишида ҳам етакчилардан бири бўлди. Гарчи Б.Қосимов тадқиқотларида биринчи ўзбек драмаси “Маҳрамлар” хронологияга кўра Бехбудий яратган “Падаркуш” фожиасидан бир неча йил олдин Наманганда Абдурауф Шахидий томонидан эълон қилинган бўлса ҳам, *“бу соҳада ҳам Бехбудий карвонбоши бўлиб тарихга кирди*” [7;15] дейди. Унда маърифат ғояси етакчилик қилади. Олмониялик олима И. Балдауф “Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда” мақоласида ҳам Бехбудийнинг дарди эрк ва маърифат эканлигини таъкидлайди [7;25]. “Падаркуш” драмаси маърифатга чақирувчи биринчи миллий фожиадир.

Олим Бехбудий публицистикасини таҳлил қилар экан, “Танқид сараламоқдур” мақоласи ҳақида Бехбудий адабий танқидга катта эътибор берганлигини айтиб, “Навоийдан кейинги бир неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хос хусусиятларини тайин этиб, адабиётда тенгҳуқуқлилиқ масаласини ўртага қўйди” [7;22]. Адабий танқиддаги бу масала ҳозирги адабиётшунослик учун ҳам муҳим бўлган мавзу саналади. Танқид ҳам адабиётдаги эстетик ҳодиса бўлиб, бу ҳақда рус олими Белинский *“Адабиёт ва санъат танқид билан қўл ушлашиб боради ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади*” [1;78] - дейди. Адабиётнинг ривожидида танқиднинг ўрни бекиёсдир. Бехбудий қаламига мансуб асарлар давр адабиётидаги ўзгаришлар, юксалишларга туртки бўлди. “XX аср тонгида Бехбудийнинг “Падаркуш” драмасининг пайдо бўлиши ўзбек театр танқидчилигининг туғилишига олиб келди. Мирмуҳсин Шермухаммедов, Ҳожи Муин каби театр танқидчилари етишиб чикди” [5;40].

Бегали Қосимов Бехбудий ижодидида образли танқидий тафаккурнинг ёрқин кўринишини яратди. Унинг асарларини тадқиқ этар экан, ҳар бир кичик мақоласидан тортиб йирик ҳажмдаги асаригача муносабат билдириб, Бехбудий ижодидидаги оригиналликни кўрсатиб бера олди. Оригиналлик бадиий асар учун хос бўлган энг зарур ҳодиса бўлиб, бу ҳақда рус олими Белинскийнинг *“...оригиналлик ҳам чинакам талантнинг зарур шартидир. Икки одам буюртма ишида бир-бирига ўхшатиши мумкин, лекин асло ижодда эмас; зеро, модомики бир одамга бир хил илҳом икки марта келмас экан, демак, бир хил илҳомнинг икки одамга келиши бундан ҳам мушкулдир. Мана шунинг учун ҳам ижод олами туганмас ва чексиздир... Ижодий оригиналликнинг тўғрирози, ижоднинг энг муҳим аломатларидан бири типизмдир, агар таъбир жоиз бўлса, авторнинг думалоқ муҳридир. Чинакам истеъдодли шоирда ҳар бир*

4-шуба

шахс – тип, ҳар бир тип эса ўқувчи учун нотаниш танишидир” [1;251] - дейди. Беҳбудийнинг “Падаркуш” фожиасидаги ҳар бир образ ижодий оригиналликка мисол бўла олади. Бегали Қосимов бу ҳақда *“асар жамоатчиликка, айниқса, адабиётга кириб келаётган ёшларга қаттиқ таъсир кўрсатди. 1913 йилларда Абдулла Қодирий бу асарнинг таъсирида ўзининг “Бахтсиз кув” пьесасини ёзганлигини*” [7;19] қайд этади. Ўша давр учун драмадаги бойдан тортиб Тошмурад, зиёлигача “ўқувчи учун нотаниш – таниш”га айланган қаҳрамонлар эди. Ҳақиқий асарнинг баҳоси мана шундай бўлади, аслида. Лекин “Падаркуш” фожиаси атрофида танқидий мақолалар ҳам яратилди. Бу ҳақида Бегали Қосимов “Ал-Ислоҳ” журналининг 1915 йил 6-сонида Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” номли мақоласида “Падаркуш” тилида *“дурустлик ва поклик йўқдур... таркиблари ажамий, жумлалари ифодасиз*” [7;19] дейилган бўлса ҳам, олим бунга жавобан *“Падаркуш”нинг ўзбек маданияти тарихидаги буюк роль ўйнагани муҳокама талаб қилмайдиган ҳодисадир*” дея бир жумла билан асар атрофидаги танқидларга нуқта қўяди. Бу Бегали Қосимов шахсига хос “академизм”нинг бир ифодасидир. Драмадаги жадидона ғоялар йиғиндиси тақалиб бир нуқтага “маърифат ва эрк” мотивини олиб чиқишга қаратилган эди. Буни яхши илғаган олим Б.Қосимов Беҳбудий ижоди ҳамда маънавий оламини янгитдан кашф этди.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Б. Қосимовнинг Беҳбудий илмий мероси ҳақидаги тадқиқотлари жадид адабиёти таҳлили ва тадқиқида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Беҳбудий адабий меросини ўрганиш ҳозирги давр ўқувчилари учун ҳам қимматли маълумотларни бериш билан бирга миллий мафкурамизни ҳам бойитишга хизмат қилади.

Беҳбудий ижодини ва ижодига бўлган муносабатни ўрганар эканмиз, адиб ижод лабораториясининг кенг қамровли эканлиги уни қомусий олим сифатида англашимизга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белинский В. Адабий орзулар, –Т.: 1977,1978.
2. Борев Ю. Эстетика. –Москва: 1975.
3. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талкин муаммоси. ДДА. — Т.: 2002.
4. Каримов Н. XX аср манзаралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Назаров Б. ва бошқалар. Ўзбек адабий танқиди тарихи.
6. –Т.: Тафаккур қаноти, 2012.
7. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият, 2004.
8. Қосимов Б. Маслакдошлар. –Т.: Шарқ, 1994.
9. Қосимов Б. Олам ичра олам бўлмок / Жаҳон адабиёти. 1-сон. 1998.
10. Тожибоева М. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Мумтоз сўз, 2017. Б.126.
11. Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004.

4-шубба

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҚИССАЛАРИДА ДАВР ВА ШАХС ИФОДАСИ

Дилдора Фарҳодовна Ҳақимова,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси ўқитувчиси

Сўнгги давр қиссачилигида қаҳрамон руҳиятини очишда янгича бадиий изланишлар кўзга ташланмоқда. Бу жараён бадиий тасвирда услубий ўзига хосликни юзага келтирмоқда. Натижада инсон тақдири нозик ва мураккаб ҳолатларда унга хос барча манфий ва мусбат хислатлари билан биргаликда маънавий оламнинг ҳаққоний тавсирини яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Инсон мустақил фикрлаши, у ёки бу масалада ўз қарашларини дадил, асосли тарзда баён эта олиши учун ўзидаги ички тўсиқларни енгиб ўтиши лозим. Мурасасизлик, далиллик, муаммолар сабабини ўз номи билан аташ, шижоати қарор топсагина рост сўзнинг қудрати жамиятимиз ҳаётидаги ҳузурбахш, тоза шабадани пайдо қилади [6].

XX асрнинг 60 йилларида ижодга кириб келган Ш.Холмирзаев ўзининг бир қанча асарлари билан ўз ўқувчиларига эга бўлди. Унинг “Букри тол”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “Йўллар йўлдошлар”, “Тупроқ кўчалар” қиссаларида ҳам ана шу руҳ устуворлик қилади. Қиссаларида ифода этилган ғоя қаҳрамонлар қисмати шундан далолат беради. Ш.Холмирзаев қиссаларида қаҳрамонларнинг ишончли чиқиши, сунъийлик туғдирмаслиги учун тасвирда талабчанликни асло унутмайди. *“Бу қиссаларда турли мавзулар акс эттирилган, инсон қадр-қимматини улуглаш, инсонпарлик ва адолатпарварлик, ҳалоллик ва соф виждонлилик, Ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги ғоялари олға сурилган”* [1;353].

Ш.Холмирзаев қиссаларининг аксарияти 60-80 йиллар воқелиги акс этган бўлса, бу қиссаларда 60-йилларнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган воқеалар акс эттирилган. Бу давр адабиётида характер психологиясини кучли далиллаш эмас, балки қаҳрамонларни кутилмаган воқеа–ҳодисалар гирдобиди кўрсатиш тамойили устун эди. Ҳақиқий адабий асар бахридаги ҳаёт ҳам чинакам ҳаётнинг ўзидай мураккаб бўлади, бинобарин унда ҳам барча нарса фақат “оқ-қора”-ю, ижобий-салбийга – икки қутбга яққол ажралмайди.

60-80 йиллар адабиёти шўро мафқурасини, бадиий адабиётни ишлаб чиқариш ва ғоявий кураш талабларига мослашиши, уни азалий тароватидан тамомила маҳрум этиш даражасига келтириб қўйган эди. Ёзилаётган “асарлар”, асосан пахтани тезроқ йиғиштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, социалистик мусобақада ғолиб чиқиш, империалистларнинг босқинчилик сиёсатини фош этиш ҳақида бўлиши талаб этиларди. Ҳар бир асарда қайсидир бир қаҳрамони шу мафқурани тасвирлашда хизмат қилган. Адиб қиссаларида ҳам давр руҳининг таъсирини кўришимиз мумкин.

Шукур Холмирзаевнинг “Йўллар, йўлдошлар” қиссаси болалар ҳаётига бағишланган. *“Ўсал отасининг топшириғи билан Одил жувонгарнинг уйига зигирёғи сотиб олиш учун беш сўм пулни олиб йўлга чиқади. Йўлда дўсти Мавлонникига кириб, уни ўзига ҳамроҳ қилади. Йўлда уларга отасининг “дўсти” Шоқирқўр учрайди.*

4-шуба

Шокиркўр деган киши одамларга гишт қўйиб юради. Ароқ ичиб маст бўлса “омон ёр!” деб қўшиқ айтади. Ҳеч кимдан кўрқмайди. Унинг кўзлари кўр эмас, чап кўзида холи бор, холос. Ўзи чап томонин хиёл пасайтириб ва қийшайтириб юради.

- Шокиркўр Шокиркўр деди Ўсал – ёмон кўраман... Дўконга кирса отам билан уришади.

Ўсал ва Мавлонни кўрган уларни гапга солади.

- Нақд отангинг ўзисан, қудратингдан! - деди Шокиркўр, -Ҳа майли жиян, жиян, ўсибсан, ўс. Биз ҳеч кимга мушайт қилмаймиз!... Нима дедингиз хўжам? – калта ҳассасига мурोजаат қилди. У қаримсиқ, юзини тириштириб, Шокиркўрга, кейин болаларга қараб қўйди. Шокиркўрнинг жаҳли чиқди. - Қовоқнинг очинг-е, азадор бўлсангиз ҳам! Анави одамларга қаранглр! – деди болаларга олмзордаги таранг қоплар, ўралган тўшаклар устида ўтирган йигит - ялангни кўрасатиб. – Пахтачилар! Янги ерга кетишяпти!... Янги ерга!... Ёзилмаган қоғоздай ерга! Ҳе-е, зўр! Пахта дегани чарв мойдан оқиб ўтибди, шундай олиб, этагингга солавер, Хўжам бўлса шу ишни ҳам қила олмайди. Шунинг учун “буларни пул қувиб боряпти!” дейди. Шундайми Хўжам? Икки ўспирин Шокиркўрнинг гапларига эътибор бермай йўлга отланишади. Ҳар икки бола паришон бўлиб, ерга-сомон қипиқлари, машина изларига, рангсиз тупроққа тикилиб кетар экан: “Янги ер...бу ерга ўхшамайди” деб ўйлайди, - Ёзилмаган қоғоздек” [2].

Айтиш керак-ки, “Йўллар, йўлдошлар” қиссасидан олинган ушбу парчада Шокиркўр персонаж нутқи орқали даврнинг мафкуравий ғоялари кўрсатилган. Мафкурани таърифлаётган персонаж тасвирини Шукур Холмирзаев урушқоқ, иғвогар, ичкиликка ружу қўйган образ сифатида акс эттиради. Аслини олганда ёзувчининг мақсади “Янги ер-ёзилмаган қоғоздай ер” деганда бола тарбиясини назарда тутмоқда. Давр мафкурасини эндигина ҳаётга қадам қўяётган ёшлар онгига сингдиришни тасвирлаш жараёнида ёзувчи “янги ер” деганда, пахта далалари учун ўзлаштирилаётган ерларни “ҳали сиёҳ тегмаган қоғозга” ўхшатади. Хўш, ёзувчи бу билан нима демоқчи? Бу ўхшатишнинг замирида қандай маъно яширинган? Бир қараганда “ёзилмаган қоғоздай ер” деб ҳали юртимизнинг чекка – чекка ерлари “пахта сиёсатидан” “гуллаб, яшнамаётгани” назарда тутдими ёки орзу-умидлари ушалишини даладан излаб кетган меҳнаткаш ёшларимизнинг умри беҳудага сарфланиб, жисмоний куч-қувватидан айрилиб, орзу ҳаваслари саробга айланаётганини назарга олдимики. Ишонувчанлик, соддалик болаларга хос фазилат. Ҳаётни сиз қандай тасвирласангиз, ишониб сизга эргашишади. Шукур Холмирзаев “янги ер, ёзилмаган қоғоздай ер” деб, болаларни назарга олган. Уларнинг онги, тафаккури оппоқ қоғоздек. Энди, эътибор беринг, бу “қоғозни” тўлдиришга уринган, “пахта” сиёсатини бол томиб таърифлаётган шахснинг аҳволини аянчли ҳолатда тасвирлайди, адиб.

- “Сен нимани ўйлаяпсан ҳозир? - деб сўради Ўсал.

- Янги ер қизиқ экан, деди Мавлон. - Бир кўрсанг Сен ҳам пулни яхши кўрар экансан-да?

4-шубба

- Бекор гап! – деди Мавлон. – У ерга қаҳрамонлар боради.
- Энди Ўсал ниққиллиб кулди.
- Ёшсан жўра... Пулинг бўлмаса, битта пряник ҳам ололмайсан!
- Эй, ўзимизни юқори синф болаларини ҳар йили пахтага олиб борадику!
- Олиб боради, - деди Ўсал. Ўшалар ҳам пул ишлаб келади. Ўтган йили Носир қассобнинг ўгли энасига рўмол олиб келганини кўрганман! Пахтадан! “Ишлаб олдим” деди!”[2].

Шахс руҳиятини тавсирлаш Шукур Холмирзаев ижодига мос белги дейиш мумкин. Шўролар даврида энг яхши адабиёт – муаммолар адабиёти эди. Ўша даврда бирор бир долзарб масалани кўтариб чиқиш, уни бадиий тадқиқ қилишга уринишнинг ўзи жасорат ҳисобланар эди ва адабиёт учун маълум аҳамиятга эга эди. Мафкура исканжасидаги коммунистик эстетика бадиий адабиётдан одамга, унинг оддий “винт-мурват” эканлигини эслатиб туришни киши билмас даражада талаб қиларди. Гарчи ўша пайтда ҳам оғизда инсонни тасвирлаш асосий мақсад дейилсада, амалда одамга эмас, унинг меҳнатига эътибор қаратиларди. Одамга, асосан ишчи кучи деб қаралар ва у шу нуқтадан туриб тасвир этилар эди. Инсон томонидан амалга оширилган улкан ишларга мадҳиялар айтилса-да, унинг шахсига, кўнглига эътибор қилинмасди. Ҳар бир одамнинг олам ичра олам эканини ҳисобга олиш, унинг руҳияти ва кечинмаларини тадқиқ этиш, бадиий ижод учун муҳим саналмасди [4;358].

“Йўллар, йўлдошлар” қиссасидаги қаҳрамонлар бошқалардан фарқ қилмайдиган, кўпчилик қатори одам-ёшлар. Қиссадан келиб чиқадиган бадиий маъно ҳам қаҳрамоннинг “шунча ҳамма қатори” одамлиги, яъни шахс бўла олмаганлиги сабабли янада салмоқли. Ҳикоя қаҳрамони Ўсал отаси зиғирёғи олиш учун берган беш сўм пулни йўқотиб, ёнидаги ўртоқларини пулни олганликда айблаши, отасидан қаттиқ кўрқиши сабаб Шокиркўрнинг айтганларини “Янги ер...оппоқ қоғоздай ёзилмаган, қоғоздай...”га кетишни мақсад қилган оддий бир бола. Қаҳрамон назарида “Янги ер”га бориб, пул ишлаш ва отасига келтириб бериш, болаларча тасаввур. Мавлон, Бошбек Ўсалга кўмаклашиш, дўстини кулфатда ёлғиз қолдирмаслик мақсадида, у билан бирга “янги ерга ” отланишади, аммо орзулар ушаладиган “янги ер” га боролмай, ярим йўлдан қайтишади. Алоҳида бир киши учун ҳам, бутун бир миллат учун ҳам янглиш эътиқоддан хавфлироқ нарса йўқ. Шукур Холмирзаев бу ҳолатни “Хумор” ҳикоясида ҳам ёритиб берганди. “Хумор” ҳикоясининг қаҳрамони ёш боши билан тузалмас касалга мубтало бўлган, ранги заҳилки, одам кўрқулик, соч тўкилган, тиши қолмаган, пушти куйиб кетгани боис фарзанд кўра олмайди. Бу шўришининг барига сабаб ўзининг токсикоманияга йўлиққани, яъни пахтага ишлатиладиган дорилардан заҳарлангани ва эндиликда усиз туrolмаслигини билади. У ўзининг бу аҳволини ижтимоий жиҳатдан асослайди ҳам: “...пахта давлатимизнинг тиргақларидан, устунларидан! Биз уни етиштиришимиз керак экан, сал зиён кўрса нима қипти. ” Ҳикоя қаҳрамони носозлом вазият қурбони ” [4;353].

4-шуба

Бирор бадиий асарнинг тасвир нозиклигини, бадиияти ўзига хослигини, образлар системасини тўғри тушинмоқ. Тили жозибасини ҳис этмоқ учун шу асар яратилган давр бадиий тафаккурига хос хусусиятларни билиш керак. Чунки чинакам бадиий ҳодиса ўзи акс эттирган даврдан ҳам андаза олади [5].

Одам ва қисмат, шахс ва унинг тақдир битиги ўртасидаги муносабатни эстетик баён этиш, адабиётнинг долзарб муаммоларидан биридир. Шукур Холмирзаев бу масаланинг адабиётдаги ўрнига принципал масала деб қарагани боис ҳам унинг қиссаларида мураккаб тақдирли, ўзига хос феъл – атворга эга инсонлар тасвирини кўрамиз. Собиқ совет тузими руҳи акс эттирилган асарларда одам тийнатиға алоҳида эътибор қаратилмаслиги, инсонга шахс сифатида баҳо берилмас, балки уларнинг қилаётган ишлари кўпроқ диққат қаратиларди. Шу боис ҳам уйда қаровсиз қолган кекса ота – оналари, меҳрга ташна болалар эътиборсиз қолгани, заводга, далага, идорага ошиққан ишчининг фаолияти улуғланиши натижасида, инсон руҳияни, ички оламининг хасталаниши тасвирлари адибнинг “Ўн саккизга кирмаган ким бор” қиссасида ҳам очиб берилди. Асарнинг бошланишига диққатни қаратайлик. *“Жамшид уйғониб кетиб, ёнини пайпаслади - онаси йўқ, ҳали ҳам мажлисдан қайтманти, йиғлагиси келди-ю, қоронғу уйнинг сукунати босиб қўрқди. Секин деразага қаради”* [3;247].

Ёзувчи асарда бош қаҳрамон, етакчи персонажларнинг ўзидан ташқари, уларни куршаган муҳит ва шароитни кўрсатишга айрим чизги ва тавсилотларда алоҳида эътибор беради ва уларга вазифа юклайди. Биз айрим жиҳатларини қоралашимиз, қабул қилмаслигимиз мумкин бўлган қаҳрамонлардаги хислатлар учун ўзидан кўра ва ўзидан ташқари уни тарбиялаган шу куйга солган муҳит, шароит кўпроқ айбдордир, демокчи. Улкан ёзувчилар муҳит ва шароит тасвирига алоҳида эътибор берадилар.

Шукур Холмирзаев ўз қиссаларида персонажни ғоянинг оддий ифодачисига айлантормайди. Ёзувчи сифатида уни, аввало, одам, унинг турфа табиати, ҳиссиётидаги товланишлар, хатти – ҳаракатлар силсиласи ва уларнинг ҳаётий руҳий асослари қизиқтиради. Инсоннинг дахлсизлиги ва тақдири учун куюнчаклик туйғулари акс этганлиги туфайли Ш. Холмирзаев қиссалардаги образларни бемалол бадиий тип деб айтиш мумкин. Адиб қиссаларининг қаҳрамонлари ўзларини излаган ва изланиш йўлида бот-бот азоблар чекишга маҳкум бўлган бесаранжом шахслар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.
2. Холмирзаев Ш. Йўллар, йўлдошлар. –Т.: 1973
3. Холмирзаев Ш. Сайланма. 5-жилд. –Т.: Шарқ, 2007.
4. Йўлдош Қозоқбой. Йўлдош Муҳайё. Бадиий таҳлил асослари. –Т.: Камалак, 2016.
5. Йўлдош Қозоқбой. Таҳлил машаққатлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993. 20 август.

4-шуъба

6. Сайдахметова Д. Давр ва шахс фожеаси талқини // Ёшлик. 2011. 11-12-сон.

**ҲАЛДУН ТАНЕРНИНГ
“КЕШАНЛИК АЛИ ДОСТОНИ” ТАҲЛИЛИ**

**Меҳринисо Мирахматовна Каюмова,
ТДШУ Таржимашунослик ва халқаро журналистика
кафедраси ўқитувчиси**

XX аср турк адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Ҳалдун Танер, турк драматургиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ва дунёга танилган ёрқин сиймолардан бири ҳисобланади.

Ҳалдун Танер 1915 йил 16 мартда Истанбулда профессор Аҳмед Салоҳиддин оиласида туғилди. 5 ёшида йўқотган отасининг давлат учун қилган хизматлари эвазига бошланғич ва ўрта таълимни Галатасарой лицейида олди (1935). Давлат томонидан Олмонияга жўнатилди. Хейделберг университетидан уч йил иқтисодий ва сиёсий фанларни ўрганган Ҳалдун Танер касалланганлиги сабабли Ватанига қайтишга мажбур бўлади (1938). Даволаниб чиққанидан кейин Истанбул университети адабиёт факультетининг олмон тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кириди ва университетни 1950 йилда тамомлайди. Адабиёт факультетининг санъат тарихи бўлимида ассистентлик фаолиятдан (1950 – 1954) кейин Венага бориб Макс Рейнхард театр институтида таҳсил олди. Вена театрида ассистентлик, Вена шарқшунослик институтининг турк тили бўлимига мудирлик қилди. Ватанига қайтгандан кейин (1957) Истанбул университети журналистика институтида адабиёт ва санъат тарихи; Анқара университети тил ва тарих, жўғрофия факультетида, Истанбул университетида театр тарихи кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият юритди. “*Яна бир маротаба туғилсам ҳам ёзувчи бўламан...*” – деган, ёзувчиликни касб деб билган, инсон фақат севиб бажара оладиган иши билан бахтиёр эканлиги ҳақида фикр билдирган Ҳалдун Танер 1986 йил 7 мартда Истанбулда вафот этди.

Ҳалдун Танер “Нью-Йорк Ҳералд Трибун” газетаси бошчилигидаги халқаро танловда “Шижонага ёмғир ёғарди” ҳикояси билан Туркия биринчилиги (1953), “Варлик” журнали бошчилигида ўтказилган саволномада ҳам йилнинг энг яхши ҳикоянависи деб тан олинади (1956). “Ўн иккига бир дақиқа бор” номли ҳикоялар тўплами билан Саид Фоик ҳикоя армуғонини (1955), “Бефаросат эрнинг айёр хотини” номли пьесаси билан Турк тил жамияти театр мукофотини (1972), “Соҳилда тонг” номли ҳикоя китоби билан Седат Симави вақфи адабиёт мукофотини (1983) олишга муваффақ бўлди.

Туркия, Германия, Австрия давлатларида адабиётшунослик, журналистика, санъат ва театр тарихи соҳаларида изланиш ва тадқиқот ишларини олиб борган ёзувчи ўзидан жуда бой адабий мерос қолдириш билан бирга, турк драматургиясида улкан бурилиш ясаган ёзувчи ҳисобланади. У

4-шуба

машҳур немис драматурги Бертольд Брехт таъсири остида турк драматургиясига “эпик театр” тушунчасини олиб кирган ва шу жанрда ёзган сахна асарлари билан шухрат қозонган драматургдир. Ўз асарларида турк миллий анъанавий театри ва ғарб театрини уйғунлаштира олган моҳир ёзувчи Ҳалдун Танер турк драматургиясини дунёга танитган адиб ҳисобланади. Ҳалдун Танер асарлари рус, инглиз, немис, чех, югослав, қозоқ, озар-байжон, грузин тилларига таржима қилинган. Танер жами 12 та драма ва 13 та кабаре учун пьеса ёзган бўлиб, уларнинг барчаси сахналаштирилган.

Турк адабиётида Танер драмалари уч даврга бўлиб ўрганилади [5;26]: Биринчи давр - иллюзион пьесалар, иккинчи давр - айнан томошабоп пьесалар ва учинчи давр кабаре театри учун пьесалар деб номланади.

Ҳалдун Танер драматургиясининг иккинчи даврига мансуб бўлган пьесалари мутахассислар томонидан айнан томошабоп (“Göstermecî biçimdeki” [5;27]) ҳамда эпик турдаги драмалар, ёзувчи эса Туркияда эпик драмаларнинг асосчиси деб баҳоланади [4; 56]. “Бертольд Брехтнинг издоши бўлган Ҳалдун Танер илк бор унинг эпик театри анъаналарини турк миллий тетрига татбиқ этди (“Keşanlı Ali Destanı” ва “Gözlerimi Kararım Vazifemi Yaparım” пьесаси)” [2;21], –деб таъкидлайди рус олими Л.Н.Старостов.

Танер “Кешанлик Али достони” драмаси хусусида ёзар экан, “Драматург сифатида эришган энг катта ютуғим”, деб таъкидлайди.

Ҳалдун Танернинг улкан муваффақият қозонган сахна асари “Кешанлик Али достони” драмаси бўлиб, асар йигирмага яқин давлатларда сахна юзини кўриб, Туркиянинг ўзида 1425 марта ижро этилган. Бу пьеса замонавий эпик театр ва халқ театри ўзаро уйғунлашган янги услубдаги драматик асардир.

“Кешанлик Али достони” илк миллий мусиқий драма ҳисобланиб, трагикомедия жанрида ёзилган. Асарда турк жамиятига танқидий назар билан қаралган бўлиб, шаҳар ва чекка қишлоқ аҳолиси ўртасида юз берган зиддиятлар, урбанизация масалалари [1;3], шаҳар бошқарув органларининг халқ тақдирига нисбатан лоқайдлиги, аҳолининг иқтисодий танглик давридаги қийинчиликлари ва бу қийинчиликларни бартараф этишга отланган халқ қаҳрамони Алининг аччиқ қисмати акс эттирилган.

Асар яратилишидан 2 йил сўнг 1964 йилнинг 31 мартда сахнада томошабин эътиборига ҳавола этилди ва жуда катта муваффақиятга эришди. Олти-етти йил ичида 130 марта сахнага қўйилган (60-йиллар учун бу катта кўрсаткич ҳисобланган) асар бутун Туркия матбуотида энг узоқ вақтгача шов-шув бўлган театр томошаларидан бири ҳисобланади.

1964 йилда Истанбулда, 1965 йилда Анқарада, 1966 йилда Измир, Адана, Измит ва Мерсинда, 1967 йилда Баликесирда намоиш этилган бу драма уч маротаба қайта сахналаштирилган (1973, 1984, 1985). Туркияда томошабинлар орасида шухрат қозонган бу спектакль тез орада таржима қилиниб, Европа давлатларида намоиш этила бошлади: 1966 йилда Бонн, Кольн, Франкфурт, Штутгард, Мюнхен, Нюрнбергда, 1967 йилда Ирландияда, 1968 йилда Лондонда, 1974 йилда Бейрутда, Чехословакиянинг Брюн шаҳрида, 1978 йилда

4-шубба

Будапештда, 1979 йилда Югославиянинг Принс шахрида, 1980 йилда Берлинда, 1981 йилда Гамбургда ва Венгрияда сахнага қўйилади.

1965 йилда Атиф Йилмаз томонидан асар сюжети асосида фильм суратга олинди. 1988 йилда эса сериал ишланган бўлиб, телевиденияда қайта-қайта намойиш этилди.

Ҳалдун Танернинг асарлари “Кешанлик Али достони”дан бошлаб ташвиқот мазмунини касб эта бошлади [3;177].

“Кешанлик Али достони” драмаси 2 қисм, 15 пардадан иборат бўлган мусиқий комедиядир. Мусиқаси Ялчин Тура томонидан басталанган. Бош ролларда Гулриз Сурури ва Энгин Жеззар ўйнаганлар. Жами 47 нафар қаҳрамон иштирок этади.

Ҳалдун Танер драмаларида турк инсонини ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилади, инсонга ва инсониятга бўлган чуқур севгисини ифодалайди. Жамият, табиат ва ўз ички оламида ўралашиб қолган инсон фожиасини кўрсатиб беради. Тез ўзгарувчан ва шахс сифатида шаклланаётган характерлар, кекса инсонлар, аёллар, алданган эркаклар, кичик инсонлар, турли касб вакиллари... асарларининг типик характерларидир.

Ҳалдун Танернинг ижоддаги ютуғи ғайритабиий вазиятларни, воқеаларни ва инсонларни тасвирлашда эмас, балки кичик инсонлар ҳаётини акс эттиришдадир. У ҳикоя қилмоқчи бўлган мавзунини инсонга аҳамият қаратмагандек ҳолатда сюжет жараёнида шундай ўзгариш ясадики, томошабин ёзувчи шахсиятини унутиб воқеалар ичига шўнғиб кетади гўё. Ёзувчи бермоқчи бўлган истагини, фикрини, қарорини, танқидини драма қаҳрамонларига юклайди. Шу тарзда асар қаҳрамонлари ёзувчининг сўзловчиси вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, асарларида бой мазмун ва соддаликни асосий унсур ҳисоблаган Ҳалдун Танер ўз драмаларида ҳар доим одамларнинг савиясига эътибор қаратади. Халқ ҳаёти тасвирига муҳим эътибор қаратган ёзувчи асар ва китобхон савиясига бефарқ бўлмайди. Шу сабабдан драмаларида фалсафий, ижтимоий, тарихий ҳақиқатларни мушоҳада қилган ҳолда қаламга олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.), Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014.
2. Танер Х. Избранное. Новеллы и публицистика. Пер. с тур. Л.Н.Старостова .М., Главная редакция восточной литературы издательства Наука, 1984.
3. Ibrohimova Sh. Turk dramaturgiyasi. TDSHI, 2016.
4. Karabulut M. Edebiyatın Sosyolojik İmkani Açısından Keşanlı Ali Destanı'nın İncelenmesi, Adıyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 2012, Ocak, Sayı 8.

4-шубба

5. Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1986.

ЭРКИН САМАНДАР ИЖОДИДА ОДДИЙ ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР ВА УЛАРНИНГ АСАР БАДИИЯТИДАГИ РОЛИ

*Сарвар Самандарович Атажанов,
Урганч ДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати қадимий тарихга эга. Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиёт намояндаларини меҳнаткаш омманинг дили ва тили, турмуши ва кураши, дунёқараши ва одат-удуми, ташвиши ва истак-орзуси билан яқиндан таништирди, бадиий ижодкорлик ҳаваси ва кўникмаларини туғдирди, ғоя ва образларнинг поёнсиз оламига олиб кирди, бутун бисоти ва санъаткорлик маҳоратини дариг тутмади [1;10]. Ушбу анъана замонавий ёзувчилар томонидан ҳам мунтазам давом эттирилмоқда. Айниқса, шеърятда мақол ва маталлардан, халқ оғзаки сўзлашув тилига хос образли ифодалардан фойдаланиш анча фаол давом этмоқда.

Мақол халқ ҳаётини, маиший турмушини, дунёқараши ва интилишларини, кўп асрлик тажрибаларини ифодалаши жиҳатидан катта ғоявий-тарбиявий вазифани адо этувчи фаол жанр ҳисобланади. Мақол кишига ғоявий йўналиш беради, ундаги ижобий идеалларнинг шаклланишига ривожланишига йўл очади [2;24]. Шу сабабли талантли ижодкорлар асар бўёқдорлиги, таъсирчанлиги ғоявийлигини юксалтириш учун ҳамиша мақол, матал ва халқона образли ифодаларга эътибор қаратишган.

Эркин Самандар шеърятда бу усул турли йўналишларда амалга оширилади. Шоир аксарият ҳолларда мақолларни ўзгаришсиз қўллайли.

Ит хураб, карвон ўтар,

Карвон бўл, она тилим (“Назм нафаси”, 112-бет).

Она тилига бағишланган бу шеърда мақол ишлатилиши жамиятдаги турли сиёсий-ижтимоий воқеаларга ишорадир. Чунки бир пайтлар миллий тилларнинг ҳуқуқи ниҳоятда чекланиб, оилавий тиллар доирасига тушиб қолиши хавфи ҳам сезилган эди. Шоир башорат қилганидек “Ит хуриб, карвон ўтиб” кетди. Шоир шеърларида тегишли мақолларни фикрининг қатъийлигини исботлаш мақсадида фойдаланади.

Чунки, матал нутқда кўрсатиш воситаси бўлса, мақол далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланилади [3;17].

“Ёдинг билан” шеърда муаллиф севги-садоқатнинг юксак эканлигини исботлаш учун мақолни айнан келтиради:

Майли, кетсанг, нима ҳам дердим,

Зорим бору зўрим йўқ менинг.

Ҳаётимни қўлингга бердим,

Сендан ўзга ёрим йўқ менинг [4;167].

4-шуба

Шоир дастлабки мисрада воқеадан хабар беради, иккинчи мисрада мақол воситасида ўзининг қатъий фикрини баён қилади. Кейинги икки мисрада охирги хулосани қайд қилади. Кейинги бандларда эса аста-секин кўнглидаги гиналарни бир-бир аён қилиб, яна мақоллар ғоясига монанд фикрлар билан шеърни ниҳоялайди.

Севги билан яшаса юрак,
Ғамни енгмай ўлмайди одам.

Ижодкор “Аждодлар қиличи” шеърини драмасида мақолларга янада кўпроқ таянган. Ҳар қандай босқинчини енгил учун ҳамжиҳатлик, жипслик, метиндай тартиб-интизом керак бўлади. Афсуски ушбу тарихий асарда Хоразмдаги парокандалик ёзувчи қалбини ўртайди. Шу боис персонажлар тилидан бирлик, жипслик ҳақидаги кўплаб мақоллар вазият тақозоси билан бериб борилади:

*Эсла, эсла саркарда,
Хаёлингга изн бер.*

Бирлашмаган тўзадир,

Бўлингани бўри ер (“Назм нафаси”, 247-бет).

Иккинчи бир жойда юқорида келтирилган мақолларнинг бошқа бир шакли келтирилади:

*Бори қалъаларнинг лашкарларини,
Бир жойда жам этмоқ-худди бир муштдай*

Бирлаштирмоқ даркор, бирлашган ўзар (“Назм нафаси”, 254-бет).

Ижодкор персонажлар тилидан ушбу мақолларни берар экан, асардаги бадиий нутқнинг мантикий қудратини, юксак таъсирчанлигини таъминлайди. Ушбу мақоллар монологларда шоир каби жаранглайди.

Драматург асарнинг анчагина ўринларида ушбу мазмундаги мақолларни айрим жузъий ўзгаришлар билан мисралар қатига сингдириб юборади:

Эрк дегани бирлаштир ва айлагил якдил...

Якка отдан чанг чиқур, донг асло чиққайму? (“Назм нафаси”, 246-бет).

Ижодкорнинг маҳорати шундаки бир мазмундаги ибораларнинг турли шакллари излаб топади ва ўрни билан самарали фойдаланади. Айрим ҳолларда ушбу мақол шакллари фразеологик вариантларига ҳам мурожаат этади:

Отланинлар, чанг солинлар аждаҳоларга,

Бир ёқадан бош чиқариб, қалқинг оёққа! (“Назм нафаси”, 320-бет).

Ушбу тоифа иборалар асардаги бадиий нутққа кўрк бағишлайди. Шоир шеъриятидаги қўлланилган мақоллар ғояси ранг-барангдир. Уларнинг аксарияти шеърят талаби, вазн ва қофияга мос равишда ўзгартирилиб берилган, аммо асосий мазмун сақланган. Ҳар бир мақол ғояси образлар характерида мос ҳолда жаранглайди. Масалан? Жалолиддин Туркон хотунга шундай дейди:

Бургутга қафас ёт, у савва эмас (“Назм нафаси”, 260-бет).

4-шуба

Жалолиддин нуткида афоризмлар билан суғорилган бундай иборалар кўп ўринларда садо беради. У бирлашиш масаласида отаси-шоҳ билан мунозарага боради. Аммо отаси унга:

Овозингни ўчир! - Дейди. Шунда у шоҳга шундай жавоб қайтаради:

Эркин овозларни ўчирган давлат

Ўзи ўчмай қолмас, оддий ҳикмат бу.

Овозни бўгганлар бўғилмай қолмас (“Назм нафаси”, 262-бет).

Ушбу мунозаралардан сўнг унинг отаси билан орасига совуқлик тушади. Шунда онаси унга: “*Ғаним сўзи уни бузди, сўз ёмон, болам*”, - деганида Жалолиддин яна ҳикматли сўзлар билан жавоб беради:

Онажон, сўз ёмон эмас, сўзда нима айб,

Ёмон эрур ёлгон сўзга ишонган одам.

Она барибир она. Ўғлини отаси билан мурасага чакиради:

Шоҳ ҳам банда. У ҳам гоҳи ақл чирогин,

Рақибига билиб-билмай олдириб қўяр (“Назм нафаси”, 322-бет).

Онанинг ушбу сўзлари негизида “*Бе айб парвардигор*” деган нақл ётади.

Шеъринг драмада бошқа персонажлар тилидан берилган, мақол ғояси билан суғорилган иборалар ҳам анчани ташкил қилади. Ёзувчи ўз асарига сахналар ранг-баранглигига алоҳида эътибор қаратган. Унда шоҳ, вазир, саркардалар, сарой аҳли билан бирга оддий кишилар, ҳатто масхарабозлар ҳам иштирок этиб, воқеалар ҳаётийлик касб этади. Ўз навбатида сахнадаги иштирокчилар нуткига хос ҳикматли иборалар ҳам танланиб нутқда акс этади. Жалолиддиннинг ватанпарварлик курашига кўшилиш учун унинг олдига, дурадгор, заргар, отбоқар, темирчи, масхарабозлар ҳам ёвга қарши курашиш учун кўнгилли сифатида келишади. Албатта ҳар ким қўлидан келганча ёрдамга ошиқади. Шунда дурадгорга масхарабоз ҳазиллашиб, бунинг қўли тобут тузатавериш чарчади, дейди, шунда дурадгор унга дейди:

Тилингни тий, масхарабоз, ҳазилингни қўй,

Ҳазил деган тўйда яхши, миясиз хумпар.

Аслида драматург масхарабознинг ҳазили тагида ҳам гап борлигига ишора қилади. Чунки ўша пайтда Чингиз йиртқичлари томонидан минглаб бегуноҳ кишилар қатл қилинаётган, ўз навбатида шоҳ ҳам ёлгонларга ишониб, оса-ос, чопачопларни авж олдириган эди. Ушбу сахнада заргар ҳам иштирок этиб, “Жалолиддинга менинг ёрдамим” дея олтин совға қилади. Аммо Жалолиддин унга шундай дейди:

Миннатдормен, лекин қўшин муҳтожмас зарга,

Урушдан сўнг ишлатарсиз гўзал қизларга.

Ўша жараёнда масхарабоз ҳам гап келганда отангни ҳам аяма тарзида заргарнинг тийнатиға мос иборани танлайди.

Касалингни саркарда ҳам билар эканлар,

Фақатгина гўр тузатар сенинг букрингни (“Назм нафаси”, 318-бет).

Драматургнинг муваффақияти шу ердаки, у ушбу сахнада турли тоифа кишилар тийнатиға мос ибораларни усталик билан танлай олган. Натижада сахна бир зум бўлса-да, томошабинларга оптимистик кайфият, завқ-шавқ

4-шуба

бағишлайди. Воқеалар тақозоси билан асар диалогларида турли-туман мақолларнинг ўз ва ўзгарган шакли киритилган:

Охир ҳолдан тойиб Чингиз нобакор

Ўзи қазган чоҳга йиқилгай ўзи.

Дерларки, бахт кўша-кўша, гам кўша-кўша

Бошимизни бахт қушлари тарк айлаган он.

Ғам ва андуҳ илонлари келур жуфтма-жуфт.

Султонларнинг амри вожиб бўлур, билурмиз

(“Назм нафаси”, 252, 306, 368-бетлар).

Ушбу афористик воситаларнинг барчаси шеъринг драма бадииятида катта ўрин тутди, диалогларнинг салмоқдорлиги, таъсирчанлиги ва халқчиллигини таъминлайди.

“Нутқдаги бадиий-тасвирий воситалар қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, савиясини, дунёқарашини ифодалаб беришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараганда персонаж нутқида ишлатилган халқ тил бойликлари – мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, идеоматик иборалар драматик асарнинг услубини ва халқчиллигини белгилашда энг муҳим воситалардан ҳисобланади [5;45-46].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.
2. Мирзаев Т, Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари ва унинг ушбу нашри ҳақида. // Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Фан, 1987.
3. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. *Forum.ziyouz.com*
4. Назм нафаси. –Т.: Turon zamin ziyo, 2015.
5. Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. –Т.: Фан, 1971.

УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА БУЛУТ ОБРАЗИ

Феруза Бобоназаровна Султонқулова,
Термиз ДУ Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Халқимизнинг севимли шоири Усмон Азим шеъринг поэтик образлар жиҳатидан ранг-баранг. Шоир ижодида табиат тасвири, хусусан, йил фасллари билан боғлиқ шеърларида булут образи кенг қўлланилади. Шунинг таъкидлаш лозимки, йил фасллари ва улар билан боғлиқ унсурлар шоир ижодида маълум поэтик образ даражасига кўтарилган. Шоир “Кузги боғлардан келган шеърлар” туркумидаги – боғ, барг, хазон, хазонрезгилик, турналар каби унсурларида инсон умр фаслининг якуни, умр йўлларидаги орзу-армонлари, ўкинчлари ифодаси, умри поёнини англаётган инсон кўнглининг тафтишлари, ўз-ўзига савол бериб жавобини англаган қалбнинг изтиробли суратларини яратган бўлса, баҳор фасли ва у билан боғлиқ унсурларда инсон ҳаётининг яна бир

4-шубба

мўъжаз, сирли, доим ҳам англашимиз мумкин бўлмаган ҳақиқатларини сўз мусаввирининг ўткир қаламида маҳорат билан акс эттиради. Дарҳақиқат, шоирнинг “Булутлар кифтида саёҳат этган”, тунда “майда-майдалаб” ёққан, муҳаббат дардида ёнган ошиқ қалбининг мунгли кўшиғига айланган, наинки кўшиқ, ошиқ – ёмғир образи ҳар бир шеърсевар мухлислар қалбида чуқур жой эгаллади. Худди шу каби шоир шеърларида булут образи ҳам бадиий эстетик вазифаларни бажаришга, инсон қалбидаги энг эзгу ва инжа туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган ўзига хос метафорик табиатга эга образлардан бири саналади. Қуйида келтирилган шеърда булут образининг ана шу хусусиятларини кузатамиз:

*Саратоннинг самоватида
Қовжираган бир парча абр –
Дунё – қуёш оташгоҳида
Вужудини ёқар бесабр... [1;382]*

Эътибор қилинса, шоир “самоват” ҳақида сўз очмоқда, яъни “саратоннинг самовати” бирикмаси шунчаки “саратон осмони эмас”. Шоирнинг шеърларида кўп бора тилга олинган “нариги” “у дунё” – “самоват” билан ифодаланади. Қарангки, у дунёдаги инсонлар “қовжираган бир парча абр”. Биз англамоғимиз қийин бўлган Ҳақиқат мазкур “бир парча булут” метафорасида яширинган. Шоирнинг асл ғоясини англаш учун кейинги сатрларга диққат қаратамиз:

*Ёнган эдим саратонсиз ҳам! –
Баттар куйдим, кул бўлдим баттар.
Нақ кўксимни мўлжаллаб бу дам
Қуёш олов найзалар отар.*

Шундай яратилган инсонлар борки, улар учун ёнмоқ, ёниш қисмати азал. “Олов ичра руҳга бор”ишлик – уларнинг касби; “саратонсиз ҳам” ёнган, “баттар” “кул” бўлиб, “нақ кўкси”га “мўлжаллаб”? “Қуёш олов найзалар от”ган метафорик тасвирида ХХ аср ўзбек адабиётининг қайғули фожеаси улуғ Туркисоннинг эрк ва озодлиги йўлида курашган сиймолари – Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир каби адабиёт намоёндаларининг аччиқ қисмати ётади. Кўриниб турибдики, булут метафорик образидан шоир асл бадиий ниятини ифодалиш учун фойдаланади. Бу айниқса, банд метафора тузилишига эга бўлган мазкур шеърнинг охириги сатрида ёрқин акс эттирилади.

*Ҳозирча мен ёзги осмонда
Қовжираган бир парча булут.*

Усмон Азим шеърят майдонига кириб келган 70-йилларга назар ташласак, мунаққид айтганидек: “... давр яна ўзгаришга юз бурди. Чунки Сталин вафотидан сўнг мамлакатда кўз очган илиқлик кайфияти секин-аста ўз мевасини бера бошлаганди. Натижада поэтик образнинг зиммасига юкланадиган бадиий юк ҳам янгиланди. Дастлаб, рус адабиётида ниш урган эркин тафаккурнинг куртаклари ўзбек шоирларининг шеърларида ҳам кўрина бошлади” [2]. Дарҳақиқат, мумтоз шеърятимизда неча асрлардан буён ошиқнинг кўз ёшлари ифодаси сифатида қўлланиб келинган булут образи ХХ

4-шуба

аср ўзбек шеърлятида катта ижтимоий дардни юклаган, даврнинг ижтимоий манзарасини ёритишга хизмат қилган етакчи образлардан бири бўлди. Мумтоз шеърлятимиздаги анъанавий образларга янгича маъно бериш миллий истиқлол даври адабиёти намояндалари, айниқса, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодида кузатилади. Мавжуд истибдод тузуми ифодаси сифатида Чўлпон шеърлятида “куз” образи билан бирга “қора булут” истиораси кўп қўлланилганини куйидаги келтирилган мисраларда кўрамыз:

*Қора булут тўдасиким кўкларни
Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмишдир [3;86].*

“Шарқни ёпган парда янглиғ” “кўкларни” қоплаган “қора булут тўдаси” юрт бошига қарамлик балоларини ёғдирган мустамлакачиларга ишорадир. Шунингдек, мазкур образ шоир Рауф Парфи шеърлярида ҳам етакчи образлардан бири сифатида кенг қўлланилади. Шоир рухий кечинмаларини ифодалаш билан бир вақтда булут метафорик образдан даврнинг ижтимоий манзарасини ёритишда фойдаланади. Масалан: “Абдурауф Фитрат” шеърляда “булут” образи рамзий метафорик хусусият касб этганини кузатиш мумкин:

*Айтадир ой дардин булут қўйнида,
Булутлар хурпайган, на-да қорадир [4;31].*

“булут қўйнида” “дардин” айтган “ой” шоир фожеаси; “хурпайган” “на-да қорадир” “булутлар” шоирни маъшум қисматида сабаб бўлган қарам ва ожиз тузум ифодаси. Рауф Парфи А.Блокка бағишланган шеърляда ҳам мавжуд ҳукмрон тузумни булут метафораси орқали кўрсатади:

Қора булутларин ўйнар осмон.

Олис юлдузларнинг сирли шуъласи [5;26].

Маълумки, Чўлпон ва Рауф Парфидан фарқли шеърлятимизни халқона оҳанглар билан бойитган шоир Миртемир мазкур образни анъанавий кут-барака рамзи сифатида қўллайди.

*Кўк юзида нага булут, оқ булут,
Оқ булутдан сут ёғарми ёки қут.*

Шоир Усмон Азимнинг куйидаги шеърляда эса булут образи ўзига хос метафорик кўринишга эга.

*Дала-дашт яшил барқут,
Баҳор бунча беҳудуд,
Чопқиллайди фалакда
Икки болакай булут.*

Баҳор манзараси тасвири билан бошланган мазкур шеърнинг биринчи бандида “фалакда” “чопқилла”ган “икки болакай булут” образи асосий бадиий гоъни ифодалашда етакчи ўринда туради. Баҳор билан сўзлашган лирик қаҳрамон “Хурлик”, “Нурлик”ни ёдга олади. “Ўтканларни”, “Кетканларни” “Баҳорни кўрмай умри битганларни эсла”йди. Худди баҳордек “хотиралар беҳудуд” деб ёзаркан, шоир мазкур хотиралар унга яқинларини, устоз ва дўст ёзувчи-шоирларни ёдга солади. Бироқ шеърдаги “эслашлардан” ҳам оғирроқ, авж нуқта ўқувчи қалбига кўчади. Шоир қалбида уйғонган “беҳудуд хотиралар” – “чопқиллаган “икки болакай булут”ни йиғлатади: “Ногоҳ илк

4-шуба

бор йиғлади, Икки болакай булут!”. Шеърни ўқиркансиз табиийки, савол туғилади: Нега икки болакай булут? Зукко ўқувчигина шеър биографик характердалигини, “икки болакай булут” – икки дўст, икки тенгдош ижодкор, ёувчи Эркин Аъзам ва шоирнинг ўзи эканини англаши мумкин. Мазкур шеърда *булут* инсондаги бебаҳо хусусият – хотира ёдга олиш асносида уйғонган кечинмаларнинг бадиий ғоявий ифодаси ўрнида қўлланилади. “Икки болакай булут” метафорик образида асосий маъно умумлаштирилади: фалак, самоват, осмон – тимсолида ижод вакилларининг қутлуғ бўстони адабиёт ифодаланади. Маълумки, икки воҳадош, икки дўст ижодкор бу бўстонга бир вақтда қадам қўйган ва ҳануз елкадош бўлиб қалам тебратишмоқда. Айтиш мумкинки, шоирнинг “беҳудуд хотиралари” адабиётимизнинг улуғ намояндлари қисмати; шоир учун кадрдон адибу шоирларнинг табаррук хотираси. Усмон Азим шеърлятида, хотира-бағишлов мавзусидаги шеърлар кўп учрайди. Бу шоирнинг ижод ва ижод аҳлини доимо кадрлаш, ёдга олиш каби ўзига хос эзгу фазилатини намоён эттиради.

Шоирнинг пейзаж манзаралари тасвирланган шеърларида ҳам булут образининг янгича поэтик ифодаларида метафорик тасвир усулидан фойдаланганлигини кўриш мумкин:

*Кўкдаги тирик булут,
Аждарҳонинг ҳайкали ... [5;211]*

Ёки

Тобалар – иссиқдан йиқилган булут.

Бадиий образ – санъаткор ҳиссий олами билан йўзрилган ташибеҳ. Демак, унинг бирламчи вазифаси инсонга ҳиссий(эстетик) таъсир ўтказиш, - деб ёзаркан ёш мунаққид Саъдулло Қурононов, бадиий образнинг яралishi муайян бир таъсирланишининг сабаби ўлароқ юзага келиб, бу таъсирланиш оламни билиш эҳтиёжидаги санъаткор(инсоннинг) кузатувлари мобайнида юзага келади. Санъаткор оламнинг маълум бир жабҳасини образли ифода этишига киришаркан, бу жараён замирида метафора(ўхшатиш) ётади” [6] – дея алоҳида таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, шоир шеърлятининг асосини метафорик образларсиз тасаввур қилиш қийин. Усмон Азим шеърлятида булут метафорик образи шоирнинг эстетик дунёқараши, самимий пок ва инжа туйғулари, ижтимоий кайфиятини ифодалаш билан бирга шоир услубининг ўзига хос бетакорлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азим У. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1995.
2. Азим У. Куз. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001.
3. Парфи Р. Тавба. –Т.: Ёзувчи, 2000.
4. Чўлпон. Асарлар. I-жилд. –Т.: Akademnashr, 2013.
5. [https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/Қурононов С. Ифода ва ифодавийлик//Yoshlik. 2013. 2-son.](https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/Қурононов_С._Ифода_ва_ифодавийлик//Yoshlik.2013.2-son)

4-шуба

6. www.wulugbek.hamdam//Улуғбек Ҳамдам XX аср ўзбек шеъриятида поэтик образ ва унинг тадрижи.

BUGUNGI O‘ZBEK SHE’RIYATIDA ARBAIN AN’ANASI

**Jamoldin Madamin o‘g‘li Yoqubov,
Andijon DU O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasini
mustaqil tadqiqodchisi**

Ma’lumki, islom dini tarqalishining ilk bosqichlaridanoq, insoniyat ongida nafaqat diniy, balki badiiy yangilanishlar yuz berdi. Nazmiy olamga fusunkor aruz vazni kirib keldi. Dastlab, bu vaznda arab shoirlari ijod etgan bo‘lsalar, keyinchalik forsiy va turkiygo‘y shoirlar ham aruzda go‘zal asarlar bitdilar. Aruz vazni ijodkorlarga diniy-tasavvufiy haqiqatlarni bayon etishda badiiy vosita bo‘ldi. Aruzning yuzlab bahrlarida xamsalar, nazmiy qissalar, maktublar va arbain kabi ijodiy durdonalar yaratildi.

Yuqorida ta’kidlaganimizdek, mumtoz adabiyotimiz lafziy va ma’naviy san’atlar orqali faqat ikki inson o‘rtasidagi ishqiy munosabatlarni kuylabgina qolmay, Qur’oni Karim va Hadisi Shariflardagi ma’nolar mahzanini odamlarga yetkazdi. Qur’oni Karimni nazmiy tarjima qilish, dastlab, forsiyzabon ijodkorlar tomonidan amalga oshirildi. Keyinchalik mazkur faoliyat Angilya va Rossiyada ham davom etdi. Biroq bu ish aksar islom ulamolari tomonidan oqlanmaydi. Hadislarga kelsak, ularni she’riy tarjima qilishga ko‘p hollarda qarshilik kuzatilmaydi. Mumtoz adabiyotimizda bu kabi ishlar ko‘p uchraydi. Bora-bora mazkur faoliyat mumtoz she’riyatda yangi arbain an’anasining shakllanishiga sabab bo‘ldi.

Arbain qirqta degani bo‘lib, iste’molda qirqta saylanma hadisdan iborat hadis kitoblariga nisbatan ishlatiladi. Ushbu uslubda asar yaratish islom olamida keng urf bo‘lgan. Bunga *“Kim ummatimga din ishlari borasida qirqta hadisni muhofaza qilib bersa, Alloh uni qiyomat kuni faqih qilib tiriltiradi hamda men unga shafatchi va guvoh bo‘laman”* hadisi asos bo‘lgan. Bu hadis biroz zaifroq yo‘llar bilan rivoyat qilingan bo‘lsa ham u Imom Bayhaqiy, Abu Dardo va Abu Hurayra (r.a.)lardan, Daylamiy, Ibn Mas’ud va Ibni Abbos(r.a.)lardan, Abu Nuaym, Ibn Mas’ud(r.a.)dan, Ibn Javjiy esa Ali (r.a.)dan rivoyat qilingan. Bunday kitoblarning eng mashhuri Imom Navaviyning *“Arbain”* asaridir. (Ushbu kitob o‘zbek tiliga tarjima qilinib sharhlangan). Yuqoridagi hadisdan ilhomlanib Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi so‘z san’atining darg‘alari ham arbainlar yaratdilar. Hazrat Navoiyning arbainlari 2014-yili aka-uka H. Abdumajidovlar tomonidan ilmiy sharhlangan.

Professor Anvar Xojiahmedovning *“Jannat kaliti”* nomli risolasi arbainchilik tarixiga bag‘ishlangan.

Afsuski, sobiq sho‘ro davrida din to‘g‘risida gapirish mumkin bo‘lmagani kabi Arbain an’anasida ijod qilish ham taqiqlandi. Mustaqillikning ilk yillaridanoq shoirlarimiz mumtoz arbain an’anasini o‘ziga xos yangicha ruhda davom ettirdilar. Jumladan: Abdulla Oripovning *“Hikmat sadolari”*, Sirojiddin Sayyidning *“Qirq*

4-шубба

hadis”, Shukur Qurbonning “Hikmatlar anjumani” kitoblari bunga misol bo‘la oladi. Abdulla Oripovning “Hikmat sadolari” kitobi ko‘plab ilmiy tadqiqotchilar tomonidan o‘rganilgan. Biz quyida Sirojiddin Sayyid va Shukur Qurbonning arbainlaridan ayrim she‘rlarni tahlil qilishga urinib ko‘ramiz.

Dastlab, bir mulohazamizni bayon qilmoqchimiz. Aksar arbain kitoblarida faqat she‘riy misralargina keltiriladi. Bizningcha, she‘riy misralar bilan birga she‘r mazmunini ifodalovchi hadis ham keltirilishi kerak. Bu holatda kitob faqat badiiy asar bo‘libgina qolmay kitobxonni hadis matni bilan tanishtiradi va oz bo‘lsa-da islomiy ilmining boyishiga xizmat qiladi. Biz yuqorida sanagan kitoblardan faqat Sirojiddin Sayyidda mazkur holatni kuzatish mumkin.

O‘zbekiston xalq shoiri Sirojiddin Sayyidning 2008 – yil “Sharq” nashiryotida chop etilgan “So‘z yo‘li” nomli ikki jildlik tanlangan asarlarining ikkinchi jildida “Yaxshilik eskirmagay” nomi bilan arbainlari kiritilgan. Turkum muallifning marhum otasiga Yaratganning rahmatini, onasi va singillariga uzoq umr so‘rash bilan boshlanadi. So‘ng turli mavzulardagi hadislar matni va uni ifodalovchi she‘riy satrlar keltiriladi. Ba‘zi hadislar bir bandni tashkil etsa, ba‘zilari ikki va undan ko‘proq banddan tashkil topadi:

Zamondan koyinmanglar, zero zamonning egasi Allohdir.

ZAMONNING EGASI

*Alloh sizga bergay oy va yil uchun
Arzir har lahzaning naqshi bo‘lsangiz.
Azaldan yomonga yomondir zamon,
Zamon yaxshi erur – yaxshi bo‘lsangiz.*

Bir qarashda hadis matni bilan she‘riy parcha bir-biriga muvofiq kelmaganday tuyuladi. Biroq shoir, dastlab, hadisdan olinuvchi birlamchi ma‘noga emas, undan chiqariladigan xulosaga ishora qilmoqda. Ya‘ni zamon o‘z o‘rnida va o‘z vaqtida almashishi tabiiy jarayon. Ammo inson o‘z xato va kamchiliklarini zamon bilan xaspo‘shlashga urinadi. Endi parchaning davomiga e‘tibor beraylik:

*Har kimga dildagi niyati yo‘ldosh,
Ezgu maqsadlari bir umr yordir.
Zamondan hech qachon koyinmangizkim,
Zamonning egasi Parvardigordir.*

Hadisning birlamchi ma‘nosiga ushbu parchadagi oxirgi satrlar to‘la mos tushadi. Yakuniy xulosagacha ham shoir zamon qanday bo‘lmasin insonning hayoti uning niyati va maqsadiga muvofiq tarzda kechishini go‘zal ifodalaydi.

“Tangridan foydali ilm so‘ranglar. Foydasiz ilmdan esa chetlashinglar”.

ILM

*Dilni ziyo birlan chulg‘ab o‘rang-u
Ma‘rifat mulkida chiroq bo‘linglar.
Allohdan foydali ilm so‘rang-u
Foydasiz ilmdan yiroq bo‘linglar.*

Bu to‘rtlik avvalida ham ilmning naqadar muhim ekanligi ta‘kidlanib, ma‘rifatli bo‘lishga chorlovdan so‘ng hadisi sharifdagi ma‘noga boriladi.

4-шубба

Kitobda hayo, yaxshilik, shukrona kabi mavzulardagi hadislar ham o‘zining badiiy ifodasini topgan.

Shoir Shukur Qurbonning “Hikmatlar anjumani” kitobi 2016 - yil “Sharq” nashryotida chop etilgan. Kitob muqaddima, bag‘ishlov va qirqta majlisdan iborat bo‘lib, har bir majlis qirq to‘rtlikdan tashkil topgan. Birinchi majlis Nubuvvat alomatlarini zikri bilan boshlanadi.

*Eslatmangiz e’tiqod-u dardi yo‘qlarni,
Dunyo ikir chikirlarin juda bilganman.
Kamoliga yetkazish chun ulug‘ xulqlarni,
Men payg‘ambar sifatida yuborilganman.*

Kitobda hadislarining o‘zbekcha matni yo‘q. Bu yerda “Men ulug‘ xulqlarni kamoliga yetkazish uchun yuborildim” hadisining nazmiy bayoni berilgan.

Ota-ona xizmatini qilmoqmi afzal?
Yo ming yillik ibodatmi afzaldir menga?
Ming yillik toatdan ko‘ra har mahal,
Ey Anas jon koyitgil sen ota-onangga.

Mazkur to‘rtlikda payg‘ambarimiz (s.a.v.) tomonlaridan ota-ona xizmatini qilish ming yillik ibodatdan afzal ekanligi uqtirilmoqda. Hadisning Anas Ibn Molik (r.a.) tomonidan rivoyat qilinganiga ham ishora bor.

Yosh shoirlarimizdan Mansur Jumayev ham arbainlar yozgan. Adabiyotshunoslarimiz yosh ijodkorning asariga o‘zlarining xolis baholarini berishlaridan umid qilamiz.

Azon TV ilmiy-ma‘rifiy onlayn telekanalida “Arbain” ko‘rsatuvi efirga uzatiladi. Unda Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiylarning arbainlari sharhlab borilmoqda. Bundan ko‘rinadiki, necha yuz yillik ulug‘ an‘ana hali-hamon barhayot va o‘z muxlislariga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abdumajidov H. Navoiyding chu topqaylar navoye. – T.: Hilol, 2014.
2. Hojiahmedov Anvar. Jannat kaliti. – T.: 1993.
3. Hojiahmedov Anvar. Mumtoz badiiyat malohati. – T.: Sharq, 1999.
4. Rasululloh sollallohu alayhi basallam. Tarjimon: Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. – T.: Hilol, 2016.
5. Shermurodov Tohir. Jozib izhor izlab. – T.: 2009.
6. Shukur Qurbon. Hikmatlar anjumani. – T.: Sharq, 2016.
7. Sirojiddin Sayyid. So‘z yo‘li. Tanlangan asarlar. Ikki jildlik. II-jild. – T.: Sharq, 2008.

4-шуба

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИ

Шерхон Пўлатхонович Қораев,
ТДЎТАУ Ўзбек адабиёти тарихи кафедраси
мустақил тадқиқотчиси

Юртимиз ҳудудида XV - XVI асрларда ҳукм сурган шайбонийлар давлати асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) нафақат ҳукмдор, у шунингдек, олим, уламо ва шоир бўлганлиги кўпчиликка маълум. Хасанхожа Нисорий “Музаққир аҳбоб”да “*Соҳибқирон хон (Шайбонийхон) илму фазилатлардан хабардор, аниқроғи, уларни тўла эгаллаган киши эди. Шеърят соҳаси ва шоирларга эътиқод–эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсуҳбат қилган*” [7; 30] деб ёзган. Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Нисорий фикрларини тўлдириб, Шайбонийхонни шундай тасвирлаган: “*Шайбонийнинг шахси хусусида шуларни айтиш мумкин: у ҳар ҳолда ўзининг эронлик душманлари тарафидан тасвир этилганидек, нимани хоҳласа, шуни бажариб юрувчи ваҳший бир кимса эмас эди. Масалан, у замоннинг руҳоний уламоларига катта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Темур каби у ҳам давр уламоси билан диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфлар билан баҳслашган. Бобур Шайбонийнинг маъносиз ва лаззатсиз шеърлар ёзганини, уларни (Ҳиротда) минбардан ўқишга амр этганини истеҳзо билан баён қилади. Аслида эса, бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикридан тескари ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда*” [6; 91]. Ҳерман Вамбери ҳақ. Илмга тиришқоқ Шайбонийхон ҳокимият тепасига келмасдан бурун Бухорода икки йил мадрасада машҳур илоҳиётчи олим мавлоно Муҳаммад Хитойдан таълим олган, Ҳофиз Ҳусайн Бусирий ва хожа Маҳмудлар билан яқин муносабат бўлган: “*Улар ҳатто мунтазам равишда бир-бирлари билан борди-келди қилишган. Бир гал Ҳофиз Ҳусайн Шайбонийхон ҳузурда бўлса, иккинчи сафар хон (Шайбонийхон) унинг ҳузурига ташриф буюрган. Умуман ҳар иккаларининг мажлиси уламо ва шуаронинг иштирокисиз ўтмаган* [2; 248]. Шайх Мансурнинг муриди [6; 79]. Шайбонийхон азиз авлиёлар суҳбатида ҳам таҳсил кўрган:

*Авлиё суҳбатига еткандур,
Атқиё хидматиға еткандур* [5;28].

Шоҳлар шоири Муҳаммад Шайбонийхон ҳузурда сарой шоирлари иштирокида шеърят кечалари ташкил этилган. Адабий мажлисларда ўзи ҳам шеърлар ўқийдиган Шайбонийхонни Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”сида етук шоир сифатида таърифланган:

4-шуба

*Шеърни хўб танир завқ била,
Ўзи ҳам хўб айтур шавқ била.
Турки абъёти эрур шарбати ноб,
Форсий шеърлари ҳам сероб.
Борча серобу салису дилкаш,
Табъ аҳлига жалису дилкаш [5;28].*

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий адабий суҳбатларидан баҳраманд бўлган, маълум муддат Хусайн Бойқаро саройида хизматда бўлган шоир Муҳаммад Солиҳ 1499 йилда Шайбонийхон хизматига киради ва адабий мажлисларининг надими (суҳбатдош)га айланади. Муҳаммад Шайбонийхон унга “амир-ул-умаро” ва “малик-уш-шуаро” унвонларини беради [4;7]. Бобур Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий (“Шайбонийнома”) битибдур. “Рамали мусаддаси махбун” вазнидаким, “Субҳа” вазни бўлғай, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқигон киши шеърининг беътиқод бўлур [4;139] - деб ёзади “Бобурнома”да. Бобурга қарши ўларок, Ҳерман Вамбери шоир Муҳаммад Солиҳ тўғрисида ижобий фикрларни билдирган: “Муҳаммад Солиҳ жуда гўзал шеър йўли билан битилган зафарнома – “Шайбонийнома” соҳиби; “Лайли ва Мажнун”га ўхшаш туркий гўзал газаллар ва маснавийлар ёзган. Бобур унинг асарларини адабий қимматини инкор қилади. Бунга Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийга мақбул киши экани ва ўзбек хони саройи шоири бўлгани сабаб бўлса керак” [5;73].

1492 йилга қадар Оқ кўюнли туркманлар давлати ҳукмдорлари Султон Яъқуб Оқ кўюнли (1478-1490) ва Бойсунқур (1490-1493) саройида хизмат қилган Камолиддин Биноий Самарқандга келгач, дастлаб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг иккинчи ўғли Хожа Қутбиддин Яҳё (1500 йил 11 август куни ўлдирилган)нинг хизматига кирган. 1496 йилнинг июль ойига шоир ва тарихшунос олим Муҳаммад Солиҳ (1535 йилда вафот этган) билан бирга Бобур Мирзонинг хизматига ўтади, 1500 йил июль ойида, яъни Самарқанд Шайбонийхон томонидан эгаллангандан сўнг у ўзбек хони хизматига киради ва унинг сарой шоирига айланади [2;216]. Мавлоно Биноий тўғрисида Ҳерман Вамбери қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: “Мулло Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор ўғли бўлиб, Мир Алишер билан оралари бузулгунча Мирзо Хусайн Бойқаро саройининг илтифотида сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннаҳрга кетиб, Султон Маҳмуд саройи доирасида эътибор қозонган ва ниҳоят, Шайбоний Муҳаммадхон уни сарой шоири қилиб олган” [6;73].

Муҳаммад Шайбонийхон хузуридаги мажлисларда мушоиралар билан бирга, илмий, диний, бадиий мавзуларда қизгин мунозаралар ҳам олиб борилган. Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”да “Нуктаси нуктаи қуръонийдур, Мажлиси-мажлиси – руҳонийдур” деб, йиғинларда диний–ирфоний масалалар муҳокама қилинганлигига урғу берган. Қизиғи Муҳаммад Солиҳ яна бир ўринда “Ўзга хонлар киби мажлис қурмас, Айшу шират соридин дам урмас” деб айрим мўғил хонлари ва чиғатой султонлари (темурий мирзолар) йиғинларида шароб ичилишини, чоғир мажлисларини қаттиқ танқид остига олган.

4-шубба

“Шайбонийнома”да Султон Маҳмуд Баҳодир Шайбонийхон ҳузурига келгани, ҳукмдор билан мажлис қургани қаламга олинар экан, унда *“Мажлисе қурдилар, андоққи дема, Ишрате сурдилар андоққи дема, Бор эди ул аро созанда баче, Шавқ ила сози навозанда баче”* деб мажлисда куй-қўшиқлар ижро этилгани истисно қилинмаган.

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро суҳбатдошларидан истеъдодли шоир Мирмўғул Шайбонийхон мажлисларидан бирида қатнашиб, куйидаги шеърини ўқиган:

*Олма оламники, оламда баче гамлар бор,
Ол кўнгил мулкинию, кўрки, не оламлар бор.*

Бу байтни Шайбонийхон тинглаб, офарин айтиб: *“Фирдавсий Султон Маҳмуд Ғазнавийга олтмиш минг байтдан иборат “Шоҳнома” айтган. Султон Маҳмуд бунинг учун ўттиз минг динор берган. Сен бир байт айтдинг. Мен сенга олтмиш минг шоҳрухий бераман”* [3;343] деган. Мавлоно Соҳибдоро Муҳаммад Шайбонийхон Нахшабдан чиқиб, Ҳиротни босиб олгани муносабати билан қасида-таърих ёзиб, бир йиғинда ўқиб берган [1;291]. Мавлоно Қабулий Бухорий хушсуҳбат ва мақбул киши бўлган. Шайбонийхон, айниқса, унинг суҳбатини хуш кўрган [7;82].

“Музаққир аҳбоб”да ёзилишича, Муҳаммад Шайбонийхон шеърини йиғилишлардан бирида *“Фасаййукифайкухумуллоҳ”* оятини жалий қаламида чиройли битиб, фозиллардан таъриф қилишларини сўраган. Шунда шоир Ҳофиз Султон Али Убеҳий унинг таърифида бу китъани айтган:

*Бар маснади иқбол тун Хусрави Жамжох,
Эй хони жаҳонгир ки аз лутфи илоҳ.
То лавҳу қалам ҳаст, касе дар ҳама олам,
Нанавешт ба хубӣ чу хатти хуби ту дилхоҳ.
Бар хубии хаттат ду гувоҳ ба адолат,
Кофист ду кофи “фасаййукифайкухумуллоҳ”* [7;161].

(Мазмуни: *Эй оламни олувчи хон, тангри лутфи туфайли, Иқбол тахтида ўтирган Жамшид мартабали Хусрав (подшоҳ) сенсан. Тоқим лавҳи қалам бор экан, ҳеч бир киши барча оламда, Сенинг яхши хатинг каби даражада мақбул қилиб ёза олмаган. Хатинг яхшилигига адолат юзасидан икки гуноҳ – “фасаййукифайкухумуллоҳ”нинг икки “коф” ҳарфи етарлидир).*

Хулоса қилиб айтганда, шоҳлар шоири Муҳаммад Шайбонийхон даври адабий муҳити ўзида бир томондан Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Убеҳий каби қатор истеъдодли шоирларни жамлаган бўлса, иккинчи томондан шоҳлар шоири Шайбонийхон таъсири ўлароқ, бу сулоланинг деярли барча вакиллари шеър ёзган ёки адабиётга, шеърятга ихлосманд бўлган. Энг муҳими ҳукмдор ҳузурда ташкил этилган шеърят кечалари мумтоз адабиётимиз тараққиётига хизмат қилган. Адабиётшунослар олдида турган навбатдаги вазифа эса мазкур адабий муҳитнинг бошқа намоёндалари номини аниқлаш ҳамда уни чуқур тадқиқ этишдир.

4-шуба

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий Қомусий луғат. Биринчи жилд. –Т: Шарқ НМАК БТ, 2016.
2. Бўрибой Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. –Т:Ўқитувчи, 1994.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. –Т: Шарқ НМАК БТ, 2014.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т: Шарқ НМАК Б, 2002.
5. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. –Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989.
6. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.
7. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. –Т: Халқ мероси, 1993.

TAMKIN BUXORIY IJODIDA G‘AZAL JANRI VA UNING POETIK TILI

Mehriniso Qiyomiddinovna Choriyeva,
Buxoro DU O‘zbek adabiyoti kafedrasi mustaqil tadqiqotchisi

Tamkin Buxoriyning o‘z davrida, shoir sifatida tanilishida u yaratgan go‘zal g‘azallar ham asos bo‘ldi desak, xato bo‘lmas. Chunki, shoirning shoirliги uning g‘azalchilikdagi mahorati bilan belgilanishi va shundagina devon tuza olishga haqli ekanligi aruz tizimining an‘anaviy talablaridan ekanligining o‘ziyoq, Tamkin devonini yuksak saviyadagi g‘azallar bezaganligidan darak beradi.

Tamkin ijodida g‘azal janrining go‘zal namunalari uchraydi. G‘azallarida asoson an‘anaviy unsurlar yetakchilik qiladi. Tamkin g‘azallarining tili soddaligi, o‘ziga xos tashbhlarga boyligi, poetik vostilardan mohirona foydalanganligi, lisoniy unsurlarni o‘z o‘rnida qo‘llaganligi va jonli xalq tiliga yaqinligi bilan ajralib turadi. Ayni paytda u tasavvufiy adabiyot namunalarini ham o‘ziga xos holda tasvirlab bera olgan. Uning g‘azallarida oshiqona va orifona, oshiqona va rindona ruh betakror holda biriktirilgan. Masalan, quyidagi g‘azalga diqqat qaratadigan bo‘lsak:

*Anqitar xush bo‘yini dil yayratar gul bir tomon,
Gul ufori bir tomon, nolayi bulbul bir tomon,
Bu chaman nargiz ko‘z-u savsan zabanini ochib,
Zulfiga oro beribdir taqqancha sunbul bir tomon.
Bir tomon sog‘ar cho‘zibdur lola mast gullar sari,
Mayparastlar bir tomon, har turfa g‘ul-g‘ul bir tomon.
Gullibosim, tur ketaylik gul-u gulshan bag‘riga
Bir tomon qolsin g‘ururing, ham tag‘oful bir tomon,
Bir tomon gulro‘jamoling, bir tomon gulning hidi,
Ham sharob tug‘yoni bir yon, shisha-yu qul-qul bir tomon.
Bir tomon qushlar fig‘oni, bir tomon nuql-u kabob
Jom-u ko‘za kulgusi-yu zavqli ko‘ngil bir tomon.
Yor diliga yo‘lni topmoq, Tamkino, oson emas,*

4-шуба

Bir tomon ishva-yu noz-u ham tajohul bir tomon [1;112].

(**Tajohul** – o‘zni bilmaslikka olish). Tamkin lirik shoir sifatida ham gavdalanadi. U o‘z g‘azallarida nozik xayol, sinchkov nigoh, baland did egasi ekanligini namoyish etadi. Betakror o‘xshatishlar, go‘zal, esda qoladigan tashbehlar, kutilmagan mubolag‘ali tasvirlar bilan ma‘shuqaga iltijo qiladi. Shoirning ishqiy mavzudagi she‘rlarida, asosan, real yor, dunyoviy ishq, ya‘ni insonning insonga bo‘lgan ishqini ko‘rish mumkin. Biroq shoir she‘rlarida yana botiniy va zohiriy ishq uyg‘unligi qorishiq holatlar ham borki, shoir jism va ruh, shakl va mazmun birligini istagan. Shoirning:

Anqitar xush bo‘yini dil yayratar gul bir tomon,

Gul ufori bir tomon, nola-i bulbul bir tomon

–matla‘li g‘azali 15 hijoli bo‘lib, aruzning ramali musammani mahzuf yoki maqsur bahrida yozilgan.

G‘azalning ikkinchi baytining ikkinchi misrasi ramali musammani solimda yozilgan. Ya‘ni 16 hijodan iborat bo‘lib, ruknlardagi hijolar soni teng, ya‘ni solim. Bu g‘azalning uch vaznda yozilganidan dalolat beradi. Bu g‘azal oshiqona g‘azal hisoblanib, unda rindona ruh ham sezilib turadi. G‘azal eng ko‘p uchraydigan yetti baytli g‘azallar qatoriga kiradi: 7 bayt, 14 misradan iborat.

Qofiya tizimi quyidagilardan iborat: gul, bulbul, sunbul, g‘ul-g‘ul, tag‘oful, qul-qul, ko‘ngil, tajohul. Shoir g‘azal qofiyasida so‘zlar tuzulishidagi rang-baranglikka erishgan va bu g‘azalning va jozibadorligini oshirishga xizmat qilgan. Masalan: gul, sunbul, ko‘ngil, tag‘oful, tajohul - sodda so‘z hisoblansa; g‘ul-g‘ul, qul-qul tuzilishiga ko‘ra takror so‘z hisoblanadi.

Qofiyadosh so‘zlar turkiy, forsiy va arabiy so‘zlardan iborat. Masalan: gul, qul-qul, g‘ul-g‘ul, so‘zlari turkiy so‘zlar bo‘lsa, tag‘oful, tajohul so‘zlari arabcha so‘zlar hisoblanadi.

Qofiyadagi tirkak tovush ya‘ni raviy “l” undosh tovush bo‘lib ohandorlikni saqlab turibdi. G‘azal qofiyasi raviy bilan tugaganligi uchun muqayyad qofiyaga misol bo‘ladi. Qofiya shakli esa quyidagicha: a-a, b-a, s-a, d-a, e-a, g-a, n-a

G‘azaldagi “bir tomon” sintaktik birligi radif sifatida qo‘llanib, shoirning maqsadi va mashuqa ta‘rifi ta‘sirini yanada oshirishga xizmat qilgan. Shoir taxallusi maqtada beriladi. G‘azal uch asosiy qism: matla‘, begona bayt va maqta‘dan tashkil topgan.

G‘azal tili jonli xalq tiliga yaqinligi bilan yanada go‘zallashadi. Bu go‘zallikni shoir matla‘da saj usulini qo‘llash, ya‘ni ichki qofiyadan foydalanish bilan yanada oshiradi. Badiiy ijod namunalarini yaratishda tabiat, borliq shoirga ilhom manbai hisoblanadi. Shuning uchun shoirlar tabiatning yoki borliqning gul, bulbul, sunbul, lola, qushlar kabi obraz va unsurlaridan o‘rinli foydalanadilar.

Bir qaraganda, go‘yo shoir gul sha‘niga bag‘shlangan ushbu she‘ri orqali muhim bir falsafani ilgari suradiki, bu mumtoz adabiyotda o‘zgacha ma‘no mazmun kasb etadi. Ya‘ni Gul obrazi mumtoz adabiyotda yor, mashuqa, timsoli bo‘lib, uni sunbul, lola kabi obrazlar xilma-xilligi yanada, go‘zallashtiradi. Bulbul obrazi esa shu gul, ya‘ni yor ishqida nola chekkan oshiq- ishqqa muftalo bo‘lgan kishi timsoli hisoblanadi.

4-шуба

Tasavvufiy nuqtayi nazardan esa gul-yor obrazi – butun borliqni, tabiatni yaratgan Alloh timsoli ekanligi bizga ma'lum.

Tamkinning ushbu g'azalining matlasida shoir: yoqimli iforini taratayotgan bu gul ko'ngillarni yayratmoqda, lekin uning hidi dilni yayratgani yetmaganday, uni ishq tushgan bulbul nolasi butun olamga g'avg'o solmoqda deydi:

*Anqitar xush bo'yini dil yayratar gul bir tomon,
Gul ufori bir tomon, nolai bulbul bir tomon.*

Shoir bu baytda ayni paytda bahor fasli xushbo'y hid taratayotgan gullar hididan sarxush bo'lgan bulbul xonishi kabi hayotiy holatni ham bera olgan. demak, tabiatdagi evrilish bir qaraganda ko'zga tashlansada, aslida, yor go'zallikda mutaassir bo'lgan oshiq uning chiroyidan shunday holga tushganki, go'yo mashuqaning chiroyidan tashqari, undan taralayotgan xush bo'y oshiqni gangitib qo'ygan.

Shoir matla'da qaytarish san'atining go'zal namunalaridan har bir baytda juda o'rinli foydalanilgan.

Masalan: matla'da Radd-ul-aruz il-al-hashvdan mahorat bilan foydalanilgan:

1) 1-misraning oxiridagi "bir tomon" so'zi 2-misraning o'rtasida yana qaytarilgan

Matla'da 2 tomon timsoli yoki ramziy obrazdan foydalanilgan – gul va bulbul obrazlari. Shoir o'z fikrini shu ikki timsol vositasida bera olgan. Shu ruh g'azal oxirigacha yetakchilik qilib, silsila tarzida o'sib borgan.

Ikkinchi baytga diqqat qiladigan bo'lsak: shoir unda gul va bulbul timsolini rivojlantirib, go'yo gullar bilan bezangan chaman ichida sunbul o'zgacha chiroy kashf etgan: u xumor ko'z-u, shirin tilini chiqarib zulfiga oro berib ko'zni quvontirmoqda deydi. Sunbul shunchalik betakror, gulzor ichra o'zi bir tomon hisoblanadi, go'yo. Ayni paytda, bu bayt mohiyati dunyo bir chamanzor, unda turli gular yaxshi amalli odamlar o'zgacha chiroy hisoblanishi, bunday xislat egasi borliqning – chamanzorning eng yagona "guli" ekanligi ta'kidlanadi. Aslida ham shoir bu timsollar orqali dunyoni chamanzorga qiyoslab, shirin zabon xushxulq va xushamal insonlar uning "sunbuli" ekanligini aytmoqda. Baytda tanosub sanatidan o'rinli foydalanilgan. Masalan: 1) zabon, ko'z, zulf so'zlari bir guruhni hosil qilsa; 2) sunbul, nargiz so'zlari ikkinchi guruhni hosil qilgan.

Ayni paytda "sunbul obrazi" o'ziga xos usulda shaxslantirilgan, ya'ni tashxis san'atidan o'rinli foydalanilgan. Shoir sunbul tarifini keltirar ekan, uning husn-i malohatda tanholigini ishora qiladi.

Uchinchi baytda esa oshiqning- shoirning tariff-u oshiq-lari yana o'zgacha yolqin bilan jilolanadi, dard bilan ta'kidlanadi.

*Bir tomon sog'ar cho'zibdur lola mast gullar sar,
Mayparastlar bir tomon, har turfa g'ul-g'ul bir tomon.*

Endi shoir lola ta'rifini keltirar ekan, uni uni chamanzordagi gullarning betimsoli deb ta'riflaydi. Shuning uchun o'zining chiroyiga o'zi maftun, o'z chiroyidan lol-u hayratda, lolaning bu holati, chamanzorda g'avg'o qo'pdi, ya'ni barchani sarosimaga soldi. Baytda "mayparastlar" degan so'z borki, tasavvufiy

4-шубба

jihatdan oshiq-ishqparastlar nazarda tutulmoqda. “mast”, “mayparast” soʻzlarini qoʻllash gʻazalning rindona ruhidan darak beradi.

“Lolaning mast” holati esa ilohiy ishqqa muhtalo boʻlgan kishi timsoli sifatida gavdalanadi. Baytda “lola mast” birligi istiora sanʼatini ham yuzaga keltirgan va baytda qaytarish sanʼatining “Rad-ul-sadr il-al-hashv” turidan ham foydalangan.

Umumiy planda shoir yorning oʻz husnidan behad gʻururli ekanligini, shu gʻurur tufayli yakka-yolgʻiz ekanligiga ishora qiladi va 4-baytda yorni oʻz gʻururidan voz kechib oshiq bilan gul-u gulshanda sayr qilishga undaydi, noz-u istigʻnolar va kirb zararli deb uqtiradi:

*Gullibosim, tur ketaylik gul-u gulshan bagʻriga,
Bir tomon qolsin gʻururing, ham tagʻoful bir tomon.*

Shoir, mashuqani endi “Gullibosim” deb ataydi va nido sanʼatidan oʻrinli foydalanadi. Uni oʻz sitamlaridan voz kechib, bechora oshiqqa marhamat koʻrsatib, u bilan bu dunyo huzur-halovatini kechirishga chaqiradi. Biroq oʻz chiroyidan behad gʻururlangan yor gʻurur deb atalgan “nafsni” yenga olarmikan, oshiqqa marhamat qilarmikan?

Shoir 4-baytda ishtiyoq sanʼatidan juda chiroyli foydalangan: gullibosim, gul-u gulshan. Oshiq yorga nechogʻlik oʻtinib murojaat etmasin, u iddaoli dilbar roʻyxush bermaydi. Oshiqning chorlovlari esa 5-baytda yanada kuchayadi:

*Bir tomon gulroʻjamoling, bir tomon gulning hidi,
Ham sharob tugʻyoni bir yon, shisha-yu qul-qul bir tomon.*

Oshiq yorga qay tomonga nigoh solmay sening gulday jamoling va gul iforing meni ishq dardiga yanada muhtalo etmoqda, ishq qalbimiga misoli shishadagi maydek “qul-qul” toʻlmoqda deb nola qiladi. Shoir bu baytda tamsil sanʼatidan foydalangan: “shisha-yu qul-qul”, shuningdek, “Rad-ul-sadr il-al-ajuz”ni ham hosil qilgan. Baytda sharob soʻzi ishq maʼnosida qoʻllangan boʻlib, “shisha” soʻzi esa koʻngil maʼnosida berilgan. Yaʼni “ishq sharobidan qonib ichgan” koʻngil behad masrur. Bu holat 6-baytda yaqqol koʻridadi:

*Bir tomon qushlar figʻoni, bir tomon nuq-u kabob,
Jom-u koʻza kulgusi-yu zavqli koʻngil bir tomon.*

Oshiq endi yorning jabr-u jafolariga sitamlariga peparvoligiga qaygʻurmaydi. Chunki, uning diliga yoʻl toppish oson ish emas, u bemuruvvat unga nazar qilmasada, oshiq baribir baxtli.

*Yor diliga yoʻl topmoq Tamkino, oson emas,
Bir tomon ishva-yu naz-u ham tajohul bir tomon.*

Shoir ushbu gʻazalda bir qator badiiy sanʼatlarni “erkalik” bilan qoʻllay olgan. Ayni paytda, gʻazalning boshidan oxir “laff va nashr” sanʼatidan ham katta mahorat bilan foydalangan.

Xulosa qilib aytganda, Tamkin gʻazallarining oʻziga xos xususiyati shundaki, u qaysi tilda yozmasin, xalqona ruh va xaqil tiliga yaqinlik, soddalik va ohangdorlik yetakchilik qiladi. Oʻzbek mumtoz adabiyotining koʻp vakillari ijodida boʻlgani kabi Tamkin lirikasining maʼlum bir qismini ishqiy gʻazallar tashkil etadi. Tamkin ham oʻzining lirik asarlarida insonga xos boʻlgan yuksak fazilatlarni, his-tuygʻularni ifodalashga intildi. Shoir ishqni, oshqlik mayllarini kuylash timsolida kishilar

4-шуба

qalbida hayotga va insonga muhabbat, vafodorlikni, sadoqat, do'stlik va fidokorlik tuyg'ularini tarbiyalashni orzu qilgan. Uning ajoyib fazilatlariga ega lirik qahramoni hayotning ham oshig'idir. Yoinki, butun mavjudotni bino etgan "Xalloqi olam"ning oshig'idir.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Abdurahmon Tamkin Buxoriy. Devon. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. №336.

ABDULLA ORIPOVNING "HIKMAT SADOLARI" TURKUMIDA KOMIL INSON KONSEPSIYASI

Gulbahor Isakovna Ernazarova,
Samarqand DU Istiqlol davri adabiyoti va adabiyot nazariyasi kafedrasida mustaqil tadqiqotchisi

Milliy ozodlik, taraqqiyot, ma'rifat, islohat kabi g'oyalar bilan maydonga chiqqan jadidlar o'tgan asr boshlarida adabiyotda bir qator yangilanishlar va o'zgarishlar an'anasini boshlab berishdi. Sotsialistik realizm tamoyillariga muvofiqlashtirilgan davr adabiyotidagi yakranglik o'tgan asrning 60-70-yillariga qadar davom etdi. Asqad Muxtor, Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Jamol Kamol, Muhammad Ali kabi shoirlarning 60-70-yillar she'riyatida jadid adiblari kuylagan g'oyalar, adabiy usullar bo'y ko'rsata boshladi.

Istiqlol arafasi va undan keyingi o'n yilliklar o'zbek she'riyati janriy rang-baranglik, uslubiy o'ziga xoslik, poetik g'oya va ifoda tarzining xilma-xilligi hamda boshqa alomatlari bilan jadidlar davri adabiy jarayonini esga soladi. Bu davr adabiyotining eng xarakterli belgilaridan biri, katta-kichik shoirlarning aksariyatida tasavvuf ruhi va ohanglaridagi asarlarning paydo bo'lishida ko'rinadi.

O'tgan tuzum mafkurasi, turli fanlarning namoyondalari tasavvufni islom dinidan ajratish yoki unga muxolifatdagi bir oqim sifatida talqin qilishga harakat qilganlar, aslida Qur'oni Karim, Hadisi Sharif va shariat tushunchalarisiz tasavvufni tasavvur etib bo'lmaydi. Qur'oni Karimning o'zbek tiliga tarjima qilinishi, Payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.) hadislarining chop etilishi, islom dinining at-Termiziy, Imom Ismoil al-Buxoriy kabi buyuk nazariyotchilari, Ahmad Yassaviy, Sulaymon Boqirg'oniy, So'fi Olloyor kabi tasavvuf shoirlari asarlarining chop etilishi istiqlol davri adabiyotiga yangi, toza, qadimiy mavzularni olib kirdi. Bu mavzular ayniqsa, she'riyatimizning muhim jihatlaridan biri sifatida namayon bo'ldi. Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi mumtoz shoirlar yaratgan "Arbain hadis"lari yaqqol misol bo'la oladi.

"Arbain" so'zi "qirq" degan manoni anglatadi, "Arbain" yaratish bugungi she'riyatimiz uchun ham begona emas. Ushbu mavzuda birinchi bo'lib qalam tebratgan Abdulla Oripovning "Haj daftari", "Hikmat sadolari" nomli, hadislardan

4-шубба

iborat turkumi shoir she'riyatidagi komil inson konsepsiyasining muhim g'oyalarni o'zida jamlagani bilan ham e'tiborli.

Mumtoz Sharq she'riyatida yaratilgan "Arbain"larda avval hadisning arabcha, forsha yoxud turkiy tarjimai keltirilib, keyin she'riy varianti berilgan. A.Oripov ushbu an'anadan chekinib, o'ziga xos uslub – to'g'rida-to'g'ri hadisni she'riy tarzda ifoda etdi. Adabiyotshunos olim Hakimjon Karimov shunday ta'kidlaydi: "Abdulla Oripov "Haj daftari" va "Hikmat sadolari" turkumi bilan hozirgi o'zbek she'riyatiga diniy-ma'rifiy g'oyalarni birinchi bo'lib olib kirdi. Rabg'uziyning "Qissai Rabg'uziy" asari va Imom Buxoriyning "Hadis"larini o'rganish, Qur'oni Karimni o'qish asosida ularda bayon qilingan diniy-ma'rifiy g'oyalar bugungi yosh avlodni yuksak insoniy madaniyat, imon va e'tiqod ruhida tarbiyalash mumkinligini zukkolik bilan seza bilgan" [1;35]. Ko'rinadiki, shoirning diniy-axloqiy ruhdagi ijodi adabiyotshunoslikda ayni vaqtida yozilgan dolzarb mavzu sifatida e'tirof etilgan.

Shoir "Hikmat sadolari" turkumida diniy manbalardan olingan lavhalar va hikmatlardan samarali foydalangan holda kishilarni poklikka, to'g'rilikka da'vat etadi.

*Allohning nomiga qasaming abas,
Dilingda bor esa hasad ham riyo.
Nuqsingni behuda yashirmagil, bas.
Baridan voqifdir Tangri taolo.*

Tasavvuf adabiyoti xokisorlik, sabr, qanoat, g'ayrat, kamtarlik, adolat, saxiylik, halimlik, pokizalik, mehr-oqibat, shafqat, umuman inson qalbini, ruhini poklashga xizmat qiladigan, uni Allohga yaqinlashtiradigan komillikka xos barcha ezgu fazilatlarni ilgari surishi bilan ahamiyat kasb etadi.

Abdulla Oripov "Ibrat" nomli she'rida ham bu fazilatlarni ilgari suruvchi hadis ma'nosi she'riy tarzda poetik, ohangdor qilib tasvirlanadi. Hazrat Payg'ambarimizning dabdabali saroylarga, mol-dunyoga ruju qo'ymaganligi haqidagi fikr bilan boshlangan she'r kibrning, shuhratning musulmon kishiga faqat g'am, kulfat Alloh oldidagi kamtarligiga, qulligiga putur yetishini uqtirish bilan yakunlanadi. Bu holat birgina daraxt misolida o'zining obrazli ifodasini topgan:

*Rasul amr qildi: – Kesing daraxtni,
O'ylamang, borliqqa yo'qdir himmatim.
Payg'ambar daraxti bergay deb baxtni,
Sig'inib yurmasin unga ummatim [2;335].*

"Ro'za" she'ri orqali esa shoir qanoat va sabr haqida fikr yuritadi. Qanoat va sabr darvesh (qalban go'zal inson)larning sifatlaridan hisoblanadi. Qanoatli kishining, avvalo, ko'ngli, ko'zi to'q bo'ladi. Bu to'qlik, xotirjamlik, ta'magirlik, nafs kabi shaytoniy xislatlarini tug'ilishiga to'sqinlik qiladi. Chinki qanoatli kishi shukronalik hissi bilan band bo'lishligini poetik mushohadalari orqali ifodalaydi. Qanoatni Payg'ambarimiz mo'minlikning asosiy belgisi sifatida qaraganlar.

*Ro'zadan chiqqanlar, Sizga ham rahmat,
Farzingiz sinovli saodat erur.
Rasululloh demish: Sabr qil, ummat,
Mo'minlik belgisi qanoat erur [2;336].*

4-шубба

Bu haqda Navoiy “Mahbub ul-qulub” asarida “Qone’ darvishning quruq noni tome’ (ta’magir) shohning Xitoyi xonidan (dasturxonidan) xo’broqdir” [4;54], deb yozishi bejiz emas. Ibrohim Haqqulov esa “Sabr tasavvufda ham ruh ulug’vorligi, qalb pokligi va axloq hurligini muhofaza etish vositasi” ekanligini yozadi.

Umuman, tasavvufning adabiyot, xususan, she’riyat bilan, she’riyatning tasavvuf bilan yaqinlashuvi tasodifiy hodisa bo’lmagan. Adabiyot singari tasavvuf ham inson axloqi, ko’ngli, ruhi va tafakkuri bilan mashg’ul bo’lishni qo’llab-quvvatlagan. Mustaqillik davri she’riyatida tasavvuf falsafasiga qiziqishning orta borayotganligi, diniy mavzularga e’tibor qaratilishi, hadislarga she’riy sharh yozish an’analarini qayta harakatga kelishi, bulardan ko’zda tutilgan asosiy maqsad inson ma’naviy olamiga ta’sir etishdir. Bu jihatdan, Abdulla Oripovning “Haj daftari”, “Hikmat sadolari” nomli turkumidan o’rin olgan she’rlarning har birida komil inson konsepsiyasining muhim yo’nalishini – falsafiy-axloqiy g’oyalarni o’zida jamlaganligini guvohi bo’lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Каримов Х. Истиклол даври адабиёти. – Т.: Yangi nashr, 2010.
2. Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: Sharq, 2019.

**“SIZ BILMAYDIGAN ZAMONLARDA” VA “G‘OZ” HIKOYALARIDA
MILLIY VA UMUMBASHARIY FOJIALAR KO‘LAMI**

**Shahlo Bahodirovna Latipova,
Buxoro DU O‘zbek adabiyoti
kafedrasi mustaqil tadqiqotchisi**

Mustaqillik davri hikoyalarda o‘zbekning o‘ziga xosligi, tabiati, ko’nglidagi sezimlar va mayllarini aks ettirishga intilish kuchaydi. Qahramon sur’ati va siyrati uning ruhiyati orqali tasvirlanmoqda. Bunday uslub tasvirning teranligi, badiiy nigohning o‘tkirlikini taqozo etmoqda. So‘ngi yarim asrlik o‘zbek adabiyotida shoir sifatida tanilgan Usmon Azim keyingi yillarda nasr va dramaturgiyadagi umidbaxsh izlanishlari bilan munaqqid va kitobxonlar e’tiborini tortdi. Usmon Azimning nasriy ijodi mahsuli bo’lmish “Siz bilmaydigan zamonlarda”, “G‘oz”, “Saltanat”, “Sevgi”, “Jodu” hikoyalari, “Kunduzsiz kechalar”, “Bir qadam yo‘l” dramalari, “Uzoq xayrlashuvlar” essesi uning nasr va dramaturgiyadagi barakali izlanishlari samarasidir. Adib aksariyat nasriy asarlarini yaratishda ko‘proq X-XI asrlar yodgorligi – o‘zbek folklorining shoh asari, qahramonlik, mardlik, vatanparvarlik, birodarlik, sevgi-sadoqat, oila va urug‘ birligi motivlari baralla kuylangan “Alpomish” dostoniga tayangan. Ijodkor yaratgan “Alpomish” kinodostoni, “Alpomish va Qorajon”, biz tahlilga tortgan “Siz bilmaydigan zamonlarda” va “G‘oz” hikoyalari shular jumlasidandir.

4-шубба

“Siz bilmaydigan zamonlarda” hikoyasida Alpomish yashagan davr qalamga olinadi. Lekin hikoya dostonning aynan ko‘chirmasi emas. Asar mag‘ziga yozuvchi dardi, u yashayotgan davr muammosi singdirilgan. Hikoyada xabar berilishicha Alpomish zindonband qilingan, uni o‘lgan deb noumid bo‘lgan otasi Boybo‘ri “voh bolam”lab olamdan o‘tadi, enasi Kuntug‘mish “panalarda yig‘lay-yig‘lay” jon beradi, singlisi Qaldirg‘och Oynako‘lining dashtida tuya boqib” tikanning tagida, bor alami bag‘rida” o‘lib qoladi, Barchin o‘ziga atab tiklangan qirq uvuqli uyning chang‘arog‘iga o‘zini osadi, unga janoza o‘qigan Qultoy cholning Ultontoz boshini oldiradi, ota izidan yo‘lga tushgan Yodgor bedarak yo‘qoladi. “Boysun Qo‘ng‘irot egasiz qoladi”. Bularning barini Alpomishning qayg‘usini bag‘riga jo qilgan Haqqul baxshi yoniq dard bilan kuylaydi. “Qo‘ng‘irotning boshidan o‘tganlarni eslab, nortuyaday bo‘zlab, yangi doston aytdi. Elidayin mungrayib, yurtidayin ingrayib, ovozini sozlab, qaddini rostlab, dushmani qastlab: “Rostini aytmoq – tariqat, otam ham, enam ham – haqiqat” deb aytdi. Alpomish Qalmoqqa ketganini, maston kampirning qoshiga yetganini, zindonga tushganini, xat olib g‘ozlar uchganini... Hammasini aytdi. Yov Alpomishni chiritganini, Qo‘ng‘irotning ildizini quritganini ham aytdi. Har so‘zni yig‘latib, odamlarni ho‘ngratib aytdi. Qosh qoraygandan tong otguncha aytdi. Ultontozning zulminiyam bitta qoldirmay, do‘mbirasini toldirmay aytdi. Aytdi, birodarlar, og‘zini to‘ldirib, yolg‘onlarni o‘ldirib aytdi. Dostonda hamma o‘zini ko‘rdi, elu yurtning ahvolini bildi” [1;5-6].

Keltirilgan voqeiy parchadagi qahramonlar halokati o‘quvchi diqqatini jalb etmay qolmaydi. Xususan, Alpomishga oq sut bergan enasi Kuntug‘mish jon bergach, uning janozasini o‘qish uchun uchta o‘zidan qo‘rqmagan odam kelganligi, tobutni ko‘tarishga to‘rtinchi odam topilmaganligi haqidagi xabar ayrim zamondoshlarimiz hayotiga oid achchiq haqiqatlarni yodga soldi. Olamni titratuvchi xalq biyining qizi, tengsiz bahodir Alpomishning singlisi Qaldirg‘och jasadining quzg‘unlarga yem bo‘lishi lavhasini dard va hayajonsiz o‘qish mushkul. Xo‘sh, yozuvchining bunday voqeiy lavhalarni yaratishdan maqsadi nima? Biror bir asarni yaratish uchun qo‘liga qalam olgan ijodkor abadiy mavzu tanlashga, tarixiy asar bo‘lsa hozirgi zamon bilan qiyoslashga urinadi. Usmon Azim ham hikoyadagi fojiaiy nuqtalarga murojaat asosida inson dardi, inson qayg‘usi, buyuk Alpomishning o‘zligini tobora unutayotgan avlodi fojiasiga murojaat etadi. Buni asar avvalidanoq anglashimiz mumkin.

“Kunduzi boshingizda pulning hisob-kitobi, kechqurun ko‘zingiz oynayi jahonda – bizning zamonlar esingizdan chiqib ketgan. Men – Elomon baxshi nur to‘la lahadimdan chiqib, xunoba ro‘zg‘oringizga qo‘shilib yurarkanman, shuncha o‘tgan dono dunyodan bularni olib qolgani mana shu Aldarko‘sa qutiya necha-necha pastkash ajdaholar sassiq bag‘rini bosgan pul ekan-da deb o‘pkam to‘ladi. Ha, esi yo‘qlar! Ha, umrining qadrini bilmaganlar!.. Boshi borni yukintirib, tizzasi borni bukiltirib, ko‘zi borni yoshlatib, osmonu yerning ishini tashlatib, doston aytgan menday odam ham turmushingizga aralashmagani ma‘qul deyman. Ammo, sher yigitlar, sahna degan tepada likillamasdan, bizning do‘mbirani ham bir eshitib ko‘ringlar! Yoqyaptimi? Bobolaringizni ingratgan bu og‘och sizni tek qo‘yarmi? Shu dirillab turgan ikki torga bir ulusning yuragini joylaganman-da! Xudo ko‘rsatmasin,

4-шуба

ko'kragingizda dard qolmaganini bilgan kuningiz chaqiring, do'mbiramning o'zi kelib o'tganning g'amlaridan bir yig'lasa, dunyongizda ko'ng'il paydo bo'lib, jimillab turganini ko'rasiz" [1;4].

Ha, haqiqatdan ham hayotimiz o'tkinchi narsalarga shu qadar to'lib ketganki, ba'zan shularsiz hayot hayot emasdek, shularsiz bir onimizni tasavvur etolmaymiz go'yo. Hayotimizda pul, mol-dunyo to'plash, bir-biridan o'zish shu darajada keskinlashganki, buning oqibatida odamlar qarindoshmi yoki do'st – bir-birini tanimay qiyofasiz kimsalarga aylanib bormoqda. Sevimli yozuvchimiz O'tkir Hoshimov "Daftar hoshiyasidagi bitiklar"ida hayotiy bir lavhani shunday tasvirlaydi:

"Qachondan beri bir narsani o'ylaymanu, javob topolmay boshim qotadi. Bu dunyoda hamma narsa sotiladi va sotib olinadi, degan aqida bilan yashaydiganlar Oxiratni o'ylarmikan? Yo u dunyoda ham Shayton bilan til biriktirib, do'zaxga chap berib, jannatning eng gullagan joyini sotib olaman, deb ishonarmikan? Shularga o'zing insof ber, Yaratgan Egam!" [2;32].

Inson har qanday jamiyatning ma'naviy-axloqiy qiyofasini, ijtimoiy-siyosiy yo'nalishini belgilab beradi. Shu nuqtayi nazardan, ijtimoiy-falsafiy ma'no tahlildagi ikki hikoyaning badiiy estetik mag'zini tayin etadi.

Hikoyalarda amal qilingan tasvir prinsiplarining hayotiyliigi shundaki, unda millatimizga xos azaliy xislatlar ham, davrning shiddati-yu, ma'naviyatimizga kiritgan o'zgarishlari ham butun borlig'i bilan o'z aksini topadi.

Ijodkor inson ma'naviyatini yanada mukammallashtiruvchi mehr-oqibat, e'tiqod pokizalik, samimiyluk, kelajakka umid, o'zligiga ishonch singari axloqiy xislat-xususiyatlarni alohida bo'rttirib ko'rsatadi. Hayotiy holatlar, lavhalarni syujetning badiiy qirralari bilan uyg'unlikda talqin etish orqali g'oyaviy niyatga erishadi.

Binobarin, u dastlab, Elomon baxshiga hayotbaxsh doston kuylatib, ruhiy zabunlik girdobida abgor bo'lgan Boysun-Qo'ng'irot elini oyoqqa turg'izadi:

"Shunda men – Elomon baxshi do'mbirani qo'limga oldim. Enib barmoqlarimga kelgan yuragimning sharpasidan do'mbira torlari titrab jo'naganini payqadim. Alpomishning zindonda qolgan joyidan boshladim. Qirq ming so'zni qirq ming ohangda qirq ming dardimga qo'shib, har so'zimda qirq ming qarich o'sib aytdim. Inson chiqolmaydigan pardalarda nola qildim. Inson ko'tarolmaydigan dardlarni ko'tardim. Yuraklar ko'rmagan g'amlardan kuch oldim. Tog'u tosh daryo bo'lib, yig'lab oqib ketaverdi. "Oh" urdim – odamni chumolicha bilmasdan, bosib ketaberadigan charxi kajraftor o'ylanib to'xtadi. Alpomishni, bir "hayt"deb, hammaning ko'zi o'ngida, zindondan olib chiqdim. Nazarkarda Boychiborning beliga o'tqazdim. Bir avj qildim – Boysun-Qo'ng'irotga yetdi. Ota-enasining diydoriga to'ydi. Barchinning egik boshini siladi. Yodgor qulunday yugurib kelib, otasining bo'yniga osildi. "O'zing qo'lla" deb mavj urdim – Ultontoz taxtidan uchib tushdi, Alpomish saltanatga egalik qildi...

Men – Elomon baxshi el belining quvvati, o'zbeklikning surati – Alpomishning dostonini shu xilda yakunladim!" [1;8].

Lekin bu haqiqiy Alpomishmikan? Axir dunyo bevafo, do'stlik va sadoqat haqida ichilgan qasamlar omonat-ku!.. Mana shu nuqtada yozuvchi Elomon

4-шубба

baxshining butun tanasidan ayrilish manzarasini chizadi. Yozuvchining baxshini vujudidan ayirishi ramziy ma'no tashiydi. Aslida Elon baxshi ishonchidan ayriladi, orzularidan judo bo'ladi. Nafaqat u, balki butun umr qahramonini kutib, ruhiy iztiroblar iskanjasida qolgan el eziladi, e'tiqodi buziladi.

Biroq o'zi to'qigan soxta Alpomish zulmi tufayli o'lim topgan Elomon baxshining halokati kitobxonni umidsizlikka tushirmaydi. Hatto uning o'limini sharaflı o'lim deyish mumkin. Zero, u xato qilganini, to'g'rirog'i, adashganini tushunadi, o'limi oldidan bo'lsa-da, haqiqatning yuziga tik qarab, Haqqul baxshining avliyoligiga tan beradi. O'z o'limi bilan hayot boshqa-yu, xayol boshqa ekanligini yana bir karra isbotlaydi Elomon baxshi. Shu tariqa kitobxoniga ulkan ma'rifiy saboq beradi.

Uning odam tanishga shoshganiga sabab elini jonu dilidan suygni edi. Baxshi fojiviy halok bo'la turib, ruhan poklanadi. Bu esa uning o'limiga mardonavor ruh berishga yana bir karra zamin yaratadi:

Qirq kun do'mbira chalganman. Qirq kun qirq ming so'zni qirq ming ohangda qirq ming tomirim eshilib aytganman. ... Men faqat ozgina shoshdim. Alpomishni sog'inganimdan shoshdim Alpomishni tezroq ko'rgim kelganidan, elu yurtni yaxshi ko'rganimdan adashdim" [1;14].

Bunday sharaflı umr yakunini "G'oz" hikoyasining bosh qahramoni – kampirning o'limi misolida ham ko'rishimiz mumkin. Alpomishning xalokori bo'lmish g'ozni mergan o'g'li otishiga yo'l qo'ymagan kampir farzandining omon qolishi, Boysun-Qo'ng'iroq xalqining qayta oyoqqa turishi uchun g'ozga aylanadi, o'z xohishi bilan o'limga tik boradi.

Ijodkor har biro damning hayotdagi asosiy shiori ma'naviy poklik bo'lishini istaydigan, har qanday sharoitda ham to'g'ri yashashga o'zida kuch topa oladigan to'g'riso'z, qat'iyatli, o'ta milliy qahramon yaratishga oshiqadi. Elomon baxshi va fidoyi ona obrazlari yozuvchining bu niyatini yuzaga chiqarishga xizmat eta olgan milliy qahramonlardir.

"Siz bilmaydigan zamonlarda" va "G'oz" hikoyalarida voqelikni, hayot materialini yoritish o'ziga xos. Xususan, hikoyalar syujetini voqea-hodisalar tadriji barobarida qahramonlarning kechinma-o'ylari dinamikasi tashkil etadi. Hikoyalardagi qahramonlar hatti-harakatini ham ana shu tuyg'ular kolliziyasi boshqaradi. Ana shu qalb drammatizmida xarakterlarning zohir bo'lishiholatlari ham, yozuvchining zamoni, hayotni anglash hamda ko'rsatishdagi tasavvur-tushunchalari ham, qahramon va personajlar o'rtasidagi munosabatlarni aks ettiruvchi mo'jaz ko'zgu demakdir. Mergan o'g'lini g'ozni otishga yo'l qo'ymagan Ona farzandining tuzalishi uchun Bo'lgan kal degan folchining yoniga boradi, o'g'lining dardiga darmon so'raydi. Bo'lgan kal unga achinib:

"Ko'zimni yoshlatma, kampir! So'rab nima qilasan? Sen fidoyilik qilding! Bu dunyoda fidokorning ishi og'irdir... Endi qaytaver, kampir! Boshqa bir so'z aytmayman. Hammamiz ham bandamiz – Xudo boshimizga nimaki solsa, sabru toqat bilan qabul qilishdan boshqa ilojimiz yo'q..." [3;17] deb javob beradi.

4-шубба

“Qirq jonidan yigirmasi uzilgan, rangi za’faron – qoni buzilgan, “armonda ketar bo’ldim”, deb shiftga qarab yotgan” o’g’lini ko’rgan kampir Luqmoni hakimdan madad so’raydi. Hakim kampirning ta’zimini ko’rib:

“ – Nega menga egilding, odamlarning ulug’i? – dedi og’rinib. – Aksincha, men senga ta’zim qilmog’im darkor edi. Men hayotimda mingta, maqtanib aytsam, o’n mingta odamning hayotini saqlab qolganman. Sen bo’lsa... E-he!.. Luqmoni hakim kampirning haqiqiy ustivorligini ko’rsatmoqchiday, ikki qo’lini yoyib butun dunyoni ko’rsatdi. Bechora kampir chidab turolmadi – Luqmoni hakimga umid bilan tikildi, poyiga yiqilib, yoshiga yoqasi ho’l bo’lib, xunobasi mo’l bo’lib izillayverdi.

- Men qaydan ulug’ bo’lay, Luqmoni hakim! Bir bolamning dardiga davo topolmasam...

Luqmoni hakim uni yerdan ko’tardi, yoshini artdi, sochlariga ilashgan xasni otdi.

Bir yurtga dorilomonlik bergan odam ulug’ bo’lmay, men ulug’ bo’laymi, kampir!?” [3;18].

Kampir yana uyga qaytdi. Tanida tarang tortilgan hayot rishtalari charsillab uzilib ketayotgan o’g’liga tikilib turolmadi, so’nggi najotni Alpomishdan kutdi va uning huzuriga shoshildi: “Alpomish mard edi, birodarlar!Kampirni armonda yolg’iz qo’ygisi kelmadi. Qo’ng’irotini qaytib Qo’ng’irot bo’lishiga sababchi bu halol kampirni o’ yuzma-yuz qo’ysin?

-Ena, - dedi Alpomish bir to’lg’anib, - mening ham birgina o’g’lim, ko’zimning oqu qorasi, hayotimning ma’nosi Yodgorim bor. Shuni olib keting. Siz tufayli mening yurtim omon qoldi, Yodgorjon tufayli sizning farzandingiz ham tuzalib kestin. Shu bolamni xayri Xudo yo’liga yubordim...” [3;19].

Farzand dog’i neligini bilgan kampir bu taklifni rad etadi. Yodgorni Barchin bag’rida qoldiradi. Ona o’g’li nobud bo’layotgan bo’lsa-da, uning uchun o’zi ming o’tda yonib, kul bo’layotgan bo’lsa-da, eli yurti, Boysun-Qo’ng’irotning kelajagi, xalqining bir butunligi evaziga yana bir fidoyilikka qo’l uradi. U Alloh dan o’zining g’ozga aylanishini so’rab iltijo qiladi. Va o’g’lining or-nomusi uchun jonini fido qiladi:

“- Ena! – quvonchini ichiga sig’dirolmay qichqirdi mergan. – Qayerdasan! G’ozni otdim! Ena! Sog’ayib ketdim! Ena!..

Qush bu qichqiriqdan nogoh ko’zini ochdi. Qanotlarini qoqmoqqa urindi.

Mergan g’ozning ko’zida ajabtovur bir shodlikning sharpasini ko’rib qichqirishdan to’xtadi.

-Ena...

Hech kim javob bermadi” [3; 21].

Insonning iqboli-yu zavoli o’z tabiati va shu inson voyaga yetgan jamiyatning ma’naviy-axloqiy asoslari bilan bog’liq. Binobarin, o’z xalqi ma’naviyati yo’lida o’z umrini fido qilgan inson haqiqiy fidoyi insondir. Hayot sinovi – bu insonning ma’naviy evrilish bosqichlari, ruhiy poklanish imkoniyatlari. Alloh taolo o’n sakkiz ming olamni boshqargani singari kishining ruhi ham vujudini boshqaradi. Kampirning ruhiyati vujudining farzandi kamoloti yo’liga qurbon bo’lishiga yetaklaydi.

4-шубба

Yozuvchi qanday mavzu va qahramonlarni tanlamasin, ularni falsafiy-psixologik tahlil etishi va insonning zafari yoki inqirozi orqali tiriklik falsafasini, jamiyat psixologiyasini, umr hikmatini badiiy mujassamlashtira olishi, ma'naviy qadriyatlarni himoya qiluvchi, umumbashariy mazmundagi xulosalar chiqara bilishi eng muhim vazifalardan biridir.

Ikki hikoyadagi ikki qahramon – Elomon baxshi va kampir ikki sharoitda bir xil o'lim – sharaflı o'lim topishadi. Orzu-umidlari, ishonchu e'tiqodi poymol bo'lgan, ruhiy iztiroblar domida qolgan, fojiali qismatdan qochgan va o'z navbatida, bu qismat oldida mardona bosh eggan bu ikki qahramon sadoqat, mardlik timsoli – elning oynasidir.

Xulosa qilib aytganda, adabiyotning umumbashariy g'oyalaridan biri, yashashga, xalq, millat sifatida g'ururga ega bo'lishga undash ekan, ijodkorning burchi ham xalq qalbida yashashga umid uyg'ota oladigan asarlar yaratishdan iborat. Usmon Azim, biz imkon qadar tahlilga tortgan, hikoyalari orqali bunday sharaflı vazifani ado etishga erisha olgan. Bu hikoyalar orqali adib millatdoshlarimizning xalq qahramoniga tashna qalbidan chiqqan o'tli nidolarni baralla kuyga sola olgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Usmon Azim. Siz bilmaydigan zamonlarda. Kitobda: Jodu. –T.: Sharq, 2003.
2. O'tkir Hoshimov. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. –T.: Sharq, 2006.
3. Usmon Azim. G'oz. Kitobda: Jodu. –T.: Sharq, 2003.

УСМОН ҚЎЧҚОР ЛИРИКАСИДА ФАСЛЛАР ОБРАЗИ

Насиба Бахтиёровна Норова,
Бухоро ДУ Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси таянч докторанти

“Образ” атамаси славян тилларига хос бўлиб, у воқеа ҳодисаларнинг хаёлда намоён бўладиган манзарасини билдиради. В.Г. Белинский : *“Унда ҳеч бир тасодифий ортиқча нарса йўқ. Ҳамма қисмлар бутунга бўйсунган, ҳаммаси битта мақсадга йўналтирилган, ҳаммаси биргаликда битта гўзаллик, яхлитлик, индивидуалликни майдонга келтиради.”* [1,101], –деб ёзади.

Дарҳақиқат, бадий образ бутун бир борликни ижодкорлар назарида ижодий жиҳатдан қайта-қайта яратилиши имконияти. Рассом борликни мўйқаламларида, ҳайкалтарош бу тасвирни тош ёки ёғочга чизиб, йўниб ифодаласа, шоир ёзувчилар эса сўз орқали образ яратади. Образ бу – кенг қамровли тафаккур. Образ бу – тош, дарахт, ҳайвон деганимиз билан ифодаланмайди, балки, бадий образ адабиётнинг асосий қуроли сўзнинг кудратида намоён бўлади.

Ҳаёт ва инсондаги ўзгариш ва кечинмалар шоир қалбида синтезлашади. Ижодкор ҳар бир воқелик, ҳаёт ҳақиқатига ўзгача ёндашиб, бадий маҳоратини ишга солади. Ижодкорнинг бетакрорлиги ҳам у яратган, топа олган образлар

4-шуба

қамрови, ҳаётгийлиги, таъсирчан, самимий ва ҳаққонийлигидадир. Бадиий асарни образсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Образларда фойдалана олиши ижодкорнинг ақлий ва ҳиссий қудрати, эстетик идеали ҳамда мантиқий изчил фикрлаш қобилияти билан боғлиқ.

Усмон Қўчқор лирикасида яратилган бетакрор образлар силсиласи ана шу қарашни исботлайди. Шоир ҳар бир фасл, тоғ, сой, ой, юлдуз, булут, гиёҳ, ҳазон, боғ, гул, куш, капалак, денгиз, шамол, тош, камалак, гирдоб, тун, кўз, қуёш, ер каби образлар замирида янги-янги маъноларни жо этади, фавқулотда фикрлар айтиб, қутилмаган ҳаётий ҳулосалар чиқаради. Ўз фикрига ўқувчини эргаштириб, унинг ҳиссий, ақлий қувватига таъсир этиб, шеърнинг умумий пафосига уни ҳам шерик қилади. Шу боис ҳам айтиш мумкинки, шоирнинг ҳар бир яратган янги образи-янги бир бетакрор хилқат!

Адабиётшунос олим Н.Шукуров: “Символик лирика воқеликни, инсон ҳис-туйғуларини рамзлар, поэтик символлар орқали акс эттиради, символик образ яратишда бир қанча шоирлар кўпинча бир хил предметларга ёки бир-бирига яқин ашёлар ва атрибутларга мурожаат қилишлари мумкин” [5,121]лигини таъкидлайди. Айниқса, Усмон Қўчқор ижодида фасллар образининг ўзига хос тарздаги турли хил талқинларда намоён бўлади. Масалан, куз образи.

*Нимадан бунчалар афсусда аёл,
Нигоҳи нигоҳни муздек қотирар?
Чалқинар кишанбанд маҳбусдай хаёл
Ёндирар кечиккан куздай хотира. [7;5]*

Куз – айрилиқ, ҳижрон, тушқунлик, қариллик рамзи сифатида миллий шеърятимизда талқин қилинади. Айниқса, умр манзараларини Усмон Қўчқор лирикасида тўрт фаслга қиёсланади. Шоир аёл тасвирини бериш учун кузга мурожаат қилади. Минг йиллар олдинги ва минг йиллар кейинги нигоҳини кузги хотиаларга менгзайди. Шоирнинг шеърларида доимо ҳаёт учун кураш, унинг зарбаларига қарши тик оёқда тура олиш, армон этагидан қучган орзулар, шунингдек, умид куртакларининг куз бағрида ҳазонларга айланиши ҳолатларига гувоҳ бўламиз. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу мисралардаги куз образи – урушлар, жангларда ҳалок бўлган ёрини кутган аёлнинг ҳижрон, айрилиқ азоблари тасвири. Ташбеҳнинг ажойиб намуналари шеърнинг ҳар бир мисрасида ўзига хос тарзда ифодаланган.

*О, бу куз ҳам тезроқ ўтсайди...
Ортимдан сарғайиб қолар изларим.
Билмадим юрагим нелар истайди,
Сариқ шамолларга тўлди кўзларим [6; 56].*

Ушбу мисралардаги кузги манзаралар қамровининг фалсафий мушоҳадалари уйғунлаштирилиб, сарғаймоқ, сариқ ранг тимсолида очиқ берилмоқда. “Халқ қўшиқларида сариқ ранг – инсонга, баргга, гулга, сувга нисбатан эпитет сифатида кўп ишлатилади. Ижобий ва салбий сажияда икки хил намоён бўлади. Ижобий маънода келганда, сариқ ранг –улуғворлик, бойлик рамзини ифода этса, салбий маънода айрилиқ, гам-қайғу, бетоблик,

4-шуба

руҳий азобланиш маъноларини ифодалаб келади” [2;186]. Сарик шамол бирикмаси орқали рамзий маъно ифодаланиб, умр ўткинчилигини, кексалик шамоллари кўзларни тўлдирганини таъкидлайди. Шу ўринда, куз фаслининг сарик ранг, зафарон ранглари орқали ифодалаб матндаги ранглар орасида синонимликни юзага келтиради.

*Ўтдек ёниб солланар толлар,
Тераклар жим...кўкка тикилган.
“Пахтазор- жасорат майдони!”
Бу майдонда ҳамма эгилган* [6; 39].

“Аксиз садолар” шеърий тўпламидан ўрин олган “Куз” номли шеърда бевосита куз фаслига хос бўлган табиат тасвири акс этади. Куз фаслида бошланадиган йиғим-терим, қишнинг ғамини ейиш, тол япроқларининг ранги оловни эслатиши, умуман фаслга хос портрет бадиий нигоҳ орқали чизилади. Табиатдаги ҳодисаларни синчков нигоҳ билан кузатиш асносида ёзилган ушбу байтларда шоир бир қўли билан ҳаёт учун курашаётган япроқчамизнинг шамол шиддатига дош беролмаганини, бу оламда танҳо ўзи эмас, балки унинг қисматдошлари кўплигини лирик қаҳрамон тимсолида ёритяпти. Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, куз фасли образи Усмон Кўчқор шеъриятида айрилик, жудолик, умр, фасл каби маъноларни ифодалашга йўналтирилган.

*Чекиниб бормоқда менинг боғларим,
Қарғалар қағиллаб тешар осмонни,
Ўтган баҳорларим,ўтган чоғларим,
Бари бир бермайсиз қишга Усмонни?* [6,41].

Қиш фасли тасвири образ сифатида ҳам мумтоз адабиётида ҳам замонавий адабиётимизда қўлланилиб келинмоқда. Ўзбек адабиётининг етакчи вакилларида бири Ҳалима Худоебердиева шеърларида бу фаслни қарилик рамзи сифатида изоҳлайди. Икки бандлик ушбу шеърда лирик қаҳрамон қорлардан, жимжитликдан, совуқдан, ёқимсизликдан, сукутдан... барча-барчасидан ортда қолган баҳорларнинг юрагига яқинлиги қаламга олинади. Шоир метафоралардан ҳам унумли фойдаланган. Айнан бошқа куч эмас, қарғаларнинг қағиллаши, осмонни тешиш бу ҳам ўзига хос топилма. Адабиётшунос Ш.Турдимов қарға образи билан боғлиқ рамзларни ўрганиб, шундай ёзади: “*Бу мифологик тасаввур бўйича “қарға” кишиларни яхшилик ва ёмонликдан огоҳ қилиш билан бирга уларнинг гап-сўзларини, хатти-ҳаракатларини зайритабиий кучларга етказиб берувчи образ*” [5; 92]. Гўёки қарға тимсолида яхши-ёмон ўтган кунларнинг сарҳисоби тингланади. Ёқимсиз овоз соҳиби бўлганлиги учун,чекиниб бораётган умр, ўтиб кетган баҳорлар бошқа қушлар : бедана, каклик, булбул... мисолида эмас, қарға образи тилидан баён қилинади.

Профессор Б.Саримсоқов метафрагик кўчим ҳақида куйидаги фикрни билдиради. “*...исторавий образ ва ифода ижодкорга шеър мазмунини яшириб, таъсирчан ифодалашга катта имкониятлар очиб беради*” [3; 44]. Шунинг учун ижодкорлар сўзларни ўз маъносида эмас, кўчма маънода қўллаб,

4-шуба

шеърнинг эстетик таъсирини кучайтиради. Қиш қарилик, баҳорларга қайтишини кўмсаш эса ёшликка ишора. Дарҳақиқат, инсон умри муҳояса қилинган ушбу мисраларда ялонғоч дарахт истиораси билан бир ўринда дарахтнинг жонлантирилиши ташхис санъатини юзага келтиради.

Мен карахт-

Жимгина тинглаб ётибман

Яланғоч дарахтнинг тисирлашини [6; 37].

Баҳорнинг рамзий маъно ақс этиши, баҳор келиб табиатнинг қайта жонланишини, бутун оламга кўтаринкилик руҳи ҳукмрон бўлиши, азалий орзулар рўёбга чиққандек:

Қишдан чиққан қуёш жилмайди,

Олам етди ям-яшил бахтга [6; 3].

Баҳор фасли азалдан халқимизда саодатли кунларидан нишона рамзидир. Шоир қиш тугаб, илк қуёш нурларининг ерга тушишини унинг жилмайиши орқали қиёсласа, олам эса бу табассум ортидан бахтли кунларига етади, кейинги сатрларга қарар эканмиз, ёмғир – нурли сочга ўхшатилади. Бу нурли сочларнинг кўкдан ёғилишидан дарахтларнинг боши осмонга етгудай, эзгулик-у яхшилиқлар элчиси қадирғочларнинг кўнишидан симёғочлар шод. Уларнинг шодлиги шу даражага етганки, ҳатто улар илдиз чиқариб, қайта ҳаётга қайтадигандек. Баҳорнинг шу қадар таровати борки, қуруқ тана қайта жон олиб, ёруғ дунёга қайтиш даражасида хурсанд. Қушларнинг ўз она юртларига қайтиши, изма-из равишда Наврўзнинг эшик қоқиб кириб келиши она Ватанимизда тўйлар-тўйларга, шодиёналар-танатаналар байрамларга уланишинининг яққол исботидир. Бу каби фараҳли кунлар баҳор нафаси билан юртимиздаги ҳар бир инсоннинг қалбига, онгига ёруғ келажакнинг нафасини олиб киради.

Баҳор эмас бошингда турган –

Қишдан чиққан Ўзбекистондир.

Чиндан ҳам Истиклолни куйлашда ҳамма ўзича ёндашади, топилмалар излайди. Балки, Усмон Қўчқор бу мустабит тузумнинг қулаётганини қиш фаслига қиёслаётган бўлса, баҳорга етишган яъни қишдан чиққан Ўзбекистонни янги кунлар сари, Мустақиллик томон қадам ташлаётганлигининг нишонасини баҳорга менгзайди.

Ўз шеърларида тарихдан тимсоллар ахтарадиган, табиат билан инсоннинг руҳий яқинлигини бежирим ташбеҳларда ифодаладиган, замондошларимиз маънавиятидаги ўзгаришларни тасвирлашга интиланган, камтарин ижодкорлардан бири Усмон Қўчқор лирикасидаги фасллар образи замирида ифодаланган маънолар билан танишдик.

4-шуба

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. –Б.101.
2. Рўзиева М.Ўзбек фолклорида ранг символикаси. – Т.: Фан, 2016.
3. Саримсоқов Б.Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004.
4. Турдимов Ш.Ўзбек халқ лирик қўшиқлардаги “хабарчи”рамзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар //Адабий мерос. – Т.: 1984. .
5. Шукуров Н.Услублар ва жанрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973.
6. Қўчқоров У. Аксиз садолар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986.
7. Қўчқоров У. Ёндирар кечиккан куздай хотира // Шарқ юлдузи. – Т.: 2016. 6-сон.

**ҲИКОЯДА “ТИЛЛАДЕВ” ҲАҚИДАГИ ХАЛҚ МИФОЛОГИЯСИНИНГ
БАДИЙ АҲАМИЯТИ
(Л.Бўрихоннинг “Йигит илтижоси” ҳикояси мисолида)**

**Барчин Самадовна Шукурова,
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлими
таянч докторанти**

Луқмон Бўрихоннинг “Йигит илтижоси” [3;184-192] ҳикояси сюжет воқеалари эпик баёнчи – университетнинг сўнгги босқич талабаси “Мен” тилидан ҳикоя қилинади. Бу ривоя субъекти – ровий вазифасидаги персонаж воқеани ҳикоя қилибгина қолмай, унда бевосита иштирок этади. Воқеа кечган макон ва замон ҳамда иштирок этувчи персонажларга оид тафсилотларни китобхонга етказди. Тасвир предметига муайян муносабат билдиради. Шу маънода, уни шартли равишда, муаллиф сифатида ҳам тушуниш мумкин [1;256]. Мухтасар муқаддимада ҳикоянинг ёзилиш сабаблари, юз беражак воқеанинг омиллари ҳақида умумий тасаввур бериш, изоҳлаш асносида ошкор этилган: “... бутун руҳиятимни, хаёлотимни алғов-далғов қилиб юборган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен уни дўстларимга, ука-сингилларимга айтиб беришни жуда-жуда хоҳлардим” [3;184], деган самимий эътироф китобхонни ўша номаълум воқеага қизиқтириб эмоционал-ҳиссий ҳолат ҳосил қилиш баробарида, унинг барча тафсилотларини билишга бўлган қизиқишини орттиради. Зотан, ушбу бадиий муқаддима ҳикоянинг узвий қисмидир [2;307]. Ҳаётини воқеа қисқа вақт давомида кечиши, сюжет содда, тугал ва яхлитлиги, персонажлар сони камлиги жанр талабларига тўла мувофиқ келади [1;393-394].

Ўзига ишонган, кўркам, келишган уч дўст – уч ошиқ: Ровий, Тохир ва Толмас характерининг моҳияти курсдошлари – гўзал ва латофатли Бибисорага бўлган муносабатларига кўра, сеҳрли-фантастик эртақларга хос тавсифий-ривоявий оҳанг воситасида очилади. Бибисоранинг исми-ю жисми сирли, жозибали чизилади: “Сочлари шалоладек елкаларига ёйилиб турарди, қоп-қора

4-шуба

қош-кўзлари, оппоқ лўппи юзларининг чиройини янада ошириб-тошириб турарди. Унинг кўнғироқдек овози, беғубор кулгулари юрак-бағримизни ўртарди... Товусдек товланиб, кўзларимизни куйдириб юрарди, холос. Унинг эътиборсизлиги, назар-писанд қилмаслиги юрак бағримизни баттар ғашларди” [3;184].

Англашиладики, ҳар бири ўзини наинки биология куллиёти, балки университетнинг ҳам энг олди деб биладиган, ёшлик хаёллари билан барча гўзаллар, албатта, ўзларини севиб қолишига қаттиқ ишонган учовлон бир сулув эътиборсизлигидан юраклари ғаш, нотаниш ва сирли туйғулардан қалблари безовта. Бу жиҳатлар мумтоз адабиётимизда кўп ва хўп сайқал топган маъшуқа таъриф-тавсифи ва ошиқ ўртанишларини эсга солади. Айниқса, “сарғиш” – файзсиз кунларнинг бирида ногаҳоний тарзда пайқалган рақиб – Салимнинг ўртада пайдо бўлиши бу ғашликни чандон орттиради. Чунки одамнинг зоҳирага боқиб, ўзини баланд олиб қаровчи ровий назарида Салим муносиб рақиб бўлгулик сиёки йўқ кимса эди. Шунинг учун унинг қиёфаси шундай чизилади: “Салим сап-сарик, лаблари дўрдоқ, пачаққина нусха бўлиб, устига-устак, лапашанг, қўрқоқ нарса эди” [3;185]. Улар бу махвашни бир-бирларидан қизғониб, кўча-кўйда санамнинг йўлларини пойлаб, ўрни келганида, ошиқона термулишлари учун ўз рақибни жазолаб юришаркан, ҳали бу ҳаракат-интилишларнинг бари ёшликка хос муваққат туйғулар эканини билишмасди.

Ёзги таътилдан сўнг Бибисоранинг озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб, аввалги, шодон-хандон кулгуларидан асар ҳам қолмай: “ялмоғиз кампирнинг малайидек” кун сайин қаримсиқ тусга кириб бориши уч ошиқнинг ҳам хафсаласини пир қилиб, унга бўлган муносабатларида бурилиш ясайди. Бошқачароқ айтганда, бедаво дардга йўлиққан Бибисора уларнинг кўнглига қандай тез кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетади. Нигоҳлар ўзга гўзаллар томон сирғалиб, олдинги интилиш-талпинишлар ўрнини ачиниш ва ҳатто баъзан ғижиниш туйғулари эгаллайди.

Иккинчи курснинг ёзида ўсимликлар дунёси билан танишиш, ўқув амалиётини ўташ учун ўзларига беминнат дастёр, кўч-кўроннинг ишончли қоровули – Салимни ҳам “қўшиб” олган тўртовлон Қурама тоғ этакларида маишатга берилишади. Хушёрлик бобида тулқига сабоқ берадиган муаллим Мўминов эса, манфаат йўлида чўпон-чўлиқларнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқади. Бибисора дардга чалингач, ўз ҳаётларидан мамнун ва хотиржам уч оғайни ва муаллимдан фарқли ўлароқ, Салим характери янги қирралари билан намоён бўлади: “... алланечук, одамови, хаёлпараст бўлиб қолганди. Ҳатто, кечалари ҳам ухламай тизза қучоқлаб ўйларга зарқ бўлиб ўтирар, ой-юлдузларга маъюс-маъюс тикиларди” [3;186].

Сирлисой дарасидаги сирли ғор, баланд-баланд қоялар баҳайбат-баҳайбат харсанг тошлар, тошдан-тошга урилиб шовуллаб оқаётган сой, теварак атрофни қуршаган ёввойи дов-дарахтлар ва ой тўлишган тунда одам қонини сўриб озиқланадиган, турли қиёфага эврилувчи Тилладев ҳақидаги эртак таъсирида ваҳима ва қўрқув исканжасида қолган қаҳрамонлар тийнати очила боради. Ҳикоя матнига халқ инонч-эътиқодларига яқин эртакона

4-шубба

йўсиндаги бу кистирма эпизодни олиб кириш Л.Бўрихонга ўз ижодий-эстетик концепциясини ёрқин ифодалаш, баён услубига сирли-сеҳрли оҳанг, мажозий руҳ бағишлаш, характерлар моҳиятини миллий, Ой тўлишган тунда кўчада юришдан қайтариш каби ҳаётий-маиший турмуш ва дунёқараш тарзига мутаносиб тарзда очиш имконини беради.

Аммо ўша тунда Салим туклари нур толасидан бўлган қонхўр дев хамласидан сўнг бир умрга тошга айланиш, телба бўлиш ва ҳатто ўлиш васвасасини енгиб, Сирлисойга талпинади. Чунки эчки қиёфасида пайдо бўладиган Тилладевининг олтин ёлидан маҳкам ушлаб, ўз хоҳиш-истагига бўйсундириш илинжи унга тинчлик бермайди. Шаҳарга тинч-омон етиб олиш илинжида жон ҳовучлаб шериклари Салимни кутаётган персонажларга кўшилиб, китобхон қалбидаги кўрқув ва ваҳима ҳислари ҳам ортиб боради. Муттасил ошиқлар ардоғида бўлиб келган тўлин Ой энди ваҳима объектига айланиб, вақт соатининг имиллаб судралаётган олтин капгири дилларни эза бошлайди. Кутилмаганда етиб келган бўй-бастидан айиқ чўчийдиган Билол овчи ҳам ваҳм ва саросима ичида, чорасиз қолган лаҳзаларда кўрқув туйғуси ўзининг ҳадди аълосига етади. Шубҳасиз, сирли тарзда йўқолиб қолган Салим тақдирига масъул муаллимнинг таҳлика ва ташвиши чандон юқори эди. Баркашдек тиккага кўтарилган тўлин ой ёғдусида сойнинг дилларга ғулу солиб шовуллаши ва тун қушлари сирли товушлари вазиятга янада залварли тус бағишларди. Фор олдидаги баланд харсанг тош устида чўнқайиб ўтирган кўйи сеҳрлангандай ойга тикилиб қолган Салим персонажлар ва китобхон наздида қонини Тилладев сўраётганини пайқамай, сеҳрланиб қолган ўлжадай туюлади. Зотан, унинг телба бўлиб қолиши ёки қурбон бўлиши мумкинлиги эҳтимоли кўрқув ҳиссини янада кучайтиради. Шу кез Салимнинг қулоққа чалинган ялинчоқ товуши эътиборимизни тортади:

“– Тилладев, жо-он Тилладев, тезроқ туша қолгин! Тилла ёлингни би-ир силай, сендан кўп нарсани сўрамайман, Бибисоранинг дардига даво берсанг бўлди, жо-он Тилладев, туша қолгин...” [3;192].

Ҳикоя финалидаги бу илтижо наинки персонажлар, балки аллақачон худди шу бадиий воқелик иштирокчисига айланиб улгурган китобхоннинг ҳам ҳайрат ва ҳаяжонига сабаб бўлади. Бошқачароқ айтганда, йигит илтижоси ўз самимияти, ошиқ кўнгилнинг фидокорлик намунаси экани, персонаж қалб драматизминини очиши билан асар финалида портлаш эффекти ҳосил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Академнашр. – Т. 2010.
2. Литературный энциклопедический словарь. – М. 1987.
3. Лукмон Бўрихон. Йигит илтижоси // Тун қаъридаги шуъла. Шарқ НМАК, – Т. 2012. – Б. 184-192.

4-шуба

ТОҒАЙ МУРОД ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИГА ДОИР КУЗАТИШЛАР

**Мунаввара Рустамовна Хидирова,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси
кафедраси таянч докторанти**

Навоий номидаги Адабиёт музейида қадимий қўлёзмалар билан бирга ХХ аср адабиёти намояндалари, жумладан, Тоғай Муроднинг ҳам адабий мероси сақланади ва ўрганилади.

Буюк Навоийнинг адабиётшунослик соҳасидаги асарлари ва “Бобурнома” каби ишончли манбаларда, шунингдек, тазкираларда кўплаб мумтоз асарларнинг ижодий тарихи ҳақида қимматли фикр ва маълумотлар келтирилиши адабий анъана тусини олган. Бадиий асар яратилиши ва ижод жараёнининг мураккаб рухий, биографик, ғоявий-эстетик ва ҳаётий омиллари рус ва жаҳон адабиётшунослигида кенг ёритилган ва ҳамиша муҳим муаммолардан бўлиб келган. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида Абдулла Қодирий бошлаб берган бу ижодий тажриба Ойбекнинг Қодирий шахси ва ижодига бағишланган тадқиқотлари ва “Мен “Навоий” романини қандай ёздим” каби мақолалари, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёшлар билан суҳбат” ва “Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага” сингари туркум асарлари билан илҳомбахш илмий-адабий анъанага айланади. Айниқса, ёш ижодкорлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтовчи бу адабий жараён кейинчалик А.Мухтор, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов А.Орипов, Ў.Ҳошимов каби машҳур адибларимизнинг бадиий ижод сирларини ёритувчи ранг-баранг асарлари билан муваффақиятли давом эттирилган.

Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорнинг ёш ёзувчиларга эстетик сабоқ ва ўғитлари, улар меҳнати ва ижодий жараёнини яққол акс эттирганлиги билан ҳам эътиборлидир. Бадиий ижоднинг муқаддас қонунига айланган бу қутлуғ анъана замондош адибларимиз томонидан ижодий давом эттирилаётганлиги ҳам сўз санъатининг муҳим омили бўлиб саналади. Бу жиҳатдан Тоғай Мурод асарлари яратилиши ва адиб ижодий лабораторияси алоҳида ўрганишга муносибдир. Қодирий ва Қаҳҳор каби устозларнинг ижодий ақида-принципларига юксак ҳурмат билан ёндашган Тоғай Мурод бошқалардан кўра ҳам уларга садоқат билан изчил амал қиларди. Унинг асарлари “*одамлар қалбига қалбини пайванд қила олиш*” самараси бўлиб майдонга келганлиги ана шу юксак ижодий аъмол натижасидир. Бунга Тоғай Мурод асарлари ва қаҳрамонларининг яратилиш жараёнини яқиндан ўрганиш ҳамда ёзувчининг “Мен” деб номланган ўзига хос бадеа-эссесини, шунингдек, адиб замондошларининг ёниқ хотираларини ўқиб, тўлиқ амин бўламиз.

Қодирий ва Қаҳҳорнинг адабиётга муносабати ва ижод жараёни ҳақидаги муштарак қарашлари билан Тоғай Муроднинг фикрларига қиёсий назар солинса, улар ўртасида жуда яқинлик, ўхшашликларни кўриш мумкин. “*Мен ёзмоқчи бўлган асарим мавзусини майда деталларигача ўрганиб чиқаман. Тасвирлаётган жойимни бориб ўз кўзим билан кўраман, бўлмаса кўнглим тўлмайди. Асар пишиб-етилгандан кейин эса уйга қамалиб оламан. Чунки бу*

4-шубба

пайт менга ҳеч ким халақит бермаслиги керак...” [1;266]. Тоғай Муроднинг бундай эътирофлари улуғ адиблар фикрларига ҳамоҳанглиги билан ҳам муҳимдир.

Жаҳон адабиётининг кўплаб етук намояндалари сингари Тоғай Мурод ҳам ўз ижодий фаолиятини кичик жанрдаги асарлардан, яъни ҳикоя ва мақолалардан бошлаган. Яъни ёзувчи ўзининг машҳур қиссаларини яратишдан олдин “Бобо ва неvara”, “Ку-ку” ва “Эр-хотин” каби етук ҳикоялари билан китобхонлар эътиборини тортади. Бу ҳикоялар ҳам, аввало, чуқур миллий руҳда ёзилгани, ҳаётий мазмуни ва ҳаққоний тасвирларга бойлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими шундаки, бу илк ҳикоялар адибнинг бўлғуси етук қиссалари ва романлари учун ўзига хос ғоявий-бадиий тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, бу ҳикоялар ёзувчининг йирик асарлари учун маълум маънода ижодий машқ, яъни рассомларнинг эскиз ролини ўйнаган десак, хато бўлмайди.

Тоғай Мурод ижоди учун хос бўлган ва унинг адиб сифатидаги асосий фазилати дастлабки ҳикояларида ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Бу принцип шуки, у энг аввало, ўзи бошидан кечирган ҳаётни, ўз кўзи билан кўрган ва ҳис этган табиатни, ўз қўли билан ушлаган жониворларни қандай бўлса, шундайлигича бадиий асар қилади. 1976-йили ёзилган ва кўп жихатдан ёзувчининг шахсий ҳаётий кечинмалари ва болалик таассуротларига асосланган “Юлдузлар мангу ёнади” номли илк қиссаси ўзининг янги мавзуси, миллий характерлари ва ширали тили билан китобхонлар эътиборини тортади. Дастлаб, “Давра” номи билан нашр этилган бу асар устоз адиблар ва китобхонлар таклифи билан қайта ишланади, мукаммаллашади ва номи ҳам “Юлдузлар мангу ёнади” деб ўзгартирилади. Асар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси томонидан “Йилнинг энг яхши қиссаси” деб топилади. Қиссанинг дастлабки номи “Давра” сўзи кўп қўлланган ва маъноси ҳам умумийроқ эди, шу сабабли ёзувчига ҳам маъқул келмаган. Адиб асарлари ва шахсини яқиндан билган етук шоир Чоршаъм эслашича, Тоғай Мурод асарлари номларига ҳам катта аҳамият берар, уларни жуда узоқ вақт танлар эди. Масалан, “От кишнаган оқшом” ва “Ойдинда юрган одамлар” қиссалари учун ҳам ўнлаб номлар ёзиб чиққан. *“Ном асар руҳини тўла ифода этиши керак. Токи сарлавҳани ўқиши билан ўқувчининг юраги “жиз” этсин, унда шу асарни ўқишга истак уйғонсин”* [1;242], -деб орзу этар экан. Дарҳақиқат, “Юлдузлар мангу ёнади” деган сарлавҳада маънодорлик ва шоирона сирлилик ҳам кучли. Бу янги ном ҳаётий ва фалсафий жихатдан кенг маънони англашиб, халқимизнинг асрлар давомида яшаб келаётган миллий кадриятлари бардавомлигини ҳам рамзий тарзда ифодалай олган.

Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” (1979) қиссаси адиб учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам омадли асарлар сирасига киради. Қисса чуқур ғоявий-бадиий муаммолари ва жозибали образлари билан бошқа асарлардан фарқланиб туради. Қиссанинг асосий қаҳрамонлари – от ва чавандозлар. Нафақат ўзбек прозасида, балки жаҳон адабиётида ҳам янги бир саҳифа бўлиб майдонга келган бу қисса ёш адиб учун ҳам янги ижодий бир довон эди. Академик Тўра

4-шуба

Мирзаевнинг Тоғай Мурод ҳақидаги “Отлар ҳам йиғлайдими?” номли мақоласида ёш адибнинг отлар ва чавандозлар ҳақида қисса ёзишдан олдин асар мавзусига қанчалик масъулият билан ёндашганлиги ва уларни жуда катта меҳр ва ихлос билан чуқур ўрганганлиги алоҳида таъкидланган. Бу ҳақда Тоғай Мурод ўз таржимаи ҳолида шундай гувоҳлик беради: *“Кеч кузда юртимизга йўл олдим. Саттор чавандоз дегич билан топшидим. У менга бир от топиб берди. Мен отландим! Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпқари чопдим. Неча бор отлардан йиқилдим. Кечалари чавандозлар билан гурунг қилдим. Чавандозлар дўмбира чалиб, кўпқарилардан сўйлади, отлардан сўйлади, чавандозлардан сўйлади. Узун қиш кўпқарихона- иш жойим бўлди, чавандозлар ҳамхонам бўлди, отлар-биродарларим бўлди”* [2;305]. Бинобарин, Тоғай Муроднинг кўп йиллар суворийлар билан жўра бўлганлиги ва чавандозликнинг ҳам бутун ташвиш-қувончларини ўз бошидан кечиргани қиссанинг ҳаётий бўлиб чиқишини таъминлаган.

Тоғай Мурод қиссалари ва романдаги воқеа-ҳодисалар ва характерларнинг фавкулудда реал-ҳаётийлиги, ифода-тасвирларнинг табиийлиги ва ҳалқчиллиги сирлари, аввало, ёзувчининг серқирра ижтимоий фаолияти ва ибратли турмуш тажрибалари, ижодкорнинг бой ва такрорланмас шахсияти билан ҳам изоҳланади. Яъни Тоғай Мурод халқимиз ва миллатимизнинг азалий урф-одатлари ва қадимий ўйин-беллашувларини катта ихлос ва фахр билан тасвирлашга, полвонлик ва чавандозликдек юксак қадриятларимиздан чексиз ифтихор қилишга маънавий жиҳатдан қанчалар ҳақли бўлса, ўзбек деҳқони ва пахтакорларининг ҳам ҳаёти ва тақдирини ҳаққоний акс эттириб, улардан дунё аҳлини огоҳ этишга ҳам шу даражада ҳақли адиб эди. Негаки у миллионлаб норасида ўзбек болаларидай маъсум болалигидан бошлаб ота-боболаримизнинг оғир ҳаёти ва машаққатли меҳнатига ошно бўлиб улғайган. *“Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим. Дорилфунун даврида, иш даврида пахта тердим. Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди... Аммо романни бошлаб... пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим. Мен ўзимни халқ ҳаёти билимдони, дея ўйлар эдим, халқ характери билимдони дея ўйлар эдим, халқ руҳияти билимдони дея ўйлар эдим.*

Мен пахта билан юзма-юз бўлиб, мен ҳали ўзбек деҳқонини билмаслигимни англадим. Мен пахта билан юзма-юз бўлиб, пахтакор ким эканини билмаслигимни англадим” [2; 308].

Пахта ва пахтакорларни чинакам ўзбек деҳқони зурриёди бўлган ва бўйи пахта далаларида ўсиб, пахтада хат таниган ва яна неча ўнлаб пахтачилик дарсликлари-ю қишлоқ хўжалигига доир ўнлаб китобларни кунт билан ўқиб чиққан Тоғай Мурод даражасида пухта ўрганган ёзувчи, ҳатто мутахассис олим ҳам камдан кам топилса керак. Лекин адабиётни ва бадиий ижодни буюк адиблар сингари муқаддас деб билган ва ўзига нисбатан ғоят талабчан бўлган Тоғай Мурод учун бу билим ва тажрибалар камлик қилади. Чунки чинакам ёзувчи учун бу анъанавий мавзуни ёритишда, энг аввало, ер билан, она-замин билан ва пахта далалари билан тиллаша олган деҳқоннинг инсон сифатидаги

4-шуба

ўй-кечинмалари, орзу-умидлари ва яшашдан мурод-мақсадини билиш ва шуларни ҳаққоний тасвирлаш ҳамма нарсадан муҳим эди. Иккинчидан эса, ўзбек халқимизнинг қон-қонидаги меҳнатсеварлик, муқаддас она-заминига бурч-садоқат каби юксак фазилатлар билан бирга миллатимиз бошидан кечган шонли ва фожеали кунларни рўйи-рост акс эттириш орқали халқимизнинг буюк ирода ва саботидан ғурурланиш ҳам бу романнинг яратилишига сабаб бўлган ҳаётий омиллар эди, десак ҳақиқатга хилоф бўлмайди.

Тоғай Муроднинг маҳорати шундаки, романда халқимиз бошидан кечирган залворли тарихий ўтмиш ҳаққоний акс эттирилади. Натижада “*бахтиёр ва фаровон социалистик турмуш*” деб мадҳ этиб келинган кечаги кунларимиз ҳақидаги ҳавоий фикрларимиз бутунлай ўзгаради. Бинобарин, ўзбек деҳқонлари ва қишлоқ аёлларининг дард-ситамли кечинмалари, қул каби итоаткор ва фидоий пахтакорларнинг бекадр меҳнати, афтодаҳол туриш-турмуши ҳақидаги тасаввурларимиз ўта юзаки эканлигига ва улар романдаги донгдор ёзувчилар билан шаҳарлик сайёр режиссёрларнинг баландпарвоз сўзлари-ю ҳақоратомуз ҳамду саноларидай ҳаёт ҳақиқатидан жуда йироқ бўлган сохта мақтовлар эканлигига иқрор бўламиз. Шу жиҳатларига кўра асарни халқимиз ва она юртимиз бошидан кечган фожеаларга тўла бўлган бутун бир даврнинг мухтасар бадиий солномаси деб аташ ҳам мумкин. Сўнгги йиллар Истиқлол шарофати билан адабиёт ва санъат соҳасида ҳам умидбахш ижодий изланиш ва ўзгаришлар кечмоқда. Халқимиз тарихи, бугунги ҳаёти, руҳияти ҳақидаги аксарият асарларда шахс ва воқелик илгаригидек бирёклама тасвирланмасдан, турмушимиздаги бор муаммолар, зиддият ва қийинчиликлар ҳам рўй-рост ва куюнчаклик билан ёритилаётганлиги бугунги адабий жараённинг ва уйғонган миллий тафаккуримизнинг устувор бир йўналишига айланмоқда. Адибнинг умр йўлдоши, истеъдодли журналист Маъсума Аҳмедова ёзганидек, Истиқлолимиз туфайли Тоғай Мурод шахси ва ижодини ҳам теран англашга интилиш кучаймоқда. Адиб ижоди, бадиий маҳорати ва миллий характерларини ўрганиш борасида таниқли адабиётшунослар олиб бораётган изланишлар танқидчилик ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб кўшиляпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. – Т.: Янги аср, 2007.
2. Тоғай Мурод. Сайланма. VI жилдлик. I.II.III-жилдлар. – Т.: Зиё, 2019.

4-шубба

ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATINING O'ZIGA XOS TALQINI

Oltinoy Bekmurotovna Qurbonova,
Buxoro DU Adabiyotshunoslik kafedrasida tayanch doktoranti

Adabiyotshunos olim I.G'afurov asarlarida she'riyatimizni davrlarga ajratib, har bir davrning o'z iste'dodlari, ularning salaflari va izdoshlari kimlar ekanligini, she'riyatga kirib kelgan har bir avlodning yutuqlari va kamchiliklari, eng muhimi, ular oldiga qo'ygan maqsad va tamoyillar, ular ijodining o'ziga xosligi, ya'ni ular adabiyotimizga olib kira olgan yangilikarni birma-bir tahlildan o'tkazgan, she'rshunos olim sifatida tahlil va talqin qilgan. Masalan, olim oltmishinchi yillarda she'riyatga kirib kelgan avlodni Usmon Nosir, Hamid Olimjon, Maqsud Shayxzoda, G'afur G'ulom, Asqad Muxtor, Zulfiya kabi buyuk ijodkorlarning izdoshlari deya e'tirof etadi. Chunki oltmishinchi yillarda ham yigirmanchi- o'ttizinchi yillarda bo'lgani singari yakka emas, "chaman bo'lib ochilgan gulday" ijodkorlar guruhi kirib kelgan edi. Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Halima Xudoyberdiyeva, Rauf Parfi, Barot Boyqobilov, Muhammad Ali, Omon Matjon, Jamol Kamol va boshqalar. Bu avlod ijodidagi yangicha nafas, Insonni va uning Qalbini o'zgacha kashf qila olish xususiyatlari adabiyotshunosning alohida e'tirofiga sazovor bo'lgan va shu xususiyatlari bilan keyingi avlod ijodiga yangicha yo'l ochib bera olgan. Bu davr she'riyat bo'stonidagi qanchadan –qancha ijodkorlar xizmati keyingi davr she'riyati va shu davr talantlarining paydo bo'lishida yaqqol ko'rinadi.

Bu avlodga olim lirikaga chinakam samimiyat olib kirgan, dunyoni keng va murakkab tushuna olgan, Insonga qarashi teranlashgan, yangi ideallar uchun kurashuvchi avlod deya baholadi. Ularning har birining ijodini diqqat bilan kuzata bordi. Aksariyati haqida alohida maqolalar yozdi. Ularning ijodini o'tkir ko'zli, donishmand tafakkurli, shoir qalbli adabiyotshunos olim sifatida tekshirib bordi, yutuqlarini olqishladi, kamchiliklarini ro'yi rost ko'rsatib berdi.

Munaqqid Abdulla Oripov haqida "Shukuh" nomli maqola yozgan va "Yam-yashil daraxt" kitobiga kiritgan. Ibrohim Ga'furov bu maqolada ham boshqa ijodkorlar haqidagi maqolalarida bo'lgani singari Abdulla Oripov ijodiga xronologik yondashgan, she'riyat ostonasiga qadam qo'yganidan boshlab keyingi o'n yillik ijodi davomida uning ijodiy evolyutsiyasini quyidagi bosqichlarda ko'rsatib bergan:

-fikrdan ko'ra holat tasviri kuchliroq bo'lgan davri (Shamolning shovullashi, qaldiroqlarning ko'chishi, bahorning kirib kelishi, yor sochlarining sunbulligi, ko'zlarining tong yulduzi ekanligi);

-fikrdan ko'ra ehtiroslar kuchli bo'lgan davri (fikrning parvozigacha tayyorgarlik davri), (Kuchga to'lgan yigitning qudratli qo'llari yor yuzida gul kabi mayin siyपालanishi, bahor shavqi, yashnab turgan yigit yoshi tasviri kabilar);

- ehtiroslar quyilib, fikrlarda teranlik ko'rinishida boshlagan davri (xazonning so'nggi shovqini uning taqdiri haqida insonni o'ziga toldirishi, inson umri har vaqt to'y emasligi, eng go'zal zamona hali oldinda, kelajakda yaratilishi);

- ehtiroslar tizginlanib olingan, falsafiy mushohadalar to'la bo'y cho'zgan davri

4-шубба

(beshavqat tafakkur asri bu zamon, gʻarib deymi uni va yo gʻaroyib kabi satrlar);

Bu davrda shoir “Mitti yulduz” toʻplamidan “Hayrat” toʻplamigacha yettita toʻplamni nashr ettirgan. Abdulla Oripov sheʼriyati haqida tanqidchilik ham, jamoatchilik ham xiylagina bahslar yuritgan. Toʻplamlar va undagi sheʼrlarga, rang-barang mavzularga toʻliq kommunistik gʻoyaga xizmat qiluvchi ijodkor va tanqidchilar shubha bilan qarashgan davrda munaqqid Ibrohim Gʻafurov bu toʻplamlarga yuksak baho berib, dastlabki qadamlaridanoq sheʼrdagi yoniq ehtirosi bilan el ichida shuhrat qozongan shoir ekanligini eʼtirof etgan.

Shoir ijodi esa boshqa millat vakillari tomonidan ham eʼtirof etila boshlagan edi. Abdulla Oripov ijodida falsafiy teranlik va fikrlarning salmoqdorligi boshqa munaqqidlar tomonidan ham ilgʻab olingan, taʼkidlangan xususiyatlardan biridir. “Shoir mavzularning yangi, hali aytmagan qirralarini topadi, oʻz fikrini ifodalashda hali birov ishlatmagan obrazlarni ishlatadi”, deb taʼkidlaydi Matyoqub Qoʻshjonov shoir haqidagi maqolasida [2;266]. Darhaqiqat, Abdulla Oripov sheʼriyatida mavzular – Vatan, Ona –Yer, Xalq, oq sut bergan Ona, Muhabbat kabilardir. Aslida bular hamma shoirlar uchun muqaddas va doimiy mavzu. Biroq bu mavzularga shoir Qaysin Quliyev aytganidek oʻziga xos yoʻllar bilan yondashadi. Munaqqid Ibrohim Gʻafurov ham shoir ijodining xuddi shu qirrasiga urgʻu beradi. Shoir bu mavzularning hali hech kim aytmagan, yangi qirralarini topganligini, oʻz fikrini ifodalashda hali birov ishlatmagan obrazlarni ishlatib oʻzgalarni takror qilmaydigan jozibali asarlar yaratganini taʼkidlaydi.

Munaqqid shoirning ilk kitoblaridanoq sheʼrlarida falsafa kurtaklari borligini koʻra oladi, ammo bu kurtaklarni ehtiroslar oqimi toʻsib turardi, yaproq yozib ketishiga yoʻl bermasdi.

Ibrohim Gʻafurov oʻzining “Havasda alanga boʻlsaydi” maqolasida “Sheʼr bu – yuksak xayol, katta bir dardning samarasi boʻlmagan chogʻlarda u shirasiz, chuchmal, hayotning ilgʻor gʻoyalaridan yiroq bir ermak mahsuliga aylanadi. Bu sheʼr emas, uning oʻlimidir. Havaskorlik yaxshi. Unda baland alanga boʻlsa undan ham yaxshi. Chunki har qanday xalq sheʼriyatining nurafshon vodiylari mana shu alangalardan yorugʻ boʻladi”, – deya taʼkidlagan edi [1;160]. Xuddi shu alanga Abdulla Oripovning ilk ijodini el aro tanitdi, yangi isteʼdod paydo boʻlayotganidan darak berdi. Ammo qizigʻi shundaki, munaqqid keyingi maqolalarida xuddi shu xususiyat alanga va ehtiros tizginlanib olinmasa, shoir ijodiy kamolotga yeta olmasligini, fikr teranlashishi uchun tuygʻularning alangasini tiniqlashtirish zarurligi misollar asosida koʻrsatib beradi. Demak, haqiqiy ijodning adabiyotga kirib kelishi va uning kamolotga yetishishi bosqichlarining har birida oʻziga xos va barcha isteʼdodlarga umumiy boʻlgan qonuniyatlar mavjud ekan.

Munaqqid meʼyor, tejam bu – klassiklarning adabiyot oldiga qoʻygan talablaridan biri deydi. Fikrining isboti sifatida Hamletning aktyorlarga bergan quyidagi sabogʻini keltiradi: “*Siz hirs-u havaslarning boʻroni va hatto dovulida ham tiyimli boʻlishga oʻrganing, zeroki, tiyim hamma narsani ixcham qiladi*”.

Ibrohim Gʻafurov Abdulla Oripovning ijodiy evolyutsiyasidagi asosiy xususiyat sifatida kitobdan kitobga ehtiroslar quyilib, fikrda teranlik kuchaygani,

4-шубба

she'ning zarlari – ritmlarida, shakliy alomatlarida o'zgarish kam bo'lsa-da, mundarija g'oyatda boyiganini ko'rsatadi. Munaqqid maqolaning avval boshidan shoir ijodida falsafaga mayl borligini ta'kidlagan edi. Shu bilan birga yuqorida adabiyotshunos olim she'riyat haqidagi boshqa maqolalarida ham haqiqiy she'r inson tafakkuri va tasavvuriga yangidan yangi tushuncha va tuyg'ularni olib kira olishi, haqiqiy shoir o'z dardi muammolari bilan emas, butun xalq, qolaversa, insoniyat muammolarini qayg'urib yashashi, uni his qila olishi, bu hamdardlik tuyg'ularini so'zga aylantirib yoza olishi, boshqalarni ham bu muammolar xususida o'ylantira olishi lozim degan talablarni qo'ygan edi va Abdulla Oripov ijodiga ham xuddi shu rakursda turib baho berdi. She'r yurak bilan yoziladi, yurak bilan o'qiladi, ammo unga tiyimni, ozuqani aql beradi. Shoir kitobdan kitobga o'sgan sayin yurak va aql o'rtasida uyg'unlik kuchaya boradi. Ammo Ibrohim G'afurov fikricha, Abdulla Oripovning "Hayrat" to'plamidan ko'ra undan oldingi "Ruhim" kitobida bu uyg'unlik kuchliroq, shu jihatdan bu to'plam shoir ijodida sezilarli iz qoldirgan. Maqolaning davomida bu ikki to'plam qiyosiy usulda o'rganiladi. Ayniqsa, "Hayrat" to'plami va olim bu to'plamning g'oyaviy mundarijasini belgilab bera oladi deb hisoblagan she'rlari "Genetika" va "Dengizga" chuqur tahlil qilinadi.

Ibrohim G'afurov "Genetika"ni o'tmish, hozirgi, kelajak avlod oldiga qo'yilgan hisob- kitob deya yuqori baholash bilan birga undagi aql va yurak uyg'unligi muvozanati buzilgan, ya'ni yurak mantiqqa bo'ysunmasdan, orzular va his-tuyg'ularga berilgan o'rinlarni aniq ko'rsatib beradi.

Olimning fikricha, "Genetika" – falsafiy she'r. Shuning uchun ham bunday she'rlarda fikrda izchillik talab qilinadi. She'rda shoir bashar naslidan qolgan barcha ezguliklarning merosxo'ri va davomchisi sifatida o'z avlodlarimizga nimlarni meros qoldiramiz degan masalani o'rtaga tashlaydi va "Kurashlarda toblangan xayol", "Buyuk bardoshimiz", orom, haq va haqiqat, muhabbat, nurga tashnalik qoladi deya xulosa chiqaradi. Bular hammasi go'zal, shoirona gaplar deydi olim. "Lekin juda chuqur falsafa talab qiladigan bu she'r uchun juda yirik va ezgu bir problemaning yechimi uchun ular nazarimda xiyla yengillik qilib qolganlar" [1;219]. Avlodlarga, deydi olim, bizning ruhimiz, ruhimizning moddiy ko'rinishi, ezgulik uchun olib borgan kurashlarimizning samaralari, turli qismlarga to'la ona yer va ona tabiat meros qoladi.

Shoirning she'r yakunidagi kelajak nasl haqidagi o'ylari ham olim tomonidan chuqur falsafiy mushohadadan ko'ra chiroyli shoirona orzu deb baholanadi. " balki oro topib bashar sayqali, tug'ilar eng oliy inson mukammal" – bu shoirning kelajak nasllari haqidagi orzusi edi. Ammo Ibrohim G'afurov fikricha, mukammal inson taraqqiyotning so'nggi nuqtasi, ya'ni hayotning yakunidir. Chunki inson taraqqiyoti mukammallikka erishish yo'lida tinimsiz harakatdan iborat. Taraqqiyot esa cheksizdir. Dialektika qonunlariga ko'ra hayot kechagi mukammalilikning bugun bir qadar o'suvi asosiga qurilgan. Shunday ekan shoirning "Lekin sen bo'lursan bokira mutlaq, Lekin sen yasharsan farishta misol" satrlarini mantiqqa tayangan, teran fikr sifatida emas, go'zal orzu sifatida baholaydi va shoirning o'zini o'zi bilan inkor qila oladi. Ya'ni shoirning kelgusi avlodlar biz ko'rmagan baxtni ko'ra olishi, biz

4-шубба

aytmagan soʻzni ayta olishi haqidagi fikrlari avlodlar sivilizatsiyasining betoʻxtovligini taʼkidlaydi va oʻzining yuqoridagi fikrlarini inkor qiladi.

*Meni kutayotir ajib kelajak,
U mening iqbolim, mening baxtimdir,
Men koʻrmagan baxtni kimdir koʻrajak,
Men aytmagan soʻzni aytajak kimdir,*

-satrlari orqali shoirning oʻzi taraqqiyotning davomiy va har bir avlodning mukammallik sari tinimsiz oʻsib borishini taʼkidlaganini koʻrsatadi. Zero alloma yozuvchimiz Sadriddin Ayniy taʼkidlaganidek *“Munaqqid alloma sifatida aql va tafakkur bilan tanqid qilishni oʻz oldiga vazifa qilib qoʻyishi kerak”* [3;380].

Badiiy asar ehtiroslar va donishmand oʻy-xayollar mahsuli. Shunday ekan unga ehtirosiz yondashish ham tillaning zargar emas, temirchi qoʻliga tushishiga teng boʻlardir. Demak, haqiqiy ehtiroslar boqiy, ezgu soʻz shukhi ham oʻlmasdir.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Nazarov B., Rasulov A., Ahmedova Sh., Qahramonov Q. Oʻzbek adabiy tanqidi tarixi. Tafakkur qanoti, –T.: 2012.
2. Oripov A. Tanlangan asarlar. Adabiyot va sanʼat, –T.: 2001.
3. Sadriddin Ayniy. Asarlar. Badiiy adabiyot, –T.: 1967.
4. Gʻafurov Ibrohim. Yam – yashil daraxt. Adabiyot va sanʼat, –T.: 1976.
5. Qoʻshjonov Matyoqub. Tanlangan asarlar. Sharq, –T.: 2019.

**АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ БАҲОР ҲАҚИДАГИ ИККИ ШЕЪРИ
ХУСУСИДА**

Зарнигор Нусратиллаевна Соҳибова,
Бухоро ДУ Ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти

Абдулла Орипов шеърляри мавзулар ранг-баранглиги, фалсафий мушоҳадаларнинг кенглиги, образлар хилма-хиллиги ва ҳаётлийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг йил фасллари, хусусан, баҳор мадҳига бағишланган шеърларида лирик қаҳрамоннинг кувончу ғамлари, қалб кечинмалари, руҳият манзаралари табиат ҳодисаларига ҳамоҳангликда ўз ифодасини топган.

“Дунёда энг қийин ва машақатли иш фикр, туйғу ва тушунчаларнинг табиий ифодасини топмоқ, инсон ботинида мавжуд минг бир кайфият, ҳолат ва ҳисларни моддийлаштирмоқдир, - деб ёзади атоқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов. Ҳисни сўзга айлантириш нечоғлик қийин бўлса, руҳий ҳаёт манзараларини фикрда гавдалантириб бериш ундан ҳам мушкул” [3;171]. Чиндан-да, Абдулла Орипов шеърларида руҳият манзаралари табиат ҳодисалари, йил фасллари уйғунликда ғоят гўзал ва таъсирли тасвирланади. Шоир ижодига оид тадқиқотларда унинг фасллар ҳақидаги шеърляри ва уларда ижтимоий, фалсафий мазмуннинг айрим жиҳатлари ўрганилган. Жумладан,

4-шуба

М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мели, Д.Бегимкулов ва бошқаларнинг ишларида унинг фасллар билан боғлиқ фикрларига эътибор қаратилганлигини кўрамыз. Назаримизда бу мавзу махсус ўрганишни талаб қилади.

Абдулла Ориповнинг “Баҳор” номли шеъри ўзининг кўтаринки кайфияти, ўйноқи оҳанги, бадиий товланишлари билан эътиборни тортади:

*Баҳор келди гул сепин ёйиб,
Тенгсиз чирой касб этди ўлка.
Гул баҳорнинг нурли жилваси
Сўнгсиз севинч бахш этди қалбга [1;19].*

Она заминни гулларга буркаб, ўлкага тенгсиз чирой тухфа этган баҳор лирик қаҳрамон қалбига бир олам севинч бахш этади. Бу кўтаринки кайфият кейинги мисраларда янада кучайтирилади:

*Қир, адирда кўк майса гилам,
Бутоқларда жилмаяр куртак.
Яна келди эркатой кўклам
Ёшликдай шўх, нурдай югурак.*

Шоир яшариш фаслини “гул баҳор”, “кўк майса гилам”, “эркатой кўклам” дея таърифлайди. “Ёшликдай шўх”, “нурдай югурак” сингари сифатли бирикмалар (шўх, югурак – сифат сўз туркумига оид) ва ташбеҳларда кўклам кайфияти ўз аксини топган.

*Тошдан тошга тўш уриб шошар –
Қаёққадир зилол шалола.
Қандай гўзал баҳор тухфаси!
Адирларда қирмизи – лола.*

Бу сатрларнинг ҳаётгийлиги шундаки, уларда баҳор табиатининг гўзал ва жонли манзараси акс этган. Шеърда заминдаги гўзалликларнинг ижодкори кўклам дея талқин қилинади. Баҳорда чор атроф ёқимли ҳаётгийлик касб этади. Шоир наздида ҳатто кўкдаги қуёш ҳам баҳорда ўзгача меҳр ила нур сочади. Бу фасл кишини ўзига ром этиши билан бирга, қалбда ёшлик сурурини уйғотади:

*Гул баҳорнинг мафтунни бўлиб
Саҳий қуёш сочар заррин нур.
Баҳор! Дилни ром этди ўзга,
Жилвасида ёшлик ҳам гурур.*

Сўнгги мисраларда шеърдаги кўтаринки руҳ ўзининг авж нуқтасига чиқади:

*Баҳор, баҳор, о гўзал баҳор!
Ёшлик каби дилга яқинсан.
Юрагимга шеър бўлиб кирган –
Шодлик, илхом, завққа тўкинсан [1;19].*

Ёшликдай шўх, жилвасида ёшлик ғурури, илхоми, завқи акс етган навқирон баҳор, буларнинг бари Абдулла Орипов таърифидаги кўкламнинг бетакрор сифатларидир. Англашиладики, ушбу шеърда баҳор ва ёшлик тушунчалари ўзаро параллел қўйилмоқда [4;214]. Шоир тасвиридаги баҳор

4-шуба

ёшликнинг тимсоли бўлиб келган. Абдулла Ориповнинг “Баҳор келаётир” номли шеъри ҳам юқоридаги мисраларга ҳамоҳанг жаранглайди:

Баҳор келаётир

Тоза, мусаффо.

Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.

Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,

Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол [2;113].

Кўклам тозалик, мусаффолик каби сифатлар билан зийнатланган ушбу мисраларда гавжум шаҳарнинг бўғиқ ҳавосидан толиққан, қалби мовий кенгликларни истаётган лирик қаҳрамонни учратамиз. Шеърда табиат манзараси ва лирик қаҳрамон кайфиятининг ўзаро контраст тасвирини кўриш мумкин. Кейинги мисраларда баҳор энг покиза шаббодага қиёсланади:

Қоялар кўксиди шодмон, беқайғу

Оний умр билан соланар чечак.

Баҳор – энг покиза шаббодадир бу,

Баҳор – энг тоза бир шамолдир демак.

Таъкидлаш жоизки, кўкламни энг покиза насимга ўхшатиш фақат Абдулла Ориповга хос такрорланмас ташбеҳдир. Бу шамол гўдак нафасидек ёқимли. У қалби баҳорга интиқ лирик қаҳрамон юзларини оҳиста силаб ўтади:

Кенгликлар бағрига ураман ўзни,

Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.

Гўдак нафасидек юпатар юзни,

Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.

Сўнгги мисраларда шоирнинг хулосалари ҳаёт ҳақиқатига уйғун ифодаланади. Зеро, умрнинг ҳар бир фасли ўткинчи, буни инкор қилиб бўлмайди, фақат у қандай ўтади? Кўкламнинг муаттар насимлари кабини ё аксинча?

Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,

Майли ўтажак у ва ўтар бўлсин.

Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,

Умринг шамоллари муаттар бўлсин [2;113].

Юқорида таҳлил этганимиз Абдулла Ориповнинг баҳор фаслига бағишланган шеърларида кўкламнинг бетакрор манзараси ташбеҳ ва сифатлашлар орқали ифодалаб берилган. Гарчи иккала шеър баҳор ҳақида бўлса ҳам, уларда муштарак ва фарқли жиҳатлар кўринади. Дастлабки “Баҳор” номли шеърда шоир маҳоратли мусаввир каби баҳорнинг гўзал ва жонли манзарасини чизади. Шеърда кўтаринки кайфият устувор бўлиб, баҳор ва ёшлик тушунчалари ўзаро ёнма-ён тасвирланган. Кейинги “Баҳор келаётир” номли шеърда эса фалсафий мазмун ва лирик қаҳрамоннинг бироз тушкун кайфияти ўз ифодасини топган. Шунингдек, таҳлилларимизда бу икки шеър образ ва бадиий топилмалар нуктаи назаридан ҳам фарқланишини кўриш мумкин. Шеърлардаги ўхшатиш ва сифатлашлар бир-бирини такрорламайди. Мухтасар айтганда, Абдулла Орипов ижодида баҳор образининг ўзига хос ўрни бўлиб, умр босқичлари, лирик қаҳрамон кайфиятининг рамзи сифатида

4-шуба

фалсафий хулосалар чиқаришда муҳим бадий восита ҳисобланади. Шоирнинг нафақат баҳор, умуман фасллар ҳақидаги шеърлари алоҳида ўрганишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1 жилд. Шеърлар ва дostonлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2000 (www.ziyonet.kutubxonasi).
2. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 2-жилд. Шеърлар ва дostonлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001 (www.ziyonet.kutubxonasi).
3. Ҳаққулов И. Такдир ва тафаккур. –Т.: Шарқ, 2007.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2010.

**SADRIDDIN SALIM BUXORIY SHE'RIYATIDA
BADIY SAN'ATNING O'RNI**

**Muhabbat Samadovna Azimova,
Buxoro davlat tibbiyot instituti akademik litseyi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi**

O'zbek adabiyotshunosligi uzoq tarixga ega. Forsiyalarda ilmi segona deyilgan fan turkiylarda ilmi bade', ilmi aruz, ilmi qofiya sifatida har tomonlama rivoj topar ekan, arab, fors-tojik adabiyotshunosligi yutuqlarini ham o'zida mujassam aylagan. Ahli shuaro adabiyotshunoslik fanining bu uch yo'nalishini har tomonlama o'rgangan va o'z ijodida mahorat bilan qo'llay olgan. Ayniqsa, badiiy san'atlarni qo'llashdagi mahorat har bir shoirda o'ziga xoslik kasb etib, ijodkorning uslubini yuzaga keltirishda xizmat qilgan. Ma'naviy va lafziy san'atlarni qo'llash mahorati shoir ijodining badiiy qimmatini belgilashda muhim omil bo'lib xizmat qilgan va bu holat hozirgacha davom etib keladi.

Buxoroda tavallud topib, umrini O'zbekistonning, jumladan, sharif shahar Buxoroning ma'naviy-ma'rifiy ravnaqiga bag'ishlagan shoir, olim, tarjimon Sadriddin Salim Buxoriy ham mumtoz adabiyotimiz namoyandalari singari o'z she'riyatida badiiy san'atlardan atroflicha foydalandi. Shoirning she'riyati ma'naviy hamda lafziy san'at asosida go'zallik kasb etib, she'rxonning ruhiyatiga, ayni damda, tafakkuriga ta'sir eta olgan.

*Raketalar uchun andoza
Olmishlar Minorayi Kalondan,
Osmon esa ochiq darvoza –
Minor parvoz istar azondan.*

*Minor bilmas ming yildan beri –
Uchmoqda vaqtlarga qasdma-qasd,*

4-шубба

Parvoz etar ona-Yer shari

Minoradan ajralmay bir nafas [5;48].

Yuqoridagi she'rdagi Minorayi Kalon jonlantirilgan va obraz darajasiga ko'tarilgan. Yer sayyorasining o'z o'qi atrofida aylanish hodisasi parvoz sifatida ifoda etilgan, Shu sababdan Yerning Minora bilan birga parvoz qilishi ham ishonarli chiqqan. She'rdagi Minorayi Kalon shaklidan raketa andozasi yuzaga kelganini ta'kidlash orqali shoir uchish bilan bog'liq fikrini dalillamoqda. She'rxon Minorayi Kalonning uchishga shay raketa singari yerga qadalib turgani manzarasini ko'z oldiga keltiradi. Shoirning boy tasavvuri sabab Minorayi Kalon surati she'rxon xotirasiga muhrlanadi. Bu o'z navbatida vatanparvarlik tuyg'usining rivojlanishi uchun yo'l ochadi. Ayni damda, shoir nazdida osmon – ochiq darvoza. Minorayi Kalon aynan ana shu darvozadan o'tib parvoz qiladi. Betakror manzara. She'rdagi tashxis bilan bir qatorda iyhom san'atidan ham mohirona fydalanilgan.

Atoullloh Husayniyning yozishicha, “Iyhom. Ani tavriya ham derlar. Rashid-i Vatvot ani taxyil ham derlar, deptur. Ul andin iboratturkim, kalomda bir lafz keltirurlarkim, andin ikki ma'no anglashilur, bir ma'nosining anglami yaqin, ikkinchisining anglami yiroq bo'lur va murod anglami uzoq ma'no bo'lub, aning yashirin ma'nodoshig'a, xoh o'shul kalomda bo'lsun, xoh andin tashqarida bo'lsun, tayanilur” [1;123]. She'rdagi bir bor qo'llangan “azon” so'zi bir necha ma'noda qo'llanib, iyhom san'atiga asos bo'lgan. “Azon” so'zi “O'zbek tilining izohli lug'ati”da keltirilishicha, arabcha so'z bo'lib, “namoz o'qishga chaqiriq”, ayni damda esa “tong yorishishi, g'ira-shira payti; erta tong” [6;50] ma'nolarini ifodalaydi. Yuqoridagi she'rdagi “azon” so'zi ko'magida shoir Minorayi Kalon erta tongdan parvoz qilishni istab turganini ifodalaydi. Ammo shoirning asosiy maqsadi yashirin. Sho'ro mafkurasi dinga yo'l bermay turgan nosoz zamonda namoz o'qishga chaqiriq ma'nosidagi azon so'zini ishlatishning iloji yo'q edi. Atoullloh Husayniyning ta'kididagi kabi Sadridin Salim Buxoriyning ham maqsadi “*ikkinchisining anglami yiroq bo'lgan va murod anglami uzoq ma'no*” edi. Shoir Minorayi Kalon namoz o'qishga chaqiriq bo'lgan azon sabab ko'kka parvoz qilguday holatda ekanini bizga uqtirishni istardi. Axir bu ulug' Minoraning asosiy vazifalaridan biri azon aytishga mo'ljallangan imorat ekanidadir, ya'ni asrlar davomida u shunday vazifani ado etib kelgan. Shoir iyhom san'ati orqali aytish zarur bo'lgan, ammo o'sha davrda aytish ta'qiqlangan hodisani she'rxoniga yetkaza olgan. Badiiy san'atdan nafaqat she'r badiiyatini oshirish, balki ma'lum g'oyani ifodalash uchun ham foydalanish, bir vaqtning o'zida ikki jihat uchun badiiy san'atni xizmat qildirish shoirning zakosidan, mahoratidan darakdir.

Bu yuk og'irligin bu yuk tushungay,

Oshiqqlarni qalbi kuyuk tushungay.

O'kinma tushunmas bizni bular, deb,

Buyuklarni faqat buyuk tushungay [4;177].

O'zbekiston xalq artisti O'lmas Rasulovga bag'ishlangan ushbu to'rtlikda tajnis san'atining murakkab tajnis turi qo'llangan. Tajnisi murakkabni Atoullloh Husayniy arab shoirlari ikki mutashokilning biri murakkab, biri mufrad, ya'ni yolg'iz; ajam shoirlari esa ikki shakldoshning biri yoki ikkisi ham murakkab

4-шубба

bo'ladi, deb hisoblashganini keltiradi [1;47]. Ilmi bade'dagi ta'rif-u talqinga tayanib, adabiyotshunos olim A.Hojjahmedov tajnisi murakkabni tajnisi tomm – to'liq tajnisning bir turi deb hisoblaydi va arab shoirlari fikriga asoslanib ta'rif beradi: “Bu xil tajnislarda shakldosh so'zlarning biri bir so'zdan, boshqasi ikki so'zdan iborat bo'lishi mumkin” [2;67]. To'rtlikda “bu yuk” so'z birikmasi va “buyuk” so'zlari tajnisi murakkabni yuzaga keltirgan. Ayni damda, tajnis qofiyaning to'q bo'lishiga ko'maklashgan. Shoir badiiy san'atlarni “san'at san'at uchun” degan bir iddao bilan emas, fikrning go'zal ifodasi uchun shunday mahorat bilan qo'llaganki, shakl va mazmun mutanosibliyi yuzaga kelgan.

Qaro yuzim bilan, yo Rab, o'tarman,
Kimi izlab, kima qarab ketarman?
Sening-la yuzma-yuz bo'lmoqqa yuz yo'q,
Men ay, yuzsiz, men ay yuzsiz netarman?! [3;40].

Shoir to'rtlikda metaforik epitet, ishtiqoq, takrir, tajnis san'atlarini qo'llagan. Birinchi satrda epitetni hosil qilgan “qaro” so'zi ko'chma ma'noni yuzaga keltirgan. Ikkinchi hamda to'rtinchi satrda tajohuli orifona qo'llangan. Tajohuli orifona javob talab qilinmaydigan ritorik so'roq gap asosida hosil qilinadi. Ritorik so'roq gapda javob shart emas, gapning mohiyatidan javob anglanishi lozim. She'rda lirik qahramon Allohga yukinib murojaat qilar ekan, javob topolmay noiloj qolayotgani ifoda etilgan. Natijada shoir qo'llagan badiiy san'at o'ziga xoslik kasb etgan.

To'rtlikdagi “yuzma-yuz”, “yuz”, “yuzsiz” o'zakdosh so'zlari ishtiqoqni yuzaga keltirgan bo'lsa, to'rtinchi misrada betakror so'z o'yini qo'llangan. “Yuzsiz” so'zi dastlab andishani bilmydigan, or-nomussiz, uyatsiz odam ma'nosida qo'llangan bo'lib, lirik qahramon malomatiya tariqatidagi kabi yo'l tutadi. O'zini ayblash orqali she'rxonga o'git beradi. Ikkinchi bor “yuzsiz” so'zi yordamida qaysi yuz bilan Allohga yuzma-yuz bo'laman degan andishani ifodalaydi. Natijada tajnis san'ati yuzaga keladi va so'z o'yini orqali inson holati zidlanadi. “Men ay” so'zi ketma-ket kelar ekan, takrir san'ati lirik qahramon holatini bo'rttirib, she'rxonga ta'sir darajasini oshira olgan.

Sadriddin Salim Buxoriy qizlar sepkilni o'zlari uchun nuqson deb bilishlarini anglagan holda inson tasavvurini nekbinklik bilan yaxshi tomonga buradi. Sepkilni yulduzga, oltinga o'xshatadi. O'xshatish – betakror:

*Bir qarasam, sepkiling
Yulduzga o'xshar.
Bir qarasam, oltinga
O'xshaydi, dilbar.*

*Oltin bo'lsa, Zarafshon
Suvidanmikin?!
Yulduz bo'lsa, kunduzi –
Uni ko'rmish kim?! [5;48].*

Sepkilning yulduzga o'xshatilishi va qaytadan oltinga qiyoslanishi ruju' san'atiga misoldir. Ikkinchi bandeda esa tajohuli orifona qo'llangan. Qiz yuzidagi nim sariq sepkil oltin bo'lsa, bunga oltin bilan bog'lab tilga olinadigan Zarafshon suvi

4-шубба

sabab qilinmoqda. Xalqimizda non pishirish jarayonida tandirga yopilgan nonga sepilayotgan suvdan ichilsa, sepkil paydo bo'ladi, degan motiv bor. Shu voqelik ta'sirida shoir sepkilni suv ichishdan yuzaga kelgan deb beradi va milliylikni paydo qiladi. Natijada etnografizm yuzaga kelgan. Tajohuli orifonaning ort ma'nosida go'zal qadriyatimiz yashirinligi shoirning o'tkirligi, tafakkuri beqiyosligi, mohirligidandir. Yulduzning kunduzi ko'rinmasligi fizik hodisaki, shoir sepkiling ko'rinmaydi, deb dilbarni xotirjam qilmoqda. Aslida dilbarlarning har kimga ham ko'rinish beravermasligi lozimligi aytilmoqda.

Xulosa shuki, Sadridin Salim Buxoriy – juda mahoratli shoir. Uning har bir she'rida shakl va mazmun uyg'unligini ko'rish mumkin. Shoir she'riyati badiiyati yuksakligi, g'oyasi umuminsoniylik kasb etishi, ayni damda, ifodasida milliylik betakror tarzda berilgani, bunda badiiy san'atlarning o'rni beqiyosligini ta'kidlash lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Atoullloh Husayniy. Badoyi' u-s-sanoyi' (Aruz vazni va badiiy vositalar haqida). – T.: Adabiyot va san'at, 1981.
2. Hojiahmedov A. She'riy san'atlar va mumtoz qofiya. –T.: Sharq NMK, 1998.
3. Sadridin Salim Buxoriy. Durdonalar. – Buxoro: Buxoro, 2005.
4. Sadridin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. Saylanma. –T.: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2011.
5. Salimov S. Ro'molcha. She'rlar. –T.: Adabiyot va san'at, 1988.
6. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 jildlikning 1-jildi. –T.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.

МУТАСАВВУФЛАР НИГОҲИДА ДИНИЙ МОТИВЛАР ТАЛҚИНИ

Сапура Мустафакуловна Нейматова,
Жиззах вилояти Бахмал тумани 25-сонли мактаб
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Қадим тарихга эга заминимиз не-не алломалар дунё тамаддуни ривожига, Ислom дини софлигини сақлаш ва тарғиб этишга улкан ҳисса қўшганлар қаторида улуғ аждодимиз Баҳоуддин Нақшбандий алоҳида эътироф этилади.

Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фақирлик ётади. Хўжа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хўжа Баҳоуддин Нақшбандий сингари мутасаввуф донишмандларнинг поклик, тўғрилик, меҳр-шафқат, адлу инсоф, иймон, меҳнатсеварлик, Ватанпарварлик каби илғор умумбашарий қарашлари давримизга ҳамоханг бўлиб, келажак учун хизмат қилади. Нақшбанд таълимотини тарғиб этувчилар савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали

4-шубба

хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунунг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг ва адабиётнинг йирик номоёндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хушхолхон Хатак, Аҳмад Шох Дурроний, Махтумқули Фироғий сингари юзлаб ўлкан тараққийпарвар шоир ва мутаффақирлар Нақшбандия йўлини танлаганлар.

Ижтимоий ҳаётда диннинг салмоғи ортиб боргани сари бадиий адабиётнинг олдида ҳам янги вазифалар кўндаланг бўла бошлади. Тарихий кадриятларни тиклаш, тарихимизнинг ўқилмаган ёки унутилган саҳифаларини тиклаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бадиий асарларда ўтмишдаги буюк ота-боболаримизнинг образларини яратишни такозо қилди. Масалан, Исмоил ал Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадислари чоп этилди. Қисқа муддатда минглаб масжидлар очилди. Тарихимизда биринчи марта Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилинди. Баҳоуддин Нақшбандийга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, Халқаро илмий конференциялар бўлиб ўтди. Баҳоуддин Нақшбандий номи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар қайтадан тикланди. Дин ва виждон эркинлигини таъминлаш нуктаи назаридан конунлар қабул қилинди.

Жаҳон адабиёти, айниқса, шарқ адабиёти кўп асрлик тарихи мобайнида дин билан ҳамқадам ва ҳамнафасдир. Ўзининг шоҳ асарларида диннинг асосий фалсафий ва ахлоқий қарашларини бадиий акс эттирилган ҳамда зўр санъаткорлик билан тарғиб қилинган. Агар ўзбек адабиётини оладиган бўлсак, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Носириддин Рабғузий, Сўфи Оллоёр, Хувайдо, Паҳловон Маҳмуд каби ижодкорлар яратган асарлари халқ ўртасида кенг тарқалган. Бинобарин, Баҳоуддин Нақшбандий ҳамда бошқа кўпдан-кўп тасаввуфшунос олимлар меросидан баҳраманд бўлганда инсон ғубори тарқалиб, кўзлари ёришгандай бўлади. Шу ўринда Иброхим Хаққуловнинг мумтоз адабиётга доир аксар ишлари, мақолалари туб моҳиятига кўра фалсафий ва руҳоний ҳислатларни ўзига жо этганини кўраимиз.

Академик Бахтиёр Назаров мақоласида Иброхим Хаққулов тўғрисида шундай ёзган: *“Иброхим Хаққулов қарашларини бирлаштириб турувчи хусусият-фазилат нимадан иборат деб сўралса, мен : моҳиятга муҳаббат деб жавоб берган бўлар эдим”*[1].

Кўп йиллар мумтоз адабиётимизнинг қудратини, буюклигини ўзида намоён этувчи хусусиятни кўрсатиш, очиш имконияти бўлмади. Бу масала нуктаи назаридан Навоий танқид қилинди. Тасаввуф унинг ижодидаги катта камчилик сифатида баҳоланди. Ёҳуд, Навоий ижодига исломнинг салбий таъсири сифатида қаралди. Нафақат Навоий, унга қадар ва ундан кейин яшаган барча буюк бобокалонларимизнинг нодир асарларини тан олишмади. Узоқ йиллар диннинг афюнлиги уқтирилиб келишига қарамай маориф соҳасида, ишлаган А.В.Луначарский *“Дин инсониятнинг энг доҳиёна кашфиётидир”* [2;179] - деган ҳикматни айтган. Мана неча асрлардирки, бу кашфиёт курраи заминнинг олти қисмида инсониятнинг энг самарали руҳий мададкори бўлиб келмоқда.

4-шубба

1770-1831 йилларда яшаб ўтган немис файласуфи Георг Вилгельм Фридрих Гегель эса “*Дин умуман инсон онгининг энг юксак ва сўнгги соҳасидир. У шундай соҳаки, инсон унга мутлақ ҳақиқат оламига кирган каби қадам қўяди*” [3;373] деган мулоҳазага қўшилмасликни иложи йўқ. Ер шарининг қайси қитъасида ёки қайси даврда яшаганига қарамай ўша ернинг, ўша замоннинг энг илғор инсонлари етук олимлар, файласуфлар, мумтоз адабиёт намоёндаларининг қаламига мансуб буюк ўғитлари, ажойиб ва кенг дунёкарашларига гувоҳ бўламиз. Ҳолбуки, бу таълимот нафақат адабиётни, балки инсонни ҳам тушунишга йўл очадиган мўъжизакор калитдир.

Милоддан аввалги 625-547 йилларда яшаб ўтган Милетлик Фалес шундай деган: “*Худонинг на ибтидоси, на интиҳоси бор. У – Коинотнинг тафаккури. Коинот жонли ва айнаи дамда илоҳиётга тўлиқдир*” [3;9]. Фалесдан бошқа жой ва даврда, яъни миллоддан аввалги 346-264 йилларда яшаган, Кипрнинг Китий шаҳрида туғилиб ўсган, Зенон шундай дейди: “*Худо мангудир. У оламдаги ҳар бир нарсани жамики моддият воситасида яратган*” [3;128]. Абу Ҳамид Муҳаммад ал - Ғаззолий жуда кўпни кўрган, ўқиган ва билган зот бўлишига қарамай, уни фақат араб шоири Лабиднинг мана бу мисраси завқлантирган: “*Аллоҳдан ўзга ҳаммаси ёлгон эмасми?*” [3;202].

Қомусий олим Умар Ҳайёмнинг шундай мисраларини ўқир эканмиз, бу дунё сирини асрорга тўла эканлигига, бандаси эса ундан бирини ҳам билмаслигига амин бўламиз:

*Асрори азални сану ман билмасмиз,
Бу ҳарфи чигални сану ман билмасмиз,
Ҳар нечаки сўзладик, дедик парда оша,
Чу пардаки тушди, сану ман билмасмиз ...* [3;201].

Хўжа Аҳмад Яссавий ижодидан баҳраманд бўлар эканмиз, у ўз фикр ва ғояларини оддий халққа жуда яқин ва содда услубда баён этган:

*Бешак билгил бу дунё, барча халқдин ўтаро,
Инонмагин молинга, бир кун қўлдин кетаро.
Ота – она қариндош қаён кетти, фикр қил.
Тўрт оёғлиг чўбин от, бир кун санга етаро.
Дунё учун гам ема, ҳақдин ўзгани дема,
Киши молени ема сирот узра тутаро* [3;207].

Италиялик файласуф ва илоҳиётчи олим Фома Аквинонинг (1225 – 1274) фикрича “*Тафаккур ёрдамида англаш мумкин бўлган Аллоҳ ҳақидаги ҳақиқатларни билиш учун аввалданоқ кўплаб илм сирларидан хабардор бўлиш жуда муҳимдир. Зеро, фалсафа илмига доир барча изланишлар ўз олдига Аллоҳни англашни мақсад қилиб қўйган. Илоҳий ҳақиқат бошқа ҳар қандай ҳақиқатнинг мезонидир. Ҳар қандай асосли ҳақиқат Тангри ҳақиқати билан ўлчанмоғи зарур*” [3;219].

1281 – 1349 йилларда яшаб ўтган Лондонлик инглиз файласуфи Уилям Оккам: “*Худонинг ҳар нарсага қодирлигини мукамал исботлаш*

4-шуба

мумкин эмас. Бунга фақат эътиқод ёрдамида эришиши мумкин” [3;223] деб эътироф этади. Шу ўринда бобоколониимиз Баҳоуддин Нақшбандийнинг: “Агар сен Аллоҳни севсанг, шуни англагинки, қалбинг Унинг жамолини акс эттирувчи кузгудир. Сенинг Аллоҳнинг жисминг салтанатида зоҳирдир ва сен агар ўз қалбинг заррасида Аллоҳнинг аришини кўрсанг, бундан асло ҳайратланма” [3;231] деган фикри орқали инсонни ўзини англаши ила буюк Аллоҳни таниши мумкинлигини айтади. “Сабъаи сайёр” достонида келтирилган қуйидаги байт эса Навоий таъбири билан айтганда инсонни ҳайвондан тафаккури билан мумтоз айлаганлиги юқоридаги мисраларига ҳамоханг:

*Хаққи инсонни қилди маҳрами роз,
Ҳайвондин ул айлади мумтоз [3;243].*

Нажмиддин Кубро “Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Аллоҳ таолога итоат қилишида кўрдим” [3;270] деб ёзар экан, инсон ўзини манбасини унутмаслиги, доимо Аллоҳга итоаткорлик ва шукроналикда бўлиши, унинг умри ва ризқини Яратувчи манба томонидан бисёр этилишига ишора қилган.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ҳам ўзининг “Аллоҳ даргоҳи” шеърисида қуйидагича фикр билдирган:

*Неча минг мусулмон туну кун уйғоқ,
Каъба атрофини тинмай айланар,
Муроди табаррук масканни ўпмоқ
Саждага ҳар бири ҳар зум шайланар.
Олам уммон бўлса, гирдоби шу жой,
Олам осмон бўлса, мехвари бунда,
Миллиард мартабали жаҳон хойнахой,
Кемадек қалқади битта тўлқинда,
Ер бўйлаб тариқдай сочилган инсон,
Бир қушининг олдига келиб тизилмиш.
Абасдир бу жойда миллат, ирқ, лисон
Замин йўриқлари бунда бузилмиш .
Бу жойнинг бор эрур на Қорабоғи,
На Ўзган на Ошу Фарғонаси бор,
Аллоҳнинг ўзидир ёлғиз чароғи,
Чароғнинг ҳисобсиз парвонаси бор,
Хатто нафрат мушти бунда тўзилгай,
Ахир ягонадир бу ерда мақсад.
Сигинсанг гуноҳинг дув-дув тўқилгай,
Иймонсиз бандага йўқ лекин шафқат.
Шунчалик мукаммал Аллоҳ даргоҳи,
Мағфират қил дея дилни тигладим.
Ҳар ёнда таралар мўминлар оҳи,
То тонгга қадарли йум-йум йиғладим [4;4].*

4-шуба

Шоирнинг Ҳаж дафтари “Ҳикмат садолари” китобидан олинган. Улуғ Макка-ю Мадинада тили, суврати, сийрати, элати, қўйинги, дунёнинг тўрт бурчагидан турфа умматларнинг бари ҳам, Аллоҳдан кушойиш сўрайди, гуноҳларини Аллоҳ мағфират этишдан умидвор, ниятлари муштарак. Қанчадан қанча мусулмонлар у жойга бориш орзусида.

Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов “Ғалаён” шеърисида динлар ҳар хил бўлиши мумкин, аммо Аллоҳ бир ягоналигини инсониятга таъкидлаган:

Ал омон!

Қотилликни тўхтат, ҳинду,

Ғазотни қўй, мусулмон!

Ҳинд, мусулмон - Биродармиз,

Фарзанд Одам Атога!

Ҳақ олдида баробармиз,

Айтинг,

Не бор низога!

Хунрезлик қил демаган-ку,

На веда-ю

На Қуръон!

Тиз уради нега ҳинду,

Бош кесади мусулмон?

Фарқ ким меҳроб, кимса бутга

Сигиниб бош қўядир [5;126].

Дунё тан олган бундай улуғ файласуфлар, олимлар, ёзувчилар, шоирлар дунёқарашлари билан танишдик. Бу инсонлар турли даврда, турли мамлакатларда яшаган. Бироқ, мутасаввуфлар нигоҳларида инсон, авваломбор, ўзини англаши, келиб чиқиш манбасини унутмаслиги, гўзал фазилатларни ўзида жо этиши, Нақшбанд таълимоти асосида ётган “Дил ба ёр-у даст ба кор” шиорига асосан, кўнгил ҳар вақт Худода бўлиши-ю, қўл эса эзгу иш билан банд бўлмоғи даркорлиги уқдирилган. Чунки ҳақиқий инсонийлик илм ва меҳнатсиз руёбга чиқиши қийин. Зеро, илм ва меҳнат инсон ақлини мукаммаллаштиради ва онгли ҳаракатга йўлланма беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Назаров Б. Моҳиятга муҳаббат. – Т.: 2019. 3 март. ZIM.Az
2. Шарафиддинов О. Адабиётда диний оҳанглар. – Т.: www.e-adabiyot.uz>
adabiy-suhbatlar
3. Жураева С. 100 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.
4. Орипов А. Ҳаж дафтари. Ҳикмат садолари (эллиқ ҳадис). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1992.
5. Воҳидов Э. Сайланма: Садоқатнома. II жилдлик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986.

4-шуба

**ФУРҚАТ “ҲАЖНОМА”СИ ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ “ҲАЖ ДАФТАРИ”
ТУРКУМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Дилфуза Равшановна Авазова,
ТДЎТАУ 2-босқич магистранти**

**Имй rahbar: Нурбой Абдулҳакимович Жабборов,
ТДЎТАУ профессори,
филология фанлари доктори,**

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг “Ҳажнома” асари ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. Тўғри, Алишер Навоий ва бошқа шоирлар ижодида ҳаж ибодати, каъба зиёрати мавзулари ёритилган. Лекин Фурқатгача алоҳида “Ҳажнома” яратилган эмас. Замонавий шеърятимизда фақат Абдулла Орипов томонидан “Ҳаж дафтари” туркуми ижод қилинди. Ўзаро муштарак мавзудаги ушбу икки асарни қиёсий ўрганиш, уларнинг уйғун ва фарқли жиҳатларини аниқлаш адабиётшуносликнинг муҳим илмий муаммоларидандир.

Икки асарни жанр, мавзу, образ ва ҳаж манзиллари(жойлар)нинг тасвирлари кесимида қиёслашга ҳаракат қиламиз. Биринчидан, ҳар иккала асар ҳам адабий жанрнинг лирик тури (шеърий усул)га мансуб. Хусусан, “Ҳажнома” асари мумтоз адабиётнинг таржиъбанд жанрида ёзилган бўлиб, 12 таржиъ яъни 216 мисрадан иборат. “Ҳаж дафтари” туркуми ҳам шеърий усулда ёзилган бўлиб, “Ҳикмат садолари” 53 та ва “Ҳаж дафтари” 15 та шеърдан таркиб топган.

Номланишидан ҳам маълумки, ҳар икки асар мавзу жиҳатдан муқаддас ҳаж ибодати билан боғлиқ. Хусусан, “Ҳажнома” асарида биринчи таржиъ пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак равзаларини зиёрат этишга мушарраф этгани учун Аллоҳга ҳамд ва унинг расулига саловат айтиш билан бошланади. “Ҳаж дафтари” эса “Каъбатуллоҳ” шеъри билан бошланади ва ушбу шеърда “Ҳануз бири икки бўлмаган элдан, Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ”, “Дуч келган санамга сизиндик гоҳи, Бизга кенг очилди Шайтон даргоҳи”, “Ҳаргиз айнимасин томирдаги қон, Мудом таъзим қилгай асли қул Инсон”, “Қошингда тиз чўкиб турибман шу дам, Дилимда илтижо, қўлимда қалам”, “Шукрона айтурман ўзинга, ё Раб, Юз бурдик ҳидоят йўлига қараб” каби сатрлари шоирнинг Яратганга ўзига хос муножотидир.

“Ҳажнома”да тўртинчи таржиъда Меърож кечаси ҳақида сўз юритилади:

*Ҳилол эрди Буроқи сумига наъл,
Ўшал оқшомки қилди сайри афлок.*

“Қуръони Карим”нинг “Исро” сураси 1-оятда, “Саҳиҳ ул-Бухорий” ва “Саҳиҳ ул-Муслим” китобида келтирилган бу муқаддас кеча ҳақида “Ҳикмат садолар”ида “Меърож” шеъри:

*Кўкнинг сулуви оти – нурқанот Буроқ,
Элти Муҳаммадни олий даргоҳга.
Тасвири жоизмас бу ҳолнинг бироқ,*

4-шуба

Висол насиб этди Расулуллоҳга

-тарзида бошланади. Шунингдек, ҳар иккала асарда ҳам набий алайҳиссаломнинг аҳли оилалари ҳақида сўз боради. “Ҳажнома”да биринчи таржиъда:

*Нисори молу жон ўлсун фидоси
Ҳам ул бинт ун-набий хайр ун-нисони.
Юзимга сургали, алҳамдулиллаҳ,
Насиб ўлди Ҳарамни остони.*

Фурқат пайғамбаримизнинг қизлари Фотима онамизни муслималар ичида энг хайрлиси, деб таърифлайди. Абдулла Ориповнинг “Ойиша” шеъри эса пайғамбаримизнинг завжалари ҳақидадир. “Ҳажнома” асаридаги бешинчи таржиъда “Одам авлодининг афзали ва олам яралишининг боиси” Муҳаммад (с.а.в)нинг таърифи келтирилган бўлса, “Ҳаж дафтари” туркумида 14 мисралик “Пайғамбар” шеърининг ҳар бир банди “*Ассалому алайка, ё, Муҳаммад. Ассалому алайка ё, Аҳмад*” нақоратига эга бўлиб, Расулуллоҳга саловат тарзида ёзилган.

“Ҳажнома”нинг еттинчи таржиъсида Уҳуд жанги, бу жангда шаҳид бўлган Ҳамза розияллоҳу анҳу ва етмиш икки саҳоба ҳақида сўз боради. “Ҳаж дафтари”да Уҳуд ғазоти ҳақида айнан келтирилган шеър мавжуд эмас. Аммо мазкур туркумдаги “Ҳайит” шеърида “*Ҳайит кунларида жанглар ҳам тўхтаб, Қиличлар қинига қайтиб киргувси*” -дея исломда жанг хунрезлик, ваҳшийлик билан ғалаба қилиш учун эмас, адолат учун эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, “Ҳаж дафтари”да саҳобалардан фақат Билол розияллоҳу анҳу ҳақида “Билол ҳабаш” шеъри мавжуд.

Ҳар икки асардаги образлар киёси ҳам муҳим хулосаларга олиб келади. “Ҳажнома”да Расулуллоҳ образи мумтоз шарқ анъаналарига кўра яратилган. Фурқат Меърож кечаси воқеасини ёритар экан, Расулуллоҳни “*Рисолат тождори шоҳи “Лав лок”*” деб атайди. Яъни, Аллоҳ аввал пайғамбаримизнинг нурларини яратгани ва унинг туғилиши учун бутун оламни яратганини мадҳ этади. Тўртинчи таржиъ Меърож кечаси ҳақида бўлиши билан бирга Меърожда Ҳақ таоло ва Расулуллоҳ ўртасидаги суҳбат диалог тарзида берилади:

*“Деди Тангри: “Ҳабибим, ё Муҳаммад,
Тила мандин бу дам: “Инна аътойнок”.
Дедиким: “Умматимни мағфират қил,
Эрурлар осию саффоку бебок”.*

Фурқат бу мулоқотда Аллоҳ таоло ўз ҳабибини бутун оламларга раҳмат этиб юборганини айтиб эъзозлаганига урғу беради. Бу мумтоз адабиётга хос наътнинг асарда шаклланишига кўра, бошқа мундарижа ва тузилишга эга эканини кўрсатади. Ўн иккинчи таржиъда эса муборак ҳажга чақирган Аллоҳдан энди вужудини шу ерда пайғамбар қабрига якин жойда олиб қолишини, руҳини эса Аллоҳнинг ҳабиби ишқида девона этиб қўйишини сўраб ёлворади. “Ҳажнома”да Расулуллоҳ образи таъриф этилишига кўра мумтоз адабиётдаги наътга хос ифода этилган. Расулуллоҳ образи ва уни васф этиш

4-шубба

асарнинг муқаддимасидагина эмас, асарнинг турли ўринларида келишига кўра бошқа мумтоз адабиёт асарларидан фарқланади. Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумида Расулulloҳ образи энг кўп мурожаат ва талқин этилган образдир. “Ҳикмат садолари” айнан ҳадисларнинг шарҳи бўлгани учун ҳам Расулulloҳ образи ҳар бир шеърда асосий ўринда ифода топган. Абдулла Орипов “Ҳикмат садолари”нинг муқаддимасида “Инсоф ва диёнат излаб” мақоласида *“Ислом тарихи, айниқса, Қуръон ва Ҳадисларни бир мунча ўрганиб, шундай хулосага келдимки, ҳар қандай олийжаноб ва эзгу туйғулар Исломга ҳам хосдир, айни вақтда Ислом ҳар қандай олийжаноб ва эзгу туйғуларга мос келади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўнги ҳамда энг комил пайғамбар деб ҳисобланишининг туб сабаби шунда эмасмикан!”* деб ёзади. Мана шу сўзбошида ҳам шоирнинг Расулulloҳ образига муносабати чексиз эҳтиромга эга эканлигини кўриш мумкин. Туркумдаги “Пайғамбар” шеърида эса бу эҳтиромнинг бадиий ифодасини кўриш мумкин. Абдулла Орипов талқинидаги Расулulloҳ образида васф этишдан кўра Расулulloҳнинг инсоний фазилатлари, кечинмалари кўрсатилган. Шоир:

Сизнинг муродингиз ҳидоят эрур,

Шўрлик бандаларга иноят эрур

- дея у зотнинг улуғ ва муқаррамлигини эътироф этади. *“Ассалому алайка, ё Муҳаммад, Ассалому алайка, ё Аҳмад”* деб барча мўминларга хос саловат айтади.

“Ваҳий” шеърида набий алайҳиссаломнинг манман кимсалардан ранжиган кайфиятини, “Ибрат” шеърида у кишининг камтарликларини, “Мерож” шеърида Аллоҳдан ҳаё этиши ва умматига муҳаббатини, “Ҳордиқ” шеърида Расулulloҳнинг фалсафий тафаккурини, “Рўза” шеърида Расулнинг қаноат ва даъватини, “Ота” шеърида набий алайҳиссаломнинг фарзандларга насиҳатини, “Она” шеърида ул зотнинг суннатларда адолатни унутмаслиги, “Дўзахийлар” шеърида иттифоқ этмоққа чорлаши ва дўзахийликдан қайтариши, “Дуо” шеърида инсонларнинг энг дуоғўйи Расулulloҳ экани, “Шафқат” шеърида Расулulloҳнинг қабр азоби ва Аллоҳ қаҳридан қўрқуви ифода этилган. Расулulloҳнинг бу сифатлари шунчаки баён этилган эмас, Абдулла Орипов юксак бадиёт ва теран тафаккур билан бу улуғ зот сиймосидаги набийлик ва инсонийлик жиҳатларини кўрсатиб берган.

Ҳар икки асрда ҳам ҳаж ибодати билан боғлиқ жой номлари ва уларнинг тасвирлари келган. “Ҳажнома”нинг биринчи таржиҳида *“Етурди жаннатосо равзасига”* деб Расулulloҳ дафн этилган қабр ва ул зот ваъз этган минбар ва меҳроб орасидаги масофа назарда тутилади. Биринчи таржиҳда яна Ҳарам яъни ислом оламидаги икки Ҳарамдан бири Мадинаи мунавварадаги масжид ун-набавий, тўртинчи таржиҳда Меърож яъни етти қават осмоннинг тепаси Арши аъло, Еттинчи таржиҳда Уҳуд тоғи, тўққизинчи таржиҳда Қиблатайн масжиди, ўн биринчи таржиҳда Мадинаи мунаввара ва ўн иккинчи таржиҳда пайғамбаримиз қабрлари жойлашган Бақиъ ва шоир туғилган манзил Хўқанд ҳақида сўз боради ва бу манзилларнинг тасвири келтирилади. “Ҳаж дафтари”да ҳам ҳаж ибодати ва пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ жой номлари

4-шуба

ва уларнинг тасвири мавжуд. “Ҳаж дафтари”да Каъбатуллоҳ тасвири энг кўп учрайди. Мазкур туркум шеърларидаги воқеликлар Маҳшар майдони, Меърож, яъни етти қават осмон тепаси –Арш, Араб саҳроси, Мадина шаҳри, намозгоҳ, Зам-зам булоғи, Арофат тоғи, Макка шаҳри, Мино тоғи, Расулуллоҳ кулбаси, ўзга қабрлар, жаннат ва жаҳаннам маконларида кечади.

Фурқат “Ҳажнома”си ва Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари” туркум асарларининг жанр, мавзу, образ ва маконлар тасвири бўйича умумий жиҳатларини баҳоли қудрат кўриб чиқдик. Айни пайтда мазкур асарларнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Юқоридаги тартибда фарқланишларини таҳлил этамиз.

Ушбу икки асар жанр жиҳатидан лирик турга мансублиги билан умумийликка эга, лекин каби вазнга кўра фарқ қилади. Фурқат “Ҳажнома”си ҳажаз мусаддаси маҳзуф (мафойилун-мафойилун-фаилун) вазнида ёзилган, ўн икки таржиъдан иборат яхлит мазмун ва композиция эга асар бўлса, “Ҳаж дафтари” бармоқ вазнида ёзилган ва ҳар бири алоҳида сюжет ва мазмунга эга бўлган кичик шеърлардан таркиб топган. Шунингдек, “Ҳажнома” асари алоҳида муқаддимага эга эмас. Асар мумтоз адабиётга хос Аллоҳга ҳамд ва шукрона келтириш билан бошланган. “Ҳикмат садолари” туркуми эса “Инсоф ва диёнат излаб” номли мақола билан “Ҳаж дафтари” эса шоирнинг ҳаж ибодатидаги илҳом ҳолатларининг таассуроти сўзбошиси билан бошланган. “Ҳажнома” Фурқатнинг бошқа бирон асарининг мантиқий давоми бўлмаган яхлит асар. “Ҳаж дафтари” туркуми эса Абдулла Ориповнинг 1991 йилда ёзилган ва матбуотда эълон қилинган, китоб ҳолида бироз кечикиб 1993 йилда чоп этилган қирқ ҳадиснинг (кейинчалик шу туркум номи билан яна ўн учта шеър эълон қилинган) шеърӣ тафсири бўлган “Ҳикмат садолари” асарининг мантиқий давоми ҳисобланади. Айни пайтгача, бу иккала туркум шеърларини алоҳида ажратиб, аниқлаштирилган бирон илмий изланиш олиб борилган эмас.

Яна бир фарқли томони, Фурқат “Ҳажномаси” ҳеч кимнинг тавсия ё илтимоси асосида ёзилмаган. Шоир араб мамлакатларига қилган сафари чоғида ҳаж ибодатини амалга оширади ва шу аснода мазкур “Ҳажнома” асарини яратади. Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” асарига “хамиртуриш” вазифасини ўтаган “Ҳикмат садолари” туркуми шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг шоирга тавсиялари билан ёзилган.

Мавзу жиҳатдан ҳам икки асарда муайян тафовутлар бор. “Ҳаж дафтари”да она образи икки жойда келади. Бирида умуман оналар ҳақида сўз борса, иккинчи ҳолда Ҳожар онамиз яъни Иброҳим алайҳиссаломнинг завжалари ҳақида ва ҳаж зиёратига келган мусулмон аёллари ҳақида сўз боради. “Ҳажнома”да Фотима онамизнинг зиёратларидан бошқа ҳолда аёл ва она образи мавжуд эмас. Шунингдек, “Ҳажнома”да саҳобалардан Ҳамза розияллоҳу анҳу ва у кишининг Уҳуд жангидаги шаҳидлиги айтилган бўлса, “Ҳаж дафтари” туркумида саҳобалардан фақат Билол розияллоҳу анҳу ҳақида “Билол ҳабаш” шеъри мавжуд. “Ҳажнома”да Ҳамза розияллоҳу анҳу Уҳуд жангида шаҳид бўлгани умумий эслаб ўтилса, “Ҳаж дафтари”да “Пайгамбар уммати – қора тан Билол”, “Билол айтар эди азонни яккаш”, “Жаннат

4-шубба

хурларига қора хол қилиб, Бўлиб берилгандир Билолнинг ранги” каби сатрларда юксак бадиият билан ушбу саҳобанинг миллати, қиёфаси ва унинг дин йўлидаги мақоми, аъмоли талқин этилган.

“Ҳаж дафтари” туркумида яна бир қанча мавзулар борки, бу мавзулар “Ҳажнома”да учрамайди. Хусусан, “Ҳасрат” шеърида инсоннинг фоний дунё билан боғлиқ ҳасратлари уни Аллоҳга боғлаши ҳақида, “Она” шеърида аёл зоти меҳри ва ҳаётбахш этиш хислатлари сабаб муборак экани, Ҳожар онанинг нидоси билан Каъбада муқаддас булоқнинг кўз очгани, эркак зоти қаҳри сабаб чекига тобут ясашдек иш тушгани, “Арофат” шеърида ёшу қарининг бир хил либос – эҳромда денгиз томчисидек қайнаб ибодат этаётган ҳолати гўё Қиёматда маҳшар майдонини эслатиши, “Ҳаёт ҳақиқати” шеърида инсонларнинг бир-бирига ёвлиги, яхши инсон марҳум бўлса ҳам ўз ёди билан инсон қалбини ҳаётга илтиб туриши каби турфа мавзуларда фалсафий фикрлар юритади.

Ҳаж ибодати билан боғлиқ жойлар тасвирида ҳар икки асардаги тафовут шундаки, “Ҳажнома”да муқаддас жойлар мумтоз адабиёт анъаналарига муболағали тимсоллар орқали тасвирланади. “Кўланд ўлмоқни таманно этди хуришд Ва лекин этмади Тангри муяссар”, яъни қуёш масжид ун-набий учун лой қорилаётган маҳалда лой қориётган кетмон бўлишни орзу этгани ташбеҳ этилади. “Ҳаж дафтари”да эса жой номлари инсон вужуди ва ёки қалбини поклаш ёхуд жазолаш манзиллари сифатида тасвирланади. “Шафқат” шеърида осий банда учун қабрнинг жазо манзили экани, “Ғийбатчилар” шеърида тилини ғийбатдан тиймаганларнинг охирги манзили жаҳаннам экани айтилади. “Меърож” шеърида Аршнинг васф этилиши ҳам жоиз бўлмаган муқаддас даргоҳ экани айтилади. “Шайтон” шеърида Минода тошбўрон этилган шайтоннинг ибодатдан қайтишда ҳожиларни аэропортдаёқ кутиб олгани, инсон қўли билан эмас, қалби билан тош отмас экан шайтон уни қиёматга қадар таъқиб этиши каби фалсафий хулосалар айтилади.

Фурқат “Ҳажнома”си ва Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари” асарларида муаллиф кайфиятининг муштарак ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Ҳар иккала асарда муаллиф руҳияти ҳис этиб турилади. Фурқат “Ҳажнома”сида ҳар бир мавзу ва образлар диний-маърифий характер касб этса, Абдулла Орипов ҳадис ва оятлар шарҳини ўз замонаси одамларининг ҳаёт тарзи ва ўй-кечинмалари билан боғлаб, ижтимоий-маърифий, фалсафий-ижтимоий хулоса билан якун ясайди. Аммо бу бугунги куннинг маиший турмушига боғланмаган юксак ижтимоийлик, инсонийлик масалаларининг лирик ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жабборов Н. Фурқат шеъриятида ислом маърифати ва тасаввуф ахлоқининг бадиий ифодаси. /Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари (Профессор Нажмиддин Комилов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий анжумани материаллари). –Т.: Muharrir, 2018, 75-86-бетлар.

4-шубба

2. Жабборов Н. Зокиржон Фурқатнинг ҳаж сафарига оид манбалар. /Манбашунослик: Матн ва унинг талқини (Илмий мақолалар тўплами). –Т.: Қўлёзмалар институти, 1997, 26-36-бетлар.
3. Жабборов Н. Ҳаж ва унинг маърифати. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2019 йил 26 июль.
4. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. I - IV жилдлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.
5. Фурқат. Ҳажнома (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Нурбой Жабборов) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2019 йил 26 июль.

**MARGARET MITCHELLNING “SHAMOLLARDA QOLGAN HISLARIM”
ASARI G‘OYAVIY BADIY TAHLILIGA DOIR**

**Mohinur Rahmiddinovna Sayliyeva,
Buxoro DU Xorijiy tillar fakulteti 2-bosqich magistranti
Ilmiy rahbar: Nafisa Farhodovna Qosimova,
Buxoro DU dotsenti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)**

Chet tillarini o‘rganishda so‘zlarning tarjimasini bila turib, lekin uning ma’no mazmunini tushinmay qolish holatlari ko‘p uchrab turadi. Chunki gap tarkibida so‘z birikmalari, frazalar, idiomalar borki, ular gap mazmunini tushinishga xalaqit beradi. Agar ular bir-biridan ayri holda tarjima qilinsa, gap mazmuni tubdan o‘zgaradi. Masalan, quydagi gaplarni misol sifatida ko‘rib chiqsak: There is no such thing as free lunch (Mazmuni: hech narsa mutlaqo bepul emas) You can not judge a book by its cover (Bu narsa yoki odam yomon ko‘rinishi mumkin lekin uning ichki dunyosi yaxshi bo‘lishi mumkin, bunda insonning tashqi ko‘rinishiga qarab baho berib bo‘lmaydi degan ma’no yotadi). Demak, frazeologik birikmalar bir necha so‘zdan iborat bo‘lib ular ma’no jihatdan ajralmas so‘zlar guruhini tashkil etadi. Bu kabi birikmalar ko‘chma ma’noni kuchaytirishda va gap mazmunining ta’sirchanligini oshirishda xizmat qiladi.

Iboralarni “*Gone with Wind*” asarida diskursiv jihatdan tahlil qilar ekanmiz, ularning o‘ziga xos jihatlarini aytib o‘tishimiz maqsadga muvofiqdir. Asarda uning badiiyliги oddiy matnlardan shu jihatdan farq qilishini ko‘ramiz, chunki maqola tezis kabi matnlarda jamiyat yo kishi bilan aloqa yo‘qligi ma’lum bo‘lib qoladi. “*Gone with the Wind*” (Shamollarda qolgan hislarim) romanda 1860-yil AQSH fuqarolar urushi davrida sodir bo‘lgan voqealar aks ettirilgan. Asarda bosh qahramon Skarlettning hayoti haqida hikoya qilinadi.

Asarda ko‘plab idiomalar maqollar, va fraziologik birliklar qo‘llanilgan:

God’s nightgown - (*used to emphasize that you do not understand something at all have no knowledge of something at all*)

Tapping him lightly on the arm with her folded fan, she turned to start up the stairs and her eyes again fell on the man Rhett Butler who stood alone a few

4-шубба

away from Charles. Evidently he had overheard the whole conversation, for he grinned up at her as maliciously as a tomcat, and again his eyes went over her, in a gaze totally devoid of deference the accustomed to.

“God’s nightgown!” said Scarlett to herself indignation using Gerald favorite oath.

Bu jumlaning “*Hammasi xudoyimga ayon*” deb tarjima qilsak kontekst ma’nosiga mos keladi.

Yuqorida ko‘rsatilgan idioma Scarlett Rhett Butlerni birinchi marta balda ko‘rganida ishlatilgan. Bu sahnadan shuni bilishimiz mumkinki, Rhett Butler juda ham mashhur tadbirkor, lekin eng qiziq tomoni shundaki, uni hech kim yoqtirmaydi, jamoat suhbatlarida hech kim unga e’tibor bermaydi. Scarlett buning asosiy sababi Rhett o‘zi unashirilgan qizga uylanishdan voz kechganligi, uning akasini duelda otib o‘ldirganini dugonasi Ketrindan eshitib qoladi.

Drop one’s eye – (look down)

She dropped her eyes to her plate and nibbled daintily on a beaten biscuits, with an elegance and lack of appetite that would have won Mammy’s approval. For all that she had a superfluity of beaux, she had never been more miserable in her life. In some way that she could not understand, failed utterly so far as Ashley was concerned.

Scarlettning ichki kechinmalarini yoritilgan bu holatda u uning Eshleyning Meleni bilan turmush qurishlarini bugun shu balda e’lon qilishlaridan xavotirda ekanligi aks ettirilgan. “**Drop one’s eyes**” iborasini kontekstda ko‘chma ma’noda ishlatilgani yaqqol ma’lum, o‘zbek tilidagi nazar solmoq, ko‘z qirini tashlamoq, razm solmoq, ko‘zdan kechirmoq kabi iboralar bilan ekvivalent desak adashmaymiz.

Put oneself in someone’s shoes – (to imagine oneself in the situation or circumstances of another person, so as to understand or empathize with their perspective, opinion, or point of view.

Why gentlemen, if Georgia fights, I will go with her. Why else would I have joined the Troop? he said. His gray eyes opened wide and their drowsiness disappeared in an intensity that Scarlett had never seen before.....

“There he goes again” thought Scarlett Always putting himself in the other fellow’s shoes.

Ushbu suhbat Eshley hamda uning bir guruh do‘stlari o‘rtasida bo‘lgan. Bu suhbatda Irlandiya hamda Yankilar o‘rtasidagi nizo haqida gap borgan. Agar Yankilar ittifoqdan ketishganda biz ularning o‘rnida bo‘lganimizda qanday yo‘l tutgan bo‘lar edik degan savol o‘rtaga tashlanadi. Ayni shu paytda Scarlett u doim o‘zini birovni o‘rniga qo‘yib ko‘radi degan xayol o‘tadi. Bu iboraning ham ko‘chma ma’noda qo‘llanganini anglash qiyin emas. Chunki biz bu iborani bir biridan ayri holda tarjima qilsak matnning mazmuni tubdan o‘zgaradi yoki umuman ma’no mazmunini yo‘qotadi. Eshley o‘zining fikrlarini bayon etishida bu ibora juda katta ahamiyat kasb etadi.

Cut one’s teeth – (to gain experience with something, especially at a young age when one’s teeth would be coming in)

4-шубба

*Isn't it enough that you have collected every other's man heart here today? he said with he old teasing, caressing note in his voice. Do you want to make it unanimous? Well, you have always had my heart , you know. You **cut your teeth** on it.*

-Ashley, Ashley have I your heart?.....

Quyidagi iborani so‘zma – so‘z tarjima qilsak, beshikdan to qabrgacha, degan tarjima kelib chiqadi. Bu ibora ham ko‘chma ma’noda qo‘llanilgan bo‘lib butun umri davomida degan ma’noni bildiradi. Yuqoridagi kontekstda janubda yashovchi ayollar butun umri davomida o‘zining juftini baxtli qilish uchun yashashi haqidagi fikrlar yuritilgan. Scarlett ayni shu damda o‘zini Meleni bilan taqqoslay boshlaydi. Undagi oqko‘ngillik, oqilalikni ko‘rib ich-ichidan unga nisbatdan nafratni his qila boshlaydi.

Care a rap/ give a rap about-(to take into consideration, to take account, to give attention)

Well, don't tell anybody girls not yet!

There were more giggings and the bed springs creaked as someone squeezed Honey. Melanie murmured something about how happy she was that Honey would be her sister.

Well I won't be happy to have Scarlett for my sister, because she's fast peace if ever I saw one came the aggrieved voice of Hetty Tarleton. She's as engaged to Stuart. Brent says she doesn't give rap about him but of course Brent's crazy about her too. „ If you should ask me'' - said Honey with mysterious importance there is only one person she does give a rap about. That is Ashley

Quyida keltirilgan dialog Honey hamda uning bir guruh dugonalari orasida bo‘lgan. Honey qizlarga Melining ukasi Charlesni sevishini aytadi, lekin uning orzu niyatlariga Scarlett to‘sqinlik qilayotgan edi. Honeyning suhbatidan shu ma’lum bo‘ladiki, unga Brent, Stuart ham oshiq lekin Scarlett ularning hech biriga e’tibor ham qilmaydi. U e’tiborini qaratgan birgina inson u Eshley.

Good heavens- (used informally to express surprise, anger, to emphasize that you agree or disagree with someone)

Miss Scarlett said Peter darkly, laying the whip on the startled horse, Miss Pitty ain' gwine ter lak it you astin' question.....

-Good Heavens thought Scarlett reproved into silence. „ That must be a bad woman.....

Bu idioma Scarlett tomonidan ishlatilgan. Bu orqali u o‘zining ichki kechinmalarini, o‘y xayollarini aks ettirgan. Sababi u ikki haftada turmushga chiqib, beva bo‘lishga ham ulgurdi. Unda hali yoshlikning beboshliklari, sho‘xliklari borligi tabiiy holdir. Peter amaki bilan suhbat chog‘ida, Belle Watling haqida gap boradi. Eng ajablanarlisi, Peter bu ayolning ismini tilga olganda na Miss na Mrs so‘zlarini aytadi. Shundan Scarlett bu yomon ayol bo‘lsa kerak degan xayolga boradi. Ayni shu paytda bu idioma juda mos qo‘llanilgan.

Too good to be true- (if you say that something seems too good to be true you are suspicious of it because it seems better than you had expected, and you think there may something wrong with it that you may have not noticed).

4-шубба

“Scarlett right said Mrs. Merriwether observing sign of weakening. She rose and jerked her hoops into place” Both of you all of you must come. Now, Pitty don’t start your excuses again. Just think how much the hospital needs money for new beds and drugs. And I know Charlie would like you to help the Cause he died for”.

-“Too good to be true” Too good to be true said Scarlett’s joyful heart.....

Bu idioma Scarlett tomonidan ishlatilgan bo‘lib, o‘sha davrda beva ayollarning bazmlarga borishi noo‘rin deb hisoblangan. Lekin Meleni ko‘ngilchanlik qilib uni ozgina ko‘ngli taskin topishi uchun bazmga olib keladi.

Draw a deep breath- (to breathe deeply, to take a lot of air into the lungs)

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, badiiy asardagi bir necha frazeologik birikmalarni tahlilga tortdik. Diqqat markazimizda bo‘lgan iboralar ma’nosini kontekstdan kelib chiqqan holda tahlil qila oldik. Ayrim holatlarda berilgan vaziyatlarda ishlatilgan metaforalar haqidagi konseptual bilimimiz asosida har bir iborada o‘rganib chiqdik desak ham bo‘ladi.

Biroq yuqorida eslatib o‘tilgan yondashuvlar o‘ziga xos kamchilikka ega. Unda xorijiy tilni o‘rganuvchi sifatida o‘sha til va ma’daniyati haqidagi bilimi qanchalik chuqur ekanligi, kontekstdan kelib chiqqan holdagi informatsiyaga ega tez-tez uchrashi kabi xususiyatlarni inobatga olish muhimdir.

Badiiy asarni o‘qiydigan kishi iboralarni tushunishda o‘ziga xos qulay yo‘lni tanlashi mumkin albatta. Bu xohish uning iboralar haqidagi konseptual bilimi qanchalik chuqur ekanligidan bog‘liq ekanligi faqat o‘zigagina ma’lumdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Gone with the Wind by Margaret Mitchell A project Gutenberg of Australia eBook. <http://gutenberg.net.au.2002>.

ULUG‘BEK HAMDAM HIKOYALARIDA SHAKL VA MAZMUN BIRLIGI

Mastona Rustamjon qizi Teshaboyeva,
Farg‘ona DU filologiyasi fakulteti II-bosqich magistranti
Ilmiy rahbar: Go‘zalxon Muhammadjonova,
Farg‘ona DU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi,

Badiiy asar qimmatini belgilashda mazmun va shaklning uyg‘un muvofiqligi eng muhim mezonlardan sanaladi. Modomiki badiiy asarda shakl va mazmun uyg‘un birikar ekan, shaklni badiiyat, mazmunni g‘oyaviylik hodisasi sifatida tushunib, har ikkisiga birdek e’tibor berish zarur, bu adabiyotshunoslikning “oltin qoida”si sanaladi [1;140]. Har bir davr adabiyotida ko‘pchilik ijodkorlar tomonidan qo‘llanib kelinayotgan, omma uchun tushunarli va o‘zining nisbatan turg‘un ko‘rsatkichlariga ega shakllar mavjud. Hikoya janri ham badiiy adabiyotda o‘zining asosiy shakl va

4-шуба

mazmun xususiyatlarini saqlagan holda uzoq o'tmishdan beri yashab keladi. "Agar biz asl adabiyotni voqelik aks etgan bir ko'zguga istiora qiladigan bo'lsak, hikoya janri ushbu ko'zgu siniqlaridir. Ammo hikoyaning bor qudrati ham aynan shu siniqligida. Zarrada borliq, qatrada ummon, nur tolasida quyosh aks etishini yodga olsak, hikoyaning asl qudratini teran his qilamiz" [2;233]. Ushbu janr voqelikdan bir parchani tanlab oladi va tasvirlaydi. Hikoya ixcham, siqiq bo'lsa, shunchalik e'tiborni tortadi. Ixcham hikoyalar shuncha tez o'qib chiqiladi. Ular bilan ko'pchilik tanishadi. Hikoya hajmi ixchamligi ana shunday afzallikka ega. Voqealar tafsiloti bayoni cho'zilib ketgan hikoyalardan ko'ra hajmi ixcham hikoyalarni o'qish maroqli. Texnika asri rivojlanayotgan bir paytda kitobxonlarda hajman ixcham hikoyalarga talab kuchaymoqda. Ushbu talabdan kelib chiqib hikoyanavislarimiz orasida hikoyaning o'ziga xos kichik janri bo'lmish drabllar yozish keng avj olmoqda. Ixcham jumalarda kirish, kulminatsiya va yechimni ifodalash muallifdan ziyraklik va ijodiy tajribani talab etadi. Ulug'bek Hamdamning so'nggi yillarda yaratayotgan "Biz", "Simulyakr", "Hayot", "Ulg'ayishning jazosi", "Yozuvchi" kabi hikoyalari hajman ixcham hikoyalar qatoriga kiradi. "Uzoqdagi Dilnura", "Otash", "Yaxshi odamlar" hikoyalari esa hajman kattadir. Ijodkor yaratgan yuqoridagi hikoyalar xoh katta bo'lsin, xoh kichik o'ziga xosligi, mazmunan teran va xilma-xil ramzlarga boyligi bilan ajralib turadi. Ushbu hikoyalarda asosiy e'tibor inson ruhiyatiga, tuyg'ular tasviriga qaratiladi. Uning sezgi, tuyg'ular tahlilidan iborat hikoyalari hayotdagi ko'zga ko'rinadigan va ko'rinmaydigan har bir hodisa insonga fikrlashi uchun turtki, mushohada yuritishi uchun asos bo'la olishini bildiradi. Bu esa zamonaviy adabiyotda hayot voqealarini emas, uning markazida turgan insonning ziddiyatli o'y-kechinmalarini tasvirlash ustuvor bo'layotgani bilan belgilanadi. Insonning botinidagi murakkab muloqot jarayoni aks ettirilgan hikoyalar har bir kishiga uning hayoti boshqalar bilan, butun koinot bilan chambarchas bog'liq ekanini anglashga ko'maklashadi.

Ulug'bek Hamdamning ruhiyat, sezgiga urg'u berilgan hikoyalari qahramonning qiyofasi, holati, kechinmasini aniq tasavvur etishga, kishining yuz-ko'zi, barmoqlarining har bir harakati, imosida juda ko'p ma'no-mazmun mavjudligini bilib olishga imkon beradi. Ulug'bek Hamdamning mana shunday hikoyalaridan biri 2015-yilda yozilgan "Ulg'ayishning jazosi" nomli hikoyasidir. Hikoya hajman kichikdir: ikki abzas va sakkizta gapdan iborat, xolos. Ushbu hikoyada ham boshqa hikoyalarda bo'lgani kabi psixologik tasvir yaqqol sezilib turadi. Hikoya tugundan boshlanadi. Bir qarashda hikoyani tugundan boshlash usuli Abdulla Qahhorning hikoyachilikdagi uslubini esga soladi, lekin undan farqli ravishda Ulug'bek Hamdamning hajman kichik bo'lgan hikoyalari tugundan boshlangani bilan hikoyalarida dialoglar va personajlar nutqiga duch kelmaymiz. Aksariyat hikoyalarida monologik nutq ustunlik qiladi. Ushbu hikoyada esa faqatgina muallif nutqi beriladi. Shaklan kichik hajmli bo'lgan ushbu hikoya erkak – o'spirin, boy – kambag'al, havas – hasad kabi kontrast tasvirlar asosiga qurilgan. Ulug'bek Hamdam o'z asarlarida kontrast tasvir usulidan keng foydalanadi va bu usul uning barcha nasriy asarlarida yetakchilik qiladi. Hikoya qimmatbaho mashinaning tog' tomon uchib borayotganligi tasviri bilan boshlanadi: "Qimmatbaho mashina tog'

4-шубба

tomon uchib boryapti. Rulda bashang kiyingan erkak va satang bir xonimcha. Mashinaning ochiq derazalaridan tashqariga sho‘x kuy taraladi...” [3;420]. Demak, hikoya qahramonlari boy oila ekanligi hikoya boshidayoq ayonlashadi. Mashinaning derazasidan yangrayotgan sho‘x kuy esa hikoya qahramonlarining kayfiyati yaxshi ekanligining isbotidir. Lekin bu kayfiyat yo‘l muyilishidagi o‘spirinni uchratishi bilan erkakni tark etadi. E’tibor bersak, muyilish hikoyada o‘tkir burchakli deb tasvirlanadi va aynan mana shu o‘tkir burchakli nuqtada erkak va o‘spirinning ko‘zlari bir lahzaga to‘qnashadilar. Bu esa hikoya syujetida kulminatsion nuqtadir. Mana shu bir lahzalik to‘qnashuv erkak ruhiyatida tub burilish yasaydi. Uni olis bolaligi o‘tgan qishloqqa va oilasi bag‘riga chorlaydi. Erkakning o‘spirin ko‘zida ko‘rgan havas, hasad, istak va orzu uchqunlari unga o‘zining bolaligini esga soladi. Katta hayot ostonasida turgan o‘spirin esa hali hayot haqidagi tasavvurlardan yiroqda. Uning ko‘zlari bolalarga xos bo‘lgan orzu-istak va havasga to‘la. Lekin yozuvchi bu ijobiy xislatlar orasiga hasadni ham qo‘shib ketadi. Xo‘sh, o‘spirinning ko‘zida nima uchun erkak hasadni ham ko‘radi? O‘spirin kimga yoki nimaga hasad qilmoqda? degan savollar kitobxonni mushohada qilishga, javoblar izlashga chorlaydi. Erkakning mashina kalitini o‘spirinning qo‘lidagi tayog‘iga, atir hidi anqib turgan ust-boshini esa bolaning kir-chir ko‘ylagiga almashtirishga tayyorligi, qo‘ylarni oldiga solib haydagancha bolalik uyiga, oilasi bag‘riga chopib ketishga tayyorligi, ammo qanchalar xohlasa ham buning iloji yo‘qligi haqidagi tasvirda esa hikoya sarlavhasi konkretlashadi. Ulg‘aygan insonlarni hayot shunday jazolaydiki, u jazodan endi butun umr qutilib bo‘lmaydi. Inson qanchalar xohlasa ham ana o‘sha beg‘ubor, orzularga to‘la bo‘lgan samimiy bolaligiga qayta olmaydi. Bir qarashda hikoya syujeti oddiydek tuyiladi, ammo ijodkor mana shu oddiylikda hayotning achchiq haqiqatini erkak va o‘spirinning bir lahzalik uchrashuvida tasvirlab bera oladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, so‘nggi yillarda ijodkor ijodida hajman kichik hikoyalarning soni ortib bormoqda. Zero, shiddat bilan rivojlanayotgan texnika asrida hikoya hajmi qanchalar kichik bo‘lsa, kitobxonlarning shunchalik e’tiborini tortadi. Ijodkor hikoyalari hajman kichik bo‘lsa ham shakl va mazmun unsurlari o‘zaro uyg‘un holatda tasvirlanadi. Hikoyalarda oldingi planga inson emas, uning his-tuyg‘ulari olib chiqiladi. Bu orqali muallif yozgan hikoyalarni ko‘pchilik o‘qishini, uni o‘ylantirgan masala boshqalarni ham qiziqtirishini xohlaydi. Ulug‘bek Hamdam hikoyalari bugungi kun kitobxonlarini o‘zining botiniy tuyg‘ularini anglashga, hayoti haqida chuqurroq o‘ylab ko‘rishga va muayyan xulosalar chiqarishga undaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Hamdam U. Isyon va itoat: romanlar va hikoyalar. –T.: Yangi asr avlodi, 2018.
2. Jo‘raqulov U. Nazariy poetika masalalari: Muallif. Janr. Xronotop. –T.: G‘ofur G‘ulom nomidagi NMIU, 2015.
3. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. –T.: Akademnashr, 2018.

4-шубба

SYUJETNING TARIXIYLIGI XUSUSIDA

Doniyorbek Dilshodjon o‘g‘li G‘ulomov,
Farg‘ona DU Adabiyotshunoslik: 1- bosqich magistranti
Ilmiy rahbar: Zokir Azimovich Rahimov,
Farg‘ona DU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Badiiy syujet elementlari, tiplari, tarixiyligi va umuman olganda syujet masalasiga doir nazariy qarashlar doimo bahs-munozarada. Ingliz, nemis, fransuz, rus va o‘zbek adabiyotshunosligida hamda turli davr adabiyotshunoslarining nazariy qarashlarida bu masala qarama-qarshiliklarga uchraydi. Bu o‘z navbatida adabiyotning doimiy ravishda o‘shishda va o‘zgarishda ekanligidan dalolat beradi.

Badiiy adabiyotning turli davrlarida, turli yozuvchilarning asarlarida bir-biriga o‘xshash syujet voqealarini uchratamiz. Masalan, mif va ertaklarda motiv va belgilarning o‘xshashligini ko‘rishimiz mumkin: quyoshni kimdir o‘g‘irlashi (quyosh tutilishi); bulutlar yomg‘ir bermaydi va suv manbasi quriydi: dushman kuchlar ularni ko‘mib tashladi, suvning yo‘lini to‘shib, dushmani mag‘lub qilish; mahluqlar bilan nikoh; mahluqqa aylanish; yalmog‘iz kampirning sohibjamol (malika)ni o‘g‘irlashi yoki uni boshqa mahluq o‘g‘irlashi va uni botirlik, jasurlik, epchillik evaziga turli sinovlardan o‘tib qutqarish va boshqalar. Ushbu turdagi motivlar ko‘p qabilali muhitda mustaqil ravishda paydo bo‘lishi mumkin. Ularning bir xilligi yoki o‘xshashliklari to‘g‘ridan-to‘g‘ri o‘zlashtirish bilan emas, balki yashash sharoitlari va ulardagi ruhiy jarayonlarning bir xilligi bilan izohlanishi mumkin. Eposda esa syujet o‘xshashligining boshqacha ko‘rinishlari ham mavjud. Masalan, turli xalqlar eposida otaning tanimagan o‘g‘li bilan jangi asosidagi syujetlarni kuzatishimiz mumkin: antik davr eposida – Odissey va Telegon (Odisseyning o‘g‘li, otasi yo‘qligida tug‘ilgan va otasini qidirib chiqib ketib, u bilan jangga kirishgan) jangi, nemislarda – Gildebrand bilan Gadubrand, eron tilida – Rostam va Suhrob jangi, ruslarda – Ilya Murometsning Sokolnik bilan jangi va boshqalar.

Bundan tashqari, qashshoqqa aylangan va uzoq sinovlardan so‘ng yana shoh bo‘lgan podshoh hikoyasini biz “Panchatantra” hind hikoyalari to‘plamida, rim afsonalarida, rus va ukrain ertaklarida, “Alpomish”, “Rostamxon”, “Kuntug‘mish” dostonlarida uchratamiz.

Faustning syujeti 1587 yilda Germaniyada nashr etilgan Doktor Faust haqidagi “Xalq kitobi”dan boshlanib, muallifdan muallifga o‘tdi [1]. Ingliz dramaturgi Kristofer Marlou orqali nemis yozuvchilariga (Lessing [2], Myuller [3], Gyote [4]), so‘ngra ruslarga (Pushkin [5]), hatto bugungi kungacha (Lunacherskiyning “Faust va shahar” dramasi [6]) davom etmoqda. “Don Xuan” syujeti tarixi ham xuddi shunday murakkab [7;163]. Ko‘pincha turli xil mualliflarda syujetning bunday murakkab tarixisiz ham, o‘xshash syujetlar mavjud.

Bunday holatlar shunchalik ko‘pki, syujetlarning davlatdan davlatga, muallifdan muallifga, davrdan davrga o‘tib yurishini ta‘minlaydigan qandaydir o‘ziga xos barqarorligi to‘g‘risida o‘ylashga olib keladi. Hattoki, syujetning bu xususiyatini

4-шубба

izohlaydigan, “jahongashta (sayohatchi)” yoki “daydib yuruvchi” syujet kabi terminlar ham paydo bo‘ldi. Bu bilan birga “syujet personajlar belgilari asosida kelib chiqadi” degan xulosalar rad etildi. Demak, *“syujet yozuvchiga boshqa tarixiy muhit, davrdan keladi, shu bilan u personajlarga bog‘liq emas va u mustaqildir”* [7;164]. Shunday qilib, shakl va tarkibning birligi to‘g‘risidagi xulosalar so‘roq ostida qoladi.

Bu o‘z-o‘zidan badiiy asar syujeti ko‘chirilganmi, turli davr, ijtimoiy muhit, turli xalqlar adabiyotiga bu kabi syujetlar qanday kirib kelgan? degan savollarni paydo bo‘lishiga olib keladi. Ushbu hodisani izohlash uchun ko‘plab takliflar berildi. Mifologik nazariya (Grimm, Maks Myuller va boshqalar [8]) tarafdorlari syujetning o‘xshashligini “syujetlar otasi (ulug‘i)” deb qaralgan, dastlabki miflardan paydo bo‘lgan deb izohladilar. Ammo umumiy mifologiyaga ega bo‘lmagan xalqlardagi syujet o‘xshashliklari bu ta‘limotni inkor etdi. Bu davrda syujetlarning o‘zaro bog‘liqligini u yoki bu xalqlar o‘rtasidagi tarixiy va madaniy aloqaning natijasida bir mamlakatdan boshqasiga o‘tishi mumkin bo‘lgan deb hisoblagan “vaqtincha (ijaraga)” to‘g‘ridan-to‘g‘ri olingan syujetlar ta‘limoti (Kosken, Keler) ham keng tarqalgan edi. Aslida bu ta‘limotga nemis filologi Teador Benfey (1809-1881) sanskrit grammatikasi va mashhur "Panchatantra" ("Pentateuch") hikoyalar to‘plamini 1859 yilda keng qamrovli kirish bilan nashr etilgan, bu “vaqtincha (ijaraga)” to‘g‘ridan-to‘g‘ri olish nazariyasi bo‘yicha dasturiy ishdir. Lekin bu ta‘limot ham umuman tarixiy va madaniy yaqinlikka ega bo‘lmagan xalqlardagi o‘xshash syujetlar mavjudligi bilan rad etildi (“Kichkintoy bola” syujeti rus ertakida ham, Zulu qabilasining ertakida ham mavjud). Shu bilan birga, ushbu qarama-qarshilikni tushunish uchun (syujet xarakter bilan bog‘liq, uni ochib beradi va shu bilan birga xarakter yaratilishidan oldin ham mavjud) inson hayotida turli xil tarixiy sharoitlarda o‘xshash hayotiy konfliktlar va vaziyatlarni keltirib chiqaradigan bir qator umumiy tomonlar mavjudligini hisobga olish kerak. Yuqorida biz tasvir (obraz)larning tarixiy holatiga qaraganda barqarorroq ekanligini ko‘rdik, chunki ularda umumiy insoniy xususiyatlar anglanilishi va shuning uchun ular boshqa davrlar uchun o‘z ma‘nolarini saqlab qolishlari mumkin [7;164]. Ularda umumiy tarixiy birlik kuzatiladi. Biz syujet xususida ham xuddi shunday birlikni kuzatamiz. Syujet barqaror hayotiy vaziyatni umumlashtiradi. Boshqa muhitda xuddi shunday vaziyat shunga o‘xshash syujetni keltirib chiqardi. Oilada ayol hukmronlik qilgan davrlarda (matriarxat), otaning tanimagan o‘g‘li bilan uchrashuvi, bunday syujetning paydo bo‘lishiga olib kelishi mumkin edi, garchi shunga o‘xshash syujet boshqa mamlakatda kuzatilgan bo‘lsa ham. Taniqli psixologik vaziyatlar (sevilmagan er, burchga sodiqlik, rad etilgan muhabbat va h.) juda ko‘p, har xil sharoitlarda uchrashi va turli xil kashfiyotlar va ixtirolar bir necha marotaba qilinganidek, turli mualliflar tomonidan parallel syujetlarning paydo bo‘lishiga olib kelishi mumkin (agar bu hayotiy vaziyatga xos bo‘lsa). Shu ma‘noda har bir syujet boshqasiga o‘xshashligiga qaramasdan berilgan tarixiy, ijtimoiy, etnografik, psixologik sharoitlardan kelib chiqqan holda, yangidan paydo bo‘ladi.

Shunday qilib, biz “syujetlar otasi (ulug‘i)” yoki “vaqtincha (ijaraga) foydalanib turuvchi” syujetlarga aloqador bo‘lmagan holda, o‘z-o‘zidan paydo bo‘ladigan syujetlar haqida gapirishimiz mumkin. Biroq, ba‘zi holatlar mavjudki,

4-шубба

muallif o'zining ijodiy vazifasini hal qilib, o'zidan oldingi mualliflardan uni qiziqtiradigan, uning qahramonlari o'zlarining xususiyatlarini yetarlicha, to'laligicha namoyish etadigan misollar topadi. Bunday holda u o'tmishda yaratilgan u yoki bu syujetni o'zlashtirishi mumkin, chunki bu syujet ma'lum bir hayotiy vaziyat bilan bog'liq bo'lganligi sababli u shu yerda ya'ni yozuvchi tasvirlayotgan o'xshash hayotiy vaziyatda tug'ilgan bo'lishi mumkin. Bu yerda: "bu syujet qanday xarakter xususiyatlarini ochib beradi, qahramonlar hayotining qaysi jihatlarini umumlashtiradi?", degan savol biz uchun o'z kuchida qoladi. Demak, agar biz chinakam badiiy asar bilan shug'ullanadigan bo'lsak, syujetni to'g'ridan-to'g'ri o'zlashtirish, shakl va mazmunning birligini, shaklning tarixiyligini, asarning asosiy elementlarining o'zaro bog'liqligi biz boshida aytib o'tgan ketma-ketlikligini buzmaydi. Aslida, har bir syujet, o'zidan oldin yaratilgan syujetlardan qat'iy nazar, o'zining tarixiy sharoitida yangidan tug'iladi. U ma'lum bir tarixiy tarkibning shakli bo'lib, undan kelib chiqishi va unga o'tishi shart. Ammo amalda bu muallif tomonidan uni o'zining tarixiy materialiga ko'chirishi natijasida vujudga kelishi mumkin, chunki u bunga zid kelmaydi va u bilan muntazam ravishda birlashadi.

Syujetdagi umumiy va tarixiy birlik bu umuman san'at uchun xos bo'lgan muntazamlik namoyon bo'lishining o'ziga xos hodisasidir. Unda ko'p jihatlar har safar yangidan yaratilmaydi, ammo, har safar ma'lum bir tarixiy sharoit bilan ulangan holda, yangi vazifalar uchun tatbiq etiladi, qayta tiklanadi. Shuning uchun biz har doim ham til va syujetning o'ziga xosligini va ularning individual ma'nosini aniqlab olishimiz mumkin bo'lgan kuch sifatida, takrorlangan va "vaqtincha (ijaraga) to'g'ridan-to'g'ri olingan (agar biz jiddiy ijodkorlikka ega bo'lsak) asarlarda berilgan lisoniy va kompozitsion syujet tuzilishini belgilar bilan uyg'unlikda, ya'ni badiiy motivatsiyada, tushunishga harakat qilishimiz kerak. Shuning uchun g'oya va mavzu tahlili o'z-o'zidan xarakterlar tahliliga aylanadi, chunki xarakterdan tashqarida ular badiiy o'ziga xos bo'lmagan mavhum formulalarni aks ettiradi, xolos. Xarakter (personaj)ni tahlil qilish syujet kompozitsiyasi tilining tahliliga aylanadi, chunki ularsiz xarakterlar mavjud emas. O'z navbatida, til va kompozitsiyani tahlil qilish, xarakterlar tahliliga aylanadi, xarakter (personaj)lar ishning umumiy mavzusi va g'oyasini olg'a suradi.

Demak, syujetning kelib chiqishi va tarixiylikiga doir bir qancha xulosalar qilishimiz mumkin:

a) jahon adabiyoti tarixida paydo bo'lgan o'xshash syujetlar asosan "jahongashta" va "daydib yuruvchi" syujetlardir;

mifologik nazariya: syujetlar aryan (arian) xalqlar mifologiyasi va ulardagi g'oyalardan tarqalgan (Hozirgi kunga qadar ham Aryan xalqlari mavjud bo'lgan yoki bo'lmaganligi haqida olimlar bahs-munozara olib boradilar. Aryan xalqlar deb qadimgi Eron va qadimgi Hindistonda yashagan va "Aryan" tilida so'zlashgan xalqlarga aytiladi). G'oyalar asta-sekin ertaklar, afsonalar, rivoyatlarga ko'chgan va oxir-oqibat syujetga aylangan. Bu g'oyalar aryan xalqlarining ko'chishi natijasida keng tarqalgan;

b) syujetlar xalqlardan-xalqlarga tarixiy va madaniy aloqalar natijasida to'g'ridan-to'g'ri (ijaraga) olingan;

4-шубба

c) yozuvchi o‘zining g‘oyaviy maqsadini amalga oshirish uchun o‘zidan oldingi yozuvchilar, boshqa xalqlarda mavjud bo‘lgan asarlardan misollar olgan;

d) bir-biriga o‘xshash syujetlar hech qanday mifologik, to‘g‘ridan-to‘g‘ri (ijaraga) olingan syujetlarga bog‘liq emas, ular yashash sharoit, e‘tiqod, davr, ijtimoiy muhit o‘xshashligi natijasidir. Masalan, matriarxat davrida otasini tanimagan farzandlar dunyoga kelishi tabiiy hodisa sanalgan. Yuqorida ta‘kidlangan psixologik vaziyatlar (sevilmagan er, burchga sodiqlik, rad etilgan muhabbat va h.) har xil sharoitlarda uchrashi va hayotiy vaziyatga mos holda turli mualliflar tomonidan parallel syujetlarning paydo bo‘lishiga olib kelgan.

Bir narsani unutmaslik kerakki, syujetlar qay yo‘sinda kirib kelishidan qat’iy nazar, shu xalq yoki yozuvchi tasvirlayotgan sharoitda yangidan tirilgan. Undagi g‘oyalarga yangi maqsad va yangi vazifalar yuklangan holda qayta yaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. <https://litlife.club/books/52042/read?page=96>
2. http://www.kulichki.com/moshkow/INOOLD/LESSING/1_faust.txt
3. <https://www.moma.org/collection/works/78460>
4. <https://xn----7sbb5adknde1cb0dyd.xn--p1ai/%D0%B3%D0%B5%D1%82%D0%B5-%D1%84%D0%B0%D1%83%D1%81%D1%82/>
5. https://rvb.ru/pushkin/01text/01versus/0423_36/1825/0388.htm
6. <http://lunacharsky.newgod.su/lib/dramaticheskije-proizvedenia/faust-i-gorod/>
7. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы – Москва, 1963.
8. <https://studfile.net/preview/460723/page:2/>

STEFAN SVEYG HIKOYALARIDA AYOL OBRAZI TASVIRI

Feruzaxon Xatamjon qizi Xakimova,
Farg‘ona DU filologiyasi fakulteti II-bosqich magistranti
 Ilmiy rahbar: Manzura Ahronkulovna Jo‘rayeva,
Farg‘ona DU katta o‘qituvchi,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Shoir, yozuvchi, tarjimon, adabiy tanqidchi, publisist sifatida XX asr jahon adabiyotining yetakchi vakillaridan biri, deya e‘tirof etilgan adib Stefan Sveyg tomonidan yaratilgan asarlar bugungi kun o‘quvchilari uchun ham o‘ta jozibali va maftunkor sanaladi. Tasavvur, tafakkur, idrok, iroda, aql, zakovat singari asl insoniy xislatlarning usta musavviri bo‘lgan yozuvchining asarlaridagi asosiy mavzu inson va uning ichki olami bo‘lib, o‘quvchi ulardagi sadoqat, mehr, muhabbat, e‘tibor, ehtiros, ishtiyoq, iztirob kabi tuyg‘ularning yorqin ranglariga maftun bo‘lib qoladi [3;5]. Yozuvchining obraz yaratishdagi mahorati, xususan, “Ayol hayotidan yigirma to‘rt

4-шубба

soat”, “Amok”, “Notanish ayol maktubi” kabi hikoyalarida yaqqol namoyon bo‘lib, ularda ayol obrazining betakror namunalarni yaratgan.

Stefan Sveyg ayol obrazini yaratishda o‘ziga xos mahorat bilan yo‘l tutadi, asarlarida ayollarga xos ruhiy-psixologik jarayonlarni g‘oyatda go‘zal va nafis tarzda ifodalab bera olishi bilan kitobxonning e‘tiborini tortadi. Xususan, uning “Yondirguvchi tilsimot” hikoyasida voqealar uch qahramon: baron, ayol va uning yolg‘iz farzandi Edgar o‘rtasida kechadi. Voqealar hikoya davomida jadallashib, tobora yuqorilashib boradi. Hikoyada ayolga xos bo‘lgan jihatlar aslzoda xonimning farzandi, hamda u bilan yaqinroq munosabat o‘rnatishga urinayotgan Baron obrazi vositasida yanada ochiq namoyon bo‘ladi, obrazlarning bari inson obrazini yorqinroq tasvirlashga, chuqurroq ochib berishga hizmat qiladi [2;65]. Yozuvchi Baronning nigohlari qurshovida qolgan ayolni tasvirlar ekan, u qanchalar latofatli, tarbiya ko‘rgan, g‘urur va andishaga ega bo‘lgan ayol bo‘lishiga qaramay, unda ham ayollarga xos bo‘lgan tashqi muhitga nisbatan sezgirlik, o‘ziga qaratilgan e‘tiborga befarq qaray olmaslik xususiyatlarini aks ettiradi: *“U o‘ta ohista tovush bilan taom buyurdi va sanchqini o‘ynayotgan bolakayni tartibga chaqirgan bo‘ldi. Bularning hammasi baronning teshib yuborgudek termulayotgan nigohlariga beparvolik bilan, go‘yo hech narsani sezmagandek amalga oshirildi. Aslini olganda yigitning diqqat bilan termulishi xonimda muloyim bir jonkuyarlik hissini uyg‘otib qo‘ygandi”* [3;11]. Shu o‘rinda ayolning ayyorona bu holatiga yozuvchi shunday izoh qistirib o‘tadi: *“... ayollar o‘zidagi barcha malohatni namoyish qilish uchun albatta erkakka muhtoj bo‘lishadi”* [3;9]. Muallif xarakteristikasi o‘quvchida personaj haqida yaxlit tasavvur xosil qilib, uning keyingi xatti-harakatlarini, gap-so‘zlarini anglashda muhim ahamiyat kasb etadi. Personajning so‘z bilan chizilgan tashqi qiyofasi – portret ham inson obrazini yaratishda muhim vosita sanaladi [2;65]. Stefan Sveyg ham ayolni birma-bir tanishtirib borar ekan, yozuvchi sifatida uning o‘tkir zehni, mug‘ombirlik sifatlarini kashf etamiz. Ayolning harakatlari bilan psixologik holatini uyg‘unlikda tasvirlaydiki, natijada ayolga qo‘yilayotgan tashxislar tabiiy va jonli taassurot uyg‘otadi. Aslida ularga xos mag‘rurlik ortida nozik kechinmalar mavjudligi, ayol zoti borki, o‘ziga bo‘lgan har qanday e‘tiborni shunchaki befarq qoldirmasligiga ishora beradi. Shu bilan birga, hissiy qiziqishlariga qaramay, axloq qoidalariga zid hatti-harakatlar qilmasliklari, g‘urur va nomusini o‘tkinchi hislardan ustun qo‘ymasliklarini ham ko‘rsatib o‘tadi: *“...baron xonimning qorachiqclariga chuqurroq o‘rnashish, imkon bo‘lsa gapga solish maqsadida jurnal stoliga yaqinlashgan edi, ayol kutilmaganda uzoqlashdi...sovuqqina uning yonidan o‘tib ketdi”* [3;12]. Yozuvchi ayol obrazini yanada yorqinroq kashf etish, xarakterli jihatlarini yuzaga chiqarish maqsadida shunday bir vaziyat yaratadi, natijada u ikkita bir-birini inkor qilguvchi, biri ikkinchisini barbod qilguvchi tomonlar o‘rtasida iztirobda qoladi. Chunki inson hayotda turli-tuman munosabatlar va aloqalarga kirishganda uning onggi va xulqida o‘sha munosabatlar hamda aloqalarga mos keladigan tomonlar shakllanadi [5;56]. Baronning turlicha hiylalari oqibatida ayolda o‘zgacha bir kayfiyat paydo bo‘ladi. Farzandi onasidagi bunday o‘zgarishlarni hazm qila olmasligi, baron bilan bo‘lgan ijobiy munosabatlarning tobora chuqurlashib borayotganidan talvasaga tushayotgani, umuman, bola sifatida onasidagi keskin

4-шуба

o'zgarishlarga nisbatan tobora nafrat tuyg'usi kuchayib borayotgani ayolni tashvishga solib qo'yadi. Yozuvchi aslzoda bu xonimning axloq qoidalariga zid ravishda qilayotgan hatti-harakatlariga, baron uchun imkoniyat eshiklarini ochib berayotgan bo'ysunmas hissiyotlariga, or-nomusini chetga surib ishqiy mojaralar tomon intilayotgan nigohlariga mana shunday izoh beradi: *"Xonim ayni chog'da o'zining shunday bir hal qiluvchi yoshida ediki, bunda ayol o'zini hech qachon sevmagan eriga bir umrga sodiq qolishiga ikkilana boshlagan, uning quyoshday nur sochib turgan husn-malohati ufq ostonasiga yetgan, va nihoyat, u so'nggi bor onalik va ayollik o'rtasidagi tanlov imkoniyati oldida turardi. Garchi hayot allaqachon bu savolga javob berib ulgurgan bo'lsa-da, taqdir ushbu daqiqalarda yana bir bor shu so'roqqa duch kelgan, irodaning ohanrabo millari esa, so'nggi bor ishqiy sarguzashtlar umidi va abadiy bokiralik oralig'ida titrab turardi. Ayol bunday vaziyatda o'ta qaltis bir hukm qarshisida turadi – o'z taqdiriga bo'ysunadimi yoki farzandining baxti uchun yashaydimi, ayol bo'lsinmi yoki ona bo'lib qolsinmi"* [3;24]. Ayolning ichki kechinmalari o'rtasidagi jang avjlanar ekan, undagi tanlov qobiliyati shunchalik sustlashadi. Undagi ikki kuchli taraflardan biri ayol sifatida ozgina bo'lsada baxtli yashashga bo'lgan talab va ehtiyoji bo'lsa, biri onalik mehr-muhabbatining ustunligi, farzandi oldidagi poklik sha'ning saqlab qolinishi edi. Xonim o'zining bunday husn-u malohati uchun yuksak ehtiromga, mehr-muhabbatga, qolaversa, umuman, ayol sifatida e'tiborga, shirin so'zlarga o'zini loyiq deb hisoblagisi keladi, o'zini hech qachon sevmagan eriga sodiq qolishdan ham chekina boshlaydi, ammo uning farzandi oldidagi onalik mas'uliyati, onalik mehri bunga kuchli to'sqinlik qilib turadi. Shuning uchun ham yozuvchi uni ikki o't orasida tasvirlaydi. Sinchkovlik bilan e'tibor bergan kitobxonigina yozuvchining niyatini payqaydi, chunki u ayol zotining qalbidagi kuchli isyonga aslida qanday kechinmalar sababchi bo'lishini voqealar ostiga mahorat bilan singdirib ketadi. Bu borada biz Stefan Sveygning psixologik qobiliyatiga, so'z mahoratiga, tasvirlash uslubiga qoyil qolamiz. Chunki yozuvchi xiyonat ostonasidagi ayol qahramonini sirli tarzda kitobxon oldida oqlashni ham uddalagan. Bu bilan kitobxon ayolga nisbatan nafratni emas, balki achinish hissini ham tuyadi. Ayol sifatida esa hammaning ham mehr-e'tiborga, suyanchga, g'amxo'rlikka haqqi bor. Yozuvchi ayolning bu xohish istaklarini kitobxon to'g'ri qabul qilishini istaydi, shuning uchun yanada chuqurroq yondoshadi: *"Ayol yillar davomida o'zi bilmay intiqib kutgan, hayolan uning tanish iforini sevgan, ushbu ishqiy sarguzasht..."* [3;26] deya izoh beradi, ya'ni ayol ko'nglidagi nozik kechinmalar aslida yillar davomida mana shunday sarguzashtni kutgan, zero unda ham barcha ayollardagidek yashirinib yotgan orzu-umidlar uchquni bor. Ayolning ojiz tomoni ham ana shu ko'milib yotgan istaklarning uchqunidir.

Hikoya so'nggida ayol onalik mehr-muhabbatini, oilasini tanlaydi. Uning farzandiga bo'lgan mehri ko'ngil tubidagi shirin hissiyotlaridan ustun keladi. Endi bundan buyon hayotida hech qanday ehtirolarga berilmasdan Edgarning kelajagi uchun yashashga qasam ichadi. Ayoldagi bunday matonatni, aslida dunyoda hech bir his onalik mehr-muhabbatidan ustun kela olmasligini Stefan Sveyg juda go'zal tarzda ko'rsatib bera olgan. Eng kuchli ehtirolar ham onalik burchi oldida o'z ahamiyatini yo'qota borishini namoyon qilgan. Chunki ayol qalbida olovlanayotgan ikki alanga

4-шубба

ichida onalik mehri balandroq kelishi aks etadi va yozuvchi nazarida ayol eng to‘g‘ri yo‘lni tanlaydi. Stefan Sveyg “Yondirguvchi tilsimot” hikoyasi orqali yosh bir murg‘ak bolaning tarbiyasida, kelajagining barpo etilishida, hali hayotni to‘la anglab yetmagan bolalarcha tafakkurida onaning o‘rni va ta’siri qay darajada ekanligini ko‘rsatib beradi. Hikoya bolaning onasidan minnatdorligi hamda uning iliq mehridan g‘oyat shodlanishi bilan yakunlanadi. Ana endi bolakayning ertangi kunga bo‘lgan ishonchi kuchayadi, chunki u onasining o‘ziga nisbatan chuqur muhabbatini anglay boshlaydi.

Stefan Sveyg asarlarida ayol obrazi nafaqat ta’sirchanligi, ko‘ngilga yaqinligi bilan, shu qatorda tabiiy va jonli ekanligi bilan o‘zgacha taassurot uyg‘otadi. Uning mahorati hayotni yuzaki, sirdangina bilmasligi, balki uning ich-ichiga chuqur kirib borishi, uning oddiy kishilar ko‘zida tezda tashlanmaydigan “yashirin” tomonlarini, “sirlarini” bilib olib, undan behad ta’sirlanishi, shu hodisalarni chuqur idrok qila olishi, falsafiy xulosalar chiqara bilishi[1;64]da namoyon bo‘lib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –T. : O‘zbekiston, 2002.
2. Qur‘onov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Andijon: Hayot, 2002.
3. Sveyg S. Ayol hayotidan yigirma to‘rt soat. –T.: O‘zbekiston, 2012.
4. Umurov X. Badiiy ijod asoslari. –T.: O‘zbekiston, 2001.
5. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. –T.: 2003.

“QISASI RABG‘UZIY” DA NAMRUD OBRAZI TASVIRI

Zavqiddin Sherali o‘g‘li Burxonov,
JDPI O‘zbek til va adabiyoti fakulteti 2-magistranti
Ilmiy rahbar: Nodira Isomiddinovna Soatova,
Jizzax DPI dotsenti
filologiya fanlari nomzodi

“Bizning o‘z oldimizga qo‘ygan maqsadimiz ulug‘ zotlarning hayot yo‘li va qoldirgan buyuk merosini to‘liq tasvirlash emas, balki, ularning eng buyuk nomoyondalari timsolida ma‘rifat, ilm-fan, madaniyat, din kabi sohalarning barchasini o‘zida uyg‘unlashtirgan xalqimizning ma‘naviy olami naqadar boy va rang-barang ekanini isbotlab berishdan iborat” [1;44], – ekan biz o‘tmishimizni o‘rganishimiz, tariximizni tiklashimiz, undan o‘rnak, ibrat olishimiz, asosiysi kelajak avlodlarga bus-butun holda yetkazishimiz kerak. Ana shunday asarlar sirasiga, adabiyotimiz tarixida o‘ziga xos o‘ringa ega bo‘lgan asarlardan biri Nosiruddin Burhoniddun Rabg‘uziyning “Qisasi Rabg‘uziy” asari ham kiradi.

Zero, *“Jahon adabiyotshunosligida Oltin O‘rda adabiy muhitida yuzaga kelgan turkiy tildagi ilk adabiy-tarixiy yodgorliklar, xususan, agiografik asarlarni*

4-шуба

ilmiy-nazariy asosda tadqiq etish hamisha dolzarb vazifalardan biri hisoblangan. Payg‘ambarlarning hikoyalari, shayx-valiylar haqida bitilgan asarlarni nainki tarixiy aspektda o‘rganish yoki sharhlash, balki ularning o‘zbek adabiyoti tarixida badiiy asar sifatida tutgan mavqeyi va umumjahon estetik tafakkuriga ta‘sirini ko‘rsatish, adabiy janrlarning agiografik mazmundagi adabiy merosimiz namunalari tarkibidagi roli va vazifasini aniqlash dolzarb ahamiyat kasb etadi” [3;5].

Darhaqiqat, XIII asr oxiri va XIV asr boshlarida islom dinini qabul qilgan mo‘g‘ul bekларidan biri bo‘lgan Nosiruddin To‘qbug‘aning topshirig‘i va homiyligida yozilgan nasrning yirik namunalaridan biri “Qisasi Rabg‘uziy” o‘zbek xalqi mifologik tasavvurlari tizimida muhim ahamiyat kasb etgan mifologik obrazlarni o‘zida mujassamlashtirgan noyob, qadimiy namunadir.

Zero, “Qisasi Rabg‘uziy” asaridan o‘rin olgan hikoyatlar, rivoyat, naqlarga Qur‘on va boshqa diniy kitoblardan, tarixiy asarlar va turli xalqlardan kirib kelgan afsona va rivoyatlar ham zamin bo‘lib, ular turkiy epik an‘ana ta‘sirida yangi mohiyat va xususiyat kasb etgan.

Shu o‘rinda aytish joizki, bu asar hijriy 709 yil, milodiy 1309–1310 yil (ba‘zi manbalarda 1311–yil) yaratilgan deb ko‘rsatiladi. Yuqorida e‘tirof etganimizdek, To‘qbug‘abek Rabg‘uziyga payg‘ambarlar haqida asar yozishni topshiradi va natijada “Qisasi Rabg‘uziy” yuzaga keladi. Bu asar “Qisas ul-anbiyo”, “Qisas ul-anbiyoi turkiy” nomlari bilan ham mashhur bo‘lgan. Asosan, payg‘ambarlar hayotini hikoya qiluvchi bu asarning o‘ziga xos yaratilish tarixi bor: Musulmon sharqida bu mavzuda ko‘plab asarlar yaratilgan. Lekin asarda yozilishicha, ularning “*ba‘zisi mustaqim (to‘g‘ri, haqiqiy) bor, ba‘zisi nomustaqim. Bir onchasi (bir qanchasi) muqarrar (puxta, tugal) va bir onchasi mubattar (notugal) bor*”. Shuning uchun ham bek To‘qbug‘abek e‘tirofidek, adibning “*o‘qimoqg‘a keraklik, o‘rganmakka yarog‘liq*” o‘tmish merosimizning nodir yodgorligi bo‘lgan “Qisasi Rabg‘uziy” asari va uning muallifi Nosiruddin Burhonuddin Rabg‘uziy merosi xalqimiz tarixida muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Asar garchi anbiyolar to‘g‘risida bo‘lsa-da, sof diniy ruhdagi asarlardan farqli o‘laroq, o‘zida dunyoviy mayllarning, xalq og‘zaki ijodiga xos badiiy fantaziya tasviri ko‘lamining kengligi bilan ajralib turadi. Ushbu asari yer yuzining paydo bo‘lganidan boshlab so‘nggi payg‘ambar – Muhammad hayotiga doir bo‘lgan voqealarni tasvirlar ekan, ularda kishilarni to‘g‘rilikka, komilikka, axloqan poklikka chaqirishi bilan yuksak ahamiyat kasb etadi. Xususan, xalqimiz orasida ezgulik va yovuzlik olami bilan aloqador deb tasavvur qilinadigan Xizr, ruh, arvoh, maloyika, lashkar, alomon, alvasti, ajina, jin, dev, pari, yalmog‘iz, ajdar, sariqiz, chilton, childuhtaron, momo kabi mifologik obrazlar to‘g‘risida turli-tuman qarashlar mavjud. Chunki ajdodlarimiz qadim zamonlardan beri inson ezgu va yovuz kuchlarning bevosita ta‘siri ostida yashaydi, deb o‘ylagan. Hayotda ro‘y beradigan ezgu ishlar, muvoffaqiyatlar yaxshi, himoya kuchlar madadi tufayli sodir bo‘ladi, ko‘ngilsiz hodisalar esa yovuzlik olamiga mansub g‘ayritabiiy kuchlarning ishi deb qaralgan.

“Dunyoga boring, menga toat qiling, ma‘siyatdan yig‘iling, qon to‘kmang, xamr ichmang, xalq orasida ko‘ni hukm qiling, zino qilmang, xiyonat qilmang”. Ya‘ni inson Allohga toat qilsa, hamisha uning yodi bilan yashasa, oxiratini o‘ylasa

4-шубба

yomon ishlardan saqlanadi, o‘zidagi yomon unsur va illatlardan qutilishga harakat qiladi. “Ma’siyatda yig‘iling”–gunohdan saqlaning degani. Gunoh va savob tushunchasi asarda ko‘p tilga olinadi. “Ko‘ni hukm qiling”– bu ibratomuz so‘z amaldorlarga taalluqli bo‘lib, har ishda adolatli, to‘g‘ri hukm qilish zarurligi ta’kidlangan. Kuchsizlarga ozor yetkazmaslik va inson shahvoniy hislarga berilmasligi, bu yo‘lda yurganlarga sharmandalik, yuzi qarolik, azob–uqubat yetishi aytiladi. Islomda xamr (aroq) ichish man qilinadi. Chunki u ko‘p yomon ishlarga sabab bo‘ladi. Qon to‘kish, besabab birovni o‘ldirish ham islomda qoralanadi.

Asarda, “Qissayi Qobil va Hobil”da tasvirlanishicha, Qobil bilan Iqlimo, Hobil bilan Abudo tug‘iladi. Iqlimo go‘zal. Abudo ko‘rksiz edi. Qobilga Abudo beriladigan bo‘ldi, u ko‘nmadi. Odam ularga qurbonlik qilishni, kimning qurbonligi qabul bo‘lsa, Iqlimo berilishini aytdi. Hobilning qo‘yi qabul bo‘ldi. Qobil tosh bilan urib Hobilni o‘ldirdi. Qarg‘alarga qarab, Hobilni yerga qo‘ydi. Odam ko‘mish shundan qoldi [2;30-31].

“Qisasi Rabg‘uziy” asarida naql qilinishicha, Xudoning amri bilan Ibrohim payg‘ambar Namrudni imonga da‘vat qilsa, u “*yer yuzida menga teng keladigan odam yo‘q, endi Xudoying bilan urushaman!*” – deb qoraqushlarning oyoqlariga bog‘langan sandiq ichiga kirib olib, osmonga ko‘tarilibdi. Tepaga chiqqach, osmonga qarata o‘q otibdi. Shunda Allohning buyrug‘i bilan Jabroil alayhissalom o‘qni bir baliqqa sanchib, qoniga bo‘yab, sandiqqa qaytarib tashlabdilar. Boshqa bir rivoyatda esa osmonda bir qush bor edi, o‘q o‘sha qushga tegib, qonga belanib, qaytib tushdi, deb hikoya qilinadi. Bundan xursand bo‘lgan Namrud yerga qaytib tushayotganida sandiq ichiga yel kirib, qattiq ovoz chiqaribdi, buni eshitgan odamlar vahimaga tushishgan ekan” [2;68].

Demak, Rabg‘uziy naql qilgan islomiy afsonalar talqinicha, hazrati Jabroil Xudoning amri bilan o‘qni baliqqa sanchib, qoniga bo‘yagach, o‘qni Namrudning sandig‘iga, baliqni esa suvga tashlagan. O‘qdagi qon izini ko‘rgan Namrud “*Endi yeru ko‘kning yagona hukmdori o‘zim*” deb mamnun bo‘lib yerga qaytadi. Jabroil tomonidan tashlangan baliq esa suvga tushib, yer yuzida inson uchun yana bitta yegulik ne‘mat paydo bo‘ladi. Baliq boshining kesilganligi ham shu voqeaga bog‘lanadi: Namrudning o‘qiga sanchilganligi uchun baliq boshi kesilgan, shu bois, agar baliq o‘lgan bo‘lsa ham boshi azaldan kesilgan bo‘lgani uchun halol hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, “Qisasi Rabg‘uziy” o‘zining boy mifologik tasavvurlar va obrazlari bilan ajdodlarimizning uzoq tarixiy bosqichlardagi duyoqarashlarini badiiy ifoda etgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov. I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: 2011.
2. Рабғузий Носируддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. 1 китоб. –Т.: Ёзувчи, 1990. Биринчи китоб.
3. Курбаниязов М.А XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузий” мисолида). ф.ф.ф.доктори (Phd) диссер.автореферати. –Т.: 2019.

4-шуъба

“TAZKIRAT UL-AVLIYO” DA NAFS MASALASI

Zufnunabegim Rizvonovna Axrorova,
Buxoro DU filologiya fakulteti 2-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Ma’rifat Baqoyevna Rajabova
Buxoro DU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Nafs tasavvufda asosiy e’tibor qaratilgan masalalardan biridir. Nafs arabcha soʻz boʻlib, lugʻatlarda “qalb”, “koʻngil” yoki “yeyish - ichishga boʻlgan ehtiroy”, degan maʼnolarni anglatishiga urgʻu beriladi. Fors - tojik tilidagi lugʻatlarga esa, biror narsaning mavjudligi, jon, ruh kabi maʼnolarni ifodalashi taʼkidlangan [4;43]. Soʻfiylar orasida bu soʻz turli maʼnolarni anglatgan, masalan: bir guruh insonlar nafsni ruh deb tushungan, boshqa guruh muruvvat, yana biri esa qon maʼnosida bilgan. Tasavvuf ahlining qarashlari ommanikidan tubdan farq qilgan. Umumiy qilib aytganda, ular nafsni barcha yomonliklarning onasi, sababchisi deb bilganlar [4;43]. Nafs insonni yomonliklarga boshlar ekan, uni qanday yengish mumkin, deya savol tugʻiladi. Nafsni riyozat chekib, mashaqqatlar bilan yengish mumkinligi tariqat vakillari tomonidan eʼtirof etiladi. Fikrning isboti sifatida, Ahmad Yassaviyning quyidagi fikrlarini keltirish mumkin:

*Xorlik tortib, shum nafsingni oʻldirmasang,
 Alloh deyub ichga nurni toʻldirmasang.*

Ikkinchi misraga eʼtibor qaratadigan boʻlsak, nega nafsni oʻldirgandan soʻng “ichga nurni toʻldirmasang” deyilyapti. Buning sababi shundaki, inson qancha oz yeb, kam uxlasa qalbi shuncha poklanadi, ruhi kamolotga yetadi. Hatto Paygʻambarimiz (s.a.v) ning ham bu borada hadislar mavjud: “*Kimki dunyodan parhez etsa, uning qalbi tajalliyot nuri kiradigan joyga aylanadi*” [2;26]. Bundan koʻrinib turibdiki, keragidan ortiq soʻzlash, koʻp uxlash va koʻp yemoqlik insonning salbiy sifatlaridan biri va bular qalbni oʻldiradi. Koʻpgina shayxlar qatori mazkur masalaga shayx Fariduddin Attor ham alohida ahamiyat qaratgan. Jumladan, “Tazkirat ul-avliyo” asarida nafs tarbiyasi bilan bogʻliq bir qancha hikoyatlarni keltirilgan. Masalan, shayx Yahyo ibn Muoz Roziyning oʻgitlarini misol qilib keltirish mumkin: “*Har kim taomni koʻp yesa, farishtalar uning uchun koʻp yigʻlaydilar. Chunki koʻp yeguvchi shahvat oʻtiga bogʻlangandir*” [1;307]. Koʻp soʻzlamoqlik ham insonni toat - ibodatdan qoʻyar. Shuning uchunkim, hazrati Paygʻambar “*Sukunat ham ibodatdir*”, - demishlar [4;41]. Bunga qoʻshimcha sifatida, shayx Savriyning “*Avvali ibodat sukutdur, undan soʻng talabi ilmdir*” [1;207] kabi hikmatlarini ham misol keltirishimiz mumkin. Yana bir soʻfiy shayxlardan boʻlmish Najmiddin Kubro ham nafsni qoralaydilar, toki inson nafsini yengmas ekan, poklikka erisha olmasligini taʼkidlaydilar. Valiy Kubro nafsni insonni tubanlashtiruvchi dev qiyofasida tasvirlaydilar: “*Ichimda bir dev bor, u yashirin emas. Boshini koʻtarishi ham osonlik bilan boʻlmaydi. Ming marta iymonga keltirib,*

4-шубба

musulmon qilmoqchi bo'ldim, ammo ul kofirda musulmonlikdan nishona yo'q" [3;188].

Tasavvufda nafsni qiynash, tarki dunyo qilish, halol mehnat bilan kun ko'rish, umuman olganda, ruhni ma'no olamiga tayyorlash zuhd atamasi bilan yuritiladi. Dunyodan ixtiyoriy ravishda voz kechish, ko'ngilni dunyo tashvishlaridan xalos qilish, Haqdan o'zga barcha narsadan voz kechish, har bir shubhali narsadan o'zni tiyish - zuhdning asosini tashkil etadi. Zuhd yo'lidagi kishilar – zohidlar demakdir. Shayx Xurosoniyning aytishlaricha, *“Zohid shunday odamki, qanday hojati bo'lsa, Allohdan boshqa hech kimdan so'ramaydi”* [1;426]. Shayx Savriyning fikrlariga ko'ra, *“Zohidlik shol kiyib, arpa noni yeyish emasdir, zohidlik nafsi istaganni bermaslikdir”* [1;207]. Darhaqiqat, shayx Zunnun o'n yil qatqli osh orzu qilganlar, lekin uni nafslariga bermaganlar. Bayram uchun shu taomni yemoqchi bo'ldilar, ammo Alloh ishqi uchun yemadilar. Shunda bir kishi shu yegulikni olib keldi va Payg'ambar (s.a.v) tushlarida ko'rganligini va u zot bu ovqatni shayx Zunnun nafsi bilan sulh qilib, bu ovqatni yeyishi kerakligini aytadi. Shundan so'ng, shayx Misriy bu ovqatni tanovul qildilar. So'fiylar va shayxlar shubhali yeguliklardan uzoq turganlar. Masalan, shayx Ibrohim ibn Adham qirq yildan beri Makkaga borgan bo'lsalar-da, umuman xurmosini tanovul qilmaganlar. Buni sababini so'rganlarida, biror kishi sotib olgan bo'lsa, shubhasidan qo'rqishlarini aytganlar.

Nafsni jilovlash, unga qul bo'lmaslik, bularning barchasi sabr orqali erishiladi, shuning uchun ham mo'tabar manbalarda *“Sabr - iymonning yarmi”* deyiladi. Fikrimizni ulug' shayxlarning hayoti tasdiqlaydi. Shayx Ibrohimning bir kuni ozuqalari tugaganini, u kishi sabr qilib qirq kun ro'zalarini balchiq bilan ochganlarini aytish mumkin. Shayx Junaydi Bag'dodiyning aytishlaricha, amallarning yaxshirog'i nafsni saqlash, nafsni saqlasa, dinini saqlaydi [1;352]. Bunga qo'shimcha ravishda shayx Bag'dodiy banda bilan Alloh orasida to'rt daryo borligini va bu daryolardan kecholmasa, Haqqa yetolmasligini aytadilar. E'tiborga molik jihati shundaki, bu daryolardan biri nafsdur. Yana bir toat ahlining peshvosi bo'lgan shayx Zunnuni Misriydan inson qachon jannatga loyiq bo'lishini so'rganlarida, u kishi ozuqasini tayyorlagan, nafsi bilan hisoblashgan, o'limga muntazir bo'lgan vaqtda, deya javob beradilar [1;158]. Demak, har bir mo'min - musulmon kamolotga erishmoqchi bo'lsa, u o'z nafsini tiyishi, haromdan hazar qilishi darkor. Ko'pgina shayxlar halol mehnat bilan kun ko'rishga alohida ahamiyat berganlar. Masalan, shayx Utba ibn G'ulom o'z qo'llari bilan arpa ekkanlar, shundan o'zga narsa yemaganlar. Shayx Yusuf Asbot otalaridan qolgan yetmish ming dinorni ishlatmay, xurmo yog'ochidan buyum yasab kun ko'rganlar. Yoki shayx Horis biror bir shubhali taomga qo'l uzatsalar, qo'llarining tomirlari chiqar va shundan taomning shubhali ekanligini bilar edilar. Bundan xulosa qilish mumkinki, halol mehnat bilan kun ko'rish, oz yeyish qalbni kamolotga yetkazadi. Bu o'rinda shayx Doroniyning *“Ochlik ko'ngilni munavvar etar, to'qlik ko'ngilni qoraytirar”* degan fikrlarini eslash lozim. Shuningdek, oz yemoqlik bilan bog'liq jihatlar Shayx Abdulloh Hafifning faoliyatlarida ham yaqqol namoyon bo'ladi. U kishi har kecha yetti dona uzum bilan ro'zalarini ochib, yukim yengil bo'lsin, shunda oxiratda ham yukim yengil bo'ladi, der edilar. Shuning uchun ham u kishini Abdulloh Hafif (yengil) deb atar edilar

4-шубба

[1;438]. Aytishlaricha, bir kuni Shayx Hafifning xodimi u kishiga sakkiz dona uzum beradi va shayx Abdulloh uni sanamay yeydilar. Oqibatda, har kecha topadigan toat zavqini shu kechada topmaydilar. Buning sababini xodimlaridan so‘rganlarida, u shayxning ojiz va kuchsiz bo‘lganliklari sababli, uzumni sakkiz dona berganini aytadi. Shayx Hafif esa u kishiga toatni buzadigan do‘st kerak emasligini aytadilar va boshqa xodim tayinlaydilar. Demak, nafs inson kamoloti uchun to‘siqdir. Shu bois barcha shayxlar ayni masalaga katta e‘tibor qaratgan. Jumladan, shayx Abdulloh Hafif ham.

Xulosa qilib aytganda, nafs va uning tarbiyasi tasavvufning muhim masalalaridan biridir. Fariduddin Attorning “Tazkirat ul- avliyo” asarida keltirilgan qator hikoyatlarda mazkur masala o‘z yechimini topgan. Ya’ni tasavvufda har bir shayx, so‘fiy zuhd orqali o‘z ruhini poklaydi, gunohlardan tiyiladi va Haqqa erishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Attor F. Tazkirat ul-avliyo. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2013.
2. Komilov N. Tasavvuf yoki komil inson axloqi. 1-kitob. –T.: Yozuvchi, 1996.
3. Komilov N. Tasavvuf. Tavhid asrori. 2-kitob. –T.: Adabiyot va san‘at, 1999.
4. Haqqulov I. Tasavvuf saboqlari. –Buxoro: Buxoro Davlat universiteti, 2000.

ZEBUNNISO IJODIDAN BAHRA OLIB

Sitora Safar qizi Oltmishova,
Jizzax DPI O‘zbek til va adabiyoti fakulteti 3-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar: Surayyo Isomiddinovna Eshonqulova,
Jizzax DPI dotsenti
filologiya fanlari nomzodi

Bu ko‘hna dunyoda muazzam Sharqdan chiqqan ne-ne mashhura-yu manzura ayollar bo‘lgan. Ularning ijodini xayolan bir marjonga tizadigan bo‘lsak, ular ichida Zebunniso ijodi gavhardek yonib turadi.

Zebunniso nomi zikr etilganda ko‘z oldimizga ma’naviyati boy, hayo va ibo bilan jahonni lol etgan go‘zallar go‘zali namoyon bo‘ladi. Shoiraning boshqalarga o‘xshamaydigan otashnafas she’riyatini mutolaa qilar ekanmiz, qarshimizda nuqtadan shoiray-yu, donishmand olima qad rostlaydi.

Zebunniso asarlari mazmunini chaqib ko‘rishga urinsak, uning Haq taologa va albatta oddiy xalqqa yaqinligini his qilamiz. Zebunniso g‘azallari orqali ishq muhabbat, mehr va shafqat, vafu va sadoqat hayotning ilhom manbayi ekanligini hamda erk va hurriyat kabi ilg‘or g‘oyalarni tarannum etgan. Dastlabki, she’rlaridayoq tabiat tasviri orqali insonning orzu- umidlarini, adolat va haqiqatni

4-шубба

kuylagan. Rostlikni haqqoniylikni targʻib qilgan aldamchi firibgarlardan nafratlangan (*Bersa ham jannatni, aldanma kishilar soʻziga*).

Garchi shoira shoh qizi boʻlsa-da tabiatan kamtar va oliyhimmat boʻlgan, boylik hamda shon-shuhratlarga qiziqmagan.

*Duxtari shoham valekin roʻba faqr ovardaam,
Zebu zinat bas haminam: nomi man Zebunnisost.*

Mazmuni:

*Shoh qizi boʻlsam-da, qildim faqr yoʻlin ixtiyor,
Bas menga bu zebu ziynatkim otim Zebunniso [1;3].*

Ijodining baʼzi tomonlari Bedil falsafasiga hamohang shoira insonning goʻzalligi keltirgan foydali ishida, mehnatida, qadr-qimmatini uning maqsadida deb biladi. Inson koʻnglini ovlagan kishi Kaʼbaga borib ziyorat qilmoqlik bilan barobardir. Buni tushunmaganlar esa behuda yoʻllarni bosib, kohishlar chekib, inson qalbi bir Kaʼba misoli ekanini bilishmas, toza ochiq qalb – Allohning uyi bu yerdadir deb goʻzal ohorli tashbeh orqali fikrini ushbu baytda keltirgan:

*Bu tavfi Kaʼba kучo meravi, dile daryob,
Ki xalq behuda chon mekanad, cho inchost.*

Mazmuni:

*Kaʼbaga bormoq na hojatdur agar dil ovlasang,
Behuda yoʻllar kezar bu xalqu, jo bu yerdadir [2;26].*

Shoira koʻplab gʻazallarida ishq muhabbat masalasiga toʻxtalib, uni hayotning manbayi deb biladi.

*Garchi man Layli asosam dil chu Machnun dar havost,
Sar ba sahro mezanam, lekin hayo zanchiri post [1;69].*

Mazmuni:

*Layli zotidan esam-da, dilda Majnuncha havo,
Togʻ-u tosh kezugum kelur, lekin yoʻlim toʻsgay hayo.*

Zebunniso ishq-muhabbat masalasiga takror-takror murojaat qilishi bejiz emas. Shoira Oqilxon Roziy ismli shoirtabiat bolaga koʻngil qoʻyadi. Biroq otasi u yigitni oʻziga kuyov qilishdan or qilib uni qatl ettirgan.

Oqilxonning oʻlimidan soʻng Zebunniso qalbida yangi yor uchun oʻrin qolmaydi. Shoira poyoni yetmagan ishqiy dostonini umri davomida kuylab oʻtadi.

Zebunniso kamtarlik bilan oʻzi haqida quyidagi misrani yozgan:

*Har matoyero xaridor ast dar bozori husn,
Pir shud Zebunniso oʻro xaridore nashud.*

Mazmuni:

*Husn bozorida har matoga bor xaridor,
Ammo Zebunniso qaridi-yu, unga xaridor topilmadi [2;26].*

Shoira ijodining mavzu doiasi kengdir. Uning sheʼriyatida oʻta kamtarona oʻy- xayollarni ham koʻplab uchratishimiz mumkin:

*Ba gʻayri sabza napoʻshad kase mazore maro,
Ki qabrpoʻshi gʻaribon hamin giyoh bas ast.⁵*

Mazmuni:

Yashil maysadan oʻzga hech kim qabrimni yopmasin,

4-шуба

Toki g'ariblar qabrini yopmoq uchun shu giyohning o'zi kifoyadir [2;3].

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, Shoh qizi boz ustiga aql va idrokda tengsiz yuksak she'riy istedod sohibasi Zebunniso ijodiga qancha ko'p to'xtasak oz. Shoira goh ishq-muhabbat, goh mehr-shafqat goh, erk va ozodlik kabi mavzularda xaqqona asarlar yaratgan. U yaratgan asarlari insonlar qalbiga yetib bordi, davrlar sinoviga bardosh bera oldi.

G'azallari o'zbek xalqining sevimli qo'shiqlariga aylangan. Hozirgi Xiromiy Nodir, Sobir Abdullo va boshqalar Zebunniso g'azallariga muxammaslar bog'laganlar. Shoira yaratgan ma'naviy meroslar nafaqat yurtimizda. qolaversa jamiyki xalqlar orasida ham yuksak o'rinda turadi hamda ardoqlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Fayziyev F. Temuriy malikalar. M. Muinzoda tarjimasini. –T.: O'zbekiston, 2013.
2. Qodirova M. Zebunniso. M. Muinzoda tarjimasini. –T.: Fan, 1982.

5-шуба

ДАРСЛИК - СИНОВ ВА МУНОЗАРА МАЙДОНИ ЭМАС

Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа,
ТДУТАУ Ўзбек адабиёти ўқитиш
методикаси кафедраси профессори,
филология фанлари доктори

Миллий адабиёт дарсликларини тубдан янгилаш харакатлари мустақиллик бўсағасида бошланиб, мустақиллик даврида уларнинг бир неча авлоди майдонга келди. Ўттиз йиллик дарслик яратиш тажрибаси маҳсулларини ғалвирни бир сувдан кўтариб кўришдек таҳлил этишга ҳам зарурият ва эҳтиёж вужудга келди. Негаки, 2014 йили кейинги авлод 8- ва 9-синф “Адабиёт” дарсликларининг 3-нашрлари босилиб чиқди. Ўша йили ушбу дарсликларнинг олдинги нашрлари тўғрисида Ўзбекистон телерадиоканалининг “Нигоҳ” ва “Мезон” кўрсатувларида жиддий танқидий фикрлар айтилди. Ушбу кўрсатувлар Республика Таълим марказида муҳокама қилинди. Аммо, мазкур кўрсатувлар “Адабиёт” дарсликларининг янги нашрлари чоп этилишидан аввал тайёрланган эди. Шу боисдан улар телекўрсатувлар “Нигоҳ”идан четда қолди. Аслида, дарсликларга эътибордаги жонланиш бежиз эмас эди. Бунинг боисини янги “Адабиёт” дарсликлари таҳлилида ҳам кўришимиз мумкин. Биз ушбу дарсликлар таҳлили юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида 2015 йил март ойида “Янги “Адабиёт” дарсликлари танқид ва адабиётшунослик илми маҳсулидир” мавзuida маъруза қилдик ва янги адабиёт дарсликларини шу тариқа таҳлил этиб боришни Кенгаш анъанасига киритдик. Адабиёт дарсликлари ва умуман, адабий таълимнинг аҳволи доимий равишда Ёзувчилар уюшмасининг диққат марказида турса, яхши бўларди. Аммо Кенгаш бу ишни биздан кейин давом эттирганича йўқ.

Аслида, Истиклол арафасида умумтаълим мактабларининг 5-11-синфлари учун бутунлай янги дастур ва дарсликлар яратишда Ёзувчилар уюшмаси жуда катта ёрдам берган ва шароит яратган эди. 25 забардаст танқидчи ва адабиётшунос олим сараланиб, уларга жамоавий жипсликда дарслик яратиш учун Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон боғидан шароит яратиб берилган эди. Профессорлар У.Норматов ва Б.Қосимов раҳбарлигидаги олимлар жамоаси Дўрмон оромгоҳида ётиб-туриб янги дастур ва дарсликларни яратган ҳамда жиддий, баҳамжиҳат муҳокамалардан ўтказиб пишитган. Дарсликларнинг янги авлоди ўша шароитнинг меваси эди. Афсуски, Истиклол даври биринчи авлод “Ўзбек адабиёти” дарсликларидан кейин аввалги жамоавий жипслик бўлмади. Дарслик муаллифларини танлашдаги адолатли меъёр бузилди. Муаллифлар жамоасини шакллантиришда манфаатпарастлик, монополия, бошбошдоқлик юзага келди. Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов ЎЗР Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган: “Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори” сарлавҳали нутқида: “*Ҳар бир соҳа бўйича дарсликни ўша фаннинг атоқли вакиллари ёзмайдиларми ?*” [12;14] дея

5-шуба

талаб кўйган эди. Ана шу – бирламчи ҳақиқий меъёрий талаб эди. Кейинчалик кўпчилик дарслик муаллифлари соҳанинг атоқли вакиллари бўлмай қолди. Иккинчи асосий меъёрий талаб дарслик ёзувчиларнинг умумтаълим мактабларида дарс берганликлари, яъни педагогик тажрибага эга бўлганликлари эди. Ҳозир дарсликка муаллиф бўлиб олган айрим дўстларимиз ушбу меъёрни тан олишни истамайдилар. Бироқ, бу - адолатли меъёр. Чунки дарслик ёзадиган мутахассис нафақат илмни, балки ўрта таълим жараёнини яхши биладиган, мактаб дарсхонаси ва муҳитини ҳис қиладиган, ўқувчи ёшларнинг руҳиятини тушунадиган, билимни уларнинг ёш қобилиятларига мос услубда – тушунарли, равшан баён эта оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун у амалда мактаб билан алоқадорликда ишлаганлиги тақозо этилади. Кейинги пайтда мактабда бир соат ҳам дарс бермаган мутахассислар ҳам дарслик муаллифи бўлиб олишди. Бундан ташқари, тендер ўпқони дарслик ёзишдаги адолатни маҳв этди. Дарсликлар манфаат исканжасида қолди. Эътиборсизлик, назоратсизлик шунга шароит яратиб берди.

Истиқлолгача бўлган давр билан қиёсан қараганда, “Адабиёт” дарсликлари, умуман, қаноатланарсиз аҳволда эмас. Шунинг учун ҳам улар таълим ишларига татбиқ этилган. Улар истиқлолий тафаккур билан яратилмоқда. Адабий меросимиз ҳеч бир мафкуравий чекловларсиз, ҳурфикрлик асосида талқин этилаётир. Бугунги кун нуқтаи назари билан қараганда эса, дарслиklarимизда мутлақо қаноатланарсиз ҳолатлар ҳам борки, улар нашрдан-нашрга тузатилмай ўтиб борапти. Агар дарслик ҳар тўрт йилда бир нашр этилишини инобатга олсак, ундаги хатолар тўрт йиллик таълим жараёнида давлат стандарти сифатида ўқувчи ёшлар онгига мажбурий равишда сингдириладики, онгда маҳкам ўрнашган бу маълумотларни кейинчалик тузатиш душвор.

8-синф “Адабиёт” дарслигининг сўнгги 3-нашрида айрим ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Масалан, дарсликнинг 1- ва 2-нашрларида Алишер Навоининг (Улуғ мутафаккир Низомиддин Мир Алишернинг таҳаллуси аслиятига мувофиқ “Навойи” шаклида ёзилади. Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси Абдурауф Фитрат ўз асарларида таҳаллусни шундай қўллаган, унинг асарларидаги таҳаллус имлоси замонавий нашрларда ҳам аслича чоп этилди. Профессор Ҳамид Сулаймон “Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида”ги (“Адабий мерос”, 1977 йил, 9-сон, 43-бет) мақоласида масалага манбашунос сифатида ёндашиб, “Навойи” шаклидаги ғалати машҳурнинг келиб чиқиши тарихини батафсил ёритди ва муаммони тўғри ҳал этди. Адабиётшунос олим Н.Жумахўжа 1990 йиллари Ўзбекистон матбуотида эълон этилган қатор мақолаларида ва “Истиқлол ва она тилимиз” китобидаги “Навойи” таҳаллусининг бадий маъно миқёслари ва имлосига доир” сарлавҳали мақоласида (“Шарқ”, Т., 1998, 79-90-бетлар) таҳаллуснинг тўғри ёзилишини исботлади. Шу китобда, “Халқ сўзи” газетаси ва “Муштум” журналида бир муддат таҳаллуснинг шу имлосига ўтилди. Аслида, таҳаллусни қандай (“Навойи” ёки “Навойи”) ёзиш ҳақида тарихда бирор қарор қабул қилинмаган

5-шуба

ва бунга зарурият ҳам бўлмаган, нима сабабдандир (эҳтимол, рус имлосига ўтиш муносабати биландир) хато йўлга ўтиб кетилган. Биз юқорида эслаган жараёндан сўнг, жамият махсус қарорга эҳтиёж сезди шекилли, яна хато имлога қайтди. Бироқ бу масалада махсус қарор қабул қиладиган бирор муассаса йўқ. Биз “Ўзбек адабиёти тарихи. XVI-XIX аср I ярми” [3] номли дарслигимизда ҳам тахаллусни аслига мувофиқ шаклда қўллаганмиз. Тилдаги ўзаги унли товуш билан тугаган тахаллусларга ёйи нисбат “йи” шаклида қўшилиши қонунияти асосида Навойи, Атойи, Гадои тахаллуслари бир хил ёзилади. Мазкур мақолада ҳам Навойи тахаллуси аслига мувофиқ қўлланди. Биз бошқа мутахассисларни ҳам Навойи тахаллуси аслиятини тиклашга чақирамиз.) машҳур “Муножот” куйи билан айтиладиган “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали ҳақида куйидагича фактик хато бор эди: “Навоий ғазалларининг ёзилиш йиллари маълум эмас. Тахмин қилиш мумкинки, бу ғазални шоир устози ва пири Абдурахмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин битган” [14;86]. Дарсликнинг бу қисми филология фанлари номзоди, навоийшунос Султонмурод Олимов томонидан ёзилган. Навойи ижодиёти бўйича диссертация ёзиб ёклаган, Навойи тўғрисида китоблар чоп эттирган олимнинг бундай хатоларга йўл қўйишини тасаввурга сиғдириш қийин. Ахир, 1492 йилда Навоий 51 ёшда бўлган. Бу шоирнинг қарилик даврига тўғри келади. Ҳолбуки, “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали Навоийнинг илк девонида мавжуд. “Илк девон” эса шоирнинг дўстлари ташаббуси билан, унинг тобора қўлма-қўл тарқалиб бораётган асарларини тўплаш асосида Навоийнинг 24 ёшларида тузилган. Аниқки, ғазал Навоийнинг ёшлик лирикасига мансуб. Биз 2011 йили Тошкент вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига ишга ўтиб, Тил ва адабиёт таълими кафедраси мудири, профессори лавозимларида ишлаб, дарсликлар таҳлили билан шуғулланганимизча, ҳеч ким бундай хатоларни пайқамаган кўринади. Бундай хатолар икки нашр мобайнида, саккиз йил давомида ўқувчи ва ўқитувчилар онгига сингдирилган. Биз ҳар ойда малака оширишга келган ўқитувчилар гуруҳидан ҳам, 2013 йили билимлар беллашуви ғолиблари дам олаётган оромгоҳда Таълим маркази тадбири чоғида ўқувчилар билан учрашганда, улардан ҳам сўрадик: бир овоздан дарсликдагидай “ғазал шоирнинг устози ва пири Абдурахмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин ёзилган”, деб жавоб беришди. Дарсликнинг 3-нашрида мана шу далил бизнинг уринишларимиз натижаси ўлароқ тузатилган.

Дарслик муаллифи “*Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор, Келди жон озгимгаю, ул шўхи бадхў келмади*” байтидаги “бадхў” сўзини “бадхоҳ”, яъни “ёмонлик истовчи” маъносида янглиш тушунган ва тушунтирган. Дарсликнинг 1-2-нашрларида ўқиймиз: “*Бетоқат ёр ҳар замон-ҳар замон чиқиб, маъшуқ йўлига интизор бўлди, ҳатто, жон унинг оззига келди-ю, у ёмонлик истовчи шўх гўзал келмади*” [13;85]. Байтдаги “бадхў” сўзи луғатлардаги шарҳ ва изоҳларда “*ёмон одатли, ёмон феълли, ёмон қилиқли*” деб берилган бўлса-да, дарсликдаги талқин муаллифи “бадхў” сўзини “бадхоҳ” сўзи билан чалкаштириб юборган. Ҳақиқатан ҳам, форсий “бадхоҳ” сўзи ўзбекчада

5-шуба

“ёмонлик истовчи” маъносини англатади. Бирок, байтдаги “бадхў” сўзи ҳам форс тилидан олинган бўлиб, у “бад” – “ёмон”, “хў” – “фёъл-атвор” маъноларини англатади. Аслида, шоир “шўхи бадхў” иборасини ҳазил-мутойиба аралаш эркалаш маъносида қўллаган. Негаки, висолга ваъда бериб, ўз вақтида келмай, ошиқнинг сабр-тоқати, иродаси, садоқатини синаш ҳар бир маъшукка хос ҳаётий хусусият. Шу боисдан, ёрнинг “бадхў”лиги ваъда бериб, ваъдасида турмаслигида, холос. У – асло бадфёъл эмас. Акс ҳолда, лирик қаҳрамон уни севиб қолмас эди. Сўнгги 3- нашрда мана шу хато ҳам тузатилди. Аммо, бу тузатишлар осонликча амалга ошмади. Биз не машаққатлар билан мазкур дарсликлар аҳволи ҳақида малака ошириш институтида ва Низомий номидаги педагогика университетда маърузалар қилишимизга, илмий тўплам ва матбуот саҳифаларида танқидий мақолалар чоп этиришимизга, Республика Таълим маркази раҳбариятига расмий мурожаат йўллашимизга, телерадиоканаллар орқали чиқишларимизга тўғри келди. Бу жонкуярликларимиз эвазига Таълим маркази тўртинчи нашргача ҳам мазкур дарсликларни кўрсатилган камчиликларнинг ҳаммаси тузатилган ҳолда чоп этилишини таъминлай олмапти. Муаллифлар эса хатоларини ошкора тан олиб, охиригача тузатмаяпти. Янги тўртинчи нашр билан биз ҳали танишиб чиқишга улгурмадик.

Оқибатда, 3-нашрда бошқа кўп камчиликлар тузатилмаган ва улар кейинги нашрда ҳам тузатилмаслиги хавфи бор эди. “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали матнига тўққизта матний ўзгартириш киритилган. Уларнинг айримлари устидагина тўхталамиз. Қачонки Навойи асарларининг Ҳ.Сулаймон ва П.Шамсиев таҳриридаги мўътабар нашрлари, илмий-танқидий матнлари, илм дунёсида тан олинган “Мукамал асарлар тўплами”, “Тўла асарлар тўплами” мавжуд экан, дарслик муаллифи улардаги асил матнларни ўзбошимчалик билан ўзгартиришга ҳақли эмас. Дарслик синов ва мунозара майдони эмас. Баҳсли ўзгартиришлар ғазалдай мўъжаз бадий асар иморатини, мазмун-моҳиятини бузиб юборди.

Дарслик муаллифи ғазал матнини ўз хусусий талқини мақсадига бўйсундирмоқчи, яъни истаган шахсий фикрига мослаштирмоқчи бўлади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам

Йўлгаким, аввал қадам маъшукни ўтру келмади

- байтидаги ҳеч бир нашрда қўшиб ёзилмаган “аввал” ва “қадам” сўзларини “аввалқадам” шаклида қўшиб ёзади. Ўзи ҳосил қилган “аввалқадам” сўзида “пешқадам” маъносини туяди. Бу билан матнда йўқ “пешқадам пир” тушунчасини ҳосил қилмоқчи бўлади. Дарсликдаги талқинга эътибор беринг: “Байтнинг сўзларидан келиб чиқадиган маъно-мазмуни қуйидагича: Содиқ толиб топилмайди, шундай бўлмаса эди, кимки йўлга қадам қўйса, “аввалқадам”, яъни ундан олдинроқда юрадиган бир маъшук рўбарў келмайдими” [15;113]. Ушбу мазмунни наинки 8-синф ўқувчиси, балки олий маълумотли она тили ва адабиёт ўқитувчиси ҳам тушуниб ололмайди. Бу ерда муаллиф ўзининг асосиз тасавуридаги олдинда юриб бораётган “аввалқадам”, яъни пешқадам пир Жомий ва унга эргашган мурид Навойини

5-шуба

назарда тутган. Бу талқин – мантиксиз. Ахир, ошиқдан олдинроқда кетаётган маъшуқ олдинга қараб кетаверади-да, қандай қилиб ошиққа “ўтру” – рўбарў келади? Ўқувчи ва ўқитувчи бу талқинни қандай тушунсин?

Бундан ташқари, ғазал матнида пир образи, умуман, йўқ. Ғазалда йўқ образни тўқиб чиқариш ва айниқса, дарсликка тикиштириш ғайриилмий йўл. Ғазалда дунёвий муҳаббат тасвирланган. Дарслик муаллифи эса мурид Навойининг пир Жомийга ишқи тасвирланган, деган даъвони илгари суради. Ҳолбуки, ғазалда пир ва мурид муносабатларига, ҳатто, ишора ҳам йўқ. Бўлган тақдирда ҳам, икки эркак – пир ва мурид ўртасидаги муносабатни ишқ-муҳаббат деб талқин этиш ғайриахлоқий қарашдир. Устоз ва шогирд, пир ва мурид ўртасидаги дўстона муносабатни ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ихлос ва садоқат дея баҳолаш мумкин. Дарслик ўрта асрлар ўқувчиси учун ёзилмайди. Шу боисдан ҳам, замонавий, дунёвий давлат ва жамиятда яшаётган, дунёвий руҳда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларга устоз ва шогирд, пир ва мурид орасидаги муносабатни ишқ-муҳаббат деб талқин этиш ўринсиз.

Талқин давомида гап тасаввуф фалсафасига боғланиб борадики, муаллиф матн мазмунидан буткул ташқарига чиқиб кетади. *“Бу ерда нозик фалсафий-тасаввуфий масала кўтарилган, - дея давом этади у. - “Йўл” байтда тасаввуфни, Аллоҳ ишқини билдиради. Бу йўлда эса садоқатли талабгор (ошиқ) топилмаяпти. Айни гап билан шоир пирга ишора қилган. Чунки пир ҳаммиса бу йўлни муриддан аввалроқ босиб ўтган, яъни у “аввалқадам” бўлади. Аввалқадам ошиқ эса Аллоҳ васлига етиб, маъшуққа айланади. Мурид ана шу шайхнинг этагидан тутиб, унга эргашимоқчи. Чунки Аллоҳни севиш учун мурид аввал пирни севиши керак. Бошқача айтганда, Аллоҳга муҳаббат йўли бевосита пир қалби орқали ўтади. Чунки тасаввуфда пирга комиллик тимсоли сифатида қаралади”* (ўша бет). Муаллиф наинки ғазал матнидан четлашиб кетди, ҳатто, ғазал матни ва мазмунида бўлмаган тасаввуфий образ ва тушунчаларни ўйлаб чиқариб, талқинга сунъий равишда татбиқ этди. Хўш, ғазал матнига ёпишмайдиган бу мавҳум талқинни қандай қилиб адабиётни тушунишни энди ўрганаётган 8-синф ўқувчисига тушунтириш мумкин? Тасаввуфий бўлмаган ғазални тасаввуфий деб зўрма-зўраки талқин этиш – бадий асарни сохталаштириш, наинки сохталаштириш, балки ўқувчи онгига, тафаккури – мафкурасига маънавий-ахлоқий таҳдиддир.

Мустақиллик даври биринчи авлод дарсликларида тасаввуф ҳақида махсус мавзу бор эди. Ўша мавзуни дарс жараёнида ёритиш орқали ўқитувчи ва ўқувчилар бир оз йўлланма олишар ва тасаввуфий асарларни тушунишар, дея қаноат ҳосил қилиш мумкин эди. У даврда тасаввуф мавзуси 9-синфда, биз муҳокама қилаётган асарлар эса 8-эмас, 10-синфда ўқитиларди. 11 йиллик умумтаълим тизимидан 9 йиллик умумтаълим тизимига ўтилганида адабиёт дастурларини ўзгартирган педагогика фанлари доктори, профессор Қозокбой Йўлдошев мазкур асарларни ўйлаб ўтирмасдан автоматик равишда 8-синф дастурига кўчириб қўяқолган. Ўсмирлик даврида икки йилда ҳам ўқувчилар руҳияти, онгу идрокида катта ўзгаришлар рўй беради. Ҳозирги дарсликлардаги мазкур асарлар 8-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос эмас. Биз

5-шуба

Таълим маркази ходимларига дастурни тубдан янгилаш зарурлиги, мактаб ўқувчиларига соддароқ асарларни ўқитиш лозимлиги ҳақида доим гапириб келамиз. Лекин натижа чиқмаяпти. Тасаввуф жуда мураккаб таълимот бўлиб, ундаги баҳсли, чалкаш муаммолар тарихда не-не мутафаккирларнинг бошига етмаган?! Жумладан, Мансур Ҳаллож, Бобораҳим Машраб шу тасаввуф маслагини жамият тўғри тушуна, қабул қила олмагани оқибатида дорга осилганлар, курбон бўлганлар. Ҳозир ҳам тасаввуфни талқин этишда баъзан катта олимлар ўзлари чалкашиб кетадилар. Бас шундай экан, тасаввуфнинг баҳсли талқинларини мактаб ёшидаги болаларга сингдиришга уриниш ўринли эмас.

Аслида, байтнинг мазмун-моҳияти анчайин содда ва ҳаётий. Байтда изчил ёритилаётган мавзу юзасидан хулоса, ҳукм чиқарилган. Муаммонинг фалсафий ечими баён этилган. Маълумки, олдинги байтларда лирик қаҳрамон, яъни ошиқ ҳижрондан шикоят қилиб келаётган эди. У заиф ва нолакор бир вазиятда турганди. Байтда шоир ошиқнинг бундай вазиятига танқидий муносабат билдиради. *“Толиби содиқ”*, яъни садоқатли талабгор топилмас экан, дея фикр юритади шоир. Ваъдага вафосиз ёрнинг жабру ситамларидан оҳ-воҳ чекиш билан кифояланиш чинакам ошиқнинг иши эмас. *“Йўкса”*, яъни бўлмаса, ёрнинг йўлига ким *“аввал”*, яъни биринчи бўлиб журъатли, дадил кадам қўйдиким, у маъшуқи рўпарасига пешвоз чиқмади?! Риторик сўроқ бор бу ерда. Ҳеч қанақа пир ва мурид муносабатлари йўқ!

Биз 2014 йилги навойишунослик анжуманидаги маърузамиз ва матбуотда чоп этилган мақолаларимизда Навойининг *“Қоши ёсинму дейин...”* ғазали мақтасидаги охириги сўз *“эт”* эмас, балки *“эп”* бўлиши тўғрилигини қайта-қайта исботлаб берган эдик [7;14-19]. Дарслик муаллифи эса ё бу мақолаларни кўрмаган ёки била-кўра Ҳ.Сулаймон нашридаги тўғри вариантни қабул қилмай, Навойи *“МАТ”* ва *“ТАТ”*даги *“Эй Навойи, дема қошу кўзининг васфини эт”* нуқсонли шаклини янги нашрда яна такрорлаган.

Навойи тилидаги *“киби”* сўзи *“МАТ”*нинг дастлабки томлари нашрларида ғалат тарзда *“кеби”* шаклида ёзилган эди. Биз ўша даврдаёқ *“Ўз АС”*да эълон қилинган *“Ғаройиб чечаклар”* сарлавҳали мақоламизда [4] бу – хато эканлигини, бундай ёндашув Навойи тилини ўзгартириб юбориши мумкинлигини айтган эдик. Навойи *“ТАТ”*да бу хато тузатилди, *“кеби”*лар *“киби”*га айлантирилди. Лекин дарсликнинг 3-нашрида бу хато ҳам тузатилмаган. Ушбу далиллар дарслик муаллифи илмий жараёндан узоқлашиб қолганлигини, қайта нашр жараёнида фан янгиликларидан фойдаланолмаганлигини кўрсатади. Бу фикримизга яна асосимиз шундан иборатки, дарслик-мажмуа муаллифи С.Олимов кейинги қатор йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясида ҳар йили ўтказиладиган навойишунослик илмий анжуманларида қатнашмайди, ҳатто, ўз дарслик-мажмуаси ҳақида матбуотда чоп этилган танқидий мақолаларга жавоб ҳам бера олмайди. Илмий жараёндан четдалик шу билан изоҳланса керак-да. Ҳолбуки, дарслик муаллифи илмий-адабий жараёндан бохабар, унинг фаол қатнашчиси, дарслик маълумотлари илмий-адабий жараён янгиликларига мувофиқ бўлиши керак.

5-шуба

С.Олимовнинг сурункали хатоларга йўл қўйиб келаётганлиги шундай хулосани ҳам келтириб чиқарадики, дарсликка муаллиф танлаганда, номзоднинг базавий маълумотини ҳам инобатга олиш зарур экан. Чунки С.Олимов, мактабда дарс бермаганидан ташқари, филология эмас, балки журналистика факультетини битирган. У – асл ихтисоси жиҳатидан журналист. Мутахассис ҳам аслига тортади, кейинги даврда унинг журналистик фаолияти кучайиб кетди. Матбуотда асосан публицистик мақолалари билан кўринади. Дарслик-мажмуанинг услубида ҳам публицистик хусусиятлар кўп.

Навойишуносликда энг машхур баъзи сўз-тушунчаларнинг чуқур ўйланмай, текширилмай қўлланган нотўғри талқинлари ҳам бемалол нашрдан-нашрга ўтиб келаверган. Масалан, “Кўҳкан” – Навойи қаҳрамони Фарҳодга нисбатан қўлланадиган лақаб. Бу форсий сўз “кўҳ” (тоғ) ва “кан” (кази) ўзакларидан ясалган ва у тоғ қазувчи маъносини англатади. Ушбу сўз-тушунча дарслик янги нашрининг 105-бетда “*тош йўнувчи*” деб шарҳланган. Ҳолбуки, “Кўҳкан” тош йўнувчи эмас. Навойи ва бошқа Шарқ мумтоз адабиёти намояндлари тош йўнувчини “*сангтарош*” деб ифодалайдилар. Сангтарошлик Шарқ меъморчилиги ва амалий санъатида алоҳида хунар ҳисобланади. Кейинги 106-бетда энди “Кўҳкан” – “тоғ йўнувчи” дея талқин этилади. Тоғни эса йўниб бўлмайди. Навойишуносликнинг бундай нозик “калит” сўзларидан навойишунос огоҳ бўлмоғи ва ўқувчиларни сўз-тушунчаларнинг асл моҳиятидан чалкаштирмаслиги лозим эди.

Дарсликда адабиёт назарияси нуқтаи назаридан ҳам нотўғри фикрлар илгари суриб келинмоқда. С. Олимов ғазалшунослик назариясида йўқ “*бегона байт*” тушунчаси ва терминини сунъий равишда дарсликнинг 1- ва 2-нашрларига олиб кирган. Унингча, ғазалда мактадан олдин келадиган лирик чекиниш тарзидаги фалсафий байтлар, хусусан, “...*Ул сарви гулрў келмади*” ғазалининг “*Толиби содиқ топилмас*” деб бошланадиган байти “*бегона байт*” эмиш. Аввало, шунинг англаш керакки, нафис адабиётнинг энг фаол ва энг нафис лирик жанри бўлмиш ғазалга нисбатан “*бегона байт*” тушунчасини қўллаш нафосатдан эмас. Нафис санъатга нафосат билан ёндашган маъқул. “*Бегона байт*” эса қўпол ва дағал атама. Мумтоз шеърятимизда “*бегона байт*” деган тушунча *мавжуд*”, деган маълумот асоссиз. Шу дарсликкача бирор илмий манбада бундай тушунча қўлланмаган.

Дарслик янги нашрининг назарий маълумот қисмида “*бегона байт*” тимсолида гўёки “Америка кашф этилган”. Гўёки ғазалдаги учта байтнинг алоҳида номи бор эмиш. Булар матла, макта ва бегона байт эмиш. Ҳали илмий муҳокамага олиб чиқилмаган, эътироф этилмаган тушунчани умумэътироф этилган минг йиллик “матла” ва “макта” терминлари қаторига қўйиш илмий этикага ҳам тўғри келмайди. Терминология илмида расмийлашганлик тушунчаси бор. Муайян атама соҳа олимлари томонидан тан олинб, маъқулланса ва у умумэътироф этилиб, илмий жараёнда ҳамма мутахассислар томонидан фаол қўлланса, ўшандагина у махсус соҳага расмийлашган ҳисобланади ҳамда термин мақомини олади. Терминнинг атамадан асосий

5-шубба

фарқи ва ўзига хос хусусияти ҳам мана шунда. Расмийлашмаган атама дарсликка олиб кирилмайди. Бу – исбот талаб қилмайдиган оддий қоида.

Мана, гўёки илмий асослашдек тасаввур уйғотишга уринилган ва дарслик услуби учун хос бўлмаган яна бир тушунтириш: *“Ғазалчилигимиз, хусусан, Навоийи ғазалларидаги бу типик хусусиятни кўплаб навоийшунослар кузатган, таҳлил этган. А. Ҳайитметов бунини умумий қилиб “лирик чекиниш”, Ё. Исҳоқов “бегона ёки қистирма байтлар”, Н.Комилов эса “гардиш”, “бозгаит” (“қайтиш”) деб номлайди. Аслида, Навоийи ғазалларида асар мазмуни билан боғланмаган байт бўлмайди. “Бегоналик” – нисбий тушунча. У “лирик чекиниш” маъносини муайянлаштирган ҳолда ифодалаб келган. “Чекиниш” билан “бегоналик” – бир-бирига жуда яқин тушунчалар ҳисобланади” (140-бет). Дарсликнинг аввалги икки нашрига билдирилган эътирозларимизга жавобан берилган “исбот” бу. Аввало, дарслик илмий исботнинг ўрни эмас. Дарсликка фақатгина исботланган ва тасдиқланган, умумэътироф этилган фикрлар киради. Қолаверса, иқтибосда асарларига ҳавола қилинган бирорта навоийшунос “бегона байт” атамасини қўлламаган. Муаллиф С.Олимов Ё. Исҳоқовдан кўчирма келтира туриб, *“Навоийи поэтикаси”* китобида йўқ “байтлар” сўзини қўштирноқ ичига киритиб, китобхонни очик-ойдин алдайди. Гўёки, Ё.Исҳоқов “бегона байт” атамасини қўллагандай кўрсатади. Мана, Ё.Исҳоқовнинг саҳиҳ жумласи: *“Тавсифий (таъриф, мадҳда ҳам) ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг “бегона” ёки қистирмалиги яққол сезилиб туради”* [8;62]. Қани бу гапда “бегона байт” термини? Ё.Исҳоқовнинг “бегона” сўзини қўштирноққа олгани ва “яққол сезилиб туради” дегани мақтадан олдинги байтнинг “бегона байт” деб аталишини билдирмайди. У профессор А.Ҳайитметовнинг “лирик чекиниш” атамасини қўллаб турибди. Қуйироқда бундай байтни у эпиграммага ҳам ўхшайди дейди. Бундан ташқари, Ё.Исҳоқовнинг китоби илмий монография. Илмий китобда баҳсли масалаларни бемалол муҳокама қилавериш мумкин, лекин дарсликда мумкин эмас. Чунки ўқувчи олим ҳам эмас ва мактабда адабиётшунос ҳам тайёрланмайди. Қолаверса, “Бегона байт” ҳам – лирик чекинишнинг айнан ўзи экан, “бегона”лик – нисбий тушунча экан, ясама “бегона байт” тушунчаси ва атамасини умумтаълим мактаблари дарсликларига олиб киришга нима зарурият бор? Ниҳоят, “чекиниш” ва “бегоналик” асло “бир-бирига жуда яқин тушунчалар” эмас.*

Ғазал таҳлили жуда нозик соҳа. Навоийшунослигимиз бисотида *“Қаро кўзум...”* ғазалининг шоир ва олимларимиз томонидан яратилган ўнлаб таҳлиллари мавжуд. Лекин ҳамма ғазаллар ҳам *“Қаро кўзум...”*дек ҳар томонлама ёндашув ва турли-туман талқинларга асос беравермайди. Шунинг учун дарсликдаги *“Жонга чун дермен...”* ғазали таҳлили, янгича таҳлил яратиш мушуқлигидан, бизнинг 10-синф дарслигимиздан, *“Ёрдин айру кўнгул...”* ғазали таҳлили Н.Маллаев қўлланмасидан ўзлаштирилганлиги кўриниб турибди. *“Қаро кўзум...”* ғазали таҳлили 40 йил мобайнида изчил давом этган. Атоқли шарқшунос олим Исмадулла Абдуллаев ғазалга 1975 йилда ёзган 1-шарҳида *“ғамзада”* сўзини *“ғамза – ноз-карашма”* маъносидан талқин этган.

5-шуба

Мазкур сатрлар муаллифининг 1987 йил, 27 февралда “Ўз АС”да чоп этилган “Ғазал ва таҳлил” мақоласида унинг шарҳи танқид қилинганидан кейин шу мақолага ёзган раддиясида: *“бизнинг таҳлилимизда “гамзада – гам чеккан, жабрланган” сўзи нотўғри талқин қилинган, бунинг учун газетхонлардан узр сўраймиз”*, дея айбини мардларча тан олган. Орадан оз эмас – кўп эмас, нақд 20 йил ўтганидан кейин, 2006, 2010 йилларда чоп этилган ва 8 йил давомида амалда бўлиб, Республика умумтаълим мактабларининг 8-синф ўқувчиларига мажбурий таълим жараёнида ўқитилган 8-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасида С.Олимов мазкур хатони яна такрорлаган. Яъни, дарслик-мажмуада *“Қаро кўзум...”* ғазали шарҳини баён этиш жараёнида: *“Ошиқ... итига гамза пайти (!) жон риштасидан ип қилишни айтади”* [13;124, 14;90], деб ёзган. И.Абдуллаев-ку форс тилини билмас эди. Наҳотки, амалда ўзи ўзбек-форс тиллари бўйича зуллисонайн бўлган С.Олимов *“гамзада”* сўзининг маъносини билмаган? Наҳотки, навойишунос олим ғазал таҳлилининг тарихий такомилени кузатмаган ва тузатилган хатони кўрмаган? Ахир, бир ғазалга шарҳ ёзаётган олим ўзидан олдинги шорихларнинг тажрибаларини кўриши керак эмасми? Бу савдога ҳайрон қоласан, киши. Бизнинг Республика Таълим маарказига ва матбуотга расмий-танқидий мурожаатимиздан кейингина С.Олимов ушбу хатони дарслик-мажмуанинг 3-нашрида тузатди, лекин *“Қаро кўзум...”* талқинида яна талай камчиликлар тузатилмай қолди.

9-синф “Адабиёт” дарслиги 3-нашрининг ютуқлари билан бирга ўта жиддий камчиликлари ҳам борки, улар ижобий хусусиятларига раҳна солиб турибди.

“Абдулла Орипов туйғулари қуруқшаган ўзбек шеърятига ўйчил гам ва гамга қоршиган ўй олиб кирди” [11;102]. Ушбу жумлалар олдинги нашрда хиёл юмшоқроқ ёзилган эди: *“Абдулла Орипов туйғулари ўзбек шеърятига ўйчил гам ва гамчил ўй олиб кирди”* [10;213]. Қандай чиройли, гўзал жумлалар! Дарслик муаллифи *“ўйчил гам ва гамчил ўй”* каби тарди акс санъати намуналарини кўллайди. Офарин! Бироқ икки нашр оралиғида ўзбек шеърятини туйғулари қуруқшаб қолганига қойил қолмадик. Назаримизда, миллий шеърятимиз ҳамиша туйғуларга бой, хассос бўлган. Ҳеч қачон қуруқшамаган ва қуруқшамайди ҳам. Шунинг учун иккинчи нашрдаги баҳо меъёри дуруст эди. Учинчи нашрда нима сабабдандир ошириб юборилган. Яна бир қизик муқояса. Иккинчи нашрда ўқиймиз: *“Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Абдулла Орипов шеърятини ўзбек миллатининг соф туйғуларини сақлаб қолди”* [10;213]. Маъқул гап. Энди шу жумланинг учинчи нашрдаги “такомил”ини кўринг: *“Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Абдулла Орипов шеърятини ўзбек миллатини туйғуларнинг қуриб қолишидан сақлаб қолди”* [11;102]. Жуда қизик. Ўзбек миллати туйғуларининг қуриб қолиши фақат битта шоирга боғлиқ эканми? Энг муҳими, буни 9-синф ўқувчилари қандай тушуниб, қандай қабул қилишаркин? Агар шу баҳо ҳақ бўлса, Абдулла Ориповгача бўлган бошқа шоирларни ўқитмай қўяқолган маъқул эмасми? Абдулла Орипов менинг ҳам энг севимли шоирларимдан. Бироқ, бир шоирни кўкка кўтараман деб, бошқа кўпчилик шоирларни ерга уриш ҳам инсофдан эмас-да. Абдулла Орипов бу йўсиндаги

5-шуба

шарафлашга мухтож ҳам эмас. Буюк шоирнинг “*Менсиз ҳам мукамал экан бу дунё*” деган ўз иқдорномаси ҳам бор. Қолаверса, Абдулла Орипов шеърини тўғрисида ёзишга дарсликда атиги икки бет имконият бор экан. Мавжуд имкониятдан филологик таҳлил учун фойдаланган маъкул эди, назаримизда. Юқоридаги гаплар эса публицистик услубда ёзилган.

Ўзбек мумтоз адабиёти қисмига келганда, дарсликдаги қусурлар олдинги нашрлардан мисли кўрилмаган даражага кўтарилади. Машраб ҳақидаги қисм кўйидагича публицистик пафос билан бошланади: “*Ҳаёт йўли афсоналарга қоришиб кетган, сурати-ю сийрати ривоятларда баён этилган, халқ орасида ҳалоллик, тўғрилиқ, Ҳаққа ошиқликнинг тимсоли бўлиб гавдаланган Маширабдек шахси ва ижоди машҳур зотни топиш қийин. Фарҳод ва Қайс севиқлилари Ширин-у Лайлига интилгани каби Машираб ҳам Яратганининг васлига беқарор интилган* (эътибор беринг: беқарор интилганми ё барқарор интилганми? – Н.Ж.) *ошиқи аналҳақдир. Киши унинг шахсини билгани сайин ва ижодини ўрганиш мобайнида ўзининг ҳам тозариб бораётганини туюди, буюк Тангрига яқинликни ҳис қилади. Шунинг учун ҳам уни ўқимоқ, ўқмоқ керак*” [11;113]. Бундай баландпарвоз жумлалар матбуот учун ёзилган мақолаларга, юбилейлардаги нутқларга, машрабхонлик байрамларига ярашади. Лекин улар аниқлик, ихчамлик, сиқикликни талаб қиладиган дарслик услубига мувофиқ эмас. Дарслик публицистик услубни кўтармайди. Дарсликка содда, тушунарли, вазмингина услуб зарур. Ким шундай услубда ёзолмас экан, у дарслик муаллифлигига даъво қилмагани маъкул.

Машрабнинг таваллуд санаси тўғрисидаги илмий мунозаралар, турли тарихий саналар тўғрисидаги тафсилотлар ҳам дарслик учун ортиқча. Улар 9-синф ўқувчисига керак эмас. Ўқувчига ягона аниқ маълумотни бериш кифоя. Бундай баҳсталаб маълумотлар мухтарам Тест маркази экспертларига, арзимаган чойчақа эвазига уларга тестлар тузиб берадиган тесттузар биродарларимизга жуда кўл келади. Улар ютоқиб ҳар бир маълумотни, иложи борича, ҳар бир жумлани тестлаштирадилар. Қарабсизки, ёзги олий ўқув юртларига қабул жараёнларида болаларимизга ортиқча бошоғриқ кўндаланг бўлади. Тўғри, дарслик тест тузиш учун ёзилмайди. Лекин, қандай бўлмасин, тестни кўпайтириш илинжидаги мутахассислар буни ҳисобга олмайдилар. Уларга асос бермаслик мақсадида дарсликка ортиқча маълумотни киритишдан сақланган маъкул.

Мана, яна шундай ортиқча маълумотлардан бири: “*Шунингдек, мутахассисларгагина яхши таниш бўлган “Мабдаи нур”, “Кимё” каби бадиий-фалсафий, диний-ахлоқий асарлар ҳам Машираб қаламига мансуб деб қаралади*” [11;114]. Биз ҳам вақтида шу маълумотни 10-синф дарслигига киритганмиз. Унда ҳам маълумот айнан шундай шаклда акс этган. Лекин ҳозир вазият бошқача-ку. Орадан салкам чорак аср вақт ўтди. Дарсликни қайта ишлаганда илмий-адабий жараён натижаларига ҳам қараш керак-да. Ўтган даврда бу асарлар Машраб номидан нашр этилди. Мазкур асарларнинг муаллифи масаласида матбуотда баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Машрабнинг ушбу асарларга муаллифлиги шубҳа остида турибди. Бу вазиятда юқоридаги

5-шуба

маълумотга ҳам муносабат ўзгаради. Шундан тегишли хулоса чиқариб, маълумотни дарсликнинг янги нашридан олиб қолиш керак эди. Бу ортиқча маълумот етмаганидай, “Савол ва топшириқлар” қисмида қуйидагича савол ҳам турибди: “*Мабдаи нур*”, “*Кимё*” каби бадий-фалсафий, бадий-ахлоқий асарларнинг муаллифи ким?” Ушбу саволга илм-фан намояндalари жавоб беролмаяптилар-ку, мактаб ўқувчиси қандай жавоб берсин? Муболағасиз, бу саволга ҳозирги шароитда наинки Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ҳеч ким жавоб бера олмайди. Баҳс-мунозара қизиганида, мен ҳам “Мабдаи нур” асарини синчиклаб ўрганиб чиқдим. Кўп маълумот тўпладим. Асар муаллифи кимлиги ҳақида узил-кесил, қатъий хулосага ҳам келдим. Бироқ, бу хулосани илмий муомалага киритиш учун игна билан қудуқ қазигандай узоқ ва машаққатли меҳнат қилиб, фундаментал тадқиқот яратиш керак. Олинадиган натижа сарфланадиган вақт ва меҳнатга арзимайди. Шунинг учун йиққан материалларимни, ҳозирча, захирага сақлаб қўйдим.

Мухтарам дарслик муаллифлари илмда ечими топилмаган масалаларни дарсликка олиб кираётганлари билимли, салоҳиятли ёшларимизнинг истиқболга зомин бўлаётганини, улар дарслик маълумотига ишониб тестологиянинг маккор ўйинларига қурбон бўлаётганларини билишармикин? Масалан, билимдон абитуриент Дамиржон Солиев кириш имтиҳонлари синовларида 2006 йилда 156, 2007 йилда 190 балл тўплаган бўлса, 2008 йилда 214 балл тўплаган. Лекин, афсуски, ўша йили ўзи орзу қилган институтга кириш учун ўтар балл 214,8 баллни ташкил этган ва у бу сафар дарсликдаги нотўғри маълумот туфайли ўқишга киролмаган. Дарслик асосида тузилган ва абитуриент истиқболга раҳна солган тест қуйидагича тузилган:

Савол: Машраб ижодида тарғиб этилган қаландарлик маслаги қайси тариқат шахобчаси ҳисобланади ?

Жавоблар: А) Қодирийлик; В) Кубравийлик; С) Яссавийлик; Д) Нақшбандийлик.

Абитуриент ўзи ўқиб таълим олган 10-синф “Адабиёт” дарслигидаги маълумотга мувофиқ равишда “С” жавобни тўғри белгилаган. Ушбу дарсликнинг амалдалиги шу билан асосланадики, у ДТМ томонидан 2007 йили олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларига тайёргарлик кўраётган абитуриентларга тақдим этилган дарсликлар рўйхати (“Маърифат” газетаси, 2007 йил, 5 май сони)да мавжуд. 10-синф “Адабиёт” дарслигида қуйидаги маълумот берилган: “*Машрабнинг айрим шеърларида ХВИИ-ХИХ асрларда Туркистонда кенг ёйилган қаландария мазҳабига мойиллик сезилади... Қаландария аслида Аҳмад Яссавийдан бошланган “жаҳрия”нинг бир кўриниши*” [2;306].

Д.Солиев ўз тақдирига нажот излаб Давлат тест маркази апелляция комиссиясига мурожаат қилганида, 9-синф дарслигидаги мана бу жавоб тўғрилигини таъкидлашган: “*Машраб нақшбандийлик шахобчаси бўлмиш қаландарлик маслагини тутган ва уни ижодида тарғиб этади*” [9;126]. Мазкур маълумот дарсликда [11;116] ҳам айнан такрорланган.

5-шуба

Энди аниқ бўлдики, тестнинг тўғри жавоби иккита экан. Қоида бўйича, ҳар қандай тест саволи битта тўғри жавобга эга бўлиши керак. Иккита тўғри жавобга эга бўлган тест брак тест, яъни нотўғри тузилган тест ҳисобланади. Д.Солиев ўз жавобида тўла ҳақли. У амалдаги умумтаълим ўрта мактаб дарслигидаги бор жавобни белгилаган. У – оддий мактаб битирувчиси, мутахассис ҳам, олим ҳам эмас. У тестнинг жавоби икки хиллигига ҳам, дарсликларда жавобнинг турлича талқинлари мавжудлигига ҳам айбдор эмас. Тестнинг дарсликлар бўйича иккита тўғри жавобга эгаллигига ва дарсликларда тестнинг икки хил жавоби мавжудлигига дарслик муаллифлари, тест тузган мутахассис ҳамда шу тестни Давлат кириш имтиҳонларига киритган ДТМ экспертлари айбдор. Улар нафақат айбдор, ҳатто жавобгар ҳам. Чунки битта тестнинг нотўғри тузилганлиги инсон тақдири нотўғри ҳал қилинишига сабаб бўлмоқда.

Тасаввуф таълимотига тааллуқли аниқ илмий маълумотлар шуни тасдиқлайдики, тестда сўралган **“қаландарлик”** – маслак ҳам, мазҳаб ҳам, бирорта тариқатнинг шахобчаси ҳам эмас. Қаландарлик ўзи алоҳида тариқат бўлмагани сингари, бирорта бошқа тариқатга мансуб ҳам бўлолмайди. 9-синф **“Адабиёт”** дарслиги муаллифлари қаландарликни **“маслак”** деб атайдиларки, бу – нотўғри. Чунки, **“маслак”** термини **“тариқат”** термини билан маънодош, яъни синоним. Ҳар иккала термин ҳам бир хил – диний-фалсафий йўл деган тушунчани англатади. Аслида, қаландарлик – маслак ҳам, тариқат ҳам эмас. 9-синф **“Адабиёт”** дарслиги муаллифлари қаландарликни яна **“нақшбандийлик шахобчаси бўлмиш”**, деб ёзадилар. Бу қараш ҳам ҳеч қандай илмий асосга эга эмас. Бирорта манбада нақшбандийликнинг шахобчаси мавжудлиги ёки қаландарлик нақшбандийликнинг шахобчаси бўлганлиги ҳақида маълумот йўқ. 10-синф **“Адабиёт”** дарслиги муаллифлари қаландарияни **“мазҳаб”** деб атайдилар. Аммо, дин тарихида санокли диний мазҳаблар тасниф этилган, қаландария уларга нисбатан жуда тор ва кичик тушунча. **“Мазҳаб”** термини йирик диний партиялар тушунчасини билдиради. Масалан, ханафия мазҳаби, шиа мазҳаби каби. Қаландарлик эса мазҳабга нисбатан майдороқ – маслак, тариқат даражасида шакллана олмагани сингари, мазҳаб сифатида ҳам шаклланмаган. Умуман, қаландарликнинг оқим сифатидаги асосий қирралари илм-фанда ҳанузгача ҳам аниқланмаган. Шундай бир вазиятда, тасаввуфдек мураккаб ва чигал соҳа бўйича мутахассис бўлмай туриб, дарслик муаллифларининг юқоридаги асоссиз фикрларни таваккалига ёзиб юборганликлари катта хатодир. Мактаб дарсликларида бундай маълумотларга асло эҳтиёж ва зарурият йўқ эди. Бундай таги йўқ маълумот мамлакатдаги миллионлаб ўқувчиларни, қирқ мингдан ортиқ она тили ва адабиёт ўқитувчиларини, ниҳоят, ДТМ экспертларини ҳам чалғитиб, чалкаштириб келмоқда. Бу чексиз маънавий зарардир.

Педагогика фанлари доктори Қ.Йўлдошев ўзи ўзбек мумтоз адабиёти бўйича мутахассис бўлмай туриб, айрим мумтоз адабиёт вакиллари чеккага суриб чиқариб, бир неча дарсликларга муаллиф бўлиб олди. Бу ҳам етмагандек, тендер баҳонасида, уят ва андишани унутиб, адабиётшунос мутахассис

5-шуба

бўлмаган, оддий журналист ўғли Жалолбек Йўлдошбековни 9-синф адабиёт дарслигига ҳаммуаллиф қилиб олди. Ҳақиқий муаллифларни четлатишдек қилмишини хаспўшлаш учун, “мутахассисми-мутахассис” дегандек, матбуотда бирор кичкина мақола эълон қилса ҳам, мутахассислар томонидан “акс-садо” орқали тузатилмасдан иложи йўқ бўлган Валижон Қодировни ҳаммуаллиф қилиб олди. Ҳамма соҳалардагидек, ишга ихтисоссиз ёндашув дарсликлар сифатида ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Абитуриент Д.Солиевнинг йўқотилган 2,1 балини тиклаш учун нажот излаб мурожаат қилмаган идораси қолмади. У қуйи идоралар раҳбариятига ҳам, Давлат қабул комиссиясига ҳам мурожаат қилди. Улар маъмуриятчилик услубидаги жавоб билан чекландилар. Муаммони фақат биргина чора, суд орқали ҳал қилиш йўли қолди, холос. Д.Солиев, одил судлов йўлидаги демократик ислохотлар сиёсатига ишониб, ўз тақдири учун судлашишга аҳд этди. Чунки суд абитуриентнинг битта тўғри жавоб учун 2,1 балл қонуний ҳақини ундириб бериши ва у 216,1 балл билан ўқишга бемалол кириб кетиши мумкин эди. Суд жараёни узоқ чўзилди. Мен отасининг илтимосига кўра, дарслик ёзган мутахассис сифатида абитуриентни судда бир йил ҳимоя қилдим. Аммо, суд ҳам жабрдийда йигитга нажот беролмади. Давлат Тест марказини айбдор қилолмади. ДТМ эксперти суд залида очик-ойдин агар бу абитуриентнинг йўқотган бали тикланадиган бўлса, миллионлаб одамлар кўтарилиши мумкинлигини эътироф этди. Абитуриент дарслик муаллифини ҳам судга бериб кўрди. Аммо қонунларимиз ҳали бундай оқибатлар жавобгарини аниқлаш ва унга нисбатан ҳуқуқий чора қўллаш даражасида такомиллашмаган экан. Суд осонгина ажрим чиқариб, жабрдийдаги қабул комиссиясига ва таълим муассасаларига мурожаат қилишни тавсия этди. Толиққан талабгор орзусидан воз кечишга мажбур бўлди. Отанинг қарғишдан бошқага кучи етмади.

Янги 9-синф дарслигининг энг аянчли томони шундаки, унга кўчирмакашлик илллати оралаган. Дарсликни ўқиётиб, ўз жумлаларимни таниб, унинг муаллифлиги масаласида иккиланиб қолдим. Қаландарлар ҳақидаги мана бу жумлаларни ўзаро қиёслаб кўрайлик: *“Улар ҳар қандай дунёвий исканжадан озод бўлиш учун муқим уй-жой, макон тутмаганлар”* (9-синф дарслиги, 117-бет). Энди 10-синф дарслигида ўқиймиз: *“Қаландарлар ҳар қандай дунёвий исканжадан озод бўлиш учун доимий макон ҳам қурмаганлар”* [1;254].

Дарсликнинг Огаҳий қисмида *“Устина”* радифли ғазал таҳлили” (138-140-бетлар) тўлиғича биздан кўчирилган. Муқояса учун айрим жумлаларни келтирамиз. 10-синф дарслигимиз 4-нашрининг 343-бетидан: *“Мушкин қош”*, яъни қора ва нафис қош туклари *“чашми жаллод”* – жаллод кўзлар атрофида ҳайъат аъзоларидек саф тортишган. Кўзнинг қатл этувчи, жон олувчи жаллод сифатида тасвирланиши анъанавий ҳолат. *“Мушкин қош”* ибораси ҳам анъанавий. Бироқ мушкин қош тукларининг ҳайъат сифатида жонлантирилиши ва жаллод кўзлар билан иттифоқ туздирилиши Огаҳийнинг ижодий кашфиёти – новаторлигидан далолатдир. Новаторликнинг қиёмига етган ҳосиласи шундаки, қошлар кўзлар билан иттифоқ тузиб, ошиқни қатл этиш учун ҳукм

5-шуба

чиқарадилар. Бунинг бадий ифодаси ҳам жуда мароқли”. Энди 9-синф дарслиги янги нашрининг 138-бетидан ўқиймиз: “Мушкин (қора ва хушбўй) қош” туклари, “чаши жаллод” – жаллод кўзлар устида ҳайъат аъзоларидек саф тортишган. Кўзнинг қатл этувчи, жон олувчи жаллод сифатида тасвирланиши анъанавий ҳолат. “Мушкин қош” ибораси ҳам анъанавий. Бироқ мушкин қош тукларининг ҳайъат сифатида жонлантирилиши ва жаллод кўзлар билан иттифоқ туздирилиши Огаҳийнинг ижодий кашфиётидир. Кашфиётнинг қиёмега етган ҳосиласи шундаки, қошлар кўзлар билан иттифоқ тузиб, ошиқни қатл этиш учун ҳукм чиқарадилар. Бунинг бадий ифодаси ҳам жуда мароқли”. Афсуски, Қ.Йўлдошев ўзининг жавоб хатида мана шундай яққол кўриниб турган кўчирмакашликдан ҳам тониб турибди-да. Шунга кўра, биз ушбу кўчирмакашлик ҳақида махсус мақола эълон қилишга мажбур бўлдик [5]. Дарслик муаллифларидан Валижон Қодиров докторлик диссертацияси муҳокамасига келганида, ҳақиқатан, кўчирмакашликни у амалга оширганини тан олди.

Биз дарсликларнинг бошқа қисмларини қиёсий текшириб кўрмадик ва бунга ортиқча вақтимиз ҳам йўқ. Лекин бир яхлит қисмини бошқа олимнинг интеллектуал мулкидан ўмарган муаллифларнинг дарсликларнинг бошқа қисмларини ўзлари ёзганларига ишониб бўладими? Йўқ, “Ёлғончининг жазоси” эртагида одамлар ёлғончининг рост гапига ҳам ишонишмаганидек, ўғриларнинг ҳалол меҳнатига ҳам ишониб бўлмайди. Хўш, нега дарсликларимиз бундай аҳволга тушиб қолди? Бу саволга жавоб тариқасида хулосаларимизни умумлаштирсак ҳам бўлади.

Аввало, дарсликларнинг назоратдан четда қолиб кетганлиги бош сабаблардан бири. Дарсликлар адабиётшунослик маҳсулининг бир йўналиши сифатида илмий-адабий жамоатчиликнинг доимий диққат марказида бўлиши лозим. Иккинчидан, дарсликлар соҳанинг атоқли вакиллари, миллатнинг виждони бўлган зиёлилар томонидан ёзилишига эришиш, бу соҳада юқорида кўрилгани сингари монополиялаштиришга, худбинлик, ўзбошимчалик ва манфаатпарастликка йўл қўйилмаслиги зарур. Учинчидан, дарсликлар нашрдан олдин амалда таҳрир ва тақриз қилинмай келган. 8-9-синф дарсликларининг ҳар учала нашрларига ҳам В.Раҳмонов масъул муҳаррир этиб белгиланган. Бу шахсни жамоатчилик синчков бир мутахассис сифатида яхши билади. Агар у ҳақиқатан ҳам масъул муҳаррирлик қилганида, дарсликлардаги мазкур хатолар унинг назаридан қочмаган бўларди. У дарсликларнинг ақалли бирорта нашрини ҳам, ҳатто, ўқиб чиқмаган. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараб келган. Аммо у ҳам ўзи масъул муҳаррир бўлганини билмаганини, нашриёт ўзбошимчалик билан унинг номини дарсликларга ёзиб қўйганини баҳона қилмоқда. Кейинги нашрларда Таълим марказининг етакчи методистлари Н.Ғуломова ва К.Усмонова В.Раҳмоновга шерик масъул муҳаррирлар бўлиб олишган. Лекин улар бу ишнинг уддасидан чиқадиган мутахассислар эмас, қандайдир манфаатни кўзлашган, холос. Минбаъд бундай масъулиятсиз муҳаррирлардан воз кечган маъқул. Тақризчилар ҳам хўжақўрсинга белгилаб келинган. Дарсликлар нашр олдидан ҳақиқий, ҳалол тақриз қилинмаган.

5-шубба

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг папкасида филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг 8-синф дарслигининг бир нашри учун ёзилган тақризи сақланади. У жуда юзаки ёзилган ва бирорта камчилик кўрсатилмаган, демакки, муаллиф кўлёмани ўқимаган. 8-синф дарслигининг учала нашрида ҳам шоир Усмон Кўчқоров тақризчи деб ёзилган. Аниқланишича, У.Кўчқоров бу китобларга тақризчи эканлигини билмаган ҳам. Биз виждонли, ҳалол бу шоир, таржимон, муҳаррир билан суҳбатлашганимизда, у дарсликка тақриз ёзиш масъулиятли иш эканлигини, ҳатто, ундан илтимос қилишганида ҳам, рад этган бўлишини, шаънига нолойиқ иш қилишганини афсус билан таъкидлади. Бу – учига чиққан кўзбўямачилик эмасми? Ахир, бу ошкора давлат ва жамиятни алдаш – хиёнатку! Эндиги нашрларда бундай қусурлардан сақланишимиз лозим. Халқ таълими вазирлигида бу борада ҳақни қарор топтирадиган, хиёнаткорларни жазолайдиган, адолатни тиклайдиган азаматларни мустақим этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегали Қ., Жумахўжа Н. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Тўртинчи нашри. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.: 2003.
2. Бегали Қосимов, Боқижон Тўхлиев, Қозоқбой Йўлдошев. Адабиёт. 10-синф учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. XVI-XIX аср I ярми. Дарслик. Noshir, –Т.: 2019.
4. Жумахўжа Н. Ғаройиб чечаклар / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990. 20 апрель.
5. Жумахўжа Н. Дарсликдаги кўчирмакашлик/ Ма'rifat. 2017 йил.
6. Жумахўжа Н. Изоҳланмаган сўзлар. Ўз АС, 2014 йил, 21 март.
7. Жумахўжа Н.. Навойи асарларидаги айрим сўзларнинг маънолари ва матний хусусиятлари//Ўзбек тили ва адабиёти. 2014. 1-сон, 14-19-бетлар.
8. Исҳоқов Ё. Навойи поэтикаси. –Т.: Фан, 1983.
9. Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж.. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик-мажмуа. –Т.: Янгийўл Полиграф сервис, 2006.
- 10.Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. 9-синф учун дарслик. Қайта ишланган 2-нашри. Янгийўл полиграф сервис, 2010.
- 11.Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. 9-синф учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Янгийўл полиграф сервис, 2014.
- 12.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1999.

5-шуба

13. Олим С., Аҳмедов С., Кўчқоров Р. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. –Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.
14. Олим С., Аҳмедов С., Кўчқоров Р. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. Иккинчи нашри. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
15. Олим С., Аҳмедов С., Кўчқоров Р. Адабиёт. Биринчи қисм. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Қайта ишланган учинчи нашри. –Т.: Ф. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2014.

**“O‘ZBEK DIALEKTOLOGIYASI”NI O‘QITISH VA BU SOHADA
TADQIQOTLAR OLIB BORISH METODIKASI XUSUSIDA**

Tolib Djumanazarovich Enazarov,
TDO‘TAU O‘zbek tilshunoslik kafedrasini professori,
filologiya fanlari doktori
Gulrux Tolib qizi Jumanazarova,
Toshkent shahridagi 320-maktab tarix fani o‘qituvchisi
Jahongir Tolib o‘g‘li Jumanazarov,
Toshkent shahridagi 320-maktab o‘zbek tili va adabiyoti o‘qituvchisi

Bugungi kunda turli fanlar doirasida innavatsion texnologiyalar amalda qo‘llanayotgan bir paytda dialektologiyasi sohasining o‘qitish hamda mazkur soha bo‘yicha ilmiy ishlar olib borish metodikasi muammolari haqida fikr yuritish kerak. O‘zbek dialektologiyasi masalalari XX asrning 20-yillaridan to 80 yillarigacha bo‘lgan davrdagi ushbu sohada amalga oshirilgan ilmiy ishlar qattiy bir tartibda olib borilmagan, tadqiqotchilarning tashabbuslari asosidagi ilmiy izlanishlarning faoliyati stixiyali tarzda, ya’ni kim qaysi shevani ishlashini o‘zi hal qilgan, sho‘ro manfaatlariga xizmat qilgan rahbariyat esa shunday mavzularni faqat tasdiqlab, ro‘yxatdan o‘tkazishgan, xolos. Ya’ni mamlakatimiz hududi shevashunoslik bo‘yicha maxsus markazlashtirilgan kordinatsion kengash qarori bilan birma-bir o‘rganilmagan, aniqrog‘i, nomigagina ilmiy ishlar olib borilgan. Natija ham shunga yarasha – markaziy shaharlar shevalari o‘rganilgan, qolgan hududlar esa umuman qolib ketgan va dialektal matnlari ham yig‘ilmagan [2;3-54]. Bu haqidagi fikr-mulohazalar hozir birinchi marta aytilayotgani yo‘q, balki bundan o‘ttiz uch yil oldin ham o‘zbek dialektologlaridan biri Do‘stmurod Abdurahmonov tomonidan aytilib, maxsus ilmiy ishda ta’kidlangan [1;248-271]. Ushbu masalalarga e’tibor berilmagani uchun ilmiy ishlarni olib boradigan dialektolog mutaxassislar va dialektologiya masalalari bilan shug‘ullanadigan tadqiqotchilar masalasi bahsli mavzu bo‘lib qolmoqda. Soha bo‘yicha yozilgan (mavjud besh yuzga yaqin) ilmiy ishlar ko‘riladigan bo‘lsa, ularning qariyb hammasi nazariy va amaliy xarakterdagi ishlar bo‘lib, “O‘zbek dialektologiyasi”ni o‘qitish bo‘yicha ilmiy metodik ishlar yo‘q hisobi.

5-шуба

O‘zbek xalq shevalarining hammasi o‘rganilganday taassurot kelingan, ammo shevalarimiz to‘liq o‘rganilmaganligi aniq bo‘lgani kabi ma’lum vaqt o‘tgani uchun rus olimlari kabi shevalarimizning to‘plangan yoki to‘planadigan dialektal materiallarini tavsifiy, tasnifiy, fonetik, leksikografik, morfologik, morfofonologik, grammatik, statistik va etimologik jihatlardan tadqiq etish zaruriyati sezilib turibdi. Chunki o‘zbek va rus dialektologiyasining quyidagi hollariga guvoh bo‘lamiz:

“O‘zbek dialektologiyasi”da shevalar XX asrning 20-yillaridan o‘rganilayotgan bo‘lsa-da, hozirgi kungacha to‘liq o‘rganilmagan. Rus dialektologiyasida esa shevalar to‘liq o‘rganilgan, yana o‘rganilmoqda.

O‘zbek shevalari dialektal matnlarsiz to‘liq o‘rganilmay, tasniflashga kirishilgan, u shevalar to‘liq o‘rganilgach, tuzatilishi mumkin bo‘lgan nisbiy tasnifdir. Rus dialektologiyasida esa shevalar to‘liq o‘rganilgach, shevalar bir butun holda tasniflangan.

O‘zbek shevalari bo‘yicha dialektologik atlaslar tuzish masalasi ham nomigagina amalga oshirilgan. Ammo bunday biror ish qilingani, hatto, arxivlardan ham topilmadi, chunki dialektal matnlar yozib olinmagan. Rus tilshunosligida dialektologik atlaslari nazariy asoslanib, amaliy jihatdan ular yaratilgan ham.

O‘zbek shevalarini lingvogeografik metod asosida o‘rganish jarayoni ham to‘liq amalga oshirilmagan. Ushbu metodga bag‘ishlab bir necha maqola va bir kitobdan boshqa ishlar amalga oshirilmagan.

Shevalarimizni o‘rganish bo‘yicha dialektologik amaliyot o‘tkazish XX asrning 90-yillarining boshidan to 2012 yilgacha malakaviy amaliyotlar faqat fidoyi ustozlar va bilim olishga chanqoq talabalarning o‘zlari hisobidan amalga oshirilgan. Rus dialektologiyasida bunday malakaviy amaliyot mablag‘ bilan ta‘minlash asosida domiy amalga oshirib kelingan.

O‘zbek shevalari to‘liq o‘rganilmagani uchun olib borilayotgan tadqiqotlar yakunlanmay qolib ketgan. Rus dialektologiyasida esa manbalar to‘liq tadqiq etilib, o‘rganib bo‘lingach, sheva materiallari bo‘yicha yangi ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda.

O‘zbek dialektologiyasi bo‘yicha malakaviy amaliyotlar o‘tkazish kamayib-kamayib, to‘xtab qolgach, “Shu sohaning tajribali mutaxassislari bormi?” degan savolga javob berish dargumon. Bo‘ljak mutaxassislar hech bo‘lmasa, darslarda eshitgan fikrlarini dialektologik amaliyotda ko‘rib, bilib, eshitib, yaxshilab tushunib olardi-da. Mayli, talabalarning bu soha bo‘yicha bilimi, tajribasi DTS talablari darajasida ortib borsa ham. Bular esa o‘z-o‘zidan shevashunoslik sohasi bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar olib boradigan mutaxassislarning juda ham kamayib ketishiga olib kelmoqda. Rus dialektologiyasida esa malakaviy amaliyotlar DTS talabi darajasida olib borilmoqdaki, ilmiy tadqiqotchilarning ham soni kamaygani yo‘q.

O‘zbek dialektologiyasi bo‘yicha qilingan ishlar qanchalik ko‘p deb maqtanavermaylik. Ularning mukammalligi va amaliy, nazariy ahamiyatga molikligi jihatdan sifatiy ahamiyati juda past. Buning isboti shevalarimiz bo‘yicha tuzilgan bittagina lug‘at [3;3-278] (T.,Fan, 1971) so‘zligining bor-yo‘g‘i 9,5 ming atrofida. Uning ham yarmiga yaqini qarindosh-urug‘ terminlari. Demak, 4,5 ming atrofida dialektal so‘z yig‘ib nashr etilgan xolos. Rus shevashunosligida dialektal

5-шуба

materiallarni to'plab, tom-tom lug'atlar lug'atlar chiqarilayotgani bu soha ishlarining to'g'ri tashkil etilganligini tasdiqlaydi. Bizda esa yo'q. Yig'ilgan dialektal so'zlik nima degan savolga taniqli olimlarimizning qarashlari ham har xil bo'lgan.

Masalan, F. Abdullaev, Ayub G'ulomov, M.Mirzaevlarning bu masaladagi fikrlari har xilligi uchun dialektal lug'atlar tuzishga hech kim botinmagan.

Va yana shevashunosligimiz bo'yicha yaratilgan materiallar mazmunan quyidagi ko'rinishlarga ega edi:

1.1.Sof nazariy mazmundagi ishlar – XX asrning 20-yillaridan to XXI asrning 10-yillarigacha bo'lgan davrda amalga oshirilgan nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalari bunga misol bo'ladi.

1.2.Nazariy, amaliy xarakterdagi monografik tadqiqotlar va "O'zbek dialektologiyasi" bo'yicha darslik, o'quv qo'llanmalari.

1.3.Ilmiy amaliy xarakterdagi dialektal lug'atlar va sheva, lahjalardagi, tarixiy va badiiy asarlardagi dialektizmlar ajratilib, tahlillar vositasida yoritilgan ilmiy maqolalar.

Sohaga tegishli ilmiy-nazariy hamda ilmiy-amaliy xarakterdagi mavzularini qanday hamda qay tarzda tadqiq etish va o'qitish masalalari bayon etilgan metodik xarakterdagi ilmiy ishlar amalga oshirilmagan. Sababi: 1) to'g'ri, bu sohada darslik va o'quv qo'llanmalari nashr etilgan. Ularning asosiy maqsadi shevalarimiz boyligini imkoniyat doirasida qamrab olish, o'rganish va o'zlashtirishga qaratilgan. Chunki ular vaqt, davr va misollar nuqtayi nazaridan ham eskirdi. Bu esa sohada darslik va o'quv qo'llanmalarini yaratishning metodikasini shakllantirish orqali shevashunoslikda mavzularni o'qitish metodologiyasidan tortib, soha uchun zarur va kerakli qo'llanmalar yaratilishiga ham asos bo'ladi.

2) maqola, o'quv metodik qo'llanma, o'quv qo'llanma va darslikda biron bir sheva yohud lahja qiyosiy planda kam tadqiq etilgan, ya'ni biror bir hodisa, yo dialektizm, yo uning ma'nosi bor yo'qligi rad qilinib, yo qo'llab-quvvatlanmagan; 3) o'zbek shevalari to'liq o'rganilmaganligi uchun bu sohada yozilgan maqola, risola, monografiya, o'quv metodik qo'llanma, o'quv qo'llanma, darsliklarda yangi dialektal materiallarni berish va ularning tahlil qilishga kirishib ketilgani uchun metodik ishlarga e'tibor berilmagan. Chunki shevalar va lahjalarimiz to'liq o'rganilmaganligi bor haqiqat.

2. Dialektologik nazariya va dialektologik amaliyotlarning o'zaro uzviy birligini ta'minlashni amalga oshirishni jiddiy o'ylab ko'rish vaqti keldi. Buning uchun esa dialektologik nazariya va dialektologik amaliyot jarayonlarini shu sohada tadqiqotlar olib borishning metodikasi va metodologiyasini zamonaviy ilm-fanning talablari asosida kuchaytirib, dialektolog olimlarning faoliyatini qo'llab-quvvatlab, dialektologiyaning amaliyoti bo'yicha ilmiy kuzatish olib boradigan tadqiqotchilarning ilmiy va amaliy hamda moddiy jihatlardan quvvatlash lozim bo'ladi. Ular to'plagan dialektal materiallarni tahlil va taqrizlar asosida qabul qiladigan "Dialektologik fond"ni shakllantirib, faoliyatini doimiy ravishda olib borish shart. Bunda quyidagi holatlarga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq:

1) dialektal matnlarni yozishda qo'llanilgan transkripsiyaning ayni vaqtda ikki xil ko'rinishi bor edi: a) rus-krill alifbosi asosidagi transkripsiya; b) lotin alifbosi

5-шубба

asosidagi transkripsiya. Endi esa mana shularni e'tiborga olgan holda uning eng optimal variantlarini hisobga olgan holda yangi transkripsion belgilarni dalillab, asoslab tuzib chiqish kerak. Ammo transkripsion belgilarning murakkablashtirilishi o'zini oqlamaydi. Chunki sheva materiallarini qiyinchilik bilan jamlab olinayotgan bir vaqtda to'siq sifatida murakkab transkripsiyaning qo'llash boshlangan ishlarning tugatilmasligiga olib keladi. Ba'zi bir olimlar murakkablashtirilgan transkripsiyaning ham tavsiya etishmoqdaki, bu shevalarni o'rganish va ilmiy asoslarda tadqiq etish jarayonini sekinlashtiradi yoki boshlangan ishlarni yakunlanmasligiga sabab bo'ladi. Sheva materiallari yig'ib olingandan keyin maxsus ilmiy matnlarga kiritish vaqtida amaldagi ilmiy transkripsiya uchun (translitteratsiyalash) mumkin;

2) ilmiy tadqiqot ishlarini kuchaytirish uchun metodikasini tadbiiq etish uchun turli sheva va lahjalarga tegishli dialektal matnlarni tanlab olib, o'quv dialektal xrestomatiyalarni tuzish;

3) ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirish va kuchaytirish uchun metodikasini tadbiiq etish uchun sheva va lahjalarga tegishli ilmiy nazariy va ilmiy amaliy xarakterdagi materiallarni jamlab, ilmiy nazariy xarakterdagi dialektal xrestomatiyalarni shakllantirish;

4) ma'ruzada o'tilgan mavzularning mazmunini amaliy mashg'ulotlarda amaliy jihatlarni yoritish metodikasini kuchaytirish;

5) ma'ruzada o'tilgan mavzularning mazmunini dialektologik amaliyotlarda to'plangan dialektal matndagi misollarda asoslash;

6) ma'ruzada o'tilgan mavzularning mazmunini amaliy mashg'ulotlarda amaliy jihatlarni yoritish uchun amaliy mashg'ulot dasturlarini yangilab, bu fanning amaliy mashg'ulotlarini o'tkazish uchun o'quv qo'llanmalar tayyorlashni amalga oshirish;

7) ma'ruzada o'tilgan mavzularning mazmunini seminar mashg'ulotlarida amaliy jihatlarni yoritish yo'llarini talqin etadigan o'quv qo'llanmalarni tayyorlash;

8) amalda bajarilgan ishlarni ma'lum ma'noda jamlaydigan va talabalarni fikrlashga da'vat etadigan oraliq nazorat ishlari va o'quv loyiha shaklidagi ilmiy ishlarni amalda boshlash vaqti keldi.

Demak, "O'zbek dialektologiyasi"ni o'qitish va bu sohada tadqiqotlar olib borish metodikasi masalasi hali o'rganilmagan, ammo o'rganilishi endi boshlangan sohadir. Uni o'rganish zaruriyati sezilmoqda. Shunda shevalarimiz qayta tasniflangani kabi o'zbek shevalari leksikasi ham dialektal matnlar asosida yig'ib olinadiki, hozirgi vaqtda eng kamaytirib hisoblanganda ham sheva vakillari nutqida ikki-ikki yarim million sheva so'zlari o'rganilmay turibdi. Besh tomli "O'zbek tilining izohli lug'ati"da [3;1-4-tomlari] bor-yo'g'i besh yuztagina dialektal so'zlar kiritilgan, xolos. Xullas, o'zbek dialektologiyasini o'qitish metodikasiga e'tibor qaratsak, yuqorida aytilgan masalalar yechilib, eng kamida yuz tomli "O'zbek xalq shevalari lug'ati"ni yaratishga imkoniyat va mutaxassislar tayyorlab olishimiz mumkin.

5-шубба

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абдурахмонов Д. Ўзбек шевалари морфологиясининг ўрганилиши // Ўзбек шевалари морфологияси. –Т.: Фан, 1984. Ushbu fikrni asoslaydigan haqida maxsus maqola yozilgan.
2. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1961 (bu kitobdagi shevalar tasniflariga qarang). Bu bilan o‘zbeklarning shevasi ham bor-yo‘g‘i shu degan noto‘g‘ri xulosani keltirib chiqarish bo‘lgan.
3. O‘zbek xalq shevalari lug‘ati. –Т.: Fan, 1971.

ADABIY TA’LIMDA INSHO YOZMA SHAKLDAGI UY VAZIFASI SIFATIDA

Valijon Abdurahmonovich Qodirov,
Andijon DU Maktabgacha pedagogika kafedrasida dotsenti,
pedagogika fanlari doktori

Insholar inson tafakkurini charxlash, dunyoqarashini kengaytirish, fikrlarini, qarashlarini qat’iylashtirish va ma’naviyatni shakllantirish omili hisoblanadi. Maktab adabiy ta’limining barcha bosqichida o‘quvchilarga insho yozdirish shart. O‘quvchining fantaziyasi, xayolot olami kattalarnikidan boy va keng. Tarbiyalanuvchining bu intellektual imtiyozlaridan uning o‘zi uchun unumli foydalanish kerak. *“...uy vazifasi sifatida matnni qayta o‘qishni emas, balki kuzatish ishlarini, tajribalar o‘tkazishni, har xil ijodiy ishlarni bajarishni topshirish lozim. Aks holda, bu ixtiyorsiz ravishda o‘quv materialini mexanik tarzda eslab qolishga olib keladi”* [1;97].

O‘quvchini faqat o‘zi yaxshi bilgan, u ko‘p va chuqur o‘ylagan narsasi haqida yozishga o‘rgatish kerak. Yaxshi bilmagan, tushunmagan mavzu haqida yozishdan azobli narsa yo‘q. Bolaga bunday topshiriq berish unda quruqlik, yuzakilikni tarbiyalash demakdir. O‘quvchi shaxsida ijodkorlikni, bezovta, uyg‘oq qalbni tarbiyalash uchun, avvalo, unda atrof-muhitga, tabiatga, hayvonot va nabotot olamiga, insonga kuchli qiziqish uyg‘otiladi. Bolani o‘zi yaxshi bilmaydigan, yaxshi ko‘rmagan, qiziqmagan mavzuda yozishga majbur qilmagan ma’qul. Afsuski, o‘qituvchilar ko‘pincha buning aksini qilishadi.

O‘quvchilarda ijodkorlikni o‘stirish uchun ularni ijodga undovchi material, rag‘bat va erkinlik berish, ularni o‘qitishini bas qilib, ishga kirishishga yo‘nalish berib yuborish zarur. O‘quvchilarning mustaqil ijodiy faoliyati bo‘lmish uy insholarini tashkil etishda quyidagilar yetakchilik qiladi: a) eng katta va xilma-xil mavzularni tanlash ixtiyorini berish. Bu mavzular o‘quvchilar uchun maxsus tanlangan bo‘lmay, o‘qituvchining o‘zi uchun ham jiddiy va qiziq bo‘lishi kerak; b) o‘quvchilarga o‘rtoqlarining insholarini o‘qishga berish va namuna sifatida faqat bolalarning ishlarini tavsiya etish; v) o‘quvchilarning ishlarini tekshirayotganda daftarinig

5-шубба

ahvoliga, xatining sifatiga, xatolariga, va ayniqsa, uning ifoda tarziga, aytish joiz bo'lsa, uslubiga hech qachon tanbeh bermaslik kerak. Maqsad ijodga o'rgatish bo'lganda bu jihatlar ikkinchi o'rinda qoladi; g) ijod paytida hajm va mazmun masalasi, uning tili diqqat markazida turmaydi. O'quvchi bularga e'tibor qilsa, asosiy fikrini unutilib qo'yishi mumkin. U yozuvchi emas. Til, uslub, husnixat va imlo ona tili darslarining zimmasida. Ana shunda adabiy ta'lim oldiga qo'yilgan maqsad amalga oshishi bir muncha tezlashishi mumkin.

Odatda, o'quvchilar yozgan ijodiy insholarda darslik mualliflari yoki o'qituvchining timsollar haqidagi fikrlariga yopishib olishadi. Buning asosiy sabablari ularning yozma ishni qanday bajarishni bilmasligi, o'z fikrini ifodalashga o'rganmagani, timsollar haqida shaxsiy qarashlarining yo'qligi, asar mazmuni yoki matnning qaysi o'rni va jihati ta'sir etganini ajrata olmasliklaridir. *"Uyga berilgan yozma ishlarning ko'pchiligi takrorlardan iborat bo'ladi - o'quvchilar bir-birlaridan ko'chiradilar. Ko'pchilik o'quvchilarning boshqa yo'li ham yo'q. Ular nimani, qanday yozishni bilmaydilar. O'quvchilar bunga o'rgatilmagan. Aytadigan gaping bo'lmaganida oq qog'oz bilan yuzma-yuz, yolg'iz qolishdan azobli narsa yo'q. O'quvchi bunday uni qiynaydigan vaziyatlarda uzoq qolishni istamaydi. Shuning uchun oson yo'lni – ko'chirmachilikni ixtiyor etadi"* [2;19]. Buning oldini olish uhu nima qilish kerak? O'quvchilarning yozma ishlarini tashkil etishdan oldin badiiy asar qanday o'qilgani va qanchalik tushunilgani aniqlanishi lozim. Bu bilan suhbatlar asnosida o'quvchilar tomonidan anglanmagan jihatlarining sabablari aniqlanadi. Shundan kelib chiqib ma'lum darajada tushuntirish ishlari olib boriladi. Shu tariqa o'quvchida mustaqil fikr, sog'lom ma'naviyat shakllantirish yo'lida ishlanadi.

Boshlang'ich sinflar adabiy ta'limida uyga insho yoki bayon yozishga berilsa, o'sha kuni o'quvchi boshqa o'quv fanlari bo'yicha oshiqcha yuklamalardan xalos etilishi, qo'shimcha topshiriqlar berilmasligi kerak. Chunki insho va bayon yozish anchagina aqliy zo'riqish va vaqtni talab qiladi [4;46]. Ta'limning yuqori bosqichlarida ham o'quv fanlari muallimlari bir-birlari bilan doimiy aloqa bog'lab turishlari, uy vazifalarini berishda bir-birlari bilan kelishishlari o'quvchining uyga berilgan topshiriqlarni tayyorlashdagi vaqtini nazorat qilish imkonini beradi. Bundan tashqari, maktabda dars jadvallari ham shundoq tuzilishi kerakki, uy vazifalari bir kunda uch-to'rttadan oshmasligi maqsadga muvofiq keladi. Sinflar yuqorilab borgani sari uy vazifalarining soni oshmay mazmuni chuqurlashadi. Talab doirasi kengayadi. Bundan tashqari, rasmlar, kuzatishlar asosida ham insholar yozdirish mumkin. Bunday uy vazifalari ham 30-35 daqiqali ishlar bo'lishi kerak.

O'quvchilarga insholarning o'ylantiradigan, qiynaydigan yoki sevintiradigan tuyg'ularga hamohang mavzularda bo'lishi yoqadi. Masalan, ma'lum shaxs haqidagi insho mavzulari: "O'rtog'imning tavsifi", "Mening do'stim", "Mening ilk muhabbatim", "Mening akam", "Men suygan suyukli"; o'rganilgan asarlar yuzasidan: "Menga yoqqan sahifa", "Hoshimjonga munosabatim", "A.Oripov ijodidan olgan taassurotlarim", "O'.Hoshimov ijodining qaysi tomonlarini qadrlayman va yaxshi ko'raman" va hokazo mavzular istisnosiz ijodiy tafakkurni, tom ma'noda mustaqil fikrlashni talab qiladi. O'quvchining erkin va mustaqil mulohazasiga asoslanadigan bunday yozma ishlarni o'quv yilining boshida, badiiy asar tahliliga bir oz

5-шуба

o'rganilgandan keyin, o'quv yili o'rtalarida va oxirida olish bolalarning mustaqil fikrlashini o'stirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, ulardagi fikr mustaqilligining o'sishini nazorat qilishga imkon beradi.

Sinfda asar mutolaasi davomida o'quvchilarga insho yozishda qo'l keladigan muhim so'z va iboralarni belgilab borishni o'rgatish ham maqsadga muvofiq bo'ladi. Bu narsa o'quvchilarni asar mutolaasi davomida ruhan insho yozishga tayyorlaydi. Asar matnidagi muhimni nomuhimdan farqlashga o'rgatadi. Masalan, "A.Qodiriy ijodida nimani qadrlayman va sevaman" mavzusida uy inshosi yozdirish uchun, avvalo, Abdulla Qodiriyning asarini bola uni sevib qola oladigan darajada tahlil qilish kerak. Asardan faqat Abdulla Qodiriygagina xos bo'lgan, o'quvchi-kitobxon qalbini titratadigan o'rinlarni kashf qildirish kerak. Mana shu kashfiyot, o'quvchiga lazzat bagashlagan topildiqlargina adibni kitobxonga sevdirdi. Bu yozuvchini asarlarining go'zal uslubi, ko'ngilga borib o'rnashadigan fikrlari tufayli sevishdir. Fikr va tuyg'ularning hamohangligi sabab, xuddi o'ziga o'xshagani uchun sevib qolinganliga o'quvchining inshosida o'z aksini topadi.

Bunday mavzularda ko'nglida o'ylab yurgan, ayta oladigan o'z original gapi bor o'quvchilargina insho yozishlari mumkin. Shunda maktabda ijodi o'rganiladigan shoir yoki yozuvchi ijodiga o'quvchining chinakam muhabbatini ko'rsatadigan, o'quvchi-muallifning aqliy va ruhiy darajasini namoyish etadigan chinakam mustaqil, o'zgalardan o'zlashtirilmagan insholar yoziladi. Bunday ishlar yozishda o'quvchiga berilgan erk va imkoniyat uni mustaqil fikrlashga, ishlashga va ruhiy kechinmalarini so'z bilan ifodalashga odatlantaradi.

Maktablardagi kuzatishlardan ma'lumki, bugungi o'quvchilarning ko'pchiligi o'z fikrini aytishni istamaydi. Achinarlisi shuki, ularning ko'pchiligida salmoqli fikrning o'zi yo'q. Agar maktab adabiy ta'limi bugungi metodika ilmi tavsiya etayotgan yo'llar bilan tashkil etilsa, fikr kishilari ko'payishi muqarrar. Yuqorida sanalgan mavzularda o'quvchilar an'anaviy yo'sinda yozgandan ko'ra yaxshi yozishadi. Bu yo'l bilan ular darsliklardagi matnni qayta hikoyalashdan qocha boshlaydilar, ishlarida o'z fikrlari, tuyg'ulari, istak va intilishlari, munosabatlari ifodalana boradi. Ishning yozilish uslubiga kelsak, o'quvchining uslubini kattalarning uslubi bilan yonma-yon qo'ymaslik kerak. O'qituvchi farazlari, kitob va qo'llanmalardagi fikrlari o'quvchining ishida uchrashi tabiiy. Faqat ularning o'rinli bo'lishi, bolaning qarashlarini asoslashga qay darajada xizmat qilishi muhim.

Adabiyot darslarida o'quvchini badiiy asarda nima aytilganiga emas, balki qanday aytilganiga ham diqqat qaratishga o'rgatish lozim [3;107]. U tabiat tasviri go'zalligi, qahramonlar ichki kechinmalari ifodasining nozikligi, muallif tilining injaligini ham kuzatsin, sezsin. Adabiyot darslarida, asar tahlili mobaynida e'tiborli bo'lgan o'quvchi ijod jarayoni bo'lmish insho bitishda o'ylanmasligi, izlanmasligi mumkin emas. O'quvchi shularni tushuna boshlasa, ma'naviyati to'kisroq shakllanadi, puxtaroq bilim oladi. Bunday ishlar maktabning boshlang'ich va o'rta davridagi nutq o'stirish ishining davomi bo'ladi. Ularning fikrlari murakkablashadi, jiddiylashadi.

O'quvchi insholarining mazmunli bo'lishida asarning qaysi o'rinlari muvaffaqiyatli, chiroyli chiqqanini payqashi va bilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

5-шубба

Ularda bunday topqirlikni shakllantirish va rivojlantirish o'qituvchining burchi hisoblanadi. Bunga "Menga yoqqan sahifa", "Asar mutolaasi menda qanday tuyg'ularni qo'zg'adi", "Asardagi menga eng yoqqan jihatlar", "Meni qiziqtirib qolgan qahramon", "Mening Shum bolaga munosabatim", "Mening Bo'ri polvonga munosabatim", "Ergashvoy – menga ma'qul kelgan qahramon" singari mavzularda uy insholari yozdirish bilan erishish mumkin. O'qituvchi o'quvchiga yo'nalish berib, fikrlashini tizimga solib turgani ma'qul. Aks holda, bunday insho to'la ijod mahsuli bo'la olmaydi. O'zi kashf qilish boshqa, o'zgalarning yo'nalishi bilan fikr yuritish boshqa, albatta. Lekin o'zgalardan bergan yo'nalish asosida fikrlay boshlagan o'quvchi ma'lum vaqt o'tgach, albatga, mustaqil fikrlashga o'tadi.

Insho muallifi har bir ishda o'z fikrini ifodalashi, yoki o'zgalarning aytganlariga qo'shilish-qo'shilmasligi sabablarini izohlashi kerak. Biror fikrni yoqlash yoki inkor etish ham mustaqil tafakkurni talab qiladi. O'quvchi o'z fikrlarini ifodalashni, ularga ishlov berishni bilishi, o'qituvchi esa darslik yoki qo'llanmalardan olingan qolipdagi ishni emas, aynan inshoni, ijod mahsulini olishi va tekshirishi kerak. Didlarni "ikki" bilan so'ndirish emas, ular haqida tortishish, bahslashish kerak. Insho yozgan o'quvchining fikrlarini hurmat qilgan holda yozma ishlardagi biror detalni e'tiborsiz qoldirish mumkin emas. Muvaffaqiyatli chiqqan fikr va xulosalarni ko'rsatish, noto'g'ri ifodalar haqida jiddiy mulohazalar aytish, nohaqligiga o'quvchining o'zini ishontarish zarur. Bunday insholarning asosiy pedagogik qimmatini mustaqil mulohazalarga qay darajada asoslanganligidadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Yo'ldoshev Q. Adabiyot o'qitishning ilmiy-nazariy asoslari. –T.: O'qituvchi, 1996.
2. Husanboeva Q. Adabiyot - ma'naviyat va mustaqil fikr shakllantirish omili. – T.: O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 2009.
3. Qodirov V. Mumtoz adabiyot: o'qitish muammolari va yechimlar. –T.: O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 2009.
4. Ҳазраткулов М. Бошланғич синфларда эртақлар асосида иншо ташкил этиш методлари. Методик қўлланма. – Самарқанд: СамДУ, 2013.

5-шуъба

ADABIY TA'LIMGA KONSEPTUAL YONDASHUVNING
NAZARIY ASOSLARI

**Zulxumor Inomovna Mirzayeva,
TDO'TAU huzuridagi pedagog
kadrlarni qayta tayyorlash va ularning
malakasini oshirish mintaqaviy
markazi direktori,
filologiya fanlari doktori**

Bugungi kunda adabiyot o'qitish metodikasini yangi taraqqiyot bosqichiga olib chiqishda keksa va o'rta avlod vakillarining uzoq yillik tajribasi va zamonaviy dunyoqarashga ega yoshlarning xalqaro miqyosdagi bilimlari uyg'unligiga asoslangan yondashuv muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Zotan, bugun milliy adabiy ta'limda ham ustozlarimizning tajriba sinovlaridan o'tib o'zini oqlagan, o'zbekona ruh, tarbiya, milliy tutum asosiga qurilgan metod va usullar, an'anaviy yondashuvlar ham mavjudki ular uzoq yillardan beri o'z samarasini berib kelmoqda. Ammo, taassufki, samarali yondashuvlar qatorida adabiyot o'qitishni qandaydur qoliplarga solib qo'yayotgan, adabiy ta'limda mohiyatga emas, balki shaklga asoslangan stereotip yondashuvlar, texnologiyalar ham paydo bo'lganki, ularning "joziba" si, ayniqsa, ijodkorlik qobiliyati bo'lmagan, tajribasiz, yosh pedegoglarni o'z domiga tortib ketmoqda. Shunday ekan, yuqorida ta'kidlanganidek, boshqa sohalar qatorida adabiy ta'limda uzoq yillar samara bergan usullar, an'anaviy yondashuvlarni rivojlantirgan holda global ta'lim imkoniyatlaridan milliy strategik maqsadlarimizga moslarini tanlab, ularni bosqichma –bosqich joriy qilish orqali ta'limning barcha bosqichlarida adabiyot o'qitish metodikasini yangi o'zanga burish vaqti keldi. Holbuki, adabiy ta'limning ilmiy va metodologik asoslarini bugungi nuqtayi nazar, milliy va jahoniy tafakkur uyg'unligida, yangicha tartibda yaratish orqali o'rganuvchilarning adabiyotga, kitobxonlikka munosabatini o'zgartirish darkor. Bugun umum o'rta ta'lim tizimidagi adabiyot darslari aksar holatlarda o'quvchining hayotiy ehtiyojini qondirish, uni hayotga tayyorlash, o'z tafakkuri, tasavvuri, didi, saviyasi, umuman, ma'naviy qarashlarini yuksaltirish emas balki oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun bo'ladigan test sinovlariga tayyorgarlik nuqtayi nazaridan o'qitilayotgani hech kimga sir emas. Modomiki, bugungi murakkab globallashuv sharoyitida ma'naviyatimizni izdan chiqarish maqsadida xorijdan o'zanini yo'qotgan, selday oqib kelayotgan zararli g'oyalarga qarshi faqat milliy badiiy adabiyotgina immunitet hosil qila olishi mumkin ekan, bolalarimizda adabiyotga muhabbatni juda erta yoshdan singdirish lozim.

Bugungi o'quvchi (shu jumladan, talaba va har qanday o'rganuvchi) dunyoqarashi, fikrlashi, voqelikka munosabati nuqtayi nazaridan kechagidan farq qiladi. Endi ular qolipga solingan, stereotip fikrlar, hokim qarashlar, o'zlariga tanish ma'lumtolarni qayta bayon qilib berishdek eskicha yondashuvlar bilan murosqa qilolmaydi. Agar adabiyot o'quvchilar (o'rganuvchilar) tasavvurida ularning hayotiy

5-шубба

ehtiyojlari o'laroq tasavvur hosil qilmas ekan, u zerikarli va quruq g'oylar majmui bo'lib qolaveradi.

Ingliz metodist olimlari Elli Chambers va Marshal Gregoriy "bugun badiiy asarlarni o'rganish avvalgidek "buni to'g'ri deb qabul qil" (*to get it right*) mezonlariga to'g'ri kelmaydi. Bugungi o'quvchi badiiy asar haqidagi **mustaqil talqinlarini** bemalol, o'z dunyoqarashi, fikrlash, tafakkur darajasiga ko'ra bayon qila olish imkoniga egadirlar. Ammo ko'p holatlarda o'qituvchining magistral (qonuniy) huquqi o'quvchining erkin fikrlariga daxl qilib, uni "**buni to'g'ri deb qabul qil**" [1;11] kabi mezonlarga ergashishga majbur qiladi. Oqibatda asar mohiyati o'quvchilarning fikri, idroki va anglovidan chiqarilgan xulosalar emas, balki o'qituvchining yoki adabiyot darsligi mualliflarining shaxsiy qarashlaridan paydo bo'lgan yagona xulosani tashkil etadi.

Ingliz metodist olimlarining badiiy asar tahlilidagi qolipangan yondashuvlar haqidagi tanqidiy fikrlari bugun uzliksiz ta'lim bosqichlaridagi adabiyot darsliklaridagi "asari haqida" degan bo'limni eslatib yuboradi. Chunki badiiy asar haqidagi muallif (yoki mualliflar) o'z idroki hosilasi o'laroq namoyon bo'lgan xulosalari "asari haqida" da aks etadi va bu biz yuqorida qayd etgan "buni to'g'ri deb qabul qil" yondashuviga olib keladigan dastlabki faktorlardan biri bo'lib xizmat qiladi. "Asari haqida" gi ma'lumotning o'quvchi ongiga singishi, uni "to'g'ri deb qabul qilish" i mavjud ma'lumotning dominant (yetakchi) lik xususiyati undagi "boshqacha bo'lishi mumkin" degan qarashiga mone'lik qiladi yoki eng kamida o'quvchini fikrlashdan to'xtatadi. O'quvchilarda badiiy asarni tushunish darajasini baholash ham huddi matn tahlilidagi kabi o'ta zerikarli, adiblarning hayoti, ijodi haqidagi faktologik ma'lumotlarni, asar syujetidagi muayyan detallarni eslab qolish kabi o'quvchining tafakkuri, tasavvurini yuksaltirmaydigan, aksincha, badiiy didi va saviyasiga zang tushiradigan usullar orqali tekshiriladi. Oqibatda, o'quvchilarda "adabiyot, asar o'qish, tahlil qilish faqat shunday ikir-chikirlarni esda saqlashdan iborat" degan munosabatni shakllantirdi.

O'quvchilar ulg'aygan sari ruhiyati va dunyoqarashida ham muayyan o'zgarishlar kuzatiladi. Ana shunday o'zgarish bosqichlarida ular umid va umidsizlik, topish va yo'qotish, sevgi va nafrat, sadoqat va hiyonat, qadriyat, insoniylik kabi masalalar mohiyatini to'g'ri va atroflicha anglashga ehtiyojmand bo'ladilar. Ko'pchiligi esa "pul hamma narsani hal qiladi" qabilidagi noto'g'ri qarashlarga ergashib boshi berk ko'chalarga kirib qoladi. Moddiylik g'am alamni, gunohni, yo'qotishlarni, umidsizlik bilan bog'liq muammolarni hal qila olmasligini anglashda esa ulardagi hayotiy tajriba yetmaydi. Mana shunday davrda ular ongidagi ma'naviy bo'shliqni adabiyot to'ldiradi. Adabiyot ularga najot quroli bo'lib xizmat qiladi. Zotan inson huquqlarini ilk bora himoya qilish va ularni zalolatdan qutqarish maqsadida nozil bo'lgan Alloh ning kalomi QUR'ONI Karim yaratilgan davrdan boshlab so'z san'ati insoniyatning og'ir kechmishi, qirg'in va halokatida, unga ozodlik, erkinlik, o'zlikni anglash kabi eng ulug' tuyg'ularni in'om etib, muallimlik qilganligi isbotlangan. Hayot hech kimga "**qanday qilib**" degan savolga javob bermaydi, shunigdek inson muammolarining yechimiga ko'rsatmalar berish imkoniga ham ega emas. Qolaversa, turli xil tur va janrlarga xos badiiy asar namunalari,

5-шубба

jumladan, roman, hikoya yoki drama ham bugun yoshlarimizni o‘rab olayotgan muammolarni to‘laqonli bartaraf etish kuchiga ega emas. Aniqroq qilib aytganda, adabiyot davolash shakli emas ammo **o‘rganish vositasidir**. Chunki asarlarda savob va gunohlar, hayotiy yo‘qotishlar, adolat, yaxshilik, yomonlik va yana bir qancha umuminsoniy xususiyatlar aks etgan voqea hodisalar bayon qilinadi. Keng doiradagi nuqtayi nazarlar, konsepsiyalar, munosabatlar, tushunchalar eshigini ochadiki, badiiy asarda aks etgan voqea hodisalar orqali o‘quvchi eng kamida o‘zini taftish etish, tahlil qilish majburiyatini his qiladi, hayot haqidagi chalkash tushunchalarning asl mohiyatini anglaydi. O‘zi sevib, ma’naviy, hayotiy ehtiyoji o‘laroq mutolaa qilgan badiiy asar namunasi va undan olgan xulosalari o‘quvchining hayot haqidagi qarashlarini, tushunchalari tartibga solishda, to‘g‘ri tushunchalar strategiyasini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Badiiy asar orqali o‘quvchi yangi dunyoni ko‘rishni o‘rganadi. Shu nuqtayi nazardan, barcha ta’lim bosqichlarida adabiyotga shaxsni shakllantirishdan iborat bo‘lgan hayot darsi sifatida qaralmog‘i lozim.

Konstruktivizm, ijtimoiy konstruktivizm, bixevorizm, gumanizm kabi yangicha yondashuvlar, o‘rganish uslublariga xos **klassifikatsilar**, badiiy tahlilga **kulturologik yondashuv**, badiiy tahlilda **metatil tushunchasi, tranzaksiya nazariyasi**, ta’limda **integrativ yondashuv nazariyalari, ta’limni individuallashtirish va personallashtirish** kabi ko‘plab yangi nazariy tushunchalar vositasida shakllantirilgan metod, texnologiya va interfaol usullar rivojlangan mamlakatlardagi nafaqat umumo‘rta balki OTM laridagi adabiy ta’lim asosini tashkil qiladi. Qayd qilingan nazariyalar, yondashuvlarda asosiy e’tibor:

1. O‘rganuvchilarning ijodkorlik, faollik, fikrlash, mustaqil faoliyat olib borishga;

2. Adabiy figuralar biografiyasi, yozgan asarlari haqidagi ma’lumotlarni yodlashga, o‘tilgan qoidalarni mustahkamlashga emas, balki konkret asar tahlili orqali uning milliy va jahon adabiyoti ravnaqida tutgan o‘rni haqida tushunchalarni shakllantirishga;

3. O‘rganuvchilarga “asar haqida” giga o‘xshash muayyan badiiy asarning tayyor talqinlarini singdirishdan voz kechish, muayyan savol va topshiriqlar vositasida o‘quvchilar (talabalar) ning asarga o‘z munosabatlarini shakllantirishga;

4. O‘rganuvchilarning hayotiy tajribasiga suyanish orqali boshqa fanlardan olgan bilimlarini faollashtirishga;

5. Va adabiyotdan beriladigan vazifalarni real hayotda uchraydigan muammolar yechimi bilan bog‘lab berish kabi konseptual masalalarga qaratiladi.

Anglashiladiki, mavjud nazariyalarga ko‘ra, adabiyot darslarining maqsadi badiiy asar haqidagi tayyor ma’lumotlarni o‘rganuvchilarga singdirish emas, balki ularga bilimni o‘zlari hosil qilishlariga imkon yaratib berishdan iborat. O‘qituvchining vazifasi esa tayyor bilimlarni bolalarga yetkazib berish, so‘zlab berish emas, balki o‘quvchilar (har qanday o‘rganuvchi) ning faoliyatini tashkil qilish va to‘g‘ri yo‘naltirishdan iborat bo‘ladi.

Konstruktivizm va ijtimoiy konstruktivizm nazariyalari asosida bugun ta’lim jarayonlarida muhim bo‘lgan **“o‘quvchi (talaba)– faol” yondashuvi (student-**

5-шубба

centered learning) yuzaga kelgan. Ushbu yondashuvning muhim xususiyatlari o'qitishda o'rganuvchi faolligini oshirish va ta'lim jarayonlarini individullashtirishdan iboratdir. "O'quvchi – faol" yondashuvida keraksiz qog'ozlar, ahamiyatsiz ta'limiy manbalarning kamayishi va eng muhimi – o'rganuvchilarga allaqachon ma'lum bilimlarni qayta bayon qilish orqali vaqtni bekorga sovurish muammosi bartaraf etiladi.

Adabiy ta'limda "o'quvchi – faol" yondashuvini tadbiiq qilish imkonini beradigan muhim nazariyalardan adabiyotshunoslikdagi **reseptiv (qabul qiluvchi) estetika** (ko'p manbalarda *tranzaksiya nazariyasi* deb beriladi) nazariyasi asosida shakllangan, xalqaro miqyosda ham sinovdan o'tgan samarali yondashuv sifatida qo'llanilib kelayotgan "**kitobxon javobi**" (*reader response*) yondashuvidir.

Reseptiv estetika so'zi nemischadan "Rezeptions-Asthetik", lotinchadan "retseptio" so'zidan olingan bo'lib, asarning kitobxon (o'quvchi) tomonidan qabul qilinishidir.

Kitobxon javobi konsepsiyasi (bu yagona metodologiyaga asoslanmasligi nuqtayi nazaridan manbalarda "nazariya", "yondashuv", "konsepsiya" shaklida turlicha talqin qilingan) o'tgan asrning 70-yillarida Tompkinning "Hikoyada kitobxon" nomli kichik tadqiqoti orqali kirib kelgan [5]. Keyinchalik mazkur nazariya turli xil olimlar tomonidan rivojlantirilgan. Jumladan, nemis adabiy tanqidchisi Wolfgang Izer (*Wolfgang Iser*) reseptiv estetika rivojiga hissa qo'shgan olimlardan biri bo'lib, u asarni **yozilgan** va **yoziilmagan** qismlarga ajratadi. Kitobxon asarni o'qish jarayonida, undan ruhiyatiga yaqin qarashlarni, g'oyalarni qidiradi. Aksar holatlarda bunday ma'lumotlar badiiy asarning yuza qismida aks etmaydi, ya'ni, muallif ko'p savollarga javoblarni ochiq qoldiradi. Bunday holatda bo'shliqlarni o'quvchining o'zi to'ldiradi. Bu bo'shliqlar asarning yoziilmagan qismi hisoblanadi. Yoziilmagan qismlar – bo'shliqlar har bir kitobxon tomonidan turlicha "to'ldiriladi". Bunda adabiyot ijro san'ati sifatida akslanib kitobxonning mutolaa tajribasi asosida "yangi asar", noyob matn yaratilishi ham mumkin. Bu jarayonni Izer juda go'zal qilib quyidagicha tasvirlagan edi: "tunda yulduzlar to'la osmonga qaragan ikki kishi bir xil yulduzlar turkumiga qarasa-da, ularda biri omochni ko'rsa, ikkinchisi echo'michni tasavvur qilishi mumkin" [2;257].

Aslida ham badiiy asar mutolaasi **faol jarayon** bo'lib badiiy asardagi yashirin ma'nolarning yangi talqinlarini yaratishda kitobxonning tafakkur sarhadi, dunyoqarashi, hayotiy tajribasi, avvaldan mavjud bilimlari va badiiy asarni o'qiyotgan paytdagi ruhiy-emotsional holati ham muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan, 18-20 yoshlardagi kitobxonda Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romani qahramonlari Kumush yoki Otabek "ideal shaxs" sifatida tasavvur uyg'otsa, yillar o'tib oila, muhabbat, nafrat, rashk kabi tushunchalarda anchayin tajribaga ega bo'lgan 30-35 yoshli ayni kitobxon-resipiyent (qabul qiluvchi) endi Kumushni hudbinlikda ayblashi, Zaynabni esa "chorasiz zaifa, muhabbat qurboni" sifatida ko'rib uning harakatlarini, hatto oqlashi ham mumkin bo'ladi. Yoki, O'tkir Hoshimov qalamiga mansub "Urushning so'nggi qurboni" hikoyasidagi onaning harakatlarini kitobxon o'z hayotiy vaziyatlaridan kelib chiqib oqlamasligi, Umri xolaning o'zini hatto fojeaning asosiy sababchisi sifatida ko'rsatishi ham mumkin. Demak, "kitobxon

5-шуъба

javobi” yondashuvi yozuvchi estetikasi emas, **kitobxon (resipiyent) qarashi, tafakkur hosilasi** sifatida diqqat markazda bo‘ladi. O‘quvchi adabiy aloqaning yakunlovchi bo‘g‘iniga aylanadi [6;153]. O‘quvchi o‘z fikrlari bilan asarning “yozilmagan qism”larini yaratadi.

Demak, yuqoridagi kuzatishlardan ma’lum bo‘ladiki, “kitobxon javobi-reseptiv estetika” nazariyasi asosidagi yondashuv adabiyot darslarida o‘rganuvchilar faolligiga rag‘bat berishi nuqtayi nazaridan uni adabiy ta’limga tadbiq etish muhim va ahamiyatlidir. Kitobxon javobi yondashuvi perspektiv talqinlarni yuzaga chiqarishi bilan birga badiiy asar tahliliga individual hayotiy tajriba, bilim, tafakkur, hayotiy ehtiyoj orqali kirib kelish tamoyilini ham shakllantiradi. Badiiy matnga shunchaki mutolaa obyekti sifatida emas, balki yozuvchi, badiiy matn va kitobxon o‘rtasidagi aloqa faoliyati sifatida qarashga rag‘bat beradi. Shu sabab ko‘plab metodist olimlar adabiy ta’lim, xususan badiiy asarni turli xil rakurslarda tushunish badiiy asar anglovining muvaffaqiyatli kechishida aynan mazkur yondashuv ko‘proq samara berishini ta’kidlaydilar. *“Mazkur nazariyaning adabiyot darslarida tadbiq etilishi adabiy ta’limda yangicha yo‘nalislarni yuzaga chiqarish barobarida badiiy asar tahlilida o‘rganuvchilar rolini qayta kashf etishda ham ahamiyatli”* [4;56] deb hisoblaydilar.

Amerikalik olim Hovard Gardnerning (*Hovard Garner*) ta’kidlashicha, har qanday inson tug‘ma iste’dod egasidir. Har bir insonga xos xususiy holatlar, masalan, mantiqiy fikrlash, muayyan voqelikni turli xil rakurslarda ko‘ra olish, muayyan masalaga yondashuv prinsipi va yana bir qancha individual qobiliyatlar o‘quvchilarda bir xil ko‘rinish, holat yoxud vaziyatlarda namoyon bo‘lavermaydi. Ularni yuzaga chiqarish uchun muayyan vositalar, subektiv yoki obektiv sabablar kerak bo‘ladi. O‘rganuvchilarning individual qobiliyatlarini badiiya asar tahliliga bog‘liq holatda faollashtirish esa matn asosidagi savol va topshiriqlarning saviyasiga, o‘qituvchining badiiy didi, kuchi va mahoratiga bog‘liq bo‘ladi. Xotirani tiklashga qaratilgan milliy adabiyot darsliklarida tez-tez uchrab turadigan, adiblar haqidagi ma’lumotlarni va asar syujetidagi detallarni eslab qolishga qaratilgan “Mirtemir hayoti va ijodi haqida so‘zlab bering”, “shoirning birinchi she’ri va to‘plami qanday nomlanadi”, “ular qachon e’lon qilingan?”, “shoir ijodidagi bosh mavzular haqida so‘zlang” singari sayoz savol va topshiriqlar nafaqat o‘quvchi tafakkuriga balki badiiy asar saviyasiga ham putr yetkazadi.

Xorijiy davlatlar ta’lim tizimida qo‘llaniladigan adabiyot darsliklarida berilgan o‘qishdan keyingi kulminatsion topshiriqlardan ayrim namunalar:

- *Siz rassomsiz va sizning oldingizga o‘qilgan hikoyaga faqat bitta illyustratsiya chizish vazifasi qo‘yilgan. Siz bu illyustratsiya uchun hikoyaning qaysi joyini tanlaysiz? Bu joyni illyustratsiyada qanday aks ettirasiz? Guruh bo‘lib hikoyaning eng xarakterli epizodi asosida illyustratsiya ishlab ko‘ring. (Kutuzov A.V. va boshqalar. “Adabiyot olamida”, 8-sinf uchun darslik, Moskva, 2007 y.)*

- *Pushkin asarlarida qahramonlar tushlari har doim muhim ahamiyat kasb etadi. Grinyov ko‘rgan tushni siz qanday talqin qilasiz? O‘z talqininingizni bering va izohlang. (Voloshuk Y. va Slobodyanyuk Y. “Adabiyot: integratsiyalashgan kurs”, 8-sinf uchun darslik, Kiyev, 2016)*

5-шуба

- *Edgar Po hikoyalari ruhida “qo‘rqinchli” hikoya tuzing. (Bedalov Ch. va boshqalar. “Adabiyot”. 10-sinf uchun darslik. Boku, 2017.)*

- *Bob va Jimmi uchrashib birgalikda ovqatlanishsa nimalar haqida gaplashishgan bo‘lishardi? Bob va Jimmi o‘rtasida restoranda, kechki taom ustida kechishi mumkin bo‘lgan dialog yozing. (Alan Prurves va boshqalar. “Adabiyot va integrallashgan fanlar. 7-sinf”. Illinoys, 1997) [3].*

Yuqorida qayd etilgan savollar va topshiriqlar konstruktivizm, tranzaksiya (reseptiv estetika) nazariyalari asosida shakllantirilgan va ularning barchasi o‘rganuvchi (o‘quvchi, talaba) ni adabiyotdan bezdirish emas balki uni sevishga o‘rgatadi, badiiy adabiyot hayot darsi ekanligiga ishonitiradi.

Yoshlarni milliy adabiyotimiz kuchi, qudratini borligicha anglash, o‘zbek adabiyotiga xos yuksak ma’naviy, badiiy-estetik zalvorni to‘laligicha idrok etish qobiliyatini shakllantirishda jahon adabiyotshunosligidagi nazariyalarni, global ta’lim asosidagi yondashuvlarni adabiyot o‘qitish metodikasiga tadbiiq etish lozim. Zotan, adabiyot ko‘ngildan paydo bo‘lib, ko‘ngillarga singadi. Biz nimaniki o‘ylamaylik, bajarmaylik, buning negizini ma’naviyatga bog‘lab tushunadigan xalqmiz. Qalbimizdagi ana shu yuksak ma’naviy kuchning anglanishi, tanlanishi va hayotda o‘zini namoyon etishiga ona tilimiz va milliy adabiyotimiz betimsol quvvat baxsh etadi. Aslida ham o‘z hayotini umummilliy qarashlar tizimi asosida barpo etgan, ajdodlardan meros muqaddas buloqlardan suv ichib, tomir yozgan avlodlarni esa hech qanday kuch yengolmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Chambers E., Gregory M. Teaching and Learning English literature. Sage Publications. London, 2006. Bu tamoyil jahon adabiy ta’limidagi an’anaviy “o‘qituvchi faol” (teacher centered-approach) ga yaqin tushuncha bo‘lib, adabiy tahlilda yakka fikrlilikka asoslanadi.
2. Iser W. The Reading Process: a Phenomenological Approach // New Literary History, 1972, Vol. 3, No. 2.
3. Mirzayeva Z., Jalilov K. Adabiyot o‘qitish metodikasi. An’anaviylikdan zamonaviylikka. –T.: 2020.
4. Sonja Pfister Darlington. Literature as visual response and aesthetic experience: An alternative approach. A Dissertation Submitted to the Graduate Faculty in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Dotor of Philosophy. Iowa State University. –USA: Iowa, 1990.
5. Tompkins. Jane. ed. Reader-Response Criticism. From Formalism to Post-Structuralism. Baltimore: Johns Hopkins. 1980.
6. Ковылкин А.Н. Вопросы рецептивной эстетики: Филологические науки // Омский научный вестник. № 2 (54) 2007.

5-шубба

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА НОАНЪАНАВИЙ ДАРСЛАРНИНГ ЎРНИ

Бахтиёр Бобожонович Файзуллоев,
академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд
давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди,
(Тожикистон)

Мазбут Шавкатович Собитов,
академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд
давлат университети ўқитувчиси
(Тожикистон)

Истиклолдан сўнг мустақилликни қўлга киритган собиқ республикаларнинг маориф тизимида ҳам ислохотлар юзага келди. Бундай янгиланишлар, дастлаб, ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишдан бошланди. Бу жараёнда бошқа фанлар қаторида адабиёт дастурлари ҳам мукамал ҳолга келтирилди. Жумладан, Тожикистон Республикасида ўзбек тилида таҳсил олаётган ўзбек миллатига мансуб ўқувчилар энди ўзбек адиблари қаторида тожик адабиёти вакиллари ижодидан ҳам баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдиларки, бу муҳим аҳамиятга эга. Янги дастурда тожик мумтоз адабиётининг асосчиси Абуабдулло Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий (858-941) нинг ҳаёти ва ижоди ҳам дастур асосида ўрганиладиган бўлди.

Шоирлар Одам Атоси деган юксак шарафга эга бўлган Рудакий ижодини, дастлаб, мактабда мукамал ўрганиш, унинг асарларини янгича таҳлил ва талқинларидан хабардор бўлиш адабий таълимдаги асосий вазифалардан биридир. Аммо бундай ишларни амалга ошириш шоир номи билан фахрланишдан кўра хийла мураккаб ва масъулятлидир. Бу эса адабиёт ўқитувчилари зиммасига қатор вазифалар юклайди. Дастлаб, улар шоир ҳаёти ва ижодидан тўлиқ хабардор бўлиш билан бирга уни ўргатиш жараёнида ўрни-ўрнида янгича дарс шаклларига ҳам мурожаат қилишлари кутилган натижалар бериши, шубҳасиз. Ноанъанавий ёки ностандарт деб номланган фаол дарслар замонавий таълим тизимида ўз мавқеъига эга усуллар ҳисобланади.

Бир хил қолипда ўтиладиган дарслар ҳеч бир давру замонда эътибор топган эмас. Шунинг учун ҳам маърифат дарғалари ҳамиша таълимни мукаммалаштиришга интилган. Улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой кундаликларида куйидаги қайдлар мавжуд: *“Педагогик фаолиятда метод эмас, балки моҳирлик санъати ва талант зўр аҳамият касб этади. Истеъдод бу муҳаббат демакдир. Агар ўқитувчи лоақал ўз ишига муҳаббат билан қараса, у, албатта, яхши ўқитувчи бўла олади”* [6;71-73]. Бу фикрлар айтилганига талайгина йиллар ўтган бўлса-да, то хануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Энди мақсадга ўтсак. Янги мазмунга эга фаол дарсларнинг афзаллиги нимада? Уларни таълим жараёнига қандай тадбиқ этиш мумкин? Бундай

5-шуба

дарсларнинг қандай кўринишлари мавжуд? Анъанавий дарслардан уларнинг фарқи нимада? Хусусан, Рудакий ижодини ўрганишда уларнинг қайси биридан фойдаланиш ўринли? - деган саволлар пайдо бўлиши табиий. Таълим жараёнида фаол дарсларнинг *конференция дарс, сахна дарс, баҳс дарс, диспут дарс, красворд дарс, тест дарс, кластер дарс* каби бир қатор кўринишлари аллақачон синовдан ўтиб, устуворлашган усуллар ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, фаол дарслар амалдаги анъанавий дарсларни бутунлай инкор этмайди, албатта. Бундай дарслар бўйича алоҳида-алоҳида методик мазмундаги мақолалар яратиш мутахассислар олдидаги муҳим вазифадир. Шулардан бири - *кластер дарс* ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Кластер сўзи *боғлам, уюм, даста, гуруҳ, тўда* деган маънони билдиради. Унинг моҳияти шундан иборатки, дарс жараёнида муайян бир мавзунинг турли қирралари атрофлича ёритилиб, уларни бир уюмга келтиришни англатади. Буни қуйидаги кўринишда амалга ошириш ҳам мумкин. Дастлаб, синф тахтасига “*Рудакий ҳаёти ва ижоди*” деб номланган мавзу ёзилади. Сўнг ўқувчиларга шу мавзуга доир билган маълумотларини дафтарларига ёзиш топширилади. Бунда ўқувчиларнинг фақат мавзу доирасида фикр юритишлари, кластерлари эса дарак гап мазмунида бўлиши таъкидланади. Шу билан бирга, улар аниқ ва ихчам шаклга эга бўлишига ҳам эътибор берилади. Ўқувчиларнинг бу жараёндаги фаолиятини назорат қилиш ўқитувчи зиммасида бўлади. Ўқувчилар мавзу бўйича тахминан қуйидаги кластерларни ёзишлари мумкин:

- Шоир 858 йилда Панжрудда туғилган;*
- Самарқандда таҳсил олган;*
- газал ва рубоий жанрларида ижод қилган;*
- Сомонийлар саройида фаолият олиб борган;*
- тожик мумтоз адабиётининг асосчиси;*
- қасида ва дostonлари ҳам мавжуд;*
- “Қарилкдан шикоят” қасидаси машҳур;*
- унинг шеърлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган;*
- асарларида панд-насихат гоёси етакчи;*
- шоир номи абадийлаштирилган.*

Ушбу кластерларда шоир ҳақидаги айрим маълумотлар берилган бўлиб, булар ҳали мавзу тўла тўқис ёритилди дегани эмас, албатта. Кластер тузишда ўқувчилар, дастлабки, билимларига, сўнг ўқиган китоб, газета ва журналлардан, радио эшиттириш, телекўрсатув ҳамда интернет тармоқларидан олган маълумотларига бевосита таянишлари мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, ўқувчиларнинг кластерлари ҳам мазмун, ҳам миқдор жиҳатдан бир-биридан фарқланиши табиий.

Янги дарс усулининг бир қатор афзал жиҳатлари бўлиб, бу жараёнда ўқувчиларнинг ҳар бири билан ишлаш учун имконият туғилади. Муҳими, бундай дарслар ўқувчиларни фаолликка ундайди. Энди улар шунчаки тингловчи бўлиб қолмасдан, балки билмаганларини билишга интилиб, мустақил ҳолатда фикрлашга ўрганиб борадилар.

5-шуба

Ўқувчилар ўзлари томонидан ёзилган кластерларини навбати билан ўқийдилар. Шу жараёнда ўқувчилардан бирортаси синф тахтасига кластерларни ёзиб борса, уларнинг эсларида қолишига ёрдам беради. Кластери кам бўлган ўқувчи фаол ўқувчиларга тенглашиш учун ҳаракат қилиб боради.

Галдаги вазифани энди ўқитувчи бажариши шарт. У ўқувчиларнинг шоир ҳаёти ва ижоди бўйича нималарни билиши ёки билмаслигини ёзилган кластерлар орқали аниқлаб олади. Сўнг у айtilган маълумотларни тезда умумлаштириб, ўқувчиларга янги тушунчаларни тақдим этишга ҳаракат қилиши лозим. Дарс қўшимча материаллар ҳисобига янада бойитиб борилади. Бу жараёнда вақтни тежаш имконияти ҳам юзага келадики, ундан қандай фойдалана олиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Таъкидланганидек, энди асосий эътибор ўқувчиларнинг кластерларида берилмаган шоир бадиий маҳорати ҳамда у ижод қилган лирик жанрларга, зарур ўринларда адабий-назарий маълумотларга ҳам йўлма-йўлакай эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, Рудакий услуби олимларининг кўп баҳсларига сабаб бўлган. Шоир услуби “саҳли мумтанеъ”, яъни “осону мумкин эмас” деган маънони билдиради. Бу усулда ёзилган шеър содда, равон ва чуқур мазмунга эга бўлиши билан ажралиб туруши, аммо шу билан бирга ундай ёзиш ғоят қийин эканлиги ҳам ўқувчиларга етказилади [4;6]. Шу ўринда буюк немис шоири ва мутафаккири Гётенинг бадиий ижод жараёнини уч босқичга бўлганлигини ҳам эсга олиш ўринлидир. Булар: *соддалик*, *мураккаблик* ва *яна соддалик*. Кейинги соддалик бу катга ҳаётий тажриба, чуқур билим, донишмандлик ва ҳикмат омукта қилинган буюк соддалик бўлиб, унга унча - мунча шоир эриша олмагани аниқ мисоллар асосида ўқувчиларга тушунтирилиши уларнинг назарий маълумотларини янада чуқурлашишига хизмат қилади.

“Рудакий шеърларидаги доҳиёна соддаликни ҳам худди ана шу соддаликка ўхшатиш мумкин”, деган хулосага келган эди, таниқли адабиётшунос Эргаш Очилов [4,8]. Ҳақиқатдан ҳам, Рудакийнинг шундай чуқур маъноли мисралари борки, улар кўринишидан оддий туюлса-да, аслида уларга тенг келадиган ижод намуналарини яратиш қийин эканлигини унинг қуйидаги мисралари мисолида тушунтирилса ўринли бўлади .

*Ҳеч шодӣ нест андар ин чаҳон,
Бартар аз дидори рӯи дӯстон* [3;321].

Таржимаси: *Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дӯстлар дийдоридан бўлолмас устун* [5;61].

ёки

*Ҳар кӣ н-омӯхт аз гузаити рӯзгор,
Низ н-омӯзад зи ҳеч омӯзгор* [3;315].

Таржимаси: *Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим*

Бундай характерли далиллар шоир ижодини янада теранроқ англашга ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз. Фикримизча, яна бир муҳим нуқта борки, унга ҳам ўқувчилар диққатини қаратиш зарур. Бу – Рудакий ва сарой

5-шуба

адабиёти билан боғлиқ масаладир. Бундай ёндошув ўқувчиларнинг мумтоз адабиёт ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтишига ёрдам беради. Шоир умрининг асосий қисми, сарой муҳити билан бевосита боғлиқ эканлиги масалага ҳам аниқлик киритиш керак бўлади.

Синфийлик ва партиявийлик ғоялари билан қуролланган Шўро даври адабиётшунослиги сарой адабиёти ва сарой шоирларига нисбатан нописандларча муносабатда бўлганлиги сир эмас. Гарчанд Рудакий ижодига бундай қарашлар соя солмаган бўлса-да, мавжуд тарихий ҳақиқатдан ўқувчиларни хабардор қилиш мақсадга мувофиқдир.

Аслида мумтоз адабиётимиздаги кўплаб асарларнинг яратилиши сарой муҳити билан боғлиқ эканлигини эътироф этиш зарур. Шарқ ҳукмдорларининг кўплари илм-фан, адабиёт ва санъат равнақига алоҳида эътибор билан қараганини асло инкор этмаслик даркор. Саройдаги илмий ва ижодий муҳит ҳамиша ўз бағрида истеъдод эгалари бўлишидан манфаатдор бўлган.

“Шоҳнома”дан “Қутадғу билиг”гача, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”дан “Муҳаббатнома”гача, “Рабғузий қиссалари”дан “Зарбулмасал”гача яна кўплаб адабиёт намуналари борки, уларнинг яратилиши бирор ҳукмдорнинг номи билан боғлиқ эканлигини мавжуд манбалар тасдиқлайди. Бундан ўқувчиларни хабардор қилиш ҳам ўқитувчининг вазифасига киради. Шу маънода Рудакий ижодининг энг гуллаган, камолот даври-сомонийлар ҳукмдорлигига тўғри келади. Шоирнинг ўзи ҳам буни эътироф этиб: *“Бу неъмату бу улуг манбаи оли Сомон эди...”* деб ёзган эди.

Рудакий ижоди билан боғлиқ яна бир муҳим нуқта борки, бу унинг ўзбек адабиётига таъсири масаласидир. Дарҳақиқат, шоир ижоди ўз даврида ва ундан кейин ҳам кўплаб ижодкорларга кучли таъсир кўрсатган. Шунинг учун унга издошлик қилган шоирлар кўп бўлган. Уларнинг сафида туркигўй шоирларнинг ҳам борлиги қувончлидир. Айниқса, Рудакийнинг ишқий мавзусида шундай гўзал шеърлари борки, улар ҳаётий ташбих ва тимсолларга бойлиги, шаклан содда, мазмунан теранлиги билан ҳар қандай шеър мухлисини ўзига мафтун эта олган. Буни қуйидаги байт мисолида ҳам ўқувчиларга етказиш ўринлидир:

*Оқар сувдан келмоқдадур ҳар соатда гулоб ҳиди,
Менинг ёрим ариқ ичра гул юзини ювмиш гўё [1;78].*

Тозалик ва поклик тимсоли бўлган ариқдан оқиб келаётган тиниқ сувдан гулоб ҳидининг уфуриб туришининг боиси унга ёр юзини ювганлиги сабабли, дея шоирона далилланган. Лирик қаҳрамон-ошиқнинг ўзига мафтун этган нарса ўша *“гулоб ҳиди”* билан боғлиқ поэтик деталнинг шоирона маҳорат билан қўлланганлиги. Бундай тасвирлар ҳар қандай шеърхонни фикрини ҳайратга солиб, унинг илҳомига илҳом қўшиши табиий.

Туркигўй шоир Атойи ижодида ҳам худди шундай унга ҳамоҳанг мисралар кўзга ташланади:

*...Ул иликким, сувдин ортиқдур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсин, деб илики бирла юр [2;96].*

5-шубба

Тасвирга кўра гўзалликда танҳо бўлган ёрнинг сурат ва сийратида поклик акс этган. Ҳайратланарли томони шундаки, унинг қўли сувдан-да пок, сувдан-да тиниқ. У қўлини поклаш учун сувга ювмаяпти, балки сувни поклаш учун қўлини юваётир. Бунда тасаввуф адабиётига хос илоҳий поклик билан боғлиқ фикр ҳам мавжуд этилганлигини назардан қочирмаслик лозим.

Таъкидлаш зарурки, бугунги глобаллашув жараёнида таълим тизими ҳам тез суръатлар билан янгиланиб бормоқда. Ислохотлар натижаси бўлган янгича дарс усуллари ва уларни таълимга қўллай олиш ҳар бир ўқитувчидан ижодкорлик, ишчанлик ва чуқур назарий билимни, шунингдек, педагогик маҳорат билан бирга ишга масъулият билан ёндошиш зарурлигини тақозо этадики, бу замонавий таълимдаги асосий талаблардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абуабдуллоҳ Рудакий. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1994.
2. Атоий Девон. –Т.: Фан, 2008.
3. Насриддин А. Рудакий (нусхашиносӣ ва нақду баррасии ашъори бозмонда). Хужанд: Раҳим Ҷалил, 1999.
4. Очилов Э. Сўз мулкининг соҳибқирони // Барҳаёт сиймолар –Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Рудакий шеърятдан (Форсийдан Ш. Шомуҳамедов таржимаси) –
6. Файзуллоев Б. Заманавий таълимда фаол дарс // Кўптилли таълим шароитида она тилини ўқитишни такомиллаштириш: муаммолар, янгича кўзқарашлар ва ечимлар (Халқаро илмий – амалий конференция материаллари). –Қозоғистон: Шымкент, 2018, 71-73-бетлар.

ТАНЛОВ ФАНДАН МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

**Сурайё Исомиддиновна Эшонқулова,
Жиззах ДПИ Ўзбек адабиёти ўқитиш
методикаси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**

“Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қолдириши лозим” [2;42], деган фикр таълим-тарбия жараёни учун жуда муҳимдир. Дарҳақиқат, бугунги кун талаби нуктаи назаридан талабаларни ижодкорликка, мустақил фикрлашга ўргатиш, аждодлар меросидан баҳраманд этиш ҳамда миллий урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимиз руҳида тарбияланаётган ёшларимизга тўғри таълим-тарбия бериш маҳорат мактабининг муҳим вазифаларидан биридир.

Маълумки, Алишер Навоийнинг инсон тарбияси ҳақидаги ахлоқий-таълимий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга асарлари чинакам таълим-тарбия

5-шуба

манбаи ҳисобланади. Навоий ғазалларини талабаларга таништириш қиёсий-таҳлилий аспектда ўрганиш йўлга қўйилса, дарс янада қизиқарлироқ ва самаралироқ бўлишига эришиш мумкин.

Магистратура бўлими I-курсга танлов фан бўйича Алишер Навоий қаламига мансуб мусалсал “ғазал шарҳи ва таҳлили” мавзусига доир бир жуфтлик дарс ишланмасини ҳукмингизга ҳавола этаман.

Дарснинг мақсади: талабаларнинг Алишер Навоийнинг мазкур ғазалининг шарҳи ва таҳлили асосида ҳам назарий, ҳам амалий билимларини мустаҳкамлаш. Мумтоз ёзув турлари бўйича кўникмаларини ҳосил қилиш.

а) илмий мақсад: талабаларни аждодларимиз асарларининг кўлөзма нусхаларини мустақил ўқишга ва таҳлил қилишга ўргатиш, саводхонлигини ошириш.

б) тарбиявий мақсад: талабаларда маънавий, ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

с) ривожлантирувчи мақсад: ҳаётсеварлик, Ватанпарварлик ғоялари ифода этилган халқимизнинг эски ўзбек ёзувида ёзилган ноёб кўлөзма нусхаларини ўқиш орқали жамият тараққиёти учун фойдали авлод бўлишни англантиш, ҳамиша етук мутахассис бўлиб етишишга интилиш лозимлигини сингдириш.

Дарснинг методи: интерфаол, кўргазмали амалий.

Дарснинг шакли: якка тартибда ва гуруҳларда ишлаш.

Дарснинг жиҳози: адабиёт, слайд, тарқатма дидактик материаллар, мумтоз хат турларилари варақаси.

Дарснинг шиори: *Илм золиб, шуур золиб, нур золиб!*

Талаба олиши лозим бўлган ВКМ сони:

1. Оҳанг билан ифодали ўқиш.
2. Шоир мақсадини англаб ўқиш.
3. Фикрни далил билан исботлай олиш.
4. Ўз фикрини тингловчига чиройли ва равон етказа олиш.

Дарснинг бориши:

Ташкилий қисм. Талабалар диққати дарсга қуйидагича жалб қилинади:

Кунларнинг бирида профессор бир талабадан: *“Дунёда худо борми?”* деб сўрабди.

Талаба: *“Ҳа, дунёда худо бор”* деб жавоб берибди.

Профессор: *“Агар дунёда худо бўлса, уни борлигини исботлаб бер. Биз уни кўрмаймиз, эшитмаймиз ва қандай шакл-шамолда эканлигини ҳам билмаймиз”* деб олим берган саволидан мамнун бўлиб, ўз билимдонлигидан завқланибди.

Талаба: *“Сизга савол берсам бўладими?”* деб сўрабди.

Профессорнинг рухсати билан талаба: *“Дунёда зулмат борми?”* деб сўрабди.

Профессорнинг: *“Ҳа”* деган жавобидан сўнг талаба унга: *“Йўқ, дунёда зулмат йўқ, бу фақат ёруғликнинг йўқлигидир”*, - дебди.

Талаба: *“Дунёда бурудат [б] борми?”* деб сўрабди.

5-шуба

Профессорнинг яна “Ҳа” деган жавобига талаба яна унга жавобан: “Йўқ, дунёда бурудат йўқ, бу фақат ҳароратнинг йўқлигидир”, - деб жавоб қайтарибди [6].

Сизнингча, бу талаба ким эди?(фикр-мулоҳазалардан сўнг).

Албатта, зулмат ва ёруғлик, бурудат ва ҳарорат каби физик тушунчалар устида ишлаган буюк физик олим Алберт Эйнштейн эди. Бундай кескин тортишув унинг талабалик йилларида ўз устози билан бўлиб ўтган эди.

“Ғазал шарҳи ва таҳлили дақиқаси”:

Профессор Иззат Султонов тўғри таъкидлаганидек, “буюк тарихий шахсларни буюк даврлар яратади ва бу шахслар фақат ўзларини яратган замонгагина мансуб бўлиб қолмайдилар. Ҳар гал инсоният ўз тараққиётида янги, янада баландроқ поғонага кўтарилганида, ўтмишнинг тафаккур алломалари ҳамроҳликка ва ҳамкорликка келадилар. Жамият ўзи янги тарихий довонга талпиниш пайтида ўтмишнинг ўша буюк сиймоларини мададкорликка чақиради” [5;3].

Хўш, мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили, ғазал мулкининг султони мир Алишер Навоий Эйнштейн ва унинг устозига қандай жавоб берган бўларди? Навоийнинг “Ёрдин айру кўнгул мулкедурур, султони йўқ, Мулкким, султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ” матлаъси билан бошланувчи мусалсал (силсилали) ғазали беш юз йил олдин ёзилган бўлса ҳам, икки олимнинг саволларига тўлиқ жавоб бўла олади деган фикрдамиз:

ياردين ايرو كونگول ملكى دورور ، سلطانى يوق ،
ملك كيم ، سلطانى يوق ، جسمى دورور كيم ، جاني يوق

Навоий биринчи байтда, инсоннинг кўнгил мулки, яъни ички дунёси ёрдин айрилса, ўша мулк-давлатнинг султони йўқ каби бўлади. Нафақат султони йўқ мулкга, балки жони йўқ жисм-жасадга айланади, дейди.

Мумтоз адабиётда ёр тушунчаси ишқий ҳақиқийда – Аллоҳ, ишқий мажозийда – маъшуқа деб тушунилади. Исломий қарашларга кўра, инсон Аллоҳнинг ер юзидаги зарраси деб ҳисобланади. Чунки инсон жони оламлар яратувчисининг омонатидир. Шунинг учун ҳам нафақат эгаси йўқ мулкка, яъни жаннатга, балки Аллоҳнинг зарраси жонсиз жисм – вужуд, жасадга айланади, деб ҳисоблайди.

Иккинчи байт:

جسم دين جان سيز نى حاصل ، اى مسلمان لار كه ، اول
بيير قارا توفراغ ديك دور-كيم ، گل ريحانى يوق

Шоир мусулмонларга қарата жонсиз жисмдан гулу райҳони йўқ бир қаро туфроқ ҳосил бўлиши, яъниким жонсиз жисм ҳароратини йўқотиб бурудатдек қаро туфроқга айланганда, яъни унда илиқлик мавжуд бўлмаганлиги туфайли у туфроқда гул ҳам, райҳон ҳам унмайди. Ушбу байтда, исломий ақидага кўра, инсон туфроқдан яратилиб, қаро туфроқга қайтиши назарда тутилган.

بيير قارا توفراغ كيم ، يوق تور گل ريحان انگا ،
اول قارانغو كيچه ديك دور كيم ، مه تابانى يوق

5-шуба

Учинчи байтда, қаро туфроқда илиқлик мавжуд эмас, шунинг учун унда гулу райҳон унмайди. Уни худди ёритиб турувчи ойи йўқлигидан қоронғу зимзиё кечага ухшатади. Бизга маълумки, ой ўзидан ҳафақат ёруғлик, балки ҳарорат ҳам тарқатади. Шунинг учун ҳам моҳи тобоннинг йўқлиги ҳарорат ва ёруғликнинг йўқлигига, ҳароратнинг йўқлиги гулу райҳонни қаро туфроқда унмаслигига, ёруғликнинг йўқлиги қаро туфроқ каби тим қоронғу кечани эслатади. Тўртинчи байт мазмуни учинчи байт юзасидан айтган фикримизни тасдиқлайди. Байтни келтирамиз:

اول قارانغو كيچه كيم، يوق تور مه تابان انگا
ظلمتی كيم، انینگ سرچشمهء حیوانی يوق

Маҳ-и тобони йўқ кеча тим қоронғу мисоли зулмат каби бўлади. Зимзиё, тим қоронғу зулмат инсонни нодонликка, қолоқликка, жаҳолатга етаклайди. Ва у сарчашмасини яъни манбайи, келиб чиқишини, ҳайвонини – тириклик бўлоғи манбайи – Аллоҳни унутади – шоирнинг ғояси шу.

ظلمتی كيم، چشمهء حیوانی انینگ بولمه غی
دوزحی دور- كيم یانی ده روضهء رطوانی يوق

Бешинчи байтда, шоир анъанавий исломий эътиқодга амал қилиб, нодонлик, қолоқлик, жаҳолат зулмати сари интилганлар чашма-и ҳайвони – тириклик бўлоғи манбаидан маҳрум этилгач, ҳаётдан кўз юмганда, равза-и ризвон яъниким, жаннат боғидан ҳам маҳрум этилади ва ундайларнинг жойи дўзахда, жаҳаннамдадир, деб тушунтиришга интилади.

دوزحی كيم، روضهء رطوان دین اولغی نا امید
بیر خماری دور كيم، انده مستلغ امکانی يوق

Олтинчи байтда, беҳишшиз жаҳаннамда жаннат боғидан умидсиз бўлиб, шундай хумор қилувчи бошнинг оғриқчи мавжудки, унда кайф қилишга, куйкишишга куч-қудрат топиш мумкин эмас дейилган.

ای نوائی، بار انگا مونداق عقوبت لار كه، بار
حجر دین دردی، و لیکن وصل دین درمانی- يوق [328;3]

Мақтаъда Навоий юқоридаги байтда таъкидлаганидек, у ерда хумор қилувчи бошнинг оғриқчидек уқубатли жазо, қийноқ борки, оғриқли азобни тарк этиш, ундан айрилиш ва васлга Аллоҳ билан бирикиш, висолига эришиш, етишишга куч-қувватнинг дармони-мадорсизланиб, ҳаракатга кучи етмай қолади, деб ғазални яқунлайди.

Ўқитувчи хулосаси: Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган бобомиз мир Алишер Навоий, гарчи, буюк физик олим Алберт Энштейн ва унинг устози билан бўлиб ўтган баҳсда бўлмаган бўлса ҳам, икки олимнинг савол-жавобига ирфоний-маърифий мазмундаги етти байтдан иборат биргина мусалсал ғазали билан масаланинг ечимини топиши тафаккур ва салоҳиятда беназирликдан далолатдир.

Алишер Навоий меросининг боқийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги алломага “*Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир*” [2] деб таъкидланиши бежиз эмасдир.

5-шуба

“Саволларга жавоб бериш дақиқаси”: тарқатма материаллар тарқатилади. Якка тартибда савол-жавоб ўтказиш тавсия этилади.

Савол: Навоий “Хазойин ул-маоний” лирик куллиётини қачон яратган ва унунг таркиби қайси девонлардан ташкил топган?

Жавоб: Навоий 1492-1498 йиллар мобайнида олдинги расмий девонларига кирган ва кейинчалик яратилган шеърларини жамлаб, тўрт мустақил девондан иборат лирик куллиёти - “Хазойин ул-маоний” (Маънолар хазинаси)ни яратди ва унунг таркиби қуйидаги девонлардан ташкил топган:

1. “Ғаройиб ус-сиғар” (Ёшлик ғаройиблари).
2. “Наводир уш-шабоб” (Йигитлик нодирликлари).
3. “Бадое ул-васат” (Ўрта ёш гўзалликлари).
4. “Фавойид ул-кибар” (Кексалик фойдалари).

Савол: Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” лирик куллиётида нечта ғазал мавжуд?

Жавоб: Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” лирик куллиётида 2600 ғазал мавжуд.

Савол: Ғазал композициясига кўра нечта мустақил турга ажралади?

Жавоб: Ғазал композициясига кўра тўрт мустақил турга ажралади:

1. Мустақил байтлардан тузилган ғазал.
2. Якпора ғазал.
3. Воқеабанд ғазал.
4. Мусалсал ғазал.

Савол: Мусалсал ғазал деб қандай ғазалга айтилади?

Жавоб: Таркибидаги лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинма сатрлар силсиласида даражама-даража ривожланиш хусусиятига эга бўлган ғазал мусалсал ғазалдир. Мумтоз шеърлятидаги тадриж усулининг бутун ғазал доирасида фаол қўлланилиши ўша ғазалнинг ўзига хос композицион тур – мусалсал ғазал сифатида шаклланишига хизмат қилади. Мусалсаллик ғазалнинг бутун композициясига тегишли хусусиятдир.

Савол: Котиб ва хаттот сўзларини изоҳланг.

Жавоб: Котиб сўзи хаттот сўзи билан маънодош бўлса-да, котиб умуман матнни, оддий қўлёзмаларни кўчирувчига нисбатан қўлланган. Хаттот сўзи эса ҳуснихат санъати қоидаларини чуқур эгаллаган, бир неча хат услубларини (айниқса настаъликни) яхши эгаллаган моҳир котибга – ёзув санъаткорига нисбатан айтилган. Аммо шундай бўлса-да, машҳур хаттотлар ҳам ўзларини котиб деб атаганлар ва шу сўзни ўз исми шарифларига қўшиб имзо чекканлар. Чунончи: Абдулжамил котиб, Абдуманнон котиб, Шомурод котиб.

Савол: Мумтоз хат турлари ҳақида гапиринг.

Жавоб: Куфий ёзуви асосида араб ёзувининг санъаткорона яратилган олти хил асосий нави - сулс, тавқиъ, рикоъ, райҳоний, насх, муҳаққиқ каби турлари кашф этилди. Баъзи тилшунос олимлар таълиқ хатини бу олти хат ёнига қўшиб, асосий хат услубларини ети тур қилиб кўрсатадилар. Бу хат форсий матнларни ёзиш учун ихтиро қилинган. Кейинчалик бу хат тури насх билан қўшилиб, настаълиқ хат тури яратилган. Настаълиқ хатининг асосчиси

5-шубба

Хожа Мир Али Табризий (1330-1404) эди. Бу хат турида форсий ва туркий матнлар битилган.

“Топшириқ бажариш дақиқаси” [1], [4]: талабаларни мумтоз араб хат турларини қай даражада ўзлаштирганликларини топшириқ бажариш орқали амалда текширилади.

Ўқитувчи томонидан ғазалнинг биринчи байти намуна сифатида настаҳтаблиқ хат турида ёзилган варақа доскага илинади.

ياردين ابرو گونگول ملكه زور سلطانى يوقى
ملكه كيم سلطانى يوقى جسم زور كيم جانى يوقى

Талабалар олтига кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ топшириқда берилган байтни белгиланган мумтоз хат турида варақага ёзиб, маълум муддатда доскага илишади.

1-гуруҳ, иккинчи байт, муҳаққак хат турида:

جسمين جان سپرنه حاصله سلامت لاره اول
بيز قار انو فراغ كيم دور كيم لر يان يوقى

2-гуруҳ, учинчи байт, сулс хат турида:

بيز قار انو فراغ كيم يوقى تور تور گل ريمان انگا
اول قار انغو كچه ن بگ دور كيم مه تابان يوقى

3-гуруҳ, тўртинчи байт, насх хат турида:

اول قار انغو كچه كيم يوقى مه تابان انگا
ظلمتنى كيم ايننگ سرچشمه حيوانى يوقى

4-гуруҳ, бешинчи байт, тавқиъ хат турида:

ظلمتنى كيم ايننگ سرچشمه حيوانى يوقى
بيز قار انغو كچه كيم يوقى مه تابان انگا

5-гуруҳ, олтинчи байт, райҳоний хат турида:

دور كيم روضه رطوان بين اولغاي نا امید
بيز قار انغو كچه كيم يوقى مه تابان انگا

6-гуруҳ, еттинчи байт, рикӯъ хат турида:

اي نوائى بارانگا مند او، عقوبت لاره بار
جريدن دردى وليكعين وصل دين درماني يوقى

“Луғат тузиш дақиқаси”: Навоийнинг юқорида таҳлил этилган мусалсал ғазали учун қисқача луғат тузилади ва ёзилади.

5-шуъба

ملك [f.] – подшолик, давлат, жаҳҳат;

سلطان [f.] – эга;

جسم [f.] – жасад, вужуд.

مه تابان [f.] – ялтироқ, порлоқ, ёрқин, нурли, ярқираган, чақнаган, порлаб турган ой.

ظلمت [f.] – зим-зиё, тим қоронглик; (кўчма маъноси) – нодонлик, қолоқлик, жаҳолат;

سرچشمه [f.] – манбаи, калит, келиб чиқиши;

چشمهء حيوان [f.] – тириклик бўлоғи манбаи.

دوزخ [f.] – жаҳаннам;

روضهء رضوان [a.] – жаннат боғи, беҳишт.

خمار [f.] – бош оғриқ;

مست [f.] – кайфи бор, хушёр эмас; жинси жиҳатдан уйгонган, куйиккан; қаттиқ таъсирланиб, завқланиб кайф қилган;

امكان [a.] – мумкинлик; юзага чиқиш, чиқариш учун мавжуд куч-қудрат, қобилият, восита.

عقوبت [a.] – жазо, таъзир; ўч, қасос, жарима, азоб, қийноқ, жафо;

حجر [a.] – ташлаб кетиш, тарк этиш; айрилиқ, жудолик, ҳижрон;

درد [f.] – касаллик; озор, алам; азоб, оғриқ;

وصل [a.] – бирикиш; боғланиш; қоришиш, висолига эришиш, етишиш;

درمان [f.] – даъво, куч-қувват, мадор, мажол.

Уйга вазифа: Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётига киритилган бирон бир мусалсал ғазалини танлаш. Уни кейинги машғулотга юқоридаги ғазалга монанд тарзда ёзма шарҳлаш ва таҳлил этиш, мумтоз хат турлари бўйича ёзиш топширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зуфаров Т. Хат таълими. –Т.: Меридиус, 2010.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир/Юксак маънавият - келажак пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Навоий Алишер. Хазойинул-маоний, Ғаройибус-сиғар. Илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон, –Т.: Фан, 1960.
4. Ҳакимжон Масъудали. Хатти муъаллимий. –Т.: Меҳнат, 1991.
5. Қодирова М.Ўзбек шоиралари назмиётида Навоий анъаналари. –Т.: Билим, 1991.
6. <http://www.dezinfo.net/chtivo/48213-spor-studenta-i-professora-o-boge-i-vere.html>. Бурудат [ф.] – совук, салқин, илиқликни йўқолиши, совуш, бепарво, шавқсиз.

5-шубба

ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маҳбуба Юсуфжановна Собирова,
Наманган ДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

Ўқитувчи методи ҳақида гап кетганда ўқитувчининг ўз билганларини ўқувчиларига етказа олиш даражасигина эмас, ҳатто унинг ўзини тутиши, нутқи ҳам катта аҳамият касб этади. Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай кечиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш, қай тарзда олиб бориш кераклигини белгилаб беради. М.В.Кларин бу ҳақда шундай дейди: “ўқитувчи томонидан қўлланадиган паузанинг давомийлиги сингари “майда нарса” ўқув диалогининг, синфдаги ўзаро ҳамкорликнинг характерига сезиларли таъсир ўтказади” [1;24]. Психолог-методист Е.В.Коротаева бу мавзуга доир шундай ёзади: “Агар “жавобни кутувчи пауза” ўқитувчи томонидан уч секунддан беш секундгача чўзилса, мулоҳазалар сони ортади, жавобларнинг давомийлиги кўпаяди, ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончлари кўтарилади, уларнинг мулоҳазаларида далиллар кучаяди, муҳокамага ўқиш даражалари унчалик юқори бўлмаган ўқувчилар ҳам қўшила бошлайди, болалар орасидаги ўзаро ҳамкорлик кучаяди ва бошқалар” [2;7]. Методист олима М.Мирқосимова таъкидлаганидай: “Адабиёт ўқитувчиси ҳар бир инсон бадиий адабиётсиз камолотга эриша олмаслигини ўз ўқувчилари онгига, қалбига сингдириши лозим” [3;75]. Адабиёт ўқувчисининг педагогик фаолияти қирраларини алоҳида ўрганган Р.Келдиёров бу соҳа эгаларида бадиий ижрочилик маҳоратининг мавжудлигига [4;44], И.Ражабова эса адабиёт дарсларини интерфаол усулларда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади [5].

Бугунги кун адабиёт ўқитувчиси ўқитиш самарадорлигига эришишда ўқитувчининг ўқувчилар билан, ўқувчиларнинг ўқувчилар билан ўзаро шериклиги қандай ўрин тутишини; адабий таълим, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир кўрсатиш орқали уларда эзгу маънавий сифатларни шакллантириш воситаси эканини чуқур англаши керак.

Инсоният билим олиш ва билим беришнинг шундай босқичига етдики, эндиликда неча минг йиллардан буён фойдаланиб келинаётган ўқитиш усуллари етарли бўлмай қолди. Бугун ўқитишнинг турли-туман инновацион кўринишлари юзага келмоқда. Адабиёт сабоқларида ҳамкорликни йўлга қўйишда “Доира”, “Яхшидан боғ қолади”, “Гулдаста” усуллари самарали ҳисобланади ва улар қуйида изоҳланади:

1. “Доира” усулида битта савол ёки бир нечта саволларга ҳар бир ўқувчи томонидан алоҳида жавоб берилиши кўзда тутилади. “Доира” усули айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш усулидир. Бу усул қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Машғулот бошида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва ўқувчиларга ўтиладиган мавзу юзасидан саволлар

5-шуба

беради. Масалан, 6-синф адабиёт фанидан 4-чоракда Зулфия ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўқув режада 2 соат вақт ажратилган. Мазкур соатнинг 1-машғулотида ўқитувчи мавзуга оид қуйидаги саволларни бериши мумкин:

1. Шоира Зулфия ҳақида биласизми? Зулфиянинг ўзи ким?
2. Сизнинг мактабингизда ёки қўшни мактабларда Зулфия номидаги Давлат мукофотларига сазовор бўлган қизлар борми?
3. Ана шундай нуфузли мукофот нега Зулфия номида?
4. Қандай хизматлари билан бундай шарафга шоира сазовор бўлган?
5. Зулфия қандай шеърини тўпламлар ва дostonлар муаллифи?
6. Оналар нима учун урушни қоралайдилар? Бу ҳақда шоира қандай асар ёзган?
7. Зулфия шеъридаги она фарзандини ўйлаб, қандай орзуларга берилади? Дарслигингиздан шу мазмундаги сатрларни ифодали ўқинг.
8. Зулфия мукофотида кимлар сазовор бўлади?
9. Биз Наманган вилоятида яшаймиз. Вилоятимиздан ана шундай нуфузли мукофотга сазовор бўлганларнинг номларини айта оласизми?

Синфдаги ўқувчилар ўрта таълим бўғинидаги кичик синфлар бўлишгани учун юқоридаги саволларга тўла жавоб бера олмасликлари мумкин. Бундай ўринда ўқитувчи ўқувчиларга қўшимча тарзда маълумотлар бериши мумкин. Айлана бўйлаб ҳар бир ўқувчи ўз мулоҳазаларини айтади. Бу усулдан фойдаланганда ўқувчиларга бериладиган савол бир неча тўғри жавобга эга бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Ҳар бир ўқувчи олдида биттадан савол қўйилади ва муаммонинг ечими учун сарфланадиган вақт белгиланади. Улар муаммога ўз ечимини таклиф қилади. “Доира” усулининг афзалликлари қуйидагича:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир ўқувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади;
- “Доира” усулида барча кичик гуруҳдаги ўқувчилар бир-бирларининг жавобларидан хабардор бўлишади;
- ўқувчилар ўзлари берадиган жавобда олдингиларни такрорламасликка, муаммонинг янги қирраларини очиб беришга интилишади;
- бу усул ўқувчиларга ўзларини ўзлари тўғрилаш имконини ҳам беради.

2. “Яхшидан боғ қолади” усули ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишда қўл келади. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, жамоаларига мос ном танлашади ва ушбу номни ватман қоғозга ёзишади. Гуруҳнинг фаол иштироки учун ватманга биттадан яшнаб турган дарахт тасвири ёпиштирилади. Ўқувчилар ҳар қандай тўғри-нотўғри фикрларни билдиришдан чўчимасликлари учун қуйидаги қоидалар синфтахтага ёзиб қўйилиши ва унга ҳамманинг амал қилиши таъминланиши керак:

- танқид қилмаслик ва баҳоламаслик (айтилаётган фикрлар қандайлигидан қатъи назар ҳеч ким ҳеч кимни айбламаслиги керак);
- фикрларнинг миқдори муҳим (фикрлар қанча кўп бўлса, шунча яхши, чунки ортиқча ғояларни қисқартириш, етарлича бўлмай қолган фикрларни

5-шуба

- кўпайтиришдан осонроқ);
- фикрларни алмаштириш, қўшиш, яхшилаш лозим (ҳаммининг фикри олиниб, улар мақсадга мувофиқ тарзда ўринлаштирилиши, сараланиши, таҳрир қилиниши, таҳлил этилиши керак);
 - бемалол бўлиш, завқ олиш керак. Бу жараён завқланиш руҳида ўтиши керак. Жараён қизиқарли ўтказилса, гуруҳ ичида дўстона вазият юзага келиб, ўқувчилар бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатишади).

Умуман, машғулот сўнгида бу жараён қандай ўтгани ва гуруҳларга қандай баҳо қўйилиши хусусида ўқитувчи ҳам фикр билдириши зарур. Шунини таъкидлаш керакки, баҳо алоҳида ўқувчиларга эмас, балки кичик гуруҳларга қўйилади. Шундай қилинса, гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўқитишади, дидактик материалнинг ҳамма томонидан ўзлаштирилишига интилишади. Адабиёт ўқитувчиси айтилаётган фикр ўрганилиши лозим бўлган бадиий асар матнига оид бўлишига эътибор бериши керак. Масалан, 6-синф дарслигидаги “Буюк алломаларимиз”, “Она шаҳрим”, “Миллий таомлар”, “Буюк астроном”, 5-синф дарслигидаги “Машҳур кишилар”, “Қадимий шаҳарлар”, “Олимпия ўйинлари” мавзуларини ўтишда “Яхшидан боғ қолади” усулини қўллаб, ўқувчиларнинг аждодларимиз ва миллий меросимиз ҳақидаги маълумотларни қай даражада билишларини аниқлаши ҳамда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириши мумкин. Бу усулнинг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, унда ўқувчилар ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишидан қатъи назар, ҳар битта қатнашчининг фикрини эшитишга ўрганишади. Шунингдек, гуруҳ аъзоларининг бир хил баҳоланиши болаларда жамоатчилик, ҳамкорлик руҳини шакллантиришга хизмат қилади. Машғулот ниҳоясида оппоқ ватманда ажойиб боғ тасвири пайдо бўлади. Дарахтлар сони гуруҳлар баҳосини белгилайди. Айни шу жараёнда боғ яратиш, гўзалликни ҳосил қилиш, она табиатни асраб-авайлаш, обод қилиш кераклигини ўқувчилар онгига сингиб боради.

3. “Гулдаста” усули кичик гуруҳлар билан ишлаганда ғоят ажойиб, ноанъанавий рағбатлантириш имконини беради. Машғулот аввалида ҳар бир гуруҳ ўтирган столга гулдон қўйилади. Фаол иштирок этган жамоага битта тўғри жавобга биттадан гул берилади. Ўқитувчи бошқарувчи эмас, балки фисилатор (ёрдам берувчи) сифатида иш кўради. У жараёни ташкиллайди, ўқувчиларнинг асосий мақсаддан чалғимасликларини таъминлайди. Бу жараёни ташкил этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикрларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

5-синфда ўқувчилар буюк муҳаддис ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асаридан берилган намуналар билан танишадилар. Ушбу адабий материал ўқитувчи томонидан муайян қисмларга ажратилади. Жумладан, ал-Бухорий ҳадислари мазмун йўналишига қараб, “Ота-она ҳақини адо этиш

5-шуба

тўғрисидаги ҳадислар”, “Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ҳадислар”, “Кўнгил ҳолатлари ҳақидаги ҳадислар”, “Эзгу инсоний хулқ тўғрисидаги ҳадислар” каби тўрт туркумга бўлинди. Ҳар бир кичик гуруҳга юқоридаги ўқув топшириқларидан бири берилди. Такдимотчи кичик гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган жавобни муайян тартибда бошқа кичик гуруҳларга ва ўқитувчи эътиборига ҳавола этади. Бир кичик гуруҳнинг жавобига бошқа кичик гуруҳ аъзолари ҳам муносабат билдириши, лозим топилса, жавоблар тўлдирилиши мумкин. “Гулдаста” усули асосидаги жараённинг афзалликлари қуйидагича:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- ўқувчиларга ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Дарс сўнгида гулдастасининг катталигига қараб, ғолиб жамоа аниқланади. Бу усул дарсни юқори кайфиятда ўтказишни таъминлайди.

Демак, адабиёт сабоқларида ҳамкорликни йўлга қўйиш қуйидаги натижаларни беради:

- адабиёт сабоқлари ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шаклланишига сабаб бўлади;
- ҳар қандай бадиий асарни ўқув ёки илмий таҳлилга торта олиш имкони туғилади;
- адабиёт сабоқларида ноёб асарлар борасидаги қарашларнинг бир хил эмаслиги англанади;
- ўрганилаётган асар юзасидан айтилган фикр-мулоҳазаларни, уларга қўшилмаган тақдирда ҳам, хотиржам қабул қила олиш кўникмалари шаклланади;
- бадиий асардаги муҳим унсурларни номуҳимларидан ажрата олиш малакалари ривожланади.

Адабиёт сабоқларида ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнида қуйидаги **тавсиялар** эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- бошланғич, ўрта, ўрта махсус таълим босқичларида самарали адабий таълим методларини қўллаш малакасини шакллантириш;
- ҳамкорликда ўқитиш усулларини қўллай олиш малакасини ўқитувчиларда шакллантириш;
- -исталган билим даражасига эга аудитория ўқувчилари билан ўқитувчининг алоқага кириша билиш;
- адабиёт сабоқларида ҳамкорликда ўқитиш усулларини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ҳамкорликда ўқитиш жараёнида ўқувчилар билимини холис баҳолай билиш.

5-шубба

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных поисках . – М.: 1994, с.193.
2. Коротаева Е.В. Особенности речевого взаимодействия учителя и учащих // Русский язык в школе. 2001, № 1, с.7.
3. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Т.: Фан, 2006.
4. Келдиёров Р. Адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг муҳим қирраси.// Тил ва адабиёт таълими, 1998, 1-сон, 41-44-бетлар.
5. Ражабова И. Адабиёт дарсларини интерфаол усулларда ташкил этиш. –Т.: Тамаддун, 2010.

BOSHLANG‘ICH SINFLAR O‘QUVCHILARIDA SO‘Z YASALISHIGA OID BILIMLARNI SHAKLLANTIRISH VAZIFALARI

Muhabbat Xo‘sinovna Jumaniyozova
*Urganch DU Boshlang‘ich ta‘lim metodikasi kafedrasida dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi*

Yangi taraqqiyot yo‘lidan borayotgan O‘zbekiston Respublikasida xalq ta‘lim oldidagi yetakchi vazifalaridan biri ta‘lim-tarbiya sifatini ko‘tarish, ta‘lim mazmunini yangilash, yosh avlodni aqliy intellektual taraqqiyotini ta‘minlashga yo‘naltirilgan uzluksiz ta‘lim-tarbiyaning yangi modelini ilmiy-pedagogik jihatdan ta‘minlangan holda muntazam takomillashtirish borishdan iboratdir. Xalq ta‘limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida “o‘qitish usullarini takomillashtirish, ta‘lim-tarbiya jarayoniga individuallashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish, kichik yoshdan o‘quvchilarda o‘qishga sog‘lom, kuchli va ta‘sirchan motivatsiyani shakllantirish” [1] kabi muhim vazifalar belgilangan.

Boshlang‘ich ta‘lim uzluksiz ta‘limning asosiy bo‘g‘inidir. Undagi ona tili ta‘limi bolalarning tafakkur qilish faoliyatlarini kengaytirish, erkin fikrlay olish, o‘zgaralar fikrini anglash, o‘z fikrlarini og‘zaki va yozma ravishda ravon bayon qila olish, jamiyat a‘zolari bilan erkin muloqotda bo‘la olish ko‘nikma va malakalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu o‘rinda ona tili ta‘limiga o‘quv fani emas, balki, butun ta‘lim tizimini uyushtiruvchi ta‘lim jarayoni sifatida qaraladi [2;10].

Boshlang‘ich sinflarda ona tilidan beriladigan bilimlar mazmunini o‘zbek tilining tovush tuzilishi va yozma nutqda tovushlarni ifodalash usullari haqidagi (fonetik va grafik); so‘zlarning o‘zgarishi, gapda so‘zlarning bog‘lanishi haqidagi (grammatik, ya‘ni morfologik va sintaktik); so‘zning morfemik tarkibi va so‘z yasaliş usullari haqidagi (so‘z yasalişiga doir); so‘zlarning leksik-semantik guruhi haqidagi (leksikologik); o‘zbek tili to‘g‘ri yozuv tamoyillari va tinish belgilarning ishlatilishi haqidagi (orfografik va punktuatsion) bilimlar tashkil etadi. Bu bilimlar, birinchidan, grammatik, fonetik, so‘z yasalişiga oid tushunchalarda, ikkinchidan, grafik, orfografik, punktuatsion qoidalarda namoyon bo‘ladi [3].

5-шуба

Boshlang'ich sinflar ona tili kursi 1-4-sinflarda tilning hamma tomonlari o'zaro bog'liq holda o'rganilishi hisobga olinib tuzilgan, har bir sinfda fonetika, leksika, grammatika va so'z yasalishi haqida elementar bilim beriladi. Kursning bunday qurilishi tilning barcha tomonlarini bir-biriga o'zaro ta'sir etadigan bir butun hodisa sifatida o'rganishni taqozo etadi. Tilni o'rganishga bunday yondashish ta'lim jaryonini o'quvchilar nutqini o'stirish vazifasini hal etishga yo'naltirish imkonini beradi.

Boshlang'ich ta'limda so'z yasalishi haqidagi bilimlar ona tili dasturining "So'z" bo'limi doirasida beriladi. Bu bilimlar o'quvchilarga so'zning tarkibiy qismini, o'zakdosh so'zlar hamda ot, sifat, fe'l so'z turkumini o'rgatish jarayonida kengaytirib boriladi.

3-4-sinflarda so'z tarkibini o'rganishga kengroq o'rin berilgan. Unda so'z yasovchi qo'shimchalarga doir esda saqlanadigan qoidalarni o'zlashtiish uchun quyidagi muhim belgilarga e'tibor berish zarur hisoblanadi:

1. O'zakka qo'shib, yangi ma'noli so'z hosil qiladigan morfema affiks morfema bo'ladi.
2. Bitta so'zga turli so'z yasovchi qo'shimchalar qo'shish bilan o'zakdosh so'zlar hosil qilinadi.
3. So'z yasovchi qo'shimchalar o'zakdan anglashilgan ma'no bilan bog'liq bo'lgan boshqa bir so'z hosil qilsa, uni yasama so'z deyiladi.
4. So'z yasovchi qo'shimchadan yasalgan yangi so'z mustaqil ma'no anglatgan so'z bo'lib, bir so'z turkumi doirasida lug'atni boyitadi yoki boshqa turkumiga o'tib keta oladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida so'z yasalishi tushunchasini shakllantirish jarayonida so'zning leksik ma'nosi, gapning tarkibidagi boshqa so'zlarga ta'siri oydinlashadi, o'quvchida so'zni uslubiy jihatdan to'g'ri ishlatish ko'nikmasi ortadi.

Boshlang'ich sinflarda so'z yasovchi qo'shimchalarni o'rganishning asosiy vazifasi o'quvchilarni so'zda so'z yasovchi qo'shimchani ahamiyati bilan tanishtirish va shu asosda so'z yasovchi qo'shimchali so'zdan o'z nutqida ongli foydalanish ko'nikmasini o'stirish hisoblanadi [4;235]. O'quvchilar so'z yasovchi qo'shimcha yordamida yangi lug'aviy so'z yasash mumkinligini tushunishi muhim ahamiyatga ega.

So'z yasovchi qo'shimchalar ustida ishlash ba'zi so'z yasovchi qo'shimchani ma'nosini va yasama so'zning grammatik belgilarini aniqlash bilan birga olib boriladi. So'z yasovchi qo'shimchani ma'nosini tushuntirish uning so'z yasashdagi ahamiyatini o'quvchilar anglashiga imkon beradi, ularning diqqat-e'tibori so'z yasovchi qo'shimcha yordamida yangi lug'aviy ma'noli so'z yasalishiga qaratiladi. Masalan: bosh- boshla- boshliq-boshqar. Yasalgan so'z qaysi so'z turkumiga kirishini aniqlash so'z yasovchi qo'shimcha yordamida har xil so'z turkumiga oid so'zlar yasash mumkinligi haqidagi tasavvurni chuqurlashtiradi.

So'z yasalishi so'z tarkibini o'rganish bilan chambarchas bog'liq holda olib boriladi. Binobarin, "Ona tili" darsliklarida berilgan mashqlardan tashqari morfologik tahlil vositasida yasovchilar yordami bilan so'z yasash yo'llarini ijodiy tashkil etish

5-шубба

maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunda o'quvchilarda so'z topish, o'z lug'atini boyitish mas'uliyati oshiriladi. Masalan, 3-sinfda quyidagi topshiriqlardan foydalanish mumkin:

1) bir o'zakli so'zlar royxatini tuzish: gul-gulchi-guldongulla-gulli-gulsiz yoki ish-ishchi-ishchan-ishsiz-ishli kabi;

2) qo'shimchani har xil o'zakka qo'shib yangi so'z hosil qilish: gulzor-bug'doyzor-paxtazor, gulchi-ishchi-gapchi kabi;

3) so'z qismlarini jadvallarda ko'rsatish:

| So'zlar | O'zak | So'z yasovchi qo'shimchalar |
|-----------|-------|-----------------------------|
| vatandosh | vatan | -dosh |
| paxtakor | Paxta | -kor |
| bog'bon | bog' | -bon |

So'z yasalishini va so'z yasovchi qo'shimchani ongli o'zlashtirish uchun matnni leksik-grammatik va leksik-stilistik tahlil qilishga oid vazifalardan foydalanish ham yaxshi natija beradi. Bunday topshiriqlarga matndan o'zakdosh so'zlarni topish; ularning ma'nosidagi farqni aytish; bu farq so'zning qaysi qismi yordamida berilayotganini aniqlash kabilar kiradi.

Boshlang'ich ta'limda so'z turkumlarini o'rganish bilan bog'liq holda so'zning tarkibi ustida ishlashda ham o'quvchilarning so'z yasovchi qo'shimchani so'z yasashdagi ahamiyati haqidagi bilimni chuqurlashtiriladi, o'quvchilar ot, sifat, fe'llarning yasash xususiyatlarini bilib oladilar. O'qituvchi so'z turkumlarini o'rganish jarayonida o'quvchilarga so'z yasalishi asoslarini, so'z yasovchi qo'shimcha yordamida bir so'z turkumidan boshqasini yoki shu so'z turkumining o'zini yasash mumkinligini tushuntiradi. Masalan, ot ko'proq boshqa bir otdan (*baliqchi; kitobxon*), shuningdek, fe'ldan (*elak, terim*); sifat ko'proq otdan (*suvli, suvsiz*), shuningdek, fe'ldan (*maqtanchoq, bilag'on*); fe'llar otdan (*ishla, gulla, gapir*), sifatdan (*oqla, oqar, eskir, qoray*) yasaladi.

Ko'rinadiki, boshlang'ich sinflarda so'z yasalishi haqidagi bilimlar ko'proq amaliy xarakterga ega bo'lib, so'z tarkibi ustida ishlash hamda so'z turkumlarini o'rganish jarayonida chuquqlashtirib boriladi, so'z yasovchi qo'shimchalarning so'z yasash xususiyatlarini anglashga yo'naltiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-son Farmoni. – Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 06/19/5712/3034-son, 29.04.2019.

5-шуба

2. Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. –T.: 2010.
3. Fuzailov S., Xudayberganova M., Yo'ldosheva S. Ona tili. 3-sinf uchun darslik. –T.: O'qituvchi, 2012.
4. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. –T.: Nosi, 2009.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАТИШ

Сайёра Шукуровна Холмирзаева,
ТДЎТАУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, улуғ адиб Шукур Холмирзаевнинг асарларини ўқимаган ўзбек ўқувчисини топиш қийин. Бетакрор ҳикоялари, жозибадор қиссалари, юксак савияли романлари аллақачон ўзбек адабиётининг нодир жавоҳирларига айланган. Ёзувчи бир умр ўзбек халқининг характерини, яшаш тарзини, қиёфасини тасвирлаб, кўрсатиб ижод қилди. Бадиий солнома яратган Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодини тизимли таҳлил қилиш адиб ижодининг ўзига хос томонларини ҳамда миллий маънавиятимизга қўшган улкан ҳиссасини тўлиқ белгилаш имконини беради. “Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил” модулининг муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Болтабаев тизимли таҳлил тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршунослик долзарб масалаларини ўрганишда, мураккаб таҳлилий жараёнда аниқ илмий хулосаларга келишда ёрдам беришини кўрсатиб берган. Тизимлилик тушунчалари доимий суръатда қисм ва бутун моҳиятини бирлаштириб турган. Муаллифни ўрганишга қаратилган назарияларда тадқиқот объекти – бадиий ижод, муайян ижодкорнинг турли йилларда яратган асарлари бўлганлиги сабабли ҳам унинг предмети сифатида асарларини жанр турларига бўлиб ўрганиш назарда тутилади. Тадқиқот объектини яхлит тушуниш бу – тизимли суръатда бири иккинчисини тақозо қиладиган компонентлардан иборат эканлигидир. Объектга тизимли муносабатда бўлишда турли тизимли методлардан фойдаланилади: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, композиция ва декомпозиция, кластер ва таснифлаш. Биз, Шукур Холмирзаев ижодини, унинг асарларини, яъни бизга қолдирган маънавий меросини тадқиқот объекти сифатида қарайдиган бўлсак, унинг турли жанрларда яратган асарларини тизимли равишда бири иккинчисини тақозо қиладиган компонентлар сифатида ўрганамиз. Адибнинг ижодини ўрганилишининг **долзарблиги** қуйидагиларда кўринади:

1. Шукур Холмирзаевнинг ҳақиқий ноёб истеъдод эгаси эканлигини очиб бериш орқали миллий адабиётимизда тутган ўрнини аниқлаш;
2. Адиб асарларида умуминсоний қадриятларнинг акс эттирилиши;
3. Бадиий ҳамда публицистик асарларида ёритилган мавзулар ҳамда кўтарилган муаммоларнинг барча даврлар учун муҳимлиги;

5-шуба

4. Ёзувчининг ўз ишига фидоий, тўғрисиўз, халол ижодкор ва шахс сифатида қадрланиши.

Мақсадга эришиш учун бажариладиган **вазифалар**:

1. Шукур Холмирзаевнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни тадрижий ҳолда таҳлил қилиш;

2. Адибнинг ижодий шаклланиш босқичларини ўрганиш;

3. Шукур Холмирзаев ўзбек миллий ҳикоячилигида янги мактаб яратганлигини ёритиш;

4. Ўзбек адабиётида эссе (бадиа) жанрининг имкониятларини янада кенгрок очиб берганлигини кўрсатиш;

5. Ш. Холмирзаевнинг ўзбек романчилиги ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

6. Ш. Холмирзаевнинг ўзбек қиссачилигидаги ўрнини очиб бериш;

7. Ш. Холмирзаевнинг адабиётшунос ва публицист сифатидаги фаолиятини таҳлил қилиш;

8. Адибнинг ўзбек драматургиясида тутган ўрнини кўрсатиш;

9. Ёзувчининг болалар адабиётининг ривожига қўшган улушини очиб бериш;

10. Шукур Холмирзаевнинг ўзбек насрига қўшган ҳиссасини яратган асарлари орқали ёритиш.

Бажариладиган вазифаларнинг **кетма-кетлиги**:

1. Ш. Холмирзаевнинг таржимаи ҳолини у яшаган давр, муҳит билан боғлаб ўрганиш;

2. Илк ижодидаги қадамлар, ўсиш-ўрганиш, изланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

3. Ижодкорнинг ўзига хос бадиий талқинга, ўз йўли ва услубига эга эканлигини асарлари орқали далиллаш;

4. Ўзбек ҳикоячилигини юқори поғонага кўтарганлигини асослаб бериш;

5. Публицистиканинг, драматургиянинг, насрнинг турли жанрларида баракали ижод қилганлигини кўрсатиш;

6. Ижодкорнинг ёзувчи сифатида, шахс сифатида ўзига хослигини кўрсатиш;

7. Ҳукумат томонидан унвон ва мукофотлар билан тақдирланганлиги;

8. Профессional ёзувчи, моҳир ҳикоянавис сифатида ёш ижодкорларга устозлик қилганлиги;

9. Адиб қолдирган маънавий мероснинг салмоғини очиб бериш ва шу орқали кўп қиррали ижодкор эканлигини кўрсатиш;

10. Ш. Холмирзаевнинг вафотидан кейин унинг хотирасини абадийлаштириш бўйича қилинаётган ишлар.

Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида адиб ижодининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи маълумотлар базаси шакллантирилади. Адибдан қолган маънавий мерос таркиблантирилади, яъни Ш. Холмирзаевнинг асарлари санаб ўтилади, улар турли жанрларга бўлиниб,

5-шуба

алоҳида таҳлил этилади. Ёзувчи ижодий портретининг, дастлабки, кўриниши юзага келади. Ш. Холмирзаев ижоди ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ таркиблаштирилади. Адибнинг ҳар бир жанр бўйича яратган асарлари маълум таркибга солинади, ижодкор яратган асарларининг хронологияси тузилади. Натижада, ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ ижодий портрет яратилади, етук адиб сифатидаги кўриниши шакллантирилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ижоди кўп қиррали, сермахсул бўлганлиги сабаби жанрларга бўлиб ўрганилади:

1. Ҳикоя жанрида: “Ҳаёт абадий”, “Ўзбек бобо”, “Табассум”, “Кечаги кун – кеча”, “Озодлик”, “Асорат”, “Банди бургут”, “Бодом қишда гуллади”, “Омон овчи”, “Ой ёруғида”, “От эгаси”, “Ёзувчи”, “Танҳолик”, “Тўп ўйин”, “Мангу йўлдош”, “Кўк денгиз”, “Қадимда бўлган экан”, “Ўзбек характери”, “Ҳайкал”, “Устоз”, “Битикли тош”, “Оқтош” ва бошқалар.

Ш. Холмирзаевнинг илк ҳикоялари 1959-1969 йилларда, талабалик даврида чоп этилган бўлиб, улар “Нотаниш одам”, “Улар учмоқда эди”, “Ёввойи олмазор қароқчилари”, “Ишонч” кабилардир. Адиб умри давомида профессионал ёзувчи сифатида бу жанрда юзга яқин ҳикояларнинг гўзал, бетакрор намуналарини яратди. Адибнинг “Кузда баҳор ҳавоси” номли сўнгги ҳикояси 2005 йилда ёзилган.

2. Роман жанрида: “Сўнгги бекат”, “Олабўжи”, “Йўловчи”, “Қил кўприк”, “Динозавр”.

Адибнинг илк романи “Сўнгги бекат” 1976 йилда ёзилган бўлиб, ўз даврида жуда катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Ш. Холмирзаевнинг “Динозавр” номли романининг биринчи қисми 1996 йилда чоп этилган.

3. Қисса жанрида: “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “Оқ отли”, “Тўлқинлар”, “Йўллар, йўлдошлар”, “Юр, тоғларга кетамиз!”, “От йили”, “Тупроқ кўчалар” ва бошқалар.

Ш. Холмирзаевнинг илк қиссаси “Оқ отли” ҳам талабалик йиллари – 1962 йилда босилиб чиққан. Кетма-кет “Тўлқинлар”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор” каби қиссалари яратилган. “Тўлқинлар” (1963) қиссасида замондошларининг мураккаб тақдирини қаламга олиниши ва ўзига хос маҳорати билан Абдулла Қаҳҳорнинг эътиборини тортган ва улкан адиб талаба Шукур Холмирзаевга мактуб битиб қутлаган.

4. Драматургия жанрида: “Қора камар”, “Зиёфат”, “Ҳожи бобо” (сценарий), “Булут тўсган ой”(сахна варианты), “Қор ёғаётир”(сценарий), “Бу тоғлар – бизники” (болалар учун).

Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар” асарида илк бор босмачи тамғали ўзбек Ватанпарварларининг озодлик, эркинлик ғояси учун кураш олиб борган миллатпарвар қиёфаси ўз бадиий аксини топган. Ёзувчининг пьесаси асосида Аброр Ҳидоятлов номидаги Ёшлар театрида сахналаштирилган “Қора камар” спектакли ёш авлодда тарихий ўтмишга янгича ёндашиш майлининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади.

5. Эссе жанрида: “Боғбон”, “Бинафша ҳидланг, амаки!”, “Тақдир башорати”, “Қадимий Бақтрия тупроғида”, “Бир оқшом суҳбати ёки дўстим

5-шуба

Рўзи Чориев”, “Одил ака ҳақида ўйласам”, “Шайдолик”, “Алпомиш неча ёшда?”, “Тоғларга қор тушди”, “Йўллар айро тушди, аммо...”, “Бу кишим – устоз, мен шогирд” ва бошқалар.

Ўзбек миллий адабиётида эссе жанрининг ривожланишида Ш. Холмирзаевнинг муҳим ўрни бор. 1968 йилда “Тақдир башорати” номли эссесидан бошланиб, кейинчалик йигирмадан ортиқ эсселар ёзиб қолдирди. “Бу кишим – устоз, мен – шогирд” номли сўнгги автобиографик эссеси 2004 йилда ёзилган.

6. Публицистик жанрида: “Ёзувчи ким?”, “Адабиёт, адабиёт, адабиёт...”, “Адабиёт ўладими?”, “Инсонни кашф этиш бахти”, “Айтар сўзимизга маъсул бўлайлик”, “Жаҳонбоп асар ёза оламан, лекин...”, “Ҳикоя ҳақида”, “Мўъжиза бўлиб қолсин”, “Эссе – эркин ижод”, “Абдулла Қаҳҳор сабоқлари”, “Фақат ўзлигимни англаш учун ёзаман” ва бошқалар.

Ш. Холмирзаев 1960 йилдан (“Бир сафар хотираси”) то умрининг охиригача дамларига қадар юздан ортиқ адабиёт, маънавият, миллий қадриятлар ҳақида мақолалар, очерклар, суҳбатлар, мактублар қайдлар ёзиб қолдирганки, улар ҳам ижодкор адабий меросининг бир қисми сифатида қаралади.

Ўрганиш натижалари:

1. Шукур Холмирзаевнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш орқали унинг турли жанрларда яратган асарларининг ўзбек адабиётида тутган ўрни очилади. Ўзбек ҳикоячилиги, романчилиги, эссечилиги, драматургияси, қиссачилиги, адабиётшунослигига қўшган улушининг даражаси кўрсатилади.

2. Адабиётшунос-олимларнинг таъкидлашларича, Шукур Холмирзаев ўзбек адабиётида ҳикоячилик мактабини яратган. У ёзиб қолдирган ҳикоялар катта маҳорат, талант ва профессионализм маҳсули эканлиги эътироф этилади. Адибнинг ҳикоялари ўзбекнинг миллий характерини очиқ берган, Ватанга, юртга бўлган чексиз муҳаббатнинг ифодаси сифатида қаралади.

3. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Абдулла Орипов айтганидек, “Жаҳон прозасининг машваратида Шукур Холмирзаевнинг ўз ўрни бор. Шукур Холмирзаев ҳеч тўхтамайдиган абадият йўлида кетаётгани шубҳасиз”. Адибнинг бадиий асарларининг тўлиқ жилдини чоп эттириш, уларни чет тилларига таржима қилиш келгусидаги режалардир.

4. Ш. Холмирзаев ижодини янада кенгроқ тарғиб қилиш, асарларини тўлиқ жилдларини чоп эттириш, уларни чет тилларига таржима қилишини йўлга қўйиш, драматик асарларини сахналаштириш, ўзбекнинг миллийлигини очиқ берадиган бадиий асарлари асосида фильмларни суратга олиш ва умуман, шу юртнинг фахрли бир адиби сифатида ҳаққоний ўрнини ва қадрини белгилаш вақти келди. Чунки ёзувчининг қаҳрамонлари тилининг ранг-баранглиги, образларнинг ёрқинлиги, композициянинг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

5. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Шукур Холмирзаевнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш – бу энг аввало, ўзбек адабиётининг XX асрда ижод қилган йирик вакиллари билан биринчи ўрганиш демакдир. Жаҳон адабиёти билан тенглаша оладиган асарлар яратган

5-шубба

адибнинг маънавий мероси ҳозирги ва келгуси авлодларнинг маънавий ўсувига хизмат қилиши ҳақиқатдир.

6. Шукур Холмирзаевнинг бой адабий мероси адабиётшунослар, олимлар, танқидчилар томонидан чуқур ўрганилишига, илмий ишлар ва янгидан янги тадқиқотлар яратилишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов. К. Шукур Холмирзаев. Ижодий портрет. –Т.: Қатортол-Камолот, 1999.
2. Мирвалиев. С. Ўзбек адиблари. –Т.: Фан, 1993.
3. Тавалдиева. Г. Шукур Холмирзаев ижодий йўли. –Т.: 2001.
4. Тошбоев. О. Абадий замондош. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
5. Холмирзаева. С. Қайтмас дамлар. –Т.: Дизайн-пресс, 2013.
6. Холмирзаева. С. Узангидошлар // Маънавий ҳаёт, №3, 2018.
7. Шукур Холмирзаев. Сайланма. I-V томлар. –Т.: Шарқ, 2003-2016.
8. Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.

АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА ИФОДАЛИ ЎҚИШ ВА УНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Ҳусан Холназарович Бердиев,
Самарқанд ИСИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Илмий манбаларда асосли эътироф этиб келинаётганидек, ўқитувчининг мукамал билимга эга бўлиши, методик жиҳатдан тайёргарлиги, адабиётни, хусусан, бадиий адабиётни чуқур билиши, таҳлил қила олиши дарсда болаларнинг ёш психологияси, билимини назарда тутган ҳолда инновацион технология ва педагогик ўқув қуролларини ишга солиши, машғулотнинг самарадорлигини оширишдан ташқари муайян ёшда бўлган ўқувчининг туйғусига табиат, жамият, гўзаллик ва инсоний қоидаларни сингдириш билан бирга, ўз Ватанини севиш билан боғлиқ бўлган эстетик ҳиссиётни ҳам юзага келтиради. Бу ҳақида таниқли адабиётшунос, методист, олим Боқижон Тўхлиевнинг касбий тайёргарликка оид илмий фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир: *“Бадиий асарнинг моҳиятини англаш, биринчи навбатда, уни ҳис этиши билан боғлиқ. Бу ерда бадиий асарни таҳлил қилиши, таҳлил жараёнларига ўқувчиларни жалб этиши ва бу жараён ичига уларни тўлиқ кирита олиши адабиёт ўқитувчисининг маҳоратига чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолат ҳар бир асарнинг жанр хусусиятларини, тасвир принципларини, воситаларини, тегишли адабий-назарий тушунчаларни, синф ва синфдан ташқари*

5-шуба

маишулотларнинг ўзаро алоқадорлигини, шунингдек, дарс жараёни ва мустақил ишлар уйғунлигини, уларни ташкил этишидаги замонавий илгор метод ва технологиялардан фойдаланишни тақозо этади” [1;82]. Ушбу жараёнларнинг фақат ўқитувчи эмас, балки ўқувчи шахсига кўпроқ боғлиқлиги ҳам муҳим омиллардан биридир. Агар мутахассис эркин, мустақил, ижодий фикр эгаси бўлиб етишмас экан, ўқитувчининг ҳар қандай маҳорати, ҳар қандай замонавий шакл ва усуллар, ҳар қандай замонавий педагогик технологиялар самарасизлигича қолаверади. Демак, таълим-тарбия жараёнларини инсонпарварлаштириш, биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилишини тақозо этади.

Бадий асарнинг моҳиятини англаш муайян билим ва кўникмани тақозо этади. Бадий адабиётнинг эндигина шаклланиб келаётган ўқувчи шахсига кўрсатадиган ахлоқий-маънавий, маърифий, эстетик ҳамда эмоционал таъсирининг кучайиши адабиёт ўқитиш ишидаги энг муҳим нуқталардан бирини ташкил этади. Бу адабий таълимнинг барча босқичларида узлуксиз тарзда такомиллашиб бориши шарт бўлган жараёндир.

Бадийлик санъатининг мезонини англатади. Бадийлик санъатнинг барча турлари учун ҳам хосдир. Бадийлик бўлмаса, санъат яшай олмайди. Бадийликсиз санъатнинг бирор турини тасаввур этиш мумкин эмас. Айни пайтда, санъатнинг ҳар бир турини тасаввур этиш мумкин эмас. Санъатнинг ҳар бир турида бадийлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирида бошқаларникига ўхшамаган восита ҳамда имкониятлар мавжуд. Бу жиҳатдан адабиёт мутлақо ўзига хос хусусиятларга эга. Мутахассислар бу ўзига хосликларни атрофлича таъриф ва тавсиф қилиб беришган. Санъатнинг бош хусусияти сифатида бадийлик воқеликни бетакрор образлар асосида акс эттиришини, тор маънода эса “бадийлик” санъат асарининг эстетик моҳиятини белгиловчи мезонни англатади.

Кўриниб турибдики, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида “Ўқиш китоби” воситасида адабиётдан билим бериш ўқитувчидан, аввало, санъатни тушунишни, дарс бериш усулини, дарслик белгиланган талаб даражасида ташкил эта олиш, шунингдек, узок тарихга эга бўлган маданиятимизнинг жаҳонни ҳайратга солувчи санъат намуналарини чуқур идрок этиши, у ҳақида ўқувчиларга билим бериши талаб қилинади.

Демак, ифодали ўқиш ўзининг мазмуни, дарсни ўзлаштириш имконини бериши, адабий тил нормаларини ўқувчиларга етказишидан ташқари кишининг маданияти, билими, санъат ва адабиётни севишининг шарти ҳисобланади. Бугина эмас, дарснинг қизиқарли, тушунарли бўлишини таъминлайди.

Ифодали ўқиш алоҳида санъатдир. Бинобарин, бола шахсининг ривожланишида унинг алоҳида ўрни бор.

Албатта, адабий таълимнинг, бадий адабиётнинг бошқа фанлардан фарқи инсон руҳиятига таъсир кучидадир. Шу маънода, туркий адабиёт ҳаёт ҳақиқати, дунё гўзалликлари, воқелик талаблари монанд мавзуларини ўзида мужассам этган асарларга бой. Шунинг учун ҳам унинг мавзулар қамровида комил инсон азалий орзу.

5-шуба

Маълумки, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳит, шунингдек диний-фалсафий, адабий таълимот ҳамда анъаналар у ёки бу тарзда бадиий адабиётга ғоявий-бадиий ўхшашлик ва ҳамоҳанглик тарзида сезиларли таъсир этган. Адабиётимизда тарихан улкан мавзуларнинг бадиий талқини кашф этилган.

Умуман, бугунги ўқувчида миллий ва умуминсоний қадриятларни камол топтириш уни ўқитишнинг ташкилий жиҳатлари билан кўп томонлама боғлиқ. Шу сабаб адабий таълим инсоният тарихида энг долзарб масалалар ечимини ўзида мужассам этиб келган. Даврий эҳтиёжлар унга ёндашувда ўзига хос талабларни келтириб чиқарган. Глобаллашув даврида инсон капиталига инвестиция киритиш таълимга қадриятлар асосида ёндашув масаласи билан ҳам бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Шу маънода, аждодларимиз томонидан яратилиб, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган асарларнинг ўрни алоҳида. Ифодали ўқиш бу жараёни ташкил этишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тўхлиев Б. Бадиий адабиётни ўқиш ва ўрганиш муаммолари //Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш. –Т.: 2014.

**ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МАЗМУН ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЎҚУВ
ЖАРАЁНИНИ ҚУРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ**

**Нилуфар Махамаджановна Абдуллаева,
Наманган ДУ БТМ кафедраси катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)**

Генетик жиҳатдан интеграция-узвийлик, предметлараро алоқадорлик, ўзаро алоқадорлик ва ниҳоят, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чуқурлаштирувчи, ўқув предметлари мазмунини энг камида таълим стандартлари даражасида синтезлаб, мантиқан тугалланган мазмун шакли ва олий даражасидир. Чунки предметлараро алоқадорликнинг ҳар қайси куйи даражаси, ўрганилаётган ўқув предметлари доирасида маълум дидактик бирликлар орасида ўрнатилиб, уларни ўрганиш мазмунини ва муддатларини мувофиқлаштиришни кўзда тутаяди, бундан фарқли ўлароқ, интегротив алоқадорлик асосида ташкил этилган ўқув предмети ёки интеграциялаб ўрганилаётган предмет, ҳодиса ёки жараёнларни яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назаридан талқин этишни талаб этади. Бу ўз навбатида, ҳозирги ва истиқбол талабларига жавоб берадиган, мустақил фикр юритувчи ва ижодий фаолият кўрсатувчи етук шахсни шакллантиришга имкон беради. Зеро, у таҳсил олувчилардан фақатгина таҳлил қилиш ва синтезлаш операцияларини талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мавҳумлаштириш, алгоритмлаштириш, туркумлаш, шартли

5-шубба

белгилар ёрдамида ифодалаш, сабаб – оқибатли алоқадорликни аниқлаш, таҳлил этиш, синтезлаш, тизимлаштириш, моделлаштириш каби юксак даражали тафаккурлаш операцияларини талаб этади. Бу операциялар ўрганилаётган объектнинг барча муҳим жиҳат ва хусусиятларини ажратиб олиб (табақалаштириб), моҳияти ва мазмунини англаб этиш ва уларни умумлаштириш орқали амалга оширилади. Демак, интеграция ҳар доим ҳам унинг иккинчи томони бўлган табақалаштириш (дифференциация)га таянган ҳолда ривожланиб боради ёки аксинча.

Замонавий таълимда олимлар Е.В.Бондаревская [1], И.С.Якиманская, В.В.Сериков, Н.И.Алексеев томонидан шахсга йўналтирилган таълимнинг бир қатор концепциялари ишлаб чиқилган. Улар ўзига хос ижтимоий-педагогик, дидактик ва психологик аспектлар бирлаштирилган турли технологияларни таклиф этишган. Бу технологиялардан Россия ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари таълимида фойдаланилмоқда.

Таълимнинг маълум тизими доирасидаги ўқув материали мазмунини интеграциялаш уч босқичда амалга оширилади (1-расмга қаранг):

Мавзулараро интеграция – алоҳида ўқув предметлари ичидаги тушунча, билим ва кўникмалар интеграцияси.

Предметлараро интеграция – икки ва ундан зиёд ўқув предметларининг тамойиллари, тушунчалар ва далил ва асосларнинг таҳлили.

Транспредметли интеграция – таълим мазмунининг асосий ва кўшимча компонентларининг синтези [3]. (1-расмга қаранг).

(1-расм)

Ўқув материали мазмунининг интеграциялашуви

| | Интеграция даражалари | Интеграциялашган мазмун технологияси ва ўқув жараёнини қуришнинг ўзига хос хусусияти |
|------------------------|-----------------------|---|
| Мавзулараро интеграция | Ўрта Юқори | Вертикал интеграциялаш: Яхлитлик тамойили асосида бурама (спиральсимон) тузилиш, мазмун секин-аста янги маълумотлар, алоқадорлик, боғлиқлик ва тобелик билан бойитиб борилади. Ўзига хослиги: Дастлабки муаммо ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди, балки у билан алоқадор бўлган билим кенгайди, тушунчалар мутаносиблиги мураккаблашиб боради, идрок этиш чуқурлашади. Горизонтал |

5-шуъба

| | | |
|--|--------------------------------------|--|
| | | <p>интеграциялаш: Мазмуни бир-бирига яқин бўлган мавзуларнинг йириклашуви асосида уйғунлашган тушунчаларнинг бирлашиш йўли билан тузилади.</p> <p>Ўзига хослиги: Яхлит ўзлаштириш бирлиги фалсафасида мумкин бўлган бир мавзунинг иккинчи мавзу маълумотига ўтказилади. Биринчи мавзунинг маълумотидан иккинчи бир мавзунинг маълумотига ўтиш учун улар бир бутун мавзу ҳолатига келтирилади</p> |
| <p>Предметлараро интеграция</p> | <p>Қуйи</p> <p>Ўрта</p> <p>Юқори</p> | <p>Предметлараро алоқа</p> <p>Горизонтал</p> <p>интеграциялаш: Чизиқли тузилиш; бир неча предметларнинг мавзуси ягона мавзуга бирлаштирилади. Умумий мавзу сифатида барча предметларга мос ва уйғун келган, ўзаро бир-бири билан боғланиши мумкин бўлган мавзу танланади</p> <p>Ўзига хослиги: бошқа фанларнинг материалдан қисман фойдаланилади; ҳар бир предмет мустақил фан сифатида, мақсади, вазифаси ҳамда дастурини ўз ўрнида сақлаб қолади; дарснинг қурилиши ўзгармайди; режа асосида тузилган интеграциялашган дарснинг мазмунидан келиб чиқиб мавзу қайта қўрилиши (масалан, иккита фаннинг мавзуси битта йирик мавзуга айланиши ёки ҳар иккаласининг мавзуси ҳам сақланиб қолиши) , шунингдек, дарс янги, қўшимча материаллар билан бойитилиши мумкин.</p> |

5-шубба

| | | |
|--|--------------------------|---|
| | <p>Ўрта</p> <p>Юқори</p> | <p>Ўзига хослиги: ҳар бир предметнинг мазмуни тўлиқ (қисман) олинади; лекин ҳар бири мустақил фан сифатида намоён бўлади, яъни мақсади, вазифаси, дастури сақланиб қолинади ва дарс ишланмада акс этади; предметлар бирлашиб яхлитлик вужудга келади ва қўшимча дарсликдан ташқари янги маълумотлар ҳам бериш имконияти яратилади</p> <p>Вертикал интеграциялаш: бир неча предметлардан берилган уйга вазифа бирлаштирилиб диалог асосида суҳбат ташкиллаштирилади, бунда ҳар бир предметдаги мазмун, шакл, ҳиссиётлилик, ахлоқий ва гўзалликлар ҳақидаги фалсафий таълимот яхлитланади– мужассам шаклга келтирилади. Бу диалог ўтилган мавзуларни ҳафта давомида доимий тарзда такрорлаб, мустаҳкамлаб борилиши учун дарсларнинг “Кириш дарси” ёки “кириш қисми” вазифасини ҳам ўтаб бориши мумкин.</p> <p>Савол -жавоб бир неча предметларни бирлаштирилган ҳолда диалог асосида амалга оширилади, олдиндан режалаштирилган мавзу, ягона мазмун, шакл, ҳиссиётлилик, маънавий-ахлоқий ва эстетик маъно – барчаси биргина хал қилувчи асосий тушунчага бирлаштирилади. Бу ғоя бир неча дарслар давомида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлади.</p> <p>Мазмун бир неча дарсларнинг лейтмотиви (ягона</p> |
|--|--------------------------|---|

5-шуъба

| | | |
|--|--------------|---|
| | | <p>ғоя) сифатида ҳафта давомида амалга оширилади. Фанларнинг мустақиллиги бузилади, педагогик тизимнинг яхлитлигига йўналтирилган ягона дастур тузилади; дастлабки тузилма масалалар диққатидан четга чиқмайди, бошланғич таълимга боғлиқ билимлар ҳажми кенгайди ва чуқурлашади; ўқув блокларининг вақт жиҳатдан яқинлашуви жараён шаклини ўзгартиришга олиб келади ўқув куни, ҳафталиги ташкил этилади.</p> <p>Ўзига хослиги: вақт турлича ажратилади (беш дақиқа ёки ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин); асарни таҳлил қилиш учун бошланғич синфларга хос бўлган ўзгача бир қизиқарли усуллар танланиши мумкин, янги талқин, янги шаклда қиёслаш, солиштириш, янги бирлашмалар, ўйинлар ташкил қилиниши мумкин бўлади.</p> |
| <p>Транс-предметли интеграция</p> | <p>Юқори</p> | <p>Горизонтал интеграцияланиш: интеграциянинг иккинчи босқичида ташкил этиладиган бошланғич ўқитиш мазмуни қўшимча таълим мазмуни билан боғланиб яхлит ҳолатга келтириш.</p> <p>Ўзига хос хусусияти: таҳлил қилинаётган предметларнинг моҳияти турли асосий ва қўшимча фанларда акс эттирилган кўп қиррали объектларни ташкил этади (бошланғич синф предметлари мазмунидан ташқари бошқа фанларнинг мазмунидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, “Атрофимиздаги олам”</p> |

5-шуба

| | | |
|--|--|---|
| | | дарсида “Физика” “Ботаника” ёки “География”) билиш жараёнига барча анализаторлар киритилади, натижада ўқувчининг атроф муҳит билан алоқаси кенгайди ва мустаҳкамланади. |
|--|--|---|

Мавзулараро интеграция – бир предмет ичидаги билимларни тизимлаштириш янги қонуниятларни очиш, оламни бир бутунликда, яхлит тасаввурга эга қилиш жараёнида узук-юлуқ маълумотларни жамлаб, бир тизимга қўйишдан иборат. Бу турдаги интеграция алоҳида ўқув предметини қамраб олади. Ўқув материали катта блокларга жамлаштирилади, натижада предметнинг мазмуний тузилишини ўзгартириб юборади. Бундай ҳолатда интеграциялашган мазмун ахборотлар сифimini янада катталаштиради. Натижада ахборотлар сифimini алоҳида туркумларга ажратишга тўғри келади.

Предметлараро интеграция – бир ўқув фанининг қонуниятлари, тамойиллари, назарий жиҳатларини бошқа бир ўқув предметини ўрганишда қўлланиши билан юзага чиқади. Интеграциянинг бу турида тизимлаштирилган мазмун ўқувчиларнинг онгида оламни яхлит бир бутунликда намоён қилади. Бу эса предметлараро умумий илмий тушунчалар, категориялар ва ёндашувларда ўз аксини топади, натижада янги билимларни пайдо бўлишига асос бўлади. Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг мужассам билим олишига эришилади. Предметлараро интеграция мавзулараро интеграцияни сезиларли даражада бойитади.

Бошланғич таълимда предметлараро алоқалар илмий билимлар таркибига қараб ўрнатилиши мумкин (фактларга асосланган, тушунарли аниқ).

Аниқ маълумотлар асосидаги предметлараро алоқалар табиатнинг тана тузилишидаги симметрияга боғлиқ кўпдан-кўп асосланган ахборотлар билан танишиш чоғида рўй беради. Мисол учун, математика фанидан “Геометрик фигуралар” мавзусини “Технология” фанидан эса “Олма расмини чизиш” мавзуси билан узвийлаштириш мумкин. Бунда кузги олмалар расми слайд орқали намойиш этилади ва қайси фигуралар қайси меваларга ўхшашлигини ўқувчилар асослаб беради. Шу билан бир қаторда, мевалар инсон ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг фойдали хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумотлар бериши билан ҳамда геометрик фигураларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, улар ёрдамида нималар яшаш мумкин ва улар ҳаётда қандай аҳамият касб этиши муҳокама қилинади. Ёки она тили дарси ва математика дарсларининг интеграциясига мисол келтираемиз. “Она тили” дарсида “Сон” мавзуси “Математика” дарсида ҳам сон тушунчаси берилади. Улар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар нимадан иборат эканлиги дарс давомида муҳокама қилинади.

Ҳар бир **вертикал мавзу** ўзининг фалсафий-эстетик мазмунини қамраб оладиган мавзуларнинг бир неча эпиграфдан иборат умумий мазмунини очиш учун турли хил йўналишларни таклиф қилади. Вертикал мавзуй боғланиш

5-шубба

мазмунни “маданият” тушунчасига кирадиган барча нарсаларни қамраб олади. Вертикал мавзу бир қанча ўхшаш мавзуларнинг мазмундор ядросини куйидагича ташкил қилади: “Сен севишинг, қадрлашинг ва асрашинг керак бўлган ажойиб ва ғаройиб бўлган оламда яшайсан”. Унинг ичидан мавзуларнинг асосий гуруҳини танлаб ажратиб олинади. Ҳар бир гуруҳ алоҳида мавзувий аспектларга эга бўлади. Мисол учун: “Табиат бизнинг уйимиз”. 2-синф дастуридан келиб чиқадиган бўлсак, “Она тили”дан “Билимлар куни”, “Ўқиш”дан “Ватанжоним-Ватаним”, “Одобнома”дан “Она-Ватан” мавзуларини ўзаро интеграциялаш асосида ягона ядровий “Ватан” тушунчасини ўқувчилар учун ҳар томонлама мукамал тарзда етказиш имконияти яратилади.

Учинчи турдаги интеграция - **транспредметли интеграция** бўлиб, у юқори даражадаги ўзаро боғлиқликка эга, бу эса интеграцион дарсларни тайёрлашда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Транспредметли интеграция деганда, бошланғич таълимнинг таълим соҳалари таркибини объектлараро интеграцияни, шунингдек, қўшимча таълимни ўз ичига олган яхлит бирлаштиришни назарда тутаяди. Бундай ҳолда таҳлил мавзуси ҳар хил илмий фанларда мавжуд бўлган кўп қиррали объектлардир. Бундай билиш жараёнида барча амалий жараёнлар, шу жумладан, барча анализаторлар (визуал, эшитиш, сезгир, хушбўй ...) иштирок этади, бу эса боланинг атрофдаги воқеликни билишда шартли алоқаларни шакллантиришнинг кучлилигини таъминлайди [2].

Транспредметли интеграциянинг мақсади ўқувчининг табиат ва жамият тўғрисидаги яхлит тасаввурини шакллантириш, шунингдек, уларнинг ривожланиш қонуниятларига ўз муносабатини шакллантиришдир, шунинг учун бошланғич мактаб ёшида кўп қиррали таълим олиш учун шароит яратиш керак. Ахир болада воқеликнинг объектига ёки ҳодисасига ҳар томондан қараш, ҳар бир предметнинг асосий билимларини идрок этишда ягона расмга бирлаштириш имконияти бўлиши жуда муҳимдир. Ва, албатта, бундай машғулотлар бошланғич таълим ва тарбияни таъминлашга қаратилган бўлиши керак [2].

Транспредметли интеграция бугунги умумтаълим мактаб ўқитувчиларидан талаб қилинаётган интеграцион дарс десак тўғри бўлади. Транспредметли интеграцияда фанлараро боғлиқлик фақат синфлар кесимида эмас, балки юқори синф фанлари билан ҳам боғланишни талаб қилади. Масалан, 2-синф “Она тили” дарслигида берилган “Шахс ва нарса номини билдирувчи сўзлар” мавзусини 3-синф “Она тили” дарслигидаги “От” мавзу билан ёки 7-синф Физика дарслигидаги “Сайёралар” мавзуси билан интеграциялаштирилганда транспредметли интеграция туридан фойдаланилади.

Таълим интеграциясидан фойдаланиш натижасида педагогик, психологик жиҳатдан таълим мақсадларини амалга оширишда қулай шарт-шароит вужудга келади; умумдидактик талаблар узвийликда бажарилади; ўқувчининг вақти, кучи тежалани; ортиқча руҳий ва жисмоний зўриқишларнинг олди олинади, таълим самарадорлиги ошади. Ўқувчилар зарур кўникма ва

5-шуба

малакаларни, тушунчалар ҳамда билимларни ўқув предметлари мазмунини уйғунлаштириш натижасида ҳар томонлама чуқур ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бондаревская Е.В., Кульневич С.В. Педагогика: личность в гуманистических теориях и системах воспитания: Учеб. Пособие для студентов средних и высших педагогических учебных заведений, слушателей ИПК и ФПК. Ростов н/Д, 1999.
2. Сухаревская Е.Ю. Интегрированное обучение в начальной школе. – Ростов – на – Дону: Феникс, 2003.
3. Сухаревская, Е. Ю. Особенности интегрированного обучения в начальных классах // Начальная школа №1(578), 1-15.01, 2006.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ МУТОЛААНИНГ АҲАМИЯТИ

Назира Гулмановна Янгибаева,
Қорқалпоқ ДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди
Динора Рустембаевна Бегдуллаева,
Қорқалпоқ ДУ Чет тиллари факультети 2-босқич талабаси

Давлат яралибдики, унинг таркибини ўз дини ва тилига эга бўлган маълум бир одамлар жамияти ташкил этади. Мана шу одамларнинг мулоқотидаги асосий қуроли тил бўлса, мамлакатнинг ҳам мавжудлигини белгиловчи, фаолиятини юритувчи ва барқарорлигини таъминловчи асосий қуроли - бу давлат тили ҳисобланади.

Тил – миллат кўзгуси, ғурури ва тафаккур манбаидир. “*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур*” деган эди буюк мутафаккир Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, маълум бир одамлар жамияти ўз аро ахборот алмашиш алоқаларининг асосий қуроли бўлган тили, миллати орқали ўзининг халқлигини намоён қилади.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” [4]. Ўзбекистон Республикаси, даставвал, ўзининг давлат тилини қабул қилди. 1989 йил 21-октябрда “Ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисида”ги Қонуни тасдиқланди. Яъни давлат барпо этиш девчасида мамлакатимиз ўз давлат тилини белгилаш билан дунё харитасида ўз ўрнини белгилади. Демакки, давлатга давлат мақомини бергувчи асосий омил – бу унинг давлат тилидир.

Статистик маълумотларга кўра, дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукаммал шаклланган, деб ҳисобланади. Фахрлансак арзийдики, ўша 40 та тилнинг орасида ўзбек тили ҳам бор. Чунки, ўзбек

5-шубъа

тилининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар соладиган бўлсак, кўз олдимизда даставвал, буюк сиймо Алишер Навоий гавдаланади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда “агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир” [2]. Шундай буюк тарифга эга бўлган буюк зот кўлида қурол бўлган ўзбек тилининг қанчалик бойлиги ва кудратига ҳеч шубҳа қилиб бўлмайди. Чунки Навоий қалбидаги гўзал туйғуларни қаламдан тўкилган мисрага айлантира олган ягона кудрат бу – ўзбек тилидир.

Дунёда тахминан 5621та тил ва шева мавжуд бўлиб, ҳозиргача улардан 500 тасигина ўрганилган, холос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви бўлмай, уларнинг аксарияти фақат оғзаки нутқ шаклига эгадир. Бу ўрганилган тиллар қаторида, албатта, ўзбек тилининг ҳам беқиёс ўрни бор. Сабаби, катта тарихни ўз ичига олувчи ўзбек адабиётининг нодир намоёндалари бу борада таҳсинга сазовордир. Яъни ўзбек тили Навоий, Бобур, Лутфий, Увайсий, Нодирабегим каби улуг ижодкорлар меросини ташкил қилган ва шу орқали равнақ топиб, бугунги кунгача етиб келган. Шундай экан, биз ўзбек тилини ҳозирда мустақил давлатнинг асоси бўлмиш давлат тили вазифасини бажарувчи ва адабиётнинг буюк қуроли сифатида ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам ўз мавқеига эга бўлган бой тил деб фахр ила айта оламиз.

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлат бўлиб, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида бу қуйидагича ўз намоёндаларини топган:

Қомусимизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” [4].

Шунингдек, 8-моддада:

“Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” [4].

Бағрикенг халқимиз ўзга миллат вакилини ўзга демай, осойишталик ва тотувликда яшаб келмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз дини ва тилидан қатъи назар, ўзбек халқига сингишиб кетган ва ҳаттоки, беъмалол ўзбек тилини тушуна олади. Бу эса, давлат тили мақомига эга ўзбек тилининг жамиятимизнинг ҳар бир бўғинида кенг қўлланилиши ва бу тилга бўлган чексиз ҳурматнинг белгисидир. Бугун ҳар бир муассаса, ташкилот, умуман барча фаолият турлари давлат тилида иш юритади. Шундай экан, давлат тилини билиш ҳар бир фуқаронинг ҳам вазифаси, ҳам бурчидир.

Адлия вазирлиги давлат тилида иш юритишни таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Шунингдек, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 9-моддасига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилинади.

5-шуба

Шу билан бирга, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 10-моддасига кўра, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш давлат тилида, ишловчиларининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

“Бироқ бугунги кунда айрим давлат ташкилотларида иш юритиш давлат тилида эмас, балки бошқа тилларда олиб бориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида давлат тилига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг пасайишига сабаб бўлмоқда”, дейилади вазирлик ахборот хизмати изоҳида.

Қайд этилишича, қонунчиликда ушбу нормаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддаси “Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб номланган бўлса-да, ушбу модда давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик билан боғлиқ муносабатларни қамраб олмаган.

Адлия вазирлигининг фикрича, бу ҳол баъзи давлат органларида давлат тили тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилмаслигига ва иш юритиш давлат тилида амалга оширилмаслигига олиб келмоқда [5].

Давлат тилининг давлат барқарорлигидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва унинг нуфузини ошириш борасида қилинаётган кўплаб саъй ҳаракатлар қаторида давлат тилини ўқитишни такомиллаштириш бўйича ҳам амалга оширилаётган ишларни таъкидлаш жоиздир.

“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ОТМларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ушбу фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш каби йўналишлар бўйича таянч ОТМ этиб белгиланди.

Университет ҳузурида юридик шахс мақомига ҳамда ҳудудлардаги давлат университетлари ва педагогика институтлари ҳузурида бўлинмаларга эга бўлган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ташкил этилди.

Давлат хизматчилари ва аҳолининг нутқ маданияти ҳамда нотиклик маҳоратини ошириш, давлат тилида иш юритиш бўйича курслар ташкил этиш марказнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади [5].

Албатта, олий таълим муассасалари ва давлат идораларидаги бу чора-тадбирлар чуқур ўйланган ва самарали ишлар бўлиши мумкин, лекин, аввало бундай чораларни бошланғич бўғиндан бошлаб жорий этиш керак. Яъни, иморатни бунёд этишда, даставвал, фундамент, пойдевор қурилганидек, олий таълимда юқори натижага эришиш учун бошланғич таълимни “таъмирлаш” керак.

Энди мактаб таълимига келсак, расмий тил ўрганиш маскани энг оғриқли нукта! Она тилига ажратилган қанчадан-қанча соатларни ҳеч кимга ва

5-шуба

деярли ҳеч қаерда керак бўлмайдиган грамматик қоидаларни ўқитиш ва ёдлатишга сарфлаб кўкка совуриямиз. Балки, муҳтарам ҳамкасбларимиз (мутахассислигим, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси) эътироз билдиришар. Лекин мактабдаги (олий таълимда ҳам) она тили таълимида грамматик қоидаларга кўмилиб қолганимиз аччиқ ҳақиқат [1].

Ҳақиқатан, мактаб ўқувчисининг она тили китобини унчалик хушламай очишининг ҳам сабаби, ундан жой олган қизил тўртбурчак ичидаги, ёки ундов белгиси тагидаги грамматик қоидалардир. Грамматика ўқувчи учун шунчалик қийинки, у катта дарахт бўлса, қоидалари эса унинг теран отилган, сонсиз илдизларидир. Хўш, эндигина дарс қилишга ўтирган ўқувчи мавзу бошидаёқ қоидаларга дуч келганда, унинг ичидаги ўқишга бўлган шижоат қайтиб кетмайдими? Илмий терминлар, уларнинг тавсифланиши, кўшимчалар-у тиниш белгилари ўқувчининг миясини ачитиб юбормайдими? Мактаб ўқувчиси мазкур даврда грамматикани бутунлай ўрганиб, кейинги босқич – академик лицей ёки касб-хунар коллежида ҳам шуни яна такрорлайди. Бу метод билан, яъни мактаб давриданок грамматикани чуқурлаштириб ўргатиш билан ҳали “суяги қотмаган” ўқувчинининг умуртқасини қийшайтириб қўймаймизми?

Ўқитишнинг энг яхши йўли – бу мутолаадир, яъни бадий асар мутолааси. Хоҳ, у мактаб ўқувчиси бўлсин, хоҳ, лицей ёки университет талабаси бўлсин, ҳамма босқичда ҳам тилни ўқитишда бадий китоб ўқитиш катта самара беради. Чунки, бу жараёнда барча грамматик қоидалар жамланган бўлади. Масалан, от сўз туркумининг ўзи нималиги, атоқли отлар, турдош отлар, сифатнинг қандай ўринларда қўлланилиши, қандай саволга жавоб бериши, феъл замонлари, юкламалар-у тиниш белгилари, барча-барчасини биргина ҳикоя беминнат ўргатади. Сабаби, китобхон мутолаа пайтида ўз кўзи билан кўриб, саҳифадаги ҳар қандай маълумотни қабул қилиб ўтиради. Бир қолипдаги илимий қоидани асабийлашиб қайта-қайта ёдлашга совурган вақти мобайнида агар у бадий асар ўқиса, ҳам дили ёришади, ҳам ўқишга бўлган ихлоси янада ортади. Кейин эса, ўқиганини ихчамгина баён этиб ёзиши ҳам уларни тўғри ва чиройли ёзишда чиниқтиради. Бунда ўқувчининг ҳам билими, ҳам савияси шаклланади. Ўйлаш қобилияти сайқалланиб, мулоқот қилиш даражаси ҳам ошади.

Шундай экан, Она тилимизнинг самарали ўрганилиши ва ёш авлоднинг онгига сингдирилиши учун тил ўқитиш методикаси таркибига бадий мутолаа ва ижод қилиш қўшилса ва бунга кундалик грамматика ва шунга асосланган тест ва мураккаб топшириқлардан кўра кўпроқ вақт ажратилса, ўйлаймизки, мазкур жараён кутилгандан ҳам аъло натижа беради. Адабиёт ва ижодиётни ўзида жамлаган мутолаа методикаси орқали табиатан жозибадор ва бой тил бўлган ўзбек тили янада бойиб, сайқаллашади.

*Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар,
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен тугилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас, Она тилим [3].*

5-шубба

Ўтмишда адабиётни беаган ва неча минг асрлик тарих довларидан ошиб ўтиб, ҳозирги давримизда ҳам адабиётни беаб, ҳам давлат тили мақомини ижро этаётган ўзбек тили – барчамизнинг, бутун Ўзбекистон Республикаси халқининг бўйнидаги олтин туморидир. Шундай экан, уни асраб-авайлаб, теран ўрганиб ва ўргатиб, унинг илдизини янада мустаҳкамлаш ҳамда келажак учун пўлатдек маҳкам ва ёқутдек сержило тилни мерос қолдириш ҳар биримизнинг ҳам фарзимиз, ҳам буюк мақсадимизга айланиши даркор. Шундагина Она тилимиз келажакда буюк давлатимизнинг буюк ифтихорига айланади. Зеро, Миллат тили – давлат фахридир!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобожонов Ф. Тил қашшоқми ёки нутқ. Til.gov.uz сайти, 2020.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Юсуф М. Озод Ватан саодати. – Т.: Адиб, 2013.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, – Т.: Ўзбекистон, 2014.
5. Kun.uz расмий сайти, 2020.

**RAQAMLI IQTISODIYOTNI TA'LIM MAZMUNIGA OLIB KIRISH
ORQALI MASOFAVIY TA'LIM TIZIMINI YANADA
MUKAMMALLASHTIRISH – ZAMONAVIY TA'LIMNING ASOSI**

**Ma'rifat Abdullayevna Hodiyeva,
Buxoro viloyati Gijduvon tuman xalq ta'limi bo'limi
Ona tili va adabiyoti, o'zbek, qozoq tili fanlari metodisti**

Barchamizga ma'lumki, 2020-2021 o'quv yili 3-choragining yakunlanishi arafasida mamlakatimizga koronavirus pandemiyasining kirib kelishi oqibatida barcha ta'lim muassasalarida o'qish jarayoni onlayn ta'lim tizimiga o'tdi. Bu esa o'qituvchi va o'quvchilarimiz uchun ham yangilik, ham ma'lum bir ma'noda qiyinchilik va noqulayliklar tug'dirdi. Yangiligi shundaki, o'qituvchilarimiz masofadan turib o'quvchilarga ta'lim berish shakliga o'tish jarayoniga o'zlarining har tomonlama – ham bilim, ham metodik, ham texnik-texnologik jihatdan tayyor ekanliklari bo'lsa-da, qiyinchiligi – masofadan turib dars o'tish jarayoniga o'quvchilarning hali tayyor emasliklari bo'ldi. Ana shunday vaziyatni inobatga olgan holda, ta'lim oluvchilarni o'z fanlari doirasidagi darslarga qiziqtirish uchun oddiy o'qitish tizimida qo'llab kelayotgan dars uslublariga tub burilish yasab, yangi metodlarni joriy etishlari bo'ldi.

Ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchilarga onlayn darslarninga noqulayliklari ham sezildi. Bu albatta, chekka, uzoq hududlarda internet tarmog'ining yaxshi ishlamasligi, aksariyat qishloq joylarida uyali aloqa vositalarining internet tarmog'iga ulanmaganligi, ayrim oilalarning farzandlariga uyali aloqa vositalari rusumining zamon talabiga javob bermasligidir.

5-шубба

Hurmatli Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonlaridan 2020-yil “Ilm ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb e’lon qilinishi, albatta be’jizga emas [2]. Ammo, bizga mana shu pandemiya sabab o’quv jarayonlarining onlayn tarzda tashkil qilinishidagi qiyinchiliklar, onlayn darslarni televizion efirga uzatish jarayonidagi ba’zi bir texnik nosozliklar, onlayn darslarni tashkil etuvchi turli fan o’qituvchilari nutqida, xatti-harakatida, dars o’qitish metodikasida uchraydigan ba’zi bir juz’iy kamchiliklar kelgusida masofaviy ta’limni rivojlantirish uchun o’qituvchi o’z ustida ko’proq ishlashi, o’z fanini mukammal bilish mahorati, har bir vaziyatdan chiqib keta olishi, shuningdek, fan o’qituvchilari axborot kommunikatsiya texnologiyalarini puxta egallashi, notiqlik san’ati ham juda zarurligi saboq bo’ldi. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, amaliyotga tadbiiq qilish bo’yicha hali yechimini kutayotgan muammolar ko’p ekanligi ma’lum bo’ldi. Shu sababli ham davlat rahbarlaridan boshlab, hatto eng oddiy insonlar ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo’yicha o’zlarining fikr – mulohazalarini bildirib, aniq takliflarni ishlab chiqib, ularni amaliyotga joriy etishlari lozim.

Ta’lim sifati va samaradorligini oshirish, o’quvchilarni kreativ fikrlashga o’rgatish, zamonaviy bilimlar bilan qurollantirish zamonaviy o’qituvchining asosiy maqsadi bo’lishi shart [1].

Bugungi kun o’qituvchining vazifasi esa o’quvchilarga bilim berish bilan bir qatorda ularni axborot kommunikatsiya texnologiyalari bilan ishlash, masofadan bilim olish, o’z ustida ishlash, internet ma’lumotlarini to’g’ri talqin qila olishga o’rgatish hamda raqamli iqtisodiyotni ta’lim mazmuniga olib kirishdan iborat [3]. Zero, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo’lib, dunyo miqyosida o’z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo’sh kelmaydigan insonlar bo’lib kamol topishi, baxtli bo’lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”, deb bejizga ta’kidlamaganlar [4,14].

Yuqoridagi fikrlarimga asoslangan holda men ham o’qituvchilarga onlayn darslarni tashkil etishda qaysi jihatlarga e’tibor qaratish, darslarning sifati va samaradorligini oshirish, metodik va texnik jihatdan mukammallashtirish bo’yicha bir qancha **metodik tavsiyalarimni** berib o’taman:

1. Har bir pedagog masofaviy darslarni tashkil etish jarayoniga o’zini har tomonlama tayyorlanishi, ya’ni axborot kommunikatsiya sohasini yaxshi o’zlashtirishi, AKT savodxonligiga ega bo’lishi, darsini texnik jihatdan mukammallashtirishi, metodik tomondan sayqallashtirishi lozim;

2. O’quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda, onlayn darslarning dizayni va mazmun mohiyatiga asosiy e’tiborni qaratishi darkor;

3. O’quvchilarning qiziqishlarini inobatga olgan holda, mavzular bo’yicha alohida ilg’or pedagogik texnologiyalardan foydalanishni yo’lga qo’yishi kerak;

4. Onlayn darslarni tashkil etish bo’yicha internet tarmoqlaridan samarali, ishonchli va asosli ma’lumotlarni o’l bilishi va eng asosiysi to’g’ri foydalana olishi zarur;

5-шубба

5. Masofaviy ta'lim jarayonini tashkil etish bo'yicha xorij tajribasidan imkon qadar xabardor bo'lib, bizning ta'lim tizimimizga, milliy mentalitetimizga mos jihatlarni olib, qayta ishlov berib, sayqallashtirishi joiz;

6. Dars mashg'ulotlarini tashkil etishda yangi mavzu bo'yicha ilmiy bilimlarni yetkazishda ko'rsatmalilikka amal qilish, o'quvchi uchun tushunarli, aniq va asoslangan fikrlarni bayon qilishi muhim;

7. O'quvchilarning yangi mavzuni mustahkamlashda qiziqarli, o'ylantiradigan, fikrlaydigan, ijodiy yondashadigan turli metodlarni qo'llay olishi va ularda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishi muhim;

8. Darsni onlayn o'tishga tayyorlanayotganda o'quvchining yosh xususiyati, uning ruhiy holati, albatta, inobatga olinishi lozim.

Ona tili va adabiyot darslarini onlayn tashkil qilishda esa quyidagilarga e'tibor qaratish lozim deb hisoblayman:

1. 5-6-7-sinflarda ona tili fanidan onlayn darslarni tashkil etishda ko'proq e'tiborni o'quvchilarni qiziqtirishga yo'naltirilgan sodda, mazmunan boy, o'rgatilganda o'quvchilar tomonidan yaxshi o'zlashtirilib, sifatli natija bera oladigan metod, o'rni bilan o'yin texnologiyalardan foydalanishi kerak;

2. 5-6-7-sinflarda adabiyot fanidan onlayn darslarni tashkil etishda, o'zbek adabiyoti, mumtoz adabiyot, jahon adabiyoti mavzularini, shuningdek, asarlarning tur va janrlarini ham hisobga olgan holda, mashg'ulotlarni tashkil etish, masalan, jahon adabiyotining epik turdagi janrlarini o'tayotganda, albatta, o'qituvchi qo'shimcha internet, media manbaalardan foydalangan holda o'quvchiga ma'lumot berishi kerak;

3. O'z faniga qiziqтира olishi, lirik turdagi she'r yoki g'azallarni o'tayotganda o'zi mana shu she'r, g'azallarni ifodali, ravon yoddan aytib, uni audio tarzda o'quvchiga taqdim etishi va o'quvchidan ham shuni talab qilishi maqsadga muvofiq;

4. 8-9-10-11-sinflarda ona tili mashg'ulotlarini onlayn tashkil etishda, mavzularning ko'lami kengligi, qiyin va osonlik darajasi, har bir mavzuga qancha vaqt ajratilganligini hisobga olgan holda, dars metodlarini ishlab chiqishi darkor;

5. 8-9-10-11-sinflarda ona tili darslarida o'quvchilarning imlo savodxonligini oshirishga qaratilgan mavzular bo'yicha o'qituvchilar matnlarni, lug'at so'zlarni audio tarzida berish orqali o'quvchilarning imlo savodxonligini yaxshilashi, video ko'rinishda manzaralar, rasmlar berish orqali esa, o'quvchilarga matn, hikoya, insho yozish ko'nikmalarini shakllantirishi kerak;

6. 8-9-10-11-sinflada adabiyot mavzularini onlayn tashkil etishda o'qituvchi aksariyat nasriy asarlarning to'liq qismini internet tarmog'idan izlab, topib kitobning elektron nusxasini tizimli ravishda mustaqil mutolaaga berish va shu asosida turli metodlarni qo'llab, o'quvchilarning asar o'qishga bo'lgan qiziqishini orttirish orqali har bir o'quvchining asar mazmun-mohiyati, qahramonlar xatti-harakatiga baho berishlari orqali o'quvchining dunyoqarashining naqadar kengligini, fikrlash qobiliyatining rivojlanganligini va eng asosiysi har bir o'quvchi asar qahramonlari yuzasidan o'zining takrorlanmas, shaxsiy fikrini ayta olish malakasini rivojlantirishi va bu orqali o'quvchilarda o'z-o'zini rivojlantirish kompetensiyasini shakllantirishi darkor;

5-шуъба

7. 8-9-10-11- sinflarda mumtoz adabiyot, she'riy san'atlar, aruz ilmiga oid mavzularni onlayn tashkil qilishda o'qituvchilar bir qancha qiyinchiliklarga duch kelishlari mumkin, ya'ni onlayn tushuntirish va o'quvchilarning onlayn tushunishlari. Bunda albatta, izlanuvchan, tirishqoq, zamonaviy pedagog o'zi yangi innovatsion g'oya ishlab chiqishi, masalan: she'riy san'atlarni jadval ko'rinishda berish, g'azallardan namunalarni audio tariqasida berib she'riy san'atlarini topishni topshirish, aruz ilmiga doir videodarslarni olishi va mumtoz adabiyotning lirik turdagi asarlarini tahlil qilishi kerak;

8. O'qituvchi onlayn dars mashg'ulotlarini tashkil etishda slaydlarning mazmundorligi, o'quvchi yoshiga mos dizayniga e'tibor qaratishi orqali ularda milliy va umummadaniy kompetensiyani rivojlantirishi kerak;

9. Videodarslarni o'qituvchilar tashkil qilish jarayonida asosiy e'tiborni dars bosqichlariga qaratishi, ya'ni o'tilgan mavzu va uyga vazifani so'rashi, yangi mavzuning qisqacha muhim jihatlarini tushuntirishi, mustahkamlash qismida o'quvchilarga ko'proq mustaqil ishlashi uchun topshiriqlar berishi, bajarilgan vazifalar orqali o'quvchilarni adolatli, o'z vaqtida baholash va keyingi uy vazifasini berishi lozim;

10. Videodarslarni yuqori texnik talablarga javob bergan holda tayyorlanishi, ularning megabaytlarining ko'payib ketmasligi, ammo qisqa daqiqali videoda o'qituvchi mavzuning mazmunini to'la ochib berish mahoratini namoyish etishi darkor.

Bugungi kunda onlayn tashkil etilgan darslar orqali o'quvchi va o'qituvchilar quyidagi **samaradorlikka** erishadilar:

✓ o'quvchi va o'qituvchilarning axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan to'g'ri va oqilona foydalana olish malakalari yanada takomillashadi;

✓ Sifatli videodarslar olish bo'yicha o'qituvchilarning ko'nikmasi shakllanadi;

✓ Masofadan turib o'quvchilarni boshqarish ular bilimni boyitish bo'yicha o'qituvchilar o'z ustida ko'proq ishlab, turli qiziqarli metodlardan foydalanadilar;

✓ O'qituvchilar tomonidan tashkil etilgan zamonaviy onlayn darslar orqali ta'lim sifati va samaradorligi oshadi va raqamli iqtisodiyot rivojlanadi;

✓ Respublika bo'yicha videodarslar bazasi tayyorlanadi va metodik yordam sifatida o'qituvchilarga taqdim etiladi.

Xulosa qilib aytganda, o'zini haqiqiy fidoyi, jonkuyar, vijdonli o'qituvchi deb hisoblaydigan har qanday mutaxassis o'sib kelayotgan yosh avlodning ta'lim-tarbiyasiga befarq bo'lmay, o'zining ta'lim oluvchisiga fanlar kesimida onlayn darslarni mazmunli tashkil etishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 2019 yil 29 apreldagi 5712- sonli Farmoni.

5-шубба

2. Mirziyoyev SH.M. Oliy Majlis qonunchilik palatalariga Murojaatnomasi 2020 yil 24 yanvar.
3. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. –T.: O‘zbekiston, 2017.
4. Mirziyoyev SH.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.: O‘zbekiston, 2016.
5. <http://www.edu.uz> – O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi portali.
6. <http://www.uzedu.uz> – O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi va irligi portali.

LEKSIKOLOGIYA BO‘LIMINI O‘RGANISHDA MANTIQUIY YONDASHUVNING O‘RNI

Feruza Inoqjonovna Akmaldinova,
Andijon DU O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi
mustaqil tadqiqotchisi

Leksikologiya tilning lug‘at tarkibini o‘rganuvchi, so‘zning leksik ma’nolarini tatqiq etuvchi bo‘lim sifatida alohida e’tirofqa molikdir. Chunki har qaysi tilning o‘z lug‘at tarkibi shu tilni tashkil etuvchi asosiy qatlamidir. Tilning naqadar boy ekanligi uning lug‘at tarkibi bilan o‘lchanadi. Bunda miqdor va sifat dialektikasi muhim ahamiyatga ega. Maktab ta’limida ona tili darslarini tashkil etish mobaynida o‘quvchilarga ona tilimizning naqadar rang-barangligini, ijtimoiy aloqa vositasi sifatida uning imkoniyat doirasini kengligini, boshqa tillardan ustun va farqli tomonlarini mana shu leksikologiya bo‘limini o‘rgatish jarayonida yanada aniq va ishonchli tushuntira bilish ona tili fani o‘qituvchisining zimmasidadir. Bu orqali o‘quvchilarda so‘z ma’nolarini farqlash, ularni o‘z o‘rnida qo‘llay bilish, o‘zgalar nutqidagi so‘z qo‘llashdagi xatoliklarni darhol payqay olish malakalari shakllanadi. Bu yo‘lda o‘quvchilarning bilim, ko‘nikma, malakalarini rivojlantirishda o‘rganilayotgan masalalarga nisbatan mantiqiy yondashuv muhim ahamiyat kasb etadi. Demak, so‘z ma’nosi va mantiq birligi nutq ifoda etishda birlamchi hodisadir.

“Grammatika odamlar nutqini to‘g‘rilagani kabi – u shuning uchun ham vujudga kelgandir – mantiq ilmi ham xato kelib chiqishi mumkin bo‘lgan joyda tafakkurni to‘g‘ri yo‘lda olib borish uchun aqlni to‘g‘rilab turadi. Grammatikaning tilga va til ifodalariga xatolar kelib chiqishi mumkin bo‘lganda tilning o‘lchovi bo‘lganidek, mantiq ham doim aqliy tushunchalarda xato kelib chiqishi mumkin bo‘lgan aql o‘chovidir” [3;137]. Mana shu aql va til o‘lchovlari o‘zaro birlikda mazmunli nutqni hosil qilishda chambarchas bog‘liqdir. Biz o‘rganadigan masala mohiyatini ham shu narsa tashkil etadi.

Bilamizki, so‘zlar nutq jarayonida o‘z ma’nosidan tashqari ko‘chma ma’noda ham qo‘llaniladi. So‘zning ko‘chma ma’noda qo‘llanganligini biz mantiqiy tafakkur orqali ilg‘ay bilamiz. Agar inson ongida mantiqiy tafakkur qilish qobiliyati yaxshi shakllanmagan bo‘lsa, bu nutqida mazmunsizlik, tuturuqsizlikni aks ettirib qo‘yadi.

5-шуъба

Ona tili o'qitishning bosh maqsadi ham mana shunday xatoliklardan qochish, o'quvchi nutqini boy, mazmundor, mantiqli bo'lishiga erishishdan iboratdir.

Leksikologiya bo'limida o'rganishda ham uning o'rganish obyekti bo'lgan leksema va uning mano ko'lamini sistem jihatdan tadqiq qilar ekanmiz, asosiy e'tiborni o'quvchilarni masalaga mantiqiy yondashuvga chorlovchi usullarga qaratishimiz darkor. Leksema nomema va semema birligida hosil bolgan birlikdir. Ya'ni: shakl (nomema) + ma'no (semema) = leksema.

Leksemaning shakl tomoni uning tovush qobig'idir. Ma'no tomoni esa borliqdagi narsa hodisalar, belgi-xususiyatlari, harakat-holat haqidagi tasavvuri, tushuncha bilan bog'liq atash ma'nosidir. Ana shu atash ma'no faqat bir ma'nodagina ishlatilib qolmay, ko'chma ma'nolilikni ham hosil qiladi. Shundan kelib chiqib leksik ma'nolar, avvalo, bosh (o'z) ma'no va ko'chma (hosila) ma'no deb farqlanadi. Masalan, qizdirmoq fe'lini olib ko'raylik. Uning bosh ma'nosi olov yoki isitgichlar orqali biror buyumning haroratini oshirish orqali qizitish tushuniladi: *Nargiza qozonni qizdirdi*.

Nutqimizda qizdirmoq so'zini buyumlardan tashqari mavhum tushunchalarga nisbatan ham qo'llaymiz: "*Uning so'zlari qalbimni qizdirdi*", "*Tabassum o'z raqsi bilan davrani qizdirdi*". Keyingi misollarda anglashilib turibdiki, bunda qizdirmoq so'zi haroratning ko'tarilish darajasini emas, insonning ruhiy holatlarini ifodalayapti. O'quvchi buni osongina payqay olishi mantiqiy tafakkur orqali amalga oshadi. Chunki bunda mantiqiy bog'liqlik asosida ma'no ko'chishi sodir bo'lmoqda. Mantiqan yondoshilganda qizdirmoq so'zida sovuqlikning issiqlikka almashunuvini emas, balki bunda belgining oshishi, ko'tarilishi tushunilib shu aloqadorlik asosida inson ruhiy holatidagi bir holatdan ikkinchi holatga o'tish darajasidagi ko'tarinkilikni payqayapmiz. Shuning uchun ham so'zning ko'chma ma'noda qo'llaniganda, uning bosh ma'nosi bo'yicha qabul qilmaymiz. Bunda bizni mantiqiylik boshqaradi.

O'quvchilarga quyidagicha topshiriq berish orqali so'zning o'z va ko'chma ma'noda qo'llay bilish malakalarini tarkib toptirish mumkin. Bunda quyidagicha mantiqiy mashq beriladi:

“Mantiq bilan yuzlan” usuli

Birinchi bosqichda o'quvchilarning har biriga quyidagi so'zlar keltirilgan oq qog'oz tarqatiladi. Masalan: yengil, ochiq, qaynoq, quruq so'zlari. Shu so'zlardan foydalanib o'quvchilarning har biri o'z ish qog'oziga o'z va ko'chma ma'nodagi so'z birikmalarini hosil qiladilar. Misol:

O'z ma'no

yengil stol

yengil tugun

yengil metall

yengil supurgi

Ko'chma ma'no

yengil tabiat

yengil kuy

yengil kulgi

yengil sakramoq

Belgilangan vaqt ichida o'quvchilar har bir berilgan so'zlarga shu tartibda so'z birikmalarini hosil qiladilar. Bosh va ko'chma ma'no orasidagi o'zaro mantiqiy aloqani og'zaki bayon etadilar. Shu tariqa o'quvchilar mantiqiy mulohaza evaziga o'z va ko'chma ma'no haqida tushunchalarini yanada mustahkamlaydilar.

5-шубба

2-bosqichda o'qituvchi tomonidan sinf monitoriga o'z va ko'chma manoda qo'llanilgan so'z birikmalari yoki gaplar aralash tarzda beriladi. O'quvchilar ular ichidan o'z va ko'chma manoda qo'llanilgan gap va birikmalarni guruhlab, ajratib yozib chiqadilar. Jumladan, *odamning ko'zi, o'quvchi daftari, odamning boshi, tandir boshi, qalb daftari, terak daraxti, ishning ko'zi, umr daraxti ...*

O'z ma'no*o'quvchi daftari**terak daraxti**odamning boshi**odamning ko'zi***Ko'chma ma'no***qalb daftari**umr daraxti**tandir boshi**ishning ko'zi*

Mantiq ilmining asosi ham "fikrlash", "tafakkur qilish", "to'g'ri (chin)fikr qilish" kabi tushunchalar birligiga qurilgan. Demak, mantiq ilmini o'rganish nutning mazmundorligini, chinligini ta'minlaydi. Til va tafakkur dialektikasi asosida ona tili darslarini tashkil etish o'quvchi fikr doirasini kengaytirishga, nutq ravonligini ta'minlashga yordam beradi.

Leksikologiya bo'limida so'zlarning shakl va ma'no munosabatiga ko'ra turlari, bir ma'nolilik va ko'p ma'nolilik, ma'no ko'chish usullari kabilarni tahlil etishda ham mantiqiy tafakkur muhim rol o'ynaydi. Chunki nutq sharoitiga mos holda so'zlay bilish, leksikonimizdagi leksemalarni nutq uslubiga monand tanlay bilish nutqimizdagi mantiqiylikni ta'minlaydi. Mantiqiy bilim esa bu sharoitni yaratishga dasturamal bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. –T.: Fan, 1985.
2. Mavlonov A.A. Mantiq. Ma'ruzalar kursi. –T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2006. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. –T.: Fan, 1985.
3. Qo'ng'urov R., Begmatov., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari–T.: 1992.
4. Safarova R. leksik-semantik munosabatning turlari. –T.: O'qituvchi, 1996.

**5-СИНФ ВА 6-СИНФ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ШЕЪРИЙ
САНЪАТЛАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР
БЕРИШ ЗАРУРИЯТИ**

**Акмал Амирович Абдуллаев,
Чирчиқ ДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси**

Янгиланган миллий таълим тизимида тарбияланувчини ёшлиқдан мустақил фикрлашга ўргатиш маънавий баркамол шахсни шакллантиришнинг

5-шуба

бош омили сифатида белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда адабий таълимда ўқувчиларни мустақил мушоҳада юритишга, бадиий ходисаларга ижодий ёндашувга ўргатишнинг асосий воситаси сифатида уларнинг дилида ҳиссий завқни уйғотувчи чиройли бадиий машварат шаклида тарбияланувчиларни имкон қадар кўпроқ адабий баҳс-мунозарага чорлаш муҳим адабий тадбир ҳисобланади. Бу, айниқса, мумтоз адабий матнлар ҳамда уларда қўлланилган шеърий санъатларни ўрганиш билан боғлиқ дарс машғулотларида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий-методик жараён ҳисобланади. Зеро, *адабиёт дарслари ҳам бадиий адабиётнинг ўзи сингари зоят турли-туман қизиқарли ва мароқли услубда олиб борилиши лозим* [1;3].

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзбек адабиёти предметидан адабиётшунослик ва педагогика илмларининг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттирган дастурлар тузилди ва улар асосида дарсликлар яратила бошланди. 2017 йилда қабул қилинган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС талаблари асосида адабий таълим дастурида ҳам ўзгаришлар рўй берди ва мазкур ўзгаришлар асосида дарсликларнинг янги авлодлари яратила бошланди. Ушбу дарсликларнинг янгиланган ДТС ҳамда бугунги ижтимоий ҳаётнинг таълим олдида қўяётган талаблари асосида яратилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бироқ дарсликларнинг кейинги чиқарилган нашрларида ҳам баъзи камчиликлар борлиги кўзга ташланиб қолади.

Хусусан, 5-6-синф адабиёт дарсликларини кўздан кечирганда баъзи номувофикликлар борлиги кузатилади. Булар синфлардаги дастур билан дарслик ўртасида, дарслик мундарижасида берилган мавзуларнинг дарсликда берилмаган ҳолатларида ҳамда назарий маълумотлар берилишида учрайди.

Адабиётшунос олим С.Аҳмедов раҳбарлигида ёзилган 5-синф дарслигининг 2015 йилги нашрида “Мумтоз адабиёт бўстони” рукни остида берилган Бобурнинг рубойларидан кейин мундарижада 113-саҳифада деб кўрсатилган рубой ҳақидаги назарий маълумот дарсликнинг мундарижада кўрсатилган саҳифасида берилмаган [2;173]. Дастурга кўра 5-синфда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонини ўрганишга 5 соат ажратилган. Бунда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот, “Ҳайрат ул-аброр” достонидан олинган “Ўнинчи мақолот”да тўғрилиқнинг қанчалар азоб билан бўлсада, ғолиб келиши, ёлғон ва эгриликнинг охир-оқибат енгилишининг тасвирланишига, бунинг Шер билан Дуррож қисмати мисолида акс эттирилгани ҳақидаги ибратли ҳикояларни ўқилишини таъминлашга 2 соат ажратилган. Шунингдек, асардаги ҳикоятларнинг рамзий маъноси, инсон маънавий қиёфасини акс эттирувчи ҳикоятларнинг бадиий ва ахлоқий хусусиятларини ўрганишга 1 соат ажратилган. Номувофиклик шундаки, асардаги ҳикоятларнинг рамзий маъносини ўрганиш учун ўқувчи, аввало, “рамз” ва “мажоз” тушунчасининг луғавий маъноси ҳамда унинг адабий термин сифатидаги истифодасини англаб олиши лозим. Мазкур адабий атамалар дарсликда ишлатилгани ҳолда бу терминлар бўйича назарий маълумот дарсликнинг бирор саҳифасида учрамайди. Бундан ташқари, ушбу достонда шеърий санъатлардан бири бўлган “*ташбеҳ*” (*ўхшатиш*) энг кўп қўлланилгани

5-шуба

ҳолда 5-синф адабиёт дастурида ва дарсликда ушбу бадиий тасвир воситаси ҳақида ҳеч қандай назарий маълумот берилмаган. Умуман, бадиий тасвир воситалари, хусусан, шеърӣ санъатлар ҳақидаги назарий маълумотлар мактаб адабиёт курсининг 7-синфдан бошлаб берилганки, мазкур масала изоҳ ва мулоҳазага муҳтож.

Адабиётшунос олимлар – С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров ва Ш. Ризаевлар ҳаммуаллифлигида яратилган 6-синф дарслигида мумтоз шоир Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасидан кейин берилган “Ҳажвий асар ҳақида тушунча” номли мавзуда шеърӣ санъатлар ҳақида “*Ҳажвий асарларда жамиятдаги иллатларни, ёмон хулқли кимсаларнинг кирдикорларини яққол фош этиш учун воқеалар бўрттириб кўрсатилади, муболага, фантазия, сифатлаш, ўхшатиш, қаршилантириш каби бадиий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади*”, - дея маълумот берилади. Сўнгра асарда ушбу санъат турлари қўлланилган ўринлардан қуйидаги намуналар берилган:

*Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳамма вақт уч қават
Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,
Бирларидур кунда пих-у, гавда хар.*
(Сифатлашлар)

*Султон Алихўжа, Ҳакимжон икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв.*

*Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироқ ёғи, Ҳакимжон – тилик.*
(Ўхшатиш)

*Оғизлари мақтаниб ўн беш қариш,
Майда сухан, эзмачурук, занчалиш.*
(Муболага)

Ўзгаларга роҳат-у, менга азоб.
(Қаршилантириш)

Ушбу сатрлар берилгани ҳолда келтирилган намуналарнинг қайси ўринларида ушбу шеърӣ санъат турлари ишлатилган, хусусан қайси сўзда қўлланилганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаган. Умуман, қайд этилган муболага, фантазия, сифатлаш, ўхшатиш, қаршилантириш каби бадиий тасвир воситалари ҳақида дарсликнинг бирор жойида назарий маълумот берилмаган. Дастурда ушбу мавзу доирасида муболага (лоф) санъати ҳақида назарий маълумот берилиши кўзда тутилган ҳолда дарсликда ушбу санъат тури ҳақида ҳам назарий маълумот берилган ўринлар учрамайди.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ўрганишга дастурда 3 соат вақт ажратилган. Ушбу соатлар давомида Э. Воҳидов ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача маълумот, “Ўзбегим” қасидаси кўп асрлик ўзбек халқи тарихининг ўзига хос поэтик ифодаси ва бадиий талқини сифатида, шеърда ўзбек миллатига мансубликдан ифтихор туйғуларининг самимий тасвирланганлиги, қасиданинг миллий ўзликни

5-шуба

англашдаги, халқ миллий тафаккурининг шаклланишидаги аҳамияти ҳамда қасидада энг кўп қўлланилган шеърий санъат турларидан бири *талмеҳ* санъати ҳақида маълумот бериш кўзда тутилган. Бироқ, дарсликда берилган “Ўзбегим қасидаси ҳақида” номли мавзуда ушбу санъат тури ҳақида ҳеч қандай назарий маълумот ва мисоллар берилмаган. Мазкур дарсликда Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги умр баёнида шоирнинг “*Камтарлик ҳақида*” номли шеъри берилган. Ушбу шеърда гўзал шеърий санъатлардан бири ҳисобланган *хусни таълил* санъати ўта моҳирлик билан ишлатилган. Аммо ушбу шеърий санъат тури ҳақида 10-синфгача мактаб адабиёт дарсликларида назарий маълумот берилмайди.

Таълим рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 5-синф адабиёт дарслигида бадий тасвир воситаларининг бир нечтаси, жумладан, метафора (истиора), эпитет (сифатлаш) ва ўхшатиш (ташбеҳ) ҳақида назарий маълумотлар берилиб, мазкур назарий маълумотлар умумлаштирилган ҳолда “Троплар” номи билан баён этилган [3;141-161]. Дастурда ушбу назарий маълумотларни ўрганишга 2 соат ажратилган [4;220]. *Умумий ўрта таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги* [5;5]ни назарда тутадиган бўлсак, ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади. Нега таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-синф адабиёт дарсларида шеърий санъатлар (бадий тасвир воситалари) ҳақида назарий маълумотлар (ҳатто метафора ҳақида дарсликда 2 ўринда назарий маълумот берилган) ўрганилади-ю, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-6-синфларида назарий маълумотлар берилмайди? Дастурда назарий маълумотларни ўрганишга алоҳида бир соат ҳам ажратилмайди?! Ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятлари бир хил эмасми?! Ваҳоланки, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-синф адабиёт курсида берилган мумтоз адабий матнларда (умуман, барча мумтоз адабий матнларда) шеърий санъатлар кўплаб қўлланилиши адабиётчиларга яхши маълумку!

Дарсликлардаги ушбу тафовутларни ҳисобга олиб, 5-синф адабиёт дастурига ўхшатиш (ташбеҳ), лоф (муболаға) ва қаршилантириш (тазод) ҳақида содда баён усулида назарий маълумотлар берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Қ. Адабий сабоқлар: Умумтаълим мактабларининг 7-синф “Адабиёт” дарслиги учун методик қўлланма. – Т.: Билим, 2003.
2. Аҳмедов С., Қосимов Б., Кўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Шарқ, 2015.
3. Литература. 5 кл.: Учебник / Н.И. Сергеева, Г.С. Меркин. –Т.: Sharq, 2015.
4. Министерства Народного образования республики Узбекистан., Республиканский центр образования. Государственная стандарт и учебная программа по литературе для школ общего среднего образования с русским языком обучения (1-9 классы). – Т., 2017.

5-шубба

5. Umumiy o'rtta ta'limning davlat ta'lim standarti (Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-son qaroriga 1-ilova). –T., 2017.

SOME THOUGHTS ON THE ISSUES OF DEVELOPING READING SKILLS AND CRITICAL THINKING OF B1 LEVEL LEARNERS

Sherozkhon Muzaffarovich Muzaffarov,
Lecturer of Department of Language Studies
Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

Everywhere we go in the world, we ask teachers what they feel are the most important skills for modern learners. Teachers, school leaders, and educators of all kinds have many shared goals. However, no matter where they hail from, one of the most common among them is effectively developing critical thinking skills. Thinking critically is the pinnacle of the accumulation of knowledge and experience.

Reading is a complex process made up of several interlocking skills and processes [3; 68]. These skills and strategies are employed before, during, and after reading. Reading is a process by which the reader makes personal connections with a text to construct meaning. Reading and responding to a text are integral parts of language learning. Effective readers employ a wide repertoire of meaning-making (comprehension) strategies that they can deploy independently with a range of texts. Effective readers understand and remember what they read. They can summarize and discuss the content and demonstrate their comprehension of the text. They can analyze and evaluate what they have read. Effective readers recognize words quickly and efficiently. They demonstrate high word recognition, possess strong fluency skills and read with good expression, intonation, pitch, and phrasing. What is critical thinking? Many scholars have been defined critical thinking like many other phenomena in different ways. Therefore, it is worth discussing one of those definitions. Eaton defines critical thinking as a “reasonable, reflective thinking that is focused on deciding what to believe or do” [1; 45]. According to them, critical thinking is consciously observing, analyzing, reasoning, and evaluating process. Critical thinking is that mode of thinking which stimulates higher level of thinking in individuals, and enables them to take rational decisions analyzing different contexts skillfully and wisely. A critical thinking approach asks students to do something with information that has been already learnt.

Reading is creating meaning with print. Written words are used to help the reader create meaning. The brain uses three cuing systems to recognize these words as they read: phonics, syntax, and semantics. Of these three, phonics is the least efficient in terms of speed of processing and the amount of cognitive space necessary in short term memory. Expert readers use context clues to identify unknown words as they read. Cloze and maze activities can be used to help develop this skill.

So, how to develop reading skills and critical thinking of B1 level learners using mazes? Amaze is a sentence with two or three alternative words. Students must

5-шубба

select the word that makes the most sense in the sentence. Like cloze sentences, you can create a more meaningful experience by designing your own sentences around students' interests and experiences [2; 56]. Within a school setting, you can also use maze and cloze activities to reinforce words and concepts found in students' reading material or used in other curriculum areas. For example, you could design them to reinforce vocabulary and concepts from your science, social studies, health, math, or other subject areas. Finally, both maze and cloze can be used as pre-reading or post-reading activities.

John Guthrie developed maze in the 1970s to determine how well students could read particular texts. Let's say you have a B1 level science book and want to know who in your class is likely to struggle with that book. To figure this out you'd test students on several passages from that science book. According to Guthrie, students who score 50% or higher on maze should be able to handle this book [3; 46].

The benefit of maze is that it is easy to construct, administer, and score and maze results are reasonably accurate and reliable. (To design a maze test, you select a passage of 150-200 words in length, delete a word from the second sentence, and every 5th or 7th word after that. Provide the students with three words choices in random order: the correct word, a word that is the same part of speech but incorrect, and a word that is the wrong part of speech.

As you point out, maze tells you nothing about what comprehension skills students have or how well they can answer certain kinds of questions. However, question-and-answer comprehension questions can't tell you that either, so switching tests won't solve that problem for you.

During the 1970s, John Guthrie told that they had tried it out with individual sentences and with passages (as described above) and it didn't make any difference. Even when sentences were presented randomly students seemed to perform equally well. It is wondered if that was also true of other popular measures such as cloze tests. (Cloze is similar to maze, but harder to administer because instead of multiple-choice it requires students to fill in the blanks) [4].

Students performed as well on sequential order passages and on passages that it had been scrambled the orders of the sentences. Imagine reading Moby Dick, starting with sentence 16, then 5, then 32, then 1, etc. (Randomizing sentence order doesn't hurt maze or cloze performance, but it wreaks havoc on summary writing.)

It is also found that cloze test correlated best with multiple-choice reading comprehension tests that asked questions based on information from single sentences. Correlations were lower if students had to synthesize information across the passages.

Cloze and maze tests provide reasonable predictions of reading comprehension, but they do this based on how well students interpret single sentences. For most readers, the prediction works because it is unusual that someone develops the ability to read sentences without developing the ability to read texts.

If you want to know who is going to struggle with your literature anthology, maze can be a tool that will help you to accomplish that. If you want to identify specific reading comprehension skills so you can provide appropriate practice, maze won't help, but neither will the testing alternatives that you could consider.

5-шубба

If anybody wants to monitor his/her students' reading comprehension. Identify the levels of difficulty your students can handle successfully (this could be done with maze tests of those passages), and then later in the year, check to see if the students can now handle passages that are even harder.

Monitoring comprehension means not tabulating specific skills that have been accomplished, but what complexity of text language students can negotiate. Perhaps early in the year, your students will be able to score 50% or higher with texts written at 800 Lexile. By mid-year, you would want them to score like that with harder passages (e.g., 900L-950L). That kind of a testing regimen would allow you to identify who is improving and who is not.

The list of used literature:

1. Eaton D. 10-Minute Critical Thinking Activities for English Classes. TESOL Journal, 2005.
2. Halvorsen A. Incorporating Critical thinking skills Development. The Internet TESL Journal, 2005. Vol. XI. № 3.
3. Tankersley K. The threads of reading: Strategies for literacy development. Alexandria, VA: Association for Supervision and Curriculum Development. 2003.

THE ROLE OF MODERN TEACHER IN ENHANCING SPEAKING SKILLS

Xoliddin Abdulvohobzoda Shomhammadov,
Lecturer of Department of English language history and grammar
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Nowadays, it might seem very easy for the learners to acquire a certain lexical level, grammatical structures or catch correct pronunciation since the modern world and its technological inventions and gadgets brought a lot of changes. Learners are exposed to English much more than they used to be before thanks to the Internet, mobile phone applications, games, entertainment industry (films, series, music) etc. All of the previously mentioned elements may play a significant role for the teacher in learning foreign language. Taking in consideration the immense opportunities of exposure to English as well as time spent at school in foreign language classes, a question arises: *“Why are there so many students whose level of English is inadequate compared to the number of years they have been learning the second language?”*

Regarding teaching spoken English as the second language, Harmer sees exposure to the “new language” among four basic things that students need to be present and clear before they are able to master the language. The other three are to understand its meaning, understand its form and practise the language [2; 64].

One of the possible answers is provided by Scrivener who claims that “teaching does not necessarily lead to learning”. He adds “the fact that the first is

5-шубба

happening doesn't automatically mean the other must occur" [4; 17]. To put it simply, the teacher might be an excellent methodologist, have deep knowledge of the language and academic education, spend a lot of energy preparing for and performing in the lessons, but there may still not be the expected result. If he or she cannot motivate students, bring the language closer to their interests or needs, they will not invest their energy into learning. And it is obvious that language needs to be practiced not only in the classroom, but anywhere else where there is an opportunity to do so.

According to Scrivener, what a teacher can do for his students is to "help create the conditions in which they might be able to learn" [4; 18]. Harmer confirms this by saying that "class management - the ability to control and inspire a class - is one of the fundamental skills of teaching" [2; 31].

I agree with both authors. The teacher's role is more of a facilitator whose major aim should be to prepare a safe and friendly environment where students are led to a certain degree of autonomy. Thornbury defines autonomy in sociocultural terms as "the capacity to self-regulate performance as a consequence of gaining control over skills that were formerly other-regulated" [5; 90]. On the topic of students' autonomy, Harmer also sees it as one of the main teachers' aims when he claims that "to compensate for the limits of classroom time and to counter the passivity that is an enemy of true learning, students need to develop their own learning strategies, so that as far as possible they become autonomous learners" [2; 135].

Apart from this goal, learners should be taught various communication techniques and motivated to work on their weaknesses and achieve personal growth instead of being fitted into the roles of passive listeners who memorize chunks of text and drill grammatical rules. Scrivener then suggests other methods how to engage students in the lessons e.g. "enabling them to work at their own speed, not giving them long explanations, encouraging them to participate, talk, interact, do things, etc." [4; 18].

Harmer goes further in eliciting the roles of a teacher, apart from the role of a facilitator, he suggests 8 roles for the teacher - a controller, organizer, assessor, prompter, participant, resource, tutor and observer [2; 58-62].

The fact is, that a teacher needs to be very skillful at realizing when it is about time to shift from one role to another. The boundaries are often not clear, it requires experience and intuition combined with certain knowledge from fields of sociology and psychology. Nevertheless, it can be concluded that several roles might be more beneficial in the process of developing speaking skills. The role of an organizer functions as the backbone for further development of the speaking skills. Only well prepared activities with clear instructions can provide suitable conditions for enhancement of speaking skills inside the classroom. For maximizing the effect, the role of an organizer can be accompanied by the roles of a prompter or tutor which guide students through the activities, suggest ideas, encourage and motivate or help students find the lost thread. On the other hand, as he adds "We need to make sure we do not intrude too much" [2; 62]. The role of a participant might also become an asset for the lesson, since the teacher can join either a pair or a group and spark some

5-шубба

further discussion. However, situation should not occur, when the teacher becomes too dominant and catches all attention for himself.

To sum it up, sometimes various roles need to be performed in different stages of the lesson. It might be necessary to act as a controller to restore order in the classroom, while only a few moments later, the roles of an observer and tutor might be much more beneficial and lead to better results at learning. In my view, this ability cannot be learnt from books, they only provide us with guidelines. However, the most difficult task is up to the teachers to process the information and practise applying it during educational process.

The list of used literature:

1. *Harmer J. How to teach English: An introduction to the practice of English language teaching.* Harlow: Longman. 2018.
2. *Hutchinson T. & Waters A. English for specific purposes: A learning-centered approach.* Cambridge: Cambridge University Press. 2017.
3. *Scrivener J. Learning teaching: A guidebook for English language teachers.* Oxford: Macmillan. 2005.
4. *Thornbury S. How to teach speaking.* Harlow: Longman. 2015.

**MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING NUTQIY
QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA O‘ZBEK XALQ IJODINING
VOSITALARI ORQALI TARBIYALASH**

**Xolida Bosimovna Rahmonqulova,
Jizzax DPI Maktabgacha ta’lim metodikasi kafedrasi o‘qituvchi**

O‘zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoevning Oliy majlisga Murajaatnomasida “Ilm-fan, zamonaviy va uzluksiz ta’lim yanada takomilashtirish” borasidagi so‘zlagan nutqida “*Faqat ma’rifatgina insonni kamolatga , jamiyatni esa taraqqiyotga yetaklaydi*” [3] deb ta’kidlab o‘tgan edilar. B borada xalqimizda “Ta’lim tabiya berish beshikdan boshlanadi” degan xikmatli bir so‘z bor. Shu sababli ta’lim sohasida davlat siyosati, uzluksiz ta’lim tizimi tamoyiliga asoslanishi, ya’ni ta’lim-tarbiya avvalom bor maktabgacha ta’lim tashkilotidan boshlanishi va davom etishi lozim.

Bizga ma’lumki insonning mukammal komil bo‘lib kamol topishi juda ko‘p ta’lim – tarbiyaviy ta’sir ostida vujudga keladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun ijod etish an’analari juda erta boshlangan bo‘lib, uzoq tarixga ega. Ertaklar, maqollar, topishmoqlar, qo‘shiq (allalar, o‘yinqo‘shiqlar, erkalamalar, sanamalar) singari turli janrlarda yaratilgan bolalar uchu yaratilgan asarlar, avvalo, folklor namunlari sifatida paydo bolgan.

Bola yeti yoshga to‘lgunga qadar

5-шубба

Atrofdagi hayotiy yangiliklarni tez ilg'aydigan bo'lib, o'sa boshlaydi. Shu sababli buishlarni bolaning faqat kelajakda maktabga o'qishga va hayotga tayyorlashi deb tushunish kamlik qiladi.

Chunki bolalik-inson uchun navqironlik fasli hisoblanadi. Bola shaxsiyati –dagi barcha ijobiy va salbiy sifatlarni xuddi shu davrda shakllana boshlaydi, uningxarakterigasingaboradi.

Darhaqiqat, hamma narsa bolalalikdan boshlanadi. Bolalaikdagi har qanday taassurot umrbo'yi uning xotirasidan uchmaydi. Ma'limki, maktabgacha yoshdagi bolalarning aksariyat ko'pchilik qismi hali kitob o'qishni umuman bilmaydi: ular uchun dunyo noma'lumlikdan o'zga narsa emas. Shunga qaramay bola bu noma'lumlik sirlarini bilishga intilish, unga qiziqish behad kuchli bo'ladi. Buning uchun maktabgacha yoshdagi bola tabiatdagi taqlidchanlikni inobatga olib, hayotdagi xarakterli voqea va hodisalarni badiiy obrazlar orqali bolalaga xos til bilan tasvirlay olishi lozim.

Har bir xalq asrlar osha ardoqlab, asrab kelayotgan o'zining boy xalq og'zaki ijodiga ega. O'zbek xalq og'zaki ijodi–milliy madaniyatimizning bir ko'rinishi bo'lib, u xalqning madaniy, ma'naviy xazinasini hisoblanadi, uning ma'lum bir davrda hayoti, turmush tarsi, urf-odati, mehnat faoliyati, madaniy darajasi haqida to'laqonli ma'lumot beradi.

O'zbek xalq ijodining deyarli barcha janrlar – ertaklar, qoshiqlar, dostonlar, maqollar, tez aytish va topishmochoqlar, masallar bolalar ijodini boyitishda muhim o'rin tutadi. Bolalar ijodida ertaklar asosiy hisoblanib u eng qadimiy va keng tarqalgan bo'lib, uni bolalar, sevib tinlaydilar. Ertaklar yosh avlodni xalqparvarlik va vatanparvarlik, rostguylik va to'g'rilik, mehnatsevarlik va kamtarinlik ruhida tarbiyalashda katta hizmat qiladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar o'zlarining rivojlanish xususiyatlariga qarab ertakni tanlaydilar. Masalan, ko'proq hayvonlar va jonvorlar haqidagi, qisman afsonaviy ertaklar (fantastik ertaklar) ga katta havas bilan qaraydilar. Chunki ular tabiatan hayvonlarni, qushlarni, jonvorlarni sevishadi. Ertaklardagi turli voqea va hodisalar, favqulotdagi holatlar, qizqarli mazmun va ertak qahramonlari esa ular uchun tamoman yangi olam, bir dunyo bo'lib ko'rinadi.

Ertaklardan, "Bori bilan qo'zichoq", "Bori bilan tulki", "Tog'ri va egri", "Echki bolalari", "Ahmoq podsho va chopon" kabi ertaklar shular jumlasidandir.

Bolalar ijodining yana bir janri – qo'shiqdir. Qo'shiqlar ham o'zbek xalq og'zaki ijodining eng qadimgi va ommaviy shakllaridan biridir.

Xalqimiz juda qadimdan qoshiqlarning ko'p xillarini yaratgan. Davr o'tgan sari ularning mavzu doirasi ham, mazuni va shakllari ham kengayib boyib, to'ldirib borilmoqda. Masalan, "Boychechak", "Oq-terak", "Kokterak", "Navro'zkeldi", "Qo'g'irchog'im-ovunchog'im" va hokozolar shular jumlasidandir. 6-7 yoshli bolalar uchun o'yin qoshiqlar namunasi:

*1. Chitti gullay, chitti gul,
Etagingga gul bosdim.
Hay-yu chitti gul,*

*2. Qo'ling gul bog'da bo'lsin
Beling belbog'da bo'lsin,
Hay-yu chitti gul,*

5-шуъба

*Hay-yu chitti gul.**Hay-yu chitti gul,*

3. *Dupur-dupur ot keldi.*
Chiqib qarang kim keldi,
Hay-yu chitti gul,
Hay-yu chitti gul.

4. *Aravada un keldi,*
Childirmada gul keldi.
Hay-yu chitti gul,
Hay-yu chitti gul,

5. *Gul yaxshi-yu, gul yaxshi,*
Gulning popugi yaxshi.
Hay-yu chitti gul,
Hay-yu chitti gul.

6. *O'rtada o'ynagan qizning*
Haydar kokili yaxshi.
Hay-yuchitti gul,
Hay-yuchitti gul [1;34].

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun aytilgan xalq qo'shiqlari ularda go'zallik tuyg'ularini shakllantiradi, bolaning diliga orom bag'ishlaydi, vatanga sadoqat, o'z xalqiga muhabbat ruhida ayniqasa jamoaviy ruhda tarbiyalashga yordam beradi. Umuman, zavq va shavqqa to'liq bolalar hayotini qo'shiqsiz tasavvur ham qilib bo'lmaydi. Ayniqsa ularga onalar tomonidan aytilgan allalar bir umr onasiga mehr va muhabbatni berdi.

“Alla”

Alla, alla, allayo,
Yot bolam, uxla, qo'zim,
Uxla qo'zim allayo.
Uylarda o'chdi chiqoq,
Yum ko'zingni, yulduzim,
Uxlar asalarilar,

Yum-yum ko'zing, yulduzim.

Uxlar baliqlar tinchroq [2;14].

Maktabgacha yoshdagi bolalarning tez aytishi o'z tabiiyati bilan, asosan bolalar fol'klori hisoblanadi. Tez aytishning bolalar nutq tovush madaniyatining o'stirishdagi roli aynisa juda kattadir.

Uningo'ziga xos xususiyati shundaki tez aytishdagi so'zlarning aksariyati bir xil yoki yondosh tovushlardan tashkil topadi, bu tez aytish mazmunini tez va rovon o'qishni qiyinlashtiradi va bolalarni ko'p mashq qilishga, takror tovushlarning talaffuz usulini, so'zlarni to'g'ri aytishga o'rgatadi.

Masalan bolalar o'zlari sevib ko'p tez aytishgan quyidagi “Bir tup tut”, “Katak katak kuylak”, “Tog' boshida bir laylak”, “Qishda kishmish pishmash”, “Zanjir, sarjin, anjir”, “Juja cho'chib go'ja chuqir” kabi.

Ozbek xalqi jodining eng qadimgi janrlaridan yana biri topishmoqlardir. Topishmoqlar bolani zehnini qayraydi, fikrlash doirasini kengaytiradi, fikrlash qobiliyatini oshiradi. Topishmoqlarning xarakterli xususiyati shundaki, bu ko'proq bolalar o'yini bilan bo'g'langan bo'lib, ular jamoaviy ruhda tarbiyalashga xizmat qiladi.

5-шуъба

Masalan, “Yer tagida oltin qoziq, u hammaga bo‘lar oziq”. Bu topishmoqda sabzining tus jihatdan oltin rangiga yaqinligi shaklan qoziqqa o‘xshashligi uning tuproq ostida bitishi va tanovul qilish mumkunligi eslatildi.

“Pak – pakana bo‘yi bor yetti qavat to‘ni bor” topishmog‘ida pak – pakana bo‘yi yetti qavat to‘ni kabi belgilar piyoz ekanligini ko‘rsatib turadi.

“Dum-dumaloq jajji oy chaqib yesang g‘ij – g‘ij moy” kabi belgilar uning yong‘oq ekanligini ishoradir.

Topishmoqlar ko‘proq narsa va buyumlar, tabiat xodisalari, hayvonlar va jonvorlar, uyashyolari, texnika buyumlari, fasllar xususida yaratilgan bo‘lib, bolaning hayoti haqidagi tasavvurlarni kengaytiradi, uning bilimi va tajribasini boyitadi. Masalan:

Bodom kabi yaprog‘i,

Bironadan yuz bola

Sollanadi butog‘i,

Yuzovi ham bo‘z bola.

O‘zi shirin tukligina (uzum).

O‘zi bir qarich, soqoli qirq qarish (igna, ip).

Bir parch patir olamga tatir (oy) [4;65].

Topishmoqlar xalq og‘zaki ijodining bolalarni o‘ylashga, topqirlikka o‘rgatadi. Har bir topishmoq zamirida “kim?”, “nima?” so‘roqlariga yashirin javob yotadi. Har bir topishmoq uni yaratgan xalqning hayoti urf odati o‘ziga xos rasm-rusumlari bilan bog‘liq holda bo‘lib, bolalar o‘rtasida keng tarqalgan, masalan,

Tunda ko‘rib cho‘g‘ deysan,

Tongda turib yo‘q deysang (yulduz).

Keragida suvga otasan,

Qimirlashin poylab yotasan (qarmoq).

Zarga sotilmas, zo‘rga topilmas (vaqt).

Otlari har xil, yoshlari bir xil (hafta kunlari).

Temir qo‘rg‘on ichida qizil toychoq o‘ynaydi (til) [1;44].

Shunday qilib, maktabgacha yosh davrning eng muhim xususiyatlaridan biri bolani og‘zaki nutqni rivojlantirishda nutqning hamma turlaridan foydalana oladigan bo‘lishi lozim. Bu esa bolani maktab ta‘limida o‘qish faoliyatini yaxshi o‘zlashtirishi uchun muhim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Badiiy terma kitob. –T.: O‘qituvchi, 1993.
2. Jumaboyev M. Bolalar adabiyoti. Darslik. –T.: O‘qituvchi, 2012.
3. O‘zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoevning Oliy majlisga Murajaatnomasida. –T.: 2019. 7-dekabr.
4. Shodiyeva Q.S. Nutq o‘stirish uslubiyoti. Qo‘llanma. –T.: 2012.

5-шуъба

**O‘QUVCHILARGA TIL QURILISHINI EMAS,
TIL IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISHNI O‘RGATISH KERAK**

Xurshida Tolibovna Mamatova,
*Buxoro viloyati Qorako‘l tumani 2- umumiy o‘rta ta’lim maktabining
oliy toifali ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi*

Barchamizga ma’lumki, ona tili fani o‘qituvchisining bosh maqsadi – o‘quvchilarni ijodiy fikrlashga, o‘z fikrini erkin va ta’sirli qilib yozma va og‘zaki shaklda ifodalashga, o‘zbek tili qonun-qoidalarini ongli ravishda o‘rganishga o‘rgatish, shuningdek, ularning fikr doirasini kengaytirishga, Vatanimizga, milliy an’analarimizga, boy ma’naviyatimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashdan iboratki, shu bois bugungi kunda, o‘zbek tili barcha ta’lim bosqichlari va yo‘nalishlaridagi rus va ta’lim boshqa tillarda olib boriladigan ta’lim muassasalarida o‘qitilmoqda, uning qo‘llanish doirasi tobora kengayib, respublikamizda millatlararo aloqa vositasi sifatida nufuzi har tomonlama ortib bormoqda.

Hozirgi kunda ijtimoiy tarmoqlarda keng muhokamalarga sabab bo‘layotgan muhim hodisalardan biri bu ona tili darslarining qisqartirilganligidir. Albatta, bunga turlicha fikrlar bildirilyapti, aksariyat fikrlar bu – ona tili darslarining qisqartirilishiga norozilikdir. Lekin biz, tilchilar faqat dars soatlarining kamayishiga norozilik bildiryapmiz-u, ammo asosiy yana bir narsani e’tibordan chetda qoldiryapmiz, ya’ni ona tili ta’limidagi ortiqcha ilmiylik, keraksiz grammatika. Mana biz nimalarga e’tibor berishimiz kerak.

20-asrning birinchi yarmida adabiy til me’yorlarini belgilash, uni omma ongiga singdirish, savodsizlikni tugatish talabi asosida ona tili ta’limi maqsadi belgilangan. Ta’lim oluvchilarni tilning ichki qurilishi bilan tanishtirish, qonuniyatlarni o‘rgatish asosida xalq ongiga adabiy til me’yorlari shakllantirilgan. Shuning uchun tilshunoslikda qo‘yilgan, hal etilgan vazifalar va qo‘lga kiritilgan yutuqlar asosida ilk ona tili darsliklari yaratilgan. Darsliklarda o‘zbek tilining imlosi, fonetik va grammatik qurilishini chuqur va atroflicha o‘rgatishga katta e’tibor qaratilgan. Tilshunoslikdagi ilmiy yutuqlar davr sinovidan o‘tib, maktab ona tili darsliklaridan o‘rin ola boshlagan. Bu darsliklar asosida kishilarning savodi chiqib, adabiy til me’yorlari ijtimoiy hayotning barcha sohalarida ommalashgan. Jamiyat yaxlit va yagona adabiy til me’yorlariga ega bo‘lgan [4].

Ammo ona tili darsliklari grammatizmda chuqurlashib, boraverdi. Natijada ona tili ta’limining tom ma’nodagi vazifasi – o‘quvchilarda ona tili imkoniyatlaridan foydalanish ko‘nikmasini shakllantirish va malakasini o‘stirish amaliyoti unutila boshlandi. Bunga birgina misol qilib, boshlang‘ich sinf ona tili darsliklaridan tortib yuqori sinf darsliklarigacha bo‘lgan mavzular asosan til qurilishi bo‘yicha, ya’ni o‘quvchilarga tilshunoslik bo‘yicha bilim beriladi [4]. Vaholanki biz nima qilyapmiz o‘zi? Maktab partasida o‘tirgan o‘quvchilarning barchasidan tilshunos tayyorlayapmizmi, axir ularning barchasi ham tilshunoslikka qiziqmaydi-ku, boshqa soha egasi bo‘lmoqchi. Shunday ekan, bizga nima keragi bor, ona tili ta’limini o‘quvchilarga murakkabliklar asosida o‘rgatishning. Sodda ona tilini o‘rgatsak

5-шуъба

bo'lmaydimi? Shu o'rinda "Sodda ona tili deganda nimani tushunishimiz kerak?" degan savolga filologiya fanlari doktori, o'zbek tili professori Baxtiyor Mengliyev sodda va asosli fikrni yaqinda chiqqan muhokamalar markazidagi ona tili ta'limidagi "Qo'y yog'i" maqolasida aytdi: "Ko'pchilik ona tili sodda bo'lishi kerak degan fikrni jo'n, "dehqoncha" tilda gapirish va yozish deb tushunmoqda va o'zaro suhbatlarda fikr sohibini qamchilashga tushib ketdi. Aslida nima nazarda tutilyapti? Qoidalar, ta'riflar, izohlar sodda bo'lsin deyilmoqda. Qoidalar o'quvchining nutqini isloh qilishga ishlashi urg'ulanayotir. "Gapning grammatik markazi bo'lib, ega haqidagi axborotni bildiradigan, shaxs-son, zamon, tasdiq-inkor, mayl-modallik ma'nolariga ega bo'lgan bo'lak kesimdir" degan ta'rifni odamshavanda qilib, "gapdagi xabarni bildiradigan bo'lak kesim deyiladi" shaklida berish kerakligi ta'kidlanayapti" [6].

Darhaqiqat, biz o'quvchilarga qoidalarni ko'r-ko'rona, qoriday yodlatishni emas, aksincha, bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishimiz kerak. Zero, ona tili ta'limining bosh maqsadi ham aynan shudir. Axir, o'quvchining ona tili ta'limi bo'yicha natijalari uch mezon:

1. O'qish texnikasi;
2. O'z fikrini to'g'ri ifodalash;
3. O'z g'alar fikrini to'g'ri anglash malakasi.

Demak, ona tili imkoniyatlarini egallash hamda shu asosda barkamol inson sifatida shakllanishiga bo'lgan talab bu o'quv predmeti yoki fan metodikasi oldiga juda ko'p vazifalarni qo'yadi. Ta'lim oluvchilar til qurilishini mukkasidan tushib o'rganardi. Unli va undosh tovushlar, tovush o'zgarishlari, urg'u va uning turlari, tilning leksik tizimi, so'z turkumlari ularning ichki ma'noviy guruhlari, so'z yasalishi, grammatik shakllar tizimi, sintaktik hodisalar – so'z birikmasi, gap bo'laklari, ularning tuzilishi, ma'no turlari va ifodalanishi, sodda va qo'shma gap, qo'shma gaplarning ma'no turlari va bog'lovchi vositalar kabi nazariy ma'lumotlar darsliklardan shu qadar ko'p o'rin egalladiki, natijada o'qituvchi o'quvchining nutqini o'stirishga, og'zaki va yozma nutqini shakllantirishga vaqt ajratolmay qoldi. Ta'lim mazmuni til qurilishi bo'yicha nazariy bilimlardan iborat bo'lib qoldi. Muxtasar qilib aytganda, ona tili darsliklari tilshunoslik faniga aylantirib qo'yildi. Nutq o'stirish grammatizm soyasida qolib ketdi. Masalan, birgina 5- sinfni bitirayotgan o'quvchi 250 dan ortiq qoidani yod olishi lozim. Endi tasavvur qilib ko'ring bu o'quvchi 11- sinfni bitirayotganida bu egallagan 250 ta qoidasiga yana nechta qo'shib, qanchaga yetadi o'rganilishi lozim bo'lgan qoidasi. Bu qoidalar uning keyingi hayotida kerak bo'ladimi, foydasi bormi, bu bilan hech kimning ishi yo'q. Vaholanki, biz davlat ta'lim standartlariga muvofiq o'quvchilarga o'rganilgan bilim, ko'nikma va malakalarini hayotda qo'llay olish kompetensiyalarini shakllantira olishimiz lozim[2]. Ular bugungi kunda ona tili ta'limi bo'yicha olgan bilimni ertaga amaliyotga qo'llay olsin. Tasavvur qiling: bozorga bordingiz, kartoshka olmoqchisiz, ammo cho'ntagingizdagi pulni uyda qoldirib kelgansiz. Shunda siz sotuvchiga "kechirasiz, pulim yo'q edi, men sizga so'z turkumlaridan otni qoidasini aytib beray, siz menga kartoshka bering", - deb iltimos qilsangiz, sotuvchi sizga qoida evaziga

5-шубба

kartoshka beradimi, afsuski yo‘q. Shunday ekan, bu o‘quvchining hayotida as qotmaydigan qoidalar kimga yoki nimaga kerak? Undan ko‘ra mana shunday pulsiz vaziyatda qolganda, chiroyli nutq, so‘z sehri bilan sotuvchini o‘ziga mahliyo qildirib, kartoshkani oladigan o‘quvchilarni yetishtiraylik va bu uchun maktab darsliklarini tubdan isloh qilaylik. Demak, ona tili ta‘limi jarayonida o‘quvchining so‘z boyligini oshirish, so‘zlarning ma‘no nozikliklari, farq va o‘xshashliklarini his qilish, anglab yetish, bexato talaffuz qilish va yozish, so‘zlarni bog‘lab gap, gaplardan esa matnlar tuza olish, birikmalardagi ma‘noviy va grammatik, matnlardagi mantiqiy xatoliklarni topish va tuzatish, bir fikrni turli vositalar bilan ifodalash, uzilgan fikrning davomini tiklash kabi qator mantiqiy mashqlarni bajarish, nutq vaziyatini to‘g‘ri baholash va til imkoniyatlaridan unga mos ravishda foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirish va malakasini o‘stirish, o‘quvchiga mana shu vazifalar uchun zarur bo‘lgan muhim fonetik, leksik, grammatik qoidalarnigina berish, fikrni ifodalash va anglashning turli shakllari va usullarini ularni turli nutq sharoitiga mos ravishda qo‘llash yo‘llarini tavsiya etish, bunga asoslangan mashq va topshiriqlar tizimini ishlab chiqish lozim. Shuningdek, o‘quvchining aqliy faoliyati zinhor lingvistik qoidalar va til qurilishiga doir bilimlar bilan band qilib qo‘yilmasligi lozim. Bu borada, albatta, keyingi yillarda salmoqli o‘zgarishlar olib borildi. O‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqining, badiiy tafakkurining shakllanishiga oid bir qancha yangi mavzular maktab darsliklariga kiritildi. Masalan, 2017-yilda chop etilgan 6-sinf ona tili darsligining 11-sahifasidan 19-sahifasigacha “*Matn, matn turlari, hikoya matni, tasviriy matn, muhokama matni*” [5;11-19] kabi o‘quvchining ham og‘zaki ham yozma nutqini rivojlantiradigan, tafakkurini o‘stiradigan, matn tuzish orqali so‘z boyligini oshirishga xizmat qiladigan mavzular kiritildiki, bu ham ona tili o‘qitish tizimining yangilanib borayotganligidan dalolat berdi. Shuningdek, 10-sinf ona tili darsliklarida ham lug‘atshunoslik bilan bog‘liq mavzular kiritildi. Har bir o‘rganilayotgan yangi mavzudan so‘ng lug‘at so‘zlar berildi, bu ham o‘quvchilarning o‘zbek tilidagi so‘zlarning ma‘nolarini izohli lug‘atlardan, sinonimlarini, sinonimlar lug‘atidan bilish imkoniyatini yuzaga chiqardi. Maktab o‘quvchilari uchun ham maxsus lug‘atlar tayyorlash kerak va ulardan, albatta, dars jarayonida samarali foydalanishni yo‘lga qo‘yish kerak. Ammo, tan olib aytish kerakki, bugungi kunda o‘quv lug‘atchiligi amaliyoti ma‘lum darajada yo‘lga qo‘yilayotgan bo‘lsa-da, uning ilmiy-nazariy asoslarini ishlab chiqish, muayyan o‘quv lug‘atlarini tuzish tamoyillarini belgilash, ularning lingvistik, pedagogik asoslarini ishlab chiqish hanuz dolzarb masala bo‘lib qolmoqda. Zero, ona tili mashg‘ulotlari o‘quv lug‘atlaridan foydalanishga muhtoj.

Xulosa qilib aytganda, ona tili mashg‘ulotlarini tafakkur darslariga aylantirishimiz kerak. Chunki, milliy o‘zlik, milliy ong, milliy qadriyatlar har bir o‘quvchi tafakkuriga beqiyos ozuqa beradi. Demak, tafakkur rivojlansa, til rivoj topadi, uning son – sanoqsiz, rang-barang imkoniyatlari yuz ochadi, nutq ravonligiga, mantig‘iga erishiladi. Aniq fikrlaydigan inson, ravon gapiradi. Zero, hurmatli prezidentimiz Sh. Mirziyoyev: “*Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma‘naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi*

5-шуъба

uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”, - deb bejizga ta’kidlamaganlar [1].

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.: O‘zbekiston. 2016.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi “Umumiy o‘rta va O‘rta maxsus, Kasb-hunar ta’limining Davlat ta’lim standartlari to‘g‘risida” gi 187- sonli qarori.
3. Ne‘matova G.H., Ashurbayeva R.Q., Yo‘ldosheva D.N. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog‘lab o‘qitish. –T.: Muharrir, 2019.
4. D. Yo‘ldosheva., R. Ashurbayeva. Ona tili ta’limida zamonaviy pedagogik texnologiyalar. –T.: Turon zamin Ziyo, 2018.
5. N. Mahmudov. A. Nurmonov., A. Sobirov., D. Nabiyeva. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6- sinfi uchun darslik. –T.: Tasvir, 2017.
6. <https://kun.uz/63582864> -Filologiya fanlari doktori, professor Baxtiyor Mengliyevdan Muxokamalar markazida ona tili ta’limida “Kўй ёғи” dolzarb mavzudagi maqoladan foydalanildi.

TAFAKKURNI O‘STIRISHDA ONA TILI DARSLARINING O‘RNI

Bunisa Orziqulovna Tadjiboyeva,
Jizzax shahar 6 –maktab o‘qituvchisi

Ma’lumki, ta’lim tizimida ona tili fanining tutgan o‘rni o‘ziga xos bo‘lib, u o‘z predmeti va boshqa fanlar haqidagi ma’lumotlarni uzatish hamda qabul qilishda asosiy vosita bo‘lib xizmat qiladi. Chunonchi, o‘quvchilar mustaqil va ijodiy fikr yuritish jarayonida tilga, til imkoniyatlariga, til birliklariga tayanib, o‘z fikr-mulohazalarini, tushunchalarini ifodalashga harakat qiladilar. Yuqoridagilardan ham ko‘rinib turibdiki, til va tafakkur orqali insonlar dunyo sirlarini anglab yetadilar, hukm-xulosalar chiqaradilar. Shunga ko‘ra, ona tili darslarida o‘quvchilarning nutq faolligini oshirishda muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish, ularni mantiqiy xulosalar chiqarishga undash, izchil fikr bayon qilish malakalarini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ona tili o‘qitishdan asosiy maqsad o‘quvchilarda ona tilida fikrini to‘g‘ri, aniq, ravshan va go‘zal ifodalay olish ko‘nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishdan iboratdir. So‘zlarni to‘g‘ri tanlash, nutqni tinglovchiga qulay tarzda tuza olish insoniy madaniyatning eng asosiy tarkibiy qismidir. Shuning uchun har bir so‘z, birikma va gapni barcha qirralari bilan to‘g‘ri, o‘rinli ishlata olishni o‘rgatish, o‘z nutqiga nisbatan ehtiyotkorlik, mas’uliyat tuyg‘usini shakllantirish ona tili mashg‘ulotlarining asosiy vazifasi sanaladi.

5-шубба

Ona tili darslarining samaradorlik darajasi o'quvchilarning til bo'yliklarini, uning imkoniyatlarini qay darajada o'zlashtirganligi, o'z fikrlarini ijodiy matn yaratish orqali ifodalay olish malakasini qay me'yorda egallaganliklari bilan belgilanadi. "Ona tili o'qitishning prinsiplari ham, metodlari ham bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki, yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishga xizmat qilmog'i lozim"[1].

Shuni aytish mumkinki, o'quvchilar fahm-farosat, tafakkur orqali olamni o'rganadilar, faoliyat ko'rsatadilar, isbotlaydilar, farqlaydilar, butun yaxlit ob'yektni bo'laklarga bo'linish xususiyatlarini, butunga aylanish tomonlarini, umumiylik va xususiylikni, ular o'rtasidagi aloqadorlikni o'rganadilar, xulosa chiqaradilar. Bunga, albatta ona tili darslarida o'quvchilarni mashq ishlatish orqali tafakkur o'stirishga erishish lozim. Buning uchun o'quvchilar tafakkurini o'stirishda mashqlar tizimini to'g'ri tanlash kerak bo'ladi. a) o'zbek tili grammatikasini o'rgatish; b) fikrlash qobiliyatini rivojlantirish; v) adabiy til me'yorlariga rioya qilgan holda o'z fikrini bayon qilishga o'rgatish; g) o'quvchilar savodxonligini oshirish.

Biz esa yuqoridagilarga amal qilish bilan birgalikda mashqlar bajartirishda falsafiy fikrlashga o'rgatish lozimligini ham uqtirib o'tamiz.

- a) mashq ishlash orqali tafakkur o'stirish;
- b) dialogli o'qitish orqali tafakkur o'stirish;
- v) matn bilan ishlash orqali tafakkur o'stirish.

O'qituvchi o'quvchiga u yoki bu materialni tushuntirib, material muhokamasi uchun o'quvchini suhbatga chorlashga harakat qilishi va ayni paytda, o'qituvchi o'quvchiga material haqida axborot berib, uni muhokama etishga, tahlil qilishga o'rgatishi lozim. Ona tili darslarida o'quvchilarni mustaqil va ijodiy fikrlashga yo'naltirish, ular ongida ma'naviy-ma'rifiy inqilob xosil qilishga erishish lozim.

Suhbat metodi an'anaviy xususiyatga ega bo'lib, u orqali o'quvchilarning mulohaza yuritish qobiliyatlari, tafakkuri aniqlanadi hamda rivojlantiriladi.

Zamonaviy o'qitish talabiga ko'ra suhbat vaqtida quyidagi qonuniyatlarga amal qilish talab etiladi: o'quvchining obrazli fikrlay olishi, o'zaro izchil bog'langan savollar berilishi; fikrlar mantiqiy izchillikka ega bo'lishi, qiziqarli bo'lib, ularning yosh xususiyatlari inobatga olinishi, qaytarishlar bo'lmasligi, ohangdorlik va mazmundorlikka ega bo'lmog'i, shu bilan birga mantiq qonunlariga amal qilmog'i darkor.

O'quvchilarni favqulodda savol-javobga tayyorlash mulohazakorlikka, hayotga tanqidiy ko'z bilan qarashga o'rgatadi.

O'qituvchi bilan o'quvchi yoki o'quvchi bilan o'quvchining muayyan mavzu yuzasidan bahs-munozaraga kirishishi tafakkur faolligiga xizmat qiladi. Buning uchun beriladigan savollar: a) tushunarli va aniq bo'lishi; b) atroflicha fikrlay olishga yo'naltirilishi; v) ko'proq falsafiy qonuniyatlar aks etishi; g) qisqa, aniq javob talab qilishga qaratilgan bo'lishi; d) javobi "ha: va "yo'q" so'zlarinigina talab qilmasligi; j) savollar hayotdan olingan bo'lishi; z) bilim oluvchilarning ruhiyati inobatga olingan bo'lishi; ye) o'quvchilarning chuqur mulohazalar asosida javob berishlari ta'minlanishi.

5-шуъба

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, o'quvchilarni o'z fikrlarini bayon qilishda o'zbek tili boyligidan kengroq foydalanishga o'rgatish, ularni teran mulohazali, tafakkurli qilishda ona tili darslaridan unumli foydalanish bugungi kunni dolzarb muammolardan deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Фуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. –Т.: Ўқитувчи, 1992, 4-бет.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA NUTQNI SHAKLLANTIRISH

**Lobar Ergashevna Egamova,
Jizzax shahar 6 –maktab o'qituvchisi**

Ma'lumki, *“So'z gavharning sharofati shunchalar yuksakki, gavhardek qimmatbaho narsa ham unga sadaf bo'la olmaydi”* [1;204] ekan, til inson hayotida muhim ekanligini hisobga olib, uni to'g'ri to'g'ri shakllantirish lozim. Zero, insonni inson qilgan, ilmu fan va madaniyatni rivojlantirgan hamda dunyoni obod qilgan ham tildir. Shu bois, biz o'qituvchilar kelajagimiz bo'lgan bolajonlarni so'zlarni to'g'ri talaffuz qilish, o'z o'rnida ishlata olishga boshlang'ich sinfdayoq o'rgatishimiz darkor. Buning uchun nima qilmoq lozim? Qanday qilsak maqsadga oson erishamiz. Quyida shu xususda ba'zi mulohazalarni bildirishga harakat qilamiz.

Bizningcha, buning uchun, avvalo, o'quvchilarga so'z va uning qudrati haqida sodda tushuncha berish kerakki, natijada u so'zlarni o'z o'rnida qo'llashga harakat qilishsin. Shu o'rinda o'qituvchining vazifasi nutq faoliyati jarayonida o'quvchilarga “Ona tili”, “O'qish”, “Odobnoma” darsliklaridagi mavzular orqali ularni og'zaki nutqini rivojlantirish uchun bajarilishi lozim bo'lgan ishlarni ko'rsatish, tushuntirish, vazifa, talablar qo'yish, tekshirish, tuzatish va ularni rag'batlantirishdan iborat bo'ladi. Xo'sh, bu vazifalarga nimalarni kiritish mumkin. Nazdimizda, bunda avvalo o'quvchilarni tovushlarni to'g'ri talaffuz etishga o'rgatishi lozim. Shuningdek, so'zlarni aniq eshitib, uni har xil qilib, ifodali talaffuz qilishiga e'tibor berish kerak. “Bunda o'qituvchining ifodali o'qish san'ati o'quvchilarga namuna bo'lishi lozim. Chunki, o'quvchilar o'qituvchining ifodali o'qishiga taqlid qiladilar. Buning uchun o'qituvchi badiiy asarning xususiyatidan kelib chiqqan holda zavq bilan o'qishi zarur” [2;15].

O'qituvchi yuqoridagi vazifalarni bajartirish yordamida o'quvchilarga nutq madaniyati haqidagi bilimlarni egallashga va faoliyat ko'rsatishga istak tug'dirish bilan birga uning yo'nalishlarini ko'rsatadi. Ya'nikim, o'quvchilarda to'g'ri so'zlashish, gap tuzish, fikr qilish, muloqot kabi xususiyatlarni kamol toptirish, bu orqali ularda nutq – odobi fazilatlarini shakllantiradi. Natijada, o'quvchilarda chiroyli so'zlashga moyillik uyg'onadi, bu esa o'z navbatida o'qituvchi va o'quvchi faoliyatida muomala odobini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

5-шубба

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida turli usullar bilan so'zlash va xilma-xil gaplar tuzish qobiliyatini tarbiyalashning eng yaxshi vositasi bu badiiy adabiyotlarni o'qishdir. Ohangdor, ifodali o'qish o'quvchining nutq madaniyatini rivojlanishida muhim o'rin tutadi. Ushbu jarayon o'quvchilarning nutq malakalarini takomillashtirishda yordam beradi. "Ichki eshitish" [3] nutqini kamol toptiradi.

Zero, badiiy adabiyot yosh avlodning nutqini rivojlantirishga va nutq madaniyatini o'stirishga katta imkon beradi. Badiiy asardagi obrazlar o'quvchilar qalbida o'chmas iz qoldirishi natijasida ular mavzularning asl ma'nosini yaxshi tushunib, yaxshi eslab qolishadi. Demak, adabiyot durdonalari haqida ma'lumot berishi bilan birga o'quvchida chiroyli nutq rivojlanadi.

Shuningdek, boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutq madaniyatini shakllantirish o'qituvchining o'qitish vositalariga, ijodkorligiga, ko'p qirrali bilimiga, bolalarni sevish faoliyatiga asoslanadi. O'qituvchi ushbu holatda quyidagilarga e'tibor qaratmoq joiz: "O'qish" kitobidagi yozuvchi va shoirlarning tarjimai holini o'rganishda ularning hayotidagi odobi, nutqi, xulqi masalasiga oid savollar quyish yo'li bilan dars o'tish; mavzu o'rganilayotganda o'quvchilarning og'zaki va yozma bilimlarini aks ettiruvchi ishlarni amalga oshirish; shoir va yozuvchilarning tarjimai holi va ijodini o'rganishda nutq madaniyatini ochib beruvchi savollar tuzdirishga o'quvchilarni o'rgatish; dars jarayonida o'quvchilarning nutq madaniyatini shakllantirish uchun ko'rgazmali qurollardan, texnik vositalardan foydalanish; darsda o'quvchilar bilan nutq madaniyatini shakllantirishga xizmat qiladigan asarlardagi qahramonlarning obrazlarini ajratib olishga imkon beruvchi qisqa suhbatlar o'tkazish.

Demak, yuqorida e'tirof etilgan tamoyillarga boshlang'ich sinf o'qituvchilarini amal qilinishi o'qituvchi tomonidan ta'minlansa, bu holat o'quvchilarni nutqini mazmunli va ravon bo'lishiga asos bo'ladi. Binobarin, nutq madaniyati inson fikrini til vositasida to'g'ri, erkin, aniq, izchil, yoqimli va ta'sirli bayon qilish bilan birga uning bilimdonligi, yuksak ma'naviyatining ko'rsatkichi hisoblanadi. Nutq va til bir-biriga qanchalik yaqin bo'lmasin, ularning funksiyalari alohida ajralib turadi. Nutq so'zlovchining til vositalaridan foydalanish jarayoni bo'lsa, til fikrni bayon qilishning asosiy qurolidir. Demak, til nutq madaniyatini shakllantirish va rivojlantirishda, o'quvchi-yoshlarning ongi va tafakkurini o'stirishda, ularni barkamol inson bo'lib voyaga yetishida muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Навоий А. Ҳайрат ул-аброп. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
2. Azimova M. Sinfdan tashqari o'qish. –Т.: Авлони ХТХҚТМОМИ, 2002
3. Ёш даврлари ва педагогик психология М.Г.Давлетшин, Ш.Дўстмухамедова, М.Мавлонов, С.Тўйчиева. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004.

5-шуъба

TENGSIZ IJODKOR

**Odina Abdumannobovna Salimova,
Namangan viloyati Mingbuloq tumani
11- umumiy oʻrta taʼlim maktabi
ona tili va adabiyot oʻqituvchisi**

Oʻzbek adabiyotining yorqin siymolaridan biri Abdulhamid Choʻlpon aytganidek: *“Adabiyot yashasa – millat yashaydi”* [1;187]. XX asr oʻzbek adabiyoti oʻzbek kitobxonlariga chindanda bebaho asarlarni oʻzbek millatini mangu yashatguvchi asarlarni meros qoldirdi. Qaytarilmas ijod sohiblari qalamidan toʻkilgan durlar misli bir ummon yaratdi. A.Oripov, E.Vohidov, P.Qodirov, O.Yoqubov, S.Ahmad, Oʻ.Hoshimov...

Bu ijod sohiblarini kimlar bilmaydi deysiz? Ularning bebaho asarlarini oʻqimagan oʻzbek kitobxonlari bormikin? Yoʻq, albatta. Oʻzbek xalqi bor ekan, adabiyot deb atalgan sehrlilik dunyo bor ekan, bu ijod sohiblarining asarlari yashayveradi.

Ana shunday ijod sohiblaridan biri Oybekning psixologik tasvir mahoratini, Gʻafur Gʻulom yumori, Abdulla Qahhorning ixcham va teran fikrlash fazilatini oʻzida jamlagan Oʻzbekiston Qahramoni, Oʻzbekiston xalq yozuvchisi, “Buyuk xizmatlari uchun”, “Doʻstlik” ordenlari sohibi Said Ahmaddir.

Said Ahmad asarlarini mutolaa qilishga kirishgan kitobxon, uni yakuniga yetmaguncha qoʻldan qoʻymaslikka intiladi. Oʻsha asar dardi, qahramonlar taqdiri, quvonch va iztiroblariga qoʻshilib ketadi. Azizbek boʻlib xalqi uchun bor kuch-shijoati bilan mehnat qiladi, Nizomjon boʻlib koʻngli yarimlarga malham boʻladi, Mirvali va Tursunboy kabilardan nafratlanadi. *“Kelinlar qoʻzgʻoloni”dagi xalqona yumor bilan yoʻgʻrilgan Farmon bibi millat mentalitetini, oʻzligini, kuchli va ojiz jihatlarni oʻzida mujassamlashtirgan betakror obraz darajasiga koʻtarilgan. Birgina “Jimjitlik” asarining 150 ming nusxada chop etilgani adib asarlarining qay darajada mashhur ekanligining isbotidir. Hajviy hikoyalar yaratish boʻyicha A.Qahhor anʼanalarini davom ettirgan ijodkorni bejiz “oʻzbek prozasining shoiri”* [2; 9] deb atamaganlar.

Said Ahmadning Abdulla Qahhor taʼbiri bilan aytganda “kitobxon boshdan oyoq shavq bilan, hech qayerda turtinmasdan, diqqati susaymasdan, ishtahasi boʻgʻilmasdan oʻqib chiqadi”gan asarlaridan biri “Ufq” trilogiyasidir [3; 15]. Trilogiyada oʻsha yillari xalq boshiga tushgan musibatlar, odamlar koʻksidagi armonlar, shu munosabatlarni yengishga qodir mislsiz matonat va shijoatlar yozuvchiga xos qarashlar bilan ochib berilgan. Asarning ikkinchi kitobi “Hijron kunlari”dan “Qochoq” hikoyasi 8-sinf adabiyot darsligidan oʻrin olgan [4; 212]. Darsning taʼlimiy maqsadi etib adib hayoti va ijodiga doir maʼlumotlarni oʻrganish, asarni tahlil etish belgilab olinadi. Berilgan parchani oʻrganish orqali oʻquvchilarda Vatanga, ota-onaga muhabbat tuygʻularini shakllantirish, ularni mustahkam irodali, qaʼtiyatli, Vatan ravnaqi yoʻlida xizmat qiladigan inson sifatida tarbiyalashga eʼtibor qaratiladi. Asar qahramonlarini tahlil qilish orqali oʻquvchilarda adabiy-nutqiy, badiiy asarni tahlil qilish, milliy va umummadaniy kompetensiyalar rivojlantirib

5-шубба

boriladi. O‘quvchilarni guruhlarga ajratishda asar qahramonlarining nomlaridan kelib chiqamiz. Bu bilan o‘quvchilar asar qahramonlarini yaxshi eslab qoladilar. Guruhlarga quyidagi nomlarni tanlaymiz: 1-guruh: Ikromjon. 2-guruh: Jannat xola. 3-guruh: Tursunboy. Guruhlar o‘zlariga nom tanlashda “Siz kimsiz?” o‘yinidan foydalanish mumkin. Buning uchun asar qahramonlariga xos xususiyatlar yashirin holda beriladi. Quyidagilar o‘quvchilarga ekran orqali namoyish etiladi:

1. Kuchli, metin irodali.
2. El-yurti uchun fidokor.
3. Har qanday qiynchilikdan qo‘rqmaydigan, g‘ururli, oriyatli.
4. Mehribon va mehnatkash.

Bu ta’riflar Ikromjon obraziga tegishli ekanini qaysi guruh topsa, o‘sha guruh shu nom bilan ataladi.

Keyingi ta’rif:

1. O‘zini hech qachon o‘ylamagan.
2. Mehribon va jafokash.
3. Mehnatkash va fidoiy.
4. Farzandi uchun har narsaga tayyor.

Bu ta’riflar Jannat xolaga xos xususiyatlar ekanligini o‘quvchilar aytadilar.

Keyingi ta’rif:

1. Erka, tantiq.
2. Qo‘rqoq.
3. Orsiz, g‘urursiz.
4. Faqat o‘zini o‘ylaydigan.

Bu ta’riflar Tursunboyga tegishli ekanligi aniqlanadi. Shundan so‘ng har bir guruh yozuvchi hayoti va ijodiga doir tezkor savollarga javob beradilar. O‘quvchilarning bergan javoblari rag‘batlantirib boriladi. Dars davomida o‘quvchilarni mustaqil va ijodiy fikrlashlariga ko‘proq imkoniyat yaratib beriladi. Asar qahramonlarini SWOT usulida tahlil qilish orqali bunga erishish mumkin, chunki bu usul qiziqarli bo‘lib, har qanday o‘quvchini izlanishga majbur etadi. 1-guruh Ikromjon obrazini quyidagicha tahlil qilishi mumkin: Bunda adabiyot daftarining varag‘i 4 qismga bo‘linadi. 1-qismga Ikromjonning kuchli tomonlari, 2-qismga zaif tomonlari, 3-qismga imkoniyatlari, 4-qismga unga tahdid soluvchi xavf-xatarlar yoziladi.

Ikromjon obraziga tavsif

Kuchli tomonlari

Mehnatkash, fidoyi, bardoshli

Imkoniyatlari

O‘g‘lini topishi, uni xalqdan kechirim so‘rashga ko‘ndirishi

Zaif tomonlari

O‘g‘lining qochoqligi, mehribonligi

Xavf-xatar

Farzandiga bo‘lgan kuchli mehri

Jannat xola obrazi ham shunday tahlil qilinadi.

5-шубба

1. **Kuchli tomoni:** mehribon, sabr-bardoshli, farzandi uchun har narsaga tayyor.

2. **Zaif tomoni:** farzandini haddan ziyod erkalab o‘stirganligi.

3. **Imkoniyati:** o‘g‘lini to‘g‘ri tarbiyalashi mumkin edi, Ikromjon va boshqalarga o‘g‘lining to‘qayzorda ekanligini aytishi kerak edi, o‘g‘lining ko‘ngliga qaramas- ligi kerak edi.

4. **Xavf-xatar:** o‘g‘liga bo‘lgan kuchli mehri.

Tursunboy obrazini quyidagicha tahlil qilish mumkin:

1. **Kuchliligi:** yosh, navqiron.

2. **Zaifligi:** erka, qo‘rqoq, faqat o‘zini o‘ylaydigan, orsiz, g‘urursiz

3. **Imkoniyati:** el-yurtdan kechirim so‘rashi va urushga borib o‘zini oqlashi mumkin edi.

4. **Xavf-xatar:** ochlik.

Yozish uchun belgilangan vaqt tugagandan so‘ng o‘quvchilarning fikrlari o‘qitib tekshiriladi.

Asarni mustahkamlash uchun “T” qiyosiy tahlil metodidan ham foydalanish mumkin. Bunda asardagi Ikromjon va Tursunboy obrazlari o‘zaro quyidagicha qiyoslanadi:

Ikromjon

Sabrli

Metin irodali

Mehnatkash

Mehribon

Oriyatli

Fidoyi

Tursunboy

erka

berahm

orsiz

g‘urursiz

chidamsiz

xoin

Agar asarni mustaqil o‘qigan o‘quvchilar bo‘lsa, Tursunboy va Nizomjon, Ikromjon va Inoyat oqsoqol obrazlarini ham o‘zaro qiyoslab tahlil qilish mumkin.

Asarni o‘qish davomida o‘quvchilarda mardlik, olijanoblik, jasurlik, shijoat, ota-onaga bo‘lgan mehr, mehnatsevarlik, halollik kabi fazilatlar rivojlantirib boriladi. Xoinlik, xiyonat, ota-onaga bo‘lgan behurmatlikning ayanchli oqibatlarini Tursunboy obrazi orqali ko‘rsatib beriladi.

Yozuvchi bu roman orqali xalqimizning urush ortidagi mehnati, mashaqqatli hayotini Ikromjon, Jannat xola, To‘lanboy, Asrora, Nizomjon, Zebi, A‘zamjon kabi qator qahramonlar taqdirida yorqin tasvirlaydi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Said Ahmadning har bir asari insonlarni yaxshilikka chorlaydi, ezgulikka o‘rgatadi. Har qanday mushkul damlarda ham o‘zligini yo‘qotmagan inson hamisha g‘olib bo‘lishini ko‘rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Said Ahmad. Ufq. Sano-standart, –T.: 2018.
2. Said Ahmad. Yoqotganlarim va topganlarim. Sano_standart, –T.: 2014.
3. Said Ahmad. Qorako‘z majnun. O‘zbekiston, –T.: 2001.

5-шубба

4. Olim S., Ahmedov S., Qo'chqorov R. 8-sinf. Adabiyot darsligi. Adabiyot va san'at, –T.: 2019.

O'ZBEK TILI DARSLARINING ADABIY O'QISH MAVZULARIDA FANLARARO INTEGRATSIYANING AMALDA QO'LLANILISHI

**Laylo Izzatullayevna Karimova,
Buxoro viloyati G'ijduvon tumani
21- umumiy o'rta ta'lim maktabi
o'zbek tili va adabiyoti fani o'qituvchisi**

Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar samarasi, avvalambor, yuksak ma'naviyatli, mustaqil fikrlaydigan, Vatanimiz taqdiri va istiqboli uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir yosh kadrlar safini kengaytirishga bevosita bog'liq [1].

O'rta umumta'limda fanlararo aloqadorlikni ta'minlash masalasi ta'limning eng muhim, (eskirmas) muammolaridan biri bo'lib, fanlararo bog'liqlik, aloqadorlik masalasi ta'lim tizimi paydo bo'lgandan beri mavjud. Fikrimizning dalili sifatida ona zaminimiz dunyo fan olamiga bergan qomusiy olimlar bir paytning o'zida bir necha soha ilmlari bilan shug'ullana olganliklari, sohalararo yaqinliklarning muayyan qirralarini ochib berganliklari, masalan, A.R. Beruniy, Al-Xorazmiy, At-Termiziy, Ibn Sino, Alisher Navoiy va boshqalar dunyo ahliga ma'lum va mashhurdir [4].

Darhaqiqat, cheksiz olamda katta-kichik har bir narsa, voqea-hodisa o'zaro bog'liklikda yaratilgani va biri boshqasining mavjudligini ta'minlab turgani, uchun ham dunyoni bilishning uyushtirilgan pedagogik shakli bo'lmish ta'lim jarayonida ana shu uzviylik, chambarchas aloqadorlik hisobga olinishi zarur. Ayniqsa, adabiyot barcha - barcha fanlarni o'rganish va o'rgatish vositasi, tafakkur in'ikosi bo'lganligini inobatga olsak, fanlararo aloqadorlikni ta'minlashning zarurati kuchli va ahamiyati benihoyaligi ma'lum bo'ladi [4].

Muayyan o'quv predmeti ta'lim jarayonida uni boshqa o'quv predmetlari mavzulari bilan aloqadorlikda o'qitish bolaning intellektual salohiyatini shakllantirish va rivojlantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'quvchi lug'at boyligining boyib borishida yana bir ulkan xazina – uzluksiz ta'lim muassasalarida o'rganilayotgan boshqa o'quv predmetlarining ham beqiyos hissasi bor [2;190].

O'rta umumta'lim o'choqlarida ona tili o'quv predmeti ta'limi maqsadi jamiyatga ijodiy tafakkurli, o'z fikrini nutq sharoitiga mos ravishda to'g'ri, ravon, ochiq, sodda, aniq ifodalay oladigan, yoshlarni tarbiyalab berish; adabiyot ta'limi maqsadi jamiyatga barkamol shaxsni tarbiyalab berish; zoologiya ta'limi maqsadi o'quvchilarni hayvonot olamini sevishga, uni asrab-avaylashga o'rgatadi.

Biologiya ta'limi maqsadi tirik organizmlarning inson hayotidagi ahamiyatini anglatish va o'quvchining tabiatga ongli munosabatini tarbiyalash ma'naviyat fanining maqsadi ma'naviy barkamol va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalash.

O'zaro hamohang bo'lib, mazkur maqsadlar bir-birini to'ldirib boradi. O'rta umumta'limda adabiyot, ona tili, zoologiya, biologiya, geografiya, ma'naviyat,

5-шуъба

jismoniy tarbiya ta'limi maqsadlari hamohangligiga muvofiq tarzda o'quv mashg'ulotlarini shakllantirish uchun, avvalo, o'qituvchining o'zi:

- yuksak universal bilimga ega bo'lmog'i ;
- intellektual salohiyati yuqori bo'lishi ;
- tafakkur doirasining kengligi va boyligi ;
- ilmiy, nazariy bilimlarni egallaganligi ;
- qomusiy lug'atlardan foydalana olishi ;
- o'quvchilarga kerakli ma'lumotlarni asosli, tushunarli, eng asosiysi

to'g'ri yetkaza olishi lozim.

Bugungi rivojlanayotgan davlatimizga jahon mamlakatlari mutaxassislari bilan bemaol raqobatlasha oladigan intellektual salohiyat egasi bo'lgan ijodiy fikrlovchi, ma'naviyati yuksak shaxslar zarur. Zero, ma'naviyati yuksak shaxs har xil oqimlar ta'siriga berilmaydi. Yoshlarni yuksak ma'naviyatli barkamol avlod etib tarbiyalashda o'rta umumta'limda adabiyotning milliy hodisa sifatidagi ta'limi ham o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Bu borada adabiyot ta'limida fanlararo aloqadorlikni ta'minlash masalasi o'quvchi yoshlarning intellektual salohiyatini oshiruvchi jihatlardan biri desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Hozirgi zamon ta'limining asosiy vazifalaridan biri o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish, buning uchun esa ularda ijodiy tafakkurni shakllantirish hamda rivojlantirishdan, jamiyatga intellektual salohiyatli shaxlarni yetishtirib berishdan iborat. Zero, o'zbek milliy ta'lim tizimi "*bilimdon shaxsni tarbiyalash*" maqsadidan "*ijodiy fikrlovchi shaxsni tarbiyalash*" maqsadi sari yo'naltirildi. Hozirgi kun ta'limi o'quvchilarni borliqni yaxlit bir tizim sifatida qabul qilishga o'rgatishi, hodisa va voqealar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni tushunish ko'nikmasini hosil qilishi, fanlararo aloqadorlik, har bir fanga taalluqli umumiylik va shu umumiyliklarning xususiyliklarda yuzaga chiqishi mohiyat, imkoniyat hamda sababning hodisaviylik, voqelik, oqibat holatlaridagi o'zaro munosabati va ularning bir-biriga ta'sirini anglashga yordam berishi zarur.

Fanlararo aloqadorlikda tashkil etilgan darslar:

- ✓ O'quvchi shaxsini to'la rivojlantiradi;
- ✓ Tez o'zgaruvchan hayotga har tomonlama tayyor bo'lishini ta'minlaydi;
- ✓ Ularning mustaqil ravishda bilim olish ko'nikmalarini, ijodiy fikrlashini rivojlantiradi;
- ✓ Ulkan axborot makonida axborotlarni tanqidiy nuqtayi nazardan to'g'ri izlashi, tanlab olishiga ko'maklashadi;
- ✓ Oldida turgan muammolarni nafaqat ko'ra bilish, balki ularni ifodalashi, hal eta olishini ta'minlaydi;
- ✓ Hattoki, sinfdagi eng past o'zlashtiruvchi bolani ham darsga jalb qilish imkoniyatini beradi.

Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning o'quv dasturida berilgan adabiy o'qish darslarini zoologiya, biologiya, geografiya, ma'naviyat, jismoniy tarbiya fanlari bilan aloqadorlikda o'tishning samarali usullarini bir qancha asarlar orqali tahlil qilib, ochib bersa bo'ladi. Masalan:

5-шуъба

11- sinf o‘zbek tili darsligining 3-darsida adabiy o‘qish sifatida Tog‘ay Murodning “Yulduzlar mangu yonadi” qissasidan parcha berilgan [3]. Mavzuni o‘tishda dars jarayonini quyidagicha tashkil etamiz. Dastlab, darslikda berilgan qissadan parcha o‘qiladi va asar mazmuni bo‘yicha o‘quvchilarga savollar beriladi:

1. “Yulduzlar mangu yonadi” qissasidagi qahramonlarni sanang.

2. Qissaning asosiy mazmuni g‘oyasi nima?

3. Qissadagi qaysi qahramon sizga yoqdi va nima sababdan?

4. O‘zbek polvonlariga xos xususiyatlarni qissaning matni yuzasidan kelib chiqqan holda sanang.

5. Qissa nima sababdan “Yulduzlar mangu yonadi” deb nomlangan?

6. Bo‘ri polvon mehmonlar oldida nima uchun izza bo‘ldi?

7. Insondagi mag‘rurlik, o‘z kuchiga ortiqcha ishonch bildirib, raqibni mensimaslik kabi xususiyatlarni siz qanday baholaysiz?

8. Bo‘ri polvon, sizningcha, o‘z maqsadiga erishdimi va qanday yo‘l bilan?

O‘quvchilarning taxminiy javoblari shunday:

1. Tog‘ay Murodni o‘quvchilar ommasiga mashhur qilgan 1976-yilda yozilgan asarlaridan biri bu – “Yulduzlar mangu yonadi” qissasi. Qissa qahramonlari: Bo‘ri polvon, Sadir polvon, Ro‘zi polvon, Maksim polvon, Amir polvon, Tilovberdi polvon, Ismoil polvon, Normurod polvon, Nasim polvon, Abray polvon, Momoqiz.

2. Mazkur asarda yozuvchining qon-qoniga singib ketgan, ming yillar mobaynida unutilmay, elda ardoqlanib kelayotgan tarixiy qadriyatlar – kurash, kurashchi polvonlar, ular orasidagi muomala – munosabatlar, ziddiyatli hayotiy muammolar qalamga olingan.

3. Bunda o‘quvchilarning javobi har xil bo‘lishi mumkin. Masalan asardagi Bo‘ri polvon obrazini olaylik. Bo‘ri polvon mard, adolatli, jismonan baquvvat oriyatli, jasur, qattiqqo‘l ota, vafodor umr yo‘ldosh. Undagi sabr-toqat, iroda, bardosh, qiyin vaziyatlarda ham tushkunlikka tushmay, tezda o‘zini o‘nglay olish qobiliyati menga yoqdi.

4. Eng avvalo, milliy kurashimiz bilan shug‘ullanuvchi polvonlarimizning barchasida halollik sifatlari ustun turadi, chunki kurash halollikka asoslangan sport turidir, shu sababli ham o‘zbek xalqining milliy sport turidir. O‘zbek xalqining qonida faqat halollik bor. Asar qahramonlaridan Bo‘ri polvon, Abray polvon, Tilovberdi polvonlar haqiqiy halol, mard polvonlardir.

5. Har bir sport turida g‘alaba va mag‘lubiyat onlari bo‘ladi. Ana shunday vaziyatlarda o‘zining irodasini bukmay, mustahkam qila olgan, har bir mag‘lubiyatlardan to‘g‘ri xulosalar chiqara olgan polvonlarninggina yulduzi hamisha porlab turadi, umuman o‘chmaydi. Bunga misol qissadagi Bo‘ri polvon va uning o‘g‘li Tilovberdi polvonlardir. Haqiqiy iste‘dodlar aslo so‘nmaydi, xuddi yulduzlar misol porlab turadi.

6. Bo‘ri polvonning mehmonlar oldida izza bo‘lishining sababi o‘z raqibi Ismoil polvonning imkoniyatlarini, iqtidorini mensimay davraga tushgani, o‘z kuchiga ortiqcha baho berib, natijada nomdor bo‘lmagan raqibdan mag‘lub bo‘lgani sababli.

5-шуъба

7. Manmanlik, magʻrurlik insondagi eng yomon illatlardan biri sabab bu illat insonni tubsiz jarlik sari yetaklaydi va bu jarlikdan chiqish uchun juda katta iroda boʻlishini talab etadi. Aksincha, kamtarlik insondagi eng yaxshi xislatlardan biridir. Shuning uchun ham E.Vohidov shunday satrlarni bitgan:

*Garchi shuncha magʻrur tursa ham,
Piyolaga egilar choynak.
Shunday ekan, manmanlik nechun,
Kibr-u havo nimaga kerak?*

8. Menimcha, Boʻri polvon oʻz vaqtida magʻrurligi evaziga unga qimmatga tushgan xatosini anglab yetdi va oʻziga kuch topa olib, irodasini mustahkamlab, ishonchli gʻalabaga erishdi.

Shundan soʻng oʻquvchilarga asarni maʼnaviyat darslari bilan oʻzaro aloqadorligini ochib beramiz:

Avvalo, asarning milliy qadriyatlarimiz bilan bogʻlik tomonlarini “ Klaster” metodidan foydalangan holda ochib beramiz:



Shu oʻrinda qissa matnidan asarning bosh qahramoni Boʻri polvon nutqida ham milliy qadriyatlarimiz haqidagi soʻzlarni aynan keltiramiz: *“Biz polvonlik maktabini oʻqimadik, polvonlik bizga otameros. Pushtdan-pushtga, qondan-qonga oʻtib kelyapti. Polvonlikning koʻzga koʻrinmas, til bilan tushuntirib boʻlmas shunday sirlari borki, buni faqat tomirida polvonlik qoni borlargina biladi. Biz bilamiz!”* ... *“Xalq nimasi bilan xalq? Oʻzining urf-odatlarini bilan xalq! Ota- bobosidan qolgan milliy anʼanalari bilan xalq! Koʻp urf- odatlarimizni birovlar ... birovlar oʻziniki qilib oldi! Shunday keta bersak, hademay ... ozimizni ham boy berib qoʻyamiz!”* [3; 72-74].

5-шубба

Jismoniy tarbiya fani bilan ham o‘zaro bog‘lab o‘tish mumkin. “Tushunchalar tahlili” metodidan foydalanamiz [5]. Bunda asardan jismoniy tarbiya fanida uchraydigan tushunchalarni o‘quvchilarga beramiz, ular ma’nosini yozishadi:

| Tushuncha | Mazmuni |
|-----------|---|
| Chala | Polvonlar kurash tushayotganida raqibini tazi yoki qorni bilan yerga tekis yiqitsa, chala bahosi beriladi. |
| Yonbosh | Raqibini olib tashlaganda, raqibi yon yoki yarim yelkasi bilan tushsa, yonbosh bahosi beriladi. |
| Halol | Polvon raqibini ikki yelkasi bilan yerga qulatsa, yoki, ikki yonbosh ham halol g‘alaba hisoblanadi. |
| Tanbeh | Kurash qoidalariga to‘g‘ri kelmaydigan xatti-harakatlarni (raqibini oyog‘idan ushlasa, kurashishga qo‘ymasa) tanbeh beriladi. |
| Dakki | Raqibning ikkinchi tanbehi dakki hisoblanadi. |
| G‘irrom | Raqibning uchinchi marta olgan tanbehi g‘irrom hisoblanadi va davradan chiqib ketadi. |

O‘quvchilarni asarning matnini yanada to‘laqonli tushunishlari, asarga qiziqtirish maqsadida o‘zimizning milliy kurashimiz aks etgan foto va video lavhalarni monitorda namoyish etamiz:



5-шуъба



Demak, adabiy o‘qish darsida berilgan “Yulduzlar mangu yonadi” qissasini nafaqat adabiy- badiiy jihatdan, balki ma’naviyat, tarix, sport sohalari bilan ham fanlararo aloqadorliklarini ochib bergan holda darsni tashkil etsak, o‘quvchilar bilimining ham ko‘p qirraligini namoyon etgan bo‘lamiz.

Xulosa o‘rnida shuni aytib o‘tish o‘rinliki, adabiyot darslarini ma’naviyat asoslari bilan bog‘lab o‘qitish orqali ma’naviy-mafkuraviy tarbiyaga alohida e’tibor qaratiladi, har bir darsni milliylik, milliy istiqloq g‘oyasi, milliy qadriyat, ma’naviy boyliklarimiz haqidagi tushunchalar bilan boyib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kunning 25-yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasidan. –T.: 2017
2. O‘zbek tili ta’limi jarayonida fanlararo bog‘lanish masalalari. O‘TDA 8-yig‘ini materiallari tezislari (Mas’ul muharrir: M.Abduraimova). –T.: RTM, 2005.
3. Muxitdinova X.S., Muhammedjanova G.Z., Talipova F.S., Eshbayeva R.B. O‘zbek tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11- sinf uchun darslik. –T.: Davr, 2018.
4. Ne‘matova G.H., Ashurbayeva R.Q., Yo‘ldosheva D.N. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog‘lab o‘qitish. –T.: Muharrir, 2019.
5. Rustamova A. Ona tili va adabiyot darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalaridan foydalanish orqali o‘quvchi kompetentligini shakllantirish usullari metodik tavsiya. - Buxoro, 2018.

5-шубба

XORIJIY TILLARNI O‘QITISHDA XATOLARNI TUZATISH TEXNIKASI
XUSUSIDA

Kamola Shamsiddinovna Qambarova,
Toshkent viloyati Zangiota tumani
1-umumta’lim maktabi o‘qituvchisi

Chet tillarini o‘qitish va o‘rganish sohasida yaqin yillarda olib borilgan tadqiqotlar shundan dalolat beradiki, xatolarni tuzatish muammosi har doim ham tilshunos o‘qituvchilarning diqqat markazida bo‘lib kelgan. Buning eng asosiy sababi shundaki, til o‘rganish jarayonida o‘rganuvchilar tomonidan nutqda grammatik, fonologik hamda so‘zni to‘g‘ri qo‘llay olmaslik kabi nuqsonlar ko‘p kuzatiladi. Bundan tashqari, xatolar va ularni tuzatish judayam ahamiyatli muammo bo‘lib, bu ayniqsa ikkinchi chet tilini muvaffaqiyatli o‘zlashtirishda yuksak rol o‘ynaydi. Shuning uchun xatolarni tuzatish muammosi to‘g‘risida ko‘pchilik tadqiqotchilar izlanishlar olib borganlar. Jumladan, juda kop‘chilik ilmiy tadqiqotchilarning izlanishlari chet tilini o‘qitish va o‘rganishda xatolarni tuzatish muammosiga bag‘ishlangan bo‘lib, ular: Allwright va Bailey; Bartran va Walton; Chaudron; Hendrickson; Lyster va Ranta; Lyster; Schachter; Corder; Ellis; Dulay va Burt va boshqa tadqiqotchilardir [2; 33].

Bu tadqiqotlar o‘qituvchilar uchun bir qator xatolarni to‘g‘rilash texnikasi haqida ma’lumot berish vazifasini o‘tadi. Shu nuqtayi nazaridan xatolarni tuzatish muammosi borasidagi tadqiqotchilarning munosabatlari va qarashlari turlichadir. Masalan, ko‘pchilik maktablarning ta’kidlashlaricha, xatolarni tuzatish texnikasi ikkinchi chet tilini o‘zlashtirishda faqatgina muhim ahamiyat kasb etib qolmasdan, balki judayam zarur hamdir. Boshqa tadqiqotchilar esa, (masalan, Whitlow; Schwartz) xatolarni tahlil qilish sinfxona muhitida chet tilini o‘rganishda talabalarning qo‘rquv hissini uyg‘otuvchi va to‘siq bo‘lishi mumkin. Mazkur sohada oldinroq tadqiqot olib borganlarning fikricha, xatolarni tuzatish til o‘rganish jarayonida o‘rganuvchilarning o‘sishini (progress) aniqlashtirishning yagona yo‘li deb bilganlar [1; 76]. Ular tomonidan bir qancha yondashuvlar ishlab chiqilgan bo‘lib, ularda asosan o‘rganuvchilar tomonidan yo‘l qo‘yiladigan turli xatoliklarni tezda bartaraf etishning samarali usullari aks ettirilgan. Mazkur maktab tarafdorlarining yana bir muhim tadqiqotlari shundan iboratki, ular tomonidan yaratilgan yondashuvlarda o‘qituvchi uchun nihoyatda zarur bo‘lgan xato turlari va uslublar o‘rtasidagi yaqin aloqadorlikni ifodalab berganlar va bu esa, ikkinchi chet tilini o‘rganish jarayonida yo‘l qo‘yiladigan xatolarni o‘qituvchilar tomonidan oldindan bilib borishga imkon beradi, va nihoyat shuni alohida ta’kidlab o‘tish lozimki, bu tadqiqotchilar o‘z ishlarida xatolar va ularni tuzatish ustidagi izlanishlari bevosita sinfni kuzatishga asoslangan.

Xatoliklar o‘qituvchilar uchun ahamiyatli bo‘lib, ularda xatolar ishning asosiy obykti sifatida qaraladi, hamda o‘rganuvchilar tomonidan yangi til qanday o‘rganilishi, qanday strategiyalar qo‘llanilishi va ulardagi jarayonlar tahlil qilinadi.

5-шуъба

Xatoliklar o'qituvchilar tomondan turlicha qaraladi. Korderning fikricha, ba'zi o'qituvchilar agar talabalar til o'rganish jarayonida xatoliklarga yo'l qo'yishsa, bu o'zlari tomonidan o'qitish texnikasining yaxshi yo'lga qo'yilmaganligining belgisi sifatida sodir bo'ladi, deb o'ylaydilar [2; 67]. Bunday o'qituvchilar chet tilini puxta o'zlashtirishda o'rganuvchilar xatoga yo'l qo'ymasliklari kerak, degan fikrni bildiradilar. Buning uchun esa, o'qituvchilarning eng yaxshi o'qitish metodiga murojaat qilishlari lozimligini taqozo etadi. Bunday yondashuvlarda o'qitish materiallarining hech qanday nomuvofiq bo'lmasligi hamda o'rganuvchi talabalarning muvaffaqiyatli o'zlashtirishlarida diskurslarning aniq bo'lishi va nuqsonlarini bartaraf etish muhim omil sanaladi, aksincha, o'qitishning nomuvofiq yo'li oxir-oqibatda o'rganuvchilarning chet tilini o'rganishlarida nuqsonlarni keltirib chiqarishga sabab bo'ladi.

Ikkinchi chet tilini o'zlashtirish jarayoni murakkab jarayon hisoblanib, kontekst nuqtayi nazaridan bu jarayon 2 turdagi turli dasturlarsiz amalga oshirib bo'lmaydi. Aniqroq qilib aytganda, ikkinchi chet tilini o'zlashtirish umumiy nazariyasiga asosan 2 ta katta kategoriyalarga bo'linadi: ma'noga qaratilgan o'qitish hamda shaklga qaratilgan o'qitish. Bundan oldingi dasturlar esa ko'proq o'rganuvchilarning kommunikativlik kompetensiyalarini rivojlantirishga qaratilgan, til o'qitishning kommunikativlik xususiyatlari bilan sifatlangan edi. Mazkur o'qitishda chet tili o'rganuvchilari tomonidan o'z fikr va mulohazalarini muloqot maqsadi uchun bayon qilish vositasi sifatida o'rganilgan. Bu o'qitish metodi diskursiya jarayonida chet tilini muvaffaqiyatli o'zlashtirishga qaratilganligi bilan ahamiyatlidir. So'nggi dastur asosan tilni o'rganish obyekti sifatida o'rganishga qaratilgan, chet tili tizimlashtirilgan darslarida muayyan grammatik tuzilishlar va qoidalar o'rganilgan. Shuning uchun xatoliklar va ularni tuzatish mazkur dasturning eng ahamiyatga molik mavzusi hisoblangan. Bu kabi dasturlar alohida yondashuv sifatida ko'rsatiladi, chunki bunda tilning shakliga e'tabor kommunikativa kontekstdan ajratiladi [3; 116].

Mazkur kontekstlarga ko'ra, chet tillarini mukammal o'rganishda xato va kamchiliklar jiddiy fenomena sifatida qaraladi. Shu tariqa shaklga asoslangan o'qitish metodi o'rganuvchilarning barcha grammatik qonun va qoidalarga rioya etgan holda, tilde to'g'ri va aniq ifodalash maqsadida xatolarni tezda bartaraf etishga qaratilgan hisoblanadi. Ushbu kontekst o'qituvchilarga talabalarning qay darajada o'zlashtirganligi va o'qitilganligini bilib olishga imkon beradi. Biroq, shuni ham ta'kidlab o'tish lozimki, hozirgi kunda shaklga asoslanuvchi kontekstda xato va ularni tuzatishga qiziqish – xatolarni tuzatish muammosi bilan bo'g'liq emas. Oxirgi yillarda kommunikativ kontekstda ham xatolar haqidagi savollar va xatolarni tuzatish texnikasiga judayam katta ahamiyat qaratilmoqda. Bu kabi kontekstlarda o'qituvchilar ko'proq birlashtiruvchi umumiy yondashuv yoki metodlarga murojaat qiladilar va bu metod ham juda samarali bo'lib, Grammatik qonun va qoidalarni inkor etmagan holda ma'noga-qaratilgan mashqlar va topshiriqlarni o'z ichiga oladi. Biroq, kommunikativ kontekstlarda o'rganuvchilarni chet tilini kommunikativ maqsadlari uchun o'zlashtirishga ruhlantirishda xatolarni tahlil qilish bir qancha qiyinchiliklarni tug'dirishi mumkin. Ikkinchi chet tilini o'zlashtiruvchi tadqiqotchilarning fikricha,

5-шубба

(masalan; Doughty) ma'noga asoslangan dasturlarda xatolarni tuzatishning eng muvofiq yo'li va vaqti bu – o'rganuvchilarning muloqot jarayonida tildan foydalanayotganda jiddiy xatolarni tuzatishga da'vat etishdan iborat. Tilning shakli va ma'nosi o'rtasidagi yaqin aloqadorlik bilan tanishish o'rganuvchilar uchun eng muhim hisoblanadi. Shu tariqa o'rganuvchilarning o'zlari aytmoqchi bo'lgan ma'nolarni tushunarli tarzda grammatik qoidalardan foydalanib bayon eta oladilar.

Juda ko'pchilik tadqiqotchilar tilshunoslik fanlari o'qituvchilariga kontekstga ko'ra bir qancha sinfxonalarda xatolarni tuzatish vositalarini taklif etadilar. Bu turdagi xatolarni tuzatish texnikasi o'qituvchilar tomonidan muvofiq ravishda o'rganish jarayonida foydalanilsa manfaatli sanaladi. O'qituvchilar odatda talabalarning xatolarini tuzatishda 2 turdagi yondashuvlarga murojaat qiladilar; ularning birinchi turida o'qituvchilar to'g'ri javobni aytadilar va talabalar ham bir vaqtda o'z xatolarini tuzatib boradilar. Ikkinchi turda esa, o'qituvchilar talabalarni o'zlarining xatolarini topib, uni to'g'rilashga jalb etadilar. Shundan kelib chiqib, shuni aytish mumkinki, xatolarni tuzatishning ikkinchi metodi muvaffaqiyatli o'qitishda judayam samarali va ahamiyatlidir. Buning eng asosiy sababi shundaki, o'qituvchilar tomonidan beriladigan ishoralar asosida talabalar o'z xatolari ustida ishlaydilar. Va natijada o'rganuvchilar o'zlarining sa'y-harakatlari bilan qilgan xatolarini ko'proq anglaydilar. O'qituvchilar uchun dars jarayonida foydalansa bo'ladigan bir qator xatolarni tuzatish vositalari mavjud bo'lib, ulardan ko'pchiligi Lyster va Ranta tomonidan yaratilgan [4; 29]. Ularga asosan, o'rganuvchilar o'z xatolarini o'zlari tuzatishga maxsus ahamiyat beriladi. Ular tomonidan quyidagi eng asosiy xatolarni tuzatish metodlari sihlab chiqilgan. Bularga: aniqlashtirish, bir-birini tuzatish, sababini aniqlashtirish, qaytadan ishlash, metalingvistik kali-so'z vatakrorlash kabilar kiritiladi. Lyster va Rantaning ta'kidlashlaricha, xatolarni ochiqchasiga tuzatish unchalik samarali emas, ammo o'rganuvchilar uchun hech bo'lmaganda ikki ma'nolilikni anglashga yordam beradi [3; 90]. Ular quyidagi mulohazali tuzatish turlarini ajratib ko'rsatadilar:

1. Explicit correction (ochiq tuzatish): Talabalar xato qilganda, o'qituvchi darhol (joyida) talabalarning xatosini tuzatadi.

2. Recast (qaytadan ishlash): O'qituvchi talabalarning xatolarini to'g'ridan-to'g'ri, ya'ni ochiqchasiga emas, balki yashirincha asta-sekinlik bilan tuzatib boradi.

3. Clarification request (iltimoslarni aniqlashtirish): Quyidagi iboralar orqali, ya'ni: *"Excuse me?"* (*Kechirasiz!*) yoki *"I don't understand,"* (*Tushunmayapman!*) bunda o'qituvchi talabalarning yozma yoki og'zaki tarzdagi fikrlarini to'liq anglab olgunlariga qadar takrorlash yo'li bilan xatolarni aytib o'tadi.

4. Metalinguistic clues (metalingvistik kalit): O'qituvchi to'g'ri javobni aytish o'rnigabir qancha muqobil variantlarni aytish orqali izoh qoldirishi va shundan so'ng talabalarning fikr-mulohazasini bilib olishi mumkin bo'ladi. Masalan, *"Do we say it like that?"*, (*"Buni shunday deb atasak bo'ladimi?"*) yoki *"That's not how you say it in French,"* (*Bunday emas, uni fransuz tilida qanday aytamiz?*) hamda *"Is it feminine?"* (*Ayollar jinsiga xosmi?*) kabilar.

5. Elicitation (haqiqatni aniqlashtirmoq): O'qituvchi savollar orqali haqiqatni aniqlashtirishga erishadi. Masalan, (*"How do we say that in French?"*)

5-шубба

(*Buni fransuzchada qanday ataymiz?*), pauza orqali talabalarni yozma va ogʻzaki fikrlarini aytishga jalb etish orqali, masalan (*“It’s a...”*) (*Bu ...*) yoki talabalarni fikrini qaytadan bilish va jamlash orqali, masalan (*“Say that again.”*) (*Takrorlang!*). Bu turdagi metodda “ha/yo‘q” kabi savollardan kamroq foydalaniladi, chuqurroq mulohaza yuritishga undaydi.

6. Repetition (takrorlash): O‘qituvchi talabalarning xatosini takrorlaydi, va ushbu jarayonda xato joylarida intonatsiyani (ovozni) o‘zgartirish orqali unga ishora beradi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, Lyster va Ranta tomonidan ilgari surilgan “xatolarni talabalarning o‘zlari topishi” metodida to‘g‘ri javobni talabalarni o‘zlari birin-ketin aytadilar va so‘ng o‘qituvchi to‘g‘ri javobni aytadi. Talabalarni o‘z xatolarini to‘g‘irlashga undash metodi til o‘rganish jarayonida faollik bilan ishtirok etishlarini ta‘minlashda judayam katta ahamiyatga egadir. Bunda o‘qituvchi bir nechta ishoralar berish orqali talabalarning o‘z ustida ishlashlarini, xatolarini topib, uni tuzatishlari ta‘minlanadi. Lyster va Rantalarning fikricha, “haqiqatni aniqlashtirish”, “iltimoslarni aniqlash” va “metalingvistik kalit-so‘z” kabilar eng samarali metodlar hisoblanadi, chunki u xato va kamchiliklarni topishda talabalarning o‘zlarini da‘vat etishga qaratilgandir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bloom, B. S. Taxonomy of educational objectives. New York: Longman’s Green and Company. 2004.
2. Law, W. K. Frontiers for learner-centered IS education. Journal of Information Systems Education, 2017, 18(3), 313-320.
3. Meece, J. L. Applying learner-centered principles to middle school education. Theory into Practice, 2013, 42(2), 109-116.
4. Simon, B. Why no pedagogy in England? In J. Leach & B. Moon (Eds.), Learners and pedagogy. London: Sage, 1999, pp. 34-45.

ONA TILI FANINI O‘QITISHDA O‘QUVCHILARNING YOZMA SAVODXONLIGINI YOZMA ISHLAR ASOSIDA OSHIRISH METODIKASI

Aybubek Elbayevna Aldanova,
*Navoiy viloyat Konimex tumani 3-sonli
umumta’lim maktabi o‘zbek tili fani o‘qituvchisi*

Bugungi kunga kelib butun dunyo miqyosida ta’lim tizimini tubdan o‘zgartirish jarayoni kechmoqda. Ona tili ta’limining bosh maqsadi o‘quvchilarda ogʻzaki va yozma nutq ko‘nikmalarini hosil qilish, shuningdek, aniq va teran fikrlash, o‘z fikrlarini ixcham, tushunarli bayon qilish bilan birga to‘g‘ri va chiroyli yozish malakasini tarkib toptirishdan iboratdir. Demak, ona tili ta’limi jarayonida asosiy

5-шубба

diqqatni soʻz boyligini oshirish bilan birga toʻgʻri va xatosiz yozish hamda harflarni toʻgʻri bogʻlash koʻnikmalarini shakllantirishga qaratish zarur.

Oʻquvchilarning yozma savodxonligini oshirishda yozma ishlarning ahamiyati katta. Dars jarayonida yozma ishlarning turlicha boʻlishi oʻquvchilarning yozuvga boʻlgan muhabbatini oshiradi va taraqqiy ettiradi. Turli xildagi yozma ish bolalarning tafakkurini, fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradi hamda oʻquvchilarning bilimini mustahkamlaydi, takomillashtiradi. Yozma ishlarning quyidagi turlari oʻquvchilarning yozma savodxonligini oshirish uchun samarali xizmat qiladi: diktant, bayon, insho va koʻchirib yozish.

Yuqoridagi yozma ishlarning eng soddasi koʻchirib yozishdir. Lekin ushbu yozma ishlarning barchasi oʻquvchilarda orfografik malakalarini shakllantirishga, mustahkamlashga, ularning ongli yozishlarini taʼminlashga va ish qobiliyatlarini oʻstirishga qaratilgan boʻladi. Matnni koʻchirib yozishni orfografik, grammatik, uslubiy topshiriqlar bilan birgalikda olib borish maqsadga muvofiqdir. Yozma ishning koʻchirib yozish turida gapdagi tushirib qoldirilgan soʻz yoki boʻgʻinni qoʻyib koʻchirish, matnda berilgan soʻzni oʻzgartirish, berilgan namuna yoki grammatik topshiriq asosida matn yoki soʻz shaklini oʻzgartirish, soʻzlardan gap tuzish, berilgan namunaga oʻxshash gap tuzish, savollarga javob berish, soʻzlar ustiga qaysi Grammatik shaklda ekanligini yozish, oʻqilgan va tahlil qilingan matn boʻyicha savollarga javob berish kabilar kiradi. Koʻchirib yozuv turi ham bir necha xil boʻlishi mumkin. Masalan, doskadan, jadvaldan yoki kitoblardan koʻchirib yozish.

Yuqorida qayd etilgan yozma nutqni oʻstirishning asosiy va samarali, shu bilan birga katta ahamiyat kasb etadigan turi bu diktantdir.

1-11-sinflarda diktantlar, asosan, ikki maqsad uchun oʻtkaziladi. Biri grammatika, orfografiya va punktuatsiyadan oʻtilgan qoidalarni puxta bilib olishga yordam beradigan, mustahkamlaydigan, takomillashtiradigan taʼlimiy diktant boʻlsa, ikkinchisi, grammatika, orfografiya va punktuatsiyadan oʻtilgan qoidalarini oʻquvchilar qanday oʻzlashtirganliklarini sinash, tekshirishga imkon beradigan nazorat diktantdir.

Taʼlimiy diktantning yana bir nechta turi mavjud:

- eslatish diktanti;
- oʻz diktant yoki yoddan yozish;
- saylanma diktant;
- erkin diktant;
- grammatik topshiriqli diktant;
- tushuntiruvchi diktant;
- ijodiy diktant;

Quyida biz taʼlimiy diktant turlarining ayrimlari xususida toʻxtalamiz.

Oʻz diktant yoki yoddan yozish diktanti 4-7-sinflarda oʻtkaziladi. Bu diktant oʻquvchilarga grammatika va orfografiyadan olgan bilimlarni mustahkamlashga yordam berishi bilan birga ogʻzaki va yozma nutqni oʻstirishga ham katta ahamiyatga ega. Oʻz diktant oʻtkazish uchun oʻtilgan mavzu qoidasiga va sinf oʻquvchilarining saviyasiga mos keladigan kichik bir parcha yoki sheʼriy asardan boʻlak, yoki toʻrtlik tanlanadi. Tanlangan parchani oʻqituvchining oʻzi bir necha marta oʻqib beradi.

5-шуба

O‘quvchilar matn yoki she‘rni yodlab olgach, matn bekitiladi va o‘quvchilar yodlab olganlarini daftarga yozadilar. O‘quvchilar diktantni yozib bo‘lganlaridan keyin doskadagi matn ochiladi. O‘quvchilar yozganlarini doskadagi matn bilan solishtiradilar va xatolarini tuzatadilar.

Erkin diktant – bayonning soddaroq bir ko‘rinishi bo‘lib odatda boshlang‘ich maktablarning 3-4-sinfida o‘tkaziladi.

Erkin diktantda o‘quvchilar so‘zlarni va Grammatik shakllarni o‘zgacha, erkin ishlata oladilar. Ushbu diktant turi o‘quvchilarning qanchalik tushunganliklarini aniqlashga yordam beradi. O‘qituvchi matnni bir marta o‘qib eshittiradi. So‘ngra bo‘limlarga bo‘lib o‘qiydi. Agar o‘qituvchi 3 ta gap o‘qisa, o‘quvchiuni ko‘paytirib yozishi kerak bo‘ladi: erkin diktant o‘quvchilarni o‘qilgan matnni yaxshiroq esga saqlab qolishda, atrofdagilar nutqini diqqat bilan tinglashda nutqni o‘stirishda, yozma nutqni o‘stirishda katta ahamiyat kasb etadi.

Erkin diktant o‘quvchilarning orfografik, punktuatsion va uslubiy xatolarini kamayib borishiga yordam berish bilan birga, o‘quvchilarning bayon, insho yozishga o‘rgatadi. O‘quvchilarning yozma nutqi rivojlanadi.

Ijodiy diktant – o‘tilgan qoidalarini puxta o‘zlashtirishga yordam berishdan tashqari o‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini ham o‘stiradi. Ijodiy diktantda matn o‘qib berilmaydi. O‘quvchilar o‘zlari berilgan so‘zlar bilan mustaqil ishlaydi. Shu jihatga ko‘ra ushbu diktant bayonga juda yaqin turadi. O‘quvchilar diktantning bu turida so‘zlarni to‘g‘ri yozishga, ularni o‘z o‘rnida ishlata bilishga va kichik-kichik matn tuzishga, ya‘ni ijod qilishga o‘rganadilar. Bu turdagi diktant yuqori sinfda bayonni osonlik bilan yozishga zamin hozirlaydi.

“Sovrinli diktant” usuli O‘quvchilar sinf xonasida tinch o‘tirib, har bir so‘zni diqqat bilan tinglashga, so‘zlarning talaffuzi va yozilish qoidalariga e‘tibor bilan to‘g‘ri yozishga intiladi.

3-4 daqiqali sovrinli diktant o‘quvchiga o‘zgacha mas‘uliyat yuklaydi va sovrin uchun 2ta “5” baho olishga intiladi.

Diktant, umuman yozma ishlarning barcha turi ma‘lum qoidalarining mustahkamlanishi bilan birga o‘quvchilarni har bir gapga, so‘zga, so‘z birikmasiga diqqat bilan qarashga o‘rgatadi. Shu bilan birga matndagi gaplardan kerakli so‘zni, grammatik shaklni tezroq topa olishga o‘rgatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Erkaboyeva N. O‘zbek tilidan ma‘ruzalar majmuasi. –T.: 2018-yil.
2. Ishmuhamedova R., Abduqodirova A., Pardayev A. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. T.: 2008.
3. Maktab darsliklari.

5-шуъба

ONA TILI TA'LIMINI IJODIY TASHKIL ETISH

Muyassar Xo'sinovna Jumaniyozova,
Xorazm viloyati Xiva shahar 5-umumta'lim maktabi
ona tili va adabiyoti o'qituvchisi

Fanning tadrijiy taraqqiyotida ijod muammosini o'rganish asta-sekin psixologiyadan pedagogika (didaktika)ga, undan metodika sohasiga ko'cha boshladi. Natijada umumiy didaktika va metodika sohasida ilmiy izlanishlar o'tkazildi. Qator ilmiy tadqiqotlarda o'quvchilar faolligi va mustaqilligi muammosi keng o'rganildi. Didaktikada muammoli ta'lim munosabati bilan bolalarda ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish masalasi alohida yo'nalish sifatida ajralib chiqdi. Muammoli ta'limga oid ilmiy didaktik tadqiqotlar yaratildi.

Ma'lumki, bola biluv topshiriqlari vositasida yangi bilim, yangicha faoliyat ko'rsatish usullarini o'rganib oladi. Shu jihatga ko'ra muammolilik kasb etadi. Zero, o'quvchi muammo va topshiriqni bajarish jarayonida ta'limda faol ishtirok etadi. O'quv topshiriqlari keng hodisa bo'lib, ular bilimlarni kengaytirish, malakalarni rivojlantirishga zamin yaratadi. *"Muammoli ta'limning maqsadi,-deb yozgan edi M.I.Maxmutov, - o'quvchilarning biluv mustaqilligini shakllantirish, ularning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishdan iborat"*[1:16].

Umumta'lim maktablarida ona tili ta'limini ijodiy tashkil etish muhim metodik masalalardan hisoblanadi. Ona tili ta'limini ijodiy tashkil etishda quyidagi savollarga javob izlash muhim hisoblanadi: a) ijodiy ta'limning maqsadi bilan daxldor savollar - ta'limni ijodiy tashkil etishning maqsad, vazifalari, tanlangan o'quv topshiriqlarining ijodiy ta'lim maqsadi, vazifalariga mosligi; b) ijodiy ta'lim mazmuni bilan daxldor savollar – ijodiy o'quv topshiriqlarining mazmuni nimalarga ko'ra aniqlanadi, ijodiy topshiriqlarning o'quv material mazmuniga mosligi, o'quvchilarning real o'quv imkoniyatlariga muvofiqligi, u yoki bu ijodiy ishning o'quv topshiriqlari tizimidagi o'rni; d) ijodiy ta'limning jarayoniy xususiyatlari bilan aloqador savollar – ijodiy topshiriqlarning dars turi, bosqichlariga mosligi, ijodiy ta'limda bolalarning real o'quv imkoniyatlari, ishlash tempi bilan bog'liqligi, ijodiy ishlarni bajarishda foydalaniladigan usullar, ijodiy topshiriqlarni bajarishda oldin o'rganilgan bilim va faoliyat usullarini qo'llash, yangi bilim va faoliyat usullarini qayd qilish vositalari; e) ijodiy ishning natijasi bilan daxldor savollar-u yoki bu ijodiy ishning o'quvchilar uchun ahamiyati, o'quv topshiriqlarining o'quv material mazmunini to'liq o'zlashtirish talablariga yuqarligi, ijodiy ishlarning bolalarda mustaqil faoliyatni shakllantirishdagi roli va sh.k.

Ona tiliga oid bir qancha dars turlari bo'lib, bu dars turlarining har birida ijodiy ta'limni tashkil etish imkoniyatlari nihoyatda keng.

Birinchi dars turi – **ona tilidan yangi o'quv materialini o'rgatish va mustahkamlash darsining** mag'zi bolalarni yangi mavzuni o'rganishga tayyorlash,

5-шубба

yangi ta'rif, qoidalarni, mavzuga oid dalillarni idrok qilishni ta'minlash, idrok qilingan faoliyatdan ilk bor o'tgan bilim, faoliyat usullarini mustahkamlashdan iborat. Ta'lim jarayonida muammolar qo'yish, savollarni o'rtaga tashlash, qiyin o'quv holatlari hosil qilish yo'llari bilan o'quvchilar diqqati yangi mavzu va unga oid dalillarga tortiladi, mavzuni o'qitish maqsadi tushuntiriladi. Binobarin, bolalarga o'z maqsadlarini mustaqil belgilashga jalb qilish, qo'yilgan muammoning qiyinligini anglatish, qo'yilgan savollarga javob izlatish yo'llari orqali ham ta'limning samaradorligini oshirish, bolalarni ijodiy ishlashga undash mumkin.

Darsning ikkinchi bosqichi – yangi bilim va faoliyat usullarini idrok etish bosqichida ham o'quvchilarning ijodiy izlanishlarini o'tkazish imkoniyatlari bisyor topiladi: oldin o'rganilgan mavzuga va endi o'rganilayotgan mavzuga oid dalillarni o'zaro taqqoslash, mavzuga oid dalillarni kuzatish, kuzatilgan dalillardan xulosalar chiqarish, chiqarilgan xulosani darslikda berilgan ta'rif, qoidaga taqqoslash.

Bu ko'rinishdagi o'quv yumushlari bolalarning ijodiy mustaqil faoliyatini ta'minlaydi. Xuddi shunga o'xshab, mavzu o'rganilgach, uni mustahkamlash bosqichida ham turli-tuman ijodiy ishlarni o'tkazsa bo'ladi. Bunday ko'rinishdagi ijodiy ishlar sirasiga o'rganilgan ta'rif, qoidalarni yangi dalillarga ko'chirish, ta'rif, qoidalarni yangi o'quv holatiga tatbiq qilish kabi ijodiy ishlar kiradi.

Bulardan ayon bo'ladiki, dars turlarining har birida bolalarni ijodiy ishlarga jalb qilish imkoniyatlari nihoyatda ko'p bo'lib, ularni metodik jihatdan to'g'ri belgilab olish dolzarb muammo sanaladi.

Ikkinchi dars turi – **o'tganlarni takrorlash va malaka hosil qilish darsida** o'rganilgan mavzular bo'yicha malakalar takomillashtiriladi. Bu darslarda, asosan, darslik mashqlari ustida ish qilinadi. O'tganlarni takrorlash va malaka hosil qilish darslari bolalar xotirasiga mo'ljallangan bo'lib, ularda bilimlarni o'xshash sharoitlarga tatbiq qilish kabi o'quv yumushlariga ko'p vaqt ajratiladi. Bu o'z navbatida ijodiy topshiriqlarni ta'limga tatbiq etish uchun juda oz vaqt ajratishga olib kelmoqda.

Metodik adabiyotlarda o'tganlarni takrorlash va malaka hosil qilish darslarining uchta asosiy bosqichi ajratiladi: o'rganilgan bilim va faoliyat usullarini faollashtirish. Berilgan dalillarning qaysi ta'rif, qoidaga taalluqligini aniqlash, topshiriqni bajara turib, ta'rif, qoidalarni esga tushirish, qo'yilgan muammoning qaysi ta'rif, qoidaga ko'ra hal qilinishini belgilash va sh.k. Bunday o'quv holatlarida o'quvchilar bilim va faoliyat usullarini ongli, mustaqil faoliyat ko'rsatish yo'llari bilan esga tushirishadi. Kuzatilgan darslarda bu tipdagi ijodiy ishlar tashkil etiladi; o'rganilgan bilim va faoliyat usulini turli o'quv holatlariga tatbiq qilish. Darsning ikkinchi bosqichiga-bilim va faoliyat usullarini berilgan holatlariga tatbiq qilish jarayoniga mos keladi; o'rganilgan ta'rif, qoidalar o'zlashtirilgan tushunchalarning yangi-yangi qirralarini aniqlash bosqichi. O'rganilgan ta'rif, qoida bo'yicha dalillarni kuzata turib, uning yangi xususiyatlarini ajratish, bilimlarni yangi axborotlar bilan boyitish didaktik izlanishlarda kumilyasiya deb yuritiladi.

Kumilyasiya hodisasi - o'rganilgan bilim, faoliyat usullarini kengaytirish bilimlarni dastlabki o'rganishdan tortib, ta'lim jarayonining barcha bosqichlarida

5-шубба

muttasil davom ettirilsa, ta'limni ijodiy o'tkazishning samaradorligi shunchalik oshadi.

Ona tili darslarining navbatdagi turi **bilim va malakalarni umumlashtirish darsi** deb yuritiladi. Bu dars turida bilim, malakalar tushuncha darajasida o'zlashtiriladi. Ammo aksariyat maktab o'qituvchilari faoliyatida bu dars turi farqlanmaydi. Bilim va malakalarni o'zlashtirish darslarining o'zigagina xos qator belgilari bor: ikki yoki undan ortiq mavzuga oid dalillarni o'zaro taqqoslash.

Bilim va malakalarni umumlashtirish darslarining asosida tushuncha darajasida umumlashtirish yotadi. Tushuncha darajasida umumlashtirishda ma'lum grammatik hodisaning his qilinayotgan aniq belgilari emas, balki uning umumiy xususiyatlari nazarda tutiladi. Bunda asos qilib olingan xususiyat o'rganilgan hodisalarning bir qanchasi uchun mushtarak hisoblanadi. Mashg'ulotlarda yuqori darajada abstraksiyalashni ta'minlaydigan topshiriqlardan foydalaniladi. Masalan, otlarda birlik va ko'plikning qo'llanishini o'rgatish uchun birlik (guldon) va ko'plik (guldonlar) o'zaro taqqoslanadi: **-lar** qo'shimchasining boshqa belgilari (hurmat, kesatish, tur ma'nolarini bildirishi) hisobga olinmaydi, **-lar** qo'shimchasining umumiy xususiyati sifatida ko'plik ma'nosi, ko'plikning ziddi sifatida birlik ma'nosi ajratiladi. Umumlashtirish mashg'uloti shu ikki xil belgi-ko'plik va birlik atrofida tashkil etiladi.

Bilim va malakalarni umumlashtirish darslarida ham qator bosqichlarga rioya qilinadi: ikki yoki undan ortiq mavzuga oid dalillarni o'zaro taqqoslash; taqqoslash yo'li bilan umumiy xulosa chiqarish; chiqarilgan xulosani aytilgan o'quv holatlariga tatbiq qilish. Ko'pincha darslarda dalillarni taqqoslash, umumiy xulosalar chiqarish, xulosani aytilgan o'quv holatlariga tatbiq qilishga oid ijodiy ishlardan foydalanilmaydi.

Yuqoridagilardan ko'rinadiki, ona tili ta'lim mohiyatini chuqur anglagan holda o'quvchilarining real o'quv imkoniyatlarini pedagogik va metodik jihatdan atroflicha o'rganish, o'zbek tili o'qituvchilarini tayyorlash tizimini takomillashtirish, o'quvchilarda mustaqil fikrlash layoqatlarini tarbiyalash, uning o'z fikrlarini ona tilida ravon, tushunarli bayon qilish vositalarini, usullarini egallashlariga amaliy yordam qilish kabilar ona tili metodikasi sohasida ham eng zaruriy va dolzarb masalalar sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. –М.: Просвещение, 1977.
2. Roziqov O. va boshqalar. Ona tili didaktikasi. –Т.: Yangi asr avlodi, 2005.
3. G'ulomov A.Q. Ona tili o'qitish prinsiplari va metodlari. –Т.: O'qituvchi, 1992.

5-шуба

ОНА ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Муҳаббат Сулименовна Нарбаева,
Навоий вилоят Конимех тумани 10-сонли умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ.

Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани таълим муассасаларида таълим сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари шундан иборатки, маълум мавзу бўйича назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини беради. Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни ахборотлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Бундай замонавий ўқитиш технологиялари сифатида интерфаол ўқитиш методларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўқувчи тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб шундай ёзганди: “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ” [1;61].

Тарбия деганда, аввало, ёш авлодни келажак ҳаётга тайёрлаш тушунилади. Шунинг учун тарбия шахсни мақсадга мувофиқ шакллантириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёни – бу тайёрлаш, махсус ташкил қилинган тарбия фаолиятлари билан амалга оширилади. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган яхши хулқли одатларни ҳосил қилади.

Бугунги глобаллашув жараёни таълим соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқдаки, таълимнинг ривожини ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодкор бўлиши, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириб боришини тақозо этмоқда. Шундай экан, таълим жараёнида ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ҳар бир устоз ва мураббий ўқувчиларни баркамол инсон қилиб етиштириш учун уларни халқимиз инсонпарварлиги чашмаларидан ҳамда умумбашарий кадриятларидан баҳраманд бўлишларига эътибор бериб, урф-одатларимизни, миллий кадриятларимизни, буюк мутафаккирларимизнинг маънавий меросини яхши билиши ва уларни дарсларга тадбиқ этиши лозим. Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри тақсимлаш ғоят муҳимдир.

5-шуба

Ўқитувчи дарс жараёнида педагогик технология асосида ўқувчиларнинг онгидаги илғор кучларга таяниб, ижодий камолотига ижобий таъсир этиш натижасида дарсларни ташкил этишлари лозим. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги бу ижобий ҳамкорлик улар орасидаги ўзаро алоқа воситасини вужудга келтиради. Бунда тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараёни ташкил этиши усуллари, воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаланишга ва уларнинг уйғунлигини таъминлашга боғлиқ.

Ўқитувчи машғулот пайтида технологияларни қўллаганда ўқувчи билимини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ғоялар билан таққослаш, уларнинг ривожланиш йўллари ва усуллари аниқлаш, мосини танлаш, турли воситалар ва тарбиявий таъсир кўрсатиш усуллари ўзаро бир-бирига ўтишига аҳамият бериши керак. Таълим технологиялари қуйидагича йўналишларга бўлинади:

1. Замоनावий-анъанавий ўқитиш элементларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар.
2. Педагогик жараёнда шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар.
3. Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар.
4. Ўқув жараёнини самарали бошқаришга асосланган педагогик технология.
5. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.
6. Хусусий ўқув фанларига тегишли технологиялар.

Юқорида кўрсатилган таълим технологиялари йўналишларининг асосийси замонавий-анъанавий таълим бўлиб, у XVII асрда Я.А.Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирги дунёдаги мактабларда энг кўп қўлланилаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замоनावий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланмоқда.

Ривожлантирувчи таълим маълум бир вақтда, ўқувчининг таълимий, тарбиявий, маънавий, руҳий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уни жуда тез ўзгарувчан дунёга, жамиятга, ҳаётга мослашувини таъминловчи таълим назариясидир. Ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усуллари дарс жараёнида қўллаш, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самарадорлигининг ошишига сабаб бўлади. Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ҳам ўқувчиларда мантиқий, танқидий, таҳлилий, ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир. Вазифаси эса, шахснинг индивидуал камол топиши учун зарур бўладиган ҳаётий кўникма ва малакаларини ривожлантириш саналади.

Ўқувчиларда топшириқларни ечишга оид назарий тушунча ва амалий кўникма, малакаларни шакллантириш, уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши эса ривожлантирувчи таълимнинг ўзига хос хусусиятидир.

5-шуба

Муаммоли таълим, эвристик таълим, тадқиқотчилик таълими ривожлантирувчи таълимнинг асосий йўналишлари бўлиб, бу технология ва усуллар ёрдамида дарсларни ташкил этиш ўқувчиларни мустақил фикрлашга, хулоса чиқаришга ўргатади.

Юқоридаги фикрларимизни куйидаги технология ва усуллар ёрдамида далиллаймиз. Масалан, “ФСМУ” технологияси мунозарали масалаларни ҳал этиш, баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув-семинарини ташкил этиш ёки ўқув режаси асосида бирор бир бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин. Она тили ва адабиёт дарсларида ушбу технологияни қўллаш ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга ўргатади.

Ўқувчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам бериш “ФСМУ” технологиясининг мақсади ҳисобланади.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда:

- ўқитувчи ўқувчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

- ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир ўқувчи билан яқка тартибда ишланиши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб бориши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида ўқувчиларга маълумот беради;

- машғулот давомида ҳар бир ўқувчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатилади.

Иккинчи босқичда:

- ҳар бир ўқувчига “ФСМУ” технологиясининг 4-босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф-фикрингизни баён этинг.

С-фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг.

М-кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

У-фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир ўқувчи яқка тартибда қоғоздаги “ФСМУ”нинг 4-босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

Учинчи босқичда:

Ҳар бир ўқувчи ўз қоғозини тўлдириб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини сўрайди ёки ўзи турли усуллардан фойдаланиб ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлади.

Тўртинчи босқичда:

❖ гуруҳларга катта форматдаги қоғоз тарқатилади;

❖ ҳар бир ўқувчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб, фикр ва далилларни умумлаштирган ҳолда катта форматга ёзадилар;

❖ фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши керак.

5-шуба

- ❖ Бешинчи босқичда:
- ❖ кичик гуруҳ умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар;
- ❖ Олтинчи босқичда:
- ❖ ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, айтилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;
- ❖ куйидаги саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилади;
- ❖ ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?
- ❖ ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара беради?
- ❖ ўқитувчи юқоридаги босқичлар асосида ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштиради .

Бундан ташқари, она тили ва адабиёт дарсларида “Бумеранг”, “Венн диаграммаси”, “Икки ёқлама кундалик”, “Зинама-зина” технологиялари ҳамда “Ақлий ҳужум”, “Гуруҳларда ишлаш”, “Ролли ўйин”, “Тақдимот”, “Галерия”, “Нуктаи назаринг бўлсин”, “Маъруза”, “Давра суҳбати”, “Муаммоли вазият” усулларидан фойдаланиш мумкин [2].

Она тил ва адабиёт дарсларида ривожлантирувчи таълим технологиялари ҳамда усулларидан фойдаланиш таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб боради. Оддий ўқувчини мутоала қиладиган, мутоала қиладиган ўқувчини тушунадиган, тушунадиган ўқувчини таҳлил қиладиган, таҳлил қиладиган ўқувчини хулоса чиқарадиган ўқувчига айлантиради. Таълим жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг узатган билимлари кўлами билан эмас, ўқувчиларнинг қабул қилган, ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларининг кўлами билан ўлчанади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: 2008.
2. Ишмухамедова Р., Абдуқодирова А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т.: 2008.

ШОИРА ГУЛИСТОН МАТЁҚУБОВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Зарина Аҳадовна Олимова,
Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тарихи қадимий бўлганидек, уларнинг адабиётлари ўртасидаги алоқаларнинг тарихи ҳам худди шундай. Қорақалпоғистонда ўзбек ва қорақалпоқ ҳамда бошқа миллат вакиллари узок

5-шуба

асрлардан бери ёнма-ён, дўст-биродар бўлиб яшаб келмоқда. Улар нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, балки адабиёт ва санъатда ҳам бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Бундай яқинликларни, ҳамкорликларни ўрганиш, тадқиқ қилиш нафақат у ёки бу фан тармоғининг ривожланишига хизмат қилади, айти пайтда халқлар ва адабиётлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига ҳам ҳисса бўлиб қўшилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек, қозоқ, туркман тилида ижод қиладиган ижодкорлар мавжуд. Айнан қорақалпоқ ва ўзбек тилларида бирдек ижод қилиб, адабиёт хазинасини хилма-хил асарлари билан бойитишда ҳисса қўшиб келаётган бир қанча ижодкорлар қаторида Г.Матёкубова, Г.Раҳимова, Й.Кўчқоров, А.Оқназаров, Н.Матякубова, Қ.Шаниязов, Қ.Юнусова, М.Юсупова, З.Нурматова, З.Янгибаева, У.Нуриллаева кабилар алоҳида ўринга эга. Бу рўйхатни яна кўплаб ижодкорлар номаларини санаш билан давом еттириш мумкин.

“Лирика — инсон қалбини, замондошимиз қалбини кашф этиши, унинг орзу ва интилишларини, муқаррар драмаларини идрок этиши демакдир. Кишиларнинг руҳий олами нечоғлик чуқур пайқаб ва илғаб олинса, шеърят шу қадар бой ва таъсирчан бўлади. Лекин кашф этиши фикр қилиш, ўйлаш демакдир. Ҳозирги замон шеърятининг моҳияти, ривожланишининг асосий йўналиши ҳам ана шундадир” [2], - деб ёзган эди Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия. Ушбу қимматли фикрлардан шуни англаш мумкинки, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ижод қилиб келаётган ижодкорларнинг бадиий меросини илмий тадқиқ этиш, улар асарларининг мазмун-моҳияти, илгари сурган ғоялари, ижодкорларнинг бадиий маҳорати муаммоларини таҳлил ва талқин этиш, адабиётшуносликдаги долзарб муаммолардандир. Ушбу тадқиқотлар адабий жараён муаммолари, лирик асар табиати, ижодкорларнинг ўзига хос маҳорати билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларга эга бўлишимизга ёрдам беради.

Қолаверса, Қорақалпоғистонда яшаб ижод қиладиган , ўзбек тилида асарлар ёзиб ҳар икки адабиётга ҳам тенг даражада муносиб ҳисса қўшаётган ижодкорлар асарларини ўрганиш, уларни тарғиб қилиш икки адабий жараён ҳамкорлигини мустаҳкамлаганидек, халқларимиз дўстлиги тараққиётини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, Гулистон Матёкубова ўзининг шеърят, дostonчилик, наср ва драматургия соҳаларида баракали ижод қилиб келаётган ижодкорлардан бири бўлиб, адабиётшуносликда шоира ижодининг тадқиқ этилиши бугунги адабиёт, адабий

5-шуба

алоқаларнинг бугунги кўринишлари, ижодкор услуби, индивидуаллиги ва бадий маҳорати масаларига оид муҳим хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Айниқса, шоира қаламига мансуб “Ҳаяжоннинг етти ранги” (1982), “Ойдин остона” (1983), “Севиб қолсин” (1985), “Дарёларга ботаётган қуёш” (1998), “Излаганларим” (2002), “Ойбалдоқ” (2001), “Муҳаббат юрти” (2002), “Ота уйим” (2013) каби асарларнинг бадий қиммати унинг ижодини монографик тарзда ўрганиш зарурати мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари суришимиз учун асос бўла олади. Чунки ушбу асарларда шоиранинг лирик қаҳрамони юрти, юртдошлари учун қайғурадиган, меҳр-муҳаббатга, фидойиликка лиммолим қалб эгаси сифатида ўзига хос олами билан кўз олдимизда гавдаланади. Қолаверса, шоира қаламига мансуб шеърлар бадий жозибадорлиги билан ҳам диққатни тортади. Масалан, ушбу шеърида шоира шундай ёзади:

*Очил бугун кўнглим эшиклари
Болаликни куйла бор овозингла
Ёшлик завқи билан тўлиб кетсинда
Чекка кўчадаги кичик бир кулба*

Бу шеърий парчада эса *кўнглим эшиклари* бирикмаси метафорик маънода қўлланган. *Кўнглим* сўзи ўз маъносида, эшик сўзи кўчма маънода берилган.

Маълумки, *эшик* сўзи уй ё бирор бинонинг ҳимоя воситаси маъносини билдиради. *Кўнглим эшиклари* бирикмаси перифрастик метафора бўлиб, *эшик* сўзининг семантик таркиби Ватанини севувчи инсон қалбидаги Ватанпарварлик туйғусининг чексизлигига ишора қилади.

Г.Матёкубова асарлари тўғрисида ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослигида диққатга сазовор фикрлар айтилган, шоира ижоди эътироф этилган ва шунингдек, ижодкорнинг китобларига тақризлар ёзилган. Жумладан, Б.Назаров, Ж.Бозорбойев, Н.Худайбергенов, П.Шермухамедов, С.Бахадирова, Қ.Мақседов, К.Курамбаев, Қ.Ўразимбетов каби ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшуносларининг матбуотда ва бошқа илмий-адабий манбалардаги чиқишлари, мақолалари фикримизга асос бўла олади. Бироқ ушбу қарашлар умумий характерда бўлиб, уларда ижодкор асарлари алоҳида тадқиқот учун таҳлил объекти сифатида танланган эмас.

Шоира асарларида Ватан ва истиқлол мавзусининг кенг куйланиши, халқона оҳанглар ва инсон руҳиятининг чуқур талқин қилиниши, ижодкор асарларининг ўзига хослиги ҳамда бадий жозибаси алоҳида тадқиқот учун асос ва манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ижоди фақат Қорақалпоғистондагина эмас, Ўзбекистон ва жаҳон адабиёти майдонида ҳам танилган, асарлари марказий нашрётларда босилиб келаётган, китобхонлар назарига тушиб мухлислар орттирган, ҳатто адабий жамоатчилик, мутахассисларнинг ижобий баҳосига

5-шуба

муносиб бўлган шоира – Г.Матёкубова ижодининг тадқиқ қилиниши адабиётшуносликда зарурий аҳамиятга эга бўлган масалалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёзувчилар адабиёт ҳақида. / Интернет сайти: www.ziyonet.uz
2. Матёкубова Г. Ота уйим. – Нукус: 2013.

**СИНФДАН ТАШҚАРИ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРДА ХАЛҚ
МАҚОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Гулнора Баходировна Шодиева,
Қарши шаҳар 27-ўрта умумтаълим мактабининг
бошланғич синф ўқитувчиси**

Маълумки, ўтилган мавзулар юзасидан билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш мақсадлари синфдан ташқари педагогик жараёнларда амалга оширилади. Шунга кўра, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига миллий тарбия беришда синфдан ташқари педагогик жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён бадиий асарларни мустақил ўқиш, ўрганиш, ўзлаштириш каби таълимий машғулотларни қамраб олади. Мустақил ўқиш эса ўқитувчининг ўқувчилар билан биргаликдаги таълим - тарбиявий ишлари натижасини ифодалайди.

Бу ўринда бошланғич таълим ёшидаги болалар учун нашр қилинган “Синфдан ташқари ўқиш китоб”ларининг аҳамияти беқиёсдир. Чунончи, “таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам юксак маънавиятли, ахлоқий етук фазилатларга эга бўлган ёш авлодга таълим ва тарбия беришга қаратилгандир” [1;105]. “Китобим – офтобим” номи остида чоп этилаётган бундай китоблар савияси болаларнинг ёш педагогик – психологик хусусиятлари ва билим доираларига мослиги билан аҳамиятли. Китоблар оғзаки бадиий ижоднинг гўзал наъмуналари билан бойитилган. Болалар учун сараланган бадиий асарларнинг алоҳида китобларда келтирилиши, албатта ижобий ҳодиса. Чунки бундай савиядаги манбаларнинг кўп ва хўп бўлиши ўқувчиларга берилиши лозим бўлган билим ва малакаларни янада мустаҳкамлайди. Хусусан, халқ мақолларида акс этган маънавий тушунчалар фикримиз далили бўла олади.

Мақоллар – жамият аъзоларининг маънавий камолотида муайян аҳамиятга эга бўлиб, унда миллий ва бошқа тарбия йўналишларига оид фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Халқ мақолларида Ватанга муҳаббат, элпарварлик, меҳнатни улуғлаш, юксак одоб-ахлоқ, илм-фан ва таълим-тарбия ҳақидаги оммабоп педагогик билимлар мавжуд. “Мақоллар халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарлар воситасида бизгача етиб келган” [2;11].

5-шубба

Бошланғич синф “Ўқиш китоби” дарсликларида “Мақол” жанри намуналари ҳар бир мавзу ёки бўлим сўнгида мустақил вазифа сифатида келтирилади. “Китобим – офтобим”нинг барча нашрларида ҳам халқ мақолларининг сара намуналари ҳавола этилади. Таъкидлаш жоизки, айти ўринларда мақоллар билан шуғулланиш методикасига амал қилиш лозим. Масалан, 4-синф ўқув режасида ўзбек халқ мақоллари бўйича алоҳида мавзу бор. Аммо дарсликда мақол ҳақида назарий маълумот берилмаган. Шунинг учун ўқитувчи тайёргарлик жараёнида халқ мақолларининг бадиий хусусиятлари кенг ва теран ёритилган илмий адабиётларни диққат билан ўқиб-ўзлаштириши лозим. Синфдан ташқари педагогик жараёнларда ҳам ана шу ҳолга амал қилиш яхши натижа беради. Бунда фольклоршунос олимлар Б.Саримсоқов ва Т. Мирзаевлар томонидан “Ўзбек халқ мақоллари” номли икки жилдлик академик нашрига ёзилган “Сўз боши”, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовлар томонидан тайёрланган “Ҳикматнома” Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати, профессор О.Сафаровнинг “Денгиздан қатралар” тўпламига ёзган “Сўз боши”лари мақол назарияси бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл”, “Она билан бола, гул билан лола” [3;30] *“Оз сўзла – соз сўзла”, “Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан”, “Билимдан ортиқ бойлик йўқ”* [4;28]. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчиларни мақол жанри ҳақидаги бошқа тўлиқ маълумотлар билан таништириб бориши зарур. Чунки халқ мақолларида фикр тўғри ва кўчма маъноларда ифодаланиши ёки бир мақолнинг ўзида ҳар иккисининг мужассам бўлиши мумкин. Масалан, *“Она юртинг – олтин бошинг”* мақоли – ўз маъносида *“Қуруқ қошиқ – оғиз йиртар”* – кўчма маъносида, *“Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади”* мақоли эса ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маъноларда қўлланилган. Шунинг учун 1-2-синфларда ўз маъносидаги, 3-4-синфларда эса кўчма ва қоришиқ маъноли мақоллардан фойдаланган маъқул. Танланган мақоллар ўқувчилар дунёқарашини бойитиши, онги ва тафаккурини ўстириши лозим.

Мақоллар талқини мукаммал, ўқувчиларга берилаётган билимлар ўта чуқур, дидактика қоидаларига тўлиқ ва аниқ бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Чунки халқ мақолларида фикр тўғри ва кўчма маъноларда қўлланиши, шунингдек, бир мақолнинг ўзида ҳар иккиси мужассам бўлиши мумкин. Қуйи синфларда ўз маъносидаги, юқори синфларда эса кўчма ва қоришиқ маъноли мақоллардан фойдаланган маъқул. Ўрганилаётган ёки маъноси ўхшаш мақоллар қайта-қайта такрорланаверса, улар сийқаланади, ғашга тегади. Бу борада “Ҳикматнома” Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғатидан ижобий фойдаланиш самарали натижа беради [5;42].

Маълумки, ўзбек мақолларининг кўпгина қисми изоҳсиз ҳам тушунарли бўлади. Лекин баъзи мақоллар борки, улар изоҳ талаб қилади. Ўқитувчи синфдан ташқари педагогик жараёнларда ўқувчи диққатини ана шундай мақолларга йўналтиримоғи лозим. Мисолларга мурожаат этамиз:

“Аввал ўйла, кейин сўйла” [3;14]. Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги

5-шуба

таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўзи (гапи)ни аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялтириб қолишига, ҳатто аянчли аҳволга солиб қўйишига сабаб бўлиши мумкин. “Сўзни кўнгилда пиширмагунча тилга кетурма. Ва ҳар неким кўнгилда бор – тилга сурма” (Навоий) Варианти: “Ўйламагунча сўйлама”, “Кўп ўйла, оз сўзла”, “Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла” (қатим – игнага бир марта ўтказиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан қулоч қилиб ёзилган қўлнинг учи орасидаги масофага тенг ип); “Дилда пишир, тилда гапир”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир” [5;12]. “Ўйланмаган жойдан тулки чиқар, ўйланмаган сўздан қулки чиқар”; “Англамай айтган тингламай ўлар, чайнамай ютган кавшамай ўлар”. Англашиладики, юқоридаги мақол изоҳида шу мақол билан мазмундош бўлган вариантларни келтириш орқали ўқитувчи ўқувчилар билим ва дунёқарашларини бойитишга эришади.

“Амри падар – аршдан аъло” [5;17] Арш – диний ақидага кўра, фазонинг энг юқори нуқтаси, худонинг макони. Мақолда отанинг сўзи, амри, буйруғи ана шу аршдан ҳам улуғлиги таъкидланади ва фарзандларга отанинг айтганини бажо келтириш лозимлиги уқтирилади. Вариант: “Уругингга сўз айтсанг, орасини узиб айт, Отанг ишга буюрса, намозингни бузиб айт”. Ислום эътиқодига кўра намозни бузиш, намоз ўқиётган вақтда биров билан гаплашиш, бошқа нарсага чалғиш – гуноҳ ҳисобланади. Бу мақолда ҳам фарзанднинг отасига бўлган ҳурмати бениҳоя улуғланади. “Отанг сени ишга буюрса, ҳатто намозингни бузиб бўлса ҳам, унга “лаббай” деб жавоб бер, деб ўқтирилади”.

“Болалик – подшолик” [4;34] Варианти: “Болалигим – бойлигим” [5;58]. Болалик – инсон умрининг энг ширин, ғам-ташвишлардан ҳоли бўлган энг бахтли даври. Мақолда бу қимматли давр жуда катта бойликка, ҳатто подшоликка ташбиҳ этилган.

“Боланинг эркаси – битнинг сиркаси” [5;60]. Сирка – битнинг майдаси. У битдан ҳам ёмон бўлади. Кишининг ундан қутулиши қийин. Бир туркум мақолларда болани асло эрка қилиб ўстирмаслик зарурлиги уқтирилади: “Қизгинамнинг эркаси – итгинамнинг сиркаси”, “Қизни эркалатсанг, ирнингга тегар, Ўғилни эркалатсанг, бурнингга тегар” (ирн – остки лаб, дудок); “Эркалатса онаси, талтаяди боласи”; “Отаси бўлишганинг ўғли урушқоқ бўлар, онаси бўлишганинг қизи йиглоқ бўлар” (Бу билан “Ёш болаларнинг бошқалар билан бўлган муносабатида ота-она ўз ўғил-қизи ноҳақ бўлса ҳам, уларга ҳадеб бўлишаверса, улар “ёнимни оларкан-ку”, деб баттарроқ хатти-ҳаракатда бўлади ва енгил табиатли, урушқоқ, аразчи, сал нарсага йиғлайдиган, эркатой бўлиб ўсади, дейилмоқчи).

“Эрка боқилган қулун текис ерда ҳам қоқилади” [5;61]. (Қулун – отнинг бир яшар боласи). Одатда қулунни болаларга миндириб паст-баланд, ўнқир-чунқур жойлардан чоптириб, ёшлигидан ўргатадилар. Шунда у агар бирор жойга қоқилса, йиқилса, бора-бора бундай қилмайдиган бўлади. Борди-ю, уни аяб, эркалатиб боқсалар, ёшлигидан чиниқмайди, катта бўлганда текис ерда ҳам қоқиладиган бўлади. Асл маъноси: “Агар бола ёшлигидан меҳнатга, қийинчиликка кўниктирилмаса, катта бўлганида турмуш кечиршида салгина

5-шубба

қийинчиликка ҳам бардош беролмайди”, “Эрка ўғил ёвга ярамас”, “Якка-ёмон, яккадан эрка ёмон”.

“Дўстни сўраб сина” [5;100]. Мазмуни “Дўстнинг содиқлигини синамоқчи бўлсанг, ундан атайлаб бир нарса сўраб кўр. Хўп деб берса, сенга чин дўстлиги, содиқлиги билинади. Бўла туриб бергиси келмаса, баҳона қилса, ҳақиқий дўст эмаслиги билинади. Дўст танлашда шунга қараб иш кўр”. Варианти: “Ҳисобдан адашсанг ҳам, дўстдан адашма”, “Ҳар кимни дўстим дема, танадаги нўстим дема”, “Ҳар кимга дўст тутунган – ҳеч кимга дўст бўлолмас”, “Кўринганни дўст билма, кейин пушаймон бўлма”, “От синови бир бўлар, дўст синови минг бўлар”, “Минг йўлдошдан бир сирдош яхши”, “Янги дўстнинг ўн биридан – эски дўстнинг бири яхши” [5;101]. “Ёмон дўст – қора булут сояси”. (Осмонга қора булут чиқса, ёмғир, сел, дўл ёғмай қўймайди. Мазкур мақолда ёмон дўст ана шундай кишиларнинг дилини хира қилувчи қора булутга ташбеҳ этилган).

“Илм кўпу умр оз, керагини олу тошга ёз”. “Илм кўп, умр оз, зарурини ўқи!” деб ҳам қўлланиладиган мазкур мақол билан “Дунёда илм ҳаддан ташқари кўп, кишининг умри эса чекланган. Шундай экан, ҳамма билимларни ҳам эгаллайман, деб овора бўлма, барибир унга тўлиқ эришолмайсан. Бунга сабр-бардошинг ҳам, вақтинг ҳам, умринг ҳам етмайди. Илмлар орасидан ўзингга керагини, ўз ҳаётини мақсадингга мос келадиганини танлагин-да, уни пухта эгалла, токи ўқиб-ўрганган, билган нарсаларинг худди тошга ўйилган ёзувдек миянга абадий ўрнашиб қоладиган бўлсин”, деб насиҳат қиладилар” [5;156].

Синфдан ташқари адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мақолларини йиғиш, ёзиб олиш, жамлаб ўрганиш каби мақсадли ҳаракатлари ҳам киради. Бу ўринда мақсад тушунчаси ажодлардан – авлодларга мерос бўлиб келаётган халқ мақолларига хурмат билан ёндашиш ва уларни ҳақиқий ворис сифатида ўрганиш, таҳлил ва тадбиқ этиш маъсулиятини изоҳлайди. Бу алоҳида мавзу.

Хулоса қилиб айтганда, синфдан ташқари педагогик жараёнлар ўқувчилар билимини мустаҳкамлашга қаратилган таълим тури саналади. Унда халқ мақолларидан фойдаланиш орқали бошланғич синф ўқувчиларига миллатимизга хос тарбиявий сифатларни сингдириш, аввалдан мавжуд бўлган таълимий тушунчаларни янада бойитишнинг самаралироқ йўллари излаб топиш каби вазифаларга диққат-эътибор қаратилади. Зеро, гўзал хулқли, чуқур билимли ва чиройли сўзлаш фазилятларини ўзида мужассам эта олган авлодгина комиллик даражасига кўтарила олади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам айтиш мумкин шу жиҳатлар билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек педагогикаси тарихи. А.Зуннунов таҳрири остида. –Т.: Ўқитувчи, 1997.

5-шубба

2. Ўзбек педагогикаси антологияси. (Тузувчи – муаллифлар: Ҳошимов К., Очилов С.). –Т.: Ўқитувчи, 1995.
3. Китобим – офтобим. 2-синф учун синфдан ташқари ўқиш китоби. 11-нашри. –Т.: Ўқитувчи, 2016.
4. Китобим – офтобим. 4-синф учун синфдан ташқари ўқиш китоби. 10-нашри. –Т.: Ўқитувчи, 2015.
5. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1991.

МУНДАРИЖА

2-шубба. Адабий манбани матний тадқиқ этишнинг устувор вазифалари

| | | |
|-----|---|----|
| 1. | Нурбой Жабборов. Матншуносликда илмий-танқидий матн муаммосининг ўрни..... | 4 |
| 2. | Баҳриддин Умурзоқов. Фахриддин Алий Сафий Кошифий асарларининг Тошкент кўлэзма фондларидаги нодир нусхалари... | 10 |
| 3. | Кўлдош Пардаев. Муқимий дастхатлари..... | 18 |
| 4. | Сунатулла Сойинов. “Қиссаи Сайқалий” достони кўлэзма нусхалари ҳақида..... | 23 |
| 5. | Тўлқин Сайдалиев. Аслият бадииятини таржимада қайта яратиш маҳорати..... | 27 |
| 6. | Барчиной Яркинова. Турсунбой Адашбоевнинг таржимонлик маҳорати..... | 31 |
| 7. | Шермуҳаммад Амонов. Аҳмад Табибий рубоийлари ҳақида..... | 34 |
| 8. | Сурайё Дўстова. “Тазкираи шуаро”нинг яна бир кўлэзмаси..... | 37 |
| 9. | Барно Бўронова. “Юлдузли тунлар”нинг туркман тилига таржимасида шеърий парчалар ўғирмаси ҳақида..... | 40 |
| 10. | Ғуллом Бобожонов. Балоғат илмида гап фасоҳатига оид қоидалар..... | 44 |
| 11. | Шоҳсанам Ниязова. Ўзбекистон интернет журналистикасида диний-маърифий веб-манбалар..... | 48 |
| 12. | Камолиддин Жўраев. Алишер Навоий ва Носирхожа Валади Мансурхожа дostonлари..... | 51 |
| 13. | Shahnoza Isroilova. Shoir Sodiqiy g‘azallari manbalari haqida..... | 58 |
| 14. | Quvonchoy Nurmetova. “Majmuayi si shuaroysi payravi Feruzshohiy” tazkirasidagi sultoniy g‘azallari haqida..... | 61 |

3-шубба. Умумфилологик тадқиқотлар: талқин ва таҳлил муаммолари

| | | |
|-----|--|----|
| 15. | Дурдона Лутфуллаева. Ўзбек тилида ном яратишга кўйиладиган талаблар..... | 64 |
| 16. | Дармон Ўраева., Раъно Зарипова. “Иқбол Мирзонинг “Бону” романида этнографик фольклоризмлар ва фразеологизмлар..... | 68 |
| 17. | Tolib Enazarov., San‘atbek Xajiyev. O‘zbek tilini o‘qitishda dialektal so‘zlarga e‘tibor (Hazorasp shevasidagi ba‘zi bir dialektal so‘zlar misolida)..... | 72 |
| 18. | Жамолиддин Жўраев. Алишер Навоий асарларида кўлланилган шеърият тафсилотлари..... | 78 |
| 19. | Дилором Бабаханова. Шахс нутқига таъсир этувчи типологик ва психологик омиллар..... | 81 |
| 20. | Bahodir Fayzullayev., Dilnoza Fayzullayeva. Xalq dostonlari | |

| | | |
|-----|---|-----|
| | tilining dialektal asoslari (Alpomish dostoni misolida)..... | 84 |
| 21. | Шаҳноза Алмаматова. Абдулла Қаҳҳор ижодида ўхшатишлардан фойдаланиш маҳорати..... | 87 |
| 22. | Дилноза Абдувалиева. Алишер Навоий тарихий асарларида қўлланган жой номлари хусусида..... | 91 |
| 23. | Феруза Жумаева. Интеграл семанинг семантик майдон структурасидаги ўрни..... | 94 |
| 24. | Моҳира Усманова. Морфем таркиби соддалашган бирликлар..... | 96 |
| 25. | Салима Жумаева. Илҳомбахш поэзиянинг нафосатли таровати..... | 99 |
| 26. | Наргиза Мирзаева. Замонавий болалар матбуоти сарлавҳасининг психолингвистик аспекти ва роли..... | 101 |
| 27. | Зубайда Жумаева. “Нон” – рамзий компонентининг лингвокультурологик тадқиқи..... | 105 |
| 28. | Умида Мавлянова. Хитой тилида сон ва рақамларнинг ифодаланиши..... | 108 |
| 29. | Шукрия Назирова. XX асрнинг 90-йиллар аёллар адабиётида услубий изланишлар ва тематик ранг-баранглик..... | 112 |
| 30. | Анора Жабборова. Фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик тадқиқи..... | 116 |
| 31. | Гулсара Зиёдуллаева. Грамматик қоидалар - тилшуносликнинг амалий йўналишини кучайтириш омили сифатида..... | 119 |
| 32. | Анвар Аҳмедов. Хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда инновацион технологиялар ва усуллардан фойдаланиш - замон талаби..... | 123 |
| 33. | Фарход Мирзаев. Юридические термины в немецком языке и их отражение в современной лингвистике..... | 127 |
| 34. | Нафиза Radjabova. Ketma-ket tarjima jarayonida semantografiyaning oʻrni..... | 130 |
| 35. | Firuz Abdusalomov. “Oʻtkan kunlar” va “Kecha va kunduz” romanlarida buyuq gaplar qiyosiy tahlili..... | 132 |
| 36. | Фарход Абдуллаев. Ўзбек ва инглиз тилларидаги жиноят ҳуқуқи терминларининг қиёсий таҳлили..... | 134 |
| 37. | Дилдора Закирова. Обучение будущих специалистов - сотрудников органов внутренних дел деловому письму..... | 139 |
| 38. | Гулчехра Бегматова. Идиоматик бирликларни миллий корпусда акс эттиришнинг илмий-амалий аҳамияти..... | 141 |
| 39. | Ботир Тожибоев. “Миллий-маданий бирликлар” тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида..... | 143 |
| 40. | Зилола Йигиталиева. Танқид ва баҳо модус манбааси сифатида..... | 148 |
| 41. | Хайрулла Ибрагимов. Тўра Сулаймоннинг антонимлардан фойдаланиш маҳорати..... | 149 |
| 42. | Лутфулла Синдоров. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асаридаги синонимия | |

| | | |
|-----|---|-----|
| | ходисаси..... | 153 |
| 43. | Қахрамон Райимов. Лексик синонимлар синонимик парадигма сифатида..... | 156 |
| 44. | Rafiqjon Zaripov. Sivilizatsiya va uning dunyo lisoniy qiyofasiga ta'siri..... | 158 |
| 45. | Мадина Жўраева. Мумтоз араб тилшунослигида Абдурахмон Жомийнинг тутган ўрни..... | 162 |
| 46. | Матлуба Яқубова. Шоир Эркин Самандар шеърларида фонопоэтик ва фонографик воситалар..... | 165 |
| 47. | Бобур Сулаймонов. “Теорема” романида антропонимик метафоралар..... | 168 |
| 48. | Komil Qarshiyev. She'riyatda lakonizmning voqelanishida metonimik ifodalarning lingvopoetik xususiyatlari (Jamol Kamol she'riyati misolida)..... | 171 |
| 49. | Malika Bekiyeva. O'tkir Hoshimovning “Ikki eshik orasi” asarida uchraydigan maqollar, hikmatli so'zlar tarjimasini va tahlili..... | 175 |
| 50. | Азамат Холиқов. Ўзбек тили грамматик шакллар стилистикасини ўрганишнинг назарий асослари..... | 179 |
| 51. | Отабек Хидиров. Тил корпусида синтактик аннотация (разметка) турлари..... | 182 |
| 52. | Shahnoza Azimjonova. Adabiy muhit tushunchasi reallashuvida milliylik, adabiy an'ana hamda vorislik..... | 185 |
| 53. | Zarina G'aniyeva. Usmon Azim she'rlari matnining leksik-sintaktik xususiyatlari..... | 190 |
| 54. | Зумрад Холматова. Педагогик терминларга доир лингвистик бирликларнинг ўзига хослиги..... | 193 |
| 55. | Gulchehra Qo'shmonova. Bolalar folklorida badiiy takrorlarning o'rni va mohiyati (“Alla” janri misolida)..... | 196 |
| 56. | E'zoza Alimova. To'g'ri talaffuzdan nutq madaniyati sari..... | 198 |
| 57. | Zulayho Mahmudova. “O'zbek tili morfem lug'ati” dagi yo'l qo'yilgan ayrim kamchiliklar..... | 201 |
| 58. | Нурсултон Шайхисламов. Ўзбек ва рус тилларида қўлланилувчи <i>инвестиция</i> ва кредит терминларининг қиёсий-типологик таҳлили..... | 204 |
| 59. | Сабина Жумаева. Топишмоқларнинг тил хусусиятлари ва тасвирий воситалари..... | 206 |

4-шубба. Ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги ва бадий маҳорат масалалари

| | | |
|-----|--|-----|
| 60. | Усмон Қосимов. Адабий танқид ҳақида баъзи мулоҳазалар..... | 210 |
| 61. | Шоира Дониёрова. “Озод” романида фалсафий-рамзий талқинлар..... | 215 |
| 62. | Дармон Ўраева., Акбар Жумаев. Немис ва ўзбек эртақларида | |

| | | |
|-----|--|-----|
| | бургут образининг қиёсий таҳлили..... | 220 |
| 63. | Шафоат Ҳасанова. “Қуш тили”да ижодкор бадиий маҳорати масаласи..... | 224 |
| 64. | Жалолиддин Жўраев. Муаммонинг жанр хусусиятларига оид қарашлар..... | 227 |
| 65. | Шоҳсанам Давронова. Истиқлол даври романчилигида адабий анъаналар..... | 237 |
| 66. | Лайло Шарипова. Замонавий ўзбек шеърлятида дарахт образи..... | 239 |
| 67. | Иқболлой Адизова. Увайсий шеърлятида далиллаш санъати..... | 242 |
| 68. | Маърифат Ражабова. Халқона ибораларнинг навоиёна талқинлари..... | 245 |
| 69. | Нодира Соатова. Бир роман хусусида..... | 249 |
| 70. | Марҳабо Қўчқорова. “Тўрўғли ёхуд ҳаёт суви” романида абсурд адабиётга хос бадиий унсурлар..... | 252 |
| 71. | Зилола Амонова. Ҳофиз Хоразмий – Насимий издоши..... | 256 |
| 72. | Абдусалом Самадов. Ҳожи Муин ва Маҳмудхўжа Бехбудий..... | 259 |
| 73. | Назора Бекова. Навоий-Фонийнинг форсий рубоийлари таҳлилига доир..... | 262 |
| 74. | Шахло Ботирова. Модернистик тасвир ва миллий руҳият уйғунлиги (“Мувозанат” романи мисолида)..... | 265 |
| 75. | Марғуба Абдуллаева. “Тўрт улус тарихи” асарида лирик жанрлар..... | 270 |
| 76. | Дурдона Зоҳидова. Навоий ижодида Ватан мавзусининг бадиий талқини..... | 275 |
| 77. | Ҳилола Сафарова. Самандар Воҳидовнинг “Юракнинг қайтиши” достони бадиияти..... | 276 |
| 78. | Пошшажон Кенжаева. Турк халқ оғзаки ижодида эртак жанри... 280 | |
| 79. | Муқаддас Тожибоева. Шарқ мумтоз адабиёти “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг эпик омили эканлиги хусусида..... | 283 |
| 80. | Abbos Tursunqulov. “Murodxon” dostonining janr xususiyatlari..... | 286 |
| 81. | Yulduz Karimova., Sohib Boysinov. Boburning adabiy-tanqidiy qarashlariga doir..... | 288 |
| 82. | Dilnavoz Salimova. Oybek lirikasida tabiat tasviri..... | 291 |
| 83. | Лола Ахророва. Чин гаплар кўнгилда бўлади (Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси ҳақида)..... | 295 |
| 84. | Madina Matyaqubova. Ogahiyning kichik janrlardagi she’rlarida falsafiy, ma’naviy –axloqiy qarashlar ifodasi..... | 298 |
| 85. | Комилжон Ҳамраев. Асар композициясида “учлик” қонуниятининг поэтик талқини..... | 306 |

| | | |
|-------------|--|------------|
| 86. | Орзигул Ҳамроева. Поэтика илмининг муҳим манбаси (Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ус-сехр” асари асосида)..... | 310 |
| 87. | Алишер Раззоқов. Навоий шеърлятида ақл тимсолининг тасаввуфий моҳияти..... | 313 |
| 88. | Бобур Элмуродов. Ўзбек ва лотин америкаси публицистикасида параллел қахрамонлар кифаси..... | 317 |
| 89. | Юлдуз Эшматова. Шойим Бўтаев - бадий характер устаси..... | 321 |
| 90. | Муродулла Жўраев. Комедия жанрида комик ҳолат ва конфликтнинг ўрни..... | 324 |
| 91. | Паризод Туропова. “Қайтмас тўлқинлар” романида миллий кадриятлар тасвири..... | 328 |
| 92. | Shohista Ahmedova. Bir she’r xususida..... | 336 |
| 93. | Гулбахор Бекташева. Бегали Қосимов тадқиқотларида Бехбудий ижодига муносабат..... | 338 |
| 94. | Дилдора Ҳакимова. Шукур Холмирзаев қиссаларида давр ва шахс ифодаси..... | 342 |
| 95. | Меҳринисо Каюмова. Ҳалдун Танернинг “Кешанлик Али достони” таҳлили..... | 346 |
| 96. | Сарвар Атажанов. Эркин Самандар ижодида оддий фольклоризмлар ва уларнинг асар бадииятидаги роли..... | 349 |
| 97. | Феруза Султонқулова. Усмон Азим шеърлятида булут образи..... | 352 |
| 98. | Jamoldin Yoqubov. Bugungi o‘zbek she’riyatida arbain an’anasi..... | 356 |
| 99. | Шерхон Қораев. Муҳаммад Шайбонийхон адабий мажлислари..... | 359 |
| 100. | Mehriniso Choriyeva. Tamkin Buxoriy ijodida g‘azal janri va uning poetik tili..... | |
| 101. | Gulbahor Ernazarova. Abdulla Oripovning “Hikmat sadolari” turkumiida komil inson konsepsiyasi..... | 366 |
| 102. | Shahlo Latipova. “Siz bilmaydigan zamonlarda” va “G‘oz” hikoyalariida milliy va umumbashariy fojialar ko‘lami..... | 368 |
| 103. | Насиба Норова. Усмон Кўчқор лирикасида фасллар образи..... | 373 |
| 104. | Барчин Шукурова. Ҳикояда “Тилладев” ҳақидаги халқ мифологиясининг бадий аҳамияти (Л.Бўрихоннинг “Йигит илтижоси” ҳикояси мисолида)..... | 377 |
| 105. | Мунаввара Хидирова. Тоғай Мурод ижодий лабораториясига доир кузатишлар..... | 380 |
| 106. | Oltinoy Qurbonova. Abdulla Oripov she’riyatining o‘ziga xos talqini..... | 384 |
| 107. | Зарнигор Соҳибова. Абдулла Ориповнинг баҳор ҳақидаги икки | |

| | | |
|------|---|-----|
| | шеъри хусусида..... | 387 |
| 108. | Muhabbat Azimova. Sadriddin Salim Buxoriy she'riyatida badiiy san'atning o'rnini..... | 390 |
| 109. | Сапура Неъматова. Мутасаввуфлар нигоҳида диний мотивлар талқини..... | 393 |
| 110. | Дилфуза Авазова. Фурқат “Ҳажнома”си ва Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари” туркумининг қиёсий таҳлили..... | 398 |
| 111. | Mohinur Sayliyeva. Margaret Mitchellning “Shamollarda qolgan hislarim” asari g'oyaviy badiiy tahliliga doir..... | 403 |
| 112. | Mastona Teshaboyeva. Ulug'bek Hamdam hikoyalarida shakl va mazmun birligi..... | 406 |
| 113. | Doniyorbek G'ulomov. Syujetning tarixiyligi xususida..... | 409 |
| 114. | Feruzaxon Hakimova. Stefan Sveyg hikoyalarida ayol obrazi tasviri..... | 412 |
| 115. | Zavqiddin Burxonov. “Qisasi Rabg'uziy” da Namrud obrazi tasviri..... | 415 |
| 116. | Zufnunabegim Axrorova. “Tazkirat ul - avliyo” da nafs masalasi..... | 418 |
| 117. | Sitora Oltmishova. Zebunniso ijodidan bahra olib..... | 420 |

5-шубба. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси масалалари

| | | |
|------|--|-----|
| 118. | Нусратулло Жумахўжа. Дарслик - синов ва мунозара майдони эмас..... | 423 |
| 119. | Tolib Enazarov, Gulrux Jumanazarova, Jahongir Jumanazarov. “O'zbek dialektologiyasi”ni o'qitish va bu sohada tadqiqotlar olib borish metodikasi xususida..... | 438 |
| 120. | Valijon Qodirov. Adabiy ta'limda insho yozma shakldagi uy vazifasi sifatida..... | 442 |
| 121. | Zulxumor Mirzayeva. Adabiy ta'limga konseptual yondashuvning nazariy asoslari..... | 446 |
| 122. | Бахтиёр Файзуллоев., Мазбут Собитов. Адабий таълимда ноанъанавий дарсларнинг ўрни..... | 452 |
| 123. | Сурайё Эшонқулова. Танлов фандан маҳорат сабоқлари..... | 456 |
| 124. | Маҳбуба Собирова. Ҳамкорлик таълими технологияси..... | 463 |
| 125. | Muhabbat Jumaniyozova. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida so'z yasalishiga oid bilimlarni shakllantirish vazifalari..... | 467 |
| 126. | Сайёра Холмирзаева. Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодини ўргатиш..... | 470 |
| 127. | Ҳусан Бердиев. Адабиёт таълимида ифодали ўқиш ва унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни..... | 474 |
| 128. | Нилуфар Абдуллаева. Интеграциялашган мазмун технологияси ва ўқув жараёнини қуришнинг ўзига хос хусусияти..... | 476 |
| 129. | Назира Янгибаева., Динора Бегдуллаева. Она тили дарсларида бадий мутолаанинг аҳамияти..... | 483 |
| 130. | Ma'rifat Hodiyeva. Raqamli iqtisodiyotni ta'lim mazmuniga olib | |

| | |
|--|-----|
| kirish orqali masofaviy ta'lim tizimini yanada mukammallashtirish – zamonaviy ta'limning asosi..... | 487 |
| 131. Feruza Akmalidina. Leksikologiya bo'limini o'rganishda mantiqiy yondashuvning o'rni..... | 491 |
| 132. Акмал Абдуллаев. 5-синф ва 6-синф адабиёт дарсларида шеърлий санъатларни ўрганиш бўйича назарий маълумотлар бериш зарурияти..... | 493 |
| 133. Sherozkxon Muzaffarov. Some thoughts on the issues of developing reading skills and critical thinking of b1 level learners..... | 497 |
| 134. Xolidin Shomhammadov. The role of modern teacher in enhancing speaking skills..... | 499 |
| 135. Xolida Rahmonqulova. Maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqiy qobiliyatlarini rivojlantirishda o'zbek xalq ijodining vositalari orqali tarbiyalash..... | 501 |
| 136. Xurshida Mamatova. O'quvchilarga til qurilishini emas, til imkoniyatlaridan foydalanishni o'rgatish kerak..... | 505 |
| 137. Bunisa Tadjiboyeva. Tafakkurni o'stirishda ona tili darslarining o'rni..... | 508 |
| 138. Lobar Egamova. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutqni shakllantirish..... | 510 |
| 139. Odina Salimova. Tengsiz ijodkor..... | 512 |
| 140. Laylo Karimova. O'zbek tili darslarining adabiy o'qish mavzularida fanlararo integratsiyaning amalda qo'llanilishi..... | 515 |
| 141. Kamola Qambarova. Xorijiy tillarni o'qitishda xatolarni tuzatish texnikasi xususida..... | 521 |
| 142. Aybubek Aldanova. Ona tili fanini o'qitishda o'quvchilarning yozma savodxonligini yozma ishlar asosida oshirish metodikasi..... | 524 |
| 143. Muyassar Jumaniyozova. Ona tili ta'limini ijodiy tashkil etish..... | 527 |
| 144. Мухаббат Нарбаева. Она тили фанини ўқитишда ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усулларининг аҳамияти..... | 530 |
| 145. Зарина Олимова. Шоира Гулистон Матёкубова ижодини ўрганиш..... | 533 |
| 146. Гулнора Шодиева. Синфдан ташқари педагогик жараёнларда халқ мақолларидан фойдаланиш имкониятлари..... | 536 |

“ФИЛОЛОГИЯНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ ИЛМ-ФАН ФИДОЙИСИ – ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ
ҲАСАНОВ САИДБЕК РУСТАМОВИЧ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ
ЁРҚИН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН
РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2-китоб, 2-5-шубалар)

Мухаррир Сухроб Ҳошимов

Мусахҳиҳ Сурайё Эшонкулова

Саҳифаловчи Аброл Ҳидоятлов

Нашриёт лицензияси №АІ 242, 04.07.2013 й. Офсет қоғози. Босишга рухсат
этилди 12.09.2020 й. Формат 70x108 1/16. Гарнитура “Times New Roman”.
Босма табоқ 34.0. Адади 100 нусха. Буюртма №80

«VneshInvestProm» масъулияти чекланган жамиятининг матбаа бўлимида
чоп этилди. 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.